




АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР
ИНСТИТУТ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ ИМ. АБУ РЕЙХАНА БИРУНИ




АБУ РЕЙХАН
БИРУНИ

﴿ 973 - 1048 ﴾



ИЗБРАННЫЕ
ПРОИЗВЕДЕНИЯ

I



ИЗДАТЕЛЬСТВО «ФАН» УЗБЕКСКОЙ ССР
ТАШКЕНТ - 1968

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ



АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

﴿ 973 ~1048 ﴾



ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР

I



ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1968

Китоб буюк ўзбек энциклопедист олими Абу Райҳон Беруний (XI аср) асарининг араб тилидан ўзбек тилига таржима-си бўлиб, унда турли халқларда вақтни ўлчаш усуллари баёни ва таҳлили берилган. Берунийнинг бу асари барча мамлакатларда турли даврда кишиларнинг йил ҳисоблаш системалари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши борасида бой фактик материал беради. Шу билан бирга, китобда тарих, астрономия ва бошқа соҳалар бўйича ҳам кўпгина қизиқарли маълумотлар бор.

Китоб шарқшунослар, астрономлар, филологлар ҳамда Урта Осиё халқларининг фани ва маданият тарихи билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Таржимон А. РАСУЛОВ
Изоҳларни И. АБДУЛЛАЕВ ва А. РАСУЛОВ тузган

Масъул муҳаррирлар:

И. АБДУЛЛАЕВ, О. ФАЙЗУЛЛАЕВ

ал-Беруний, Абу-р-Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад.
Асарлар. /Таржимон А. Расулов. Изоҳларни
И. Абдуллаев ва А. Расулов тузган. Масъул муҳар-
рирлар: И. Абдуллаев ва О. Файзуллаев/. Т. Т
«Фан», 1968.

(Ўзбекистон ССР Фан. акад. Абу Райҳон
Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти).

Т. I. /Қадимги халқлардан қолган ёдгорлик-
лар/. Кириш сўзи И. Абдуллаев ва О. Файзуллаевники/.
488 бет.

1968.

1. Абдуллаев И.

52(09) + 5(09)



БЕРУНИЙ ВА УНИНГ «ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЕДГОРЛИКЛАР» АСАРИ

Абу-р-Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний¹ ўрта асрнинг энг буюк олимларидан биридир. Беруний ўз замонасининг ҳамма фанларини — физика, математика ва табиий-тарихий фанларни эгаллаган буюк энциклопедисти эди.

Беруний фақат олимгина бўлиб қолмай, ўз замонасида Хоразмнинг кўзга кўринган сиёсий арбобларидан бири ҳам эди.

Беруний 362 йили 3 зулҳижжада Хоразмнинг қадимги Кот шаҳрида туғилади. Кот шаҳри X асрда хоразмшоҳлар — африғийлар сулоласининг пойтахти ва Урта Осиёнинг энг йирик савдо марказларидан бири эди. Хоразм билан Хитой, Ҳиндистон, Яқин Шарқ давлатлари, Кавказ ва Шарқий Европа ўртасида савдо-сотиқ ва маданий алоқалар ривожланган эди. Хоразм савдогарлари асосан мўйна, қорамол ва балиқ билан савдо қилиб, узоқ-узоқларга сафарга чиқардилар. Хоразм шаҳарларида ҳунармандчилик (тўқувчилик, кулоллик, заргарлик каби) тараққий этган бўлиб, бу шаҳарларда илм-фаннинг ривожланишига ҳам баракали таъсир кўрсатди. Қадимий Хоразмда астрономия, математика, геодезия, математик география каби фанлар анча ривожланганлиги маълум. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, Кот шаҳрига Шарқ мамлакатларидан, шунингдек, Шарқий Европадан келган турли халқлар, ҳатто румликлар ва сурияликлар ҳам тўпланган эди.

Замондоши Ибн Сино каби Берунийнинг муфассал таржимаи ҳоли ёзиб қолдирилмаган. Олимнинг насл-насабини унинг нисбасига қараб аниқласак², олим шаҳарда эмас, шаҳардан четроқдаги бир қишлоқда туғилгани ва шу ерда ёшлик чоғларини ўтказгани маълум бўлади. Урта Осиёнинг машҳур олимларидан Абдулкарим ас-Самъоний (1165 йилда ўлган) «Китоб ал-ансоб» («Насаблар китоби») номли аса-

¹ Берунийнинг куняси ва нисбаси аслида ана шундай ёзилиши керак (арабчада *أبو الريحان محمد بن أحمد البيروني*) лекин қулайлик учун Абу Райҳон Беруний ёзиб келинмоқда.

² Берун ёки бирун (*بيرون*) сўзи ташқари, шаҳар ташқариси, Беруний эса шаҳардан ташқарида яшовчи киши маъносини билдиради.

рида бундай ёзади: «Беруний деган нисба Хоразмнинг³ ташқари қисмига оиддир. Кимки шаҳардан ташқарида туғилган бўлса, бундай одамни «фалончи беруний» дейдилар. Мунажжим Абу Райҳон шундай нисба билан машҳурдир»⁴.

XIII аср бошида яшаган машҳур сайёҳ ва географ Ёқут Ҳамавий ўзининг «Иршод ал-ариб ило маърифат ал адиб» китобида Берунийнинг Абу-л-Ҳасан деган номаълум бир шахсга қарата ёзган шеърини келтиради. Бунда олим бобоси ва отасининг кимлигини билмаслиги, онаси эса «ўтин ташувчи» (Беруний буни қуръоннинг 111-сурасига ишора қилиб гапиради) бўлганини эслатиб ўтади⁵. Бу Берунийнинг юқори табақага мансуб бўлгани оиладан келиб чиққанлигидан гувоҳлик беради. Унинг куняси «Абу Райҳон» («райҳоннинг отаси» ёки «райҳонли киши») ҳақида аниқ бир фикр айтиш қийин. И. Ю. Крачковский (1883—1951) бу атоқли от маъносини англатиши эҳтимолдан узоқ, аммо «райҳонли киши» маъносида лақаб бўлиб келган бўлса керак, дейди⁶. Беруний болалик чоғидаёқ ботаникага қизиққани учун шундай лақаб берилган бўлиши ҳам мумкин.

Берунийнинг ёшлигиданоқ илм-фанга қизиқиши, қобилияти кучли бўлган. Лекин унинг бошланғич таълимни кимдан ва қаерда олгани ҳақида муфассал маълумотларга эга эмасмиз. Уша вақтда Хоразмда фаннинг турли соҳаларида шухрат қозонган кўплаб олимлар яшаган. Беруний, шубҳасиз, шулардан ўқиб, таълим олган бўлиши керак. У фаннинг деярли ҳамма соҳалари билан шуғулланди. Ўзининг она тили бўлмиш хоразм тилидан ташқари яна бир қанча тилларни: сугдий, форс⁷, сурёний, юнон ва қадимги яҳудий тилларини эгаллади. Кейинчалик олимнинг Ҳиндистонда бир қанча вақт ҳаёт кечириши унга ҳинд маданияти билан чуқур танишиш ва санскрит тилини ўрганиб олиш имконини берди. Қадимги юнон классик илми билан танишди, астрономия, география, ботаника, математика, геология, тарих ва этнография, фалсафа ва филология соҳаларини чуқур эгаллаган йирик олим бўлиб етишди. Беруний шоир ва адабиётшунос ҳам эди. У ўз замонасининг машҳур олими Абу Наср Мансур ибн Ироқ қўлида таълим олади. Абу Наср ибн Ироқ астрономия, геометрия ва математикага оид бир қанча асарлар ёзиб, шулардан 12 тасини Берунийга бағишлайди. У Берунийни Евклид геометрияси ва Птолемейнинг астрономик таълимоти билан таништиради. Устоз билан шогирд ўртасидаги дўстлик узоқ вақтларгача давом этади. Беруний устозининг номини ҳамма вақт зўр ҳурмат билан тилга олади.

³ Бу ерда Хоразмнинг ўша даврдаги пойтахти — Кот шаҳри кўзда тутилган.

⁴ The Kitāb al-Ansāb of Abū al-Kārim ibn Muḥammad al-Samʿānī reproduced in Facsimile, Leyden-London, 1912 л. 98 б; И. Ю. Крачковский, Избранные сочинения, т. IV, М—Л., 1957, стр. 245.

⁵ *ياقوت حموى ارشاد الاريب الى معرفة الاديب ج ٦، لندن ١٩١٢ص.* ٣١٣ (Бундан кейин: Иршод ал-ариб), И. Ю. Крачковский, Избранные сочинения, т. IV, стр. 245.

⁶ И. Ю. Крачковский, Избранные сочинения, IV, стр. 245.

⁷ Беруний «Ат-Тафҳим л-авоийл синоат ат-танжим» («Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар») номли астрономия ва астрологияга оид китобини форс тилида ёзган деган фикр ҳам бор. Лекин И. Ю. Крачковский бунга шубҳа билан қарайди (Избранные сочинения, IV, стр. 258).

Абу Наср Мансур ибн Ироқ ўзининг илмий асарларидан бирида ёзишича, Беруний Хоразмда яшаган даврда ҳали жуда ёш олим бўлишига қарамай, 384—385 (милодий 994—995) йиллари Кот шаҳрида муҳим астрономик қузатишлар ўтказган. Бу қузатишлар учун ўзи астрономик асбоблар ихтиро этган. Лекин у фақат Жайхун (Амударё) нинг чап қирғоғида Хоразм шаҳридан жанубда жойлашган қандайдир бир қишлоқ учун энг узоқ ва энг юқори эклиптика нуқтасини ва азимутсиз эклиптикани аниқлашга муяссар бўлган, холос⁸.

Хоразм зодагонлари ўртасидаги тўхтовсиз тахт талашлари олимга ўз қузатишларини давом эттиришга имкон бермади.

994—995 йиллари Хоразм ва, умуман, Ўрта Осиёда муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Қорахонийлар бошлиқ кўчманчи қабилалар сомонийлар давлатига қарши ҳужум бошладилар. Бунинг натижасида Хоразмда ҳам давлат тўнтариши бўлиб, Кот Урганч амири Маъмун I (995—997) томонидан босиб олинади. Шу билан шаҳарда ҳукмронлик қилаётган африғийлар сулоласи тугатилади. Тахтдан туширилган амир хизматида бўлган Беруний ҳаёти ҳам хавф остида қолади ва 22 ёшида у бошпана қидириб, ватанини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Олим бир қанча вақт Каспий денгизининг жануби шарқидаги Журжон шаҳрида муҳожирликда яшайди. Сўнг ҳозирги Техрон яқинида жойлашган қадимги Рай шаҳрига боради. Беруний Райда анча оғир ҳаёт кечириди, моддий қийинчиликда, фақирликда яшайди. «Осор ал-боқия»да Рай шаҳрида бир киши билан астрономияга доир масалада баҳслашгани ҳақида ҳикоя қилиб, у киши илмда Берунийдан анча паст турса ҳам, ўзини олимдан юқори тутгани, ҳатто уни ҳақорат қилишдан тоймаганини сўзлайди. «Ваҳоланки,— дейди Беруний,— орамизда фақат бойлик ортиқчалиги ва мақтовларни ёмонликларга, фахрларни айбларга айлантирувчи камбағаллик бор эди, холос. Чунки мен у вақтда ҳамма томондан қийинчиликка учраб, паришонҳол эдим»⁹. Беруний «Минералогия» асарида ҳам Рай шаҳрида яшаганини эслатиб, «Менинг Райда Исфаҳон савдогарларидан бир дўстим бор эди, унинг уйда меҳмонда бўлардим»¹⁰, дейди.

Олим Райдан яна Журжонга қайтиб келади ва бу ерда ўзининг иккинчи устози — табиб, астроном ва файласуф Абу Саҳл Исо ал-Масихий билан танишиб, ундан таълим олади. Уша вақтда Хоразм ва умуман Каспий олди вилоятларида зиёрийлар сулоласи (928—1042) ҳукмронлик қилиб, бу сулоланинг машҳур вакили Қобус ибн Вашиғир (403/1012—1013 йилда ўлдирилган) ёш олимни ўз ҳимоясига олади. «Шамс ал-Маолий» («Олий мартабалар қуёши») лақаби билан машҳур бўлган бу подшоҳга Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарини бағишлайди ва унинг номини асарда бир неча марта тилга олиб ўтади. Беруний Райдан Журжонга 1000 йиллардан кейин келган бўлса керак. Ёқут Ҳамавий Берунийнинг Журжондаги ҳаёти ҳақида жуда муҳим маълумотлар қолдирган. У олимнинг ҳамма қўлёзма асарлари билан танишиб чиққанини ҳикоя қилади. Ёқутнинг ёзи

⁸ А. М. Беленицкий, Очерк жизни и трудов Бируни, «Собрание введений для познания драгоценностей (минералогия)», М., Изд-во АН СССР, 1963, стр. 273 (бундан кейин: «Минералогия» деб берилади).

⁹ Шу китобнинг. 395-бетига қаранг.

¹⁰ «Минералогия», 212-бет.

шича, Қобус ибн Вашмгир Берунийга вазирлик лавозимини таклиф қилган, лекин олим бунга рози бўлмаган¹¹.

400/1010 йили Беруний Абу-л-Аббос Маъмун II ибн Маъмун (997—1017) томонидан мамлакатнинг янги пойтахти Урганчга келтирилади. Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича, Хоразмшоҳ Берунийни ўз саройига жойлаштиради ва уни олим сифатида жуда иззат-икром қилади¹². Маъмун II фан ва адабиёт ҳомийси бўлиб, Урганчда «Маъмун академияси» номли илмий марказ барпо этган эди. Бу «Академияга» Урта Осиё ва умуман ислом шарқининг бир қанча олим, шоир ва ёзувчиларини тўплаган эди. Булар орасида буюк олим Абу Али ибн Сино, Берунийнинг устозлари Абу Саҳл ал-Масихий ва Абу Наср ибн Ироқ, табиб Абу-л-Ҳасан Ҳаммор, машҳур тарихчи Ибн Мискавайҳ (1030 йилда вафот этган) кабилар бор эди. Беруний «Академия» фаолиятида актив иштирок этади ва муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, у шоҳ Маъмун II нинг энг яқин маслаҳатчиси сифатида мамлакат сиёсий ишларида ҳам фаол қатнашади. Лекин «Маъмун академияси» 1017 йилгача давом этди.

Абу-л-Фазл Байҳақийнинг «Масъуд тарихи» китобида Берунийнинг «Машоҳир Хаворизм» («Хоразмнинг машҳур кишилари») номли (бизгача етиб келмаган) асаридан парчалар келтирилган. Бунда Беруний хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун II нинг яхши фазилатларини тавсифлаб, унинг саройида етти йил хизмат қилганини ҳикоя қилади¹³.

Маъмун II саройидаги юксак ҳурмат ва мавқе олимга камёб металллар ва қимматбаҳо тошлар устида энг мураккаб кузатиш ва тажрибалар ўтказиш имконини берди. Бу кейинчалик «Минералогия» китобининг юзага келишига замин яратди.

Беруний Урганчда яшаган даврида Ибн Сино билан ёзишмалар олиб борган. Бизгача уларнинг савол-жавобларидан фақат 18 таси етиб келган¹⁴.

Бу ёзишмалар Берунийнинг табиат фалсафаси ва физика масалалари билан қанчалик қизиққанидан гувоҳлик беради. Савол-жавобларда фазо, иссиқликнинг тарқалиши, жисмларнинг иссиқдан ва сувнинг эса музлаш вақтида кенгайиши, нурнинг қайтиши ва синиши каби масалаларда икки олим тортишади. Савол-жавобларнинг мазмунидан Аристотелнинг ақл билан ҳис этиш орқали чиқарган хулосаларига Беруний ўзининг кузатиш ва тажриба орқали аниқлаган хулосаларини қарши қўйгани, Ибн Сино эса Аристотелни ҳимоя қилгани маълум бўлади.

408/1017—1018 йилларга келиб Урганчда яна нотинчлик даври бошланади. Мовароуннаҳрда қорахонийлар давлати барпо этилади. Хуросон ва Афғонистонда эса машҳур Маҳмуд Газнавий (998—1030)

¹¹ «Иршод ал-ариб», VI, 308-бет.

¹² Уша жойда.

¹³ Абу-л-Фазл Бейхакки, История Масуда, Ташкент, 1952, стр. 588—589. Берунийнинг «Машоҳир Хаворизм» асари ҳақида «Масъуд тарихи» китобининг 25—26-бетлари ва «Минералогия» нинг 280—281-бетларида (таржимонлар томонидан) қисқа маълумот берилган.

¹⁴ Бу асарнинг тош босма нусхаси ва ўзбек тилига таржимаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 2385 номерли арабча қўлёзма асосида нашр этилган: «Беруний билан Ибн Синонинг савол-жавоблари», Тошкент, 1950. (Бу савол-жавоб ҳақида Беруний «Осор ал-боқия» да ҳам эслатиб ўтади.

ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Қорахонийлар билан Маҳмуд ўртасида тузилган шартномага мувофиқ Амударё улар давлатининг чегараси қилиб олинади, Хоразм Маҳмуд давлатига қарам бўлиб қолади ва кейинчалик Маҳмуд томонидан босиб олинади. В. В. Бартольднинг кўрсатишича, Беруний ҳам Маҳмуднинг босқинчилик режаларига қарши бўлган воқеаларда бевосита иштирок этган¹⁵.

Хоразмнинг Маҳмуд, Ғазнавий томонидан босиб олиниши Беруний учун жуда оғир бўлди. У хоразмшоҳ саройидаги барча олимлар қаторида Маҳмуднинг асири сифатида Ғазна шаҳрига олиб кетилади ва олимнинг ҳаёти қаттиқ таҳлика остида қолади. Маҳмуд Беруний ва унинг яқин кишиси бўлган хоразмлик олим Абдуссамад Аввални қатл этиш ҳақида фармон беради. Лекин Маҳмуднинг вазири Хўжа Ҳасан ўртага тушиши туфайли олимнинг ҳаёти сақлаб қолинади.

Кейинчалик Маҳмудга яқин кишилар воситачилигида Беруний билан султон ўртасидаги низолар кўтарилиб, олим учун яна осойишта ҳаёт кечириш имкони туғилади¹⁶.

Берунийнинг 1017—1048 йилларда Ғазнада кечирган ҳаёти бир томондан, ниҳоят оғир бўлса, иккинчи томондан, унинг илмий фаолияти учун энг маҳсулдор давр бўлди. Ғурбатда ҳаёт кечирган ва давлат ишларига аралашшдан халос бўлган олим ўзининг бутун бўш вақтини илмий тадқиқот ишларига сарф этди.

Султон билан унинг муносабатлари қай даражада бўлгани ҳақида аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Аммо Беруний 13 йил Маҳмуднинг қўл остида яшади. «Минералогия» асарида ёзишича, Маҳмуд Берунийни баъзан ҳақоратлар ва у билан қўпол муомала қилар экан¹⁷. Лекин Маҳмуд олим билан фикр алмашишган ва унинг хулосаларига қўшилган пайтлари ҳам бўлган. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, «Хоразмнинг машҳур кишилари» ва «Таҳдид ниҳоят ал-амокин ли тасҳиҳ масофот ал-масокин» («Турар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг охиригача чегараларини аниқлаш») асарлари шу даврда ёзилган¹⁸. Беруний «Таҳдид ниҳоят ал-амокин ли тасҳиҳ мусофот ал-масокин» асарида Ерни етти иқлимга бўлиб текширади, узоқ вилоятлар ҳақида жуда кўп қимматли ва муҳим маълумотлар келтиради. Бу асар фақат география ва астрономия эмас, балки бошқа фанлар соҳасида ҳам муҳим илмий аҳамиятга эгадир. Масалан, Беруний палеонтологик кузатишларга суянгани ҳолда геологик масалаларга тўла илмий асосда ёндашган¹⁹.

¹⁵ В. В. Бартольд, Сочинение, I, «Туркестан в эпоху монгольского нашествия», М., 1963, стр. 337—338.

¹⁶ А. А. Семенов, Бируни — выдающийся ученый средневековья Сб. «Бируни — великий ученый средневековья», Ташкент, 1950, стр. 38.

¹⁷ «Минералогия», стр. 29.

¹⁸ Бу асарнинг тўла арабча нусхаси 1962 йили филология фанлари кандидати П. Г. Булгаков томонидан Қоҳирада чиқадиган «Араб қўлёзмалари институти» номли журналнинг 8-сонида босилган. Худди шу йили Анқарада ҳам арабча нусха Муҳаммад ат-Танжий томонидан бостирилади. Бу асарнинг русча таржимаси ҳам П. Г. Булгаков томонидан нашр этилди. (Абу Рейхан Бируни, Избранные произведения, III, Геодезия, Ташкент, «Фан» нашриёти, 1966).

¹⁹ А. М. Беленицкий, Юқорида кўрсатилган мақола, «Минералогия», 281-бет.

Берунийнинг бизгача етиб келган яна бир муҳим асари «Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар»дир. У ҳам 1029 йили Фазнада ёзилган. Асар бизгача форс ва араб тилларида етиб келган. Бу асар бир қанча фанлар ҳақида тушунча берувчи муҳим манбадир.

1030 йили эса «Ҳиндистон» номи билан машҳур бўлган энг йирик асари «Таҳқиқ мо ли-л-Ҳинд мин маъқула мақбула фи-л-ақл ав марзула» («Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш») юзага келади²⁰. Бу шоҳ асарга Ғарб-ва Шарқ олимлари, шу жумладан, ҳозирги ҳинд олимлари ҳам жуда юксак баҳо берганлар. Академик В. Р. Розен: «Шарқ ва Ғарбнинг қадимги ва ўрта асрдаги бутун илмий адабиётида бунга тенг келадиган асар йўқ»²¹,— деб ёзган эди. Ҳиндистон ҳақида қадимги ва ўрта асрда яшаган жуда кўп олим ва сайёҳлар томонидан турли-туман хотирот ва китоблар ёзилган. Лекин буларнинг ҳеч бири Берунийнинг «Ҳиндистон» асари билан тенглаша олмайди.

Маҳмуд Ғазнавий ўзининг босқинчилик урушларини Ҳиндистондай бой мамлакат томон йўналтирди. У ҳинд халқини ғайри динлар, ислом душманлари деб, уларни қирғин ва талон-торож этиб, асрлар давомида барпо этилган маданиятини оёқ-ости қилади. Шундай бир ҳолатда Ҳиндистон ва ундаги маданият ҳамда фан ютуқларини ростгўйлик, ҳаққонийлик билан тасвирлаб бериш жуда қалтис иш бўлиб, Берунийдан журъат ва матонат талаб қилар эди. «Минералогия»нинг баъзи жойларидаги маълумотлардан аниқланишича, Беруний Ҳиндистонга қилинган юришлардан бирида Маҳмудга ҳамроҳ бўлиб борган. У Ҳиндистонда қачон ва қанча вақт яшагани аниқ эмас. Аммо Маҳмуд томонидан Хоразмдан олиб кетилгандан кейин бир оз вақт Ҳиндистоннинг шимолидаги Нандиа қалъасида яшагани ва у ерда ер шарни айланасини ҳисоблаш мақсадида ўлчаш ишлари олиб боргани маълум²². Санскрит тилини пухта ўрганиб олиш Берунийга ҳинд маданияти, адабиёти ва Ҳиндистоннинг ўша даврдаги машҳур олимлари билан яқиндан танишиш ҳамда бу мамлакат ҳақида шундай ўлмас ва қимматбаҳо асар яратиш имконини берди. Бу даврда у «Ҳиндистон» асарини ёзиб тугатди.

«Ҳиндистон» асари ёзиб тугатилган йили Маҳмуд Ғазнавий вафот этади. Ўз ўрнига кичик ўғли Муҳаммадни ворисликка тайинлаган эди, лекин бир неча ойдан кейин унинг катта ўғли Масъуд (1030—1041) укасини тахтдан ағдариб, давлатни ўз қўлига олади. Масъуд даврида Берунийнинг аҳволи анча яхшиланади. Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича, Масъуд астрономияга қизиққан ва илмий кузатишларга алоҳида эътибор билан қараган. Беруний Масъудга араб тилини яхши ўрганиб олишига ёрдам берган. Масъуд ҳам олимни ўз ҳимоясига олиб, инъом ва ҳадялар билан тақдирлаган²³.

²⁰ «Ҳиндистон» рус ва ўзбек тилларига таржима қилинган: Абу Рейхан Беруний, Избранные произведения, т. II, «Индия», Ташкент, 1963; Абу Райхон Беруний, Танланган асарлар, II том, «Ҳиндистон», Тошкент, 1965. Таржималарга ёзилган муқаддималарда ва бошқа Беруний ҳақидаги илмий ишларда бу асарнинг аҳамияти ҳақида батафсил тўхтаб ўтилган.

²¹ В. Р. Розен, Рецензия на издание арабского текста Индии, ЗВО, РАО, III, СПб., 1881, стр. 147.

²² А. М. Беленицкий, Юқорида кўрсатилган мақола, «Минералогия», 282-бет.

²³ «Иршод ал-арйб», VI, 311-бет.

Беруний «Масъуд қонуни» асарининг муқаддимасида шундай ёзади: «у [Масъуд] умримнинг қолган қисмида илмга хизмат қилишим учун очиқ юз билан имконият берди, чунки у менга зийнат либосини кийгизиб иноят кўрсатди. Абадий соясида осойишталик ёпқичини устимга солди ва инъом булутларини ёғдирди. Шулар билан бирга мени ўзига яқин тутди, кетма-кет суҳбатига чақириб, яхши қабул этди»²⁴.

Шунинг учун ҳам Беруний ўзининг астрономияга оид махсус асари «ал-Қонун ал-Масъудий» («Масъуд қонуни»)ни ўз ҳимоячиси султон Масъудга бағишлади. Китобнинг қачон ёзиб тугатилгани аниқ маълум эмас. Беруний ўз асарлари учун 1035/1036 йили ёзган «Фихрист»да бу китоб ҳали ёзиб тамомланмаганини эслатиб ўтади. Асар Масъудга бағишлангани учун унинг подшоҳлиги даврида — 1040 йилгача ёзилган бўлса керак.

Ўрта аср олимлари Берунийнинг бу асарини жуда юксак баҳолаганлар. Ёқутнинг ёзишича, «унинг [Берунийнинг] «ал-Қонун ал-Масъудий» китоби математика ва астрономия бўйича унгача ёзилган ҳамма китоблар изини ўчириб юборган»²⁵.

Беруний ўз асарлари рўйхатини тузгандан кейин яна иккита муҳим асарини ёзган. Булардан бири «Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами» («Минералогия») ²⁶дир. Олим бу рисо-лани ёзишда узоқ вақт материаллар тўплади. Қимматбаҳо тошларни қазиб олиш ва улар билан савдо қилиш маркази ҳисобланган Ҳиндистон ва Афғонистонда яшаш Беруний учун ушбу асарни ёзишда муҳим роль ўйнади. Бу рисола ўз замонасида Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ, ҳатто Европада ҳам энг яхши ва тенги йўқ асардир. Беруний бу китобида фақат назарий билан кифояланиб қолмай, қимматбаҳо тошларни ишлаш усуллари ва улар билан қандай савдо қилиш каби жуда кўп амалий масалаларни ҳам ёритиб беради. Бу асар конларни ўрганиш, шу жумладан, Ўрта Осиё ер ости бойликларини текшириш учун жуда қимматбаҳо ҳазина бўлиб хизмат қилади. Асарнинг «Темир» бобида қадимги русда металл ишлаш техникасига оид жуда муҳим маълумотлар бор²⁷. Рисолада ҳар бир қимматбаҳо тош ёки металлни тавсифлаш жараёнида араб классик шоирларининг ўша қимматбаҳо тош ва металл ҳақида ёзилган шеърларидан парчалар ҳам келтирилади.

Берунийнинг охириги асари «Доривор ўсимликлар ҳақида китоби» («Китоб ас-сайдона фи-т-тибб») ²⁸дир. Асар «Сайдона» номи билан машҳур бўлиб, унда Шарқ, айниқса, Ўрта Осиёда ўсадиган доривор ўсимликларнинг тўла тавсифи берилади.

Берунийнинг қачон вафот этгани ҳақида аниқ бир фикр айтиш

²⁴ كتاب القانون المسعودى ج ١، حيدر آباد ١٣٧٣ھ/١٩٥٤ م، ص، ٣.

Бу асар ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида рус ва ўзбек тилларига таржима қилинмоқда.

²⁵ «Иршод ал-ариб», VI, 312-бет.

²⁶ Бу рисоланинг танқидий тексти биринчи марта немис арабшуноси Ф. Кренков томонида 1355/1936—1937 йили Ҳайдаробод шаҳрида нашр этилган.

²⁷ «Минералогия», 234- ва 237-бетлар.

²⁸ Бу асар устида филология фанлари кандидати У. И. Каримов илмий иш олиб бормоқда ва унинг русча таржимасини тайёрламоқда.

қийин. «Сайдона» китобида ўзининг 80 ёшдан ошганлигини ёзади. Демак, у 1050—1051 йилларда вафот этган бўлса керак²⁹.

Беруний асарларининг қўшимча рўйхатини тузган, XIII асрнинг иккинчи ярмида яшаган машҳур ҳақим ва хаттот Ғазанфар ат-Табризий олимнинг вафот этган йилинигина эмас, ҳатто кунини ҳам кўрсатиб, у 440 йил 3 ражаб ойда (1048 йил 13 декабрь)³⁰ деб аниқ ёзган. Чунки ат-Табризий «Сайдона» асарини кўчирган. Ёқут эса Беруний таржимаи ҳолини ёзиб тугатар экан, Абу Райҳон ҳижрий 403 (милодий 1012—1013) йили кексайиб вафот этди, деб ёзади. Бу сана, албатта, нотўғри, 403 йил эмас, 443 йил бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Шунда Беруний 1051—1052 йилларда вафот этганлиги келиб чиқади.

Ёқут Ҳамавий олим ҳаётининг энг охири дақиқаларида унинг ёнида бўлган бир кишининг ҳикоясини келтиради. Бу Берунийнинг яқин кишиларидан қозий Валволийий бўлиб, бундай дейди: «Мен Абу Райҳон ҳузурига у оғир нафас олаётган, хириллаб жон бераётган вақтда кирдим. У мендан «Меросларни нотўғри бўлиши ҳақида айтганларингни такрорлаб бер»,— деди. Мен унга раҳм қилиб: Шундай аҳволда-я!— дедим. У эса: «Эй фалони, мен учун бу масалани билиб дунёдан ўтиб кетиш, уни билмай ўтиб кетишдан афзалроқ эмасми?»— деди. Мен у [масалаларни] такрорлаб беришга мажбур бўлдим. У бундан ёдда сақлади. Кейин менга бу ҳақда ўйлаганларини айтиб берди, шундан сўнг мен чиқиб кетдим. Кўчага чиқишим билан унинг уйдан йиғи овози эшитилди»³¹.

Беруний фаннинг ҳамма соҳаларида самарали ижод этди. Унинг илмий мероси жуда бойдир. Академик И. Ю. Крачковский сўзи билан айтганда, у қизиққан соҳаларни санаб чиқишдан кўра, қизиқмаган соҳаларни санаб чиқиш осонроқдир³².

Беруний бир юз элликка яқин илмий асарлар ёзган. Лекин буларнинг учдан иккитаси бизгача етиб келмаган ёки ҳали топилган эмас. Кўпчилик асарларнинг фақат номларигина маълум. Айниқса, Берунийнинг ижтимоий фанларга оид асарларидан фақат «Ҳиндистон»гина сақланиб қолган. Унинг мазҳаблар ҳақида, она юрти Хоразм ва биринчи Ғазнавий ҳукмронларига бағишлаб ёзилган тарихий асарлари ҳам ҳозиргача топилганича йўқ.

Беруний асарларидан бизгача қўлёзма ҳолида етиб келгани қирқта бўлиб, улардан йигирма олтитаси тўла нашр этилган, бештасидан айрим парчаларгина босилган, қолганлари дунёнинг турли шаҳарларидаги кутубхоналарда қўлёзма шаклида сақланмоқда.

* * *

Абу Райҳон ал-Берунийнинг биринчи йирик асари „Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар“ китобидир. Асарнинг арабча номи „Ал-

²⁹ Агар Беруний 973 йилда туғилган бўлса, устига саксонни қўшсак, 1053 йилда вафот этган бўлади. Бундан қамарий йил ҳисобидаги фарқи — икки ярим йилни чиқариб ташласак, 1050—1051 йиллар келиб чиқади.

³⁰ Кўпчилик олимлар шу санани асос қилиб оладилар. Академик И. Ю. Крачковский ҳам шундай кўрсатган («Избранные сочинения», IV, стр. 247).

³¹ «Иршод ал-ариб», VI, 309-бет.

³² И. Ю. Крачковский, Избранные сочинения, т. IV, стр. 247.

осор ал-боқия ан ал-қурун ал-холия“ (الأثار الباقية عن القرون الخالية) бўлиб, Европада „Хронология“, ўзбек шарқшунослигида „Осор ал-боқия“ номи билан машҳурдир. Беруний бу китобини Журжонда муҳожирлик даврида ёза бошлаган ва 1000 йили ёзиб тамомлаган. Бу вақтда олим энди 27 ёшга кирган эди. „Осор ал-боқия“ унга жуда катта шухрат келтирди, Берунийнинг фаннинг ҳамма соҳасига қизиқувчи буюк олим эканини кўрсатди. Академик И. Ю. Крачковский ҳам буни қайд қилиб ўтган эди³³.

Беруний қунт ва матонат билан турли халқлар тарихи, маданияти ва тилларини ўрганади. У яҳудий, юнон, форс, араб, суғдий, қибтий ва бошқа тилларни мукамал эгаллайди. Яҳудий ва христиан динлари тарихи, Таврот ва Инжил (унинг ҳар тўрттала китоби) билан чуқур танишади. Тавротнинг аслидан парчалар келтиради. Араб тилини она тилидай билиб олган олим арабларнинг исломгача бўлган ва ундан кейинги тарихини синчиклаб ва ҳар томонлама ўрганиб чиқади. Қуръонни ва шариатга оид бошқа китобларни қунт билан мутолаа қилади. Илм-фанга оид асарлар жуда кам нусхада ва қўлёзма шаклида айрим шахсий кишилар қўлида бўлган бир даврда ёш олимнинг бундай асар ёзиши унинг ниҳоят зўр ва буюк қобилият эгаси бўлганидан далолат беради.

«Осор ал-боқия» Берунийнинг деярли бошқа асарлари каби араб тилида ёзилган. Бу китобни биринчи марта Европа олимларига таниш-тирган киши машҳур немис шарқшунос ва берунийшунос олими Эдуард Захау (1845—1930) бўлди. У 1876—1878 йилларда Лейпцигда «Осор ал-боқия»нинг арабча нусхасини биринчи марта нашр этди³⁴. Захау арабча нусхани нашрга тайёрлашда ўша вақтда мавжуд бўлган тўртта қўлёзмадан фойдаланган. 1879 йили Захау «Осор ал-боқия»нинг инглиз тилидаги таржимасини нашрдан чиқарди³⁵. Таржимага Берунийнинг муфассал таржимаи ҳоли ва изоҳлар ҳам илова қилинган.

Захаунинг арабча нусхаси асосида 1321 қуёш йили (1943 йил) Теҳронда «Осор ал-боқия»нинг форс тилидаги таржимаси Акбар Доно Сиришт Сайрафий томонидан нашр этилди.

«Осор ал-боқия»ни 1957 йилда марҳум арабшунос олим М. А. Салье биринчи марта рус тилига таржима қилди³⁶. Таржима жараёнида у Захау нашр этган арабча ва инглизча нусхадан, Ленинград қўлёзмаси ва қисман Истамбул қўлёзмасидан фойдаланган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, рус тилига қилинган таржима айрим нуқсон ва камчиликлардан холи эмас. Баъзи ўринларда бутун жумлалар тушиб қолган, баъзан эса чалкаштириб юборилган. Таржимон қўлида Истамбул қўлёзмасининг фотонусхаси мавжуд бўлишига қарамай ундан тўла фойдаланмаган.

³³ И. Ю. Крачковский, Избранные сочинения, т. IV, стр. 244.

³⁴ Chronologic Orientalischer volker von Albiruni herausgegeben von Dr. Edward Sachau, Leipzig, 1878. (Бу нашрнинг фотонусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда, инв. № 52).

³⁵ The chronology of Ancient Nations translated and edited by Dr. Edward Sachau, London, 1879.

³⁶ Абу Рейхан Бируни, Избранные произведения, т. I, «Памятники минувших поколений», Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1957.

Русча таржима С. П. Толстов ва В. П. Шегловларнинг сўз бошиси билан бошланади. Таржимага М. А. Салье тузган илмий изоҳлар ҳам илова қилинган.

Россияда бу қимматбаҳо асар билан ўз вақтида академик И. Ю. Крачковский қизиққан эди. У ўзининг «Араб қўлёзмалари устид» номли машҳур асарида 1910 йилларда Петроград Осие музейида (ҳозирги Осие халқлари институтининг Ленинград филиали) сотиб олинган XIII асрга оид қўлёзма билан қизиққан, бундан Захау нусхасини тўлдирадиган ўринларини кўчириб олгани ва буларни нашрга гайёрлашни мўлжал қилиб қўйганини эслатиб ўтади³⁷. Лекин буни амалга ошириш И. Ю. Крачковскийга муяссар бўлмади. У ўзининг «ал-Беруний ва Шарқнинг XI асрдаги географлари» номли асарида «Едгорликларга» жуда юксак баҳо беради ва бу китоб ҳақида қимматли фикрларни айтиб ўтади³⁸.

С. П. Толстов «Осор ал-боқия»нинг русча таржимасига ёзган сўз бошисида бу асарнинг қадимги Хоразм тарихини ўрганиш ва умуман социал тарих ва табиёт фани тарихидаги аҳамияти ҳақида муфассал тўхтаб, унга жуда юксак баҳо беради ва Беруний «Едгорликлар»да келтирган Хоразм ҳақидаги маълумотларнинг кўпчилиги археологик қазишлар натижасида исбот этилганини айтиб ўтади³⁹. Асарнинг астрономия фани учун қанчалик катта аҳамиятга эга экани ҳақида В. П. Шеглов «Осор ал-боқия»нинг русча таржимасига ёзган «Берунийнинг астрономик назарияси» номли сўз бошисида муҳим фикрлар айтади⁴⁰. «Едгорликлар»нинг ҳозирги замон фани учун аҳамияти ҳақида совет олимлари томонидан Берунийга бағишлаб ёзилган илмий асарларнинг ҳаммасида тўхтаб ўтилган ва бу асарга юксак баҳо берилган⁴¹.

«Едгорликлар»да Беруний ўзига маълум бўлган халқларнинг: юнонлар, румликлар, эронийлар, сугдийлар, хоразмликлар, ҳарронийлар (юлдузга тошинувчилар), қибтийлар, христианлар, яҳудийлар, исломгача бўлган араблар ва мусулмонларнинг йил ҳисоблари, ҳайитлари ва машҳур кунларини муфассал тасвирлаб беради. Асарда астрономия ва математиканинг кўп масалалари ёритиб берилган. Беруний мусулмон олимлари ичида биринчи марта яҳудийлар календари ҳақида системали маълумот беради⁴². «Осор ал-боқия» чулғаб олган масалалар булар билан чегараланиб қолмайди. Унда жуда кўп тарихий воқеалар, турли миллат ва динларга оид муҳим маълумотлар, пайғамбарлар ва сохта пайғамбарлар, подшоҳлар, машҳур тарихий шахслар ва олимлар ҳақида ҳам ахборотлар берилган. Китобнинг Ўрта Осие халқлари,

³⁷ И. Ю. Крачковский, Избранные сочинения, т. I, М. — Л., 1955, стр. 63.

³⁸ Уша асар, IV, 244 — 262-бетлар.

³⁹ С. П. Толстов, Бируни и его «Памятники минувших поколений» (Абу Рейхан Бируни, Избранные произведения, т. I, стр. VII—XXI).

⁴⁰ В. П. Шеглов, Астрономические теории Бируни (Абу Рейхан Бируни, Избранные произведения, т. I, стр. XXIII—XXXI).

⁴¹ «Бируни», Сборник статей, Под редакцией С. П. Толстова, М.—Л., 1950; «Бируни — великий узбекский ученый средневековья», Сборник под редакцией В. Ю. Захидова, А. А. Семенова и Я. Г. Гулямова, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1950; Х. У. Садыков, Бируни и его работы по астрономии и математической географии, М., 1953; М. А. Салье, Абу Райхон Беруний, Ташкент, 1960; Г. П. Матвиевская, Беруний ва табиий фанлар, Ташкент, 1963 ва бошқалар.

⁴² И. Ю. Крачковский, Избранные сочинения, т. IV, стр. 252.

уларнинг маданияти ва тарихига доир маълумотлари жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Асарга бир қанча шеърӣ парчалар ҳам киритилган, суғд ва хоразм тилларидан парчалар ҳам келтирилган. Афсуски, тил намуналари бўлган бу ёдгорликлар кейинги қўлёзмаларда бузиб кўчирилган, шунинг учун уларнинг асл шаклини тиклаш имкони йўқ.

Беруний бу асарни нима учун ёзганлиги ҳақида шундай дейди: «Адиблардан бири мендан [турли] халқлар ҳақидаги тарихлар, уларнинг бошланишлари ва шохобчалари, яъни ойлар ва йиллари устида у тарих эгаларининг ихтилофлари ва бу ихтилоф сабаблари, машҳур байрамлар, [ҳар хил] вақтлар ва юмушлар учун белгиланган кунлар, миллатларнинг баъзиси амал қилиб, баъзиси амал қилмайдиган бошқа [маросимлар] ҳақида сўради ва мени имкон борича уларни жуда равшан баён этиб, ўқувчи фаҳмлайдиган, [турли] китобларни ахтариш ва у китоб эгаларини суриштиришга эҳтиёж қолмайдиган [бир асар ёзишга] даъват этди»⁴³.

Буюк олим ўз асарини ёзишга киришар экан, бу ишнинг осон эмаслигини, қадимги халқлар, уларнинг йил ҳисоблари ҳақидаги ривоятлар ниҳоят чалкашиб кетгани, ёлғон афсоналар ва асоссиз маълумотларга тўлиб-тошиб ётганини таъкидлайди. Бундай ёлғон-яшиқлардан холи бўлиш учун «у ривоятларнинг давримизга энг яқин ва энг машҳурини, сўнгра яқинроқ ва машҳурроғини бирин-кетин олиб боришимиз лозим, уларни ўз аробларидан қабул қилиб, тузатиш мумкин бўлганини тузатамиз, бошқаларини ўз ҳолича қолдирамиз. Шунда биз келтирган ривоятлар ҳақиқатни қидирувчи ва ҳикматни сезувчининг улардан бошқа ривоятлар устида ил юргизишига ёрдамчи ва бизга муяссар бўлмаган нарсаларга эришиш учун йўловчи бўлади»⁴⁴, — дейди.

У манбаларга танқидий нуқтаи назардан ёндашади, ўзидан илгари ўтган олимларнинг тарихий асарларини дадил ва қўрқмасдан танқид қилади. С. П. Толстов Берунийнинг мана шундай ҳаққонийлиги унинг кўпчилик тарихий асарларининг йўқолиб кетишига сабаб бўлган бўлса керак, деб тахмин қилади⁴⁵.

Дастлаб ростдай кўринган, лекин тажриба билан исботланмаган нарсаларга Беруний шубҳа билан қарайди ва ўзи амалда текшириб кўрмагунча бундай ривоятларга ишонмайди. «Қарама-қаршилиги равшан аён бўлган, нарсага қандай ишониб бўлади»⁴⁶ — деб ёзади олим. У асарга киритилган маълумотларни ўқувчига мумкин қадар осон йўллар билан тушунтиришга ва уларни турли китобларни ахтариш машаққатидан қутултиришга ҳаракат қилади.

«Ёдгорликлар» подшоҳлар ва машҳур шахсларнинг тарихинигина ёритиб берувчи компиляцион асарлардан эмас, балки халқлар маданияти тарихи, уларнинг урф-одат ва эътиқодлари тарихи акс эттирилган тарихий-этнографик асардир.

Беруний ўз асарида турли халқлардаги йил ҳисоблари, уларнинг урф-одатлари устида тўхтар экан, Урта Осиё ва Эрон халқларининг маданиятини юқори кўтаради. Исломгача бўлган арабларни мада-

⁴³ Шу китоб, 40-бет.

⁴⁴ Шу китоб, 41-бет.

⁴⁵ Б и р у н и, Избранные произведения, I, стр. XV.

⁴⁶ Шу китоб, 44-бет.

ниятсиз деб атайди, араб босқинчиси Қутайба ибн Муслимни Хоразм маданиятини оёқ-ости қилгани учун қаттиқ қоралаб, «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва [билимини] бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди»⁴⁷,— дейди. «Хоразмликлар ойларидаги ҳайитлар» тўғрисидаги бобда арабларнинг юлдузлар ва ой манзиллари ҳақидаги фикрларини қаттиқ танқид қилади, уларни астрономияни билмасликда айблайди. Арабларнинг астрономия соҳасидаги илмлари деҳқонларнинг ўз қишлоқларидаги билган нарсалари билан баробар деб кўрсатади. Ўз халқини эронликлардан юқори қўйиб, эронликларни камситган IX асрдаги арабийнавис ёзувчи Абу Муҳаммад ибн Қутайба ал-Жабалий устидан кулади ва унинг фикрлари асоссиз эканини илмий йўл билан исботлаб беради⁴⁸. Беруний ҳақиқатга ишонмовчи кишилар билан мунозара қилиб, уларни скептицизмда айблайди ва булар «қатъий ҳужжатларни қабул этишдан худди шердан қўрқиб қочган эшаклардек қочадилар»,— дейди.

С. П. Толстовнинг Хоразмда олиб борган жуда муҳим археологик ишлари бу ўлканинг эрампиздан илгариги тўрт мингинчи ва уч мингинчи йиллардаёқ қадимги маданият марказлари Шарқ ва Шимол ўртасида воситачилик ролини ўйнаганини кўрсатди. Араб истилоси арафасида эса Хоразм ирригация, қурилиш ва савдода ривож топган мамлакат эди. Булар Берунийнинг Хоразм маданиятининг араб маданиятидан устунлиги ҳақидаги фикрларининг яққол исботидир.

«Осор ал-боқия» да ҳар хил даврда ҳукм сурган турли подшоҳликлар ва сулолаларнинг жуда кўп жадваллари киритилган: македониялик батлимуслар (птолемейлар), рум, христиан, қадимги эрон, сононийлар сулоласи подшоҳлари, араб халифалари (умавийлар ва аббосийлар) каби. Мазкур жадваллар шундай аниқ манбалардан олинганки, подшоҳларнинг ҳукмронлик қилган даврлари деярли тўғри кўрсатилиб, улар бошқа тарихий китоблар билан солиштириш натижасида тўла исбот этилди. Таржимада подшоҳларнинг подшоҳлик қилган йилларини ўрта қавс ичида милодий ҳисоб билан кўрсатиб кетдик. Беруний тузган бу жадваллар тарих ва этнография илми билан шуғулланувчилар учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Олим узоқ умр кўриш масалалари ҳақида гапирар экан, буни наслнасабга боғлиқ деб тахмин қилади ва Фарғонани узоқ умр кўрувчилар жойи деб кўрсатади.

Беруний одамларнинг гавда тузилиши ва тилларининг турлича бўлиши ҳақидаги афсоналар ва асоссиз ривоятларни қоралайди ва буни илмий асосда исботлаб, шундай дейди: «Чунки [одамлар] тузилишларининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларининг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг [одам] яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир. Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-бирдан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли ҳоҳишларни ифодалаш учун [зарур] бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Узоқ

⁴⁷ Шу китоб, 72-бет.

⁴⁸ Шу китоб, 278-бет.

замонлар ўтиши билан ҳалиги иборалар кўпайиб, ёдда сақланган ва такрорланиш натижасида таркиб топиб, тартибга тушган»⁴⁹.

Беруний булоқ ва қудуқ сувларининг юқорига кўтарилиши ва фонтан бўлиб отилиши физиковий ҳодиса эканлигини мисоллар билан исботлаб беради ва бу масаладаги уйдирма гапларни инкор этади.

Беруний қуёш йили узунлигини аниқ ҳисоблар билан кўрсатади, Қуёш туриши ва кеча-кундуз баробарлиги ҳақида маълумотлар келтиради. Кейин Қуёш авжи (апогей) масаласига тўхтаб уни изоҳлайди. Узидан олдинги астрономларнинг қуёш йили узунлигини аниқлашдаги хатоларини кўрсатиб, уларни танқид қилади. Қуёш авжидан то баҳорги кеча-кундуз баробарлиги нуқтасигача бўлган масофани аниқлашда Беруний қадимги олимлардан Гиппарх ва Шарқнинг IX—X аср астрономлари ва ўз устози Абу Наср ибн Ироқ усулларини синчиклаб ўргангани ва бу масалада янги метод ишлаб чиқади. Бу йўл билан Қуёш авжи узунлигини ҳисоблаб чиқади ва буни доираларда кўрсатади.

Ўша вақтда сохта фан — астрологияга ишониш жуда кучли эди. Мунажжимлар (астрологлар) бўлажак ҳодисалар ва кишилар ҳаётидаги юз бериши мумкин бўлган турли воқеаларни осмондаги юлдузларга қараб олдиндан айтиб берардилар. Подшоҳлар саройларида мунажжимлар бўлиб, улар катта мавқега эга эдилар. Шунинг учун ўша вақтда астрологияга тўғридан-тўғри қарши чиқиш мумкин эмас эди. Деярли ҳамма астрономлар озми-кўпми мунажжимлик билан шуғулланардилар. Беруний ҳам атрофдаги муҳит билан мураса қилиш учунгина астрологияга ён босади. Ердаги ҳодисаларни юлдузларнинг чиқиш ва ботишига қараб аниқлаб бўлмаслиги, чунки юлдузлар доимо бирдай чиқиб, бирдай ботишларини таъкидлайди. Унинг Рай шаҳрида шуҳрат қозонган бир мунажжим билан қилган баҳси ҳақида юқоридан айтиб ўтган эдик. Бу одам: «[Ой] манзилларига қарашли юлдузларнинг [Ой] билан учрашувларини ҳисоб билан аниқлаб, манзилларнинг риботлари ва жафрларидан турли ҳукмлар чиқарар ва бўшлиқдаги ҳодисаларни олдиндан билишни истарди», — дейди Беруний ва у мунажжимни бундай сохта йўлдан қайтармоқчи ҳамда тўғри йўлга солмоқчи бўлганини, лекин у ўзининг нотўғри фикрларини рўқач қилиб туриб олганини айтади⁵⁰. Ана шундай ҳақиқатга ишонмовчилар ҳақидаги фикрини давом эттириб, улардан далил-исбот талаб қилсанг, «масҳара қилиб куладилар, кибрланиб лабларини чўччайтирадилар, ўз тушунчаларига хурсанд бўлиб ва ўзларини [бошқалардан] ортиқ ва эвом халқдан ташқари эътиқод қилиб бурунларини юқори кўтарадилар»⁵¹, — дейди.

Беруний ўз ўқувчиларини зериктирмаслик мақсадида асарга табиатда жуда кам учрайдиган ҳодисалар, қизиқ афсоналар ва турли саргузаштларни ҳам киритган. Масалан, беш оёқли сигир, қоринлари билаё бир-бирига ёпишган эгизаклар, танаси биттаю боши иккита бола, эчкининг одамсимон боласи кабилар⁵². Лекин олим кўпинча афсоналарга ишонмайди. У эронликларнинг оламнинг пайдо бўлиши ва биринчи

⁴⁹ Шу китоб, 231-бет.

⁵⁰ Шу китоб, 394-бет.

⁵¹ Шу китоб, 117-бет.

⁵² Шу китоб, 114-бет.

одам ҳақидаги афсоналарини келтириб, булар устидан қаттиқ кулади. Бундай афсоналарни эшитишдан диллар нафратланиб, қулоқлар тортинади ва буни ақл қабул этмайди, дейди⁵³. Лекин у айрим уйдирмаларга эътироз билдирмайди. Масалан, Абу Усмон ал-Жоҳизнинг Укбарода ярми қаламушга айланган, ярми кесаклигича қолган бир кесак ҳақидаги ҳикоясини келтириб, буларга эътироз билдирмайди. Бундай чекинишларни асарнинг бошқа баъзи бир ўринларида ҳам учратиш мумкин.

Беруний диний эътиқодларга бефарқ қарайди, бошқа диндагиларга нисбатан беғараз муносабатда бўлади. Лекин бундан у материалист бўлган деган хулоса чиқмайди. У худога ва пайғамбарга ишонган, уларга бағишлаб мадҳлар ҳам ёзган. Бу Шарқнинг ўша вақтдаги ҳамма олимлари асарларига хос традиция бўлиб, замон шундай мадҳияларни қуйлашни талаб қилар эди. Шунинг учун Беруний муҳит билан келишишга ва ўз ҳомийларининг хоҳишлари билан ҳисоблашишга мажбур эди.

Лекин у баъзи бир ғайри-табиий ҳодисаларни худога боғламай бу «табиат янглиши» деб изоҳлайди. Юқорида айтиб ўтганимиздай, эгизак одам ва бошқалар ҳақидаги ривоятларни келтирар экан, буни «табиат янглиши» деб аташ тўғри бўларди, деган хулоса чиқаради.

Беруний румликларнинг конун охир ойининг олтинчисида ердаги ҳамма шўр сувлар чучук бўладиган бир соат бор деган эътиқодини асоссиз эканини исботлаб, моддаларнинг турли сабабларга боғлиқ ҳолда ҳар хил ўзгаришларга учраши ва бошқа моддаларга айланиши ҳақидаги материалистик фикрни олға суради⁵⁴. Агар асарни синчиклаб қараб чиқсак, табиат ҳодисаларини бевосита худога боғлаган бирорта жумла учратмаймиз. Объективлик унинг методига хос омиллардан бири эди. Беруний асарининг бирор ўрнида бошқа динларни қоралаб, исломни ҳимоя қилгани сезилмайди. Олим ислом дини мазҳабларига ҳам эътиборсиз қарайди. У шиа мазҳабининг тарафдори Қобус ибн Вашмир саройида яшаган даврларда шиаларга ён босгандай бўлади. Лекин «Осор ал-боқия» да уларни нодонлар деб атайди⁵⁵. Кейинчалик сунний Маҳмуд Ғазнавий қўл остида яшаганда эса суннийлар мазҳабига ўтиб олади. Демак, олим учун шиа мазҳаби ҳам, сунний мазҳаби ҳам фарқсиз бўлган. Пайғамбарлар ва муқаддас китоблар ҳақида сўз юритар экан, олим, «Демак, на инжиллар ва на пайғамбарлар орасида биронта ҳам ишончлиси йўқ»⁵⁶ деган хулосага келади. Асардаги бу даҳрий жумланинг Сайрафий таржимасида тушириб қолдирилиши ҳам бежиз эмас. Лекин Беруний «Осор ал-боқия» да ҳам, бошқа асарларида ҳам баъзан муҳим илмий масалаларни диний ривоятлар билан аралаштириб юборади.

* * *

*

«Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарининг тили ниҳоят оғир. Бундан деярли минг йил илгари ижод этилган бу китоб-

⁵³ Шу китоб, 127—128-бетлар.

⁵⁴ Шу китоб, 289-бет.

⁵⁵ Шу китоб, 289-бет.

⁵⁶ Шу китоб, 59-бет.

ни ўзбек тилига таржима қилиш таржимондан жуда катта куч ва билим талаб қилар эди. Буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино асарларини таржима қилишда жуда катта тажриба орттирган ва классик араб тилини ҳар томонлама пухта эгаллаган кекса олим филология фанлари кандидати Абдуфаттоҳ Расулов бундай мураккаб ва масъулиятли ишни муваффақиятли бажарди. «Осор ал-боқия» нинг 1878 йилда Лейпцигда Захау томонидан нашр этилган нусхаси таржимага асос қилиб олинди (Сигл 3). Лекин Захау нашри XVII ва XVIII асрлардаги тўртта қўлёзма асосида амалга оширилган. Бу қўлёзмалар деярли бир хил нусхадан кўчирилганлиги учун жуда кўп жойлари тушиб қолган. Шунинг учун Захау нашрида ҳам тушиб қолган ўринлар ва бир қанча ноаниқ иборалар мавжуд. Буларни тўлдириш учун бошқа бир янги қўлёзма нусха зарур эди. 1912 йилда анчагина эски даврга оид иккита қўлёзма топилди. Биттаси Техрондан рус дипломатик вакили Л. Богданов томонидан Петербургга — Осие музейига (ҳозирги Осие халқлари институтининг Ленинград бўлими) юборилади. Бу қўлёзма шу институтда Д-58 шифри билан сақланмоқда⁵⁷. Ленинград қўлёзмаси мавжуд нусхаларнинг энг қадимгиси бўлиб, 616/1219—1220 йилларда кўчирилган. Бу қўлёзма ҳақида 1912 йилнинг ёзидаёқ Осие музейининг директори академик К. Г. Залеман (1849 — 1916) томонидан махсус мақола ёзилади ва унда қўлёзманинг тўла илмий тавсифи берилади⁵⁸. Иккинчи қўлёзма эса Истамбулдан топилди. Бу ҳам ҳижрий VI — VII асрларга оид бўлиб, ҳозир Истамбул Халқ кутубхонасида сақланмоқда (4667-сонли)⁵⁹.

Немис арабшунос олимлари Карл Гарберс ва Иоганн Фюкклар «Осор ал-боқия» нинг Захау нашрида тушиб қолган ўринларини Истамбул қўлёзмаси асосида тўлдириб, 1952 йили қўшимча нусха нашр этилди⁶⁰. Захау нусхасида ва К. Гарберс ҳамда И. Фюккларнинг қўшимча нусхасида тушиб қолган тўртта парча А. Б. Холидов томонидан Ленинград ҳамда Истамбул қўлёзмалари асосида 1959 йили рус тилида таржимаси билан бирга қўшиб нашр этилди. Бунга қисқа сўз боши ҳам киритилган⁶¹. А. Б. Холидов бу тўртта парчанинг учтаси фақат Ленинград қўлёзмасида эмас, балки Истамбул қўлёзмасида ҳам мавжудлигини ва буни К. Гарберс ва И. Фюкклар тушириб қолдирганликларини таъкидлаб ўтади. А. Б. Холидов мазкур мақоласида Истамбул ва Ленинград қўлёзмаларининг қисқа тавсифини ҳам берган ва текстни ҳар икки қўлёзма бўйича солиштириб чиққан.

Кейинги вақтда «Осор ал-боқия» нинг Техрон нусхаси ҳам борлиги маълум бўлди. Бу нусха микрофильмини Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими П. Г. Булгаков тайёрлатиб олиб келган.

⁵⁷ Мазкур қўлёзманинг фотонусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 355). Бундан кейин Ленинград қўлёзмаси ёки Л. деб берилади.

⁵⁸ K. Salemann, Zur Handsehriftskunde, I, Al-Bîrûnîs al-Atâr al-Bağiyah. „Изв. Имп. Академии наук“, серия VI, 1912, № 14, стр. 861—870.

⁵⁹ Бу қўлёзманинг фотонусхаси Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 341). Бундан кейин Истамбул қўлёзмаси ёки И. деб берилади.

⁶⁰ „Documente islamica inedita, Berlin, 1952. S. 45—98. Бу қўшимча нусханинг фотонусхаси ҳам Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 342/1—11).

⁶¹ А. Б. Холидов, Дополнение к тексту «Хронологии» ал-Беруни по ленинградской и стамбульской рукописи («Палестинский сборник», вып. 4 (67), М.—Л., 1959).

Таржимон А. Расулов «Осор ал-боқия»нинг юқорида кўрсатилган ҳамма босма ва қўлёзма нусхаларидан тўла фойдаланган. Буларда ташқари, таржимон Акбар Дона Сиришт Сайрафийнинг форсча таржимасидан ҳам кенг фойдаланган⁶². Бу нусхалардаги фарқлар изоҳларда батафсил кўрсатиб ўтилди. Техрон нусхасининг микрофильмини таржима тугатилгандан кейин қўлга олдик. Шунинг учун ундан тўла фойдаланилмади, лекин баъзи шубҳали ўринлар солиштириб кўрилди. Таржимон булардан ташқари яна жуда кўп қомус ва луғатлардан фойдаланган.

Таржима ва таҳрир давомида «Осор ал-боқия» русча нусхаси билан мукамал солиштириб чиқилди ва русча таржимада тушиб қолган ўринлар ҳамда баъзи нотўғри талқин қилинган жумлалар изоҳларда кўрсатилди. Асарда ҳар хил тиллардан олинган жуда кўп атоқли отлар келтирилган. Нусхаларнинг ҳеч бирида унли ҳарфлар белгилари қўйилмаган. Ҳатто баъзи ўринларда Беруний ўзи ҳам у ёки бу отнинг талаффуз этилишини ажрата олмаган ва фақат ундош ҳарфлар транскрипциясини бериш билан кифояланиб қолган. Шунинг учун ана шундай отлар баъзан рус тилидаги талаффузига биноан тўғрилаб ёзилди, лекин одатда Шарқда маълум усулда талаффуз этиб келинаётган баъзи отлар шу талаффузга асосан олинди (Батлимус — Птолемей ўрнига, Дақлитёнус — Диоклетиан ўрнига, Иббарх — Гиппарх ўрнига, Жоллин — Гален ўрнига каби). Юлдуз ва ёритқичлар номлари ҳам деярли ўз ҳолича қолдирилди. Бутунлай талаффуз этиш мумкин бўлмаган отларни фақат ундош ҳарфлар билан ифода этиб, унлилар ўрнига дефис қўйиб кетилди. Кўрсаткичларни институтнинг кичик илмий ходими А. Л. Казибердов тузган.

«Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»нинг ўзбек тилига биринчи марта таржима қилиниши улуғ энциклопедист олим Абу Райҳон ал-Беруний илмий меросини ўрганишдаги энг катта ютуқлардан бирidir. Ҳозиргача фақат айрим мутахассисларгагина маълум бўлиб келган бу муҳим ва машҳур ёдгорлик билан кенг халқ оммаси тўла танишиш ва илм-фан тараққиёти йўлида ундан самарали фойдаланиш имконига эга бўлди.

И. Абдуллаев

⁶² Бунинг фотонусхаси ҳам Шарқшунослик институтида мавжуддир (инв. № 69).

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ «ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИҚЛАР» АСАРИДАГИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА

1. Билиш масалалари

«Ёдгорликлар»да қўйилган мақсад. Баён этиш усули. Абу Райҳон Беруний «Осор ал-боқия» асарини ёзишда ўз олдига қўйган мақсади: Илгариги халқлар ҳақидаги ривоятларни, ўтмиш авлодлар тўғрисидаги хабарларни билишдир. Бу хабарларнинг кўпчилиги у халқлар аҳволидан ва улардан қолган расм-русм ва қоидалардан иборат¹.

Ҳар бир халқнинг, мамлакатнинг ижтимоий ҳаёти ўзига хос ишлаб чиқариш усули асосида мавжуддир. Шу билан бирга ўтмиш аждодларнинг расм-русмлари, турмуш қоидалари ва улар ҳақидаги бошқа хабарлар макон ва замон билан боғланган, албатта.

Ҳар хил мамлакатларнинг турли географик муҳитга эга бўлиши — халқ турмуш қоидаларининг бир хил бўлмаслиги сабабларидандир. Замон, ҳар хил халқда турлича система билан, ҳар хил календарь билан ифодаланган. Бу тарих муддатлари бошларининг, бирликларининг бир хил бўлмаслиги охирилари орасидаги ихтилофни юзага келтирди. Календарь тарихида муҳим вазифа, Беруний айтганидек, «энг тўғри ва равшан йўл билан турли тарихлар муддатини аниқлашдир»². Муаллифлар тарихий хабарларни баъзан бир хилда баён этмаганлар. Обьектив ҳодиса ҳақидаги хабарлар ичида нотўғрилари, бузилганлари бор. Беруний ўтган муаллифлар ҳақида бундай дейди: «Мен уларнинг ўзимгача етиб келган гапларини ҳикоя қиламан. Кучим етганча бузилганларни тузатишга, ёлғонларни бекор қилишга, ростни аниқлашга уринаман»³.

Илмий тушунчаларга асосланиб қолишнинг ўзи кифоя эмас. «Сўнгра буни кўпчилик кишиларнинг табиатини пасткашлаштирадиган ёмон ахлоқдан, ҳақиқатни кўришга қўймайдиган омиллардан ўзини тозалагандан кейин, уларнинг исбот учун келтирган сўз ва эътиқодларини бир-бирига солиштириш билан билинади»⁴. Бу мулоҳаза билиш процессининг мантиқий поғонасини ифодалайди. Беруний-

¹ Шу китоб, 40-бет.

² Шу китоб, 105-бет.

³ Шу китоб, 136-бет.

⁴ Шу китоб, 40-бет.

нинг бу билиш усулида қабул қилинган гипотезаларнинг ростлари ёлғонларидан ҳақиқат мезони ёрдамида ажратилади. Баъзан ёлғон хабарлар исбот етарли бўлмаганидан, мумкинлик доирасида яшаб келади. Беруний хабарларнинг баъзилари, ёлғонлигига бошқа далиллар бўлмаганда мумкинлик чегарасида бўлиб, хабар қаторида юради⁵ деб, ҳақиқатни билишда имконият ва воқелик орасидаги муносабатнинг мавжудлигини эътироф этади ва уни яққол кўрсатади.

Асарда шубҳали хабар ўз ҳолича баён этилмаган «То уларнинг барчасини билиш вақти келгунича баён этишдан тўхтадик, чунки шубҳани аниқ ва номаълумини маълумга қўшиш биз юрган йўлга лойиқ эмас»⁶, дейди Беруний. Баёнинг замини шубҳасиз бўлиши керак, унга имон комил бўлмоғи лозим. Имон шак-шубҳасиз бўлса, тоғни «денгизга тушириш» мумкин⁷. Беруний ўша замоннинг прагматистларига қарши курашиб, улар ўзларига ёққан нарсага иқрор бўлишларини, эътиқодларига мухолиф бўлган рост нарсалардан қочишларини айтди.

Тарихий воқеаларни билишда Беруний тутган йўл тарихийлик билан мантиқийлик бирлигининг маълум шаклидан иборат: давримизга энг яқин ва машҳур ривоятлардан бошлаб, борган сари нарига, объектга яқинлашиб борилади ва йўл-йўлакай тузатилиб кетилади. Шундай йўл тутиш сабабларидан бири — қабул қилинган вақт бирлиги ҳисобланган сутканинг шубҳасиз бўлишидир. Беруний тарихлар орасидаги тафовутни сутка бирлиги билан аниқлаган. Беруний ўз имкониятининг чегараланганини эътироф этади: «Халқларнинг бирига [тегишли] хабарларни аниқлаб билишга бир инсон умри кифоя қилмайди-ю, ҳамма халқлар [ҳақидаги] хабарларни билишга қандай кифоя этсин. Бу мумкин эмас»⁸. Бу иборада инсон ҳаётининг турли-туман бойлиги, воқеа-ҳодисаларнинг чексизлиги, билимнинг бениҳоялиги ифодаланган.

Тарихий муддатлар, эралар олдин ўтган муаллифларда ихтилофга эга экан, уларнинг бирмунчасини Беруний тартибга солиб, келгусида бу қилинган меҳнат сақланиб қолишлиги учун даврлар тайласон деб аталган усулда икки хил цифр ва ҳарф билан бир-бирига контроль равишда кўрсатилган.

Асарда билимнинг деярли ҳамма соҳалари ҳақида ҳикоя қилинади, фандан фанга ўтиб турилади. Бу ҳақда автор бундай дейди: «Мақсад гапни чўзиш эмас, балки ўқувчини зериктирмаслик. Чунки доимо бир хил нарсага қарай бериш малоллик ва сабрсизликка олиб келади. Ўқувчи фандан фанга ўтиб турса, турли боғларда юрганга ўхшайди. Бирини кўриб улгурмай, бошқаси бошланади ва у киши «Ҳар бир янги нарсада ўзига яраша лаззат бор» дейилганидек, уларни кўришга қизиқади ва кўздан кечиришни истайди. Бир хил нарса чарчатади, хотирага малол келтиради»⁹.

Асардан маълум бўлишича, Беруний баъзи рисоаларни арабчадан форсчага таржима қилган.

У фойдаланган адабиётни келтирган. Беруний баъзи тарихий

⁵ Шу китоб, 41-бет.

⁶ Шу китоб, 103-бет.

⁷ Шу китоб, 262-бет.

⁸ Шу китоб, 41-бет.

⁹ Шу китоб, 105-бет.

маълумотларни Муҳаммад Хоразмийнинг «Қитоб ат-тарих» асаридан аниқлаб олганини кўрсатиб ўтади. Узининг устози Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқнинг фаолиятини мароқ билан тилга олади.

Кузатиш муаммоси. Беруний кузатиш масаласига тўхталади. Йил зодиак бўйича бир марта айланиб келиш даври. Бу ҳодиса объективдир. Кузатиш натижаси эса ҳар хилдир. Бунга сабаб: кузатиш даври қанча катта бўлса, хато миқдори шунча аниқроқ сезилади; кузатиш сони кўпайган сари хато аниқлаша беради. Статистиканинг роли бу ерда аёнлашади; катта жисмни кичик приборлар билан кузатиш хатолукка олиб келади. Кузатишнинг бу хоссаларига Беруний эътибор берган. Кузатиш масаласи ҳануз ўз кучини сақлайди.

Базиляр кўзлари билан кўрмагунча ишонмайдилар. Ваҳолонки, улар инкор этган нарсаларнинг кўпини ақл мумкин деб билади. Улғу ҳодисалар ҳамма вақт бўлавермайди. Бинобарин, мушоҳада қилмай, уларни инкор этиш тўғри бўлмайди, деб уқтириб ўтади Беруний.

Эмпирик билиш ўз даврида маълум аҳамиятга эга бўлган: араблар, масалан, ойни ҳилол кўринишидан бошлаганлар; эмпирик Анон арпага нийсон ойининг 14-да қарар эди. Арпа пишган бўлса, йил — оддий, акс ҳолда кабисалик қилар эди; Қарроалар назария ва қиёсга аҳамият бермай, ой бошини Қуёш ва Ой учрашишидан бошлайди. Аммо Беруний кузатишнинг ўзи кифоя эмаслигини таъкидлайди.

Ихтилофлар. Подшоҳларнинг ададлари, исмлари, ҳукмронлик муддатлари ва аҳволлари ҳақидаги хабарлар турли муаллифларда турлича баён этилган. Бу камчиликни Беруний кўрсатиб ўтади. Масалан:

I. Муаллифларда гоҳо ихтилофлар учраб туради: 1) Ардашердан Яздигардгача ўтган давр 4 хил берилган, 2) Искандардан Яздигардгача бўлган давр ҳақида ҳам ихтилоф бор. Фарқ, масалан 253, 125 йилгача етади, 3) Мусо ибн Исо Эрон подшоҳларининг ҳукмронлик муддатларини ортириб юборган.

II. Диний китоблардаги ихтилоф: 1) тавротнинг 3 нусхасида Бани Исроилнинг Мисрга кириши ҳақида 3 хил муддат кўрсатилади, 2) тавротнинг ҳар хил нусхаларида одам «пайдо» бўлган вақт ҳар хил кўрсатилган. Фарқ 349 йилдан 582 йилгача¹⁰, 3) динлар орасидаги келишмовчилик. Беруний пайғамбарлар тарихини текширувчи сифатида ҳар хил динларнинг тарих ҳақидаги даъволарига оид шубҳаларни, динларнинг бир-бирларини айблашларини, ҳисобдаги ихтилофни кўрсатиб берди.

III. Ихтилофни топиш ва тузатиш: 1) Беруний подшоҳларнинг подшоҳлик даврлари ҳақидаги тарихчилар гапларининг ихтилофини ҳисоб йўли билан топади. 2) Искандардан кейинги давр ҳақидаги ихтилофни тузатишни Беруний ўз зиммасига олади ва уни бажаради.

IV. Ихтилофга сабаб: 1. Тарихда ўхшаш номлар аралаштириб юборилган. Масалан, эронликлар ўхшаш номларни адаштириб юборганлари сабабли Ардашер билан Яздигард орасидаги 676 йиллик даврни кўрсатмаганлар, 2. Ашконийлар даврида халқ Искандар туфайли нотинч эди. Шу туфайли улар тарихларда ғофил бўлдилар, 3. Муаллиф-

¹⁰ Шу китоб, 57-бет.

лар Эрон подшоҳларини уларнинг Бобилдаги амалдорлари билан қўшиб баён этганлар.

V. Тарихшуноснинг ҳаққонийлиги. Моний ёлгонни ҳаром деб эътиқод қилувчилардан бўлиб, тарихни бузиб кўрсатишга унинг эҳтиёжи ҳам бўлмаган деб ростгўй тарихшуносларни мақтайди Беруний.

Мунозаралар. Беруний бир қанча масалалар юзасидан баъзи илгари ўтган олимлар фикрлари билан келишмади. Бу хилдаги илмий мунозаралар асарда кўп учрайди. Бунга мисол қилиб қуйидагиларни кўрсатиш kifоя: 1) Қуёшнинг зодиакдаги тезлиги доимийми? Бунга Птоломей ижобий жавоб берган бўлса, Беруний жавоби салбийдир¹¹. Эклиптика айланамидеки йўқми, деган масала ҳам шундан келиб чиқади. Бу масала эса кейинчалик Кеплер билан Коперник фикрлари орасидаги тафовутни келтириб чиқарган, 2) Йилни Ой ҳаракатидан, бинобарин, ой бирлиги билан белгилаб бўладими? Гиппарх билан Птоломейнинг хулосасига Беруний қўшилмайди¹², 3) Абул — Фаражнинг Қалвозода кўринган олов ҳақидаги ҳикояси уйдирмадан иборатлигини Беруний кўрсатади, 4) Ҳамза ибн Ҳасан Наврўз ҳақидаги Муҳаммад ибн Мусо ибн Шокирнинг ҳисобини нотўғри дейди. Лекин Беруний Муҳаммад ибн Мусони оқлайди¹³.

Беруний, шунингдек, ҳар хил асрларда яшаган бошқа олимлар ўртасидаги илмий мунозараларни тадқиқ қилади. Собит ибн Қурра билан Жолинуc, ар Розий билан Таммор¹⁴ фикрлари орасидаги келишмовчиликлар шу жумладандир. Синонинг «Анво китоби» даги баъзи фикрларга эътироз билдиради¹⁵.

Беруний Ибн Синога берган саволларидан бири бўлган мажбурий ҳаракат ҳақидаги масала «Осор ал-боқия» да ҳам ўрин олган¹⁶.

Беруний, яхши гоёни айтиб, уни амалга оширмайдиганларни ҳам «билимсиз»¹⁷ деб гижинди. Билимсизликка миниб олиб, жўрттага ўз сўзида туриб олган киши билан «баҳслашиш на мақсад эгасига ва на мақсадга бирон фойда етказмайди»¹⁸ деб баҳслашиш фойдали бўлмоғи лозимлиги уқтирилади.

Кузатиш ва умумлаштириш. Мушоҳададан ҳисобга, умумлаштиришга ўтишининг сабабларидан бири халқни бирлаштиришдир. Масалан, арабларда ой ҳилолдан бошланади. Географик узунлиги ҳисобга олинарлик даражада тафовутга эга мамлакатларда ҳилол ҳар хил вақтда кўринади. Бу эса ихтилоф чиқариши мумкин. Бундан ташқари, календарь иқлимга, маҳаллий шароитга боғлиқ эмас. Шунинг учун календарни яратишни ижтимоий ҳаёт тақозо этади. Бунинг учун энди абстракцияга, «ҳисобга»¹⁹ умумлаштиришга ўтмоқ лозим бўлиб қолади.

¹ Шу китоб, 46-бет.

² Шу китоб, 63-бет.

³ Шу китоб, 87-бет.

⁴ Шу китоб, 293-бет.

⁵ Шу китоб, 313-бет.

⁶ Шу китоб, 293, 296-бетлар

⁷ Шу китоб, 86-бет.

⁸ Шу китоб, 103-бет.

⁹ Шу китоб, 93-бет.

Румликлар география ва астрономия илмини дуруст ўрганиб, мантикий далиллар билан иш қилганларидан, ҳийлалар ишлатувчи кишилар сўзларига илтижо этишдан жуда узоқлашдилар.

Қиёс (аналогия) усули Берунийда кўп ишлатилади. Илгариги умр ва гавда ҳақидаги фикрни рад этмаслик учун аналогиядан фойдаланилади. Умр ва гавда ҳақидаги хабарлар ҳар хил замонда кўп учраб туради. Уни кўрмаганлар — ақлдан узоқ деб билишади. Беруний билишда қиёс усулига алоҳида эътибор беради.

Айрим масалалар. А) Шахмат масаласи. Беруний шахмат тахтаси хоналарига кетма-кет: олдин 1 та, кейин 2 та, сўнгра унинг квадрати, кубу даражасида миқдорлар қўйиб борилса, геометрик прогрессия ҳосил бўлиши ҳақида баён этади. Бу ҳақидаги гапларни формулага ағдарсак, қуйидагилар ҳосил бўлади²⁰.

$$1. 2^0 + 2^1 + 2^2 + 2^3 + \dots + 2^{63} = \sum_{i=0}^{63} 2^{(i)}.$$

$$2. \sum 2^{(i)} = 2^n - 1.$$

$$3. 2^{64} - 1 = 16^{16} - 1 = 18.446.744.073.709.551.615.$$

$$4. S_n = S_{\frac{n+1}{2}}^2 = S_{\frac{\frac{n+1}{2}+1}{2}}^4 = S_{\frac{\frac{\frac{n+1}{2}+1}{2}+1}{2}}^6.$$

$$5. S_{\frac{k-i}{2}} S_{\frac{k+1}{2}} = S_{k-1}$$

Бу ерда: S_n n - хонадаги сон.

S_k k - хонадаги сон.

Бундан бошқа қуйидаги масалалар қаралган:

Б) Бир куннинг румийча, арабча ёки эронча бир ойда келгани — аниқ, у ойнинг номи — ноаниқ.

В) Жума куни — рамазон ойи. Яздижард эраси етмишинчи йилининг нечанчи ойида яна шундай бўлган.

Г) Ҳафтанинг куни бирон тарих орқали маълум бўлса, ойнинг нечанчиси бўлади у²¹.

Илм ва халқлар. Тарихда айрим даврларда ҳамма халқлардан чиққан олимлар бир хил даражада билимли бўлмаганини Беруний эътироф этади. Масалан: «Хоразмликлар буржларни араблардан яхшироқ билганлар»²². Бу гап Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Қутайбанинг ноҳақ ва ғараз фикрига қарши айтилган. Ибн Қутайба эронликларни паст қўйганлиги Беруний томонидан қораланади. Халқлар ўртасидаги «душманлик ва гиналар» — «тоғликлар ахлоқидан холи эмас»²³, икки халқ ҳақида чегарадан ўтиб гапирганларнинг аксариди, албатта, «ўз-ўзини ёлғончи қилган бўлади»²⁴ дейди Беруний.

Қутайба ва Ўрта Осиё маданияти. Беруний подшоҳларнинг босиб олган мамлакатлар маданиятини совурганларига далиллар келтиради.

²⁰ Шу китоб, 179-бет.

²¹ Шу китоб, 185-бет.

²² Шу китоб, 277-бет.

²³ Шу китоб, 278-бет.

²⁴ Шу китоб, 278-бет.

Масалан, Доро ибн Доро хазинасида Абистонинг 12 000 та қора мол терисига тилла билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар уни куйдириб юбориши натижасида «Абисто» нинг 3/5 қисми бутунлай йўқолиб кетди. Бундай мисоллар кўп келтирилади.

Беруний Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истило этилиши натижасида маданиятимиз дурдоналари йўқотилиб юборилгани ҳақида ачиниб гапиради: «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва [билимини] бошқаларга ўргатдиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у [хабар ва ривоятлар] ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди»²⁵.

Яна бошқа жойда: «Кейин Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар»²⁶. Китоблар қаторида ёзма календарлар ҳам йўқолиб кетди. Улардаги ихтилофлар ҳам унутилди. Келишилганларигина сақланиб қолди. Беруний уларни тиклаш соҳасида хизмат қилди.

II. Табиий ҳодисалар

Зиддият. Ҳаракат. Ривожланиш. Фалак ўзгариб туради. Акс ҳолда «хужжатга асосланмаган содда бир ҳукм» бўлади. Агар фалак ўтмишда ҳам ҳозирдагидек дейилса, «қарама-қаршиликнинг иккала томонига далил келтириш мумкин бўлмай қолади, балки далил бир томонга хос бўлиб, иккинчи томонни рад этади»²⁷.

Оламни идора қилувчи манба — «тузилиш ва бузилиш» дан иборат зиддиятдир, деган фикрни қувватлайди Беруний²⁸. Сукунат ва ҳаракат бирлиги ҳақида гапириб, уларнинг кетма-кетлиги ҳақида араблар ва эронликлар бир-бирларига тескари эканликларини таъкидлайди. Араблар: сукунат ҳаракатдан олдин, бинобарин, устун деса, эронликлар унинг аксини тан олганлар. Қадимги араблар унсурлар ҳаракати натижасида турли офатлар, чунончи, зилзила, тўфон ҳосил бўлади, сукунат — оромдир деб ўйлаганлар²⁹.

Оламда нарсалар ривожланиб туради, нарсаларнинг ниҳоясиз равишда «яширинликдан юзага чиқиши»³⁰, мавжудликка чиқиши — ривожланишга далилдир. Бу фикр моҳият билан ҳодиса орасидаги боғланиш чексиз процесс эканини ифодалайди. «Қуввадан феълга ўтиб туриш»³¹ эса имконият ва воқийлик муносабатидан далолат беради.

Ирсият ва ўзгарувчанлик проблемаси ҳозирги замон биологиясининг актуал проблемаларидандир. Берунийнинг айтишича, одамларнинг ранг, суврат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларининг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва жойлар табиатининг турличалигидан ҳамдир.

²⁵ Шу китоб, 72-бет.

²⁶ Шу китоб, 84-бет.

²⁷ Шу китоб, 62-бет.

²⁸ Шу китоб, 51-бет.

²⁹ Шу китоб, 42-бет.

³⁰ Шу китоб, 62-бет.

³¹ Шу китоб, 62-бет.

Тилларнинг турлича бўлишига сабаб — одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларни ифодалаш учун зарур бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Узоқ замон кечиришлари билан ҳалиги иборалар кўнаиб, ёдда сақланган ва такрорланиш натижасида таркиб топиб, тартибга тушган.

Беруний оламнинг яратилган-яратилмаганлиги ҳақидаги масалага тўхтаб ўтади. «Олам азалий... фалак чексиз бўшлиққа жойлашган»³² деган материалистик ва башариятнинг борлиқ умри «минг-минг йил»³³ деган идеалистик ғоялар ҳақида гап юритилади.

Биринчи инсон ҳақида афсоналар. Қадимги замонларда биринчи инсоннинг пайдо бўлганлиги ҳақида афсоналар яратилган. Одам ва Ҳаво, Мард ва Мардона, Малҳий ва Малҳиёна, Мишо ва Мишоналар ҳақидаги эртақлар баён этилади. Биринчи инсонни инкор этувчилар ҳам бўлган. Шаманийлар³⁴ бунга далил келтирмоқчи бўлдилар.

Даврий ҳодисалар. Цикллар. Абу Маъшар: цикл бошида унсурлар ҳам бўлади деган қарашига Беруний: жонворлар ва ёритғичлар³⁵ олдин ажралган ҳолда, кейин эса бирлашган ҳолда мавжуд деган хулосага келади. Беруний Жайҳонийнинг жума кунининг қайтарилиши табиий даврни ифодалайди деган мулоҳазасига қарши чиқиб, ҳафта — табиий циклни ифодалай олмаслигини тушунтиради. Ой бошида, Ой ва Қуёш тутилганида баъзи ҳодисалар рўй бериши ҳақида гапирилади³⁶. Масалан: ақлдан озиш, мўйнинг секин ўсиши, тухумнинг палағда бўлиб қолиши ва шу қабилир. Бу нарсаларнинг фанга бевосита алоқаси йўқ. Лекин, магнит бўрони даврида, Қуёш активлиги ошган даврда одамларнинг умумий тонуси пасайиши ҳодисаси ҳақидаги масала ҳозирги замон фани олдига қўйилган муаммолардандир. Беруний табиий даврий ҳодисаларга Аму дарёнинг тошишини қўшади.

Тўфон ҳақида. Халқлар тарихида ҳар хил ҳалокат бўлгани ҳақида гапиради Беруний. Тўфон, бўрон, зилзила, ер ютиш, вабо, қаҳатчилик — ҳалокатнинг ҳар хил намоён бўлиши. Тўфон бўлганми? Бу саволга яҳудийлар, христианлар ижобий жавоб берган бўлсалар, эронликлар, ҳиндлар, хитойлар салбий жавоб берганлар. Тўфон қачон бўлган? Баъзилар Искандардан 3040 йил илгари, баъзилар 1802 йил илгари деб тусмол қилган³⁷. Абу Маъшарнинг ҳар 180 000 йилда тўфон қайтарилади, деган сўзига Беруний: «бу билимсизлик»³⁸ деб жавоб берган.

Ёруғлик нури. Асарда қуйидаги масалалар баён этилган: нур ва замон, нурнинг тезлиги, нур ҳаракати ва товуш ҳаракати, нур ва иссиқлик, нур ҳаракатининг сабаби, Қуёш шуъласининг тўлқинлиги, нур ва унсурлар, нур ва қоронғулик, Ой нури ва қуёш нури, олов ва унинг

³² Шу китоб, 230-бет.

³³ Шу китоб, 230-бет.

³⁴ Шу китоб, 231-бет.

³⁵ Шу китоб, 61-бет.

³⁶ Шу китоб, 271-бет.

³⁷ Шу китоб, 61-бет.

³⁸ Шу китоб, 61-бет.

шакли. Берунийнинг бу масалалар тўғрисида юритган фикрлари ҳануз олимлар эътиборини ўзига жалб этади.

Сақланиш ғояси. Симметрия. «Табиат янглишиши». «Модда мўътадил миқдорда» сақланади. Гоҳо «модда мўътадил миқдордан четга чиқиши»³⁹ мумкин. Бу ҳам модданинг йўқолмаслиги натижасида, «табиат ортиқча модда учратган вақтда, уни бекор қолдирмай, бир сурат ясайди».

Беруний табиатда симметрия қойдаси мавжудлигини эътироф этади. «Гуллар очилганда атрофи давралаи бўлган баргларининг адади кўпинча геометрик қоидаларга мосдир»⁴⁰. Гуллар орасида барги 7 ёки 9 та бўлган биронта гулни зўрға топасан. Чунки ундай ададли барглари доирада геометрик усул билан тенг қобирғали учбурчак қилиб ишланиши мумкин эмас. «Одатда барглари 3, 4, 5, 6 ва 18 та бўлади»⁴¹.

Гоҳо табиат ўз ишларида янглишади, дейди Беруний. Янглишиш деганда ўз жойига зид иш тушунилади. Агар тирик организмда аъзо нотўғри орттирилса, ўринсиз, вазифасиз бўлса, «табиат янглишади»⁴² дейилади.

Ўз-ўзидан регулярианиш. Сабзруд кўлида сувнинг ҳажми доимо бир хилда бўлиши мисолида сақланиш процесси тадқиқ қилинади. Фильтрация, сув ўғирловчи асбоб ва туташ идишлар гидростатикаси масалалари анализ қилинади. Ўз-ўзига хизмат қилувчи чироғнинг ишлаш принципи қараб чиқилади.

Гидрология масалалари. Бўшлиқ ва оқим, сув юқорига оқадими, нега булоқ суви қайнаб чиқади, булоқ суви нега оқади, булоқ суви қачон кўпаяди, сувнинг мазаси нимага боғлиқ, бу масалалар Беруний эътиборини ўзига жалб этган.

Умр масаласи. Беруний астрологлар билан бўлган суҳбатда ёритгичлар улашадиган умрни эътироф этмайди. Астрологлар иқлим шароитини ва ирсият сифатини эътиборга олмайдилар. Беруний узоқ умр кўрадиган жойларга Фарғонани ҳам киритади. Илгари ўтган кишиларнинг узоқ умр кўрганлари ва гавдаларининг катта бўлганлиги ҳақидаги мулоҳазани Беруний рад этмайди.

III. Урф-одатлар. Расм-русмлар. Афсоналар.

Одатлар. Фахрланиш. Беруний одатларни яхши ва ёмонга ажратиб, ёқимли хислатларга қуйидагиларни киритади: тўғрилиқ, одиллик, ўзини сақлаш, инсоф, камтарлик, лутф, собитқадамлик, эҳтиёткорлик, сахийлик, мулойимлик, сиёсий ва бошқариш ишида билимдонлик, тadbиркорлик ва шунга ўхшашлар. Ёмон одатларга: бир-бирини пайига тушиш, рақобатлашиш, ўз кайфига эргашиш, бошлиқ бўлиш учун курашиш ва шунга ўхшашлар. «Фахрланиш,— дейди Беруний— ҳақиқатда яхши хулқлар ва олий феълларда олдин кетиш, илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд (нопокликлардан) тозаланиш-

³⁹ Шу китоб, 113-бет.

⁴⁰ Шу китоб, 336-бет.

⁴¹ Шу китоб, 336-бет.

⁴² Шу китоб, 336-бет.

дир. Кимда шундай сифатлар топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса, ҳукм унинг зарарига бўлади»⁴³.

Расм-русмлар. Румликларда ачиқ ва шўр нарсаларни маълум кунлари ейлади; қон олиш совуқ кунларда бажарилади. Арабларда (исломгача) шаввал ойи туя думини кўтарадиган ой деб, ўғилларини уйлантирмас экан; Думат ат-Жантал шаҳрида маълум кун оладиган молига тош ташлар эканлар; ал-Машаккар шаҳридаги бозорда қулоққа гапириб савдо қиларканлар.

Бошқа расм-русмлар; байрам куни бир-бирига шакар ҳадя қилиш; наҳорга анор, беҳи, олма ейиш; кундузи гулсафсар тутатиш; тол тутунини тутатиш; байрамда бир-бирларига сув сепиш ва шунга ўхшашлар. Рўза тутиш мусулмонларда фарз, мажусийларда гуноҳ ҳисобланган.

Хоразм аҳли йил ва ойларнинг бошлари хусусида суғд аҳли билан мувофиқ бўлиб, эронликлар билан муҳолифдир. Хоразмликлар билан суғдийлар расм-русми бир-бирларига ўхшайди.

Ҳайитлар. Хоразмликлар ҳайитлари икки хил бўлган;

1) Табиий воқеаларга бағишланганлари: йил боши байрами, очилиш байрами, гулханга исиниш байрами, ёглиқ нон ёпиш куни, Мина кечаси⁴⁴;

2) Диний маросимлар (исломгача) арвоҳлар учун қабрларига овқатлар қўядиган ҳайит ва бошқалар.

Суғдийлар ҳайити: Бухоро мажусийларининг «Ромуш оғом» байрами, «Накҳ оғом» ҳайити, ўлган авлодларга йиғлаш куни.

Бундан ташқари, бошқа халқлардаги ҳайитлар, маросимлар ҳақида Беруний кўп тўхтайдди. Масалан, «Пой ҳайити», «Наврўз ҳайити» ва бошқалар.

Афсоналар. «Файловон деган жойда шипдан доим сув томиб туради, чўкич билан урсанг қурийди». Беруний бу афсонага қарши равишда, сақланишга қиёс қилишни тавсия этади. Қайрвондаги тебраниб турувчи устун ҳақидаги ҳикояга «бу одамларнинг сунъий ишлари» деб жавоб беради Беруний. Фарғонада, Табаристонда, Туркияда, Мисрда, Ҳиротда, Сижистонда бўладиган ёмғирлар ҳақидаги ҳикоялар ҳам келтирилади.

III. Календарь проблемаси

Календарь. Календарь — кеча-кундузлар ҳисоби системаси. Тарихда ҳар бир халқ, умуман, ўзининг календарь системасига эга бўлган. Ҳар хил халқлар календарларининг принциплари орасидаги тафовутлар: бошланиш сабаби, оининг неча кундан иборатлиги ва ишлатиш усулининг ҳар хиллиги. Тарих ҳисобида ихтилоф борлигини Беруний кўрсатиб ўтади. Хоразмнинг маълум бўлган қадимий календарь системаси Искандар Зулқарнайндан 980⁴⁵ йил илгари бўлган. Демак, Хоразмнинг 3300 йил илгариги тарихи маълум.

⁴³ Шу китоб, 150-бет.

⁴⁴ Шу китоб, 275-бет.

⁴⁵ Шу китоб, 71-бет.

Календарь вақти-вақти билан тузатилиб, тўғрилиниб турган. Календарни тўғрилаш гоҳо ижтимоий ҳаётга таъсир қилган. Масалан, наврўз бир неча йил экинлар ҳали хом вақтида келадиган бўлиб қолганида, халқ хирож тўлашда қарздор бўлиб қолган. Деҳқонлар ўз ватанларини ташлаб кетишга мажбур бўлганлар⁴⁶. Календарни тўғрилашдан халқ хурсанд бўлган. Баъзи подшоҳлар эса календарни тўғриламас эди. Масалан, подшоҳ Яҳё ибн Холид календарни тўғрилаш кофирликни орттириш, наврўзни суриш, мажусийликка боришлир деб календарни тўғриламаган. Мусулмонлар йили қамария системаси билан ҳисобланган. Ой боши мушоҳада билан аниқланган. Ой ҳаракатини, Ойнинг Қуёш йили кунларидаги ҳолатини билиш табиий ҳодисаларни олдиндан айтиш учун зарур бўлган. Вақтнинг уч ўлчовини: кечакундуз, ой ва йилни табиатнинг ўзи берган.

Кун. Ҳафта. Сутка бирлиги ҳамма халқларда бир хил. Йил ва ой бирликлари бундай эмас. Суткада кеча олдин келадими, кундузми? Румликлар ва эронликларда арабларга тескари. Баъзи халқлар суткани горизонтдан ҳисоблаганлар. Астрономлар эса — меридиандан бошлайдилар.

Эрон, Суғд ва Хоразм давлатларининг бошланишида ҳафтани ишлатмаганлар.

Ҳафтанинг кунлари маълум моҳиятга эга деб ҳисобланган. Кунлар ҳафта ичида номларидан ташқари бошқа номларга ҳам эга бўлган. Масалан, хоразмликлар, суғдийлар ва эронликлар ойнинг ҳар бир кунига ном қўйганлар⁴⁷. Бир ой ичида ўн бир куннинг исми хоразмликларда ва суғдийларда бир хил бўлган.

Ой. Хоразмликлар Ой манзилларини ишлатганлар. Улардан астрономияга оид ҳукмлар чиқарганлар. Манзилларнинг исmlарини ёдда сақлаганлар. Кейинчалик манзилларни кузатиш кайфиятини яхши билувчилар йўқ бўлиб кетди, дейди Беруний. Хоразмликлар Ой манзилларини 12 буржга тақсим қилиб, буржларни ўз тилларида алоҳида исmlар билан атаганлар. Беруний буржларнинг (зодиакни)—хоразмчадан ташқари, арабча, форсча, сурёнийча, ибронийча, ҳиндча номларини келтиради.

Беруний ойлارнинг январь..., декабрь шаклида исmlанишининг қибтийларда ва румликларда талаффуз қилинишини келтиради.

Етти ёритғичнинг номлари ҳам хоразмча, арабча, румийча, форсча, сурёнийча, ибронийча, ҳиндча берилган.

Ой миқдори ҳақида шариат билан астрономия таълимотлари ҳақида Беруний бир шахс билан баҳслашиб, шундай дейди: «Балки сен шариатдан ҳам узоқсан, (шариатни) қўйгинда, астрономия олимларига мурожаат қил. Уларнинг ҳаммаси сенинг рамазон ойи ҳамиша тўла бўлиши ҳақидаги сўзингга қарши чиқадилар».

Ойга қўйилган исmlарнинг ҳар бири ҳар хил маъноларга эга эканлигини Беруний кўрсатиб ўтади. Араблар йилнинг маълум ойида, масалан, уруш қилмаганлар.

Ойларнинг аталишида мантиқий зиддият бўлган. Масалан, арабларда ойлари икки хил аталиб, бир вақтнинг ўзида иссиқ кучайган ой

⁴⁶ Шу китоб, 67-бет.

⁴⁷ Шу китоб, 82-бет.

гоҳо иккинчи, гоҳо бешинчи ой ҳисобланади. Бир вақтда «бундай бўлиши мумкин эмас»⁴⁸ деб зидлик борлигини таъкидлайди Беруний ва натижа чиқаради: Бу номлар ҳар хил вақтда берилган. Беруний бошқа изчилсизлик борлигини ҳам айтиб ўтади. Чунончи, Шом, Ироқ ва Хуросонда ишлатилган ойлار румликлар ойлари билан яҳудийлар ойлари-нинг аралашмасидан иборат.

Беруний ҳинд, хитой, тибет, турк, ҳазар, зангилар ойлари ҳақидаги билим шубҳали⁴⁹ деб уларни асарда баён этмаган.

Йил. Йилни кеча-кундузлар орқали бутун сонларда ифодалаш мумкин эмас. Йил неча суткадан иборат? Беруний бу масалага атроф-лича тўхталади. Беруний румликлар йили билан Қуёш йили ўртасидаги тафовутни ҳиндлар усулига айлантиради. Хоразмликлар билан суғдийлар йил бошини белгилаш учун ортиқча кунларни қўшишда бир хил амал қилганлар. Улар Қуёш йили ҳар 115 йили 365 кундан, 116 йили эса бунга 1 ой ва 1 кун қўшилади деганлар.

Йил боши қайси ойдан бошланади? Ҳар хил халқда ҳар хил. Беруний бу масалага қадимги халқлардан: араблар, самудийлар, яҳудийлар, эронликлар, сижистонликлар, суғдийлар, хоразмликлар, турклар, румликлар, юнонлар, мисрликлар, мағрибликлар ва ҳиндлар қандай қараганликлари ҳақида ҳикоя қилади. Чунончи, янги йил Хоразмда навсоржидан, арабларда муҳаррамдан, Эронда фарвардиндан, туркларда сичқондан, румликларда январийусдан, мисрликларда тогдан, мағрибликларда мойдан бошланган.

Йиллар рақамлар билан эмас, исмлар билан аталган. Масалан, Расуллоҳ замонида: зилзила йили, тинчлик йили, ошначилик йили ва шунга ўхшашлар.

Қуёш йилларида қамарий ойларини ишлатиш сабаби нийсон ойининг 14 сини баҳорга — мевалар гуллаган даврга тўғри келтириш баён этилади. Беруний қуёш йили ва ой йилининг Шарқ халқларида (ибронийлар, яҳудийлар, собийлар, ҳарронийлар, христианлар, араблар ва бошқалар) ишлатиш қоидаларини изоҳлаган.

Баҳорги кун тенглигидан апогей (авж, саратон) гача масофа тригонометрик функциялар ёрдамида аниқланади.

Йил ойлари кунларига ортиқча кунларни қўшиш, яъни йилни кабисалик қилиш календарь тарихида муҳим масала бўлган. Беруний Хоразмда кабисалик йилга ўтиш тарихини тасвирлайди. Мовароуннаҳрда ортиқча 5 кунни охирига ойга қўшганлар. Суғдийлар ҳам кабиса йили қилганлар.

Беруний Юлий замонасидан илгари ҳам йилнинг кабиса қилинганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Масалан, қибтийлар ҳар тўрт йилда ойларга бир кун қўшишган. Бу ишга Август ибн Южис раҳбарлик қилган. Юлиус Дақтитир румликларда кабиса қилдирган. Ҳар 1461 йили бир йилдан қўшилиб, бу йил катта кабисалик йил дейилади. Беруний ой календари билан қуёш календари орасидаги муносабатларга кенг тўхталади. Маълумки, ой календари ҳозир ҳам, бизнинг XX асримизда Бирлашган Араб республикаси, Индонезия, Эрон, Ироқ ва

⁴⁸ Шу китоб, 96-бет.

⁴⁹ Шу китоб, 103-бет.

бошқа мамлакатларда қўлланилади. Туркия, Афғонистон ва Эронда эса ой календаридан ташқари қуёш календари ҳам ишлатилади.

Иқлим ва календарь. Муаллифлардан бирининг: ажамликлар баҳори — хитой кузининг биринчи кунидир, деган фикрини бу бўлмаган нарса, дейди Беруний. У фаслларнинг ўзгаришида географик кенгликларнинг роли ҳақида, ҳаводаги ўзгариш ва иқлим Қуёшнинг эклиптикадаги силжишига боғлиқлиги ҳақида илмий тадқиқот ишлари олиб боради, Хоразм ва Бухоро ҳисобдонларининг метеорологик тадқиқотлари устида ахборот беради. Бухоролик олим Абдуллоҳ ибн Или Қуёшнинг ҳавога таъсирини текширган. Унинг илмий якунини Беруний маъқуллайди. Хоразмнинг қадимги ҳисобдонларидан баъзиларининг турли жойларда иқлим тафовути ҳақидаги кузатишлари ҳақида ҳам ахборот берилади.

Беруний, сувнинг шўрлиги фаслга боғлиқ, деган баъзи кишиларнинг мўлжалини талқин қилиб, асосий ролни фильтрация ва манба хоссалари ўйнашини далиллар билан кўрсатади.

Дарё ва каналлар сувининг тошиш сабабига тўхталиб, Дажла ва Фурот дарёларида сув камайган вақтда, Амударёда кўпайишини намойиш қилади⁵⁰. Иқлими бир хил бўлган ҳар хил жойнинг бирида одам яшаса, бошқасида ҳам одам яшайди, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак, дейди Беруний.

Календарни нуқсонсиз яратиш мумкинми? Йўқ, албатта. Ҳозирги календаримизда ҳам нуқсонлар бор. Масалан: ойлардаги кунлар сони ҳам, кварталлардаги кунлар сони ҳам ҳар хил; ойнинг маълум куни ҳафтанинг маълум кунига тўғри келмайди; ойларда, йилларда иш кунларининг сони бир хил эмас.

Беруний шуғулланган календарь проблемаси ҳануз етарли равишда ҳал қилинган эмас. Янги календарга ўтиш масаласи 1834 йилдан бери бир неча марта қўйилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва социал масалалар бўйича кенгаши ҳам 1954 йили календарь проблемаси билан шуғулланди.

Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» (Осор ал-боқия) асаарида баён этилган талай масалалар фан тарихини ёритишда муҳим роль ўйнайди.

О. Файзуллаев

⁵⁰ Шу китоб, бет.

ТАРЖИМОНДАН

Ўрта Осиё ва умуман Шарқнинг ифтихори ва энг улуғ олимларидан саналган Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Берунийнинг йирик асарларидан бўлмиш «Осор ал-боқия»ни ўзбек тилига таржима қилиш Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти томонидан менга топширилган эди. Ёшим улғайиб қолгани ва соғлигим ночорлашгани учун бундай ниҳоят оғир ва масъулиятли вазифани ўташга шароит ва имкониятим етарли бўлмаса ҳам, унинг ғоят даражада улуғ ва фахрли вазифа экани мени бу ишга жасоратлантирди. Институтдаги арабча ва форсча манбаларни истифода этишга суяниб, 1961 йилдан бошлаб бу ишга киришдим ва 1963 йил декабрида таржимани тугатдим. Бу китоб ўрта асрда Шарқда, айниқса Ўрта Осиёда фан ва маданиятнинг қанчалик тараққий этгани ва турли фанларни ўрганишга қанчалик эътибор берилганини билиш учун қимматли асар бўлиб, тарих, филология, математика, астрономия, этнография, хронология каби фанлар билан шуғулланувчилар учун муҳим манба хизматини ўтайди.

Абу Райҳон Беруний «Осор ал-боқия»сида турли миллатлар қўллайдиган эралар, уларнинг бошланишлари, ойлар ва кунлар, эраларни қўллашни тақозо этадиган сабаблар, ҳайитлар, ҳар хил маросимлар ўтказиладиган кунлар, кеча-кундуз ва бу иккиси мажмуининг бошланадиган жойи, кунлардан таркиб топадиган ойлар, йиллар ва буларнинг турли миллатларда турлича қўлланиши тўғрисида жуда равшан ва ифодали ҳикоя қилади.

Бу асарнинг бир қисмини илгари таржима қилгандим. У 1950 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриётида босилиб чиқди¹. Кейинчалик бу китоб тўла таржима этилди ва бунда аввалги таржимада йўл қўйилган баъзи камчиликлар тузатиб кетилди.

«Осор ал-боқия»нинг (Институтда мавжуд бўлган) Лейпцигда босилган Захау нусхаси унинг Истамбул ва Ленинград қўлёзмаларининг фотонусхалари билан солиштирилиб, тушиб қолган жойлари аниқлан-

¹ «Беруний ўрта асрнинг буюк олими» (Беруний вафотининг 900 йиллигига бағишланган мақолалар тўплами), Тошкент, ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, 1950, 189—234-бетлар.

ди. Шунингдек, немис олимлари К. Гарберс ва И. Фюкк ҳамда ленинградлик олим А. Б. Холидов Захау нашрини тўлдириш учун қўшимча нусхалардан ҳам фойдаланганлар. Нусхалар бир-бирдан фарқ қилган ўринларда араб грамматикаси ва мавзуга мувофиқ келадиган ибораларни олиб таржима қилинди. Асардаги айрим сўз ва терминларга имконият борича, изоҳ берилди. Шахсларнинг қисқача таржимаи ҳоллари, тугилган ва вафот этган йиллари, шаҳарлар, мамлакатлар, дарёлар, динлар ва мазҳаблар ҳақида изоҳлар берилди. Таржимада «Осор ал-боқия»нинг Эрон олими Акбар Доно Сиришт Сайрафий томонидан форсийга таржима қилиниб, 1321/1943 йили «Китобхонаи Хайём» матбаасида нашр этилган нусхаси ва М. А. Сальенинг русча таржимасидан ҳам фойдаланилди.

«Осор ал-боқия»нинг мавжуд ҳамма босма ва қўлёзма нусхаларидан ташқари таржима давомида яна бир қанча қўшимча манбалардан ҳам фойдаланилди. Масалан, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Хоразмий «Мафотиҳ ал-улум» («Илмлар калиди») асари Бугрус ал-Бўстонийнинг «Муҳит ал-муҳит» номли қомуси, Ибн ал-Қифтий «Ахбор ал-Ҳукамо», Ибн Абу Усайбанинг «Уюн ал-анбо» («Хабарлар манбалари»), Заҳириддин ал-Байҳақийнинг таржимаи ҳолига оид «Сивон ал-ҳикма», Муҳаммад ал-Ҳазарийнинг «Нур ал-яқин» («Ишончли нур») Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Муқаррининг «Ал-Мисбоҳ ал-мунир» («Ерқин чироқ») асарлари кабилар.

Беруний асарлари стили ниҳоятда мураккабдир. Унинг «Китоб ал-жамоҳир фи-л-маърифат ал-жавоҳир» («Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами») асарини босмага тайёрлаган кишилардан «Доират ал-маориф»нинг ношири, немис арабшуноси доктор Ф. Кренков асарнинг хотимасида шундай ёзади: «Беруний бу асарини ўзига ёт бўлган араб тилида ёзди. Шунинг учун унинг сўзида айрим дағаллик учрайди». Бу ҳукмнинг қанчалик тўғри ёки нотўғри экани мутахассисларга маълум бўлса керак. Шогирдларидан бири Берунийдан «Нима учун асарларингизда баъзи бир муҳим масалаларни очиқ ва равшан мисоллар билан баён қилмайсиз» деб сўраганда, «Ижтиҳодли ва илм дўсти бўлган ўқувчи асарларимдаги мақсадларни тушуниб олади. Қўпчилик томонидан фаҳмланиш ва фаҳланмаслигининг менингча аҳамияти йўқ»², деб жавоб берган экан. Умуман Беруний ўз асарларини мушкул, қисқа ва диққатли иборалар билан таълиф этган. Ҳозирда биз таржима қилаётган «Масъуд қонуни» номли асари бу даъвои исботлашга етарли далилдир.

Асарнинг 75 дан ортиқ жойида Истамбул ва Ленинград қўлёзмалари орқали Захау нусхасини, Гарберс ва Фюккнинг қўшимча нашрини ва Сайрафий таржимасини тузатиб, русчага баъзи ўринларини хилоф равишда таржима қилдик. Ҳар бир жойнинг ўзида булар ҳақида алоҳида изоҳ бериб ўлдик ва кучимиз етганича, тоқат борича ижтиҳод этиб тўғри таржима қилишга ҳаракат қилдик. Агар саҳв ва хатоларга йўл қўйилган бўлса, ўқувчилар томонидан улар тузатилиши ва таржимонни афв этилишини умид қиламан.

Ўрта Осиё ва умуман Шарқнинг буюк олими Абу Райҳон ал-Берунийнинг номи ва асарлари Октябрь инқилобига қадар тилга олин-

² «Осор ал-боқия», Захау нусхаси инглизча қўшимчасининг 70-бети.

маган ва ўрганилмаган ҳам эди. Совет ҳукумати қадимги илмий асарлар ва уларни ижод этган кишилар ижодини ўрганишга катта эътибор берганидан Берунийнинг «Ҳиндистон», «Осор ал-боқия» ва бошқа асарлари биринчи марта рус тилига таржима қилиниб, нашрдан чиқарилди. Берунийнинг «Ҳиндистон» китоби ўзбек тилида ҳам нашр этилди. Бу улғ олимимизнинг бой илмий меросини яна ҳам чуқурроқ ўрганиш ва халқимизни ундан баҳраманд қилиш учун катта имкониятлар очиб беради.

Таржима жараёнида «Осор ал-боқия»нинг русча нусхасидан фойдаланишда ва баъзи бир бошқа масалаларда менга ёрдам кўрсатган ҳамкасбларим — Шарқшунослик институтининг арабшунос илмий ходимларига ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни изҳор этаман.

Абдуфаттоҳ Расулов



ҚАДИМГИ
ХАЛҚЛАРДАН
ҚОЛГАН
ЁДГОРЛИКЛАР





|| Раҳмли ва меҳрибон тангри номи билан

ақтов тенглаштириладиган ва ўхшатиладиганларнинг [ҳаммасидан] юқори турувчи тангрига аталгандир. Худонинг раҳмати барча инсонларнинг улуғи [бўлган] Муҳаммад пайғамбарга, тўғри йўл ва ҳақиқат раҳнамолари бўлмиш унинг хонадонига бўлсин.

Олий тангрининг нуфузли тақдир билан оламда бирор замонни халқ инонадиган адолатли йўлбошчисиз қўймаслиги — халойиқ манфаатларига мос латиф тадбирларидан ва барча халққа берган улуғ неъматларидандир. [Тангри] уни ўз халқига раҳбар қилиб қўяди, улар оғир аҳвол ва бахтсизликларга, қаттиқчилик ва қулфатларга [дуч келганларида] ундан паноҳ тилайдилар; бирор иш шубҳали бўлганда, унинг ҳукмига мурожаат қиладилар. Унинг ижтиҳоди билан оламда тартиб барпо бўлади. Доимо шундай йўлбошчининг бўлиб туришини [худо] одамларга фарз этган. Мусулмонларни унга бўйсуннишга буюриб, буни ҳақ ва тўғри сўз билан, ўзига ва пайғамбарига бўйсунниш билан бир қаторга қўйган ва охирада яхши мукофотга эришишга восита қилган. Унинг қатъий ҳукмдан иборат сўзи [мана шу] оятдир. «Эй мўминлар, худого, пайғамбарга ва ўзингиздан бўлган ҳукуматдорларга бўйсунингиз!»¹.

Олий тангрига шукурлар бўлсин, у, улуғ хожамиз жаноби амир, худо ёрдамига муяссар, неъматлар эгаси Шамс ал-Маолийни² халққа адолатли, тангрининг дини ва ҳақиқа ёрдамчи, мусулмонлар ҳарамларини қўриқловчи, улар мулкларини талон-гуждорлардан асровчи йўлбошчи қилиб, бандаларини ўзидан миннатдор этди. Худо унинг умрини узоқ қилиб, қудрат ва олий мартабасини янада юқори кўтарсин, уни ҳамиша шоду хуррам этиб, сарой ва даргоҳини ўз паноҳида сақласин, ҳасадчи ва душманларини хор қилсин. Пок тангри ўз пайғамбари ва пайғомини етказувчисини «Албатта сен энг яхши хулқ эгасисан!»³ деб тавсиф қилганидек, [Шамс ал-Маолийга ҳам] яхши хулқ бериб, уни мамнун этган. Улуғ ва олий тангри унинг пок вужудидаги яхшилик нишонларига гўзал ахлоқларини, иболик руҳига барча ёқимли хислатларни қўшиб, уни қандай сифатлар эгаси қилган? У хислатлар: тақводорлик, тўғрилик, ўзни сақлаш, диндорлик, одиллик, инсоф, камтар-

лик, латофат, собитқадамлик, эҳтиёткорлик, сахийлик, мулойимлик, сиёсат ва бошқариш [ишларида билимдонлик], тадбиркорлик, тўғри тахмин қила билиш ва булардан бошқа ақлга сиғмайдиган, киши баён этиб тугатолмайдиган [яхши] сифатлардан иборатдир. Тангрининг [бутун] оламни бир [кишида] жам қилиши инкор этилмайди⁴, бундан ажабланишга ўрин йўқ. Худо унинг яхши мақсад, [мусулмонлар] ҳақида эзгу фикр, уларга нисбатан шафқат ва меҳрибонликларидан мусулмонларни баҳраманд қилишни давом эттирсин; мусулмонлар одатланиб қолган унинг муруввати соясини кундан-кунга орттирсин; миннат ва эҳсон билан хос ва авом халқни ўз фарзларини [адо этиб], унга бўйсунмишга муваффақ этсин.

|| Адиблардан бири мендан [турли] халқлар ҳақидаги тарихлар⁵, уларнинг бошланишлари ва шохобчалари, яъни ойлар ва йиллари устида у тарих эгаларининг ихтилофлари ва бу ихтилофлар сабаблари, машҳур байрамлар, турли вақтлар ва [ҳар хил] юмушлар учун белгиланган кунлар, миллатларнинг баъзиси амал қилиб, баъзиси амал қилмайдиган бошқа [маросимлар] ҳақида сўради ва мени имкон борича уларни жуда равшан баён этиб, ўқувчи фаҳмлайдиган, [турли] китобларни ахтариш ва у китоб эгаларини суриштиришга эҳтиёж қолдирмайдиган [бир асар ёзишга] даъват этди. Бу ишнинг [етишиш] қийин ва олинандиган [манбаи] узоқ эканини ва уни яхши билган одам қалбида шубҳа қолмайдиган аниқ фанлар қаторига қўймоқчи бўлган кишига бўйсунмаслигини билдим. Лекин тангри ёрдамига сазовор, неъматлар эгаси бўлган жаноб хожамиз [улуғ] амир Шамс ал-Маолийнинг — худо уни доимо қудратли этсин — олий давлатидан қувват олиб, [бутун] кучимни йиғиб, [бор] имкониятни ишга солиб, гоҳ эшитиш, гоҳ кўриш ва қиёс қилиш орқали, билимим етганича, у нарсаларни баён этишга бел боғладим. Кейин муборак хизмат либосини кийганлигим ҳам ўша [мендан сўралганларни] олий тахт [эгаси] учун исбот этиб беришга, шу билан Шамс ал-Маолийга янгидан хизмат этиб, шону шарафи асрлар ва узоқ замонлар оша келгуси авлодга мендан мерос бўладиган фахр либосларини кийишга, [шу асарни ёзишга] мени журъатлантирди. Агар амир — тангри доимо унинг фикрини юқори қилсин — бу қулнинг жасоратидан кўз юмиб, узрини қабул этса ва уни шарафласа, иншооллох тўғри фикр юритган бўлади.

Асарни ёзишга [кириша] бошлаб айтаманки, мендан сўралган нарсаларга етказувчи воситаларнинг энг муҳими — қадимги миллатлар ҳақидаги ривоятлар, ўтмиш авлодлар тўғрисидаги хабарларни билишдир, чунки буларнинг кўпчилиги у миллатлар авлодидан ва уларнинг расму русум ва қоидаларидан иборатдир. Ақлий [нарсалардан] далил келтириш, кузатилган [нарсаларга] қиёс қилиш йўли билан у хабарларни билиб бўлмайди. Буни фақат «китоб аҳллари»⁶ ва турли дин арбобларига, шу [эътиқодларга] амал қилувчи ҳар хил маслак ва ишонч эгаларига эргاشиш, уларнинг тушунчаларини ҳамisha асос тутиш билан билинади. Сўнгра буни кўпчилик кишиларнинг табиатини пасткашлатирадиган ёмон ахлоқдан, ҳақиқатни кўришга имкон бермайдиган омиллардан ўзни тозалайдиган кейин, уларнинг исбот учун келтирган сўз ва эътиқодларини бир-бирига солиштириш билан билинади. Ана шу айтиб ўтганим ҳақиқий мақсадга етказувчи энг яхши йўл ва бунга доғ туширувчи шак-шубҳани ювиб ташлаш учун энг кучли ёрдамчидир.

Гарчи қаттиқ уриниб зўр машаққат чексак ҳам, ўшандан бошқа йўл билан мақсадга эришолмаймиз.

Шу билан бирга, мен тутган йўл ва белгилаган усул || осон эмас, балки узоқ ва қийин йўлдир. Хабар ва ривоятларга кўплаб кириб қолган ёлғон сўзларнинг ҳаммаси ҳам равшан эмас. Бошқа далиллар бўлмаганда баъзиларининг ёлғонлигини билиб бўлмасди. Одамлар ҳозир ҳам, ўтган замонларда ҳам шундай табиий ҳодисаларга дуч келган, агар ўшандай ҳодисалар узоқ замонларда [юз берган деб] ҳикоя қилинса, албатта биз унга ишонмас эдик. Халқлардан бирига [тегишли] хабарлар [нинг ҳаммаси] ни аниқлаб билишга инсон умри кифоя қилмайди-ю, ҳамма миллатлар [ҳақидаги] хабарларни билишга қандай кифоя этсин? Бу мумкин эмас!

Иш шу йўлдан борадиган бўлгач, у ривоятларнинг давримизга энг яқин ва энг машҳурини, сўнгра яқинроқ ва машҳурроғини [бирин-кетин] олишимиз лозим. Уларнинг [баъзиларини] ўз арбобларидан қабул қилиб, тузатиш мумкин бўлганини тузатамиз, бошқаларини ўз ҳолида қолдирамиз. Шунда биз келтирган ривоятлар ҳақиқатни қидирувчи ва ҳикматни сезувчининг бошқа ривоятлар устида иш юргизишига ёрдамчи ва бизга муяссар бўлмаган нарсаларга эришиши учун йўловчи бўлади. Биз худонинг хоҳиши ва ёрдами билан шундай қилдик.

[Энди] ўз мақсадимизга кўчиб, кеча ва кундуз ҳақиқатини, бу икковининг мажмуаси [сутка] нима эканини ва шу мажмуанинг фараз этилган бошланишини баён қилишимиз керак. Зеро ойлар, йиллар ва тарихлар учун кеча ва кундуз, ададлар учун «бир» сони каби [зарур] дир. Ададлар «бир» сонидан таркиб топади ва «бир»га бориб тамом бўлади; [шунингдек] кеча ва кундузни яхши билиш орқали у икковидан таркиб топган ва уларга асосланган нарсаларни билиш осон бўлади.

КУНДУЗ БИЛАН КЕЧА, УЛАР МАЖМУИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ИККИСИНИНГ БОШЛАНИШ [ВАҚТИ] УСТИДА СЎЗ

Кундуз билан кеча [мажмуи] Қуёшнинг «Даворон кулл» натижасида кеча-кундузнинг бошланиши деб фараз этилган доирага қайтиб келишидан иборатдир. Агар келишинган бўлса ва у катта [доира] бўлса уни қайси доира бўлса ҳам [қабул этилган]. Чунки катта доираларнинг ҳар бири билқувва [потенциал] уфқдир. Билқувва уфқ [деганимнинг] маъноси [шуки], мазкур доира бирон турар-жой учун уфқ бўлиши мумкин. «Даворон кулл» фалакнинг ундаги нарсалар билан ўзининг иккала қутби устида кун чиқишдан кун ботишга томон кўри-ниб турган ҳаракатидир.

Сўнгра араблар уфқ доирасидаги кун ботиш нуқталарини кеча ва кундуз мажмуаси [сутка]нинг боши деб фараз қилганлар. Уларнинг фикрича, кеча-кундуз кун ботишидан то эртасига кун ботишигача чўзилган муддатдир. Арабларнинг бундай фикрга келишларига сабаб шуки, уларнинг ойлари ой куррасининг ҳаракатига асосланиб, унинг турли ҳаракатидан чиқариб олинган. Ойларнинг бошланиши ҳисоб билан эмас, ҳилолларнинг кўриниши билан белгиланган. Ҳилоллар эса Қуёш ботганда кўринади. Демак, уларнинг фикрича, ҳилолнинг кўри-ниш вақти ой аввали бўлиб, кундуздан кеча олдин турган. || Шунинг учун улар кечаларни ҳафта кунларига нисбат берганларида, кечаларни кунлардан олдин қўйишга [масалан, жума кечаси дейишга] одатланганлар.

Бу тўғрида арабларга қўшилувчилар: қоронғилик мартабада ёруғликдан олдин туради, нур қоронғиликнинг устига чиқади, деб далил келтирадилар ва: «олдин турганни олдинга қўйиш керак»,— дейдилар. Шунинг учун улар ҳаракатсизликни ҳаракатдан устун кўриб, роҳат ва ором ҳаракатсизлик натижаси, ҳаракат бирон эҳтиёж ва зарурат учун [содир] бўлади, чарчаш заруратдан кейин келади, демак, чарчаш ҳаракат натижасидир, дейдилар. Яна улар, агар унсурларда [тупроқ, сув, олов ва ҳаво] ҳаракатсизлик бир қанча [вақт] давом этса, у ҳеч қандай офатни юзага келтирмайди, агар уларда ҳаракат давом этиб, ҳукмронлик қилса, зилзила, довул, тўлқин ва шунга ўхшаш ёмон ҳодисалар юз беради, деб [далил] келтирадилар.

Аммо араблардан бошқа [халқлар]— румлик⁸, эронлик ва булар

фикрига қўшилувчиларда кеча-кундуз — Қуёшнинг шарқий уфқдан чиқишидан эртасига яна ўша уфқдан чиқишигача ўтган муддат деб қабул этилган, чунки булар қабул этилган ойлар ҳисоб орқали белгиланган бўлиб, ой куррасига ҳам ва бошқа ёритқичлар ҳолатига ҳам боғлиқ эмас. Уларнинг [кеча-кундузлари] кундуз аввалидан бошланади. Демак, уларнинг фикрича, кундуз кечадан олдиндир. Бу фикрларига: нур — борлиқ, зулмат — йўқлик деб далил келтирадилар. Нур зулматдан олдин деювчилар ҳаракат ҳаракатсизликдан устун, чунки ҳаракат йўқлик эмас — борлиқдир, у ўлим эмас — ҳаётдир, дейдилар. Бу кишилар кечани кундуздан олдин деювчиларга, уларнинг гапларига ўхшаш: осмон ердан афзал, ишловчи ва ёш йигит [чолдан] соғломроқ, оқар сув тўхтаб қолган сув сингари бузилмайди, деган сўзлар билан қарши турадилар.

Аммо барча астрономлар ва кўпчилик олимлар фикрича, кеча-кундуз Қуёшнинг нисф-наҳор⁹ доираси орқали ўтишидан бошланиб, эртасига худди ўша доирага дуч келиши билан [чегараланади]. Бу — юқорида айтилган икки хил сўз ўртасидаги бир тушунча бўлиб, уларнинг фикрича, кеча-кундуз нисф-наҳор доирасининг¹⁰ кўришиб турадиган ярмидан бошланади. Астрономлар зижлардаги¹¹ ҳисобларини шу фикрга асосан юргизганлар, ёритқичларнинг вазиятларини ҳам шунга асосан, уларнинг тўғри ҳаракатлари ва йиллик [календарь] дафтарларидаги мавқелари орқали белгиланганлар.

Баъзи [астрономлар] масалан, «Зижи Шаҳриёроншоҳ»¹² нинг муаллифи нисф-наҳор доирасининг кўринмайдиган ярмини ихтиёр этиб, кеча-кундуз ярим кечадан¹³ бошланади, деган. Бунинг зарари йўқ, чунки [бу икки хил фикр] бир далилга асосланган.

Астрономларнинг уфқ доирасини танлаб олмай, [нисф-наҳор] доирасини ихтиёр этишларига бир қанча сабаблар бор. Бири шуки, улар кеча-кундузнинг [ҳар жойда] турлича ва бир-бирига номувофиқлигини аниқлаганлар. Чунончи, бу номувофиқлик кун тутилиш вақлларида [айниқса], ҳиссиёт орқали сезиш билан, жуда равшан кўринади. Бу Қуёшнинг буржлар фалакининг турли — гоҳо тез ва гоҳо суст ҳаракатидан ҳамда шу буржлар фалаки қитъаларининг доиралардан турли [тезликда] ўтишларидан пайдо бўлади. Улар бу ҳар хилликни йўқотиш учун [ҳалиги қитъаларнинг ўтиш] тезлигини муътадил қилишга мажбур бўлганлар. Бу ўтиш [тезликлари] нисф-наҳор доирасида буржлар фалаки [Қуёшнинг] чиқишига келганда, умуман ҳамма жойда тенг бўлади, чунки бу доира || [осмон] куррасининг тўғри уфқларидан бири бўлиб, унинг ажралмас [сифатлари] ернинг ҳамма жойида ўзгармайдигандир. Астрономлар уфқлар доираларида бундай ҳолатни учратмаганлар, чунки у доиралар ҳар жойда ҳар хил, ҳар қайси кенглик горизонти бошқа кенглик горизонтдан фарқ қилади ва буржлар фалаки қитъаларининг у доиралардан ўтиш [тезлиги] турлича. Шунинг учун [уфқлар доиралари] билан иш қилиш расо ва тартибли бўлмайди.

[Нисф-наҳорнинг танлаб олинишига яна бир сабаб шуки], шаҳарларнинг нисф-наҳор доиралари ораларида экватор доираси ёки шунга ўхшаш доиралардан бошқа нарса йўқ. Аммо уфқлар оралари шу [кенглик] ва шимол ҳам жанубга томон бурилишдан вужудга келган. Ёритқичлар ҳолати ва жойлари нисф-наҳордаги узунлик орқали аниқланади. Уфққа боғлиқ бўлган ва кенглик деб аталадиган бошқа томон-

нинг бунга [ҳеч қандай] алоқаси йўқ. Шунинг учун [астрономлар] ҳисоблари тўғри келадиган [нисф-наҳор] доирасини ихтиёр этиб, бошқа доиралардан юз ўгирганлар. Агар улар уфқлар доиралари билан иш қилганларида, узоқ йўл юрилгандан кейин бўлса ҳам нисф-наҳор доирасидаги натижага албатта эришардилар. Лекин тўғри йўлдан атайлаб энг узоқ йўлга ўтиш жуда зўр хатодир.

Биз кунни умуман мана шундай таърифладик, [лекин куннинг] таркибига кеча ҳам кириши шарт. Аммо у [сутка] иккига бўлинса ва бири-биридан ажратилса, ёлғиз кун ва кундуз бир маънони билдиради, бу — Қуёш кулчасининг кўтарилишидан то ботгунича ўтган муддат; кечаси эса унинг аксидир. Буни умуман барча халқ эътироф этади, кўпчилик шунга келишиб, бу тўғрида бир-бирлари билан тортишмайдилар. Лекин исломнинг фақиҳ олимларидан бири, кундуз ва рўза муддатини баробарлаш учун кундуз аввални — тонг отиши, охирини — Қуёш ботиши деб таърифлайди ва бунга олий тангрининг «Тонгда оқ ип қора ипдан ажралиб кўрингунча еб-ичинг, кейин кечгача рўза тутинг!»¹⁴ деган сўзини далил келтириб, шу икки чегарани кундузнинг икки томони деб даъво қилади.

Бундай фикрдаги кишига бу оятнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Агар рўза аввали кундуз аввалига тўғри келганда, барча халққа аниқ-равшан нарсани [худо] қийин ва маъносиз иборат билан таърифлаган бўлади. Кундуз охири ва кеча аввалини шундай таърифламадику, чунки бу маълум ва машҳур, буни билмайдиган киши йўқ. Лекин [худойи] таоло рўза аввални тонг отиши билан чегаралаб, кеча сўзини фақат келтириб қўя қолди, чунки кеча [аввали] Қуёш кулчасининг ботиши эканини ҳамма билади. Бундан маълум бўладики, [Қуръонда] зикр қилинган «аввал» кундуз боши деган сўз эмас. Худойи таолонинг «Рўза кечаси хотинларингиз билан алоқада бўлишингиз||ҳалол қилинди» деган сўзидан то «Кейин кечга қадар рўза тутинг»¹⁵ деган сўзигача биз айтганларнинг тўғрилигига далолат беради. Демак, [худо] бутун кеча давомида эмас, [кечанинг] маълум вақтидагина жинсий алоқада бўлиш ва еб-ичишга рухсат этди. Бу оят нозил бўлишидан илгари хуфтан намозидан кейин ейиш-ичиш мусулмонларга ман қилинган эди. Улар рўзаларини бутун кун ва кечанинг бир қисми, деб санамай, умуман кунлар бўйича ҳисоблар эдилар.

Агар [худо] шу оят билан кундуз аввалини мусулмонларга танитмоқчи бўлган дейилса, одамлар бундан олдин кун ва кеча аввалини билмаган бўладилар; бунинг мумкин эмаслиги аниқ. Агар шариятда белгиланган кундуз [халқ ўртасида] машҳур бўлган кундуздан бошқа дейилса, бу, иборатда ўзгалик ва [одатда] бир нарсага ишлатиладиган ном билан бошқа нарсани аташ, холос. Шу билан бирга, [юқоридаги] оятда кундуз ва кундуз аввали тўғрисида гапирилмаган. Бундай нарсаларда тортишувдан четланамиз, қарши кишилар маънода бизга қўшилсалар, биз ҳам иборатда уларга қўшилаемиз.

Қарама-қаршилиги равшан, аён бўлган нарсага қандай инониб бўлади? Чунки кун ботиш шафақи кун чиқиш — тонг отишга ўхшайди; икковининг сабабчиси ҳам бир¹⁶, ҳолати ҳам параллелдир. Агар тонг отиши кундуз аввали бўлса, шафақ ботиши албатта кундуз охири бўлар эди¹⁷, ҳатто ши¹⁸ мазҳабидагиларнинг баъзилари бу фикрни қабул этишган. Шу билан бирга, бизнинг юқорида айтганларимизга қарши

бўлган кишилар кеча ва кундузнинг бир йилда икки марта — бир марта баҳорда¹⁹, иккинчи марта кузда²⁰ — баробар бўлишида бизга қўшиладилар. Уларнинг сўзича, бизда кун узайиши Қуёш шимолий қутбга ниҳоятда яқинлашганида тўхтайд²¹; кун қисқайиши эса Қуёш ўша қутбдан ниҳоятда узоқлашганида тўхтайд²², ёзнинг энг қисқа кечаси қишнинг энг қисқа кунига тенг келади ва худои таолонинг «у [тангри] кечани кундузга, кундузни кечага киргизади» ва «кечани кундуз устига ўрайди, кундузни кеча устига ўрайди»²³ деган сўзларининг маъноси шунга боради, деган гапимизга мувофиқ келади. Агар [рақибларимиз] буларни билмасалар ёки ўзларини билмасликка солсалар, кундуз биринчи ярмининг олти соат, иккинчи ярмининг ҳам олти соат бўлишини қабул этмай чоралари йўқ. Бундан кўз юмушлари мумкин эмас, чунки жума куни [масжид] жомига илгарироқ борувчиларнинг фазилатлари ва масжидда бўлиш соатлари ортиқ-кам бўлишига қараб, мукофотлари ҳам тафовутли бўлиши ҳақида ривоят этилган хабар [ҳадис]²⁴ машҳурдир. У [масжидда бўлиш] соатлари кундуз аввалидан то кун оққунча ўтган олти соат бўлиб, улар «муътадилла» деб ҳам аталувчи «муставийя» соатлар эмас, «замонияи муъважжа»²⁵ соатлар бўлиши ақлга мувофиқ келади.

Агар биз уларга таслим бўлиб, даъволарини қабул этсак, Қуёш қишки ҳолатининг икки ёнида²⁶ бўлганида кеча-кундузнинг баробарлашиши — бу эса баъзи жойларда бўлиб, баъзи жойларда бўлмайди — ва қиш кечасининг ёз кундузига баробар келмаслиги лозим бўларди. [У ҳолда] Қуёш кун чиқиш ва кун ботиш ораси баробар иккига бўлинган жойга келганда, кундуз ярим бўлмай қоларди. || Бу хулосага қарши [фикр юритиш] озгина идроки бўлган киши наздида қабул этиладиган масаладир. Осмон курраларининг ҳаракатларидан салгина хабардор кишига у кишиларнинг шу хилда чегарадан чиқиб кетганликлари албатта равшан маълум бўлади.

Агар биров одамларнинг тонг отганда: «тонг пайтига кирдик, кеча кетди» деган гапларини далил келтирса, бу киши Қуёш ботишга яқинлашиб, сарғайган пайтда одамларнинг: «кечага кирдик, кундуз кетиб, кеч келди» деган гаплари ҳақида нима деб ўйлайди? Бу фақат бир вақтнинг яқинлашиб келгани ва бўлиб турган [вақтнинг] ўтиб кетаётганидан хабар беришдир. Бу мажоз ва истиора ўрнида қўлланиладиган сўзлардир. Буни тилда ишлатиш мумкин. Масалан, улуғ ва олий тангри Қуръонда «худонинг амри келди, унга шошилманг!» деган.

Пайғамбардан — худо уни ва оиласини раҳмат қилсин — ривоят қиладилар, у: «Кундузги намоз «гунг»²⁷ деган сўз ва одамлар пешин намозини — у кундузги икки вақт намознинг биринчиси бўлганидан — «аввалги намоз» деб атайдилар; намоздигарни — у кундузги икки вақт намознинг биринчиси [пешин] билан кеча намозларининг биринчиси [шом] орасига кирганидан — «ўрта намоз» деб атайдилар», — деган. Бу гапимизнинг тўғрилигини исбот этади.

Бу ердаги гаплардан мақсадим, зарурият [аниқ маълумотлар] Қуръон далолат берганининг аксини исбот этади, деб гумон этувчи ва гумонини исботлаш учун фиқҳ олимлари ва Қуръонни тафсир этувчилардан бирининг сўзини далил келтирувчи кишиларнинг гумонини кеткизиш, холос. Худо ҳақиқатга йўлловчидир.

КЕЧА-КУНДУЗЛАРДАН ТАРКИБ ТОПУВЧИ ОЙЛАР ВА ЙИЛЛАР МОҲИЯТИ

Энди айтаманки: Қуёшнинг буржлар фалакидаги ҳаракати-ул-куллга қарши ҳаракат қилиб, қайси нуқта бўлса ҳам унинг ҳаракатининг бошланган жойи деб фараз этилган нуқтага қайтиб келгунича ўтган [муддатга] йил дейилади. Йил тўрт фасл — баҳор, ёз, куз, қишни ва уларнинг тўрт хил табиатларини ўз ичига олиб, қаердан бошланган бўлса, шу ерда тамом бўлади.

Бу айланиш Батлимус²⁸ фикрича, [тез ё суст эмас], бир-бирига тенгдир, чунки у, Қуёш авжида [ҳеч қандай] ҳаракат топмаган. Аммо Батлимусдан бошқа Синдҳиндга²⁹ эргашувчилар ва шу даврдаги баъзи [астрономлар] фикрича, Қуёшнинг айланиши бир-бирига тенг эмас, чунки уларнинг кузатишида Қуёш авжи учун ҳаракат топилган. [Қуёш] айланишининг тенг ёки нотенг бўлишидан қатъий назар, йиллар тўрт фасл ва уларнинг табиатларини тамом ўраб оладилар.

Йилнинг бутун ва касрли кунлари қанча эканига келганда, бу ҳақдаги кузатишларнинг натижалари турлича бўлиб, бир-бирига мувофиқ эмас. Баъзи кузатишларда кўпроқ, баъзиларида камроқ чиққан, аммо кузатишлардаги тафовутлар озгина вақтда сезилмайди. Агар [вақт] узоқ муддатга чўзилса ва тафовут кўпайиб, йиғилиб қолса, бу пайтда қўпол хато содир бўлади. Ана шундай хато [содир бўлмаслиги учун] донишмандлар қайта-қайта кузатишни || ва халал етиш имкониятидан сақланишни тавсия қилганлар.

Йилнинг [неча кунлигини] аниқлашдаги кузатишларнинг хилма-хил чиқиши кузатиш ва ҳақиқатни топишни билмасликдан эмас, балки катта доира бўлакларини кичик доира бўлаклари³⁰ орқали забт этиб бўлмаслиги, яъни кузатиш қуроллари кичик бўлиб, кузатиладиган жисмларнинг жуда катталиги сабабдир. Бу масала менинг «Кузатишлардаги ихтилофлар ҳақида далиллар китоби»³¹ номли асаримда тўла баён этилган.

Шу муддатда, яъни Қуёшнинг буржлар фалакида бир айланиш муддатида Ой ўн икки ярим мартадан камроқ айланиб, ўн икки марта ҳилол пайдо бўлади. Ойнинг буржлар фалакида ана шу ўн икки марта айланишини қамарий йил деб қабул қилганлар ва ундан ўн бир кунга яқин каср [кунларини] чиқариб ташлаганлар. Шу сабабдан буржлар

фалаки ҳам баробар ўн иккига тақсим этилган, буни «Яширин шуъла ва нурларни ошкор этиш» номли китобимда баён этганман. Бу китобим билан олий тахтда ўтирган кишига³² хизмат қилган эдим, худо уни яна ҳам олий, мартабали этсин.

Шундай қилиб, одамлар икки хил йил — қуёш йили ва ой йилини ишлатадиган бўлганлар. Бу иккисидан бошқа ёритқичларни йил ҳисобида ишлатмаганлар. Бунга сабаб [биринчидан], уларнинг ҳаракатлари яширин, кўз билан кўриб бўлмайди, фақат кузатиш [қуроли] ва текшириш орқали кўрилади. [Иккинчидан], бу икки ёритқич ҳаракатларининг замонлар, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонлар аҳволига, булардан бошқа унсурлар бўлақларининг ўзгариб, бири иккинчисига айланишига таъсири бор, чунки бу иккиси катта, нурда, кўринишда бошқа ёритқичлардан ажралиб туради ва иккови бир-бирига ўхшайди. Сўнгра бу икки хил йилдан бошқа [ҳамма] йиллар чиқариб олинган.

Совуннинг³³ ўз зижида айтишича, истамбулликлар, исқандарияликлар ва бошқа [халқлар] — румлик, сурияликлар, калдонийлар, ҳозирги мисрликлар ҳамда йил тўғрисида Муътазид Биллоҳ³⁴ фикрига амал қилувчилар — қуёш йилини тутганлар. Бу йил уч юз олтмиш беш бутун ва чорак кунга яқин бўлади. Булар йилларини уч юз олтмиш беш кун қилиб, чораклар ҳар тўрт йилда бутун бир кун бўлгач, уни [йилига] қўшганлар. Чораклар шу йилга қўшилгани учун ўша йилни «қўшимчали» йил деб атаганлар. Қадимги қибтийлар³⁵ ҳам шунга мувофиқ иш юргизганлар, лекин улар то йиғилиб тўла бир йил ҳосил бўлгунича, чоракларга тегмаганлар. Бу бир минг тўрт юз олтмиш йилда [бир марта] бўлади, кейин уни бир йил деб саноққа қўшардилар. Исқандариялик Совуннинг айтишича, шу вақт улар йилининг аввали исқандарияликлар ва истамбулликлар [йилининг] аввалига тўғри келарди.

Эронликларга келганда, улар ҳам ҳукмдорлик қилган вақтларида шу йўлга мувофиқ иш юритганлар, лекин улар [йилни ҳисоблашда] бошқачароқ йўл тутганлар. Улар ўз йилини || уч юз олтмиш беш кун қилиб, шунга тобе бўладиган каср [кунларни] ҳисобламаганлар, ниҳоят, чорак кунлардан бир ўз йигирма йилда расо бир ой кунлари ва чорак кунга эргашиб келадиган бешдан бир соатлардан бир кун йиғилган. Кейин ўша тўла бир ойни ҳар бир юз ўн олти йилда йилга қўшганлар. Бундай қилганликларининг сабабини кейин баён этаман.

Хоразм ва Суғднинг қадимги халқлари эронликлар динини қабул этиб, уларга бўйсунган ва эронликлар ҳукмронлик [қилган] вақтида уларга мансуб бўлган кишилар ҳам бу ҳақда улар йўлидан юрганлар.

Эшитишимча, эронликлардан пешдодийя³⁶ подшоҳлари — бу кишилар бутун дунёга подшоҳ бўлганлар — йилни уч юз олтмиш кун ва йилнинг ҳар бир ойици ортиқ-камсиз ўттиз кун қилиб, ҳар олти йилда йилга бир ой қўшганлар ва ўша йилни «кабиса»³⁷ деб атаганлар; ҳар бир юз йигирма йилда [йилга] икки ой қўшганлар: бу икки ойнинг бири [каср қоладиган] беш кун сабабли, иккинчиси чорак кун сабабли [қўшилган]. Улар кабиса йилини улуғлаб, «баракали» йил деб атар ва бу йилда ибодат ҳамда яхши ишлар билан машғул бўлар эканлар.

Аммо «ал-Мижастий»³⁸ китобида, унинг [муаллифи] ҳисобларида асос тутилган йиллар ҳақида айтилганига қараганда, қадимги қибтийлар, ислом [дини ҳукмронлиги] даврида эронликлар, Хоразм ва Суғд

аҳолиси фикрларининг тақозоси шундай бўлган: улар касрлардан, яъни чорак [кун] ва бунга тобе [бўлақлардан] юз ўгириб, уларни бутунлай [ҳисобдан чиқариб] ташлаганлар.

Ибронийлар, яҳудийлар — Бани Исроилнинг³⁹ ҳаммаси, собийлар ва ҳарронийларга⁴⁰ келганда, улар юқоридаги икки хил сўз ўртасида бошқа бир сўз айтиб, йилни Қуёш ҳаракатидан олганлар; ҳайитлари ва рўзалари ой ҳисобига мувофиқ бўлиши, шу билан бирга ҳайит ва рўзаларнинг вақтлари эсланиб туриши учун [йил] ойларини Ойнинг ҳаракатидан олганлар. Улар ҳар ўн тўққиз қамарий йилда етти ой қўшганлар, буни улар даврларининг чиқариб олиниши ва йилларининг кайфиятлари [боби] да баён этаман.

12 Христианлар рўза ва баъзи бир ҳайитларини ҳисоблашда уларга қўшиладилар, чунки христианлар ўша кунларнинг ҳисобида яҳудийлар пасхасига таянганлар. Лекин ойларни ҳисоблашда улардан ажралиб, румликлар ва сурияликлар йўлидан борганлар. Араблар ҳам жоҳилия⁴¹ даврида шундай қилганлар. Улар, ўзлари ишлатадиган йиллари [қамария] билан қуёш йили [шамсия] орасидаги фарқни — бу синчиклаб ҳисобланмаганда ўн кун, йигирма бир бутун ва бешдан бир соат бўлади⁴² — кўриб, қачон шу фарқлардан расо бир ой кунлари йиғилса, уларни йилга қўшадиган бўлганлар. || Лекин улар ўша фарқни ўн кун ва йигирма соат қилиб иш юритганлар. Бу ишни Қинона қабиласининг «қаломис» деб танилган «тўлдирувчилари» [аннасаа] ўз устларига олган эдилар, [«қаломиснинг»] бирлиги «қаламмас» бўлиб, бу «кўп сувли денгиз» демакдир. У кишилар Абу Сумома Жунода ибн Авф ибн Умайя ибн Қала ибн Аббод ибн Қалла ибн Ҳузайфа [авлодидан] дирлар, улар [йилни] «тўлдирувчилар» эдилар. Улардан бу ишни биринчи бажарган киши Ҳузайфа бўлиб, бу Ибн Абд ибн Фуқайм ибн Адий ибн Омир ибн Саълаба ибн Молик ибн Қинонадир; буни бажарганлардан [энг] охиргиси эса Абу Сумомадир. Уларнинг шоирларидан бири Абу Сумомани шундай тавсиф қилади:

Мана, «қаламмас» деб аталган, Фуқайм,
Улар динининг асосчиси,
Уларнинг бошлиғи бўлиб, сўзи тингланар⁴³.

Бошқа бир шоир бундай деган:

[У], Қинона бурунги кишиларининг машҳури,
Унинг ўрни улуғ ва шарафли,
У шундай давр кечирган.

Яна бир шоир бундай деган:

У, қуёш айланиши ва янги ой ўртасидаги фарқни
То тўла бир ой бўлгунча йиғар ва ҳисоблаб жамларди.
[Ҳузайфа] бу [тартибни] ислом дини вужудга келгунга қадар қарийб
икки юз йил илгари яҳудийлардан олган эди. Лекин [араблар] ҳар йигирма
тўрт қамарий йилда тўққиз ой қўшар эдилар ва уларнинг ойлари
қатъий маълум вақтларга боғлиқ бўлиб, бир тартибда — ўз вақтидан

кейин ҳам, олдин ҳам келмас эди. [Бу] пайғамбар алайҳиссалом вадо ҳажини адо этгунча ва унга: «Насий⁴⁴ куфрни орттиришдир; кофирлар бу [насий] сабабли адашиб, унинг бир йилини ҳалол ва бир йилини ҳаром қиладилар»⁴⁵ ояти нозил бўлгунча [давом этган]. Шундан кейин [пайғамбар] алайҳиссалом хутба ўқиб: «Албатта замон айланиб, у худо осмон ва ерни яратган кунда [қандай бўлса], шундай бўлиб қолди», — деди ва «насий»нинг ҳаром этилганлиги ҳақидаги ҳалиги оятни уларга ўқиб берди «Насий» — [йилга] қўшиб тўлдиришдир, шу вақтдан бошлаб араблар уни бекор қилдилар. Уларнинг ойлари ўз вақтидан ўзгариб кетди ва номлари ўз маъноларини англамай қўйди.

Энди бошқа халқларга келсак, уларнинг ой ва йил ҳақидаги қарашлари маълум эмас⁴⁶ ва деярли шу айтиб ўтилганлардан нарига ўтмайди. Бу тўғрида уларнинг ҳар бири ўз қўшнисининг тушунчасига эргашади.

Ҳиндлар ойларни ҳилол кўринишидан ҳисоблаб, ҳар бир тўққиз юз етмиш олти кунга қамарий бир ой қўшишларини ва тарихларини [ёритқичларнинг] бирон бурж аввалги дақиқасида бир-бирига учрашувидан бошлашларини эшитдим. || Кўпинча улар шундай учрашишнинг икки эътидол⁴⁷ нуқтасининг бирида дуч келишини кутадилар. Улар кабиса йилини «эмоса» деб атайдилар. Эҳтимол булар ҳақиқатдир. Ҳиндлар астрономияга оид ҳукмларида ёритқичлар орасидан ойни, унинг манзиллари ва жафрларини⁴⁸ ишлатишни тўғри топиб, буржларни ишлатмаганлар. Лекин мен бу [нарсадан] аниқ хабардор кишига дуч келмадим ва бирон чеккасини ҳам яхши билмаганим [учун бу] нарсадан юз ўгирдим. Худо ёрдам берувчидир.

Абу Муҳаммад ан-Ноиб ал-Омулий⁴⁹ «Тонг китоби» [асарида] Ёқуб ибн Ториқдан ҳикоя қилишича, ҳиндлар тўрт турли муддат (йил) ишлатадилар. Биринчиси, Қуёшнинг буржлар фалакининг [бирор] нуқтасидан кетиб, яна худди ўша нуқтага қайтиши. Бу қуёш йилидир. Иккинчиси, қуёшнинг уч юз олтмиш марта чиқиб кўтарилиши. Бу «ўрта йил» деб аталади, чунки бу қамарий йилдан кўпроқ, шамсий йилдан камроқ бўлади. Учинчиси, ойнинг икки Шаратандан — бу иккиси Ҳамал [буржининг] бош юлдузидир — кетиб, ўн икки марта айлангач, яна уларга қайтишидир. Ҳиндлар буни қамарий йил дейдилар. Бу — тахминан уч юз йигирма етти кун, етти бутун ва учдан икки соатга яқин бўлади. Тўртинчиси, ойнинг ўн икки марта янгиланиши бўлиб, ишлатиладиган қамарий йил шудир.

ТАРИХЛАР МОҲИЯТИ ВА МИЛЛАТЛАРНИНГ БУ ҲАҚДАГИ ИХТИЛОФЛАРИ УСТИДА СЎЗ

Бирор ўтиб кетган йилнинг аввалидан ҳисобга олинадиган маълум бир муддатга тарих дейилади. Уша йилда турли аломатлар ва далиллар билан [қандайдир] пайғамбар дунёга келган ёки қудратли, шаъни улуғ бир подшоҳ бош кўтарган, ёки ҳароб қилувчи умумий тўфон, zilзила ва ҳалокатли ер ютиш, ҳалок этувчи вабо ва қаттиқ қаҳатчилик натижасида бирор миллат ҳалокатга учраган, ёки давлат ва ҳукмдорлик бир хонадондан бошқасига ўтган, ёки бирор дин иккинчисига алмашган, ёки осмон ҳодисаларидан ва ернинг машҳур аломатларидан бирон муҳим нарса юз берган бўлиши керак, булар узоқ асрлар ва кўп замонларсиз пайдо бўлмайди. Бундай ҳодисалар орқали маълум вақтлар, тарихлар аниқланади, дунё ва динга оид барча [ишлар]да бунга эҳтиёж сезилади.

Барча мамлакатларга тарқалган халқлардан ҳар бирининг алоҳида тарихи бор, унинг подшоҳлари, пайғамбарлари, давлатлари ёки мен юқорида айтган ҳодисаларнинг биридан ҳисоблайди. Шу тарих ёрдами билан муомала ишларида ҳамда вақтларни билиш хусусида керакли [муддатларни] белгилайди ва бу тарих уларни бошқа халқлардан ажратади.

Қадимги тарихларнинг энг аввалгиси ва энг машҳури башариятнинг бошланишидир.

Китоб аҳллари бўлмиш яҳудийлар, христианлар, оташпарастлар ва буларнинг [барча] синфларида башариятнинг бошланиши ва унинг тарих боши қилиб олиниши хусусида шундай ихтилофлар мавжудки, тарихлар ҳақида бу каби хилма-хиллик бўлиши мумкин эмас.

14

|| Яратилишнинг бошланиши ва ўтмиш асрлар аҳволи орқали билинадиган ҳар бир нарса уйдирма гаплар ва афсоналар билан қоришгандир, чунки бу ишлар жуда узоқда қолиб, биз билан улар орасида кўп замон ўтиб кетган; бунга эътибор бермоқчи бўлган киши у [воқеаларни] эсда сақлаб туриш ва аниқлашдан ожиздир.

[Худойи] таоло «Уларга ўзларидан илгаригиларнинг хабари етиб келмадими?»⁵⁰, «Уларни худодан бошқа ҳеч ким билмайди»⁵¹, деган. Демак, уларнинг сўзларини ўз ҳолича қабул этмай, бу сўзларнинг тўғрилигини ишончли бир китоб ёки кўпчилик [нинг] фикри асосида бизни ишонтира оладиган бирон хабар исбот этса, шундагина қабул этамиз.

Аввало, биз мана шу [башариятнинг бошланиш] тарихига назар солсак, бу ҳақда, у миллатлар орасида кўпгина ихтилофларни учратамиз. Ихтилофлар шуларки, эронийлар ва оташпарастлар оламнинг умри буржлар ва ойлар сонига мувофиқ ўн икки минг йил, деб даъво қилганлар. Улар шариатининг асосчиси Зардушт⁵² эса олам пайдо бўлишидан то ўзи юзага чиққунича чорак кунлар қўшилиб уч минг йил ўтди, деб даъво қилган. Шунда у чорак кунлар жиҳатидан ҳамиша йилларда учратиладиган нуқсонни [топиб], у чораклар қўшилиб, йиллар тўғри бўлгунича, ҳисоблашни ўз устига олган.

Зардуштнинг юзага чиқиши билан Искандар эрасининг⁵³ бошланиши орасида икки юз эллик саккиз йил бор. Демак, олам пайдо бўлишидан то Искандаргача уч минг икки юз эллик саккиз йил ўтган бўлади. Лекин буни эронликларда биринчи одам деб ҳисобланган Қаюмарс даврининг бошланишидан ҳисобласак ва ундан кейинги ҳар бир подшоҳ даврини унга қўшсак — чунки эронликларнинг подшоҳликлари узилмай тутшиб келган — бу сонларнинг жами то Искандаргача уч минг уч юз эллик тўрт йил бўлади. Демак, у даврларнинг алоҳида-алоҳида ҳисоблангани жамлаб айтилганига мувофиқ келмайди.

Шу билан бирга, Искандардан кейинги давр ҳақида эронликлар ва румликлар бир-бирлари билан келиша олмайдилар. Шундайки, Искандар билан Яздижард⁵⁴ подшоҳлигининг бошланиши орасида тўққиз юз қирқ икки йил ва икки юз эллик етти кун ўтган. Агар бундан Яздижард подшоҳлигининг бошланишигача чўзилган Сосон авлодининг подшоҳлик даврларини камайтирсак, бу, эронликларнинг айтишларича, тахминан тўрт юз ўн беш йилга яқиндир. Беш юз йигирма саккиз йил қолади, бу — Искандар ва Мулук ат-Тавойифнинг⁵⁵ подшоҳлик даврлари бўлади. Агар ашконийлардан⁵⁶ ҳар бирининг подшоҳлик муддатини эронликлар исбот этганига мувофиқ жам қилсак, икки юз саксон йил бўлади. У подшоҳликлар [муддати] хусусида эронликларда ихтилоф бўлса ҳам, мажмуи уч юз йилдан ошмайди⁵⁷. Бу ихтилофларни келгусида бир қадар тузатаман.

Эронликлардан бир гуруҳининг [фикрича] юқорида айтилган уч минг йил Қаюмарс яратилгандан кейин ўтган, ундан олдин [эса] олти минг йил муддат ўтган. Бу муддатда фалак ҳаракат қилмаган, табиат ўзгармаган, унсурлар бир-бирига қўшилмаган, || уларда тузилиш ва бузилиш вужудга келмаган, ер обод бўлмаган эди. [Фалак] ҳаракат эттирилгач, экваторда бўйининг ярми шимол томонда ва ярми жануб томонда бўлган биринчи одам пайдо бўлган. [Ҳайвон]лар вужудга келиб, бири-биридан туғила бошлаган, инсон насл пайдо қилиб кўпая бошлаган. Тузилиш ва бузилиш натижасида унсур бўлаклари бир-бирига қўшилиб, дунё обод бўлган ва олам тартибга тушган.

Христианлар билан яҳудийларнинг бу масалада зўр ихтилофлари бор. Чунки яҳудийлар «Одамдан Искандаргача уч минг тўрт юз қирқ саккиз йил ўтган», деб даъво қилсалар, христианлар беш минг бир юз саксон йил дейдилар. Улар: «Яҳудийлар Исо алайҳиссаломнинг юзага чиқиши тўртинчи мингга, [яъни] яҳудийлар фикрича, олам умрининг миқдори бўлмиш етти минг йилликнинг ўртасига тўғри келсин деб, у беш минг бир юз саксонни камайтирганлар, бу Мусо алайҳиссаломдан кейинги пайғамбарларнинг охириги замонда Исо эрсиз бир қиздан ту-

ғилади деб дарак берган вақтларига тўғри келмайди»,— деб яҳудийларни айблайдилар.

У икки гуруҳнинг [яҳудий ва христианлар] ҳар бири ўз далилида ҳарфлар ҳисоби⁵⁸ орқали чиқариб олган тафсирларига инонади. Яҳудийлар Искандар эрасининг минг уч юз ўттиз бешинчи йили тамом бўлганидан [кейин] юзага чиқиши дарак берилган Масиҳни аниқ нарсани кутгандай кутадилар. Ҳатто улар гуруҳларининг ар-Роий, Абу Исо ал-Исфиҳоний ва шуларга ўхшаш пайғамбарлик даъво қилувчиларидан кўплари ўзларини Исо Масиҳнинг яҳудийларга юборган элчиларимиз деб даъво қилдилар. Чунки улар [Искандар] эрасининг аввалги қурбонликларнинг бекор бўлиш, ваҳийларнинг узилиб қолиши ва пайғамбарлар [дунёга] келишининг тўхтаб қолиши вақтига тўғри келди, деб даъво қилдилар. Яна улар Тавротнинг бешинчи китобидан худойи таолонинг яҳудий тили билан айтган: *أنوحى حستىر استر* сўзини оладилар⁵⁹. Бунинг маъноси „Мен, олло, ўз зотимни ўша кунгача [одамлардан] яшираман“, демакдир. Яҳудийлар яшириниш лафзи бўлган „ҳастор“ ва „астир“ сўзларини ҳисобладилар, у бир минг уч юз ўттиз беш чиқди. Шунда яҳудийлар: „Бу, осмондан ваҳий [тушиши] тўхтаб, қурбонликларнинг бекор этилиш муддати. Бу „яширинишдир“; бу ерда „зот“ сўзидан мурод „амрдир“, дедилар. Улар даъволарининг тўғрилигига Дониёлнинг китобидаги *ميغيث هوسار هتوميد لوئيث شقوص شوميم الف و* *موثايم و تشعيم* сўзини далил келтирадидилар. Бунинг маъноси „Қурбонликка рухсат берилишидан⁶⁰ то ифлослилик йўқ бўлгунича минг икки юз тўқсон... ўтади“, демакдир ва унинг кейинидаги шу сўзни ҳам далил келтирдилар: *اشرى هامحكى و يكييع لياميم الف و شلوش* бунинг маъноси „минг уч юз ўттиз бешинчи... гача яшашни умид қилувчи киши бахтлидир“.

16 Яҳудийларнинг баъзилари у икки сўз ўртасида қирқ беш йил ўтган, чунки биринчи сўз || Байтулмуқаддас қурилишининг бошланишида айtilган бўлиб, кейингиси қурилиш тамом бўлган вақтда айtilган, дейди. Баъзилари эса биринчиси [Исо] нинг туғилиш вақтини белгилаш учун, иккинчиси унинг [ўз тарғиботи билан] юзага чиқиш вақтини белгилаш учун айtilган, дейди. Яҳудийларнинг айтишларича, Ёқуб Яҳудга⁶¹ барака тилаб, унинг ҳақиға дуо қилганида то подшоҳликни эгалловчи бир киши келгунича, подшоҳлик унинг авлодлари [қўлидан] чиқиб кетмаслигини унга хабар берган.

Шундай қилиб, у Яҳудони, то кутилган Исо Масиҳ юзага чиққунича, подшоҳлик унинг авлодларида бўлади, деб хабардор қилган. Яҳудийлар айтганидек, «подшоҳлик уларнинг қўлларидан чиқмаган»; чунончи «раъс ал-жолут», яъни ватанларини ташлаб, Байтулмуқаддасга кетган қувғиндилар раиси, дунёдаги барча яҳудийларнинг бошлиғи ва подшоҳи бўлиб, унга тўла бўйсунушган ва унинг амри аксар ҳолда яҳудийларга ҳукмронлик қилган.

Христианлар сурёнийча⁶² ёзилган мана бу калималарга асосландилар: *يشوع مشيحا فروقا رباً*. Бунинг маъноси „Исо Масиҳ улуғ қутқарувчи“ демакдир. Улар бу калималар ҳарфларини ҳисоб қилганларида,

бир минг уч юз ўттиз беш кунга етган. Шунда улар: „Дониёл ҳалиги ададлардан мазкур йилларни эмас, ўша калималарни мўлжаллаган, чунки унинг айтганлари фақат адатларгина бўлиб, уларнинг йиллар, кунлар ёки бошқа нарсалар экани билинмайди“ — дедилар.

Христианлар: «У ададлар Масиҳнинг келиш вақтидан эмас, балки исмидан дарак беради», — дейдилар. Уларнинг баёнича, Қурш⁶³ подшоҳлигидан икки йил ўтгач, биринчи ойнинг йигирма тўртинчи куни Дониёл Бобил заминида худога атаб намоз ўқигандан кейин туш кўрди, бу вақтда Бани Исроил [шулар жумласидан Дониёл ҳам] эронликлар қўлида асир эди. Худо унга [тушида] ваҳий юбориб: «Урушалим, яъни Байтулмуқаддас етмиш собуда [етмиш етти йилда] қурилиб, сенинг қавминг учун тинч жой бўлади. Сўнгра Масиҳ келади ва ўлдирилади. Унинг келиши билан Урушалим охириги марта хароб бўлиб, то замон охиригача вайронликда қолади», — деган.

Етти йилнинг мажмуасига собу дейилади. Урушалим қурилиши ҳақида [айтиб ўтилган] етти сабу⁶⁴ ҳам шу жумладандир. Зикриё ибн Барҳаё ибн Аддаво айтган муддат ҳам шу. У ўз китобиди: «Мен бир минора кўрдим, унда еттита чироқ ва ҳар бир чироқда еттита оғиз бор», — деган. Бундан олдин у: «Зарбобилнинг икки қўли у уйга асос солди ва икки қўли уни биткизади», — деган эди. Байтулмуқаддасга асос солина бошланишидан то битказилгунича ўтган муддат қирқ тўққиз йил — етти собудир. Христианларнинг айтишича, «олтмиш икки собудан кейин Марям ўғли Исо [дунёга] келди. Охириги собуда жонлик сўйиш, қурбонлик қилиш бекор этилди. Ваҳий ва пайғамбарларнинг дунёга келиши тўхташи, Бани Исроил назардан қолиб тарқалиб кетиши, уларда қурбонлик ҳам, қурбонлик сўядиган жой ҳам бўлмаганидан, Урушалим, айтиб ўтилгандек, вайрон бўлган. ||

Хулоса⁶⁵: Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, иккала гуруҳдан [яхудий ва христианлар] ҳар бири шундай маънодаги бир қанча даъволарда бўлиб, у даъволарнинг тўғрилигига ҳарфлар ҳисобидан чиқарилган турли ва кучсиз бўяма гаплардан бошқа далил келтирилмайди. Агар уларнинг даъволарига диққат билан фикр юритувчи бир киши у далиллар билан бошқа бир даъво исботлашни ва уларнинг даъволарини ўзлариники сингари далиллар билан рад этишни мўлжалласа, бунга эришиш у кишига қийин бўлмайди. Чунки яҳудийлар подшоҳлик Яҳудо авлодида қолади деб, подшоҳликдан қувғиндилар раислиги мурод дейдилар. Агар «подшоҳлик» исмини умумий маъно билан шу хилдаги раисликка ишлатиш дуруст бўлса эди, оташпарастилар, собийлар ва бошқалар ҳам яҳудийларга бу ҳақда албатта шерик бўлар эдилар; бундан Бани Исроил ва қолган бошқа халқ авлодлари ҳам мустасно бўлмас эдилар. Чунки одамларнинг тубан [даражалиси] ҳам ўзидан тубанроқ бўлган бировга эгали ва раислик қилишдан холи эмас.

Агар биз Тавротдаги «яшириниш» сўзи ифода этган ададдан Бани Исроилнинг Мисрдан чиқиш тарихи⁶⁶ билан Марям ўғли Исо замони ўртасидаги муддат мурод десак, бу мулоҳазамизда албатта ҳақлироқ бўламыз. Чунки яҳудийларнинг Мисрдан чиқишлари билан Искандарнинг [тахтга] ўлтириши ўртасидаги муддат, яҳудийларнинг ўз сўзларига қараганда, минг йилдир. Марям ўғли Исо эса Искандар тарихининг уч юз тўртинчи йилида туғилиб⁶⁷, шу тарихнинг уч юз ўттиз олтинчи йилида худо уни ўз томонига кўтарган. Демак, шу муддатда ўтган йиллар роса

17

бир минг уч юз ўттиз беш йил бўлади, бу Имрон ўғли Мусо алайҳиссалом шариятининг, то уни Марям ўғли Исо такомиллаштиргунича давом этган муддатидир. Яҳудийлар далил қилиб келтирган Дониёлнинг иккита гапига келсак; агар у гапларга бошқача изоҳ берилса, бу албатта мумкин эди. Балки улар баён этган йўлларнинг биронтасига ҳам йўйиш дуруст бўлмайди, фақат ўша замоннинг бошланиши у икки гап айтилган вақтдан олдин бўлгандагина дуруст бўлади.

Бунинг изоҳи шуки, агар у икки муддатнинг бошланиши бир вақтда — ўтган замонда ёки ҳозирги, ёхуд келгуси замонда бўлганда эди, айтилган икки вақтнинг турлича бўлишида маъно бўлмасди; у икки вақт ўртасида тафовут бўла туриб, ҳеч бир йўл билан у гапларни тўғри йўйиб бўлмайди. Шу билан бирга, иккинчи гапда⁶⁸ саналган замоннинг бошланиш муддати⁶⁹ айтилиш вақтидан олдин бўлиб, тугалиши ундан бир йил кейин ё камроқ, ёки кўпроқ ва шуларга ўхшаш бўлиши эҳтимол. Яна у замоннинг бошланиши [айтилган] вақтнинг худди ўзида ёки ундан оз ва кўп бўладиган номаълум бир муддат [дан] кейин бўлиши ҳам эҳтимол. [Бироқ ҳодисада] уч турли замон вақтини кўрсатиш эҳтимоли бўлганда, уни аниқ иборат ёки тўғри далил ва ҳужжат бўлмаса, уч замоннинг бирига йўйиб бўлмайди.

[Дониёлнинг] биринчи гапига келсак, бу Байтулмақаддаснинг аввалги харобалиги учун ҳам, иккинчи харобалиги учун ҳам айтилган бўлиши эҳтимол; || лекин [иккинчиси] Искандар подшоҳлигининг уч юз саксон бешинчи йилида бўлган⁷⁰. У вақтда яҳудийларнинг тарих боши қилиб олган вақтларини тарихларининг бошланиши дейишларига ҳеч бир асос йўқ. Яҳудийларнинг даъволари билан боғлиқ шубҳалар ана шулардир.

Христианлар даъволарига сабаб бўлган [шубҳалар] яна ҳам кўпроқ ва равшанроқ. Шундайки, агар яҳудийлар уларнинг Дониёл тушидан етмиш собу ўтгандан кейин Масих келади, деган даъволарини қабул этганларида ҳам, бу ўша муддатдан кейин Марям ўғли Исонинг юзага чиқишига мувофиқ келмайди, чунки барча яҳудийлар, Бани Исроилнинг Мисрдан чиқишидан то Искандар эраси бошланишигача роса минг йил ўтган, дейдилар. [Аmmo улар] пайғамбарларга нозил бўлган китоблардан, Бани Исроилнинг Мисрдан чиқишидан то Байтулмақаддаснинг бино этилишигача тўрт юз саксон йил ва унинг бино этилишидан то Бухтанассар⁷¹ уни вайрон қилганигача тўрт юз ўн йил ўтди ва у етмиш йил вайронлигича қолди, деб нақл қиладилар. Демак, ҳаммаси тўққиз юз олтмиш йил бўлади, бу эса Дониёлнинг туш кўрган вақтидир. Бунда эслатиб ўтилган мингдан қирқ йил ортиб қолади.

Сўнгра яҳудий ва христианлар Масих Исо Марям ўғлининг, Искандар эрасининг уч юз тўрттинчи йилида туғилганидан ихтилоф қилмайдилар. Уларнинг гапларича, Марям ўғли Исо Дониёл тушидан ва Байтулмақаддас қурилишидан кейин уч юз қирқ тўрттинчи йилда туғилган бўлади, бу эса қирқ тўққиз собуга яқиндир. Унинг пайғамбарлик даъво қилганигача яна тўрт ярим собу ўтган. Демак, [Исо] уларнинг айтган [вақтларидан] олдин туғилган бўлади. Бу гапдан яҳудийларга ҳеч иш-кал етмайди. Агар христианлар уларни Байтулмақаддаснинг биноси билан Искандар эрасининг бошланиши ўртасидаги муддат миқдорини белгилашда ёлгончи қилиб айбласалар, албатта яҳудийлар ҳам уларга шунга ўхшаш, балки кўпроқ айб қўя оладилар.

Агар биз икки томоннинг ҳам гапини олмай, ўзимиз келгусида баён этадиган калдонийлар подшоҳларининг жадвалига қарасак, Курш подшоҳлигининг бошланишидан то Искандар подшоҳлигининг бошланишигача икки юз йигирма икки йил ва бундан Исонинг туғилишигача уч юз тўрт йил ўтганини кўрамиз. Ҳаммаси беш юз йигирма олти йил бўлади. Бундан уч йилни чиқариб — чунки [Байтулмуқаддас] қурилишининг бошланиши Курш подшоҳлигининг учинчи йилида эди — қолганини еттига тақсим қилиб собуга айлантирсак, Дониёл туш кўрган вақтдан Масиҳ туғилишигача етмиш беш собуга яқин вақт ўтган бўлиб, Исо христианлар айтган вақтдан кейин туғилган бўлади.

Энди христианларнинг сурияликлар гапидаги ҳарфларни ҳисоблашларига — шу ҳисоб, ўша маълум сон [1335] тўғри келади ва у гапдан йиллар эмас, ўша сон кўзда тутилган, деб даъво қилишларига келсак, бу даъвони кўз билан кўрилгандек аниқ бир далил келтирилмаса, қабул этиш мумкин эмас. Агар ҳисобни билувчи биров *محمد بن يوسف بن علي بن ابي طالب* [Халқ Муҳаммад туфайли кофирликдан 1! қутулди] жумласидаги ҳарфларни ҳисобласа, бир минг уч юз ўттиз беш бўлади. Ёки *بشير موسى بن عمران بن محمد والمسيح بأحمد* „Имрон ўғли Мусо — Муҳаммад келишидан, Масиҳ — || Аҳмад келишидан дарак берган“ жумласидаги ҳарфларни ҳисобласа, аввалгидек чиқади.

Шунингдек, агар *يُشرق برية فاران بمحمد الأمي* „Форон чўли саводсиз Муҳаммад билан яшнайд“ жумласидаги ҳарфлар ҳисобланса, бунда ҳам аввалги [1335]га мувофиқ чиқади⁷². Агар бир киши, у ададлардан мурод хурсандлик хабаридир; тасодифий равишда бу [сурия тилида ёзилган] жумлалардаги ададлар уларга тўғри келиб қолган деса, унинг фойдаси ва зарарига айтиладиган сўз — [Дониёл] сўзи хусусида христианлар фойдаси ва зарарига айтиладиганнинг худди ўзи унга ҳам айтилади. Айниқса у Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг юзага чиқиш хабарининг ростлигига Ишъиё пайғамбарнинг ўз китобидаги: «Худо унга [Ишъиёга] кўрган нарсасини хабар бериб туриши учун баланд бир манзарага кузатувчи қўйишни буюрган. Шунда кузатувчи: «Эшак минган бировни ва туя минган бировни кўряпман, уларнинг бири олдинга юриб: «Бобил вайрон бўлди, унинг тарошланган санамлари синди, деб қичқиряпти»,— деган. Бу эшак минувчи — Масиҳдан ва туя минувчи — Муҳаммадан дарак беради, чунки у юзага чиққандан кейин Бобил вайрон бўлиб, санамлари синди, қасрлари қулаб, подшоҳлиги йўқ бўлди, деган ва шунга ўхшаш сўзини далил келтираверсин. Ишъиё пайғамбар китобида Муҳаммад алайҳиссаломдан дарак берувчи, рамзлик, [лекин] равшан ва тафсир этишга яқин гаплар кўпдир. Шундай бўлгач, яҳудийларнинг йўқ нарса устида туриб олишлари, уларни халқ ўртасида урф бўлмаган ёлғон нарсани даъво этишга ва туя минувчи Муҳаммад алайҳиссалом эмас, [балки Мусо] дейишга чакиради.

Мусо ва унинг тобелари қаёнда-ю; Бобил қаёқда? Бобилда Муҳаммад алайҳиссаломга ва унинг суҳбатдошларига юз берган нарса, Мусога ва унинг тобеларига юз берганми? Йўқ! Агар [яҳудийлар] Бобил аҳолисидан бошларини қутқаза олсалар, [ватанга] қайтишдан иборат

бу ўлжага юраклари ачишиб бўлса ҳам, албатта рози бўлар эдилар. Тавротнинг «ал-Мусанно» номи билан машҳур бўлган бешинчи сифрида худонинг Мусога айтган [қуйидаги] гапи у далилни таъкидловчи нарсалардандир: «Тезда уларга, ўз биродарлари орасидан сенга ўхшаш пайғамбар юбориб, ўз гапларимни унинг оғзидан айтаман. Шунда у мен буюрган нарсаларни уларга айтади. Менинг номимдан сўзловчи кишининг гапига бўйсунмаган одамдан ким бўлмасин ўч оламан». Кошки, Исҳоқ авлодининг Исмоил авлодидан бошқа биродарлари бор эканини билсам эди. Агар яҳудийлар: Бани Исроилнинг биродарлари, Ийс авлоди бўлади-да, десалар, буларнинг ичидан Мусодан кейин, у каби, унинг сифатларига эга ва унга ўхшаш пайғамбар чиққанми? Яна ўша сифрдаги [қуйида] таржима этилган гап Муҳаммад алайҳиссаломга гувоҳлик бермайдими? «Худо Сино тоғидан келиб, Соирдан бизга нур сочди ва Форон тоғидан кўринди. У билан бирга унинг ўнг томонида бир тўда пок зотлар бор эдилар». Бу калималар шу ишоратларга алоқалик сифатларнинг бундайлардан пок ва олий яратувчи зотга нолийқ эканига ва у зотнинг сифатларига қўшилмаслигига далил бўлувчи рамзлардир. Демак, худонинг Сино тоғидан келувчи — унинг Мусо билан сўзлашувидан, Соирдан нур солуви — Масихнинг юзага чиқувидан, Исмоилнинг балоғатга етган ва уйланган жойи бўлмиш Форондан худонинг кўринуви эса — Муҳаммад алайҳиссаломнинг, [унга] ёрдам учун осмондан туширилган ва аломатлар қўйилган пок лашкар билан барча дин эгаларига кўриниб, юзага чиқувидан иборатдир. Аниқ кўриб исбот этилган бу изоҳни инкор этувчидан || бу ҳақдаги янглишларига далил келтириши талаб қилинади. Кимга «шайтон ҳамроҳ бўлса, у ёмон ош-нодир»⁷³.

Агар христианлар у калималарни арабчалаштириб ҳисоблашга рухсат этмасалар, биз ҳам улар хоҳлаган сурёнча ҳисобга рухсат бермаймиз, чунки Таврот ва у пайғамбарларнинг китоблари яҳудий тилида нозил бўлган. Улар айтган⁷⁴ ва биз ҳикоя қиладиган гапларнинг барчаси [муқаддас] китоблардаги калималарнинг ўринлари алмаштириб юборилгани ва улардаги матнлар [маъноларининг] бузилиб, ўз йўлларида чиқарилганига қатъий ҳужжат ва равшан далиллардир.

Бундай ҳисоблар ва чигал нарсаларга тутуниш тутунувчининг ҳақиқат ва тўғри йўлдан чиққанига энг кучли далил ва энг равшан ҳужжат бўлади. «Агар биз уларга осмондан бир эшик очсак-у, [улар] у ёққа чиқсалар, шунда ҳам албатта: «Кўзларимиз тўсилган экан, балки биз сеҳрланган кишилар [бўлсак керак]», — дейишар эдилар⁷⁵. Ундоқ эмас, балки улар ҳақиқатни кўрмайдиган кўрлардир. Худодан тавфиқ, мадад, поклик ва ҳақиқатга йўллашни сўраймиз.

Энди [бу одамлар айтган] кўчирма ва сохта гаплар, [яҳудийларнинг] Таврот хабарлари, Мусодан кейин пайғамбарлик даъво қилувчи кишини ўлдирishга далолат қилади деган даъволар ҳақида гапирсак, буларнинг нотўғрилиги ҳам Тавротнинг [бошқа] сўзларида кўриниб туради. Ундай [нарсалар] ҳақида сўзлаш учун бу китобдан бошқа лойиқроқ жойлар бор. Мақсадга қайтайлиқ, [чунки] гапимиз бири-бирини тортиб, чўзилиб кетди.

Энди айтамикки, яҳудий ва христиан миллатларининг ҳар бирида уларнинг фикрларига мувофиқ сўзловчи Таврот нусхаси бор Яҳудийлар ўзларидаги нусхани қоришиқ гаплардан узоқ дейдилар. Христиан-

лардаги нусха «Етмишлар Таврот» деб аталади. Бу [қиссанинг] изоҳи шуки, Бухтанассар Байтулмуқаддасга қарши уруш қилиб, уни вайрон қилганида Бани Исроилдан бир гуруҳи Байтулмуқаддасни ташлаб чиқиб, Миср подшоҳидан бошпана сўрайдилар ва Батлимус Филадельфус подшоҳ бўлгунича, унинг қўл остида истиқомат қиладилар. Таврот ва унинг осмондан нозил бўлганлиги хабари бу подшоҳга етиб келади. Батлимус ҳалиги гуруҳни қилиради ва ахир, бир шаҳарда улардан ўттиз минг чоғлиқ киши борлигини аниқлайди. Уларга жой бериб, ўзига яқинлаштиради, меҳрибончилик қилади ва Байтулмуқаддасга қайтиб кетишга рухсат этади. [Шу вақтда] Баҳманнинг Бобилдаги амалдори Қурш Байтулмуқаддасни янгидан бино этиб, Шом иморатининг ободонлигини қайта тиклаган эди. Кейин яҳудийлар Батлимуснинг уларга йўлбошчи қилиб берган яқин кишилари билан биргаликда Мисрдан чиқадилар. Батлимус яҳудийларга; «Менинг сизга бир эҳтиёжим бор, агар уни битказсангиз, мени жуда миннатдор қилар эдингиз, эҳтиёжим шуки, китобингиз Тавротдан менга бир нусха марҳамат қилсангиз!» — дейди.

Яҳудийлар унинг илтимосини қабул этиб, ваъдага вафо этишга қасамёд қиладилар. Улар Байтулмуқаддасга етгач, дарҳол ваъдаларини ўрнига қўйиб, Тавротдан бир нусхани Батлимусга юборадилар. Таврот яҳудий тилида эди, Батлимус уни фаҳмламади. Таржима қилиб бериш учун яҳудий ва грек тилини биладиган одам сўраб, яна яҳудийларга мурожаат этди ва уларга тўғфалар, ҳаёялар ваъда қилди.

Шунда яҳудийлар ўзларининг ўн икки бўғинларидан || етмиш икки кишини — ҳар бир бўғиндан олти нафардан — олим ва коҳинларни танлаб олдилар, уларнинг исмлари христианларга маълум. Шу кишилар Тавротни грек тилига кўчирдилар⁷⁶, лекин бундан олдин Батлимус уларни [жуфт-жуфтга] ажратиб, ҳар икки кишига уларнинг аҳволига қараб турувчи биттадан одам тайин этди; ниҳоят улар таржимадан бўшайдилар. Батлимус [Тавротнинг] ўттиз олтита таржима нусхасига эга бўлди. У таржималарни бир-бирига солиштириб, маънода мувофиқ бўлиб, фақат иборалардагина хилма-хилликларни — бундай таржималарда, ибораларда ихтилоф бўлмай чора йўқ — аниқлайди. Кейин Батлимус берган ваъдасига вафо қилиб, уларни яхшилаб отлантирди. Таржимонлар ёру дўстларига писанд этиб фахрланиш учун ундан ўша нусхаларнинг бирини ўзларига беришни сўрадилар. Батлимус буни бажарди, христианлардаги нусха ана шу нусхадир. Уларнинг айтишларича, шу нусхада алмаштириш ва ўзгартириш воқе бўлмаган.

Яҳудийлар эса бу қиссага хилоф равишда шундай дейдилар: Уларни Таврот китобини таржима этишга мажбур этганлар, улар [Батлимуснинг] қаҳри ва ёмонлигидан қўрқиб, бунга рози бўладилар ва китобни бузиб, қориштиришга олдиндан келишиб оладилар. Яҳудийларнинг бу сўзлари — башарти уларни тасдиқ этсак ҳам — шак-шубҳани кеткизмайди, аксинча уни янада кучайтиради.

Таврот фақат шу иккита нусхадангина иборат эмас, балки «ломи-сосия» номи билан машҳур бўлган сомирийларда⁷⁷ унинг учинчи нусхаси ҳам бор. Сомирийлар — Бухтунассар Шомда яҳудийларни асир этиб, улардан шаҳарни бўшатган вақтда яҳудийларнинг жойларига борилган одамлардир. Сомирийлар Бухтунассарга ёрдам бериб, Бани Исроилнинг ихтасиз жойларини унга кўрсатдилар. Натижада Бухту-

нассар уларни ҳайдамади, ўлдирмади, асир этмади ва ўз қўл остидаги Фаластин мамлакатига жойлаштирди.

Сомирийларнинг эътиқодлари яҳудий ва оташпарастлар эътиқодларининг қоришганидир. Уларнинг кўпчилиги Фаластиннинг Нобулус номли жойида яшайдилар, шу ерда уларнинг ибодатхоналари ҳам бор. Улар Довуд пайғамбар алайҳиссалом замонидан бери Байтулмуқаддас чегарасига кирмайдилар. Чунки улар Довуд зулм-жабр қилди, муқаддас ҳайкални Нобулусдан Илиёга, яъни Байтулмуқаддасга кўчирди, деб даъво қиладилар. Улар [аъзоларини] бошқа диндаги кишиларга тегизмайдилар, агар [уларга] тегиб кетсалар, ювинадилар. Улар Бани Исроилнинг Мусодан кейинги пайғамбарларини тан олмайдилар.

Энди Тавротнинг яҳудийлардаги ва улар инонадиган нусхасига келсак, бунда одамнинг жаннатдан тушуви билан Нуҳ замонида вужудга келган тўфон ўртасида одам болалари яшаган барча муддат минг олти юз эллик олти йил дейилади. Христианлардаги нусхада у муддатнинг ҳаммаси икки минг икки юз қирқ икки йил дейилади, сомирийлардаги нусхада эса минг уч юз етти йил дейилган.

Тарих ёзувчиларнинг бири бўлган Аснюз⁷⁸ одам яратилиши билан тўфон бошланган жума кечаси орасидаги муддат икки минг икки юз йигирма олти йил, йигирма уч кун ва тўрт соат деган. Буни Ибн ал-Бозёр⁷⁹ Аснюздан кўчириб, [«Буржлар» қўшилиши китоби] асарида ҳикоя қилади. || Бу христианларнинг гапларига яқинроқдир. Шу мулоҳаза юлдузларга қараб ҳукм чиқарувчи астрологларнинг йўлларига асосланган деб хаёлимга келади, чунки унинг билмай айтилиб, майда бўлақларга ҳам бўлингалиги кўриниб турибди.

Бу масалада биз баён этган ихтилоф бўлгани ва бир-бирига солиштириб, ҳақни ноҳақдан ажратишга ўрин бўлмаганидан кейин, киши ҳақиқатни билишни қаёқдан умид қилади?

Нусхаларнинг [хилма-хиллиги ва] кўплиги фақат Тавротдагина эмас, Инжилда ҳам шундай, чунки христианларда Инжилнинг битта китоб ичига тўпланган тўртта нусхаси бор. Уларнинг биринчиси Маттоники, иккинчиси Морқусники, учинчиси Луқоникни, тўртинчиси Юханноникидир. [Исо] шогирдларининг ҳар қайсиси ўз шаҳрида қилган даъвотига мувофиқ, Инжил таълиф этган. Бу инжилларнинг ҳар биридаги Исо Масиҳнинг [шогирдлари айтган] сифатлари, унинг динга даъват қилган кунларда ва дорга осилган вақтда айтган гаплари кўпинча бошқа нусхада айтилганларга, ҳатто Исонинг насабида айтилганга ҳам муҳолиф чиқади. У насаб эса Марямнинг келгусидаги эри ва Исонинг тарбиячиси бўлмиш Юсуф насаби эди. Чунки Маттонинг айтишича, у Юсуф ибн Еқуб ибн Мосон ибн Илиазр ибн Аллюз ибн Ахин ибн Зодуқ ибн Озур ибн Алёқим ибн Абйуз ибн Зарбобил ибн Шилтиё ибн Йухниё ибн Йўшиё ибн Амун ибн Мунши ибн Хизқиё ибн Аҳоз ибн Йусом ибн Узё ибн Йуром ибн Яхушофот ибн Осо ибн Абиё ибн Рахбам ибн Сулаймон ибн Довуд ибн Айшо ибн Убайд ибн Бооз ибн Салмун ибн Нахшу ибн Аминозоб ибн Ром ибн Хасру ибн Форис ибн Яҳузо ибн Еқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссаломдир. Матто Исо насабини Иброҳимдан бошлаб қуйига тушади.

Аммо Луқонинг айтишича, унинг насаби: Юсуф ибн Ҳоли ибн Маттатис ибн Лови ибн Малки ибн Юсуф ибн Матсо ибн Омуз ибн Ноҳум ибн Хасли ибн Ноғи ибн Мос ибн Маттос ибн Шамъий ибн Юсуф ибн

Яҳузо ибн Йухнан ибн Росо ибн Зарбобил ибн Шилтойил ибн Нори ибн Малкий ибн Азий ибн Қусом ибн Алмузоз ибн Айр ибн Юсуф ибн Аляъзр ибн Йуром ибн Матисо ибн Лови ибн Шамъун ибн Яҳузо ибн Юсуф ибн Йуном ибн Алёқим ибн Малё ибн Матто ибн Мутсо ибн Носон ибн Довуддир.

Христианлар бу ихтилофга шундай уэр айтиб, далил келтирадилар: Тавротда фараз этилган диний йўл-йўриқларнинг бири шуки, бир хотиннинг эри ўлиб, унинг ўша хотиндан ўғиллари бўлмаса, ўз биродарига насаб исбот этиш учун ўлганнынг биродари у хотинни олади. Шунда бу эридан туғилган бола насаб жиҳатидан ўлган биродарга, туғилиш ва ҳақиқат жиҳатидан тирик биродарга нисбат берилади. Шу сабабли христианлар: «Юсуф || икки отга нисбат берилади, насаб жиҳатидан отаси Ҳоли, туғилиш жиҳатидан отаси Еқубдир»,— деганлар. Уларнинг айтишларича, Матто [ўз Инжилида] Юсуфга туғилиш жиҳатдан нисбат берганида, яҳудийлар унга таъна қилиб: «Юсуфнинг насаби тўғри эмас, чунки бу насаб [Тавротдаги] йўл-йўруққа мувофиқ олинмаган»,— дедилар. Шунда Луқо уларга қарши туриб, Юсуфнинг [Таврот] йўл-йўруғи тақозо этган насабини баён қилган. Бу иккала насаб Довудга боради, мақсад ҳам шундай бўлишидир, чунки Исо Масиҳ ҳақида: «У Довуд ўғли»,— деб баён этилган. Масиҳга Юсуф насаби ишлатилиб, Марям насаби ишлатилмади, чунки Бани Исроил урф-одатига кўра насаб хилма-хил бўлмаслиги учун улардан ҳеч бири ўз қабиласи ва ўз бўғинидан бошқага уйланмайди. Уларда хотинларга эмас, эрларга нисбат бериш одат бўлган. Юсуф ва Марям ҳар иккови бир қабиладан бўлгач, икковининг [насаби] ҳам бир томирга бориши лозим. Насабни баён қилиш ва исбот этишдан мақсад шу.

Марқиюн ва Ибн Дайсон⁸⁰ маслакдошларининг ҳар бирининг ўз Инжили бўлиб, уларнинг баъзиси бу [юқорида кўрсатилган] инжилларнинг баъзисига муҳолифдир. Моний⁸¹ маслакдошларининг ҳам алоҳида Инжили бор. У аввалидан охиригача христианлар [Инжилидаги] нарсаларга қарши гапирди. Моний йўлида юрувчилар шу Инжилга инониб, бу тўғри; бунинг мазмунини Исо Масиҳ келтирган ва у амал қилган Инжил мазмунининг ўзидир, бундан бошқаси нотўғри ва унга амал қилувчилар Масиҳга ёлғончидирлар, дейдилар. Инжилнинг «Етмишлар Инжили» деб аталадиган бир нусхаси бор. У [қандайдир] Баломисга нисбат берилади. Унинг бошида: «Саллом ибн Абдуллоҳ ибн Саллом бу [Инжилни] Салмон ал-Форсий⁸² тилидан ёзган»,— дейилган. Бунга назар ташлаган кишига у Инжилнинг сохталиги яширин қолмайди. Христианлар ва бошқалар бу Инжилни инкор этадилар. Демак, на инжиллар ва на пайғамбарлар орасида биронта ҳам ишончлиси йўқ⁸³.

[Одамнинг вужудга келиши тарихидан] кейинги тарих Нуҳ алай-ҳиссалом замонида юз берган ва ҳамма нарсани фарқ этган улуг тўфон тарихи бўлиб, бу ҳам тўғрилигига жазм қилиб бўлмайдиган ва ҳақиқатини билишга умид этилмайдиган даражада тафовутли, ихтилофли ва ноаниқдир. Чунки биз аввалда айтгандек, Одам тарихи билан бу тарих орасидаги муддатда ва келгусида айтадиганимиздек, у билан Искандар эраси орасидаги муддатда ихтилоф бор. Яҳудийлар ўзларидаги Таврот ва унга тобе китоблардан бу тарих билан Искандар эраси ўртасидаги муддатни минг етти юз тўқсон икки йил деб ҳисоблаб чиқарганлар.

Христианлар эса, ўз Тавротларидан у муддатни икки минг тўққиз юз ўттиз саккиз йил чиқарганлар.

Аммо эронликлар ва оташпарастларнинг кўпчилиги тўфонни буткул инкор этиб, подшоҳликларини уларнинг эътиқодларича, биринчи 24 одам ҳисобланган Гил шоҳ || Қаюмарсдан туташиб келяпти деб гумон қилганлар. Тўфонни инкор этишда ҳиндлар, хитойлар ва бошқа бир-мунча Шарқ халқлари улар билан бир фикрдадилар. Эронликларнинг баъзилари тўфонни эътироф этсаларда, уни пайғамбарлар китобларида тавсиф этилганидан бошқача тавсиф қиладилар. Улар: «Ушандай тўфон Таҳмурас⁸⁴ замонида Шом ва Мағрибда⁸⁵ бўлди-ю, одамлар яшайдиган жойларнинг ҳаммасида бўлмади. Унда озгина халқ ғарқ бўлди, холос. У Ҳулвон дарасидан ўтмади ва Шарқ мамлакатларигача етмади...», — дейдилар. Улар яна шундай дейдилар: Ҳукамолар қачон тўфон бўлишидан Мағриб аҳолисини огоҳлантиргандан кейин улар — Мисрда бино этилган иккита ҳарам сингари — бир қанча бино қурдилар ва: «Агар осмондан офат пайдо бўлса, бу биноларнинг ичига киримиз, ердан пайдо бўлса, уларнинг устига чиқамиз», — дедилар. Шу гуруҳ эронликларнинг айтишларича, тўфон сувининг излари ва тўлқинларнинг таъсирлари ўша икки ҳарамнинг ярим белига етиб, ундан юқорига кўтарилмаганлиги кўриниб туради. Айтилишича, Юсуф алай-ҳиссалом у икки ҳарамни ғалла омбори қилиб, қаҳатчилик йиллари учун сақланган озиқ-овқатликларни шу ерга қўйган.

Яна бундай дейдилар: «Тўфон бўлишининг дараги Таҳмурасга етган — бу тўфон пайдо бўлишидан икки юз ўттиз бир йил илгари эди — у ўз мамлакатидан ҳавоси ва тупроғи тоза бир жой топишга буюрди. Исфаҳондан бошқа бу сифатга сазоворроқ жой топмадилар. Таҳмурас илмий китобларни жилдларга солиб, Исфаҳоннинг энг тинч жойига кўмишга буюрди. Буни бизнинг замонимизда Исфаҳон шаҳрининг Жайи номли жойдаги тепаликлар очилганда топилган нарсалар исботлайди. У тепаликларда пўсти ёй ва ўқларга ғилоф қилинадиган «туз» деб аталадиган дарахт пўстлогидан ясалган кўпгина қоплар билан тўла уйлар учратилган. У қоплар устига хат битилган бўлиб, хатда нима дейилгани ва қопларда нима борлиги аниқланмаган. Эронликлар ҳикояларидаги бу чалкашликлар эшитувчини шубҳага солиб, уни баъзи китоблардаги мана шу сўзларни тасдиқ этишга чақиради; биринчи одам Қаюмарс эмас, балки Комир ибн Ёфс ибн Нуҳдир. У узоқ умр кўрган улуг киши эди; [У] Дунбсванд⁸⁶ тоғига тушиб, уни эгаллади, ниҳоят унинг ҳукмронлиги кучайди. У вақтдаги одамлар бошланғич ва дастлабки пайдоликка ўхшаш ҳолатда яшардилар. Комир ва унинг баъзи болалари кўп ерларни эгаллашди. Охир у гурурланиб кетиб, ўзига «Одам» деб исм берди ва: «Ким мени бундан бошқа исм билан атаса, унинг калласини узаман», — деди. Эронликлардан баъзиларининг айтишича, Комир Амин ибн Ловд ибн Ирам ибн Сом ибн Нуҳдир.

Аммо астрологлар у йилларни Зуҳал ва Муштарийнинг дастлабки учрашувидан бошлаб тuzатдилар, бундай учрашувларни Бобил ва Калдонернинг олимлари исбот этган эдилар; чунки тўфон уларнинг вилоятлари томонидан пайдо бўлган эди. Айтилишича, Нуҳ ўз кемасини Куфада⁸⁷ қурган ва у ерда «гандирдан сув қайнаб чиққан»⁸⁸. Кема ўша вилоятлардан узоқ бўлмаган Жудий⁸⁹ тоғида тўхтаган. Зуҳал ва Муштарийнинг бу учрашуви тўфон пайдо бўлишидан икки юз йигирма тўққиз

йил ва бир юз саккиз кун олдин эди. Бобил ва Қалда олимлари шу учрашувлар ишига эътибор билан қараб, шулардан кейинги йилларни тузаётганларида, || тўфон билан Набонассар⁹⁰ биринчи подшоҳлигининг бошланиши ўртасидаги муддатни икки минг олти юз тўрт йил, Набонассар билан Искандар ўртасидаги муддатни тўрт юз ўттиз олти йил топганлар. Бу христианлар Тавроги тақозо этган муддатга яқиндир.

Абу Маъшар ал-Балхий ўз зижидида⁹¹ ёритқичларнинг ўртача ҳаракатларини бирон тарих билан асослаш учун бу [тўфон] тарихига муҳтож бўлган эди. У тўфон ёритқичлар Хут охири ва Ҳамал бошида учрашган пайтда вужудга келди, деб ўйлади ва ёритқичларнинг ўша вақтдаги ўринларини ҳисоблаб чиқарди; шунда ёритқичларнинг ҳаммаси Хутнинг йигирма еттинчи даражасидан то Ҳамал биринчи даражасининг охиригача [ўтган муддатда] тўпланган бўлдилар. Абу Маъшар ўша вақт билан Искандар эрасининг бошланиши ўртасида икки минг етти юз тўқсон кабисали [қуёш] йили ва етти юз йигирма олти кун ўтган, деди. Бу, христианлар айтганларича, [муддатга] яқинроқ бўлса ҳам, астрологлар ҳисоблаб чиқарган [муддатдан] икки юз қирқ тўққиз йил ва уч ой миқдориди камдир. Абу Маъшар ўзи тутган йўлига биноан бу хулосани қатъий қабул этгач, астрономлар «ёритқичлар даврлари» деб атайдиган муддат унинг ҳисобида уч юз олтмиш минг йил, унинг бошланиши эса тўфон вақтидан бир юз саксон минг йил олдин бўлиб чиққан, шунда у билимсизлик қилиб, ҳар бир юз саксон минг йилда тўфон бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлади, деб ҳукм чиқарган. Ўз тушунчаси билан фахрланувчи бу киши «ёритқичлар даврлари»ни уларнинг эронликлар кузатишлари орқали маълум бўлган юришларидангина ҳисоблади. Бу эса, ҳиндларнинг кузатишлари кўрсатган ва «синди ҳинд даврлари» деб танилган даврларга «Аржабҳаз кунлари» ва «Арканд кунлари»⁹² га мухалифдир. Агар биров Батлимус кузатишлари ёки кейин пайдо бўлган тажрибакорлар кузатишлари билан даврларни ҳисоблаб чиқмоқчи бўлса, албатта у машҳур амаллар ёрдамида ўша истагига эришади. Масалан, Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Устоз Бундод ас-Сарахсий⁹³ ва Абу-л-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бузжоний каби кўпгина астрономлар ҳам шу амаллар ёрдамида мақсадга эришганлар. Мен ҳам ўз китобларимнинг кўпида, айниқса «Астрономик кузатишлардаги ихтилофларни исботлаш китоби» [асаримда] шундай қилдим.

Даврларнинг ҳар бирида ёритқичлар Ҳамалнинг аввали, [даврнинг] бошланиши ва тамом бўлишида жам бўладилар, лекин бу турли вақтларда юз беради. Агар [Абу Маъшар], ёритқичлар ўша вақтда Ҳамал аввалида яратилганлар деб ҳукм қилса ёки ёритқичларнинг Ҳамал аввалида жам бўлишлари оламнинг аввали ёки охири деб [даъво қилса], бу мумкин нарсалар қаторига кирса ҳам, албатта, далилсиз даъво бўлади. Лекин бундай даъволар равшан далил бўлмаса ёки оламнинг аввали ва бошланишидан хабар берувчи сўзи ишончли, худодан ваҳий ва ёрдам келиб сўзининг аниқлигига кўнгли инонган [пайғамбар] хабар бермаса, қабул этилмайдир. Чунки || яратувчи унсурларни яратиб, пайдо этган вақтда, улар бир-биридан жудо бўлиб жам қилинмаган бўлишлари ҳам мумкин; ҳисоблаш натижасида маълум бўлишича, улар бир нуқтада бирлашиш ҳаракатларига ўша муддатдаёқ эга бўлгандирлар.

Масалан, биз бир доира фараз этиб, унинг бир-биридан узоқ бир неча жойига ҳар хил ҳайвонларни қўйдик. Уларнинг баъзиси тез, баъ-

зиси секин юради, лекин ҳар бири бир [маълум] вақтда ўзининг текис юришида ҳаракат қилади. Яна фараз этилган вақтда уларнинг бир-бирларидан ораларининг узоқлиги, жойлари ва ҳар бирининг бир кеча-кундузда қанча юриши маълум бўлса, қанча замондан кейин у ҳайвонлар фараз этилган нуқтада жам бўлиши ёки улар худди ўша нуқтада қанча замон илгари жам бўлганликларини ҳисоблаш талаб этилади. Агар ҳисобловчи «мингларча миллион йиллар» деб жавоб берса, уни айблаш керак эмас ҳамда унинг жавобидан, у ҳайвонлар ўша ўтмишда бўлганлар ёки [учрашишлари юз берадиган] вақтгача [ҳаёт] бўладилар деган гап чиқмайди. Лекин жавобининг тақозоси мана бундай изоҳланади: агар у ҳайвонлар бурун бўлганлар ёки [учрашгунларича] шу ҳолатда бўлсалар, ҳисоб кўрсатган [натижадан] бошқа бўлмайди. Аммо бу [Абу Маъшар] санъати эмас, бошқа санъат билан аниқланади⁹⁴.

Агар даврлар билан амал қилувчи биров: улар, яъни ёритқичлар Ҳамал аввалида учрашгач, ҳамма даврда ҳам ўша ҳолатга қайтадилар, чунки фалакдаги [кайфият ва] ҳолатлар унинг фикрича, [бошқача] тузилиш ва бузилишни қабул этмайди, фалак ҳолати ўтмишда ҳам ҳозиргидек бўлган, деб ҳукм қилса, бу ҳужжатга асосланмаган содда бир ҳукм бўлиб, шу билан у ўзини юпатган бўлади. Чунки мантиқ қоидасича, қарама-қаршилиқнинг иккала томонига далил келтириш лозим бўлмайди, балки далил бир томонга хос бўлиб, иккинчи томонни рад қилади. [Далил шуки]: нарсаларнинг ниҳоясиз равишда яширинликдан юзага чиқиши — то мавжуд бўлгунича муҳолдир. Бу файласуф олимлар ва бошқалар олдида аниқ ва равшан. [Ёки далил шуки], ниҳоясиз нарсаларнинг қуввадан феълга чиқиб мавжуд бўлишининг муҳол экани файласуф олимлар ва бошқалар олдида аниқ ва равшан. [Юлдузларнинг] ўтмиш ҳаракатлари, даврлари ва замонлари ҳисобланган. Улар мавжуд бўлиб, камайганлар [яна давом этиб] сонлари кўпаймоқда. Демак, улар ниҳоясиз эмаслар.

Бу сўз ҳақиқатни қидирувчи инсофли кишига етарли далиллардан дир. Агар у қаршилиқ кўрсатиб, мунозарачиларнинг бўяма гапларига мойиллик кўрсатса, қалбидан уни кеткизиш, касалга чалинган ақлини даволаш ва кўнглига ҳақиқат [уруғини] сепишда бу китобда келтирилгандан кўпроқ [далилларга] эҳтиёж туғилади. Унинг учун бундан кўра лойиқроқ ўринлар бор.

Кузатишларнинг турличалиги эмас, балки даврларнинг турличалиги Абу Маъшар қабул қилган ва [бошқа] динларга таъна қилувчи аҳмоқлар асосланадиган фикрни рад этишга етарли далил [ва] энг кучли ёрдамчидир. Улар Синдҳинд даврлари ва шуларга ўхшашлардан қиёмат яқинлашганидан дарак берувчи ва охират уйда яхши мукофот, ёмон жазо учун қайта тиргизилишдан хабар келтирувчи кишиларни сўкиш учун фойдаланадилар. Улар ўзларини астрономлар ва математиклар қаторига қўшиб, шу фан эгалари санъатини ўзларига нисбат берадилар ва бу олимлар устига туҳматлар ёғдириб, улар ҳақида ҳаммани 7 бадгумон қиладилар. || Лекин улар озгина бўлса ҳам илмдан баҳра олган кишининг [кўзини] бўёлмайдилар.

Ундан кейин, биз баён этган тарихлардан Набонассар биринчи⁹⁵ эраси келади. У форсча Бухтнарсий деб аталади. Бу номни «Кўп йиғлаб нола қилувчи киши» деб изоҳлашади. Яҳудийча [у] «Буханассор»⁹⁶ номи

билан юритилиб, унинг тафсири «сўзловчи Меркурий» дейишади, чунки Набонассар илми севиб, олимларни ўзига яқин тутган. Бу исм араб-чалаштирилиб ва енгиллаштирилиб «Бухтанассар» дейилган. Бу Байтулмуқаддасни вайрон қилган Бухтанассар эмас, чунки кейинги жадвалларнинг кўрсатишича, иккита Бухтанассар орасида бир юз қирқ уч йилга яқин муддат ўтган⁹⁷.

Юқорида эслатиб ўтилган подшоҳ тарихи қибтий йиллари билан ишлатилиб, сайёр ёритқичлар вазиятларини аниқлашда «ал-Мижастий» да унга амал қилинган. Чунки Батлимус шу тарихни танлаб, ёритқичларнинг ўртача ҳолатларини шу билан ҳисоблаб чиққан; кейин у Набонассар эрасининг тўрт юз ўн саккизинчи йилда барпо бўлган Қаллиб⁹⁸ даврини ҳам [шу бўйича] ҳисоблаган. У даврларнинг ҳар бири етмиш олти қуёш йилдир. Бу Қаллиб даврларини билмайдиган киши «ал-Мижастий» китобида баён этилган даврларни кўриб, уларни қибтий даврлари деб, далил келтиради; чунки Иббарх⁹⁹ ва Батлимус кузатиш вақтларини қибтий кечалари, кунлари ва ойлари билан баён этиб, кейин уларни Қаллибникига мувофиқ келадиган даврларга боғлайди. Аммо ҳақиқатда бу тўғри эмас.

Лекин ойлари оғир оғир курраси ҳаракатидан, йилларни Қуёш ҳаракатидан ҳисоб этувчи киши ишлатадиган даврларнинг биринчиси саккиз йиллик¹⁰⁰, иккинчиси ўн тўққиз йилликдир. Қаллиб риёзиёт олимларининг улуғларидан¹⁰¹ бўлиб, қавми унга бўйсунар ва шу даврни ишлатар эди. У шу [етмиш олти йиллик] даврни тўртта ўн тўққиз йилни ўз ичига олган давр деб ҳисоблаб чиқарган эди.

Баъзи кишиларнинг айтишича, бу даврлар ҳисоб билан эмас, янги Ойнинг кўриниши билан ишлатилган, чунки одамлар у вақтда Қуёш тутилиши ҳисобини билмаганлар, [ҳолбуки], Қуёш тутилишини билмасдан, қамарий ой миқдори¹⁰² билинмайди ва [ой] ҳисоблари уларсиз расо бўлмайди. [Яна ўша кишиларнинг айтишича], Қуёш тутилиш ҳисобига биринчи воқиф бўлган киши Малтия аҳолисидан Солис¹⁰³ эди. Чунки у математик олимлар билан муносабатда бўлиб, улардан астрономия ва [ёритқичларнинг] ҳаракатлари илмини ўрганади ва ундан Қуёш тутилиш пайтларини ҳисоблаш [даражасигача] кўтарилади. Кейин у Мисрга боради ва одамларни Қуёш тутилишидан хабардор қилади, унинг хабари тўғри чиққач, халқ уни улуғлайди.

Бу ҳикоя [бўлиши] мумкин воқеалардандир, чунки ҳар бир илм ва санъатнинг бориб тақаладиган бошланиш жойи бор. Шу бошланиш жойга яқинлашган сари, то ўзига бориб егунча соддалашиб боради. Лекин бу ҳикоядаги Қуёш тутилиши Солидан олдин билинмаган эди, деган сўзни умумий қилиб айтмаслик, балки баъзи жойларда билингану айрим жойларда билинмаган, дейиш лозим. Баъзи кишилар Солини Ардашер I ибн Бобак замонида [яшаган] деса, бошқалари — Қайқубод замонида дейдилар¹⁰⁴. Агар у Ардашер замонида [ўтган] бўлса, || Батлимус ва Иббарх ундан олдин яшаган бўлади. Бу икки астрономнинг Қуёш тутилишини билганликлари [биз айтиб ўтганни исботлашда] кифоя қилади¹⁰⁵. Агар Солис Қайқубод замонида яшаган бўлса, у Зардуштга яқин бўлади. Зардушт ҳарнонликлар ва уларнинг ўзидан олдинги ҳикматшуносларини, улар илмда ўзларини кўрсатиб, илмнинг Қуёш тутилиш вақтларини билмаслик мумкин эмас дейиш даражасига

етганлар, деб тавсифлайди¹⁰⁶. Шундай бўлгач, агар уларнинг [Солис тўғрисидаги] ҳикоялари рост бўлса, у мутлақ эмас, балки шартлидир.

Сўнгра Искандар отаси Филиф¹⁰⁷ тарихи келади. Бу Қибт йиллари-га асосланган. Кўпинча бу тарих македониялик «бинокор» Искандарнинг ўлган вақтидан бошлаб ишлатилади. Бу икки тарих бир-бирига мувофиқдир, фақатгина номда ихтилоф бор. Чунки «бинокор» Искандардан кейин Филиф подшоҳ бўлган. Демак, аввалгисининг ўлган вақтидан ёки кейингисининг тахтга чиқишидан тарих бошланиши фарқсиз бўлиб, тарих боши қилиб белгиланган ҳолат иккови ўртасида умумий чегарадир. Бу тарихни ишлатувчилар «искандаронликлар» деб лақабланганлар. Шу тарихга асосланиб искандаронлик Совун «Қонун» номи билан машҳур бўлган зижини [тузган].

Кейин айрим кишилар «Зулқарнайн» деб атайдиган юнонлик Искандар тарихи келади. Бу ҳақдаги ихтилофларни¹⁰⁸ бундан кейин алоҳида фаслда баён этаман. Искандар тарихи Рум йилларига¹⁰⁹ асосланган, кўп миллатлар шу тарихни ишлатадилар.

Искандар йигирма олти ёшида Эрон подшоҳи Доро билан урушишга отланиб, унинг пойтахти томон йўл олади. Юнон мамлакатидан чиқиб, Байтулмақаддасга келди, у ерда яҳудийлар турар эдилар. Искандар уларга Мусо ва Довуд алайҳиссаломлар тарихини ишлатмасликни, ўз тарихига кўчишни ва Байтулмақаддасга келган йилини тарих боши қилиб олишни буюрди. У йил Искандар туғилишининг йигирма еттинчи йили эди.

Яҳудийлар унинг таклифини қабул этиб, амрига бўйсундилар, чунки уларнинг [диний] олимлари ҳар вақт Мусо замонидан минг йил ўтса, янги тарих ишлатишга рухсат берган эдилар. Бу вақтда Мусо тарихига минг йил тўлиб, улар айтгандек, қурбонликлар, жонлик сўйишлар тўхтатилган эди. Шундан кейин яҳудийлар Искандар тарихига кўчиб, маълум ойлар ва кунларда қилиниши лозим [бўлган] амалларда шу тарихни қўлладилар. Лекин бу тарих бошини Искандар туғилишининг йигирма олтинчи йилидан тайин этдилар, бу йил забт сафарига отланган биринчи йил эди; уларнинг бундай қилишига сабаб [Мусо тарихини] минг йилга тўлғизиш эди.

Сўнгра Искандар тарихидан расо минг йил ўтгач, яҳудийлар тарих боши қилиб оладиган бирор ҳодиса юз бермади, шунинг учун улар Искандар тарихига амал қилиб ва уни қўллаб қолавердилар.

Юнонликлар ҳам шу тарихга амал қилдилар. Мавсил матрони Ҳабиб ибн Биҳриз¹¹⁰ таржима қилган бир китобда айтишларича, улар бундан олдин Юнон ибн Бурснинг Бобилдан ғарбга томон хуружини тарих қилиб олганлар.

|| Кейин подшоҳ Август тарихи келади. Бу подшоҳ қайсарларнинг биринчисидир. «Қайсарнинг» маъноси француз тилида¹¹¹ «ёриб олинган» демакдир. Уни қайсар дейишга сабаб шуки, онаси унга ҳомиладор бўлиб, дард тутган вақтда ўлган. Шунда онасининг қорнини ёриб, боласини олганлар ва унга Қайсар лақабини берганлар. У хотин киши андомидан чиқмаганини подшоҳларга писанд қилиб, фахрланар эди. Аҳмад ибн Саҳл ибн Ҳошим ибн ал-Валид ибн Ҳамла ибн Қомкор ибн Яздижард ибн Шаҳриёр¹¹² ҳам Қайсар сингари онаси қорнидан ёриб олинганидан фахрланар ва одамларни мана шу иборат билан, яъни «Фарж боласи» деб сўкар эди.

Тарих ёзувчиларнинг баён этишича, Марям ўғли Исо шу Август подшоҳлигининг қирқ учинчи йилида туғилган. Бу йиллар ўтиши бўйича [ҳисобланганда] тўғри чиқмайди. Келажакда бериладиган жадваллардаги тарихлар Исонинг Август подшоҳлигидан ўн етти йил кейин туғилганини кўрсатади¹¹³.

Искандаронийларнинг кабисасиз қибтий йиллари билан ҳисоб юргизишдан бизнинг замонимизда Мисрда ишлатилаётган калдонийлар йили¹¹⁴ билан ҳисоблашга ўтказган шу қайсар Августдир. Бу воқеа унинг подшоҳлигининг олтинчи йилида эди; искандаронийлар ўша йилни тарих боши қилиб олдилар.

Сўнгра Антонина тарихи келади. Бу Рум¹¹⁵ подшоҳларининг биридир. Бу тарих рум йиллари [шамсий йиллар] билан ишлатилади. Батлимус Антонина подшоҳлигининг биринчи йилида турғун ёритқичлар ҳақидаги [хатоларни] тузатиб, уларни ўз китоби «ал-Мижастий»га киритди ва уларни ҳар йили¹¹⁶ бир даража юргизилсин, деб буюрди.

Кейин Дақлитёнус¹¹⁷ тарихи келади. У санамларга ибодат қилувчи Рум подшоҳларининг охиргисидир. Подшоҳлик унга ўтгач, унинг авлодида қолди. Бундан кейин Константин подшоҳ бўлди. У Рум подшоҳларидан христиан динини қабул этган биринчи подшоҳ эди. Бу тарих йиллари ҳам румийча [шамсий] дир. Зиж тузувчилардан бир қанчаси шу тарихни қўллаб, астрологияга оид масалалар, туғилган болаларнинг толелари ва планеталарнинг бир-бирлари билан тўқнашув [қирон] лари хусусида ўзлари муҳтож бўладиган масалаларни шу тарих билан белгиланганлар.

Сўнгра Муҳаммад пайғамбарнинг — худо унга ва унинг авлодига раҳмат ёғдирсин — Маккадан Мадинага кўчиш тарихи келади. Бу тарих қамарий йилларга асосланган бўлиб, ой боши ҳисоб билан эмас, янги ойнинг кўриниши билан белгиланади. Барча мусулмонлар шу тарихни қўллайдилар. Нима учун бу тарих боши ҳижратдан белгиланиб, [пайғамбарнинг] туғилиши, унга пайғамбарлик [мартабасининг] келиши ёки унинг вафотидан белгиланмаган? Маймун ибн Миҳроннинг¹¹⁸ ривоят қилишича, Умар ибн ал-Хаттоб¹¹⁹ ҳузурига, [давлат томонидан] шаъбон ойида тўланадиган ҳужжат келтирилганида, Умар: «Қайси шаъбон, шу биз турган шаъбонми ёки келажак шаъбонми?»— деган. Кейин у, тангри элчиси — худо унга ва унинг авлодига раҳмат ёғдирсин — суҳбатини қурган кишиларни йиғиб, вақтларни тайинлашда ўзининг ҳайронлиги хусусида улардан маслаҳат сўраган. Улар: «Эронликларнинг бу ҳақда қўллаган тadbирларини билишимиз керак»,— деганлар. Кейин Ҳурмузонни¹²⁰ олиб келиб, ундан эронийлар қўллайдиган тadbирни сўраганлар. У: «Бизда бир ҳисоб бор, уни «моҳ-рўз», яъни ойлар ва кунлар ҳисоби деб атаймиз»,— деган. Булар моҳ-рўзни арабчалаштириб «муаррах» деганлар ва «тарих» лафзини унинг «масдари»¹²¹ қилиб кўрсатганлар. || Ҳурмузон уларга эронликлар тарихни қандай қўллашларини, шунингдек румларнинг қандай ишлатишларини баён этган. Шу вақт Умар расулulloҳ суҳбатдошларига: «Одамлар ўз муомалаларида қўллашлари учун бир тарих боши белгиланг»,— деган. Уларнинг баъзилари: «Рум тарихини ишлатинг, чунки улар Искандар тарихини қўллайдилар»,— деса, биров: «У, жуда узайиб кетади»,— деган, яна бошқалари: «Эронликлар тарихини қўлланг»,— деса, иккинчиси: «Қачон эронликлардан бир подшоҳ тахтга чиқса, у ўздан олдинги подшоҳ тарихини қўлламай қўяди»,— деган. Шундай қилиб, саҳобалар бу масалада бир-бирлари

билан келиша олмаганлар. [Аммо] аш-Шаъбий¹²² ривоятчи, Абу Мусо ал-Ашъарий¹²³ Умар ибн ал-Хаттобга ёзган бир хатида: «Сендан бизга мактублар келади, уларда тарих йўқ»,—деган. Умар турли девонлар¹²⁴ тузиб, хирож ва қонунлар жорий қилган эди. У тарихга муҳтож бўлди, аммо қадимги тарихларни қўллашни истамасди. Шу вақт ўз ҳузурига [қишлоқларни] чақириб, улардан маслаҳат сўради. Пайғамбарнинг ҳижрат қилиб¹²⁵, Мадинага етиб борган вақти жуда аниқ, шак-шубҳадан энг узоқ вақт эди. Бу душанба куни раби ал-аввалдан саккиз кеча ўтганда воқе бўлган эди, йил боши пайшанба кунига тўғри келди. Кейин Умар шунга амал қилиб, ўз эҳтиёжиди шу тарихни қўллади. Бу ҳодиса ҳижратнинг ўн еттинчи йилида эди¹²⁶.

Ҳижратни қабул этишларига сабаб шуки, [Муҳаммаднинг] туғилган ва унга пайғамбарлик [мартабаси] келган вақтлар ҳақида шу қадар ихтилоф юз берганки, ихтилофсиз бўлиши лозим бўлган нарсани [тарих] га асос қилиш мумкин эмас. [Аш-Шаъбий] айтади: «Биров пайғамбар душанбага ўтар кечаси раби ал-аввалнинг иккинчисиди; биров саккизинчисиди деса, бошқаси ўн учинчисиди туғилди деган; яна биров, Хусров Нўшервон¹²⁷ подшоҳлигининг қирқ олтинчи йилида; биров қирқ иккинчи; биров қирқ учинчи йилида¹²⁸ туғилди деган. Шунинг учун бу ихтилоф баробарида [пайғамбар] умри ҳақида ҳам келишмовчилик бор». Шунингдек, йилларнинг оралари ҳам бир-биридан тафовутли бўлиб, баъзилари кабисали ва баъзилари насий ҳаром қилинган, кабисасиздир. Шу билан бирга, ҳижратдан сўнг ислом дини оёққа туриб, ширк¹²⁹ орқага қайтди, пайғамбар алайҳиссалом Макка кофирларининг қийноқларидан қутулди ва кетма-кет ғалабаларга эришди. Ҳижрат пайғамбар учун подшоҳларнинг тахтга чиқиб мамлакатни [душманлардан] тозалашлари каби бўлди.

Пайғамбарнинг вафот вақти эса, гарчи у маълум бўлса ҳам, бир пайғамбарнинг ўлган вақтидан ёки бир подшоҳнинг ҳалок бўлган вақтидан тарих олиш ёқимли иш эмас. Агар сохта [пайғамбар] ёки халққа душман [подшоҳ] бўлса, ўлимидан халқ қувонса ва ўлими байрам қилинса ёки бир подшоҳ вафотидан кейин давлати инқирозга учраб, дўстлари ўз ўрталарида эсдалик қилиб таасуфлансалар, [ўлган вақтни тарих боши қилиш мумкин]. Лекин бундай расм камдан-кам ва фавқуллода учраган. Бинокор Искандар бунга мисолдир. Унинг тарихи ўлган вақтидан ҳисобланади, чунки у, тарихлари ўзларидан кейин ҳар бири Батлимус деб аталадиган Батолиса подшоҳлар тарихига кўчган Қалдон ва Ғарб¹³⁰ подшоҳлари жумласидан саналади. Батлимуснинг маъноси «аскар» демакдир. Шундай қилиб, давлат ўз қўлига ўтган подшоҳ [Искандарнинг] ўлимидан қувониб, шу вақтни тарих боши қилиб олган.

31 Яздижард ибн Шаҳриёр¹³¹ ҳам бунга мисолдир. Оташпарастрлар унинг ҳалок бўлган вақтини тарих боши қилдилар, чунки унинг ўлими билан давлат инқирозга учради; [эронийлар] эса унга || қайғуриб ва динлари кетганига ачиниб, ўлган вақтидан тарих олдилар.

Расулulloҳ — худо унга ва унинг авлодига раҳмат ёғдирсин — замониди одамлар ҳижрат билан [унинг] вафоти орасидаги ҳар бир йилни ўша йилда тасодифий равишда [пайғамбар] алайҳиссаломга дуч келган воқеадан чиқариб олинган махсус ном билан атар эдилар. Биринчи йил «ҳижратга изн йили», иккинчиси «кофирлар» билан урушишга фармон йили», учинчиси — «синов тозалаш йили», тўртинчиси — «тинч-

лик йили», бешинчиси — «зилзила йили», олтинчиси — «ошночилик йили», еттинчиси — «ғалаба қозониш йили», саккизинчиси — «баробарлик йили», тўққизинчиси — «қутулиш ва халослик йили», ўнинчиси — «видолашиш йилдир»¹³². Одамлар у йилларни шундай номлар билан атаганлари сабабли ҳижратдан кейин рақам билан [йил] айтишга муҳтож бўлмаганлар.

Кейин Яздижард ибн Шаҳриёр ибн Хусрав Парвиз подшоҳлигининг тарихи келади. Бу тарих кабисасиз эрон йилларига асосланган бўлиб, ишлатилиши осон бўлганидан зижларда қўлланилди. Бошқа эрон подшоҳлариникидан кўра бунинг тарихи машҳурдир, чунки подшоҳлик паришонликка учраб, уни хотинлар эгаллаган ва подшоҳликка ҳақсиз киши ғалаба қозонганидан кейин у тахтга ўтирди. Шу билан бирга у [Эрон] подшоҳларининг охиригиси бўлиб, [жангномаларда] эслатилган урушларнинг кўпчилиги ва Умар ибн ал-Хаттоб билан бўлган машҳур воқеалар унинг замонида юз берди, охири давлат [қўлдан] кетиб, қочди ва Марв аш-Шоҳжонда бир тегирмончи уйда ўлдирилди.

Кейин Аҳмад ибн Талха ал-Муътазид биллоҳ амиралмўъминин¹³³ тарихи келади. Бу тарих бошқачароқ йўл билан рум йиллари ва эрон ойларига асосланади. У йўл шуки: ҳар бир тўрт йилда бир кун қўшиб борилади.

Абу Бакр ас-Сулей¹³⁴ «Варақлар китоби»да баён этишича ва Ҳамза ибн ал-Ҳасан ал-Исфаҳонийнинг наврўз ва меҳргонга¹³⁵ тегишли шеърлар ҳақидаги рисоласида тавсиф этилишича, бу тарихнинг барпо этилиш сабаби мана бундай бўлган. Ал-Мутаваккил¹³⁶ ўзининг сайдгоҳларидан бирини айланиб юрганида, ҳали етилмаган ва ўриб олинмаган экинзорга кўзи тушди ва «Убайдуллоҳ ибн Яҳё¹³⁷ халқдан хирож йиғишни бошлаш учун мендан рухсат сўраяпти; кўриб турибманки, [ҳали] экинлар кўкариб ётибди. Одамлар хирожни қаёқдан олиб беради?» — деди. Унга: «Бу одамларга зарар келтирди, улар [хирожни вақтидан олдин тўлаш учун] қарз олмоқдалар, ватанларини ташлаб кетяптилар, шикоят ва доду фарёдлари кўпайиб кетди», — деб жавоб беришди. Ал-Мутаваккил: «Бу нарса менинг давримда пайдо бўлдимми ёки илгаридан шундай бўлганми?» — деб сўрагани: «Йўқ, балки Эрон подшоҳлари наврўз вақтида хирож талаб қилишни барпо этиб, араб подшоҳларига йўл кўрсатдилар. Ана шунга асосланиб бизда ҳам талаб қилинади», — деб жавоб беришди. Ал-Мутаваккил мубадни¹³⁸ чақириб, унга: «Бу тўғрида гап кўпайди, мен эронликлар расму русумидан нарига ўтолмайман. Улар эҳсонли, халқпарвар бўла туриб, қандай қилиб фуқародан [бевақт] хирож олишга бошладилар? Нима учун ғалла ва экинлар етишмаган шундай || вақтда хирож талаб этишга рухсат берганлар?» — деди. Шунда мубад: «Улар, талабни наврўз вақтида бошласалар ҳам, хирож ғаллалар етилган вақтда келар эди», — деб жавоб берди. Ал-Мутаваккил: «Бу, қандай бўлар эди?» — деб сўради. Шу вақт мубад унга эрон йилларининг ҳолини, миқдорини ва қўшимчага эҳтиёжини¹³⁹ баён этди. Кейин воқеани тушунтириб, эронликлар йилларига қўшимча қўшар эдилар, ислом [дини кириб] келгач, бу бекор қилинди ва бу халққа зарар келтирди. Деҳқонлар Ҳишом ибн Абдулмалик замонида Холид ал-Қасрий¹⁴⁰ ҳузурига йигилиб, бу воқеани баён этдилар ва ундан наврўзини бир ой кейинга суришини сўрадилар. Холид қабул этмади ва бу ҳақда Ҳишомга хат ёзиб, хатида: «Бу иш худойи таолонинг «Насий — [кейинга суриш] кофирликни орттиришдир»¹⁴¹,

деган сўздан саналмаса деб қўрқаман», — деди. Ар-Рашид¹⁴² даври келгач, одамлар Яҳё ибн Холид ибн Бармак¹⁴³ ҳузурига йиғилишиб, ундан наврўзни икки ой кейинга суришни сўрадилар, Яҳё шундай қилмоқчи бўлди, лекин душманлари бу ҳақда гап кўтариб, «Бу — мажусийликка ёпишяпти», — дедилар. Яҳё ўз қароридан қайтди ва иш [эски] ҳолича қолди.

Ал-Мутаваккил Иброҳим ибн ал-Аббос ас-Сулийни¹⁴⁴ ҳузурига чақариб, уни наврўз ҳақида мубад айтганига мувофиқ иш қилиб: [йил] кунларини ҳисоблаш, наврўз учун ўзгармайдиган қонун тузиш ва наврўзни кейинга суриш хусусида бутун мамлакат шаҳарларига [халифа] номидан хат ёзишга буюрди.

Шундай қилиб, наврўзни ҳазироннинг¹⁴⁵ ўн еттисига кечиктиришга қарор қилинди. Бу ишларни Иброҳим ас-Сулий бажарди, икки юз қирқ учинчи йил муҳаррам ойида¹⁴⁶ [халифотнинг бутун] чеккаларига мактублар юборилди. Бу ҳақда ал-Бухтурий¹⁴⁷ қасида ёзади ва унда ал-Мутаваккилни мақтаб, мана бундай дейди:

Наврўз куни ўз вақтига — Ардашер,
Белгилаган вақтга қайтди;
Сен уни аввалги ҳолатига айлантирдинг,
У ҳайрон бўлиб айланиб юрарди.
Наврўзда хирож олишга буюрдинг —
Халқ учун эса тутиладиган енгиллик бўлди.
Халқдан ҳамд ва сано айтиш, сендан эса,
Уларга адолат юргизиш ва миннатдор этадиган
инъом бериш.

Ал-Мутаваккил ўлдирилиб, [унинг] ўйлаган тадбири чала қолди. Ниҳоят ал-Муътазид халифа бўлиб, мамлакат шаҳарларини босқинчилардан қайтариб олди ва булардан бўшагач, фуқаро ишига киришди. Унга энг муҳим нарса кабиса ишини тамомлаш эди. Ал-Мутаваккилнинг наврўзни кейинга суриш ҳақида қилган ишини у охирига етказди, лекин Муътазид бунга бошқа томондан қаради. Бу шундай бўлди: ал-Мутаваккил ўзи турган йил билан¹⁴⁸ Яздижард подшоҳлиги тарихининг биринчи йили орасидаги муддатни олган эди, ал-Муътазид эса, ўзи турган йил билан Яздижард ҳалокатидан кейин Эрон подшоҳлиги тугаган йил орасидаги муддатни олди. У ёки унинг томонидан бу ишга мутасадди бўлган киши, эронликлар ўша вақтдан бошлаб кабиса ишини тўхтатганлар, деб гумон қилди. Бу муддатни икки юз қирқ уч йил¹⁴⁹ ва [бу йилларнинг] чораклардан олинадиган ҳиссаси олтмиш бутун ва касрли кун деб топди. Ал-Муътазид || шу кунларни ўша йил наврўзига қўшди ва наврўзни охириги кунга кўчирди. У кун ўша йили хурдод моҳнинг¹⁵⁰ биринчи куни бўлиб, чоршанба эди, бу ҳазироннинг ўн биринчи кунига тўғри келиб қолди. Сўнгра ал-Муътазид румликлар ўз ойларига кабиса қўшганларидек наврўз ойлари ҳам кабисали бўлсин деб, наврўзни рум ойлари бўйича белгилади. Ал-Муътазиднинг бу фармонини ижро этишни устига олган киши унинг вазири Абу-л-Қосим Убайдуллоҳ ибн Сулаймон ибн Ваҳб эди. Мунажжим Али ибн Яҳё бу ҳақда мана бу шеърни айтди:

Эй, показа шарафни тирилтирган, вайрон бўлган
мамлакатни янгилаган,

Беқарор бўлган дин асосини қайтадан орамизда
барқарор этган!

Пойгада ўзувчи сингари барча подшоҳлардан ўздинг,
Наврўз билан бахтли бўл, бу [ишда] халқни миннатдор
этдинг ҳам савоб топдинг —

Наврўзни кейинга суриб, бошқалар кейинга қолдирган
савоб [ишни] олдинга ўтказдинг!

Али ибн Яҳё бу ҳақда шундай деди:

Наврўзинг шундай бир кунки, у ҳеч қачон кейинга
қолмай,

Ҳазироннинг ўн биринчисига тўғри келаверади.

Бу ишда ҳар қанча диққат қилинса ҳам, наврўз эронийлар давлати вақтидаги [йилларга] кабиса қўшиладиган аҳволига қайтмади. Воқеа бундай: эронликларнинг ўз йилларига кабиса қўшишни тўхтатишлари Яздижард ҳалокатидан қарийб етмиш йил бурун юз берган эди, чунки улар, Яздижард ибн Шопур¹⁵¹ замонида йилга икки ой қўшган эдилар. Биринчи йил ҳамisha [шамсиядан] кейинга сурилиши учун қўшилди, бундай [қилиш] зарур эди; қўшимча кунларни¹⁵² эса, [кабисали йилнинг] белгиси қилиб ўша ойнинг кейинига қўйдилар¹⁵³; [ўша йили] навбат Обон моҳники¹⁵⁴ эди, бу [ҳақда] келгусида зикр қиламиз. Иккинчи ой узоқ муддатгача [кабиса қўшишдан] хотиржам бўлиш мақсадида келажак учун қўшимча қилинди.

Яздижард ибн Шопур билан Яздижард ибн Шаҳриёр ўртасидаги йиллардан бир юз йигирма йил камайтирилса, аниқ ҳисоб билан эмас, тахминий ҳисоб билан етмиш йил қолади, чунки Эрон тарихлари жуда ноаниқдир. Бу етмиш йилнинг чорақлардан оладиган ҳиссаси қарийб ўн етти кун бўлади. Шунда йигирма саккизинчи ҳазиронда наврўз бўлиши учун уни олтмиш кун эмас, қўпол тахминий қиёс билан етмиш етти кун кейинга суриш зарур бўлади. Лекин бу ишни ўз зиммасига олган киши, эронликларнинг кабиса хусусидаги йўллари румликларнинг шу хусусда туган йўлларига ўхшайди деган гумон билан кунларни эронликларнинг подшоҳликлари тугаладиган вақтдан бошлаб ҳисоблаган. Аммо биз баён этганимиз ва келажакда баён этмоқчи бўлганимиздек, бу ҳақда иш ундан бошқароқдир.

Бу [Ал-Муътазид] тарихи машҳур тарихларнинг охиргисидир. Эҳтимол, мамлакатлари бизнинг мамлакатимиздан узоқ миллатларнинг! бизга етиб келмаган ёки [кейинчалик] ишлатилмай қолган тарихлари бордир. Масалан, эронликлар мажусийлик замонларида подшоҳларнинг тахтга чиқишидан бирин-кетин [янги] тарих бошлардилар. Подшоҳларининг бири ўлса, унинг тарихини қўйиб, ундан кейин подшоҳ бўлганининг тарихига кўчардилар. Уларнинг подшоҳлик муддатлари кейинроқ жадвалларда кўрсатилади. 34

Араблардан Исмоил авлодлари ҳам шундай [қилдилар]. Улар ҳам Иброҳим билан Исмоилнинг Каъбани бино этган вақтидан тарих олар эдилар: тарқалиб Тиҳомадан чиқиб кетгунларича [шу тарихни тутдилар]. Кейин Тиҳомадан чиққан кишилар [ўз] чиққан вақтларини тарих боши қилдилар. Қолганлар эса, Тиҳомадан чиққанларнинг охиргилари [чиққан вақтдан тарих бошладилар]. Охири бу тарих жуда узоқлашиб кетиб, Амр ибн Яҳё деб танилган Амр ибн Рабианинг раислик йилидан тарих бошладилар. Бу Амр Иброҳим динини алмаштирган, Хубал номли

санамни Балқо шахридан олиб келган, Исоф ва Ноила исмли санамларни ишлаган, дейдилар. Айтишларича, бу [ҳодиса] Шопур зул Актоф¹⁵⁵ замонида юз берган. Икки гуруҳ (аввалги ва кейинги тарих олувчилар) нинг тарихлар ҳақидаги фикрини бир-бирига таққослаш бунинг [фойдасига] гувоҳлик бермайди.

Сўнгра араблар Қаъб ибн Луайянинг¹⁵⁶ ўлган йилидан то «ғадр» йилигача тарих бошладилар. «Ғадр» шуки, шу йили ҳимяр¹⁵⁷ подшоҳларидан бири Қаъбага атаб юборган пардаларни [араблардан] Бану Ярбу қабиласи талаб олган ва одамлар ярмаркада бир-бирининг устига ўзини ташлаган. Кейин то «фил йили»гача¹⁵⁸ ўша «ғадр» йилидан тарих бошлаганлар. «Фил йили» шуки, худо бу йилда Қаъбани вайрон қилиш мақсадида келган ҳабашларнинг макрларини ўзларига қайтариб, уларни энг охиргиларигача ҳалок этди. То ҳижратгача шу тарихни ишлатдилар.

Баъзи араблар юз берган машҳур воқеалардан ва эсда тутиладиган кунлардан¹⁵⁹ тарих олганлар. Масалан, қурайшийларда шундай кунлар бўлган:

Шаҳри ҳаромда¹⁶⁰ юз берган «Явм ал-Фижор куни».

«Ал-Фузулдаги аҳднома [куни]», бу мазлумга ёрдам беришга қасам-ёд қилишган кунларидир, чунки қурайший қабиласи ҳаромда [Маккада] бир-бирларига зулм қилардилар.

«Ҳишом ибн ал-Муғира ал-Махзумийнинг ўлган йили», унга ҳурмат учун олинган.

Пайғамбар алайҳиссалом ҳукмига мувофиқ «Қаъбани бино этиш йили».

Шунингдек, авс ва ҳазраж қабилалари орасида ҳам бундай воқеалар юз берган, масалан: ал-Фазо куни¹⁶¹

ар-Рабе куни
ар-Руҳоба куни
ас-Сурота куни
Дохис ва ал-Ғабро куни
Буос куни
Хотиб куни
Мазрис ва Муаббис куни.

Воилнинг икки ўғли — Бакр ва Тағлиб авлодлари орасидаги воқеалардан:

Унайза куни
ал-Хинва куни
Тахлоқ ал-Лимам куни
ал-Қусайбот куни
ал-Фасийл куни

каби араб гуруҳлари ва қабилалари ораларидаги шундай воқеалардан тарих олар эдилар. У воқеалар ўзларининг жойларига ва сабабларига нисбатланиб [мазкур] номларни олганлар.

Агар ўша воқеалар юз берган вақтлар тарихлар тартибида сақланиб келганда эди, бошқа ҳодисалардан қилмоқчи бўлган тарих ишларини ўша воқеалар ҳақида ҳам албатта қилар эдик. Лекин айтилишича, Қаъб ибн Луайя ўлган йилдан «ғадр» йилигача беш юз йигирма йил, «ғадр» йилидан «фил йилигача» бир юз ўн йил ўтган. Расулulloҳ — худо унга ва унинг авлодига раҳматини ёғдирсин — ҳабашлар келганидан эллик

кун кейин туғилди. «Фил йили»дан «фижор йили»гача йигирма йил ўтган. Пайғамбар || алайҳиссалом [фижор жангида] ҳозир бўлган. У: «ал-Фижор кунда ҳозир бўлдим ва амакиларимга қарата¹⁶² ўқ уздим»,— деган. 35

«Ал-Фижор йили» билан Каъбанинг [қайта] қурилиши орасида ўн беш йил ўтди. Каъбанинг қурилишидан то [Муҳаммад] пайғамбар бўлгунча беш йил ўтди.

Шунга ўхшаш эронликлар ўз хисровлари, румликлар ўз қайсарлари замонидан тарих олганларидек, Ҳимяра ва Бани қаҳтон [қабилалари] ўз таббалари¹⁶³ давридан тарих олар эдилар. Лекин Ҳимяра подшоҳлиги тартибли эмас, тарихлари ноаниқдир. Шундоқ бўлса ҳам, биз уларнинг [тарихларини] ал-Ҳирага¹⁶⁴ келиб, шу ерда турган ва у ерни ватан қилиб олган лахмийлар подшоҳларининг муддатлари билан бир-галикда жадвалларда кўрсатдик.

Хоразмликлар ҳам шундай йўл тутдилар. Улар Хоразмга одамлар жойлаша бошлаганидан тарих олар эдилар, бу Искандардан тўққиз юз саксон¹⁶⁵ йил илгари бўлган эди. Ундан кейин Сиёвуш ибн Кайковуснинг¹⁶⁶ Хоразмга келишидан, Кайхусрав¹⁶⁷ ва унинг наслининг Хоразмда подшоҳлик қилишларидан тарих олдилар. Шу вақтда Кайхусрав Хоразмга кўчиб, турк подшоҳлари [устидан] ҳукмронлигини юргизган эди. Бу воқеа Хоразмга одам жойлашишидан тўқсон икки йил кейин бўлди.

Сўнгра улар тарих олишда эронликларга эргашиб, Кайхусравнинг [Хоразм] шоҳлари деб аталувчи наслидан бўлган ҳар бир [подшоҳ даврининг бошланишидан] тарих олдилар. Ниҳоят Кайхусрав наслидан Офриг¹⁶⁸ подшоҳлиги бошланди. Эронликлар «гуноҳкор» Яздижардни ёмон хабар келтирувчига йўйганларидек, [хоразмликлар] Офригни шум хабар келтирувчига чиқардилар. Офригдан кейин унинг ўғли подшоҳ бўлди. [Офриг] Искандар тарихининг олти юз ўн олтинчи йилида ал-Фир¹⁶⁹ устига ўз қасрини қурдирди. Кейин хоразмликлар Офриг ва унинг авлоди подшоҳлигидан тарих олдилар.

Ал-Фир Хоразм шаҳрининг чеккасидаги лой ва хом ғишдан қурилган қалъа бўлиб, бири-бирининг ичига жойлашган ва баландликда бир-бирдан қолишмайдиган уч қават қўрғон эди. Бу барча қўрғонлар тепасида Ямандаги Ғумдон сингари подшоҳларнинг қасрлари бор эди.

Ғумдон — таббаларнинг турар жойлари бўлиб, Санъа¹⁷⁰ шаҳридаги Масжиди жоме рўпарасидаги тошдан қурилган қалъадир. Айтилишича, у тўфондан кейин Сом ибн Нуҳ қурган бинолардандир. Сом қазиган қудуқ ҳам ўша ердадир. Баъзилар эса, бу — Заҳҳок¹⁷¹ томонидан Зухра исмига атаб қурилган ҳайкал, деганлар. Ал-Фир ўн милча ва ундан кўпроқ масофадан кўринар эди. Жайхун¹⁷² ҳар йили уни бузиб, йиқитиб ва парчалаб олиб кета берди; ниҳоят Искандар тарихининг минг уч юз бешинчи йилида¹⁷³ ундан асар қолмади.

Пайғамбар алайҳиссалом келган вақтда, Хоразм шоҳларидан Арсамух ибн Бузгор ибн Хомгарий ибн Шовуш Сихр ибн Азкожвор ибн Аскажмук ибн Саххасақ ибн Бағра ибн Офриг подшоҳ эди. Хоразм аҳолиси [ислом динидан] қайтгандан кейин, Қутайба ибн Муслим¹⁷⁴ Хоразмни иккинчи марта фатҳ қилгач, хоразмликларга Аскажмук ибн Азкожвор ибн Сабрий ибн Сихр ибн Арсамухни подшоҳ қилди ва уни подшоҳликка кўтарди. || Хисравлар насли қўлидан вилоят кетиб, уларда 36 фақат шоҳлик номи қолди, чунки шоҳлик уларга меросдек эди. Тарих, мусулмонлар расмига мувофиқ, ҳижрий [йилга] кўчирилди.

Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у [хабар ва ривоятлар] ислом давридан кейин, ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди. Мамлакат идораси гоҳо бу хонадонда бўлиб, гоҳо бошқа қабилалар қўлларига ўтиб юрди. Ниҳоят, Шаҳид Абу Абдулло Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ироқ ибн Мансур ибн Абдулло ибн Туркасбоса ибн Шовушфир ибн Аскажмук ибн Азкожвор ибн Сабрий ибн Сихр ибн Арсамухдан — бунинг замонида пайғамбар алайҳиссаломга пайғамбарлик келганини айтиб ўтдим — кейин вилоятлик ҳам, шоҳлик ҳам улар [қўли] дан чиқиб кетди.

Мен воқиф бўлган машҳур тарихлар ана шулар, ҳеч бир киши уларнинг ҳаммасини қамраб олиши мумкин эмас. Худо тўғрилиқка муваффақ этувчидир.

ЗУЛҚАРНАЙН¹⁷⁵ ЛАҚАБИНИ ОЛГАН ПОДШОҲНИНГ [ҚИМЛИГИНИ] АНИҚЛАШДА ТУРЛИ МИЛЛАТЛАРНИНГ ИХТИЛОФЛАРИ УСТИДА СЎЗ

Бу исм, яъни Зулқарнайн деб аталган исм билан боғлиқ [подшоҳ] воқеасини алоҳида ҳикоя қилмай чора йўқ, чунки [тарих] ҳақида гапир-раётганимда, бу ҳикоя орага кирса, тарихлар баён этилаётган тартибни кесиб қўяр эди.

Гап шуки, Зулқарнайн хабарларига оид оятларни тиловат қилган кишига унинг Қуръонда ҳикоя қилинган қиссалари маълум ва равшандир. У оятлар мазмунича, Зулқарнайн солиҳ ва қувватли киши бўлган. Худо унга улуг подшоҳлик ва қудрат бериб, уни кун чиқиш ва кун ботиш томонларидаги шаҳарларни фатҳ этиш, мамлакатларга эга бўлиш, халқларни бўйсундириш ва ер юзи подшоҳлигини бир қўлга йиғиш мақсадларига етказган. [Худо унга] шимолда зулмат [подшоҳлигига] қадам қўйиш, халқ [лар] яшайдиган жойларнинг энг узоқ ерларигача бориб кўриш, одамлар ва «наснослар»¹⁷⁶ билан жанг қилиш, ернинг кун чиқиш ва шимол томонларида Ёжуж ва Мажужнинг¹⁷⁷ ўз жойларига яқин мамлакатларга чиқишларига тўсқинлик қилиб, ҳужумларини қайтариш ва зарарларини даф қилиш, [ҳозир] ҳунармандлар ишларида кўрилганидек, темир парчаларни эритилган мис билан бириктириб, уларнинг чиқадиган горларига тўсиқ яшаш [имконини берди].

Юнонлик Искандар ибн Филлиф || бир қанча мулкларга бўлинган Э Рум подшоҳлигини қўлга олгач, ал-Мағриб томондаги подшоҳларга қарши юриш қилиб, уларни забт этди, яна олдинга босиб, Кўк денгизгача¹⁷⁸ етиб борди. Кейин Мисрга қайтди, Искандария [шаҳрини] бино этди ва уни ўз номи билан атади. Сўнгра Шом ва ундаги бани исроиллардан бўлган кишилар томон йўл олди. Байтулмақаддасга келиб, унинг қурбонгоҳида жонлик сўйиб, қурбонликлар қилди. Кейин Арманистон ва Боб ал-Абвобга¹⁷⁹ бориб у ерлардан ҳам ўтиб кетди; қибтийлар, барбарлар ва яҳудийлар унга бўйсундилар. Сўнгра у Бухтанассар ва Бобил аҳолисининг Шом мамлакатида тўкилган қонларининг ўчинини олиш учун Доро ибн Доро¹⁸⁰ томонига отланди. У билан жанг қилиб, бир неча марта уни мағлубиятга учратди ва шу жангларнинг бирида ўз посбонларининг бошлиғи Навжусанас ибн Озарбахт Дорони ўлдирди ва Искандар Эрон мамлакатини эгаллади. Кейин Ҳиндистон ва Хитойга юриш қилди, узоқ ерлардаги миллатлар билан жанг қилди, қаердан ўтса, ғалаба қозонди. Сўнгра Хуросонга қайтиб, у ерни ҳам эгаллади.

ва шаҳарлар бино қилди. Бундан Ироққа қайтди. Шаҳризурда¹⁸¹ касал бўлиб, шу ерда вафот этди. У барча мақсадлари [ни амалга оширишда] илм ва ҳикматга асосланиб, ўз муаллими Арасту маслаҳати билан иш қилар эди. Шу айтилганлар сабабли у Зулқарнайндир, дейдилар.

Баъзилар Искандар қуёшнинг икки «шоҳига», яъни кун чиқиш ва кун ботиш томонларига боргани сабабли бу лақабни олди деб изоҳлаган. Чунончи, Ардашер Баҳманнинг¹⁸² фармони нуфузли, истаган жойига етиб борадиган бўлганидан «қўли узун» лақабини олган эди.

Бошқалар Искандар икки наслдан¹⁸³, [яъни] Рум ва эронликдан туғилгани учун бу лақабни олди деб тавсиф этиб, бу ҳақда эронликларнинг «бир душманнинг ўз душманига қилган иши» деган мана шу уйдирма ҳикояларига асосландилар: Катта Доро Искандарнинг онасига уйланган, бу Филифнинг қизи эди. Доро у қизда ёмон бир ҳид сезиб, уни отасига қайтарган. Қиз Дородан ҳомиладор бўлган экан. Искандарни Филиф тарбия қилган, [шунинг учун] у Искандар ибн Филиф деб насабланган. Эронликлар ўз ҳикояларига Доро жон талашаётган вақтда Искандар унинг бошини тиззасига олиб айтган [қуйидаги] гапини далил келтирганлар: «Эй биродар, ким сенга бундай иш қилди, уни менга айт! Ундан сенинг ўчингни олай». У Дорога меҳрибонлик кўрсатиш ва уни ўзи билан тенг тутиш учун унга шундай хитоб қилган. Чунки унга подшоҳ деб хитоб этиш ёки отини айтиб чақириб подшоҳларга лойиқ бўлмайдиган жафо қилиш мумкин эмас эди.

Лекин душманлар ҳамиша насабларга таъна қилиш, номусларни ерга уриш, турли уйдирма гаплар тарқатишга уринадилар. Шунингдек, дўстлар ва хайрихоҳлик қилувчилар ёмонни яхши қилиб кўрсатишга, халал етадиган [йўлни] тўсишга, гўзалликни изҳор этишга ва яхшиликларга нисбат беришга тиришадилар. Масалан, мана шу байтни айтган киши у икки гуруҳ сифатини кўрсатган:

Розилик кўзи ҳеч бир айбни кўрмайди.

Лекин норозилик кўзи [барча] айбларни

ошкор қилади.

Бу хил тавсифларга қаттиқ киришиш кўпинча кишиларни [бировларни] мақташ учун уйдирма гаплар тўқишга ва [мақтаётган кишиларини] улуғ насабларга || мансуб этишга олиб боради. Чунончи, «шоҳнома» да Абдураззоқ ат-Тусийни¹⁸⁴ тавсиф этиб, унга Минучеҳрга бориб тақаладиган насаб тузилган, Бувайҳи хонадонига ҳам шундай қилинган, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳилол ас-Собий¹⁸⁵ ўзининг «Тож» деб атаган китобида: Бувайҳ — Фано Хусрав ибн Самон ибн Кўҳий ибн Шерзил асғар ибн Шерказа ибн Шерзили акбар¹⁸⁶ ибн Шероншоҳ ибн Шерфана ибн Сасноншоҳ ибн Сасанхурра ибн Шузил ибн Сасноар ибн Баҳром Гўр подшоҳ ўғли деб насаб берган.

Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Али ибн Ноно бувайҳийлар хабарларини қисқартириб баён этган китобида: Бувайҳ — Фоно Хусров ибн Самон ўғлидир, деган. Баъзилар: Самон Кўҳий ибн Шерзил асғар ўғлидир, деган. Бошқалар Кўҳийни инкор этиб: Шерзил акбар — Шероншоҳ ибн Шерафна ибн Сасноншоҳ ибн Сасанхурра ибн Шузил ибн Сасноар ибн Баҳром ўғли деганлар.

Сўнгра Баҳром хусусида ҳам ихтилоф қилганлар. Бувайҳийларни эронликларга нисбат берувчилар: «Бу — Баҳромгўр» деб, юқорида кўрсатилган насабни баён этган. Бувайҳийларни арабларга нисбат бе-

рувчилар: Бу Баҳром—аз-Заҳҳок ибн ал-Абяз ибн Муовия ибн ад-Дайлам ибн Босил ибн Забба ибн Удд ўғли деганлар. Унинг ота-боболари орасида Лоҳу ибн ад-Дайлам ибн Босил эслатилган. Айтишларича, шу исм сабабли Лоҳу авлоди «лаёҳиж» деб аталган.

Лекин шу китобнинг аввалида мен айтган шартни кўзда тутиб, ҳаддан ташқари ерга ҳам уришмаган ва юқорига ҳам кўтаришмаган. Эҳтиёт учун мўътадил йўл тутган киши, шу Бувайҳ қабиласидан машҳур бўлган кишиларнинг аввалгиси Бувайҳ ибн Фано Хусрав эканини билди. Бу миллат кишилари ўз насабларини сақлаш билан машҳур бўлган эмаслар, бундай ишни давом эттирганлари [ҳеч ерда] эслатилмаган, уларга давлат ўтишидан илгари ҳам ўз насабларини сақлаганликлари билинмаган. Узоқ замонлар ўтиб, кунлар кўпаявергач, насабларнинг кетма-кет сақлаб борилиши кам учрайди. Балки бундай вақтда бирон наслга нисбат берилишининг тўғри ёки нотўғри экани кўпчиликнинг бир фикрга келишуви ва гуруҳларнинг бир оғиздан уни тасдиқлаши орқали билинади. Чунончи одам болаларининг сайили Муҳаммаднинг — унга ва унинг хонадонига салом бўлсин — [насаби] шундай: у — Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абду Манноп ибн Қусай ибн Қилоб ибн Мурра ибн Қаъб ибн Луайя ибн Фолиб ибн Фихр ибн Молик ибн ан-Назр ибн Кинон ибн Ҳузайма ибн Мудрик ибн Илёс ибн Музар ибн Низор ибн Маадд ибн Аднон ўғлидир.

Муҳаммаднинг Исмоил ибн Иброҳим — икковига салом бўлсин — наслидан эканига шак-шубҳа қилмаганларидек, бу ота-боболарнинг туташиб кетишига на араблардан ва на бошқалардан ҳеч кимса шубҳа қилмайди. ||

3:

Аmmo Иброҳимдан юқориси Тавротда баён этилган. Аднон билан Исмоил орасидаги номларга келсак, бунда ота ва ўғилни бир-бирига алмаштириш, [номларни] баъзан орттириш ва баъзан камайитиришдан иборат осонлик билан ўзгартириб бўлмайдиган ихтилофлар бор.

Хожамиз улуғ амир ва саид, худо ёрдамига муяссар, инъомлар эгаси Шамсулмаолий — худо умрини узун қилсин — [насаби] ҳам шундай. Гарчи насабининг саидлик наслларига туташгани сақланган бўлмаса ҳам, худо ёрдам бергур дўстларидан ва худо хор қилгур душманларидан ҳеч бир киши унинг икки томондаги қадимий улуғ шарафини инкор этмайди. Икки томон аслининг бири улуғлиги авлодлари орасида¹⁸⁷ маълум бўлган Вардоншоҳдир. Унинг амир шоҳид Мардовиждан¹⁸⁸ бошқа [набираси ҳам] бўлган. Айтилишича, Вардоншоҳнинг ўғли¹⁸⁹ Асфор ибн Шеруянинг маслаҳатчиси бўлиб, Асфорнинг бало ва офатларидан одамларни тинчитишга Вардоншоҳни огоҳлантириб турар экан.

Иккинчи аслига келсак, у Табаристон сардорлари ва Фаржворгир шоҳлар деб лақабланган Жибол¹⁹⁰ подшоҳларидир. Шулар [наслидан] ва подшоҳ хонадонидан бўлган кишилар [насабларини] кисролар¹⁹¹ билан боғлайдиган ўзакка мансуб бўлиши инкор этилмайди. Чунки [Шамсулмаолийнинг] тоғаси сардор Рустам ибн Шарвин ибн Рустам ибн Қорин ибн Шаҳриёр ибн Шарвин ибн Сурҳоб ибн Бов ибн Шопур ибн Қайюс ибн Қубод бўлиб, Қубод Нўшервоннинг¹⁹² отасидир. Худо хожамизнинг икки томон асл ва насабини шарафли этганидек, оламнинг иккала уфқидаги кун чиқишдан кун ботишгача бўлган мамлакатлар подшоҳлигини унга берсин. Албатта бу иш худонинг қўлида ва барча яхшилик ундандир.

Шунингдек, Хуросон подшоҳларини¹⁹³ мисол келтириш мумкин. Улар давлатининг биринчи подшоҳи Исмоил эканига ҳеч ким эътироз билдирмаган. Бу Исмоил ибн Аҳмад ибн Асад ибн Сомонхудо ибн Жасимон ибн Тағмот ибн Нуширд ибн Баҳром Чубин ибн Баҳром Жушанаш бўлиб, у Озарбайжон марзубони¹⁹⁴ эди.

Хоразмнинг аввалги шоҳлари ҳам [бунга] мисол бўлади, улар [Эрон] подшоҳи хонадонидан ва Шервон¹⁹⁵ шоҳларидан эдилар. Чунки насаблари шажараси сақланмаган бўлса ҳам, уларнинг хусровлар наслидан экани [ҳақида] кўпчилик халқнинг фикри бир [хил].

Гарчи насаблар ва бошқа сабаблар ҳақидаги даъволарнинг тўғрилиги яширин бўлса ҳам, мушк ҳар қанча ўраб қўйилса, ҳид сочиб турганидек, ошкоро бўлаверади. Ундай [тўғри] даъвои тузатиш учун Убайдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Маймун ал-Қаддоҳ¹⁹⁶ каби пуллар сарф этиб, ҳадялар беришга эҳтиёж қолмайди. У Мағрибда хуруж этган кунларида ўзини шиалар нақибларига¹⁹⁷ нисбат берганида, || алавийлар уни ёлғончига чиқарган. Шунда Убайдуллоҳ уларни [пул ва поралар билан] рози қилиб тинчлантирган; гарчи бу сохта ҳолат шуҳрат топиб тарқалган ва Убайдуллоҳнинг авлоди кучли қудратга эга бўлган бўлса ҳам, ҳақиқатни изловчига Убайдуллоҳнинг қилган ишлари яширин қолмади. Бу хонадондан бизнинг замонимизда иш бошида турган киши Абу Али* ибн Низор ибн Маадд ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ «зўравон» дир.

Одамларнинг ёқтирган кишилари тарафини олиб, ёмон кўрган кишиларига таъна уришлари ва бу икки хил тушунчада баъзан ҳаддан ошиб кетишлари даъволарида шармандаликларга сабаб бўлганидан насаб ҳақида гапириб ўтдим.

Искандарнинг Филиф ўғли экани яширин эмас, жуда равшандир. Филифнинг келиб чиқиши эса насаб билимдонларининг айтишларича, мана бундай: Филиф ибн Мазрабу ибн Ҳирмис ибн Ҳарзас ибн Майтун ибн Румий ибн Лайтий ибн Юнон ибн Ёфис ибн Сухун ибн Румия ибн Бизант ибн Туфил ибн Румий ибн ал-Асфар ибн Алифаз ибн ал-Ийс ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссаломдир**.

[Баъзиларнинг] айтишича, Зулқарнайн Атракис исмли бир киши бўлган. У Бобил подшоҳларидан бири Сомирусга қарши чиқиб, у билан жанг қилган. Ниҳоят, ғалаба қозониб, уни ўлдирган ва калласининг терисини сочи ҳамда иккита қокили билан биргаликда шилдириб олган. Бу терини ошлатиб, ўзига тож қилган, шу сабабдан Зулқарнайн деб лақабланган.

Зулқарнайн — Мунзир ибн Моуссамо [дир]. [Мунзир ибн Моуссамо] эса Мунзир ибн Имруулкайсдир*** деган фикрлар ҳам бор.

Бу исм эгаси ҳақида ажойиб эътиқодлар яратилиб, унинг онаси жинлардан эди дейилади. Билқис**** ҳақида ҳам шундай эътиқод қилишиб, унинг онаси жинлардан эди дейишган. Найрангбоз Абдуллоҳ

* Абу Али — ал-Ҳаким номи билан машҳур бўлган халиф. 996 йилдан 1021 йилгача ҳукм сурган.

** Беруний келтирган бу насаб шажараси афсонавийдир.

*** Эронга қарам бўлган лахмийлар сулоласи подшоҳларидан бири Мунзир ибн Маассома кўзда тутиляпти. Лахмийлар Месопотамиядаги Ҳир шаҳрида VI асрда ҳукм сурганлар.

**** Билқис — Инжилда зикр қилинган ва Сулаймон пайғамбарнинг замондоши бўлган Савр маликасининг арабийнавис ёзувчиларда ўқрайдиган номи.

ибн Ҳилол ҳақида эса у, Иблис қизини хотинликка олган, дейдилар. Шундай масхара ва кулгилик машҳур ҳикоялар [кўп келтирилади].

Умар ибн ал-Хаттобдан шундай ҳикоя қилинади: у бир гуруҳ кишиларнинг Зулқарнайн ҳақида жуда гапга тушиб кетганларини эшитиб: «Инсонлар ҳақида гапиришувингиз кифоя қилмай, фаришталар ҳақида гапиришишга ўтдингизми?» — деган.

Баъзилар Зулқарнайн — Саъб ибн Ҳаммол Ҳимярийдир дейдилар, Буни ибн Дурайд* «Китоб ал-вижоҳ» да баён этган. Яна бирлари Зулқарнайн — Абу Кариб Шаммар Юрџиш ибн Ифриқис Ҳимярийдир, у икки елкасига тушиб турган иккита кокили сабабли шу исм билан аталган. У ернинг кун чиқиш ва кун ботиш томонларига етиб борган, шимол ва жануб томонларини кезган, мамлакатлар фатҳ этиб, халқларни ўзига бўйсундирган. Яман подшоҳларининг бири бўлган Асад ибн Амр ибн Рабия ибн Молик ибн Субайх ибн Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Есир ибн Танъум ал-Ҳимярий ўз шеърда Зулқарнайн билан фахрланиб, шундай дейди:||

41

Зулқарнайн мenden илгари мусулмон, ер юзини эгаллаган, ҳеч кимга бўйсунмаган подшоҳ бўлган.

У, карамли ва ҳурматли [худодан] подшоҳлик воситаларини сўраб, Машриқ ва Мағриб томонларига етиб борган.

Қуёшнинг ботадиган жойини — қора балчиқли булоққа ва қора ботқоққа ботаётган вақтида — кўрган.

Зулқарнайндан олдин аммам Билқис бор эди, ниҳоят унинг подшоҳлиги попишак туфайли тугади**.

Шу сўзлар орасида охиригиси тўғрига ўхшайди. Чунки «зу»*** [лақабли кишилар фақат] Ямандан бўлиб, бошқа жойларда учрамаган. Уларнинг исмлари «зу» лафзидан холи эмас эди. Масалан, Зулманор, Зулазъор, Зушшанотир, Зунувос, Зужадан, Зуязан ва бошқалар. Шу билан бирга [Зулқарнайн] хабарлари Қуръондаги у ҳақда айтилган ҳикояга ўхшайди. Аммо икки тўғон ўртасига қурилган тўсиққа келсак, у ернинг қайси жойида эканини қуръондаги қиссанинг зоҳир иборати аниқ кўрсатмайди.

Мамлакатлар ва шаҳарлар ҳақида гапирадиган китоблар, чунончи «Жуғрофия» ва «Йўллар ва давлатлар ҳақида китоб»**** лари у миллат, яъни Яъжуж ва Маъжужни, бешинчи ва олтинчи иқлимда***** яшовчи Шарқ туркларидан бир синф деб кўрсатган. Шу билан бирга, Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий ўзининг «Тарих» китобида ҳикоя қилишича, Озарбайжон ҳукмдори у ерни фатҳ этган кунларида ҳазар томонидан бир одамни ўша тўсиқ олдига юборган. У одам бориб тўсиқ-

* Ибн Дурайд — араб филолог (933 йилда ўлган).

** Қуръонда намл сурасининг аввалида попишак қиссаси бор. Попишак Сулаймон пайғамбарга қандайдир бутпараст малика борлигидан хабар беради ва Сулаймон уни ўз ҳузурига чақиради. Тафсиричилар шу маликани Билқис деб атайдилар.

*** Зу (ذُو) — эга, бирор нарса эгаси, эгалик қилувчи маъноларини англатади.

**** «Йўллар ва давлатлар ҳақида китоб» («Китоб ал-масолик ва-л-мамолик») номи билан бир неча араб тилидаги географик китоблар юритилган.

***** Қадимги географлар каби араб жуғрофия олимлари ҳам ерни жанубдан шимолга томон «иқлимлар»га бўлганлар («иқлим» юнонча «клима» сўзидан бўлиб, «оғиш» демакдир).

ни кўрган ва уни пишиқ ва маҳкам хандақнинг нариги томонига жойлашган улкан, баланд, қора бино экан, деб тавсиф қилган.

Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдодбиҳ* халифа саройидаги бир таржимондан ҳикоя этишича, ал-Муътасим¹⁹⁸ тушида ўша тўсиқнинг фатҳ этилганини кўрган ва бориб кўришлари учун эллик кишини у ерга юборган. У кишилар Боб ал-Аввоб, Лон ва Ҳазар йўли билан юриб, тўсиққа етиб борганлар, тўсиқнинг темир парчалардан ишланиб, эритилган мис билан маҳкам қилингани, унинг қулфланган дарвозаси борлиги ва у ерга яқин шаҳарлар аҳолиси уни қўриқлаб туришларини кўрганлар. Қайтишларида йўл бошловчи уларни Самарқанд рўпарасидаги жойларга олиб чиққан.

Бу икки хабар тўсиқнинг одамлар яшайдиган ернинг шимоли ғарбий чорагида бўлганини тақозо этади. Айниқса бу кейинги қиссада инониб бўлмайдиган мана шуддай гаплар бор: у мамлакатлар аҳолиси ернинг одамлар яшайдиган қисмидан узилиб қолган, бу қисм билан улар орасида анча кун юриладиган қора, бадбўй тупроқли ер бўлса ҳам, улар ислом динидалар ва араб тилида гапиришадилар. Улар халифа ва халифалик мартабасини, халифа ким ва у қандай киши эканини билмайдилар. Ислом мамлакатларидан узилиб, ислом динида бўлган булғор ва савордэн¹⁹⁹ бошқа бирор миллат борлигини биз билмаймиз. Улар ернинг одамлар яшайдиган қисми узилишининг яқинида ва еттинчи иқлимнинг охирида турадилар. Яна улар шу тўсиқ ҳақида ҳеч нарса гапирмайдилар. Халифалик [мартабаси]ни ва халифаларни биладилар || ва улар номига хутба ўқийдилар, арабча сўзлашмайдилар, балки туркча ва хазарча аралаш бир тилда гапиришадилар. Бу қисса гувоҳлари шундай бўлгач, улар орқали ҳақиқатни билишни умид қилиб бўлмайди.

Мен хабар бермоқчи бўлган Зулқарнайн қиссаси ана шу. Яна худо донороқдир.

* Хурдодбиҳ — IX асрда яшаган арабийнавис географ.

АЙТИБ УТИЛГАН ЙИЛ ҲИСОБЛАРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ОЙЛАРНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ УСТИДА СУЗ

Ҳар бир миллатнинг ишлатадиган ўзига хос тарихи борлигини юқорида айтиб ўтдим. Миллатларнинг тарихларни ишлатишда бир-бирларидан фарқ қилганлари каби, ойларнинг авваллари, ҳар бир ойнинг неча кун бўлиши ва бунинг сабаблари масаласида ҳам ажраладилар. Мен булардан билимим етганларини баён этаман, аниқлаб билмаган ва у ҳақда ишончли кишилардан менга бирон маълумот етиб келмаган нарсаларни баён этишга уринмайман.

Эронликлар ишлатадиган ойларни баён этишдан бошлаб мана шундай дейман:

Ҳар бир йил ойларининг сони ўн иккита, пок тангри ҳам ўз китобида: «Худо осмон ва ерни яратган кундан бери ойлар сони ўн иккита. Худонинг китобида шу»²⁰⁰,— деган. Бу ҳақда бир миллат иккинчисига кабисали йиллардан бошқада ихтилоф қилмаган.

Эронликлар ишлатадиган ойлар ҳам ўн иккита, уларнинг номлари мана бу:

Фарвардин моҳ	Меҳр моҳ
Урдибиҳишт моҳ	Обон моҳ
Хурдод моҳ	Озар моҳ
Тир моҳ	Дай моҳ
Мурдод моҳ	Баҳман моҳ
Шаҳривар моҳ	Исфандормаз моҳ.

Геометрия олими Абу Саъд Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдулжалил ас-Сижзий қадимги сижистонликлардан²⁰¹ ҳикоя қилишича, улар бу ойларни бошқа номлар билан атаб, фарвардин моҳдан бошлар эканлар. У ойлар мана булар²⁰².

1— Квоз	5— Сризво	9— Оркбозво
2— Рху	6— Мризво	10— Каж пушт
3— Усол	7— Твэр	11— Кажшин
4— Тиркёнво	8— Хронво	12— Сорво

Эрон ойларининг ҳар бири ўттиз кун бўлиб, ҳар бир куннинг эрон тилида алоҳида номи бор. Бу номлар мана булар: 4

Хурмуз	Хур	Ром
Баҳман	Моҳ	Бод
Урди биҳишт	Тир	Дайба Дин
Шаҳривар	Жўш	Дин
Исфандормаз	Дайба Миҳр	Ард
Хурдод	Миҳр	Аштоз
Мурдод	Саруш	Асмон
Дайба Озар	Рашн	Зомёз
Озар	Фарвардин	Морасфанд
Обон	Баҳром	Анирон

Бу кунларнинг номлари хусусида эронликлар ўртасида ихтилоф йўқ, ҳар бир ой кунларининг номлари ҳам шундай [ихтилофсиз] ва бир тартибда [жойлашгандир]. Фақат хурмуз ва аниронда ихтилоф бўлиб, баъзилари хурмузни фаррух деб атаса, баъзилари аниронни биҳруз деб атайдилар.

[Эронликларда] йил кунларининг ҳаммаси уч юз олтмиш беш [кун] бўлади. Ҳақиқатда йилнинг уч юз олтмиш беш бутун ва чорак кун эканини юқорида айтган эдик. Эронликлар у кунларга ортиқча беш кун қўшиб, уларни «панжи» ва «андаргоҳ» деб атаганлар, кейин бу ном арабча қилиниб, «андаржоҳ» дейилган. У кунлар «ўғирланган», «ўғирлик» деб ҳам аталган, чунки улар бирор ой кунларидан саналмаганлар. Эронийлар уларни обон моҳ билан озар моҳ ўртасига қўйиб, ҳар бир ой кунларига берилган номлардан бошқа номлар билан атаганлар. У номларни бир хил шаклда икки китобда учратмадим ва икки кишидан эшитмадим. Улар мана шулардир:

1—Аҳндгоҳ	4—Асфандмузгоҳ
2—Аштдҳ	5—Бҳшгоҳ
3—Асфндгоҳ	

Бошқа китобда мана бундай ҳолатда учратдим:

1—Аҳнвз	4—Ахштр
2—Аштвз	5—Вҳствшт.
3—Асфндмвз	

«Тонг китоби» нинг муаллифи Ноиб ал-Омулий²⁰³ уларни мана бундай номлар билан баён этган:

44	1—Хвнвз	4—Вҳввхштр
	2—Аствз	5—Вҳшт биҳишт
	3—Асфандмвз	

Золавайҳ ибн Шоҳавайҳ «Эронликлар байрамларининг сабаблари ҳақида» деган китобида уларни бундай баён этган:

1—Панжа анвфта	4—Панжа аврврдён
2—Панжа андрнда	5—Панжа андаргоҳон
3—Панжа аҳжста	

Абу-л-Фараж Иброҳим ибн Аҳмад ибн Халаф аз-Занжоний: «Шероз мубади [у кунлар номини] менга мана бундай ёзиб берди», — деганини эшитдим:

1—Аҳнвзгоҳ
2—Аштвзгоҳ
3—Асбтмзгоҳ

4—Вҳвхштргоҳ
5—Вҳашхтвиштгоҳ

Ҳандаса олими Абу-л-Ҳасан Озархурой Яздонхасисдан бундай эшитдим:

1—Ҳнвз
2—Аштвз
3—Асбтмн

4—Вҳхштр
5—Вҳствшт

Шундай қилиб, Эрон йили кунларининг мажмуи уч юз олтмиш беш кундир. Чорақлардан роса бир ой кунлари йиғилмагунча, эронликлар чорақ кунларни ҳисобга олмаганлар. Бу бир юз йигирма йилда бир марта бўлган. Шунда ортиқча ойни йил ойлари қаторига қўшганлар, ниҳоят у йил ўн уч ой бўлган. Уша йилни кабисали йил деб, ортиқча ой кунларини бошқа ойлар [кунлари] номлари билан атаганлар.

Эронликлар подшоҳликлари кетиб, динлари барбод бўлгунича шундай иш юргизардилар. Йиллар аввалги ҳолига қайтиши ва белги-ланган вақтлардан кўп таъхир этмаслиги учун улардан кейин чорақ кунлар ҳисобга олинмади ва йиллар кабисали қилинмади. Чунки ҳисобдонлар, китоб ёзувчилар, хабарларни кўчирувчилар ва ривоятчилар ҳузурларида, шунингдек, ибодатхона хизматчилари ва қозилар йиғинида ҳисобнинг тўғрилигига ҳаммалари келишиб олгач, уларнинг подшоҳлари бу иш билан машғул бўлар эдилар. Бундан олдин мамлакат атрофида бўлган, юқорида зикр қилинган кишилар подшоҳ қасрига ҳозир бўлар ва [подшо] улар билан маслаҳат қилиб, бир қарорга келишар эди. Бунга кўп пул сарф бўларди, бировнинг айтишича, ҳатто миллионлаб динор сарф этиларди. У кун байрамларининг қадр жиҳатдан энг зўри, ҳол ва мавқе жиҳатдан энг машҳури ҳисобланарди. У байрам «кабиса йили» деб аталиб, ўша йили подшоҳ фуқаросидан хирож олмас экан.

Эронликларнинг ҳар бир тўрт йилдаги чорақ кунларни бир бутун кун ҳисоблаб, ойларнинг бирига ёки «андаргоҳга» қўшишларига уларнинг: «Қўшиш кунларга эмас, ойларга воқе бўлади», — деган сўзлари тўсқинлик қилган, чунки улар кунлар сонини орттиришни истамасдилар ва орттирилган кунда «замзама»²⁰⁴ мумкин эмас эди. Бунга сабаб шуки, дин буйруғича, «замзама» ўқиладиган куни ўша кун фаришта-сининг номини тилга олиш лозим бўлиб, кунлар сонига ортиқча бир кун қушилса, «замзама» тўғри бўлмас эди²⁰⁵.

Кисролар ҳар бир кун учун || райҳон ва гулларнинг бир турини 45 ва мунтазам равишда [ичилиб келинаётган] шаробнинг бир хилини ўз олдларига қўйилишини расм қилган эдилар.

Эронликларнинг бу қўшимча беш кунни обон моҳнинг охирига, [яъни] бу ой билан озар моҳ оралигига қўйишларига сабаб шуки, улар йилларининг бошланишини биринчи инсон яратилган кунда деб даъво қилиб, у кун фарвардин моҳнинг ҳурмуз куни эди, қуёш баҳорги кеча-кундуз бараварлик нуқтасида бўлиб, осмон ўртасида эди. У вақт оламнинг минглаб саналадиган йилларидан еттинчи минг бошланиши эди, дейдилар.

Юлдузларга қараб ҳукм чиқарувчи астрологлар ҳам шундай даъво қилиб, Саратон олам толеи [буржи] дир²⁰⁶, яъни синди-ҳинд даврларининг биринчисида Қуёш Ҳамал аввалида ер обод қисмининг икки

чегараси ўртасида бўлган, дейдилар. [Қуёш шундай] ҳолатда бўлгач, Саратон [буржи] толе бўлади. Бу эса, улар фикрича, юқорида айтганимиздек, давр ва пайдо бўлишнинг бошланишидир.

Баъзиларнинг айтишича, [Саратонни] толе деб аталишига сабаб, у буржларнинг ерининг одамлар яшайдиган чорагига энг боши яқинидир ва унда мўътадил мизож эгаси бўлган Муштарийнинг «юқори даражаси»²⁰⁷ бор. Пайдо бўлиш мўътадил ҳарорат намликка таъсир этгандагина юз беради. Шундай бўлгач, Саратон олам пайдо бўлишнинг толеи бўлишга лойиқроқдир.

Яна шундай дейдилар: «Бу [буржнинг] шундай аталишига сабаб, [Саратоннинг] тулу этиши билан тўрт унсур пайдо бўлиши ҳам тамом бўлади, уларнинг тамом бўлиши билан эса [оламнинг] пайдо бўлиши ҳам тугалади». Шуларга ўхшаш бошқа мисоллар ҳам мавжуд.

Эронликларнинг айтишларича, Зардушт йилларга чорак кунлардан йиғилган ойларни қўшгач, замон яна ўзининг илгариги ҳолига қайтган. Зардушт эронликларга ўзидан кейин ҳам шундай қилишга буюрган, улар Зардушт буйруғига бўйсунганлар. Йилга қўшилган ойга алоҳида ном бермаганлар ва бирор ой номини қайта ишлатмаганлар, балки уни навбати билан ойларнинг кейинига қўярдилар. Улар, қўйиш навбати келганда ишнинг шубҳали бўлиб қолишидан қўрқиб, ўша [ортиқча] беш кунни кабиса қўшиш навбати келган ойнинг охирига қўярдилар. Бу [кабиса] ишининг муҳимлигидан, бунда хусусий ва оддий кишиларга, фуқаро ва подшоҳларга умумий манфаат [борлигидан] ақлга асосланиш ва табиат ижобига амал этиш зарурлигидан, эронликлар кабиса вақти келганда мамлакат иши турли ҳодисалар сабабли тартибсиз бўлса, кабиса қўшишни орқага сурадилар. Уни то у қўшимча кундан икки ой тўлгунича кейинга қолдирар ёки келгуси кабиса вақтида уни унутдирадиган бир ҳодиса юз бериш эҳтимоли бўлганда, икки ойлик кабисани олдироқ қўшардилар. Чунончи, Яздижард ибн Шопур замонда эҳтиёт юзасидан шундай қилинди, бу амалга оширилган кабисаларнинг охиригиси эди. Бунга мансабдорлардан Яздижард ал-Ҳизорий деган киши мутасадди бўлган эди (Ҳизор—Эронда Истахр вилоятидаги бир қишлоқ бўлиб, бу одам унга нисбат берилади), шу кабисадаги навбат обон моҳники эди, «андаргоҳ» унинг охирига қўшилди. Шундан кейин эронликлар [кабиса ишига] эътибор бермаганликларидан [қўшимча] обон моҳ охирида бўлиб қолди.

Энди Мовароуннаҳр оташпараствлари, яъни Хоразм ва Суғд аҳолиси ишлатадиган ойларни баён этаман. Уларнинг ойлари сонда ва неча кун бўлишда эронликларнинг ойлари кабидир, фақат оташпараствлар ойларида баъзиларининг бошланиши билан эронликлар ойлариининг 46 бошланиши орасида тафовут бор. Чунки оташпараствлар || ортиқча беш кунни йилнинг охирига қўшиб, йил бошини Эрон фарвардин моҳининг олтинчи куни, яъни хурдод руздан ҳисоб қилганлар.

Суғдийлар ойлариининг номлари мана булар:

1—Навсарз	30 кун	7—Ф-ғоз	30 кун
2—Ж-р-ж-н	"	8—Л-ба-н-х	"
3—Нисан	"	9—Ф-в-ғ	"
4—Б-сок	"	10—М-со-ф-в-г	"
5—А-ш-н-а-х-н-з-а	"	11—Ж-и-м-да	"
6—М-ж-и-х-н-з-а	"	12—Х-ш-в-м	"

Баъзилар нисан ва х-ш-в-м охирига «жим» ҳарфини орттириб, ни-санж ва х-ш-в-мж; б-сок ва ж-и-м-дага «нун» ва «жим» ҳарфларини орттириб, б-соканж, ж-и-м-даж дейдилар ва эронликларда расм бўлганидек, ҳар бир кунни алоҳида ном билан атайдилар. Куннинг номлари мана булар:

1—Х-р-м-ж-д	11—Х-в-и-р	21—Ро-м-н
2—Ж-ҳ-и-н-р	12—М-о-х	22—Воз
3—А-р-д-а-х-в-ш-т	13—Т-и-ш	23—Д-с-т
4—Х-с-и-ш-в-р	14—Ғ-ш	24—Дин
5—С-б-ндор-мз	15—Д-с-т	25—А-р-з-х
6—Р-д-д	16—М-х-ш	26—А-стоз
7—М-р-д-д	17—С-р-ш	27—С-м-н
8—Д-с-т	18—Р-ш-н	28—Ром-ж-и-д
9—А-т-с	19—Ф-р-в-з	29—Н-ш-и-н-д
10—А-н-ж-н	20—В-х-ш-г-р	30—Н-ғ-р

Баъзилар «х-в-и-р»ни «ми-р» деб атайдилар. ||

47

Уч юз олтмиш кундан ортиқча [беш] куннинг номлари мана булар:

1—Хо-в-т-с-т	4—В-но-з-н
2—Н-х-нд	5—А-р-д-м-б-и-ш
3—Р-х-ш-н	

Суғдийлар шу кунларни аташда, худди эронликлардек, бир-бирлари билан ихтилоф қиладилар. Уларда [ўша ортиқча кунлар] учун мана бундай номлар ҳам бор:

1—Ж-и-в-рд	4—Мо-х-рд
2—Н-б-в-рд	5—М-и-р-з-д-х
3—С-р-д-рд	

Суғдийлар шу [ортиқча] беш кунни х-ш-в-м ойининг охирига қўшганлар; чорак кунларни қўшиш ва кейинчалик [кабиса ишига] эътибор бермасликда эса эронликлар сингари амал қилганлар. Суғдийлар билан эронликлар йилларининг бошланишида тафовут юз беришининг сабабини тезда баён этаман.

Энди хоразмликларга келсак, булар, гарчи Эрон дарахтидан бир шох ва Эрон дарёсидан бир тармоқ бўлсалар ҳам, йил аввалини белгилашда ва ортиқча кунларни қаерга [қайси ойга] қўшишда суғдийларга эргашганлар. Хоразмликлар ойларининг номлари мана булардир:

1—Ручнофуновсрочи	30 кун	7—Авмрий	30 кун
2—Ардушт фвсирх анком	"	8—Ёнохн фохсрсон рочибк	"
3—Ҳрвдод фвиҳирий	"	9—Арвфвфимхкобҳрфин	"
4—Жирий форозок	"	10—Всмрфвфонокж анком	"
5—Ҳмдод	"	11—Ашмн фвирд анком	"
6—Ахшриврий	"	12—Исбандормажмий фвхшвм	"

Баъзи хоразмликлар ой номларини қисқартириб, бундай шаклда берганлар:

1—Новсоржий	5—Ҳмдод	9—Арв
2—Ардвст	6—Ахшриврий	10—Римжд
3—Ҳрвдод	7—Авмрий	11—Аршмн
4—Жири	8—Ёнохн	12—Исфандоражий

[Улар ойнинг] кунларини ҳам мана шундай номлар билан юритганлар:

48	1—Римжд	11—Ахир	21—Ром
	2—Азмин	12—Моҳ	22—Воз
	3—Ардушт	13—Жизи	23—Дзу
	4—Ахшриврий	14—Ғвшт	24—Диний
	5—Исфандормажий	15—Дзв	25—Аржвхий
	6—Ҳрвдоз	16—Фиг	26—Аштоз
	7—Ҳмдоз	17—Асрвф	27—Асмон
	8—Дзв	18—Ршн	28—Рос
	9—Арв	19—Рвжн	29—Мрсбнд
	10—Ёнохн	29—Ариғн	30—Авирғ

Хоразмликлар исфандоражий ойнинг охирига қўшиладиган ортиқча беш куннинг биринчисини ойнинг биринчи кунини номи [яъни римжд] билан атаб, қолган кунларга ҳам бирин-кетин кейинги [кунларнинг] номларини беришларини ва бешинчи кунни исфандоражий деб аташларини, ундан кейин новсоржий ойи биринчи кунининг яна римжддан бошлашини аниқладим. Хоразмликлар бу [беш кунга] алоҳида ном бермайдилар ва [ҳатто] шундай ном [бериш] ни билмайдилар. Гумонимча, бу эронликлар ва суғдийларда шу масалада воқе бўлган ихтилофлар туфайли юз берган бўлса керак.

Кейин Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёллаш қувватига суянадиган²⁰⁸ бўлдилар. Узоқ замон шундай бўлгач, улар ихтилофли нарсаларини унутиб, келишиб олганларини ёдда сақлаб қолдилар. Яна худо донороқдир.

Аммо у кунлар орасида [номда бир-бирига] мувофиқ келадиган уч куннинг ҳар бирини эронликлар ўзидан кейинги кунга нисбат бериб ва унга таркиб қилиб «дай ба озар», «дай ба меҳр», «дай ба дин» дедилар²⁰⁹. Суғдийлар ва хоразмликларга келсак, уларнинг баъзилари шундай қиладилар, баъзилари эса ўша номда бир-бирига ўхшаш кунларнинг ҳар бирига ўз тилларидаги «биринчи», «иккинчи», «учинчи» лафзларини қўшадилар.

[Эронликлар, суғдлик ва хоразмлик] лар давлатларининг²¹⁰ бошланишида ҳафталарни ишлатмас эдилар. Дастлаб ҳафталарни ишлатганлар ғарб томон аҳолиси, айниқса Шом ва унинг теварагида яшовчилар бўлган. [Бунга] сабаб, у томонда пайғамбарлар юзга чиқиб, Тавротда айтилганидек, биринчи ҳафта ва бу ҳафтада олам пайдо бўлганлигидан хабар берганлар. Кейин бу [одат] улардан бошқа миллатларга тарқалган. Мамлакатлари Шом аҳолиси мамлакатларига қўшни бўлиб, || марказлари бир-бирига яқин бўлгани ва Исмоил ибн Иброҳим алайҳиссалом²¹¹ араб бўлгани сабабли, ҳақиқий араблар ҳам ҳафтани ишлатганлар.

Қибтийлар, яъни қадимги мисрликлар бошқа бирор миллатнинг

ҳафтани ишлатишда эронлик, суғдлик ва хоразмликларга эргашгани бизга маълум эмас²¹². Чунки қибтийлар, биз юқорида айтгандек, то мамлакатларини Ағустус ибн Южис²¹³ эгаллағунича ўттиз кунни ном-баном ишлатганлар. Ағустус уларнинг [йиллари] румликлар ва исқандарияликларниқига доимо мувофиқ бўлиши учун йилларини кабисали қилишга мажбур этишни истади-да, йилларга қаради²¹⁴.

Шу вақтда катта кабисанинг²¹⁵ тамом бўлишига беш йил қолган экан, у подшоҳлигининг беш йили ўтгунча кутиб турди. Кейин қибтийларни, румликлар сингари, ҳар тўрт йилда ойларга бир кун қўшишга мажбур этди. Айтишларича, қибтийлар шу вақтда қўшимча кун учун бир номга муҳтож бўлгач, [ой] кунлари номларини ишлатмай қўйдилар. Натижада у номларни ишлатувчилар ва билувчилар тугаб²¹⁶, кунлар номлари эсланмай қолди. Қибтийлар ойларининг номлари мана булар:

1. Тут	30 кун	7. Фоминус	30 кун
2. Бовби	"	8. Бармусий	"
3. Асур	"	9. Бохун	"
4. Шувоқ	"	10. Повний	"
5. Тўбий	"	11. Афибий	"
6. Мокир	"	12. Абиқо	"

Булар ойларнинг қадимги номларидир. Аммо кабиса ишлатилгандан кейин, қибтийларнинг қандайдир бошлиғи ижод этган номлар мана булар:

1. Тут	7. Бармаҳот
2. Боба	8. Бармуза
3. Ҳатур	9. Башнас
4. Кайҳак	10. Буна
5. Тўба	11. Абиб
6. Амшир	12. Мусрий

Қибтийларнинг баъзилари кайҳакни «киёк», бармаҳотни — «бармаҳот», башнасни — «башондс», мусрийни — «мосурий» деб атайдилар. Улар бир иттифоққа келиб [келишган номлар] мана шулардир. Баъзи китобларда бу номлар биз баён этгандан бошқачароқ шаклда учратади.

Қибтийлар ортиқча беш кунни «абугамно» деб атайдилар. Бу сўзнинг таржимаси кичик ой²¹⁷ демакдир. Бу кунлар мусрий ойининг охирига қўшилади; мусрий ойига яна бир кабиса кун орттирилади, шу вақтда «абугамно» олти кун бўлади.

Улар кабисали йилни «ан-нақт»²¹⁸ деб атайдилар. Бунинг маъноси || «аломат» демакдир.

Абу-л-Аббос ал-Омулий «Қибла далиллари китоби»да бундай деган: «Ғарб томон халқи авваллари қибтий ойларининг аввалларига мувофиқ келадиган ойларни ишлатиб, мана бу номлар билан атайдилар»:

1. Моя	30 кун	7. Нуванбар	30 кун
2. Юния	"	8. Дахимбар	"
3. Юлия	"	9. Янайир	"
4. Оғуст	"	10. Фабрайир	"
5. Сатанбар	"	11. Марса	"
6. Октубар	"	12. Абрир	"

Кейин йил охирига қўшиладиган беш кун келади. Румликларга келсак, уларнинг ойлари ҳамиша ўн иккита бўлиб, уларнинг номлари мана булар:

Январийос	31 кун	Юлиус	31 кун
Феврариюс	28 кун	Ағустус	31 кун
Мартиюс	31 кун	Севтамбриюс	30 кун
Афлирюс	30 кун	Тамбриюс	31 кун
Мойюс	31 кун	Навомбриюс	30 кун
Юниюс	30 кун	Демириюс	31 кун

Румликлар йили уч юз олтмиш беш кундир. Ҳар тўрт йилда тўртта чорак кун йиғилгач, уни тўлиқ бир кун қилиб, феврариюсга қўшганлар. Натижада шу ой ҳар тўрт йилда йигирма тўққиз кун бўлган. Дастлаб румликларни йилларни кабисали қилишга мажбур этган киши Дақтитир лақабли Юлиюс²¹⁹ эди. У ўтмиш замонда Мусо алайҳиссалом юзага чиқишидан узоқ вақт илгари румликларга подшоҳ бўлиб, улар учун ойларни шу тақлидда тақсимлаб, юқоридаги номлари билан атаган ва ҳар минг тўрт юз олтмиш бир йилда чорак кунлардан расо бир йил йиғилгач, уни кабиса йили қилишга буюрган. Буни Юлиюсдан кейин²²⁰ ҳам сақлаб қолишган. Румликлар шу йилни катта кабиса ва ҳар тўрт йилдаги кабисани кичик кабиса деб атаганлар. Бу кичик кабисани ўша подшоҳ вафотидан кўп замонлар ўтгандан кейин ишлатдилар. Улар [ойларни] ҳафталарга, биз юқорида айтган [сабабга] кўра, тақсимлайдилар.

51 || «Вақтларни аниқлаш» китобининг муаллифи²²¹ бундай деган: «Чорак кунлардан кабиса тузувчи румликлар ва бошқалар ўз тарихларининг аввалига Қуёшнинг — апрель, сурияликларча найсон бошида Ҳамал буржига киришини қўйганлар». Унинг сўзи рост ва дуруст бўлиши мумкин, чунки [астрономик] кузатишлар қуёш йилининг [тўлиқ] кунларига тобе бўлиб келадиган каср [кун] миқдорининг чоракдан камлигини кўрсатади. Биз Қуёшнинг найсон аввалида [бўлишидан] олдин Ҳамал буржи аввалига кирганини учратдик. Демак, у [киши] баён этган нарсанинг бўлиши мумкингина эмас, балки зарурга ўхшайди.

Яна у [киши] румликлардан ҳикоя қилиб: «Румликлар йилларининг боши ўз жойидан силжиганини сезгач, ҳиндлар йилларини ишлатишга мойил бўлдилар. Улар иккала йил²²² ўртасидаги тафовутни ўз йилларига қўшдилар, шунда Қуёш қайтадан найсон бошида Ҳамал буржининг аввалига кирди. Агар биз ҳам шундай қилсак эди, найсон ўзининг аввалги ҳолига қайтган бўларди», — деди. У [даъвосига] мисол келтирди-ю, уни тамомлай олмади, чунки бунга қудрати етмади ва ўз билим-сизлигини кўрсатди. Шунингдек, у румликлар ҳақидаги ҳикоясида уларга қаршилиқ кўрсатиб, бошқага ён босди. У румликлар йили билан қуёш йили ўртасидаги тафовутни ҳиндлар усулига биноан [секундларга] айлантирган эди, етти юз йигирма тўққиз секунд бўлди. [Кейин] кунни секундларга айлантириб, [чиққан сонни] ўша тафовутга тақсим қилган эди ҳосили бир юз ўн саккиз бўлиб чиқди — бу йиллар²²³ — олти ой, олти бутуну учдан икки ҳисса кундир. Бу шундай миқдорки, унинг жараёнида тарихга ҳалиги ортиқча тафовут жиҳатидан тўла бир кун қўшилиши керак бўлади.

Яна у [муаллиф]: «Агар рум тарихининг ўтган йилларини — бу

унинг замонида минг икки юз йигирма беш йил эди²²⁴ — кабисали қил-сак, яна Қуёш Ҳамал буржининг аввалига найсон бошида дуч келади», — дегану, мисол келтирмаган ва йилларни кабисали ҳам қилмаган. Агар [шундай] қилганда, у [чиқарган] ҳукм натижаси унинг сўзига ва даъвосига албатта [қарама-] қарши чиқарди ва найсон аввали Қуёшнинг Савр буржи аввалига киришига яқин бўлар эди. Бунда у муаллиф мисол келтирган тарихга ўн бутуну учдан бир²²⁵ ҳисса кун кабиса қилиш керак бўлади. Румликлар йили [Қуёш йилидан] қисқароқ бўлганидан найсон аввали Қуёшнинг Ҳамал буржи аввалига киришидан олдин келади ва қўшимча [кунлар] миқдори найсон аввалидан ўтиб кетиб, унинг ўнинчи кунигача етиб боради.

Ҳиндларга эргашувчи бу киши қайси кеча-кундуз бараварлигини кўзда тутганини кошки билсайдим! Чунки ҳиндларнинг ўша вақтдаги усулига кўра, баҳорги кеча-кундуз бараварлиги найсон бошидан олти ёки етти кун олдин бўлган. Яна шу [муаллиф] ҳикоя қилган нарсани румликлар қай вақтда ишлатганларини кошки билсайдим. Чунки румликлар геометрия ва астрономия илмини чуқур ўрганиб, мантиқий далиллар билан иш қилганларидан кейин, ҳйллалар ишлатишдан чарчаб, ҳужжат талаб қилинганда, усул ва қоидаларини ваҳий ва илҳомга нисбат берувчи кишиларнинг сўзларига илтижо этишдан жуда узоқлашдилар. Уларнинг фалсафа, илоҳиёт, || табиёт ва ҳунармандчилик илмларидаги маҳоратларини қўя бер! Лекин «ҳар ким ўз ҳолига муносиб иш қилади»²²⁶ ва «ҳар бир гуруҳ ўзида бор нарса билан қувонади»²²⁷. У киши «ал-Мижастий» китобини кўрмаган ва уни ҳиндларнинг «Зиж синдҳинд» деб шуҳрат қозонган энг машҳур китобларига солиштирмаган. Озгина ақлга эга бўлган кишига бу икки китоб ўртасидаги фарқ яширин қолмайди.

Ҳамза ибн ал-Ҳасан ал-Исфаҳоний ҳам ўзининг наврўз ҳақида ёзган рисоласида шундай [хатога] йўл қўйган ва эронликларнинг қуёш йиллари хусусида уларга ён босиб, эронликларда қуёш йили уч юз олтимиш беш кун, олти бугун бешдан бир соат ҳамда соатнинг тўрт юз бўлақдан бир бўлагидир²²⁸, румликлар олти соатдан ортиқчани кабисага киргизмаганлар [деган] ва ўз сўзига далил келтириб, астроном Муҳаммад ибн Мусо ибн Шокир²²⁹ қуёш йили ҳақида ёзган китобида бу [масалани] изоҳлади ва чуқур ўрганди ҳамда бу ҳақда янглишган қадимги [олимларнинг] хатоларини баён этди, дейди. ||

Биз Муҳаммад ибн Мусо ва унинг биродари Аҳмад кузатишларини диққат билан текширдик. Кузатишлар у касрларнинг олти соатдан камлигини айтди, холос. Аммо Ҳамза ал-Исфаҳоний ишорат этган китоб Собит ибн Қуррага²³⁰ нисбат берилади, чунки Собит ўша қавмдан тарбия олиб, улар хонадонидан [етишиб чиққан] ва уларнинг илмий асарларини тасҳиҳ этган киши эди. У китоб мазмуни ва [Собит] мақсадларининг хулосаси шуки, қуёш йилларининг [узунликдаги] ихтилофи ва [узоқликдаги] тафовутини баён этади, чунки қуёш авжи ҳаракат қилиб турувчидир. Шу билан бирга, у Қуёшнинг ўртача ҳаракатини аниқлаш учун бир-бирига тенг даврларга ва шу даврлар замонларига баробар ҳаракатларга муҳтож бўлди. Лекин марказдан сиртқи фалакда бўлган ва бу фалакдаги фараз қилинган нуқтадан бошланиб, яна худди ўша нуқтада учратиладиганлардан бошқа бир-бирига тенг даврларни топмади. Бу исталган даврнинг касрлари, Ҳамза ҳикоя қилгандек, олти соатдан ортади, лекин у давр қуёш йили деб аталмайди. Чунки қуёш йили, биз

[юқорида] таъриф этгандек, шундай даврки, унда тузилиш ва бузилишга олиб келадиган табиий ҳоллар яна ўзининг аввалги ҳолатига қайтади.

Энди ибронийлар ва Мусо алайҳиссаломга нисбат берилувчи барча яҳудийларга келсак, уларнинг ойлари ўн иккита бўлиб, номлари мана булар:

Тишрий	30 кун	Нийсан	30 кун
Мархешвон	29 кун	Ияр	29 кун
Кислев	30 кун	Сиван	30 кун
Тебет	29 кун	Таммуз	29 кун
Шефат	30 кун	Аб	30 кун
Озар	29 кун	Элул ²³¹	29 кун

53 Улар [йили] уч юз эллик тўрт кун бўлиб, булар ой йили кунларидир. Агар яҳудийлар ой йилини ўз ҳолича ишлатсалар, йилларининг кунлари ва ойларининг сони албатта бир хил бўлар эди. Лекин Бани Исроил Мисрдан саҳрога чиққач, мисрликлар қул бўлишдан озод бўлдилар, қийноқларидан қутулиб, улардан халос бўлдилар ва Тавротнинг иккинчи сифрида тавсиф этилган қонун-қоидалардан иборат худонинг фармонига бўйсундилар. Бу нийсаннинг ўн бешинчи кунни кечасига, ойнинг тўла нур олган [вақт] ва баҳор фаслига тўғри келди. Шунда Бани Исроилга ўша кунни эсда тутиш буюрилди, чунончи Тавротнинг иккинчи сифрида: «Биринчи ойнинг ўн тўртинчиси бўлган шу кунни эслашни келгуси авлодингиз учун замонлар бўйи суннат қилиб қолдиринг!» дейилган.

Биринчи ойдан мақсад тишрий эмас, балки нийсандир, чунки тангри таоло яна шу сифрда Мусо ва Ҳорунга пасха ойининг Бани Исроил ойларининг бошида ва йилнинг аввалида бўлишини буюрди. Кейин Мусо [ўз] умматига: «Қулликдан чиққан кунингизни эсингизда тутинг, дарахтлар кўкарадиган ойнинг шу кунда оширма нон еманг!»— деди. Шунинг учун Бани Исроил нийсанни ўн тўртинчиси баҳор вақтига — дарахтлар барг ёзиб, гуллайдиган пайтга тўғри келсин деб, қуёш йилини ишлатишга, ой кулчаси Мизон буржида ўн тўрт кечалик бўлиб нурга тўлиши учун қамарий ойларни ишлатишга мажбур бўлдилар. Бу ҳол уларни ойларда керакли вақтдан олдин келтириладиган кунларни, қачон у кунлар бир ой кунларига баробар бўлса, расо бир ой қилиб, йил ойларига қўшишга мажбур этди, буни «биринчи озор» деб атадилар. Асосий озорни эса [қўшимча ой] кетида келгани ва у билан ҳамном бўлгани учун «иккинчи озор» деб атадилар.

Кабисали йилга «иббур» номини бердилар. Бу «миъборит» сўзидан олиниб, иброний тилида «ҳомиладор хотин» демакдир, чунки яҳудийлар ортиқча ойнинг йилга киришини хотин кишининг ўз аъзосидан бўлмаган нарса [ҳомилани] кўтариб юришига ўхшатдилар.

Яҳудийларнинг баъзилари биринчи озорни номи кабисасиз йилларда ишлатиладиган асосий [ой], иккинчи озорни эса, қўшимча ой деб гумон қилиб, у йил охирида бўлади, дедилар, чунки Тавротда нийсан яҳудий ойларининг биринчиси бўлсин, деб амр қилинган.

Аммо [ҳақиқат] бундай эмас. Иккинчи озорнинг асосий ой эканига унинг ўз вазиятида, миқдори ва кунларининг сонидан турғунлиги, байрам ва рўзалар ҳамиша шу ойда бўлиб, уларнинг биронтаси иббур йилида биринчи озорда ўтмаслиги ва иккинчи озорда Қуёшнинг доимо Ҳут буржида бўлишининг шарт этилганлиги далил бўлади. Иббур йилидаги

биринчи озорга келсак, бунда Қуёшнинг Далъ буржигга тушуви шарт этилган.]]

54

Шундан кейин яҳудийлар иббур йилларини аниқлаш учун тартиб [ўрнатишга] ва улардан фойдаланишни енгиллатишга муҳтож бўлдилар. Улар қуёш йилларида ишлатиладиган қамарий ойларининг давраларига назар солган эдилар, у давраларнинг бешталигини аниқладилар. Биринчиси саккиз йиллик давра, бунинг ойлари²³² тўқсон тўққизта, [улардан] учтаси қўшимчали [ой] дир. Иккинчиси ўн тўққиз йиллик давра, бунинг ойлари икки юз ўттиз бешта, улардан қўшимчалиги еттидир. Бу «кичик давра» деб аталади. Учтинчиси етмиш олти йиллик давра бўлиб, ойлари тўққиз юз қирқта, шулардан қўшимчалиги йигирма саккиз ойдир. Тўртинчиси тўқсон беш йиллик давра, бу «ўрта давра» деб аталади. Бунинг ойлари минг бир юз етмиш олтига бўлиб, шулардан қўшимчалиги ўттиз бештадир. Бешинчиси беш юз ўттиз икки йиллик давра, бу «катта давра» бўлиб, ойлари олти минг беш юз саксонга; шулардан қўшимчалиги бир юз тўқсон олтидир.

Яҳудийлар шу давралардан энг енгил ва эса сақланиши осонроқ бўлганини танладилар. Бундай сифат саккиз йиллик ва ўн тўққиз йиллик давраларда топилди, лекин ўн тўққиз йиллик давра қуёш йилларига мувофиқроқдир. Чунки бу давранинг кунлари яҳудийлар [ҳисобича] олти минг тўққиз юз ўттиз тўққиз кун, ўн олти соат ва соатнинг бир минг саксон бўлагидан беш юз тўқсон беш бўлагидир²³³. Шу бўлақлар яҳудийларча, «ҳалақ» деб аталади ва ҳар бир соат бир минг саксон ҳалақдир. Шунинг учун агар биз соатларнинг минутлари, яъни олтмишдан иборат бўлақларини ҳалаққа айлантирмоқчи бўлсак, [олтмишни] ўн саккизга зарб қиламиз ва у ҳалаққа айланади. Агар бунинг аксини қилмоқчи бўлсак, ҳалақни икки юзга зарб этамиз, бундан соат солиса²³⁴ лари чиқади. Кейин уларни кўтарилиши мумкин [бўлган] даража, [минут] гача кўтарамиз. Агар биз бу [ўн тўққиз йиллик] даврани майдалаб ҳалаққа айлантирсак, бир юз етмиш тўққиз миллион саккиз юз етмиш олти минг етти юз эллик беш ҳалақ бўлади. У ҳалақлар ҳиндлар рақамлари билан мана бундай кўрсатилади: 1V9VV7VΔΔ²³⁵. Қуёш йили яҳудийлар ҳисобича, уч юз олтмиш беш кун, беш соат ва соатнинг тўрт минг бир юз тўрт бўлагидан уч минг етти юз тўқсон бир бўлагидир²³⁶. Бу эса, тўққиз юз тўқсон ҳалаққа яқин бўлади.

Агар²³⁷ қуёш йилини ҳалаққа айлантирсак, тўққиз миллион тўрт юз олтмиш етти минг бир юз тўқсон ҳалақ бўлади, унинг рақамлар билан кўрсатилиши мана бундай: 927V190. Агар ўн тўққиз йиллик давра ҳалақини шу сонга бўлсак, ўн тўққиз қуёш йили чиқиб, бир юз қирқ беш || ҳалақ [каср] қолади. Бу соатнинг еттидан бири ва 55 унинг камроқ каср қисми бўлади.

Агар у [ўн тўққиз йиллик] даврага қўллаганимизни саккиз йиллик даврага татбиқ этсак, унинг миқдори икки минг тўққиз юз йигирма уч кун, ўн икки соат, етти юз қирқ етти ҳалақ бўлиб, ҳаммаси етмиш беш миллион етти юз етмиш етти минг саккиз юз олтмиш етти ҳалақ бўлади. Бунинг рақам билан кўриниши мана бундай: VΔVVV7V Агар буни қуёш йили ҳалақига тақсим этсак, саккиз қуёш йили чиқиб, бир кун, ўн уч соат ва уч юз саксон етти ҳалақ каср қолади; бу эса соатнинг қарийб бешдан бири ва олтидан биридир²³⁸. Демак, ўн тўққиз йиллик давра тўғрилиқ ва дурустлиққа яқинроқ, қўлланишга лойиқроқдир,

бошқа давралар бунга неча ҳисса [ортиқ] давралардан таркиб топган Шунинг учун яҳудийлар ўн тўққиз йиллик даврани танлаб, иббур йилларини шунга қўйдилар.

Яҳудийлар иббур йили давранинг қаерида бўлмасин, албатта бўлаверди деб келишсалар ҳам, давралар бошларининг қай вақтда бўлиши масаласида ихтилоф [га йўл] қўйдилар. Бу ҳол иббурни давранинг қаерига ўрнатишда ихтилоф туғдирди. Шундайки, яҳудийларнинг баъзилари Одам [ато] тарихи йилларини иббур ёки оддий эканини билиш мўлжалланадиган ва ўзи кечираётган йил билан қўшиб ҳисобладилар ва уни ўн тўққизга тақсим этиб давраларга айлантirdилар. Натижада тўлиқ давралар чиқиб, ўзлари кечириб турган йил қўшилса ҳам [тўлиқ бўлмайдиган] давранинг ўтмиш йиллари қолди. Иббур тартиби 2—5—7—10—13—16—18 ҳисобича, иккинчи, бешинчи, еттинчи, ўнинчи, ўн учинчи, ўн олтинчи ва ўн саккизинчи йиллар деб белгиланади.

Баъзилари эса ўша [Одам] тарихининг йилларини олиб, ундан бир йилни камайтирди ва иббур тартибини 1—4—6—9—12—15—17 ҳисобича ўша камайган давранинг қолган йилларига, яъни биринчи, тўртинчи, олтинчи, тўққизинчи, ўн иккинчи, ўн бешинчи ва ўн еттинчи йилга қўйди. Бу икки тур даврада сурияликларга нисбат беради.

Бир гуруҳ [яҳудийлар] ўша тарих йилларидан икки йилни камайтириб, тартибни 3—5—8—11—14—16—19²³⁹ ҳисобича ўша йилларга, яъни учинчи йилга, ундан кейин иккинчи [қўшиб] бешинчи йилга, сўнгра уч марта учни [қўшиб] саккизинчи, ўн биринчи ва ўн тўртинчи йилларга, кейин иккинчи [қўшиб] ўн олтинчи йилга, сўнгра учни [қўшиб] ўн тўққизинчи йилга қўйдилар. Бу тартиб яҳудийлар ўртасида энг кўпроқ тарқалган бўлиб, улар буни афзал кўрардилар. Буни баъзан бобилликларга нисбат берадилар.


Бу [усулларнинг] ҳаммаси ихтилоф қилинмайдиган бир усулга асосланади. У эса мана бу доирада тасвирланган:

Биринчи [четки] доира йил кайфиятини, яъни унинг оддий ёки иббур йил эканини билиш учун; иккинчи доира иббур тартибини 2—5—7—10—13—16—18 ҳисобича [даврада кўрсатиш учун; учинчи доира [иббурнинг] 1—4—6—9—12—15—17 [ҳисобича] даврадаги тартибини кўрсатиш учун; ички доира эса, иббурнинг 3—5—8—11—14—16—19 [ҳисобича] даврадаги тартибини кўрсатиш учундир.

Биз юқорида баён этган давралар — гарчи Ой у давраларда танҳо [ҳукмрон] бўлмаса ҳам — Ойга нисбат берилади. Қуёш даврасига келсак, ҳафталарнинг [қайси кунлари] қуёш йилларининг бошлари эканини билиш учун у йигирма саккиз йил белгиланган. Шундайки, агар қуёш йили фақат уч юз олтинчи беш кун бўлиб, чорак кундан холи бўлса, унинг бошланиши дуч келадиган ҳафта кунларига ҳар етти йилда қайтар эди. Лекин қуёш йиллари ҳар тўрт йилда кабисали қилинган, аввалги ҳолатига йигирма тўрт йилда қайтадиган бўлди, бу — еттининг тўрт марта кўпайтирилганидир. Шунингдек, айтиб ўтилган бундан бошқа давраларнинг биронтаси тамом бўлган вақтида ҳафтанинг [бирор кунига дуч келган] аввалги ҳолатига қайтмайди, фақат катта давра [қайтади, холос]. Чунки [бу] давра ўн тўққиз йиллик давранинг [йигирма саккиз йиллик] қуёш давраси билан кўпайтирилганидир.

Мен айтаманки, агар яҳудий йиллари дастлабки икки ҳолатда, яъни кабисали ва иббурли ҳолатида бўлганларида давр йилларининг айтиб ўтилган тартиби ўрганилган, уларнинг [яҳудий йилларининг] ав-

валларини билиш ва у йилларда зарурий равишда бўладиган ҳалиги икки ҳолатнинг бирини бошқасидан ажратиш, албатта, осон бўлар эди. Лекин яҳудий йиллари уч турли бўлади. Улар якшанба, чоршанба ва жума кунларининг йил боши бўлиши дуруст эмас, чунки бу кунлар Қуёш ва унинг икки ёритқичига²⁴⁰ хосдир; нийсан аввалига мувофиқ келадиган пасханинг қуйи ёритқичларга²⁴¹ тегишли душанба, чоршанба ва жума кунларида бўлиши ҳам дуруст бўлмайди деб ўзаро келишиб олганлар. Бунинг сабабларини келгусида, кучимиз етганича, батафсил баён




этамиз. Яҳудийларнинг йил боши пасха [ҳақидаги] юқорида айтилган кунларга тўғри келиб қолса, уларни кейинга ёки олдинга суришга мажбур этди.

Шунинг учун яҳудийларнинг йиллари учга бўлинди. Уларнинг биринчиси «хасорин» деб аталади, бу «нуқсонли» демакдир. Бу йилларда мархешвон ва кислев ойлари йигирма тўққиз кундан бўлади. Иккинчи турини «кесидрон» деб атайдилар, бунинг маъноси ўртача демакдир. Бу йилда мархешвон йигирма тўққиз кун, кислев ўттиз кун бўлади. Учинчи турини «шаломим» деб атайдилар, бунинг маъноси «тўлиқ» демакдир. Бу йилда мархешвон ва кислев ойлари ўттиз кундан келади. Бу турларнинг ҳар бири оддий ва иббур бўлиб, натижада йил турларининг сони бир-биридан ажралгач²⁴², мана бундай шаклда шохобчаларга бўлиб тасвир этганимдек, олтига бўлади. ||

Яҳудийларнинг буларни аниқ ҳисоблаб чиқиш ҳақида кўпгина усул-

лари ва жадваллари бор. Келгусида уларни равшан қилиб баён этишни кўзда тутамиз.

Кейин улар, бу [ҳисоб ва жадваллардан] фойдаланиш, [йил турларини] аниқлаш ва уларни ишлатишда икки гуруҳга бўлинадилар. Бири «раббония» бўлиб, улар [йил ҳисобини] ишлатишда янги ой хоҳ кўринсин, хоҳ кўринмасин [янги ой бошланишини] Қуёш ва Ойнинг ўртача сайри билан ҳисоблайдилар. Мақсадлари [Қуёш ва Ой] бир-бири билан



учрашгандан кейин ўтадиган муддатни [кузатишдир]. Айтилишича, улар Байтулмуқаддасга қайтгач, янги ойни кўриш учун тоғларнинг тепасига кузатувчи ва текширувчиларни қўйдилар ва уларга янги ой кўринганида олов ёқиб, тутун чиқаришни буюрдилар. Раббонийлар билан сомирийлар орасидаги душманлик сабабли, сомирийлар [у ерга] бориб, тоғ тепасида янги ой кўринишидан бир кун олдин тутун чиқардилар. Иттифоқан, бирмунча ойгача ой бошида осмон булутли бўлиб, сомирийлар бу [алдовни] қайта-қайта такрорладилар. Ниҳоят бу Байтулмуқаддасда маълум бўлиб қолди, раббонийлар ойнанинг учинчи ва тўртинчи куни ҳилолнинг кун ботиш томонда уфқда кўтарилганини кўрдилар. Шунда сомирийларнинг алдаганларини билдилар ва ўз ҳисобларида душманлар алдовидан беҳавотир бўлиш учун ўша вақтнинг ҳисоб олимларига мурожаат қилдилар.

58 Раббонийлар ҳисоб билан амал қилишнинг жоизлиги ва буни [ҳилолни кўриш] ўрнига ўтувига тўфон пайдо бўлган вақтни далил келтириб, олти ой давомида осмон бекик || ва булутли бўлиб, на ҳилол, на бошқаси кўринмаганидан, Нуҳ ой бошларини белгилашда ҳисоб билан иш қилар эди, дейдилар.

Шунда ҳисоб олимлари раббонийлар учун даврлар ишлаб, уларга [ёритқичларнинг] учрашиш вақтлари ва ҳилолнинг кўриниш [кунини] ҳисоблаб чиқаришни ўргатдилар. Бунда ҳилол билан [Қуёш ва Ой] учрашиши ораси йигирма тўрт соат бўлиши кўзда тутилади. Бу агар учрашиш ўртача бўлмай, мўътадил бўлса, Ой шу соатларда қарийб ўн уч даража сайр этса ва Қуёшдан ўн икки даража миқдориди узоқлашса, ҳақиқатга яқин бўлади.

Айтилишича, бу воқеа Искандардан икки юз йилча кейин юз берган. Ундан илгар раббонийлар йил чораклари бўлмиш «тақуфалар»га қарар — буларнинг ҳисоблари қуйида келади — ва тақуфа билан шу тақуфа тегишли бўлган Ойнинг [Қуёш билан] учрашувини бир-бирига со-

лиштирар эдилар. Агар учрашишнинг тақуфадан ўттиз кунча олдин келганини аниқласалар, ўша ойни йилга қўшар эдилар. Шундайки, масалан, улар Ой билан Қуёшнинг таммузда учрашуви, ёзги қуёш туриш таммузи тақуфасидан ўттиз кунча олдинлигини аниқласалар, ўша йилга [яна бир] таммуз қўшардилар, ниҳоят шу йилда иккита таммуз келарди. Бошқа тақуфаларда ҳам шундай аҳвол бўларди.

Раббонийларнинг баъзилари қузатувчилар ва уларнинг тутун чиқариш ҳодисасини инкор этиб, бу ҳисобнинг қўлланишига сабаб қилиб [қуйидагиларни] кўрсатдилар: Бани Исроилнинг олим ва қозинлари ишларининг охири парокандаликка ва аҳволлари тарқоқликка бориб тақалишини билдилар, яъни Байтулмуқаддаснинг охирги марта хароб бўлишини сездилар. Шунда улар яҳудийлар атрофга тарқалиб, [ҳилолни] кўришга асослансалар ва бу турли шаҳарларда турлича бўлиб чиқса, бир-бирлари билан жанжаллашишлари ва шу сабабли сўзларининг хилма-хил бўлишидан қўрқдилар-да, уларга ана шу ҳисобларни ишлаб бердилар, бу ишлар билан Элеозар ибн Фарруҳ шуғулланган эди. Раббонийлар яҳудийларга шу ҳисобларга асосланишни буюрдилар. Орала-рида ихтилоф юз бермасин деб, қаерда бўлмасинлар, ҳар вақт шу ҳисобларни ишлатишни ва шуларга мурожаат этишни тавсия қилдилар.

Иккинчи гуруҳ «милодиялар» бўлиб, булар ой бошларини [Қуёш ва Ойнинг] учрашувидан ҳисоблайдилар. Улар «қарроалар»²⁴³ ва «иш-маиялар» деб ҳам аталадилар, чунки булар текстларга амал қилиб, назарийёт, қиёс ва шунга ўхшашларга эътибор бермайдилар. Лекин бу уларга нуқсон келтиради ва муяссар бўлмайди. Иккинчи гуруҳнинг «анония» номли бир тўдаси бор. Улар бундан юз йилдан ортиқроқ илгари яшаган «ҳайдалганлар бошлиғи» бўлмиш Анонга²⁴⁴ мансубдирлар. «Хайдалганлар бошлиғи» Довуд авлодидан бўлиши шарт, бошқа авлоддан бўлган [киши] бу мансабга муносиб эмас. Оддий яҳудийлар, тик турганда бармоқларининг учлари икки тиззасига етадиган кишидан бошқа одам бу лавозимга муносиб бўлмайди, деб нақл қиладилар. Шунингдек, авом халқ²⁴⁵ ҳам амралмўъмин Али ибн Абу Толиб²⁴⁶ алай-ҳиссалом ва унинг авлодидан бўлган [давлат] тепасида туришга ва халқни идора этишга қобилиятли кишилар ҳақида худди шундай ҳикоя қилади.

Анон — Дониёл ибн Шовул ибн Анон ибн Довуд ибн Ҳасдой ибн Қафной ибн Бустаной ибн Ҳунмор ибн Нушро ибн Рабҳуно || ибн Шабтиё ибн Ҳанно ибн Носом ибн Абомор ибн Раббоно Ақибо ибн Шабниё ибн Заккой ибн Хизқиё ибн Шамиё ибн Шабтиё ибн Юҳнон ибн Расусиён ибн Анон ибн Йийшиё ибн Закариё ибн Бархиё ибн Акуб ибн Хананиё ибн Басудиё ибн Мосиё ибн Фадоё ибн Зарбобил ибн Шалатиёл ибн Юҳаниё ибн Яҳуёким ибн Яҳвоҳоз ибн Юшиё ибн Аҳазийё ибн Яҳуром ибн Яҳушофот ибн Асо ибн Абиё ибн Раҳабъамо ибн Сулаймон ибн Довуд ўғлидир.

Анон раббонийларнинг бир жамоасига шариятларининг кўпчилик ҳукмларида қарши чиқиб, [ойларни] ислом шариятидаги каби ҳилолнинг кўриниши билан белгилади, лекин [янги ойни кўриш] ҳафтанинг қайси кунда бўлишига парво қилмади. У раббонийларнинг ҳисобларини ишлатмай, ойларни мана бундай йўл билан қўшимчали қилди: у нийсан аввалидан тортиб то ундан ўн тўрт кун ўтгунча Ироқ ва Шом теварагидаги арпа экинига назар солар, агар унинг етилгани ва ўриб янчишга яроқли бўлганини кўрса, ўша йилни оддий йил деб билар; етилмаганини

кўрса шу вақтнинг ўзидаёқ [йилни] кабисали қиларди. Бу ҳолат шу йўсинда олдиндан билинади. Анон фикрини тутган ва унга тегишли бўлган бирор киши шефат ойна тугашига етти кун қолганда Шом шаҳри ва иқлими [ҳамда] унга ўхшаш жойларга бориб, арпа экинига назар соларди. Агар «сафо», яъни бошоқ тиконларининг ўсиб чиққанини кўрса, ўша кундан то пасхагача эллик кун санаб ўтказарди; агар у ҳали ўсиб чиқмаган бўлса, ўша йилга бир ой қўшар эди. Баъзилари қўшимча ойна шефат кейинига қўяр, натижада икки шефат кетма-кет келарди; баъзилари эса уни озар кейинига қўяр, бунда бирин-кетин икки озар келарди. Анониялар озарни эмас, кўпроқ шефатни ишлатардилар, раббонийлар бўлса, озардан бошқа ойна ишлатмас эдилар.

Бу олдиндан билиш [иши] обиҳаво ва турли жойлар иқлимининг хилма-хиллиги сабабли ҳар хил бўлади. Бу жиҳатдан ҳар бир жой учун [алоҳида] қонун белгилаш зарур бўлиб, бир жой учун белгиланган қонунга асосланиб бўлмайдими, чунки бу ҳамма [жой] учун ярайвермайди.

Шом, Ироқ ва Хуросон христиандари эса, румликлар ойлари билан яҳудийлар ойлари араштириб, румликлар ойлари ишлатдилар ва йилларининг аввали яҳудийлар йилининг бошига яқин бўлиши учун йил бошини румликларнинг тамбриус ойна аввалидан ҳисобладилар, чунки яҳудийларнинг тишрий ойна ҳамиша тамбриусдан бирмунча вақт олдин келади.

Румликлар ўз ойлари сурёний номлар билан атаб, баъзиларини яҳудийларга мувофиқ қилдилар ва баъзисиди эса улардан ажралдилар. Бу ойлари сурияликлар [ойлари] номларига нисбат берадилар. Сурияликлар набатликлар бўлиб, Савод²⁴⁷ аҳолисидирлар, ҳолбуки, Ироқ Саводи «Суристон» ҳам деб аталади. Билмайман, нима учун бу ойлари сурияликларга нисбат берилади? Улар ислом даврида араб ойлари, жоҳилия даврида эронликлар ойлари ишлатганлар. Аммо Суристонни Шом мамлакати ҳам дедилар. Агар шундай бўлса, у ернинг аҳолиси исломдан олдин христиандар бўлиб, улар яҳудийлар ва румликлар фикрлари миёнасида ўртача бир [фикрда] бўлганлар. У ойлари номлари мана булар:

60

1. Тишрин қадим	31 кун
2. Тишрин ҳрой	30 »
3. Қонун қадим	31 »
4. Қонун ҳрой	30 »
5. Шубот	28 »
6. Азор	31 »
7. Нисон	30 »
8. Айяр	31 »
9. Ҳазирон	30 »
10. Таммуз	31 »
11. Аб	31 »
12. Айлул	30 »

Улар ҳар тўрт йилда шуботга бир кун қўшганлар; у йигирма тўққиз кун бўлиб, уларнинг йиллари румликлар йилига мувофиқ келган.

Бу ойлари машҳур бўлиб кетиб, ҳатто мусулмонлар ҳам буларни ишлатиб, [дала] ишларига тегишли вақтларни шу ойлари билан белгиладиган бўлдилар. Улар «қадим» сўзини «аввал» деб, «ҳрой» ни «охир» деб арабчалаштирдилар, «айяр» сўзининг [й ҳарфи] охирига алиф орт-

тирдилар, у «айёр» бўлди. Чунки бу калимадаги «й» ҳарфи шаддасиз ва алифсиз талаффуз қилинса, араб тилида ёмон ва уятсиз маъно чиқади²⁴⁸.

Арабларга келсак, уларнинг ойлари ўн иккита бўлиб, биринчиси муҳаррам [ундан кейин]:

Сафар	Ражаб
Рабиал-аввал	Шаъбон
Раби ал-охир	Рамазон
Жумодо ал-уъло	Шаввол
Жумодо ал-охира	Зулқаъда
	Зулҳижжа.

Бу ойларнинг номлари хусусида бирмунча сабаблар баён қилинган. Улардан бири шуки, муҳаррам «муқаддас ойлар»²⁴⁹ жумласидан бўлгани учун шундай ном билан аталган. Сафар ойида²⁵⁰ араблар «сафария» номли гуруҳ билан биргаликда озиқ-овқат қидиришганлари учун бу [ойга] шундай ном берганлар. Иккала раби ойларида ўсимликлар гуллаган, кетма-кет шабнам ва ёмғир ёққани учун улар шундай аталди. Бу — биз «хариф» [куз] деб атайдиган фасл табиатига тегишлидир, [қадимги] араблар уни «раби» [баҳор] деб атардилар. Иккала жумодо ойида сув яхлаганидан²⁵¹ уларга бу ном берилган. Ражабда уруш бўлмай, гинчлик²⁵² бўлганидан [араблар] бу ойда [тирикчилик қилиш учун] сафарга чиққанлар. Шунинг учун бу ой шундай аталган; «ружба» — «тир-фарга» демакдир, «азқ муражжаб»²⁵³ сўзи шундан олинган. Шаъбонда араб қабилалари тарқалганлари сабабли²⁵⁴ шундай аталди. Рамазон ойи дейишга сабаб шуки, бу ойда иссиқнинг кучлилигидан тошлар ҳам куюди. Шаввол деб аташ шунинг учунки, бу ойда иссиқ кетиб, ҳарорат пасаяди. Зулқаъда [ойида] араблар ҳамиша уйларида бўлганларидан бунга шундай ном берилган. Зулҳижжада араблар ҳаж қилганларидан шундай аталган.

Араб ойларининг бошқа номлари ҳам бўлиб, уларни қадимги араблар шу номлар билан атаганлар. Бу номлар мана булардир:

1. Ал-муътамир	7. Ал-асамм
2. Ножир	8. Одил
3. Хаввон	9. Нофиқ
4. Сувон	10. Воғил
5. Хантам	11. Ҳуво
6. Заббо	12. Бурак.

61

Гоҳо бу номларнинг биз кўрсатганларга муҳолиф ва бошқача тартиби учратилади, чунончи шоирлардан бири уларни ўз шеърида бундай назм қилган:

Муътамиру ножирадан бошладик
 Сўнгра хаввон ҳамда сувон эргашур.
 Кейнидин заббо келар сўнг боида
 Келгач асам, душманлик кар бўлур.
 Сўнгра воғил, нотилаю одила
 Жами гўзал шону шуҳрат нуридир.
 Келса ранна ҳам бурак, сўнг вассалом,—
 Панжа бирлан ой санаш бўлди тамом.

Луғат китобларида баён этилишича, ой номларининг маънолари мана бундай:

Муътамир калимаси шу йил олиб келадиган ҳукмларнинг ҳар бирига бўйсунувчи [шахс] маъносини билдиради.

Ножир эса «нажр»дан олинган, бу — қаттиқ иссиқ демакдир. Шоирдан бири мана бундай деган:

Бўзилиб сасиган бир сувки, «ножир» ойда ташна бўлган киши уни тотса, юзини буриштиради.

Хаввон «хиёнат» [сўзининг] «фаъол» вазнидаги шаклидир. Шунингдек, сувон ҳам «сиёнат» [сақламоқ]нинг «фуол» шаклидир. Уша ойларга дастлаб ном берилаётганда [тасодифан] бу маънолар мос келиб қолган.

Заббога келганда, бу — «улуғ ва оғир фалокат» демакдир. Бу ойда кўп уруш ва оғирчиликлар бўлганидан унга бундай ном берилган.

Бойд²⁵⁵ эса, урушдан келиб чиққан, чунки бу ойда кўп одам [урушда] ҳалок бўларди. Бу ҳақда бундай масал жори бўлган: «Жумодо ва ражаб ойлари ўртасида ажойиб ва ажойиб [воқеалар юз берган]». Араблар уруш ҳаром қилинган ражаб ойи киришидан бурун бойд ойда ўч олиш ва талашдан иборат мўлжалларига шошилар ва интилардилар.

Ал-асаммга келсак, араблар бу ойда урушсиз тинч яшар ва қурол-яроқ товуши эшитилмас эди.

Воғил эса «чақирилмаган ҳолда ичкилик [ичишга] келувчи киши» маъносини билдиради. Унинг бундай аталишига сабаб, рамазон тепасига ҳужум қилиб келганидандир. Араблар [авваллари] рамазон ойда ичкилик кўп ичардилар, чунки ундан кейин ҳаж ойлари келарди.

Нотил — «ичкилик ўлчови» демакдир. Араблар бунда ҳаддан ташқари [кўп] ичиб, шу ўлчовни кўп ишлатганларидан ой шундай аталган.

Одил эса «адл»дан [олингандир]. Бу ой ҳаж ойларида бири бўлиб, араблар бунда нотил ойда қиладиган ишларини қилмаганликлари учун шундай аталган.

Ранна²⁵⁶ номининг берилишига сабаб, бу ойда қурбонлик [қилиш] вақти яқинлашгани учун моллар нола қиларди.

Бурак²⁵⁷ деб аташга сабаб — туялар қурбонлик учун сўйиладиган жойга келтирилганда чўктирилишидан олинган.

Ас-Соҳиб Исмоил ибн Аббоднинг²⁵⁸ ўша ойлар ҳақидаги мана бу назми диққатга сазовордир:

Арабларнинг жоҳилия давридаги ойларини [билишни] истадинг,
Уларни «муҳаррам [сафар каби] тартиб билан саноққа ол.

62

||Муътамир келади, ундан кейин ножир,
Хаввон билан сувон бир тузоққа йиғилади,
[Сўнгра] ханин, заббо, асамм ва одил,
Нофиқ билан вағлу ранна билан бурак.

Агар ойларни юқоридагидай икки хил ном билан аташнинг сабаблари мен ҳикоя қилгандек бўлса, иккала аташ вақти орасида [узоқ] бир муддат ўтган бўлиши лозим. Бўлмаса, улар ҳақида айтилган изоҳлар ва келтирилган сабаблар дуруст бўлмайди. Чунки у икки турли аташнинг бирида иссиқ энг кучайган ой сафар бўлиб, иккинчисида — рамазондир. Бир вақтда ёки бир-бирига яқин икки вақтда бундай бўлиши мумкин эмас.

Араблар ойларни жоҳилият даврида ҳам, ҳозир мусулмонлар ишлатганларидек ишлатганлар, уларнинг ҳаж маросимлари йилнинг тўрт фаслида айланаверган. Кейин улар тери, кўн, мева ва бошқалардан иборат моллари етилган вақтда ҳаж қилишни ва бу маросимни бир

ҳолатда энг яхши, энг фаровончилик вақтда адо этишни кўзда тутиб, ўз қўшнилари бўлган яҳудийлардан йилни кабисали қилишни ўргандилар. Бу ҳижратдан икки юз йилча олдин эди. Улар ўша йилларда яҳудийлардек амал қилишга тутундилар, яъни ўз йиллари билан қуёш йили орасидаги ортиқча вақтни бир ой қилиб, йиллари тамом бўлганда унинг [охирги] ойларига қўшардилар. Кейинчалик бу ишга Бани Кинона қабиласининг «қаламмаслари» мутасадди бўлиб, ҳаж тугагандан кейин ўша вақтда оёққа туриб хутба ўқир ва йилга бир ой қўшиб, буни олдинги ой номи билан атардилар. Араблар бунга қўшилиб, қаламмаслар сўзини қабул этар ва бу ишларини «насий»²⁵⁹ деб атардилар. Чунки улар олдин ўтган вақт тақозосига қараб, ҳар икки ёки уч йилда йил бошига бир ой қўшардилар. [Шоирлардан] бири бундай деган:

«Бизда «насий» [айрим ойни кейинга қўювчи] бор, сиз унинг байроғи тагида юрасиз, у хоҳлаган вақтда ойларни ҳалол ва ҳаром қила олади»²⁶⁰.

Дастлабки «насий» муҳаррам ойида бўлиб, сафарни муҳаррам номи билан, раби ал-аввал ойини сафар номи билан атаб, [қолган] ойларнинг номларини кетма-кет тартиб билан [ўзгартардилар]²⁶¹.

Иккинчи «насий» сафар ойида бўлиб, унинг кетидан келган ой ҳам сафар деб аталарди. Иш шу йўсинда давом этиб, ниҳоят «насий» ўн икки ойни айланиб чиқар ва яна муҳаррамга қайтарди, шунда улар ойлар устида аввал қилган ишларини яна қайтарардилар.

Араблар «насий» даврларини ҳисоблаб ва замонларни ўша даврлар билан аниқлаб: «фалон замондан фалон замонгача мунча йил айланди»,— дердилар. Агар бунда қуёш йилининг қасрларидан ва у йил билан ой йили ўртасидаги фарқ қолдигидан йилга қўшиладиган нарсалар [яъни бир миқдор муддат] йиғилиши сабабли тўрт фаслдан бирининг бирор ойи ўз фаслидан олдин ўтиши уларга маълум бўлиб қолса, [йилни] иккинчи марта кабисали қилардилар. Бу олдин ўтиш ой манзилларининг чиқиши ва ботишидан уларга маълум бўларди. Ниҳоят пайғамбар алайҳиссалом [Маккадан Мадинага] ҳижрат қилди, «насий» навбати мен айтгандек, шаъбон ойига етган эди. || Шунда [шаъбон] муҳаррам деб, рамазон ойи сафар деб аталди. Пайғамбар — худо унга раҳмат ва саломини туширсин — «насий» то ҳамма ойларни айланиб, ойлар ўзларининг ҳақиқий ўринларига қайтгунича кутиб турди²⁶². Кейин у «хайрлашув» ҳажини²⁶³ адо этди ва одамларга хитоб қилиб, «Вақт ва замон олло осмон ва ерни яратган кундаги ҳолатига айланди»,— деди. Бу сўзи билан у, ойлар ўз ўринларига қайтдилар, арабларнинг ойларини [олдинкейин] қилишлари йўқолди²⁶⁴, демакчи бўлди. Шунинг учун «хайрлашув» ҳажини — «энг тўғри ҳаж»²⁶⁵ деб аталди. Кейин [«насий»] ҳаром этилиб, тубдан бекор қилинди.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Дурайд ал-Аздий «Китоб ал-Вишоҳ»да «Самудийлар²⁶⁶ ойларни бошқа номлар билан атардилар»,— деган. Бу номлар қуйидагилардир:

- | | |
|----------------------------|-------------|
| 1. Мужиб, бу — муҳаррамдир | 7. Ҳавбал |
| 2. Мужир | 8. Мавҳо |
| 3. Мурид | 9. Даймур |
| 4. Мулзим | 10. Добир |
| 5. Мусдир | 11. Ҳайфал |
| 6. Ҳавбар | 12. Мусбил. |

Ибн Дурайднинг айтишича, самудийлар ойларни даймур, яъни рамазондан бошлар эканлар. Абу Саҳл Исо ибн Яҳё ал-Масихий²⁶⁷ бу ойларни ўз шеърда назм қилиб, бундай деган:

Самуд ойлари: маужиб кейин мужир,
Мулзимга мурид ёндошади, кейин мусдир [келади];
Сўнгра ҳавбар келиб, кейин ҳавбал киради,
У иккисидан кейин мавҳо туради, сўнг даймур.
Добир ўтгандан кейин ҳайфал ва мусбил келиб,
Ниҳоят шулар билан ойлар²⁶⁸ тамом бўлади.

Араблар эронликлар каби кунларини алоҳида ном билан атамадилар, лекин улар ўз ойларидан ҳар қайси ойнинг ҳар уч кечасига ойнинг ўша кечалардаги [кўриниш] ҳолати ва нуридан олиб алоҳида ном берганлар. Улар [маълум] ой аввалидан бошлаб, биринчи уч кечани ғурар дердилар, бу «ғурра»нинг жами бўлиб, ҳар бир нарсанинг «ғурра»си унинг аввали демакдир. Баъзилар: «ундоқ эмас, шу уч кечада ҳилол «ғурра»²⁶⁹ сингари кўрингани учун шундай аталади»,— дейдилар.

Кейинги уч кеча [4—6] нуфал дейилган. Бу «танаффала» сўзидан олинган бўлиб, «эҳсон қилиш лозим бўлмаган ҳолда эҳсон эта бошлади» демакдир. Баъзилари иккинчи уч кечани шуҳб²⁷⁰ деб атаган [лар].

Кейинги уч кеча [7—9] туса²⁷¹ дейилган, чунки унинг охиргиси тўққизинчи кечадир. Баъзилари учинчи уч кечани «буҳр»²⁷² деб атаган, чунки бу кечаларда қоронғулик голиб бўлади.

Кейинги уч кеча [10—12] ушар²⁷³ дейилган, чунки уларнинг аввалгиси ўнинчи кечадир.

Кейинги уч кеча [13—15] бийз²⁷⁴ дейилган, чунки улар ой чиқиб турганлиги сабабли аввалидан охиригача оқ бўлади.

Кейинги уч кеча [16—18] боши қора, гавдаси оқ қўйга ўхшатилиб, 64 дура дейилган, || чунки у кечаларнинг авваллари қоронғидир. Буни кийилган совутга ўхшатиш асослироқдир, чунки [совут] кийган киши бошининг ранги баданининг [совут билан ўралган] бошқа қисми рангига мухолиф бўлади.

Кейинги уч кеча [19—21] кўп қисмлари қоронғи бўлганидан зулам²⁷⁵ дейилган.

Кейинги уч кеча [22—24] ҳанодис²⁷⁶ дейилган. Уларни қораликлари сабабли духм²⁷⁷ деб ҳам атаганлар.

Кейинги уч кеча [25—27] даодий дейилган, чунки улар ойнинг «қолдиқ» [кечаларидирлар]. Айтишларича, бу [ном] туянинг юришидан олинган. У бир оёқни олдинга ташлагач, унинг кейинидан шошилиб бошқасини ташлайди.

Кейинги уч кеча [28—30] муҳоқ дейилган, чунки [бу кечаларда] Қамар ва ой тамом бўлади.

Араблар ойнинг бир қанча кечаларини алоҳида номлар билан атаганлар. Масалан, ойнинг охирги кечасида ой кўринмай қолади [шунинг учун бу кеча] сарор²⁷⁸ деб аталади, бу кеча қоронғи бўлганлиги учун фаҳама²⁷⁹ деб ҳам аталади. Бу [кечада] ой кулчаси Қуёшдан қутулиши²⁸⁰ сабабли буни баро²⁸¹ ҳам дейилган. Шунингдек, ойнинг охирги кунини наҳир²⁸² деб атайдилар, чунки у кун ойнинг бўғзига тегади, яъни унинг бўғзида бўлади.

Шунга ўхшаш ойнинг ўн учинчи кечаси саво, ўн тўртинчиси бадр кечаси деб аталади, чунки бунда Ой тўлиб нури ҳам тўла бўлади. Ҳар

нарсга тугал бўлса, «бадр бўлади» дейишади. Чунончи, ўн минг дирҳамни «бадра» дейилган, бу табиий [шундай] бўлмаса ҳам, сўзда маълум ададнинг тамоми ва ниҳоясидир.

Улар, яъни араблар ойларда ҳафта кунларини ишлатардилар. У кунларнинг қадимги номлари мана булар: аввал — яъни якшанба, аҳван, жубор, дубор, муънис, аруба, шиёр. Шоирлардан бири кунларни эслатиб, бундай деган:

Яшашни умид қиламан ва ўлимим²⁸³, албатта,
Аввалда, ё аҳванда, ё жуборда,
Ёки ундан кейин келувчи дуборда, агар бундан ўтсам,
Муънисда, ё арубада ёки шиёрдадир.

Кейин араблар ҳафта кунларини бошқа номлар билан атадилар: ал-аҳад, ал-иснон, ас-сулос, ал-арбио, ал-ҳамис, ал-жумъа, ас-сабт.

Араблар ой бошини ҳилол кўринишидан ҳисоблайдилар. Ислом динида ҳам шундай йўл тутилди. Чунончи олий тангри: «Улар [одамлар] сендан ҳилоллар ҳақида сўраса, булар одамлар ҳамда ҳаж учун вақтларни аниқлайдилар, деб жавоб бер!»²⁸⁴ деган.

Сўнгра бундан бир неча йиллар бурун фалокат юз берди, ёқимсиз аломат ва илмсиз бир гуруҳ пайдо бўлди. Улар [ҳадисни] ўринсиз маънога йўйишга тутунганликлари, равшан маъно олувчиларни рост ва ёлгон гаплар билан койишга киришганликлари сабабли яҳудий ва христианларга назар ташладилар, шунда уларнинг ўз ойларини ҳисоблаб чиқариш ва рўза вақтларини билишда фойдаланадиган жадвал ва ҳисоблари бор эканини, мусулмонларнинг эса, ҳилолни кўришга ва Ойнинг нурга қопланган қисмини ҳамда кўринадиган ярми билан кўринмайдиган ярми ўртасидаги умумийликни кузатишга мажбур эканликларини сездилар. Мусулмонларнинг ҳилол вазиятларини, ботар жойлари ва турган ўринларини, кучлари етганча, синчиклаб текширгандан кейин, унинг кўрилганида [яна] шак-шубҳада бўлиб, ихтилоф қилишлари ва бир-бирларига тақлид этаётганларини аниқладилар.

Сўнгра у гуруҳ астрономия олимларига мурожаат қилдилар. Астрономлар араб ойларининг аввалларини ҳар хил ҳисоблаб, турли жадваллар орқали билиш [ҳақидаги маълумотлар] билан бошланган зиж ва китобларини таълиф этдилар. || [Ҳалиги билимсизлар] у жадвалларни 65 ҳилолларни кўриш учун ишланган гумон қилдилар ва улардан баъзиларини олиб, уни Жаъфар ас-Содиқ²⁸⁵ алайҳиссаломга нисбат бердилар ва бу пайғамбарлик сирларидан биттаси деб даъво қилдилар.

Бу ҳисоблар иккала ёритқичнинг кўришиб турган ҳаракатларига эмас, ўртача, яъни мўтадиллаштирилган ҳаракатларига асослангандир. Улар ой йилининг уч юз эллик тўрт ва олтидан бир куни бўлиб, йил ойларининг олтитаси тўла [ўттиз кундан], олтитаси [ўттиздан] кам бўлишига, зижларда кўрсатилиши ва ойларнинг сифатларига тегишли китобларда баён этилишича, ҳар бир тўлиқ Ойнинг нотўлиқ Ой ёнида туришига асосландилар.

Қачон ўша [жадваллар] орқали рамазон ва шаввол аввалларини аниқламоқчи бўлишса, улар кўпинча лозим вақтдан бир кун олдин бўлиб чиқаверган. Шунда у [нодонлар] хатога [йўл] қўйиб, пайғамбарнинг — худо унга раҳмат ва салом ёғдирсин — «янги Ойни кўриб рўзага кириш ва уни кўриб рўзадан чиқин!» деган сўзини ғалат тафсир қилиб, «янги Ойни кўриб рўзага кириш» сўзининг маъноси «Ой кўрилган куни кеч-

қурун рўзага кириш!» демакдир. Масалан, «Фалончини кутиб олишга тайёрланиш!» дейилганда кутиш учун тайёрланиш олдин келтирилади-ку, дедилар. Яна улар: «Рамазон ойи ўттиздан кам бўлмайди»,— дедилар.

Аммо астрономлар ва [ҳилол] ҳолатига катта эътибор берган кишилар янги ой кўринишининг ҳар вақт бир йўлда бўлмаслигини биладилар, чунки Ойнинг кўринадиган ҳаракати турлича бўлиб, гоҳо суст, гоҳо тез; баъзан у ерга яқин, баъзан узоқ бўлади; бир вақт у шимол ва жануб томонларда юқори кўтарилиб, бир вақт ўша томонларда қуйи тушади. Бу аҳволнинг ҳар бири буржлар фалакининг ҳар қайси нуқта-сида юз бериши мумкин.

Яна бир [далил] шуки, буржлар фалаки қитъаларининг баъзиси тез ва баъзиси кеч ботади, бундай ўзгариш мамлакатлар кенглиги ва ҳаволарининг турлича бўлишига кўра [юз беради]. Бу ҳол жойлар ҳавосининг табиий равишда тоза, ё ҳамisha буғ билан қоришиб хираланиши, ёки кўпинча чаңг-тўзонли бўлиши, ёки ҳавонинг баъзи вақтда қуюқ, баъзи вақтда сийрак бўлишига ва янги Ойга қаровчилар кўзларидаги қувватнинг ўткир ва ўтмасликда тафовут қилишига нисбатан ҳам юз беради.

Шу [айтилган] ҳолларнинг барчаси бири-биридан фарқ қилишига кўра рамазон ва шаввол ойларидан ҳар бирининг аввалида сонсиз шаклларда ва чексиз ҳолатларда учрайди. Шунинг учун рамазон ойи гоҳо [ўттиз кундан] кам ва гоҳо тўла [ўттиз] келади.

Яна у ҳолатларнинг ҳаммаси шаҳарлар кенглигининг ортиши ва камайиши сабабли ҳам ўзгаради. Масалан, шимолий шаҳарларда [рамазон] ойи тўла [ўттиз кун] бўлиб, шу ой жанубий шаҳарларда [ўттиздан] кам ва аксинча бўлади. Сўнгра бу [ҳол] ўша жойларда бир тартибда жорий бўлмайди. Балки у жойларда айнан бир ҳолат бир ойнинг ўзида кетма-кет бир неча марта ва ора-сира юз бериши ҳам мумкин.

Агар у [нодонларнинг], масалан, ўша жадвал ва ҳисоблар билан қилган ишлари тўғри бўлиб, ҳилол кўринишига мувофиқ ёки улар ҳисоблагандек, ундан бир кун олдин келса эди, албатта ҳар бир жой кенглиги учун алоҳида жадвалларга муҳтож бўлардилар. Шу билан бирга [ҳилол] кўринишининг турличалиги фақат кенгликларгагина боғлиқ бўлмайди. 36 || Балки бунда жойларнинг турли узунликда бўлиши [яна ҳам] каттароқ аҳамиятга эгадир. Чунки баъзи шаҳарларда кўпинча янги ой кўринмайди-да, ундан кўра ғарбга яқинроқ бўлган шаҳарда кўринади, баъзан бу [ҳол] иккала шаҳарда бир хил бўлади²⁸⁶. Бу ҳам узунликнинг ҳар бир даражаси учун алоҳида ҳисоб ва жадвал тузишга эҳтиёж туғдирадиган ҳолатлардандир. Шундай бўлгач, у [гуруҳ] айтганидек, рамазоннинг ҳамisha тўла [ўттиз кун] бўлиши, аввал ва охири-нинг, улар ишлатадиган жадвал кўрсатганидек, ернинг одамлар яшайдиган барча қисмида бир хилда келиши мумкин эмас.

Энди уларнинг ривоят қилинган ҳадиси тақозосича, рўза [га кириш] ва рўзадан чиқиш янги ойнинг кўринишидан олдинга қўйилади, деган сўзларига келсак, бу нотўғридир. Чунки «лом» ҳарфи улар айтганидек, келгуси нарсага ишлатилгани каби ўтганга ҳам ишлатилади. Масалан, «фалон ойдан шунча кун ўтганда ёзилган», яъни «шунча кун ўтгандан кейин» дейилса, ёзиш ойнинг ўтган кунларидан олдин вужудга келган бўлмайди. Ҳадис уларнинг сўзларини эмас, шуни тақозо этади. [Пайғамбар] алайҳиссаломдан ривоят қилинган [бу ҳадисга] қарамайсанми, у: «Биз саводсиз кишилармиз, хат битишни ва ҳисоб қилишни билмай-

миз. Ой²⁸⁷ шунча, шунча ва шунча бўлади»,— деган. Пайғамбар бу ишоратларининг ҳар бирида ўз панжасини кўрсатган, яъни ойнинг тўла ўттиз бўлишини билдирган. Кейин яна қайтариб, «шунча, шунча ва шунча бўлади» деганда, учинчисида бошмалдоғини қафтга қайириб, [ойнинг] тўлиқ эмас, йигирма тўққиз кун бўлишини билдирган. Демак, [пайғамбар] алайҳиссалом ойнинг гоҳо тўлиқ, гоҳо кам бўлишини ва «хат битишни, ҳисоб ишлашни билмаймиз» деган сўзи билан, бу [масалада] ҳисоб билан эмас, янги ойни кўриб ҳукм чиқаришни ҳеч кимга яширин қолмайдиган қилиб очиқ айтган.

Агар улар хронологлар сингари ҳисоблаб, [пайғамбар] ҳар бир тўлиқ ойдан кейин тўлиқ бўлмаган ой келади деган маънода у сўзни айтган десалар, кўриниб турган аён [ҳолат], агар буни инкор этмасалар, уларни ёлғончига чиқаради ва бўямачиликларини каттаю кичикка маълум қилади. Шу билан бирга, аввалги ҳадиснинг охири улар даъвосининг бемаъни эканини очиқ кўрсатади. У пайғамбар алайҳиссаломнинг мана бу сўзидир: «Ойни кўриб рўзага кириш, ойни кўриб рўзадан чиқинг, агар осмон булутли бўлса, шаъбон ойини ўттиз кун қилинг!» ёки бошқа ривоятда: «Агар янги ойни кўришингизга булут ёки гард-чанг тўсқинлик қилса, [кунлар] ҳисобини ўттизга тўлдириш!» — дейилган. Гап шундаки, янги ой [нинг] кўриниш куни жадвал ва ҳисоблар орқали ёки зиж муаллифлари тузган йўллар билан билиниб, рўзага кириш ва рўзадан чиқиш янги ойни кўришдан олдинга қўйиладиган бўлганда, агар уфқ булут ёки ғубор билан қопланган бўлса, шаъбон ойини тўла ўттиз қилишга ёки рамазон ойини ўттизга тўлғизишга эҳтиёж тушмасди. Кейин, [рамазон охириги] кунининг рўзасини тутмай, уни ўттизга тўлдириб ҳам бўлмайди. Агар рамазон ойи доимо тўла [ўттиз кун] бўлиб, аввали маълум бўлсайди, шаввол ҳилолини кўришга эҳтиёж қолмас ва пайғамбарнинг: «Янги ойни кўриб рўзадан чиқинг!» деган сўзи бекорчи гап бўларди. Лекин асабият кўрар кўзларни кўр, эшитар қулоқларни қар қилиб, ақл эътироф этмайдиган нарсаларни қабул этишга чақиради. || Шундай бўлмаганда у [гуруҳнинг] хаёлларига бундай фикрлар келмас эди. Яна зайдий шиалари²⁸⁸ — жамоаларини худо ўз паноҳида сақласин — китобларидаги уларнинг олло рози бўлгур бошлиқлари тўғрилаган ривоятларга [қаралсин]. Масалан, ривоят қилинишича, амир ал-мўъминин [Али] алайҳиссалом даврида одамлар рамазон ойида йигирма саккиз кун рўза тутганлар. Кейин у бир кун қазо тутишга буюрган, одамлар қазо [рўза] тутганлар. Шаъбон ва рамазон ойлари баробар ўттиздан кам келгани сабабли шундай ҳодиса юз берган эди, одамлар рамазон ойи бошини кўрадиган вақтда орада қандайдир тўсиқ пайдо бўлган. Шунда улар шаъбонни ўттизга тўлғизганлар ва аҳвол ой охирида маълум бўлган.

Шунингдек, Абу Абдулло ас-Содиқдан²⁸⁹—худо раҳмат ва саломини унга юборсин — ривоят қилинишича, у шундай деган: «Бошқа ойларга етишадиган ортиқлик ва камлик рамазон ойига ҳам етишади». Яна ундан ривоят қилинишича, у: «Шаъбон [аввалини] эсингизда тутсангиз, осмон булутли бўлса, [шаъбон аввалидан] ўттиз кунни санаб рўза тутинг!» — деган. Яна ривоят қилинишича, ундан ҳилоллар нима? деб сўралганида, у: «Ҳилоллар [янги] ойлардир, қачон ҳилолни кўрсанг рўза тут, қачон уни кўрсанг рўзангни оч!» — деган. Шиалар китобида шу хабарларнинг ҳаммаси фақат рўза ҳақида келтирилган.

Пайғамбар авлодидан бўлган — унга ва уларга салом — сайидла-

римиздан киши ажабланади. Улар бу ривоятларга қулоқ тутадилар, шиа бўлиб кўринувчиларнинг кўпчилигининг дилини ўзларига жалб этиш учун у хабарларни қабул этадилар, адашган мухалифларга тарафдорлик қилишдан юз ўгиришда ўз боболари амир ал-мўъминин изидан юрмайдилар, у: «[Одамларни диндан] адаштирувчиларга ёрдам бермадим»²⁹⁰,— деган эди.

Аммо ас-Содиқдан ривоят этилган; «Ражаб ҳилолини кўрганингда эллик тўққиз кунни санаб кейин рўза тут!», яна ундан ривоят қилинган: «Рамазон ойи ҳилолини кўрганингдан кейин уч юз эллик тўрт кунни санаб, сўнгра келгуси [йил] рўзасини тут! Худойи таоло йилни уч юз олтмиш кун қилган, осмон ва ерни яратган олти кунни йилдан истисно этган, бу [олти кун] ҳисобда йўқ» деган сўзига келсак, агар ундан қилинган ривоят дуруст бўлса, албатта ас-Содиқ бунинг бир жойда кўпроқ учратилишидан хабар берган, лекин бу ҳол биз [юқорида] айтгандек, ҳамма жойда бир хил бўлмаган. Олти куннинг [истисно] этилиши сабабига келганда, у ривоятни ёлғонга чиқариб, дурустлигини йўққа чиқарувчи сабабдир.

Уқиган тарихларим орасида шундай бир воқеага кўзим тушди: Куфа шаҳрининг ал-Мансур²⁹¹ давридаги ҳокими Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Сулаймон Маън ибн Зоиданинг тоғаси Абдулкарим ибн Абулавжони қамоққа олди. У киши Моний [маслагидан] эди. Унинг [гуноҳининг] кечирилишини сўровчилар Мадинат ал-Ислом [Куфа] да кўпайиб, Мансурга мурожаат қила бердилар. Ниҳоят Мансур Муҳаммадга: «Ундан кўлингни торт!» деб хат ёзди. Абдулкарим шу мазмунда хат келишини кутарди. Шунда у ўзининг ишончли [кишиси] Абу Жабборга: «Агар амир мени [қатл этишни] уч кун кейинга сурса, унга юз минг дирҳам берар эдим»,— деди. Абу Жаббор буни Муҳаммадга билдирди. Шунда Муҳаммад: «Уни эсимга солдинг, мен унутган эканман, жума намозидан чиққанимда [яна] эсимга сол!» — деди.

8 У [жумадан] қайтгач, || Абу Жаббор унга Абдулкарим ҳақида эслатди. Муҳаммад уни чақириб бўйини узишга буюрди. Абдулкарим ўзининг ўлдирилишини аниқ билгач: «Азбаройи худо! Энди албатта мени ўлдирасиз, мен тўрт минг ҳадис тарқатиб, шуларда ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол қилдим; рўза кунингизни ифтор кунига, ифтор кунингизни рўзага айлантирдим»,— деди. Сўнгра унинг бўйни уздирилди, ҳалиги мазмундаги хат эса кейин етиб келди. Бу динсиз киши у гуруҳ ёпишиб олган ўша маъносиз изоҳ ва асл ривоятларнинг эгаси бўлишга нақадар ҳақли!

Мен билан у гуруҳнинг²⁹² бир кишиси ўртасида улар асосланадиган ҳадис ҳақида тортишув бўлди. Айтиб ўтилган хулосаларни унга исбот эдим. Охирда у буларнинг ҳаммаси [араб] тили қондаларидандир, араб тили билан шарият ва унга эргашувчилар ўртасида узоқ масофа бор, деб [билимдонлик] изҳор этди. Мен унга: «Худо сени саломат қилсин! Тангри ва унинг элчиси бизга араблар ўртасида машҳур бўлган тил билан мурожаат қилмаганми? Аммо сен билан араб тили ораси жуда узоқ²⁹³. Балки сен шарият илмидан ҳам узоқсан, [шарият ва унга эргашувчиларни] қўйгинда, астрономия олимларига мурожаат қил! Улар ҳаммаси сенинг рамазон ойи ҳамиша тўла бўлиши ҳақидаги сўзингга қарши чиқадилар ва: «Албатта [буржлар] фалаки ҳамда икки ёритқич²⁹⁴ рамазон ойини мусулмонлар рўзага ҳос қилганларидек, ойлар орасидан

ажратиб, ўзларининг тез ёки суст ҳаракатлари вақтига хос қилмайдилар, дейишади»,— деб айтдим.

Лекин жўрттага ўз сўзида туриб олган билимсиз киши билан баҳслашиш на мақсад эгасига ва на мақсадга бирон фойда еткизмайди. Худойи таоло: «Агар улар осмондан тушаётган парчани кўрсалар [ўжарликларидан] уни «ўйилган булут» дейдилар²⁹⁵. «Агар сенга қоғоз [битилган] китоб туширсак, улар шуни қўллари билан тутиб кўрсалар, албатта, кофирлар «бу очикдан-очиқ сеҳрдан бошқа нарса эмас дер эдилар»²⁹⁶,— деган. Тангри бизни ҳақиқатга интилувчи ва унга ёрдам берувчилардан, ноҳақликни енгувчи ва уни фош этувчилардан қилсин!

Энди [халифа] ал-Муътазид ойларига келсак, уларнинг номлари ва тартиблари эронликларникининг айнан ўзидир, лекин уларда эронликлардаги кунлар [номлари] ишлатилмайди. Чунки ал-Муътазид ойларидаги қўшимча кунларга ҳар тўрт йилда [яна] бир кун қўшилади. Биз мисрликлар ойлари ҳақида [юқорида фикрлар] баён этганимиз учун ал-Муътазид ойларида ҳам номлар ишлатилмаган. Бу ойларга кабиса қўшиш тартиби румликлар ва сурияликлар кабисаларига мувофиқдир.

Ҳинд, хитой, тибат, турк, хазар, ҳабаш ва занги²⁹⁷ каби бошқа миллатларнинг ойларига келсак, гарчи улардан баъзисининг номлари бизга аниқ маълум бўлса ҳам, то уларнинг барчасини билиш вақти келгунча баён этишдан тўхтадик, чунки шубҳани аниқ ва номаълумни маълумга қўшиш биз юрган йўлга лойиқ эмас. Юқорида айтиб ўтилган ойларнинг

Ойлар жадвали

Кубо аҳолиси	Бухортак аҳолиси	Янги ойни кўриб ойларнинг бошланиши белгиланади		Ойларнинг бошланиши янги ой кўринишидан. Биринчи ой даймур; бу рамазон ойдир	Бошланиши баҳорги кеча кундуз баробарлиги атрофида воқе бўладиган янги ой кўринишидан
		Ислом [дини] даги араблар	Жоҳилиятдаги араблар	Самудийлар	Яҳудийлар
Х-л-в	И-в-с-р-д	Мухаррам	Мутамир	Мужиб	Тишрий
А-в-и-н	Ф-д-и-н-в-с-р-д	Сафар	Ножир	Мужир	Мархешвон
Х-х-ш	С-о-ф-в-л	Раби ал-аввал	Хаввон	Мурид	Кислев
Л-в-л-и-а	С-о-ф-т	Раби ас-соний	Буссон	Мулзим	Тибат
Л-в	Ав-р-ис	Жумод-ал уло	Хантам	Мусдир	Шабат
Н-р	И-с-н	Жумод-ал ухра	Заббо	Хавбар	Азар
М-х-р	И-с-к	Ражаб	Асам	Хавбал	Найсон
А-л-м-а	Ж-д-л	Шаъбон	Одил	Мавхо	Ияр
Н-в-о	Х-и-а-т	Рамазон	Нофиқ	Даймур	Сиван
Ф-қ-а-х	С-и-в-н	Шаввал	Вағл	Добир	Таммуз
Б-н	И-ж-н-д	Зулқаъда	Хуво	Ҳайқал	Авб
А-в-нах	Д-р-и-м-н Кон	Зулҳижжа	Бурак	Мусбил	Айлуд

номларини улар эса сақланиб ўз жойида фойдаланилсин, деб жадвалларда кўрсатдик. Худо ҳақ ва ҳақиқатга муваффақ этувчидир.

Ойларнинг бошланиши— биринчи Наврўз		Ойларнинг бошланиши— иккинчи Наврўз		Турк жадвали	Шартли ва бирор нарсага нисбат берил- майдиган кун- дан бошланади- ган ойлар
Эронликлар	Қадимги си- жистонликлар	Сугдийлар	Хоразмлик- лар	Турклар	Сурияликлар
Фарвардин моҳ	К-в-о-з	Н-в-с р-д	Навсоржи	Сичқон	Тишрин ав- вал
Урдибиҳишт моҳ	Р-х-в	Ж-р-ж-н	Ар-д в с-т	Уд	Тишринохир
Хурдод моҳ	А-в с-о-л	Найсанж	Х-р-в дод	Барс	Канун аввал
Тир моҳ	Т-и-р-к-и-а- н-во	Н-со-к-н- ж	Жирий	Товушқон	Канун охир
Мурдод моҳ	С-р-и з-во	А-ш-но-х- н-д-ах	Х-м-д-од	Луй	Шубот
Шахрвар моҳ	М-и-р-з-во	М-р-х-нд	Ах-ш-ри- в-ри	Йилон	Озор
Меҳр моҳ	М-з-в-р	Н-ғ кон	А-в-м-ри	Юнт	Найсон
Обон моҳ	Х-р-а-н-во	Абанж	То-но-х-н	Қуй	Айёр
Озор моҳ	А-р-к-и-а-з- во	Фуғ	А-р-ий	Пичин	Хазирон
Дай моҳ	К-р-а-ш-т	М-со-фуғ	Р-и м-з-д	Товуқ	Таммуз
Бахман моҳ	К-р-с-н	Жимда- ниж	Ах-м-н	Ит	Об
Исфандиёр- муз моҳ	С-а-р во	Х-т-в-м	Испандо- рамжий	Тунғиз	Айлул
Бошланиши сурияликлар ойларининг канун охир авва- лидан [бўладиган] йиллар		Кабисали йил бошлани- ши 29 обдан, кабисасиз- ники дай моҳ аввалидан		Ойлар бош- ланиши ба- ҳорги кеча- кундуз ба- роварлигига тўғри кела- диган [Қуёш ва Ой] уч- рашуви	Буларнинг миқ- дорлари, маъ- нолари ва кай- фиятларидан воқиф бўлма- дим
Румликлар	Юнонликлар	Мисрликлар	Мағриблик- лар	Ҳиндлар	Турклар
Январийус	А-в-р-д-р- нос	Тот	Моя	Б-и-ш-а-к	Улуғ ой
Фебрурийус	Модутоус	Фауфий	Юна	З-и-ш-т	Кичик ой
Мартийус	Д-с-т-р-с	Асур	Юлия	А-а-с-оф	Биринчи ой
Афилийус	Ксантиқус	Квоақ	Ағушт	С-р-а-в-а-	Иккинчи ой

Бошланиши сурияликлар ойларининг канун охир аввалидан [бўладиган] йиллар		Кабисали йил бошланиши 29 обдан, кабисасизники дай моҳ аввалидан		Ойлар бошланиши баҳорги кечакундуз бараварлигига тўғри келадиган [Қуёш ва Ой] учрашуви	Буларнинг миқдорлари, маънолари ва кайфиятларидан воқиф бўлмадим
Румликлар	Юнонликлар	Мисрликлар	Мағрибликлар	Ҳиндлар	Турклар
Моюс	Артмосоус	Туфий	Сатанбар	Б-ҳ-д-р-б-д	Учинчи ой
Юниюс	Досоус	Мокир	Уктубар	А-с-в-ж	Тўртинчи ой
Юлиюс	А-ано-м-с	Фамонут	Нуванбар	К-а-р-с	Бешинчи ой
Августус	Л-в-ос	Фармутий	Дахамбир	М-н-к-с	Олтинчи ой
Сатириюс	Ғ-р-б-и-ос	Бахун	Янаир	Б-в-ш	Еттинчи ой
Тамбриюс	А-в-б-рфо-ротоус	Бафуний	Фебраир	М-а-к	Саккизинчи ой
Новомбриюс	Диос	Абифий	Марса	Б-а-к-р	Тўққизинчи ой
Дамбриюс	А-б-ло-ус	Мосурий	Абрир	Ж-и-т-р	Ўнинчи ой

БАЪЗИ ТАРИХЛАРНИ БОШҚАСИДАН ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ,
ПОДШОҲЛАР ТАРИХЛАРИНИНГ [БОШЛАНИШИ]
ВА ПОДШОҲЛИК МУДДАТЛАРИГА ОИД ТУРЛИ РИВОЯТЛАР
ҲАҚИДА СЎЗ

Бу китобда мен мўлжаллаган мақсад энг тўғри ва энг равшан йўл билан турли тарихлар муддатини аниқлашдир. Агар мен зиждларда жорий этилган турли амаллар, хилма-хил ҳисоблар ишлатиш ва мисоллар келтириш одатига кўра тарихларнинг баъзисини бошқасидан ҳисоблаб чиқариш [усулини] кўзда тутсам, бу ҳақда сўз кўпаяди ва ҳаммасини тугал баён этиш ўзимни ҳам, бошқани ҳам қийналишга мажбур этади²⁹⁸. Бу китоб аввалидан бошлаб мен тутган йўлга мос келадигани шуки, ишлатилаётган тарихлар бошлари ораларидаги тафовутни миқдорлари барча миллатлар қошида турлича бўлмайдиган ўлчагичлар, яъни кунлар билан аниқлайман. Чунки йиллар ва ойларнинг миқдори биз айтгандек [барча халқларда] бир хил эмас. [Тарихлар бошланишидан] бошқа нарсалар умуман, йиллар билан кўрсатилиб, улар орасидаги муддатни билишда шу билан кифояланилди, чунки [у тарихлар] йилларининг ҳақиқий кайфиятини билиб бўлмайди ва уларни ишлатишга унча эҳтиёж ҳам йўқ.

Гарчи биз [бу китобнинг] баъзи жойларида турли фанларга ўтиб, баёнимизга алоқаси узоқ [масалаларга] киришиб кетсак ҳам, бу гапни чўзиш ва кўпайтириш мақсадида эмас, балки ўқувчини зериктирмаслик учундир. Чунки доимо бир хил нарсага қарай бериш малоллик ва сабрсизликка олиб келади. [Ўқувчи] фандан фанга ўтиб турса, турли боғларда юрганга ўхшайди, бирини кўриб улгурмай, бошқаси бошланади ва у киши «ҳар бир янги нарсада лаззат бор» дейилганидек, уларни [кўришга] қизиқади ва кўздан кечиришни истайди.

Энди «китоб аҳллари»нинг Одам, унинг ўғиллари ва авлоди ҳақидаги ривоятларини бошлаймиз. Уларни айтиб бериш энгил ва [китоб аҳллари] ихтилофларини атрофлича ўрганиш осон бўлиши учун уларни жадвалларда кўрсатамиз, яҳудий ва христианлар сўзларини бир-бирига рўпара турсин деб жадвалларга тўпладик. [Бу ишда] худодан ёрдам,
74 тўғри йўлга йўллаш ва муваффақият сўраймиз.]]

Бу йилларни то Иброҳим алайҳиссалом давригача кўздан кечирган киши [яҳудий ва христианлар] сўзлари ўртасидаги ихтилофнинг нақадар зўр эканини кўради. Яҳудийлардаги [Таврот] нусхасига келганда,

Одам 'болаларининг аввалгисидан охиргисигача тарих туташадиган исмлари ва уларнинг даврлари ҳақида аҳли китобнинг ихтилофлари	Христианлар ай-тишича, уларнинг фарзанд кўргунларича кечирган умрлари	Христианлар сўзи-ча, та-рих йил-ларининг жами	Яҳудий-лар сўзи-ча, улар-нинг фар-занд кўргун-ларича кечирган умрлари.	Яҳудийлар сўзи-ча, уларнинг ҳар бирларининг фар-занд кўрган-дан кейин қанча яша-ганлари	Яҳудий-лар сўзи-ча, улар-нинг ҳар бирларининг умрлари	Яҳудий-лар сўзи-ча, тарих йилларининг жами
Инсонлар отаси						
Одам, Шис туғилгу- нича	230	230	130	800	930	130
Шис ибни одам,						
Ануш туғилгунича	205	435	105	807	912	235
Ануш ибн Шис,						
Қайнон туғилгунича	190	625	90	815	905	325
Қайнон ибн Ануш,						
Маҳлоил туғилгу- нича	170	795	70	840	910	395
Маҳлоил ибн Қай- нон, Ярид туғилгу- нича	165	960	65	830	895	460
Ярид ибн Маҳло- ил, Ахнух туғилгу- нича	162	1122	162	800	962	622
Ахнух ибн Ярид,						
Матушолиҳ туғил- гунича	165	1287	65	300	365	687
Матушолиҳ ибн						
Ахнух, Ламак ту- ғилгунича	167	1454	187	782	969	874
Ламак ибн Мату- шолиҳ, Нуҳ туғил- гунича	188	1642	182	595	777	1056
Нуҳ ибн Ламак,						
Сом туғилгунича	500	2142	500	450	950	1556
Сом ибн Нуҳ, ту- фон бўлишигача	100	2242	100	500	600	1656
Тўфондан, Арфах- шад ибн Сом ту- ғилгунича	2	2244	2	0	0	1658
Арфахшад ибн						
Сом, Шолиҳ туғил- гунича	135	2379	35	463	498	1693
Шолиҳ ибн Ар- фахшад, Обир ту- ғилгунича	130	2509	30	460	490	1723
Обир ибн Шолиҳ,						
Фолиғ туғилгунича	134	2643	34	396	430	1757

Одам болаларнинг аввал-гисидан охиригисигача тарих туташадиган исмлари ва уларнинг даврлари ҳақида аҳли китобнинг ихтилофлари	Христианлар айтишича, уларнинг фарзанд кўргунларича кечирган умрлари	Христианлар сўзича, тарих йилларининг жами	Яҳудийлар сўзича, уларнинг фарзанд кўргунларича кечирган умрлари	Яҳудийлар сўзича, уларнинг фарзанд кўргундан кейин қанча яшаганлари	Яҳудийлар сўзича, уларнинг ҳар бирларининг умрлари	Яҳудийлар сўзича, тарих йилларининг жами
Фолиғ ибн Обир, Арғу туғилгунича	130	2773	30	179	209	1787
Арғу ибн Фолиғ, Сориг туғилгунича	132	2905	32	175	207	1819
Сориг ибн Арғу, Ноҳур туғилгунича	130	3035	30	170	200	1849
Ноҳур ибн Сориг, Торах туғилгунича	79	3114	29	119	148	1878
Торах ибн Ноҳур, Иброҳим туғилгунича	75	3189	70	135	205	1948

гарчи у Иброҳим, Исҳоқ, Ёқуб, Лови, Қоҳит ва Мусоларнинг неча йилдан умр кўрганликларини айтса ҳам, фарзанд кўргунларича неча йил ва ундан кейин неча йил умр кечирганликларини батафсил айтмаган, фақат Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубларники кўрсатилган, холос.

[Тавротнинг] айтишича, Иброҳим юз ёшга кирганида ундан Исҳоқ дунёга келган ва шундан сўнг у [яна] етмиш беш йил яшаган. Исҳоқ олтинчи ёшга кирганида ундан Ёқуб туғилган. Ёқуб ўз ўғиллари билан Мисрга келганида бир юз ўттиз ёшда бўлган ва шундан кейин у [яна] ўн етти йил яшаган.

Демак, яҳудийларнинг, Иброҳим туғилганидан то Мусо — иккови-га салом — туғилгунича тўрт юз йигирма йил ўтди, Мусо саксон ёшга кирганида Бани Исроил билан Мисрдан чиқди, деган сўзларига қараганда Бани Исроил Мисрда икки юз йигирма йил²⁹⁹ турган. Лекин Тавротларининг иккинчи сифрида Бани Исроилнинг Мисрда турган муддатининг жами тўрт юз ўттиз йил кўрсатилган. Яҳудийлардан бунинг сабаби сўралса, улар: «Бу муддат худо Иброҳим билан аҳд тузиб, уни кўп қабилалар отаси қилишга ва унинг авлодини Қанъон ерига эга қилишга ваъда берган кундан ҳисобланади», — деб даъво қиладилар. Сўзларининг тўғри ёки нотўғрилигини худо яхшироқ билади.

Бундан ташқари [юқорида] баён қилганимиз уч нусха Тавротнинг тарихлар хусусидаги ихтилофлари ҳам ўз ҳолатида турибди. [Яҳудийларнинг] йил ҳисобларига унча эътибор бермаганликларига энг равшан далиллардан бири шуки, дастлаб улар ўзларининг Мисрдан чиқишларидан то Искандар зуҳур этгунича кабиса билан тузатилган тўла минг йил ўтганига келишганлар ва йиллар кайфиятини ҳисоблаб чиқаришда шунга асосланганлар. Агар биз уларнинг Тавротдан кейинги китобларидан Мусо ибн Имрон алайҳиссаломдан кейинги ҳукмдорларидан ҳар бирининг [ҳукмронлик] йилларини олиб жам қилсак, Байтулмақаддаснинг иккинчи марта бино бўлишига келганда [бу сон] минг йилдан шу қадар

ошиб кетадики, тарихлар ишида бундай ҳодисаларни кечириб бўлмайди. Агар кам чиқса эди, ишни икки ҳукмдор ўртасидаги бир муддат ҳисобланмай қолганига йўйиларди. Аммо ошиқча чиқишига илож топиш қийин.

Бу хил саволларга жавоб бериш уларни чарчатгач, баъзилари у йилларни Яҳудо авлоди³⁰⁰ тарихларида аниқланганини, ўзларида у тарихлар бўлмай, Рум томонларига олиб кетилганини айтдилар. Чунки Бани Исроил Сулаймондан кейин икки жамоага ажралдилар; Яҳудо ва Бинемин қабиласи ўзларига Сулаймон авлодини ҳукмдор қилдилар. Қолган ўн қабила эса ўзларига Сулаймон ўғли Раҳабаанинг озод қули Юрбаамни ҳукмдор этдилар. Юрбаам уларни йўлдан оздирди, бу ҳақда яҳудийларнинг байрамлари [бобида] гапирамиз. Сўнгра Юрбаам авлоди ҳукмдор бўлиб, ҳалиги икки жамоа ўртасида уруш бошланди.

Яҳудий солноmalarıда баён этилишича, уларнинг Мисрдан ат-Тихга бориш ва иккинчи марта Байтулмуқаддасга йўл олиш учун Қизил денгиздан ўтган || ҳукмдорларининг йиллари ана шулар.— Ат-Тих Ҳижоздаги саҳродир³⁰¹.

75

Яҳудийларнинг «Сидир Улом»³⁰² деб атайдиган китоби бор,— бунинг тафсири «Олам йиллари» демакдир.— Унда [йиллар] Тавротдан кейинги тарих китобларида айтилгандан камроқ кўрсатилиб, айрим [жойлари] яҳудийларнинг аввалги сўзларига яқинлашади. Яҳудийлар китобларининг икки туридаги [йилларни] қуйидаги жадвалга тўпладик.

Байтулмуқаддас биниси қурилгунича ўтган ҳукмдорлар, амалдорлар, қоҳинлар ва қозиларнинг исмлари; бу [муддат] тўрт юз саксон йилдир	Тарихлар китобига кўра улардан ҳар бирининг ҳукмдорлик муддати	У [ҳукмдорлар] йилларининг жами	„Сидир Улом“ китобига кўра улардан ҳар бирининг ҳукмдорлик муддати	Йилларнинг жами
Бани Исроил Мисрдан чиқиб, то Мусо ўлгунича „Тих“да турдилар	40	40	40	40
Мусодан кейин Исо ибн Нун	27	67	27	67
Атниёл ибн Қиноз	40	107	40	107
Ағлун—Бани Аммунодан [чиққан]				
Мавоб ва Амолиқа подшоҳи	18	125	—	—
Айхуд ибн Гиро—Ифроим авлодидан, ўнг қули шол [бўлган]	80	205	80	187
Шамкор ибн Анад	20	225	—	—
Хотин пайғамбар—Дабур ва унинг ўринбосари Бороқ	40	265	40	227
Ғалаба қозонган Мадян аҳолиси				
Маншо авлодидан Жизъун ибн Афро	7	272	7	234
Абимилик ибн Жизъун	7	312}	43	277
Тўлаъ ибн Фуо—Ифрим авлодидан	3	315}		
Ёирил Жилодий—Маншо авлодидан	23	338}	44	321
Бани Аммуно—Филшоди, улар фаластинликлардир	22	360}		
	18	378	18	339

Байтулмақадас биноси қурилгандан кейин то унинг биринчи марта вайрон бўлганига қадарги Бани Исроил подшолари ва бошлиқларининг исмлари, у муддат тўрт юз ўн йил	Тарихларки-тобига кўра улардан ҳар бирининг бошлиқ бўлган муддати	У [ҳукмдорлар] йилларининг жами	„Сидир Улом“ китобиغا кўра улардан ҳар бирининг бошлиқ бўлган муддати	Йиллар жами
Яфтаҳ Жилодий	6	384	6	345
Абсун—Байтуллахмдан, у—Нахшун ҳам дейилади	7	391	7	352
Илун	10	401	10	362
Абдун ибн Ҳилол	8	409	8	370
Фаластин аҳолиси	40	449	—	—
Қудратли Самсон—Дон қабиласидан	20	469	20	390
Раиссиз [яхудийлар]	10	479	—	—
Илиё—коҳин	40	519	40	430
Шамуилга пайғамбарлик келгунича тобут душманлар қўлида бўлган	10	529	10	440
Шамуил, [яхудийлар] ундан ўзлари учун подшоҳ танлаб беришини сўрадилар. у Толутни танлаб берди	20	549	—	—
Шовул, яъни Толут	20	569	20	442
Довуд, ўз подшоҳлигининг ўн биринчи йилидан [бошлаб] ибодатхонани бино эта бошлади	40	609	40	482
Сулаймон ибн Довуд, то у ибодатхонани тамом қилгунича	3	612	3	485=
Сулаймон ибн Довуд—Байтулмақадас қурилганидан кейин	37	649	37	522
Рабаом ибн Сулаймон	17	666	17	539
Абиё ибн Рабаом	3	669	2	541
Осо ибн Абиё	41	710	41	582
Яҳушофот ибн Осо	25	735	23	605
Яҳуром ибн Яҳушофот	8	743	6	611
Аҳзиё ибн Яҳуром	1	744	11	622
Аталиё, то уни Ёввош ўлдиргунича	6	750	6	628
Ёввош ибн Аҳзиё, то уни ўз дўстлари ўлдиргунича	40	790	40	668
Амусиё ибн Ёввош, то ўлдирилгунича	29	819	29	697
Узиё ибн Амусиё, то вафот этгунича	52	871	52	749
Юсом ибн Узиё, то вафот этгунича	16	887	16	765
Ахоз ибн Юсом, то вафот этгунича	16	903	16	773
Ҳизқиё ибн Ахоз—барча қабила-лар подшоҳи	29	932	29	802
Маншо ибн Ҳизқиё	55	987	55	857

Аммун ибн Маншо	2	989	2	859	
Юшиё ибн Аммун, то уни Миср подшоҳи ўлдиргунича	31	1020	31	890	
Яҳвоҳос ибн Юшиё, то уни Миср подшоҳи асир этгунича	3	1023	—	—	
Яҳуёқим ибн Яҳвоҳоз—у Миср подшоҳи томонидан қўйилган	10	1033	11	901	78
Яҳуёқин ибн Яҳуёқим, то уни Бухтанассар асир олгунича	3	1036	—	—	
Сидқиё, то у Бухтанассарга қарши бориши, Бухтанассар уни ўлдириб, Байтулмуқаддасни вайрон қилгунича	6	1042	11	912	
Байтулмуқаддаснинг вайрона ҳолида туриши	70	1112	70	982	
Айтилишича, асирликдан Дониёлгача	90	1202	90	1052	
Дониёлдан Исо алайҳиссалом туғилгунича	483	1685	483	1535	
Исо туғилишидан то Муҳаммад ҳижрати тарихигача—икковига тангрининг раҳматлари бўлсин	600	2285	600	2135	

Бани Исроил каби неча марталаб асирликка ва қатли [омга] учраган бир миллатда шундай ихтилоф бўлишини инкор этиб бўлмайди. «Эмизувчилари эмизаётганини унутаётган ва ҳомиладорлари ҳамлини ташлаётган»³⁰³ бир вақтда, у миллатнинг бундай ишларни қўйиб, бошқа нарса билан машғул бўлиши [ҳақиқатга] яқин ва зарурроқдир. Яна Сулаймон ибн Довуд вафотидан кейин ҳокимият ва бошқариш ишлари бир қабила [қўлида] қолмай, бўлиниб кетди. Бир қисми Яҳудо ва Бинёмин қабиласига, бир қисми Бани Исроилнинг бошқа қабилаларига ўтди.

Кейин улар сиёсат тартиби, подшоҳлик ва бошқариш интизомида ҳар бир ҳукмдорнинг тахтга ўтирган вақтини эсда тутиш ва ҳукмдорлик муддатини жамлашга муҳтож эмас эдилар, буларни фақат тахминан ҳисоблардилар. Шу билан бирга, баъзилари Лўт қавмидан бўлиб, ал-Ҳазирага³⁰⁴ подшоҳ бўлган Кушонни Юшаъдан кейин яҳудийлар устидан ғалаба қозониб, уларни саккиз йил қўл остида ушлаб турган, кейин Асиёёл раис тахтга ўтирганини айтишади. Баъзилари унинг подшоҳлик [муддатини] кўпроқ ҳисобласалар, бошқалари камроқ кўрсатадилар. Кўпинча баъзилари «Фалон киши яҳудийларга шунча йил ҳукмдор бўлди» деса, баъзи бирлари «унинг ҳукмронлиги камроқ, бу [кўрсатилган сон] яшаган ҳаётининг миқдори»,— дейди. Баъзан шундай ҳам бўладики, эсга олинган икки муддатга биргаликда ҳукмронлик қилган икки кишининг даври тўғри келади.

«Сидир Улом» китобида айтилганлар, гарчи [юқоридаги умумий] гапларга яқин бўлса ҳам, тафсилда муҳолифдир, яъни мен яҳудийларнинг [Байтулмуқаддаснинг] илк қурилиш вақтини [белгилашдаги] ихтилофларини айтмоқчиман, уларнинг биз айтиб ўтган [аҳволлари] ҳақидаги шубҳа бундан мустаснодир.

Айрим жоҳил «ҳашвийлар» ва аҳмоқ «даҳрийлар»³⁰⁵ илгари ўтган халқларнинг тавсиф этилган умрларининг узунлигини, айниқса Иброҳим алайҳиссалом замонидан олдингилар ҳақида айтилганларни инкор этадилар. Ўз замонларида кўраётганларига қиёс қилиб, илгаригиларнинг гавдалари катталиги ҳақидаги ҳикояларни ёқтирмайдилар ва ёмон кўрадилар; бундай нақлларни имконият чегарасидан мумкин эмаслик соҳасига кўчирадилар. Улар болалар туғилгач, қанча умр кўришлари ҳақида астрологлардан эшитган энг кўп «ёритқичлар ҳадяси»³⁰⁶ ҳақидаги нарсаларни асос қилиб оладилар.

Асослари шуки: || маволидда (болалар туғилган вақтда) Қуёш «ҳайлож» ва «кадхудо» бўлса, яъни ўз «уйи» ёки «баландликда» бўлиб, 79 «ватад» ва «рубъи музаккари мувофиқ»³⁰⁷ да бўлса, у энг кўп йилни — бир юз йигирма йилни [туғилган болага] ҳадя қилади. Бунга Ой йигирма беш йил, Зухра саккиз йил, Уторид йигирма йил³⁰⁸, Муштарий ўн икки йил қўшади. Бу улардан ҳар бирининг энг оз йилидир. Чунки улар [туғилган болага] «мувофиқ назар»³⁰⁹ ташлаганларида бундан кўпни орттирмайдилар. Икки наҳс юлдузи³¹⁰ улар [қаторидан] тушади³¹¹ ва [йиллар сонини] ҳеч камайтирмайди. «Раъс»³¹² Қуёш билан бир буржда бўлади-ю, буржнинг [Қуёш] тутилиш чегараларида бўлмайдиган даражада Қуёшдан узоқда туради. Шундай бўлгач, [«раъс»] ҳам Қуёш ҳадясининг тўртдан бирини, яъни ўттиз йилни қўшади. Натижада буларнинг жами икки юз ўн беш йил бўлади. Айтишларича, агар [умрни] бирор нарса қирқмаса, инсон эришадиган энг узун умр шудир. Табиий умр эса бир юз йигирма йилдир, чунки олам Қуёш билан барпо ва бу адад унинг энг кўп йилидир.

У кишилар³¹³ ўз даъволари фойдасига шундай ҳукм чиқардилар. «Агар ҳақиқат уларнинг хоҳишларига тобе бўлганда, осмон ва ер хонавайрон бўлар эди»³¹⁴. Улар тушунчаларида шундай нарсага асосланадиларки, астрологлар унинг қаршисини айтадилар. Улар бу ёритқичларнинг улуг йиллари бор дейдилар ва ўз китобларида: ҳукмронлик юқори даражали ёритқичларда³¹⁵ бўлганда оловга тегишли буржларда³¹⁶ ёритқичларнинг [мавлидларга] мингларча йиллар берганларини, Қуёш ва Зухра йиллари узоқ умр кўрган деб зикр қилинган [кишилар] умридан анча кўп эканини айтганлар.

Уларнинг астрологиядаги сўзи ишончли ва пешқадамлиги инкор этилмайдиган Мошоолло³¹⁷ номли устозларининг даъво қилишича, қишининг туғилиш вақти қироннинг бир учбурчакдан³¹⁸ иккинчисига ўтган, толе³¹⁹ эса Зухал ва Муштарийнинг икки хонасининг бири бўлган, кундузи Қуёш, кечаси Ой «ҳайлож» бўлган вақтга тўғри келса ва Ой ғоят даражада қувватли бўлса, у кишининг «ўртача қирон»³²⁰ йилларича умр кўриши мумкин.

Агар шу хил туғилиш вақти қироннинг Ҳамалга ва унинг учбурчакларига ўтган ва далолат айтиб ўтилгандек бўлган [вақтга тўғри] келса, туғилган боланинг «қирон аъзам» йилларича, яъни тўққиз юз олтмиш йилга яқин, токи қирон ўз жойига қайтгунича³²¹ яшаши мумкин. [Мошоолло] ўзининг маволид ҳақида ёзган китобининг аввалида бу ҳақда очиқ ва равшан гапиради. [Ҳашвий ва даҳрийларнинг] «ёритқичлар ҳадялари»га асосланишлари мана шу.

Менинг «Бўяма гапларга қарши огоҳлантириш»³²² номли китобимда ёритқичлардан ҳар бири тавсиф этилган бу йиллар ҳақида шўлардан фойдаланувчи астрологлар билан бўлган сўзим бор. «[Кишилар]

руҳларига шифо берувчи қуёшлар китоби»³²³ [асарим] да у йилларни ишлатишдаги энг яхши усуллардан фойдаланиш учун қўлланма кўрсатдим. Кейин, фақат ҳозирда кўрилаётганлар ва уларга қиёс қилиш [илгариги кишиларнинг] узоқ умр кўрганлари, гавдалари катта ва улар ҳақида тарих китобларида айтилганларнинг аксари мумкинлигини инкор этмайди. Чунки буларга ўхшаш ҳодисалар [турли] замонда ҳар хил турда юз бериб туради. Бу ҳодисалардан айримларининг маълум вақтлари бўлиб, кетма-кет ўша вақтларда юзага чиқади ва мумкинлик даражасига етгач, ўзгаришга учрайди. Уларнинг вужудга келган вақтини кўрмаган киши [бундай ҳодисани] ақлдан узоқ ҳисоблайди || ва кўпинча уларни рад этишга шошади.

80

Жониворларнинг бир-биридан наслланиши, дарахтларнинг ҳосил бериши, экин ва меваларнинг пайдо бўлишидан иборат [вақт-вақти билан] айланиб келувчи барча ҳодисалар шу [ақлга сиғмайдиганлар] жумласига киради. Башарти [дарахтлар] аҳволидан хабарсиз бўлган бир кишини барглари тўкилган дарахт олдига олиб келиб, дарахтнинг кўкариши, гуллаши, мева қилиши ва бошқалар ҳақида унга тушунтириш имкони бўлса, албатта у ўз кўзи билан кўрмагунича [бундай ҳодисани] ақлдан узоқ билади. Шимолий мамлакатлар [да яшайдиган] кишиларнинг хурмо, зайтун, мирт [ос] ва шунга ўхшаш дарахтларнинг қишда қўкариб, яшнаб туришига ажабланишларига даъват қилувчи сабаб ҳам шудир, чунки улар бунга ўхшашларни ўз мамлакатларида кўрмаганлар.

У ҳодисалардан баъзиси [турли] замонларда давр билан тартибсиз юзага чиқмай, тасодифий юз беради. Тасодифан юз берган [ҳодиса] вақти ўтгач, унинг фақат хабари қолади, холос. Бундай хабарлар ростлигига шартлар мавжуд бўлса ва уларнинг ўтган замонда юз бериши мумкин [нарсаси] бўлса, гарчи унинг қандай вужудга келиши хаёлга келтирилмаган ва сабаби билинмаган бўлса ҳам, бундай хабарни қабул этмай чора йўқ.

Баъзилари шундай ҳолатда юз берса ҳам, лекин улар ўз турларидаги тартибдан чиқиб кетгани сабабли «табиат янглиши» деб аталади. Мен уларни бундай ном билан эмас, балки «модданинг мўътадил миқдордан сиртга чиқиши» деб атаган бўлардим. Масалан, ортиқча аъзоли ҳайвонлар учратилиши мана бундай бўлади: ҳайвонлар жинсларини ўз ҳолича сақлашга вакил қилинган табиат ортиқча модда учратган вақтда, уни бекор қолдирмай, ундан бир сурат ясади. Аъзоси нуқсонли бўлган ҳайвонларга келсак, табиат бир шахс суратини унинг ўз жинси шаклида тугал тайёрлашга модда топмаса, уни аъзо нуқсонлигига зарар етказмайдиган ва руҳ кучига яраша тинчланадиган суратда тайёрлайди.

Собит ибн Синон ибн Собит ибн Қурранинг³²⁴ йил ҳисоблари ҳақида ёзган китобида келтирган ҳикояси бунга мисолдир: у Сурра Ман Рао³²⁵ шаҳри яқинида [янгигина] тухумдан чиққан ҳинд жўжасини кўрган, унинг яратилиши тўла-тўкису, аммо иккита тумшуғи ва учта кўзи бўлган.

[Собитнинг] яна нақл қилишича, Тузуннинг³²⁶ амирлик [қилган] вақтида унинг олдига юзи инсон юзи сингари кулчасимон, иккала жағи ва тишлари ҳам инсонникига ўхшаш бир кўзли ва пешонасида думга ўхшаш нарсаси бўлган ўлик эчки боласини олиб келишган.

[Собит] яна ҳикоя қилади: Бағдоднинг ал-Муҳаррам маҳалласида

бир бола туғилиб, ўша ондаёқ ўлган. Уни Иззуддавла Бахтиёрга олиб келишган, унинг отаси Муиззуддавла³²⁷ ҳаёт экан, у [болани] кўздан кечирган. Унинг танаси кам-қўстсиз, аммо унда иккита бўйин³²⁸ бўлган ва икки кўз, қулоқ, бурун ва оғизлари расо иккита бош бўлган. [Бола-нинг] икки сони орасида хотинларники сингари жинсий аъзо бўлиб, унинг ичкарасида эрлик олати кўриниб турган.

81 Яна [Собит ибн Қурра] бир рум руҳонийси [ҳақида] ҳикоя қилади: бу руҳоний уч юз эллик иккинчи йил* [нинг] қишида Носируддавлага қорни билан бир-бирига ёпишган икки кишини юборган. Улар араммийлардан бўлиб, ёшлари йигирма бешда экан. || [Собит] уларнинг исмларини, соқоллик эканларини ва оталарининг ҳам улар билан бирга эканини айтган. Улар бир-бирларига рўбарў [яратилган] эканлар. Лекин ораларидаги муштарак ва уларни бир-бирига улаштириб турган тери узун бўлиб, чўзилиши, ҳатто бири иккинчисининг ўнг томонида туриши мумкин бўлган. Тавсиф этишларича, уларнинг ҳар бирида алоҳида [эрлик] олатлари бўлган. Ейиш, ичиш ва ҳожатга бориш вақтлари бир-бириникидан фарқ қилган. Иккови бир уловга бир-бирига юзма-юз минишар экан, бири хотинларни, иккинчиси болаларни яхши кўрар экан.

Шак йўққи, «қуввати табиия» илҳомлантирилган ва вакил қилинган вазифаси билан бирор моддага дуч келганда, уни бекор қолдирмайди. Агар у модда керагидан ортиқ бўлса, у қувват [ўз] ишини икки марта орттиради. Шу икки марта ишланган нарса гоҳо эгизаклар сингари бир-бирига яқин, лекин ажралган, гоҳо ҳалиги иккита араммийлар каби бир-бирига ёпишган ва гоҳо араммийлардан олдин айтилган нарсага ўхшаш бир-бирига киришган бўлади.

Шунингдек, икки марта ишланган нарса турлари шу сифатда ва бошқа сифатда ҳамма ҳайвонларда ҳам учратилади. Масалан, денгиз балиқлари ҳақида ҳикоя қилинишича, уларнинг қатма-қат турлари топилди, яъни [бир балиқ] ёрилганда, ичидан унга ўхшаш [иккинчи] балиқ чиққан.

Икки марта орттириш баъзан бир неча марта такрорланади. Бу ҳодисаларнинг ҳаммаси ўсимликларда [ҳам] учратилади. Бир-бирига ёпишган қўшалок мевалар, битта пўчоқ ўраб турган қўшалок мағизлар. Икки марта орттиришда кўпайиш ва бир-бирининг ичига кириб кетиш ҳам бўлади, ичида ўзи каби лимон мавжуд бўлган лимон бунга мисолдир.

Гоҳо [қуввати табиия] тўлиқ икки ҳисса қилиш ишини тамомлай олмайди-да, аъзоларни ортиқча — бармоқлар сингари — турган жойларига лойиқ орттириб қўяди, чунки [бу бармоқлар] одатдагига ва яроқлиларга қараганда ортиқча бўлса ҳам, ўзига тегишли ўринларда туради, ёки турган жойларига нолойиқ аъзоларни орттиради. У пайтда бу [ортиқчани] «табиат янглиши» деб аташ тўғри бўлади. Журжонда ас-Соҳиб³²⁹ даврида — бувайҳийлар хонадони у жойларни эгаллаган вақтда кўрилган сигир бунга мисолдир. Уни ёшлар ҳам, кексалар ҳам кўрганлар. Менга ҳикоя қилишларича, сигирнинг яғринида, бўйнига яқин жойда олдинги икки оёғининг бирига ўхшаш билаги бўғинлари ва туёғи расо бир оёқ бўлиб, сигир уни ихтиёрий равишда букиб ва ёзиб ҳаракат қилдирар экан. [Шундай ортиқчани] «табиат янглиши»га нис-

* Милодий 972.

бат берилса, тўғри бўлади. Чунки унинг фойдаси йўқ ва у ўз жойига зид ҳамда тескари томонга жойлашган.

Булар ва бунга ўхшаш [нуқсон] турларига китобларим орасидан махсус китоб ажратилган. Уларни кўзи билан кўрмаган киши бундай хабарларнинг ростлиги шартларини учратмагани учун уни қабул этмайди.

[Узоқ] умр кўриш масаласи эса, наслу насабга тегишлидир. Бу [айниқса] ҳимяр ва уларга ўхшаш [халқларга] хос бўлиб, Фарғона ва Ямома³³⁰ каби жойларда [кўпроқ] учрайди. Солиқ тўпловчиларнинг ҳикояларига қараганда, у икки мамлакатда бошқа шаҳарларда учратилмайдиган узоқ умр кўрувчилар топилади. Шунингдек, араблар ва ҳиндлар [орасида] улардан ҳам кўп яшовчилар мавжуд.

Абу Маъшар Балхӣ ҳақида Абу Саид ибн Шозон³³¹ ўзининг «Сирлар ҳақида музоқаралар китоби»да ҳикоя қилади: Сарандиб подшоси ўғлининг [қанча умр кўришини билиш учун] туғилган вақти Абу Маъшарга ёзиб юборган. || Унинг толеи Жавзо бўлиб, Зуҳал Саратон [буржида], Қуёш Жадий [буржида] бўлган. Абу Маъшар [бола] Зуҳалнинг ўрта даврича яшайди деб ҳукм чиқарган. [Абу Саид] айтади: «Мен унга «Субҳонолло, [қизиқ], унинг кадхудоси ватадлардан» «учаётган»³³² бир «хонада» қайтиш ҳаракати³³³ авжида-ку, мундай бўлгач, (кадхудо) туғилган болага энг кичик даврдан бошқани бермайди. Қайтиш ҳаракати учун эллик йил олиб ташлаш керак, дедим». Абу Маъшар менга жавоб берди:

«У кишилар узоқ умр кўришга илгарироқ ҳукм қилинган иқлим аҳлисидирлар. Бу иқлим кишиси кадхудоси Зуҳал бўлса ҳам, кўпинча [узоқ] яшайди. Эшитишимча, улардан бирор киши Зуҳал ўрта даврича умр кўрмай ўлса, унинг тез ўлганига ажабланар эканлар. Зуҳал ўзига хос иқлимда кадхудолики егалласа, ўзининг катта ва кичик даврини кўп камайтирмайди, лекин «учаётган» бўлса [камайтиради].»

Мен: «у учаяпти-ку!», — дедим. Абу Маъшар: «Шакл нуқтаи назаридан учаяпти, тадбир жиҳатидан учаётгани йўқ», — деди.

(Иккинчининг сирлари кўп. У ер остидаги қудуқда ҳам шундай ва бундай ҳолатда ҳайронликка ажойиб сабаб бор)³³⁴.

[Абу Маъшар] бир иқлим [халқи] бошқасига нисбатан узоқ яшашини шу ерда тасдиқ этди³³⁵.

[Абу Саиднинг] бошқа жойда ҳикоя қилишича, у Абу Маъшар ҳузурда эканида ас-Саффорнинг³³⁶ яқин кишиси Абу Исмат ўзининг туғилган вақтидаги хавфли аломатлар ҳақида унга савол берган. Шунда Абу Маъшар: «Биласанми, отанг қанча ёшга бориб ўлган?» — деб сўраган.

— Ҳа, биламан, — деди Абу Исмат.

— Уша ёшга етдингми? — сўради Абу Маъшар.

— Ундан ўтдим, — деди.

— Онанг қанча ёшда ўлган, биласанми?

— Ҳа, биламан, ундан ҳам ўтдим.

— Биласанми, отангнинг отаси бобонг қанча яшаган? — деди Абу Маъшар.

— Ҳа, биламан, ҳали у ёшга етганим йўқ, — деди Абу Исмат.

— Қара-чи, туғилган вақтинг далолат берган бу мухолафат бобонг умрига мувофиқми?

Абу Исмат: «Ҳа, унга мувофиқ», — деган эди, Абу Маъшар: «Қўрқишда ҳақли экансан!» — деди-да, кейин у: «Табиат ғолиброқдир. Ки-

ши отаси ё онаси, ёки отасининг отаси — бобоси умрича яшаганда, ўзига келадиган ҳар бир бахтсизликдан кучли далиллар бўлмаса ўтиб кетолмайди. Бу дарахтлар ва экинларда кўриниб туради, чунки уларнинг бир нави узоқ вақт яшаш билан танилган бўлса, бошқаси тез офат етиш ва қисқа муддат яшаш билан машҳурдир», — деди.

Абу Маъшар бу ерда ҳам [узоқ умр кўришнинг] наслу насабга боғлиқ эканини тасдиқ этди. Демак, [баъзиларнинг] астрологлар сўзига асосланганлари сохталик, чунки [узоқ умр кўриш] астрологлар назарида мумкин, балки биз юқорида айтгандек зарурдир.

[Ишонмовчилар] то кўзлари билан кўрмагунларича ўз замонлари ва ўз жойларида учрамаган ҳар бир нарсани инкор этсалар, [бу] инкор этган нарсаларининг кўпини ақл [содир бўлиши] мумкин деб билса, улардан яширин нарсаларни тасдиқ этмасалар, [шуни айтиш керакки] улуғ ҳодисалар ҳар вақт юз беравермайди; агар бир даврда юз берса, ундан кейинги кишиларга асрлар ва узоқ замонлар ўтгач, тарихлар ва бу тарихларнинг бир-бирига уланиши билан етиб келади, холос. Балки улар ўз ҳаракатларида яна ҳам диққат кўрсатсалар, албатта, ҳолис суфистоиялар³³⁷ бўлиб, ер юзида ўзлари яшаб турган жойдан бошқа шаҳарлар борлиги тўғрисидаги одамлар гапларини тасдиқ этмасликка ва шунга ўхшаш шармандаликларга йўл қўйган бўлардилар.

83

Агар уларнинг ҳикояларини эшитсанг, || ҳиндлар сўзларига асосла-нишлари ва ҳиндларга нисбат бериладиган хурофотларга суянганлари-ни ҳамда доимо: «Ҳиндларнинг олдида тошдан йўнилиб, бўйнига кўп-гина темир маржонлар осилган санаб учратилади. Бу [маржонлар] ҳинд-ларнинг ўн минглаб йиллик эраларидир, агар улар санаб чиқилса, кўп йиллик муддат ҳосил бўлади», — деб далил келтирганларини кўрасан. Агар уларга: «Ҳиндлар [нинг] даъволарича, ҳалила, амила, балила³³⁸ олиб келинадиган шаҳар — Жамолободҳара подшоҳи икки юз йил яша-ган, у улов миниб, овга чиқиб, хотин олиб ёшлар сингари юрарди ва булар ҳаммаси даволаниш натижасида эди», — десанг, улар буни инкор этиб: «Ҳиндлар очикдан-очик ёлғон гапирадидилар, ростни ёлғондан аж-ратмайдилар ва ўз илмларида ваҳийга нисбат берадидилар, уларнинг гап-ларига ишониб бўлмайди», — дейдилар. Ҳиндларнинг дин, миллат, сав-об, жазо ва ўзларини турли азоблар билан қийнашлари бобида тутган мазҳабларининг кучсиз эканини гапира бошлайдидар. Худойи таоло: «Балки атрофлича билмаган нарсаларини ёлғонга чиқарадидилар»³³⁹, — деган сўзида ва «Унга [Қуръонга] амал қилмагач, [дарров], бу қадимги ёлғон, — дейдилар»³⁴⁰, деган сўзида фақат шу гуруҳни кўзда тутган. Бу-лар гарчи кучсиз бўлса ҳам, ўзларига ёққан нарсага иқрор бўладидилар ва гарчи рост бўлса ҳам, эътиқодларига муҳолиф нарсдан қочадидилар.

Абу Абдулло ал-Ҳусайн ибн Иброҳим ат-Табарий ан-Нотилийнинг³⁴¹ табиий умр қаҳидаги мақоласини кўрдим. У [табиий] умрнинг бориб ет-ган жойи бир юз қирқ қуёш йили, бундан ортиқ бўлиши мумкин эмас, деган. Сўзни бундай умумий қилиб айтувчи кишидан кўнгилни бўйсун-дирадиган ва қаноатлантирадиган ҳужжат талаб қилинади, [ан-Нотилий] эса бунга ҳеч қандай далил келтирмаган, фақат [китобига] ёзган муқад-димасида шундай деган: «Инсон учун учта «камолот» бор. Бири—бало-ғатга етиши, яъни ўзи каби бировнинг ундан пайдо бўлиши мумкин бў-ладиган вақт бўлиб, иккинчи етти йилликнинг [собунинг] бошидир; иккинчи «камолот» тафаккур қуввати бўлиб, унинг ақли қувватдаи феълга чиқадиган вақти, яъни олтинчи етти йилликнинг бошидир; учин-

чи «камолот» — [одам] ёлғиз бўлса ўзини, уйланган бўлса оиласини ва подшоҳ бўлса фуқаросини кутишга ярайдиган вақти». [Ан-Нотилий] бу «камолот»лар [муддатининг] ҳаммаси бир юз қирқ йил, деган.

Абу Абдуллонинг бу сонларни қандай муносабат билан ҳисоблаб чиқаргани маълум эмас, чунки на бу сонлар ва на булардан ортиқ [сонлар] орасида равшан мутаносиблик йўқ. Балки унинг айтганидек, инсон «камолоти»нинг учта бўлишини қабул этсак-да, кейин у ҳисоблагандек, ҳисобласак ва иш охирида, агар далил талаб қилинишидан қўрқмасак, [камолот муддати] юз йил, ё минг йил, ёки шунга ўхшаш десак, биз билан унинг ўртасида фарқ бўлмайди. Шу билан бирга, биз замонимизда инсон [ан-Нотилий] камолот белгиси қилиб кўрсатган аҳволга у айтган етти йилликлар ва муддатлардан бошқароқ муддатларда етаётганини учратамиз. Унинг мақсоди нималигини худо билади.

Гавдаларнинг катталиги [масаласига] келсак, бу аҳволнинг ҳозирда кўринмаслиги ва у ҳақда ҳикоя қиладиган замоннинг давримиздан узоқлиги сабабли у, албатта, мавжуд бўлган дейилмаса ҳам, имкониятдан ташқари деб бўлмайди. Мана, Тавротнинг ўзи || «жабборлар»нинг³⁴² гавдаларининг [катталиги] ҳақида гапиради. Уларни Бани Исроил кўрганидан кейин бировнинг Тавротга таъна қилишига йўл қўйилмади. Балки Бани Исроилга [Таврот] ўқиб берилди, ўзлари ҳам тиловат қилдилар ва ўқиб берганларини ёлғончи қилмадилар. Агар «жабборлар» [Тавротда] айтилгандек, бўлмаганда, Таврот ўқиётган кишини кўз билан кўрилганнинг аксини айтгани учун, албатта, ёлғончига чиқарардилар. Агар бир гуруҳ одамлар йўғон гавдали бўлмаганларида — худо уларни улкан қилиб қўйибди — одамлар уларни доимо тилга олмас ва катталикда одатдагидан юқори бўлган ҳар бир кишини уларга ўхшатмас эдилар. Од³⁴³ қавмига ўхшатиш [халқ ўртасида] жорий бўлганига ўхшайди.

У [ҳашвий ва даҳрий]ларни од қавми аҳволига қаёқдан инонтира оламан? Чунки улар яқинроқ замондаги ва аҳволи равшанроқ нарсаларни инкор этадилар, ўзларига қарши келтириладиган энг кучсиз далилга ҳам тенглашолмайдиган [нарсани] далил келтирадилар, қатъий ҳужжатларни қабул этишдан, худди шердан [қўрқиб] қочган эшаклардек³⁴⁴ қочадилар. Улар ҳозирда Мадъян³⁴⁵ тоғларининг қаттиқ тошларида қазилган уйлардан, у ерларда уйилган [тош] қабрлардан топилган гавдали одамларнинг қолдиқларига, бу қабрлар ичидаги катталиги туя устухонлари сингари ёки улардан ҳам катта суякларга ва бурун тешикларини бир нарса билан беркитмасдан у қабрларга киришга имконият бермайдиган бадбўйликка нима дейдилар?

Бу жойларда яшовчиларнинг ҳаммаси у [қабрлардагиларни] «соя [куни] кишилари» дейдилар. [Ҳашвий ва даҳрийлар] «соя куни»³⁴⁶ сўзини эшитганларида масхара қилиб куладилар, кибрланиб лабларини чўччайтирадилар, ўз тушунчаларига хурсанд бўлиб ва ўзларини [бошқалардан] ортиқ ва авом халқдан ташқари эътиқод қилиб, бурунларини юқори кўтарадилар. Тангри уларга кифоя этувчидир. «Бизнинг амалларимиз ўзимизга, уларники ўзларига»³⁴⁷.

Бир китобда Мавсил аҳолисидан [бўлмиш] осурий подшоҳларининг [подшоҳлик] муддатларини, Мисрда ўтган қибт подшоҳлари ҳамда [ҳар бири] Батлимус деб аталган батлимуслар подшоҳлари муддатларини кўрсатадиган жадвалларни учратдим. Бу шундай бўлган эди: Искандар ўлими олдида ўзидан кейин юнонликларга подшоҳ бўлган ҳар

бир кишини душманларни қўрқитиш учун шу [батлимус] лақаб билан аташни васият қилган эди, чунки [«батлимус»нинг] маъноси «жангчи» демакдир. Яна [батлимуслардан] кейинги Рум подшоҳларининг тарихларини топдим. У жадваллардаги йиллар Иброҳим туғилган вақтидан то Искандаргача икки минг тўқсон олти йил кўрсатилган. Бу яҳудийлар, христианлар ва ёритқичларнинг учрашувларидан ҳисобловчилар айтганларидан кўпроқдир.

Бу жадвалларни худди ўзидек қилиб кўчирдим, лекин у подшоҳлар исмлари [қандай талаффуз этилишини] эшитиб тузатишга замон имкон этмади. Эҳтимол у исмлардан хабардор киши бўлса, ўрганувчига ишни энгил қилиш ва қидириш меҳнатидан уни қутқазиб учун мен талаб қилган [мақсадни] мўлжаллаб, уларни тузатар ва аниқлар! Ҳарфлар ҳисобини билмайдиган ва уларни тузатишга садоқат билан эътибор бермайдиган киши у жадваллардан ва бошқа жадваллардаги [рақамлардан] нусха кўчирмасин! Чунки жадваллар кўчирувчиларнинг биридан иккинчисига ўтиб юриши сабабли бузилиб, кўп йилларсиз ислоҳ қилиб бўлмайдиган [ҳолга] келади. Мен кўчирган жадваллар мана булардир:

85

<p> Мавсил аҳолисидан бўлган осурий подшоҳларнинг номлари. Уларнинг ададлари ўттиз еттита, подшоҳлик муддатлари бир минг уч юз беш йилдир</p>	<p>Улардан ҳар бирининг [подшоҳлик] муддати</p>	<p>[Подшоҳлик] йилларининг жами</p>
Болус	62	62
Нинус—Мавсил [вилоятида] Нинуйни биноти этган. Подшоҳлигининг 43-йилида Иброҳим туғилган.	52	114
Акмийрам—Нинуснинг хотини, Сурра Ман Раонинг ғарб томонидаги Сомаррани биноти этган.	42	156
Зомис ибн Нинус—Иброҳим унинг томонидан азоб чеккан ва подшоҳлигининг йигирма учинчи йилида Фаластинга қочган.	38	194
Ариюс	30	224
Арилюс	40	264
Ахшиярш	30	294
Армомитрис	38	332
Балохус	35	267
Баловус	52	419
Алтодус	32	451
Момутус	30	481
Манхолус	30	511
Асфорус	20	531
Момулус	30	561
Асфоратус	40	601
Асқантудус	40	641
Амунтус	45	686
86 Балохус	25	711

Мавсил аҳолисидан бўлган осурий подшоҳларнинг номлари. Уларнинг ададлари ўттиз еттига, подшоҳлик муддатлари бир минг уч юз беш йилдир	Улардан ҳар бирининг [подшоҳлик] муддати	[Подшоҳлик] йилларининг жами
Болоторис	30	741
Ланфаридис	32	773
Сусирас	20	793
Ланфорус	30	823
Фаниёс	45	868
Сусрамус	19	887
Митраюс	37	924
Тавтонас. Унинг даврида Илиюс шаҳри босиб олинди, юнонликлар шу [шаҳар] ни олиш учун урушардилар	31	955
Тавтаюс	40	995
Салинус	30	1025
Доруқлус. Унинг даврида Довуд Бани Исроилга подшоҳ бўлган	40	1065
Увфилос	38	1103
Лавсотинус. Унинг даврида Банж Исроил иккига бўлинган	40	1143
Фиритидос	30	1173
Афротус	20	1193
Афротоновус. [Унинг] подшоҳлигининг қирқ икки йил ва бир юз олтмиш еттинчи кунда юнонликларнинг, арабларнинг Имруулқайс сингари илғор шоирлари Умирус ³⁴⁸ туғилган	50	1243
Акроғонос	42	1285
Туну Қаланкарирос ³⁴⁹	20	1305 87

Мағриб аҳолисининг охириги [туну қаланкарирос] подшоҳ ҳақида ҳикоя қилишларича, Юнус унинг даврида Нинуйга пайғамбар қилиб юборилган; ибронийча «Арбоқ», форсийча «Даҳ-Оқ», арабча «Заҳҳок» деб аталувчи бир ажамлик³⁵⁰ бу подшоҳга қарши чиққан, у билан уруш қилиб енгган ва уни ўлдирган, сўнг каёнийлар³⁵¹ подшоҳлиги барпо бўлгунча, унинг мамлакатини эгаллаб турган. Каёнийлар — Марғиб аҳолиси қошида «калдонийлар» номи билан машҳур бўлган Бобил подшоҳлари. [Арбоқ] етмиш икки йил ҳукмронлик қилган.

Аммо калдонийлар каёнийлар эмаслар, балки уларнинг Бобилдаги амалдорларидирлар. Улар Балхда яшардилар, Ироққа³⁵² келганларидан кейин мағриб аҳолиси аввало уларнинг амалдорларини калдонийлар деб атаганлар. [Сўнгра уларнинг] ўзларини ҳам шундай атай бошлаганлар.

Тарихшунослардан бирининг ҳикоя қилишича, Нумруд ибн Куш ибн Ҳом ибн Нуҳ Бобилда [турли] тиллар қоришувидан йигирма уч йил

кейин подшоҳ бўлган. Бобил — ер юзида дастлаб барпо бўлган мамлакат. Бобилда тиллар қоришуви Арғувнинг туғилган вақтига тўғри келади. [Ҳалиги тарихшунос] Нумруддан кейинги подшоҳларни то юқоридаги жадвалда [подшоҳлик] муддатлари кўрсатилган осурий подшоҳларига етиб боргунча эслаб ўтади. Мана, ўша (юқорида) эсланган подшоҳларнинг подшоҳлик [муддатлари] жадвали: ||

88

Бобил подшоҳлари	Подшоҳлик [йиллари] муддати	Йиллар жами
Нумруд ибн Куш	69	69
Фамнуврас	85	154
Сомирас	72	226
Арфахшот	10	236
Бобил осурийлар эгаллагу- нича подшоҳсиз қолди	5	241

Бобил подшоҳларининг йилларини ҳам топдик. Бу биринчи Бухтанассардан бошлаб қурувчи Искандар ўлиши билан эранинг бобилликлардан Батлимус подшоҳларига ўтишигача бўлган муддат эди. Бу йилларни — [подшоҳлик] муддатларини тузатиб ёздим, лекин подшоҳлар исмлари тузатилмади, балки ҳарфлар кўринишига қараб кўчирилди. Бу [йилларни] ўз ичига олган жадвал:

Калдонийлар подшоҳларининг жадваллари	Ҳар бири- нинг под- шоҳлик муддати	Йиллар жами
Биринчи Бухтанассар. Ал-Мижастий китобида тарих шу подшоҳдан бошланган	14	14
Набухаданосир—Надивус	2	16
Хинзируфур	5	21
Илюлив	5	26
Мардуқанфад	12	38
Ариқинув	5	43
Абасилитис	2	45
Билибис	3	48
Уфрондию	6	54
Ариғабал	1	55
Масисимурдақус	4	59
Абасилитис иккинчи	8	67
Асридину	13	80
Сасдукин	20	100
Нобуфуласару ва Қиналдин	22	122
Набухаданосир	21	143

Бухтанассар — Байтулмуқаддасни фатҳ этган [подшоҳ]	43	186	89
Бархалолтағар	2	188	
Болташоссар	4	192	
Дориус биринчи ал-Модий	17	209	
Куруаш — Байтулмуқаддасни қурган [подшоҳ]	9	218	
Ғумбисус	8	226	
Дориус	36	262	
Ахшияруш	21	283	
Артахшаст биринчи	43	326	
Дориус	19	345	
Артахшаст иккинчи	46	391	
Ахус	21	412	
Фирун	2	414	
Дориус ибн Арсих	6	420	
Искандар ибн Мақидун — қурувчи	8	428 =	

Бундан кейин эса Филиффусга ўтган.

Мисрда ўтган қибт подшоҳларининг исмлари, уларнинг ададлари (эронликлардан ташқари) — ўттиз тўртта ³⁵³ подшоҳлик муддатлари (эрон- ликлар қўшилиб) саккиз юз тўқсон тўрт йил	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Йиллар жами	90
Диусфулито	178	178	
Самонодоус	26	204	
Сусонос	101	305	
Нафахрос	4	309	
Амонофутос	9	318	
Асахурис	6	324	
Фасинохис	9	333	
Фасусонис	35	368	
Сасанохусис	21	389	
Асоротун	15	404	
Тоқомусис	13	415	
Футофостис	25	442	
Асоросун	9	451	
Фасоммус	10	461	
Авфонивос	44	505	
Собоқун ал-Ҳабаший	12	517	
Собийхас	12	529	
Тарохус	20	549	
Аморос ал-Ҳабаший	12	561	
Астофиносис	7	568	
Нохфосус	6	574	
Ноху	8	582	
Фасоммотиқус	44	626	

Нажанувқо	6	632
Фасоммусос	17	649
Вофрис	25	674
Амосис	42	716
Эронликлар то Дориусгача	114	830
Амиртаюс	6	836
Нофаритос	6	842
Ухарис	42	854
Фасомус ва Мусотус	2	856
Ноқотонабос	13	869
Тавус	7	876
Ноқотонабос	18	894

Тарих булардан ва калдонийлардан кейин юнонлик Искандарга ўтди.

Бундан кейин батлимуслар ва қайсарлар йилларининг жадвалларини келтирамиз. Тарих Филифусдан бошлаб уч қисмга бўлинади. Биринчи қисми — Филифус йиллари; иккинчиси — Афғустас йиллари; учинчиси Дақлитёнус йилларидир.

Биринчисига келсак, бу искандарияликлар йиллари [бўлиб], каби-сасиздир; иккинчиси румликлар йиллари, бу кабисалидир; учинчиси эса худди иккинчисидек, лекин [Дақлитёнус] подшоҳ[лигидан бошлаб] тарих янгиланди. Чунки подшоҳлик унга ўтгач, унинг авлодида қолди, ўзидан (Дақлитёнус) кейин улар христианликни қабул этдилар. Сўнгра, гарчи подшоҳлик неча марталаб Дақлитёнус авлодидан кетса ҳам, бошқа [подшоҳ] эраси кўрсатилмайди. Худо [ҳақиқатни] кўпроқ билувчидир.

У жадваллар мана булар:

92

Македония шаҳри подшоҳларининг исмлари, улар Батлимуслар деб лақабланган юнонликлардир	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Йиллар жами
Филифс [эрамизгача 359—336] ³⁵⁴	7	7
Искандар ибн Филиф, бу—иккинчи [Искандар] [336—323]	12	19
Батлимус [I] ибн Арнаб ал-Мантиқий ³⁵⁵ . У Фаластинга юриш қилиб, Бани Исроилни асир олди, кейин уларни озод этиб, Байтулмақаддас [ибодатхонасига] қўйилган жавҳар идишни уларга ҳада қилди ³⁵⁶ . [Эрагача 283 йилга қадар подшоҳлик қилган]	20	39
Батлимус [II] Филадилф—биродарни севувчи. У Тавротни юнон тилига таржима қилган [285—246]	38	77
Батлимус [III] Урғит—заргар биринчи [246—221]	25	102
Батлимус [IV] Филуматур—онасини севувчи [221—203]	17	119
Батлимус [V] Афифан — заргар иккинчи [203 — 181/0]	24	143

Батлимуc [VI] Филуфатур — [отасига] садоқатли [181/0—145]	35	178
Батлимуc [VII] Урғит—Искандар иккинчи [145—116]	29	207
Батлимуc [VIII] сутир ал-Ҳадидий ³⁵⁷ —ҳийла ва найрангларни севувчи [116—108 ва 88—80]	36	243
Батлимуc [XI] Дивнис — кўп яхшилик қилувчи [80—51]	29	272
Қлубатро ³⁵⁸ , то Ғоъй Ивлиюc Румга подшоҳ бўлгунича ³⁵⁹ [51—48]	3	275
Қлубатро, то Ғоъй ўлиб, ўғли Авғуст подшоҳ бўгунича [47—44]	4 йил 7 ой	279
Қлубатро, то Авғуст уни ўлдиргунича [44—30] ³⁶⁰	14 йил 6 ой	294

Қлубатрони Батлимуc деб аташда ихтилоф бор, чунки у аёлдир. У Искандарияда бўлиб, у ерда подшоҳ бўлгани учун Батлимуc лақабини олган.

Ғоъй — румийча Ивли бўлиб, маъноси «олам подшоҳи» демакдир.

Рум подшоҳларининг исмлари. Улар қайсарлар бўлиб, Румда яшаганлар. Улар ал-Асфар, яъни Сувфар ибн Нафар ибн Ййс ибн Исҳоқ ибн Иброҳим пайғамбарнинг— унга раҳмат ва салом—авлодидандирлар	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Йиллар жами
Авғуст қайсар. У Қлубатрони ўлдиргандан кейин [эрамизгача 27 йилдан эранинг 14 йилигача]	43	43
Тибр ибн Авғуст [14—37]	22	65
Ғоъй [37—41]	4	69
Қлавдий—Булис ас-Салих ва Шамъун ас-Сафонинг қотили [41—54]	14	83
Норун ал-Малъун—муъминлар қотили [54—68] ³⁶¹	14	97
Исфасин [V] подшоҳлигидан бир йил ўтгандан кейин Фаластинга юриш қилиб, Байтулмуқаддасдаги яҳудийларни уч йил қамал қилади. Байтулмуқаддасни вайрон этиб, яҳудийларни ўлдиради, [қолганларини] тарқатиб юборади ва [уларнинг] шариатларини бекор қилади [69—79]	10	107
Титус [79—81]	3	110
Дмитёнуc. Подшоҳлигининг ўн тўққизинчи йилида Инжил эгаси Юҳанно ҳайдалади. У Дмитёнуc ўлгунича бир оролда яшириниб ётади, кейин Афсус ³⁶² шаҳрида яшайди [81—96]	15	125
Норус [96—98]	1	126
Троёнуc [98—117]	19	145
Адриёнуc. Бу [подшоҳ] Байтулмуқаддасни вайрон этди ва подшоҳлигининг ўн саккизинчи йилида мохов касалига йўлиқади [117—137] ³⁶³	21	166

	Антонин. Байтулмуқаддасни қайта қурган. Жолин ³⁶⁴ бу[шоҳ] подшоҳлигининг аввалида анатомия ҳақида бир китоб ёзганини эслатиб ўтади [137—161]	23	189
94	Кумдус [180—192] ³⁶⁵	32	221
	Асор [193—211] ва Антанин [Совистий X] [211—217]	25	246
	Антунининг ёлғиз ўзи ³⁶⁶ . Унинг [подшоҳлиги] даври охирида Жолинус ўлган.	4	250
	Искандар ибн Маммо. Бу [исм]нинг маъноси ожиз, қудратсиз демакдир [222—235]	13	263
	Максимён [235—238]	3	266
	Ҳурдиён [Ғурдиён х] [238—244]	6	272
	Филиф [244—249]	6	278
	Доқё. Асҳобни Каҳф замондоши [249—251]	1	279
	Ғол [253—268] ³⁶⁷	3	282
	Валирийн ³⁶⁸ [Всюс х] ³⁶⁹ [253—265]	5	287
	Қлавдий [268—270]	1	288
	Аврилиян [270—275]	6	294
	Фруб [276—282]	7	301
	Қорс [282—283] ва Қоринс [283—285]	2	303

95	Христиан подшоҳларининг исмлари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик муддати	Йиллар жами
	Дақлитёнус [284—305]	21	21
	Қустантин [306—337]. У христианликни биринчи қабул этган подшоҳ, Истанбул деворларини бино этган. Подшоҳлигининг биринчи йилида онаси Ҳилоно [Исо пайғамбар осилган] салиб таёғини қидирди ва охир уни топди. Ўн тўққизинчи йилида дин раҳбарлари Никияда тўпланиб, христиан дини қонунларини туздилар.	32	53
	Қустантин [337—361]	24	77
	Юлиён кофир [361—363]	2	79
	Валентинён [364—375]	1	80
	Вул. [Душмандан] қочаётганда [ушланиб], сомонхонада куйдирилган [364—378] ³⁷⁰	14	94
	Улуғ Совдус [379—395]	17	111
	Унинг ўғли Аркадий [395—408]	13	124
	Кичик Совдус. Унинг даврида Нистуре ³⁷¹ лаънатланади [408—450]	42	166
	Морқийён ва унинг хотини Фулхориё. Уларнинг замонида ёқубийлар ³⁷² лаънатланади [450—457]	6	172
	Улуғ Ловин. Ўрта [ҳол] кишилардан эди [457—474]	18	190

Зенун ал-Арминоқий. Ёқубийлардан эди [474—491]	17	207	
Анистос. Амурияни ³⁷³ бино қилди. У ҳам ёқубийлардан эди [491—518]	27	234	
Юстин [518—527]	9	243	
Истиниён. Ар-Руҳо ³⁷⁴ ибодатхонасини бино этган [527—565]	37	280	
Тибр [574—582] ³⁷⁵	14	294	
Мовриқ. Баҳром Чубинга қарши [юришда] Кисрога ёрдам берган [582—602] ³⁷⁶	14[4]	298	
Фуқо. Уни Кисро лашкарбошиси Шаҳрбарон ³⁷⁷ Қустантинияда қамал қилган [602—610]	8	318 [306]	96
Ҳирақл донишманд [610—641]	31	349	
Қустантин—Ҳирақл ўғли, ҳаммомда сўйилган [641 й. 3 ой]	1	350	
Қустант [642—668]	27	377	
Қустантин [668—685]	16	393	
Юстиниён. Румликлар унинг бурнини кесганлар [685—695]	10	403	
Линт. Кексайиб заифлашгач, истеъфо берган [695—698]	3	406	
Тибирий Афсимом [698—705]	7	413	
Юстинин. Бурни кесилган [иккинчи марта] [705—711]	6	419	
Филибқ [711—713]	3	422	
Анастос Атлимус. Жанг [қилиш] га ожизлик қилгач, тахтдан туширилган [713—716]	2	424	
Совдус [III]. Уни Муслим ибн Абдулмалик ³⁷⁸ қуршаб олган [716—717]	1	425	
Катта Ловин—Муслимга Фириб бериб, уни Қустантиниядан қайтарган [717—740]	24	449	
Қустантин [V], катта Ловиннинг ўғли [740—775]	34	483	
Кичик Ловин [IV], катта Қустантиннинг ³⁷⁹ ўғли [775—780]	4	487	
Кичик Қустантин [VI], кичик Ловиннинг ўғли [780—797]	18	505	
Авғуста [Ирина]—румликларга подшоҳ бўлган [хотин] [797—802]	5	510	
Ниқифор ва Астироқ ибн Ниқифур [802—811]	18	528	
Михоил ибн Журж [811—813]	2	—	
Ловий [V]. Уни Михаил ибодатхонада ўлдиргунича [813—820]	7	—	
Михоил Қустантиний, Ловин ибн Сувфил ибн Михаил Қустантинийнинг қотили [820—829]	7 йил 5 ой	—	
Басил ас-Сақлабий ³⁸⁰ , [христиан] подшоҳларининг охиргиси [877—886]	3 йил 5 ой	—	

Қўстантиния подшоҳлари³⁸¹

97	Ҳамза ал-Исфажонийнинг қози Воқийдан ҳикоя қилишича, II қози бу [исмларни] Рум подшоҳларидан бирининг китобидан кўчирган	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]		Йиллар жами	
		йиллар	ойлар	йиллар	ойлар
	Қўстантин ибн Ҳилоно, зафар қозонган	31	0	31	0
	Унинг ўғли Қўстантин	24	0	55	0
	Унинг биродарининг ўғли Юлиён	2	6	57	6
	Сидус	10	9	68	3
	Гардин ва Валентин	6	0	74	3
	Арқодий ибн Сидус	13	3	87	6
	Сидус ибн Арқод	42	0	129	6
	Маркин	29	0	158	6
	Катта Ловий	16	0	174	6
	Кичик Ловий	1	0	175	6
	Зинун	17	0	192	6
	Настос	27	4	219	10
	Антлис	11	9	231	7
	Қаструндас. Унинг подшоҳлиги вақтида пайғамбар алайҳиссалом [Муҳаммад] туғилган	38	3	269	10
	Истифон	4	3	273 ³⁸²	1
	Марқин. Унинг даврида [пайғамбарга] пайғамбарлик келган	20	4	293	5
	Фуқ. Унинг даврида ҳижрат бўлган ³⁸³	8	0	301	5
	Ҳирақл ва унинг ўғли. Унинг подшоҳлик вақтида пайғамбар алайҳиссалом вафот этган	31	0	332	5
98	II Қўстантин ибн Ҳирақл	25	0	367 ³⁸⁴	5
	Қўстантин, Ҳирақл хотинининг ўғли	17	0	384	5
	Қўстантин ибн Ҳирақл	10	0	394	5
	Ловий, у Алюн ҳам дейилади	3	0	397	5
	Тибор	7	0	411 ³⁸⁵	5
	Истин	6	0	417	5
	Анастос	6	0	423	5
	Сидус	2	0	425	5
	Ловий. Унинг даврида умавийлар ³⁸⁶ ҳукмронлиги барҳам топган	25	3	450	8
	Ловий ибн Қўстантин. Гумон қилинишича, бу ерда бир подшоҳ номи ва подшоҳлик муддати тушиб қолган ³⁸⁷	5	0	455	8
	Қўстантин ибн Ловий	9	10	465	6
	Қўстантин	6	5	471	11
	Арита. Ўз отасидан подшоҳликни				

Ҳамза ал-Исфаҳонийнинг қози Воқийдан ҳикоя қилишича, қози бу [исмларни] Рум подшоҳларидан бирининг китобидан кўчирган	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]		Йиллар жами	
	йиллар	ойлар	йиллар	ойлар
[тортиб] олган [аёл]	5	0	476	11
Ниқифур. Ар-Рашид ³⁸⁸ замондоши	8	11	485	10
Истироқ ибн Ниқифур	0	2	486	0
Унинг ўғли Михаил [III]	7	5	493	5
Унинг ўғли Суфил [829—842] ³⁸⁹	22	3	498 ³⁹⁰	8
Михаил ибн Суфил [842—867].				
Сўнгра ал-Маътаз ³⁹¹ замонида подшоҳлик бу хонадондан [бошқасига] ўтган	28	0	526	8
Басил Словян	20	0	546	8
Илюн ибн Басил [886—912], 273 [ҳижрий] йили ал-Муътамид ³⁹² даврида	26		572	8
Искандар ибн Басил [912—913], 299 [ҳижрийда] ³⁹³ чиққон (дубайла) чиқиб ўлган	1	2	573	10
Қўстантин ибн Илюн. 301 [ҳижрийда] ³⁹⁴	—	—	—	—

Эронликларга келганда, улар Қаюмарсни биринчи инсон деб атайдилар. Унинг лақаби «гиршоҳ», яъни «тоғ подшоҳи»дир. Баъзилар «Гилшоҳ», яъни «балчиқ подшоҳи» дейишади. Чунки у вақтда [ерда] ҳеч кимса бўлмаган³⁹⁵. Бошқаларнинг айтишича, Қаюмарснинг маъноси «тирик, сўзловчи, ўлувчи» демакдир.

Эронликларнинг йил ҳисоблари Қаюмарсдан [бошлаб] уч қисмга бўлинади. Биринчи қисм — Қаюмарсдан то Искандар Дорони ўлдириб, Эрон подшоҳлигини эгаллаши ва уларнинг илму фан хазиналарини³⁹⁶ ўз мамлакатига олиб кетишигача; иккинчиси — ўша вақтдан то Ардашир ибн Бобак³⁹⁷ юзага чиқиб, мамлакатда тинчлик қарор топгунича; учинчиси — ана шу вақтдан то Яздигард ибн Шаҳриёр ўлдирилиши ва подшоҳлик Сосон авлодидан кетиб, ислом юзага чиққунича.

[Эронликлар] оламнинг бошланиши, Аҳраман, яъни иблиснинг худо оламини фикр қилиб, унга ажабланганидан туғилиши ва Қаюмарс ҳақида кўпгина ажойиб гаплар айтганлар. [Улар шундай дейди]: тангри Аҳраман иши хусусида ҳайрон бўлиб пешонаси терлади, у терни сидириб ташлаган эди, ундан Қаюмарс пайдо бўлди. Тангри уни Аҳраманга қарши юборди, у Аҳраманни енгиб миниб олди ва унинг [устиди] оламини айлантиришга тушди. Ниҳоят, Аҳраман Қаюмарсдан энг ёмон кўрадиган ва энг қўрқинчли нарсасини сўради. Қаюмарс унга жаҳаннам дарвозасига етганида қаттиқ қўрқинини айтди. Аҳраман [жаҳаннам дарвозасига] етгач, ҳийла қилиб ўйноқлай бошлади, охир Қаюмарс унинг устидан йиқилиб тушди. Аҳраман унинг [устига] чиқиб олди ва Қаюмарсдан: «Қайси томонингдан ейишга бошлай?» — деб сўради. Қаюмарс

ўзининг айтганига Аҳраманнинг муҳолиф бўлишини билиб: «Оёқ томондан ейишга бошлагин! Олам ҳуснини бир муддат кўриб турай»,— деди. Аҳраман уни бош томонидан ейишга бошлаб, моятига ва эрлик уруғи идиши [турадиган] жойга етганда, ундан икки томчи эрлик суви ерга томди-да, ердан икки туп ровоч кўкариб чиқди ва ровочлар ўртасидан Мишо ва Мишона туғилди. Бу иккиси [эронликлар наздида] Одам ва Ҳаво ўрнида бўлиб, уларни Малҳий ва Малҳиёна ҳам дейдилар. Хоразм оташпарастлари уларни Мард ва Мардона деб атайдилар.

[Юқоридаги гаплар] геометрия [олими] Абу-л-Ҳасан Озархурдан эшитганим асосидадир. Шоир Абу Али Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Балхий «Шоҳнома» [асари] да инсониятнинг бошланиши ҳақидаги бу ривоятни биз ҳикоя қилгандан бошқачароқ баён этган. У ўз хабарларини Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффа³⁹⁸, Муҳаммад ибн Жаҳм ал-Бармакий, Ҳишом ибн ал-Қосим, Шопур шаҳрининг донишманди Баҳром ибн Мардоншоҳ ва Баҳром ибн Миҳрон ал-Исфаҳонийларнинг «Сияр ал-мулук» китобларидан тўғрилаб, кейин Мажусий Баҳром ал-Ҳаравий айтганларига солиштирганини даъво қилган.

[Муҳаммад ал-Балхий] шундай дейди: «Қаюмарс жаннатда уч минг йил турган, бу Ҳамал, Савр, Жавзо минг йилликларидир. Сўнгра ерга тушиб, Аҳраман туфайли ёмонликлар юз бергунча, уч минг йил омон ва тинч турган. Бу Саратон, Асад ва Сунбула минг йилликларидир. Қаюмарснинг Гиршоҳ деб аталишига сабаб шуки, «гир» паҳлавийча 100 «тоғ» демакдир. Қаюмарс тоғларда истиқомат қилган ва || кўзи тушган ҳайвонлар ҳайрон қолиб, ўзидан кетадиган даражада ҳуснли бўлган. Аҳраманнинг Ҳазура исмли ўғли бор экан, у Қаюмарсга ёмон қасд қилганида Қаюмарс уни ўлдирган. Бу вақтда Аҳраман худога Қаюмарсдан шикоят қилган ва худо ўзи билан Аҳраман ўртасидаги аҳдларни сақлаш мақсадида Қаюмарсдан қасос олиб бермоқчи бўлган. Худо Қаюмарсга аввало бу дунё ҳамда қиёмат оқибатларини кўрсатган, ниҳоят у ўлимни орзу қилган, сўнг худо уни ўлдирган. Бу вақтда унинг пуштидан Истахрдаги³⁹⁹ Домдод тоғига икки томчи томган ва улардан иккита ровоч дарахти кўкариб чиққан. Тўққизинчи ойнинг аввалида икковида аъзолар кўринганда [ойнинг] охирида тугал бўлиб, иккови инсонга айланган, улар Мишо ва Мишонадирлар. Улар еб-ичишмаган ва ҳеч нарсадан азият тортмай, фаровончиликда эллик йил яшаганлар. Ниҳоят уларга Аҳраман кекса киши суратида кўриниб, дарахтлардан мевалар ейишни таклиф этган ва [ўзи] ейишни бошлаб берган ва ёшлиги⁴⁰⁰ унга [Аҳраманга] қайтиб келган, шунда улар ҳам ейишган ва ўша зоҳати иккови бало ва ёмон ҳолларга гирифтор бўлганлар. Уларда иштаҳа пайдо бўлиб, охир бир-бири билан қўшилганлар ва улардан бола туғилган, кўрқиб болани еб қўйишган. Сўнгра худо уларнинг дилларига меҳрибонлик солган. Шундан кейин улардан олти [марта] бола туғилган, уларнинг исмлари Ависто китобида кўрсатилгандир. Еттинчисида Сиёмака ва Фаровак туғилиб, бир-бири билан қўшилишган ва улардан Ушанж туғилган.

Эронликлар йил ҳисобларининг биринчи қисмида подшоҳларнинг умри ва уларнинг машҳур ишлари ҳақида эшитишдан диллар нафратланадиган, қулоқлар тортинадиган ва ақлга сиғмайдиган афсоналар бор. Лекин биз [нинг вазифамиз] мақсад йўлидаги хабарларни танқид қилиш эмас, эраларни аниқлашдир. Мен эрон олимлари, мажус улўғлари ва донишмандлари айтганларини уларнинг сўзларидан олинган

ҳолатда келтираман ва бошқа халқлар йил ҳисобларида қабул этилган тартибга мувофиқ бўлиши учун уларни юқоридагидай йўсинда жадвалларга йиғаман. [Подшоҳлар] лақабларини исмларига қўшиб келтираман, чунки [Эрон] подшоҳлари махсус [лақаблари] билан ўзга подшоҳлардан [ажраладилар]. Гарчи улардан бошқа подшоҳларда лақаб уч-

Подшоҳлар турлари	Бу подшоҳларга хос бўлган лақаблар
<p>Эроннинг сосоний подшоҳлари Рум подшоҳлари Искандария подшоҳлари Яман подшоҳлари Хазар ва тўққиз ўғиз турклар ри подшоҳлари Ўғиз турклар подшоҳлари Хитой подшоҳлари Ҳинд подшоҳлари Қаннуж подшоҳлари Ҳабаш подшоҳлари Нуба подшоҳлари Шарқий денгиз ороллари под- шоҳлари Табаристон тоғлари подшоҳлари Данбованд подшоҳлари Ғаржистон подшоҳлари Сарахс подшоҳлари Насо ва Абивард подшоҳлари Каш подшоҳлари Фарғона подшоҳлари Усрушана подшоҳлари Шош подшоҳлари Марв подшоҳлари Найсобур подшоҳлари Самарқанд подшоҳлари Сарир подшоҳлари Диҳистон подшоҳлари Журжон подшоҳлари Словян подшоҳлари Сурён подшоҳлари Қибт подшоҳлари Бомиеън подшоҳлари Миср подшоҳлари Кобул подшоҳлари Термиз подшоҳлари Хоразм подшоҳлари Ширвон подшоҳлари Бухоро подшоҳлари Гузгонон подшоҳлари</p>	<p>Шоҳаншоҳ ва Кисро Босили, яъни Қайсар Батлимус Тубба Хоқон Хонувта Бағпур Балҳаро Робий [Рожа] Нажжоший Кобул Маҳароҷ Испаҳбад Масмағон Шор Зодуя Баҳмана Нидун Ихшид Афшин Тудун Моҳуя Канабор Тархун ал-Хажжож Сул Аноҳбад Қиноз⁴⁰¹ Нимруд Фиръавн Шири бомиеън Азиз Кобулшоҳ Термизшоҳ Хоразмшоҳ Ширвоншоҳ Бухор худот Гузгон худот</p>

101

102

ратилса ҳам, у бутун табақага умумий бўлиб, бир подшоҳ ўрнига ўтирган иккинчиси ҳам ўша лақабга шерик бўлаверади. Умумий лақаблар эронликлардаги «шоҳаншоҳ» лақабига тўғри келади. Умумий лақабларнинг мисоллари мана бу жадвалдагилардир:

Шахсий лақабларга келганда, бу — Ислом давлатидан олдин Эрон [подшоҳларидан] бошқада бўлмаган.

Эронликларнинг биринчи қисм [подшоҳлари] уч турга бўлинади:

Биринчи — пешдодийлар⁴⁰². Булар бутун дунёни эгаллаб, шаҳарлар қурганлар, конлар чиқариб, ҳунармандчиликка асос солганлар ва ер юзида адолат барпо этиб, тангрига аталган ибодатни адо этганлар.

Иккинчиси — айлон подшоҳлари. Айлоннинг маъноси «юқори даражалилар» демакдир. Булар бутун дунёни эгаллай олмадилар. Ер юзидagi мамлакатларни дастлаб тақсим этган пок Афридун эди. У Хусровлар ўғилларидан бири [қуйидаги] шеърида айтганидек, мамлакатларни ўз авлодлари ўртасида тақсим этган:

Ўз замонимизда мамлакатимизни кунда устида гўшт
бурдалагандек тақсимладик.
Шом⁴⁰³ ва Румни то кун ботишгача улуғ Саламга бердик.
Турклар Тужга берилди, [энди] турк мамлакатларини
амакининг ўғли эгаллайди⁴⁰⁴.
Ироқ Айронга куч билан бўйсунди, у подшоҳликка эришди,
биз [эса] фаровонликка эришдик.

Учинчи—каёнийлар бўлиб, булар «жабборлардир»⁴⁰⁵. Уларнинг даврида дунё подшоҳлиги турларга бўлиниб кетди.

Бу сулолалар ўртасида ора узилишлар бўлиб, шу жиҳатдан тарихнинг низом ва тартиби [баъзан] шубҳали бўлади.

Эронликлар кўпчилигининг фикрига кўра биринчи қисмга кирган подшоҳлар мана булар:

103	Подшоҳлар турлари	Эрон подшоҳларидан биринчи қисмининг исмлари	Лақаблари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик муддати	Йиллар жами
Биринчи инсонлар		Қ а ю м а р с ⁴⁰⁶ Мишо ва Мишонагача. „Ўғил-қизлар онаси“ деб ҳам аталади. Иккови эронликлар назарида Одам ва Ҳаво ўрнидадирлар	Гиршоҳ	30	30
		Иккови бир-бирига қўшилгунича		40	70
		Ушанжгача		50	120
				93	213
		У ш а н ж ибн Афровак ибн Сиёмак ибн Мишо	Пешдод	40	253
		Таҳмурас ибн Вижаҳон ибн Инкаҳад ибн Ушанж, то Будосаф ⁴⁰⁷ пайдо бўлгунича	Зибованд	1	254
		Ундан кейин Ж а м ибн Вижаҳон,		29	283

Подшоҳлар турлари	Эрон подшоҳларидан биринчи қисмининг исмлари	Лақаблари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик муддати	Йиллар жами
Адолатли пешодийлар	унинг қуроллар яшашга буюрганидан то йигириш ва тўқишга буюргунича;	Шид	50	333
	то одамларни тўрт табақага ажратишга буюргунича;		50	383
	шайтонларга қарши жанг қилиб, уларни енггунича;		50	433
	шайтонларга тошларни кесиб, ташишга буюрганича арава яшашга буюргани ва у ясаиб [битгач], Жам унга ўтиргунича		100	533
	Шундан кейин одамлар соғломлик ва фаровончиликда яшадилар, сўнгра Жам яширинди		66	599
	Жам яширинган ҳолда ҳаёт кечирди, ниҳоят Заҳҳок ғалаба қозониб, ичакларини ағдарди ва уни арра билан арралади		300	899
	Заҳҳок ибн Улвон — Амолақадан бўлиб, у Биваросб ибн Арундосп ибн Зингов ибн Баришанд ибн Фордир; Фор эса соф арабларнинг отаси бўлиб, Афровак ибн Сиёмак ибн Мишо ўғлидир		100	999
	Афридун ⁴⁰⁸ ибн Асфиёнгов ибн Асфиённигов ибн Асфиён ибн Шаҳргов ибн Асфиён Охунбагов ибн Асфиён Испидгов ибн Асфиён Дизагов ибн Асфиён Ников ибн Нефуруш ибн Жам подшоҳ	Аждаҳок	1000	1999 104
	Ийрак. Уни икки биродари — Салим ва Туж ўлдириб, подшоҳ бўлдилар. Улар ҳаммаси Афридун авлодидирлар	Мубаддонийш-манд]	200	2199
	Минучеҳр ⁴⁰⁹ . Ийраж қизи Ғазвининг ўғли [Манучеҳр]. Туж ва Салм ўлдиргунича. Салм форсча Шармдир	Мустафо [талланган]	300	2499
	Тужнинг ўғли Эроншаҳрда ғалаба қилиб, Манучеҳрни ҳайдагунича	Фируз	20	2519
	Афросиёб ибн Бушанж ибн Ийнат ибн Ришман ибн Турк ибн Забанасп ибн Аршасп ибн Туж. Ниҳоят Манучеҳр Афросиёбдан подшоҳликни [тортиб] олиб, уни [Эрондан] ҳайдади. Кейин иккови машҳур бир отишма ⁴¹⁰ туфайли ярашдилар		60	2579
		12	2591	

Подшоҳлар турлари	Эрон подшоҳларидан биринчи қисмининг исмлари	Лақаблари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик муддати	Йиллар жами
185 Айлон подшоҳлари. Булар олий даражалилардир.	Манучеҳр — то ўлгунича		28	2619
	Туж — турк Ироқни босиб олган [подшоҳ]	Афро-сиёб	12	2631
	Зоб ибн Таҳмосп ибн Камжаҳубар ибн Зув ибн Ҳувшаб ибн Видинак ибн Дувсар ибн Манучеҳр ва Гиршосп, у Сом ибн Наримон ибн Таҳмосп ибн Ашк ибн Нуш ибн Дувсар ибн Манучеҳр	[иккови] ҳамкор	5	2636
	Кайкубод ⁴¹¹ ибн Зағ ибн Нудаго ибн Мойшу ибн Нудар ибн Манучеҳр	Аввал	100	2736
	Кайковус ибн Кайния ибн Кайкубод, ниҳоят у исён кўтарди ва Шаммар уни асир олди. Кейин уни Рустам ибн Дастон ибн Гиршосп подшоҳ асирликдан қутқазди	Ним-руд	75 75	2811 2886
	Ундан кейин [ва] то у ўлгунича Кайхусрав ибн Сиёвуш ибн Кайковус, то у саёҳат этгунича ва яширингунича	Ҳумоюн	60	2946
	Кайлуҳросп ибн Кайважий ибн Кайманиш ибн Кайкубод, то у Бухтанассарни Байтулмуқаддасга юбориб, у Байтулмуқаддасни вайрон этгунича	Балхий	60 60	3006 3066
	Ундан кейин Кайбиштосп ибн Луҳросп, то Зардушт юзага чиққунича	Ҳарбаз	30 90	3096 3186
	Ундан кейин Кайардашир ибн Баҳман ибн Исфандиёр ибн Биштосп	узун қўлли Чехрозод	112	3298
	Ҳумоний, Ардашир Баҳман қизи	Улуғ	30	3328
	Доро ибн Ардашир Баҳман	Иккинчи	12	3340
	Доро ибн Доро, то уни юнонлик Исқандар ўлдиргунича		14	3354

Биз баён этган [биринчи] қисм [подшоҳлари] эралари «Таржимаи ҳол китоби»да⁴¹² ҳам жуда хилма-хил ҳолда учрайди. Лекин мен келтирганларим [тарихчилар] келишиб олганларига яқинроқдир. Ҳамза ибн Ҳусайн ал-Исфаҳонийнинг «Халқларнинг ўтиб ва йўқ бўлиб кетган улугларининг тарихлари китоби» деб аталган китобида буларни бошқача ҳолатда учратдим. Ҳамза бу эраларни [эронликларнинг] диний китоб-

лари бўлган Абисто китобидан тўғрилаганини айтган. Уларни шу ерга кўчирдим. Мана булардир:

Абисто китобига кўра, Қаюмарсдан бошланган пешдолий подшоҳларининг исмлари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Йиллар жами
Қаюмарс. У биринчи инсон	40	40
Бир юз етмиш йилча ора узилиш	—	—
Ушанж	40	80
Таҳмурас	30	110
Жам	616	726
Биварос	1000	1726
Афридун	500	2226
Манучеҳр	120	2346
Афросиёб	12	2358
Миқдори номаълум ора узилиш	—	—
Зоб	9	2367
Гиршосп Зоб билан биргаликда	3	2370
Ора узилиш	—	—

107

Каёний подшоҳларининг исмлари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Йиллар жами
Кайкубод	126	2496
Кайковус	150	2646
Кайхусрав	80	2726
Кайлуҳросп	120	2846
Кайбиштосп	120	2946
Кайардашер	112	3078
Чеҳрозод	30	3108
Доро ибн Баҳман	12	3120
Доро ибн Доро	14	3134

108

Сўнгра Ҳамза [бу исмларни] Мубад⁴¹³ қўлёзмасида мана, бу жадвалдагидек эканини айтган.

Биринчи қисмнинг учинчи жадвали.

Мубад ^а қўлёзмасидан олинган пешдодий подшоҳларининг исмлари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Йиллар жами
Қаюмарс	30	30
Мишо ва Мишона, то улардан бола ту- ғилгунича	50	80
У иккови ўлгунларича	50	120
Ер юзи подшоҳсиз қолди	94	224
Ушанж	40	264
Таҳмурас	30	294
Жам, то у яширингунича	616	910
У яширинганича қолди	100	1010
Биваросиф	1000	2010
Афридун	500	2510
Манучеҳр	120	2630
Зув ва Гиршосп	4	2634

109

Каёний подшоҳларининг исмлари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Йиллар жами
Кайқубод	100	2734
Кайковус	150	2884
Кайхусров	60	2944
Лухросп	120	3064
Биштосп	120	3184
Ардашер	112	3296
Чеҳрозод	30	3326
Доро ибн Баҳман	12	3338
Доро ибн Доро	14	3352

||Мағрибликлар китобларидан таржима қилинган таржимаи ҳол ва ахборот китобларида Эрон ва Бобил подшоҳлари — Афридундан, у [Эронликларда] Ефул деб аталади, то уларнинг охириги подшоҳлари бўлган Дорогача — баён этилган. Биз [у китоблар] ўша подшоҳларнинг ададлари, исмлари, подшоҳлик муддатлари, хабарлари ва аҳволларини [баён этиш] турлича эканини топдик. У [муаллифлар] Эрон подшоҳларини уларнинг Бобилдаги амалдорлари билан қўшиб баён этганлар деган фикр хаёлга келади.

Агар биз уларни баён этишдан мутлақо юз ўгирсак, бу китоб қиматини туширамиз ва ўқувчининг фикрини ундан чалғитиб қўямиз. Фикр ва ривоятлар бир-бирига аралашмаслиги учун уларни алоҳида жадвалда берамиз. Жадвал мана бу:

Мағриб аҳлининг сўзларига кўра, Афридундан бошланган Эрон подшоҳлари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Йиллар жами	
Ёфул. У—Афридун	35	35	
Тиғлотфалосар	35	70	
Салманосар. У—Салим	14	84	
Синаҳориб ибн Салманосар, форсча Санорафдир	9	93	
Сордум. У—Зу ибн Тумосп	3	96	111
Кейин [куйдаги] улуг подшоҳлар ҳукмронлик қилдилар	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Йиллар жами	
Кайқубод	49	145	
Санхориб иккинчи	31	176	
Можам	33	209	
Бухтанассар. Бу—Кайковус	57	266	
Увлод ибн Бухтанассар	1	267	
Балташосар ибн Увлод	2	269	
Доро ал-Моҳий биринчи, Бу—Дорий	9	278	
Куруш. Бу—Кайхусрав	8	286	
Қурс, Бу—Луҳросп [мелодгача 558—529]	34	320	
Қамбуз	80	400	
Доро иккинчи	36	436	112
Ахшвериш ибн Доро. Бу—Хусрав биринчи	26	462	
Ахшдашир ибн Ахшверш. Бу—„Мақрушир“, яъни „Узун қўллик“ деб лақабланган [мелодгача 465—425]	41	503	
Хусрав иккинчи	30	533	
Суғд Нотус ибн Хусрав	9	542	
Ардашер—Доро иккинчининг ўғли	41	583	
Ардашер учинчи	27	610	
Арсис ибн Охус	12	622	
Доро. Эрон подшоҳларининг охиргиси [мелодгача 335—330]	16	638	

Яҳудийлар, оташпарастрлар, христианлар ва уларга муносабатли синфларнинг ҳикоялари ва ҳаммаларининг ана шу вақтдан [бошлаб] тарихларини юргизиб ҳисоблари, улар [инсоният бошланишини] ё келишиб, ёки ихтилоф билан тан олиб, уни қабул қилганларидан кейин вужудга келган. Аммо [бу бошланишларни] тан олмаган киши шуларга асосланган [тарихларни] бирмунча изоҳлар қўшгандан кейингина қабул этади.

Масалан, биров⁴¹⁴ Одам ва Ҳавводан тарих олиб, замонлар ичида бир қанча даврлар бор, [ҳамма] туғилган нарсалар ҳалок бўлиб, [яна бошқалари] пайдо бўладилар, ҳар бир даврнинг махсус Одам ва Ҳаввоси бор, шу давр эраси уларнинг иккаласига боғлиқ бўлади, деб гумон қилади. Еки биров, ҳар бир даврда ҳар қайси жой учун алоҳида Одам ва Ҳавво тўғри келган, шунинг учун одамларнинг кўринишлари, табиатлари ва тиллари турлича бўлади, деб гумон қилади.

Еки шунга ўхшаш биров мумкин бўлмаган эътиқодга, яъни ўтган замонлар аввалининг ниҳояти йўқ, деган эътиқодга суяниб, дин арбоблари йўлини тутати ва натижада шундан [бирор] маъно чиқаради. Бу гуруҳнинг кўпчилик [кишилари] шундай қилганлар. [Лекин] Саид ибн Муҳаммад аз-Зухлий⁴¹⁵ китобидагидан яхшироғини топиб бўлмайди. Унинг айтишича, одамлар [аввал] доимо бир-бирлари билан уришиб-талашар, яхши кишилар ёмон [лар] томонидан эзилиб, қаҳр қилинар эканлар. Ниҳоят уларни одил подшоҳ Пешдод Фирдавс⁴¹⁶ деган жойга кўчирган. Фирдавс Адандан Сарандибгача [қўзилади]. Бу ерда уд, қалампир, мунчоқ [ва] турли хушбўй [ўсимлик]лар ўсади ва турли-туман нозу неъматлар мавжуддир.

Улар шу жойда то Ифрит — ёмонлар подшоҳи — хабар топиб, улар билан жанжаллашгунича турганлар. Пешдод бу жойда ота-онаси номаълум бир йигит ва бир қиз учратган, икковини тарбия қилиб, уларга Мишо ва Мишона деб от қўйган ва икковини бир-бирига қўшган. Кейин улар хато иш қилиб қўйганлар, Пешдод уларни ҳалиги ер [Фирдавс] дан ҳайдаб чиқарган. Айтишларига кўра, бу афсоналар жуда узундир.

Яна [Муҳаммад аз-Зухлий] бундай деган: «Одамларнинг Фирдавсга тушишларидан — бу тарихлар боши — то Ифрит улардан хабардор бўлгунича бир йил, [Пешдод] Мишо ва Мишонани учратгунича икки йил, уларни бир-бирига қўшгунича қирқ бир йил, иккови ҳалок бўлгунича ўттиз йил, Пешдод ҳалок бўлгунича тўқсон тўққиз йил ўтган». Сўнгра [аз-Зухлий] бошқа тарихларни қолдирган ва улар [топган тарихлар]ни ўз ҳолича келтирмаган.

Эронликлар тарихларининг иккинчи қисмига келганда, бу Искандардан то Ардашер ибн Бобак подшоҳлигигача ўтган [вақтдир]. Бу муддатда «қабилалар подшоҳлари» барпо бўлган. Булар Искандар ўз мамлакатига подшоҳ қилган кишилар бўлиб, уларнинг ҳеч бири бошқасига бўйсунмаган. Ашконийлар⁴¹⁷ подшоҳлиги ҳам бу даврда бўлган. Булар Ироқда ва Моҳ мамлакатида ҳукмронлик қилганлар. Моҳ — Жиболдир⁴¹⁸. || Ашконийлар «қабилалар подшоҳлари»нинг [подшоҳликка] сазоворроғи бўлсалар ҳам, бошқалари уларга бўйсунмаганлар, фақат Эрон подшоҳлиги хонадонидан бўлганликлари сабабли уларни ҳурмат қилганлар. Гап шуки, ашконий подшоҳларининг биринчиси Ашк ибн Ашкон бўлиб, лақаби Афғувршоҳ, ибн Балон⁴¹⁹ ибн Шопур ибн Ашкон ибн Аш ал-Жаббор ибн Сиёвуш ибн Қайковусдир.

Эрон тарихчиларининг кўпчилиги Искандар подшоҳлиги билан ашконийларнинг аввалги [подшоҳи] орасини туташтириб, [йил ҳисобини] қўпол равишда қисқартиради. Баъзилари ашконийлар Искандардан бирмунча кейинроқ подшоҳ бўлган деса, бошқалари ҳеч нарса билмай, [гапни] қориштириб юборади.

Мен уларнинг ўзимгача келиб етган гапларини ҳикоя қиламан. Кучим етганича, бузилганларни тузатишга, ёлғонларни бекор қилишга, рости аниқлашга уринаман. Биринчи қисмдаги биринчи жадвалга боғлиқ бўлганлардан бошлайман ва буни ҳам биринчи жадвал деб атайман. У мана бу:

Биринчи жадвалга тутатишга кўра ашконий подшоҳларининг исмлари	Лақаблари	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Йиллар жами
Искандар Румий	—	14	14
Ашк ибн Ашкон	Хушдих	13	27
Ашк ибн Ашк ибн Ашк	Ашкон	25	52
Шопур ибн Ашк	Заррин	30	82
Баҳром ибн Шопур	Хурун	21	103
Нарсий ибн Баҳром	Кисувар	25	128
Ҳурмуз ибн Нарсий	Солор	40	168
Баҳром ибн Ҳурмуз	Равшан	25	193
Фируз ибн Баҳром	Балод	17	210
Кисро ибн Фируз	Бародих	20	230
Нарсий ибн Фируз	Шикорий	30	260
Ардавон ибн Нарсий	Охирги ⁴²⁰	20	280 114

Бунга бу қисмнинг иккинчи жадвалига боғлиқ бўлган ва Ҳамза Абистодан зикр қилган [жадвални] илова қиламан. Қисмлардаги бир исмли отлар ўз ҳамномларига қўшилсин деб, буни ҳам иккинчи жадвал номи билан атайман. Шунда жадваллар тартибли бўлиб, уларни қайтадан эслатишга [ҳеч қандай] эҳтиёж қолмайди. У мана бу жадвалдир.

Иккинчи қисмнинг иккинчи жадвали

Ҳамза кўрсатган жадваллар тартиби бўйича ашконий подшоҳларининг исмлари	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Йиллар жами
Искандар Румий	14	14
Ашк ибн Балаш ибн Шопур ибн Ашкон ибн Аш ал-Жаббор	52	66
Шопур ибн Ашк	24	90
Жувдар ибн Вийжан ибн Шопур	50	140
Унинг жияни Вийжан ибн Балаш ибн Шопур	21	161
Жувдар ибн Вийжан ибн Балаш	19	180
Нарсий ибн Вийжан	30	210
Унинг амакиси Ҳурмузон ибн Балаш	17	227
Фирузон ибн Ҳурмузон	12	239
Хусрав ибн Фирузон	40	279
Балаш ибн Фирузон	24	303
Ардавон ибн Балаш ибн Фирузон	55	358

Бундан кейин жадваллар тартибида «учинчи» деганим ва Ҳамза ал-Исфажоний уни Мубад нухасидан кўчириб олганини айтган [жадвални] келтираман. Шунда иш юқоридаги икки жадвалдаги каби бир хилда бўлади. Мана иккинчи қисмининг учинчи жадвали.

Иккинчи қисмининг учинчи жадвали

Ҳамзанинг Мубад нухасидан кўчирганини эслатиб ўтганига кўра ашконий подшоҳларининг исмлари	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Йиллар жами
Искандар Румий	14	14
Кейин румликлардан бир гуруҳи подшоҳ бўлиб, вазирлари эронликлардандир		
У подшоҳлар сони ўн тўртта	68	82
Ашк ибн Доро ибн Доро ибн Доро	10	92
Ашк ибн Ашкон	20	112
Шопур ибн Ашкон	60	172
Баҳром ибн Шопур	11	183
Балош ибн Шопур	11	194
Ҳурмуз ибн Балош	40	234
Фируз ибн Ҳурмуз	17	251
Балош ибн Фируз	12	263
Хусрав ибн Малозон	40	303
Балошон	24	327
Ардавон ибн Балошон	13	340
Катта Ардавон ибн Ашконон	23	363
Хусрав ибн Ашконон	15	378
Биҳофарид ибн Ашконон	15	393
Жувдар ибн Ашконон	22	415
Балош ибн Ашконон	30	445
Нарсий ибн Ашконон	20	465
116 Охирги Ардавон	31	496 ⁴²¹

Кейин ҳисобдон Абу-л-Фараж Иброҳим ибн Аҳмад Халаф ал-Занжонийнинг йилнома китобида учратганимни келтираман. У турли ривоятларни солиштиришга уринганида «қабилалар подшоҳлари» ва уларнинг подшоҳлик муддатлари шу [қуйидаги] жадвалдагига мувофиқ келган. Унинг айтишича, эронликлар «қабилалар подшоҳлари» орасидан фақат ашконий подшоҳлари таржимаи ҳолларини қайд этганлар, ашконий подшоҳлари эса Искандар вафотининг икки юз қирқ олтинчи йилида⁴²² Ироқ ва Жиболда подшоҳлик қилганлар, холос.

Абу-л Фараж китобидагига кўра ашконий [подшоҳлари]	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Йиллар жами
Искандар Румий	14	14
Қабилалар подшоҳлари	246	260
Афғуршоҳ	10	270
Шопур ибн Ашкон	60	330
Буюк Жувдар	10	340
Бизан ал-Ашконий	21	361
Жувдар ал-Ашконий	19	380
Нарсий ал-Ашконий	40	420
Ҳурмуз	17	437
Ардавон	12	449
Хусрав	40	489
Балош	24	513
Кичик Ардавон	13	526

117

Абу Мансур ибн Абдураззоққа бағишлаб ёзилган «Шоҳнома» китобида⁴²³ шу иккинчи қисм тарихларини мана бу жадвалда кўрсатганимиздек учратдик:

„Шоҳнома“ китобига кўра Ашконий [подшоҳлари]	Улардан ҳар бирининг под- шоҳлик [муддати]	Йиллар жами
Ашк ибн Доро. Баъзиларнинг айтишича, у Ариш авлодидандир	13	13
Ашк ибн Ашк	25	38
Шопур ибн Ашк	30	68
Баҳром ибн Шопур	51	119
Нарсий ибн Баҳром	25	144
Ҳурмуз ибн Нарсий	40	184
Баҳром ибн Ҳурмуз	5	189
Ҳурмуз	7	196
Фируз ибн Ҳурмуз	20	216
Нарсий ибн Фируз	30	246
Ардавон	20	266

Шу [иккинчи] қисмдаги йил ҳисобининг [мазмуни] жадвалларни бир-бирига солиштирганда маълум бўлади. Бу [шундай] муддатки, унинг бошланиши Искандарнинг Эрон устидан ғалаба қозониши, охир-гиси — Ардашер ибн Бобакнинг подшоҳ бўлиши ва ашконийлардан подшоҳликни тортиб олишидир. Ҳар икки томон маълум ва ихтилофсиздир, [шундай бўлгач], икки томон ўртаси [масаласида] нима қилишимиз керак? Тўғри! Ашконий подшоҳларидан ва бошқа «қабилалар под-

шоҳлари»дан ҳар бирининг подшоҳлиқ муддатини ёки подшоҳ бўлиб турган шахслар ададини қиёс билан аниқлаб чиқаришимиз мумкин бўлмайди. Чунки бу ривоятларга боғлиқдир, ривоятларда эса нима бўлса бўлган⁴²⁴. Шундай қилиб, энг камида иккинчи қисм муддатини имкон борича тўғрилашга уринишимиз лозим.

Энди айтамыз: Яздижард подшоҳ бўлган йили Искандар эраси, яширин ва номаълум қолмайдиган даражада, равшан тўққиз юз қирқ уч эди. Ана шу [ҳеч ким] инкор этолмайдиган [ададни] асос қилиб олиб, меъёр ва ўлчов қиламиз-да, юқорида зикр қилинганларни шу билан ўлчаيمиз.

118 Аввало иккинчи қисмнинг биринчи жадвалидаги муддат жамини, яъни икки юз саксон йилни оламиз ва уни бир-бирига ўхшаш [муддатларни] қиёслаш учун келгусида учинчи қисмнинг биринчи жадвалида кўрсатиладиган || Ардашер подшоҳлигининг аввалидан то Яздижард подшоҳлигининг аввалигача бўлган тўрт юз ўн йилга яқин [ададга] қўшамиз, жами олти юз тўқсон йил бўлади. Бу эса ҳалиги ўлчовдан икки юз эллик уч йилча камдир. Бу [йигиндини] назардан ташлаймиз ва унга эътибор бермаймиз. Яна иккинчи қисмнинг иккинчи жадвалидаги [ададлар жами] уч юз эллик саккиз йилни олиб, учинчи қисмнинг иккинчи жадвалида келтирилган муддатга қўшамиз, жами саккиз юз ўн саккиз йил бўлади. Бу ҳам ўлчовдан юз йигирма беш йилча камдир. Буни ҳам ташлаб, иккала қисмнинг учинчи жадвалига қайтайлик-да, бунда ҳам биринчи ва иккинчи [жадвалларда] қилган ишимизни қилайлик. Жами тўққиз юз ўттиз йил бўлади, бу ўлчов қарийб ўн уч йил камдир. Буни ҳам саноққа олмасдан ташлаймиз, чунки бу гарчи ҳақиқатга яқин бўлса ҳам, тарихлар бундай тафовутни қабул этмайди.

Шунингдек, бу усулни Абу-л-Фаражнинг китобида учратилган жадвал [ададларга] қўллаб, ўхшашни ўхшашга [қиёс қилсақ], жами тўққиз юз қирқ тўққиз йил бўлади, бу ўлчов олти йил ортиқдир. Буни ҳам қўямиз. Агар шу иккинчи қисм ҳақида «Шоҳнома» китобида учратилган [ададни] учинчи қисм жадвалларининг бири тақозо этган сонга қўшсақ, ўлчовдан узоқлашиб кетади.

Энди буларнинг ҳаммасини қўйиб, [йил ҳисобларини] Монийнинг «Шобурақон»⁴²⁵ номли машҳур китобидан тўғрилайлик. Чунки Эрон китоблари ичида Ардашер хуружидан кейин фақат шу китобга суяниш мумкин. Моний ёлғонни ҳаром деб эътиқод қилувчилардан бўлиб, тарихни бузиб кўрсатишга унинг эҳиёжи ҳам бўлмаган.

Шундай қилиб айтамызки, Моний ўша китобнинг пайғамбар келиши⁴²⁶ бобида ўзининг Бобил астрологлари йилининг, яъни Искандар тарихининг беш юз йигирма еттинчи йилида Озарбон подшоҳ салтанатининг тўртинчи йилида Вобилда туғилганини айтган. Озарбонни охириги Ардавон деб гумон қиламан. Яна Моний ўша бобда ўзига ўн уч ёшида ваҳий келганини сўзлаган. Бу Бобил астрономлари тарихининг беш юз ўттиз тўққизинчи йилида, подшоҳлар подшоҳи Ардашер ҳукмронлиги йилларидан икки йил ўтганда эди. Моний бу билан Искандар ва Ардашер ўртасидаги муддатнинг беш юз ўттиз етти йил, Ардашер ва Яздижард ўртасидаги муддатнинг [эса] тўрт юз олти йил [эканини] очиқ айтган. Абадий ва ишончли китобнинг гувоҳлиги билан қабул этилган [адад] мана будир.

Ҳикоялар бир-бирига мувофиқ келиб, тўғри бўлгани сабабли, кабисаларнинг охиргиси Яздижард ибн Шопур замонида амалга оширилган ва кабиса кунлар || кабиса навбати етиб келган ойнинг, яъни саккизинчи ойнинг охирига қўшилган [дейиш мумкин]. Агар Искандар ва Ардашер орасида беш юз ўттиз етти йил [ўтганини] ҳисобга олсак, Зардушт ва Яздижард ибн Шопур ўртаси қарийб тўққиз юз етмиш йил бўлган. Эронликлар ҳар бир юз йигирма йилда бир ой қўшимча қилишларига кўра [бу давр ичида] саккиз ой кабиса қўшиш лозим бўлади. Агар [Искандар ва Ардашер ўртасидаги] ўша муддатнинг икки юз олти миш йил ёки кўпроқ, аксар [тарихшунослар] айтганларидек, ҳатто уч юз йил эканига амал қилсак, йилларнинг жами олти юз йилга яқин бўлиб, буларга беш ой кабиса қўшилади. Ҳозир айтганимиздек, [тарихшунослар] қўшимча ойларни саккизта деганлари [бунга] килофдир.

Шунингдек, Ардашер подшоҳ бўлган йилнинг «толеи»⁴²⁷ қарийб Жавзонинг нисфи экани, Яздижард подшоҳ бўлган йилнинг «толеи» эса Ақраб буржининг олтидан бири экани астрологлар китобларида ёзилган. Агар эронликларча, қуёш даврининг бутун кунлардан ортиғи бўлган тўқсон уч бутуну тўртдан бир бўлакни⁴²⁸ тўрт юз етти йилга⁴²⁹ кўпайтурсак, жами бир юз эллик икки бутуну тўртдан уч бўлак⁴³⁰ бўлади. Агар шу миқдорни Яздижард подшоҳ бўлган йил «толеи» даражасининг матлаларидан камайтириб, қолганини кисролар пойтахти бўлган Ироқ иқлимининг матлаларига ёй шаклида қўйсак, толе [астрологларнинг юқорида] айтганларига яқин [жойда], Жавзо буржининг нисфи бўлади. Йиллар ортиқ ё кам бўлганда «толе» мувофиқ келмас эди. Иккита гувоҳ исбот этган нарса, кўп гувоҳлар қарши бўлган нарсадан афзалроқдир.

Агар астрологлар айтган тўрт юз етти йилга «Шобурақон» [китобида] айtilган беш юз ўттиз етти йилни қўшсак, жами тўққиз юз қирқ тўрт йил бўлади. Бу Искандар эрасидан Яздижард подшоҳ бўлгунича ўтган [вақтдир]. Бир йил ортиқча бўлиши Рум ва Эрон йилларининг аввали ва бошланиши ҳикоя қилувчининг ойлар ва [ойларнинг] касрларини аниқламай ҳикоя қилишида тафовутли бўлишидан келиб чиққан.

Энди Ҳамза ал-Исфажонийга келсак, у Мусо ибн Исо ал-Кисрағийдан ҳикоя қилади: Мусо бу масалага [диққат билан] қараб, биз баён этган чалкашлиқдан огоҳ бўлгач, бундай деган: «Искандар билан Яздижард подшоҳлиги орасида тўққиз юз қирқ икки йил ўтган. Бундан ашқонийлар подшоҳ бўлган муддатни — икки юз олти миш олти йилни камайтурсак, Ардашердан то Яздижард подшоҳлигигача давом этган сосонийлар подшоҳлиги олти юз етмиш олти йил бўлади. Ҳолбуки, эронликлар ривоятларида бундай учратилмади, — Мусо яна [сўзини] давом этиб, — «Эрон подшоҳларининг ададларига эътибор бериб қарасак, улардан нақл этувчилар кўрсатмаган бир неча кишининг номи унутилган. Улар бир-бирига ўхшаганларини аралаштириб юборганлар, мен уларни ҳақиқатга мувофиқ баён этаман», — дейди.

У, яъни Мусо Эрон подшоҳларининг [ҳукмронлик] муддатларини ва ададларини ортириб юборган. Худойи таоло хоҳласа, буни навбати етганда ҳикоя қиламиз.

|| Эрон хронологиясининг учинчи қисми баёнига қайтамыз. Бу Баҳман ибн Исфандиёр наслидан Ардашер ибн Бобакнинг тахтга чиқи-

шидан бошланади. Чунки Ардашер Бобак шоҳ ибн Сосон ибн Бобак ибн Сосон ибн Биҳофарид ибн Миҳрмиш ибн Қатта Сосон ибн Баҳман ибн Исфандиёр ўғлидир.

Тарихнинг бу қисми ҳам аввалги икки қисм каби [нуқсонлардан] холи эмас, лекин бу ерда [нуқсонлар] камроқдир.

Мен бу қисмни аввалги икки қисмнинг ҳар бирида ўтган жадвалларга ўхшаш биринчи жадвал билан бошлаб, унинг кейинидан иккинчи, сўнгра учинчи жадвалларини келтираман. Лекин шу уч қисмдаги жадваллардан ҳар бирининг [йиллари] жам қилинганда, Эрон йил ҳисоби узлуксиз бўлади. Биринчи жадвал мана бу:

Биринчи жадвалда тузилишига кўра со- соний подшоҳларининг исмлари ⁴³¹	Уларнинг лақаблари	Улардан ҳар бирининг подшолқ [муддати]			Йиллар жами		
		йил	ой	кун	йил	ой	кун
Ардашер [I] ибн Бобак [226—241]. У Эрон мамлақатини бирлаштир- гани учун „Жоме“ деб лақабла- нади	Бобакон	14	10	0	14	10	0
Шопур [II] ибн Ардашер [241—272]. У юнонча китобларни таржима қилган, унинг даврида уд сози ихтиро этилган	Барда	30	6	12	45	4	12
Ҳурмуз ибн Шопур [272]	Паҳлавон	1	10	0	47	2	12
Баҳром [I] ибн Ҳурмуз, Монийни ўлдирган [273—276]	Яздажон	3	3	3	50	5	15
Баҳром ибн Баҳром	Шоҳидиҳ	17	0	0	67	5	15
Баҳром ибн Баҳром ибн Баҳром	Сагоншоҳ	0	4	0	67	9	15
Нарсий ибн Баҳром ибн Баҳром	Нахжир- кон	9	0	0	76	9	15
Ҳурмуз ибн Нарсий	Кухбад	7	5	0	84	2	15
Шопур [III] ибн Ҳурмуз Зулактоф [309—379] ⁴³²	Ҳубасун- бо	72	0	0	156	2	15
Ардашер ибн Ҳурмуз	Чиройли	4	0	0	160	2	15
Шопур ибн Шопур	Аскарлар шопури	5	4	0	165	6	15
Баҳром ибн Шопур	Кирмон- шоҳ	11	0	0	176	6	15
Яздижард [I] ибн Шопур [399—420]	Гуноҳкор	21	5	17	198	0	2
Баҳром ибн Яздижард [420—438]	Гўр	18	10	0	216	10	2
Яздижард ибн Баҳром	Шоҳдўст	18	3	28	235	2	0
Афридун ибн Яздижард	Мардона	27	0	0	262	2	0
122 Балаш ибн Фируз	Кирмон- шоҳ	4	0	0	266	2	0
Қубод ибн Фируз [489—531]. Дин- га [қарши] исён қилиб, тахтдан туширилгунча	Нек рай	38	0	0	304	2	0

Биринчи жадвалда тузилишига кўра сосоний подшоҳларининг исмлари ⁴³¹	Уларнинг лақаблари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]			Йиллар жами		
		йил	ой	кун	йил	ой	кун
Жомосп ибн Фируз, Қубоднинг биродари	Некуруив	2	0	0	306	2	0
Қубод ибн Фируз. Иккинчи марта	Зиндиқ	4	0	0	310	2	0
Хусрав [I] Анушервон, пайғамбар—худо унинг мартабасини улуғлаб, саломини юборсин — туғилишигача [531—579]	Одил подшоҳ	41	0	0	351	2	0
Ундан кейин		7	7	0	358	9	0
Ҳурмуз [V] ибн Хусрав. Тахтдан туширилиб, бўғилгунича [580—589]	Туркзод ⁴³³	9	7	10	368	4	10
Хусрав [II], то салиб таёғини Илъёдан чиқаргунича [590 - 628]	Парвиз, улуғ подшоҳ	33	0	0	401	4	10
Ундан кейин то пайғамбар — худо унинг мартабасини улуғлаб, саломини юборсин — ҳижратигача		0	1	8	401	5	18
Ундан кейин, [тахтдан] туширилиб, кўр қилиниб, ўлдирилгунича		4	10	22	406	4	10
Қубод ибн Хусрав. Вабода ҳалок бўлгунича	Шируя	0	8	0	407	0	10
Ардашер ибн Шируя. Етти ёшида	Кичкина	1	6	0	408	6	10
Шаҳрибароз. Хусрав уни Истанбулни қамал қилишга юборган	Хирмон	0	1	8	408	7	18
Бўрон. Хусрав Парвиз[нинг] қизи; унинг онаси Марям — Қайсар қизи	Бахтли	1	4	0	409	11	18
Хусрав ибн Қубод ибн Ҳурмуз ибн Хусрав Парвиз	Пакана	0	10	0	410	9	18
Фируз ибн ⁴³⁴ Минузод	Хушдид	0	1	20	410	11	8
Озармидухт — Парвиз[нинг] қизи — заҳарлангунича	Адолатли	0	6	0	411	5	8
Фаррухзод Хусрав. Ҳали ёш бола эди		0	1	0	411	6	8
Яздижард [III] ибн Шаҳриёр ибн Хусрав Парвиз. У ўн беш ёшда эди [632—651]. Сўнгра араблар ҳукмрон бўлдилар	Охирги подшоҳ	20	0	0	431 ⁴³⁵	6	8

Ҳамзанинг Абисто китобидан тўғриланган ва «Қатта таржимаи ҳол» китобидан кўчирилди, деб зикр қилган [жадвалига] қўшимча иккинчи жадвал мана бу:

Учинчи қисмнинг иккинчи жадвали

„Ҳамзанинг Абисто китобидан тўғрилаб туз- дим“, — деган жадвалига кўра сосоний под- шоҳларининг исмлари	Улардан ҳар бири- нинг подшоҳлик [муддати]			Йиллар жами		
	йил	ой	кун	йил	ой	кун
Ардашер ибн Бобак	14	6	0	14	6	0
Шопур ибн Ардашер	30	0	28	44	6	28
Ҳурмуз ибн Шопур	1	10	0	46	4	28
Баҳром ибн Ҳурмуз	3	3	3	49	8	1
Баҳром ибн Баҳром	17	0	0	66	8	1
Баҳром ибн Баҳром ибн Баҳром	0	4	0	67	0	1
Нарсий ибн Баҳром	9	0	0	76	0	1
Ҳурмуз ибн Нарсий	7	5	0	83	5	1
Шопур ибн Ҳурмуз, „Зулактоф“	72	0	0	155	5	1
Ардашер ибн Ҳурмуз	4	0	0	159	5	1
Шопур ибн Шопур	50	4	0	209	9	1
Баҳром ибн Шопур	11	0	0	220	9	1
Яздижард ибн Баҳром, „Гунаҳкор“	21	5	8	242	2	9
Баҳром ибн Яздижард, „Гўр“	23	0	0	265	2	9
124 Яздижард ибн Баҳром	18	4	28	283	7	7
Фируз ибн Яздижард	27	0	1	310	7	8
Балош ибн Фируз	4	0	0	314	7	8
Анушервон ибн Қубод	47	7	0	405	2	8
Ҳурмуз ибн Анушервон	11	7	10	416	9	18
Парвиз ибн Ҳурмуз	38	0	0	454	9	18
Шируя ибн Парвиз	0	8	0	455	5	18
Ардашер ибн Шируя	1	6	0	456	11	18
Бўрон — Парвиз қизи	1	4	0	458	3	18
Хушанашбанда	0	2	0	458	5	18
Озармидухт — Парвиз қизи	1	4	0	459	9	18
Хурразодхусрав	0	1	0	450	10	18
Яздижард ибн Шаҳриёр	20	0	0	479	10	18

|| Бу қисмнинг учинчи жадвалига келганда, Ҳамза уни Мубад нусхасидан кўчирганини айтади. У [жадвал] мана бу:

„Ҳамзанинг Мубад нусхасидан олдим“, —деганига кўра сосоний подшоҳларининг исмлари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]			Йиллар_жами		
	йил	ой	кун	йил	ой	кун
Ардашер ибн Бобак. „Қабила подшоҳлари“ билан уруш қилгандан кейин	14	10	0	14	10	0
Шопур ибн Ардашер	30	0	15	44	10	15
Ҳурмуз ибн Шопур	3	3	0	48	1	15
Баҳром ибн Ҳурмуз	17	0	0	65	1	15
Баҳром ибн Сагоншоҳ	40	4	0	105	5	15
Нарсий ибн Баҳром	9	0	0	114	5	15
Ҳурмуз ибн Нарсий	7	0	0	121	5	15
Шопур, „Зулактоф“	72	0	0	193	5	15
Ардашер ибн Ҳурмуз	4	0	0	197	5	15
Шопур ибн Шопур	5	0	0	202	5	15
Баҳром ибн Шопур	11	0	0	213	5	15
Яздигард „Ғуноҳкор“	21	5	18	234	11	3
Баҳром „Ғур“	19	11	0	254	10	3
Яздигард ибн Баҳром	14	4	18	269	2	21
Фируз ибн Яздигард	17	0	0	286	2	21
Балош ибн Фируз	4	0	0	290	2	21
Қубод ибн Фируз	41	0	0	331	2	21
Анушервон	48	0	0	379	2	21
Ҳурмуз ибн Анушервон	12	0	0	391	2	21
Парвиз	38	0	0	429	2	21
Қубод Шируя	0	8	0	429	10	21
Ардашер ибн Шируя	1	6	0	431	4	21
Бурон — Парвиз қизи	1	4	0	432	8	21
Фируз, у Хушанашбанда деб ҳам аталади	0	1	0	432	9	21
Озармидухт Хушанашбанда деб аталувчи [подшоҳ] билан биргаликда	0	6	0	433	3	21
Хурразод Хусрав	1	0	0	434	3	21
Яздигард ибн Шаҳриёр	20	0	0	454	3	21

126

Абу-л-Фараж аз-Занжоний китобида шу қисмнинг йилларини учта жадвалда келтирганимиздан бошқачароқ учратдик. Буни шу уч қисмнинг олдинги икки қисмида ишлаган жадвалимизга биноан бу ерга қўйдик. Шу билан йиллар жадвали тамом бўлади. [Аз-Занжоний] жадвали мана бу:

127	Абу-л-Фараж аз-Занжоний китобидаги жадвалга кўра сосоний подшоҳларининг исмлари	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]			Йиллар жами		
		йиллар	ойлар	кунлар	йиллар	ойлар	кунлар
	Ардашер ибн Бобак	14	10	0	14	10	0
	Шопур ибн Ардашер	31	6	18	46	4	18
	Хурмуз ибн Шопур	1	6	0	47	10	18
	Баҳром ибн Хурмуз	3	3	3	51	1	21
	Баҳром ибн Баҳром	17	0	0	68	1	21
	Баҳром ибн Баҳром ибн Баҳром	4	4	0	72	5	21
	Нарсий ибн Баҳром	9	0	0	81	5	21
	Хурмуз ибн Нарсий	9	0	0	90	5	21
	Шопур ибн Хурмуз, „Зулактоф“	72	0	0	162	5	21
	Ардашер ибн Хурмуз	4	0	0	166	5	21
	Шопур ибн Шопур	5	4	0	171	9	21
	Баҳром ибн Шопур	11	0	0	182	9	21
	Яздижард, „Гуноҳкор“	21	5	18	204	3	9
	Баҳром „Гўр“	18	11	3	223	2	12
	Яздижард ибн Баҳром	18	4	18	241	7	0
	Хурмуз	7	0	0	248	7	0
	Фируз ибн Яздижард	27	0	0	275	7	0
	Балош ибн Фируз	4	0	0	279	7	0
	Қубод ва Жомосп, Фирузнинг ўғиллари	43	0	0	322	7	0
	Анушервон ибн Қубод	47	7	5	370	2	5
128	Хурмуз ибн Анушервон	11	7	15	381	9	21
	Парвиз ибн Хурмуз	38	0	0	419	9	21
	Шируя ибн Парвиз	0	7	0	420	4	21
	Ардашер ибн Шируя	0	5	0	420	9	21
	Хуҳон. [V] Румни қамал қилган	0	0	22	420	10	12
	Хусрав ибн Қубод	0	3	0	421	1	12
	Бўрон — Парвиз қизи	1	6	0	422	7	12
	Хушанашбанда	0	2	0	422	9	12
	Озармидухт — Парвиз қизи						
	Фаррухзод Хусрав. [V] ёш бола эди	0	1	0	423	2	12
	Яздижард ибн Шаҳриёр	20	0	0	443	2	12

129 || Энди ал-Кисравий иккала охириги қисмдаги чалкашликни аниқлагач, шу қисм тарихини қандай юргизганини баён этиш учун берган ваъдамизни бажаришга қайтамыз.

Аввало, ал-Кисравий ва унинг ишига жуда ҳам ажабланмоғимиз керак. Чунки у тажриба ва имтиҳон қилиб, Искандар билан Яздижард ўртасидаги муддатдан ашконийлар ҳукмронлик қилган муддат учун икки юз олтмиш йилни камайтирди. Ҳамза эса, «Абисто китобидан тўғриладим» ва «Мубад нусхасидан олдим» деган мулоҳазалардан бошқани исбот этмади. Бу икки мулоҳазага кўра ашконийлар муддати уч юз эллик йилдан ортиб кетади. Энди икковидан бирига ёки ал-

Қисравий айтганидан бошқага амал қилмаслик учун унинг фикрича, тўғри топилганни ўша икки мулоҳазага қўшмоғимиз керак бўлади. Эҳтимол, ал-Қисравий «Шоҳномадан» кўчириб [юқорида] баён этган [йўлга] асослангандир.

Сўнгра, ал-Қисравийнинг бу [амални] бажариб, хатоларни топган экан, нима учун хатоларни ашконийлар муддатига юкламай, сосонийлар [муддатига] юклаганини билсам эди? Ҳолбуки, ашконийлар муддатида хато юз бериши тўғрироқ бўларди, чунки у вақтда эронликлар паришонҳол бўлиб, ўзлари билан овора ва тарихларни ёдлашдан ғофил эдилар. Шу билан бирга, Искандар ва унинг ворислари румликлар томонидан [эронликлар] рағбат қилган барча илмий китоблари куйдирилиб, ҳаёт воситаси бўлган ва фахр қилинадиган гўзал санъатлари барбод этилган эди.

Ҳатто Искандар кўплаб диний китобларни куйдирган, ажойиб биноларни вайрон қилган, масалан, Истахр тоғидаги бизнинг замонимизда Сулаймон ибн Довуд масжиди номи билан машҳур бўлган [бинога] ўт қўйган эди. Айтишларича, у масжиднинг баъзи жойларида куйганлик нишоналари ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

Шунинг учун эронликлар Искандар билан Ардашер ўртасидаги муддатда, [яъни] румликлар уларга сиёсат юргизиб турганида тарихлардан ғофил бўлдилар, ашконийлар подшоҳлиги туфайли хавф-хатарлардан тинчиганларидан кейин яна тарихларини исботлашга киришдилар. Демак, шу [сосонийлардан] олдинги муддат нотўғрилиқка сазоворроқдир, чунки подшоҳлик ва ҳукмронлик сосонийларда низомли бўлиб, ашконийлар даврида бетинч бўлган. Бу ҳақда биз асослаган далиллар ҳам шуни исботлапти.

Ал-Қисравий даъвосича, унинг томонидан киргизилган тузатишни ўз ичига олган жадвал шакли мана бу:

Ҳамзанинг ҳикоя қилишича, ал-Қисравий тўғрилаган сосоний подшоҳларининг исмлари	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]			Йиллар жами		
	йиллар	ойлар	кунлар	йиллар	ойлар	кунлар
Ардашер ибн Бобак	19	10	0	19	10	0
Шопур ал-Жунуд	32	4	0	52	2	0
Унинг ўғли Ҳурмуз	1	10	0	54	0	0
Унинг ўғли Баҳром	9	3	0	63	3	0
Баҳром ибн Баҳром	23	0	0	86	3	0
Баҳром ибн Баҳром ибн Баҳром	13	4	0	99	7	0
Нарсий ибн Баҳром	9	0	0	108	7	0
Унинг ўғли Ҳурмуз	13	0	0	121	7	0
Шопур, „Зулактоф“	72	0	0	193	7	0
Унинг биродари Ардашер	4	0	0	197	7	0
Шопур ибн Шопур „Зулактоф“	82	0	0	279	7	0
Унинг ўғли Баҳром	12	0	0	291	7	0
Унинг ўғли Яздижард, „Раҳмдил“, Шарвин ҳукмдори	82	0	0	373	7	0

13

	Унинг ўғли Яздижард, „Раҳмсиз“	23	0	0	396	7	0
	Унинг ўғли Баҳром „Гўр“	23	0	0	419	7	0
	Унинг ўғли Яздижард	18	5	0	437	0	0
					[438]		
	Унинг ўғли Баҳром	26	1	0	463	1	0
	Унинг ўғли Фируз	29	0	1	492	1	1
	Унинг ўғли Балос	3	0	0	495	1	1
	Унинг биродари Қубод	68	0	0	563	1	1
131	Анушервон ибн Қубод	47	7	0	610	8	1
	Хурмуз ибн Анушервон	23	0	0	633	8	1
	Парвиз ибн Хурмуз	38	0	0	671	8	1
	Шируя ибн Хурмуз	0	8	0	672	4	1
	Ардашер ибн Шируя	1	0	0	673	4	1
	Шаҳрбароз	0	1	8	673	5	9
	Бўрон — Хусрав Парвиз қизи	1	0	0	674	5	9
	Хушанашбанда	0	2	0	674	7	9
	Хусрав ибн Қубод ибн Хурмуз	0	10	0	675	5	9
	Фируз. У Ардашер ибн Бобак авло- дидан	0	2	0	675	7	9
	Озармидухт — Парвиз қизи	0	4	0	675	11	9
	Фаррухзод ибн Хусрав ибн Парвиз ва онаси Круя — Баҳром Чўбин ҳам- шираси	0	1	0	676	0	9
	Яздижард ибн Шаҳриёр	20	0	0	696 ⁴³⁹	0	9

Агар⁴³⁶ || бизга ашконийлар [подшоҳлиги] муддатини Искандар ва Ардашер ўртасида ўтган [йиллар], яъни «қабилалар подшоҳлиги» мажмуидан тўғри йўл кўрсатиб хабардор этувчи гувоҳ ва далилларсиз ажратиб кўрсатиш имкони бўлса эди, албатта, бунга ҳаракат қилар эдик. Лекин бу илми ғайбдан, балки билишни умид этиб бўлмайдиган нарсалардандир, Бундайлар фақат фолбинлик, ваҳий, илми нуҷум ва шунга ўхшашлар орқали билинади. Масалан, мунажжимлар⁴³⁷ давлатлар ва миллатлар ҳақида таълиф этган китобларида ашконийларнинг [ҳукмронлик] муддатларини «қирони авсат»⁴³⁸ йиллари, яъни икки юз қирқ йилга тенг деб кўрсатганлар десак, уларнинг баъзилари ашконийлар [толеининг] хабарчиси Зуҳал бўлиб, бу уларнинг давлатларига ўзининг энг кўп йилини, яъни икки юз олтимиш беш йилни тақдим этган, деб даъво қиладилар. Мунажжимлар ашконийларнинг қилган ишларининг оқибатлари ва таржимаи ҳолларини ёритқичларнинг мазкур тўқнашувларда уларга далолат беришидан деб тавсиф қилганлар. Демак, ашконийлар [ҳукмронлиги] муддати уч юз йилга яқин⁴⁴⁰, дея оламиз.

Кейин Зардуштнинг подшоҳ Биштосфга: «Подшоҳлик минг йил сенинг авлодингда бўлади» деган сўзига қайтиб, [шуни] айтаминки, Зардушт юзага чиққанидан то Яздижард ўлдирилиб, эронликлар давлати барбод бўлгунча минг икки юз йигирма бир йил ўтган. Бундан икки юз эллик саккизни чиқариб ташлансин! Бу Биштосф билан Искандар ўртасидаги муддат бўлиб, бунда Биштосф авлодлари подшоҳ бўлганлар. Бундан яна тўрт юз йигирма олти чиқарилсин! Бу Ардашер билан Яздижарднинг ҳалок этилиши орасидаги [вақт] бўлиб, бунда Ардашер

авлодлари подшоҳ бўлганлар. Натижада беш юз || ўттиз етти қолади. 46
Бу эса, Искандар билан Ардашер ўртасидаги биз айтган муддатдир; минг йил тўлгунича хусравлар уч юз ўн олти йил подшоҳлик қилганлар. Бу хусравлар жумласидан бўлган ашконий подшоҳларининг [мунажжимлар ва Зардушт сўзича] тахминий муддатларидир.

Гарчи [бу ҳисоб] қатъий бўлмаса ҳам, Искандар билан Ардашер ўртасидаги йилларнинг барчасини ашконийларнинг подшоҳлик йиллари деювчи кишининг сўзини ҳам, ишни аксинча қилиб, яъни ашконийларнинг подшоҳлик муддатлари ҳақиқатда Искандар билан Ардашер ўртасидаги муддатдир деб, Искандар подшоҳлиги билан ашконийлар подшоҳликлари ўртасидаги ора узилишидан ва Бобилда Искандардан кейин унинг ўрнига ўтирган румликлар даврларидан беҳабар кишининг сўзини ҳам йўққа чиқаради. || Бу⁴⁴¹ бобда гапиришим мумкин бўлган нарсаларнинг аксари шу. Худо тўғрилиққа муваффақ этувчидир. 63а

Бу бобда айtilган ва бизгача етиб келган мулоҳазаларни исботлаб, ваъдага вафо этдик ва куч сарф қилиб, имкони борича, уларни тузатдик. Энди айтамикки: агар маълум бир вақтни ёки машҳур бир муддатни олиб, уни ўзимиз баён этган турли фикрларга солиштирсак, буларга мувофиқ келмайди, фақат айтиб ўтилган аҳволнинг баъзисигагина мос келади. Шунинг учун ҳар бир нарсани ўз жинсидан қидириш керак бўлади. Бунга мисол: агар биз Байтулмуқаддаснинг Бухтанассар томонидан аввалги вайрон этилиши билан Искандар даври ўртасидаги [муддатни] билмоқчи бўлсак, Эрон тарихларидан биринчи қисмининг жадвалларида у муддатни уч юз қирқ саккиз йил, калдоний подшоҳларининг жадвалларида икки юз тўқсон уч йил эканини кўрамиз, яҳудийларнинг эса [у муддатни] бир юз ўн йил деб гумон қилганликларини учратамиз.

Аҳвол шундай. Бу масала динга тегишли ва яҳудийлар йил ҳисоблари дин билан боғлиқ бўлгани учун эронликлар илгари айtilган сабабга кўра⁴⁴² эраларга эътибор бермадилар ва [ҳатто] бунга аҳамият берувчи киши бўлмади. Бу масалада уларнинг сўзларидан юз ўгириб, яҳудийлар сўзларини — гарчи уларнинг даъволари ҳам бир-бирига зид бўлса-да — олишимиз тўғрироқ бўлади. Бундай зидликка мисол шуки, уларнинг «Сидир Улум» — бунинг изоҳи «Олам йиллари» демакдир — деб аталадиган китобларининг бир жойида «Байтулмуқаддаснинг иккинчи қурилиши тўрт юз саксон йилга чўзилган» дейилиб, кейин бу китобнинг ўзида: «Бу қурилиш Искандардан қирқ йил олдин бошланган», — дейилади. Агар биз бу миқдорни Искандар тарихининг бошланиши билан Веспасион подшоҳлигининг иккинчи йили — бу Байтулмуқаддас вайрон этилган йил — ўртасидаги муддатга қўшсак, ҳаммаси тўрт юз қирқ беш йилга етади. Натижада бу китобдаги икки сўз бир-бирига мувофиқ келмайди.

Яна у китобда айтилишича, Бани Исроил Байтулмуқаддасга қайтгандан кейин эронликлар у ерда эллик тўққиз йил, сўнгра юнонликлар бир юз саксон йил, кейин румликлар уч юз олтмиш йил, ундан кейин хусравлар беш юз қирқ йил подшоҳлик қилганлар. Бунинг мажмуи минг бир юз ўттиз тўққиз йил бўлади. || Бу [яҳудийлар] сўзининг ҳақиқатга хилоф эканини кўрсатади. Бунга далил шуки, ўша айtilган йилларнинг охириги ё ҳижрат [йили], ё Яздижарднинг ҳалокат [йили], ёки икковининг ўртасидаги бир йилдир; [агар] шундай бўлса, ҳижрат-

дан олдин бўлади, Яздижард ҳалокатидан кейин бўлиши мумкин эмас. Энди шу мажмуадан Байтулмуқаддас қурилиши билан Искандар ўрта-сидаги муддат бўлган қирқ йилни олсак, минг тўқсон тўққиз йил қолади. [Бу охириги йил] — Яздижард ҳалокатидан юз ўттиз етти йил кейинга тўғри келади. Бу ҳам [яхудийлар] сўзлари ҳақида бизни шубҳада қолдирувчи ва ишончимизни кеткизувчи [омиллардандир].

Бани Исроиил ўртасидаги можаро ҳақида Тавротнинг мана шу изоҳланган сўзи ривоят қилинади: Ёқуб ўз биродари Исодан қаттиқ қўрқар эди. Худо унга ваҳий юбориб: «Қўрқма, мен албатта, сени ундан сақлайман»,— деди. Бу билан Ёқуб қалби тинчимасди, балки биродари Исони рози қилиб, унинг зарарини ўзидан соқит этиш учун қўйларининг ўндан бирини унга берди. [Қўйларнинг] ўндан бири беш юз элликта эди. Шунда азиз ва улуг тангри: «Нима учун менинг сўзимга ишонмай, биродарингга шунча нарса бердинг? Энди Исо авлодини сенинг авлодинг устидан беш юз эллик йил ҳукмдор қиламан», — деди.

Бу [йиллар] миқдори Байтулмуқаддаснинг иккинчи хароб этилишидан то мусулмонлар уни фатҳ этгунича ўтган [муддатга] яқин ва бунга мувофиқ келади. Шу билан бирга, бунда жабр-зулмни, ота гуноҳи учун болага жазо беришни худога тақаш бор, «худо бандаларига зулм қилувчи эмас».

Эронликларнинг ислом динини қабул этган насаб билимдонларидан баъзиси, у подшоҳлар, яъни Эрон подшоҳларининг насаблари Иброҳим пайғамбар алайҳиссаломга боради деб гумон қилади. Қай бирлари Визак — Исҳоқнинг ўзи. У Иражнинг қизи — Кудакка уйланди, Кудак ундан Манучеҳрни туғди, дейди. Баъзи эронликларнинг айтишларича, Визак бир хотиннинг ўғли бўлиб, насаби биридан иккинчиси эрсиз туғилган олти хотин орқали Кудакка бориб тақалади ва бунга эрон шоирларидан бирининг мана бу сўзи далил қилинади:

Отамиз Визакдир, биров ўз насаби билан
Фахрланганда, мен у билан фахрланаман.
Отамиз Визак — худонинг қули ва пайғамбари,
Унда пайғамбарлик ва зоҳидлик шарафи бор.
Насабимнинг улуғлиги ва қоришиқсизлиги
Шундай кўтарилиб турганда, ким менга тенг бўлади?

- 46 || Айрим [эронликларнинг] айтишича, Лухросп — Ёқуб ўғилларининг бири, Ёқуб эрон тилида Файноуш ибн Қириш бўлиб, у — Исҳоқдир. Яна [уларнинг] айтишларича, Исмоил Кобуш ибн Фиқвор деб аталади, у — Иброҳимдир. Яна улар Афридун — Нуҳ алайҳиссалом дейдилар. Ҳолбуки, тарих ва насабларни озгина билган, хабар ва ривоятларни бир оз ўқиган кишига бу [сўзларнинг] араблар ва эронликлар ўртасида воқе бўлган фахрланишдан келиб чиққан бўяма [гаплар] экани яширин қолмайди. Араблар кўпроқ Иброҳим алайҳиссалом насабига асосландилар ва исломни [эронликлардан] олдин қабул этганликлари билан ўзларини юқори тутдилар ва [эронликларники] сингари фахрланиш билан уларга қарши туришни истайдилар⁴⁴³. Худойи таоло: «Энг тақводорингиз — тангри қошида энг қадрлигингиз»⁴⁴⁴, яна: «У кун одамлар ўртасида насаб бўлмайди ва бир-бирларидан [бу ҳақда] сўрамайдилар»⁴⁴⁵, — деган ва пайғамбар алайҳиссалом: «Барча инсон одамдан, одам эса тупроқдандир, араб ажамликдан фақат тақводорлик

билангина афзал бўла олади»,—деган. Шу билан бирга, фахрланиш ҳақиқатда яхши хулқлар ва олий феълларда олдин кетиш, илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд [нопоқликлардан] тозаланишидир. Қимда шундай [сифатлар] топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса, ҳукм унинг зарарига бўлади.

Энди [мақсадга] қайтиб айтамызки, барча миллатлар тарихи биз айтиб ўтган Эрон ва «аҳли китоб» тарихлари сингари шак-шубҳа аралашмай билиб бўлмайдиган даражададир. Шубҳа аралашмайдигани кам учрайди.

Таржимаи ҳол китоблари Яман, лахмий қабиласига мансуб араблар ва Жафна авлоди подшоҳлари ҳамда улардан ҳар бирининг подшоҳлик муддатини ўз ичига олиб баён этса ҳам, [булар] ҳеч бўлмаганда иккита ривоятда бири-бирига мувофиқ келмаган.

Яман подшоҳларига келсак, Қаҳтон авлоди Яманга тўплангач, Ҳимярни ўзига подшоҳ қилди. У — Абд Шамс ибн Яшжуб ибн Яъруб ибн Қаҳтондир. Айтилишича, энг аввал араб тилида гапирган ва подшоҳларга лойиқ салом билан олқишланган киши ана шу Яъруб бўлиб, унга: «Лаънатдан сақланинг, тонгинг яхши бўлсин!»⁴⁴⁶ дейилган. У кексайиб ўлди ва авлодлари подшоҳликка эга бўлдилар. Асрлар ўтиб ҳукмдорлик ал-Ҳорис ар-Ройишга ўтгунича, улар подшоҳлар қаторида саналмай, [фақат] раислар деб аталдилар. [Ҳорис] подшоҳ ва «тубба» деб аталди, чунки Яман аҳолиси уни ўзларига тубба қилиб олган эдилар^{447—48}. У билан Ҳимяр ўртасида айтганларидек, беш [пушт] ота бор. Ямандаги Ҳимяр подшоҳларининг жадваллари мана бу: ||

47

Ямандаги ҳимяр подшоҳларининг жадвали	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Йиллар жами
1. Ҳимяр ибн Сабо, у Абд Шамс ибн Яшжуб ибн Яъруб ибн Қаҳтондир. У Яман заминига биринчи бўлиб асир келтиргани сабабли „Сабо“ ⁴⁴⁹ деб аталди Ора узилиш	184	184
2. Биринчи тубба, бу — ал-Ҳорис ар-Ройиш ибн Садод ибн ал-Милтотдир. [Яманликларни] таъмин этиб туриши сабабли „ройиш“ ⁴⁵⁰ деб аталди. Айтилишича, бургутларни севувчи, икки минг тўрт юз эллик етти йил умр кўрган Луқмон унинг замонида яшаган	125	309
3. Зулманор Абраҳа ибн ал-Ҳорис. Йўлларига жанг вақтида манор қурганидан шу ном билан аталган	133	442
4. Ифриқис ибн Абраҳа. Барбар заминда Ифриқия шаҳрини қурган кишидир	164	606
5. Ал-Абд Зулаъзор ибн Ифриқис. У насносларга ⁴⁵¹ қарши уруш қилди. Унинг асирлари одамларни кўрқитдилар. [Шунинг учун] „Зулаъзор“ ⁴⁵² деб аталди	25	631

	6. Ҳаддод ибн Шароҳил ал-Ҳадҳод ⁴⁵³	75	706
	7. Билқис — Ҳаддод қизи, у Яманда Сулаймон ибн Довуднинг — ҳар иккисига салом — вориси бўлган	24	730
	8. Ёсир Юнъим ⁴⁵⁴ . Билқиснинг амакиси. У Билқис Ямандан жудо бўлиб, подшоҳлиги тугатилгандан кейин подшоҳликни [қайта] барпо этиб, халққа инъом қилиши сабабли шу ном билан аталди	85	815
	9. Абу Кариб Шаммар Юръиш ибн Ифриқс. У қалтираши сабабли [„Юръиш“] деб, кокили [борлиги] сабабли „Зулқарнайн“ деб аталди. Айтилишича, уни Биштосф Рустам қўли билан ўлдиртирган	37	852
48	10. Абу Малик ибн Шаммар	55	907
	11. Ал-Ақран ибн Абу Малик. У „иккинчи тубба“	53	960
	12. Зу Хусбон ибн ал-Ақран	70	1030
	13. Улуғ Тубба ибн ал-Ақран	163	1193
	14. Маликикариб ⁴⁵⁵ ибн Тубба. У Малик Кали Кариб деб ҳам аталади	—	—
	15. Тубба Асад ибн Маликикариб. У „ўртанчи тубба“ [деб аталади], ўз жамоаси томонидан ўлдирилган. Унинг [номи] Қуръонда мазкурдир ⁴⁵⁶	—	—
	16. Унинг ўғли Ҳассон ибн Тубба	35	1228
	17. Унинг биродари Амр ибн Тубба — Мувсабон ⁴⁵⁷ . Доим висобда, яъни ўринда ётавергани сабабли [шу исм билан аталган]. У „Ёғоч одам“ деб ҳам аталади. Чунки у [ёғочдек] чўзилиб тахтида ётар ва одамлар уни елкаларида кўтариб юрардилар	84	1312
	18. Абд Кулол ибн Мусаввиб. У яширинча [Исо] Масих динида эди	70	1382
	19. Кичик Тубба, Ҳассон ўғли. У яҳудий динини қабул этиб, [одамларни] яҳудийликка даъват қилди. Синглисининг ўғли Окил ал-Мурорни маад [қабиласига] подшоҳ қилиб қўйган	63	1445
	20. Марсад ибн Абд Кулол. Ора узилиш бўлиб, унда ҳимяр подшоҳлари тарқалдилар	74	1519
	21. Валиа ибн Марсад	320	1839
	22. Абраҳа ибн ас-Сабоҳ. Шопур „Зулактоф“ замонида [яшаган]	41	1880
	23. Сухбон ибн Мухрис	—	—
	24. Ас-Сабоҳ ибн Абраҳа ибн ас-Сабоҳ	37	1917
	25. Ҳассон ибн Амр ибн Тубба	73	1990
		32	2022

Ямандаги ҳимяр подшоҳларининг жадвали	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Йиллар жами
26. Зушшанотир, ҳимяр тилидаги маъноси „зирақ таққан киши“ демакдир. У подшоҳ хонадонидан бўлмаган	36	2058
27. Зу-Нувос. У Ариб ибн Қатандир. Зу-Нувос деб аталишига сабаб шуки, унинг иккита кокили икки елкасига тушиб, қимирлаб турарди. У чуқурлар эгаси ⁴⁵⁸ ва яҳудийлар ёрдамчиси бўлган, ҳабашлардан қочган [вақтида] денгизга тушиб [кетиб] ҳалок бўлган	57 35	2115 2149
28. Зу-Жадан	39 28	2188 2217 ⁴⁵⁹

49

Яманни эгаллаган ҳабашлар ва уларни ҳайдагандан кейин уни қўлга киритган эронликлар

1. Арбот ибн Сахм	20
2. Ибн Яксум Абраҳа ал-Ашрам	23
3. Унинг ўғли Яксум	17
4. Масруқ ибн Абраҳа [юқоридагининг биродари]	12
5. Сўнгра Ваҳриз келди. Ўн йилдан кейин „ҳарбулфижор“ бўлиб ўтди	
6. Сайф ибн Зу Язан ⁴⁶⁰	
7. Ваҳриз, у Хурзод ибн Дорбаҳор ибн Нарсий ибн Жомосп ибн Фируз подшоҳдир	
8. Фалишжон	
9. Хурзодоншаҳр	
10. Анушжон	
11. Марзубон	
12. Унинг ўғли Хуррахусрав	
13. Бозон ибн Сосон ал-Жарур ибн Балаш ибн Жомосп ибн Фируз подшоҳ	
14. Зодвайҳ ибн Фируз ибн Можар Сомод ибн Фируз подшоҳ ⁴⁶¹ . У Фируз Дайламий билан бирлашиб, Анс [қабиласидан бўлган] сохта [пайгамбарни] ўлдирган	

Жафна хонадонидан бўлган подшоҳларга келсак, Яманда Арим сели⁴⁶² пайдо бўлгач, — бу исломдан беш юз йилча илгари эди — араблар тарқалиб кетдилар. Бани Кузоа қабиласи Шомга келиб қолди, улардан бир гуруҳи Малик ибн Фаҳм ибн Таймулло ибн Асад Вабра ибн

Кузоани ўзига подшоҳ қилиб олди. Улар устидан Музоқия [уруғи] ғалаба қозонгунича уларнинг подшоҳлари «Зажоима» деб аталардилар. У [подшоҳларнинг] биринчиси Жафна ибн Амр ибн Музайқийе ибн Омир ибн Моуссамо ибн Хориса ал-Ғитриф ибн Имруулқайс ибодаткор ибн Саълаба ибн Мозин ибн ал-Азд ибн ал-Ғавсдир. Музайқийе туғайли улар «Музоқия» деб аталдилар, чунки Музайқийе бошқа киши киймасин деб устидаги кийимини [ҳар куни] йиртиб ташлар эди⁴⁶³. Баъзиларнинг айтишича, балки унинг замонда Азд қабиласи бутунлай парчаланиб кетганидан [Музайқия] шу исм билан аталган.

Яна улар «Ғассония» ва «Оли жафна» деб ҳам аталадилар. Улар қайсарларнинг Шом араблари устига қўйган амалдорлари эдилар. Жафна Рус подшоси Қайсар Настар томонидан қўйилган биринчи амалдордир. Уларнинг [ҳукмронлик қилган] йиллари мана бу жадвалда кўрсатилди:

Тартиб рақамлари	Ғассония подшоҳлари — Жафна авлодиниң жадваллари.	Улардан ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]		Йиллар жами	
		йиллар	ойлар	йиллар	ойлар
1	Жафна	44	3	44	3
2	Амр ибн Жафна	5	0	49	3
3	Унинг ўғли Саълаба ибн Амр. У „ғордаги йигитлар“ ⁴⁶⁴ замондоши Қайсар Диқив номидан [ҳукм сурган] эди	17	0	66	3
4	Ал-Ҳорис ибн Саълаба	20	0	86	3
5	Жабала ибн ал-Ҳорис	10	0	96	3
6	Ал-Ҳорис ибн Жабала	10	0	106	3
7	Ал-Мунзир ибн ал-Ҳорис	3	0	109	3
8	Унинг биродари ан-Нуъмон ибн ал-Ҳорис	15	6	124	9
9	Унинг биродари Мунзир ибн ал-Ҳорис	13	0	137	9
10	Унинг биродари Жабала ибн ал-Ҳорис	34	0	171	9
11	Унинг биродари ал-Айҳам ибн ал-Ҳорис	3	0	174	9
12	Унинг биродари Амр ибн ал-Ҳорис, кўш зиракли Мориянинг ўғли	26	2	200	11
13	Жафна ибн ал-Мунзир ибн ал-Ҳорис, Мориянинг ўғли	30	0	230	11
51 14	Унинг биродари ан-Нуъмон ибн ал-Мунзир	1	0	231	11
15	Ан-Нуъмон ибн Амр ибн ал-Мунзир	27	0	258	11
16	Унинг ўғли Жабала ибн ан-Нуъмон	16	0	274	11
17	Ан-Нуъмон ибн ал-Айҳам ибн ал-Ҳорис	21	0	295	11
18	Ал-Ҳорис ибн ал-Айҳам	22	5	218	4
19	Унинг ўғли ан-Нуъмон ибн ал-Ҳорис	18	0	336	4
20	Унинг ўғли Мунзир ибн ан-Нуъмон	19	0	355	4
21	Унинг биродари Амр ибн ан-Нуъмон	33	4	388	8
22	Унинг биродари Ҳужр ибн ан-Нуъмон	12	0	400	8
23	Ал-Ҳорис ибн Ҳужр	26	0	426	8

24	Унинг ўғли Абу Шамир Жалаба ибн ал-Ҳорис	17	1	443	9
25	Унинг ўғли ал-Ҳорис ибн Жалаба	21	5	465	2
26	Унинг ўғли Абу Кариб ан-Нуъмон ибн ал-Ҳорис, лақаби „Қарчиғай“	37	3	502 ⁴⁶⁵	5
27	Ал-Айҳам ибн Жабала ибн ал-Ҳорис ибн Абу-Шамир	26	2	529 ⁴⁶⁶	7
28	Унинг биродари ал Мунзир ибн Жабала	13	0	542	7
29	Унинг биродари Шарохил ибн Жабала	25	3	567	10
30	Унинг биродари Амр ибн Жабала	10	2	578	0
31	Жабала ибн ал-Ҳорис ибн Абу Шамир	4	0	582	0
32	Жабала ибн ал-Айҳам ибн Жабала ибн ал-Ҳорис ибн Мория. У исломни қабул этиб, кейин насроний динига кирган	3	0	585	0

Арим сели пайдо бўлгач, араблар [турли томонларга] тарқалиб кетганини юқорида айтдик. Улардан бир тўдаси, биз айтгандек, Шомга келиб қолди ва ишлари ҳикоя қилганимиздек бўлди. Бир тўдаси эса Ироққа келиб, уларга «қабилалар подшоҳликлари» замонида Малик ибн Фаҳм ибн Ғанм ибн Давс Аднон ал-Аздий подшоҳлик қилди.

Айтилишича, Анбор ва Ҳира⁴⁶⁷ шаҳарлари Бухтанассар замонида бино этилиб, унинг [подшоҳлик] даврида обод бўлди. Бухтанассар ҳалок бўлгач, Ҳира аҳолиси Анборга кўчдилар. Кейин беш юз эллик йилча Анбор обод, Ҳира эса хароб бўлди. Сўнгра Маадд [қабиласи] подшоҳларидан лахмийлар Ҳирага келдилар. Шунда Ҳира мусулмон араблар Куфага келгунларича, [яъни] беш юз ўттиз йилдан ортиқроқ [муддат] обод бўлиб турди.

Лахмийлардан биринчи бўлиб Ҳирага келган киши Амр ибн Адий ибн Наср ибн Рабаиа ибн ал-Ҳорис ибн Молик ибн Ғанм ибн Самора ибн Лахмдир. У Амр ибн Рақош Малик қизи ибн Раҳм ибн Ғанм ибн Давс ибн Аднондир. Жафна авлоди томонидан қайсарларнинг Шом араблари устига қўйган амалдорлари бўлгани каби, Наср авлодидан бўлмиш Амр ибн Адийдан кейин подшоҳ бўлган кишилар ҳам хусровларнинг Ироқ араблари устига қўйган амалдорлари эдилар.

Баъзи ривоятчилар [лахмий] подшоҳларининг айримлари оралигида узилиш бўлганини айтса, баъзилари бунинкор этади. Бошқалари у подшоҳларнинг ададларини орттирадилар ёки камайтирадилар, подшоҳлик муддатларини ҳам шундай [орттириб ёки камайтириб] кўрсатганлар. Хаварнақни⁴⁶⁸ бино эттирган ан-Нуъмон ҳам шу [лахмийлардан] эди. У ер юзини саёҳат қилиб яширинди, кейин унинг аҳволи маълум бўлмади. Адий ибн Зайд уни ўз шеърида эслаб, шундай деган:

Хаварнақ эгасини кўз олдинга келтир — тўғри йўл [топиш] учун
фикр қилиш керак — у бир куни қараб турганида,
Ўз аҳволи, қўлга киритган нарсаларининг кўплиги, бепоён
денгиз ва қасри уни қувонтирди.

[Бирдан] юраги чўчиди-да: «Киши ўлимга [қараб] боргач,
нимага қизиқади?» — деди.

У подшоҳларни эслатадиган жадваллар мана булар:

Тартиб рақами	Маадд [қабиласидан] Ҳирага келиб қолган лахмий подшоҳлари	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Йиллар жами
1	Малик ибн Фаҳм ибн Ғанм ибн Давс, Азд [қабиласидан]	20	20
2	Жазима ал-Абраш ибн Малик, иккала Фарқад юлдузи билан ичишувчи. Унинг синглизси Заббо бинт Малик улар билан биргаликда подшоҳлик қилди	60	80
3	Сўнгра Лахм авлодидан Амр ибн Адий Ҳирага келиб, то Ардашер ибн Бобак подшоҳ бўлгунича	95	175
53	Кейин—то Шопур подшоҳ бўлгунича	14 йил 10 ой	189
	Ундан кейин—то Шопур замонида ўлгунича	8 йил 2 ой	198
4	Имруул Қайс ибн Амр ал-Бад, христи-анликни қабул этган. У—биринчидир	114	312
5	Амр ибн Ҳинд, у Имруул Қайснинг ўғли	30	342
6	Авс ибн Қаллом ибн Бутайно ибн Жумайҳир ибн Лихён ал-Амлиқий, у Фасорон ибн Амр ибн Имлиқ авлодининг бири Жаҳжабо ибн Атик унга қарши қўзғолон кўтаргунича подшоҳ бўлиб турди. [Жаҳжабон] уни ўлдирди ва подшоҳлик Наср авлодига қайтди	5	347
7	Имруул Қайс ибн Амр ибн Ҳинд ал-Муҳарриқ—биринчи	25	372
8	Ан-Нуъмон ибн Имруул Қайс, у бир кўзли, саёҳатчи, Зоҳид ва Хаварнақни қурган кишидир	30	402
9	Ал-Мунзир ибн ан-Нуъмон ибн Имруул Қайс	44	446
10	Ал-Асвад ибн ал-Мунзир ибн ан-Нуъмон	20	466
11	Ал-Мунзир ибн ал-Мунзир ибн ан-Нуъмон	7	473
12	Ан-Нуъмон ибн ал-Асвад ибн ал-Мунзир	4	477
13	Сўнгра унинг ўрнига Абу Яъфур ибн ал-Қама ал-Зумайлий ўтирди. Зумайл Лахмий [қабиласининг] бир уруғидир	3	480
14	Ал-Мунзир ибн Моас-Само. У ал-Мунзир ибн Имруул Қайсдир. Уни Зулқарнайн ҳам деб атайдилар	49	529
54	Ора узилиш		
	15 Амр ибн ал-Мунзир ибн Моас-Само— „тошдан шамол чиқартирувчи“. У Муҳарриқ иккинчидир; пайғамбар алайҳиссалом туғилгунича	8 йил 8 ой	537

Тартиб рақами	Маадд [қабиласидан] Ҳирага келиб қолган лахмий подшоҳлари	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]	Йиллар жами
16	Ундан кейин	7 йил 4 ой	545
17	Унинг биродари Қобус ибн ал-Мунзир	4	549
18	Эронлик Фийшаҳарт, у Анушервон замонидан эди	1	550
19	Ал-Мунзир ибн ал-Мунзир, Амрнинг биродари	4	554
20	Абу Қобус ан-Нуъмон ибн ал-Мунзир ибн ал-Мунзир. Убайд ибн ал-Абрас ва ан-Нобиға аз-Зубёнийнинг қотили. У лахм подшоҳларининг охиргисидир, Хусров уни ас-Соботда фил оёқлари тагига [ташлатиб] ўлдиради	22	576
21	Ийёс ибн Қабиса ат-Тоий, эронлик Нахиражон ҳам у билан бирга эди	9	585
22	Ҳамадонлик Озодбиҳ ибн Моҳбиён ибн Меҳрбундод	17	602
	Ал-Мунзир ибн ан-Нуъмон ибн ал-Мунзир, у „Мағрур“ номи билан машҳурдир. Жувосо куни [жангда] ўлдирилган	8 ой	602

Бу муддатларни қандай учратган бўлсак, шундай кўрсатдик. Биз юқорида айтганимиздек, жадвалда кўрсатилган икки подшоҳ ўртасидаги мамлакатдорликда узилиш бўлган.

Баъзи китобларда учратилишича, ар-Рабиа ибн Наср хонадони Тубба Асаддан кейин Яманда подшоҳ бўлганлар, Тубба ибн Ҳассон ўз ҳамширасининг ўғли «Окил ал-Мурор» деб танилган ал-Ҳорис ибн Амр ал-Киндийни Ироққа подшоҳ қилган. У куч билан Ҳирага бостириб кириб, у ердаги Лахм подшоҳларини ўлдирган ва Ҳирани эгаллаб олган. Аммо на шу ҳолларнинг йиллари миқдори ва на у [подшоҳлар] даврларининг миқдори баён этилган. Улар аҳволи ҳақида мен баён этиб кўрсатгандан кўпроқ маълум бўлар деб гумон қилмайман.

Энди юқорида айтганимга мувофиқ, ислом тарихлари ва халифалар даврларини баён этишим керак. Ислом тарихларининг ҳаммаси маълум бўлгани учун сўз жиловини ҳижрат баёнига томон бурдим. Худоду тўғри йўлга муваффақ этувчидир.

Мана бу юқорида қайд этилган жадваллар пайғамбар алайҳиссаломнинг туғилганидан то вафот этгунича кечирган аҳволини баён этади.

ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ЙИЛ
ҲИСОБЛАРИ

Пайғамбар алайҳиссаломнинг тириклик вақтидаги аҳвол ва афъоли. Пайғамбар алайҳиссалом «Асҳоб фил» — Маккага келганидан элик кун кейин туғилди. Бу [воқеа] Муҳаммад ибн Мусал ал-Хоразмийнинг «Китоб ат-торих» [асаридаги] сўзига кўра душанба кечаси даймоҳнинг ўн еттинчиси Анушервон подшоҳлигининг қирқ иккинчи йилида ёки Искандар тарихининг саккиз юз саксон иккинчи йили найсоннинг йигирманчи кунда эди.

Бу жадваллардан кейин пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳижратидан бошланадиган бошқа жадваллар келади. Булар пайғамбардан кейинги халифаларнинг муддатларини, улар давридаги фатҳлар [йилларини] ўз ичига олади. Халифалар даврларига амирлар, [умавий] подшоҳларининг даврлари, сўнгра буларга аббосий давлатининг эгалари бўлмиш «имомлар» даврлари туташади. [Йилларга] уларнинг «кунялари»^{468a} ҳам қўшимча қилинади, чунки бошқаларга қараганда айниқса

	Ҳодисалар юз берган вақтлар ора-ларидagi [муддат]			Йиллар жами		
	йил-лар	ойлар	кун-лар	йил-лар	ойлар	кун-лар
[Пайғамбарнинг] дояси Ҳалима уни ўз онаси Ваҳб ибн Абд Маноп ибн Зуҳра ибн Килоб ибн Мурра қизи Оминага ⁴⁶⁹ қайтаргунича	5	0	2	5	0	2
Онаси уни Мадинадаги Адий [қабиласидан] бўлмиш тоғаларини кўрсатиш учун олиб боргунича	1	0	0	6	0	2
Онаси Абвода вафот этгунича, шунда у онаси билан бирга эди	0	1	0	6	1	2
Онаси ўлгандан кейин, то Умм Айман Маккага келгунича	0	0	5	6	1	7
Бобоси Абду л-Мутталиб вафот этгунича	1	10	25	8	0	2
Уни амакиси Абу Толиб Суриядаги Бусрога олиб боргунича, шунда уни Бухайро ар-Роҳиб кўриб: „Бу [болани] эҳтиёт қилинглар, чунки бу — пайғамбар“ деди	4	0	0	12	0	2
У „фижор куни“ да ҳозир бўлгунича, бу Укозда муқаддас ой [муҳаррам] да Қурайш ва Кинона қабилалари ўртасидаги жангдир	8	0	0	20	0	2
Ҳадича уни савдо иши билан Шомга юборгунича, Настур ар-Роҳиб						

	Ҳодисалар юз берган вақтлар ора-ларидаги [муддат]			Йиллар жами		
	йил-лар	ойлар	кун-лар	йил-лар	ойлар	кун-лар
унинг устига булут соя ташлаб турганини кўрди-да: „бу—пайғамбар“,— деди	4	9	6	24	9	8
У Хувайлид қизи Хадичага уйлан-гунича	0	2	20	24	11	28
Каъба деворининг тузатилишида ҳозир бўлгунича. Қурайш қабиласи бу ҳақда унинг ҳукмига рози бўл-дилар	10	0	0	34	11	28
Худо уни барча халққа [пайғамбар] қилиб юборгунича, бу—душанба ку-нида эди	5	0	0	39	11	28
Қурайшийлар унинг пайғамбарли-гига аломат юзасидан юлдузларнинг кетма-кет учаётганини кўргунларича	0	0	20	40	0	18
Қурайшийлар уни ҳайдаб чиқаргу-нича. Шунда [Ҳошим авлоди] дарада қамалда эди	5	11	1	45	11	19
Дарада қамалдан чиққунларича турдилар	3	0	0	48	11	19
Амакиси Абу Толиб вафот этгунича	0	6	0	49	5	19
Хувайлид қизи Хадича вафот эт-гунича	0	0	13	49	6	2
Зайд ибн Ҳориса билан бирга-ликда Тоифга ⁴⁷⁰ чиққунича	0	3	6	49	9	8
Тоифда Маккага қайтгунича турди, Маккага Мутъим ибн Адий ҳимояси-да кириб келди	0	1	2	49	10	10
Унинг ҳузурига нисибин жинлари келгунларича, улар уч юзта бўлиб Ҳажун [тоғида] исломни қабул қил-дилар	0	3	0	50	1	10
У Замзам ва Мақоми [Иброҳим] орасидан кечаси Байтулмақаддасга олиб борилгунича	1	6	6	51	7	16
У Маккадан Мадинага кўчган йил-нинг биринчи кунигача	1	2	1	52	9	17
Намозга икки ракат қўшилгунича, [бу] муқим [турувчи] билан мусофир намози орасида фарқ бўлиши учун эди ⁴⁷¹	0	1	4	52	10	21
У муҳожирлар билан ансорлар ⁴⁷² ўртасида биродарлик муносабатини						

	Ҳодисалар юз берган вақтлар ора-ларидаги [муддат]			Йиллар жами		
	йил-лар	ойлар	кун-лар	йил-лар	ойлар	кун-лар
тузатгунича. Ўзи билан амакисининг ўғли Али ибн Абу Толиб ўртасида ҳам биродарлик муносабатини ўрнатди	0	5	0	53	3	21
У Абу Бакр Сиддиқ қизи Ойша билан қўшилгунича	0	0	25	53	4	16
Фотимани Алига турмушга чиқаргунича	0	4	15	53	9	1
Ваддонда уруш қилиб, Абвога етиб боргунича	0	0	18	53	9	19
У қурайшийлар карвонига қарши уруш қилгунича, шу [карвонда] Умайя ибн Халаф бор эди	0	1	3	53	10	22
Қурз ибн Жобирни қидириб жанг қилгунича, ниҳоят у Бадрга етиб борди	0	0	20	53	11	12
У жанг қилиб қурайшийлар карвонига етиб боргунича, бу „Ушайра жанги“ эди	0	1	12	54	0	24
Худо мусулмонларга [янги ойни] кўргач, рамазон ойида рўза тутишни фарз қилгунича	0	1	17	54	2	11
Қибла Байтулмуқаддасдан Каъбага айлантирилгунича ⁴⁷³	0	0	13	54	2	24
Пайғамбар Бадрга юриш қилиб, мушрикларга ҳужум қилиши ва улар устидан ғалаба қозонгунича	0	1	2	54	3	26
Қайнуқо авлодига қарши жанг қилгунича	0	0	18	54	4	14
57 Абу Суфённи қидириш [вақти] да Савиқда жанг қилгунича	0	1	0	54	5	14
Пайғамбарнинг қизи Руқайя вафот этгунича, у Усмон ибн Аффон хотини эди	0	0	15	54	5	29
Али ибн Абу Толиб Фотима билан қўшилгунича	0	0	16	54	6	15
[Пайғамбар] Сулайм [қабиласига] қарши Қудрда жанг қилгунича	0	1	5	54	7	20
Ғатфон [қабиласига] қарши жанг қилгунича, бу—„Зу Амарр ⁴⁷⁴ жанги“ деб ҳам аталади	0	2	0	54	9	20

	Ҳодисалар юз берган вақтлар ора-ларидаги [муддат]			Йиллар жами		
	йил-лар	ойлар	кун-лар	йил-лар	ойлар	кун-лар
[Пайғамбар] ўз қизи Умм Кулсум ни Усмон ибн Аффонга бериб, Усмон унга қўшилгунича	0	3	6	55	0	26
[Пайғамбар] Умар ибн ал-Хаттоб қизи Ҳафсага уйлангунича	0	2	3	55	2	29
Ҳилол қабиласидан Ҳузайма қизи [Зайнабга] уйланиб, у билан муносабатда бўлгунича, бу [хотин] „бечоралар онаси“ [лақабини олган]	0	0	20	55	3	19
Ҳасан ибн Али—ҳар икковига салом—туғилгунича	0	0	5	55	3	24
Уҳуд тоғида жанг қилгунича, жангда [пайғамбарнинг] юзи қонга бўялди	0	0	22	55	4	16
Назир авлодига қарши жанг қилгунича	0	4	10	55	8	26
„Шаҳидлар сайиди“ Ҳусайн ибн Али туғилгунича	0	5	20	56	2	16
[Пайғамбар] Абу Умайя қизи Умм Саламага уйлангунича	0	2	11	56	4	27
Зот ар-Риқоъда жанг қилгунича. Бу ерда [пайғамбар] „хавф намози“ ўқиди	0	2	20	56	7	14
Дамат ал-Жандалда жанг қилгунича, [бу ерда] у [душманнинг] алдовига йўлиқмади	0	2	4	56	9	21
Хузоа қабиласидан Бани Мусталиққа қарши жанг қилиб, уларни асир олгунича. Бу ерда бўҳтончилар Ойша ҳақида гап тарқатдилар ⁴⁷⁵	0	5	3	57	2	24
Хандақ жанги юз бергунича. Бунда кофирлар бошлиғи Абу Суфён эди	0	2	20	57	5	14
Бани Қурайзага қарши жанг қилгунича	0	0	8	57	5	22
[Пайғамбар] Жаҳш қизи Зайнабга уйлангунича	0	0	20	57	6	12
Усфонда Ҳузайл қабиласидан Бани Лихёнга қарши жанг қилгунича	0	3	0	57	9	12
Зу Қарад жангига отлангунча, Зу Қарад Бани Фазора [қабиласига қарашли] сувлардан бирининг [номидир]	0	1	9	57	10	21
Ииртқич ҳайвонлар [пайғамбар] ҳу-						

58

	Ҳодисалар юз берган вақтлар ора-ларидagi [муддат]			Йиллар жами		
	йил-лар	ойлар	кун-лар	йил-лар	ойлар	кун-лар
зурига ўзларига овқат белгилашини сўраб келгунларича	0	0	14	57	11	5
Шируя ўз отаси Хусровга қарши қўзғолиб, уни ўлдиргунича	0	0	6	57	11	11
Халқ қурғоқчиликда қолгунича. Шунда [пайғамбар] Ёмғир тилаб дуо қилган	0	4	0	58	3	11
У Худойбияга ҳаж қилиб мушриклар билан ўн йилга шартнома тузгунича	0	1	21	58	5	2
Пайғамбар қайсар, Хусрав ва Муқавқусга ⁴⁷⁶ элчилар юборгунича	0	1	14	58	6	16
Ҳайбарда жанг қилгунича [Пайғамбар] Худойбия ҳажи шартининг қазосини ўтагунича	0	4	6	58	10	22
У Ҳорис қизи Маймунага уйлангунича. Шунда у Эҳромда эди ⁴⁷⁷	0	6	10	59	5	2
[Пайғамбар хотини] Жаҳш қизи Зайнаб вафот этгунича	0	0	22	59	5	24
Маккага юриш қилиб, уни куч билан фатҳ этгунича	0	3	0	59	8	24
Санамлар синдирилиб, улар сақланадиган ибодатхоналар бузилгунича	0	6	18	60	3	12
[Пайғамбар] Ҳунайн учун жанг қилиб, унинг қўрғонларини фатҳ этиши ва халқини асир олиб, молларини қўлга киритгунича	0	0	14	60	3	26
Тоиф учун жанг қилиб, [унинг] аҳолисини қамал қилгунича	0	0	1	60	3	27
Довуд қизи Мулайкага уйлангунича, аммо у пайғамбардан қўйиб юборишини сўради	0	0	17	60	4	14
59 Заҳҳок қизи Фотимага уйлангунича, аммо у пайғамбардан қўйиб юборишини сўради	0	0	15	60	4	29
Мория ал-Қибтия пайғамбар ўғли Иброҳимни туққунича	0	0	15	60	5	14
[Пайғамбар] Табукда жанг қилгунича	0	1	10	60	6	24
Ҳабашистонда ан-Нажжоший [номи подшоҳ] ⁴⁷⁸ ўлгунича. Пайғамбар Мадинада туриб унга жаноза ўқиган	0	6	20	61	1	14
	0	0	15	61	1	29

[Пайғамбарнинг қизи], [яъни] Усмоннинг хотини Умм Кулсум ўлгунича	0	0	25	61	2	24
Абу Бакр мусулмонлар билан бирга ҳаж қилгунича. [Шу вақтда] „бароа“ ⁴⁷⁹ сураси нозил бўлган эди, Али ибн Абу Толиб уни мусулмонларга ўқиб берди	0	3	25	61	6	19
[Пайғамбар] ўғли Иброҳим вафот этгунича, шунда кундуз [кун] икки соат Қуёш тутилди	0	10	18	62	5	7
Хайрлашув ҳажини адо этгунича, шунда „насий“ ⁴⁸⁰ ҳаром қилинди	0	1	12	62	6	19
Пайғамбар уни ўлимга олиб борган касалликка дучор бўлгунича	0	2	6	62	8	25
[Пайғамбар] алайҳиссалом то жони олингунича касал ётди	0	0	14	62	9	9
[Пайғамбар] алайҳиссалом Ойша уйига дафн этилгунича	0	0	2	62	9	11

араблар «кунялар» билан кичикларининг қадрини улуғлайдилар ва катталарининг номларини айтмай «куняларини» айтиш билан кифояланадилар. Аббос авлодининг лақаблари ҳам кўрсатилади, чунки Марвон⁴⁸¹ авлодининг биронта яхши [лақаби] бўлмай, фақатгина «ан-Ноқис», «ал-Ҳимор» ва шунга ўхшаш лақаблари бўлган. Улар бу лақабларни ўзлари [дан] олмаганлар, балки [бошқалар] уларга берганлар. Язид ибн ал-Валидга ато ва эҳсонларни камайтиргани учун «ан-Ноқис»⁴⁸² деб, Марвонга эса жангда қучли ва чидамли бўлгани учун «ал-Ҳимор»⁴⁸³ деб лақаб берилган. [Баъзиларнинг] айтишича, Марвон туғилган йили эшаклар қирилган, шунинг учун унга бу лақаб берилган. [Бошқалар]: «Ундоқ эмас, балки Аббос авлоди [гарафдорлари] Бани Умайя давлатининг у билан тамом бўлишини умид қилиб, худо тиргизган «эшак эгасининг» «бақара» сурасида⁴⁸⁴ эслатилган муддатича вақт, яъни юз йил Марвон билан тугалланади, дердилар [шунинг учун Марвонга бу лақаб берилган]»,— дейди. Марвон ҳалокатга учрагач, [Аббос авлоди] қўзғолишга тайёрланиб, халқни очиқдан-очиқ [аббосийлар томонига] чақирди. У жадваллар мана булардир.

60	Халифа ва имомларнинг ⁴⁸⁵ исмлари, уларнинг даврларидаги фатҳлар	Халифалар ва фатҳлар орасидаги [муддат]			Йиллар жами (бу ҳижрат тарихи бўйича)			
		йил- лар	ойлар	кун- лар	йил- лар	ой- лар	кун- лар	
	Пайғамбар алайҳиссалом- нинг Маккадан Мадинага ҳиж- рати [тарих боши биринчи муҳаррамдан ҳисоблани- шича] ⁴⁸⁶	Абу-л- Қосим	0	2	8	0	2	8
	[Пайғамбар] алайҳиссалом Мадинага келиб, вафот этгу- нича шу ерда турди		9	11	22	10	2	0
	Ас-Сиддиқ Абдуллоҳ ибн Абу Қухофа, у Тайм ибн Мур- ра авлодидан бўлиб, жоҳили- ятда исми Абдулкаъба эди [632—634] ⁴⁸⁷	Абу Бакр	0	0	10	10	2	10
	Араблар диндан қайтиб Ту- лайха ибн Хувайлид пайғам- барлик даъво қилгунича		—	—	—	—	—	—
	Яздижард ибн Шаҳриёр подшоҳлиги бошлангунича		0	0	8	10	2	18
	Фотима алайҳиссалом вафот этгунича		0	5	11	10	7	29
	Холид ибн ал-Валид қаттиқ жангдан кейин Ямомани сулҳ билан фатҳ этгунича		0	6	8	11	2	7
	Абу Бакр амир ва лашкар- ларни Сурияни босиб олишга юборгунича		0	1	15	11	3	22
	Холид [ибн ал-Валид] Ироқ- ни фатҳ этиб Салубо билан сулҳ тузгунича		0	2	14	11	6	6
	Мусулмонлар билан румлик- ларнинг Филхда тўқнашгун- ларича. [Бунда] румликлар қочиб кетдилар		0	5	4	11	11	10
	Фаластинда Ажнодайн жан- ги бўлиб, румликлар энгил- гунича		0	5	23	12	5	3
	Абу Бакр вафот этиб, Умар ал-Форукқа [634—644] қаса- мёд этилгунича—иккисидан худо рози бўлсин!	Абу Ҳафс	0	1	10	12	6	13
	Абу Убайд ўлдирилгунича		0	3	20	12	10	3

Халифа ва имомларнинг исмлари, уларнинг даврларидаги фатҳлар	Халифалар ва фатҳлар орасидаги [муддат]			Йиллар жами (бу ҳижрат тарихи бўйича)		
	йил- лар	ойлар	кун- лар	йил- лар	ойлар	кун- лар
Жарир ибн Абдуллоҳ ал-Мазор [вилояти] ҳокимига ҳужум қилиб, уни енгунича	0	5	3	13	3	6
Жарир Нухайлада Миҳронга ҳужум қилиб, уни ўлдириб ва одамларини мағлуб этгунича	0	2	1	13	5	7
Димашқ олти ой қамал қилингандан кейин сулҳ билан фатҳ этилгунича	0	2	15	13	7	22
Умар шаҳарларга мактуб юбориб, [аҳолини] рамазон ойи кечаларини ибодат билан ўтказишга буюргунича	0	0	8	13	8	0
Ҳимс [шаҳри] икки ой қамалдан кейин сулҳ билан фатҳ этилгунича	0	3	25	13	11	25
Баалбак шаҳри сулҳ билан фатҳ этилгунича	0	0	11	14	0	6
Ярмук жангигача. Бунда румликлар икки юз минг киши эди, худо уларни мағлубиятга учратди	0	7	9	14	7	15
Ҳирақл Антокиядан Қустантинияга қочгунича, уруш майдонида румликлардан қирқ минг киши ўлдирилди, сойли ва тоғ йўлларида ҳам қирқ минг киши ҳалок бўлди	0	1	10	14	8	25
Қибтиялик Мория [пайғамбар хотинларидан бири] ўлгунича	0	4	25	15	1	20
Мактубларга ҳижрат йилининг аввалидан тарих қўйилишигача	0	2	5	15	3	25
Саъд ибн Абу-л-Ваққос Қодисияни фатҳ этиб, Рустам ўлдирилгунича	0	1	20	15	5	15
Саъд ал-Мадоинни бир ой қамалдан кейин фатҳ этгунича	0	1	15	15	7	0

Халифа ва имомларнинг исмлари, уларнинг даврларидаги фатҳлар	Халифалар ва фатҳлар орасидаги [муддат]			Йиллар жами (бу ҳижрат тарихи бўйича)		
	йил-лар	ойлар	кун-лар	йил-лар	ойлар	кун-лар
[Ислом] лашкари дастлаб Рум мамлакатига киргунича.						
Лашкар амири Масара ибн Масруқ эди	0	1	5	15	8	5
Абу Убайд ал-Жарроҳ ал-Жобияни фатҳ этгунича	0	1	10	15	9	15
Умар Байтулмуқаддасни сулҳ билан фатҳ этгунича	0	2	0	15	11	15
Иёз ибн Ғанм Саруж ва ар-Руҳони сулҳ билан фатҳ этгунича	0	1	3	16	0	18
Саъд одамлари билан Куфага бостириб кириб, уни катта шаҳарга айлантиргунича	0	0	5	16	0	23
Иёз ар-Раққа, Омид, Талл-Музан [шаҳарларини] сулҳ билан фатҳ этгунича	1	4	0	17	4	23
Умайр ибн Саъд Айн ал-Вардани фатҳ этгунича	0	1	10	17	6	3
62 Умар Байтулло деворидаги [Иброҳим] намоз ўқиган жойни ҳозирги кунда турган ўрнига сургунича	0	6	12	18	0	15
Муовия Қайсорияни фатҳ этгунича, шунда у юз мингга яқин кишини ўлдирди	0	3	0	18	3	15
Саъд раҳбарлигидаги Жаловло жангигача	0	2	12	18	5	27
Иёз ибн Ғанм Насибин, Турабдин ва Қард [шаҳарларини] сулҳ билан фатҳ этгунича.						
Шунда Ҳирақл ўлди	0	1	10	18	7	7
Умар [давлат ишлари бўйича] „девоңлар“ ⁴⁸⁸ тузишга буюргунича	0	6	10	19	1	17
Амр ибн ал-Ос Миср ва Искандарияни фатҳ этгунича	0	3	13	19	5	0
Умар Ҳижоз яҳудийларини Нажрондан Куфага кўчиргунича	0	2	5	19	7	5

Халифа ва имомларнинг исмлари, уларнинг даврларидаги фатҳлар	Халифалар ва фатҳлар орасидаги [муддат]			Йиллар жами (бу ҳижрат тарихи бўйича)		
	йил-лар	ойлар	кун-лар	йил-лар	ойлар	кун-лар
Утба ибн Ғазвон Майсон ва ал-Фурот [вилоятлари] ни фатҳ этгунича	0	1	10	19	8	15
Ниҳованднинг биринчи жангигача, лашкар бошлиғи ан-Нуъмон ибн ал-Муқарин эди ва у ўлдирилди	0	5	0	20	1	15
Яздижард Марвга қочгунича. Амр ибн ал-Аъос сулҳ билан Барқани фатҳ этгунича	0	2	6	20	7	3
Абу Мусо ал-Ашъарий Аҳ-воз вилоятини, ал-Муғйра ибн Шуъба Озарбайжонни фатҳ этгунича ⁴⁸⁹	1	0	10	10	7	13
Абу Мусо ал-Ашъарий ва Амр ибн ал-Ос Истахрни фатҳ этгунича	0	6	8	22	1	21
Хузоа [қабиласи] дан Абдуллоҳ ибн Будайл Ҳамадон ва Исфаҳонни фатҳ этгунича	0	2	4	22	3	25
Ансор [жамоасидан] Қарза ибн Каъб Райни фатҳ этгунича ⁴⁹⁰	0	3	2	22	6	27
Муовия Асқалонни сулҳ билан фатҳ этгунича	0	1	8	22	8	5
Умар ўлдирилгунича	0	3	20	22	11	25
Кейин [маслаҳат] мажлиси бўлди	0	0	3	22	11	28
Усмон ибн Аффон [644 — 656], то Абдуллоҳ ибн Абий Сарх Ифриқияда жанг қилгунича	0	4	0	23	3	28
[Абдуллоҳ ибн Абий Сарх] Искандарияни фатҳ этгунича, бу „қалъалар йили“дир. Шу йили лаънатли Язид туғилди	1	0	0	24	3	28
Шопур шаҳри жангигача	1	0	0	25	3	28
Ифриқия ва Қиннасрин жангигача	1	0	0	26	3	28

Халифа ва имомларнинг исмлари, уларнинг даврларидаги фатҳлар	Халифалар ва фатҳлар орасидаги [муддат]			Йиллар жами (бу хижрат тарихи бўйича)		
	йил-лар	ойлар	кун-лар	йил-лар	ойлар	кун-лар
Усмон худонинг пайғамбари [Муҳаммад] нинг масжидини кенгайтиргунича	1	10	15	28	2	13
Абдуллоҳ ибн Омир Эронистонга қарши иккинчи марта юриш қилгунича	0	2	5	28	4	18
Муовия Қибрис аҳолиси билан сулҳ тузишга Абу Аъвар ас-Суламийни юборгунича	0	3	0	28	7	18
Саид ибн ал-Ос Табаристонни сулҳ билан фатҳ этгунича	0	5	14	29	3 ⁴⁹¹	2
Абдуллоҳ ибн Омир Эронистоннинг Шопур [шаҳри]дан бошқа ҳамма [қисмини] фатҳ этгунича	0	3	1	29	6	12
Ар-Робе ибн Зиёд ал-Ҳорисий Зарнаж, Золиқ ва Кобулни фатҳ этгунича	0	2	0	29	8	12
Ҳабиб ибн Масламот ал-Фихрий Арманистонни тўртинчи марта фатҳ этгунича	0	8	7	30	4	19
Абдуллоҳ ибн Омир Шопур, Табаристон ⁴⁹² , Кўхистон ва Марвни фатҳ этгунича	1	0	0	31	4	19
Ал-Аҳнаф ибн Қайс Ҳирот, Марваруд, Шоҳжон ва Ҳаётилани сулҳ билан фатҳ этгунича	0	3	14	31	8	3
64 Абдуллоҳ ибн Хозим Сарахсни сулҳ билан фатҳ этиб, подшоҳини ўлдиргунича	0	2	4	31	10	7
Муовия Арзирум вилоятидаги Анқарани фатҳ этгунича	0	4	8	32	2	15
Абдуллоҳ ибн Саъд ибн Абу Сарҳ Ифриқияга иккинчи марта жанг қилгунича	0	3	7	32	5	22
Жарир ибн Абдуллоҳ Арманистонга юриш қилгунича	0	9	0	33	2	22
Румликлар ўз подшоҳлари Қустантинияга қарши қўзғолиб, уни ўлдиргунларича	1	2	10	34	5	2

Халифа ва имомларнинг исмлари, уларнинг даврларидаги фатҳлар	Халифалар ва фатҳлар орасидаги [муддат]			Йиллар жами (бу ҳижрат тарихи бўйича)			
	йил-лар	ойлар	кун-лар	йил-лар	ойлар	кун-лар	
Усмон — худо ундан рози бўлсин—уйи қамал қилингунича	0	4	25	34	9	27	
У ўлдирилгунича қамалда қолди	0	1	20	34	11	17	
Сўнгра Али ибн Абу Толиб халифа қилинди [656 — 661] + то Басрада „Жамал жанги“ юз бергунича	Абу -л -Ҳасан	0	5	21	35	5	8
Али Куфага [бостириб] киргунича	0	1	0	35	6	8	
Али Сиффинда Муовия билан тўқнашгунича	0	6	13	36	0	21	
Иккови бир-бири билан жанг қилиб туришди	0	7	28	36	8	19	
Икки томон судлари бир-бири билан учрашиб, Алини [халифаликдан] туширгунича	0	5	24	37	2	13	
Али ибн Абу Толиб Наҳравонда ҳорижийларга қарши чиққунича	1	2	0	38	4	13	
Абдураҳмон ибн Мулжим [қилич билан] Али алайҳиссаломнинг бошини ёриб ва уни ўлдиргунича	1	4	4	39	8	17	
Ҳасан ибн Али халифаликни Муовияга топшириб, унга тобе бўлгунича	Абу Му-ҳаммад	0	6	3	40	2	20

65	Умайя авлодидан бўлган подшоҳлар исмлари	Уларнинг кунялари	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]			Ҳижрий ҳисоб бўйича йиллар жами		
			йил-лар	ойлар	кун-лар	йил-лар	ойлар	кун-лар
	Умайя авлодидан Муовия ибн Абу Суфён, у то вафот этгунича [661—680]	Абу Абдуллоҳ	19	3	25	59	6	15
	Язид ибн Муовия [680—683], то Хусайн ибн Али Карбалода улдирилгунича	Абу Холид	0	5	25	60	0	10
	Шундан кейин, то у ўлгунича		3	2	5	63	2	15
	Муовия ибн Язид ибн Муовия [683—684], то яширингунича	Абу Лайло	0	3	22	63	6	7
	Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр Маккада, Марвон ибн ал-Ҳаким [684—685] Сурияда	Абу-л-Ҳаким Абу Абдулмалик деб ҳам аталади	0	4	0	63	10	7
	Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр Асад ибн Абдулузза [қабиласидан]		8	5	0	72	3	7
	Абдулмалик ибн Марвон [685—705] ⁴⁹³ , то Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр улдирилгунича	Абу Бакр	1	2	3	73	5	10
	Шундан кейин, то у ўлгунича	Абу-л-Валид	12	4	5	85	9	15
	Ал-Валид ибн Абдулмалик [705—715]	Абу-л-Аббос	9	7	29	95	5	14
	Сулаймон ибн Абдулмалик [715—717]	Абу Айюб	2	7	29	98	1	13
	Умар ибн Абдулазиз [717—720]	Абу Ҳафс	2	5	13	100	6	26
	Язид ибн Абдулмалик [720—724]	Абу Холид	4	0	1	104	6	27
	Ҳишом ибн Абдулмалик [724—743]	Абу-л-Валид	19	8	9	124	3	6
	Ал-Валид ибн Язид ибн Абдулмалик, то улдирилгунича [743—744]	Абу-л-Аббос	1	2	21	125	5	27
	Сунгра бетинчлик юз берди	—	0	2	25	125	8	22

Умайя авлодидан бўлган подшоҳлар исмлари	Уларнинг кунялари	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]			Ҳижрий ҳисоб бўйича йиллар жами		
		йил- лар	ойлар	кун- лар	йил- лар	ойлар	кун- лар
Язид ибн ал-Валид ибн Язид [744], у ато ва эҳсонларни камайтиргани [учун] „камайтирувчи“ [деб лақабланган].	Абу Холид	0	2	9	125	11	1
Иброҳим ибн ал-Валид ибн Абдулмалик, то тахтдан туширилгунича	Абу Исҳоқ	0	2	11	126	1	12
Марвон ибн Муҳаммад ибн Марвон ибн ал-Ҳа- кам [744—749], то „қора кийимликлар“ ⁴⁹⁴ пайдо бўлгунича	Абу Аб- дулмалик	5	2	0	131	3	12

11

Тўғилган сана	Лақаблари	Кунылари	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]			Ҳижрат тарихи бўйича йиллар жами		
			йиллар	ойлар	кунлар	йиллар	ойлар	кунлар
Муҳаммад, иш-Шамсда [749—754] то у ўл-	Ас-Саффоҳ	Абу-л-Аббос	0	8	2	131	11	14
			4	0	0	135	11	14
			0	0	14	135	11	28
Абдуллоҳга иш-и Муҳаммад уллоҳ ибн [754—775] ҳаммадга иш-и	Ал-Мансур	Абу Жаъфар	21	11	8	157	11	6
			0	0	12	157	11	18
Абдуллоҳ [75—785] со ибн Му- қилин-	Ал-Маҳдий	Абу Абдуллоҳ	10	1	5	168	0	23
			0	0	8	168	1	1
Муҳаммад ўл-	Ал-Ҳодий	Абу Муҳаммад	1	1	15	169	2	16
Хорун ибн ўлгунича ҳаммадга иш-и Хорун тахт-	Ар-Рашид	Абу Жаъфар	23	2	16	192	5	2
			0	0	12	192	5	14

дан туширилиб, қамалгунича [809—813]	Ал-Амин	(Абу Абдуллоҳ ҳам дейдилар)	3	0	25
У ал-Ҳусайн ибн Али ибн Исо ибн Моҳоннинг тўполон кунларида маҳбус бўлиб турди			0	0	2
Сўнгра уни ҳабсдан чиқариб, унга қасамёд қилишди ва [яна] қамал қилиб ўлдиришди		Абу Абдуллоҳ	1	6	13
Унинг биродари Абдуллоҳ [813—833] Марвда, то Иброҳим ибн ал-Маҳдийга қасамёд қилингунича	Ал-Маъмун	Абу-л-Аббос	3	11	11
Иброҳим ибн ал-Маҳдий Бағдодда, то у тахтдан туширилиб яширингунича	Ал-Муборак	Абу Исҳоқ	1	11	11
Абдуллоҳ ибн Ҳорун ар-Рашид, то у Румда ўлгунича	Ал-Маъмун	Абу-л-Аббос	14	7	1
Унинг биродари Муҳаммад ибн Ҳорун, то ўлгунича [833—842]	Ал-Муътасим биллоҳ	Абу Исҳоқ	8	8	2
Унинг ўғли Ҳорун ибн Муҳаммад, то ўлгунича [842—847]	Ал-Восиқ биллоҳ	Абу Жаъфар	5	9	4
Унинг ўғли Жаъфар ибн Ҳорун, то тутиб ўлдирилгунича [847—861]	Ал-Мутаваккил алаллоҳ	Абу-л-Фазл	14	9	9
Унинг ўғли Муҳаммад ибн Жаъфар, то ўлгунича [861—862]	Ал-Мунтасир биллоҳ	Абу Жаъфар	0	6	1
Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳорун ар-Рашид [862—866] Сурра Ман Раода, то у Бағ-	Ал-Мустаин				

Тўғилган	Лақаблири	Кунылари	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]			Ҳижрат тарихи бўйича йиллар жами		
			йиллар	ойлар	кунлар	йиллар	ойлар	кунлар
Жаъфарга иача ни азл қил- кейин у ўл-	биллоҳ	Абу-л-Аббос	2	9	0	250	0	3
			0	0	8	250	0	11
			0	11	22	251	0	3
Жаъфар узини азл ан кейин у	Ал-Муътазз биллоҳ	Абу Абдуллоҳ	3	6	23	254	6	26
ал-Восиққа иача Ҳорун Бурқуий			0	0	2	254	6	28
	Ал-Муҳтадий биллоҳ	Абу Абдуллоҳ	0	1	28	254	8	26
то у ўл-			0	9	21	255	6	17
ъфар [870— ийни ўлдир-	Ал-Муътаמיד алаллоҳ	Абу-л-Аббос	13	6	15	269	1	2
у ўлгунича ха, у Абу фақдир, то [872]			9	5	16 ⁴⁹⁶	278	6	18
	Ал-Муътазид биллоҳ	Абу-л-Аббос	9	8	25	288	3	13
ибн Талха,	Ал-Муктафий биллоҳ	Абу Муҳаммад	6	6	29	294	10	12

Жаъфар ибн ал-Муътазид [908—932], то Абдуллоҳ ибн ал-Муътазга ⁴⁹⁷ қасамёд қилингунича	Ал-Муқтадир биллоҳ	Абу-л-Фазл	0	4	9
Шундан кейин то қамалиб, биродари Муҳаммадга қасамёд қилингунича			20	9	23
Муҳаммад ибн ал-Муътазид, то подшоҳлиги нотинч бўлгунича	Ал-Қохир биллоҳ	Абу Мансур	0	0	3
Жаъфар ибн ал-Муътазид, иккинчи марта, то ўлдирил-гунича	Ал-Муқтадир биллоҳ	Абу-л-Фазл	3	9	11
Муҳаммад ибн ал-Муътазид, иккинчи марта, то у тахтдан туширилиб, кўзи кўр қилингунича [932—934]	Ал-Қохир биллоҳ	Абу Мансур	1	6	7
Муҳаммад ибн Жаъфар, то ўлгунича [934—940]	Ар-Рози биллоҳ	Абу-л-Аббос	6	10	11
Иброҳим ибн ал-Муқтадир-га қасамёд қилингунича			0	0	4
Иброҳим ибн Жаъфар, то тахтдан туширилиб, кўзи кўр қилингунича [940—944]	Ал-Муттақий биллоҳ	Абу Исҳоқ	3	10	29
Абдуллоҳ ибн ал-Муктафий, то тахтдан туширилиб, кўр қилингунича [944—946]	Ал-Мустакфий биллоҳ	Абу-л-Қосим	1	4	3
Ал-Фазл ибн Жаъфар, то ўзи истеъфо бериб, ўрнига ўғлини ўтказгунича [946—974]	Ал-Муте лиллоҳ	Абу-л-Қосим	29	4	12

Тўғилган орни	Лақаблари	Кунялари	Ҳар бирининг подшоҳлик [муддати]			Ҳижрат тарихи бўйича йиллар жами		
			йиллар	ойлар	кунлар	йиллар	ойлар	кунлар
Абу-л-Фазл, Абу-л-Мунича, Абу-л-Қосим қилин- ган Абу-л-Қосим ибн Абу-л-Қосим [991—	Аттоъи лиллоҳ Ал-Қодир биллоҳ	Абу Бакр Абу-л-Аббос ⁴⁹⁸	19	9	12	382	7	25

Сўнгра халифалик амирликка, балки фиръавнликка айланди.

«Мунажжимлар»⁴⁹⁹ фикрича, ислом халифаларининг биронтаси йигирма тўрт йилдан ортиқ подшоҳлик қилмаган. Аммо ал-Муте даврининг қарийб ўттиз йил чўзлишига сабаб шуки, мунажжимлар фикрича, давлат ва подшоҳлик ал-Муттақий даврининг охири ва ал-Мустакфий даврининг аввалида Аббос авлодидан Бувайҳ авлодига ўтган. Аббосийлар қўлида эса яҳудийлар фикрича, «раъс ал-жолут»⁵⁰⁰ [мол]-мулксиз ва давлатсиз диний раисликдан иборат бўлгани каби, дунёвий подшоҳликка алоқаси бўлмаган, фақатгина диний эътиқодга тегишли ишлар қолди. Демак, мунажжимлар фикрича, Аббос авлодидан ҳозирда халифа бўлиб турган киши⁵⁰¹ подшоҳ эмас, фақат ислом динининг раисидир.

[Мунажжимлар] қадим замонлардан бери шундай хабар берардилар. [Масалан], Аҳмад ибн ат-Таййиб ас-Сарахсийнинг⁵⁰² Саратон буржида икки нахс ёритқичлар тўқнашуви ҳақидаги китобида шундай дейилади. Бу тўғрида ҳеч ким Ҳорун ал-Рашид мунажжимми ҳиндистонлик Канака баён этгандек очиқ гапирмаган. У «Аббосийлар подшоҳлиги Исфаҳондан хуруж этувчи бир киши [қўлига] ўтади» деб, Имоад-Давла лақабли Али ибн Бувайҳнинг Исфаҳондан хуруж қилган вақтини аниқ кўрсатиб берган.

Аббосий [халифалари] ўз амалдорларини — дўст ва душманларини баббаравар — ёлгон лақаблар билан атаб, уларнинг ҳаммасини «ад-давла» лафзига нисбат бергач, давлатлари барбод бўлди. Улар буни ҳаддан ошириб юбордилар, ниҳоят ўзларига яқин турган киши билан бошқаларни фарқ қилишга эҳтиёж туғилди ва улар [ҳалиги] яқин киши учун қўшалоқ лақаб бера бошладилар. Бошқа амалдорлар ҳам шундай [қўшалоқ лақаб] олишни хоҳлардилар. Бунга қизиқувчи [лар] пул сарф этиб, эҳтиёжини қондирди ва йўл кўрсатувчилар орқали касалига чора топди. Яна иккинчи марта булар билан халифалар ҳузурларидаги кишиларни фарқ қилишга эҳтиёж туғилди. Шунда халифалар хос кишилари лақабини уч қават қилиб, «шоҳоншоҳ» [сўзини] қўшдилар. Иш ҳолатда қийин ва оғирлашиб кетди, ҳатто у лақабларни эслатувчи киши эслатишга бошламасданоқ буни оғирсинадиган, ёзувчи [бир қанча] вақт ва сатрларни бекор кеткизадиган, [уларнинг номини] хутбага қўшувчи намоз вақтининг ўтиб кетишидан қўрқадиган бўлиб қолди. Халифалик даргоҳида содир бўлиб, бизнинг замонимизга қадар давом этаётган лақабларни мана шу жадвалда кўрсатсак, фойдадан холи бўлмас.

133	Лақаб берилганларнинг исмлари	Халифалик даргоҳида содир бўлган лақаблар
	Ал-Қосим ибн Убайдуллоҳ	Бали ад-давла
	Унинг ўғли	Амид ад-давла
	Абу Муҳаммад ибн Ҳамдон	Носир ад-давла
	Унинг ўғли	Саъд ад-давла
	Абу-л-Ҳасан Али ибн Ҳамдон	Сайф ад-давла
	Али ибн Бувайҳ	Имод ад-давла
	Абу-л-Ҳасан Аҳмад ибн Бувайҳ	Муизз ад-давла
	Ал-Ҳасан ибн Бувайҳ	Рукн ад-давла
	Абу Мансур Бахтиёр ибн Абу-л-Ҳасан	Изз ат-давла
	Абу Исҳоқ ибн ал-Ҳусайн	Умдат ад-давла
	Абу Ҳарб ал-Ҳабаший ибн Абу-л-Ҳусайн	Санад ад-давла
	Абу Мансур Бисутун ибн Вашмгир	Заҳир ад-давла
	Абу Мансур Бувайҳ ибн ал-Ҳасан	Муайяд ад-давла
	Ал-Марзубон ибн Бахтиёр	Иъзоз ад-давла
	Қобус ибн Вашмгир	Шамс ал-Маолий
	Абу Аҳмад Ҳорис ибн Аҳмад	Валий ад-давла
	Абу Шужоз Фанно Хусра ибн ал-Ҳасан	Азуд ад-давла ва Тож ал-милла
	Абу Колинжар ибн Фанно Хусра	Фахр ад-давла ва Фалак ал-умма
	Абу Колинжар Марзубон ибн Фанно Хусра	Самсом ад-давла ва Шамс ал-милла
	Абу-л-Фаворис ибн Фанно Хусра	Шараф ад-давла ва Зайн ал-милла
	Абу Толиб Рустам ибн Али	Мажд ал-милла ва Қаҳф ал-умма
134	Абу-л-Қосим Муҳаммад ибн Сабуктагин	Ямин ад-давла ва амин ал-милла
	Абу Наср Хурра Фируз ибн Фанно Хусра	Баҳо ад-давла ва Зиё ал-милла ва Фиёс ал-умма
	Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Иброҳим	Носир ад-давла
	Абу-л-Аббос Тош ал-Ҳожи	Ҳусом ад-давла
	Абу-л-Ҳасан Фоиқ ал-Хосса	Амид ад-давла
	Абу Али Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим	Носир ад-давла
	Сабуктагин аввал	Муъин ад-давла
	Сўнгра	Носир ад-дин ва давла деб лақабланган
	Маҳмуд ибн Сабуктагин	Сайф ад-давла
	Абу-л-Фаворис Бектузун ал-Ҳожиб	Синон ад-давла
	Абу-л-Қосим Муҳаммад ибн Иброҳим	Наср ад-давла
	Абу Мансур Олп Арслон ал-Болавий	Муъин ад-давла ⁵⁰³

Шунингдек, халифаларнинг вазирлари [номининг олдига] «зу» [сўзи] қўшилган: «Зуляминайн», «Зурриёсатайн», «Зулкифоятайн», «Зуссайфайн», «Зулқаламайн»⁵⁰⁴ ва шунга ўхшаш сифатлар билан лақабландилар.

Бувайҳа авлоди ҳам, [юқорида] айтиб ўтганимиздек, давлат уларга ўтгач, аббосийларга ўхшадилар ва лақаб беришда муболаға қилиб, ёлгонга кўмилдилар. Ўз вазирларини «Кофий ал-куфот», «ал-Кофий ал-авҳад», «Авҳад ал-куфот»⁵⁰⁵ деб атадилар.

Хуросон ҳокимлари бўлган сомонийлар⁵⁰⁶ бундай лақабларга қизиқмадилар, балки куня олиш билан кифояландилар. Улар тирик вақтларида «ал-Малик ал-Муайяд», «ал-Муваффақ», «ал-Мансур», «ал-Муаззам», «ал-Мунтасир» деб, вафотларидан кейин «ал-Ҳамид», «аш-Шаҳид», «ас-Саид», «ас-Садид», «ар-Розий» ва шуларга ўхшаш лақаблар билан зикр қилинардилар. Лекин улар халифалар одатига эргашиб, ўз лашкар бошиларига: «Носир ад-давла», «Имод ад-давла», «Ҳусом ад-давла», «Амид ад-давла», «Сайф ад-давла», «Синон ад-давла», «Муъин ад-давла», «Наср ад-давла» лақабларини бердилар. Шунингдек, уч юз саксон иккинчи йилда бостириб келган Бурроҳон⁵⁰⁷ ҳам уларга эргашиб, ўзига-ўзи «Шиҳоб ад-давла»⁵⁰⁸ лақабини берди.

Баъзи [ҳокимлар] бу чегарадан [ҳам] ўтиб, ўзларини «амир ал-олам», «сайид ал-умаро»⁵⁰⁹ деб атадилар. Худо уларга бу дунё ҳаётида хорлик торттириб, ожизликларини ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам кўрсатди.

Аммо ҳурматли улуғ амирга⁵¹⁰ — худо унинг салтанатини давом эттирсин! — халифа даргоҳидан мактуб юборилиб, «ад-давла» калимасига қўшилган лақаблар таклиф этилди. У бундайлардан олийлик қилди, мажозий лақабланган кишиларга ўхшатилишдан узоқлашди ва ўзи учун ҳақиқатан || ўтмаган лақабни танлади. Худо доимо қудратли қилгур [амир] олам подшоҳлари ўртасида қуёш каби бўлиб, уларнинг қоронғуликларини ўзининг олий нурлари⁵¹¹ билан ёритди. Халифалар унинг «амир ал-мўъминин» эканига иқрор бўлиб, иккинчи лақаб орттиришни истадилар, у эса ҳимматининг баландлигидан буни қабул этмади. Худо унинг умрини узун қилиб, оламнинг ҳамма томонини унинг адолати билан ёритсин, унинг назоратида бутун дунёни обод этсин, у ва барча бандаларнинг ишларини ўз паноҳида тараққий эттириб, ниҳоятланмайдиган камолотга еткизсин! Албатта худо бунга қодир, бандаларига керакли нарсаларни билувчи ва кўрувчидир.

Энди шу [китобда] юрила бошлаган йўлимизга қайтиб, гап бошлаймиз.

Биз юқорида кўрсатган жадвалларда бирмунча тарихлар маълум бўлгач, ваъдамизни ўрнига қўйишга эътибор бериб, зижлар, астрономик кузатишларда ва булардан бошқа шартлар ҳамда муомалаларда ишлатиладиган тарихларни чиқара билиш кайфиятини ўрганишга йўл кўрсатишимиз лозим бўлади. Бунинг учун улардан ҳар бири билан бошқаси ўртасидаги узоқликларни ўзгармайдиган миқдорда ўз зиммасига олиб [кўрсатувчи] қўшқават «тайласон»⁵¹² [жадвалини] тақдим этамиз, бундай миқдор—кунлардир. [«Тайласонда»] қизил⁵¹³ чизиқнинг қуйи ярмидаги ҳинд рақамлари билан ёзилганлар [эралар орасидаги] муддатни кўрсатадиган кунлардир; юқори яримда икки хил [кенгликнинг] тепадагиси худди ўша кунларнинг ўзи, [лекин] мумкин бўлганича олт-

135

миш марта олтмишга кўпайтирилганидир*, қуйидагиси ҳам ўша кунларнинг ўзи, [аммо] ҳинд рақамлари** [нинг] ҳисоб ҳарфларига кўчирилгани. Бунинг маълум бўлган нарса билан [кўрсатиладиган] мисоли шу ўн олти квадрати квадратининг квадратини*** ўзига кўпайтириб, ҳосилдан бирни олиб ташласак, бу шахмат тахтаси хоналарининг аввалгисидан бир сони билан бошланиб, икки ҳисса қилиб борилганда барча хоналардаги сонларга тенг келади ва ҳинд рақамлари**** билан мана бундай ифодаланеди:

18 446 744 073 709 551 615

Мумкин бўлгунича олтмишга кўпайтирилса, мана бундай бўлади:

30 30 27 9 5 3 50 40 31 015

Ҳисоб ҳарфларга кўчирилса, бундай бўлади: *هاوه مطع جز مه زو د دحا*

Бу ҳарфлар бирин-кетин ҳинд рақамларига кўчирилса, [юқорида] айтиб ўтилган адад ҳосил бўлади. «Тайласон» ана шу мисол билан тушунилсин! Адад ва рақамлар ҳарфларининг баъзисидан шак-шубҳа воқе бўлган пайтда шу уч хил тартибнинг ҳар бири бошқасига гувоҳ бўлиши учун буни қўлладик. Ҳисоб амалиётини изоҳламай, умумий равишда баён этамиз, чунки бу китобни || ўқувчининг ҳисоб [фанида] бошланғич [маълумот] даражасидан юқори бўлиши лозим.

Энди айтмизки, агар бир киши ўзига маълум бир эра орқали бошқа тарихни билмоқчи бўлса, ўша маълум эрани кунларга айлантирсин. Бунинг мажмуи «асл» деб аталади. Кейин иккови, яъни маълум ва матлуб⁵¹⁴ тарихлар бошланиши ўртасидаги [фарқ]ни олсин! Биз уни «таъдил»⁵¹⁵ деб атаймиз. Агар маълум тарих матлуб тарихдан олдин бўлса, асдан таъдилни камайтиради; агар маълум тарих матлуб тарихдан кейин бўлса, унга таъдилни қўшади. Бунинг жами матлуб тарих кунлари бўлади. Шу кунларни ўша тарихга тегишли йил миқдорига тақсими қилсин, бундан чиққанлар тўла йиллар, қолганлари кунлардир. Бу кунларни йиллар ойларига айлантдилади ва ойларнинг ҳар бирига биз айтиб ўтган миқдор — [кунлардан] кераклиси берилади. Ана шулар қўшқават «тайласон»да тарихлар ораларидаги кунлар бўлади. Яна ҳудо билимдонроқдир.

«ҚУШҚАВАТ ТАЙЛАСОН»

138 ||Шахмат [хоналарини] икки ҳисса қилиш ва ҳисоблашда⁵¹⁶ иккита қоида бор. Бири — агар олтмиш тўрт хонадан бирортасини ўзига кўпайтирилса, чиққан [адад] ўша хонадан узоқлиги кўпайтирилган хонанинг биринчи хонадан узоқлигича бўлган хонадаги [ададга] баробар бўлади. Масалан, бешинчи хонадаги [адад] 16 ни ўзига кўпайтирсак, 256 чиқади, бу тўққизинчи хонадаги [ададга] баробар бўлади. Тўққизинчи хонанинг бешинчидан узоқлиги биринчи хонанинг бешинчидан узоқлигичадир.

Иккинчи қоидага келсак, у [бундай] — агар биз хоналардан биридаги ададни олиб, ундан бирини туширсак, қолгани ундан олдинги хоналардаги [ададларнинг] жамига тенг бўлади. Масалан, олтинчи хонадаги адад 32 ни олиб, ундан бирини камайтирсак, ўттиз бир қолади.

Бундан олдинги хоналардаги ададлар жамига, яъни бир, икки, тўрт, саккиз, ўн олтига тенг бўлади.

Ўн олти квадрати квадратининг квадратини ўзига кўпайтиришнинг маъноси ўттиз учинчи хонадаги ададни ўзига кўпайтиришдир. Шунда олтмиш бешинчи хонадаги адад ҳосил бўлади. Бундан бирни олиб ташланса, шахмат тахтасидаги [ададларнинг] жами ҳосил бўлади.

Ўттиз учинчи хона квадрати ўн еттинчи хона ададининг [ўзига] кўпайтирилгандан чиққанидир; ўн еттинчи хона квадрати тўққизинчи хона ададининг [ўзига] кўпайтирилгандан чиққанидир; тўққизинчи хона ададининг квадрати эса бешинчи хона адади, яъни эслатиб ўтилган ўн олтининг ўзига кўпайтирилгандан чиққанидир.

Абу Райҳон⁵¹⁷ «Рақамлар китоби»да бундай деган: «Яхшилаб ўрганилиши учун шахмат ҳисоби йўлини баён этмоқчиман. Бундан олдин «жуфтлар жуфти»нинг икки ҳиссалари⁵¹⁸ қанча узоққа чўзилса, кетма-кет жуфт чиқа беришини, агар икки ҳисса қилинувчилар тоқ сон бўлса, улар ўртасида биргина восита бўлишини, икки чекканинг бир-бирига кўпайтирилиши икки ўртанинг бир-бирига кўпайтирилганига тенг эканини билишинг керак нарсалардандир». [Шахмат ҳисобини ўрганишдан олдин] билиш зарур нарсаларнинг бири шу. Бошқа бири, агар «жуфтлар жуфти» [сонларининг] икки ҳиссасидан мўлжалланган ададлар жамини билмоқчи бўлсак, уларнинг энг каттасини, яъни охириги хонаникини икки ҳисса қилиб, бундан энг кичиги, яъни биринчисини чиқариб ташлаймиз. Шунда икки ҳисса қилинган сонларнинг мажмуу қолади.

Бу муқаррар бўлгач, шахмат тахтаси хоналарига бир хона орттирамиз, у олтмиш бешинчи [хона] бўлади. Маълумки, биринчи [хонадан] бошланган «жуфтлар жуфти»нинг икки ҳиссаларидан иборат бу [хонанинг] адади тахта хоналарининг ҳаммасидаги сон ва унга аввалги хонадаги дастлабки бирининг қўшилганига тенг бўлади. Бундан бир сони камайтирилса, ҳамма хонадаги сон қолади.

Бу [олтмиш бешинчи] хона билан биринчи хонани икки чекка қилсак, улар учун ўттиз учинчи хона ўрта бўлади, бу биринчи [воситадир]. Агар ўттиз учинчи хона билан биринчи хонани икки чекка қилсак, улар учун ўн еттинчи хона ўрта бўлади, бу иккинчи [воситадир]. Агар ўн еттинчи хона билан биринчи хонани икки чекка қилсак, булар учун тўққизинчи хона ўрта бўлади, бу || учинчи [воситадир]. Тўққизинчи хона билан биринчи хонани икки чекка қилсак, бешинчи хона ўрта бўлади, бу тўртинчи [воситадир]. Бешинчи хона билан биринчи хонани икки чекка қилсак, учинчи хона ўрта бўлади, бу бешинчи [воситадир]. Агар учинчи хона билан биринчи хонани икки чекка қилсак, иккинчи хона ўрта бўлади, бу олтинчи воситадир; бунда икки [адади туради].

Иккини ўзига кўпайтирсак, биринчи хонани учинчи хонага кўпайтирилганича [сон] чиқади. Лекин биринчи хонада бир [адади] туради. Демак, шу вақтда учинчи хонадаги бешинчи восита [сон] чиқади, бу эса тўртдир. Тўртни ўзига кўпайтирсак, ўн олти бўлади, бу бешинчи хонадаги тўртинчи воситадир. Буни ўзига кўпайтирсак, икки юз эллик олти бўлади, бу тўққизинчи хонадаги учинчи воситадир. Бу сонларни ўзига кўпайтирсак, 65536 бўлади, бу ўн еттинчи хонадаги иккинчи воситадир. Буни ўзига кўпайтирсак, 4 294 967 296 чиқади, бу ўттиз учинчи хонадаги биринчи воситадир. Агар бу сонларни ўз баробарига кўпай-

Қўшқават

33 27 45 6 جهو طهءا	38 46 18 6 طهءجوجا	15 46 17 6 هز طهءهءا	56 244 5 وامهءجبا	33 34 28 5 جزهءا
20 31 46 2 فء طهءه	25 50 19 2 هءء جن	2 50 18 2 بفئ ططء	43 5 45 1 ءء جءزج	20 38 29 1 ءببج
0 32 3 2 كزءءء	5 51 36 1 هو وءءج	42 50 35 1 بءءءج	23 6 2 1 جههءبب	0 39 46 مطزوا
39 19 2 2 طرهء	44 38 35 1 ءبءءءج	21 38 34 1 اعمج	2 54 0 1 بء بءاب	39 26 45 طهءهءوا
5 13 33 1 ههههءج	10 32 6 1 لهءطبب	47 31 5 1 زصهءبب	28 47 31 ءءءءءا	5 20 16 هفءه
0 53 16 1 فزوزب	5 12 50 هبءفا	42 11 49 بببزا	23 27 15 ءءوهه	Антоний эраси (йиллари юнон- ча, ойлари қибтийча).
37 25 1 1 زءا ابب	42 44 34 بءءبا	19 44 33 طهءابا	Дақлитён эраси (йиллари ва ойлари юнонча)	55 643
18 41 27 هزوظط	23 0 1 جبوج	Ҳижрат эраси (йиллари қамарий, ой- лари арабча)	121 459	177 102
55 40 26 ههسط	Яздигирд эраси (йил ва ойлари эронийча)	3 623	125 082	180 725
ал-Муътазид эраси (йил ва ойлари эронийча)	96 055	99 678	221 137	276 780

тайласон

28 14 12 5 حوما	54 7 43 4 در بطای	33 55 41 4 ججطداى	13 56 58 3 حز اسح	Абу Маъшар фикрича, тўфон эраси (йил ва ойлари қибтийча)
15 18 13 1 طحجوب	41 11 44 ايطها	20 59 42 سزدها	Бухтанассар эраси (йил ва ойлари қибтийча)	860 173
55 18 30 هجاتى	21 12 1 ادجد	Филип эраси (йил ва ойлари қибтийча)	154 760	1 014 933
34 6 29 دطرذى	Искандар эраси (йил ва ойлари сурёнча)	4 341	159 101	1 019 274
Август эраси (йиллари румийча, ойлари қибтийча)	104 794	109 135	263 895	1 124 068
58 805	163 599	167 940	322 700	1 182 87
114 448	219 242	223 583	378 343	1 238 516
235 907	340 701	345 042	499 802	1 359 975
239 530	344 324	348 665	503 425	1 363 598
335 585	440 379	444 720	599 480	1 459 653

тирсак, жами 18 446 744 073 709 551 616 бўлади. Бундан бирни, яъни биринчи хонадаги сонни олиб ташласак, шахмат тахтаси хоналаридаги сонларнинг жами, яъни биз юқорида мисол келтирган сон қолади.

Унинг кўплигини фақат «бидралар»га⁵¹⁹ айлантириш йўли билангина ифодалаш мумкин. Бунинг учун у [сон] ўн мингга тақсим этилади. Бидраларни «вақрлар»⁵²⁰га айлантириш учун саккизга тақсим этилади. Вақрлар сони [улар юкланган] хачирларнинг ҳар бир галаси ўн мингтадан бўлган галаларга айланиши учун ўн мингга тақсим этилади. Кейин хачирлар дарё қирғоқларида ҳар қайси қирғоқда мингтадан бўлиб, ўтлашлари учун мингга тақсим этилади, сўнгра дарёлар сони, ҳар бир водийдан ўнг мингтадан тоғ чиқиши учун ўн мингга тақсим этилади. Тақсимда ҳар қанча бепарволик қилинса ҳам⁵²¹, ўша тоғлар сони икки минг уч юз бешта бўлади. Бу сифатлар ернинг одамлар яшайдиган қисмига сиғмайди. Яна худо билимдонроқ ва донишмандроқдир.

140 ||Энди бу ҳақда⁵²² муфассал гапирамиз, [чунки] бусиз эҳтиёж қониқмайди. «Аҳли китоб» сўзи асосида Одам ва тўфон тарихларини чиқариб олишни кейинроққа қўямиз, чунки бу иккиси яҳудийларнинг йил ва ойларига боғлиқдир. Уларда эса, юқорида қисман айтиб ўтганимиздек, чигаллик, тенгсизлик ва ҳисоб орқали билиниши қийин ҳолатлар бор. Шунинг учун бу икки эра ҳақида алоҳида эътибор бериб гапирмасдан қаноатланилмайди.

Шундай қилиб, тарихлар тўғрисида батафсил гапиришга бошлаймиз ва кунлар бошлари билан биз қидираётган кун орасидаги кунлар маълум эканига асосланиб иш тутамиз. Бу кунларни «аниқланган кунлар» деб атаймиз.

Абу Маъшар сўзи асосида унинг зижида ишлатилган тўфон тарихининг [бирор йилини] билмоқчи бўлсак, бунинг аниқланган кунларини уч юз олтмиш бешга тақсим қиламиз. Шунда тўлиқ йиллар чиқади. Қолган кунларни қибтий ойларига айлантирсак, тўфон тарихидан тут ойининг аввали кабисасиз Яздижард эраси баҳман моҳининг ўн саккизинчи кунига тўғри келади.

Агар Бухтанассар ва Филип эрадарини билишни истасак, «аниқланган кунлари»ни уч юз олтмиш бешга бўламиз. Шунда йиллар тўлиқ чиқиб, ҳар бир ой учун ўз ҳиссасига қараб тақсим этиладиган кунлар қолади. [Буни] тут ойидан бошласак, унинг аввали кабисасиз Яздижард эрасининг дай моҳ ойн аввалига тўғри келади.

Искандар тарихи [аввалини] билишни истасак, унинг «аниқланган кунлари»ни уч юз олтмиш беш кун ва чорак кунга тақсим қиламиз, яъни ўша кунларни чоракларга айлантириш учун [аввал] уларни тўртга кўпайтирамиз, кейин ҳосили жамни йил чораклари бўлмиш минг тўрт юз олтмиш бирга тақсим қиламиз. Натижада бутун йиллар чиқади, қолган чораклар қайтадан кунларга айланиши учун тўртга тақсим этилади. Бундан ҳар бир ой учун унинг кунлари ададини чиқариб ташлаймиз ва [ишни] тишрини аввалдан бошлаймиз, тўла бир ойга етмайдиган қолдиқ ҳозирги ойнинг ўтган кунлари бўлади. Шубот [ойи] учун кабисали йилда йигирма тўққиз кун, бошқа йилда йигирма саккиз кун чиқарамиз.

Кабиса йили [шу йўл билан] билинади: чораклар тўртга тақсим этилгандан кейинги қолдиққа қараймиз, агар иккита қолган бўлса, шу

ҳозирги йил кабисали; агар [иккитадан] кам ёки кўп бўлса, кабисасиз бўлади. Бунга сабаб шуки, кабисали йил [қидирилаётган] тарих бошидан икки йил олдин келиб, эра бошида иккита чорак кун йиғилган бўлади, агар тарихдан кейин ҳам || иккита чорак қолиб, бу иккиси ҳалиги иккита чоракка қўшилса, тўла бир кун бўлиб, йил кабисали бўлади. 141

Агар бу тарихни [қидиришда] румликлар йўлига биноан иш тутсак, румликлар ва сурёнликларда йил аввалининг тафовутли бўлиши сабабли, «аниқланган кунлар»нинг ҳаммасидан тўқсон икки кунни чиқариб ташлаймиз. Қолдиқ ҳақида сурёнликлар йўлига кўра [Искандар] эраси учун бажарган амалиётимизни ишлаймиз: қолган чоракларни [бутун] кунларга айлантирамыз, ҳар бир ой учун унинг кунлари ададини ташлаймиз ва ишни январюс, яъни конуни охирдан бошлаймиз. Кабисали йил эса юқорида айтилган йўл билан билинади.

Агар Август эраси [бошини] билмоқчи бўлсак, унинг «аниқланган кунлари» ҳақида Искандар тарихидаги амалиётимизни ишлаймиз, ниҳоят йиллар тўлиқ чиқиб, чораклар қолади. Уларни кунларга айлантирамыз ва қибтий ойлариининг ҳар бири учун унинг кунлари ададини чиқариб ташлаймиз, ишни тут ойдан бошлаймиз. Агар йил кабисали бўлса, ибуғумно, яъни «кичик ой»⁵²³ учун олти кун ташлаймиз, агар [йил] кабисали бўлмаса, унинг учун беш кун оламиз. Чоракларни кунларга айлантирганимизда қолдиқ қолмаса, йилнинг кабисали экани билинади, чунки кабисали йил [мазкур] эра бошланишидан олдин ўтган бўлади. Бунга⁵²⁴ шубҳаланиш керак эмас, чунки [ибуғумно] йил охирида келади ва тут ойининг аввали ҳамиша сурёнча об ойининг йигирма тўққизига тўғри келади.

Антонин тарихига келсак, унинг тўлиқ йилларини Август эрасидаги сингари аниқлаб, қолдиқни тўртга тақсим қиламиз ва чиққан [сон] дан ҳар бир ой учун ҳисса ажратамыз. Ишни тут ойдан бошлаб, кабисали йилда ибуғумно учун олти кун ташлаймиз, шунда чораклардан биргина чорак кун қолса, [йилнинг] кабисали экани маълум бўлади.

Дақлителинус эраси эса, «унинг аниқланган кунлари» ҳақида Август ва бошқалар тарихидаги сингари иш қиламиз, ниҳоят тўлиқ йиллар чиқиб, чораклар бутунга айлантиради. Ойлариининг ҳиссаларини бўлиб берамиз ва ишни январюс, яъни конуни охирдан бошлаймиз. Шунда йил кабисали бўлса, февруариус, яъни шубот учун йигирма тўққиз кун, кабисасиз бўлса, йигирма саккиз кун ташлаймиз. Искандар эрасидаги каби чораклардан фақат иккита чорак қолса, йилнинг кабисали экани билинади.

Арабларнинг тарихлари, ойлари, насийнинг қайси ойда бўлиши⁵²⁵ ва улар [ойларининг] жоҳилият давридаги тартибларига келганда, бу масала эътиборсиз қолдирилган. [Жоҳилият] араблари саводсиз бўлганлар, ривоятларни абадий қилиб қолдиришда фақат ёлда [сақлаш] ва шеърларда [келтиришга] суянганлар. У ривоятларни ишлатувчилар ўтиб кетгач, улар эсда сақланмаган. Бундай нарсаларни билишга йўл йўқ.

||Ислом давридаги ҳижрат эрасини билмоқчи бўлсак, унинг «аниқланган кунлари»ни ўртача ой йилига, яъни уч юз эллик тўрт бутун бешдан бир ва олтидан бир кунга тақсим қиламиз. Бунинг учун [йиллар миқдорини] бешдан бир ва олтидан бирга эга бўлган энг кам адад ўттизга кўпайтирамыз ва мажмуини ўн минг олти юз ўттиз бирга тақсим қиламиз. Бу уч юз эллик тўртнинг ўттизга кўпайтирилиб, йил беш-

дан бири ва олтидан бирининг мажмуидан иборат бўлган ўн бирга қўшилганидир. Тақсимдан чиққани тўлиқ қамарий йиллар бўлиб, қолгани ўттизга кўпайтирилган кунлар бўлади. Буларни ўттизга тақсим этсак, яна кунларга айланади. Шу кунлардан бир ой учун ўттиз, [иккинчи] ой учун йигирма тўққиз кун олиб, ишни [ўттиз кунлик ой] — муҳаррамдан бошлаймиз. Бир ойни тўлдирмайдиган қолдиқ кунлар шу ойдан ўтган [кунлар] бўлади. Зижларда ҳам тарихлар бошларини аниқлашда шу тариқа иш қилинади. Башарти бунда турли йўлларга юрилса, уларнинг [ҳаммаси] бир мақсадга олиб боради.

Аммо [ҳисобда] янги ойни кўришга асосланганда, икки ой кетма-кет қисқа, уч ой тўла бўлиши мумкин. [Ой] ҳаракатининг турличалиги сабабли қамарий йилнинг айтиб ўтилган миқдордан ортиқ ёки кам келиши ҳам мумкин.

Яздижард эрасини билишга келганда, унинг «аниқланган кунлари»ни уч юз олтмиш бешга тақсим этамиз. [Тақсимдан] чиққани тўлиқ йиллар бўлади, қолган кунлардан ҳар бир ойга ўзининг [юқорида] айтиб ўтилган ҳиссасини берамиз ва [буни] фарвардин моҳдан бошлаймиз. Натижада бундан zijларда ишлатиладиган Яздижард подшоҳлиги тарихини биламиз.

Мажусийлар тарихининг [аввалини] аниқлашни истасак, Яздижард подшоҳлиги вақтидан йигирма йилни камайтирамиз. Шунда мажусийлар эраси [аввали] қолади, чунки улар Яздижарднинг подшоҳ бўлган йилидан эмас, у ўлдирилиб [сосонийлар] давлати барбод бўлишидан тарах оладилар.

Ал-Муътазид биллоҳ тарихини аниқлашда эса, Искандар эрасида ишлатган амалиётимизни қиламиз ва ҳар бир ойга эронликлар ойларига бергандек ўз ҳиссасини қўшамиз, ишни фарвардин моҳдан бошлаб, озар моҳгача олиб борамиз. Шунда агар йил кабисали бўлиб, Искандар тарихидаги сингари чораклардан икки чорак қолса, олти кун, кабисали бўлмаса, беш кун ташлаймиз. Биз юқорида оллонинг ёрдам ва тавфиқи билан айтиб ўтган сабабларга кўра бу эрада наврўз ҳамишэ ҳазироннинг ўн биринчисида келади.

Бу ерда zijларда йўқ ва бирон киши ҳам эсламаган, фақат Абу-л-Аббос Фазл ибн Ҳотим ат-Табризийнинг⁵²⁶ ал-Мижастий [китоби] га ёзган тафсирида эслаган бир баҳсни баён этишимиз тўғри бўлади. Бу 143 кўп учрайди, уни ҳал қилмоқчи бўлганлар ҳайратда қолишади. ||

У шундай: маълумоти турлича бўлиб, у [маълумотлари] ягона, умумий бўлмаган бир вақтни аниқлаб беришни биздан талаб қиладилар. Масалан, бир куннинг румийча, арабча ёки эронча бир ойда келгани аниқ бўлади-ю, у ойнинг номи ноаниқ бўлади, аммо ўша ойга [бошқа эра бўйича] тўғри келган бошқа ойнинг номи маълум бўлади. Шу иккала ой тегишли бўлмаган эра ва ҳалиги номи ноаниқ ой эраси ҳам маълум бўлади.

Масалан, «хурмуз куни уч юз тўқсон биринчи ҳижрат йилида таммуз ойнининг [нечанчиси эди]» дейилади. Буни билиш йўли шуки, Искандар эраси бўйича уч юз тўқсон биринчи [ҳижрий] йилнинг биринчи муҳаррамини аниқлаймиз. Шу пайтда таммуз ойи бошининг араб ойларида қайси ой ва қайси кунга тўғри келгани маълум бўлади. Кейин Яздижард тарихи бўйича таммуз аввалини аниқлаймиз; шунда хурмузнинг таммуз кунларининг нечанчиси экани равшан бўлиб ва уч сананинг навлари ва жинслари билан маълум бўлади. Шу билан бирга,

ўша кун ҳафтанинг нечанчисида келгани билинса, бу ҳақиқатни топишга ёрдам бериб, унга эришишни осонлаштиради.

Яна бир мисол. Жума куни рамазон боши Яздижард эраси етмишинчи йилининг нечанчи ойида келгани сўралса, уни аниқлаш йўли шуки, араб эраси бўйича Яздижард эраси наврўзини аниқлаб, ундан рамазон ойининг аввалини ҳисоблаймиз ва ойларнинг бошларини ҳафталар кунларига солиштирамиз. Шунда қидирилаётган нарса равшан бўлади. Шунингдек, ҳафталарнинг кўни, унинг бирон тарих орқали бирон ойнинг нечанчиси экани ва ҳалиги ой номи маълум бўлса, бунда ҳам номаълумни биз айтиб ўтган усул билан билиш мумкин бўлади.

Бу йўлларнинг барчасини атрофлича билган киши бу фанга оид унга бериладиган ҳар қандай саволдан воқиф бўлади, агар диққат билан фикр юритса, ҳеч нарса унга яширин қолмайди.

Агар адабларнинг миқдорлари ҳақидаги маълумотлар бирлар, ўнлар, юзлар хоналари бўйича хилма-хил ва бир-биридан фарқли бўлса, яъни мисол учун «йигирма бешинчи кун, лекин беш куни Эрон ойидан ва йигирма куни рум ойидан» дейилса, аммо у ойларнинг биттаси маълум ёки ҳар иккиси номаълум бўлса, ёки «уч юз қирқ бешинчи йил, беш йили рум эрасидан, қирқ йили араб эрасидан ва уч юзи эрон эрасидан» дейилса, албатта [кўпроқ] диққат билан ўйланса, гарчи буни чиқаришда ҳисоб [узоққа] чўзилса ҳам, талаб қилингани аниқланади. Тангри ҳақиқатга йўлловчидир. ||

144 ЯХУДИЙЛАР ЙИЛЛАРИ ВА БОШҚА ЙИЛЛАРДАГИ ДАВРЛАР ВА «ТАҚУВФАЛАР», ЙИЛЛАР ВА ОЙЛАРНИНГ БОШЛАРИ, КАЙФИЯТЛАРИ ВА КАБИСАЛАРИ ҲАҚИДА


Биз баён этганимиздан тарихларни бирини иккинчиси орқали аниқлаш равшан бўлиб, фақат аҳли китоб сўзи бўйича Одам алайҳиссалом эраси билан тўфон эрасигина [аниқланмай] қолган, [биз] у икки тарихни билишга йўл кўрсатишимиз лозим бўлади. Аввал яҳудийларнинг йиллари, ойлари, даврлари ва йилларининг бошларини [аниқлашни] тушунтириб, кейин бошқалар йилларининг бошларини ҳам танитишга ўтамиз. Матлубни осонлик билан топишга ёрдам бериши учун [баъзи бир] нарсаларни бунга қўшимча қиламиз.

Шундай қилиб айтамызки, Одам алайҳиссалом эраси яҳудийлар қўллайдиган тарих, Искандар эраси эса насронийлар ишлатадиган тарихдир. Агар тишрийнинг⁵²⁷ боши тишрин аввалнинг⁵²⁸ бошига тўғри келганда, албатта Одам тарихи уч минг тўрт юз қирқ саккиз йил қўшиладиган Искандар тарихи бўлар эди. Бу яҳудийлар сўзича, Одам билан Искандар ўртасида ўтган [муддатдир]. Лекин ўртача олганда, тишрий боши ҳамиша обнинг⁵²⁹ йигирма еттинчи кундан айлулнинг⁵³⁰ йигирма тўртинчи кунигача бўлган [муддатда] воқе бўлади. Натижада яҳудийларнинг [ўз эралари йилларини орқага суриб] ўзгартирган вақтларича нуқсонли бўлган Искандар тарихи, агар бунга Одам билан Искандар ўртасидаги [муддат] қўшилса, тўлиқ Одам тарихи бўлади.

Тишрийнинг боши ҳалиги [айтиб ўтилган] кунларда шунинг учун айланиб юрадики, яҳудийлар пасхаси ўртача олганда ҳамиша сурёнча озор⁵³¹ ойининг ўн саккизинчи кундан найсоннинг⁵³² ўн бешинчи кунигача ўтган муддатда айланиб туради. Бу эса Қуёшнинг Ҳамал буржида бўладиган муддатидир. Чунки шу муддатда [Ой ва Қуёшнинг] рўбарўлиги пасхани келтириб чиқарувчи аҳволни тақозо этади. Бу тахминий ҳисобдир. Агар қуёш йили уч юз олтмиш беш кун ва тўла чорак кун бўлганда⁵³³, қуёш йили рум йили кунлари билан [донмо] тўғри келган бўларди. Лекин бу қандай бўлиши мумкин? Биз кузатганимизда бу [чорак кундан ортиқча] касрнинг беш соат, қирқ олти минут, йигирма секунд ва эллик олти солиса⁵³⁴ эканини билдик. Шунда Қуёш буржлар фалакидаги жойига ҳар бир юз беш йилда [яҳудийлар] асосланган ҳаракати билан етиб боришига⁵³⁵ қараганда, астрономик ҳаракати билан тўла бир кун олдин етиб боради.

||Лекин биз ҳам яҳудийлар асос тутганга амал қилиб, энди улар 145 йилларининг бошини қандай аниқлашни ва йиллари ҳолатини: у оддий йилми ёки иббурми, кейин у ноқисми, мўътадилми ёки тўлиқми эканини қайси йўл билан билишни баён этамиз.

Биз айтамиз, агар уни [билишни] истасак, сурёний тишрин аввал [ойи] бошига мувофиқ бўлган Искандар эрасига уч минг тўрт юз қирқ саккиз [йил] қўшамиз. Натижада Одам эраси [боши] биз ҳисоб тутган



тишрин аввалдан олдин келувчи об ёки айлул ойлари охирида воқе бўладиган тишрий бошига тўғри келади.

Агар аввали тарих боши бўлган йилнинг оддий ёки иббур йил эканини билмоқчи бўлсак, шу тарихни тутиб, ундан икки йилни камайтирамиз ва қолганини ўн тўққизга⁵³⁶ тақсим этамиз. Тақсимдан чиққани тўлиқ кичик даврлар бўлади, қолганларини «андоза доираси»нинг биринчи табақасига қўямиз. Шунда иккинчи табақадаги сана рўбарўсида у [тарих] йилининг кайфиятини — оддий ёки иббур эканини, учинчи табақада [у йил] бошининг сурёний ойдаги мавқеини, тўртинчи табақада эса ўша ой номини биламиз. «Андоза доирасининг» шакли мана бу.

Агар биз юқорида ўн тўққиз йиллик давр, тугаган пайтда, ҳафта кунларининг қай бирдан бошланган бўлса, ўша кунга қайтмайди демаганимизда эди, [йил боши] ҳафта кунларининг қай бирига тўғри келиши учун андоза доирасига албатта бешинчи табақа қўшган бўлардик. Лекин бу ҳеч қачон муяссар бўлмайди.

Агар биз учинчи табақада ҳосил бўлган кун ҳафта кунларининг қай бири эканини билмоқчи бўлсак, келгусида баён этиладиган амал-

лар орқали ўша йили об ёки айлул ойининг боши ҳафтанинг қайси кунилигини аниқлаймиз. Бунга эришилгач, қидирилган нарса маълум бўлади.

Тишрий ойи сабабли бизда туғилган бу фикр тузатиш киргизилмаган ўртача ҳисобга кўрадир. Аммо [тишрий боши] кўпинча, биз айтиб ўтгандек, [яхудийлар] жойиз кўрмайдиган кунларда воқе бўлади. Шунда [янги йилни] бир кун олдинга ёки орқага суришга эҳтиёж туғилади. Агар биз уни тўғрилашга қасд қилсак, аввало, Қуёш ва Ойнинг астрономлар усулича эмас, яҳудийлар усулича бир-бири билан тишрий бошида учрашув [вақтини] билишимиз керак, чунки бу икки усул ўртасида ихтилофлар бор.

Ихтилофларнинг бири — яҳудийлар [ҳисобича] қамарий ой ҳисобида [Ойнинг Қуёш билан бир учрашувидан] иккинчи учрашувигача йигирма тўққиз кун ўн икки соат ва етти юз тўқсон уч халақдир, бу [яъни халақ] — қирқ тўрт минут уч секунд йигирма солисадан иборат. Ҳозирги замон кузатувчилари ҳисобича, [қамарий ой] — йигирма тўққиз кун ўн икки соат қирқ тўрт минут икки секунд ўн етти солиса йигирма бир робиа⁵³⁷ ва ўн икки хомисадир. Икки [усул] ўртасидаги ортиқчалик соатнинг бир секунд икки солиса ўттиз саккиз робиа || ва қирқ саккиз хомисаси бўлади.

Яна бири — яҳудийлар тадқиқотича, Қуёш йили уч юз олтмиш беш кун беш соат ва соатнинг тўрт минг бир юз тўрт бўлагидан уч минг етти юз тўқсон бир бўлагидир. Ҳолбуки, кейинги кузатувчилар [Қуёш йилини] бундан камроқ топганлар.

Учинчиси — [Қуёш билан Ойнинг] учрашиш вақтигача ўтувчи кеча ва кундуз астрономлар ҳисобича, мамлакатларнинг узунлик ва кенглигига қараб турлича бўлади. Яҳудийлар буни ҳамма мамлакатлар учун бир хил ҳисоб билан ҳисоблайдилар, [уларнинг] ҳисоблари қайси жойда воқе бўлгани номаълум. Лекин у ҳисоб Байтулмуқаддас ёки унинг те-варагидаги [жойлар] учун ишлангани хаёлга келади, чунки ўша жойлар яҳудийларни бирлаштирган эди.

Яна бири — яҳудийлар Қуёш ва Ой учрашиш [пайтини] «вақтли» соатлар билан ҳисоблаганлар. Ҳолбуки, [бундай] учрашувларни экватордан бошқа жойда бу соатлар билан ҳисоблашнинг тўғри эмаслиги маълум.

Яна бири — яҳудийлар ўз ҳисобларини [Қуёш ва Ойнинг] кўринадиган ҳаракати билан эмас, ўртача ҳаракати билан ишлайдилар. Шунинг учун [уларда] баъзан пасха Қуёш ва Ойнинг ҳақиқий учрашувидан икки кун: тузатишлар сабабли бир кун, пасхани дуруст бўлмайдиган кундан кейинга қолдириш сабабли бир кун кейин воқе бўлади.

Агар йил «туғилишини», яъни икки ёритқичнинг [Қуёш ва Ой] тишрий бошида учрашувини билмоқчи бўлсак — яҳудийларда ҳар бир ойдаги [Қуёш ва Ой] учрашувини ой туғилиши деб аташ ва ҳар бир давр бошида бўлган учрашувини [ҳам] унинг туғилиши деб [аташ] одат бўлган — албатта биз Одам тарихи тўлиқ йилларини, яъни қидирилаган тишрий ундан олдин келадиган йил охиригача [ўтган йилларни] олиб, уларни кичик даврларга айлантирамиз. [Ҳосил бўлган] ададни икки кун ўн олти соат беш юз тўқсон беш халаққа кўпайтирамиз — бу эса ҳафталарга айлантирилган кичик давр кунларининг қолдиғидир — кўпайтма ҳосилини эсда сақлаймиз. Кейин йилларнинг бир даврга етмайдиган қолдиғига қараймиз ва 2—5—7—10—13—16—18 ҳисоби-

га кўра йилларнинг қанчаси оддий ва қанчаси иббур эканини биламиз. Оддий йиллар сонини тўрт кун саккиз соат саккиз юз етмиш олти халаққа кўпайтирамиз; иббур йиллар сонини беш кун йигирма бир соат беш юз саксон тўққиз халаққа кўпайтирамиз ва бу иккала кўпайтирмадан чиққан йиғиндини ҳалиги эсда сақлаб турганимизга қўшамиз. Қўшилма ҳосилига ҳамиша беш кун ва ўн тўрт соат, яъни Одам [эраси] йилларидан биринчи йил якшанба кечасининг бошидан учрашувгача [бўлган] вақт узоқлигини орттирамиз.

Кейин ҳар бир минг саксон халақни бир соат қилиб, соатлар ва ҳар бир йигирма тўрт соатни бир кун қилиб, кунлар чиқарамиз. Ҳосил бўлган кунларни ҳафталарга айлантирамиз, ҳафтага етмайдиган қолдиқ учрашиш [вақтининг] якшанба кечаси бошидан узоқлиги бўлади. Шунда ҳисоб бориб ётган [вақт] || тишрий бошидаги учрашиш вақтидир. 147

Биз ишни осон ва меҳнатни енгил қилиш учун буларнинг [ҳаммасини] Искандар йиллари бўйича йилма-йил ҳисобладик. Тишрий бошида учрашув бўлишини билмоқчи бўлган киши Искандар йилларини олиб, ҳамиша ундан ўн икки йилни, яъни Искандар [эраси бошланган] дан кейинги кичик давр [йиллари] қолдиғини 3—5—8—11—14—16—19 ҳисобига кўра камайтирсин⁵³⁸, қолганни ўн тўққизга тақсим қилсин. Тақсимдан чиққанлар кичик даврлар бўлади. Агар [йиллар] етарли бўлса, уларни катта даврларга айлантирсин ва қолган йилларни эсда сақласин. Булар 3—5—8—11—14—16—19 формуласига кўра ҳозирги даврнинг ўтаётган йилларидир.

Агар бу қисмдан чиққанлар катта даврлар бўлса, улар ўзларига махсус бўлган жадвалга киргизилади ва [жадвалда] уларнинг рўпараларидаги кунлар, соатлар ва халақлар олинади. Кичик даврларни ҳам ўзлари учун ишланган жадвалга киргизиб, рўпараларидаги [кунлар, соатлар ва халақлар] олинади. Ҳар бир жинсни ўз жинсига қўшиб, сўнгра буларни жадвал тепасига қўйилган аслга, яъни Искандар эраси бўйича ўн иккинчи йилнинг туғилишига қўшади.

Кейин ҳар бир минг саксон халақ соатга, ҳар йигирма тўрт соат кунга ва кунлар ҳафталарга айлантирилади. [Ҳафтага етмай] қолгани якшанба кечаси бошидан яҳудийлар мазҳабига кўра учрашиш вақтигача ўтувчи кунлардир.

Биз бу ҳисобни фақат кеча аввалидан бошладик, чунки бу китоб аввалида биз баён этган асосга кўра кундуз ва кеча мажмуи, яҳудийлар фикрича, Қуёш ботган вақтдан ҳисобланади⁵³⁹.

Биз ишлаган ҳисобга мувофиқ тузилган жадвал шакли мана бу.

Кичик даврлар ададлари	Кичик даврлар йиллари	Кунлар	Соатлар	Халақлар
1	19	2	16	595
2	38	5	9	110
3	57	1	1	705
4	76	3	18	220
5	95	6	10	815
6	114	2	3	330

7	133	4	19	925
8	152	0	12	440
9	171	3	4	1035
10	190	5	21	550
11	209	1	14	65
12	228	4	6	660
13	247	6	23	175
14	266	2	15	770
15	285	5	8	285
16	304	1	0	880
17	323	3	17	395
18	342	6	9	990
19	361	2	2	505
20	380	4	19	20
21	399	0	11	615
22	418	3	4	130
23	437	5	20	725
24	456	1	13	240
25	475	4	5	835
26	494	6	22	350
27	513	2	14	945
28	532	5	7	460

. 149

Кичик даврдаги йиллар	Кунлар	Соатлар	Халақлар	Иббур йиллар
1	5	21	589	—
2	3	6	385	—
3	0	15	181	иббур
4	6	12	770	—
5	3	21	566	иббур
6	2	19	75	—
7	0	3	951	—
8	4	12	747	иббур
9	3	10	256	—
10	0	19	52	—
11	5	3	928	иббур
12	4	1	437	—
13	1	10	233	—
14	5	19	29	иббур
15	4	16	618	—
16	2	1	414	иббур
17	0	21	1003	—
18	5	7	799	—
19	2	16	595	иббур

Катта даврлар

Ададлари	Йиллари	Кунлар	Соатлар	Халақлар
1	532	5	7	460
2	1064	3	14	920
3	1596	1	12	300
4	2128	0	5	760
5	2660	5	13	140
6	3192	3	20	600
7	3724	2	3	1060
8	4256	0	11	440
9	4788	5	18	900
10	5320	4	2	280
11	5852	2	9	740
12	6384	0	17	120
13	6916	6	0	580

150

Агар ҳисобдонлардан биров [яҳудийлар] айтганига қарамай кузатишлар орқали аниқланган учрашув вақтини билмоқни истаса, биз уни маълум этиш мақсадида тузган [қуйидаги] жадвалга қарасин. Бу олдингиси сингари тўғри ва замонимизга яқин [кузатишларга] мувофиқ тузилган. Шундайки, биз Батлимуснинг ўртача қамарий ой миқдори ҳақидаги сўзини, Холид ибн Абдулмалик ал-Марварузийнинг⁵⁴⁰ Дамашқда ўтказган ўлчашлари асосидаги сўзини, Мусо ибн Шокир ўғиллари ва бошқаларнинг сўзларини диққат билан ўқиб, Мусо ибн Шокир ўғилларининг айтганларига асосланишга ва унга амал қилишни мувофиқроқ топдик. Чунки улар ҳақиқатни топишда куч аямаганлар ва кузатиш ишида моҳирлик ҳамда донолик кўрсатиб, ўз асрларининг ягонаси бўлганлар. Уларнинг кузатишларини олимлар кўриб, тўғрилигига гувоҳлик берганлар; шу билан бирга уларнинг кузатишлари қадимгиларникидан узоқ, бизнинг замонимизга яқиндир.

151

Шундай қилиб, уларнинг айтганини асос қилиб олдик. Бу Искандар эрасидан ўн икки йил ўтгандан кейин [Қуёш ва Ойнинг] учрашув вақтидир. Бу учрашув Мадинатуссаломда⁵⁴¹ сешанба куни кундуз ярмидан йигирма бир соат йигирма минут эллик секунд ўн тўрт солиса ва йигирма тўққиз робиа ўтганда юз берди. Байтулмақаддас меридиани фалаки Бағдод меридиани фалакидан ғарбга томон «ўн тўрт замон»⁵⁴² орқада бўлгани учун, унинг ҳиссасини, яъни эллик олти минутни ҳалиги [Бағдод учун бўлган] учрашув вақтининг минут ва соатларидан камайтирдик. Натижада Байтулмақаддас учун у ернинг кундуз ярмидан йигирма соат йигирма тўрт минут эллик секунд ўн тўрт солиса ва йигирма тўққиз робиа ўтган вақт асос бўлиб қолади⁵⁴³.

Бунга амал қилувчи Искандар [эрасининг] тўлиқ бўлмаган йилларидан⁵⁴⁴ ҳамisha ўн икки йилни камайтириб, қолган йилларни катта ва кичик даврларга айлантиради. [Даврларнинг] ҳар бири ҳиссасини олиб, қолган йилларни [жадвалда] [кичик даврни ташкил этувчи] содда йиллар қаторига киргизади. Кейин улар қаршисидаги рақамларни йиғади ва асосга қўшади. Соатлар ва уларнинг касрларини кўтариладиган

даражасигача кўтаради⁵⁴⁵ ва кунларни ҳафталарга айлантиради. Қолган кун Байтулмуқаддасда якшанба кундуз ярмидан то тишрий бошида [Қуёш ва Ойнинг] учрашув вақтигача ўтаётган [муддат] бўлади. Куза-тишларга асосланиб [ишланган] жадвал мана бу.

152

Кичик даврлар ададлари	Кичик давр йиллари	Кунлар	Соатлар	Минутлар	Секундлар	Солисалар	Робилар
Асос	12	2	20	24	50	14	29
1	14	2	16	28	57	57	53
2	38	5	8	57	55	55	46
3	57	1	1	26	53	53	39
4	76	3	17	55	51	51	32
5	95	6	10	24	49	49	25
6	114	2	2	53	47	47	18
7	133	4	19	22	45	45	11
8	152	0	11	51	43	43	4
9	171	3	4	20	41	40	57
10	190	5	20	49	39	38	50
11	209	1	13	18	37	36	43
12	228	4	5	47	35	34	36
13	247	6	22	16	33	32	29
14	266	2	14	45	31	30	22
15	285	5	7	14	29	28	15
16	304	0	23	43	27	26	8
17	323	3	16	12	25	24	1
18	342	6	8	41	23	21	54
19	361	2	1	10	21	19	47
20	380	4	17	39	19	17	40
21	399	0	10	8	17	15	33
22	418	3	2	37	15	13	26
23	437	5	19	6	13	11	19
24	456	1	11	35	11	9	12
25	475	4	4	4	9	7	5
26	494	6	20	33	7	4	58
27	513	2	13	2	5	2	51
28	532	5	5	31	3	0	44

Кичик даврлар йиллари	Кунлар	Соатлар	Минутлар	Секундлар	Солисалар	Робиналар
1	5	2	32	29	45	35
2	3	6	20	57	13	49
3 иббур	0	15	9	24	42	3
4	6	12	41	54	27	38
5 иббур	3	21	30	21	55	52
6	2	19	2	51	41	27
7	0	3	51	19	9	41
8 иббур	4	12	39	46	37	55
9	3	10	12	16	23	30
10	0	19	0	43	51	44
11 иббур	5	3	49	11	19	58
12	4	1	21	41	5	33
13	1	10	10	8	33	47
14 иббур	5	18	58	36	2	1
15	4	16	31	5	47	36
16 иббур	2	1	19	33	15	50
17	0	22	52	3	1	25
18	5	7	40	30	29	39
19 иббур	2	16	28	57	57	53

Катта даврлар

Адал-лари	Йиллари	Кунлар	Соатлар	Минут-лар	Секундлар	Солисалар	Робиналар
1	532	5	5	31	3	0	44
2	1064	3	11	2	6	1	28
3	1596	1	16	33	9	2	12
4	2128	6	12	4	12	2	56
5	2660	5	3	35	15	3	40
6	3192	3	9	6	18	4	24
7	3724	1	14	37	21	5	8
8	4256	6	20	8	24	5	52
9	4788	5	1	39	27	6	36
10	5320	3	7	10	30	7	20
11	5852	1	12	41	33	8	4
12	6384	6	18	12	36	8	48
13	6916	4	13	43	39	9	32

Биз ора узоқлик [вақтини] кундуз ярмидан ҳисобладик, чунки йил туғилишини кундуз ярми билан ҳисоблаб тўғрилаш уфқлар билан [ҳисоблашдан] осонроқ. Байтулмақаддас кенглигининг энг узун кундузи соатлари ўн тўрт соатдан бир оз ортиқроқ. Яхудийларнинг «вақтли» соатлар билан амал қилиши фақат [Қуёш ва Ой] учрашуви тишрий

бошида кузги кеча-кундуз баробарлигига дуч келгандагина тўғри бўлади. Ҳолбуки, [учрашув] ҳеч қачон у билан дуч келмайди, балки юқорида баён этганимиздек, кузги [кеча-кундуз бараварлигидан] анча олдин ёки кейин воқе бўлади.

Учрашув вақтини яхудийлар келтирган ҳисоб билан ёки улар фикрига мувофиқ ўзимиз тузган жадвал билан аниқлаганимизда, бундан [улар] йили бошини билишга ва унинг ноқислик, мўътадиллик ва тўлиқлик ҳолатларини ўрганишга ўтамыз. Йилнинг оддий ёки иббур эканини ўрганиш [йўли] юқорида кўрсатилди. Энди чегаралар жадвалидан икки чегараси ва икки тарафи учрашувни билдирадиган вақтни ўз ичига олувчи ҳафта кунларининг муддатини қидирамыз. Агар [йил] иббур бўлса, учрашув иббур йили томонда, оддий бўлса, оддий [йил] томонда бўлади. Уни топгач, рўпарасида ҳафта [кунларидан] йил боши ва унинг кайфиятини топамиз. Йил боши ва кайфиятини билиб, у кайфиятни оддий ёки иббур йилга юклагач, бундан келгуси йил бошини биламыз.


Чегаралар жадвали мана бу.

156	Оддий йилларда ҳафта [кунлари]га тақсим этиладиган [вақтлар] чегаралари	Йил боши [кунни]	Йиллар кайфиятлари
	Шанба кундуз ярмидан то якшанба кечаси ўнинчи соатининг икки юз тўртинчи ҳалақиғача	2	Ноқис
	Якшанба кечаси ўнинчи соатининг икки юз тўртинчи ҳалақидан душанба кундузи тўртинчи соатининг беш юз саксон тўққизинчи ҳалақиғача, агар бундан олдинги йил иббур бўлса; душанба куни ярмиғача, агар бундан олдинги йил оддий бўлса	2	Тўлиқ
	Душанба кундузи тўртинчи соатининг беш юз саксон тўққизинчи ҳалақидан ёки кундуз ярмидан сешанба кечаси ўнинчи соатининг икки юз тўртинчи ҳалақиғача	3	Мўътадил
	Сешанба кечаси ўнинчи соатининг икки юз тўртинчи ҳалақидан пайшанба кечаси ўнинчи соатининг икки юз тўртинчи ҳалақиғача	5	Мўътадил
	Чоршанба кечаси ўнинчи соати икки юз тўртинчи ҳалақидан пайшанба кундузи ярмиғача	5	Тўлиқ
	Пайшанба кундузи ярмидан, агар келгуси йил оддий йил бўлса, жума кечаси биринчи соатининг икки юз сакқизинчи ҳалақиғача; агар келгуси йил иббур бўлса, жума кечаси ўнинчи соатининг икки юз тўртинчи ҳалақиғача	7	Ноқис
	Жума кечаси биринчи соатининг икки юз сакқизинчи ҳалақидан ёки жума кечаси ўнинчи соатининг икки юз тўртинчи ҳалақидан шанба кундузининг ярмиғача	7	Тўлиқ

Оддий йилларда ҳафта [кунлари]га тақсим этиладиган [вақтлар] чегаралари	Йил боши [куни]	Йиллар кайфиятлари
Шанба кундуз ярмидан якшанба кундузи тўққизинчи соатининг тўрт юз тўқсон биринчи ҳалақигача	2	Ноқис
Якшанба куни тўққизинчи соатининг тўрт юз тўқсон биринчи ҳалақидан душанба кундузи ярмигача	2	Тўлиқ
Душанба кундузи ярмидан сешанба кундузи ярмигача	3	Мўътадил
Сешанба кундузи ярмидан чоршанба кечаси ўн иккинчи соатининг олти юз тўқсон бешинчи ҳалақигача	5	Тўлиқ
Чоршанба кечаси ўн иккинчи соатининг олти юз тўқсон бешинчи ҳалақидан пайшанба кундузи ярмигача	5	Тўлиқ
Пайшанба кундузи ярмидан жума кундузи тўққизинчи соатининг тўрт юз тўқсон биринчи ҳалақигача	7	Ноқис
Жума кундузи тўққизинчи соатининг тўрт юз тўқсон биринчи ҳалақидан шанба кундузи ярмигача	7	Тўлиқ

157

Бу аҳвол ва кайфиятларнинг шундай бир [тури] бор: агар йил боши 158 ҳафтанинг бирон кунига тўғри келса, йил ўша турга хос бўлиб қолади. Яна йилда воқе бўлиши мумкин бўлмайдиган ҳолатлар ҳам бор. Ана шулар аниқланса, қидирилаётганни топишга ёрдам беради. Айтганларимизнинг тақсимлаш ва шоҳобчалаш йўли билан кўрсатилган сурати мана бу.



- 159 Яна бу аҳволнинг кетма-кет икки йилда келиши мумкин бўладиган ва кетма-кет келиши мумкин бўлмайдигани ҳам бор. Агар биз уларни «Тайласон»да кўрсатсак, [қидирилаётган нарсани] топишга ёрдам беради ва ишни осонлаштиради. Энди [қуйида кўрсатилган хоналардан] икки йилдаги икки кайфиятга ҳамкор бўлган хонага қарайлик, у икки йилнинг бир хил кайфият билан кетма-кет келиши мумкин ва мумкин эмаслигини кўрсатади.

		3 2 1 Ноқис	Йиллар кай- фиятлари
	5 4 Мўътадил	1 Кетма-кет келиши мумкин эмас	1 Ноқис
6 Тўлиқ	4 Кетма-кет келиши мумкин эмас	2 Кетма-кет келиши мумкин	4 2 Мўътадил
6 Кетма-кет келиши мумкин	5 Кетма-кет келиши мумкин <small>546-547</small>	3 Кетма-кет келиши мумкин	6 5 3 Тўлиқ

- 160 Иккита мўътадил йилнинг кетма-кет келиши мумкин эмаслигига келганда, бу китобимиз охиридаги тўғрилаш жадвалида кўрсатилганидек, йилларнинг охирлари ва бошлари бир-бирига тўғри келмаганидандир. Иккита ноқис йилнинг кетма-кет келиши мумкин эмаслиги эса давр ойларининг кўпчилиги тўлиқ, озчилиги ноқис бўлганидандир. Бунга сабаб шуки, кичик давр олти минг тўққиз юз қирқ кунни ўз ичига олади. Бу бир юз йнгирма беш тўлиқ ой ва бир юзу ўнта ноқис ой бўлади. Шу сабабли [янги ойни] кўришда учта тўлиқ ой кетма-кет келади ва иккитадан ортиқ ноқис ой келмайди. Бу икки ой фақат икки ёритқич ҳаракатларининг турличалиги ва буржлар ботишининг турличалиги сабаблигина кетма-кет келиши мумкин.

Агар икки катта давр бошида [Қуёш ва Ойнинг] иккала учрашуви кетма-кет бир-бирига мувофиқ бўлганда эди, яҳудий йиллари кайфиятини аниқлаш учун христианларнинг «хроникун»лари⁵⁴⁸ шакли сингари катта давр йилларини ўз ичига олган жадвал тузишимиз, албатта, мумкин бўлар эди. Лекин йилларнинг туғилиш пайтлари ҳафта ичидаги ўринларига фақат олти юз саксон тўққиз минг тўрт юз етмиш икки йилдагина қайтиб келади. Бу шунинг учунки, кичик даврнинг ҳафталарга айлантирилгандаги қолдиғи икки кун ўн олти соат беш юз тўқсон беш ҳалақдир. Бу [охирги] сон бир кеча-кундуз ҳалақига, яъни 25920 га тенг бўлгандагина тўла [бир кун] бўлади. Чунки касрлар адади фақат ўша жинсдан маълум бир бутуннинг барча касрларига баробар келадиган икки ҳисса орттирилишлардан кейин [яъни сурат адади махраж ададига тенг бўлганда] тўлиқ бўлади. Лекин [бир] кеча-кундуз ҳалақининг

адади даврнинг қолдиқ касрлари ҳалақига беш сониди ҳамкор бўлади⁵⁴⁹. Демак, касрлар кеча-кундуз ҳалақининг бешдан бирига тенг даврларда тўлиқ бўлади, бу беш минг бир юз саксон тўртдир.

Сўнгра [Қуёш ва Ой учрашуви] ўша сон етти марта кўпайгандагина ҳафтадаги ўз ўрнига қайтади. Бу ўттиз олти минг икки юз саксон саккиздир. Бу эса йиллари юқорида айтилганча бўладиган даврлардир⁵⁵⁰.

Аммо [Қуёш ва Ойнинг] умуман бир-бирига учрашуви ва рўпара келишига келсак, бу юз саксон бир минг тўрт юз қирқ ойда [бир марта] ўз ўрнига қайтади. Бу [сон] кеча-кундуз ҳалақининг еттига кўпайтирилгандир.

Бу [усулни қўллаш] мумкин бўлмаса, узоқни яқин, қийинни осон ва оғирни енгил қилишда одатдан четга чиқиш яхши эмас. Йилларнинг бошлари, кайфиятлари ва бир қанча йил бурун сурёнча ойлардаги ўринларини [билиш] бизга кифоя қилади. Ҳисобловчи кўпроқ ҳолларда булардан ортиқча нарсага муҳтож бўлмайди.

Биз уларни уч жадвалда кўрсатдик. Биринчи жадвал йилларнинг бошларини [билиш учун], бу — белгилар⁵⁵¹ жадвали. Иккинчиси йилларнинг кайфиятлари учун бу кайфиятлар жадвали. Бу жадвалдаги **Ҳ** ҳарфи йилнинг ноқислик аломати, чунки ноқис йил [яхудийлар] тилида «ҳасорин» дейилади. **К** ҳарфи ўртачалик аломати, чунки [яхудийлар] ўртача йилни «касидрон» дейдилар. **Ш** ҳарфи тўлиқлик аломати, || чунки 161

Учинчиси — расоликлар ва миқдорлар жадвали. Бунда агар йил боши қизил билан [кўрсатилган] бўлса, йилнинг боши «об» ойида; қора билан [кўрсатилган] бўлса — «айлул» ойида бўлади.

Бу жадвалларнинг барчасидан фойдаланмоқчи бўлган киши тишрийдан кейин келувчи биринчи тишринда Искандар эрасининг ноқис йилини олиб, унинг йиғилганини [жадвал] бўйидан, сочилганини энидан қидирса, [бўй ва энга] муштарак бўлган катакда улуғ ва азиз тангри рухсати билан талаб қилганини топади. Биз учун тангри етарли ва кифоятдир.

Агар бизга йил бошининг ҳақиқатда об ёки айлул ойининг қаерида экани миқдорлар жадвалидан маълум бўлмаса, балки унинг ҳафта ичидаги куни «белгилар жадвали»дан бизга аниқ бўлса ва об ёки айлулда воқе бўлганини олдинроқ андоза доирасидан билган бўлсак, бизга керакли нарса, [яъни йил бошининг] сурёний ойида ўз вақтидан бир кун олдин ёки кейин экани, агар ҳафтанинг ўша куни [йил бошига] тўғри келмаса, албатта бизга яширин қолмайди. Айниқса [яхудийларнинг] биз баён этган олдинги уч жадвалда аниқ ифодаланган уч байрам кунлари яхудийлар тарихи, йилларининг боши ва йилининг билиниши қийин кайфиятини ўрганишга олиб боради. Бу билан яхудий ойларининг бошини ўрганишга ўтилади. Бу ўша йилга тегишли икки кайфият тақозосига кўра ҳар бир [ойга] ўз ҳиссаси [бўлган кунни] бўлиб бериш орқали ёки ойларнинг бошланишларини кўрсатувчи жадвал орқали [бажарилади]. Шундайки, «белгилар жадвали»дан тишрий ойининг йил бошини, агар йил оддий бўлса, оддий йиллар жадвалидан, иббур бўлса, иббур йиллар жадвалидан қидирамиз ва рўпарасидаги [катакдан] йил кайфиятини — ноқис, мўътадил ёки тўлиқ эканини топамиз.

Белгилар

162
—167

Искандар эраси йиллари бўйича	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
			иббур		иббур			иббур		
1305	3К 19 о	7Ш 8 а	* 5Ш 29 о	5 К 17 а	2 Ҳ 6 а	7 Ш 24 а	* 5 К 14 а	2 Ш 2 а	2 Ҳ 22 а	5 К 10 а
1324	7 Х 20 а	3 К 8 а	7 Ш 28 о	* 7 Ш 17 а	5 Ҳ 6 а	3 К 24 а	7 Ш 13 а	* 5 Ш 3 а	5 К 22 а	2 Ҳ 11 а
1343	* 2 Ш 20 а	7 Х 9 а	3 К 28 о	2 Ш 16 а	* 7 Х 6 а	5 Ш 23 а	3 К 13 а	7 Ш 2 а	* 7 Ш 22 а	5 К 11 а
1362	5 К 20 а	* 2 Ш 9 а	7 Х 29 о	5 К 16 а	2 Ш 5 а	* 2 Х 25 а	5 Ш 12 а	3 К 2 а	2 Ш 21 а	7 Х 11 а
1381	7 Ш 19 а	5 К 9 а	2 Х 29 о	7 Ш 15 а	5 Ш 5 а	5 К 25 а	* 2 Х 14 а	5 Ш 1 а	5 К 21 а	2 Ш 10 а
1400	3 К 19 а	7 Ш 8 а	5 Х 29 о	* 3 К 16 а	7 Ш 4 а	7 Ш 24 а	5 К 14 а	2 Х 3 а	3 К 20 а	5 К 10 а
1419	* 5 Ш 19 а	3 К 8 а	7 Ш 28 I	7 Х 17 а	* 3 К 5 а	2 Ш 23 а	7 Ш 13 а	5 Х 3 а	* 3 К 21 а	7 Ш 9 а
1438	2 Х 20 а	* 5 Ш 8 а	3 К 28 о	2 Ш 16 а	7 Х 6 а	* 5 К 24 а	2 Ш 12 а	7 Х 2 а	5 Ш 20 а	* 3 К 10 а
1457	5 К 20 а	2 Х 9 а	5 Ш 28 о	5 К 16 а	2 Х 5 а	7 Ш 23 а	* 5 К 13 а	2 Ш 1 а	2 Х 21 а	5 Ш 9 а
1476	7 Ш 19 а	5 К 9 а	2 Х 29 о	* 7 Ш 16 а	5 Х 5 а	3 К 23 а	7 Ш 12 а	* 5 Ш 2 а	5 К 21 а	2 Х 10 а
1495	* 2 Ш 19 а	7 Ш 8 а	5 Х 29 о	3 К 16 а	* 7 Ш 5 а	7 Ш 24 а	5 К 14 а	2 Х 3 а	* 7 Ш 21 а	5 К 10 а

жадвали

10	11	12	13	14	15	16	17	18	яҳудий эраси буйича	христиан эраси буйича
иббур			иббур		иббур			иббур		
*				*				*	4754	993
2 Ш 30 о	2 Ш 18 а	7 Х 8 а	3 К 27 А	2 Ш 15 а	7 Х 4 а	5 К 22 а	2 Ш 11 а	7 Ш 1 а		
5 Ш 30 о	5 К 19 а	2 Ш 7 а	7 Х 28 о	5 К 15 а	2 Ш 4 а	2 Х 23 а	3 К 11 а	2 Ш 31 о	4773	1012
		*			*					
2 Х 31 о	7 Ш 18 а	5 К 8 а	2 Х 27 о	7 Ш 14 а	5 Ш 4 а	5 К 24 а	2 Х 12 а	5 Ш 31 о	4792	1031
			*							
3 К 29 о	2 Ш 17 а	7 Ш 7 а	5 Х 28 о	3 К 14 а	7 Ш 3 а	7 Ш 23 а	5 К 13 а	2 Х 1 а	4811	1050
			*		*					
7 Х 31 о	5 К 17 а	2 Ш 6 а	7 Ш 27 о	7 Х 16 а	3 К 3 а	2 Ш 22 а	7 Ш 12 а	5 Х 2 а	4830	1069
		*			*					
2 Ш 30 о	2 Х 19 а	5 К 6 а	2 Ш 26 о	2 Ш 15 а	7 Х 5 а	5 К 22 а	2 Ш 11 а	7 Х 1 а	4849	1088
			*		*					
5 Ш 30 о	5 К 19 а	2 Х 8 а	5 Ш 26 о	5 К 15 а	2 Х 4 а	7 Ш 22 а	5 К 11 а	2 Ш 31 а	4868	1107
		*	*			*				
7 Ш 29 о	7 Ш 18 а	5 К 8 а	2 Х 28 о	7 Ш 14 а	5 Х 4 а	3 К 22 а	7 Ш 11 а	5 Ш 31 о	4887	1126
			*		*		*			
3 К 30 о	2 Ш 17 а	7 Х 7 а	3 К 26 о	2 Ш 14 а	7 Ш 3 а	7 Х 23 а	3 К 11 а	7 Ш 31 о	4906	1145
				*			*			
5 Ш 28 о	5 К 18 а	2 Ш 6 а	7 Х 27 о	5 К 14 а	2 Ш 3 а	2 Ш 22 а	7 Х 12 а	3 К 31 о	4925	1164
		*			*		*			
2 Х 30 о	7 Ш 17 а	5 К 7 а	2 Ш 26 о	2 Х 15 а	5 Ш 3 а	5 К 23 а	2 Ш 11 а	7 Х 1 а	4944	1183
			*		*		*			

Искандар эраси йил- лари бўйича	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
			иббур		иббур			иббур		
1514	5 К 19 а	* 2 Ш 8 а	7 Х 28 а	5 Ш 15 а	3 К 5 а	* 2 Ш 24 а	7 Х 13 а	3 К 1 а	2 Ш 20 а	* 7 Ш 10 а
1533	7 Ш 18 а	5 К 8 а	* 2 Ш 28 о	2 Х 16 а	5 Ш 4 а	5 К 24 а	* 2 Ш 13 а	7 Х 2 а	5 К 20 а	2 Ш 9 а
1552	3 К 18 а	7 Ш 7 а	5 Ш 28 а	* 5 К 17 а	2 Х 5 а	7 Ш 23 а	5 К 13 а	* 2 Х 2 а	7 Ш 19 а	5 К 9 а
1571	* 7 Х 20 а	3 К 7 а	7 Ш 27 о	7 Ш 16 а	* 5 Х 6 а	3 К 23 а	7 Ш 12 а	5 Ш 2 а	* 5 К 22 а	* 2 Х 10 а
1590	2 Ш 19 а	* 7 Х 9 а	3 К 27 о	2 Ш 15 а	7 Х 5 а	* 5 Ш 23 а	3 К 12 а	7 Ш 1 а	7 Ш 21 а	* 5 К 11 а
1609	5 К 19 а	2 Ш 8 а	* 7 Х 29 о	5 К 15 а	2 Ш 4 а	2 Х 24 а	* 5 Ш 12 а	3 К 1 а	2 Ш 20 а	7 Х 10 а
1628	7 Ш 18 а	5 К 8 а	2 Х 28 о	* 7 Ш 15 а	5 Ш 4 а	5 К 24 а	2 Х 13 а	* 5 Ш 1 а	5 К 20 а	2 Ш 9 а
1647	* 3 К 19 а	7 Ш 7 а	5 Х 28 а	3 К 15 а	* 7 Ш 4 а	7 Ш 23 а	5 К 13 а	2 Х 2 а	* 7 Ш 20 а	5 К 9 а
1666	5 Ш 18 а	* 3 К 8 а	7 Ш 27 о	7 Х 16 а	3 К 4 б	* 2 Ш 23 а	7 Ш 12 а	5 Х 2 а	3 К 20 а	* 7 Ш 9 а
1685	2 Х 19 а	5 Ш 7 а	* 3 К 28 о	2 Ш 15 а	7 Х 5 а	5 К 23 а	* 2 Ш 12 а	7 Х 1 а	5 Ш 19 а	3 К 9 а
1704	5 К 19 а	2 Х 8 а	5 Ш 27 о	* 5 К 16 а	2 Х 4 а	7 Ш 22 а	5 К 12 а	* 2 Ш 1 а	2 Х 20 а	5 Ш 8 а

10	11	12	13	14	15	16	17	18	яхудий эраси буйича	христиан эраси буйича
иббур			иббур		иббур			иббур		
5 X 30 о	3 К 17 а	7 Ш 6 а	* 5 Ш 28 о	5 К 15 а	2 X 4 а	7 Ш 22 а	* 5 К 12 а	2 X 31 о	4963	1202
* 7 X 30 о	5 Ш 16 а	3 К 6 а	7 Ш 26 о	* 7 X 15 а	3 К 2 а	2 Ш 21 а	7 Ш 11 а	* 5 X 1 а	4982	1221
2 Ш 29 о	* 2 X 18 а	5 Ш 5 а	3 К 26 о	2 Ш 14 а	* 7 X 4 а	5 К 21 а	2 Ш 10 а	7 Ш 31 о	5001	1240
5 Ш 29 о	5 К 18 а	* 2 Ш 7 а	7 X 27 о	5 К 14 а	2 Ш 3 а	* 2 X 23 а	5 К 10 а	2 Ш 30 о	5020	1259
2 X 30 о	7 Ш 17 а	5 К 7 а	* 2 X 27 о	7 Ш 13 а	5 Ш 3 а	5 К 23 а	* 2 X 12 а	5 Ш 30 о	5039	1278
* 3 К 29 о	2 Ш 16 а	7 Ш 6 а	5 X 27 о	* 3 К 14 а	7 Ш 2 а	7 Ш 22 а	5 К 12 а	* 2 X 1 а	5058	1297
7 X 30 о	* 5 К 17 а	2 Ш 5 а	7 Ш 26 о	7 X 15 а	* 3 К 3 а	2 Ш 21 а	7 Ш 11 а	5 X 1 а	5077	1316
2 Ш 29 о	2 X 18 а	* 5 К 6 а	2 Ш 25 о	2 Ш 14 а	7 X 4 а	* 5 К 22 а	2 Ш 10 а	7 X 31 о	5096	1335
5 Ш 29 о	5 К 18 а	2 X 7 а	* 5 Ш 26 о	5 К 14 а	2 X 3 а	7 Ш 21 а	* 5 К 11 а	2 Ш 30 о	5115	1354
* 7 Ш 29 о	7 Ш 17 а	5 К 7 а	2 X 27 о	* 7 Ш 14 а	5 X 3 а	3 К 21 а	7 Ш 10 а	* 5 Ш 31 о	5135	1373
3 К 29 о	* 2 Ш 17 а	7 X 6 а	3 К 26 о	2 Ш 13 а	* 7 Ш 3 а	7 X 22 а	3 К 10 а	7 Ш 30 о	5153	1392

Искандар эраси йиллари бўйича	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
				иббур		иббур			иббур	
1723	* 7 Ш 19 а	5 К 8 а	2 Х 28 о	7 Ш 15 а	* 5 Х 5 а	3 К 22 о	7 Ш 11 а	5 Ш 1 а	* 5 К 21 а	2 Х 9 а
1742	2 Ш 18 а	* 7 Ш 8 а	5 Х 28 о	3 К 15 а	7 Ш 4 а	* 7 Х 24 а	3 К 11 а	7 Ш 31 о	7 Ш 20 а	* 5 К 10 а
1761	5 К 18 а	2 Ш 7 а	* 7 Х 28 о	5 Ш 14 а	3 К 4 а	2 Ш 23 а	* 7 Х 13 а	3 К 31 о	2 Ш 19 а	7 Ш 9 а
1780	7 Ш 17 а	5 К 7 а	2 Ш 27 о	* 2 Х 16 а	5 Ш 3 а	5 К 2 а	2 Ш 12 а	* 7 Х 2 а	5 К 19 а	2 Ш 8 а
1799	* 3 К 18 а	7 Ш 6 а	5 Ш 27 о	5 К 16 а	* 2 Х 5 а	7 Ш 22 а	5 К 12 а	2 Х 1 а	* 7 Ш 19 а	5 К 8 а
1818	7 Х 19 а	* 3 К 7 а	7 Ш 26 о	7 Ш 15 а	5 Х 5 а	* 3 К 23 а	7 Ш 11 а	5 Ш 11 а	5 К 21 а	* 2 Х 10 а

о — Об, а — Айлул. * Юлдузчалар юнон эраси бўйича мос келадиган

Буни аниқлагач, рўпарасидаги [катакдан] ҳар бир тўлиқ ой бошини ва ҳар бир ноқис ойнинг иккала [томон] бошини ҳам топамиз. Чунки яҳудийлар тўлиқ ой келган ҳар бир ой учун иккита бош белгилаганлар: бири ойнинг ҳақиқий боши бўлган кун, иккинчиси эса ундан олдинги

Жадвалдаги шаклларнинг кўриниши мана бу.

Йил ичида ойлар бошларининг жадвали

Оддий йиллар жадвали

169

Тишрий боши белгиси	Йил кайфияти	Марҳешвон	Кислев	Тебаг	Шефар	Озор	Найсон	Ияр	Сиван	Таммуз	Об	Айлул
7	Тўлиқ	I 2	III 4	V 6	7	I 2	3	IV 5	6	VII 1	2	III 4
7	Ноқис	I 2	3	4	5	VI 7	1	II 3	4	V 6	7	I 2
2	Тўлиқ	III 4	V 6	VII	2	III 4	5	VI 7	1	II 3	4	V 6
2	Ноқис	III 4	5	6	7	I 2	3	IV 5	6	VII 1	2	III 4
3	Муътадил	IV 5	6	VII 1	2	III 4	5	VI 7	1	II 3	4	V 6
5	Тўлиқ	VI 7	I 2	III 4	5	VI 7	1	II 3	4	V 6	7	I 2
5	Муътадил	VI 7	1	II 3	4	V 6	7	I 2	3	IV 5	6	VII 1

10	11	12	13	14	15	16	17	18	яхудий эраси бўйича	христиан эраси бўйича
иббур			иббур		иббур			иббур		
5 Ш 28 о	5 К 17 а	* 2 Ш 6 а	7 Х 26 о	5 К 13 а	2 Ш 2 а	* 2 Ш 22 а	7 Х 11 а	3 К 30 о	5172	1411
2 Х 29 о	7 Ш 16 а	5 К 6 а	* 2 Ш 26 о	2 Х 14 а	5 Ш 2 а	5 К 22 а	* 2 Ш 11 а	7 Х 31 о	5191	1430
* 5 Х 30 о	3 К 16 а	7 Ш 5 а	5 Ш 26 о	* 5 К 15 а	2 Х 3 а	7 Ш 21 а	5 К 11 а	* 2 Х 31 о	5210	1449
7 Х 29 о	* 5 Ш 16 а	3 К 5 а	7 Ш 25 а	7 Х 14 а	* 3 К 2 а	2 Ш 20 а	7 Ш 10 а	5 Х 31 а	5229	1468
2 Ш 28 о	2 Х 17 а	* 5 Ш 5 а	3 К 25 о	2 Ш 13 а	7 Х 3 а	* 5 К 21 а	2 Ш 9 а	7 Ш 30 о	5248	1487
5 Ш 28 о	5 К 17 а	2 Ш 6 а	* 7 Х 27 о	5 К 13 а	2 Ш 2 а	2 Х 22 а	* 5 К 10 а	2 Ш 29 о	5267	1506

Йил иббур эканини кўрсатади.

кун, яъни ўтган тўлиқ ойнинг ўттизинчи куни. Буни билиб қўйиш лозим, чунки бу яхудийларнинг [кишини] ҳайрон қолдирувчи гапларидандир. Яна тангри олимроқ ва билимдонроқдир.

Иббур йил жадвали

Тишрий бо- ши белгиси	Йил кай- фияти	Мархешвон	Кислев	Тебат	Шефат	Биринчи озор	Иккинчи озор	Найсон	Ияр	Сиван	Таммуз	Об	Ййлул
7	Тўлиқ	1 2	III 4	V 6	7	1 2	III 4	5	VI 7	1	II 3	4	V 6
7	Ноқис	1 2	3	4	5	VI 7	1 2	3	IV 5	6	VII 1	2	III 4
2	Тўлиқ	III 4	V 6	VII 1	2	III 4	V 6	7	1 2	3	IV 5	6	VII 1
2	Ноқис	III 4	5	6	7	1 2	III 4	5	VI 7	1	II 3	4	V 6
3	Муътадил	IV 5	6	VII 1	2	III 4	V 6	7	1 2	3	IV 5	6	VII 1
5	Нўлиқ	VI 7	1 2	III 4	5	VI 7	1 2	3	IV 5	6	IV 1	2	III 4
5	Тоқис	VI 7	1	2	3	IV 5	17	1	II 3	4	V 6	7	1 2

Хотиримга келишича, яҳудийларнинг шундай қилишларига сабаб шуки, улар тўлиқ ойни касрсиз йигирма тўққиз кун қилганлар, бу [бир] учрашувдан [иккинчи] учрашувга давом этган [бутун кунлардир]. Уттизинчи кун эса унда учрашув сабабли касрлар воқе бўлади⁵⁵². Яҳудийлар касрни тамом бўлган ойга қўшганлар, ниҳоят бу билан у тўла [ўттиз кун] бўлган, ноқис ойга ҳам қўшганлар, ниҳоят у ой учун иккита бошланиш вужудга келган⁵⁵³. Яҳудийларнинг [бундан] мақсадларини хуло билади.

Ой боши учун учрашув вақтини ёки яҳудийлар фикрига биноан ой ярмида [Қуёш билан Ойнинг бир-бирига] рўпара келиш вақтини аниқлаш мўлжалланса, [буни ойлarning] туғилишлари ва ўн тўртлари жадвалидан оламиз. Учрашув вақтини хоҳласак ўша ой туғилишининг қаршисидаги рақамларни; рўпара келиш вақтини истасак, ўша ой ўн тўртти қаршисидаги [рақамларни оламиз]. Йил оддий бўлса, [оддий йиллар] жадвалидан, иббур бўлса, [иббур йиллар] жадвалидан оламиз. Буни тишрий [ойи] туғилишига, яъни [Қуёш билан Ойнинг] унинг бошида учрашувига қўшамиз. Кейин касрларни имкон борича [бутунларга] кўтариб, кунларни ҳафталарга айлантирамиз ва талаб қилганимизга эришамиз.

Агар буни астрономлар раъйига биноан аниқламоқчи бўлсак, ҳалиги амалиётни учрашувлар ва [ой] тўлишлари⁵⁵⁴ жадвалига асосан бажарамиз; йил оддий бўлса, [оддий йиллар] жадвалидан, иббур бўлса, [иббур йиллар] жадвалидан [фойдаланамиз]. [Бунда] ҳам яҳудийлар фикрига қараб [рақамларни] тишрий бошидаги учрашувга қўшамиз⁵⁵⁵. Ниҳоят, аниқламоқчи бўлганимиз Қуёш билан Ойнинг учрашув ва рўпара келиш вақтларини [билишга] бориб етамиз. Жадваллар мана булардир.

Ойларнинг туғилишлари ва ўн тўртлари

172— 173— Ойларнинг туғилишлари ва ўн тўртлари	Оддий йил			Ойларнинг туғилишлари ва ўн тўртлари	Иббур йил		
	кунлар	соатлар	ҳалақлар		кунлар	соатлар	ҳалақлар
Тишрийнинг туғилиши	0	0	0	Тишрийнинг туғилиши	0	0	0
Унинг ўн тўрти	0	18	$396 \frac{1}{2}$	Унинг ўн тўрти	0	18	$396 \frac{1}{2}$
Марҳешвон туғилиши	1	12	793	Марҳешвоннинг туғилиши	1	12	793
Унинг ўн тўрти	2	7	$109 \frac{1}{2}$	Унинг ўн тўрти	2	7	$109 \frac{1}{2}$
Кислевнинг туғилиши	3	1	506	Кислевнинг туғилиши	3	1	506
Унинг ўн тўрти	3	19	$902 \frac{1}{2}$	Унинг ўн тўрти	3	19	$902 \frac{1}{2}$
Тебатнинг туғилиши	4	14	219	Тебатнинг туғилиши	4	14	219

Ойларнинг туғилишлари ва ўн тўртлари	Оддий йил			Ойларнинг туғилишлари ва ўн тўртлари	Иббур йил		
	кунлар	соатлар	ҳажақлар		кунлар	соатлар	ҳажақлар
Унинг ўн тўрти	5	8	615 $\frac{1}{2}$	Унинг ўн тўрти	5	8	615 $\frac{1}{2}$
Шафатнинг туғилиши	6	2	1012	Шафатнинг туғилиши	6	2	1012
Унинг ўн тўрти	6	21	328 $\frac{1}{2}$	Унинг ўн тўрти	6	21	328 $\frac{1}{2}$
Озарнинг туғилиши	0	15	725	Биринчи озарнинг туғилиши	0	15	725
Унинг ўн тўрти	1	10	41 $\frac{1}{2}$	Унинг ўн тўрти	1	10	41 $\frac{1}{2}$
				Иккинчи озарнинг туғилиши	2	4	438
				Унинг ўн тўрти	2	22	834 $\frac{1}{2}$
Найсаннынг туғилиши	2	4	438	Найсаннынг туғилиши	3	17	151
Унинг ўн тўрти	2	22	834 $\frac{1}{2}$	Унинг ўн тўрти	4	11	547 $\frac{1}{2}$
Иярнинг туғилиши	3	17	151	Иярнинг туғилиши	5	5	944
Унинг ўн тўрти	4	11	547 $\frac{1}{2}$	Унинг ўн тўрти	6	0	260 $\frac{1}{2}$
Сиваннынг туғилиши	5	5	944	Сиваннынг туғилиши	6	18	657
Унинг ўн тўрти	6	0	260 $\frac{1}{2}$	Унинг ўн тўрти	0	12	1053 $\frac{1}{2}$
Таммузнинг туғилиши	6	18	657	Таммузнинг туғилиши	1	7	370
Унинг ўн тўрти	0	12	1053 $\frac{1}{2}$	Унинг ўн тўрти	2	1	766 $\frac{1}{2}$
Обнинг туғилиши	1	7	370	Обнинг туғилиши	2	20	83
Унинг ўн тўрти	2	1	766 $\frac{1}{2}$	Унинг ўн тўрти	3	14	479 $\frac{1}{2}$
Айлулнинг туғилиши	2	20	83	Айлулнинг туғилиши	4	8	876
Унинг ўн тўрти	3	14	479 $\frac{1}{2}$	Унинг ўн тўрти	5	3	192 $\frac{1}{2}$

Учрашув ва тўлишлар жадвали

Ойларнинг учрашувлари ва тўлишлари	Оддий йиллар						Ойларнинг учрашувлари ва тўлишлари	Иббур йили					
	кунлар	соатлар	минутлар	секундлар	солисalar	робиналар		кунлар	соатлар	минутлар	секундлар	солисalar	робиналар
Тишрийнинг учрашуви	0	0	0	0	0	0	Тишрийнинг учрашуви	0	0	0	0	0	0
Унинг тўлиши	0	18	22	1	8	40	Унинг тўлиши	0	18	22	1	8	40
Марҳешвоннинг учрашуви	1	12	44	2	17	21	Марҳешвоннинг учрашуви	1	12	44	2	17	21
Унинг тўлиши	2	7	6	3	26	1	Унинг тўлиши	2	7	6	3	26	1
Кислевнинг учрашуви	3	1	28	4	34	42	Кислевнинг учрашуви	3	1	28	4	34	42
Унинг тўлиши	3	19	50	5	43	23	Унинг тўлиши	3	19	50	5	43	23
Тебатнинг учрашуви	4	14	12	6	52	3	Тебатнинг учрашуви	4	14	12	6	52	3
Унинг тўлиши	5	8	34	8	0	44	Унинг тўлиши	5	8	34	8	0	44
Шафатнинг учрашуви	6	2	56	9	9	24	Шафатнинг учрашуви	6	2	56	9	9	24
Унинг тўлиши	6	21	18	10	18	5	Унинг тўлиши	6	21	18	10	18	5
Озарнинг учрашуви	0	15	40	11	26	46	Биринчи озарнинг учрашуви	0	15	40	11	26	46
Унинг тўлиши	1	10	2	12	35	26	Унинг тўлиши	1	10	2	12	35	26
							Иккинчи озар учрашуви	2	4	24	13	44	7
							Унинг тўлиши	2	22	46	14	52	47
Найсаннынг учрашуви	2	4	24	13	44	7	Найсаннынг учрашуви	3	17	8	16	1	28
Унинг тўлиши	2	22	46	14	52	47	Унинг тўлиши	4	11	30	17	10	9
Иярнинг учрашуви	3	17	8	16	1	28	Иярнинг учрашуви	5	5	52	18	18	49
Унинг тўлиши	4	11	30	17	10	9	Унинг тўлиши	6	0	14	19	27	30
Сиван учрашуви	5	5	52	18	18	49	Сиван учрашуви	6	18	36	20	36	10
Унинг тўлиши	6	0	14	19	27	30	Унинг тўлиши	0	12	58	21	44	51
Таммуз учрашуви	6	18	36	20	36	10	Таммуз учрашуви	1	7	20	22	53	32
Унинг тўлиши	0	12	58	21	44	51	Унинг тўлиши	2	1	42	24	2	12
Обнинг учрашуви	1	7	20	22	53	32	Обнинг учрашуви	2	20	4	25	10	53
Унинг тўлиши	2	1	42	24	2	12	Унинг тўлиши	3	14	26	26	19	33
Айлул учрашуви	2	20	4	25	10	53	Айлул учрашуви	4	8	48	27	28	14
Унинг тўлиши	3	14	26	26	19	33	Унинг тўлиши	5	3	10	28	36	55

Яҳудий йилларини билишдан иборат бўлган мақсадимизга шундай қилиб [ҳам] эришилади: икки тарафи орасида пасха байрами айланиб юрадиган чегарада воқе бўлувчи баҳорги кеча-кундуз баробарлигидан кейинги [Қуёш ва Ой] рўпаралигини ҳисоблаймиз. Қуёшнинг кеча-кундуз баробарлигидаги тулуи билан эртаси [кундаги] тулуи орасида қайси кун тўғри келганига қараймиз. Агар у кун яҳудийлар пасхага ижозат берадиган кунлардан бўлса, бу ўша [исталган] кун; агар пасхага ижозат бермайдиган кунлардан бўлса — булар уч қуйи ёритқичга⁵⁵⁶ тегишли кунлардир — пасхани иккинчи кунга қолдирамыз. Пасхани кейинга қолдириш яҳудийлар тилида «даҳий» дейилади.

Шундай амалиёт олдинга сурилган пасха [вақтини] билиш учун ҳам ишлатилади. Унинг белгисида икки кун орттирилади, шунда тишрий боши икки пасха ўртасига тўғри келади.

Кейин икки пасха орасидаги кунлар ҳисобланади; агар улар қуёш йили кунларидан кўп бўлса, ичида охириги пасха келадиган йил иббур бўлади, агар камроқ бўлса — иббур бўлмайди.

Шу усул билан йилнинг биринчи кайфиятини билиш мумкин, лекин қолганларини эмас. Чунки пасха яҳудийларча олдинга сурилиши лозим бўлгани ҳолда гоҳ кейинга қўйилади ёки уларча кейинга қолдирилиши керак бўлгани ҳолда, гоҳ олдинга ўтказилади. Шунинг учун йилнинг ҳоли ноқисми, мўътадилми ёки тўлиқ эканини аниқ ажратиб бўлмайди. Балки кўпинча, [Қуёш ва Ой] рўпаралиги пасха айланиб юрадиган чегара икки тарафининг бирига яқин воқе бўлиб, иккала ёритқич икки вазиятининг ҳар бири кўринишида ўртача вазиятга муҳолиф бўлади; у икки вазият барча умумий тузатишлар миқдориди гоҳ олдин, гоҳ кейин бўлиб алмашинади. [Натижада] бундай рўпаралик фойдаланишга ярамайди ва ундан олдинги ёки кейинги [рўпаралик] олинади. Шунинг учун яҳудийлар ҳисоби билан бу амалиёт ўртасида қарама-қаршилик юз беради, ҳатто шундай бўладики, маълум бир йил яҳудийларча иббур бўлса, бу ҳисоб унинг оддий эканини айтади ёки аксинча бўлади.

Шунингдек, яҳудийлар билан христианлар орасида [ҳам] иббур йил хусусида ихтилоф бор, худо хоҳласа, буни уларнинг рўзалари бобида баён этамыз.

Улар ораларида ихтилоф воқе бўлиб, бизнинг ҳукмимизга рози бўлсалар, уларнинг ҳар иккиси пасхаларидаги Қуёш ва Ой рўпаралигига қараймиз. Шунда Ой Сунбула ўрталарида ёки Ақраб ўрталарида воқе бўладиган ёки Қуёш Ҳамал буржидан чиқадиган рўпаралик иккала [миллат] таълимотича номақбул, бунинг қаршиси эса мақбулдир. Агар айтиб ўтилган шартлар эсда сақланса, бу икки нарсанинг қайси-си тўғри экани ҳақиқатни изловчига яширин қолмайди.

Яҳудийларнинг бошқа даврлари ҳам бор. Улардан бири юбил даври бўлиб, бу — эллик йил, яна бири собу⁵⁵⁷ даври, бу — етти йилдир. Бу даврларнинг аввалги йиллари «қайтиш йиллари» деб аталади, чунки олий тангри «етти йиллик даври» ҳақида Тавротнинг учинчи сифрида бундай деган: «Агар канъон заминига кирсангиз, олти йил экин экин, ўриб олинг ва тоқларингиз узумларини кесиб олинг, еттинчи йили экин экманг ва узумларингизни кесиб олманг, уларни қулларингиз, чўриларингиз, ўзингиз билан бирга турувчиларга, ҳайвонлар ва паррандаларга қолдилинг» || Яна иккинчи сифрида ўша сўзни қайтариб [бундай] 177

деган: «Олти йил ерингга экин экиб, ғалласини тўпла; еттинчи йили бундай қилма, у йил ғаллангни камбағалларга ва ҳайвонларга қолдир».

Шунингдек, яҳудийлар динида ва шариатида ҳожатманд киши ўз боласини бойларга жинсий алоқа учун эмас, хизмат қилиш учун ижарага сотиши мумкин. Чунки [жинсий алоқа] фақат маҳр ва никоҳ билан мумкин бўлади. Кейин [бола] хожасига бир сабу давр хизмат қилиб, сўнгра озод бўлади, агар [буни] истамаса, қолаверади. Чунончи, пок тангри Тавротнинг учинчи сифрида бундай деган: «Бирортангиз еттинчи йили унинг мулкидан чиқиб, озод бўлади, ўзи ва агар хотини бўлса, у ҳам хоҳлаган жойига кета олади. Агар қул: «Мен хўжамни севаман ва унинг қўли остидан чиқмайман» деса, хўжаси уни эшиги остонасига яқин келтириб, бигиз билан иккала қулоғини тешсин ва уни ўзи рози бўлган муддатгача қул қилиб турсин».

Юбил даврига келганда, яҳудийлар тангрининг [таврот] учинчи сифридаги фармони сабабли, у даврни ишлатишга муҳтож бўладилар, у шундай деган: «Етти марта етти, яъни қирқ тўққиз йил ерга экин экингиз. Сўнгра эллагинчи йил учун барча ерингизни карнай билан пуфлаб тозаланг. Экин экманг ва ҳосил олманг, эллагинчи йилда қайтиш бўлади. Ер абадий қилиб сотилмайди, чунки ер меники, сиз мен билан бирга унда яшовчилар ва менинг меҳмонларимсиз. Сотилган [нарсаларнинг] байлари эллагинчи йилда бузилади. Бай [ўша] йиллар, яъни Юбил давридан қолган [йиллари] миқдорига қараб бўлсин».

Яна худойи таоло шу сифрида: «Агар биродаринг фақир бўлса ва сен уни сотиб олсанг, уни қуллардек ишлатма, лекин у то қайтиш йилигача хизматчи ва меҳмондек бўлиб турсин»,— деган.

Қонунлаштирилган ана шу аҳвол сабабли даврнинг қолган йили миқдорига қараб байлар кам ва ортиқ баҳода бўлиши ва булардан бошқа диний қонуларни [бажариш] учун яҳудийлар бу икки даврни [ишлатишга] муҳтож бўлганлар. [Масалан], агар қул озод бўлишни истамай, Юбил даври тамом бўлгунича қулликда қолса, бундан кейин уни тутиб туриш дуруст бўлмайди.

У икки даврдан ҳар бирининг йиллари нечанчи эканини билмоқчи бўлган киши [Одам] эраси йилларини ўтиб бораётган йил билан қўшиб олсин, ундан бир минг ўнни камайтирсин ёки унга етти юз қирқни кўпайтирсин, ҳосилни уч юз элликка тақсим қилиб, тақсимдан чиққанларни ташласин ва қолдиқни ҳукмлар жадвалидаги ададлар поғонасига киргизсин. Шунда унинг рўпарасида икки даврдан ҳар бирининг нечанчи йили турганини билади. Ҳукмлар жадвали мана бу.

3	3	28	28	53	3	4	78	28	103	3	128	28	2	153	6
4	3	29	29	54	4	5	79	29	104	4	129	29	3	154	7
4	4	29	30	55	5	6	80	30	105	5	130	30	4	155	1
5	5	30	31	55	6	7	81	31	106	6	131	31	5	156	2
6	6	31	32	56	7	8	82	32	107	7	132	32	6	157	3
7	7	32	33	57	8	9	83	33	108	8	133	33	7	158	4
8	8	33	34	58	9	10	84	34	109	9	134	34	8	159	5
9	9	34	35	59	10	11	85	35	110	10	135	35	9	160	6
10	10	35	36	60	11	12	86	36	111	11	136	36	10	161	7
11	11	36	37	61	12	13	87	37	112	12	137	37	11	162	1
12	12	37	38	62	13	14	88	38	113	13	138	38	12	163	2
13	13	38	39	63	14	15	89	39	114	14	139	39	13	164	3
14	14	39	40	64	15	16	90	40	115	15	140	40	14	165	4
15	15	40	41	65	16	17	91	41	116	16	141	41	15	166	5
16	16	41	42	66	17	18	92	42	117	17	142	42	16	167	6
17	17	42	43	67	18	19	93	43	118	18	143	43	17	168	1
18	18	43	44	68	19	20	94	44	119	19	144	44	18	169	1
19	19	44	45	69	20	21	95	45	120	20	145	45	19	170	2
20	20	45	46	70	21	22	96	46	121	21	146	46	20	171	3
21	21	46	47	71	22	23	97	47	122	22	147	47	21	172	4
22	22	47	48	72	23	24	98	48	123	23	148	48	22	173	5
23	23	48	49	73	24	25	99	49	124	24	149	49	23	174	6
24	24	49	50	74	25	26	100	50	125	25	150	50	24	175	7
25	25	50	1	75	26	27	100	50	125	25	150	50	25	175	7
176	26	1	2	226	26	27	277	27	276	26	301	1	27	326	4
177	27	2	3	227	27	28	277	27	277	27	302	2	28	327	5
178	28	3	4	228	28	29	278	28	278	28	303	3	29	328	6
179	29	4	5	229	29	30	279	29	279	29	304	4	30	329	7
180	30	5	6	230	30	31	280	30	280	30	305	5	31	330	1
181	31	6	7	231	31	32	281	31	281	31	306	6	32	331	2
182	32	7	8	232	32	33	282	32	282	32	307	7	33	332	3
183	33	8	9	233	33	34	283	33	283	33	308	8	34	333	4
184	34	9	10	234	34	35	284	34	284	34	309	9	35	334	5
185	35	10	11	235	35	36	285	35	285	35	310	10	36	335	6
186	36	11	12	236	36	37	286	36	286	36	311	11	37	336	7
187	37	12	13	237	37	38	287	37	287	37	312	12	38	337	1
188	38	13	14	238	38	39	288	38	288	38	313	13	39	338	2
189	39	14	15	239	39	40	289	39	289	39	314	14	40	339	3
190	40	15	16	240	40	41	290	40	290	40	315	15	41	340	4
191	41	16	17	241	41	16	291	41	291	41	316	16	42	341	5

Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр	Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр	Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр	Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр	Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр	Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр	Сонлар	Юбил даври	Етти йиллик давр
192	42	3	217	17	7	242	42	4	267	17	1	292	42	5	317	17	2	342	42	6
193	43	4	218	18	1	243	43	5	268	18	2	293	43	6	318	18	3	343	43	7
194	44	5	219	19	2	244	44	6	269	19	3	294	44	7	319	19	4	344	44	1
195	45	6	220	20	3	245	45	7	270	20	4	295	45	1	320	20	5	345	45	2
196	46	7	221	21	4	246	46	1	271	21	5	296	46	2	321	21	6	346	46	3
197	47	1	222	22	5	247	47	2	272	22	6	297	47	3	322	22	7	347	47	4
198	48	2	223	23	6	248	48	3	273	23	7	298	48	4	323	23	1	348	48	5
199	49	3	224	24	7	249	49	4	274	24	1	299	49	5	324	24	2	349	49	6
200	50	4	225	25	1	250	50	5	275	25	2	300	50	6	325	25	3	350	50	7

182 Яҳудийларнинг биз айтиб ўтгандан бошқа даврлари ҳам бор. Уларни «тақуфот» деб атайдилар. Яҳудийларча, йил чоракларидан ҳар бир чоракнинг боши тақуфадир. Демак, найсан тақуфаси — баҳорги кеча-кундуз баробарлиги, таммуз тақуфаси — ёзги Қуёш туриши, тишрий тақуфаси — кузги кеча-кундуз баробарлиги, тебат тақуфаси қишки Қуёш туришидир.

Яҳудийларча, бир тақуфадан ундан кейинги тақуфагача Қуёш йили кунларининг баробар тўртдан бири бўлиб, бу тўқсон бир кун ва етти ярим соатдир. Улар тақуфаларни аниқлашдаги ҳисобларини шунга асослаганлар.

Яҳудий қоҳинлари оддий халқни тақуфа соатида овқатланишдан тийиб, буни баданга зарарли деганлар. Бу [халқни] илинтиришга қўйган тузоқ ва қопқондан бошқа нарса эмас. Ниҳоят улар бу [восита] билан халқни овлаб, ўзларига бўйсундирдилар, ҳатто [оддий халқ] уларнинг раъйсиз бир иш бошламайдиган ва ўзлари учун муҳим бўлган нарсага уларнинг рухсатсиз ҳаракат қилмайдиган бўлди⁵⁵⁸. Гўё [худо] халқнинг рабби эмас, шулар худо бўлиб олдилар. Худо улардан ҳисоб олувчидир.

Улар «Ойларнинг туғилиш соатларида сув булғанади» дейдилар. Илму маърифатга мансуб бир [яҳудий] менга буни ўз кўзи билан кўрганини айтди. Агар у рост айтган бўлса, бунга яҳудийлар ҳисоблари эмас, албатта [астрономик] кузатишлар олиб келган бўлади⁵⁵⁹. Бу инкор этилмайди, чунки у мумкин [нарса]. Табиат олимларининг айтишича, Ойда нур кўпайиши сабабли умуртқа мағзи, мия мағзи, оқсил мода ва аксар суюқликлар кўпаяди, нур камайиши сабабли эса [улар] камаяди, хум ва идишлардаги шароб қайнаб қуйқуми билан лойқаланлади. Ойда нур кўпайганда қон баданнинг сиртига чиқса, камайганда ичкарасига ботади. «Ой тоши» даги хусусият буларнинг ҳаммасидан ажойиброқдир. Арасту айтгандек, у устида сариқ нуқта бор бир тош бўлиб, Ой нури кўпайган сари у [нуқта] ҳам кўпайиб боради, ҳатто Ой тўлганда бутун тошга ёйилади. Кейин нур камайиши билан у ҳам камая бошлайди. Буларни ҳикоя қилган киши [Арасту] сўзи

ишончли ва ҳикояларида тухматга учрамаган одамдир. [Табиаат олимлари] айтган аҳволнинг бўлиши имкониятдан ташқари эмас.

Тақуфалар ораларидаги муддатларга келганда, яҳудий ҳисобдонларининг айтишича, у муддатлар Батлимулс айтгандекдир, яъни тишрий тақуфасидан тебат тақуфасигача саксон саккиз бутун ва саккиздан бир кун, ундан найсан тақуфасигача — тўқсон бутун ва саккиздан бир кун, бундан таммуз тақуфасигача — тўқсон тўрт ярим кун, бундан тишрий тақуфасигача тўқсон икки ярим кун бўлиб, ҳаммаси уч юз олтмиш беш бутун ва чорак кундир.

Яҳудийлар тақуфалар билан ишлаган [вақтларида] йил миқдорига диққат қилмайдилар. Диққат қилганларида, биз юқорида айтгандек, қуёш йили уч юз олтмиш беш кун беш соат ва соатнинг тўрт минг бир юз тўрт бўлагидан уч минг етти юз тўқсон бир бўлаги бўлар эди. ||

183

|| Йил чораклари [бошининг] кунлари қачон маълум бўлса, Қуёш фалаки авжининг жойи ҳам маълум бўлади. Яҳудийлар турли кузатиш ўтказган вақтдаги авжни билмоқчи бўлсак, Қуёшнинг бир кунда ўртача ҳаракати қанча эканини аниқлашимиз керак. Кеча-кундуз бўлакларини, яъни 98496 ни — яҳудийлар бунини «қуёш даври» деб атайдилар — уч юз олтмишга кўпайтирамиз ва ҳосилни қуёш йилининг «тажнис» дан⁵⁶⁰ кейинги миқдорга тақсим қиламиз, бу [миқдор] 35975351 бўлиб, яҳудийлар бунини «асл» деб атайдилар. Натижада яҳудийлар айтгандек, Қуёшнинг бир кеча-кундуздаги ўртача ҳаракати $0^{\circ} 59' 8'' 17''' 7'''' 46''''''$ га яқин бўлиб чиқади. Бунга сабаб шуки, бир куннинг Қуёш йили кунларига нисбати, фалак даражаларидан ўша кун ҳиссасининг бутун [фалак] даврасига нисбати кабидир.

Кейин буржлар фалакида тасвир этилувчи Қуёш фалаки учун⁵⁶¹ *h* маркази айланасига *abcd* доирасини чизамиз. *a* нуқтаси — Ҳамал боши, *b* — Саратон боши, *c* — Мизон боши, *d* — Жадий боши бўлади ва иккита *ahc* ҳамда *bhd* диаметрини ўтказамиз. Юқорида яҳудийлар сўзини келтирганимизда қуёш *av* чораги [доирасини] бошқа чоракларни кесиб ўтишидан кўпроқ муддатда кесиб ўтиши маълум бўлади. Бундан сиртқи марказли фалакнинг маркази шу чоракда [келиши] лозим бўлади. У марказ *x* нуқтаси бўлсин. Бу нуқта айланасига кўрсатилган фалакка текизиб, сиртқи марказли фалакка ўхшасин деб бир доира чизамиз. Бу *zfn* доираси бўлиб, тегиб турган ер *l* нуқтаси бўлади.

tx [чизигини] туташтириб, *rxmk* диаметрини *ahc* диаметрига рўпара қиламиз ва *lx* ярим диаметрини *bhd* диаметрига рўпара қилиб, *x* нуқтаси устидан ўтказамиз ва *s* [нуқтасигача] тўғрилаб, чизиб борамиз.

Қуёш ўзининг ўртача ҳаракати билан баҳор ва ёз чоракларининг мажмуи бўлмиш *avs* ярим доирасини бир юз саксон етти кунда кесиб чиқиши сабабли сиртқи марказли фалакнинг *zfn* қитъаси $184^{\circ} 18' 52'' 43''' 12''''$ га тенг бўлади. Агар бундан *rtfk* ярим доираси, яъни бир юз саксон даражани камайтирсак, *zr* ва *kN* нинг мажмуи $4^{\circ} 18' 52'' 43''' 12''''$ қолади. Лекин иккала диаметр бир-бирига параллел бўлганидан у иккиси [*zr* ва *kN*] бир-бирига тенгдир. Шунинг учун *rz* ва *kN* нинг ҳар бири $2^{\circ} 9' 26'' 21''' 36''''$ га тенг ва ҳар бирининг синуси бўлмиш *xs* чизиги *lx* га ярим диаметр бўладиган миқдор билан бир даража бўлиб, $0^{\circ} 2' 15'' 30''' 57''''$ га тенг бўлади. Қуёш *ab* чорагини тўқсон тўрт

ярим кунда босиб ўтганидан сиртқи марказли фалакнинг *rtf* қитъаси $93^{\circ} 8^I 34^{II} 38^{III} 44^{VI}$ га тенг бўлади.

Билиб ўтилган *zr* [қитъаси] ва доира чораги бўлмиш *rl* нинг мажмуидан иборат *zl* ни *zf* дан камайтирсак *lf*, яъни $59^{\circ} 8^I 17^{II} 8^{III}$ қолади.


184 *lf* нинг синуси у миқдор билан биргаликда $0^{\circ} 1^I 1^{II}$, $55^{III} 35^{IV}$ га тенг. Бу *sh* га тенг *xt* чизигидир. Тўғри бурчакли *xsh* учбурчагида *xs* ва *sh* нинг икки томони маълум // ва узун томони номаълум. Энди *xs* ва *sh* икки томонининг ҳар бирини ўз баробарига кўпайтириб, иккаласининг квадратини жам қилсак, 287, 704, 466, 674 сомина ⁵⁶² бўлади. Бунинг туб илдизини олсак, $0^{\circ} 2^I 28^{II} 59^{III} 40^{IV}$ бўлади. Бу иккала марказ орасининг «энг катта тенглаштириш» синусга тенг узоқлигидир. Агар уни синуслар жадвалларида қавсга айлантирсак, қавси $2^{\circ} 22^I 19^{II} 12^{III} 16^{IV}$ чиқади. Бу «таъдили аъзам» бир даражадир.

Бунга далил шуки: *hx* нинг ярми, *xt* ҳажмини бир даража деб олинса, *xt* га тегишли бўлади. Агар биз *hxt* чизиги бир даража бўлган ҳажм орқали *xh* чизигини билмоқчи бўлсак *xh* ни бир даражага кўпайтириб, ҳосилини *xh* ва бир даража мажмуига тақсим этамиз. Натижада *xh* [ҳажми] чиқади, бунда *th* ҳажми бир даража бўлади.

Бунга далил шуки, *hx* нинг *ht* бир даража бўладиган ҳажм орқали *xt* га нисбати *hx* нинг *xt* бир даражада бўладиган ҳажм орқали *hx* [плюс] бир даража, яъни *xt* нисбати кабидир. Демак, шу билан иккала марказ ора узоқлигининг тасвир этилган сиртқи марказлари фалакиннинг иккала диаметридан ҳар бирига нисбати маълум бўлади.

Кейин *ahc* диаметри устига *tu* чизигини тенг қилиб чизсак, иккита бири-бирига ўхшаш ва томонлари мутаносиб *luh* ва *xsh* учбурчаги ҳосил бўлади.

Геометрия фанини ўқиган кишига маълумки, учбурчакда бир томоннинг иккинчи томонга нисбати бир томон рўпарасидаги бурчак синусининг қарама-қарши бурчак синусига нисбати каби бўлади. Шунинг учун [бизга] маълум *hx* нинг маълум *xs* га нисбати *xsh* тўғри бурчаги синусига нисбати кабидир; бу умумий синус *ht* нинг *shx* бурчаги синусидир, яъни талаб қилинган *tu* чизигидир. Буни мажҳул сонни бири-бирига мутаносиб тўрт сондан аниқлагандек аниқлаймиз. Натижада $0^{\circ} 54^I 34^{II} 19^{III} 48^{IV} 30^V$ ва қавси $65^{\circ} 26^I 29^{II} 32^{III}$, яъни *at* [чизиги] чиқади. Бу [қавс] авж билан кеча-кундузнинг баҳорги баробарлиги орасидаги масофа бўлиб, биз баён қилмоқчи бўлган нарса шудир. Доира шакли мана бу.



Қадимгиларнинг авжни ҳисоблашдаги усули мана шундай. Аммо ҳозирги [астрономлар] Қуёш туришининг иккала вақтини аниқлаш жуда қийин ва бунинг имкони деярли йўқлигини билгач, *abcd* доирасидаги нуқталарни аниқлашда чораклар ўрталарини, яъни „турғун“ буржларнинг⁵⁶³ нисфларини танладилар. Устозим Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқнинг⁵⁶⁴ — амиралмўъминининг озод қули — юқорида айтилган ҳисобларни чиқаришда тутган йўли Қуёш йили миқдорини белгилаб олгандан кейин || буржлар фалакидан уч нуқтани кузатишга эҳтиёж туғдиради. Мен „Кузатишларнинг турлича бўлишига далил келтириш китоби“⁵⁶⁵ номли асаримда шу йўлнинг ҳозирги [астрономлар] келтирганидан, буларники [эса] қадимгиларникидан афзал бўлганидек, афзал эканини исбот этдим. Китоб низомидан ташқари нарсаларга киришувим уни ўқувчининг илму фан боғларида томоша қилиши, хотирига малол келмаслиги ва кўзи чарчамаслиги учундир. Бу узрни ўқувчи қабул этар деб умид қиламан.

Энди [мақсадга] қайтиб сўзлаймиз: яҳудийлар йил чораклари, яъни тақуфаларни аниқламоқчи бўлсалар, Одам [эраси] йилларини жорий [йил] билан қўшиб олиб, уни Қуёш йили даврларига айлантирадилар. Қолган ҳар бир йил учун ўттиз соат, яъни бир куну чорак олиб, мажмуани еттидан камроқ кун қолгунича ҳафталарга айлантирадилар. Кунларни ё чоршанба кечасининг бошидан ҳисоблайдилар, ёки у [кечага] уч кун қўшадилар ва йиғиндини якшанба кечасининг бошидан ҳисоблаб, найсан тақуфасигача етиб борадилар. Бу жорий йилда келадиган баҳорги кеча-кундуз баробарлигидир.

Биз юқорида тақуфалар ораларидаги узоқликларнинг иккала хилини: оддий кишилар раъйича бўлганини ҳам, ҳисобдонлар ўйлаганича бўлганини ҳам баён этдик. Тақуфаларнинг биттаси маълум бўлса, бошқалари ҳам аён бўлади.

Яҳудийлар ҳафта кунларини чоршанба кечасининг бошидан ҳисоблашларига сабаб шуки, баъзилари Қуёш чоршанба кунини йигирма ет-

тинчи айлулда яратилган, тишрий тақуфаси тишрий [ойининг] бешинчиси чоршанба куну учинчи соат охирига тўғри келади деб гумон қилдилар. Юқорида айтиб ўтганимиздек, яҳудийларнинг синчикланмаган ҳисобларида, Қуёш баҳор ва ёзнинг иккала чорагини бир юз саксон икки куну ўн беш соатда босиб ўтади. Бу кунларни ҳафталарга айлантирсак, кунлар тугаб ўн беш соат қолади. Сўнгра тишрий тақуфаси вақтидан орқага қайтиб, бу соатларни санасак, чоршанба кечаси биринчи соатининг бошига борамиз, айтиб ўтилган ҳисоб шундан бошланади.

Баъзиларининг гумонича, Қуёш Ҳамал бошида тақуфалар ҳисоби бошланадиган вақтда яратилган ва яратилгандан кейин найсан туғилишининг тўққиз соату олти юз қирқ иккинчи ҳалақиди Ой билан учрашган. Қуёш йили, агар унинг миқдори синчиклаб ҳисобланмаганда, уч юз олти беш куну чорақдир. Энди шу кунларни ҳафталарга айлантирсак, бир куну чорақ қолади. Бу ҳар бир тақуфанинг олдинги йилдаги ўзига ўхшаш тақуфага ортиқчалигидир. Шунинг учун қолган йилларнинг ҳар бирида у ортиқчаликни ҳисобга оламиз.

Агар [тақуфалар ҳисоби] Қуёш даврида бирон кун ёки кеча аввалида бошланса, ўша давр тамом бўлганда ҳисоб худди бошланган вақтига қайтади.

Биз Қуёш даври тақуфаларини шу ҳисобга мувофиқ ҳисобладик⁵⁶⁶. Одам [эраси] йилларини жорий йил билан қўшиб олиб, уларни Қуёш даврларига айлантирган || ва қолганини унга мувофиқ [сонни] топиб, давр поғонасига киргизган киши, шу [қолдиқ] рўпарасида найсан тақуфасининг жорий йилда яқшанба кечасининг аввалидан қанча узоқлигини, ундан кейин келувчи уч тақуфани ва ичида тақуфа учратиладиган «соат эгаси» [бўлган ёритқични]⁵⁶⁷ кўради, чунки яҳудийлар «соат эгаси»ни тақуфани [аниқлаш] вақтида эслайдилар ва [бундай] ёритқичларни «соатлар толелари» деб атайдилар. Шунда, агар соатлар ўн иккидан кам бўлса, улар кечасиники, кўп бўлса кундузники бўлади. Бундан ўн икки соат камайтирилса, қолгани ўша кундуздан [қанча соат] 87 ўтганини кўрсатади. ||

Тақуфалар жадваллари:

Қуёш даври поғонаси	Тўрт тақуфа ойлари	Тақуфаларнинг яқшанба кечасининг бошидан узоқлиги			Тақуфалар учратиладиган «соатлар эгалари»
		кунлар	соатлар	ҳалақлар	
Биринчи [йил]	Найсан	4	18	0	Шаббатай
	Таммуз	5	1	540	Шаббатай
	Тишрий	5	9	0	Сидиқ
	Тебат	5	16	540	Сидиқ
Иккинчи [йил]	Найсан	6	0	0	Мозим
	Таммуз	6	7	540	Мозим
	Тишрий	6	15	0	Ҳамму
	Тебат	6	22	540	Ҳамму
Учинчи [йил]	Найсан	0	6	0	Нуғаҳ
	Таммуз	0	13	540	Нуғаҳ

Қуёш даври поғонаси	Тўрт тақуфа ойлари	Тақуфаларнинг якшанба кечасининг бошидан узоқлиги			Тақуфалар учратиладиган „соатлар эгалари“
		кунлар	соатлар	ҳалақлар	
	Тишрий	0	21	0	Киху ҳамму
	Тебат	1	4	540	Киху ҳамму
Тўртинчи [йил]	Найсан	1	12	0	Лифона
	Таммуз	1	19	540	Лифона
	Тишрий	2	3	0	Шаббатай
	Тебат	2	10	540	Шаббатай
Бешинчи [йил]	Найсан	2	18	0	Сидиқ
	Таммуз	3	1	540	Сидиқ
	Тишрий	3	9	0	Мозим
	Тебат	3	16	540	Мозим
Олтинчи [йил]	Найсан	4	0	0	Ҳамму
	Таммуз	4	7	540	Ҳамму
	Тишрий	4	15	0	Нуғаҳ
	Тебат	4	22	540	Нуғаҳ
Еттинчи [йил]	Найсан	5	6	0	Киху ҳамму
	Таммуз	5	13	540	Киху ҳамму
	Тишрий	5	21	0	Лифона
	Тебат	6	4	540	Лифона
Саккизинчи [йил]	Найсан	6	12	0	Шаббатай
	Таммуз	6	19	540	Шаббатай
	Тишрий	0	3	0	Сидиқ
	Тебат	0	10	540	Сидиқ
Тўққизинчи [йил]	Найсан	0	18	0	Мозим
	Таммуз	1	1	540	Мозим
	Тишрий	1	9	0	Ҳамму
	Тебат	1	16	540	Ҳамму
Ўнинчи [йил]	Найсан	2	0	0	Нуғаҳ
	Таммуз	2	7	540	Нуғаҳ
	Тишрий	2	15	0	Киху ҳамму
	Тебат	2	22	540	Киху ҳамму
Ўн биринчи [йил]	Найсан	3	6	0	Лифона
	Таммуз	3	13	540	Лифона
	Тишрий	3	21	0	Шаббатай
	Тебат	4	4	540	Шаббатай
Ўн иккинчи [йил]	Найсан	4	12	0	Сидиқ
	Таммуз	4	19	540	Сидиқ
	Тишрий	5	3	0	Мозим
	Тебат	5	10	540	Мозим

Қуёш даври поғонаси	Тўрт тақуфа ойлари	Тақуфаларнинг якшанба кечасининг бошидан узоқлиги			Тақуфалар учратиладиган „соатлар эгалари“
		кунлар	соатлар	ҳалақлар	
Ўн учинчи [йил]	Найсан	5	18	0	Ҳамму
	Таммуз	6	1	540	Ҳамму
	Тишрий	6	9	0	Нуғаҳ
	Тебат	6	16	540	Нуғаҳ
Ўн тўртинчи [йил]	Найсан	0	0	0	Киху ҳамму
	Таммуз	0	7	540	Киху ҳамму
	Тишрий	0	15	0	Лифона
	Тебат	0	22	540	Лифона
Ўн бешинчи [йил]	Найсан	1	6	0	Шаббатай
	Таммуз	1	13	540	Шаббатай
	Тишрий	1	21	0	Сидиқ
	Тебат	2	4	540	Сидиқ
Ўн олтинчи [йил]	Найсан	2	12	0	Мозим
	Таммуз	2	19	540	Мозим
	Тишрий	3	3	0	Ҳамму
	Тебат	3	10	540	Ҳамму
Ўн еттинчи [йил]	Найсан	3	18	0	Нуғаҳ
	Таммуз	4	1	540	Нуғаҳ
	Тишрий	4	9	0	Киху ҳамму
	Тебат	4	16	540	Киху ҳамму
Ўн саккизинчи [йил]	Найсан	5	0	0	Лифона
	Таммуз	5	7	540	Лифона
	Тишрий	5	15	0	Шаббатай
	Тебат	5	22	540	Шаббатай
190 Ўн тўққизинчи [йил]	Найсан	6	6	0	Сидиқ
	Таммуз	6	13	540	Сидиқ
	Тишрий	6	21	0	Мозим
	Тебат	0	4	540	Мозим
Йигирманчи [йил]	Найсан	0	12	0	Ҳамму
	Таммуз	0	19	540	Ҳамму
	Тишрий	1	3	0	Нуғаҳ
	Тебат	1	10	540	Нуғаҳ
Йигирма биринчи [йил]	Найсан	1	18	0	Киху ҳамму
	Таммуз	2	1	540	Киху ҳамму
	Тишрий	2	9	0	Лифона
	Тебат	2	16	540	Лифона
Йигирма иккинчи [йил]	Найсан	3	0	0	Шаббатай
	Таммуз	3	7	540	Шаббатай
	Тишрий	3	15	0	Сидиқ
	Тебат	3	22	540	Сидиқ

Қуёш даври поғонаси	Тўрт тақуфа ойлари	Тақуфаларнинг якшанба кечасининг бошидан узоқлиги			Тақуфалар учратиладиган „соатлар эгалари“
		кунлар	соатлар	ҳалақлар	
Йигирма учинчи [йил]	Найсан	4	6	0	Мозим
	Таммуз	4	13	540	Мозим
	Тишрий	4	21	0	Ҳамму
	Тебат	5	4	540	Ҳамму
Йигирма тўртинчи [йил]	Найсан	5	12	0	Нуғаҳ
	Таммуз	5	19	540	Нуғаҳ
	Тишрий	6	3	0	Киху ҳамму
	Тебат	6	10	540	Киху ҳамму 191
Йигирма бешинчи [йил]	Найсан	6	18	0	Лифона
	Таммуз	0	1	540	Лифона
	Тишрий	0	9	0	Шаббатай
	Тебат	0	16	540	Шаббатай
Йигирма олтинчи [йил]	Найсан	1	0	0	Сидиқ
	Таммуз	1	7	540	Сидиқ
	Тишрий	1	15	0	Мозим
	Тебат	1	22	540	Мозим
Йигирма еттинчи [йил]	Найсан	2	6	0	Ҳамму
	Таммуз	2	13	540	Ҳамму
	Тишрий	2	21	0	Нуғаҳ
	Тебат	3	4	540	Нуғаҳ
Йигирма саккизинчи [йил]	Найсан	3	12	0	Киху ҳамму
	Таммуз	3	19	540	Киху ҳамму
	Тишрий	4	3	0	Лифона
	Тебат	4	10	540	Лифона

Аммо биз тақуфалар жадвалида кўрсатган ёритқичларнинг номлари иброний⁵⁶⁸ тилида берилди, чунки яҳудийлар уларни иброний тилида атаганлар. Халқларнинг ҳар бири ёритқичлар номларини эслашга муҳтож бўлганида албатта уни ўз тилида атайди.

Мана бу жадвалда ёритқичлар номларини турли тилларда беради. Бунга қараган киши ёритқичларнинг биз баён этган иброний ва бошқа тилдаги номларини билиб олади. У [жадвал] мана бу.

Еттита ёритқич жадвали

Арабча	Зуҳал	Ал-Муштарий	Ал-Миррих	Аш-Шамс	Аз-Зуҳра	Уторид	Ал-Камар
Румийча	Крунас	Зовус	Орас	Илюс	Афрудита	Хурмус	Силинас
Форсча	Кайвон	Хурмузд	Баҳром	Меҳр-	Ноҳид	Тир	Моҳ

Сурё- нийча	Кован	Бил	Нарғол	Хур- шид Шамшо	Астаро- бил-ти-	Нифу	Сахро
Ибро- нийча	Шабба- тай	Сидиқ	Мозим	Ҳамму	Нуғаҳ	Киху ҳамму	Лифона
Ҳиндча	С-н- ж-р	Б-р-ҳ-с- б-ти	М-н- к-л	А-д-и-д	Ш-р-к	Б-д	С-ум
Хо- размча	—	Р-и-м-жд	А-р-и- ғ-з	А-х-и-р	Ноҳич	Чири	Моҳ

Китобнинг шу жойи тақозо этмаса ҳам ва бу китобда унга эҳтиё-
жимиз тушмаса ҳам, ёритқичлар учун ишлаганимиздек, буржлар
учун ҳам жадвал тузиб, уларнинг турли тиллардаги, ўзимизча, му-
қаррар бўлган номларини шу жадвалда беришимиз китоб тартибининг
табiiй ҳаққидандир. Чунки у [номларни] билиши зарур бўлган киши
буржлар ҳақида шундай жадвалдан фойдаланишга мажбур бўлади.

Мана бу жадвал ўша номларни ўз ичига олади:

193 Арабча	Румийча	Форсча	Сурёний- ча	Иброний- ча	Ҳиндча	Хоразмча
Ал-Ҳамал, Ал-Кабш	Криюс	Бара	Амро	Тула	М-и-ш	В-р-н
Ас-Савр	Таврус	Гов	Тавро	Шур	Б-р-ш	Гов
Ал-Жавзо	Дувдиму	Дупайкар	Томи	Тумим	М-с-у-н	А-з-в-п- ч-р
Ат-Тава- мон						К-р-и-к
Ас-Сара- тон	Карқонас	Карзанг	Саратон	Саратун	К-р-к-р	Х-р-ч-н-к
Ал-Асад	Лоон	Шир	Ариё	Арий	С-н-к	С-р-ғ
Ас-Сун- була	Парсонас	Хуша	Шабалто	Батулу	К-н	В-в-ф-и-к
Азро			Баталто			
Ал-Мизон	Зугос	Тарозу	Мососо	Музноим	Т-л	Т-р-о-з-к
Ал-Ақраб	Исқарбюс	Каждум	Ақрабо	Ақруб	В-ш- ж-к	Др-м-ч-ик
Ал-Қавс	Таксавтас	Нимосп	Кашто	Кишт	Д-ҳ-н	З-н-н-и-к
Ар-Ромий			Салмо- раббо			
Ал-Жадий	Оғуқарус	Баҳий	Каиё	Казий	М-к-р	С-о-р-н-и- -к
Ал-Далв	Идрихус	Дул	Дуло	Дилу	К-м	Д-в-р
Ал-Хут						
Самака	Иксиюс	Моҳий	Нуно	Дуг	М-и-н	К-и-б

Энди мақсадга қайтамиз:

Биз юқорида келтирган ҳисоб ва жадваллар тақуфанинг ҳафта кунларидан қай бирида воқе бўлишини кўрсатади, натижада тақуфанинг сурёний ойда кўрсатилган ўрни ҳақиқатдан қабул этиб бўлмайдиган даражада узоқ бўлиб чиқади. Агар биз Одам эрасини Искандар тарихининг минг уч юз ўн биринчи йили айлулнинг биринчиси якшанба кунида туғилган тишрий бошидан олсак, Одамнинг [шу вақтгача ўтган] тўлиқ йиллари тўрт минг етти юз эллик тўққиз йил бўлади. Бу саккизта катта давр, йигирма олтига кичик давр ва 2—5—7—10—13—16—18 ҳисобига мосланган тўққизта тўлиқ йиллар бўлиб, олтитаси оддий йил, учтаси иббур йил бўлади. Агар бу икки турли йилнинг ҳар бирини ўз кунларига кўпайтирсак, жами 1 738 200 кун етти соат икки юз эллик уч ҳалақ бўлади. Бу Одам эраси биринчи йилининг туғилиши билан биз айтиб ўтган йил туғилиши орасидаги муддатдир.

Биз [яҳудийларнинг] тишрий тақуфаси, яъни [кеча-кундузнинг] кузги баробарлик вақти йил туғилишидан беш кун ва бир соат ўтгандан кейин Одам эрасининг бошланишига тўғри келган деб қабул қилганларини айтган эдик. Шу миқдорни [юқорида] ҳосил бўлган сондан камайтирсак, [Одам] эрасининг бошига тўғри келган тишрий тақуфаси билан йилимиз туғилиши орасидаги муддат қолади. Буни уч юз олтмиш беш бутун ва чорак кунга тақсим қилсак, тўрт минг етти юз эллик саккиз йил чиқиб, уч юз ўттиз беш кун ва уч чорак кун қолади. Қуёш йили тугаб, кеча-кундуз тенглашгунича яна йигирма тўққиз кун ўн бир соат ва саккиз юз йигирма етти ҳалақ қолади. Агар буни йилимиз туғилишига, яъни [йил туғилишидан] етти соат ва икки юз эллик ҳалақ ўтгандан кейинги якшанба кунига қўшсак, тишрин аввалнинг биринчи кунни сешанба кечасининг тўққизинчи соатига етамиз. Шунда [тақуфа] кузатиш орқали учратилган кеча-кундуз тенглигидан ўн тўрт кунча кейин қолади. Гарчи бир гуруҳ шунга амал қилган бўлиб, [яҳудийлар] мазҳабига мувофиқ биз шунга асос қилиб жадвал тузган бўлсак ҳам, [тақуфанинг] бунчалик ва бундан камроқ [кейин қолиши] жойиз эмас.

Агар тақуефалар боши билан йилимиз туғилиши орасидаги муддат 1738195 кун олти соат ва икки юз эллик уч ҳалақни олиб, Қуёш йилини — яҳудийларча синчиклаб ҳисобланган жузлари бўлмиш мана бу — 98 496 га кўпайтирсак, жами 171 280 305 ва бир бўлакнинг иккита бешдан бири бўлади⁵⁶⁹. Кейин буни Қуёш йилининг ўз жузлари жинсидан тажнис этилган ва юқорида айтганимиздек [яҳудийларча] синчиклаб ҳисобланган ажзоси бўлмиш 35 975 351⁵⁷⁰ га тақсим қилсак, [ҳосил] қисмат тўрт минг етти юз эллик саккиз йил чиқиб, уч юз эллик кун йигирма бир соат ва соатнинг тўрт минг бир юз тўрт бўлагидан тўрт юз олтмиш уч бўлаги $\frac{453}{4104}$ қолади; Қуёш йили тамом бўлиб, тақуфа бўлишигача яна ўн тўрт кун саккиз соат ва соатнинг беш юз ўн уч бўлагидан тўрт юз ўн олти бўлаги $\frac{416}{513}$ қолади. Буни йилимиз туғилишига қўшсак, айлул ўн олтиси душанба кечасига етамиз. Шу ҳисобга кўра [кечадан] олти соат ва соатнинг беш юз ўн уч бўлагидан йигирма уч бўлаги $\frac{23}{513}$ ўтгач, тақуфа ўша кечага тўғри келади, гарчи кузатиш бизни тақуфа ўша кечадан қарийб икки ярим кун олдин келади деган қарорга олиб борган бўлса ҳам, бу ҳақиқатга яқинроқдир.

Бу ҳисоблар кузатувчилар ҳисоби билан мувофиқ келмайди, чунки [ҳисобдонлар билан кузатувчилар] ораларида Қуёш йили, авж жойи, унинг ҳаракати ва икки марказ орасидаги узоқлик ҳақида ихтилоф бор. Агар кузатишлар орқали аниқланган нарса [тақуфа ҳисоби] даврларнинг бирида, ўзи бошланган кунга ва унинг касрига қайтганда эди, албатта суҳбатдошларимиз усулига мувофиқ йил чоракларининг ўзгартирилган жойларини кўрсатган бўлар эдик: лекин иш биз қандай айтган бўлсак, шундай; демак, «қарийб [икки ярим кун...]» дейиш билан [кифояланиб] бўлмайди. Шунинг учун Қуёш даври тақуфаларини Фозил Абу Саҳл Вижон ибн Рустам Қуҳий Искандар эрасининг минг икки юз тўқсон тўққизинчи йилида кузатган ёзги Қуёш туриши вақтига биноан ҳисобладик. У [ёз бошини] кечанинг биринчи соати охирида шанба кунн ўн олтинчи таммуз тонгги [давом этган муддат ичида] топган эди. Тақуфалар ораларидаги узоқликлар Абу Ҳомид ас-Сағоний кузатишидан олинди, чунки у Абу Саҳлдан кейинги энг фозил астрономлардан эди. Бу иш бирон ҳақиқат асосида эмас, чунки Қуёш йили кунларига тобе бўлган чоракка учратилган нуқсонни тортдик⁵⁷¹. Лекин ҳар қолда узоқ вақтдан бери тақуфа ҳақиқатга яқин бир вақтда воқе бўл-япти. Бу усул билан иш қилмоқчи бўлган киши яҳудийлар раъйига биноан тақуфалар жадвалига киргизган нарсасини бу жадвалга ҳам киргизсин; шунда у жадвалдаги ишни тақуфалар жадвалидаги сингари тинчлик Шаҳри⁵⁷² учун аниқланган жадвал билан тузатилганини кўради. Бунда тақуфалар ораликлари якшанба кунн кундуз ярмидан муставий соатлар билан ҳисоблаб олинган.

Йил чораклари жадвали⁵⁷³

99

Қуёш даври ус-туни	тўрт тақуфа ойлари	Тақуфаларнинг якшанба кунн кундуз ярмидан олиб ҳисобланган ора узоқликлари		Тақуфалар тўғри келадиган сурёний ойларининг номлари	Бағдодда ойнинг биринчи кунн кундуз ярмидан ўтган муддат	
		кунлар	соатлар		кунлар	соатлар
Биринчи давр	Найсан Таммуз Тишрий Тебат			Озор Ҳазирон Дйлул Конунн аввал		

Ваъдамизга вафо этдик, бу яҳудийлар ойлари, йиллари, даврлари ҳақида, уларнинг бошлари ва ҳолларини билиш ҳақида биз берган мазмунга муҳолиф бўлмади. Одам эраси [бошини] билишни изоҳ этдик; Одам эраси орқали агар ундан минг олти юз эллик олти тамом бўлган йил камайтирилса, яҳудийлар фикрига кўра тўфон тарихи топилади.

Энди яҳудийлардан бошқа халқларнинг йиллари ва ойларидаги ҳолларни текширишга ўтиб, сўзлайлик:

Абу Маъшар фикрига биноан, тўфон тарихи йиллари бошини билмоқчи бўлсак, у эранинг тамом бўлган йилларини олиб, ҳамини унга бешни қўшиб жамини ҳафталарга айлантирамиз. Қолгани тут [ойи] боши, яъни ҳафтадаги биринчи куннинг аломати бўлади. Агар тутдан бошқа ойни мўлжалласак, йил боши аломатига қидириляётган

[ойдан] олдин ўтган ҳар бир ой учун иккини қўшиб, жамини ҳафталарга айлантирамиз. Ҳафтага етмаган қолдиқ ўша ой бошининг аломати бўлади.

Агар [текширишни] Бухтанассар ва Филиф эраси орқали қилмоқчи бўлсак, бунда ҳам худди олдингидек иш қилишимиз керак. Лекин Бухтанассар эрасининг тамом бўлган йилларига ҳамиша тўртни ва Филиф йилларига ҳамиша бирни қўшамиз, шунда қидираётганимиз чиқади.

Агар уни сурёнийлар усулига мувофиқ Искандар эрасида билмоқчи бўлсак, унинг йиллари сонига йил чорагичани қўшиб, жамига ҳамиша икки чоракни қўшамиз. Шунда агар чораклар касрлари бир кунга тўлса, у кунларга қўшилади, тўла бир кунга етмаганига ва энг оз миқдорига қарамаймиз. Кейин бутун кунларни ҳафталарга айлантирамиз, шунда биринчи тишрийнинг аломати қолади.

Агар [тишрийдан] бошқа ойни кўзда тутсак, бундан олдин ўтиб тулган ҳар бир ой учун — у ой ўттиз бир кунлик бўлса — уч кун, — ўттиз кунлик бўлса икки кун йил аломатига қўшиб, жамини ҳафталарга бўламиз. Шунда ўша ойнинг аломати қолади. Агар шубот ойигача етсак ва йил кабисали бўлмаса, шубот учун ҳеч нарса қўшмаймиз, кабисали бўлса, бир кун қўшамиз. Кабисали йил мана шундай билинади: Искандар эрасининг тамом бўлган йилларига ҳамиша иккини орттириб, жамини тўрт-тўрт қилиб ташлаймиз. Агар бирор нарса қолса, йилнинг кабисали эмаслиги, қолмаса кабисали экани маълум бўлади.

Агар румликлар усулига кўра иш тутсак, Искандар эрасининг тамом бўлган йилларига уч бутун ва чорак [йилни] қўшиб, юқоридаги амалиётимизни ишлатамиз. Шунда январийус — бу конуни охир — аломати чиқади. Шундай қилиб, дастлабки мисолни ойларнинг бошларини аниқлашда ва кабисали йилларни билишда қўлласак, осонлик билан матлубга эришамиз.

Агар хоҳласак, Искандар эрасининг [тамом бўлган] йилларини ўтаётган йили билан қўшиб олиб, уларни Қуёш даврларига айлантирамиз, қолганини сурёнийлар ойларининг бошлари кўрсатилган жадвалнинг адад устунига киргизамиз. Шунда унинг рўпарасида барча ойларнинг бошларини ва кабисали йилларнинг белгиларини кўрамиз⁵⁷⁴.

Сурёнийлар ва румликлар ойларининг бошларини кўрсатувчи жадвал мана бу.

195

Қуёш даври устуни	Тамбриус	Новамбриус	Дамбриус	Январюс	Фебвариус	Мартиус	Африлиус	Мойиус	Юниус	Юлиус	Агустус	Сентембриус	Қабисали йиллар
	Тишрин I	Тишрин II	Конун I	Конун II	Шубог	Озор	Найсон	Айёр	Ҳазирон	Таммуз	Об	Айлул	
1	2	5	7	3	6	6	2	4	7	2	5	1	
2	3	6	1	4	7	7	3	5	1	3	6	2	
3	4	7	2	5	1	2	5	7	3	5	1	4	К
4	6	2	4	7	3	3	6	1	4	6	2	5	
5	7	3	5	1	4	4	7	2	5	7	3	6	
6	1	4	6	2	0/5/	5	1	3	6	1	4	7	
7	2	5	7	3	6	7	3	5	1	3	6	2	К
8	4	7	2	5	1	1	4	6	2	4	7	3	
9	5	1	3	6	2	2	5	7	3	5	1	4	
10	6	2	4	7	3	3	6	1	4	6	2	5	
11	7	3	5	1	4	5	1	3	6	1	4	7	К
12	2	5	7	3	6	6	2	4	7	2	5	1	
13	3	6	1	4	7	7	3	5	1	3	6	2	
14	4	7	2	5	1	1	4	6	2	4	7	3	
15	5	1	3	6	2	3	6	1	4	6	2	5	К
16	7	3	5	1	4	4	7	2	5	7	3	6	
17	1	4	6	2	5	5	1	3	6	1	4	7	
18	2	5	7	3	6	6	2	4	7	2	5	1	
19	3	6	1	4	7	1	4	6	2	4	7	3	К
20	5	1	3	6	2	2	5	7	3	5	1	4	
21	6	2	4	7	3	3	6	1	4	6	2	5	
22	7	3	5	1	4	4	7	2	5	7	3	6	
23	1	4	6	2	5	6	2	4	7	2	5	1	К
24	3	6	1	4	7	7	3	5	1	3	6	2	
25	4	7	2	5	1	1	4	6	2	4	7	3	
26	5	1	3	6	2	2	5	7	3	5	1	4	
27	6	2	4	7	3	4	7	2	5	7	3	6	К
28	1	4	5	2	5	5	1	3	6	1	4	7	

196 Агар шу қидирилайётганни Август эраси орқали билмоқчи бўлсак, унинг тамом бўлган йилларини олиб, бунга [йил] чорагини қўшамиз. Кейин унинг жамига ҳамиша олтини ортирамыз ва йиғиндисини етти-етти қилиб ташлаймиз. Тут оғи бошининг белгиси қолади. Сўнгра бунга матлуб ойдан олдин ўтган ойларнинг ҳар бири учун иккени орттириб, жамини еттитадан қилиб ташласак, матлуб ой белгиси қолади.

Бу тарихдаги қабисали йилни билиш [усули] : унинг тамом бўлган йилларига ҳамиша бирни қўшиб, мажмуини чоракларга ажратамыз.

Шунда агар бирон нарса қолса, ўтиб турган йил кабисасиз, қолмаса кабисали бўлади.

Агар уни Антонин эрасида билмоқчи бўлсак, унинг ўтиб тамом бўлган йилларига йил чорагига тенг миқдорини ва мажмуига ҳамиша тўрту чоракни қўшиб, юқоридаги амалиётимизни ишлатамиз.

Бу эра бўйича кабиса йилини билиш [йўли] : унинг тамом бўлган йилларига ҳамиша учни қўшиб, жамини тўрт-тўртдан қиламиз. Шунда ҳеч нарса қолмаса — йил кабисали, қолса кабисасиз бўлади.

Дақлитенус эрасига келганда, унинг тамом бўлган йилларига йил чорагини ва мажмуига ҳамиша тўрту чорак йилни қўшамиз. Қолган [ишларда] ва ойларнинг бошларини аниқлашда Искандар эрасида румликлар усули асосида амалиётимизни бажарамиз.

Бундан кабисали йилни билиш манай: бу тарихнинг тамом бўлган йилларига ҳамиша иккени қўшиб, мажмуини тўртта-тўртта қиламиз. Ҳеч нарса қолмаса, йил кабисали, бирор нарса қолса, кабисасиз бўлади.

Ҳижрат эраси. Унинг йиллари ва ойлари бошини тарихлар ҳисоби орқали билмоқчи бўлсак, тамом бўлган ҳижрий йилларини олиб, буларни уч жойга қўямиз. Биринчи [жойдагини] уч юз эллик тўрт кунга, иккинчидагини — йигирма икки минутга, учинчидагини бир секундга кўпайтириб, минутларга ҳамиша ўттиз тўрт минутни орттирамиз. Сўнгра ўша [уч] жойдаги сонларни—мумкин бўлганича—[бутун кунларга] кўтарамиз. Агар минутлар ўн бешдан кўп бўлса, уларни [бир кунга] ҳисоблаймиз⁵⁷⁵, кам бўлса, уларни эътиборсиз қолдирамиз. Шунда йиғилган сон ҳижрат йили бошидан то қидирилаётган йил бошига қадар ўтган кунлар бўлади. Кейин бунга бешни орттириб, ҳаммасини ҳафталарга айлантирамиз, еттига тўлмай қолгани муҳаррам ойининг аломати ҳисобланади.

Агар муҳаррамдан бошқа ойни мўлжалласак, қидирилаётган ойдан олдин ўтиб тамом бўлган ойларнинг биттаси учун икки кун, бошқа бири учун бир кун қўшиб, мажмуини муҳаррам асмотига орттирамиз ва ҳаммасини ҳафталарга ажратамиз. Шунда [ойнинг] ўртача сайри билан аниқланган ҳисоб орқали ўша қидирилган ой аломати қолади.

Ҳилолни кўришга келсак, бунини аниқлаш узоқ [вақт] ва машаққатли тақозо этиб, қийин ишларга ва кўп жадвалларга эҳтиёж туғилади. Бу ҳақда Муҳаммад ибн Жобир ал-Баттоний зиждаги ва ҳисобдон Ҳабаш⁵⁷⁶ зиждаги сўзлар кифоя қилади. [Янги ойни кўриб, ҳисоб олишни зарур топган] қидирувчи шу икки зижга мурожаат қилсин.

Яширин нарсалардан хабардорлик даъво қилувчи ва ўзларини Али авлодининг дўстлари қилиб кўрсатувчи бир гуруҳ ана шу биз баён этганга амал қилиб ҳисоб туздилар-да, уни || пайғамбарлик сирларидан деб кўрсатдилар⁵⁷⁷. У ҳисоб мана бу: «Рамазон бошини билишни истасанг, ҳижрат тарихининг тамом бўлган йилларини олиб, уларни тўртга кўпайтир, кўпайтиргандан ҳосил бўлган жамга ҳижрат йилларининг бешдан бирини ва олтидан бирини орттир. Агар бу икки қисмдан каср қолса ва башарти иккала касрнинг бири ёки иккови иккала касрдан бирининг ярим маҳражидан кўп бўлса, уни бир кун ҳисоб қилиб, кунларга қўш. Кейин мажмуига тўртни орттириб, ҳаммасини ҳафталарга бўлиб ташла, еттидан кам қолгани рамазон ойининг аломати бўлади».

Бу [ҳисоб] биз [юқорида] айтиб ўтган йўсинга асосланган, чунки ой йилларидан ҳар бирининг кунлари, яъни уч юз эллик тўрт кун ҳафта-

ларга ажратиб ташланса, тўрт қолади. Ҳижрат йиллари тўртга кўпайтирилса, худди [ҳалигидек] ҳар бир йил кунлари ҳафталарга ажратилиб, барча қолдиқлар қолгани сингари бўлади. Араб йилларининг бешдан бири ва олтидан бири олинса, гўё ҳар бир йил учун куннинг бешдан бири ва олтидан бири олиш худди йилларни куннинг бешдан бирига ва олтидан бирига кўпайтириб, буни иккала касрнинг махражларига тақсим этгандек бўлади. Кейин ҳаммаси ҳафталарга ажратилиб, қолдиқ ҳижрат эрасининг биринчи кунини бўлмиш жумадан ҳисобланса, муҳаррам ойининг аломатига етилади; бунга олтини кўшиб, мажмуи якшанбадан ҳисобланса, бу ҳам ўша бир мақсадга боради.

У гуруҳнинг тўртни орттиришларига сабаб шуки, агар бир ой учун икки ортиқ кун ва келаси бир ой учун бир кун олинса, жами рамазон ойининг бошигача беш кун бўлади. Буни муҳаррам аломатига қўшса, рамазон ойининг белгисига етади. У [киши] муҳаррам учун олти кун орттирган эди. Бунга рамазон ойига тегишли беш қўшилса, жами ўн бир кун бўлади, бундан етти ташланса, тўрт қолади, бу тўрт иккала орттирилганнинг қолдигидир. Жума кунидан олинган ҳисоб билан биз ундан сал олдин баён этган, яъни пайшанба кунидан олинган ҳисобнинг бири-бирига тўғри келишига сабаб, унда касрлар бир нарсага ҳисоб этилмагани ва унда ўттиз тўрт минутнинг бир кунга ҳисоб этилишидир.

Шу мазҳабда ижод этилган фикр эгалари Бағдодда турувчи даъватчилари бўлмиш шайхга⁵⁷⁸ нисбатланган ва Хоразмда «Бағдодия» деб машҳур бўлган кишилар бу ҳисоб ва шунга ўхшашларга мойил бўлдилар. Унинг бошлиқларидан бирини учратдим. У Ҳабаш ўз зижда юлдузларни ҳисоблашда ишлатиладиган тарихни тузатиш учун тузган «Холис» жадвални⁵⁷⁹ олибти-да, ундаги ҳар бир [сонга], яъни муҳаррам белгисига биз баён этган сабабга кўра бешни орттириб, жадвал суратини ўзгартирибди: унинг тўғри шаклини винтсимон қилиб, худди [ҳалқа бўлиб] ўрашган илонга айлантирибди; чунончи табаристонликларнинг баъзиси ҳам шу жадвални доира қилиб тузган эди, ундаги [охирги] сонлар жадвал тўғри пайтида ўзининг бошланган жойига қайтар эди⁵⁸⁰. [Юқорида айтилган бошлиқ] ўша гуруҳ йўлидан бориб бир китоб тузган. Бунда янги ойни қидириб кўрувчиларга таъна қилган, уларни койиб || ва айблаб, яҳудийлар ва христианлар ўзларидаги [мавжуд] жадваллар сабабли рўзалар ва ойларнинг бошини аниқлашда ҳилолни кўришга муҳтож бўлмайдилар. Мусулмонлар эса шубҳали ҳоллар билан овора бўлиб юрадилар, деган.

Агар у Ҳабаш зижининг «Холис» жадвал жойидан ўтиб, астрономларнинг янги ойни кўриш ҳақидаги турли амалларигача борганда ва бу амаллар кайфиятидан, яҳудий ҳамда христианлар [фикрларининг] тўғрилигидан воқиф бўлганда эди, китоб аҳллари қабул этган йўлнинг айнан шубҳалар эканини албатта билган бўларди. Юқорида айтганларимиздан воқиф бўлган киши шояд буни ҳақиқат қилар.

Шу билан бирга, астроном олимлар янги ойни кўриш амалларининг охирларидаги фараз қилинган миқдорлар тажриба қилмагунча билиб бўлмайдиган узоқликлардир, деб қарор қилганлар. Манзараларга хос турли геометрик ҳолатлар бор, шулар сабабли кўз билан кўриладиган [нарсалар] катта ва кичикликда тафовутли бўлади. Осмонда юз берадиган турли ҳолатларга эътибор берувчи инсофли киши янги ойни кў-

210 йил	Рамазоннинг бе...	210 йил	Рамазоннинг бе...	210 йил	Рамазоннинг бе...	210 йил	Рамазоннинг бе...	210 йил	Рамазоннинг бе...	210 йил	Рамазоннинг бе...	210 йил	Рамазоннинг бе...	210 йил	Рамазоннинг бе...	210 йил	Рамазоннинг бе...	210 йил	Рамазоннинг бе...
1	4	31	2	61	7	91	5	121	3	151	1	181	6	2	3	4	5	6	7
2	1	32	6	62	4	92	2	122	7	152	5	182	3	1	2	3	4	5	6
3	6	33	4	63	2	93	7	123	5	153	3	183	1	6	7	8	9	10	11
4	3	34	1	64	6	94	4	124	2	154	7	184	5	3	4	5	6	7	8
5	7	35	5	65	3	95	1	125	6	155	4	185	2	7	8	9	10	11	12
6	2	36	3	66	1	96	6	126	4	156	2	186	7	4	5	6	7	8	9
7	5	37	7	67	5	97	3	127	1	157	6	187	4	2	3	4	5	6	7
8	2	38	4	68	2	98	7	128	5	158	3	188	1	7	8	9	10	11	12
9	6	39	2	69	7	99	5	129	8	159	1	189	6	3	4	5	6	7	8
10	4	40	6	70	4	100	2	130	7	160	5	190	3	2	3	4	5	6	7
11	1	41	3	71	1	101	6	131	4	161	2	191	7	1	2	3	4	5	6
12	5	42	1	72	6	102	4	132	2	162	7	192	5	6	7	8	9	10	11
13	3	43	5	73	3	103	1	133	6	163	4	193	2	3	4	5	6	7	8
14	7	44	3	74	1	104	6	134	4	164	2	194	7	1	2	3	4	5	6
15	2	45	7	75	5	105	3	135	1	165	6	195	2	3	4	5	6	7	8
16	6	46	4	76	2	106	7	136	5	166	3	196	1	6	7	8	9	10	11
17	4	47	2	77	7	107	5	137	3	167	1	197	6	3	4	5	6	7	8
18	4	48	6	78	4	108	2	138	7	168	5	198	3	2	3	4	5	6	7
19	1	49	3	79	1	109	6	139	4	169	2	199	7	1	2	3	4	5	6
20	5	50	1	80	6	110	4	140	2	170	7	200	5	6	7	8	9	10	11
21	3	51	5	81	3	111	1	141	6	171	4	201	2	3	4	5	6	7	8
22	7	52	3	82	1	112	6	142	4	172	2	202	7	1	2	3	4	5	6
23	2	53	7	83	5	113	3	143	1	173	6	203	4	3	4	5	6	7	8
24	6	54	4	84	2	114	7	144	5	174	3	204	1	2	3	4	5	6	7
25	4	55	2	85	7	115	5	145	3	175	1	205	6	5	6	7	8	9	10
26	1	56	6	86	4	116	2	146	7	176	5	206	3	4	5	6	7	8	9
27	5	57	3	87	1	117	6	147	4	177	2	207	7	1	2	3	4	5	6
28	3	58	1	88	6	118	4	148	2	178	7	208	5	6	7	8	9	10	11
29	7	59	5	89	4	119	1	149	7	179	4	209	2	3	4	5	6	7	8
30	4	60	2	90	7	120	5	150	3	180	1	210	6	5	6	7	8	9	10

Яна донишманд Ҳабаши «Имтиҳон қилинган»⁵⁸² Деб машхур бўлган
жижда келтирган ва мазкур киши бешни орттириб ундаги [шаклни]
винтсимонликка кўчирган «Холис» жадвалда бирмунча жойлар бор.⁵⁸³
Ҳабаши у [жойларда] касрларни бутунларга айлантирган, ҳойбуки жад-
валда бундай қилиш керак эмас. У янглишмаслик учун [еритқичлар] ўр-

тача [ҳаракатларининг] жадвалларида ҳам шундай иш қилган. Сўзимизнинг тўғрилигини билмоқчи бўлган киши бу винтсимон [жадвални] биз муҳаррам ойи аломати учун тузган тасҳиҳ этилган жадвал билан солиштирсин. Винтсимон жадвал худди «Холис» жадвалнинг ўзи, фақат унда рамазон [ойи аломатига] етиш учун беш орттирилган⁵⁸⁴. Бутун сонларга тобе қасрлар [ҳам] кўз остида бўлиб, айнан идрок этилишини ва бошқа амалларда ёрдам беришини мўлжаллаб исбот этдик.

Бу жадвал билан иш қилувчи ҳижрат [эраси] йилларини ўтаётган йил билан қўшиб ҳисоблаб, ундан икки юз ўнни — агар у йиллар бундан кўп бўлса—ташлайди, қолдиқ билан адад устунига кириб, адад рўпарасидаги кунлар ва минутларни олади. Минутларга ҳаммаша беш кун ва ўттиз тўрт минут орттиради, кейин минутларни мумкин бўлганича кўтариб кунларга айлантиради ва айлантирилганнинг ичида қанча етти бор бўлса, уларни ташлайди. Натижада муҳаррам бошининг аломати кўринади, агар бунга бешни орттирсак, рамазон аломати ҳосил бўлади. Энди [у киши] тасҳиҳ этилган жадвални ўша винтсимон жадвалга солиштирсин. [Аломатларнинг] баъзисиди, олтмишга тўлмаган минутларни кунларга ҳисоблаб бир кун орттирилиши сабабли, қарама-қаршилик юз беради. [Қузатувчи] яхшироқ ўйлаб қараса, [жадвалнинг] нима сабабдан икки юз ўн йил учун тузилиб, ундан кам ёки кўп йилга тузилмагани равшан кўринади. Худо билимдонроқ, ҳамма нарсада бизга қафил ва ёрдам берувчидир.

Тасҳиҳ этилган жадвал мана бу.

199—
200

Адад	Кунлар	Минутлар	Адад	Кунлар	Минутлар	Адад	Кунлар	Минутлар	Адад	Кунлар	Минутлар	Адад	Кунлар	Минутлар	Адад	Кунлар	Минутлар	Адад	Кунлар	Минутлар
1	4	22	31	2	22	61	0	22	91	5	22	121	3	22	151	1	22	181	6	22
2	1	44	32	6	44	62	4	44	92	2	44	122	0	44	152	5	44	182	3	44
3	6	6	33	4	6	63	2	6	93	0	6	123	5	6	153	3	6	183	1	6
4	3	28	34	1	28	64	6	28	94	4	28	124	2	28	154	0	28	184	5	28
5	0	50	35	5	50	65	3	50	95	1	50	125	6	50	155	4	50	185	2	50
6	5	12	36	3	12	66	1	12	96	6	12	126	4	12	156	2	12	186	0	12
7	2	34	37	0	34	67	5	34	97	3	34	127	1	34	157	6	34	187	4	34
8	6	56	38	4	56	68	2	56	98	0	56	128	5	56	158	3	56	188	1	56
9	4	18	39	2	18	69	0	18	99	5	18	129	3	18	159	1	18	189	6	18
10	1	40	40	6	40	70	4	40	100	2	40	130	0	40	160	5	40	190	3	40
11	6	2	41	4	2	71	2	2	101	0	2	131	5	2	161	3	2	191	1	2
12	3	24	42	1	24	72	6	24	102	4	24	132	2	24	162	0	24	192	5	24
13	0	46	43	5	46	73	3	46	103	1	46	133	6	46	163	4	46	193	2	46
14	5	8	44	3	8	74	1	8	104	6	8	134	4	8	164	2	8	194	0	8
15	2	30	45	0	30	75	5	30	105	3	30	135	1	30	165	6	30	195	4	30
16	6	52	46	4	52	76	2	52	106	0	52	136	5	52	166	3	52	196	1	52
17	4	14	47	2	14	77	0	14	107	5	14	137	3	14	167	1	14	197	6	14
18	1	36	48	6	36	78	4	36	108	2	36	138	0	36	168	5	36	198	3	36
19	5	58	49	3	58	79	1	58	109	6	58	139	4	58	169	2	58	199	0	58
20	3	20	50	1	20	80	6	20	110	4	20	140	2	20	170	0	20	200	5	20

21	0	42	51	5	42	81	3	42	111	1	42	141	6	42	171	4	42	201	2	42
22	5	4	52	3	4	82	1	4	112	6	4	142	4	4	172	2	4	202	0	4
23	2	26	53	0	26	83	5	26	113	3	26	143	1	26	173	6	26	203	4	26
24	6	48	54	4	48	84	2	48	114	0	48	144	5	48	174	3	48	204	1	48
25	4	10	55	2	10	85	0	10	115	5	10	145	3	10	175	1	10	205	6	10
26	1	32	56	6	32	86	4	32	11	2	32	146	0	32	176	5	32	206	3	32
27	5	54	57	3	54	87	1	54	117	6	54	147	4	54	177	2	54	207	0	54
28	3	16	58	1	16	88	6	16	118	4	16	148	2	16	178	0	16	208	5	16
29	0	38	59	5	38	89	3	38	119	1	38	149	6	38	179	4	38	209	2	38
30	5	0	60	3	0	90	1	0	120	6	0	150	4	0	180	2	0	210	0	0

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Шихоб — турли жиноятлар [қилиш йўл-ларини] ишловчилардан ва шиаликка даъват этувчиларнинг катталаридан саналар эди — ҳузурда бир жадвал кўрдим, унинг айтишича, бу жадвал билан [мана бундай тартибда] иш қилар экан: ҳижрат тарихининг тамом бўлган йиллари олиниб, бунга тўрт йил орттирилади. Мажмуи саккиз-саккизга бўлиб ташланади, [саккизга] етмаган қолдиқ адад устунига киргизилса, рўпарасида ҳафтанинг қайси куни мўлжалланган ойнинг боши экани кўриниб туради.

Ойлар жадвали

Адад	Му-ҳар-рам	Сафар	Раби ал-ав-вал	Раби ас-соний	Жу-мод ал-уъло	Жу-мод ал-охир	Ражаб	Шаъ-бон	Рама-зон	Шав-вол	Зул-каъда	Зул-ҳиж-жа
1	3	5	6	1	2	4	5	7	1	3	4	6
2	7	2	3	5	6	1	2	4	5	7	1	3
3	5	7	1	3	4	6	7	2	3	5	6	1
4	2	4	5	7	1	3	4	6	7	2	3	5
5	6	1	2	4	5	7	1	3	4	6	7	2
6	4	6	7	2	3	5	6	1	2	4	5	7
7	1	3	4	6	7	2	3	5	6	1	2	4
8	6	1	2	4	5	7	1	3	4	6	7	2

Ҳаётим билан қасамёд қиламан, бу ҳам [Ҳабашнинг] «Холис» жадвалидан олинган. Бу жадвални ишлашда асос тутилган саккиз йиллик даврга [эътибор билан] қараган киши унда йиллар авваллари ҳафтадаги бошланган кунининг [ўзига] қайтиб келганини ва [кунлар] касрлари тўрт минутга камайганини аниқлайди. Бу жадвал тасҳиҳ этилган «Холис» жадвалга қарама-қарши эмас. Лекин саккиз йиллик давр бир неча марта айланиб, муддат узайса, шу пайтда [сонлар] тартиби қўпол равишда бузилади.

[Шиаликка] даъват этувчи бу фирибгарнинг айтишича, Жаъфар ибн Муҳаммад ас-Содиқ алайҳиссаломга одамларнинг рамазон боши ҳақида ихтилоф ва шак-шубҳага тушганлари маълум бўлганда, бу жадвални тузган. Унинг гумонича, Жаъфар: «Муҳаммадни чин пайғамбар қилиб юборган [зот] билан қасамёд этаманки, [Муҳаммад] пайғамбар бўлиб ўтган ва дунё охиригача бўладиган нарсаларнинг хабарини

202 бизга еткизмай, умматидан ажрамади. || У нарсаларнинг энг кичкинаси ҳар йили ва [йилнинг] ҳар бир кунда рўза [бошини] билишдир» деган. У [Жаъфар ас-Содиқ]: «Шаъбон ойи ҳеч қачон тўла [ўттиз кун] бўлмаган ва рамазон ўттиз кундан кам бўлмаган», дер экан..

Бу зolim шундай улуғларнинг энг шарафлиси ва имомларнинг — уларга худонинг раҳматлари ёғилсин — энг билимдони бўлган сайид олим⁵⁸⁵ ҳақида ёлгон гапирди ва бобоси⁵⁸⁶ динида жойиз бўлмаган нарсани унга нисбат берди, ҳолбуки, у [айтганларнинг] зиддининг ҳақ эканига ҳужжат бор. Бу тақводор имом⁵⁸⁷ ундай кишиларнинг гаплари билан булғанишдан ва унга саркашларча нисбатланишлари билан чиркинлашишдан жуда узоқдир, унга худонинг раҳматлари ёғилсин.

Муҳаррам аломатини билишда икки йўл бор, уларни Абу Жаъфар ал-Хозин⁵⁸⁸ «Илми нужумга кириш» номли катта асарида баён этган. Бири ҳижрат йилларининг ҳар бир тамом бўлиб ўтган ўттиз йили учун беш кун олиниб, ўттиздан камларидан ҳар ўн йил учун бир бутун ва икки чорак кун, яъни ўн олти соат олинади, ўнтадан кам қолган йилларнинг ҳар бештаси учун йигирма соат ва ҳар бир тамом бўлган йил учун тўрт кун саккиз соат ва тўрт марта бешдан бир соат олинади. Мажмуига беш кун орттирилади ёки ундан икки кун камайтирилади ва ҳосил [бўлган] ҳафталарга бўлинади. Қолгани муҳаррам аввалининг [аломати] бўлади.

Бу тўғри [ва юқорида] айтиб ўтилган амаллар йўлига мувофиқдир. Йилларнинг ададлари учун [Абу Жаъфар] ҳисобга оладиган⁵⁸⁹ кунлар ва уларнинг касрлари ўша ададларнинг кунларга айлантирилиб, ҳафталарга тақсимлангандаги қолдиғидир. Бу [биз] тасҳиҳ этган жадвалда кўриниб туради Биз юқорида баён этиб ўтганимиздек, [Абу Жаъфар] йиллар якшанбадан бошланиши учун мажмуга бешни орттиради. Давр етти йиллик бўлгач, у бешни орттирсин ёки еттига етмаган қолдиқни камайтирсин, фарқи йўқ, буни билиб қўйиш керак.

Агар [муҳаррамдан] бошқа ой [бошини] аниқлаш мўлжалланса, тоқ кунли ҳар бир ой учун йилнинг асосий [кунларига] икки кун жуфт кунли бўлиши мувофиқ бўлган ҳар бир ой учун бир кун орттирилиб, жамини ҳафталарга бўлиб ташланади, қолдиқ ўша [мўлжалланган] ойнинг боши бўлади.

Абу Жаъфар ал-Хозин баён этган иккинчи усул: тамом бўлган йилларнинг, агар улар жуфт бўлса, ярми олинади, агар тоқ бўлса, улардан бирни камайтириб, бунинг учун тўрт кун ва йигирма икки минут [эсда] сақланади. Йилларнинг қолган ярми ҳам олиниб, икки жойга қўйилади. [Бу икки жойдагиси соннинг] бирини учга кўпайтирилиб, тўртга тақсим этилса, кунлар чиқади. Иккинчиси саккизга кўпайтирилиб, ҳосилига беш қўшилади ва ҳалиги кунларга орттирилади. Сўнгра ҳаммасидан ўша йиллар ярмининг ададича кунларнинг минутлари камайтирилади. Агар йиллар тоқ бўлса, қолдиққа ҳалиги эсда сақланган [кун ва минутлар] қўшилади. Агар қолдиқда ўттиз минутдан ортиқроқ каср бўлса, [бутунга] айлантирилади, агар кам бўлса, ташланади. Кейин ҳаммасини ҳафталарга бўлиб ташланса, Муҳаррам аломати қолади.

Бу [усул] ҳам тўғри ва айтиб ўтилган [юқоридаги] аҳволга асосланган. Чунки эсда сақланган [кун ва минутлар] йиллар қаторидан 203 камайтирилган йил кунларининг || ҳафталарга бўлингандан кейинги

ҳиссасидир. Қолган йиллар ярмининг саккизга кўпайтирилгани худди ҳамма йиллар тўртга кўпайтирилганидек бўлади. Бу [тўрт йил] эса ой йилини ҳафталарга бўлиб ташланганда қолган бутун кунлардир.

Энди ҳар бир йил учун куннинг бешдан бирини ва олтидан бирини⁵⁹⁰ олиш қолади. Лекин ҳар бир адад ярмининг учта тўртдан бири — у ададнинг бирга нисбати ярмининг олтмишга нисбатидек бўлиши сабабли—ҳаммасининг бешдан бир ва олтидан биридан ортади. Шундай бўлгач, йиллар ададининг ярми учга кўпайтирилиб, тўртга тақсим этилганда, унинг тўртдан учи ҳосил бўлади. Бу барча ўша йилларнинг бешдан бир ва олтидан бири билан йиллар ярмининг олтмишга нисбати миқдоридан ортиқдир. Агар бу [миқдор] билан бирга олтмишнинг бўлаклари, яъни минутлар ҳисобга олинса ва уни [йиллар] тўпламидан камайтирилса, йилларнинг бешдан бири ва олтидан бири ҳосил бўлади. Бошқа амалларнинг юқорида баён этилганга мувофиқлиги равшандир.

Яздижард эрасига келганда, агар унинг йилларидан ҳар бир йил бошининг аломатини билмоқчи бўлсак, тамом бўлган йилларини оламиз ва уларга ҳамиша учни орттирамиз. Мажмуини ҳафталарга бўлиб ташласак, фарвардин моҳ аломати қолади. Агар бошқа [бирор] ойни мўлжалласак, тамом бўлиб ўтган йилларнинг обон моҳдан бошқа ҳар бир ойи учун икки кун оламиз, обон моҳ учун ҳеч нарса олмаймиз. Йиғиндига фарвардин моҳ белгисини қўшиб, агар мажмуида етти [сони] бор бўлса⁵⁹¹, уни чиқариб ташлаймиз. Шунда мўлжалланган ойнинг аломати қолади.

Яздижарднинг ўлдирилишидан ҳисобланган Мажус эрасида эса, тамом бўлиб ўтган йилларга ҳамиша бешни орттириб, бошқа ишларда — агар унда эронликлар ойларини ишлатсак — олдинги амалиётни қўллаймиз. Агар сўғдийлар ёки хоразмликлар ойларини ишлатсак, тамом бўлган йилларга ҳамиша учни орттириб, мажмуини ҳафталарга бўлиб ташлаймиз. Шунда Навсард ёки Новосржий ойнинг белгиси қолади. Кейин ҳар бир ўтган ой учун Навсард белгисига икки кун орттирсак, [матлуб] ойи белгиси келиб чиқади.

Эронликларнинг давлат қўлларидан кетишидан олдин ишлатган кабисали [йилларни] билишни истасак, улар йилларини Мажус эрасининг боши бўлмиш Яздижард давлатининг қўлдан кетишидан оламиз ва унга бу китоб аввалларида айтилган сабабга кўра етмиш йил орттирамиз. Мажмуани бир юз йигирмага тақсим этамиз; бундан чиққани кабисали ойларнинг [йиллар кабисалари] бекор қилинган вақтдан ҳисобланган ададлари бўлади. Кейин эра [йиллари] жумласидан кабисали [йиллар] ададига мос келадиган ойларни ажратамиз; шунда кўрамиз: агар йиллардан ҳеч нарса қолмаса⁵⁹² — тарихлар [эронликларда] асоссиз бўлгани сабабли || — тахминан йил кабисали бўлади, агар [бирор нарса] қолса, кабисали бўлмайди. Кейин [юқорида айтилгандан] чиққан кабисали [йиллар] ойларини ўз йилимиз бошига қўшамиз ва ниҳоятланган жойини наврўз деб оламиз. Шунда наврўз хусравлар замонидаги ўрнида келган бўлади. У вақтда Наврўз эронликлар зижларида ҳисобланган ёзги Қуёш туришига тўғри келар эди.

Ал-Муътазид эрасига келсак, бунда фарвардин моҳ аломатини [мана шундай] билинади: унинг тамом бўлган йилларига чоракларини ва мажмуига ҳамиша тўрту чоракни орттирсак ва чиққан сонларни ҳафталарга бўлиб ташласак, фарвардин моҳ белгиси қолади.

Йил боши белгисини аниқлаб, фарвардин моҳдан бошқа ой белгисини билмоқчи бўлсак, фарвардин моҳдан олдин ўтган обон моҳдан бошқа ҳар бир ой учун фарвардин моҳ аломатига икки кун орттирамиз. Обон моҳ учун эса фақат кабисали йилда бир кун орттириб, бошқа йилларда уни бекор ва эътиборсиз қолдирамиз. Кейин ҳаммасини ҳафталарга бўлиб ташласак, ўша [матлуб] ой белгиси қолади.

Бу эрнинг кабисали йилини билишда унинг тамом бўлган йилларини тўртларга бўлиб ташлаймиз, шунда агар ҳеч нарса қолмаса— йил кабисали, қолса кабисасиз бўлади.

Бу қадар узайтирилган баён [ҳурматли китобхонларга] кифоя қилар деб умид этамиз.

Тангрига ўзига муносиб кўп ҳамдлар бўлсин.

ПАЙҒАМБАРЛИК ДАЪВО ҚИЛГАН КИШИЛАР ВА УЛАРНИНГ АЛДАНГАН УММАТЛАРИ — УЛАРГА ОЛАМЛАР ЭГАСИНИНГ ЛАЪНАТИ БЎЛСИН — ТАРИХЛАРИ УСТИДА СЎЗ

Пайғамбарлик даъво қилган кишилар тарихи устида сўзлаймиз. Биз [бу китобда] келтирган пайғамбарлар ва подшоҳлар орасидаги [даврларда] бир гуруҳ сохта пайғамбарлар чиққан. Уларнинг [ҳаммасини] санашга ва улар ҳақидаги хабарларни баён этишга бу китоб қисқалик қилади. Уларнинг баъзиларига ҳеч ким эргашмай ҳалок бўлган ва ўзидан кейин номидан бошқа нарса қолмаган. Баъзиларига эса маълум халқлар эргашган, унинг қонунилари шу одамлар ўртасида сақланиб қолган ва булар унинг тарихини ишлатганлар. Сохта пайғамбарлардан энг машҳурларининг эраларини баён этишимиз керак, чунки бунинг улар аҳволини билишга ҳам фойдаси бор.

Зикр қилинган [сохта пайғамбарларнинг] аввалгиси Будосафдир. У Таҳмурас подшоҳлигидан бир йил ўтганда Ҳиндистон заминида юзага чиқди ва ўзи билан форс тилида [битилган] китоб олиб келди. Будосаф сабийлик⁵⁹³ мазҳабига даъват этди ва унга кўпчилик халқ эргашди.

Пешдодий подшоҳлари ва Балхда турувчи каенийларнинг баъзилари то Биштосф⁵⁹⁴ подшоҳлигидан ўттиз йил ўтиб, Зардушт юзага чиққан вақтгача, икки ёритқични⁵⁹⁵; юлдузлар ва барча унсурларни улуғлар ва муқаддас ҳисоблар эдилар.

[Ҳозиргача] собийларнинг Ҳарронда қолганлари турган жойларига нисбатланиб «Ҳаррония» деб атадилар. Баъзиларининг айтишича, «Ҳаррония» Иброҳим алайҳиссаломнинг биродари бўлмиш Ҳорон ибн Тараҳга нисбат бўлиб, у собийларнинг бошлиқлари орасида динга жуда берилган ва унга қаттиқ ёпишган киши экан. Христиан ибн Синкило⁵⁹⁶ собийлар тушунчасини бекор қилишни мўлжаллаб, ёлғон-яшиқлар билан тўлғизган || китобида собийлардан шундай ҳикоя қилади⁵⁹⁷. Уларнинг айтишларича, Иброҳим алайҳиссалом улар тўдасидан ўзининг эрлик олати учидан песлик бўлгани сабабли чиқиб кетган. Собийлар шундай касалга учраган кишини нажас деб, ўзларига аралаштирмас эдилар. Шу сабабга кўра, Иброҳим ўз олатининг учидан терисини кесган, яъни ўзини-ўзи хатна қилган ва санамлар уйларида бирига кирган. Шунда санамлардан бирининг: «Эй Иброҳим, биргина айб билан тўдамиздан чиқиб, икки айб билан [қириб] келдинг! Чиқ, қайтиб бизга келма?» — деган овозини эшитган. Иброҳим ғазабланиб, [санамларни] синдирган

ва улар орасидан чиқиб кетган. Сўнгра у қилган ишига пушаймон бўлиб, [собийлардаги] ўз авлодини қурбон қилиш одатига кўра ўз ўғлини Муштарий юлдузига атаб сўймоқчи бўлган. Муштарий юлдузи [Иброҳим] тавбасининг рост эканини билгач, [ўгли ўрнига], бир қўчқор қурбон қилган.

Шунингдек, христиан Абдулмасиҳ ибн Исҳоқ ал-Киндий⁵⁹⁸ Абдулло ибн Исмоил ал-Ҳошимий китобига [берган] жавобида собийлар ҳақида [бундай] ҳикоя қилган: «Улар одамларни қурбон қилиш билан машҳурлар, лекин ҳозирги кунда ошқоро равишда бу ишни қилишлари мумкин эмас».

Биз уларнинг тангрини яккаю ягона деб билувчи ва [ҳамма] ёмонликлардан уни покловчи одамлар эканларини биламиз, холос; тангрини ижобий эмас, «у чекланмайди, кўрилмайди, зулм қилмайди, жавр қилмайди» каби салбий сифатлар билан тавсифлаб, «энг яхши исмларини»⁵⁹⁹ мажозий равишда унга берадилар. Чунки улар фикрича, [тангрининг] ҳақиқий сифати йўқ. [Олам] тадбирини фалак ва унинг унсурларига нисбат бериб, уларни «тирик, сўзловчи, эшитувчи, кўрувчи» дейдилар ва нурларни улуглайдилар.

Дамашқ масжиди жомесида мақсура⁶⁰⁰ олдидаги меҳроб тепасига қурилган гумбаз [собийлар] асарларидандир. Юнонликлар ва румликлар собийлар динида бўлган замонларда [шу гумбаз таги] намоз ўқийдиган жойлари эди. Кейин яҳудийлар қўлига ўтди, улар буни ибодатхона қилдилар. Сўнгра уни христианлар эгаллаб, черковга айлантирдилар, ниҳоят ислом [дини] ва унга инонувчилар келиб, уни масжид қилиб олдилар.

Абу Маъшар ал-Балхий ибодатхоналар ҳақидаги китобида айтгандек, [собийларда] махсус ҳайкаллар ва Қуёш номлари билан аталган маълум шакллардаги санамлар бўлган. Масалан, Баълабакдаги ибодатхона Қуёш санами учун эди. Ҳаррон [ибодатхонаси] эса Ойга нисбатли бўлиб, Ой шаклида «тайласон»га⁶⁰¹ ўхшатиб қурилган эди. Ҳаррон яқинида Саламсин деб аталадиган ва қадимги номи «Санам Син», яъни «Ой Санами» деган бир қишлоқ, Тараъуз, яъни «Зухра Дарвозаси» номи бошқа бир қишлоқ ҳам бўлган.

Айтишларича, Каъба ва унинг санамлари собийларники бўлиб, уларга ибодат қилувчилар ўшалар жумласидан бўлган. Лот [санами] Зухал номига, Уззо эса Зухрага аталган.

Собийларнинг кўпгина пайғамбарлари бўлиб, уларнинг аксари юнонлик файласуфлардир. Масалан, мисрлик Ҳирмис, Ағодимун, Волис, Фисоғур⁶⁰², Бобо ва Афлотуннинг она томонидан бобоси бўлмиш Сувор⁶⁰³ ва шуларга ўхшашлар. Буларнинг баъзиси қалтироқ бўлишдан кўрқиб — балиқни, ҳамиша иситмали ҳолатда бўлгани учун — жўжани, бошни оғритиши ва қонни ёки олам барпо бўлишининг асоси бўлмиш эрлик уруғини куйдириши сабабли — саримсоқни, зехни ўтмас қилиб, бузиши сабабли — ловияни — бу дастлабки ҳолда инсон калла суягида ўсган — [ейишни] ўзига харом қилган.

206 Собийларнинг || уч вақт фарз намозлари бўлиб, биринчиси Қуёш чиқиш олдида саккиз ракат, иккинчиси Қуёш осмон ўртасидан оғишидан олдин беш ракат, учинчиси Қуёш ботиш олдида беш ракатдир. Ҳар бир ракатда уч марта сажда қиладилар. [Фарз намоздан бошқа] кундузи иккинчи соатда яна кундузи тўққизинчи соатда ва кечаси учин-

чи соатда нафл намоз⁶⁰⁴ ўқийдилар. Улар намозларни поклик ва таҳорат билан адо этадилар, жунубликда ғусл қиладилар, лекин хатна қилдирмайдилар, чунки бу бизга буюрилмаган, деб даъво қиладилар.

Собийларнинг никоҳ ва жазо масалаларидаги кўпчилик ҳукмлари мусулмонлар ҳукмларига, ўликларга тегилганда нажас бўлиб қолиш ва шунга ўхшаш масалалардаги [ҳукмлари] Тавротникига ўхшайди. Уларнинг юлдузларга, ўз санамлари ва ибодатхоналарига аталган қурбонликлари ва [жонлик] сўйишлари бор. Буларни [сўйишни] коҳин ва жодугарлар ўз устларига олганлар. Улар шу [йўл] билан келгусида қурбонлик қилувчида бўлиши мумкин [аҳволни] ва унинг саволларига жавоб беришни билиб оладилар.

Ҳирмис — Тавротда Ихнух дейилган. Идрис номи билан ҳам аталади, баъзиларнинг айтишича, Будосаф — бу Ҳирмисдир.

Баъзиларнинг айтишича, ўша ҳаррониялар ҳақиқатда собийлар эмас, балки улар китобларда «хунафо» ва «васания»⁶⁰⁵ деб аталувчилардир. [Гўё] собийлар Бобилда қолиб, Курш даврида ва Артахшаст замонида Байтулмақаддасга қараб ҳаракат қилган [яхудий] қабилаларидандир. Улар мажусий шариатига мойил бўлдилар ва Бухтанассар динига ўтиб, Суриядаги сомирийлар сингари мажусийлик ва яҳудийлик қоришган бир мазҳабни тутдилар.

Собийларнинг кўпчилиги Воситда⁶⁰⁶, Жаъфар вилоятидаги Савод Ироқда, Жомидада ва икки Сила анҳори [қирғоғида] учратилади. Улар ўзларини Ануш ибн Шисга нисбат берадилар, собийлар ҳарронияларга қарши бўлиб, уларнинг мазҳабларини айблайдилар, фақат баъзи нарсалардагина улар [эътиқоди] мувофиқ келади. Ҳатто улар намозни шимолий қутб томонга, ҳаррониялар эса жанубий [қутб] томонга қараб ўқийдилар.

Аҳли китоблардан баъзисининг гумонича, Матушоликнинг Ламакдан бошқа Собий исми ўғли бўлган. Собийлар унинг исми билан аталганлар.

[Бу] одамлар шариатлар зоҳир бўлиши ва Будосаф юзага чиқишидан бурун шаманийлар⁶⁰⁷ бўлиб, ернинг шарқ томонида турар ва бутларга сиғинар эдилар. Уларнинг намояндалари ҳозир Ҳиндистон, Хитой ва туғузғузлар орасида учрайди. Уларни хуросонликлар «шаманон» деб атайдилар. Шаманийларнинг ёдгорликлари — санамлари учун қурилган оташхоналари ва бутхоналари Хуросоннинг Ҳиндистонга туташган чегараларида учратилади. Улар: «Олам қадимдан бор, руҳлар жасаддан-жасадга кўчиб юради, фалак чексиз бўшлиққа туширилган, шунинг учун у айланма ҳаракат қилади, чунки юмалоқ нарса ўрнидан тушириб юборилганда юмалаб тушади», — деб гумон қиладилар.

Улардан баъзилари оламнинг кейин пайдо бўлганига иқрор бўладилар ва унинг [борлиқ] умри минг марта минг йил бўлиб, бу тўртга бўлинган, дейдилар.

Биринчи бўлаги — тўрт юз минг йил, бу — тинчлик ва яхшилик замони⁶⁰⁸. Иккинчиси уч юз минг йил, бунда яхшилик аввалгидан камроқ. Учинчиси — икки юз минг йил, бунда яхшилик аввалги иккала қисмдигидан камроқ. Тўртинчиси — юз минг йил, бу ёмонлик ва бузқўчилик замонидир, биз охиригисида [яшаймиз].

Ҳижрат тарихининг уч юзинчи йилига⁶⁰⁹ яқин таълиф этилган

китобларда: «Шу қисмдан ўн икки минг икки юз қирқ йил ўтди»,— дейилган.

[Шаманийларнинг] баъзилари Одамнинг [барча инсонлар] отаси эканига иқрор бўлади, баъзилари эса [буни] инкор этиб, ҳар бир тоифани алоҳида отага нисбат берадилар. Улар: «Агар дастлаб ота битта бўлганда, гавда тузилишлар ва кўринишлар албатта бир-бирига ўхшаш бўлар, тиллар ва луғатлар мувофиқ келар эди»,— дейдилар.

Бу гапнинг қайси далилга асосланганини билмайман. Чунки [одамлар] тузилишларининг ранг, сураг, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларнинг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг [одам] яшайдиган жойларининг турличалигидан ҳамдир. Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларини ифодалаш учун [зарур] бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Узоқ замонлар ўтиши билан ҳалиги иборалар кўпайиб, ёдда сақланган ва такрорланиш натижасида таркиб топиб, тартибга тушган.

Шаманийлар ва ҳиндларнинг биринчи буддо ва ундан кейинги буддо ҳақидаги ривоятлари орасида эшитувчини ҳайрон қолдирадиган хабарлар бор. «[Гўё] унинг бош томонида⁶¹⁰ нур бирга борар, у ердан бир қарич чамаси кўтарилиб, ҳавода юрар эмиш». Туғилиш ва ўлишдан қутулиш⁶¹¹— бундан таносухни кўзда тутадилар — воситаси бўлган буддосафликка ва буддийликка қандай қилиб эришиш тўғрисида ҳам ажойиб ривоятлар бор. ||

75

Юнонликлар гумонича, қонунлар ва шариатларни инсонлар насаби бориб тақаладиган Зовс ижод этган. Оламнинг кейин пайдо бўлганлигини иқрор этувчилар Зовсни башариятнинг биринчи⁶¹² отаси деб гумон қиладилар. Олам қадимдан бор деб, унинг кейин вужудга келганини инкор этувчилар, қачон ерда одамлар кўпайиб кетса, тўсатдан тўфон [келиб], уларни йўқ қилиб юборади. Кейин янгидан [олам] пайдо бўлиб, одамлар бир-бировлари билан дўст ва ёр бўладилар, охир насллари кўпаяди. Шунда кўпайиш билан бирга ораларида душманлик, бир-бирини кўролмаслик ва нафсоният пайдо бўлиб, ниҳоят бу бетинчликлар, урушлар ва бошқа ёмонлик ҳамда кўнгилсизликларга сабаб бўлади. Иш охирига ва чегарасига етгач, яна тўфон қайтиб келади, дейдилар.

[Бу гуруҳ]: қонунлар⁶¹³ ижод этган Зовс одамларнинг ҳозирги давримизга энг яқинда бўлиб ўтган тўфондан кейинги отасидир, деганлар, Афлотуннинг «Қонунлар китоби» да бунга ўхшаш ва мос келадиган [сўз] бор.

Кейин озарбайжонлик Зардушт ибн Сафид Тумон юзага чиқди. У Манучеҳр подшоҳ наслдан, муғлар хонадонидан, уларнинг кўзга кўринган кишилари⁶¹⁴ ва улуғларидан эди. Бу [ҳодиса] Биштосф подшоҳлигидан ўттиз йил ўтгандан [кейин] рўй берди. [Зардушт] икки ёни — ўнг ва сўли қирқилган кўйнак кийган, белига хурмо пўстлогидан зуннор⁶¹⁵ боғлаган, оғзига шолдан сузғич⁶¹⁶ тутган, ёзувлари ўчиб кетган бир варақни — қоғозни қўлига ушлаб, кўкрагига қўйган ҳолда юзага чиқди.

Мажусийлар гумонича, Зардушт осмондан кундуз ярмида Балхдаги бир айвон томига тушган. Том ёрилиб, Биштосф кундузги уйқудан уйғониб қетган. Зардушт уни мажусийликка, тангрига имон келти-

риб, уни пок ва муқаддас билишга, шайтонга ибодат қилмасликка, подшоҳларга бўйсунушга, ўз табиатини ислоҳ этишга ва энг яқин киши-сига уйланишга даъват этган. Аммо оналарга уйланиш хусусида лашкарбоши Марзубон ибн Рустамнинг маъна бундай ҳикоя қилаётганини эшитдим: «Зардушт буни мажусийларга буюрмаган. Фақатгина Биштосф Зардушт атрофига ўз замонининг донишманд ва олимларини йиққан ва улар Зардуштдан сўраган масалалари орасида одамлардан ажралиб, онаси билан турган ва ўз наслининг узилиб қолишидан қўрқиб, ўз онасидан бошқа аёл билан алоқада бўлишга йўл топмаган киши ҳақида савол берганларида, Зардушт у кишининг ўз онасига яқинлик қилиши мумкин деб фатво берган, холос».

Зардушт мажусийлар «Абисто» деб атайдиган китоб билан [юзага] келди. Бу китоб барча бошқа халқлар тилларига муҳолиф бир тилда [ёзилган] ва алоҳида тартибда бўлиб, махсус бир тил эгалари билиб, бошқа тил эгалари билмай қолмаслиги учун [у тилдаги] ҳарфлар сони ҳамма тиллар ҳарфларидан ортиқ эди. Зардушт бу китобни Биштосфнинг олдига қўйди, Биштосф мамлакатининг улуғлари ҳозир эдилар ва мамлакат аҳолисидан кўп халқ йиғилган эди. Зардушт мис эритишга буюрди, мис эритилди. Шунда Зардушт: «Тангрим, агар бу мен билан шу подшоҳга юборган китобинг бўлса, миснинг зарарини мендан қайтар!» — деди.

Кейин у [эритилган мисни] устидан қуйишга буюрди. Мисни унинг кўкраги ва қорнига қуйиб юборган эдилар, устидан оқа бошлади ва майдаланиб ҳар бир мўйига юмалоқ мис шар бўлиб осилди. Бу шарлар мажусийлар ҳукмронлиги даврида уларнинг хазиналарида сақланаётганини эшитдим.

Биштосф [Зардуштга] розилик билдирди ва унинг даъватини қабул этмай турганида худонинг олдидан фаришталар келиб, уни Зардуштга имон келтиришга буюрганларини айтди. Шундан кейин Зардушт ўз динига даъват қилиб етмиш йил, [баъзиларнинг] айтишича, қирқ етти йил умр кўрди.

Ибронийлар Зардушт Илёс пайғамбар шогирдларидан эди, деб даъво қиладилар. Зардушт [ўзининг] «Туғилиш китоби» да болалик вақтида Ҳарронда ҳикматшунос Илёсдан илм ўрганганини айтган.

|| Румликлар даъвосича, Зардушт Мувсулдан бўлган. Эҳтимол улар Озарбайжон чегараларини Мувсул чегараларига қўшиб, шундай деган бўлсалар керак.

Юнонликлар [бундай] дейдилар: «Аммунийнинг файласуфлар фикрларини баён этиш мақсадида тузган китобида ҳикоя қилишича, Фисоғурнинг иккита шогирди бўлиб, бирини Қалоюс, иккинчисини Файлакус деб аташар экан. Қалоюс Ҳиндистон мамлакатига бориб, Бараҳманлар [таълимоти] нисбат бериладиган Бараҳмаш унга етти йил шогирд бўлган ва ундан Фисоғур таълимотини ўрганган. Қалоюс ўлгач, Бараҳмаш [янги] фикрлар ижод этиб, буларни Фисоғур таълимотига қўшган.

Файлакус эса Бобилга борган. У билан Пурушосфнинг ўғли Сафид Тумон деб машҳур бўлган ва Зардушт номи билан танилган Вортуш учрашган ва ундан таълим олган. Файлакус ўлгач, Зардушт Сиблон⁶¹⁷ тоғига кириб, бир қанча йил шу ерда яшаган. Ниҳоят китобини тузиб, у янгиликларини юзага чиқарган».

Тўғриси шуки, Зардушт Озарбайжондан бўлган. Эҳтимол, унинг туғилиш ҳақидаги китобида зикр қилишча, у ўз отаси билан Ҳарронга бориб, ҳикматшунос Илюсга учраган ва ундан [илм] истифода этган, деб бизга унинг ҳақида ҳикоя қилинган [қишидир].

Йилнома китобларида бундай дейилган: Шопур Зул Актоф подшоҳлигининг охирида мажусийликка мухолиф бир халқ пайдо бўлди. Дусар ибн Манучеҳр қабиласидан⁶¹⁸ Одарбод ибн Мораспанд улар билан баҳслашиб, ғалаба қозонди. Кейин уларга мана бу аломатни кўрсатди: эритилган мисни ўзининг кўкрагидан қуйишга буюрди, мис қуйилди-ю, унга зарар қилмай қотиб қолди. Шунда Шопур унинг болаларини Зардушт болалари қаторида мубадлар орасида ўз мубадларига⁶¹⁹ айлантирди. [Зардушт] келтирган Абисто китобидагиларни билиш ҳаммага умумий эмас, фақатгина мажусийлардан диенати ишончли, тутган йўли динлари арбоби қошида мақталадиган кишига хос эди. Бундай кишига ҳам дин арбоби томонидан шу хусусда битилиб муҳрланган ҳужжат бўлгандагина рухсат бериларди.

Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида [Абистонинг] ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери Абистонинг бешдан учи⁶²⁰ йўқолиб кетди. Абисто ўттиз «наск» эди, мажусийлар қўлида ўн икки наск чамаси қолди. Биз Қуръон бўлақларини ҳафтияклар деганимиздек, наск Абисто бўлақларидан ҳар бир бўлакнинг номидир.

Астрологларнинг қай бири Зардушт ва ундан кейин чиққан баъзи [қишилар] пайғамбарлигининг ёлғонлигига далил келтириб, бундай дейди: «Кенглиги ўттиз уч даражадан ортиқ жойдан чиққан пайғамбар, сайёралар унинг жойига рўпара келмаслиги сабабли, пайғамбарлик даъво қилишда ҳақли бўлмайди. Чунки бу адад Зухро кенглиги томон энг катта мойиллик мажмуидир, Зухро эса кенглиги жиҳатдан энг катта сайёрадир. Бу далил ҳақиқатга мувофиқ бўлиб, ундан четга чиқмаганда ҳам кучсиздир.

У вақтда Биштосфнинг Жомосп исмли вазири бор эди. У Зардуштга имон келтирди ва унга тобе бўлди. Бунинг бир китоби бўлиб, унда: «Зардушт юзага чиққандан минг беш юз йил ўтганда давлат [эронликларга] қайтади», — дейилган. Эраларни текширувчилар сўзига кўра, Искандар подшоҳлигидан минг икки юз қирқ икки йил ўтганда у муддат тугаган; шу вақт ичида || биз кейин баён этадиганлардан бошқа [сохта пайғамбарлар] юзага чиқмаган. Лекин мажусийлар сўзига қараганда, у муддат тугамаган, чунки юқорида айтганимиздек, улар «қабилла подшоҳлари» муддати тўғрисида шубҳаланадилар, улар сўзича, у муддат давлатлари кетиб, охирги подшоҳлари бўлмиш Яздижард ибн Шаҳриёр ўлдирилишининг беш юз ўттизинчи йили тамом бўлганда тугаши керак.

Пайғамбарларнинг ҳар бири ўздан кейинги пайғамбарнинг юзага чиқишига ишора қилган. Биз Мусо ва Исонинг — икковига саломлар бўлсин — ва улар оралигидаги пайғамбарларнинг ишораларидан бир қисмини ва у ишораларнинг ҳақиқий баёни пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга боришини айтдик. Сўнгра ўзини пайғамбар кўрсатган ёлғончилар уларга тақлид қила бошлади. Улардан баъзиси ўзининг

қайтиб келишини ваъда қилса, бошқаси ўзидан кейин унинг ишини кучайтирувчи биров юзага чиқишини ваъда қилган. Балки ўзини овунтириш ва давлат қайтиб келади деб нафсини қувонтириш учун уйдирма [гаплар] тўқимаган халқ кам учратилади. Чунончи, Ҳимяр қабиласи ҳам «Биз Зафор⁶²¹ шаҳри дарвозасида [қуйидаги] ёзувларни кўрдик» деб, ўзларига [давлат қайтиб келишига] умид қиладилар:

«Зафор ҳукумати кимники? Яхши ҳимярийларники.

Зафор ҳукумати кимники? Ёмон ҳабашликларники.

Зафор ҳукумати кимники? Озод эронликларники.

Зафор ҳукумати кимники? Савдогар қурайшийларники.

Зафор ҳукумати кимники? Ҳимярийларга қайтади, яъни уларга қайтиб келади».

Ёлғончилардан бир гуруҳи ошкора равишда ва очиқдан-очиқ [динга] таъна қилиш мумкин бўлмагач, кўринишда пайғамбарларни тасдиқ этиб, «кўпик ютаётганларини яширдилар»⁶²². Дўст кўриниб, душманлик қилдилар⁶²³ ва тузатаётган бўлиб, буздилар. Масалан, бу динга таъна қилишда ўз замонининг энг машҳур кишиси бўлган Аҳмад ибн Таййиб ас-Сарахсий икки бахтсизлик [ёритқичининг⁶²⁴] бахтсизлик буржи, яъни Саратонда бир-бири билан учрашуви ҳақида китоб ёзган ва уларнинг учрашувларини ҳижратдан олти ой илгари рамазондан уч кун ўтганда якшанба кунининг бешинчи соати охирида қилиб кўрсатган. У Зуҳронинг арабларга ўтган давлат устидан ҳукмронлигини астрология далиллари билан исботлаган. Унинг ҳисобича, Зуҳро [шу вақтда] Ҳут буржининг ўн саккизинчи даражаси ва йигирма еттинчи минутида бўлиб, унинг бурж охирига бориши учун ўн бир даража ва ўттиз уч минут қолган. Булар ҳисобга олинганда, олти юз тўқсон уч [минут] бўлган. Шунда у ислом давлатининг ўша минутлар миқдорича йиллар⁶²⁵ давом этишига ҳукм қилган ва буни мана бундай исботлаган: Қуръондан маълум суралар бошидаги «алиф, лом, мим,» «алиф, лом, мим, сод» ва «алиф, лом, мим, ро» ва булар каби алоҳида ҳарфларни жам қилиб, уларнинг такрорларини ташлаган. Қолганларини ҳарф рақами билан ҳисоблаганда, олти юз тўқсон уч бўлган. Араблардан давлат кетишини ва ислом динининг ўзгаришига умид этувчилар бу [ҳукмга] ёпишиб олдилар. Диёнати кучсиз мусулмонларнинг дилларига йўқ нарсалар келди, улар аввало, бунинг астрономлар фикрича,, тўғри эмаслигини билиш учун тўғри фикр юргизмадилар.

|| Агар бу астрономларча тўғри бўлса эди, улар албатта, кузатишларини қўйиб, пайғамбарларнинг рамзларига мурожаат қилар, ҳатто улардан ёритқичларнинг жойларини, уларнинг даража ва минутларини билар эдилар. Шу билан бирга, пайғамбар алайҳиссалом [қиймат] соатидан бошқанинг дарагини бермади ва фақат ўз динининг барча [бошқа] динлар устидан ғолиб келиш, араб давлатининг қийматгача ташиб кетиши пайғамбарликнинг ўзи билан тугалиши ҳақида хабар берди. Агар у ҳарфлардан шу ҳисоб мақсад бўлганда эди, уларни такрорлаш, албатта, бекорчи гап бўларди. У [ҳисобни] пайғамбар алайҳиссалом [ҳаммадан] яхши билиб, масалан, ҳузурига яҳудийларнинг донишманд ва коҳинлари келганда шу ҳисобни далил қилар эди; Каъб ибн ал-Ашраф, Ҳуяййи ибн ал-Ахтаб, Ибн Ёсир, Ибн Абу ал-Ҳақиқ, Кинона ибн ар-Рабиъ, Рафоа ибн Зайд ибн ат-Тобут ва Ибн Сурё [қабилар] келганда шу ҳисобни далил қилар, пайғамбардан унга туширилган сурани билишни истаганларида пайғамбар «алиф, лом, мим»ни ўқиди. Шун-

да улар: «Давлатинг етмиш бир йил давом этади»,—дедилар. Расулулло эса: «Менга булар билан бошқалари ҳам туширилган»,—деб, бошқа алоҳида [ҳарфларни] санаб ўқий берди. Қоҳинлар унинг ҳузуридан туриб: «Ишинг бизга мушкуллик келтирди-ку!»—дедилар, шунда пайғамбар алайҳиссалом такрорланган ҳарфларни [ташламасдан] ўқиди.

Ас-Сарахсийнинг қачондан бери Қуръон оятларини далил қиладиган бўлганини билсам эди! Ҳолбуки, илгари унинг бўямачилар, яъни пайғамбарларни айтмоқчи, сирларини очиш ҳақида китоб ва мақоалари бўлиб, шуларда у пайғамбарларни масхаралаб, уларнинг шаниларига лойиқ бўлмайдиган сўзлар билан ёдлаган эди, «ёмон макр ўз кишиларида бошқани ўрамайди»⁶²⁶. Агар унинг ёрдамчи ва ҳимоячиларидан бири, ас-Сарахсий у гапни ўша муддатдан кейин⁶²⁷ қиёмат бўлади деган мақсадда айтган, деб баҳона кўрсатса, у қуръон исбот этган нарсанинг хилофини даъво қилган бўлади. Худойи таоло: «[Муҳаммад], сендан қиёмат қачон бўлишини сўрайдилар, сен бу ҳақда нима деб жавоб берасан? «Уни раббим билади, қай вақтда бўлишини ундан бошқа биров очиқ айтолмайди. У осмонда ҳам, ерда ҳам қўрқинчли бўлади, у сизларга тўсатдан келади»,—дегин! Улар сени қиёматнинг қачон бўлишини яхши билади деб уни сендан сўрайдилар. Сен: «Уни фақат худо билади, лекин бошқа одамлар билмайдилар»,—дегин»⁶²⁸ деб буюрган.

Кейин [пайғамбар] алайҳиссалом: «[Қиёматнинг қачон бўлишидан] сўралувчи сўровчидан биладиганроқ эмас»,—деди. Энди [қиёматдан] баҳс этувчиларнинг тамаларини кесадиган, унинг яширинлигини очиқ ва етарли исботлайдиган бундан ортиқ қандай жавоб ва ҳужжат бўлсин!

Шу билан бирга мунажжимлар фикрича, тадбирлар⁶²⁹ Ҳут [буржи] охирига етиш билан тўхталиб қолмайди. Искандарнинг эронликлар устидан ғалаба қозониши «қисмат»⁶³⁰ Зуҳро чегараси бўлмиш Ҳут буржи бошига етганда юз берди, ҳар бир бурж учун минг йил кераклиги ҳам [маълум]. «Қисмат» Зуҳро чегарасидан Ироқ ва [бутун] кун чиқиш далили бўлмиш Муштарий чегарасига кўчганда, Ардашир ибн Бобак юзага чиқди.

Сўнгра «қисмат» Зуҳро «юқори даража»сига, яъни Ҳутнинг йигирма еттинчи даражасига етганда араблар эронликлар устидан ғалаба қилди. Зуҳро [ҳут] буржининг қолган даражаларида ҳукмронлик қилган [муддатда] давлат фақат араблардагина қолди. «Қисмат» Ҳамал буржидан Муштарий чегарасига ўтгач, Абу Муслим⁶³¹ Хуросон аҳолисидан бўлган қора кийимликлар билан бирга юзага чиқди.

Кейин «қисмат» Зуҳро чегарасига етганда, Дайлам давлати бошланиб, Бувайх хонадони ҳукмрон бўлди. Демак [мунажжимлар] фикрича, тадбирлар Ҳут охирига етиб ўзилиб қолмади. Лекин у жоҳил [ас-Сарахсий] ўзини гўлликка солиб, «уялмасанг хоҳлаган ишингни қилавер» дегандек, хоҳлаган нарсасини гаширавериш даражасига етди.

79 Ҳаммасидан қизиқроғи шуки, || у минутлар йилларнинг ададларидан далолат беради, деди. Ҳолбуки, давримиз мунажжимлар билан тўла, улар йиллар ададларидан минутлар эмас, даражалар далолат беришини кўрсатдилар. Шу билан бирга, минутлар ва уларнинг касрлари қачондан бери кенглик ўлчанадиган миқдорлар даражасига етиб ишлатилишлари қабул этилган ва мувофиқ топилган? Агар [ас-Сарахсий] бутун ададларни касрлари билан қўшиб ва бир хилликка келтириш билан кифояланса, у билан ўша бутунларни минутлардан кам билган ва дало-

лат қилаётган ададини бирин-кетин кўпайтирадиган ва бениҳоят узайтирадиган касрларга туширувчи киши орасида қандай фарқ бор? Ёки у билан алоҳида ҳарфларни ҳисоблашда такрорланган ҳарфларни ташламайдиган киши орасида қандай фарқ бор? Агар такрорланган ҳарфларни ташламаганида, бу киши учун уч минг тўрт юз эллик етти [йил] ҳосил бўлади.

Биз⁶³² келтирадиган астрономияга тегишли || маънода [Астрологлар] бизга қаршилик қилмаслар⁶³³ деб гумон қиламиз, чунки астрономия илмида улар билан ҳамкормиз. Шундай бўлгач, далил кўрсатувчининг далили ва уни изоҳловчининг изоҳи бирор вазн билан бирон маънога эга эмас.

Биз айтиб ўтган ана шу «қисмат» масаласи чегаралар хусусида мисрликларга гувоҳлик беради. Чунки Зухронинг Хут буржида бўлиш муддати, мисрликлар сўзича, тўрт юз йил, Батлимус сўзича, икки юз олтмиш олти йил. Биз юқорида Искандар билан Ардашир орасидаги муддатнинг тўрт юз йилдан ўтиб кетишини айтиб, уни тузатишга уриндик. 207

Энди [мақсадга] қайтиб сўзласак, эронликлар Зардушт келтирган мажусийликни дин тутдилар ва улар Исони кўкка кўтариб, [унинг] шогирдлари [ўн икки ҳаворий] Исо динига даъват [қилиш] мақсадида ҳар томонга тарқалмагунча, мажусийликда мазҳабларга бўлиймадилар ва ихтилоф қилмадилар. Исонинг шогирдлари мамлакатларга тарқалгач, баъзилари Эрон мамлакатига бориб қолди. Ибн Дайсон ва Марқиюн иккови Исо даъватини қабул этган кишилардан бўлиб, унинг сўзларини эшитган эдилар. Иккови Исо сўзидан бир қисм ва Зардушт томонидан эшитганларидан бир қисм олиб, ҳар бири шу икки сўздан икки қадимги асл мазмунни ўз ичига олган бир мазҳаб тузди ва ҳар бири биттадан инжил чиқариб, уни [Исо] Масихники қилиб кўрсатди ва ундан бошқа [инжилларни] ёлғонга чиқарди. Ибн Дайсон юрагига худонинг нури жойлашганини даъво қилди. Лекин булар [Инжилларининг Исо инжилга] муҳолифлиги улар икковини ва уларга эргашганларни христианлар жумласидан чиқарадиган даражага етмади. Уларнинг инжиллари ҳамма масалаларда ҳам христианлар инжилига қарама-қарши қўйилмади, балки бу икки [инжилда] ортиқ ва камлик юз берди, холос. Тангри билимдонроқдир.

Сўнгра [Будосаф ва Зардушт] икковидан кейин Фодарун шогирди Моний келди. У мажусийлар, христианлар ва «санавия»⁶³⁴ мазҳабларини билган эди. У пайғамбарлик даъво қилди. У ўзининг Шопур ибн Ардаширга [атаб] ёзган «Шопурақон» номли китобининг бошида: «Ҳикмат ва яхши амаллар доимо [худонинг] элчилари вақти-вақти билан келтириб турганларнинг ўзидир. Бир замон у [ҳикмат ва яхши амаллар] Буд исмли элчи орқали Ҳиндистон мамлакатига, бир замон Зардушт орқали Эрон заминига ва бир замон Исо орқали Мағриб заминига юборилган. Сўнгра бу охириги асрда мен Монийга — ҳақиқий худонинг элчисига — шу ваҳий туширилиб ва шу пайғамбар келтирилиб [мен орқали] Бобил заминига юборилди», — деди.

Моний абжад ҳарфлари тартибида йигирма икки ҳарф юзасидан тузган инжилида ўзини [Исо] Масих хабар берган «Форақлит» ва «пайғамбарларнинг муҳри»⁶³⁵ деб кўрсатди. У оламнинг борлиги ва кўриниши ҳақидаги ҳужжат ва далиллар натижаларига зид равишда хабар берди. Нур оламларига, қадимги инсонлар ва «ҳаёт руҳига» [ишо-

нишга] даъват этди. Нур ва зулмат қадимдан бор ва бу иккиси азалий, деди. Ҳайвон сўйишни ва унга алам етказишни, олов, сув, ўсимликларга зиён етказишни — энг очиқ сўз билан — ҳаром қилди. Сиддиқлар, яъни Моний мазҳабидагиларнинг тақводорлари ва зоҳидлари ўзларига фарз қилган қонунлар тузди. У [қонунлар] бечорачиликни ихтиёр этиш, ҳирс ва шаҳватни кўпориб ташлаш, тарки дунё қилиш ва ундан юз ўгириш, узлуксиз || рўза тутиш, имкон борича садақа бериш, бир кунлик овқат ва бир йиллик кийимдан бошқа қўр-қутни ўзига ҳаром қилиш, жинсий алоқани тарк этиш, халқни даъват қилиб йўлга солиш учун доимо дунёни кезишдан иборатдир.

Яна [монийчилар] эшитувчиларига, яъни тобеларига ва дунё ишлари билан аралашиб юриб, уларнинг сўзини қабул этувчиларга мулкнинг ўндан бирини садақа қилиш, умрининг еттидан бирида рўза тутиш, биргина хотин билан чекланиш, сиддиқларга ғамхўрлик қилиш ва касалликларини узоқлатиш каби бошқа расм-русмларни фарз қиладилар.

Монийдан ҳикоя қилишича, у инсондан шаҳват кўзғолса, ўғил болаларга яқинлик қилишни ҳалол қилган. Бунга монийчиларнинг ҳар бирига бесоқол ва силлиқ махсус бир ходим хизмат қилиб туриши далил келтирилади. Лекин мен Монийнинг ўзим воқиф бўлган китобларида бундай сўзни учрагмадим, аксинча, унинг тутган йўли [у ҳақда] ҳикоя қилинганнинг тескарисидан далолат беради.

Моний «Шобурақон» китобининг пайғамбар келиши бобида ҳикоя қилишича, у Бобилнинг юқори Кувсо ариғи [ёнидаги] Мардину деган қишлоқда Бобил мунажжимларининг йиллари, яъни Искандар тарихидан беш юз йигирма еттинчи йилда⁶³⁶ ва Озарбон подшоҳ йилларидан тўрт йил ўтганда туғилган. Ун уч ёшида, Бобил мунажжимлари йилларининг беш юз ўттиз тўққизинчи йилида ва шаҳаншоҳ Ардашир [подшоҳлиги] йилларидан икки йил ўтганда [Монийга] ваҳий келган. Бу фасл [йил ҳисобини] юқорида ашконийлар давлати ва «қабилалар подшоҳликлари» муддатини баён қилганда тасҳиҳ этдик.

Насроний Яҳъё ибн Нўъмоннинг мажусийларга қарши ёзган китобида айтишича, христианларда Монийнинг исми Қурбиқус ибн Фатақ бўлган.

Моний юзага чиққач, унга ишонувчилар ва тобелар кўпайди. Ўз инжили, «Шобурақон», «Тириклар хазинаси», «Жабборлар⁶³⁷ ҳақида китоби», «Сирлар китоби» каби кўпгина китоб ва мақолалар таълиф этди во бу асарларида [Исо] Масиҳнинг рамзларини очганини даъво қилди.

Монийнинг иши Ардашир, унинг ўғли Шопур ва унинг ўғли Ҳурмуз замонларидан то Баҳром ибн Ҳурмуз подшоҳ бўлгунча кучайиб борди. Баҳром уни то толгунча қидирди ва: «Бу [одам] оламни хароб қилишга даъват қиляпти, истагидан бирор нарса муҳайё бўлишидан олдин ўзини хароб этишга бошлашимиз керак»,— деди. Моний аҳволининг машҳур жойи шуки, Баҳром уни ўлдиртириб, терисини шилдирди ва терисига сомон тикдириб, Жундишопур⁶³⁸ шаҳрининг дарвозасига осдирди. Бу дарвоза то бизнинг замонимизгача ҳам «Моний дарвозаси» номи билан машҳурдир. Баҳром [ўша ерда] Моний даъватини қабул этганлардан кўпини ўлдирди.

Насроний Жаброил ибн Нух Яздонбахтнинг христианларга ёзган раддиясига берган жавобида ҳикоя қилишича, «Моний шогирдларидан бирининг бир китоби бўлиб, унда Монийнинг ўлими ҳақида шундай хабар беради: «Моний подшоҳга [қандайдир] бир яқинлиги сабабли қамал-

ди, у подшоҳга жин текканини даъво қилиб, уни даволашни ваъда қилди, лекин бунга қудрати етмади. Кейин икки оёғига кишан ва икки қўлига [уларни бўйинга йиғиб қўядиган] гулл солинди, схир у қамоқда ўлди. Унинг боши [подшоҳ] чодири эшигининг баланд жойига қўйилди, жасади эса [бошқаларни] кўрқитиши ва ибрат [бўлиши] учун йўлга ташланди».

Моний давватини қабул этганларнинг унга мансуб қолдиқлари бўлиб, уларнинг Самарқанддаги машҳур собийлар гуруҳидан бошқаси ислом шаҳарларининг бирон жойида жам бўлишлари мумкин бўлмайдиган даражада тарқалиб кетганлар. Ислом мамлакатидан ташқарида эса шарқ туркларининг, Хитой, Тибат аҳолисининг аксари, ҳиндларнинг баъзилари Моний дини ва мазҳабидалар. Булар Моний тўғрисида икки хил сўзлайдилар. Бир гуруҳ: «Монийда мўъжиза бўлмаган»,— дейди-да, унинг тўғрисида «[Исо] Масих ва унинг суҳбатдошлари оламдан ўтганда, у [ердан] оятлар кўтарилади» деб хабар қилди, дейдилар. Бошқа гуруҳ: «Монийда [пайғамбарлик] аломатлари ва мўъжизалари бўлган. У Шопур подшоҳни ўзи билан бирга осмонга олиб чиқиб, иккови осмон билан ер орасида ҳавода турган пайтда, Шопур унга имон келтирган ва Моний унга бу таажжуб воқеани кўрсатган»,— дейди. Яна улар: «Моний ўз суҳбатдошлари орасидан осмонга кўтарилиб, бир қанча кун у ерда турар, кейин улар олдига [қайтиб] тушар эди»,— деганлар.

Испаҳбад Марзубон ибн Рустамнинг [мана бундай] ҳикоя қилаётганини эшитдим: «Шопур Зардуштнинг пайғамбарлик даъво қилувчиларни мамлакатдан ҳайдаш [ҳақидаги] қонунига асосланиб, Монийни ўз мамлакатидан [қувиб] чиқарган ва унга қайтиб келмасликни шарт қилган. Моний Ҳиндистон, Хитой ва Тибат томонларига ғойиб бўлиб, у ерларда [ўз динига] даъват қилиб юрган ва кейин қайтиб келган. Шу вақтда Баҳром⁶³⁹ уни тутиб ўлдирган, чунки у шартни бузиб, [ўз] қонини тўкишни ҳалол қилган».

Улардан [Будосаф, Зардушт ва Монийдан] кейин Насо аҳолисидан Маздак ибн Ҳамдодон деган киши пайдо бўлди. Маздак Қабод ибн Фируз⁶⁴⁰ даврида мубадлар мубади, яъни қозилар қозиси эди. У санавийликка даъват қилди ва мазҳабининг кўп жойида Зардуштга мухалиф чиқди. У одамлар барча мол-мулк ва хотинлар масаласида бир-бирларига шериклар, деди. Сон-саноқсиз халқ унга эргашди, Қабод ҳам унга имон келтирди. Баъзи эронликлар гумонича, Қабод Маздакка фатват унинг тобелари кўпайган вақтда давлати учун хавфли бўлишидан кўрқиб, мажбурий суратда эргашган.

Баъзиларнинг даъвосича, Маздак ҳийлагарлардан бўлган. У Қабоднинг ўз амакиси ўғлининг хотинини яхши кўриб қолганини билгач, усталик қилиб шу мазҳабни ўйлаб чиқарган ва уни эълон қилган. Қабод уни дарров қабул этган. Маздак Қабодга чорва молларини то ажали етгунча сўйишни ман қилган ва унга: «[Ўғлинг] Анушервон онаси билан ётиб, ундан лаззат олмагунимча сенинг истагинг тўла муяссар бўлмайди»,— деган. Шунда Қабод унинг сўзини қабул этиб, [ўз хотинини] унинг ихтиёрига берган⁶⁴¹.

Шу вақт Анушервон Маздакнинг олдига келиб, онаси ҳақида унга сўз юритган, ялиниб-ёлборган ва онаси сабабли унинг оёқларини ўпган. Ниҳоят Маздак [Анушервон] онасини ўз ҳолига қўйиб, уни миннатдор қилган.

Анушервон подшоҳ бўлгач, унинг дастлаб қилган иши Маздак ва

унинг саҳобаларидан қўлга тушганини ушлаш ва уларнинг юзларини қуйига, орқа томонларини юқорига қилиб, чуқурларга кўмдириб ўлдиришдан иборат бўлган. Анушервон Маздакка тобе бўлган ҳамма улуғ ва атоқли кишиларни унинг эътиқодидан қайтишга мажбур қилган ва қайтмаган кишини ўлдиртирган. У доимо: «Маздак кунига боғлиқ бирон нарсага эътибор берсам, албатта, бурнимда унинг оёқларини ўпган вақтимдаги пайтавасининг ҳидини сезаман», — дер эди.

Маздакка эргашганлардан унга нисбат билан «маздакия», маздакчиларнинг дин ва мазҳабларига нисбат билан «хуррамдиния», тафсир маъносига нисбат билан «зиндикия» тоифаларигина қолди. [Тафсирга нисбатнинг] сабаби шуки, улар сўзида «занд» — тафсир, «бозанд» — таъвил⁶⁴² маъносини беради. Маздак Абисто тафсири ва таъвилининг эгасиман, деб даъво қиларди. Монийлар ҳам мажоз ва кўчма маънода шу исмга нисбат беради. Исломдаги «ботиния»лар ҳам маздакияларга нисбат берилади, чунки булар биринчи ва иккинчи [имомларини] пок яратувчининг сифатлари билан тавсиф қилишлари ва [оятларнинг] зоҳири маъноларини қўйиб, ботиний маъноларга йўйишлари жиҳатдан маздакияларга ўхшатиладилар.

Турли исмлар билан машҳур бўлган гуруҳлардан ҳар бирининг — гарчи баъзиси билинмаган бўлса ҳам — маъноси бор. Масалан, «яҳуд» исмини олсак, баъзилар бу ҳақда: улар «биз сенга томон тўғри йўл тутдик», яъни «Сен кўрсатган ҳақиқатга тобе бўлдик» деганлари сабабли шу ном билан аталганлар дейдилар-да, «яҳуд» калимасини луғавий туслаб, бу худойи таолонинг «ҳуд бўлини»⁶⁴³ деган сўзини, «яҳуд» калимаси [ўтган замонда] «ҳода» [феълидан] бўлиб, [ҳозирги келаси замони] «яҳуду», [сифатдоши] «ҳоид» ва [масдари] «ҳавд» эканига далил бўлади, дейдилар. Бу йўқ нарса, балки «яҳуд» калимаси, Еқуб алайҳиссаломнинг ўғли Яҳузога нисбатдир, чунки яҳудийлар давлати Яҳузо хонадониди эди, «зол» [ҳарфи] нуқтасиз [«дол»га] айлантирилиб⁶⁴⁴, [«яҳуд» дейилган].

Шунингдек, «насоро» калимасини олсак. Бу ҳақда баъзилар [Исо тилидан] худойи таолонинг «Тангри учун ким менга ёрдамчи бўлади» деганда, ҳаворийлар «Биз тангри учун ёрдамчи бўламиз» деганлар⁶⁴⁵ сўзининг маъносига биноан, [«насоро»] калимаси «наср» [яъни «ёрдам»] дан олинган дейдилар. Бу ҳам асосиз. Балки «насоро» калимаси Носирага, яъни [Исо] Масиҳ алайҳиссалом тушган қишлоққа нисбатдир. Уни шу қишлоққа нисбатлаб || «Ийсус ан-насоро» дер эдилар.

Шунга ўхшаш «мажус» номини олсак, баъзилар бу сўз «нажосат» дан олинган, гўё «мажуслар» «нажуслардир», «нун» [ҳарфи] «мимга» алмашинган, чунки ҳарфлар ичида бу иккови бир-бирига «ғайм» ва «ғайн», «айм» ва «айн»⁶⁴⁶ каби алмашиниб юради, деган. Ҳамза ибн Ҳасан ал-Исфажоний бунинкор этиб, «мажус» сурёнча «магуший» номининг арабчалаштирилганидир, чунки набтлар Эрон подшоҳини «магуший» деб атар эдилар, деган. Бу лафзнинг маъноси «улар ўз мамлакатлари иши ҳақида сўзловчилар» демакдир; «кокуший» сурён тилида «жосус» демакдир.

«Фурс» номи ҳам шундай. [Эронликлар] Форис ибн Яҳузо ибн Еқубга нисбат билан «фурс» деб аталганлар. Баъзиларнинг айтишича, балки Форс мамлакатига келганликлари сабабли шундай [аталганлар].

Сурияликларга келганда, улар Суристонга нисбат берилади. Суристон Савод Ироқ ва Шом валоятидан иборатдир. Яна айтишларича,

[Суристон] Хузистондаги бир шаҳардир. Бу ҳақиқатдан узоқ эмас, лекин Рум подшоҳи Ҳирақлнинг Антокиядан Қустантанияга қочган вақтда Шом томонга қараб: «Эй Сурия, сенга салом! Қайтиб келишни бутунлай ўйламай видолашувчидан салом», деб айтган гапи Суристоннинг Шом мамлакатлари эканига далил бўлади.

Шунингдек, ибронийлар Ибр денгизи қирғоғига нисбат берилди-лар. Турли машҳур гуруҳлар [га бериладиган] номларнинг ҳаммаси шундай.

Маздакиялар эътиқодича, замон [худо томонидан] юборилган пайғамбардан холи бўлмайди ва улар бирин-кетин юборилиб турадилар.

Сўнгра ўнинчи ҳижрат йилининг охирида Ямомада ёлғончи Мусайлима ибн Ҳабиб юзага чиқиб, Бани Ҳанифа қабиласига ўзини пайғамбар қилиб танитди ва аҳмоқона гаплар гапириб, бу гаплар унга ваҳий қилиб юборилганини даъво қилди. Пайғамбаримиз Муҳаммадга — худо уни раҳмат қилсин — мана, бу нусхада мактуб ёзди: «Худонинг элчиси Мусайлимадан худонинг элчиси⁶⁴⁷ Муҳаммадга. Сенга салом! Ундан кейин [гап шуки], ҳукмронликда мен сенга шерик қилиндим. Ернинг ярми бизники, ярми Қурайш қабиласиники, лекин Қурайш қабиласи душманлик қилувчи халқдирлар». [Мусайлима] бу мактубни икки элчи билан юборди. Шунда пайғамбари худо элчиларга: «Сизлар нима дейсиз? — деб сўради. Улар: «Биз ҳам унинг айтганини айтамыз», — дедилар. Шу вақт [пайғамбар] — унга раҳмат ва салом бўлсин — «Элчилар ўлдирилмайди дейилмаганда эди, албатта, бўйинларингизни узган бўлардим», — деди. Кейин, Мусайлимага бу жавобни юборди: «Худонинг элчиси» Муҳаммаддан каззоб Мусайлимага. Тўғри йўлдан юрган кишига салом. Ундан кейин [гап шуки], Ер худоники, уни бандаларидан ўзи хоҳлаган кишига беради, оқибатда [яхшилиқ] тақводорларники»⁶⁴⁸.

Ҳикоя қилинишича, Ямома аҳолиси Мусайлимага алдандилар, чунки у [олдиндан] сиркада ивтиланган тухумни шишага киргизди, паррандаларнинг қанотларини || олдин қирқиб қўйиб, кейин уларнинг ўзларига хиллаб пат улади ва шу каби бўяма ҳамда хурофотлар кўрсатди. То 210
Абу Бакир Сиддиқ халифаликка тайинланган йнли Халид ибн Валид Мусайлимани ўлдиргунича, Бани Ҳанифа [қабиласи] Ямомада унга⁶⁴⁹ бўйсундилар. Мусайлима ўлдирилганда марсиялар айтилди. Бани Ҳанифа [шоирларидан] бирининг мана бу сўзи ўша марсиялардандир:

Эй Абу Сумома! Сенга ачинаман
Булут орасидан чиқаётган қуёшдек эдинг.

Бани Ҳанифа [қабиласи] Мусайлимадан илгари жоҳилият даврида «ҳайсдан»⁶⁵⁰ санам ясаб, кўп вақтгача унга ибодат қилар эдилар. Кейин улар очарчиликка йўлиқиб, санамни еб қўйдилар. Шунда Бани Тамим [қабиласидан] бир киши бундай деди:

[Бани] Ҳанифа ўзидаги қадимги очлик
Ва фақирликдан ўз раббини еб қўйди.

Бошқа биров:

Қурғоқчилик ва очлик замонида
[Бани] Ҳанифа ўз раббини еб қўйди
Улар раббиларининг ёмон оқибат ва жазо етказишидан
қўрқмадилар.

Сўнгра, Аббосия давлатининг тарафдори Абу Муслим замонида Баҳофарид ибн Моҳ Фурудин исмли бир киши чиқди. У Нишопур вилоятларидан бири Хавоф вилоятининг Сированд деган қишлоғидан келиб чиққан эди. Завзан аҳолисидан эди, ишининг дастлабки [даврида] етти йил Хитойда яшириниб, кейин қайтиб келди. Хитой ажойиб нарсаларидан йиғиштирилган нозик ва майин, инсон кафтига сиғадиган бир кўк кўйнак олиб келди. У кечаси «Новвус»га⁶⁵¹ чиқди ва эрталаб у ердан тушди. Ер ҳайдаб юрган бир одам — деҳқон унинг тушаётганини кўриб қолди. Унга Баҳофарид ўзининг ғойиб бўлиб кетганидан буён осмонда бўлганини, унга жаннат ва дўзах кўринганини, худо унга ваҳий юбориб, шу кўйнакни кийгизгани ва ҳозирги соатда ерга туширганини ҳикоя қилди. Деҳқон унинг [сўзига] ишонди ва одамларга уни осмондан тушаётганида кўрганини айтди.

Баҳофарид ўзини пайғамбар кўрсатиб, даъват қилгач, мажусийлардан кўп халқ унга эргашди. У Зардуштга ишонса ҳам, шариат ишларининг аксарида мажусийларга муҳолиф бўлди ва ўз динидагиларга Зардушт келтирган қонуннинг ўзгартириб⁶⁵² юборилганини даъво қилиб, бу ҳақда ўзига яширин суратда ваҳий келаётганини айтди.

Баҳофарид [ўзига тобе бўлганларга] етти вақт намоз фарз қилди: худонинг якка-ягоналиги учун намоз, осмон ва ернинг яратилгани учун намоз, ҳайвонлар ва уларнинг ризқлари яратилгани учун намоз, ўлим учун намоз, қайта тирилиб ҳисоб бериш учун намоз, жаннат, дўзах аҳли ва уларга атаб тайёрланган нарсалар учун намоз, жаннат аҳлининг мақталиши учун намоз.

Баҳофарид ўзига тобелар учун форс тилида китоб тузиб, уларни бир тизза устида [туриб] Қуёш кулчаси учун сажда қилишга, қаерда бўлмасин намозда юзни Қуёш томонига қаратиш, соч ва кокилларни қўйиб юбориш, овқат вақтида замзама қилмаслик, чорва молларини қаримаса сўймаслик, ичимликлар ичмаслик, ўлимтик гўштини емаслик, 211 ўз оналари, || қизлари, опа-сингилларига ҳамда ака-укаларининг қизларига уйланмаслик ва маҳрларни тўрт юз танга билан чеклашга буюрди. Моллари ва иш ҳақларининг еттидан бирини йўлларни ва кўприкларни тузатишга буюрди.

Абу Муслим Нишопурга келиб тушганида [мажусийларнинг] донишманд ва руҳонийлари унинг ҳузурига тўпланиб, Баҳофарид ислом динини ва ўзларининг динларини ҳам бузганини унга маълум қилдилар. Абу Муслим уни [тутиб келиш учун] Абдулло ибн Шуъбани юборди, ниҳоят Абдулло уни Бодғис тоғида ушлаб, Абу Муслим [ҳузурига] жўнатди. Абу Муслим Баҳофаридни ва унинг қўлга тушган кишиларини ўлдирди.

Унинг исми билан «баҳофаридиялар» деб аталадиган бир қанча тобелари қолди. Улар Баҳофарид келтирган динга ишонадилар ва мажусийларнинг замзамачиларига қаттиқ душманлик қиладилар. Улар «Баҳофариднинг хизматчиси «у саман от устида осмонга чиқиб кетди, тезда қандай кўтарилган бўлса, шундай тушади ва душманларидан ўч олади», — деган деб даъво қиладилар.

Ундан кейин Муқанна⁶⁵³ номи билан машҳур бўлган Ҳошим ибн Ҳаким Марвда Ковакимардон номли қишлоқда юзага келди. У бир кўзли бўлганидан юзига кўк шойидан ниқоб тутган эди. Муқанна ўзининг худо эканини даъво қилди ва жасадга кирганини, чунки жасадга

кирмасдан олдин биров унга қарай олмаганини [айтди]. У Амударё орқали Қаш ва Насаф⁶⁵⁴ томонларига ўтди. Хоқонга хат ёзиб, ундан ёрдам сўради, «оқ кийимликлар»⁶⁵⁵ ва турклар унинг атрофига йиғилдилар. Муқанна уларга [бошқаларнинг] моллари ва хотинларини ҳалол қилди, қаршилиқ кўрсатганларни ўлдирди ва Маздакнинг барча [йўл-йўриқини] уларга қонун қилиб берди, ал-Маҳдий⁶⁵⁶ қўшинини синдирди ва ўн тўрт йил ҳукмронлик қилди. Ниҳоят у ҳижрий бир юз олтиш тўққизинчи⁶⁵⁷ йили қамал қилинди ва ўлдирилди.

Муқанна ўраб олингач, жасади йўқ бўлиб кетиши [ва] тобелари унинг [юқоридаги] гапига ишонишлари учун ўзини оловга ташлаган эди. Унинг куяману, йўқ бўлиб кетаман [деган] мўлжали муяссар бўлмади, балки [унинг жасади] танурдан топилди. Унинг калласи олиниб, ўша кунларда Ҳалабда бўлган амирал мўъминин ал-Маҳдийга юборилди.

Муқаннанинг Мовароуннаҳрдаги тобелари кўринишда ислом динида бўлсалар ҳам, [аммо] яширин равишда унинг динига амал қиладилар. Унинг ҳақидаги хабарларни форсчадан арабчага таржима қилдим ва уларни «Оқ кийимликлар ва қарматийлар хабарлари ҳақида»⁶⁵⁸ [номли] китобимда ўла баён этдим.

Сўнгра Форс аҳolisидан сўфийлар йўлини тутган Ҳусайн ибн Мансур ал-Ҳаллож⁶⁵⁹ номи билан машҳур бўлган бир киши юзага чиқди. У дастлаб [имом] Маҳдийга⁶⁶⁰ даъват этиб, Маҳдий Дайламдаги Толақон⁶⁶¹ шаҳридан чиқади деб даъво қилди. Ал-Ҳалложни ушлаб, [халққа] кўрсатиш учун Бағдодга олиб келишди, кейин зиндонга ташлашди. Ниҳоят у ҳийла ишлатиб, зиндондан халос бўлди. У найрангбоз ва хунарманд, ҳар бир одамнинг эътиқод ва мазҳабига қараб у билан аралашиб кетадиган киши эди. Кейин у ўзига муқаддас руҳ жойлашганини даъво қилди ва ўзини худо деб атади. Ўз тобеларига мана бундай сўзлар билан бошланган мактублар юборди: «У [зотдан]⁶⁶², у азалий, аввал ёйилиб ва ёритиб турувчи нур, асослар асоси, ҳужжатлар ҳужжати, рабблар рабби, булутларнинг яратувчиси, нур чароқдони, Тур [тоғининг]рабби ва ҳар бир суратга кирувчидан фалончи қўлига». [Ал-Ҳалложнинг] тобелари эса унга ёзадиган мактубларини шундай бошлардилар. «Сенга мақтовлар бўлсин, эй ҳақиқат ҳақиқати, лаззатлар ниҳоятининг ниҳояти, эй улуғ, эй буюк! Сенинг қадимий яратувчи, ҳар замон ёритувчи, ҳар вақт ҳар хил суратда кўринувчи эканиннга ва бизнинг бу замонимизда Ҳусайн ибн Мансур суратида кўринаётганиннга гувоҳлик бераман. Эй барча ғойибни билувчи, сенинг кичик қулинг, бечоранг, эҳтиёжмандинг, сендан паноҳ тилувчи, сенга ёлборувчи, раҳматиннга умид этувчи шундай ва шундай дейди».

212

Мансур ал-Ҳаллож ўз таълимоти хусусида «Асосий китоби», «Катта ўлчов китоби» ва «Кичик ўлчов китоби» каби китоблар ёзди⁶⁶³.

[Халифа] ал-Муқтадир биллоҳ уч юз биринчи ҳижрий йили⁶⁶⁴ ундан хабар топиб, минг қамчи урдирди, қўл ва оёқларини кесдириб, бўйинини уздирди. Кейин жасади то куйгунича нефть септирди ва кулини Дажла дарёсига ташлади. Ал-Ҳаллож бу қийноқ вақтида бир [оғиз] калима гапирмади, юзини буриштирмади ва лабини қимирлатмади.

Ал-Ҳаллож тобеларидан унга мансуб бўлган кишилар қолган. Улар имом Маҳдийга даъват қилиб: «У Толақондан чиқади», — дейдилар.

«Башоратлар китоби» да, ер жавр ва зулмга қандай тўлғизилган бўлса, [Маҳдий] уни адолатга шундай тўлғизади деб эслатилган одам шудир. Бундай китобларнинг баъзисида «у — Муҳаммад ибн Абдулло»⁶⁶⁵ ва баъзисида «у — Муҳаммад ибн Али» дейилган. Ҳатто, Мухтор ибн Абу Убайд ас-Сақафий⁶⁶⁶ [одамларни] Муҳаммад ибн Ҳанафияга даъват қилганида [«Башоратлар китобида»] ривоят қилинган ҳадисни далил келтириб, «албатта, у одам ҳадисда эслатилган Маҳдий» деб даъво қилади.

Бизнинг замонимизда ҳам баъзи одамлар [Маҳдийни] кутадилар ва «у тирик ва Разво»⁶⁶⁷ тоғида туради» дейдилар. Бани Умайя ҳам «Башоратлар китоби» да эслатилган Суфёний⁶⁶⁸ нинг юзага чиқишини кутадилар.

Шунингдек, у китобларда [одамларни] адаштирувчи дажжолнинг Исфаҳон томонидан чиқиши айтилган. Мунажжимлар уни Яздижард ибн Шаҳриёр тарихининг тўрт юз олтинчи олтинчи йили тамом бўлиши олдида Ратоил оролидан чиқади деб ҳукм қилганлар.

Инжилда Дажжол чиқишидан дарак берилиб, у христианлик китобларида юнон тилида «анти христос» деб аталган. Ал-Масийса руҳонийларининг бошлиғи Мор Фёдор ҳам инжил тафсирида шундай баён этган.

Таржимаи ҳол ёзувчиларнинг ривоятича, Умар ибн ал-Хаттоб Шомга кирганида, Дамашқ яҳудийлари унга йўлиқиб: «Салом сенга эй Форуқ, сен Илёнинг⁶⁶⁹ эгасисан, худо ҳақи уни фатҳ этмагунча қайтма!»— деганлар. Умар улардан дажжол ҳақида сўраган. Яҳудийлар: «У Бинёмин авлодидан бўлади. Азбаройи худо, эй араб жамоаси, сиз уни Лудд дарвозасига ўн газдан ортиқроқ қолганида ўлдирасиз! — деганлар.

Биз баён этган ҳодисадан кейин қарматийлар иши кучайди ва Абу Тоҳир Сулаймон ибн Абу Саид ал-Ҳасан ибн Баҳром ал-Жаннобий⁶⁷⁰ қўзғолиб, уч юз ўн саккизинчи ҳижрат йили Маккага борди, тавоф қилаётган одамларни тезда ўлдирди ва ўликларни Замзам [қудуғига] ташлади. У хонаи каъбанинг пардасини тортиб олди, тилласини ўғирлаб, тарновини кўчириб олди ва қоратошни синдирди. Кейин уни Куфа масжидига осиб қўйди ва ўз шаҳрига қайтди.

213 || Уч юз ўн тўққизинчи йил⁶⁷¹ рамазон аввалида Ибн Абу Закариё ат-Таммомий юзага чиқди. У ёмон иш билан шуғулланувчи ва [шундай ишларга] ёлланувчи йигит эди. У [одамларни] ўзига бўйсунгунча қирди ва [бир гуруҳ] унга эргашдилар. Бу йигит ўз тобеларига ўликларнинг қоринларини ёришни ва ювиб шароб билан тўлғазишни, оловни қўли билан ўчирган кишининг қўлини кесишни, пуфлаб ўчирган кишининг тилини кесишни, ўғил болаларга ҳаддан ташқари киргизмаслик шарти билан яқинлик қилишни, бунга рия қилмаган кишини қирқ газгача юзи билан судрашни, болаларга [яқинлик қилишдан] тортинган кишини қассобга сўйдиришни қонун қилиб берди ва уларга оловларга топиниш ҳамда оловларни улуглашни буюрди. Утмиш пайғамбарлар ва уларнинг саҳобаларига лаънат айтиб «улар ҳийлакор ва гумроҳлар» деди ва [бир қанча] шунга ўхшаш ишлар қилди. Буларга мен «Оқ кийимликлар ва қароматийлар хабарлари ҳақида» асаримда етарли даражада изоҳ берганман.

[Ибн Абу Закариё ва унинг тобелари] саксон кун шундай қилиб

турдилар. Ниҳоят худо уни топишни ўз зиммасига олган кишини унга ғолиб қилди. [Бу киши] уни сўйди ва уларнинг ҳийла-найранглари бўғизларига қайтди.

Агар бу Жомосп ва Зардушт мўлжаллаган вақтнинг ўзи бўлса, у иккови вақтни [белгилашда] хато қилмаган бўлардилар, чунки бу ҳодиса Искандар эрасининг минг икки юз қирқ иккинчи йили охирида бўлиб, Зардуштнинг юзага чиқишига минг беш юз йил тўлган эди. Лекин улар давлатнинг мажусийларга қайтишини [аниқлашда] хато қилдилар. Жоҳиллик юзасидан мажусийликни маҳкам ушлаган ва бир ҳукмдор чиқишини узоқ замон умид қилиб турган Абу Абдуллоҳ ал-Адий ҳам шундай хато қилган эди. У даврлар ва қиронлар ҳақида бир китоб таълиф этиб, унда Муҳаммад алайҳиссалом туғилишидан ҳисобланадиган ўн саккизинчи қироннинг Муштарий ва Қавс [ҳукмдорлик қилган муддатда] ўнинчи мингга тўғри келишини айтган. У [шу пайтда] бир одам юзага чиқиб, мажусий давлатини қайта тиклайди, ер юзига эгалик қилади, араблар ва бошқалар давлатини йўқ қилади, халқни ягона дин ва бир давлатга бирлаштиради, ёмонликларни бартараф этади ва етти ярим қирон муддат подшоҳлик қилади деб ҳукм чиқарди. [Ал-Адий] араблардан ўн еттинчи қиронда [тахтга] ўтирувчи подшоҳдан кейин ҳукмрон бўлмайди деб очиқ айтди. У ишорат қилган вақт фақат халифа ал-Муктафий Биллоҳ ва ал-Муктадир Биллоҳни⁶⁷² тақозо этади ва унинг қилган ваъдаси бу икки халифадан кейин вужудга келмайди.

Айтилишича, сосоний давлати «қиронот нория»⁶⁷³ да барпо бўлган, Имод ад-Давла деб лақабланган Али ибн Бувайҳнинг Дайлам давлати ҳам «қиронот нория» да вужудга келган. Эронликларга давлат қайтиши хусусида бир-бирларига берган ваъдалари, гарчи йўл-йўриги аввалги давлатниқидек бўлмаса ҳам, шу Дайлам давлатидир. Билмайман, [юқоридагиларни айтган кишилар] қандай қилиб Дайлам давлатини кўзда тутдилар, ҳолбуки, ўтар жойнинг «мусалласаи нория»⁶⁷⁴ га кўчиши аббосийлар давлатига равшанроқ далолат қилади. Бу Шарқдаги Хуросон давлатидир. Шу билан у иккиси (Дайлам ва Аббосия давлати) [Эрон] давлатини янгилашдан ва улар динини тиклашдан узоқроқдирлар.

У [Ибн Абу Закариё] юзага чиқишидан олдин қароматийлар Ботиния аҳлининг баъзи мазҳабига эътиқод этар ва улар || пайғамбар алайҳиссалом хонадони дўстлигига [шиаликка] мансуб бўлиб, кутиладиган [Маҳдийнинг] еттинчи қиронда «мусалласаи нория» да юзага чиқишини ваъда қилар эдилар. Ҳатто Абу Тоҳир Сулаймон ибн ал-Ҳасан бу хусусда шундай деган:

Ҳажрга қайтишим сизни мендан ғофил қилдим?⁶⁷⁵

Яқин — тез орада сизга бу ҳақда хабар келади.

Марс Бобил заминидан кўриниб,

Икки ёритқич [Зуҳал ва Муштарий] ундан ажраганда,
сақланинг, сақланинг!

Ҳамма китобларда ёдга олинган мен эмасманми,
аз-зумар⁶⁷⁶⁻⁶⁷⁷ сурасида тавсиф қилинган мен эмасманми?

Тезда ернинг Шарқ ва Ғарб аҳолисига

то Рум Қайравони, турк ва Хазаргача подшоҳ бўламан.

Марям ўгли Исо [қайтиб] келгунича яшайман,
У менинг ишларимни мақтайди ва буюрганларимга
хурсанд бўлади.

80 Менинг манзилим, шубҳасиз, Жаннат ал-Фирдавсадир.⁶⁷⁸
Мендан бошқа [пайғамбарлар] жаҳаннам ва сақарга⁶⁷⁹ ташланади.
Сўнгра⁶⁸⁰ улардан кейин Ибн Абу Азоқир деб танилган киши чиқ-
ди, бу Муҳаммад ибн Али аш-Шалмағонийдир. У ўзида муқаддас руҳ
жойлашганини даъво қилди ва [бошқа] қонунларни тарк этиб, Фозил
[киши] ўз нуруни фисқ-фужур йўли билан фазилатли қилинувчи [руҳи-
га] киргизиши хусусида бир китоб ёзиб, уни «Олтинчи сезувчи» деб
атади. Тажрибасиз ва нодон халқдан бир қанча одам унга эргашиб,
ўз оилаларини унга ҳалол қилдилар ва унинг нуруни оилаларига олиб
кириш билан ўзларини поклаган бўдилар. Амралмўъминин ар-Ро-
зий Биллоҳ уч юз йигирма иккинчи йилда⁶⁸¹ Ибн Абу-л-Азоқирни қи-
дирди, ниҳоят уни, Ҳусайн ибн Қосим Убайдуллоҳ ибн Сулаймон ибн
Ваҳб ва Абу Авн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Нажмни
қўлга туширди, бу иккови азоқирийларнинг катталаридан эди. Ар-Розий
Биллоҳ, бу икковининг аш-Шалмағонийга уни «рабб» ва «маvlo» деб
хитоб қилиб, у истаганини қилишга қодир деб тавсифлаб ва ундан ўзла-
рига раҳмат ва яхшилик тилаб ёзган мактубларини топиб олди.

81 Ибн Абу-л-Азоқир Ҳусайнни «оромлар билан озукланган», Абу
Авнни эса «башорат» деб атаган эди. Улар сўроқ қилиндилар ва мак-
тублар ҳамда улардаги гапларнинг тўғрилигига иқрор бўдилар. Ибн
Абу-л-Азоқир эса уларни ўздан бундай тилакларни тилашдан || қай-
тариб турганини даъво қилди ва Ҳусайн ибн Қосимни бундай сўзлар-
дан покланишга ва унинг қадрини пасайтирадиган бир тадбир қилиш-
га таклиф этди. Ҳусайн бу таклифни дарров қабул қилиб, уни бир не-
ча марта шапалоқ билан урди. Абу Авнга ҳам шундай буйруқ берган
эди, у бундан тортиниб четланди ва бўйсунмади. Охир Ҳусайн ночор,
ҳурмат, таъзим чўп-чорни тушириш ва азият бераётган нарсани кет-
кизиш йўлида Ибн Абу-л-Азоқирнинг соқолига қўлини чўзган эди, қў-
ли қалтиради ва у очикдан-очиқ: «маvлойим, мавлойим» деб юборди.
Ибн Абу-л-Азоқир ундан тонди ва сўзларини ёлғонга чиқарди. Сўнгра
у лаънат ўқиб: «Уч кунгача осмондан азоб нозил бўлмаса, унинг қони
ҳалол». — деди. Шу вақт ар-Розий Биллоҳ, ҳуқуқ олимлари ва қози-
лардан фатво сўради, улар Ибн Абу-л-Азоқирни ўлдириб, ер юзини
унинг ифлосликларидан тозалашга фатво бердилар. Ибн Абу-л-Азоқир
Абу Авн билан бирга, тинчлик шаҳрининг бир томонига оёқ-қўли мих-
лаб қўйилди, сўнг ўлдирилди ва икковининг калласи осиб қўйилди,
жасадлари кўйдирилди. Худонинг ҳамд ва миннати билан улар даъвот-
ларининг расвоси чиқди.

Мана бу тайласон [пайғамбарлик даъво қилган] кишилар орала-
ридаги Қуёш йилларидан иборат тарихларни «Шопурақон» ва бошқа
китобдан тасҳиҳ этилган йўл билан ўз ичига олади. У [кишилардан]
бирининг эраси аниқланса, ҳаммасиники маълум бўлади. Улар ҳақи-
да юқорида батафсил сўзланди. Уларнинг машҳури, қилган ишлари
равшан, ўзига мансуб ва эрасини ишлатувчи тобелари бор бўлганидан
бошқалари ёдга олинмади. Ёдга олинганлар ҳақида керагича баён эт-
дик ва худо хоҳласа, кифоя қилар даражасига етдик.

А-Даж-жол																				
22	Яхудийлар кутаётган Маҳдий																			
165	92	Ибн Абу Азоқир																		
167	95	2	Ибн Абу Закарийе ат-Таммомий																	
185	112	20	18	Ал-Ҳаллож																
314	242	149	147	129	Ал-Муқанна															
351	279	186	184	166	27	Баҳофарид														
467	395	302	300	282	152	116	Мусайлима													
582	511	418	416	298	269	222	116	Маздак												
871	799	706	704	686	557	520	404	288	Мон											
1665	1592	1500	1498	1480	1351	1314	1198	1082	794											
4507	4435	4342	4340	4322	4192	4156	4040	3924	3632											

ЭРОНЛИҚЛАР ОЙЛАРИДАГИ ҲАЙИТЛАР ВА МАШҲУР КҮНЛАР УСТИДА СЎЗ

Ойлар ва йилларга оид сабаблардан иборат-олдинроқ баён этилиши лозим-нарсаларни баён этдик. Энди сўровчининг талабини адо этиб, ташналигини қондириш учун сўралган нарсанинг ўзига қайтишимиз керак бўлади. Эронликлар ойларидаги маълум ҳайит кунларини баён этишга бошлаймиз. Зиж эгаларининг ҳар бири баён этган гапларга қарамаймиз, чунки улар бу масалага кўп эътибор бермаганлар, чунки бузилган ва кўпчилиги ишончсиз нусхалардан кўчириш билан кифояланганлар.

Лекин биз у [маълум кунлар ҳақида] эътибор берганликларига шубҳа қилинмайдиган кишилардан эшитилган гапларни келтирамиз, чунки уларнинг ўша ҳайит кунлари ҳақидаги эътиқодлари диёнат юзасидан дурустдир. Биз Зодувайҳ ибн Шоҳувайҳ китобининг Исфаҳон мабади Хуршид ибн Зиёр китобининг ва Муҳаммад ибн Баҳром ибн Митёр китобининг шу мақсаддаги сўзлардан қаноатланарли ва ихтилофсиз бир қисмини ўз ичига олганини кўриб, у [китоблардагиларни] бу ерда ёзганларимиз қаторига кўчирдик ва маълумотларни бир-бирига қўшиб, бу ҳақда айтилганларнинг аксарини жам қилдик ва худодан ёрдам тилаб, шундай дедик:

Эронликлар йилларини кабисали қилаётган замонларида тўрт фаслни ойлар орқали билар эдилар, чунки [фасллар билан ойлар] орасидаги аҳвол бир-бирига яқиндир: фарвардин моҳ — ёз боши, тир моҳ — куз боши, меҳр моҳ — қиш боши, дий моҳ — баҳор боши эди. Уларнинг ойлар ичида тўрт фаслга қараб ишлатадиган [ҳайит] кунлари бор эди. Кабиса бекор қилинган, у [ҳайит] ларнинг вақтлари ўзгарди.

Бу [ҳайит] кунларининг баъзиси дунёвий ишлар учун, баъзиси диний ишлар учун белгиланган. Дунёвийлари мукаррам ҳайитлар ва улукунлар бўлиб, подшоҳлар, раислар шу кунларда маросимлар ўтказганлар ва улар орқали нафсларини севинтиришга, руҳларини шодлантиришга эришганлар ҳамда мақтов ва мадҳга сазовор бўлганлар, [одамларнинг] муҳаббатини жалб этганлар ва дуосини [олганлар]⁶⁸². Улар ўша кунларда оддий халқ учун ҳам бир турли маросим келтириб чиқарганлар. Оддий халқ маросимни адо этиб, подшоҳ ва амирларнинг шодликларига қўшилар, уларга ихлос билан бўйсуниб хизмат қилаётганини

изҳор этарди. Ана шу ҳайитлар фақирлар ҳаётининг танглигини кенгликка айлантирувчи, умидворларнинг орзуларини юзага чиқарувчи ва ҳалоқатга яқинлашганларни хатар ва балодан қутқарувчи сабабларнинг бири бўлди. [Подшоҳ ва амирлар] баракот, бахт ва яхшиликка эришиш йўлида олдингилардан ўрнак олиб, бу [маросимлар] учун йўл-йўриқлар туздилар.

Диний [ҳайитларга] келганда, буларни эронликларнинг шарият ар-боблари имомлари, фақиҳлари ва диндорлари келтириб чиқарганлар. Бундай байрамларни ижро этишдан мақсад ҳам биз айтиб ўтганга ўхшаш, лекин бу охираат [учундир]. Биз эронликлар ойларининг ҳар бирида учрайдиган у икки турли ҳайитни баён этамиз ва биринчи ойларидан бошлаймиз.

Фарвардин моҳ. Бу ойнинг биринчи куни наврўздир. Наврўз янги йилнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маънони тақозо этади⁶⁸³. Наврўз эронликлар зижлари бўйича ўтмиш замонларда, улар йилларини кабисали қилган вақтларида Қуёшнинг Саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. [Энди] у бутун йил || унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунича, ҳайвонларда [шаҳват] қўзғолишидан то насл вужудга келгунича ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунича давом этган вақтда келади. Шунинг учун наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган.

Айтишларича, шу куни худо фалаклар ҳаракатсиз тургандан кейин уларни айлантириб ва ёритқичлар [сайрдан] тўхтагандан кейин уларни сайр эттириб юборган. У Қуёшни яратган, ниҳоят у туфайли муддатнинг йиллар, ойлар, кунлар ва бошқалардан иборат бўлаклари яширинликдан кейин маълумликка айланган ва ҳисоб боши улардан бошланган. Айтишларича, шу куни худо қуйи оламни яратиб, Қаюмарсни унга подшоҳ қилган ва наврўз унинг «жашни», яъни ҳайити бўлган.

Баъзиларнинг айтишича, наврўз худо махлуқотни яратган олти куннинг биринчисидир. Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, наврўз ва меҳржон замоннинг икки кўзидир.

Ал-Маъмун Али ибн Тусо ар-Ризодан⁶⁸⁴ наврўз ҳақида сўраганида, у: «Наврўз фаришталар улуғлаган кундир, чунки улар шу кунда яратилганлар, уни пайғамбарлар ҳам улуғ тутганлар, чунки Қуёш шу кунда яратилган ва уни подшоҳлар ҳам улуғлаган, чунки у замоннинг биринчи кунидир», — деган.

Абдуссамад ибн Алидан ривоят қилинишича, у [бу ривоятни] бобоси Абдулло ибн Аббосга олиб бориб тақайди, наврўз куни пайғамбар алайҳиссаломга ҳолва солинган кумуш жом ҳадя қилинган. Шунда пайғамбар: «Бу нима?» — деган. «Наврўз», — деб жавоб берганлар. Пайғамбар: «Наврўз нима?» — деб сўраган. «Эронликларнинг улуғ ҳайити», — деганлар. Пайғамбар: «Тўғри, бу шундай бир кунки, худо бунда «аскара»ни⁶⁸⁵ тиргизган», — деган. «Аскара нима?» — деб сўранганлар. Пайғамбар: «Улар мингларча бўла туриб, ўлимдан қўрқиб ўз мамлакатларидан чиққан [кишилардир], шунда худо уларга: «Ўлинг!» — деган. Сўнгра уларни шу [наврўз] кунда тиргизиб, руҳларини ўзларига қайтарган. У осмонга буюрган, осмон уларнинг устларига ёмғир ёғдирган. Шунинг учун одамлар наврўз куни сув сепишни расм қилиб олганлар»

деган. Кейин пайғамбар ҳолвани еб, || жомни⁶⁸⁶ [синдириб], суҳбатдошларига тақсим этган ва: «Қошки биз учун ҳар кун наврӯз бўлса эди», — деган.

Ҳашвияликлардан бирининг айтишича, Сулаймон ибн Довуд — икковига салом бўлсин — узугини йўқотгач, подшоҳлиги қўлидан кетди, сўнгра қирқ кундан кейин [узуги] ўзига қайтарилиб, равнақи ҳам қайтиб келди. Подшоҳлар унинг ҳузурига келдилар, паррандалар тўпландилар. шунда эронликлар: «Наврӯз омад», яъни «Янги кун келди», — дедилар. Натижада [шу кун] «наврӯз» деб аталди. Сулаймон шамолга буюрди, шамол уни кўтариб кетди, бир қалдирғоч унга рўпара чиқиб: «Эй подшоҳ! Уямда бирмунча тухум бор, уларни босиб кетма, нарироқдан ўт», — деди. Сулаймон наридан ўтди ва у ерга тушгач, ҳалиги қалдирғоч тумшугида сув олиб келиб, унга сепди ва унга чигиртканинг бир оёғини ҳада қилди. Наврӯз [куни] сув селиб, ҳадялар беришнинг сабаби шудир.

Ажам олимлари: «Наврӯз кунда бир соат бор, шу соатда Фируз фалаки руҳларни махлуқотни яратишга ҳайдайди», — деб яна, — у кунининг энг саодатли соатлари Қуёш соатларидир. Унинг тонгида ёруғлик имкон борича [ерга] яқинлашади, одамлар унга қараш билан ўзларини бахтли санайдилар У танланган кундир, чунки у ҳурмуз деб аталган. Бу ном бунёд этувчи, санъаткор, яратувчи, дунёни ва унда яшовчиларни тарбияловчи азиз ва улуғ тангрининг исмидир. Унинг неъмат ва эҳсони бўлакларининг бир бўлагини ҳам тавсифлашга тавсифловчининг қудрати етмайди».

Саид ибн ал-Фазл: «Эронистондаги Думо тоғи устида ҳар наврӯз кечаси, ҳаво хоҳ очиқ, хоҳ булутли бўлсин, вақт қандай аҳволда бўлмасин, чақмоқлар чаққани ва ялтирагани кўринади», — деди. Қалвозо⁶⁸⁷ оловлари, гарчи кўрмагунча кўнгил инонмаса ҳам бундан ажойиброқдир. Ҳисобдан Абу-л-Фараж ал-Занжоний менга бундай хабар берди: Азуд ад-Давла Бағдодга кирган йили — у бир қанча одамлар билан Қалвозо томонга кетаётганида — ҳамма ундаги оловларни кўришган. Улар кўплигидан санаб бўлмайдиган оловлар ва шамлар бўлиб, Дажла дарёсининг гарб томонида Қалвозо рўпарасида тонг отса наврӯз бўладиган кечаси кўринибди. Султон [Азуд ад-Давла] бу нарса мажусийларнинг ясама ишлари бўлмасин, деб ҳақиқатни текшириш учун у ерга кузатувчиларини қўйибди. Улар ҳеч нимадан воқиф бўлмабдилар, фақат агар [оловларга] яқинлашсалар, улар узоқлашганини, агар узоқлашсалар, [оловлар] яқинлашганини кўрибдилар, холос.

216 Мен Абу-л-Фаражга: «Эронликлар кабисани бекор қилишлари сабабли наврӯз ўз жойида қолмади-ку, нима учун бу кўриниш наврӯздан кейинга қолмайди? Агар кейинга қолиши лозим бўлмаса, [эронликлар] кабиса ишлатган вақтдагидан олдин келяптими?» — десам, у қаноатлантирадиган жавоб бермади.

|| Афсунгарлар: «Наврӯз кунни тонг отганда биров гап гапиришдан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак [хушбўй] мум тутатса, бу кўп касалликларга шифо бўлади», — деганлар.

Эрон олимларининг баъзиси: «У кунни наврӯз деб аташнинг сабаби шуки, собийлар Таҳмурас даврида юзага чиққанлар. Жамшид подшоҳ бўлгач, [мажусийлар] динини янгилади ва бу иш қилинган кун, [яъни] наврӯз «янги кун» деб аталди, бу кун, гарчи у [Жамшиддан] олдин ҳам ҳурмат қилинган бўлса-да, ҳайитга айлантирилди.

Наврўзни ҳайит қилиш тўғрисида бундай ҳам дейилган: «Жамшид [ўзига] арава ясаб олгач, ўша куни аравага чиқди, жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбованддан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшиднинг [аравада учишига] тақлид қилиб арғимчоқларда учдилар.

Баъзиларнинг гумонича, Жамшид шаҳарларни айланиб юришни яхши кўрар эди. У Озарбайжонда бўлишни истаб, тилладан ясалган тахтга ўтирди ва одамлар тахтни елкаларига кўтардилар. Жамшидга Қуёш нури тушди, одамлар уни кўргач, улуғладилар ва шодланиб ўша кунни ҳайитга айлантirdилар.

Эронликларда наврўз куни бир-бирларига шакар ҳадя қилиш расм бўлган эди. Бағдод мубади Озарбоднинг ҳикоя қилишича, бунинг [сабаби], наврўз куни Жамшид мамлакатида шакарқамиш пайдо бўлган, бу шу вақтгача билинмаган эди. Жамшид серсув бир қамишдан шира томчилаётганини кўрган. Уни тотиб қараган, унда лаззатли ширинлик борлигини билгач, сувини чиқариб, ширасидан шакар ишлашни буюрган. [Шакар] бешинчи куни кўтариб олинган ва табриклаш учун уни бир-бирларига ҳадя қилганлар. Меҳрижон байрамида ҳам бу [маросим] ўтказилган.

Эронликлар йил бошланиши [кунини] ёзги Қуёш туриши вақтига хослаб қўйишларининг сабаби шуки, Қуёшнинг иккала туришини [ёзги ва қишки кузатиш] қуроллари орқали ва кўз билан билиш икки кеча-кундуз биробарлигини [билишдан] осонроқдир. Чунки Қуёшнинг [олам] икки кутбининг бирига қарашининг аввали ва худди ўша кўтбга орқа ўгиришининг аввалидир. Ёзги Қуёш туришида юқорига кўтарилувчи соя ва қишки туришида қуйи тушиб ёйилувчи соя ернинг қайси жойида бўлса ҳам кузатилса, Қуёш туриши кунини кузатувчига гарчи у геометрия ва астрономиядан энг узоқда бўлса ҳам яширин қолмайди. Чунки [Қуёшнинг] мойил бўлаётгани оз билинса ҳам ёйилувчи сояда ёйилишнинг орта боргани соя кўпроқ кўтарилганда маълум бўлади.

Икки кеча-кундуз баробарлигига келганда, олдин шаҳар кенглиги ва тўла мойиллик билинмасдан, у икки кунни билиб бўлмайди. Сўнгра бу фақат астрономияга диққат билан эътибор берган, унинг илмидан хабардор, кузатиш қуроллари, уларни тиклашни ва улар билан иш қилишни билган кишигагина равшан бўлади. Демак, шу сабабларга кўра йил боши бўлишга Қуёшнинг иккала туриши икки кеча-кундуз баробарлигидан кўра мувофиқроқдир. Ёзги Қуёш туриши шимол томонда тик тепага яқинроқ келганидан [эронликлар] уни йил боши бўлишига қишгисига нисбатан муносиб кўрганлар. Яна бу ғаллалар етиладиган вақт бўлиб, хирож солиғини || бошлаш учун бошқа вақтдан кўра яхшироқдир.

Онон олимлари ва дошизмандларининг кўпчилиги кўтарилаётган [ёритқични] Қалб ал-Жабборнинг⁶⁸⁸ кўтарилиш вақтидан белгилаб, йил бошини баҳорги кеча-кундуз баробарлигидан эмас, ўша вақтдан ҳисоб қилганлар, чунки унинг кўтарилиши ўтмиш замонда шу [ёзги] Қуёш туришига ёки унинг яқинига тўғри келган.

Шу кун, яъни наврўз ўз вақтидан [шунчалик] жилиб кетдики, ҳатто бизнинг замонимизда Қуёшнинг Ҳамал буржигида кирган вақтига, яъни баҳор бошига тўғри келади деган бўлди. Кейин наврўзда отлиқ аскарларга баҳор ва ёз кийимларини кийгизиш Хуросон подшоҳларига расм бўлиб қолди.

[Фарвардин моҳнинг] олтинчи куни, яъни рўзи хўрдод — катта нав-рўз бўлиб, эронликларда шаъни улуг ҳайитдир. Айтилишича, бу кунда худо махлуқотни яратишдан фориг бўлган, чунки бу кун айтиб ўтилган олти куннинг охиргисидир. Муштарий шу куни яратилган ва бу куннинг энг саодатли соати Муштарий соатларидир.

Айтишларича, бу кунда Зардуштнинг худога муножот этиш навбати етган, [бу кун] Қайхусрав ҳавога кўтарилган ва ерда яшовчиларга шу куни саодатлар тақсим этилган. Шунинг учун ажамликлар уни «умид куни» деб атайдилар.

Афсунгарлар: «Шу куннинг тонгида гап гапиришдан олдин шакар тотиб, ўзига зайтун [ёғи] суртган кишидан шу йилнинг ҳамма-сида турли балолар даф этилади», — деганлар.

Баъзилар: «Шу куннинг тонгида Бушанж⁶⁸⁹ тоғида қўлида бир бойлам гиёҳ тутган индамас бир киши кўринади. У бир соатча пайдо бўлиб, кейин келгуси йил шу вақтгача ғойиб бўлади», — деганлар. Зодавайх ўз китобида айтишича, бу ҳодисага сабаб Қуёшнинг жанубий томондан, яъни афохтардан⁶⁹⁰ чиқиши бўлган.

Чунки лаънати Иблис баракотни кеткизавергандан кейин одамлар овқат ва ичимликдан бош кўтармаганлар, [лекин тўймаганлар]. У шамолни ҳам эсишдан тўхтатган, натижада дарахтлар қуриб, дунё ҳалок бўлишга яқинлашган. Шунда худонинг амри ва йўл кўрсатиши билан Жамшид Иблис ва унинг ёрдамчилари турган жойни мўлжаллаб, жанубий томонга борган ва то баракотсизликни кеткизгунича бир қанча вақт ўша ерда қолган. Одамлар яна мўътадил [ҳолатга], баракот ва фаровончиликка қайтиб, балодан қутулганлар. Шу вақт Жамшид дунёга қайтиб, шу куни Қуёшдек тулу этган ва ундан нур таралиб турган, чунки у Қуёш сингари нурли экан. Одамлар иккита Қуёш тулу этганидан ажабланганлар. Ҳамма қуриган чўплар кўкарган ва одамлар: «рўзи нав», яъни «янги кун» деганлар. Ҳар ким баракотга эришиш учун тос ёки бошқа [идишларга] арпа эккан. Кейин подшоҳлар саройларининг⁶⁹¹ саҳни атрофига етти хил дондан етти тахта экиш расм бўлиб қолган. Буларнинг униб чиқишига қараб шу йил галлаларининг тўла ёки пуч бўлиши тахмин қилинар экан.

Шу куни Жамшид ҳозир турганларни чақириб ва узоққа кетганларга хат ёзиб, эски мақбараларни бузишга ва шундай кунда янги мақбара қурмасликка буюрган. Бу [эронликларда] худо рози бўладиган бир одат бўлиб қолди. Худо бу яхши одат баробарида Жамшидга [шундай] мукофот берди: қўл остидагиларни турли касалликлар, қартайиш, ҳасадчилик, || йўқчилик, [ҳар хил] ғам ва мусибатлардан четлатди. Унинг подшоҳлиги даврида, то ҳамширасининг ўғли Биваросф юзага чиқиб ва уни қатл этиб мамлакатга эга бўлгунича, ҳеч бир жондор касал бўлмади ва ўлмади.

[Жамшид замонида халқ] кўпайди, ҳатто уларга ер торлик қилди. Шунда худо ерни турган [миқдорига] нисбатан уч баробар кенгайтирди, одамларни гуноҳлардан пок бўлишлари учун сувда чўмилишга буюрди. Улар худо йил давомидаги офатларни ўзларидан даф этиши учун ҳар йили шундай қиладилар.

Баъзи кишиларнинг гумонича, Жамшид анҳорлар қозишга буюрган ва шу [фарвардин моҳнинг олтинчи] куни бу анҳорларга сув қуйилган. Одамлар бундай серобгарчилик башоратидан қувониб, шу [анҳорларда-

ги] сувда чўмилганлар. Кейинги авлод ҳам табаррук юзасидан олдингиларнинг [бу] ишини давом эттирган.

Баъзиларнинг айтишича, Афросиёб Эроншаҳр иморатларини хароб қилганидан кейин Завв анҳорларга сув қуйган.

Бошқалар: «Балки чўмилишга сабаб [шуки], у кун Ҳарузога тегишлидир, Ҳарузо сув фариштаси, унинг насаби сув билан бирдир. Шунинг учун одамлар шу кун тонг ёриган пайтда ўринларидан туриб канал ва ҳовузларга борадилар. Кўпинча оқиб турган сувларга рўпара туриб, баракотли бўлиш ва офатларни даф этиш учун устларидан сув қуюдилар», — деганлар.

Шу кун одамлар бир-бирига сув сепишади, бунинг сабаби, чўмилиш сабабининг ўзидир. Баъзиларнинг айтишича, балки узоқ замон Эроншаҳрда ёмғир бўлмаганлиги [бунга] сабаб бўлган. Жамшид тахтга ўтириб, биз айтиб ўтган башоратни бергач, ёмғир мўл ёққан. Одамлар ёмғирни табаррук билиб, бир-бирларига сепганлар, кейин [бу] уларга одат бўлиб қолган.

Яна айтишларича, сув сепиш баданни ўзига олган олов тутунидан ва унга ёпишган аланга куясидан тозаланиш ўрнида бўлади. Яна бу ҳаводаги вабо ва [бошқа] касалликлар туғдирадиган бузилишни даф қилади.

Жамшид [ҳамма] нарсалар миқдорини шу кун аниқлади ва ундан кейинги подшоҳлар бу ишни яхши билиб, керакли қоғоз ва атрофга юбориладиган мактублар битиладиган териларни [шу кун] тайёрлайдиган бўлдилар. Охирига муҳр босиш керак бўлган нарсаларга [шу кун] муҳр босилди, бу форсча «исфидо навишт»⁶⁹² деб аталарди.

Жамшиддан кейинги [подшоҳлар] бу ой, яъни фарвардин моҳнинг барча [кунлари] ни ҳайитга айлантириб, уларни олтига тақсим этдилар. Биринчи беш кун подшоҳлар учун, иккинчиси — улуғ кишилар учун, учинчиси — подшоҳларнинг гуломлари учун, тўртинчиси — хизматкорлари учун, бешинчиси — халқ оммаси учун⁶⁹³, олтинчиси — чўпонлар учун.

Айтилишича, икки наврўз⁶⁹⁴ орасини туташтирувчи киши Шопур ўрли Ҳўрмуз баҳодир бўлган. Чунки у икки наврўз орасидаги барча кунларни байрамга айлантирган ва баракотли бўлиш, нарсаларнинг фазодаги қалинлигини куйдириши, ҳавони бузувчи сассиқ моддаларни суюлтириб, йўқ қилиши учун оловларни баланд жойларга кўтарган.

Хусравларнинг шу беш кун ичида [ўтказадиган] маросимларидан бири шундай эди: подшоҳ наврўз кун [ҳайитини] бошлаб, одамларга ўзининг халқни қабул этиш ва уларга эҳсон қилиш мақсадида [тахтга] ўтирганини билдиради. Иккинчи кун мартабаси жуда юқори кишилар, яъни деҳқонлар ва [машҳур] хонадон аҳллари [қабул қилиш] учун ўтиради; учинчи кун || отлиқ сипоҳлари ва улуғ донишмандлари учун ўтиради; тўртинчи кун ўз уйдагилар, яқин ва махсус кишилари учун, бу бешинчи кун эса ўз ўғиллари ҳамда қарамоғидаги кишиларни [қабул этиш] учун ўтиради. Уларнинг ҳар бирига хизматига лойиқ мартаба бериб, икром қилади, лозим кўрган яхшилик ва инъомини тўла адо этади.

Олтинчи кун бўлгач, энди [шоҳ] халқ ҳуқуқини адо этишдан бўшаган бўлиб, ўзи учун наврўз қилади, ўз оиласидан ва хилватдаги [суҳбатига сазовор] кишилардан бошқани қабул этмайди. Ҳадя келти-

рувчиларнинг мартабаларига қараб, ҳадяларни ҳузурига келтиришга буюради ва уларни диққат билан текшириб, хоҳлаганларини тақсим қилиб беради, хоҳлаганларини хазиналарга қўяди.

[Фарвардин моҳнинг] ўн еттинчи куни суруш рўздир. Суруш — бу дастлабки «замзамага» буюрган киши. Замзама — фаҳмланадиган сўз билан эмас, имо-ишора билан гапиришдир. Бунга [сабаб] шуки, қачон улар намоз ўқиб ва худога тасбеҳ айтиб, уни муқаддас тутсалар, шу ўртада овқатланиб оладилар. Намоз ўртасида уларнинг гапиришлари мумкин бўлмагани учун «ҳимм-ҳимм» деб ишорат қиладилар. Бу маълумот геометрия олими Озархуронинг менга берган хабарига асосланган. Бошқа кишининг айтишича, замзама оғизлардан чиқадиган бу овқатларга тегмаслиги учундир.

[Суруш рўз] ҳамма ойда ҳам муборак кундир, чунки Суруш фаришталардан кеча посбонининг исми. Уни Жабраил деювчилар ҳам бор.

Суруш — фаришталарнинг жинларга ва сеҳргарларга қарши курашда энг кучлигидир. У кечаси халқлар устида уч марта [ҳавога] кўтарилиб, жинларга қаҳр қилади ва сеҳргарларни ҳайдайди. Унинг кўтарилиши сабабли кеча ёрийди, ҳаво салқин ва сувлар ширин бўлади. Хўрозлар қанот қоқади, ҳайвонларда жинсий алоқа иштаҳаси аланга олади.

Ҳалиги уч марта кўтарилишнинг бири — тонг ёришуви. Бунда ўсимликлар силкинади, гуллар очилади, қушлар сайрайди, бемор роҳатланади, ғамгин ғамдан қутулади, сафардаги киши тинчийди, замон яхши бўлади, туш рост чиқади, фаришта ва жинлар шодланадилар⁶⁹⁵.

[Фарвардин моҳнинг] ўн тўққизинчи куни фарвардин моҳдир. Шу кун номи билан у кирган ой номининг мувофиқ келгани сабабли уни фарвардагон деб ҳам атайдилар. Эронликларда ҳар бир ойда шундай [ном] учрайди.

Урдибиҳишт моҳ. Бу ойнинг учинчи куни рўзи урдибиҳишт моҳ ҳайит куни бўлиб, бу кун икки номнинг мувофиқ келгани сабабли урдибиҳиштагон деб аталади. Бунинг маъноси: «садоқат, яхшиликдир». Баъзиларининг айтишича: балки «[садоқат] яхшиликнинг ниҳоятидир».

Урдибиҳишт — олов ва нур фариштаси, бу иккиси шу фариштага мансуб. Худо бу фариштани [ўт ва нур] ишига, дорилар ва овқатлар билан иллат ҳам касалликларни кеткизишга, ростни ёлғондан, ҳақни ноҳақдан Абистода ҳужжат деб баён этилган қасамлар билан ажратишга вакил қилган.

Бу ойнинг йигирма олтинчи куни аштозрўз, бу — учинчи «гаҳанбор»нинг⁶⁹⁶ биринчи куни. Бу [гаҳанбор] беш кун бўлиб, охиргиси ойнинг охирги [кунидир]. Худо шу кунларда ерни яратган. Гаҳанборнинг номи: Фишҳи-ҳим гоҳдир⁶⁹⁷. Гаҳанборлар олтита бўлиб, уларнинг ҳар бири беш кундан [иборат]. Буларни Зардушт барпо этган.

220

Хурдод моҳ. Бу ойнинг олтинчи куни рўзи хурдод бўлиб, ҳайит кунидир. Икки номнинг мувофиқ келгани сабабли уни Хурдодагон деб атайдилар. Бу номнинг маъноси «халқ барқарорлиги» демакдир. Ҳарузо махлуқотлар, дарахтлар ва ўсимликларни парвариш қилишга, сувларни нопокликдан сақлашга вакил қилинган фариштадир.

Йигирма олтинчи куни аштозрўз бўлиб, тўртинчи гаҳанборнинг биринчи кунидир, унинг охири эса ойнинг охирги кунидир. Худо дарахт ва ўсимликларни шу кунда яратган. Бу куннинг номи аётрим гоҳдир.

Тирмоҳ. Бунинг олтинчи куни — хурдод — ҳайит бўлиб, «жашни найлуфар» деб аталади. Бу [ҳайит] ҳали янги. [Бу ойнинг] ўн учинчи куни — рўзи тир — ҳайит бўлиб, икки номнинг мувофиқ келгани сабабли уни «тиргон» деб атайдилар.

Бу куннинг [ҳайит қилинишига] икки сабаб бор.

Бири — айтишларича, Афросиёб Эроншаҳрни босиб олиб, Табаристонда Минучеҳрни⁶⁹⁸ қамал қилгач, Минучеҳр ундан бир илтимос қилди. Афросиёб унинг илтимосини қабул этди ва Эроншаҳрдан бир ўқ отими квадрат жойни ўзига қайтарадиган бўлди. Шунда Абисто китобида айтилгандек, фаришталардан Исфандормуз номли бир фаришта ҳозир бўлиб, [Минучеҳрни] ўқ ёй тайёрлашга буюрди ва уларнинг ўзи кўрсатган ҳажмда бўлишини ишловчига айтди. Арш [унинг] ҳузурига чақирилди. У олижаноб, диёнатли ва билимдон киши эди. [Афросиёб] унга ёйни олиб, ўқ отишни буюрди. Арш ўрнидан туриб яланғоч бўлди ва: «Эй подшоҳ, эй халойиқ, баданимни кўринг! Мен ҳар қандай жароҳат ва касалликдан покман ва аниқ аминманки, бу ўқ ёйни отганимда парча-парча бўлиб кетаман ва ҳалок бўламан. Аммо мен уни сизларга фидо қилдим», — деди.

Сўнгра у кийимини ечиб, худо берган қувват билан ёйни чўзиб, ўқни отди ва ўзи парча-парча бўлиб кетди. Худо шамолга буюрди, шамол ўқни Руйён тоғидан Хуросоннинг энг охири чегаралари Фарғона ва Табаристон орасига олиб кетди. Ўқ дунёдаги дарахтлар орасида катталиқда мисли кўрилмаган катта ёнғоқ дарахтининг илдизига тегди. Айтилишича, [ўқ] отилган жойдан то бориб тушган жойигача минг тош экан. [Минучеҳр ва Афросиёб] шу [ўқ] отимига қелишишди. Бу шу [тирмоҳнинг ўн учинчи] куни бўлган эди. Халқ шу кунни ҳайит қилиб олди.

Минучеҳрга ва Эроншаҳр аҳолисига шу қамал [вақтида] [шундай] қаттиқчилик бўлдики, улар буғдой янчиб, нон қилишга қодир бўлмадилар, чунки унинг [етилиш] муддати ҳали узоқ эди. Ниҳоят, етилмаган буғдой ва ҳўл меваларни қайнатиб едилар. Шу кундан [бошлаб] буғдой ва ҳўл меваларни қайнатиш⁶⁹⁹ одат бўлиб қолди.

Айтишларича, ўқ отилган кун ҳудди шу кун, яъни рўзи тир⁷⁰⁰ бўлиб, бу кичик тиргондир. Ўн тўртинчи куни эса гўш рўз⁷⁰¹ бўлиб, катта тиргондир, ўқ тушиши хабари шу куни тарқалди.

Рўзи тирда ошхона асбоблари [синдирилиб] ва ўчоқлар бузиб ташланади, чунки шу куни халқ Афросиёбдан қутулган ва ҳар ким ўз ишига кетган.

[Рўзи тирда ҳайит қилишга] иккинчи сабаб [мавжуд]: «даҳуфазлик» — бунинг маъноси дунёни сақлаш, уни қўриқлаш ва дунёда ҳукмрон бўлиш, яна «деҳқончилик» — бунинг маъноси дунёни обод этиш, экин экиш ва дунёни тақсим этиш — иккиси эгизак бўлиб, дунё шулар билан обод ва доимо || барқарор бўлади, унинг бузуқлиги тузалади. 221 «Қотиблик» ўша икковига тобе ва боғлиқдир. Даҳуфазлик Ҳушангдан, деҳқончилик эса унинг биродари Викарддан содир бўлган.

Бу куннинг оти тир. Бу қотиблар юлдузи — Уторид демақдир. Уша куни шу вақтда Ҳушанг ўз биродари Викард исмини юқори кўтарди ва деҳқончилик унга берилди. Деҳқончилик ва қотиблик — иккови бир нарса. Кейин Викардни улуғлаш ва ҳурматлаш юзасидан шу кунни байрамга айлантирдилар. Шу куни [Ҳушанг] дунё аҳолисига қотиблар ва деҳқонлар кийимини кийишни буюрди. Кейин подшоҳлар, деҳқон-

лар, мубадлар ва бошқалар то Биштосф давригача котибликни улуғлаш ва деҳқончиликни ҳурмат қилиш учун котиблар либосида қолдилар.

Эронликлар шу куни чўмилишади. Бунинг сабаби шуки, Қайхусрав Афросиёб урушидан бўшагач, шу куни Сова томонига ўтиб, унинг тепасидаги тоққа чиқди ва лашкаргоҳидан ажралиб бир булоққа тушди. Шунда унга бир фаришта кўринди. Қайхусрав қўрқиб, ҳушидан кетди. Бу Жувдар ўғли Вижаннинг Қайхусрав ҳузурига келишига тўғри келган эди. У энди ўзига келган эди, Вижан унинг юзига ўша сувдан сепиб, шу ердаги бир тошга суяб қўйди ва унга: «эй подшоҳ мандеш», яъни «қўрқма!» — деди. Қайхусрав шу булоқ [ёнида] бир қишлоқ қуришига айрди ва уни «Мандеш» деб атади. Бу ном энгиллатилиб «Андеш»га бўлантирилди. Сўнгра, шу сувда ва барча булоқ сувида табаррук учун чўмилиш расм бўлди. Омул аҳолиси шу куни Ҳазар денгизига бориб, кун бўйи сувда ўйнашиб, шўнғишадилар.

Мурдод моҳ. Бу ойнинг еттинчи куни — рўзи мурдод «мурдодагон» деб аталадиган ҳайит куни бўлиб, икки номнинг мувофиқ келгани сабабли шундай аталган. «Мурдоднинг» маъноси «Махлуқотнинг ўлмаи ва йўқ бўлмай абадий давом этиши» демакдир. Мурдод — дунёни сақлашга, овқатларни ва асли очлик, ёмон ҳолат, касалликларни кетказувчи ўсимлик бўлган дориларни барпо этишга вакил этилган фариштадир. Яна худо билимдонроқ.

Шаҳривар моҳ. Бу ойнинг тўртинчи куни, яъни рўзи шаҳривар икки номнинг мувофиқ келгани сабабли шаҳриваргон деб аталадиган ҳайитдир. Бу [номнинг] маъноси «уруғ» ва «муҳаббат». Шаҳривар — еттига қимматбаҳо нарсага, яъни турли санъатларга, дунё ва дунё аҳлининг борлигига восита бўлувчи олтин, кумуш ва бошқа металлларга вакил қилинган фаришта.

Зодавайҳ бундай деган: «Бу кун озаржашн деб аталади. Бу одамларнинг уйларидаги оловлар байрами бўлиб, қиш бошланишида бўлади. Бунда одамлар уйларида катта оловлар ёқиб, худога кўп сифнадилар ва ҳамд айтадилар, овқатланиш ва хурсандлик қилиш учун йиғиладилар. Улар даъвосича, бу ишлар совуқни ва қишда бўладиган қуруқликни кўтариш учун қилинади; оловларнинг ҳарорати ҳар ёққа ёйилиб, дунёдаги ўсимликларга зарар келтирувчи офатларни даф қилади». || Уларнинг бу ҳақда тутган йўли катта лашкар билан ўз душмани [томонига] жангга кетаётган кишининг йўлидир».

Хуршид Мубад бундай деган: «Озаржашн — бу шу ойнинг биринчи куни⁷⁰², яъни рўзи ҳурмуздир. Бунинг ўн олтинчи куни, яъни рўзи меҳр «хазони аввал»⁷⁰³ деб аталади. Бу баъзи кишилар учун [ҳайит бўлиб], эронликлар ойларида ишлатилса ҳам, уларнинг [ҳайит] кунларидан эмас. Бу тахористонликларнинг кунларидандир. Ҳаво ўзгариб, қиш бошланиши сабабли уларда шу [ҳайит] расм бўлган. Хуросон аҳолиси бизнинг замонимизда уни куз бошига кўчирдилар. Бу кун, яъни рўзи меҳр бешинчи гаҳанборнинг аввали бўлиб, унинг охири рўзи Баҳромдир. Бу кунда худо чорва молларни яратган ва бунинг номи мад-ёримгоҳдир».

Меҳрмоҳ. Бунинг биринчи куни — ҳурмуз рўз. Бу иккинчи куз бўлиб, юқорида баён этилганлар сингари умумхалқ учундир. Ун олтинчи куни, яъни рўзи меҳр шани улуғ ҳайитдир. У меҳржон номи билан машҳур ва номи ой номига мувофиқ. Бу [сўзнинг] тафсири «жон севги-

си» демакдир. Баъзиларнинг айтишича, «меҳр» — «Қуёш номи, Қуёш шу кун оламга зоҳир бўлиб, [байрам] унинг номи билан аталган. Бунга далил шуки, Қуёш сурати ва унинг айланиб юрадиган аравасининг сурати солинган тожии кийиш хусравларнинг шу кунда ижро этадиган маросимларидандир. Шу куни эронликларда бозор бўлади.

Айтишларича, Биваросф аз-Заҳҳокка Кови⁷⁰⁴ ҳужум қилиб, уни ҳайдаб Афридунга даъват қилганидан кейин, одамлар Афридун хуруж этганини эшитгач, [уларнинг] севинишлари шу кунни махсус улуғ тутишларига сабаб бўлган.

Кови шундай киши эдики, Эрон подшоҳлари унинг туғ ва байроғини ўзлари учун бахт келтирувчи деб билганлар. У байроқ айиқ териси, баъзиларнинг айтишича, шер [терисидан] бўлиб, «дирафши ковиён»⁷⁰⁵ деб аталган. Кейин у қимматбаҳо, тошлар ва олтин билан безатилган.

Айтишларича, Фридунга⁷⁰⁶ ёрдам бериш учун шу куни фаришталар тушган. Шу сабабли подшоҳлар саройларида мана бундай расм жорий бўлган. Тонг ёриш вақтида шижоатли бир киши сарой саҳнида туриб, баланд овоз билан: «Эй фаришталар, дунёга тушинг, шайтонлар ва ёмонларни хўрлаб, дунёдан ҳайданг!» — деди. Айтишларича, худо ерни шу куни ёйган ва жасадларни руҳлар учун қароргоҳ қилиб яратган. Шу куннинг [номаълум] бир соатида фалаки Ифранжави жасадлар тарбияси учун нафасини ичига олиб чиқаради⁷⁰⁷. [Яна] айтишларича, худо Ойни нурсиз қора курра қилиб яратган. Кейин, [яъни] шу куни унга гўзаллик [берган] ва ўз нури билан ёритган. Шунинг учун «ой меҳржонда Қуёшдан шарафли бўлади» дейилган, [Меҳржоннинг] энг бахтли соатлари ой соатларидир.

Салмон Форсий: «Биз эронликлар даврида «Худо бандалари учун ёқут зийнاتини наврўзда, забаржад зийнатини меҳржонда юзага чиқарди. Ёқут ва забаржад барча қимматбаҳо тошлардан ортиқ бўлгани каби, у икки кун бошқа кунлардан ортиқдир», дер эдик», — деди. Ал-Эроншаҳрий: «Худо наврўз ва меҳржон куни нур ва зулматдан аҳд олган», — деди.

Соид ибн ал-Фазл: «Эрон олимлари: «Шоҳин тоғининг чўққиси ||бутун ёз кунлари давомида ҳамиша қора кўриниб, меҳржон тонггида 223 ҳаво очиқ ёки булутли, ёки унинг қандай ҳолда бўлишига қарамай, худди устида қор бордек кўринади», дейдилар», — деган.

Ал-Кисравий: «Халифа Мутаваккил мубадининг: «Меҳржон куни Қуёш Ҳомин воситда⁷⁰⁸ нур ва зулмат орасида кўтарилиб, руҳлар жасадлар ичида йўқ бўлади. Шунинг учун эронликлар бу кунни миргон деб атаганлар деяётганини эшитдим», — деган.

Афсунчилар: «Меҳржон куни бир оз анор еб, гул суви ҳидлаган кишидан кўп офатлар даф этилади», — деганлар.

Аммо эронликларнинг шарҳчилари шундай кунлардан турли маънилар чиқариб, меҳржонни қиёмат ва олам охирига далил қилганлар. Бунга ўсувчи нарсанинг шу куни ўсиш чегарасига етиб, ўсиш моддаларнинг ундан узилишини ва ҳайвонларнинг наслланишдан тўхташини сабаб кўрсатганлар. Шунингдек, наврўзни, бунда ҳалиги [меҳржондаги] ҳолатларнинг зидлари пайдо бўлиши сабабли — оламнинг бошланишига далил қилганлар. Бир гуруҳ кузни баҳордан ортиқ билганидек, улар меҳржонни наврўздан ортиқ билганлар. Буни исботлашда Искандар Арастудан, у икки куннинг қайсиси афзал деб сўраганида унинг:

«Эй подшоҳ, баҳорда ҳашаротлар пайдо бўла бошлайди, кузда эса улар йўқолиб кетади. Демак, шу жиҳатдан куз [баҳордан] афзал»,— деган жавобига асосланадилар.

Утмиш замонларда бу кун қиш бошига тўғри келган, кейин кабиса бекор қилиниши сабаб олдинга сурилган. Бизнинг замонимизда Хуросон подшоҳларида шу куни отлиқ аскарларга кузлик ва қишлик кийим бериш расм бўлди.

Бу ойнинг йигирма биринчи кун, яъни ромрўз катта меҳржон байрамидир. Бу [байрамга] Афридуннинг Заҳҳок устидан ғалаба қозониб, уни асир этиши сабаб бўлган. Айтишларича, Афридун олдига келтирилганда, Заҳҳок: «Бобонг [қони] учун мени ўлдирма!» — деган. Афридун унинг сўзини ёқтирмай: «Қасосланишда ўзингни Виждон ўғли Жамшидга тенглаштирмақчимисан! Йўқ, балки сени бобом уйдаги ҳўкиз [қони] учун ўлдираман»,— деб жавоб берган.

Кейин уни боғлатиб, Дунбованд тоғига ҳибс эттирди. Одамлар аз-Заҳҳок шарридан халос бўлиб, ўша кунни ҳайит қилганлар. Афридун уларга белларига [алоҳида] камар боғлашга, овқат вақтида гапдан тўхтаб, замзама қилишга буюрди. Бу — минг йил хавфу хатарда бўлганларидан кейин, худо уларнинг ишларида, ейиш-ичиш вақтларида ўзларига ихтиёр берганига шукр қилишлари учун эди. Бундай қилиш уларда суннат ва одат бўлиб қолди.

Гарчи баъзиси: «Биваросф минг йилдан кўпроқ яшаган. Минг йил унинг ғалаба қозониб, подшоҳлик қилган муддатининг ўзи» деса ҳам, эронликларнинг барчаси Биваросфнинг минг йил яшаганини айтади.

Яна айтишларича, эронликларнинг бири-иккинчисига минг йил умр кўришини тилаб, дуо қилиши, яъни «минг йил яша» дейиши ўша замондан қолган бўлса керак. Чунки Заҳҳокнинг минг йил яшаганини билгач, шунча йил умр кўриш улар қошида дуруст ва мумкин бўлган. Яна худо билимдонроқ.

224

Зардушт || меҳржон билан ромрўзни улуғлаш бир хил бўлсин деб буюрган ва [бу] икковини бирга ҳайит қилганлар. То Шопур ўғли Ҳурмуз баҳодир иккала наврўз орасини туташтирганидек, у икки кун орасини туташтириб, орадаги кунларни ҳам ҳайитга айлантирмагунича [бу давом этган]. Сўнгра подшоҳлар ва Эроншаҳр аҳолиси меҳржондан то ўттиз кунни тамом бўлгунича давом этган [кунларни], юқорида наврўз ҳақида айтилганидек⁷⁰⁹, турли табақалар ўртасида ҳайитга айлантирганлар ва ҳар бир табақа учун беш кун белгилаганлар.

Обон моҳ. Бунинг ўнинчи кун, яъни рўз обон моҳ икки номнинг мувофиқ келгани сабабли обонгон деб аталадиган ҳайитдир. Шу кун Завв ибн Таҳмосп подшоҳ бўлиб, анҳорларни қазии ва тузатишга буюрди. Афридуннинг Биваросфни асир этиб, подшоҳ бўлгани, одамларни ўз уйлари, оилалари ва болаларига эга бўлишга ундагани ва ўзларини кадхудо деб аташга буюргани шу кун етти иқлимга тарқалди. Шу кундан олдин бу исм бўлмаган эди. Кейин ҳар бир киши ўз уйи эшигини қулфлаб, ўзини кадхудо, яъни бу уй эгаси деб атади⁷¹⁰. [Ҳар ким] ўз оиласи, болалари ва мулкига эгалик қилди, уларга буйруқ берди ва ман қила олди. Бундан олдин Биваросф даврида [одамлар] жойларидан маҳрум этилиб, вақти-вақти билан уйларига шайтонлар, девлар келиб турар ва уйларидан уларни ҳайдашга қодир эмас эдилар.

Носир ал-Утруш⁷¹¹ бу расми йўқ қилди, лекин девларни кадхудоликла одамлар билан шериклик қилишини тиклади.

Бу ойнинг биринчи [куни] иштод рўз дейилган, охириги беш куни фарвардажон деб аталади. Бу куни [одамлар] мозорлар мақбараларига овқатлар ва уйларнинг орқасига ичимликлар қуярдилар. Улар шу куни ўликларнинг руҳлари савоб ва азоб жойидан чиқиб келиб, овқатлар қувватини шимади ва ичимликлар мазасини сўради деб гумон қилардилар. Уликлар ҳидидан лаззатлансин деб уйларида қора андиз тутатар эдилар. Яна уларнинг гумонича, яхшиларнинг руҳлари оила, болалари ва яқинларига келиб, уларнинг ишларига бошчилик қилади, лекин [тириклар] уларни кўрмайдилар.

Бу кунлар ҳақида эронликлар орасида ихтилофлар бор. Баъзилари бу кунлар обон моҳнинг охириги беш куни деса, бошқалари буларни «андаргоҳ», яъни обон моҳ билан озар моҳ орасига қўшилган беш кун деган. Ораларида ихтилоф кўпайиб, бу масалада тортишув бўлгач ва ўзаро бир фикрга келолмагач, ишни пишиқ қилиш ва эҳтиёт учун ўша ўн куннинг ҳаммасини олганлар, чунки бу [ҳайит] динлари асосларидан бири эди. Улар аввалги беш кунни — биринчи фарвардижон, кейингисини — иккинчи фарвардижон деб атадилар. Иккинчиси биринчисидан афзалдир. Бу ортиқча қўшилган беш куннинг биринчи [куни] олтинчи гаҳанборнинг биринчи кунидир. Худо одамларни шу куни яратган ва бу ҳамашфатмидимгоҳ деб аталади.

Айтилишича, фарвардижоннинг сабаби шундай бўлган: Қобил Ҳобилни ўлдиргандан кейин ота-онаси бунга қаттиқ қайғуришади ва унинг руҳи ўзига қайтарилишини худодан сўрашади. [Худо] унинг руҳини обон моҳнинг иштод рўзида қайтаради. Руҳ [Ҳобил танасида] ўн кун турган. Ҳобил тирилиб, ота-онасига тикилиб ўтираверган, [чунки] унга гапиришга [худодан] рухсат берилмаган эди. Шунда ота-онаси⁷¹² ўз замонларида ейиладиган, ичиладиган хушбўй нарсаларни унинг атрофига йиққанлар. Олимлар ва подшоҳлар шу [маросимни] ушлаб олиб, ўша кунни энг улуғ ҳайитга айлантирдилар. Бу ҳайитга ҳозирланиш учун [олдиндан] уч кун қўшиб, [ҳайитни] дайбадин кунидан бошладилар⁷¹³. Улар шу куни тожларини бошларидан олиб қўяр, тахтларидан тушиб оқ кийим кияр, белларига камар боғлаб, ёмон ва яхши ишларни текширишга киришардилар.

Озар моҳ. Бунинг биринчи куни, яъни ҳурмузд куни — «кўсанинг миниши» бўлади. Бу бир кулдирувчи кўсадан жорий бўлиб келган одатдир. Кабиса бекор қилиниб [ҳурмузд куни] совуқ кучайган вақтга тўғри келганда ҳалиги [кўса] Эронда йиртилган иштон ва эскирган либослар кийиб, ўзини хунук аҳволга солиб эшакка миниб юрарди. У иссиқ овқатлар ва қиздирувчи шароблар тоғиб, жасадига совуқ зарарини қайтарадиган баъзи бир ёғлардан суртарди. Сўнгра елпигич билан елпиниб, одамларга кўринар, одамлар ундан қаттиқ кулишиб, унга сув сепар, муз ва қор отар эдилар. Шу билан у киши Эрон бойларидан манфаатланар эди. Унинг авлодлари [шу одатни] мерос қилиб олдилар. Шу одат бизнинг замонимизда Шерозда ва Эроннинг айрим шаҳарларида подшоҳ учун || солиқ тўлаш шарти билан ишлатилади. 1236

Геометрия олими Абу Саъд Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдулжалл менга бундай ҳикоя қилди, у Шерозда [шу одатни] кўрган экан. Буни узун ва қалин соқолли бир қоровул ижро этарди. У ўзи билан

бирга мағфара, яъни қизил кесак ивитмасини олиб юрар, бировдан эҳсон сўрар, агар у ҳеч нарса бермаса, унинг кийимларига шундан суртарди. Бу кунни «ансол» ва «ҳоругон» деб ҳам атардилар. Қаёний подшоҳлари бу кунни «Баҳоржашн» деб атаганлар. Бу «хурсонжара» дастлаб юзага чиққан кундир. Қаёнийлар даврида тулкилар учар экан ва шу сабабли уларнинг замонлари бахтли, рўзгорлари фаровон бўлган эмиш. Қаёнийлар билан бирга бу тулкилар ҳам ҳалок бўлдилар ва уларнинг [инқирози] сабабли тулкилар ҳам инқирозга юз тутдилар. Шунинг учун ўша куни тулкига қараш табаррук ҳисобланали.

Учар тулкилар деганни эшитган киши кўпинча ажабланади, бу ажабланарли эмас. Мен инонадиган киши Абу-л-Қосим Али ибн Аҳмад ат-Тоҳирий менга шундай хабар берди: Исибжоб ҳокими уч юз етмиш тўққизинчи⁷¹⁴ йилда Хуросон ҳукмрон Нуҳ ибн Мансурга⁷¹⁵ кўриниб турган иккита шоҳли бир от ва икки ёнида пат қанотлари бор тулки ҳадя қилган. Агар унга [тулкига] киши яқинлашса, қанотларини ёзар, узоқлашса йиғиб ёнига ёпиштирар экан. Абу-л-Қосим бу тулкини қафасда турганида кўрганини айтди.

Бу — Жамшид денгиздан дастлаб дур олган кундир. Бундан олдин дур ҳеч кимга маълум бўлмаган. Бу кун Қуёшнинг Ҳамал буржига киришига яқин бўлар эди. Одамлар уни ҳайит қилиб⁷¹⁶ шодланишар, қиш орқада қолиб, унинг машаққатлари кетиши ва баҳор келиб, хушбўй ҳидлар эсиши сабабли хурсанд бўлишардилар. Бу кун замон қайта тирилган ўликдек бўлгани учун одамлар саҳроларга чиққанлар ва ўсимликларга назар ташлашни табаррук деб билганлар.

Шу кунни подшоҳлар ҳузурига овқатдан олдин тулки, [овқатдан] кейин эса попишак, жўжа, хўтик ва гулларнинг қинларидан чиққан дастлабки меваларидан топилганлари киргизилган. Айтилишича, бу кун худо яхшилик ва ёмонликка ҳукм қилган, буржларни тузган ва уларни ёритқичларга тақсим этган кундир⁷¹⁷.

Бу куннинг энг яхши вақти ва энг бахтли соати — Ҳамал кўтарилган пайтдир. Афсунгарлар саҳар вақтини табаррук деб биладилар ва саҳар вақти ҳақида қуйида айтиладиган хосиятларнинг ҳар ҳолда учратилишини гумон қиладилар. Улар: «Шу кунни эрталаб гап гапиришдан олдин беҳи тотиб, пўртахол ҳидлаган киши [бутун] йил бўйи бахтли бўлади», — дейдилар. Тоҳир ибн Тоҳир: «Ажамликлар қадимги вақтларда шу кунни ой манзилларидаги ҳолатларда унга тобе бўлиб, агар Ой [шу кунни] олов манзилида бўлса асал, сув манзилида бўлса, сув ичар эдилар», — деди.

Ал-Эроншаҳрий: «Арманистон олимларидан бир қанчаси «тулки куни» тонгида катта тоғ устида ички ер ва ташқи ер орасида оқ қўчқор кўринади, у йилнинг фақат шу кунининг ана шу вақтидагина кўринади. У ернинг аҳолиси агар у кўчқор маъраса, йилнинг ҳосилдор бўлиши, маърамаса ҳосилсиз бўлишига далил қиладилар», деяётганларини эшигдим», — деди. Ажамликлар «тулки куни» тонгида булутга қарашни баракатли санайдилар ва булутнинг тиниқ, ғуборли, латиф ва қалинлигини йилнинг бахт, наҳс, фаровон ва қурғоқ бўлишига далил келтирадилар.

Шу ойнинг тўққизинчиси, яъни озар куни икки номнинг бир хиллиги учун «озаржашн» деб аталувчи ҳайитдир. Бу кунда оловда иси-нишга эҳтиёж тушади. Чунки бу қиш ойларининг охиргиси бўлиб, фасл

охирида совуқ кучлироқ ва ғолиброқ бўлади. Бу олов байрами бўлиб, ҳамма оловларга вакил қилинган фаришта номи билан аталади. Зардушт шу куни оташхоналарни зиёрат қилишга, у ерларда қурбонликлар сўйиш ва олам ишлари хусусида маслаҳат этишга буюрган.

Дай моҳ. Бу хурмоҳ деб ҳам аталади. Бунинг биринчи куни хурам рўз дейилиб, бу ва шу ой худо номи, яъни ҳурмузд билан аталган. Бунинг маъноси «донишманд подшоҳ ва яратувчи ақл эгаси» демакдир. Шу куни подшоҳ шоҳлик тахтидан тушиб, оқ кийимлар кияр ва саҳрода оқ палосларда ўтирарди. Ҳижоб ва подшоҳлик ҳайбатини тарк этиб, дунё ишлари ва дунё аҳли учун ўзини бўшатар эди. Бирон нарса ҳақида подшоҳ билан гаплашишга муҳтож бўлган киши, хоҳ у юқори табақадан, хоҳ қуйи табақадан бўлсин, тортинмай унга яқин бориб сўзлашарди. Подшоҳ деҳқонлар ва корандалар билан ўтириб овқат ер, шароб ичар ва: «Бугун мен сизларнинг бирингиз ва биродарингизман. Чунки дунё сизнинг қўлингизда вужудга келадиган ободонлик билан, ободонлик эса подшоҳлик биландир, бу иккиси бир-бирига муҳтождир. Шундай бўлгач, биз бир-бирига меҳрибон икки биродар сингаримиз ва бу [биродарлик] бир-бирига меҳрибон икки биродар — Ҳушанг ва Викарддан содир бўлган», — дер эди.

Бу кун гоҳ «навад рўз»⁷¹⁸ деб аталиб ҳам ҳайит қилинади, чунки бу билан наврўз ораси тўқсон кундир.

Саккизинчи, ўн бешинчи ва йигирма учинчи кунлар, юқорида айтганимиздек, номлари ой номи билан мувофиқлашган ҳайитлардир.

Ўн биринчи кун — «рўзи ҳур» — биринчи гаҳанборнинг аввали бўлиб, охири «рўзи дай бамеҳр»нинг ўн бешинчи кунидир. Бу гаҳанбор «мадьявзарам гоҳ» деб аталади. Худо бунда осмонни яратган.

Бу [ойнинг] ўн тўртинчи куни — «рўзи гуш» — «сер сава» деб аталади. Бунда саримсоқ ҳам шароб тановул қилинади⁷¹⁹ ва шайтондан сақланиш учун гўштларга сабзавот қўшиб қайнатилади. Бунга сабаб [шуки], эронликлар Жамшид ўлдирилиб, мағлуб бўлганларида [шу йўл билан] шайтонларнинг азиятларини даф этганлар. Одамлар [Жамшид ўлдирилганига] хафа бўлиб, ёғлиқ овқатга яқинлашмасликка қасам ичганлар. Ана шу [одат] уларда суннат бўлиб қолган. Шу [овқатлар] орқали ёмон арвоҳларга тегишли касалликлардан даволанадилар.

Ўн бешинчи кун — бу «рўзи дай бамеҳр» бўлиб, «пайкон» деб аталади. [Шу куни] ҳамир ёки лойдан инсон шаклида бир шахс ясаб, дарвозалардан кириладиган жойларга қўйишарди. Бу [одат] подшоҳлар саройларида ишлатилмас эди. Бунда худога шак келтириш ва йўлдан адашиш каби ҳаракат борлигидан ҳозир тарк қилинган.

Ўн олтинчи кун. Бу «рўзи меҳр» бўлиб, «даромзинон» деб аталади, уни «кокул» деб ҳам атайдилар. Эроншаҳрликларнинг турк мамлакатларидан ажралиб, халос бўлишлари ва туркларга асир бўлган қора молларининг ўз уйларига ҳайдаб келишлари шу [ҳайитнинг келиб чиқиши]га сабаб бўлган. Яна Афридун Биваросфни орадан йўқотган, Биваросф айрим жойларни ўраб олган ва Асфиённинг [эғалик қилишига] қўймаган. Асфиён қора молларини бўшатиб юбориши ҳам [шу ҳайитга сабабдир]. Асфиён қадри улуғ, ҳиммати баланд, фақирларга инъомли, ёру дўстлар аҳволидан хабардор бўлиб, уларга берган аҳдида турадиган ва умидворларга эҳсон этадиган киши эди. Афридун унинг

молларини бўшатиб юборгач, одамлар унинг хайру эҳсонларини умид этиб ҳайит қилдилар.

Афридуннинг кўкрак сутидан ажратилиши шу кунга тўғри келган. Бу [Афридун] дастлаб ҳўкизга минган кундир. Шу куни кечаси ой арава-сини тортувчи ҳўкиз кўринади. У ҳўкиз нурдан бўлиб, икки шохи тилло-дан, оёқлари кумушдандир. У бирмунча вақт кўриниб, кейин ғойиб бўлади. Уни кўришга муваффақ бўлган кишининг унга қараб турган вақтдаги дуоси мустажоб бўлади.

Уларнинг даъволарича, шу кеча бир катта тоғда оқ ҳўкиз сурати кўринади. У агар ўша йили ҳосил яхши бўладиган бўлса, икки марта, 1246 қўрғоқчилик бўладиган бўлса, бир марта бўкиради⁷²⁰. Сўнгра ғойиб бўлиб, келгуси йилнинг шу кечасигача кўринмайди. Шу кечадан кейинги кунда сигир сути ичиш табаррук ҳисобланади. Афсунгарлар: «Шу 125а куни эрта билан гап гапиришдан олдин олма еб, || нарғис ҳидлаган киши ўша йили яхшилик ва фаровонлик билан умр кечиради. Шу кечанин-нинг кундузида гулсапсар тутатиш йил бўйи қаҳатчиликдан, фақирлик, қийналиш ва қаттиқчиликдан омонлик беради,— деганлар.

Ал-Бобилий шундай деган: «Баъзи ажамликлар бу кунни ёмон кўради ва бу жинларнинг ҳайити, Биваросф Жамшидни ўлдирганида жинлар шод бўлган, шайтонлар ўзларини юқори тутган ва одамларга қасд қилиб, ҳамиша уларга бало етадиган кун»,— дейди. Одамлар шайтонлардан сақланганлар ва ўша кечаси ухламай, тўда-тўда бўлиб худога зикр ва сано айтганлар, эшикларни кузатиб, сақлаб турганлар⁷²¹. Натижада [шу кечаси] эшикларни тақиллатиш ва уларни пойлаш одатга айланган».

Ал-Бобилий яна бундай деган: «Эрон олимларининг айтишларича, Жамшид Кокилни рангларнинг энг гўзалларини ўзида жам қилган ва етти жавҳар: тилло, кумуш, мис, темир, қалайи, қўрғошиндан таркиб топган ва кўринган ҳўкизларнинг энг чиройли ва энг ҳусндорига минган инсон суратида кўрган. У Бобил заминида Жамшид дарвозасида қўлида бир даста гулсапсар тутиб турар, ўз ҳўкизи жавҳарларининг таркибидан инсонларнинг исмлари ва сифатларига кўра қисмлар ажратар ва шу сабабдан ҳўкизининг жавҳарлари камайиб кўринарди. Шунда Жамшид унга: «Ҳой гўзаллик турларини ўзида жам этган чиройли юзли, сен кимсан?» — деди. У: «Мен олам бахтиман»,— деди. Жамшид: «Бу гапинг қанақа, аввалда ҳам шундай деган эдинг, яна шундай деяпсан?» — деган эди, «Одамларга бахт ҳиссаларини бўлиб беряпман»,— деди. «Тилло ва кумушни кимларга бўлиб берасан?»— деди Жамшид. «Тилло ва кумуши бор кишиларга»— деди Кокил. Жамшид: «Қай вақтда оламга кўз қирингни кўпроқ ташлайсан?» — деган эди, «Савр буржи осмон ўртасида бўлганида»,— деб жавоб берди. Кейин ғойиб бўлди⁷²².

Эрон ойлари ҳақида гапирар эканман, фақат уларнинг сўзларини ҳикоя қилишим ва ўзимдан ҳеч нарса қўшмаслигим керак, чунки уларнинг хабарларида ёлғон ва мумкин бўлмайдиган тегсиз гаплар кўп. Лекин фойдали бўлган жойда гапирмай, фойдага ҳалал етказиш насиҳатни тарк этиш бўлади.

Шунинг учун айтаманки: саодат ва бахтнинг оламга қараши, зафар эҳсон этувчи ва мақсадларга эришишга ёрдам кўрсатувчи вақтларда вужудга келади; шунда дуолар ишончли бўлади. Қабул этиладиган дуо мақсад дурустлигига, кучли эътиқодга, садоқатли таваккулга боғлиқ-

дир. Чунончи инжилда ҳаворийларга қарата: «Сизга ростини айтсам, агар сизда имон бўлса, ва шак-шубҳа қилмасангиз, бу тоққа: «Жойингдан кўчиб денгизга туш» денг, албатта шундай бўлади. Намозда сўраган ва орзу қилган ҳамма нарсангизга эришасиз»,— дейилган.

Худонинг ва биз билан унинг орасида воситалик қилувчи || фаришталар, пок ва муқаддас руҳлар, [худоба] итоат этувчи ёритқичларнинг мумкин бўлганича [одамларни] тузатиш ишига аҳамият беришларига ва ёмон ишдан қайтиб, қилган дуоларга эътибор этишларига шубҳа қилмаймиз. Бунга ишонишни талаб этувчи тадбирларнинг энг ажойибларидан бири денгизчилар ва кемаларда юрувчи савдогарлар баён этганларидир. Улар ўқинг учини юқорига қилиб кеманинг устун ёғочига боғлаб қўядилар; кучли шамол, ёмғир ёки тўлқин вужудга келиб, ҳалокатга учраб, зорланиб дуо қилганларида, кемани енгиллатиш учун ҳамма нарсаларини денгизга ташламоқчи бўлиб юқорига қараганларида баъзан ўқ учи устида юлдуздек ёруғ нарса кўрганлар. Денгиз тўлқини ва мавжи ортаётган бўлса ҳам, уни кўргач, фарқ бўлмасликларига ишониб, суюнганлар. Гоҳо у нарсани ўша пайтда кечаси уч марта ёки тўрт марта кўрганлар. У булутли кечаларда денгизнинг айрим жойларида кўринган, ҳаво очиғида ҳамда денгизнинг баъзи жойларида кўринмаган.

1256

Фозил Жолйнус ва мунажжимларнинг кўпчилиги бунга гувоҳлик берадилар ва ҳақиқат деб ҳисоблайдилар.

Дуоларда саҳроларга чиқиш, товушларни баланд кўтариш, қасд ва фикрни бошқа нарсдан ажратишдан ёрдам олингани каби ёритқичларнинг [туриш] шаклларида ёрдам олинса, дуо қуввати ортади. Қадимги юнонликлар дуо қилмоқчи бўлганларида Муштарийнинг [ўз] бошлари билан осмон ўртасида, Зухранинг «толе» [буржида] турган пайтида дуо қилганлар. Баъзилари эса икки бахт юлдузи [Муштарий ва Зухра]дан бирининг толе [буржида], иккинчисининг [Ой] тўртинчи [Манзилида] бўлишини кутар эди. Чунки уларнинг бири [бахтли] бошланишни, иккинчиси [бахтли] оқибатни кўрсатади. [Юнонларнинг] қай-бирлари у икки [бахт юлдузига] фалакдан мувофиқ жой ва Қуёшдан мос шакл бўлгандан кейин, бирини [Ой] тўққизинчи манзилида, чунки дуо — диний иш, бошқасини тўртинчида бўлишида кутар эди; [лекин] бу иккисига икки наҳс юлдузи (Зухал ва Миррих) қаршилиқ кўрсатмаслиги ва бу иккиси билан Ой ҳам ишончли саодатга эришиши шарт. Уз жинси билан [шу] дуо боғлиқ бўлган Ойнинг ёритқичларга алоқаси ҳам ёқимли, кучли ва ишончли алоқага айланиши керак.

Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий дуо вақтларига бағишланган қисқа рисолада бундай деган: Ой ва Уторид «Қаф ал-хазиб»⁷²³ [номли] юлдузга учрашганида — бу учрашиш Искандар эрасининг минг уч юз ўнинчи йили Ҳамалда йигирма бир ва йигирмадан бир даражада бўлган — бадан [соғлиги] ва унинг тузалиши ҳақидаги дуонинг қабул этилиши умидли вақт бўлади. Уша юлдузга Қуёш учрашганда бойлик ва ботирлик учун қилинадиган дуо вақти бўлиб, дуо у кишининг умри ўртасида мустажоб бўлади. Агар унга Зухал учрашса ва бу бахт юлдузига айланган бўлса, дуо қилувчи || умрининг ўртасидан то охиригача бахтли бўлади. Агар Зухал наҳс ҳолатида бўлса, у фақир, кучсиз ва яланғоч қолади. Чунки дуоларнинг баъзиси дуо қилувчига акс таъсир кўрсатиб, орзу ва умид қилганининг зидди бўлади. Масалан, Ҳасан ибн

126a

Зайд ал-Алавий даврида Табаристон аҳолиси қурғоқчилик йилига дуч келган ва ёмғир тилаб, дуо қилиш учун [саҳрога] чиққан, ҳали дуодан фориг бўлганларича йўқ эди, шаҳар атрофига ўт тушган. Бу ҳақда Абу-л-Амр шундай деган:

Табаристонликлар булут келиб, ёмғир ёғишини тилаб
[саҳрога] чиқдилар

Лекин уларга куйдирувчи иссиқ билан жавоб берилди.

Уларга орзуларининг зидди келди, чунки

Қалблари фисқ-фужурлар билан тўлуқ эди.

Агар [ал-Қаф ал-хазибга] Муштарий учрашса, дуо қилувчи зулм қилган кишига қарши ёрдам олади. Агар Зухра учрашса, бойлик тилаган кишининг дуоси қабул этилади, лекин унинг умри қисқа бўлади. Агар Миррих учрашса, қарғаётган киши қарғалаётган кишиси ҳақида шу вақтда зулм қилган бўлиб, дуоси мустажоб бўлмайди. Азайимхонлик, дуохонлик ва тилсимлар ишлатишда шундай учрашиш вақтларидан ёрдам олинади. Бу ерда у учрашиш вақтларини батафсил айтишимиз мумкин эмас⁷²⁴.

Бахман моҳ. Бу ойнинг иккинчи куни, яъни рўзи бахман икки номнинг мувофиқ келгани сабабли «бахманжона» деб аталадиган ҳайитдир. Бу одамларнинг ҳаёти учун ва [кундалик] эҳтиёжларида фойдаланиш учун зарур бўлган чорва молларига вакил қилинган фариштанинг исмидир. Эронликлар шу куни қозонлар қайнатиб, уларга ҳар турли донлардан ва гўшт соладилар; ишлаш қуввати учун фойдали деб, оқ бахманни сут билан ичадилар. Тоғлар ва водийлардан дориворлар [тайёрланадиган гиёҳларни] топиб олишда, турли ёғли дориворлар ишлашда, буғланиладиган ва тутатиладиган дориларни тайёрлашда бу куннинг хосияти бор. Эронликларнинг айтишларича, Виштосфнинг вазири Жомосф шундай қилган, [шу кун йиғилган] дорилар фойдаси кўпроқ бўлар экан.

[Бу ойнинг] бешинчи куни рўзи исфандормуз бўлиб, «навсаза», яъни «янги сазак» деб аталади, «барсазақ», яъни «сазақ усти» ҳам дейилади. Чунки бу «сазақдан» беш кун олдиндир. Бу эса Биваросф ёдгорликларидан.

Унинчи куни, яъни рўзи обон — «сада» деб аталадиган ҳайит бўлиб, таржимаси «юз»дир. Бу Ардашир ибн Бобакан ёдгорликларидандир.

Бундай аташнинг асос ва сабаби ҳақида ихтилоф бор. Айтишларича, бу ном [юз] — обон моҳ билан шу кун орасидаги кунлар сони бўлади, башарти улар орасидан қўшимча беш кун олиб ташланса. Яна айтилишича, бу шу кун билан йил охири орасидаги [кунлар] сони бўлади, башарти ҳар бир || кун учун алоҳида кундуз ва алоҳида кеча ҳисобланса. Бир хиллари: «Шу куни биринчи ота авлодидан юз сони тўлган», булар [биринчи ота деб] Қаюмарсни айтмоқчи бўладилар. Шунда ораларидан бировни ўзларига подшоҳ қилганлар. Баъзилар: «Йўқ, бу Ҳушанг Пешдод Тожи золим устидан ғалаба қозонгандан кейин [ўтказган] ҳайитидир», — деган.

Айтилишича, шу куни қиш жаҳаннамдан дунёга чиқади. Шунинг учун одамлар олов ёқиб⁷²⁵, қиш зарарини даф этиш учун тутатқи тутатадилар. Ҳатто ўша кеча оловлар ёқиб алаңгалатиш, шу оловларга

ёввойи ҳайвонларни ташлаш, алангалар ичига паррандаларни учириш ва [олов] атрофида [ичимликлар] ичиб, ўйин-кулги қилиш подшоҳлар маросимларига айланди. Сезувчи ва зарарсиз нарсаларга алам еткизишдан лаззат олувчи ҳар бир кишидан худо ўч олсин!

Эронликлар ўз ойларини кабисасиз қилганларидан кейин, шу вақтда || совуқнинг қирқилиши ва тугалишини умид қилар эдилар. Чунки улар қиш бошини обон моҳдан беш кун ўтгандан кейин ҳисоблардилар, шунда баҳман моҳдан ўн кун ўтгандан кейин қиш охири бўлар эди. Караж аҳолиси шу кун кечасини совуқлиги сабабли «шаби газана», яъни «чақувчи кеча» деб атаганлар.

Айтишларича, шу кечада оловларни баланд [қилиб] ёқиш сабаби бундай [бўлган]: Биваросф [Заҳҳок] ўзининг икки илонини [икки кишининг] мия мағзи билан овқатлантириш учун халққа ҳар куни иккита одам беришни юклатгач, унинг аввалги мурожаатидан кейиноқ бу ишга Измаил номли бир киши вакил қилинди. Бу вакил берилган икки кишининг бирини озод этиб, унга йўл озуғи берар ва Думбованднинг ғарбидаги тоғда яшашга ва ўша ерда ўзи учун бино қуришга буюрарди. Озод этилган киши мияси ўрнига қўчқор миясини ўлдирилган иккинчи кишининг миясига аралаштириб илонларга едирарди. Афридун Биваросф устидан ғалаба қилгач, одамларни ўлдиргани сабабли азоб бериш учун Измаилни [олиб келишга] буюрди. Измаил [Афридунга] озод этилганлар ҳақида хабар бериб, уни ишонтирмоқчи бўлди ва ўзи билан бир элчи қўшиб беришни, унга озод этилганларни кўрсатмоқчи бўлганини айтди. Афридун элчи берди. Измаил озод этилганларнинг ададларини кўрсатиш учун улар [озод этилганлар]га томларига олов ёқишни буюрди. Бу воқеа баҳман моҳнинг ўнинчи кечасида бўлган эди. Элчи Измаилга: «Қанча хонадонни озод этибсан, худо сенга яхши мукофот берсин!» — деб кетига қайтди ва буни Афридунга айтди. У бунга қаттиқ шодланди ва уни ўз кўзи билан кўриш учун Дунбовандга йўл олди. Кейин Измаилни улуғлаб, Дунбовандни унга ажратиб берди, тилла тахтга ўтқизди ва уни «масимуғон»⁷²⁶ деб атади. Биваросфнинг икки илони ҳақида бундай дейилган: улар Заҳҳокнинг икки елкасидан чиққан бўлиб, одамларнинг мия мағизлари билан овқатланар эканлар. Баъзиларининг айтишича, улар илон эмас, балки оғриб турувчи икки ўсма яра бўлиб, мия мағзи суртилса, оғриғи босилар экан.

Аммо у икки илоннинг [икки елкадан чиқиши] ажабланарли нарсадир. Бу мумкин бўлса ҳам [ақлдан] узоқ. Гўштдан қурт тугилади, унда бит ва бошқа жониворлар пайдо бўлади.

Жониворлардан баъзиси ўзининг асли жойидан тўла бўлиб чиқмайди. Масалан, Ҳиндистонда бўладиган бир жонивор ҳақида шундай ҳикоя қилинди: у онасининг қорнидан чиқиб, ўтлаб, чиққан жойига яна қайтар экан. Кейин бақувват бўлиб, агар онаси унинг орқасидан чопса, чопишда онасидан ўтиб кетишига ишонадиган бўлгунча чиқмас экан. [Бутунлай] чиққач, у ўша ондаёқ сакраб қочиб кетар экан⁷²⁷. Айтишларича, бунга онаси тилининг жуда дағаллиги сабаб бўлиб, шундан қочар экан. Агар онаси уни учратса, эти суюгидан ажралгунча ялар экан.

Гўштининг ичида бўладиган оқ илдизи билан бошдан юлиб олинган сочлар ёзнинг жазирама иссиқ пайтида сувга ёки нам жойларга тушса, улардан уч ҳафта ёки ундан камроқ муддатда илонлар пайдо бўлади.

Буни инкор этиш мумкин эмас, чунки бу [ҳодиса] кўрилган.

228 Бошқа нарсалардан ҳайвонларнинг пайдо бўлиши ҳам учратилган. Абу Усмон ал-Жоҳиз⁷²⁸ Укбарода ярми каламуш баданининг бир қисмига айланган, || ярми ўз ҳолида — кесаклигича қолиб, ҳали ўзгармаган бир кесак кўрганини ҳикоя қилади. Бир гуруҳ кишилар менга шундай нарсани Журжонда ҳам кўрганларини ҳикоя қилдилар.

Ал-Жайҳоний⁷²⁹ бундай ҳикоя қилади: «Ҳинд денгизида бир дарахтнинг илдизлари бўлиб, улар денгиз қирғоғида қумга ёйилади ва баргларига ўралишади. Сўнгра тагидан узилади-да, асаларининг подшоҳига айланиб учиб кетади».

Анжир ва қора райҳондан — чаён, мол гўштидан — асалари, от гўштидан — ари пайдо бўлиши табиатшунослар орасида машҳурдир. Биз наслланувчи кўп ҳайвонларни кўрдик. Улар шубҳасиз ўсимлик ва бошқалардан пайдо бўлиб, шундан кейин наслланадилар.

[Бу ойнинг] йигирма иккинчи куни «Обод рўз» бўлиб, шу ном билан аталадиган ҳайит кунидир. Шу куни Қум⁷³⁰ ва унинг атрофида ҳайитлардагига ўхшаш ичкилик ва ўйин-кулги маросими ўтказилади. Шунингдек, Исфаҳонда ҳам наврўз кунларида бозор ташкил этилиб, ҳайит қилинади. Бу Исфаҳонда «кужин» деб аталади. Лекин «бод рўз» бир кун, «кужин» бир ҳафта бўлади.

Ойнинг ўттизинчи куни «анирон» бўлиб, Исфаҳонда «Офрижгон» деб аталади. Бунинг изоҳи «сув қуйиш» демакдир. Бу [ҳайитнинг] вужудга келишига сабаб, Анушервоннинг бобоси Фируз замонида ёмғир бўлмади, Эроншаҳрда одамлар қурғоқчиликда қолдилар. Фируз ўша йиллари халқдан хирож олмади, хазиналарининг эшикларини очиб қўйди, оташхоналар пулларидан қарз олиб, Эроншаҳр аҳолисига эҳсон қилди. Фуқарога — ота ўз боласи ишига ғамхўрлик қилганидек — ғамхўрлик қилди, ҳатто ўша йиллари бирон киши ҳам очликдан ҳалок бўлмади. Кейин Фируз Форсдаги «озархуро» деб машҳур бўлган оташхонага борди. Намоз ўқиб, сажда қилди ва худодан [қийинчиликни] кўтаришни сўради. Кейин ўрнидан туриб, олов олдига келди, коҳин ва олов ёқувчилар унинг тепасида турганларини кўрди. Улар Фирузга подшоҳларга бериладиган салом сингари салом бермадилар. Шунда улардан кўнглига [ғашлик] тушди. У оловга юзини қаратди-да, икки қўл ва икки билагини аланга атрофида айлантириб, кўришиш вақтида дўст-дўстини қучоқлаб кўкрагига босгандек, оловни уч марта кўкрагига босди. Аланга унинг соқолига етса ҳам, куйдирмади. Кейин Фируз: «Эй худоим, исмларинг яна ҳам улуг бўлсин! Агар ёмғир ёғмаслиги мен туфайли ва ёмон ахлоқим [сабабли] бўлса, уни менга айт, ўзимни ундан қутқариб олай, агар бошқа [сабабдан] бўлса, уни кеткиз, менга ва дунё аҳлига буни тушунтир ва уларга ёмғирингни эҳсон эт!» — деди.

229 Сўнгра у олов тепасидан қуйига тушиб, гумбаздан чиқди ва «данбако» устига ўтирди. Бу тилладан тахтга ўхшатиб ишланган, лекин тахтдан кичикроқ нарса бўлиб, подшоҳ кирганида ўтириши учун катта оташхонага тилла «данбако» қўйиш расм бўлган эди. Коҳин ва олов ёқувчилар унга яқин келиб, подшоҳларга бериладиган салом сингари салом бердилар. Фируз уларга: «Қандай қаттиқ кўнгилли, жафокор ва туҳматчиларсиз! Нима учун у пайтда менга салом бермадингиз?»—деди. Улар: «Чунки биз сендан улугроқ подшоҳ ҳузурида турган эдик. Унинг ҳузурида туриб, сенга салом беришимизга у руҳсат бермади», — дедилар. ||

Ой кунларининг номлари	Фарвардин моҳ	Урдибиҳишт моҳ	Хурдод моҳ	Тир моҳ	Мурдод моҳ	Шаҳривар моҳ
1. Хурмузд	Худо номида бўлгани учун танланган					
2. Баҳман	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача
3. Урдибиҳишт	”	бахт	бахт	бахт	”	наҳс
4. Шаҳривар	”	”	”	ўртача	бахт	бахт
5. Исфандормуз	”	”	”	бахт	ўртача	”
6. Хурдод	”	ўртача	”	”	бахт	”
7. Мурдод	”	”	ўртача	ўртача	”	”
8. Дайбаозар	”	”	”	”	ўртача	ўртача
9. Озар	наҳс	”	бахт	бахт	бахт	бахт
10. Обон	ўртача	”	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача
11. Хур	”	”	наҳс	”	”	”
12. Моҳ	Ой номида бўлгани учун танланган					
13. Тир	бахт	бахт	ўртача	наҳс	ўртача	ўртача
14. Жўш	ўртача	”	”	бахт	бахт	”
15. Дайбамеҳр	”	наҳс	”	ўртача	ўртача	”
16. Меҳр	”	бахт	бахт	”	”	”
17. Суруш	”	ўртача	ўртача	”	”	”

Меҳр моҳ	Обон моҳ	Озар моҳ	Дай моҳ	Баҳман моҳ	Исфан- дормуз моҳ	Ой кунларида илон кўрин- ганда чиқарилган ҳукмлар
ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	наҳс	ўртача	Кундуз ярмидан Илгари — подшоҳлик
"	"	бахт	"	ўртача	бахт	Иллат ва касаллик
"	"	ўртача	"	"	"	Ўлим ёки хонадон- дан бирор нарсанинг кетиши
"	бахт	бахт	"	"	наҳс	Ҳамшаҳарларидан би- рор манфаат ва ёр- дам
"	"	ўртача	бахт	"	"	Ёдга олиниш ва мақ- талиш
"	"	"	"	"	"	Кўп фойдали сафар
"	"	"	"	"	"	Иллат ва касаллик
"	ўртача	"	ўртача	"	ўртача	Подшоҳ ҳузурига кириш
"	"	"	бахт	бахт	наҳс	Кечаги кундаги каби [ҳодиса]
"	наҳс	"	ўртача	ўртача	ўртача	Уйланиш ва никоҳ
"	ўртача	"	"	"	"	Меҳнатсиз пул
						Кундуз ярмигача ях- шилиқ, ундан кейин ёмонлик
ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	ўртача	Пул кўпаяди
"	"	"	"	"	"	Фақатгина тўртоёқли [ҳайвонлар]дан ризқ етиб туриши
"	бахт	"	"	"	"	Кетидан соғломлик келадиган касаллик
бахт	ўртача	"	"	"	бахт	Илгари эга бўлинма- ган нарсага эга бу- лиш
ўртача	бахт	бахт	"	бахт	ўртача	Сафар ва ундан қай- тиб келиш

Ой кунларининг номлари	Фарвар- дин моҳ	Урдиби- ҳишт моҳ	Хурдод моҳ	Тир моҳ	Мурдод моҳ	Шаҳри- вар моҳ
18. Рашн	"	"	"	"	"	бахт
19. Фарвардин	бахт	"	"	бахт	"	ўртача
20. Баҳром	ўртача	"	"	ўртача	наҳс	"
21. Ром	бахт	бахт	"	"	бахт	бахт
22. Бод	наҳс	ўртача	"	"	"	"
23. Дайбадин	ўртача	"	"	"	ўртача	ўртача
24. Дин	бахт	"	"	"	"	"
25. Урд	"	бахт	"	"	"	"
26. Аштод	ўртача	ўртача	"	бахт	"	бахт
27. Асмон	"	бахт	бахт	"	"	"
28. Зомиёд	"	ўртача	ўртача	ўртача	"	ўртача
29. Морасфанд	"	"	"	"	"	"
30. Анирон	"	"	наҳс	"	"	"

Меҳр моҳ	Обон моҳ	Озар моҳ	Дай моҳ	Баҳман моҳ	Исфан- дормуз моҳ	Ой кунларида илон кўрин- ганда чиқарилган ҳукмлар
бахт	ўртача	ўртача	”	ўртача	”	Сафар ва унда касал бўлиш
ўртача	”	бахт	”	”	”	Пул кўпаяди
”	”	наҳс	наҳс	”	бахт	Хонадондан бир эр кишининг ўлиши
бахт	бахт	ўртача	бахт	бахт	”	Сафар ва душманлар устидан зафар
ўртача	ўртача	”	”	наҳс	ўртача	Ўғрилиқ билан туҳматланиш
”	бахт	”	ўртача	ўртача	”	Иллат ва касаллик
”	ўртача	”	бахт	бахт	бахт	Бойликка эришиш
бахт	”	”	ўртача	”	”	Ёмонланадиган ёмонлик
ўртача	”	”	бахт	ўртача	ўртача	Янги бино қуриш
”	”	”	”	”	”	Ёлғончилик билан ҳақоратланиш
”	”	”	”	”	”	Молу мулк ва оилага фалокат [етиши]
”	”	”	ўртача	”	”	Қисқа сафар
”	”	”	”	”	”	Зино билан ушланиш

Фируз уларнинг гапларига ишонди ва уларга [инъомлар] берди. Кейин у Озархуро шаҳридан чиқиб, Доро шаҳрига қараб йўл олди. У Форснинг ҳозирги вақтда «Коми Фируз» деб машҳур бўлган жойига етгач — бу жой ўша замонда нообод саҳро эди — булут чиқиб, мисли кўрилмаган мўл ёмғир ёғди, ҳатто чодир ва хаймаларга сув оқиб кирди. Фируз ўз дуосининг мустажоб бўлганига жазм ишонди ва худога шукурлар қилди. Кейин лашкарини шу ерга қўнишга буюрди, [одамларга] садақа берди, пуллар улашди ва мажлислар қуриб, шодлик қилди. «Коми Фируз» деб аталган шу катта қишлоқни бино этмагунича бу ердан қўзғолмади. «Фируз» унинг номи, «ком» нинг маъноси иродадир. [Коми Фируз] «Фируз муродига етди» демакдир. Ҳар бир киши ёмғирдан олган шодлиги сабабли ўз дўстига сув сепарди. Ўша вақтдан бошлаб Эроншаҳрда шу куни бир-бирига сув сочиш расм бўлиб қолди. Эроншаҳрликлар ҳамма шаҳарда ўша ёмғир ёққан кун ҳайитини байрам қиладилар. [Худди] шу куни Исфаҳонда ҳам ёмғир ёғди.

Исфандормўз моҳ⁷³¹. Бу ойнинг бешинчи куни «рўзи исфандормўз» бўлиб, икки номнинг мувофиқ келгани учун шу ном билан аталган ҳайитдир. Бунинг маъноси «ақл» ва «мулоҳаза» демакдир. «Исфандормўз» ерга ҳамда солиҳа, номусли, яхши ишлар қилувчи ва эрига муҳаббатли хотинга вакил қилинган фариштадир⁷³².

Ўтмиш замонларда бу ой ва бу кун хотинлар ҳайитига хос бўлиб, эрлар уларга эҳсон қилар эдилар. Бу расм Исфаҳон, Рай ва Фаҳланинг бошқа шаҳарларида давом этмоқда. Бу форсча «муждагирон» деб аталади. Бу кун хатчалар битиладиган кун деб машҳурдир. Шундайки, авом халқ шу куни янчилган майиз ва анор донасини каплаб ейдилар ва «Бу [таркиб] чаён чақиш зарарини даф этувчи тарёқ» дейдилар. Тонг ёришидан то кун чиққунича чорси қоғозларга бу дуони битадилар: «Раҳмли ва меҳрибон тангри номи билан исфандормўз моҳ ва исфандормўз рўз [номи] билан ҳўкиз, от ва туядан бошқа ҳаммага келиб кетишни, қуйи ва юқорини боғладим. Худо номи билан Жамм ва Афридун номи билан. Тангри исми билан одам ва ҳаво билан. Мен учун ёлғиз худо етарли ва кифоя». Бу [қоғозларнинг] учтасини шу куни уйнинг уч деворига ёпиштириб, уйнинг рўпарадаги деворига [эса] ёпиштирмайдилар ва: «Булардан бири тўртинчи деворга ёпиштирилганда, ҳашаротлар йўл топмай ҳайрон бўладилар, уйдан чиқиб кетишни умид қилиб, бошларини дераза томонига кўтарадилар. Бу тилсимондаги хосият шу», — дейдилар.

Гоҳо [шундай] тилсим қилинган жойлар учрайдики, у жойларда чаён чақмайди. Журжондан Хуросонга томон ўн тош масофадаги «Динори розий» деган жой бунга мисол бўлади. У ердаги ҳар бир тош тагида бир қанча қора ва катта чаёнлар бўлади, уларга тегиб || ўйналса ҳам чақмайди. Агар улар тутиб олиниб, у жой чегарасидан — бу ўша жойдан бир ўқ отими масофадаги кўприк — чиқарилса, шундай чақадики, ўша соатдаёқ ўлдиради.

Тус чегарасида бир қишлоқ бор, у ерда [ҳам] чаёнлар чақмайди, дейилади. Абу-л-Фараж аз-Занжоний менга: «Занжон шаҳрида «Табарийлар мақбараси» номли жойдан бошқа ерда чаён кўрилмайди. Биров кечаси ўша жойга бориб, чаёнлардан бирмунчасини тоғорага йиғса,

кейин бошқа жойга олиб бориб уларни қўйиб юборса, шошилиш билан ўз жойларига қайтишларини кўрасиз», — деди.

Айтиб ўтилган ҳалиги хатчаларга келганда, уларнинг асоссизлиги равшан, чунки афсун қуввати — гарчи зўр бўлса ҳам — афсун қилинувчига ўтиши мумкин эмас ҳамда ёритқичлар даврлари эронликлар йилига муҳолиф ва уларнинг йилида тилсимлар [ишлатиш] учун шариит йўқ. Эҳтимол, худо хоҳласа, ажалга омон берса ва нафсоний ҳодисаларни кеткизиб мамнун этса. «Табиёт ажойиботлари ва сунъий ғаройиботлар»⁷³³ китобида қайтариқлар, афсунлар ва тилсимлар устида гапириб, маърифатликлар қалбларига ҳақиқат [ниҳолини] экармиз, шубҳаланувчилар дилларидан шубҳани кеткизармиз. Албатта, худонинг бунга қудрати етади.

Ун биринчи куни — бу «рўзи хўр» — иккинчи «гаҳанборнинг» аввалги куни бўлиб, охириги куни «рўзи дай ба меҳр» дир. Бу «мадюшам гоҳ» деб аталади. Шу куни худо сувни яратган.

Ун олтинчи куни — бу «рўзи меҳр» — «миски тоза»⁷³⁴ деб аталади.

Ун тўққизинчи куни — бу «рўзи фарвардин — «анҳорлар ва оқар сувлар наврўзи» деб аталади. [Шу куни] сувларга атир, гул суви ва бошқа [нарсалар] ташлайдилар.

Мажусийларда ҳеч қандай рўза бўлмаган. Рўза тутган киши гуноҳкор бўлади ва каффорати⁷³⁵ учун бир тўда мискинларни овқатлантириши керак. Уларнинг айтиб ўтилган ойлариининг [баъзи] кунларида бозорлар бўлади. Лекин улар турли шаҳарларда бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун уларни худди сойларда оқувчи селдек тартибга солиб бўлмайди ва ҳисобга олиш ҳам мумкин эмас.

Азуд ад-Давланинг бу кунлар ораларида иккови ҳам «Жашн карди Фанно Хусрав» деб аталадиган икки куни бор. Бири фарвардин моҳ [ойида] «рўзи суруш». Бу [ер остидан] чиқарилган сувнинг Шероздан бир тош нарида Азуд ад-Давла бино қилган ва «Карди Фанно Хусрав» деб атаган шаҳарга тўрт тош ердан етиб келган кун.

Иккинчиси обон моҳ [ойида] «рўзи ҳурмуз» дир. Бу ўша шаҳар қурилиши бошланган кун. Бу Яздижард эрасининг уч юз ўттиз учинчи йилида⁷³⁶ эди. Бу икки кунда етти кун бозор бўлиб, [одамлар] ўйинкулги ва ичкилик [ичиш] учун тўпланадилар.

Эронликларда йилнинг барча кунлари орасида танланган бахтли кунлар, ёқимсиз наҳс кунлар ва ҳамма ой учун умумий ном билан юритиладиган бир табақа учун ҳайит бўлиб, иккинчиси учун [ҳайит қилинмайдиган] бошқа кунлар ҳам бор.

Эронликларнинг маълум ой-кунларида — илон кўрилганда — [нима бўлиши ҳақида] ҳукмлари ҳам бор. Биз уларни шу [жадвалда] жам қиламиз.

Бу танлаб олинган [кун]лар⁷³⁷ жадвалидир.

Эронликлар рўзи моҳни танланган кун ҳисоблайдилар, чунки худо уни дунёда яхшилик ва неъмат тақсими учун яратган. Шунинг учун янги ой туғилган вақтидан то камая бошлагунича сувлар, ҳайвонлар кўпаяди, дарахтлар ва ўсимликлар ўсади.

[Ойнинг Қуёш билан] учрашадиган ва рўпара келадиган иккала кунини наҳс дедилар. Учрашиш кунининг [наҳслиги] шуки, бу кун жин ва шайтонлар оламда ёмон мизожга ўч бўладилар, натижада жинни-

лик ва ақлдан озишлар бўлади. Шу куни денгизлар пасайиб, сувлар камаяди ва каптарларнинг [эр жинслари] тутқаноққа учрайди.

Шу куни бачадонга жойлашган [эрлик] сувидан вужуди нуқсонли бола пайдо бўлади. Танадан юлинган мўйнинг қайтадан чиқиши кучсизланади. Уша куни экилган кўчатнинг меваси — айниқса унда кун тутилса — тўкиладиган бўлади. Айтишларича, янги ой товуққа бостирилган тухум устида кўринса, албатта бузилади ва наргис [гули] устида [кўринса], [гул] сўлиди.

Ал-Киндий бундай деди: «[Ойнинг Қуёш билан] учрашган кунининг наҳс эканига сабаб шуки, жасадлар йўлбошчиси бўлган Ой ўша куни куяди⁷³⁸. Шунинг учун ўша куни жасадларнинг балого йўлиқиш ва йўқ бўлиб кетиш хавфи бор».

Ойнинг Қуёшга рўпара келган кунининг [наҳслигига] келганда, эронликларнинг айтишларича, шу куни девлар ва сеҳргарлар нопок арвоҳга ўч бўладилар. Шунинг учун тутқаноқ кўпаяди. Шу куни денгизлар кўтарилиб, сувлар кўпаяди. Мода каптарлар тутқаноққа учрайдилар. Шу куни бачадонга жойлашган суюқликдан вужудида ортиқчалиги бор бола пайдо бўлади. Шу куни юлинган мўйнинг қайтадан чиқиши қувватланади. Шу кун экилган кўчат меваси — айниқса ўша куни Қуёш тутилса — қутли бўлиб, кўпи сасийди. Ал-Киндий айтади: «Ой тўлишининг ёмонлигига [сабаб] шуки, Ой нури руҳлар йўлбошчиси бўлган Қуёш нуридан олинган. Шунинг учун руҳларнинг таналардан жудо бўлиш хавфи туғилади».

СУҒДИЙЛАР ОЙЛАРИДАГИ ҲАЙИТЛАР УСТИДА СУЗ

Суғдийларга келганда, уларнинг ойлари ҳам йил чорақларига тақсим этилган бўлиб, суғдий ойларидан навсарднинг биринчиси ёз бошидир. Улар билан эронликлар орасида йиллар ва айрим ойларнинг бошланиши хусусида — биз юқорида баён этгандек, қўшимча беш куннинг ўрнидан бошқада — ихтилоф йўқ.

Суғдийларнинг бу [ихтилофларига] сабаб шуки, улар подшоҳларини улуғлаб, ўз ишларида ўзларини уларга тенглаштирмаганлар. Подшоҳлар ҳожатраво Жамшид подшоҳнинг юзага чиққан пайтини йил боши белгилаганларидек, суғдийлар унинг қайтиб келиш вақтини йил боши қилиб олганлар.

Баъзи кишилар гумонича, иккала йил [Эрон ва Суғдий йили] нинг бошланиши ҳақидаги ихтилофга сабаб кузатишларда учратилган бир қадар тафовутнинг ўзидир. Бу шундай: қадимги эронликлар Қуёш йилининг уч юз олтмиш беш ва чорак кун ҳамда соатнинг олтмишдан бирича кўпроқ эканига амал қилар ва ортиқчани чорак кунга қўшардилар. || Зардушт юзага чиқиб, мажусийликни олиб келгач, подшоҳлар Балхдан Форс ва Бабилга кўчдилар ва дин ишларига эътибор бериб, янгидан кузатишлар ўтказдилар. Шунда Қуёш туришининг учинчи йили бошида кабисадан беш кун олдин келишини кўрдилар-да, аввалги ҳисобларини тарк этиб, кузатиш тақозо қилган ҳисобга амал қилдилар. Мовароуннаҳр аҳолиси эса амал қилиб келган ҳисобларида қолиб, кузатилаётган йилни бекорга чиқардилар. Ана шу сабабдан йилларининг бошланиши ихтилоfli бўлди.

Баъзилар гумонича, эрон ва суғд йилларининг боши — то Зардушт юзага чиққунича — бир [хил] бўлган. Эронликлар [Зардуштдан] кейин қўшимча беш кунни — биз юқорида айтгандек — кабисали ойлардан ҳар бир ой охирига кўчирдилар, [аммо] суғдийлар уларни кўчирмай, ўз жойида қолдирдилар. Натижада, у кунлар суғдийларда йил ойларининг охирида; эронликларда эса кабиса бекор қилингандан кейин — обон моҳнинг охирида қолди. Худо энг билимдондир.

Суғдийларнинг ойларида — эронликларники сингари — кўп ҳайитлар ва маълум улуғ кунлар бор. Улардан бизгача етиб келганлари мана булар:

Навсард. Бу ойнинг биринчи куни [сугдийлар] наврўзи бўлиб, бу катта наврўздир.

Навсарднинг йигирма саккизинчи куни Бухоро мажусийларининг Ромуш оғом номли ҳайитларидир. Улар шу куни Ромуш⁷³⁹ қишлоғидаги оташхонага тўпланадилар. Оғом ҳайитлари улар учун энг азиз ҳайитлардан бўлиб, у ҳар бир қишлоқда [ўтказилади], улар ҳар қайси [қишлоқ] раиси ҳузурига йиғиладилар ва еб-ичадилар. Бу навбати билан [ҳамма қишлоқда] бўлади.

Ж-рж-н. Бу ой хусусида бизга бирор нарса етиб келмади.

Нийсанж. Бу ойнинг ўн иккинчи куни биринчи моҳирж дир.

Басоканж. Бу ойнинг еттинчи куни никҳ оғом дир. Бу уларнинг Пайканддаги⁷⁴⁰ ҳайитлари бўлиб, [шу куни] у ерга йиғиладилар. Унинг ўн иккинчи куни иккинчи моҳирж дир. Ўн бешинчи куни амсхвора [ҳайити]. Бунда овқат, ичимлик ва олов теккан нарсаларни тарк этиб, хамирли [овқат ва] мева, сабзавотларни еядилар.

Ашн-х-нда. Бу ойнинг ўн саккизинчи куни бобохвора дир. Бомихвора ҳам дейилади. Бу узумдан сиқиб олинган тоза холис ширани ичишдир. Йигирма олтинчи куни гармхвора дир.

Мажндо. Бу ойнинг учинчи куни кашмин ҳайити дир. Шу кун Кумужкат⁷⁴¹ қишлоғида бозор бўлади. Ўн бешинчи куни Тавосисда⁷⁴² бозор бўлади, атрофдан савдогарлар шу ерга йиғилишиб, етти кун турадилар.

Ф-ғ-кон. Бу ойнинг биринчи куни нимсарда деб аталади. Бунинг маъноси «йил ярми» демакдир. Иккинчи куни ҳайит бўлиб, буни «мин ийдихвора» || деб атайдилар. Бу куни оташхоналарга йиғилиб, 235 қўноқнинг уни, ёғ ва шакардан тайёрланган овқат ейдилар. Баъзи кишилар эронликлар фикрига мувофиқ бўлсин деб, «нимсарда» ни шу [ҳайитдан] беш кун олдинга қўядилар. Бу меҳр моҳнинг аввалидир. Ҳолбуки [эронликларда], йил ярми йил бошида олти ой ва икки ярим кун ўтганда бўлиши керак эди.

Тўққизинчи куни т-с-и-с оғом, йигирма бешинчи куни «гарм хвора» нинг боши.

Обонж. Бу ойнинг тўққизинчи куни «гарм хвора» нинг охиридир⁷⁴³.

Фуғ. Бу [ой] ҳақида бизгача ҳеч нарса етиб келмаган.

М-с-фуғ. Бу ойнинг бешинчисидан то ўн бешинчисигача ҳайитдир. Сўнгра етти кун аш-Шаргда⁷⁴⁴ мусулмонлар бозори бўлади.

Ж-м-д-н-ж. Бу ойнинг йигирма тўртинчи куни «бод амком» ҳайитидир.

Х-ш-в-м. Бу ойнинг охирида сугд аҳллари қадимги ўлганларига [аза тутиб], йиглаб, юзларини юладилар ва уларга [атаб] эронликлар фарвардиджонда қилгани каби — овқатлар ва шароблар қолдирадилар. [Бунинг ой охирида қилинишига] сабаб сугдликларнинг «ўғирланган» дейилган беш кунлари, юқорида зикр қилинганидек, шу ой охирида дир.

Сугдийларнинг номлари барча шаҳарларда бир хил бўлган кунларда қишлоқларда бозорлар бўлади. Булар Бухоро ва Сугд қишлоқларида барпо этилади.

ХОРАЗМЛИКЛАР ОЙЛАРИДАГИ ШУНДАЙ [КУНЛАР] ҲАҚИДА СУЗ

Хоразм аҳли йил ва ойлар бошлари суғд аҳлиникига мувофиқ бўлиб, эронликларникига эса муҳолифдир. Бунга сабаб худди суғдийларнинг [эронликларга] ихтилофида тавсиф қилинганнинг ўзидир. Хоразмликларнинг расм-русумлари суғдийларникига ўхшайди; уларда ҳам ёз боши новсоржининг аввалидир.

Хоразмликларнинг ҳайитлари бўлиб, исломдан олдин шу [ҳайитларни] улуғлар ва: «Улуғ ва азиз тангри хоразмликларга уларни улуғлашни буюрган»,— дер эдилар. Улар ўзларидан олдинги кишиларидан қолган бошқа кунларни ҳам ҳайит қиладилар. Ҳозир уларнинг мажусийлари қолмаган, фақат динида қаттиқ турмаган, динларининг юзаки нарсаларини таниб, ҳақиқат ва маъносини текширмайдиган бир гуруҳ қолган, холос. Ҳатто бу гуруҳ ҳайитларни ойларга нисбатан берилган жойларига қараб эмас, улар орасидаги узоқликларга қараб байрам қиладилар. Уларнинг динларга алоқаси бўлмаган кунлари ва ҳайитларига келсак, булар мана булардир:

Новсоржи. Бу ойнинг биринчи куни — йил боши байрами, яъни 236 [юқорида] зикр қилганимиздек, янги кундир.//

А-р-д-в-ш-т. Бу ой ҳақида ҳеч нарса демаганлар.

Ҳ-р-в-дот. Бу ойнинг биринчи куни арижосувон деб аталади. Бу кун исломиятдан олдин ҳаво қаттиқ қизиган вақтда келар эди. Шунинг учун бу аслда «арижхос чузон». Унинг таржимаси: «Энди кийимдан чиқилади», яъни «яланғоч бўлиш ва очилиш вақти» демакдир. Аммо бизнинг замонимизда кунжут ва у билан бирга сепиладиган [уруғларни] сепиш вақтига тўғри келди ва шу вақтда келиши қатъий белгиланган.

Чири. Бу ойнинг ўн бешинчи куни ажғор бўлиб, изоҳи «ўтин» ва «аланга» демакдир. Бу илгари замонда кузда ҳаво ўзгариши сабабли оловга исиниш керак бўладиган вақтда келарди. Бизнинг вақтимизда эса ёз ўртасига тўғри келяпти. Шу [байрамдан] етмиш кун санаб, кейин кузги буғдойни экишга бошланади.

Ҳ-м-д-д. Бу ой ҳақида ҳеч нарса айтмаганлар.

А-х-ш-р-в-и-р-и. Бу ойнинг биринчи куни ф-ғ-б-р-и-х деб аталади. Айтилишича, бу аслида ф-а-ғ-р-у-ба бўлиб, «шоҳнинг чиқиш вақти» демакдир, чунки шундай вақтда иссиқ кетиб, совуқ келиши сабабли

Хоразм подшоҳлари шаҳар четига чиқар ва шу жойда қишлаб, ўз чегараларидан ўғуз туркларини қувар ва мамлакатлари атрофини улардан ҳимоя қилар эдилар.

Умри. Бу ойнинг биринчи куни аз до кан д х в о р бўлиб, маъноси «ёғлиқ нон ейиш куни»дир. Хоразмликлар шу куни совуқдан уйларига кириб, олов ёқилган ўчоқлар атрофига йиғиладилар ва ёғлиқ нон ейдилар.

[Бу ойнинг] ўн учинчи куни ч и р и р у ж ҳайитидир. Улар бу ҳайитни эронликлар меҳргонни [улуғлагандек] улуғлайдилар. Шунингдек, [умрининг] йигирма биринчи куни р о м р у ж деб аталадиган ҳайитдир.

Ёноҳ-в-н. Бу ой ҳақида ҳеч нарса айтмаганлар.

Аду. Бу ой ҳақида ҳам ҳеч нарса демаганлар.

Рим-ж-д. Бу ойнинг ўн бешинчиси нам-х-б [деб] аталади. Айтишлари, бу «минч эҳиб» бўлиб, кўп ишлатилиши сабабли [тилларда] талаффузини енгиллатиш учун [рим-ж-д деб] ўзгартирилган. Бунинг таржимаси «Мина кечаси» демакдир. [Хоразмликлардан] баъзи бирларининг айтишича, Мина уларнинг подшоҳлари ва улуғларидан [чиққан] аёл бўлиб, у [кечаси] маст ҳолида ипак кийимда қасрдан [ташқарига] чиққан. Бу баҳор фасли эди. Қаср ташқарисидан йиқилиб қолган. Унинг уйқуси ғалаба қилиб, ухлаб қолганида ўша кечанинг совуғи уриб, ўлган. Одамлар баҳор фаслининг шундай кечасида инсонни совуқ ҳалок этганига ажабланиб, бу [ҳодиса] ни бевақт юз берувчи одатдан ташқари ажойиб нарса тарихига айлантирганлар. // Бизнинг замонда у кун [баҳор вақтидан] олдин келадиган бўлиб, авом халқ бу ҳайитни қиш ярмида ўтказади.

237

Хоразмликлар у кунда ва унинг ёниверидаги [кунларда] буғланадиган ва тутатиладиган дорилар ишлатадилар, жинлар ва ёмон арвоҳлар зарарларини даф этиш учун ис чиқариб, овқатлар пиширадилар. Бу тадбир ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик йўлида [қилинган] бўлиб, бунга нафсоний сабаблар⁷⁴⁵, яъни қайтариқ, афсун ва дуолардан бирон нарса қўшилса, керакли ишдир. Озчиликни ташкил этсалар ҳам, Жолинус ва шунга ўхшаш ҳикматуносларнинг энг афзаллари [қайтариқ, афсун ва дуоларнинг] таъсирларини кўргач, уларга иқрор бўлиб, рухсат берганлар. Шунингдек, бу нарсаларда ёритқичлар ҳолатидан, масалан, «бахтли вақтлар»дан ва шундай вақтлар учун эслатилган «танланган шакллари»дан ёрдам олинса [яна ҳам керакли иш бўларди]. Эҳтиёткорлик у нарсаларни беҳудага ва ёлғонга чиқариш учун масхара қилиш ва лабини қийшайтириб кулишдан бошқа далил келтиролмайдиган кишиларга илтифот қилмаслигимизни талаб этади. Файласуф ва олимларнинг улуғлари жин ва шайтонлар [ҳақидаги гаплар] га иқрор бўлганлар. Чунончи, Аристотель уларни ҳаво ва оловга нисбат берган ва «инсонлар» деб атаган. Шунингдек, Яҳё ан-Наҳвий⁷⁴⁶ ҳам бунга иқрор бўлган. Ундан бошқалар ҳам жин ва шайтонларни таналаридан ажралгандан кейин ҳақиқатни билмасликлари ва ҳайронликлари сабабли келиб чиққан аслларига боришдан ман қилиниб [қаёққа боришларини билмай] тараддудда қолган ёмон руҳлар деб тавсиф қилган. Монини ўз китобларида — гарчи унинг ишоратлари кучсиз талаффуз ва иборатлар билан адо этилган бўлса ҳам — шу нарсалардан бошқага ишорат этган деб гумон қилмайман.

А-х-м-н. Бу ой ҳақида ҳеч нарса айтмаганлар.

Испандормажи. Бу ойнинг тўртинчи куни хе ж⁷⁴⁷ деб аталади, бунинг таржимаси «турмоқ»дир. [Бу ойнинг] ўнинчи куни ва х ш а н г о м деб аталувчи ҳайитдир. Вахш сувига, айниқса Жайхун⁷⁴⁸ сувига вакил қилинган фаришта исми. Йигирманчи куни и н ч а деб аталади. Бунинг изоҳи «бир-бирига яқин уйлар» демакдир.

Булардан кейин хоразмликларнинг диний одатларда эҳтиёж туғилладиган ҳайитлари ҳам бор. Бундай ҳайитлар олтига.

Биринчиси б-н-х-жо-чи-рид. Бу новсоржининг ўн биринчи кунидир. Авом халқ буни новсоржи ойига нисбат бериб, новсоржиконик деб атади, чунки бу [ҳайит] шу [ойда] келади.

Иккинчиси эса м-и-с-с-х-н-рид деб аталади. Бу чири [ойининг] биринчи куни бўлиб, х о в а р д м и н и к, яъни «қовоқ [байрами]» ҳам дейилади. Яна ажғорга нисбат бериб, а ж ғ о р м и н и к дейилади, чунки бу [ҳайит] ажғордан ўн беш кун олдиндир.

Учинчиси м-з-и-ан-рид дейилади. Бу ҳамдод [ойининг] ўн бешинчи кунидир. Бу а-н-ж-м-р--з-коник ҳам дейилади.

Тўртинчиси мис-з-р-м-и-рид деб аталади. Бу умрий ойининг ўн бешинчи кунидир. Буни // хир-р-в-ч-коник ҳам дейилади.

Бешинчи [ҳайит] р и м ж д [ойининг] биринчи куни бўлиб, к-ж-з-д-и-коник [номи] билан машҳурдир.

Олтинчиси эса а-р-с-мин-рид аталиб, а-р-с-м-и-н-д-коник [номи] билан машҳурдир. Бу а-х-м-н [ойининг] биринчи кунидир.

Хоразмликлар испандормажи ойининг охириги беш кунда ва булар кейинида келадиган қўшимча беш кунда эронликлар фарвардижон кунларида қиладиган [расмни] адо этиб, арвоҳларга [атаб] мозорларга овқатлар олиб борадилар⁷⁴⁹.

[Хоразмликлар] ой манзилларини ишлатардилар ва улардан [астрологияга оид] ҳукмлар чиқарардилар. Уларнинг тилларида манзилларнинг номлари бўлиб, буларни ёдда сақлардилар. У [манзил] ларни ишлатувчи ва уларни кузатиш кайфиятини яхши билиб, шунга асосан далил келтирувчи кишилар қолмади. Бунга аниқ ҳужжатнинг бири шуки, мунажжим хоразм тилида «ахтар веник» дейилади. Бунинг изоҳи «ой манзилларига қаровчи» демакдир. Чунки ахтар ой манзилларидан биридир. Хоразмликлар шу манзилларни ўн икки буржга тақсим қилиб, буржларни ўз тилларида алоҳида номлар билан атайдилар.

Хоразмликлар буржларни араблардан яхшироқ билганлар. Уларнинг буржларга берган номлари уларни тасвирлашга мутасадди бўлган [астрономларнинг] қўйган номларига мувофиқлиги ва араб [тилига] мос келмаслиги ва уларни мутасаддилар берган суратлардан бошқа суратлар билан тасвир этишлари гапимизнинг тўғрилигини сенга кўрсатади. Ҳатто араблар Жавзони эгизак ўғил бола [сурати] ўрнида буржлар қаторига қўйганлар. Ҳолбуки, Жавзо Жабборнинг суратидир. Хоразмликлар эса [эгизак] буржни а-з-в-п-ч-к-р-и-к номи билан атайдилар. Бунинг изоҳи «икки санам эгаси» бўлиб, эгизак маъносининг тақозосидир.

Шунингдек, араблар Асад буржини бир неча суратларда тасвир этганлар. Натижада у узунликда учта бурждан ортиқроқ [ўринни], кенгликда эса [эгаллаган] нарсасидан бошқани олган. Шундайки, араблар эгизакларнинг икки бошини — Асаднинг ёзилган қулочи; Саратон кўкрагидаги доғни — унинг бурни, яъни «насага»⁷⁵⁰, Азро кўкрагини, яъни аввони⁷⁵¹ — унинг икки дунбаси; Азро қўлини, яъни симок ал-аъзални —

унинг икки оёғидан бири; Ромиҳни⁷⁵² унинг яна бир оёғи қилиб тасвир этганлар. Асад сурати, араблар фикрига кўра, Саратон, Асад, Азро буржларига ва Мизон буржининг бир қисмига ҳамда шимолий ва жанубий суратларнинг бир қанчасига ёйилган. Ҳақиқат эса улар ўйлагандан бошқачадир.

Агар арабларнинг турғун ёритқичларга берган номларига диққат билан қарасанг, гарчи Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Қутайба ал-Жабалий⁷⁵³ ўзининг ҳамма китобларида, айниқса, арабларнинг ажамликлардан афзаллиги ҳақидаги китобида узундан узоқ гапириб: «Араблар ёритқичлар [аҳволи]ни, уларнинг чиқиш ва ботиш жойларини ҳамма миллатлардан яхшироқ биладилар»,— деб даъво қилган бўлса ҳам, албатта арабларнинг буржлар ва уларнинг суратларини билишдан узоқ эканларини аниқлайсан. Билмадим, деҳқонлар ва чорвадорларнинг ҳар жой ва ҳар ерда [дала] ишлари ва бошқалар бошланишини, уларга мос вақтларни билишларини [Абу Муҳаммад] билмайдими ёки ўзини билмасликка соладими? Тепасида осмон турган ва осмондан бошқа нарса [тепасини] қопламаган, ёритқичларнинг доимо бир тартибда чиқиш // ва ботишларини кўриб турган киши ўз ишларининг бошланиши ва вақтларни билишни, албатта, ёритқичларга боғлайди. Балки арабларда бошқаларда бўлмаган нарса бор эди, у эса: билган ёки тахмин қилган нарсаларини, хоҳ у ҳақ, хоҳ ноҳақ, хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, шеърлар, уржуза⁷⁵⁴ ва қофияли сўзлар билан абадийлаштиришдир. Бундай шеърларни бир-бирларидан мерос олардилар, натижада [бу шеърлар] уларда ёки улардан кейин ҳам [сақланиб] қоларди. Агар буларни анво⁷⁵⁵ китобларидан, айниқса [Ибн Қутайбанинг] «Юлдузларни кўриш илми» деб атаган китобидан ва бу китобимиз охирида баъзисини биз келтирганлардан кўрсанг, албатта, арабларнинг бу нарсага ҳар ернинг деҳқонларидан ҳам кўра кўпроқ ихтисосли бўлмаганларини биласан.

239

Лекин у киши [Ибн Қутайба] киришган нарсасида чегарадан чиқувчи, ўз фикрида туриб олувчи бўлиб, тоғликлар ахлоқидан⁷⁵⁶ холи эмас. Унинг [юқорида] айтиб ўтилган китобидаги гапи у билан эронликлар орасида душманлик ва гиналар борлигидан далолат беради. Чунки у «араблар эронликлардан афзал» дейиш билан қаноатланмай, ҳатто, уларни энг хўр, энг паст, энг тушқун миллат, кофир ва ислом душмани деб, худо «тавба» сурасида⁷⁵⁷ саҳройи арабларни ёмон тавсиф этганидан ҳам баттарроқ ёмонлаган ва уларга турли қабиҳликларни нисбат берган. Агар у эронликлардан афзал қилиб кўрсатган миллати [халқнинг] аввалги [тарихини] озгина фикрлаб эслаганда эди, бу икки халқ ҳақида чегарадан ўтиб гапирганларининг аксарисида, албатта, ўзини-ўзи ёлғончи қилган бўларди.

Сугдийлар ва хоразмликлар тилида ой манзилларининг номлари мана булар. Кейинчалик у [буржларнинг] чиқиш ва ботишларини гапирган пайтда, кўринадиган суратларини ҳам тушунтирамиз. [Номлар] жадвалининг шакли мана бу.

Араб номлари	Сугдийча номлари	Хоразмча номлари
Сурайё	П-р-в-и	П-р-в-и
Дабарон	Ба-б-р-в	Ба-б-р-в
Ҳақъа	М-ра-з-на	А-х-мо-х
Ҳанъа	Р-ш-н-в-н-д	Х-в-ё
Зироъ	Ғ-с-ф	Ғ-в-с-ф
Насра	Ғ-н-б	Жири
Тарф	Х-м-ш-р-и-ш	Х-м-ш-и-ш
Жабҳа	М-ғ	Ачир
Зубра	В-з-а	А-м-ғ
Сарфа	В-и-з-в	В-и-з-и-в
Авво	Ф-с-т-ш-т	А-ф-с-с-т
Симок	Ш-ғор	А-х-ш-ф-р-н
Ғафр	С-р-в	Ш-в-ш-к
Зубониён	Ф-с-р-в	С-ро-ф-с-р-и-в
Иклил	Ғ-н-в-н-д	А-ғ-н-в-н-д
Қалб	В-ғ-н-в-н-д	Б-ғ-н-в-н-д
Шавла	М-ғ-н-с-д-в-и-с	Зо-р-и-н-д
Наойим	Б-с-с-м	С-р-з-и-в
Балда	В-ж-з-и-к	М-р-х-ш-и-к
Саъд аз-зо-биҳ	В-н-н-д	Х-ч-м-н
Саъд булаъ	Ю-ғ	Ю-ғ
Саъд ас-сууд	Ш-д-м-ш-и-р	С-д-м-с-и-ж
Саъд ал-аҳ-бия	Ш-в-ш-т	М-ш-т-в-н-д
Фарғ ал-му-қаддам	Ф-р-ш-т-бо-с	Ф-р-х-ш-б-и-с
Фарғ ал-му-аххар	Б-р-ф-р-ш-т	В-б-и-р
Батн ал-ҳут	Р-и-в-н-д	Ж-доз
Шаратон	Б-ш-и-ш	Р-и-в-н-д
Бутайн	Б-р-в	Ф-р-н-х-н-д

ХОРАЗМЛИКЛАРНИНГ ҲАЙИТЛАРИ ХУСУСИДА ХОРАЗМШОҲНИНГ ТУТГАН ЙЎЛИ ҲАҚИДА СЎЗ

Абу Саид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ироқ⁷⁵⁸ хоразмликлар ойлари- 241
ни кабисали қилишда халифа ал-Муътазид биллоҳ йўлидан борди. Шундайки, у Бухорода занжирдан озод этилиб, банддан қутулгач, ўз пойтахтига қайтди ва ҳузуридаги ҳисобдонлардан «ажғор» кунини сўради. Ҳисобдонлар уни кўрсатган эдилар, у куннинг таммуз ойининг нечанчиси эканини сўради. Улар буни [ҳам] кўрсатдилар.

Хоразмшоҳ буни ёдлаб олди-да, етти йилдан кейин яна ўшандай саволни эслатди ва у ҳисобни инкор этди. Хоразмшоҳ кабисалар ва улар аҳволидан воқиф эмас эди. Ал-Харожий, ал-Ҳамдакийни ва ўша асрдаги у икковидан бошқа мунажжимларни ўз ҳузурига чақиртириб, улардан бу хусусдаги ҳақиқий аҳволни сўради. Улар ҳақиқатни муфассал изоҳлаб, эронликлар ва хоразмликларнинг йилларни қандай ишлатишларини гапириб бердилар. Шунда Хоразмшоҳ: «Бу бузилган ва унутилган нарса экан. Оддий халқ шундай [ҳайит] кунларига асосланади ва уларни тўрт фаслнинг марказларида кўриб, «барқарор ва ўзгармас [кунлар]», ажғор ёз ўртаси, нимҳаб қиш ўртаси деб, гумон қилади. Экин экиш ва ерни ишлаш вақтлари учун белгиланган муддатларни ўша кунлардан ҳисоблайди. Кўп йиллар давомида тажриба олиб бормай туриб, бундай нарсани аниқлаб бўлмайди. Мана шу ҳол ҳам хоразмликларнинг ҳалиги муддатларни ўша кунлардан ҳисоблашдаги ихтилофларининг сабабларидандир. Ҳатто баъзилари «ажғордан олтмиш кун ўтганда буғдой сочиш вақти бўлади» деб гумон қилса, бошқалари «ундан кўпроқ», қай-бирлари «камроқ» дейди. Яхшиси, ўша кунларни биргина ҳолатда ва йилнинг ўзгармайдиган вақтларида қарор топиши учун бир ҳийла тузамиз, шунда уларнинг вақтлари ўзгармайди», — деди.

[Мунажжимлар] унга [Халифа] ал-Муътазид қилганидек, хоразмча ойларнинг бошларини румликлар ва сурёнийлар ойларининг аниқланган кунларига қўйишдан афзалроқ ҳийла йўқ. [Шунда хоразмча ойлари] уларники сингари кабисали бўлади, дедилар. Бу қарорни Искандар эрасининг минг икки юз етмишинчи йилида қабул этдилар ва новсоржининг биринчи [куни] сурёнча найсоннинг учинчи куни деб келдилар. Ниҳоят ажғор ҳамиша таммуз ойининг ярмида келадиган бўлди. Ер ишлари вақтларини, масалан, майиз солиш учун узум узиш вақтини ўша [муд-

датга] белгиладилар, чунки бунинг вақти ажғордан қирқ кундан то эллик кун ўтадиган [муддат] эди. Узумни осиб олиш учун узиш ва ноқларни териб олиш вақтини ҳам шундай белгиладилар, чунки буларнинг вақти ажғордан эллик беш кундан то олтмиш беш кун ўтадиган [муддат] эди. Шунингдек, экин экиш, [дарахтлар] гулларини чанглатиш, кўчат ўтқазиш, пайванд қилиш ва бошқа ҳамма нарсаларнинг вақтларини аниқладилар. Шунда румликлар йили кабисали бўлганда, испандормажи ойдан кейин қўшиладиган кунлар олти кун бўлди. Агар Хоразмшоҳнинг бу қарори тарих боши қилиб олинганда эди, албатта, уни юқорида баён этилган бошқа эраларга қўшган бўлардик. //

242

Қибтликларнинг кабисасиз ойларига келганда, гарчи бошқа халқларники сингари буларнинг ҳам шу ойларига ҳайитлари бўлса-да, бу ҳақда бизгача бирон хабар етиб келмаган. Шунингдек, уларнинг бизнинг замонимизда ишлатилаётган кабисали ойларида ўтказиладиган ҳайитлари ҳақида ҳам [ҳеч қандай] хабар етиб келмаган. Фақат тут ойининг биринчи куни қибтликлар наврўзи; Нил дарёсининг суви бунна ойининг ўн олтисиди, бошқалар айтишича, йигирмасида кўтарилиб, кўпая бошлайди деган хабар етиб келган, холос. Уларда ҳам румликлар ва сурёнийлар байрамлари ўтказилиши шубҳа туғдирмайди, чунки Миср [аҳолиси] румликлар, сурёнийлар ўртасида жойлашиб, йиллар хусусида улар билан бир фикрдадир. Лекин қибтликлар улардан бир қанча [ўзига] хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Масалан, турар жойлари, яъни Мисрнинг демоқчилар, суви, ҳавоси, ёмғири кабиларига бошқа жой [ларники] тенглашолмайдиган ўзига хос хусусиятлари бор.

Румликлар ва сурёнийлар ўтказадиган [ҳайит] икки хил. Уларнинг бир тури ҳаёт, дунё ишлари, ҳавода пайдо бўладиган ҳолатлар ва биз айтиб ўтгандек, бошқа нарсалар сабабли ўтказилса; иккинчи тури уларнинг насроний динлари сабабли ўтказилади. Бу иккала турдан биз эришган ва бизгача етиб келганларини, худо хоҳласа, ўз жойида баён этамиз.

РУМЛИКЛАР ОЙЛАРИДАГИ УЛАРГА ҲАМ, БОШҚАЛАРГА ҲАМ МАЪЛУМ БУЛГАН [ҲАЙИТ] КУНЛАРИ УСТИДА СУЗ

Румликлар йили Қуёш йилига мувофиқ, унинг табиий фасллари билан барқарор ва улар билан параллел равишда айланади. Қисмлар [Қуёш йили] қисмларига баравар, лекин йилга сезилмай қўшилиб; йил кабисали бўладиган [оз] миқдордагина рўпаралиги йўқолгач, румликлар, сурёнийлар ва уларга тобе кишилар ўз йиллари билан бирга вақти-вақтида айланиб келувчи ҳодисаларни ва узоқ муддат тажриба қилиб қўлга киритган кунлар аҳволини Қуёш йилига боғладилар. Улар «анво», «баворих»⁷⁵⁹ деб аталувчи ҳодисалардир.

Қадимгилар⁷⁶⁰ бу аҳвол сабабида келишолмайдилар: баъзилар буни турғун ёритқичларнинг чиқиш ва ботишига нисбат беради, араблар шулар тонфасидандир. Буларнинг шоиридан бири бундай деган⁷⁶¹.

Анави менинг жамоам «Банот наъш»⁷⁶² каби
Орқада қолганлар, [маълум] юлдузлар сингари
«анво» келтирмайдилар.

«Банот наъш» юлдузларининг чиқиш ва ботишида «нав» бўлмаганидек, уларда яхшилик йўқ.

Баъзилар бу [ҳодисани] манзилларнинг чиқиш ва ботишига нисбат беради⁷⁶³, баъзилар эса кунларнинг ўзига нисбат бериб, бу [аҳвол] кунларда ўртача ҳолатда табиийлаштирилган хусусиятдир, сўнгра унда бошқа сабаблар кўпаяди ва камаяди. Масалан, ёз фаслининг табиати—иссиқ, қиш фаслининг табиати—совуқ, кейин булар бир марта камайиб, // иккинчи марта кўпаяди.

Фозил Жолинос: «Уша [уч] гуруҳ ўртасида ҳукм чиқариш тажриба ва имтиҳон билан бўлади. Уларнинг ихтилофларини узоқ замонсиз имтиҳон қилиш мумкин эмас, чунки турғун юлдузларнинг ҳаракати яширин, озгина вақтдаги чиқиш ва ботишларида ихтилоф камдир»,— деган. Синон ибн Собит ибн Қурра бунга ажабланиб, ўзининг [халифа] ал-Муътазидга бағишлаган «анво» ҳақидаги китобида бундай деган: «Жолинос юлдузлар ҳисобида кучли бўла туриб, қандай қилиб бу масала унинг эътиборидан четда қолди билолмайман, чунки ёритқичлар чиқиш ва ботишларининг турли шаҳарларда жуда хилма-хил бўлиши аниқ. Масалан, Суҳайл⁷⁶⁴ Бағдодда айлулдан беш кун ўтганда чиқса, Воситда бундан икки кун олдин, Басрада эса Воситдагидан илгари чиқади. [Му-

нажжимларнинг] айтишларича, «анво» мамлакатлар тафовутига қараб ўзгармайди⁷⁶⁵, балки [бўлиб ўтган] кунларини айнан ўзини сақлаб қолади. Бу юлдузлар ва уларнинг чиқиш ва ботишлари анвога дахлсиз эканига далилдир. Шундан кейин [Синон ибн Собит], гарчи унинг айтгани тўғри бўлиб, ёритқичлар чиқиш ва ботишларининг «анво»га таъсир кўрсатишлари бекорчи гап бўлса ҳам, буни мутлақлигича қолдирмай, шартлар мавжуд бўлишини қайд этиб, ўзини-ўзи ёлгончи қилди. У шундай деди: «Араблар анвоси — кўпроқ Ҳижоз ва унга яқин жойларда, қибтийлар анвоси — Миср ва денгиз қирғоқларида, Батлиму анвоси Рум мамлакатлари ва уларга ёндош тоғларда тўғри топилади. Тажриба қилувчи шу жойлардан бирини мўлжаллаганда, Жолинуслининг «оз вақтда тажриба қилиш қийинлиги» ҳақидаги гапи [ўз кучида] қолади». [Синоннинг] бу ҳақдаги сўзи тўғри. Жолинусли дурустлиги ўз наздида ҳужжат билан исботланган гапни гапириб, унга инонар ва шубҳа ўраган нарсдан юз ўгирар эди.

Синон ўз отаси Собит ибн Қурра⁷⁶⁶ ҳақида шундай ҳикоя қилади: отаси бошқа мамлакатлардаги «анвони» қиёс қилинадиган усулларни қўлга киритиш учун Ироқда ўттиз йилча «анво» аҳволини кузатган, аммо мақсадини тамомламасдан ўлим унинг ёқасидан тутган.

Икки сўз, яъни «анво»ни йил кунларига ёки манзилларнинг чиқиш ва ботишларига нисбат беришнинг қайси бири тўғри бўлса, албатта учинчи [сўз] бекор қолади. Қолган икки сўзнинг тўғри топилган [бири] учун бирмунча шартлар бўлиб, анвонинг тўғри келиши у шартларга боғлиқ. Шартлар эса олдин йилнинг, [йил] чораги ва ойнинг қурғоқчилик ва намгарчиликдаги аҳволини, йилнинг кутилгандек келиш ва келмаслигини, бўшлиқда юз берадиган ҳодисалар⁷⁶⁷ ҳақида таълиф этилган астрономик китоблар тўла далиллардан билишдир. Агар «нав» ўша далилларга мувофиқ келса, тўғри бўлиб, тўла юзага чиқади, агар уларга зид келса, тўғри чиқмайди. Бу иккиси орасидаги [ҳолат] ҳам шундай бўлади.

Синон ибн Собит араблар ва ажамликларнинг «нав» масаласида келишиларини эътиборга олишни тавсия этган. Агар улар келишсалар, нав кучли ва равшан бўлади, келишолмасалар, акси бўлади. Мен шу бобда Синон «Анво китобида» айтганларининг ҳаммасини ва румликлар ойларида бажариладиган дунё ишларининг вақтларини баён этаман.

Ой манзилларининг чиқиш ва ботишлари эса, китоб охирида ўзининг махсус бобида баён этилади. Чунки мунажжимлар [ой манзилларини] рум ойларида тартибли // ва бир хил ҳолатда учратгач, бир-бирига мос бўлсин ва муносабатсиз бўлмасин деб, уларни ўша ойларнинг кунларига қўйганлар. Тангри муваффақият ва ёрдам берувчидир.

Тишрин аввал. Бу ойнинг биринчи кунида Увқтимин ва Филлиф сўзича, ёмғир ёғиши кутилади; қибтийлар ва Қоллиб сўзича, ҳаво булутли бўлади.

Иккинчи куни Қоллиб, қибтийлар ва Увқтимин сўзича қиш ва булутли ҳаво; Увдокс ва Митрозур сўзича, ёмғир ёғади.

Учинчи [кун] ҳақида ҳеч нарса айтмаганлар.

Тўртинчи [куни] — Увдокс сўзича, ёмғир ва кўчувчи шамол; қибтийларча, қиш ҳавоси.

Бешинчида — Димоқрит сўзича, қиш ҳавоси. Бу экин экишнинг бошланиш вақти.

Олтинчида — қибтийларча, шимол томондан шамол эсади.

Еттинчида — Иббархча, жанубдан [шамол] эсади.

Саккизинчи [кун] ҳақида ҳеч нарса айтмаганлар. Синоп шу кунни қиш ҳавоси бўлишини айтган.

Тўққизинчида — Увдокс сўзича, «нав» [куни], Иббархча, кун чиқишдан, қибтийларча, кун ботишдан шамол эсади.

Унинчи [кун] ҳақида ҳеч нарса айтилмаган.

Ун биринчи — Увдокс ва Досисосча, «нав» [куни].

Ун иккинчида — қибтийларча, ёмғир [ёғади].

Ун учинчида Қоллиб [сўзи]ча, кучли шамол, «нав», момақалди роқ ва ёмғир ёғади. Увдокс ва Досисосча, шимол ёки жанубдан шамол. Синоп бунинг кўпинча тўғри келишини тасдиқлаган. Шу кун, албатта, денгизда тўлқин қўзғолади.

Ун тўртинчида — Увдоксча, «нав» ва шимол томондан шамол.

Ун бешинчида — Увдоксча, шамоллар алмашиб туради.

Ун олтинчи тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган.

Ун еттинчида — Досисосча, ёмғир ва «нав»; қибтийларча, ғарб ёки жанубдан шамол.

Ун саккизинчи тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган.

Ун тўққизинчида — Досисос сўзича, ёмғир ва «нав», қибтийларча, ғарб ёки жанубдан шамол.

Йигирманчи ва йигирма биринчи [кунлар] ҳақида [обу ҳаво билимдонлари] бирон сўз айтмаган.

Йигирма иккинчида — қибтийларча, ўзгарувчи турли шамоллар⁷⁶⁸. Шу кун ҳаво совушга бошлаб, зарурат бўлмаса, дори ичиш ва томирдан қон олиш вақти тугалади. Албатта, агар бадан соғлигини сақлаш кўзда тутилса, бундай тадбирлар учун [қулай вақтлар] танланади. Аммо у тадбирларни ишлатишга мажбур бўлинса, мажбур [киши] кеча ва кундузни, иссиқ ёки совуқни, бахтли ёки наҳс [пайтни] кутиб туриши керак эмас. Балки иш [яъни касаллик] кучайиб кетишидан олдин у тадбирларни ишлатишга шошилиши лозим. Бўлмаса, уни тўхтатиш қийин ва тадорики машаққатли бўлади.

Йигирма учинчи кунни Увдокс [сўзи]ча, «нав», Қосирча, шимолий ёки жанубий шамол.

Йигирма тўртинчида — Қоллиб ва қибтийлар сўзича, «нав».

Йигирма бешинчида — Митродурча, «нав»; Қоллиб ва Увқтимин [сўзи]ча, ҳавода ўзгариш.

Йигирма олтинчи ҳақида улар ҳеч гап айтмаганлар. //

Йигирма еттинчида — қибтийларча, қиш ҳавоси.

Йигирма саккизинчи — уларнинг [бу кун] ҳақидаги гаплари [унутилган ёки атайлаб] олинмаган. Шу кун ҳаммомга тушиш, аччиқ нарса ейиш — ёқимли, шўр ва нордон нарса ейиш ёқимсиздир.

Йигирма тўққизинчида — Димоқрит сўзича, дўл ёки ях [ёғади]; Иббархча, кетма-кет жанубий шамол; қибтийларча, қиш ҳавоси.

Уттизинчида — Увқтимин ва Филифча, қаттиқ шамол. Бу кун калхат, қузғун ва қалдирғочлар пастликка⁷⁶⁹ кетадилар, чумоли уясига киради.

Уттиз биринчида — Қоллиб ва Увқтимин [сўзи]ча, бўронли шамоллар; Митродур ва Қосирча, шамол ва қиш ҳавоси; қибтийларча, жанубий шамол. Худо энг яхши билувчидир.

Тишрин охир. Бу ойнинг биринчи кунда Увдокс ва Қунун сўзича, [ҳар томондан] ёқимсиз шамоллар [эсади].

Иккинчисида — ёқимсиз ҳаво, шимол ва жанубдан совуқ шамол.

Учинчисида Батлимус сўзича, жанубий шамол; қибтийлар сўзича, ғарб шамоли; Увдоксча, шимолий ёки жанубий шамол эсади. Увқтимин, Филиф ва Иббархча, ёмғир.

Тўртинчида — Увқтиминча, «нав»; Филифча, ёмғир.

Бешинчида — қибтийларча, қиш ҳавоси ва ёмғир.

Олтинчида — қибтийларча, жанубий ёки ғарбий шамол:

Досисосча, қиш ҳавоси. Синоп бунинг тажрибада тўғри чиққанини исботлаган.

Еттинчида — Мотин [сўзи]ча, гирдобли шамол билан ёмғир; Иббархча, совуқ шамол. Бу кун ёмғир ёғадиган пайтларнинг бошланиши бўлиб, Қуёш Ақрабнинг йигирма биринчи даражасига тушади. Мунажжимлар шу вақт учун бир толе [бурж] барпо этиб, бундан ўша йилда ёмғир кўп ёки оз бўлишига далил чиқарадилар; улар бунда Зуҳро юлдузининг чиқиш ва ботиш ҳолатига асосланадилар. Гумонимча, бундай ҳолат махсус Ироқ ва Шом ҳавосида бўлади, бошқа жойларда бўлмайди. Бизда, Хоразмда кўпинча бу [вақтдан] олдин ёмғир ёға бошлайди. Абу-л-Қосим Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдодбих⁷⁷⁰ ўзининг «Йўллар ва мамлакатлар» китобида ҳикоя қилишича, Ҳижоз ва Яманда ҳазирон, таммуз, обда ва айлулнинг бир қисмида ёмғир бўлади. Ёз ойларида Журжонда турдим, осмон очилиб, булутлар тарқалган ва ёмғир тинганига ўн кун ҳам ўтгани йўқ. У жуда серёмғир шаҳар.

Ҳикоя қилинишича, халифаларнинг бири — уни Маъмун деб гумон қиламан — Журжонда қирқ кун турган, шу [муддатда] ёмғир буткул тўхтамаган. Шунда у: «Бизни бу [доимо] ивитувчи ва сув сепувчи ердан чиқаринг!» — деган.

Бирор жой Табаристонга қанча яқин бўлса, ҳавоси шунча рутубатли ва серёмғир бўлади. Табаристон тоғларининг сернамлиги шу даражага етганки, уларнинг чўққиларида саримсоқ янчилса, албатта ёмғир ёғади. «Тонг» китобининг автори Ноиб ал-Омулий⁷⁷¹⁻⁷⁷⁶ бунинг сабабини баён этиб, шундай деган: «Табаристон ҳавоси йиғилиб қолган буғлар туфайли қуюқ рутубатлидир; || саримчоқ ҳиди у намлик орасига ёйилгач, ўткирлиги билан уни тарқатиб, қуюқ ҳавони сиқади ва шу сабабли унинг кетидан ёмғир келади».

Агар бу саримсоқ янчишдан юз берувчи сабаб бўлса, Фарғона тоғлари орасидаги машҳур булоққа ифлос нарса ташланганда ёмғир ёғишининг сабаби нима? Ёки Табаристонда Тоқ тоғида Исбаҳбадон деб машҳур бўлган ғордаги Сулаймон ибн Довуд курсиси номи билан танилган курсига ифлос нарсалар ёки бир оз сут суртилса, нима сабабдан осмон булутланиб то у тозалангунича ёмғир ёғаверади?

Яна турклар еридаги тоғдан қўйларни олиб ўтишда уларнинг оёқларига, тоғ тошларига урилмаслиги учун жун боғланса, шундан кейин кўп ёмғир ёғишининг сабаби нима? Баъзан турклар шу тошлардан олиб келиб, душман томонидан ўраб олинган вақтларида унинг зарарини даф этиш учун ишлатадилар. Бунинг ҳақиқатини билмайдиган киши турклар томонидан сеҳр қилинган деб ўйлайди. Мисрда бир тоғ этагидаги ибодатхона яқинида — «Пок» деб машҳур бўлган ҳовузнинг ҳолати

ҳам шунга ўхшайди. Бу ҳовузга тоғ тагидаги булоқдан ширин хушбўй сув оқиб туради, қачон [жинсий алоқадан] ифлосланган киши ёки ҳайз кўрган аёл бу [сувга] тегса, у бадбўй бўлади, охир суви бўшатилиб, тозаланса, яна хушбўйликка қайтади. Шунга ўхшаш Ҳирот ва Сижистон орасида — йўлдан бир оз четда — қумлик ўртасидаги тоққа одам ахлати ёки сийдиги ташланса, аниқ овоз ва қаттиқ товуш эшитилади.

Булар мавжудот табиатига тегишли хусусиятлар бўлиб, сабаблари содда элементларга, дастлабки тузилиш ва яратилишга тақалади; бундай нарсаларни билишга эришиш [ҳеч кимга] муяссар бўлмаган.

Айрим жойлар, масалан, кўҳна Миср ва унинг атрофидаги жойлар Табаристон тоғларининг аксичадир. Чунки у жойларда ёмғир ёғмайди, бўлган вақтда ҳам у жойларнинг ҳавоси бузилади, вабо тарқалиб, бу ҳайвонот ва ўсимликларга зарар келтиради. Бундай ҳодисалардаги аҳвол жойнинг табиатига, тоғлар ва денгизлардан узоқ-яқинлигига, ердан баланд-пастлигига, шимол ёки жанубга томон қай даража кенглигига боғлиқдир.

Саккизинчи [тишрин охир] да — Увқтимин сўзича, ёмғир ва қиш ҳавоси; Митродурча, қиш ҳавоси ва гирдоб шамоллари; жанубий шамол ёки «ўврус», бу Увқтимин сўзича, жануб ва сабо ўртасидаги шамол; қибтийларча, сабо шамолнинг ўзи.

Тўққизинчида — бирор ҳолат юз беришини айтмаганлар.

Унинчида — Увқтимин ва Филифча, қиш ҳавоси ва гирдоб шамоллар; Иббарҳча, шимолий шамол ёки жанубий совуқ шамол ва ёмғир.

Ун биринчида — Қоллиб, Қунун ва Митродурча, «нав». Синон бунинг тўғрилигини тажрибада исботлаган.

Ун иккинчида Увдокс ва Досисосча, қиш ҳавоси.

Ун учинчида — Увдоксча, «нав», Димоқритча, қуруқда ҳам, денгизда ҳам қиш ҳавоси. Шу куни кемалар қаерда бўлмасин, тўхтайтиди, Форс ва Искандарияга денгиз йўли бекилади. Чунки денгизнинг // бетинч, ҳавоси булутли бўладиган, тўлқинлари кучаядиган ҳамда қоронғулиги қуюқлашадиган ва шу сабабли унда юриб бўлмайдиган маълум кунлари бор. Айтилишича, денгиз тагига шамол тушиб шундай [ҳолатларни] қўзғатади. Бунга бир хил балиқнинг кўриниши далолат беради. У балиқ ўша шамолнинг денгиз тагида ҳаракат қилишидан дарак бериш учун денгиз юзига чиқади.

247

Баъзан [бу ҳодиса] денгиз қўзғолишидан бир кун олдин кўринади, деганлар. Денгизчиларнинг ҳар бирида ўзи юрган денгизда [қўзғолиш юз беришини билдирадиган] белги бўлган. Айтилишича, Хитой денгизида сувга ташланган тўр тузоқларнинг ўзидан-ўзи сув юзига чиқишини бунга далил қилиб, денгизда қўзғолиш бўлиши билинади. Денгизнинг хашак ва чўплар йиғиладиган жойига тухум қўйиб бола очувчи қушнинг тухумдан чиққан жўжалари эса денгизнинг тинч эканидан далолат беради: у сувдан ерга чиқмайди ҳам ва ерга қўнмайди ҳам. У фақат денгиз тинчиган вақтда тухум қўйиб, бошқа вақтда [қўймайди].

Айтишларича, шу куни кесилган ёғоч қуртламайди ва унга қурт тушмайди. Бу бошқа нарса бўлмай, ўша кунги ҳаво табиатидаги кайфиятнинг хусусияти бўлса керак.

Ун тўртинчи куни Қосир [сўзи] ча, қиш ҳавоси; қибтийларча, жанубий шамол ёки ўрус, яъни накбо⁷⁷⁷.

Ун бешинчи кун ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ун олтинчида — Қосир сўзича, қиш ҳавоси.

Ун еттинчида — Увдоксча, ёмғир; Қосирча, қиш ҳавоси; қибтийларча, кеча-кундуз шимол шамоли.

Ун саккизинчи кун ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган.

Ун тўққизинчида — Увдоксча, қаттиқ қиш ҳавоси.

Йигирманчида — Увдоксча, шимол шамоли; қибтийларча, қаттиқ қиш ҳавоси. Айтилишича, шу кун барча суяксиз жониворлар ҳалок бўлади, бу — турли жойларда ҳар хил бўлади. Мен Журжонда Қуёш Жадий буржида эканида чивиндан азият чеккан эдим, чивин эса суяксизлардандир.

Йигирма биринчида — Увқтимин ва Досисосча, қиш ҳавоси ва ёмғир.

Йигирма иккинчида — Увдоксча, қаттиқ қиш ҳавоси. [Қоринга] «сарик сув» [йиғилишидан] қўрқиб⁷⁷⁸, шу кун кечаси совуқ сув ичишдан тийилади.

Йигирма учинчида — Қоллибча, ёмғир; Увдокс ва Қунунча, қиш ҳавоси; Иббарх ва қибтийларча, муттасил жанубий шамол. Бу кун зайтун узиш байрами бўлиб, янги [пишган] зайтун⁷⁷⁹ ёғини сиқиб олинади.

Йигирма тўртинчида — қибтийларча, ёмғир томчилайди.

Йигирма беш ва йигирма олтинчи [кунлар] ҳақида ҳеч нарса исбот этилмаган.

Йигирма еттинчида — Димоқритча, қуруқлик ва денгизда кўпинча [обу ҳаво] қарорсизлиги; Досисосча, «нав»; қибтийларча, ёмғир ва жанубий шамол.

Йигирма саккизинчи кун ҳақида улар ҳеч нарса демаганлар. Айтилишича, шу кун денгизда тўлқинлар кучайиб, [балиқ] ови камаяди.

Йигирма тўққизинчида — Увдокс ва Қунунча, қиш ҳавоси; қибтийларча, ғарб ёки жанубдан шамол ва ёмғир.

248 Уттизинчида — бирор ҳолат юз бериши на билимдонлар ва на бошқалар томонидан нақл қилинмаган. //

Қонун аввал. Биринчи кунда — Қоллиб, Увқтимин, Увдокс ва Қосир сўзича, қиш ҳавоси. Шу кун Дамашқда «бон дарахти шохларининг ярмаркаси» деб машҳур бўлган бозор ташкил этилади.

Иккинчи кунда — Увқтимин ва Филифча, ёқимсиз шамоллар; Митродурча, қаттиқ қиш ҳавоси.

Учинчида — Қонун ва Қосирча, қиш ҳавоси; қибтийларча, ёмғир томчилайди.

Тўртинчи кунда — Увқтимин, Увдокс ва Қосирча, қиш ҳавоси; қибтийларча, ёмғир томчилаш.

Бешинчи кунда — Димоқрит, Досисос ва қибтийларча, қиш ҳавоси; Синон ҳам шундай исботлаган.

Олтинчида — Увдокс ва Досисосча, қиш ҳавоси; қибтийларча, жанубий шамол.

Еттинчида — Увдоксча, ёмғир, Иббархча, шимолдан қаттиқ шамол⁷⁸⁰. Саккизинчи ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Тўққизинчида — Қоллиб, Увқтимин ва Увдоксча, қиш ҳавоси.

Унинчида — Қоллиб, Увқтимин ва Митродурча, қаттиқ қиш ҳавоси; Димоқритча, момақалди роқ, чақмоқ, шамол ва ёмғир.

Ун биринчи — Қоллибча, жанубий шамол ва «нав»; Увдокс ва қибтийларча, қиш ҳавоси ва ёмғир. Синон ўз тажрибаси орқали бунга гувоҳлик беради. Шу кун жинсий алоқани кўпайтириш ёмон⁷⁸¹. Билмайман, нима учун бундай [дейилган]? Чунки кузда, қиш бошларида ва вабо

вақтларида жинсий алоқа яхши эмас. Балки унинг шартлари ёшга, вақт, жой, одат, мизож, овқат, [қорин] тўқлиги, очлиги, шахват, жинсий органининг қўзғолавериши⁷⁸² ва бошқалардан иборат бир қанча сабабларга боғлиқ бўлса ҳам, жуда зарарли ва баданини кучсизлантирувчидир.

Ун иккинчи куни — қибтийларча, қиш ҳавоси.

Ун учинчида — Иббархча, қаттиқ жанубий шамол ёки шимолий шамол.

Ун тўртинчида — Увдоксча, қиш ҳавоси; қибтийларча, шамол билан ёмғир.

Ун бешинчида — қибтийларча, совуқ шимолий шамол ёки жанубий шамол ва ёмғир.

Ун олтинчида — Қосирча, қиш ҳавоси.

Ун еттинчи [кун] ҳақида улар томонидан ҳеч нарса дейилмаган. Шу куни мол гўшти, лимон, тоғ райҳони тановул қилиш, уйқудан кейин сув ичишдан, [мўйларни кеткизадиган] «нура» суртишдан, қони қўзғолган кишидан бошқага қон олдиришдан тийилади. Бу ўша вақтнинг совуқлиги ва намгарчилиги сабабдир. Бу кунни «катта туғилиш вақти» — қиш-ки Қуёш туришини айтмоқчи бўладилар деб атайдилар ва: «Бу кун нур камайиш чегарасидан кўпайиш чегарасига чиқади. Инсонлар униб-ўсишга ва жинлар сўлиб, йўқ бўлишга тутунадилар», — дейдилар. Қаёб ал-Ахборнинг⁷⁸³ айтишича, шу кун булутли бўлиб, Қуёш Исо ибн Нун устида уч соат тўхтатилган. Шиа нодонлари Қуёшнинг мусулмонлар амири Али ибн Абу Толиб алайҳиссалом [устиди] шундай тўхтатилганини ҳикоя қилдилар. Агар бу [ҳикоя] асосли бўлса, бу ўзига дуч келган қийинчилик муддатининг узайгани ва унинг тарқалиб кетишининг кечикканини билган кишининг ваҳимасидир. Масалан, Али ал-Жаҳм⁷⁸⁴ румликларга қарши урушга чиқиб, қаттиқ ярадор бўлади ва кечаси ухлай олмагач, бундай деган: //

249

Тонгни сел оқизиб кетдим

Ёки кечага кеча қўшилдим?

Кейин у киши [қийинчиликдан] қутулгач, ёлғон ваҳималар ва адаштирувчи хаёллардан бўшамай қолади.

Шундай [ҳодиса] кўпинча рўза кунларида, агар унинг охири булутли ва қоронғу кунлар бўлса, воқе бўлади, ҳатто, одамлар ифтор қилишади. Сўнгра булутлар [бутуцлай] ёки ҳар томонга тарқалиб; Қуёш ботмай, ер тепасида турган бўлади.

Афсунгарларнинг айтишича, уйқудан уйғонувчининг ўнг ёни билан ўрнидан туриши ва эрталаб гап гапиришдан олдин бухўр елимини тутатиб ҳидлаши шу куннинг яхши иримларидандир. Қуёш чиқиши билан кун чиқиш томонга қараб кетма-кет ўн икки қадам юриш ҳам яхши иш.

Христиан котиб Яҳё ибн Али ал-Анбарий: «Қишки Қуёш туриши вақтида унинг чиқадиган жойи машриқ бўлиб, Қуёш жаннат ўртасида кўтарилади ва шу куни билимдонлар қурбонлик жойларини ҳозирлайдилар», — деган. Бу киши жаннатни жануб томонларда деб тушунган ва томонларнинг турлича аталишини билмаган. Динининг мавзеси ҳам унинг сўзини ёлғонга чиқаради, чунки христианлар намозда кун чиқиш томонга қарашга буюрилганлар. У христианларга «Қуёш жаннатда тулу этади» дегандан кейин, улар намозларида машриқ томонларидан фақат экватор машриқига қарайдиган бўлдилар, ибодатхоналарини ҳам шу томонга тикладилар.

[Яхъё ибн Алининг] бу гапи унинг Қуёш ҳақида айтганларидан қиқроқ эмас. У: «Йил кунлари [сонига] кўра [Қуёшнинг] кўтариладиган ва тушадиган даражалари уч юз олтмишта. Аммо йил тамом бўладиган беш кунда Қуёш кўтарилмайди ҳам, тушмайди ҳам. Бу ҳазирондан икки ярим кун, конун аввалдан икки ярим кун»,— деб даъво қилган.

Шундай даъво Абу-Аббос ал-Омулийнинг ҳам кўнглига тушган ва «Қибла далиллари» номли китобида Қуёш йилини уч юз олтмиш беш кун гумон қилиб, Қуёшнинг юз етмиш еттита чиқадиган ва ботадиган жойи бор деган. Яхши билмаган нарсага уринган киши шарманда бўлади. Бу хаёллар Қуёш йилида беш кун ортирилиши ва ой йилида олти кун камайтирилишига сабаб кўрсатишдан иборат, юқорида айтилган сўздан келиб чиққан.

Ун саккизинчи кун бирор ҳолат [бўлиши] айтилмаган.

Ун тўққизинчида — Увдокс, Досисос ва қибтийларча, жанубий шамол.

Йигирманчида — Увдокеча, қиш ҳавоси.

Йигирма биринчида — қибтийларча, «нав».

Йигирма иккинчи ҳақида ҳеч гап айтмаганлар.

Йигирма учинчи ҳам шундай.

Йигирма тўртинчида — Қосир ва қибтийларча, қиш ҳавоси; Иббарх ва Мотинча, «нав» ва ёмғир.

Йигирма бешинчида — Қоллиб, Мотин, Қунун ва қибтийларча, қиш ҳавоси.

Йигирма олтинчида — Увдоксча, «нав»; Димоқритча, ўртача қиш ҳавоси⁷⁸⁵.

Йигирма еттинчи [кун] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Йигирма саккизинчида — Досисосча, қиш ҳавоси.

250 Йигирма тўққизинчи — Қоллиб, Увқтимин, Димоқритча, «нав». //

Шу кун уйқудан кейин совуқ сув ичиш мумкин эмас. Айтишларича, жинлар сувга қайт қилар эмишлар-да, ичган кишининг табиатида ақлсизлик ва балғам кўпаярмиш. Бу ҳавонинг совуқ ва намлиги сабабли бўлиб, оддий халқни улар жуда қўрқадиган ва хавф туғдирадиган нарса [жин] дан эҳтиёт қилиш учун шундай [деганлар].

Ўттизинчида — қибтийларча, денгизда қиш ҳавоси.

Ўттиз биринчида — Увқтиминча, қиш ҳавоси. Вассалом.

Конун охир. Бу ой кунларининг биринчи кун ҳақида «анво» билимдонлари ҳеч нарса баён этмаганлар.

Иккинчида — Досисосча, «нав». Бир гуруҳнинг айтишича, шу кун ёғоч кесилса, тез қуримайди.

Учинчида — қибтийларча, ўзгарувчан ҳаво.

Тўртинчида — қибтийларча, «нав»; Димоқритча, жанубий шамол. Бунинг тўғрилигига Синон гувоҳлик беради.

Бешинчи ва олтинчи кунлар ҳақида ҳеч нарса демаганлар. Айтишларича, олтинчи кун ердаги ҳамма шўр сувлар ширин бўладиган [маълум] бир соат бор эмиш. Сувларда учратиладиган ҳолатлар, агар улар йиғилиб қолган сувлар бўлса, бориб тўхталган жойлари табиатига, оқаётган сувлар бўлса, ўтиб турган жойлари табиатига боғлиқдир. Бу ҳолатлар ҳаммаша [сувлар билан] бирга бўлиб, ўзгармайди, фақат турли воситалар орқали аста-секин ҳар хил мартабадаги ҳолларга ўтгандагина ўзгаради. Демак, уларнинг «Ҳамма шўр сувлар ўша бир соатда ширин

бўлади» дейишларига далил йўқ ва маълум бир вақт ичида кетма-кет қилинган тажриба тажриба қилувчига унинг ёлғонлигини дарров кўрсатади. Агар ўша соатда [сувлар] ширин бўлганда, албатта бир мўлат шундайлигача қолган бўлар эди. Тўғри, агар шўр сувли қудуқларга ўша соат ёки бошқа соатда яхшилаб қуритилган мумдан бир неча ратл ташланса, сувлардаги шўрликнинг камайиши мумкин. Буни тажрибачилар айтдилар, ҳатто улар: «Агар мумдан нозик бир идиш ясаб, денгиз сувига ташланса ва унинг оғзи очиқ бўлиб, сув унинг оғзига чиқмайдиган бўлса, унинг ичига сизиб ўтган [сув] албатта ширин бўлади»,— дейдилар. Агар шўр сувларга [ҳажм жиҳатдан] улардан кўпроқ ширин сув аралашса, албатта, у кишиларнинг айтганлари ҳақиқат бўлади. Чунончи, Тиннис кўлининг суви куз ва ёзда унга Нил суви кўп аралашганидан ширин, бошқа вақтларда кам аралашганидан шўр бўлади.

Еттинчи куни — Увдокс ва Иббархча, қиш ҳавоси.

Саккизинчи куни Қоллиб, Увқтимин, Филиф ва Митродурча, жанубий шамол; қибтийларча, жанубий ва ғарбий шамол, денгизда, қиш ҳавоси.

Тўққизинчида — Увдокс ва қибтийларча, жанубдан қаттиқ шамол ва ёмғир. Тилсимчилар даъвосича, агар хонтахтага узум суратини солиб, шу ойнинг тўққизинчиси билан ўн олтинчиси орасида уни Тошбақа, яъни Наср ал-Воқе⁷⁸⁶ [номли юлдуз] ботган вақтда қурбонлик қилгандек, токзорга қўйилса, мевалар барча офатдан саломат қолади.

Унинчида — Қосир ва қибтийларча, қаттиқ жанубий шамол ва «нав». ||

Ун биринчида — Увдокс ва Досисосча, жанубий шамол; Иббархча, аралаш шамоллар⁷⁸⁷.

Ун иккинчи кун ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ун учинчида — Иббархча, қиш ҳавоси; Батлимусча, шимолий ёки жанубий шамол эсади.

Ун тўртинчи кун ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ун бешинчида — Иббархча, шарқий шамол.

Ун олтинчи кун ҳақида ҳеч нарса демаганлар.

Ун еттинчида — Қосирча, қаттиқ шамол.

Ун саккизинчида — Увқтимин ва Филифча, қиш ҳавоси; Митродурча, ҳаво ўзгариши.

Ун тўққизинчида — Увдокс ва Қосирча, қиш ҳавоси; қибтийларча, ҳавода димлик.

Йигирманчида — Увқтимин ва Димоқритча, очиқ ҳаво; Иббархча, шимолий шамол; қибтийларча, қиш ҳавоси ва ёмғир.

Йигирма биринчида — Увдоксча, ўртача қиш ҳавоси.

Йигирма иккинчида — Иббархча, «нав»; қибтийларча, ёмғир.

Йигирма учинчи [куни] ҳақида [обу ҳаво билимдонлари] ҳеч нарса демаганлар. Айтилишича, шу куни [мўйларни кеткизадиган] «нура» ва қон олиш тадбири зарур бўлган кишидан бошқага қўлланилмайди.

Йигирма тўртинчида — Қоллиб ва Увқтиминча, очиқ ҳаво; Димоқритча, ўртача қиш ҳавоси. Бунда ҳам кечагиса айтилган «нура» ва қон олиш ҳақидаги гап айтилган.

Йигирма бешинчида — Иббархча, шарқий шамол.

Йигирма олтинчида — Увдокс ва Митродурча, ёмғир; Досисосча, қиш ҳавоси.

Йигирма еттинчида — қибтийларча, қаттиқ қиш.

Йигирма саккизинчида — Батлимусча, жанубий шамол эсади ва «нав» бўлади.

Йигирма тўққизинчида у [ҳолатларнинг биронтаси] юз бериши айтилмаган.

Ўттизинчида — Иббархча, жанубий шамол.

Ўттиз биринчи [кун] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Шубот. Бир кабисали ойдир. Фикримча, [румликларнинг] шу ойни махсус камайтириб, йигирма саккиз кун қилишлари ва йигирма тўққиз ёки ўттиз ёки ўттиз бир кун қилинмаслигига сабаб шуки — яна худо яхшироқ биледи — агар бу йигирма тўққиз кун қилиниб, кейин кабиса қўшилса, ўттиз кун бўлиб кабисали йилда албатта бошқа ойларга араллашиб кетар эди. Шунга ўхшаш, агар ўттиз кун қилинса, — йил кабисали бўлса ҳам, бўлмаса ҳам бари бир — бошқа ойлардан ажралиб турмас эди. Ўттиз бир кун бўлса ҳам, барча йилларда бошқа ойларга ўхшаб қолиб, шундай ҳол [содир] бўлар эди. Шу туфайли бу ой кабисали ва кабисасиз йилларда ойлар орасида ажралиб туриши учун йигирма саккиз кун қилинди. Бу сабабдан [румликларнинг] ойларида кетма-кет икки ойнинг ўттиз кундан ортиқ келиши зарур бўлди, чунки улар дастлабки ишни мўлжалга олиб, ойларга ўттиз кундан тақсим этдилар ва шуботдан икки кунни олиб ташладилар. Шунда уларда етти кун ортиқча бўлиб қолди, шубот ойлар орасидан тушиб [қолгани] сабабли, ортиқча кунларни ўн бир ойга ажратишга эҳтиёж туғилди, // Кунлари тўла ўттиз бўлган ойларни ўттиздан ортиқ кунли ойлар орасига восита қилиб қўйиш мумкин бўлмади, чунки [тўла ойлар сони] камлик қилди. Шу вақтда кетма-кет ортиқ кунли ой келиши зарур топилди. Бу [румликларнинг] ортиқча етти кунни энг ҳақли жойга қўшиш тадбирлари бўлиб, ниҳоят қадимги ва кейинги расадларда айтилганидек, баҳор ва ёз чорак фасллари кунларининг ҳаммаси куз ва ёз чораклари кунларининг ҳаммасидан кўпроқ бўлди. Яна уларнинг ойлари кўп холларда бир-бирига тенг, ўхшаш, яъни ҳар бир ой кунни билан ўндан олдинги ой кунининг мажмуи олтмиш бир кун бўлиб, Қуёшнинг икки бурждаги ҳаракатларидан ўртача ҳаракатига тенгдир. Лекин об ва шубот [кунлари] эллик тўққиз кун бўлиб, биз шубот ҳақида баён этган сабабга кўра, бошқача бўлиши мумкин эмас. Чунки агар об ўттиз бир кундан ортиқ қилинса, албатта, у ойлар жумласидан ажралиб туради-да, кабисали ҳолатнинг бунга хос экани гумон қилинади.

Таммуз ва конун охирга келганда, бу иккаласи кунларининг мажмуи олтмиш икки кун. Шундай бўлиши зарур ҳам, чунки ўттиздан ортиқ кунли ойлар адади тўла ўттиз кунли ойлар ададидан ортиқдир. Бу ортиқча бир кун қаерга қўйилса, шундай қийинчиликка бориб тақалади.

Қўшимча кун бошқа ойга эмас, шуботга қўшилди, чунки яҳудийларнинг кабисали йилда қўшимча кунли ойни бўлмиш биринчи озор шуботга ёки унинг ёнидаги ойга тўғри келади.

Бу ойнинг шу биринчи кунини — Увдокс сўзича, ёмғир [ёғади ва] шу кунни совуқ бир оз камаяди.

Иккинчида — қибтийларча, ғарбий ёки жанубий шамол эсиб, шу орада дўла ёғади. Синон: «Бу кўпинча тўғри келади» — деган.

Учинчида — Увдоксча, очиқ ҳаво, баъзан ғарбий шамол эсади.

Тўртинчида — Досисосча, очиқ ҳаво, баъзида ғарбий шамол эсади; қибтийларча, қаттиқ қиш ҳавоси, ёмғир ва ёқимсиз шамоллар.

Бешинчи кун ҳақида [обу ҳаво билимдонлари] ҳеч нарса демаганлар. Айтишларича, шу куни тўрт томондан шамол эсади.

Олтинчида — Қосир [сўзи]ча, ёмғир; қибтийларча, шамол, Димоҳ-ритча, ғарбий шамол эса бошлайди.

Еттинчида — Увдокс ва қибтийларча, ғарбий шамолнинг дастлабки эсиши бўлиб, кўпинча ҳаво совуқ бўлади; шу куни «кичик» деб аталувчи «биринчи жамра» тушади⁷⁸⁸.

Саккизинчида — Қоллиб, Митродур ва Иббархча, ғарбий шамолнинг эсиш вақти; Увдокс ва қибтийларча, ёмғир. Синон ўз тажрибалари билан бунга гувоҳлик берган.

Тўққизинчи ва ўнинчи кунлар ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ўн биринчида — Қоллиб ва Митродурча, қиш ҳавоси; Увдокс ва қибтийларча, ғарбий шамол.

Ўн иккинчида — Иббархча, шимол ва шарқдан шамол; қибтийларча, фақат шарқ шамоли.

Ўн учинчи ва ўн тўртинчи [кунларида] у ҳолатларнинг биронтаси бўлишини айтмаганлар. «Ўртача» деб аталувчи «иккинчи жамра» ўн тўртинчи шуботда тушади. // Чунончи, қадимги [бир шоир] бундай деган: 253

[Исо пайғамбарнинг] туғилиш [байрами], ундан кейин сувга шўнғитилиш [байрами],

Ва икки марта ўн кун, сўнгра тўла беш кун,
Яна шуботдан беш, олти ва тўрт кун ўтганда.

[Қишнинг] қаттиқ совуғи шубҳасиз кетади,

Шу [куни] иккита «жамра» тушиб,

[Қишдан] бир неча кеча қолади, холос.

Ўн бешинчида — Увқтимин, Филиф ва Досисосча, қиш ҳавоси; қибтийларча, кўчувчи шамоллар; Иббархча, жанубий шамол.

Шу куни совуқ бўлади. Араблар: «Бу [шамол билан] жамра пуфла-ниб [кучайтирилади]»⁷⁸⁹,— дейдилар. Ажамликлар: «Ез қўлини сувга тикди»,— дейдилар. Шу куни дарахт шоҳида пастдан юқорига қараб сув югуради ва қурбақалар қуриллайди.

Ўн олтинчида — қибтийларча, мухталиф шамоллар ва ёмғирлар. Айтилишича, шу куни ер бағри исиб, Шом [мамлакатида] қўзиқорин униб чиқади. Унинг зайтун дарахти тагига яқин ердан чиққанини ўлдирувчи заҳар деб гумон қилганлар. Бунинг ҳақиқатга яқин бўлишига шубҳа йўқ, чунки қўзиқорин ва замбуруғларни [кўп ейиш] яхши эмас. Бундан туғиладиган касаллик муолижаси табоатга оид тўпламларнинг аксариди, қўзиқоринларда заҳар борлигини исбот этиш хусусида баён этилган.

Ўн еттинчи кун ҳақида бирон хабар берилмаган.

Ўн саккизинчида — қибтийларча, ғарбий шамол [эсиб], дўл ёки ёмғир ёғади.

Ўн тўққизинчида — Иббархча, шимолдан совуқ шамол.

Йигирманчида — қибтийларча, [турли томондан] шамоллар.

Йигирма биринчи [кун] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Шу куни «энг катта» деб аталадиган учинчи «жамра» тушади. Ҳар икки «жамра» тушишининг ораси расо бир ҳафтадир. Бу кунлар «жамралар» деб аталганлар, чунки одатда бу кунларда «жамра» га эътиқод қилувчилар

фикрига биноан, ер остидан унинг юзасига иссиқ чиқади. Аммо бунинг аксича эътиқод қилувчилар фикрига кўра, ҳаводаги совуқлик Қуёш жисмидан [чиқувчи] ҳароратга алмашинади, чунки Қуёш жисми ва [унинг] шуъласи тўлқинининг яқин келиши ҳароратнинг дастлабки сабабидир. Кўзалардаги ичимликларнинг ва қудуқ сувларининг қишда иссиқ, ёзда совуқ бўлиши масаласи шунга боғлиқдир. Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий билан Абу Бакр Ҳусайн Таммор⁷⁹⁰ орасидаги савол-жавоблар, [далил] талаб қилувчи баҳслашишлар ҳақиқатни изловчи кишини масаладан хабардор қилиб, қаноатлантиради.

Араблар [бу кунларни] ўз ойларида ишлатган эдилар, ниҳоят биз айтгандек, уларнинг [ойлари] ихтилоfli ва вақтлари тафовутли бўлди. Шу пайт улар румликларнинг турғун ва қўзғолмайдиған ойларига ўтказилди. Айтилишича, биринчи [«жамра»] да биринчи ва иккинчи иқлим исийди. Иккинчида — учинчи ва тўртинчи иқлим исийди. Учинчида — қолган иқлимлар исийди. Яна айтишларича, «жамра» [кунларида] ердан буғ кўтарилиб, // биринчида — ерни, иккинчида — сувни ва учинчида дарахтларни иситади. [Баъзиларининг] айтишларича, одатда [«жамра»] кунларида ой манзиллари ёки уларнинг махсус жойларининг чиқиши белгиланади. Улардан бошқа [масалага] диққат этувчилар баёнича, «жамралар» қиш фаслида совуқнинг тақалган чегараларидир. Иссиқ ва совуқ бошларининг турли жойларда маълум тафовути сабабли тўғри йўлдан чиқиб, қийналган баъзи қадимги [қузатувчилар] шу «жамра» кунларини Хоразмда ҳисоблаб чиқарганлар. Улардан биринчиси — шуботнинг йигирма биринчисида, иккинчиси — биринчисидан бир ҳафта кейин, учинчиси — иккинчисидан икки ҳафта кейин воқе бўлган.

Йигирма иккинчида — Увқтимин ва Иббарх сўзича, жануби ғарбий совуқ шамол эса бошлайди ва қалдирғочлар кўринади.

Йигирма учинчида — Қоллиб, Филиф ва қибтийлар сўзича, [турли томонлардан] шамоллар эсади ва қалдирғочлар кўринади; Увдокс ва Кунунча қалдирғочлар кўриниши олдида тўрт кун ёмғир [ёғади] ва жануби ғарбий шамол эсади⁷⁹¹.

Йигирма тўртинчида — Иббархча, шимолий ва ғарбий шамол; қибтийларча, бошқа томон шамоллари билан бирга жануби ғарбий шамол. Димоқритча — булар ўзгарувчан ҳаволи кунлардир.

Йигирма бешинчи — Қосир ва Досисосча, қиш ҳавоси.

Йигирма олтинчи ва йигирма еттинчи [кунлар] ҳақида [обу ҳаво билимдонларидан] ҳеч нарса нақл қилинмаган.

Йигирма саккизинчида — Иббархча, шимолий совуқ шамол.

Шу ой ичида «кампир кунлари» бўлиб, унинг боши йигирма олтинчи шуботдир. У кетма-кет етти кун бўлади. Йил кабисали бўлса, тўрт куни шуботдан, уч куни озор ойдан бўлади; [йил] кабисали бўлмаса, уч куни шуботдан, тўрт куни озордан [бўлади].

Арабларда бу [кунларнинг] номлари бор; биринчиси ас-синн, яъни «қаттиқ совуқ». Иккинчиси ас-синнабр, бу шундай кунки, нарсаларни «санбарадек» қилиб қўяди. Санбара қалин ва зич қўйилган нарса. [Бу калимадаги] «нун» [ҳарфи] «баласус»⁷⁹² [сўзининг] кўплиги «балансо» деб, [«нун» орттирилиб] айтганларидек, ортиқчадир. Учинчиси — уларнинг биродари ал-вабрдир⁷⁹³, чунки бу ўша кунлар орқасидан юради, яъни уларга эргашади. Тўртинчиси — Омир⁷⁹⁴, бу одамларни шу куннинг [совуғидан] эҳтиёт бўлишга буюради. Бешинчиси ал-муътамир⁷⁹⁵,

яъни одамларга [ўз совуғи билан] азият етказишга буйруқ олади. Олтинчиси ал-муаллил⁷⁹⁶ — совуқни бир оз енгиллатиб, одамларни юпатувчи. Еттинчиси муффи ал-жамр⁷⁹⁷. Бу [«кампир кунларининг»] энг кучлиси бўлиб, унда [совуқдан] ўт ўчади. Бунга «муқфи ал-қидр»⁷⁹⁸, яъни совуқ шамолнинг кучлилигидан [қозон тўнтарилиб кетади] демоқчи бўладилар. Шоирларнинг бири бу номларни назмда келтириб шундай деган:

[Шубот] ойи кейинида келувчи еттига «кампирларимиз» кунини қиш орқасига олиб кетди.

«Кампирларимиз» кунлари: ас-синн, ас-синнабр, ал-вабр. Омир, унинг биродари муътамир, муаллил ва муфти ал-жамр билан тугалгач,
Шу вақт совуқ орқасини ўгириб кетади-да,
Сенга денгиз томонидан иссиқ келади.

Гоҳо, олтинчи [шубот] — шайбон, еттинчиси эса милҳон деб аталади. Бу кунлар совуқдан, шамоллардан, ҳаво булутли бўлиши ва ўзгариб турушидан қарийб холи бўлмайди. Балки у кунларда совуқ қайтиши сабабли, кўпинча кучаяди, шунинг учун [«кампир» кунлари] сарфа⁷⁹⁹ деб аталган, чунки сарфа бу кунларга яқин ботиб [кўринмай кетади].

Совуқнинг пировардида кучайишидан, қайтишида қўзғолишидан ажабланувчи ажабланмасин. Чунки бу [ҳолат] биз келгусида айтгандек, иссиқда ҳам бўлади ва бунинг мисоллари оддий табиий нарсаларда учратилади. Масалан, чирогнинг ёғи тугаб, ўчиш ҳолатига яқинлашганида, [қиши бадани] титраганидек, бир неча марта кетма-кет шуълаланиб, нури кучаяди. Шунингдек, касаллар, айниқса диққ, сил касаллиги, қорин [огриғи] ёки шуларга ўхшаш касалликлар билан қаттиқ касалланган беморлар ўлишга яқинлашганларида қувватлари зўраяди; бундай аҳволни билмайдиган киши уларнинг соғайишини умид этади ва буни тажриба қилган киши [эса] умидини узади.

Шу кунлардаги бу ҳодисанинг сабаби⁸⁰⁰ ҳақида Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Қиндийнинг мақоласини кўрдим. У далил келтирган [сабабнинг] хулосаси мана бу: Қуёш [бу вақтда] ўз авжининг, яъни фалақдан энг баланд жойи йўлининг чорагига етади. Бу [йил вақтларининг] ўзгариш жойидир; Қуёшнинг ҳавога таъсири бошқа нарсадан кўра кучлироқ. Қуёш фалакида юз берган ўзгариш билан Қуёш сабабли ҳавода бўлган ўзгариш бир-бирига мутаносиб бўлиши керак. Бу таъсир кўп ҳолларда Ой [ўз йўлининг] ой боши тўғри келган чорагида бўлган муддат давомида ёки [худди] шу ҳолат Қуёш [ўз йўлининг] чорагида бўлган муддат давомида барқарор бўлиб туради.

Бухоролик ҳисобдон Абдуллоҳ ибн Алининг ал-Қиндий рисоласига воқиф бўлгач, авж ҳаракати тақозосига кўра, шу кунларни ҳаракат қилдириб кўчирганини, кейин у кунлар: «Абдуллонинг кампир кунлари» деб аталганини ва унинг бу ишида ҳамда [Қуёшнинг] ҳавога кучли таъсирини изҳор этишида хато қилмаганини эшитдим.

Қадимгилар ҳикоясича, бу кунларнинг «кампир кунлари» деб аталишининг сабаби шуки, буларни худо ўз китобида «етти кеча ва саккиз наҳс кун»⁸⁰¹ деб баён этган. Од қавми шу кунларнинг қаттиқ совуқ шамоли, гирдибодлари ва даҳшатлари билан ҳалок бўлган. Улар жумласидан бир кампир тирик қолиб, ҳалок бўлганларга марсия айтиб,

Йиғлаган. Шунинг учун бу кунлар «кампир кунлари» деб аталган. У [кеча-кундузларнинг] қиссалари машҳурдир.

Зикр қилишларича, од қавмини ҳалок этган шамол ғарбий шамол бўлган. Худонинг элчиси [Муҳаммад] — тангри унга ва унинг оиласига раҳмат юборсин — «Хандақ [жанги] куни менга шарқий шамол билан ёрдам берилди, од қавми эса ғарбий шамол билан ҳалок этилди», — деди. Бир шоир бундай деган:

Ғарбий шамол од қавмини ҳалок этди,
Улар хурмо дарахтлари сингари ағдарилиб
Йўқ бўлиб кетдилар.

256 Яна айтишларича, Қуръонда айтилган наҳс кунлар⁸⁰², [масалан], «ойнинг ўтган ёки қолган тўрти, ўтган ёки қолган ўн тўрти, ўтган ёки қолган йигирма тўрти» дегандаги «тўрт»га мувофиқ келган кунга тўғри келадиган ҳамма чоршанба⁸⁰³ кунидир. ||

Баъзиларнинг гумонича, шу [кунларнинг «кампир кунлари»] деб аталишига сабаб шуки, бир кампир [ҳавонинг] исиганини кўриб, пахталик кийимини ечиб ташлаган ва шу кунларнинг совуғида ўлган.

Баъзи араблар гумонича, «кампир кунлари»нинг бундай деб аталишига [сабаб], бу кунлар қишнинг «кампири», яъни охиридир.

Обон моҳ билан озар моҳ орасида ўғирланган беш куннинг ҳам арабларда «кампир кунлари» номлари сингари номлари бор: биринчиси ҳиннабр, иккинчиси — ҳинзабр; бу иккисининг маъноси «совуқ билан азият берувчи» демакдир. Учинчиси қолиб ал-фиҳр, яъни шамоли зўрлигидан [«ҳовонча дастасини думалатувчидир»]. Тўртинчиси холиқ аз-зуфр, яъни шамоли кучайиб, ҳатто, масалан, тирноқни қирқиб кетади. Бешинчиси мудаҳриж ал-баър («гўнг юмалатувчи»), яъни шамоли қаттиқ бўлиб, ҳатто саҳролардаги туя қумолоқларини манзилларга етказди. Бир шоир бу номларни назмда келтирган:

Биринчиси ҳиннабр — ҳаддан ташқари совуқ кун,
Ундан кейин ҳинзабр — [дарахтларни] силкитиб
[баргларини] тўкувчи,
«Адолат қилувчи» келгунча у дарахтларни силкитади.
Қолиб ал-фиҳр деб тўғри ном олувчи,
[Тирноқни] тушириб юбориши равшан холиқ аз-зуфр, —
Совуғи билан тошларни ёрувчи,
Булардан кейин охиргилари — бешинчи —
Мудаҳриж ал-баър қаттиқ чақувчи, ялаб кетувчи
[кун] келади
Бундан кейин ном олган олтинчи [кун] йўқ.

Озор. Бу ойнинг биринчи куни ҳақида анво билимдонлари ҳеч нарса демаганлар. Айтишларича, шу куни чигиртка ва ўрмаловчи ҳашаротлар чиқади, осмон ҳарорати ер ҳарорати билан учрашади. Бу ўша сўзловчининг ҳарорат бошланиб кучайиши ва ҳавонинг уни қабул этишига тайёрланиши хусусида муболағали талаффуз ва иборатдаги гапидир. Чунки «осмон ҳарорати» Қуёш жисмидан ёки Ой фалакининг ички томонига тегиб турган ва «олов» деб аталувчи иссиқ жисмдан ерга юборилган нурдан бошқа нарса эмас.

Қуёш нури ҳақида кўп гапирилган. Биров «у, Қуёшнинг ўзига

ўхшаш оловсимон зарралар бўлиб, Қуёш танасидан чиқади»,— деса, биров: «ҳаво оловга рўпара келганида исигани сингари Қуёшга рўпара келиб исийди»,— деган. Бу «Қуёш оловдек иссиқ» деювчининг фикричадир. Яна биров, «Қуёш нури ҳавода жуда тез, ҳатто, худди замонсиз суръат билан юриши сабабли ҳаво исийди»,— деган. Бу «Қуёш табиати тўрт унсур⁸⁰⁴ табиатидан ташқари» деювчининг фикричадир.

Шунингдек, Қуёш нурининг ҳаракати масаласида ҳам ихтилофлар бор. Баъзилар: «у замонсиздир, чунки жисм эмас» деса, баъзилар: «унинг замони тез, лекин ундан ҳам тезроқ бирор нарса йўқ ва [нур] тезлигини сезиб бўлмайди. Чунончи, тақиллагандаги овоз ҳаракати нур ҳаракатидан оғирроқдир, нур шу жиҳатдан унга қиёс қилиниб, замони у билан билинади»,— дейди.

Қуёш нурида мавжуд ҳароратнинг сабаби ҳақида [баъзилар] бунга сабаб нур акси бурчакларининг ўткирлиги деган. у бундай эмас, балки нурнинг ўзида ҳарорат мавжуд.

Фалак ичкарасига тегиб турган жисмга, яъни оловга келганда, буни тупроқ, сув, ҳаво каби асосий ва табиийдир ва курра шаклидадир деб гумон қилганлар. Бизнингча, олов фалакнинг ҳавога ишқаланиши, уни тирмалаши ва тез ҳаракати билан унга тегавериши сабабли ҳавонинг исиишидан иборатдир; // шакли эса ҳилолий шаклнинг ўз ватаридан айлан-тирилишидан пайдо бўладиган жисмга ўхшашдир. Бу фикр «мавжуд жисмларнинг ҳеч бири ўзининг табиий ўрнида эмас, барчасининг учратилган жойда бўлиши мумкин эмас» деган мазҳабга мувофиқдир. Бу масалани шу китобдан лойиқроқ бошқа жойда, айниқса мен билан фозил йигит Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино орасида шу боб устида бўлган музокараларда баён этдим⁸⁰⁵.

Иккала ҳарорат⁸⁰⁶ йилнинг тўрт фаслида ерга бориб етишида бир-бирига тенгдир. Ердаги ҳароратга келганда, бир гуруҳ фикрича, бунга ё Қуёш нурларининг ер сатҳидан акс этиши сабаб бўлади, ёки ер ичкарасига жойлашган, бошқа бир гуруҳ фикрича, ер устидан ўтувчи, иссиқ қўзғотиб юборадиган буғлар сабаб бўлади, чунки буғнинг ҳаводаги ҳаракати ҳавода ҳарорат ҳосил қилади.

Олов ҳарорати эса, у яқинлашмайди ҳам, узоқлашмайди ҳам, чунки фалак тезлашмай ва секинлашмай [ҳаракат қилади]. Акс этувчи нурларга келганда, уларнинг ерга алоқаси йўқ, буғларнинг эса бориб етadиган ва ундан ўтмайдиган чегараси бор. Гумонимча, бу сўзни айтган киши ерда [доимо] сақланиб турадиган ҳарорат мавжуд. Ҳаво Қуёш нурлари билан исиган вақтда у ҳарорат ер ичидан сиртига чиқади-да, иккови бир-бири билан учрашади деб тушунса керак. Бу зарур бўлганда айтиладиган важдир.

Озорнинг иккинчи кунида — Иббархча, шимолдан совуқ шамол, қибтийларча, жанубдан шамол бўлиб, дўл ёғади.

Учинчи куни ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Тўртинчи куни Увқтимин [сўзи]ча, шимолӣ совуқ шамол. Синон бу кўпинча тўғри келади деб гувоҳлик берган.

Бешинчи куни — қибтийларча, қиш ҳавоси; Қосирча, бу қалдирғоч [келиш олдидан] шамолларнинг бошланиши бўлиб, шамоллар ўн кун эсади.

Олтинчида — қибтийларча, ҳавода турғунсизлик. Бу Димоқрит

[сўзича], тўққиз кунлик «паррандалар» совуқ шамолларнинг бошла-нишидир.

Еттинчи [кун] ҳақида [обу ҳаво билимдонларидан] нақл қилинган бирор нарса йўқ. Шу куни ҳар томондан қаттиқ шамоллар эсиши ай-тилган.

Саккизинчида — Увқтимин, Филиф ва Митродурча, «нав» ва шимо-лий совуқ шамол; Увдоксча, шу куни қалдирғоч ва калхат кўринади; Искандария кўлининг байрамидир.

Тўққизинчида—Увқтимин ва Митродурча, шимолий шамол; Иббарх [сўзи]ча, жанубий қаттиқ шамол; қибтийларча, шивиллаб ёғувчи ёмғир; Досисосча, шу куни калхат кўринади.

Ўнинчи кун ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ўн биринчида бирор ўзгариш [содир] бўлишини қадимгилар айтма-ганлар, Синон кўпинча шу куни қиш ҳавоси бўлади деган.

Ўн иккинчида — Қоллибча, шимолдан мўътадил шамол. Айтилиши-ча, шу куни қиш аломатлари қолмайди, қон олишга буюрилаверади.

Ўн учинчида — Увқтимин ва Филиф сўзича; «паррандалар шамо-ли» эса бошлайди ва калхат кўринади; қибтийларча, турли шамол-лар⁸⁰⁷.

258 || Ўн тўртинчида — Увқтимин ва Иббарх сўзича, шимолий совуқ шамол; қибтийларча, ғарб ёки жануб шамоли; Увдоксча, «паррандалар шамоли» эса бошлайди.

Ўн бешинчида — Увқтимин ва қибтийларча, шимолий совуқ шамол.

Ўн олтинчида — Қоллиб сўзича, шимолий шамол; Синон буни ўз тажрибалари билан исбот этган.

Ўн еттинчида. [обу ҳаво билимдонлари] томонидан бирор нарса дейилмаган. Айтилишича, шу куни денгизда юриш яхши бўлади. Илон-лар [уйқудан] кўзларини очадилар, [лекин ҳаракат қилмайдилар], чунки у [кун] лар совуқ кунлардир. Хоразмда илонларнинг ер остида бир-бири-га ўралишиб, шар сингари бўлиб ётганини, аксарининг боши⁸⁰⁸ кўришиб турганини учратдим. Улар шу аҳволда қиш кунларидан то шу вақтгача ётадилар. Кабисали йили шу [ўн еттинчи], кабисасиз йили ўн саккизинчи озорда кечаси кундуз билан баробар бўлади. Бу «биринчи баробарлик» деб аталади. [Юқорида] ҳикоя қилиб ўтганимиздек, бу ажамликлар ба-ҳори ва Хитой кузининг биринчи кунидир. Бу бўлмаган нарса, чунки баҳор ва кузнинг, ёки қиш ва ёзнинг бир-бири билан бир вақтда алма-шинуви экваторнинг шимолида ва жанубида бўлган мамлакатлардан бошқада мумкин бўлмайди⁸⁰⁹. Хитой мамлакати эса, кенглиги кам бўли-шига қарамай, экваторнинг жанубида эмас, балки шимолида⁸¹⁰ одамлар яшайдиган жойлар шарқ томонининг энг чеккасидадир. Меридианнинг жанубга томон нариги тарафи ҳеч кимга маълум эмас. Чунки ернинг экватор чизиғи қисми жазирама иссиқ бўлиб, унда одам яшамайди; ернинг одам яшайдиган чорагидан бирмунча кунлик масофа юрилганда экваторга етмасдан ободонликлар узилади, Қуёш сувнинг латиф зарра-ларини кучли буғлантириши сабабли денгизлар суви балиқлар ва ҳай-вонлар четланадиган даражада қуюқлашади. Бирор кишининг экватор-да юргани ёки ундан жанубга томон ўтгани на бизга ва на бу масала-га эътибор берувчи бировга етиб келган.

Баъзи кишилар «кунни баробарловчи» ва «баробарлик чизиғи»⁸¹¹ лафзига алданиб, у ерда кеча-кундуз баробар бўлганидек, ҳаво ҳам

мўътадил бўлади, деб гумон этдилар ва буни ўзларининг ёлғон-яшиқларига асос қилдилар. Экваторни жаннат сифатлари билан тавсифлаб, у ерда фаришталар сингари кишилар яшайди, дедилар.

Экваторнинг нариги томони эса, баъзи кишиларнинг айтишича, у ёқда одам яшамайди, чунки Қуёш сиртқи марказли фалакнинг қуйисига етганида тақрибан жануб томонга ғоят [даражада] мойил бўлиб, қуйилик рўпарасидаги жойларни куйдиради. Жанубдаги олтмиш беш даража кенгликдаги [жой иқлими] шимолдаги [шу кенгликдаги] иқлимга тенг бўлади. Шу жойдан то қутб рўпарасигача [бўлган ерларда] одам яшashi мумкин дейилади.

Буни вожиб деб айтиб бўлмайди, чунки яшашга тўсқинлик қиладиган нарса фақатгина ҳаддан ташқари иссиқ ёки совуқ эмас, шимол томон иккала чорагининг иккинчисида бундай [иссиқ ва совуқ] йўқ, у ерда ҳам одам яшамайди. Шу билан бирга, Қуёш ҳаракатининг турличалиги сиртқи марказли фалакнинг баланд ва пастлигини, Қуёшнинг ерга яқин ва узоқлигини келтириб чиқаради.

Абу Жаъфар ал-Хозин Қуёш учун сиртқи марказли фалакдан⁸¹² ва Қуёш фалак ат-тадвирдан⁸¹³ бошқа || [фалак] шаклини чизди. Бунда 259 Қуёш ҳаракати турлича бўла туриб, унинг ердан узоқлиги бир хилда баробар бўлади; шунинг учун шимол ва жануб томони иссиқ ва совуқда бир-бирига тенгдир.

Кеча-кундуз баробар бўлган кунни ҳиндлар ўз зижлари бўйича ҳисоб қилганларида — улар билимсизлик қилиб зижларини азалий, қадимий дейдилар, бошқа зижлар шундан истифода этиб ишланган — наврўзлари улар учун катта ҳайит бўлади. Шу куннинг биринчи соатида Қуёшга сажда қилиб, [ўлганлар] арвоҳларининг бахт ва роҳатга эришишлари учун дуо қиладилар. Кун ярмида Қуёшга сажда қилиб, қайтар жой — охират учун дуо қиладилар. Кун охирида [яна] Қуёшга сажда қилиб, жонларнинг соғ-саломатлиги учун дуо қиладилар. Шу куни бир-бирларига ҳар хил нафис асбоблар ва уй ҳайвонлари ҳадя қиладилар ва: «Бу кун эсадиган шамоллар арвоҳларга тегишли бўлиб, фойдаси кўп; жаннат ва дўзах аҳли бир-бирига дўстлик кўзи билан қарайди; нур ва зулмат тенг ўлчовда бўлади», — дейдилар.

Шу куннинг [маълум] соатида, пок маконларда чироқлар ёқилади, уйқудан уйғонганда чалқанча ётиш, сўзлашишдан олдин тол шохи дудига ўзни тутиш шу куннинг яхши иримларидандир. Бу иримни ба- жарган киши оғриқлардан холи бўлади. Айтилишича, фарзанди бўлмаган киши шу куннинг кечасида ас-Суҳо⁸¹⁴ юлдузига қараб, кейин хотинига яқинлик қилса, ундан фарзанд туғилади.

Муҳаммад ибн Митёр⁸¹⁵ гумонича, шу куни Қуёш оғиш пайтида ҳар бир нарсанинг сояси ярмига келади. Бу умумий эмас, айрим жойларда бўладиган ҳолатдир, чунки бу кенглиги йигирма етти даражага яқин жойлардагина бўлади.

Шу куни Миср мамлакатада тимсоҳдан қўрқишади. Сув эчкиэмари катта бўлганида тимсоҳ дейилади. Бу зарарли ҳайвон бўлиб, бошқа дарёларда бўлмай, Исқанқур сингари, фақат Нил дарёсида бўлади.

Айтилишича, Мисрнинг Фустат⁸¹⁶ яқинидаги тоғларда тимсоҳларга [қарши] тилсим ишланган бўлиб, шу тилсим қилинган жойда у зарар етказолмас, балки унинг чегараларига етганида ағнаб, чалқанча етар ва болалар у билан ўйнашар эканлар. Ниҳоят шаҳар чеккасида

ўтгач, қайтадан ўнгланар ва тутган ўлжасини сувга олиб кетар экан; [кейин] у тилсим бузилиб, таъсири йўқ бўлган эмиш.

Ун саккизинчи [озорда] — Димоқрит ва қибтийларча, қиш ҳавоси ва совуқ шамоллар.

Ун тўққизинчида — Иббарх сўзича, шимолий шамол; қибтийларча тонгда ҳар томондан шамол ва дўл.

Йигирманчида — Қосирча, шимолий шамол.

Йигирма биринчида — Увдоксча, шимолий шамол.

Йигирма иккинчи [кун] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Йигирма учинчида — Қосирча, шимолий шамол; Иббархча, ёмғир.

Йигирма тўртинчида — Қоллиб, Увқтимин ва Филиф [сўзи] ча, томчилаб ёмғир ёғади; Иббархча, «нав», қибтийларча, момақалдироқ ва «нав». Шу куни болаларни хатна қилиб поклаш яхши иш. Айтилишича, шу куни дарахтлар гулларини чанглатувчи шамоллар эсади.

Йигирма бешинчида Увдокс сўзича, шимолий шамол; Мотин, Қунун ва қибтийлар сўзича, «нав».

260 // Йигирма олтинчида — Қоллибча, ёмғир ёки бўрон; қибтийларча, шамол.

Йигирма еттинчида — Қоллиб, Увдокс ва Мотин сўзича, ёмғир.

Ойнинг қолган кунлари ҳақида ҳеч нарса демаганлар. Синоннинг айтишича, ўттинчи кун кўп вақт «нав» билан келади. Худо энг билувчидир.

Найсон. Бу ойнинг биринчи кунда Қоллиб, Увқтимин, Мотин ва Митродур сўзича, ёмғир.

Иккинчи [кун] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Учинчида — Увдоксча, шамол; қибтийлар ва Қунун [сўзи] ча, ёмғир.

Тўртинчида — ғарбий ёки жанубий шамол [бўлиб], дўл ёғади. Синон бу кўпинча тўғри келади деган.

Бешинчида — Иббархча, жанубий шамол ва турли томон шамоллари.

Олтинчида — Иббарх ва Досисос [сўзи]ча, «нав». Синон бунинг тўғрилигига гувоҳлик берган.

Еттинчи [кун] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Саккизинчида — Увдоксча, ёмғир; қибтийларча, жанубий шамол.

Тўққизинчида — Иббарх [сўзи]ча, ёмғир; қибтийларча, мижозга ёқимсиз шамоллар.

Унинчида — Увқтимин ва Филифча, мижозга ёқимсиз шамоллар; Иббарх ва қибтийларча, ёмғир. Синон тажрибалари натижасида ёмғирни тўғри деган.

Ун биринчида Увдоксча, ғарбий шамол ва [ёмғир] томчилаш.

Ун иккинчи ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ун учинчида — Қосир ва Досисосча, ёмғир.

Ун тўртинчида — қибтийларча, жанубий шамол, ёмғир⁸¹⁷, момақалдироқ ва ёмғир томчилаш. Синон бу кўпинча тўғри келади деган.

Ун бешинчида — Увқтимин ва Увдоксча — ёмғир ва дўл; қибтийларча, мижозга ёқмайдиған шамоллар.

Ун олтинчида — Увқтимин ва Филиф [сўзи]ча, ғарбий шамол; Митродурча, дўл ёғади.

Ун еттинчида — Увдокс ва Қосирча, ғарбий шамол; Қунун ва қибтийларча, дўл ёғади.

Ун саккизинчида — қибтийларча, турли томондан шамоллар [эсиб], ёмғир томчилайди.

Ун тўқизинчи ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Иигирманчида — Батлимус [сўзи]ча, жанубий ёки бошқа [томондан] шамол, ҳаво ёқимсиз бўлади.

Иигирма биринчида — Иббархча, жанубий совуқ шамол. Синоннинг айтишича, бу кўпинча тўғри келади. Шу кун сувлар кўпая бошлайди.

Иигирма иккинчида — Увдоксча, ёмғир; Қосир ва қибтийларча, қиш ҳавоси. Бу кун денгизлардаги кемалар учун хавфлидир.

Иигирма учинчида — қибтийларча, жанубий шамол ва ёмғир. Шу кунни Дайр Айюбда⁸¹⁸ бозор бўлади. Абу Яхъё ибн Куноса: «Сурайё [юлдузлари] қирқ кун Қуёш нури тагида ғойиб бўлиб, улар чиққанда ўша бозор уюштирилади. Шом аҳолиси ўз ишларини тезроқ бажариш учун [Сурайёни] одатдаги тулудан ўн беш кун олдин тулу этган ҳисоблайдилар. Бозор етти кун давом этади. Кейин бундан етмиш кун санаб, Бусрода⁸¹⁹ бозор уюштирадилар. Шундай бозорларнинг // тайинланган жойларда вақти-вақти билан бўлиб туриши [сабабли] ўша ерларда савдо ишлари ривожланиб, аҳолиси бадавлат бўладилар; халқ ва умуман олувчи ҳамда сотувчилар фойда кўрадилар»,— деган.

261

Иигирма тўртинчида — Қоллиб ва Митродур сўзича, гоҳо дўл ёғади; Димоқритча, «нав»; қибтийларча, жануб ёки унинг яқинидан шамол туриб, ёмғир ёғади. Шу кунни Фурот суви кўтарилади.

Иигирма бешинчида — Увдокс ва қибтийларча, ёмғир томчилайди.

Иигирма олтинчида — Қоллиб ва Увқтимин сўзича, ёмғир, баъзан дўл ёғади; қибтийларча, «нав» ва ғарбий шамол.

Иигирма еттинчида — Қосир [сўзи]ча, шудринг ва намлик; қибтийларча, [турли томон] шамоллари.

Иигирма саккизинчида — қибтийларча, шамол; Увдоксча, ёмғир. Синон ёмғир ёғишига ўз тажрибалари билан гувоҳлик берган. Шу кунни жанубдан шамол туриб, дарё ва каналлар сувлари кўтарилади деб гумон қилишади. Сув кўтарилиши ҳамма дарё ва каналларда бир ҳолатда бўлмайди, балки жуда хилма-хил бўлади. Масалан, Амударёни олсак, Дажла, Фурот ва бошқа [дарёларда] сув озайган пайтда, унинг суви кўпаяди. Чунки энг совуқ жойлардан чиқадиган [дарёнинг] суви ёзда кўпайиб, қишда озаяди. Бунга сабаб шуки, [бу дарёлар] асосий сувининг кўпроғи булоқлардан йиғилган бўлиб, булоқлар чиқадиган ёки ўтадиган тоғларга ёғинлар тушиб, сел ўша булоқларга қуйилганда, сув кўпаяди, қуйилмаганда озаяди. Бошқа вақтлардан кўра қишда ва баҳор бошларида ёғин кўпроқ тушуви яширин эмас. У тоғлар шимолга киргани ва уларда совуқ қаттиқ бўлгани сабабли бу ерларга тушган ёғинлар шу пайтларда музлайди. Ҳаво исиб, қорлар эриган вақтда Аму суви кўпаяди.

Дажла ва Фурот сувига келганда, улар шимолга камрсқ киришган жойлардан чиқади. Шунинг учун ёғинлар ёққан вақтда ва музлашга яқинлашган [сувлар]нинг баҳор бошларида эриб тушуви сабабли иккаласининг суви қишда ва баҳорда кўтарилади.

Нил дарёсида эса Дажла ва Фурот [суви] камайганда, уни кўпаяди. Чунки айтилишича, унинг манбаи Ҳабаш мамлакатадаги Асвон шаҳари орасида бўлиб, жануб томонларда: ё экваторда, ёки унинг орқаси-

даги — бу аниқ эмас, чунки юқорида айтганимиздек, у атрофда одам яшамайди — Ой тоғидандир. У ерда рутубатларнинг музламаслиги албатта маълум. Нил сувининг кўпайиши агар ёғингарчиликдан бўлса, улар ёғиндан кейин тўхтамай, балки оқиб Нилга тушади; агар булоқлардан бўлса, уларнинг сувлари қишда кўпаяди. Шунинг учун Нил ёзда кўтарилади, чунки Қуёш бизга ва бизнинг тепамизга яқин келганида Нил [суви] чиқадиган жойлардан узоқлашади, шу сабабли у [жойларда] қиш бўлади. ||

Аммо нима учун қишда булоқларда сув кўпаяди? Чунки улуғ ва азиз донишманд [худо] тоғларни яратишда [бир қанча] манфаатларни кўзда тутган. Уларнинг бири Собит ибн Қурранинг тоғларнинг пайдо бўлиш сабаблари хусусидаги китобида баён этганидир. Бу шундай сабабки, у [яратувчининг] денгизлар сувларининг шўр бўлишидаги мақсадини ҳам тўла ифода этади. Ёғинларнинг қишда ёздагидан ва тоғларда текисликлардагидан кўпроқ тушуви равшан. Ёғинлар тоғларга тушгач, сел бўлиб оққанича оқади, қолгани тоғларнинг ораларига кириб у ерларга йиғилади. Кейин булоқлар деб аталадиган йўллардан чиқишга тутунади. Шунинг учун булоқлар суви қишда мўл бўлади, чунки [сувдаги] моддалари кўпаяди. Агар [тоғ] оралари пок ва тоза бўлса, сувлар ширинлигича, тоза бўлмаса, турли кайфиятлар ҳосил қилиб ва сабаби бизга яширин бўлган турли хусусиятларни [ўзига олиб] чиқади.

Аммо булоқларнинг қайнаш ва сувларнинг юқорига кўтарилиш сабаби шуки, сувларнинг сақланиб турган жойлари, сунъий фонтанларники сингари, чиқаётган жойларидан баланд бўлади. Сув фақат шундай йўл билангина юқорига кўтарилади. Ўзлари билмаган табиий ҳодисалар сабабини билишни тангрининг илмига ҳавола этувчи кўп кишилар бу масала ҳақида мен билан мунозара қилиб, анҳор ва сув йўлларида борган сари сувнинг юқори кўтарилиб оқаётганини ўз кўзлари билан кўрганларини далил келтирдилар. Бу табиий сабабларни билмасликлари, юқори ва қуйликларни кам ажрата олишларидан эди, холос. Улар тоғларда водийлар ўртасида оқаётган сувларни кўрганлар, [бу сувлар] бир мил ҳамаси ерда эликдан юз газгача ва ундан кўпроқ ҳам пастлаб кетади. Агар деҳқон шу масофанинг бирон жойидан озгина нишаб қилиб ариқ очса, бунга то шу сув водий сувларидан жуда юқорилаб кетгунча озгина сув киради, холос. Ҳисоб илмидан хабарсиз киши водий йўлини бир текисда тўғри ёки озгина нишаб деб эътиқод қилса, албатта у киши айтиб ўтилган ариқни юқорилаб кетади деб хаёл қилади. Бундай кишилар ернинг [баланд-пастлигини] ўлчаш, текислаш, анҳорлар қазииш ва [каналлар] ўтказиш қуролларини ишлатишни яхши билмагунларича уларнинг дилларидан шак-шубҳани кеткизиш мумкин эмас. Агар улар сувлар оқаётган ернинг [паст-баландлигини] ўлчасалар, эътиқод қилганларининг зидди уларга равшан бўлади. Ёки улар табиёт илмларини ўрганиб, сувнинг марказга ва марказга энг яқин жойга боришини билсалар, сувнинг тушуви учун чиқаётган жойидан қуйроқ йўл топилиб, бўшатган ерини эгалловчи нарсага тўсқинлик қилинса у исталган жойга, ҳатто чўққиларига ҳам, албатта, кўтарилаверишини [биладилар]. Сувнинг табиий ишига сунъий мажбур қилиш [восита] бўлмиш ҳаво [ҳам-корлигидан] бошқа нарса ёрдам бермайди. Бу тадбир кўпинча кесилиши мумкин бўлмайдиган тоғлар ўртага кириб қолган анҳорларни [қазиишда] ишлатилади.

«Сув ўғирловчи» деб аталадиган асбоб бунга мисол бўлади. Буни сув билан тўлғизиб, икки учини ичидаги сув сатҳи бир-бирига баробар бўлган иккита идишга ташлаб қўйсанг, || албатта у [асбобдаги] сув узоқ вақтгача бўлса ҳам, иккала идишга ҳам қуйилмай тураверади, чунки уларнинг ҳар иккаласи [сувдан] баравар узоқликда. Иккала идишга баробар сув қуйилиши ҳам мумкин эмас, зероки у пайтда асбоб бўшаб қолади. Айрим файласуфлар айтгандек, ё бўшлиқ мавжуд эмас, ёки баъзилар айтгандек, бўшлиқ мавжуд бўлиб, жисмларни тутиб турувчидир. Демак, агар бўшлиқ бўлмаса, у мавжуд эмас; агар бўшлиқ жисмларни тутиб турувчи бўлса, сувни тутиб туради ва ўрнини бошқа жисм эгалламагунча уни [чиқиб] кетишга қўймайди. Сўнгра ўша асбобнинг бир учи озгина жойга қўйилса, идишдаги сув у жойга оқади, чунки [унинг] бир учи қуйи бўлгач, [ер] марказига яқинроқ бўлади ва [сув] шунга қараб оқади. Сўнгра сув заррачалари бир-бирини тортиб туташуви натижасида суви тортилаётган идишдаги сув тугалгунича ёки сув оқиб бораётган [идишдаги] сув сатҳи суви тортилаётгандагининг сатҳига баробар бўлгунича, оқиш давом этади. Шундай қилиб, масала аввалги ҳолатга қайтади. Тоғларда ана шунга асосланиб иш олиб борилади.

Агар қудуқларда юқорига отилувчи сувлар мавжуд бўлса, гоҳо улар қудуқлардан отилиб чиқиб кетади. Баъзи қудуқларнинг сувлари атрофдан сизиб йиғилади. Бундай сувлар кўтарилиб [чиқмай] ўзига яқин сувлардан олинаётган бўлади. Ундай қудуқ сувларининг сатҳи асл моддалари бўлган сувлар сатҳига баробар бўлади.

Баъзи қудуқларнинг сувлари тагидан қайнаб чиқади. Ана шундай сувнинг кўтарилиб ерга чиқишини ва ер юзасида оқишини умид этиш мумкин. Бундай ҳодиса кўп вақт тоғларга яқин ҳамда на қўллар ва на суви чуқурдан оқадиган дарёлар ўрталарига тушмаган ерларда учратилади. Шунда, агар бу ер сатҳидан баландроқ сув омборидан олинаётган бўлса, қисилади ва юқорига стилиб чиқади. Агар сув омбори [ер сатҳидан] қуйироқ бўлса, сув тамоман [юқорига] кўтарилмайди. Баъзан сув омбори мингларча газ баланд тоғларда бўлиб, сувнинг, масалан, қалъаларга ва миноралар тепасига [олиб] чиқиш зарурияти бўлади.

Эшитишимча, Яманда [сув чиқариш учун] гоҳо ерни ковлар эканлар, агар шунда катта бир тошга дуч келиб, унинг остида сув борлигини аниқласалар, тошни бирор нарса билан уриб кўрар ва унинг товушидан сувнинг миқдорини аниқлар эканлар. Кейин тошни тешиб қарар, агар сув тоза бўлса, қаерга чиқа олса, шу ерга чиқарар, хавфли бўлса, тешикни дарров ганч ва оҳак билан маҳкам бекитиб, ковланган жойни аввалгидек кўмиб кўяр эканлар, чунки бундай [сувлардан] «ал-Арим сели»⁸²⁰ [каби ҳодиса] хавфи бор.

Абаршаҳр билан Тус⁸²¹ орасида тоғ устидаги сув эса — бу айланаси бир тош [масофа] ва Сабзруд кўли — шубҳасиз, бунинг асл моддаси узоқ бўлса ҳам ё ўзидан юқорироқ сув омбори бўлиб, Қуёш буғга айлантириб қуритгани миқдорда сув келади. Шунинг учун [озаймасдан] бир ҳолда туради; ё ўзига баробар сув омборидан бўлиб, шунга кўра суви кўнаймайди. Ёки унинг чиқаётган жойларидан тортиб чиқариладиган сувларидаги || ва «ўз-ўзига хизмат этувчи» чироғ [ёғидаги] сабаб сингари бир сабаб бор. Шундайки, кўзача ёки ёғ кўза олинади ва лабининг бир неча жойидан нозик қилиб рахна очилади. Оғзининг қуйроғидан доимо идишда керагича сув ёки мой идишида ёғ бўлиб туришини таъмин

этадиган миқдорда тор тешикча тешилади, кейин улар тўлғизилиб, сув идиши [сувлиқ] жомга, мой идиши чироғдонга тўнкарилса, албатта сув ва ёғ ҳалиги рахналар орқали чиқиб, фақат ўша тешиккача кўтарилиб туради. Сўнгра тешик кўриниб қоладиган даражада [сув ёки ёғ] ишлатилиб тугаса, тешикни бекитарли [миқдора модда] чиқиб, [суюқлик] ҳамиша бир ҳолатда қолади.

Кимок⁸²² мамлакатидagi Манкур тоғда ширин сувли булоқ ўша кўлга ўхшайди. Бу булоқнинг миқдори катта қалқонга яқин бўлиб, сувнинг сатҳи қирғоғига баробардир. Баъзан бундан [бутун] бир қўшин сув ичса, бир бармоқча ҳам озаймайди. Шу булоқ олдида инсон оёғининг, бармоқлари билан иккита кафтининг ва икки тиззасининг изи бор — у худди шу ерда сажда қилганга ўхшайди — яна ёш бола қадамининг, эшак туёқларининг изи ҳам бор. Ўғиз турклари шуларга сажда қиладилар.

Бомиён тоғларидаги бир мил квадрат миқдорли кўл ҳам у денгизчага ўхшайди. Бу бир тоғ чўққисига жойлашган бўлиб, тоғ этагидаги қишлоқ суви аҳолиси ишлатадиган миқдорда кичкина тешик орқали [шу кўлдан] тушиб туради. Улар бундан ортиқ ололмайдилар.

Гоҳо сув омбори баланд бўлса, текис ерда ҳам отилиб туради. Баъзан отилиб чиқишнинг юқорисида унинг ишига тўсқинлик қиладиган нарса пайдо бўлади, қачон у нарса кетса, яна [сув] отилиб чиқаверади. Ал-Жайҳоний баён этганидек, Бухоро билан Деҳи нав⁸²³ орасидаги қишлоқ бунга мисол бўлади. Бу қишлоқда бир тепалик бўлган. Қон ва кўмилиб кетган нарсаларни қидирувчилар шу тепаликни кесганларида сувга йўлиққанлар ва уни қайтаришга қудратлари етмаган, у сувлар шу вақтгача доимо оқиб туради.

Агар ажабланмоқчи бўлсанг, Меҳржон яқинидаги Файлавон номли жойдан ажаблан. У бир тоғда пешайвонга ўхшатиб ўйилган бўлиб, шипидан доим сув томиб туради. Ҳаво совуганда, бу сув оқиб узунчоқ яхга айланади. Меҳржон аҳолисидан эшитдим: айтишларича, улар кўпинча ўша сув томадиган жойни чўкичлар билан урсалар, урилган жойнинг суви қуриб қолар ва сув кўпаймас экан, қиёс қилиш эса сув кўпаймаса ҳам, ўз ҳолида қолишини тақозо этади.

Балки ал-Жайҳоний «Йўллар ва мамлакатлар китоби»да ҳикоя қилган Қайравон жомеида жойлашган ва нимадан ишлангани номаълум икки устун ҳолати ундан ҳам ажойиброқдир. Ал-Жайҳонийнинг айтишича, ҳар жума куни Қуёш чиқишидан олдин ўша икки устундан сув оқиб турар экан. Бунинг ажабланадиган жойи жума куни бўлишидир. Агар «кумуман ҳафтанинг бир кунида» дейилса эди, Ойнинг Қуёшдан фараз қилинган жойга етгани, ё шунга ўхшаш нарса тушуниларди. Лекин жума кунига шарт қилиниши бундай тушунишни кўтармайди. Айтилишича, Рум подшоҳи шу [устунларни] сотиб олиш учун одам юбориб: «Мусулмонларнинг у икковини [сотиб], пулидан фойдаланишлари масжидда иккита тош туришидан яхшироқ», — деган. Қайравонликлар бунга ор қилиб, «у икковини тангри уйдан шайтон уйига чиқармаймиз» деганлар.

Қайравондаги қимирлаб турувчи устун ҳолати бундан ҳам ажойиброқ. || Чунки у ҳар томонга эгилиб туради. Агар эгилиб турганида тагига бир нарса қўйилса, тўғри турганида уни чиқариб олиш мумкин бўлмайди, агар [қўйилган нарса] шиша бўлса, синиб парчалангани эши-

тилади. Бу шубҳасиз, сунъий ишдир, [устуннинг] турган жойи шунга далолат беради.

Гапираётган [мавзуимизга] қайтамиз:

Бу ойнинг йигирма тўққизиди — Қосирча, қиш ҳавоси; қибтийларча, турли томон шамоллари ёки нам ва ёмғир.

Ўттинчи кун — қибтийларча, «нав»; Қоллиб ва Увқтимин [сўзи] ча, турли томон шамоллари, шудринг, намлик ва ёмғир томчилаб туриши.

Айёр. Бу ойнинг биринчи куниди қибтийларча, ёмғир томчилаши.

Иккинчи [кун]и ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Учинчида — қибтийларча, шамол, ёмғир томчилаши, шудринг, намлик ва момақалдироқ.

Тўртинчида — Увдоксча, ёмғир; қибтийларча, ёмғир томчилаши.

Бешинчида — Досисосча, ёмғир. Синон: «бу кўпинча тўғри чиқиб, шу кун кучли «нав» билан келади», — деган.

Олтинчида — қибтийларча, шамоллар; Увдокс сўзича, ёмғир. Баъзи одамлар [шу кунни] ёмғир ёғиш вақтларининг охиргиси деб белгиланган — бу Қуёшнинг Савр буржида йигирма даража кесиб ўтган пайти. Бундаги иш, юқорида айтганимиздек, Ақраб буржида ёмғир вақтларининг аввали ҳақидаги иш кабидир⁸²⁴.

Еттинчида — қибтийларча, шамоллар, Синон «Бу кўпинча, айниқса, олдинги кунда ҳаво булутли бўлса, тўғри келади», — деган.

Саккизинчида — Увдокс ва Досисос [сўзи]ча, ёмғирлар; қибтийларча — ёмғир⁸²⁵.

Тўққизинчида — қибтийларча, ёмғир.

Унинчида — Қоллиб ва Увқтиминча, «нав» ва шамол; қибтийларча, ёмғир.

Ун биринчида — Досисос сўзича, «нав»; Синон бунинг тўғри келишига гувоҳлик берган.

Ун иккинчида, — Увдокс, Митродур ва Иббархча, «нав»; Қосирча — ёмғир; қибтийларча — ғарбий шамол. Айтилишича, бу кун ва бундан кейинги кунларда меваларни совуқ уриш хавфи бўлмайди. Бу [ҳукм] махсус бир жойга хос бўлиб, бошқа жойда бўлмаслиги керак, умумий бўлиши мумкин эмас.

Ун учинчида — Увдоксча, ёмғир; қибтийларча, шимолий шамол ва дўл.

Ун тўртинчида — Қоллиб, Увқтимин ва қибтийларча, «нав».

Ун бешинчида — Қосир [сўзи]ча, ёмғир.

Ун олтинчида — Қосирча, «нав». Баъзиларнинг айтишича, гармсел шамоллар шу кун [қўзғолишга] бошлайди.

Ун еттинчида — Иббарх ва қибтийларча, жанубий ёки шарқий шамол ва ёмғир.

Ун саккизинчида — Увдоксча, «нав»; қибтийларча, ёмғир ва момақалдироқ.

Ун тўққизинчида — Иббарх ва қибтийларча, «нав» ва ёмғир томчилаши.

Йигирманчи [кун]и ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Йигирма биринчида — Қосирча, «нав»; Досисосча, жанубий шамол; қибтийларча, ғарбий шамол.

- Йигирма иккинчи ва йигирма учинчи [кунлар] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.
- 266 Йигирма тўртинчида — Қоллиб, || Увқтимин ва Филифча, «нав»; қибтийларча, шамоллар.
- Йигирма бешинчида — Увқтимин, Филиф ва Иббарх [сўзи]ча, «нав».
- Йигирма олтинчида — Қоллиб ва Увқтиминча, «нав»; қибтийларча, шимолий совуқ шамол.
- Йигирма еттинчида — Қоллиб ва Увқтиминча, шудринг ва намлик; қибтийларча, «нав».
- Йигирма саккизинчида — Митродур ва қибтийларча, ёмғир.
- Йигирма тўққизинчида — Иббарх [сўзи]ча, жанубий ёки ғарбий шамол.
- Уттизинчида — Қосирча, жанубий шамол.
- Уттиз биринчи ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.
- Ҳазирон. Бу ойнинг биринчи куниди — Увдокс ва Досисос [сўзи]ча, шудринг ва намлик; қибтийларча, ғарбий шамол.
- Иккинчида — қибтийларча, ғарбий шамол.
- Учинчида — қибтийларча, шамол ва ёмғир томчилаши; Қосирча⁸²⁶, момақалдироқ.
- Тўртинчида — Қосирча, ёмғир.
- Бешинчида — қибтийларча, ёмғир томчилаб ўтиши, Сион: «Бу кўпинча, тўғри келади», — деган.
- Олтинчи, еттинчи ва саккизинчи [кунлар] ҳақида [обу ҳаво билимдонларидан] ҳеч нарса нақл қилинмаган.
- Тўққизинчида — қибтийларча, ғарбий шамол ва момақалдироқ.
- Ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи [кунлар] ҳақида ҳеч нарса демаганлар. Аммо ўн биринчи халифа наврўзи бўлиб, шу кун Бағдодда [бир бирига] сув сепиш, тупроқ сочиш ва машҳур бир қанча ўйинлар ижро этилади. Ўн иккинчи куниди эса, Сионнинг айтишича, кўпинча [ҳаво] айнийди.
- Ўн учинчида — қибтийларча, ғарбий шамол ва ёмғир томчилаши.
- Ўн тўртинчи ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.
- Ўн бешинчида — қибтийларча, ёмғир томчилаши.
- Ўн олтинчи ҳақида ҳеч нарса демаганлар. Айтилишича, шу кун [ҳамма дарёлар] суви пасаяди, Нил суви эса кўпаяди. Бу юқорида айтганимиздек, дарёлар манбаларининг турличалигидан ва [Нилнинг] икки тарафи [чиқиши ва қуйилишидаги] барча дарёларга зид бўлган бошқа сабаблардандир. Кабисали йилда шу кун ва бошқа йилларда ўн еттинчида [Қуёшнинг] араблар ва ажамликлар улуғлаб «мирин» деб атайдиган «катта тўлиқлиги» бўлади. «Мириннинг» маъноси «Қуёш тўлиқлиги» [демакдир]. Бу ёзги Қуёш туриши бўлиб, бунда нур зулмат устидан ғалаба қилади, Муҳаммад ибн Митёрнинг айтишича, Қуёш нури қудуқлар [ичига] ҳам тушади. Бундай ҳолат фақат кенглиги «энг катта мойиллик»ка мувофиқ бўлиб, мамлакатларнинг тепасига Қуёш келгандагина учрайди.
- Ҳайвониялар⁸²⁷ даъвосича, Қуёш шу кун осмон ўртасида нафасини ичига олиб туриб чиқаради, шунинг учун арвоҳлар умумий иссиқда бир-бирлари билан танишадилар. Шу кун Қуёш кулчасига қараш баракатли деб эътиқод қилинади. Наҳорга анор ейилади, Букротдан нақл қи-

лишларича, у: «Шу кун наҳорга анор еган кишининг қирқ кунгача табиати равшан ва «киймуси»⁸²⁸ тоза бўлади»,— деган.

Ҳиндистонлик Ҳаннадан ҳикоя қилишларича, у, Хусрав Парвизга: «Анор дарахти соясида ётиб ухлаш огир касалликка шифо бўлади ва ухловчига жин тегмайди»,— деган.

[Шу кун] эрталаб чап ён билан ўриндан туриш ва ҳеч бир сўз айтмасдан ўзига заъфарон тутатиш бу куннинг яхши иримларидандир.

Шу ойнинг ўн еттинчисида — || Досисосча, «нав»; қибтийларча, 267

иссиқ.

Ун саккизинчида — қибтийларча, ғарбий шамол ва иссиқ.

Ун тўққизинчида — қибтийларча, ёмғир.

Йигирманчида — қибтийларча, ғарбий шамол, ёмғир ва момақалдироқ.

Йигирма биринчи ҳақида ҳеч нима дейилмаган.

Йигирма иккинчида — Димоқритча, «нав».

Йигирма учинчида — Иббархча, жанубий ёки ғарбий шамол.

Йигирма тўртинчи ҳақида ҳеч нарса демаганлар. Айтишларича, гармсел шамоллар шу кундан бошлаб эллик бир кун эсади ва Амударё суви кўтарилиб, баъзан қирғоқларига ва қирғоқларида яшовчиларга зарар етказилади.

Йигирма бешинчида — қибтийларча, ғарбий шамол ва иссиқ.

Йигирма олтинчида — Димоқрит ва қибтийларча, ғарбий шамол.

Йигирма еттинчи ҳақида ҳеч нарса демаганлар.

Йигирма саккизинчида — Увдокс [сўзи]ча, «нав»; Димоқритча, ғарбий шамол, жанубий шамол ва ёмғир. Кейин шимолий шамол бошланиб, у етти кун [эсади].

Йигирма тўққизинчи ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Айтилишича, шу кун тажрибали кишилар шудрингга қарайдилар, агар у кўп бўлса, Нил суви кўтарилади, кам бўлса, кўтарилмайди ва қурғоқчилик йили бўлади.

Ўттизинчида — қибтийларча шамоллар, бир-бирига қўшилмаган ҳаво.

Ўттиз биринчи ҳақида ҳеч нарса демаганлар.

Таммуз. Мазкур [билимдонлар] бу ойнинг биринчи ва иккинчи кун ҳақида ҳеч нарса демаганлар.

Учинчида — Қосир ва қибтийларча, жанубий шамол ва иссиқ.

Тўртинчида — қибтийларча, шамол; баъзан [шу кун] уларнинг мамлакатади ёмғир бўлади.

Бешинчида — Қоллиб, Митродур ва Иббархча, жанубий шамол; қибтийларча, ғарбий шамол ва момақалдироқ.

Олтинчида — Қоллиб ва Митродур [сўзи]ча, жанубий шамол; қибтийларча, ғарбий шамол ва момақалдироқ.

Еттинчида — Батлимусча, «нав»; Синон [шу кун] кўпинча ҳаво айнийди деган.

Саккизинчида — Мотиннинг ўз шаҳри [обу ҳавосига] кўра айтишича, шудринг ва намлик.

Тўққизинчида — Увқтимин ва Филиф [сўзи] ча, шудринг; қибтийларча, ғарб ва унинг ён-атрофидан шамол.

Ўнинчида — қибтийларча, ёмон ҳаво. Шу кун Бусрода бозор

очишиб, йигирма беш кун [давом этади]; умавийлар даврида эса ўттиз кундан қирқ кунгача давом этар эди.

Ун биринчи [кун] ҳақида [обу ҳаво билимдонларидан] ҳеч нарса келтирилмаган.

Ун иккинчида — Митродурча, ғарбий шамол; қибтийларча, шамоллар.

Ун учинчида — Иббарх [сўзи] ча, бир-бирига қўшилмаган шамоллар. Синон: «Шу куни кўпинча ҳавода ўзгариш бўлади»,— деган.

Ун тўртинчида — Қосирча, қаттиқ шамол; Иббархча, шимолий шамол эса бошлайди; қибтийларча, иссиқ.

Ун бешинчи ҳақида ҳеч нарса келтирилмаган.

268 Димоқрит || [сўзи]ча, ёмғир ва гирдбод шамоллар; қибтийларча, қаттиқ шамол.

Ун еттинчида — Досисос ва қибтийларча, шудринг ва иссиқ.

Ун саккизинчида — Иббархча, йилда айланиб келувчи шамолларнинг эса бошлаши.

Денгизчилар, фаллоҳлар ва тажрибали кишиларнинг фикрларича, бу [кун] «бохур» кунларининг биринчисидир. Бундай кунлар кетма-кет етти кун бўлиб, охиргиси шу ойнинг йигирма тўртинчисидир. Улар [шу «бохур»] кунларининг ҳар бири билан куз, қиш ойларида ва баҳорнинг баъзи бир [ойида] юз берадиган ҳаво ўзгаришларига далил келтирадилар. Уларнинг айтишларича, йилнинг «бохур» кунлари қаттиқ касалликларнинг аломатлари ва оқибатларида пайдо бўладиган севинчли ёки даҳшатли ҳолатлари кўринадиган «буҳрон»⁸²⁹ кунлари кабиридир.

«Бохур» ва «буҳрон» юнон ва сурия тилларидаги «ҳукмронлар ҳукми» деган сўздан олинган, [баъзиларнинг] айтишича, «буҳрон», «бахр» [«денгиз»] сўздан олинган, чунки касалнинг буҳрони денгизда пайдо бўлиб, «мадд» ва жазр»⁸³⁰ деб аталувчи тўлқинга ўхшайди. Бу сўз ҳақиқатга яқин, чунки иккисиди ҳам ойнинг ҳаракатлари, даврлари ва шакллари сабаб бўлиб, улар ё умумий даврада бўлади: чунончи «мадд»нинг боши Ой уфқдан шарқ ва ғарбга етганда учратилади. Шунингдек, «жазр»нинг боши Ой кундуз ва кеча меридиани фалакига етганда учратилади. Ёки улар Ойнинг ўзига хос даврасида бўлади. Бу давра бир нуқтадан бошланиб, худди ўша нуқтага қайтади ёки Қуёшдан бошланиб, яна шу [нуқтага] қайтади. Шундай қилиб, «мадд»лар қамарий ойнинг биринчи ярмида кучлироқ, иккинчи [ярмида] эса кучсизроқ бўлади. Шунингдек, буларда Қуёшнинг таъсири ҳам мавжуддир.

Мағриб денгизи⁸³¹ ҳақидаги мана бу ҳикоя ажабланарли. Андалус⁸³² томонда ҳар куни Қуёш ботиш олдида бир соатча вақт сув беш ёки олти тош масофасида кўтарилиб ва камайиб турар эканда, кейин пасаяр ва бу ҳолат шу вақтда бўлар экан.

Айтишларича, агар ўн саккизинчи таммуз кеч пайти уфқда булут бўлса, албатта сен тишрин аввалнинг бошида совуқ ва ёмғир кўрасан, агар ярим кечада шундай бўлса, ёмғир ва совуқ ўша ойнинг ярмида бўлади, агар [бу] тонг ёришида бўлса, совуқ ва ёмғир ўша ойнинг охирида бўлади. Кундуз кунларида ҳам аҳвол шундай. Лекин кечаларида бўладиган [ҳаво] ўзгариши равшанроқ бўлади. [Булутни] тўрт то-

моннинг қайси бирида кўрсанг, [тишрин аввалда юз берадиган ҳодисалар] ўша томонда юз беради.

Бу китоб аввалида айтганимиздек, [румликларда] кечалар кундузлардан кейин ҳисобланади. Шунинг учун кечаларни кундузлардан олдин ҳисобловчи киши ўн саккизинчи кечани ўн тўққизинчи гумон қилиб, «боҳур» кунларининг бошини — ўн тўққизинчи, охирини йигирма бешинчи [таммуз] деб ҳисоблайди. [Боҳур етти] кунининг биринчиси тишрин аввал [обу ҳавосини], иккинчиси — [тишрин] охирни, учинчиси — конун аввални ва шунингдек, охир еттинчиси — найсонни кўрсатади.

Тажрибали кишилар бундай деганлар: агар «боҳур» кунларидан олдинроқ бир тахта устига ҳар турли экин ва ўсимликлардан экиб, «боҳур» кунларининг охиргиси бўлмиш йигирма бешинчи || таммуз кечаси ўша тахтани юлдузларнинг чиқиш ва ботишларига рўпара қилиб ва тахта билан осмон орасига бирор нарса тўсиқ бўлмайдиган ҳолатда қўйилса шу йили [ҳосили] яхши бўладиган экинлар эрталабгача сарғаяди, ҳосили яхши бўлмайдиганлари кўк ҳолида қолади. Қибтийлар ҳам шундай қилар эканлар.

Тажрибали кишилар [«боҳур»] кунлари орқали йил аҳволини олдинроқ билиш учун кўп тадбир ишлаганлар, ҳатто дуо ва афсунларга ҳам мурожаат қилганлар. Баъзилари бундай деган: «Зайту⁸³³ дарахтидан ўн икки дона барг олиб, ҳар бир баргга сурёнча ойлардан бирининг номи битилса, кейин барглар мазкур [йигирма бешинчи] кечадан шудринг тушадиган жойга қўйилса, қайси бир ой номи битилган барг ўша кечаси қуриб қолса, шу ойда ёмғир бўлмайди». Баъзилари, йил бўйи ёмғирнинг кўп ва оз бўлиши [шу кечаси] мана шу йўл билан билинади, деганлар.

Текис ва теварагида шудринг, шамол ва нам тегадиган тўсиқ бўлмаган бир жой танланади, кейин каноп кийимликдан икки газ чамасида олиб, [торозида] тортилади ва вазни хотирда сақланади. Сўнгра бу кийимлик ўша жойга ёйилиб, ҳалиги кечадан тўрт соат ўтгунча қўйилади. Бу [муддат] тамом бўлгач, иккинчи марта тортилади, шунда иккинчи вазн аввалгидан неча мисқол ортиқ келса, у мисқоллар — юқорида айтганимдек — «ўша кунга тегишли ойдаги ёмғирли кунларнинг сони бўлади».

Бу кунлар, яъни «боҳур кунлари»га «Қалб ал-жаббор»нинг бу «Шеъро ал-Ямония ал-Абур» — чиқиши белги бўлади⁸³⁴. Буқрот [ўзининг] «Фасллар китоби»да «Шеъро ал-Ямония» чиққан [кун] атрофида — чиқишдан йигирма кун олдин ва йигирма кун кейин ҳам — [иссиғлик] дорилар истеъмол қилиш ва қон олдиришни тақиқлаган, чунки ўша вақт ёз иссиғининг кучайган ва ҳароратнинг ниҳояга етган пайти бўлиб, ёзнинг ўзи қиздириб тарқатувчи ва рутубатларни чиқариб юборувчидир. Буқрот ман этган [нарсалар] ҳам рутубатларни камайтиради; шундан кейин куз ўз совуғи ва қуруқлиги билан келса, туғма ҳароратнинг сўниш хавфидан тинчиб бўлмайди.

Табиёғ илмидан тажрибаси йўқ ва юқори [осмон] аҳволини [билишга] кўзи етмаган кишилардан бир гуруҳи мазкур таъсирни ўша юлдуз жасадидан ва жойдан-жойга кўчиб чиқишидан, деб гумон қилдилар. Ҳатто бу ҳақда ваҳимага тушиб: «У юлдуз жасадининг катталигидан ҳавони қиздиради», — дедилар. Шу сабабдан у гуруҳга шу юлдузни

кўрсатиб, турган жойини танитишимиз ва чиқиш вақтини аниқлаб беришимиз зарур бўлади. Масалан, Абу Навос бундай деган:

Айлул [ойи] ўтиб иссиқ шамол кетди,
Унинг оловини «Шеърo ал-Абур» бекитди.

Шунинг учун христиан Али ибн ал-Котиб юлдуз, яъни Шеъронинг кўчиши сабабли «боҳур» кунларининг ҳам кўчирилишига ишорат қилиб, «боҳур» кунларининг аввали — йигирма иккинчи таммуз, йил бўйи экватор рўпарасидаги бир орбитада айланади», — деди. Буқрот бу вақтдан ёз ўртасини ҳамда Қуёшнинг тик тепага яқинлашуви || ва сиртқи марказли фалакда авжидан қуйи туша бошлаши сабабли иссиқнинг кучайишини кўзда тутган. Буқрот замонида бу [вақт] Шеъронинг тулуғига тўғри келган, шунинг учун у илмлардан хабардор кишига ҳақиқий аҳвол яширин қолмаслигини билиб, [юқоридаги] сўзини мутлақ ва умумий қилиб айтган. Агар Шеърo юлдузи ҳаракат қилиб Жадий ва Ҳамал бошига кўчганда эди, [иссиғлик] дориларни истеъмол қилиш тақиқланган замон, албатта, у билан бирга кўчмас эди.

Синон «Қитоб ал-Анво»да бундай деган: «Чорвачиларнинг таммуз бошидан ҳисобланадиган ва қиш ойларидан ҳар бир ой аҳволини билдиришда «боҳур» кунлари йўлидан юрадиган махсус етти кунлари бор. Улар «чорвачилар боҳурлари» деб машҳурдир; у кунларда ҳаво аҳволи, олдинги ва кейинги кунлардагидан бошқа бўлиб, ҳаммаси ёки баъзиси булутдан холи бўлмайди».

Ун тўққизинчи [таммуз] да — қибтийларча, ғарбий шамол ёки иссиқ. Шу куни денгиз итлари кучайиб, кўп зарар келтиради⁸³⁵.

Йигирманчида — қибтийларча, ғарбий ёки шунга ўхшаш шамол. Тажрибали кишиларнинг айтишича, шу куни кўз оғриғи кўпаяди.

Йигирма биринчида — Увқтимин [сўзи]ча, йиллик шамоллар⁸³⁶; Қоллиб, Увқтимин ва Митродурча, иссиқ [кунлар] бошланади.

Йигирма иккинчида — Увқтиминча, ёмон ҳаво; Иббархча, иссиқ бошланиши; қибтийларча, ғарбий шамол ва иссиқ.

Йигирма учинчида — Филиф ва Митродурча, денгизда қиш ҳаво-си ва шамоллар; қибтийларча, йиллик шамолларнинг бошланиши.

Шу куни [халифа] Абу Жаъфар ал-Мансур Тинчлик шаҳрини бино қила бошлаган. Бу Бағдодда Дажла дарёсининг ғарб томонида Мадина ал-Мансур деб аталувчи шаҳардир. Бу [воқеа] Искандар тарихининг минг етмиш тўртинчи йилида эди.

Юлдузларга қараб ҳукм чиқарувчилар [йилларга] айлантиришни, [йилларнинг] охирлари ва даврларини, уларни [маълум] бир вақтдан бошлаб «юргизиш»ни⁸³⁷ билишда шу каби вақт ва тарихларни аниқлашга муҳтож бўладилар ва ниҳоят [ўзларига суянувчилар учун] ҳукм чиқариб берадилар. Бу шаҳар қурилиши учун вақт танлашни Навбахт⁸³⁸ ўз устига олган эди. Шунда фалаkning кўришиб турган шакли ва ёритқичларнинг эгаллаган ўринлари мана шу сурат кўринишига эга бўлди.

Йигирма тўртинчида — Филиф ва Митродурча, шамоллар; Увдоксча, йиллик шамоллар эсади.

Йигирма бешинчида Увдокс ва Қосир [сўзи]ча, жанубий шамол; қибтийларча, ғарбий ёки жанубий шамол, Шу куни жинсий алоқа ва

Давб	Жабди	Тале қабс	Ақроб	Мизон
	Раъс 25	Муштарий	Ой 19,10	
Хут				Сумбура
Ҳамла		Миррих 2,50 Зухра 29,0	Күёш 8,10 Занаб 25 Утарид 25,7	Асд
	Сабр	Жабзо	Саратон	

оғир иш қилиш ман қилинади, чунки қаттиқ иссиқ бўлади. Шу куни Амударё суви кўтарилади.

Йигирма олтинчида — Филиф, Мотин, Митродур, Димоқрит ва Иб-бархча, жанубий шамол ва иссиқ.

Йигирма еттинчида — Увқтимин ва Досисосча, шудринг, намлик ва бўғувчи ҳаво. Ҳаводаги бўғувчилик аксар осмоннинг булут билан тўси-либ, ҳаво юролмаслигидан вужудга келади. Гоҳо бу ҳолат баъзи жой-да — у бундай сабабдан холи бўлса ҳам — табиий бўлади. Ал-Жай-ҳонийнинг баён этишича, бурунги замонда Хўтандан⁸⁴¹ хоқон пойтах-тига бориладиган йўлда бир тоғ бошидан иккинчи тоғ бошига хитойлар қурган бир кўприкнинг нариги томони бунга мисол бўлади. Шу кўп-рикнинг нариги томонига ўтган киши нафасни бўғиб, тилни оғирлатувчи ҳавога қиради. Унда ўтувчилардан бир қанчаси шу ҳавода ўлади; кўпи қутулиб ҳам қолади. Тибатликлар [у жойни] «Заҳар тоғи» деб атайдилар.

Йигирма саккизинчи ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Йигирма тўққизинчида — Досисосча, йиллик шамолларнинг бошла-ниши; қибтийларча, иссиқ. Шу куни Бусрода бир ойлик, || Саламияда ик-ки ҳафталик бозор очилади.

271

Ўттизинчида — Увдоксча, йиллик шамоллар эсади; қибтийларча, ғарбий шамол ва иссиқ.

Ўттиз биринчида — Қосир сўзича, жанубий шамол.

Об. Биринчи кунида — Иббарх [сўзи]ча, иссиқ.

272

Иккинчи куни ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Учинчисида — Увдокс ва Досисосча, шудринг тушади; Қосирча, шу куни «нав».

Тўртинчида — Увдоксча, қаттиқ иссиқ.

Бешинчида — Досисос ва қибтийларча, ҳаво туриб қолиши [на-тижасида] дим ва иссиқ бўлади, кейин [ҳар томондан] шамоллар эса-ди. Шу куни Азриотда ўн беш кунлик бозор очилади, Урдунн ва Фаластин вилоятларида ҳам шундай.

Олтинчи ва еттинчи [кунлар] ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Саккизинчида — Қоллибча, ҳаво туриб қолиб дим бўлади; қиб-тийларча, шамол ва қаттиқ иссиқ. Синон: «Шу куни кўпинча ҳаво айнийди», — деган.

Тўққизинчида — Увқтимин ва Қосирча, иссиқ ва ҳаво тўхталиши; қибтийларча, жанубий шамол ва булутли ҳаво.

Унинчида — Увдокс, Митродур ва Досисосча, иссиқ ва ҳаво тўхталиши; Димоқритча — «нав». Бу иссиқнинг жуда кучаядиган вақти.

Ўн биринчида—Қоллиб, Увқтимин ва Филифча, шимол шамолларнинг эсиши тўхтади; Увдоксча, жуда қаттиқ шамол; Иббархча, турли шамоллар биргаликда эсади; қибтийларча, момақалдироқ. Синоп [шу куни] ҳаво ўзгаришида янглишмайди, деб даъво қилиб: «Ўзим учун ва ҳаво ўзгаришларини тажриба қилиб, эътибор этган киши учун шу кун сингари тўғри далолат берувчи бирор кунни билмайман. Шу куни ҳавонинг тозалана бошлаши қарийб учратилмасдан қолмайди. Бу Ироқ ҳавоси тозаланишга бошлайдиган биринчи кундир. Бу ҳол баъзан сезиларли, равшан ва баъзан сезилмаслик даражада юз беради; аммо [тозаланиш бўлмаган вақти] қарийб учратилмайди», — деган.

Синоп: «Қадимгиларнинг баъзиси шу кунни куз ҳавосининг бошланиши деб ҳисоблаган, баъзилар эса ундан кейинги куни бошланади деган»,—дейди. Яна Синопнинг сўзича, [унинг отаси] Собит: «Биз айтган нарса қай бир нодир йилда шу куни воқе бўлмаса, ўн иккинчи ва ўн учинчи обда воқе бўлиши эҳтимолдан узоқ, лекин [бу] обнинг ярмида [бўлади]. Қачон ўн биринчида воқе бўлса, обнинг ярми учун озгина бўлса ҳам, албатта, тоза ҳаво фасли янгиланади»,—деяр экан.

Ўн иккинчида — Увқтимин ва қибтийларча, иссиқ.

Ўн учинчида — Қосир [сўзи] ча, «нав» ва дим ҳаво. Синоп: «Баъзан шу куни ҳавода кам ўзгариш бўлади»,— деган.

Ўн тўртинчи ва ўн бешинчи ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ўн олтинчида—Қосирча, «нав».

Ўн еттинчида—Увдоксча, «нав».

Ўн саккизинчи бирор нарса дейилишдан холи. Айтилишича, шу куни гармсел тўхтади.

Ўн тўққизинчида—Димоқритча—«нав», ёмғир ва шамол; қибтийларча, ғарбий шамол.

273 Йигирманчида—Досисосча, «нав»; || қибтийларча, иссиқ ва булутли ҳаво.

Йигирма биринчи ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Йигирма иккинчида — Увдоксча, ғарбий шамол ва момақалдироқ; Қосир ва қибтийларча—«нав» ва ёмон ҳаво.

Йигирма учинчида—қибтийларча, ғарбий шамол.

Йигирма тўртинчида—Увдокс ва Митродурча, «нав». Шу куни иссиқ бир оз бўшашади. Бу Қуёш Сунбула буржидан олти даража ўтган пайтга тўғри келади.

Йигирма бешинчида Увдоксча, «нав»; Иббархча, жанубий шамол; қибтийларча, иссиқ.

Йигирма олтинчида—Иббархча, ҳар йили шу вақтда айланиб келувчи шамоллар; шу кун билан биринчи «кампир куни»нинг ораси тўппа-тўғри ярим йил. Совуқ қайтиш олдида қайтадан кучайганидек, шу куни иссиқ бўшашган пайтида қайтадан кучаяди. Булар ҳам етти кун бўлиб, охиргиси биринчи айлулдир. Араблар бу кунларни «Сухайл [юлдузи] алангаси» деб атайдилар. Бу «жабҳа»⁸⁴² чиққандаги шамоллардир. Лекин Сухайл жабҳа чиқишига яқин чиқади. Шундай қилиб, Сухайл жабҳадан кўпроқ тилга олинадиган бўлади. Ҳаво шу кунларда

олдинги ва кейинги кунлардагидан иссиқроқ бўлиб, шундан кейин кечалар ёқимли бўлади. Бу кўпчиликка машҳур бир нарса бўлиб, қарийб сира хато келмайди. Муҳаммад ибн Абдулмалик аз-Зайёт⁸⁴³ шундай деган:

Сув совиб, кеча узайиб, шароб лаззатли бўлди,

Ҳазирон, таммуз, об ойлари ўтиб кетди.

Йигирма еттинчида—Филиф [сўзи] ча, «нав».

Йигирма саккизинчида—қибтийларча, ғарбий шамол.

Йигирма тўққизинчида — Увдокс ва Иббархча, ёмғирлар ва момақалдиروқ; [шу куни] йиллик шамоллар тўхтайтиди.

Ўттизинчида—Иббархча, «нав».

Ўттиз биринчида—Батлимусча, йиллик шамоллар тўхтайтиди; Увдоксча, шу куни жойдан-жойга кўчувчи шамоллар; Қосирча, шамоллар, ёмғир ва момақалдиروқ; Иббархча, шарқий шамол.

Айлул. Бу ойнинг биринчи кунинда Қоллиб [сўзи] ча, «нав» ва йиллик шамолларнинг тўхташи; шу куни Манбижда⁸⁴⁴ бозор очилади.

Иккинчида—Митродурча, булутли ҳаво; Қунун: «Йиллик шамоллар шу куни тўхтайтиди»,— деган.

Учинчида—Увдоксча, шамол, момақалдироқ ва булутли ҳаво; Иббархча, намлик ва шабнам; қибтийларча, туман, иссиқ, ёмғир ва момақалдироқ. Шу куни [иқлими] совуқ мамлакатларда [печкаларга] олов ёқа бошлайдилар.

Тўртинчида—Қоллиб, Увқтимин, Филиф ва Митродурча, ҳавода булут ва алмашиниш; Увдоксча, ёмғир, момақалдироқ, жойдан-жойга кўчувчи шамол.

Бешинчида—Қосирча, жойдан-жойга кўчувчи шамоллар, ёмғирлар ва шу куни йиллик шамоллар тўхтайтиди; қибтийларча, ёмғирлар, денгизда қиш ҳавоси, жанубий шамол. Шу куни ёз ўртаси иссиғи пасайиб, томирдан қон олдириш ва қирқ кунгача ичиладиган дорини ичиш вақти келади.

|| Олтинчида—қибтийларча, ғарбий шамол.

Еттинчида—Филифча, булутли ҳаво; Досисосча, «нав».

Саккизинчида—қибтийларча, ғарбий шамол ва «нав».

Тўққизинчи ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ўнинчида — Досисосча, бир-бирига аралашмаган ҳаво.

Ўн биринчида — Қосирча, шимолий шамоллар тўхтайтиди.

Ўн иккинчида — Увдоксча, жанубий шамол.

Ўн учинчида — Қоллиб ва Қунун [сўзи] ча, «нав».

Ўн тўртинчида—Увдоксча, шимолий шамоллар тўхтайтиди; Димоқрит ва Митродурча, «нав». Бу вақтдан бошлаб қалдириш кўринмайди.

Ўн бешинчида—Досисосча, намлик ва шабнам; қибтийларча, ёмғирлар ва «нав».

Ўн олтинчида — Иббархча, булутли ҳаво ва денгизда ёмғир. Кабисали йилда шу куни, бошқа йилда ўн еттинчи [айлулда] кеча-кундузнинг иккинчи марта баробарлиги бўлади. Буни ажамликлар кузнинг ва хитойлар баҳорнинг биринчи куни деб даъво қиладилар, биз бунинг мумкин эмаслигини юқорида баён этдик⁸⁴⁵.

Айтишларича, шу куни эсадиган шамоллар руҳга таъсир қилади⁸⁴⁶. Шу куни кўтарилган булутга қараш танни оздиради, руҳни оғирлаш-

тиради. Мен совуқ хавфи ва табиатнинг орқага қайтиш ваҳимасини [сезиш] сабабли шундай бўлади деб гумон қиламан.

Уйқудан сажда қилган ҳолда уйғониш, сўзлашдан олдин юлғин тугатиб [ўзни тутиш] шу куннинг яхши иримларидандир. Туғмаган, бефарзанд хотин шу куни [кечаси] Суҳо [юлдузига] қараса, кейин яқинлик қилинса, ҳомиладор бўлади дейилган.

Айтишларича, шу куни кечаси денгизларнинг суви чучук бўлади. Бунинг мумкин эмаслиги юқорида айтилди. Кеча-кундузнинг бу иккинчи баробарлиги Синдҳинд зижига мувофиқ бўлиб, ҳиндлар учун эронликларнинг меҳржон байрами сингари улуғ байрамдир. Улар шу куни бир-бирларига асл нарсалар ва қимматбаҳо жавҳарлар ҳадя қиладилар, кундуз ярмигача маъбудалар [ҳузурига] ва ибодатхоналарга тўп-ланадилар. Кейин сайргоҳларга чиқар, мажлисларда йиғилишардилар, замонга бўйсуниб, азиз ва улуғ тангрига итоат қилардилар.

Ун еттинчида — Митродурча, денгизда ёмғирлар ва булутли ҳаво.

Ун саккизинчида — қибтийларча, ғарбий, кейин шарқий шамол.

Ун тўққизинчида — Увдокс [сўзи] ча, намлик ва шабнам; қибтийларча, ғарбий шамол, ёмғир томчилаши ва ёғиши.

Йигирманчида — Қоллиб ва Митродурча, ёмғир; қибтийларча, ёмғир томчилаши, шамоллар ва ғарбий шамол. Шу куни дарахтлар суви тепаларидан илдизларига қайтади.

Йигирма бир ва йигирма иккинчи ҳақида ҳеч нарса демаганлар⁸⁴⁷.

Йигирма учинчида — Увдоксча, ёмғир; Иббархча, ғарбий ёки жанубий шамол.

Йигирма тўртинчи ҳақида [обу ҳаво билимдонларидан] ҳеч нарса нақл қилинмаган. Шу куни Саолиба⁸⁴⁸ бозори очилади.

Тажрибали кишиларнинг айтишларича, шу куни қаралади: қайси [томон] шамоли кечасигача ёки кун оққунича эсиб турса, у ўша йил шамолларининг энг давомлиги бўлади. Улар бу кунни «шамолларнинг қайтиши» деб атаганлар. Шу куни аксар мамлакатларга олақарғалар учиб келади.

Йигирма бешинчида — Иббарх ва Увдоксча⁸⁴⁹, «нав».

275 || Йигирма олтинчида — Увқтимин [сўзи] ча, «нав»; Димоқритча, ёмғир ва шамоллар.

Йигирма еттинчида — Увқтимин, Филиф ва Қунунча, «нав».

Йигирма саккизинчида — Иббарх сўзича, «нав»; қибтийларча, ғарбий ёки жанубий шамол⁸⁵⁰.

Йигирма тўққизинчида — Увқтимин ва Увдоксча, «нав»; Иббархча, ғарбий ёки жанубий шамол.

Қадимги [олимларнинг] бирортаси ўттизинчи куни ҳавода ва бошқада бирон нарса [бўлиши] ҳақида [ҳеч нима] айтмаганлар.

Румийларда ишлатиладиган кунлар ана шулардир. Синон «Анво китобида» айтганларининг ҳаммасини шу [бобга] киргиздик, бу унинг [китобининг] асосидир. Бизгача етиб келган сўзларнинг биронтасини камайтирмадик. Аммо буларни сурёнийлар берган номлар билан атадик. Чунки у номлар халқ ўртасида машҳурдир ва бу бир маъно англатади.

Энди азиз ва улуғ тангри рухсати билан яҳудийлар ўз ойларида ишлатадиган [кунларни] баён этайлик.

ЯХУДИЙЛАР ҮЗ ОЙЛАРИДА ҚУЛЛАЙДИГАН [КУНЛАР] ҲАҚИДА СЎЗ

Биз айтамыз: яҳудийлар йилининг бошини ва унинг кайфиятини билиш йўли бизга маълум бўлиб, буларни ҳисоб ва жадваллар орқали қўлга киритишдан ва улар ойларини бошларига қараб ва кунларининг ададлари билан тартиблашдан бўшагач, зарурий суратда уларнинг ҳайитларини ва машҳур кунларини баён этишимиз лозим бўлди. Чунки шу кунларни билиш орқали йил бошининг маълум кунларда бўлиши мумкин эмаслиги сабабини биламиз. Сўзни [яҳудий] ойларининг биринчисидан бошлайлик.

Тишрий. Бу ой ўттиз кун бўлиб, боши биттадир. Бунинг аввали, юқорида айтганимиздек, якшанба, чоршанба, жума куни бўлмайди. Ҳисобда шу уч куннинг бирига тўғри келса, [у кун] бекор қилинади ва агар ундан кейинги кун ярарли бўлса, ўша кун тишрий боши қилинади, агар у кейинги кун юқорида кўрсатилган «чегаралар жадвали» даги шартларга мувофиқ бўлмаса, [ҳалиги бекор қилинган кундан] олдинги кун тишрий боши қилинади. Яҳудийларнинг бу иши «даҳий» деб аталади.

Бу ойнинг биринчи куни — йил боши ҳайити, шу куни карнай ва савофир чалинади. Савофир — қўчқорлар шохлари. Шанба кунлари [иш] қилинмаганидек, бу кун ҳам иш тўхтатилади. [Яҳудийлар] даъвосича, [шу куни] Иброҳим ўз ўғли Исҳоқни — иккаласига салом — қурбонлик [қилинадиган жойга] келтирганда, Исҳоқ ўрнига бир қўчқор фидо қилиниб [сўйилган]. Қитоб аҳлларининг сўзича, Исҳоқ сўйилмоқчи бўлган, Қуръонда Исмоилнинг [сўйилмоқчи бўлгани] очиқ айтилган.

«Бу «вассофот» сурасидадир⁸⁵¹. Пайғамбарнинг — худо раҳмат ва саломини унга юборсин — мана бу сўзи ривоят қилинган: «Мен қурбонлик қилинмоқчи бўлган икки кишининг, яъни Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб билан Исмоилнинг авлодиман». [Гапирилаверса] бу масалада сўз узаяди, яна худо билимдонроқдир.

Учинчи куни Гедалё рўзаси. Гедалё — Бухтанассарнинг Байтулмуқаддасга қўйган халифаси Аҳиқомнинг ўғли. Бу киши шу куни саксон икки нафар [одам] билан биргаликда || қудуққа ташланган ва уларнинг устидан сув қуйилиб ўлдирилган. У ўлдирилган куни Бани Исроил ғамгин бўлиб, рўза тутганлар.

Бешинчи куни — «Ақибо рўзаси». Бунинг сабаби шуки, Ақибо са-

намга ибодат қилишга мажбур этилган, у [бундан] бош тортган. Шунда уни ўлгунига [қадар] сандиққа солиб қўйганлар, унинг атрофидаги йиғирма кишиси ҳам қамалган.

Еттинчи куни — «азоб рўзаси». Бунга [сабаб] шуки, Довуд Исроил авлодини санагач, уларнинг ададига ажабланди, улар ҳам ўзларининг кўпликлари билан кибрандилар. Шундан худо уларга ғазаб қилди ва Довудга ва [яхудий] жамоаларига Натан пайғамбарни юборди, Натан уларни қилич, қаҳатчилик ва тўсатдан ўлиш билан кўрқитди. Унинг каромати зоҳир бўлгач, Бани Исроил хавфланиб, шу куни рўза тутдилар. Шу куни Бани Исроил бузоққа ибодат қилишлари сабабли бир-бирларини ўлдирганлар. Уларнинг сўзича, бузоқни Ҳорун ясаган; тавротда ҳам шундай дейилган.

Яҳудий Еқуб ибн Мусо Ниқрисий Журжонда менга бундай ҳикоя қилди: Мусо алайҳиссалом Бани Исроил билан бирга Мисрдан чиқишни мўлжаллади, Юсуф пайғамбар алайҳиссалом ўз тобутини ўзлари билан бирга олиб чиқишларини уларга васият қилган эди; у Нил дарёси тагига кўмилган бўлиб, устидан сув оқиб турар эди, Мусо тобутни чиқаролмади-да, бир қоғоз олиб, ундан бир парчани балиқ шаклида қилиб қийди ва бир нарса ўқиб унга дам солди, сўнг ниманидир унга битиб, Нилга ташлади. Бир оз вақт кутиб турди, ҳеч нарса кўринмади; сўнгра бошқа қоғоз олиб, уни бузоқ суратида қилиб қийди, устига бир нима битди ва ўқиб дам солди. Аввалги қилганидек, буни ҳам сувга ташламоқчи бўлган эди, шу вақт Юсуф тобутни кўринди. Мусо ўз қўлидаги бузоқ суратини ташлаган эди, шу ерда ҳозир бўлганларнинг бири уни олди. Мусо раббига муножот қилиш учун тоққа ғойиб бўлганда, унинг тоғда узоқ вақт қолгани сабабли Бани Исроил беқарор бўлиб, Ҳорунга ёпишиб олдилар ва ундан ўзлари учун иккинчи Мусо тиклаб беришини талаб қилдилар, Ҳорун бу ҳақда ҳийла-тадбирлар қилавериб, шубҳасиз, чарчади ва: «Хотинларингизнинг ҳамма зийнат асбобларини менга олиб келинг»,—деди. У хотинларнинг ўз зийнат асбоблари хусусида шошилиб, бепарво бўлмасликларини билганидан, [Бани Исроил] талабини кейинга қолдириш учун шундай деган ва Мусо бундан олдинроқ қайтар деб умид этган эди. Иттифоқо, хотинлар мумкин қадар шошилиш равишда зийнат асбобларини топширдилар ва [эрлари] уларни Ҳорун ҳузурига келтиришди. Ҳорун асбобларни эритиб [қолипга] қуйди. Бу оддий қуймалардан бошқача [нарса] бўлмади. Ҳорун Мусонинг қайтишини ёки унинг ҳақида бирор хабар билишни баҳона⁸⁵² ва умид қилиб, яна қайтадан эритди. Ҳалиги бузоқ сурати Ҳорун ҳузурини эди, шунда у ўз-ўзига: «Балиқ суратидан ажойиб аломат ҳозир бўлди, кўргин-чи, бузоқ суратидан нима бўларкин»,—деди-да, [суратни] эриб турган тиллага ташлади. Ҳорун эритмани қуйиб бўлгач, ундан овозлик бир бузоқ шакли пайдо бўлди. Шу вақт одамлар фитнага тушиб, йўлдан оздилар. Ҳорун [эса] буни кутмаган эди.

277 Унингчи куни — киппур рўзасидир, бу ошуро ҳам дейилади. Бу || бошқа рўзалар орасида фарз қилинган рўза бўлиб, бошқалари нафл [рўзалардир].

Киппур рўзаси шу ойнинг тўққизинчи куни Қуёш ботишдан ярим соат олдиндан то ўнинчи куни Қуёш ботгандан ярим соат ўтгунча йиғирма беш соат тугилади. Бошқа нафл рўзалар ҳам шунга ўхшаш ту-

тилади. Шунинг учун [яҳудийларда] кетма-кет икки кун рўза тугилмайди. Чунки икки кун орасидаги бир соат умумий бўлиб қолади ва [икки рўза орасида] ифтор қилишга вақт қолмайди. Еқуб Никрисийнинг гумонича, бундай рўза шу куннинг ўзига хосдир, бошқа кунларда эса мусулмонларники, сингари рўза тутиш мумкин.

Шу куни худо Имрон ўғли Мусога сўз қотган. Бу куннинг рўзаси янглишиб қилинган барча гуноҳларни ювади. Шу куни яҳудийлардан ким рўза тутмаса, уларнинг [гаълимотича], у кишини ўлдириш лозим бўлади. Шу куни беш марта намоз ўқилиб, будларга сажда қилинади. Бошқа ҳайитларда бундай қилинмайди.

Ўн бешинчи куни — чайлалар ҳайити. Бу кетма-кет етти кун бўлиб, бунда яҳудийлар ҳовлилари саҳнида тол шохлари, қамиш ва бошқа нарсалардан [чайла қилиб] сояларда ўтирадилар. Бу тургун кишига — фарз, сафардаги кишига [фарз] эмас. Шу кунларда бирор иш билан банд бўлиш ман қилинган, чунки худойи таоло Тавротнинг учинчи сифрида: «Еттинчи ойнинг ўн бешинчи куни чайлалар ҳайитидир. Етти кун ишламанг, худо ҳузурда ҳаж қилинг ва етти кун чайлаларда ўтиринг, эй барча Исроил авлоди хонадони, Бани Исроилни Мисрдан чиқарганимда уларни чайлаларда ўтқизганимни авлодингиз билсинлар!» — деган. Яҳудийлар жамоаси шу куни ҳайит қилади. Абу Исо ал-Варроқнинг⁸⁵³ «Мақолалар китобида» айтишича, сомирийлар [шу кунлари] ҳайит қилмайдилар. Чайлалар ҳайитининг охириги куни унинг еттинчи кунидир.

Бу ойнинг йигирма биринчи куни «арофо» деб аталади. Шу куни саҳрода Бани Исроил бошларига булут соя солиб турган. Бу кун йиғилиш ҳайити бўлиб, яҳудийлар Байтулмуқаддасдан Ҳорҳарода ҳаж қилиш учун йиғилиб, ибодатхоналарида [мусулмонлар] минбарига ўхшаган «боврун» ни тавоф қиладилар.

Йигирма иккинчи куни — табриклаш ҳайити. Бу билан ҳайитлар тугайди ва бу куни [ҳам барча] ишлар тўхтатилади. Айтишларича, Тавротнинг нозил бўлиши шу куни тамом бўлиб, у ибодатхоналарга, яъни черковларга қўйилиш учун имомларга топширилган. Шу куни Тавротни чиқариб, уни табаррук тутадилар, варақлаб ва ўқиб, фол очадилар.

Мархешвон. Бу ойнинг боши ҳамisha иккита бўлиб, кунларининг адади тўлиқ йилда — ўттиз; мўътадил ва ноқис йилда — йигирма тўққиз кун. Бу ойда ҳайит йўқ.

Олтинчи куни — Сидиқе рўзаси. Бу рўзанинг сабаби шуки, Бухтанассар Сидиқе авлодини унинг кўз олдида ўлдирган. У ботирлик кўрсатиб, чидаб тураверган, йиғламаган ва доду фарёд қилмаган. Кейин унинг икки кўзи ўйиб олинган. Шунда Бани Исроил ғамгин бўлиб 11 рўза тутганлар.

Яҳудийларнинг баъзиси бунга мухолиф бўлиб, шу ойнинг ўтган саккизинчиси билан [келаётган] ўн учинчиси орасидаги душанба куни рўза тутадилар. Бу яҳудий мазҳабларига лойиқ усулга мос келадиган ишлардан эмас, балки христианлар сўзларига мосроқ. Лекин яҳудийларнинг кўпчилиги қошида рўзаларининг ҳафта кунларида эмас, ой саналарида бўлиши асослидир.

Кислев. Бу ой тўлиқ йилда битта. Кунларининг адади мўътадил ва тўлиқ йилда ўттиз кун, ноқис йилда йигирма тўққиз кун.

Саккизинчи куни рўза. Бу рўзага Яҳуёқимнинг «қинут» номли қоғозларни куйдириши сабаб бўлган. «Қинут» нинг изоҳи «йиғи» демак-

дир. У қоғозларга худонинг ваъдаси [битилган] бўлиб, уларни Ирмиё пайғамбар Бани Исроилнинг келгусидаги аҳволини, уларга келадиган қийинчиликларни баён этаётган ҳолатда келтирган ва Бурух ибн Нерюн орқали юборган эди. Яхуёқим эса уларни оловга ташлади, шунда Бани Исроил йиғиси икки ҳисса бўлди.

[Яҳудийларнинг] баъзиси бунга муҳолиф бўлиб, Шу [рўзани] ойнинг тўққизинчиси билан ўн бешинчиси орасидаги пайшанба кунига қўяди.

Йигирма бешинчи кечаси «ханукка» ҳайитининг боши, бунинг маъноси «поклашдир». Бу ҳайит саккиз кун. Биринчи кечада даҳлизда — эшик олдида оила аъзоларининг ҳар бирига атаб битта, иккинчи [кеча] — иккита, учинчи [кеча] — учта, ниҳоят саккизинчи [кеча] — саккизтадан⁸⁵⁴ чироқ ёқадилар. Бу билан Байтулмуқаддаснинг покланиб, муқаддас қилингани сабабли худого шукр этишини кундан-кунга орттирмақчи бўладилар. Бу [ҳайитнинг сабаби]: юнонликлар подшоҳи Антиох⁸⁵⁵ яҳудийларга ғолиб келиб, бир қанча вақт уларга зулм қилган⁸⁵⁶. У келинларга эрларига юборилишидан олдин ер тўлаларда яқинлик қилар экан. Ер тўлалардан ташқарига иккита арқон чиқарилган бўлиб, арқонларга иккита қўнғироқ осилган экан. Агар унга бирор хотин керак бўлса, ўнг томон [арқонини] қимирлатар, шунда унинг ҳузурига бир хотин киргизилар экан. Подшоҳ ундан бўшагач, чап томон арқонини қимирлатиб, у хотинни ўз йўлига қўйиб юборар экан. Бани Исроил орасида саккиз ўғил ва бир қизлик киши бўлган экан. У қизни бир исроилий хотинликка сўрабди ва қизни ўзига топширилишини истаган экан, қизнинг отаси: «Менга муҳлат бер, чунки мен икки иш орасидаман: агар қизимни сенга юборсам, бу лаънати унга яқинлик қиларди-да, ундан кейин қизим сенга ҳалол бўлмайди, агар қизим бундан тортинса, у мени ҳалок этади», — дебди. Кейин бу билан ўғилларини уялтирган экан, улар ғазабланибдилар ва хафа бўлибдилар. Уларнинг кенжатоий ўрнидан сакраб туриб, аёллар кийимини кийибди, бир ханжарни кийимлари орасига бекитибди ва ахлоқсиз хотинларга ўхшаб подшоҳ эшигига келибди. Подшоҳ ўнг томон арқонни қимирлатгач, ҳалиги [йигит] подшоҳ ҳузурига киргизилибди. У подшоҳни холи топиб ўлдирибди ва бошини кесибди. Кейин чап томон арқонни қимирлатган экан, ташқарига чиқарилибди ва [подшоҳнинг] бошини хомага ўтқизиб қўйибди. Бани Исроил ўша куни ва ундан кейин ҳалиги йигит биродарларининг ададича [кун] ҳайит қилибдилар. Худо яна яхшироқ билади.

279

|| **Тибат.** Бу ойнинг боши ноқис йилда — битта, тўлиқ ва мўътадил йилда — иккита. Кунларининг адади йигирма тўққиз кун.

Бунинг бешинчиси дастлаб қоронғулик пайдо бўлган кун. Бу шунда: Рум подшоҳи Талмо⁸⁵⁷ яҳудийлардан Тавротни талаб қилиб, уни юнон тилига таржима этишларига мажбур этган ва Тавротни ўз хазинасига келтириб қўйган. [Яҳудийлар] гумонича, «Етмушлар тавротни» машҳур бўлган [китоб] ана шу. Шунинг учун уч кеча-кундуз дунё қоронғу бўлган.

Саккизинчисида — рўза. Бу [юқорида] айтилган сабабга кўра қоронғилик босган уч куннинг охиригисидир.

Тўққизинчида — яҳудийлар рўза тутишга буюрилганлар, лекин бунинг сабаби маълум эмас.

Учинчи куни — рўза. Бу Бухтанассар келиб Байтулмуқаддасни ўраб олган кун.

Шафат. Бу ойнинг боши битта, ўзи — ўттиз кун.

Бешинчи куни рўза, бунга Юша ибн Нун кунларида «ростгўйлар» нинг ўлими сабаб бўлган. Яҳудийларнинг баъзиси бу рўзани шу ойнинг ўнинчиси билан ўн бешинчиси орасида воқе бўладиган душанба кунига қўяди.

Йигирма учинчи⁸⁵⁸ куни — «фитна рўзаси». Бунинг сабаби шу: Бинёмин қабиласи [яҳудийлари] туғён ва исён этиб, Лут [пайғамбар] қавмининг ишини қилганлар. Бир киши ўз хотини ва канизаги билан Байтулмуқаддасга ҳаж қилиш учун уларнинг [юқоридан] ўтаётганида, уни ўз ҳамшаҳарларидан бўлган биров меҳмон қилган. Кечаси бўлгач, ўша қишлоқликлар мезбон эшигига келиб, бузуқчилик қилиш учун меҳмонни талаб қила бошлаганлар. Уй эгаси уларга ўз қизини тақдим этган, улар: «Бизга бу керак эмас», — деганлар. Кейин уларга меҳмоннинг канизагини чиқариб берган, улар кечаси билан унга яқинлик қилиб чиққанлар, канизак тонг ёриш олдида ўлган. Шунда уй эгаси канизак [жасадини Бани Исроил] қабилалари ададича парчалаб, ҳар бир қабилга унинг аъзосидан бирини юборган ва бу билан уларни ғазаблантирмоқчи бўлган. Қабилалар йиғилишиб, ҳалиги [Бинёмин] қабиласига қарши уруш қилганлар, лекин улар устидан ғалаба қозонолмаганлар. Кейин шу куни худога атаб рўза тутиб, унга ёлборганлар. Ниҳоят худо [душманга] қарши уларга ёрдам берган. Бинёмин қабиласидан қирқ минг, бошқа қабилалардан етмиш минг [киши] ҳалок бўлган.

Биринчи озор. Бу иббур йилида қўшимча қўшиладиган [кабисали] ой. Бу оддий йилларда йўқ ва улар қаторида ҳисобланмайди. Бу ойнинг боши иккита, кунларининг адади ўттизта бўлиб, бунда рўза ҳам, ҳайит ҳам йўқ.

Иккинчи озор. Бу асосий озор, оддий йилларда [«иккинчи» лафзи қўшилмай] озор дейилади. Олдинда биринчи озорни баён этишимиз шубҳа туғдирмайди. Бу ойнинг боши иккита, кунларининг адади йигирма тўққизта:

Еттинчи куни — рўза. Бу Имрон ўғли Мусо ўлган ва унинг ўлими сабабли [осмондан] янтоқ шакар ҳамда бедана⁸⁵⁹ [ёғиши] тўхталган кун.

Тўққизинчи куни — рўза. || Шаммо хонадони аҳолиси билан Ҳиллол хонадони аҳолиси орасида тортишув бўлиб, улардан йигирма саккиз минг киши ўлдирилганида, шу рўзани Бани Исроил ўзларига фарз этганлар. Яҳудийларнинг баъзиси бу рўза [кунини] шу ойнинг ўнинчиси билан ўн бешинчиси орасида келадиган душанбага қўяди.

Ўн учинчи куни — бурий рўзаси. Бунинг маъноси «қуръа ташлаш» дир. Бу рўза сабаби шундай: Ҳомон кучсиз одамлардан экан. У бирон амалга эга бўлиш учун Тустар⁸⁶⁰ шаҳрига қараб йўлга чиққан. Йўлда бир [ҳодиса] юз бериб, ҳар хил амаллар бериладиган кунда мақсадига эришувидан уни кечиктирган ва мақсадига эришолмаган. Турли тадбирлар қилавериб чарчагандан кейин гўристон ёнида ўтириб ҳар бир ўлик учун уч бутуну учдан бир дирҳам олаверган. Ниҳоят [шу мамлакат] подшоси Ахшуршнинг қизи ўлиб, унинг жасади олиб келинганда, кўтариб келганлардан бир нима сўраган, ҳеч нарса беришмагач, уларга [гўристонга] йўл бермаган, ҳатто унинг сўрагани берилса ҳам, рози бўлмай, кўпроқ сўрай берган ва улар то бу катта маблаққа етгун-

ча кўпайтираверганлар. Подшоҳ бундан хабардор бўлгач, у Ҳомонга сўраган нарсасини беришни буюрган. Сўнгра етти кундан кейин подшоҳ уни ўз ҳузурига чақиртириб, бундай амални унга ким берганини сўраган. Ҳомон: «Бу амалдан мени ким қайтарган?» — дейишдан бошқа жавоб бермаган. Ниҳоят подшоҳ ўз саволини қайтаравергач, Ҳомон: «Агар мен бу [ишдан] ҳозир ман этилсам, тийилиб четланаман ва ўз хоҳишим билан сенга шунча ва шунча ҳамён динор бераман», — дебди. Подшоҳ у айтган пул миқдоридан ажабланибди, чунки унинг ўзи буюриш, қайтариш, ечиб юбориш ва боғлаб [қўйиш] ишларига эга бўла туриб, бунча пули йўқ эди. У: «Уликларга амирлик қилиб шунча пул тўплаган киши вазир ва маслаҳатчи бўлишга ҳақлидир», — деди ва барча ишларини Ҳомонга топшириб, мамлакати аҳолисини унга бўйсунтиришга буюрди.

Ҳомон яҳудийларга душман эди. У фолбин ва каромат кўрсатувчилардан: «Бани Исроил учун энг бахтсиз вақт қайси», — деб сўраганда, улар: «Озорда Бани Исроилнинг йўлбошчиси Мусо ўлган, озорнинг энг бахтсиз куни [озорнинг] ўн тўртинчи ва ўн бешинчиси», — деганлар. Ҳомон ҳамма томонга хат ёзиб: «Бу кун яҳудийлар қўлга олиниб, ўлдирилсин», — деган. Подшоҳнинг хотини Истирнинг акаси Мурдахай Исроилийдан ташқари мамлакатнинг [бутун] аҳолиси Ҳомонга сажда қилиб, унинг олдида тиз чўқардилар. Ҳомон Мурдахайга адоват қилиб, шу куни дилида унга гина сақлади. Подшоҳ хотини бунга пайқаб, подшоҳ билан вазирни Ҳомонни уч кун зиёфат қилди. Тўртинчи[куни] бўлгач, подшоҳ ундан ҳожатларини сўради. Хотини ўзини ва акасини ўлимдан озод этилишини илтимос қилди. Подшоҳ: «Икковингизга қарши ким бундай ботирлик қиляпти?» — деди. Хотини Ҳомонни кўрсатди. Подшоҳ хафа бўлиб ўтирган жойидан турди. Ҳомон ўзини подшоҳ хотинига олди ва унга сажда қилиб, бошидан ўпа бошлади, хотин эса уни итариб юборарди. Подшоҳ Ҳомонни хотинимга тажовуз қиляпти деб ўйлади-да, унга қараб: «Ботирлигингдан хотинимга тамагир бўлиш даражасигача етдингми?» — деди. Кейин уни ўлдиришга буюрди, [подшоҳ хотини] Истир: «Акамни осиш учун тайёрлатган дорига унинг ўзи осилса», — деб илтимос қилди. Подшоҳ Ҳомонни остирди ва унинг одамларини ўлдириш хусусида ҳамма томонга [буйруқ] ёзди. Улар Ҳомон яҳудийларни ўлдирмоқчи бўлган куни, яъни [иккинчи озорнинг] ўн тўртинчисида ўлдирилдилар. Шу куни Ҳомон ўлдирилгани сабабли [яҳудийлар] шодлик қиладилар. Бу «мажалла ҳайити»⁸⁶¹ дейилади; «Ҳомон сур» деб ҳам аталади. Чунки яҳудийлар || шу куни [Ҳомон] суратларини чизиб, уларни урадилар, кейин уларни Ҳомоннинг ўзини куйдирганларидек куйдирадилар. Ун бешинчи ҳам шундай [шодлик куни].

Найсан. Бу ойнинг боши битта, кунларининг адади — ўттизта.

Бунинг биринчи куни — худонинг қуббасига бегона олов ёқишлари сабабли Ҳоруннинг икки ўғли Нодоб ва Ибиҳволарнинг ўлганига рўза.

Унинчи куни — Имрон қизи Марям ўлганига рўза. Имрон ўғли Мусо ўлими сабабли мани ва салво ёғиши тўхтаганидек, Марям ҳурмати учун яратилган сув у ўлганида ер остига тушиб кетган. Яҳудийларнинг баъзиси бу рўзани [найсаннинг] ўнинчиси билан ўн бешинчиси орасидаги душанба кунига қўяди.

Бу ойнинг ўн бешинчиси — пасха байрами. Бу ҳақда қайта гапиришга эҳтиёж қолдирмайдиган қилиб [юқорида] гапирдик. Бу оширма ҳон ейиш дуруст бўлмайдиган, патир [ейиладиган] кунларнинг биричисидир. Бунинг [изоҳи] шуки, худойи таоло Тавротнинг учинчи сифрида яҳудийларни патир ейишга буюриб: «Бу ойнинг ўн бешинчиси — худо учун патир ҳайити, етти кун патир енг, шу кунлари иш қилманг!» — деган. Бу кунлар йигирма биринчи куни Қуёш ботганда тамом бўлади. Шу куни худо Фиръавни сувга ғарқ этган; бу «ал-макс» деб аталади.

Йигирма олтинчи куни Юша ибн Нун алайҳиссалом вафот этганига рўза.

Иёр. Бу ойнинг боши иккита, кунларининг адади — йигирма тўққизта.

Учинчи куни тобут рўзаси. Шу куни Бани Исроилдан тобут олиниб, улардан ўттиз киши ўлдирилган. Уларнинг ишини коҳин олий ўз устига олган эди, бу хабарни эшитгач, ўти ёрилиб, курсисидан йиқилиб тушган ва ўлган.

Яҳудийларнинг баъзиси бу рўзани олтинчи билан ўн биринчи орасидаги пайшанба кунига қўяди.

Йигирма саккизинчи куни ҳам рўза. Шу куни Ишмуил пайғамбар алайҳиссалом ўлган.

Сиван. Бу ой боши битта. Кунларининг адади — ўттизта.

Бунинг олтинчи куни «ансара» ҳайити. Бу катта ҳайит бўлиб, Исроил ҳажларининг биридир. Шу куни Бани Исроил шайхлари Сино тоғида ҳозир бўлиб, олий тангрининг Мусо билан сўзлашганини — [унинг] буйруқ, таъқиқ, ваъда ва қўрқинч [садосини] — эшитганлар. Уларга ўз ерларида саломатликлари, ғаллаларининг яшил туриши, совуқ уриши ва шамоллар қоқишидан омон қолиши учун шу кунни худодан миннатдорчилик байрами қилишга буюрилган. Олий [тангри] Тавротнинг иккинчи сифрида: «Менинг учун ҳар йили уч марта ҳаж қилинг: биринчиси — патир кунларида; иккинчиси — Таврот нозил бўлган кунда, бу — ансара ҳажи; учинчиси — йил охирида ҳосилларингизни экинзорлардан [анборхоналарга] олиб кирган кунингизда. Ҳажларингиз ва худони ёдлашингиз муқаддасхоналарда бўлади», — деган.

Шу куни эрталаб янги пишган ғаллалардан келтирилади, шайхлар у ғалларга дуо ўқиб, барака тилайдилар.

Патир кунларининг аввалидан то «ансара» ҳайитигача эллик кун. Бу кунлар улуг ҳафталар бўлиб, шуларда яҳудийларга фарз амаллар лозим бўлган, динлари комил қилинган ва улар худони [улуғлаш] одо-бига муяссар бўлганлар.

Тўққизинчи билан ўн тўртинчи орасидаги душанба куни — рўза. || 282

Йигирма учинчи куни — рўза. Айтишларича, бу — Юрбаом ибн Набат ўнта қабиллага тилладан ясалган иккита бузоққа ибодат қилишни фарз этган кун. Улар бузоқларга ибодат қилганлар. Юрбаом авлоди икки юз эллик йилча [яҳудийларга] подшоҳлик қилган. Ниҳоят мавсил подшоҳи Салмон ал-Аъшар уларга қарши уруш қилган ва уларни асир олган. Шу пайтда у [ўнта қабилла] бошқа қабилалар билан бирлашган. Бу воқеа Ҳизқиё замонида [воқе] бўлган.

Бу айтиб ўтилган киши [Юрбаом] Сулаймон ибн Довуд қулларидан бири бўлиб, унинг қўлидан қочган эди. Бани Исроил уни ўзларига

подшоҳ қилиб олдилар. Юрбаом уларга Байтулмуқаддасга ҳаж қилишни ман этиб, ўша иккита бузоққа сиғинишга буюрди, чунки у, агар Бани Исроил Байтулмуқаддасга кирсалар, уларнинг Юрбаомни ўзларига подшоҳ қилиб олганлари ошкора бўлишини ва уларга ҳақиқий ҳоли маълум бўлиб, уни тахтдан туширишлари ва ўлдиришларини билар эди.

Йигирма бешинчи куни — Шамъун, Шамуил ва Ҳанино ўлдирилганига рўза.

Йигирма еттинчи куни — рўза. Бунинг сабаби Рум подшоҳларидан бири раббо Ҳанино ибн Тардиюнни санамга сиғинишга зўрлаганда, Ҳанино [ибодат] қилмаган. Шунда [подшоҳ] унинг устига Тавротни ўраб [шу куни] куйдириган. У раббо Ақибони қамаб, халқни унга эргашишдан тийган ва шанбани йўқ қилишга уринган.

Таммуз. Бу ой боши иккита, кунларининг адади — йигирма тўққизта, бунда ҳайит йўқ.

Бунинг ўн еттинчи куни — рўза. Шу куни Мусо лавҳаларни синадирган. Бухтанассар яҳудийларни қамал қилган кунларда Байтулмуқаддас қўргони шу куни қулай бошлаган. Шу куни Байтулмуқаддасда санам ясалиб, уни худога қарши ботирлик ва ҳаддан ошиш юзасидан меҳробга қўйилган. Шу куни Таврот куйдирилган ва қурбонликлар бекор қилинган.

Об. Бу ойнинг боши катта бўлиб, кунларнинг адади ўттизтадир.

Бунинг биринчи куни — рўза. Шу куни Ҳорун ибн Имрон ўлиб, унинг ҳурмати учун пайдо бўлган булут ғойиб бўлган.

Тўққизинчи⁸⁶² куни — рўза. Шу куни ат-Тихда [яҳудийларнинг] Байтулмуқаддасга киришликлари таъқиқланган ва улар ғамгин бўлганлар.

Шу куни Байтулмуқаддас фатҳ этилиб, Бухтанассар унга бостириб кирган ва ўт қўйиб, вайрон қилган⁸⁶³. Шу куни [Байтулмуқаддас] ибодатхонаси иккинчи марта вайрон этилиб, ўрни ҳайдаб юборилган.

Ўн бешинчи⁸⁶⁴ куни — [Байтулмуқаддас] ибодатхонасидаги ёнғин ўчирилганига рўза. Бу — Бухтанассар Байтулмуқаддасдан чиққан ва ундаги хазина ва ибодатхоналардан ёнғин ўчирилган кун.

Ўн саккизинчи⁸⁶⁵ куни — рўза. Бунга Байтулмуқаддасдаги ибодатхона чирогининг Аҳваз пайғамбар замонида ўчиб қолиши сабаб бўлган. Бу худонинг яҳудийларга ғазабланганининг белгиси бўлган.

Айлул. Бу ойнинг боши иккита, кунларининг сони — йигирма тўққизта. Бунда ҳайит йўқ.

283 Еттинчи куни — «айғоқчилар рўзаси». Шу куни [Мусо юборган] айғоқчилар унга жабборлар хабарини олиб қайтишди, «Бани Исроил ғамгин бўлдилар, Юша ибн Нун айғоқчиларни ёлғончи қилди. Шу сабабдан [рўза] барпо этилди. Яҳудийлардан баъзиси бу ой рўзасини келгуси йил бошига етти кундан камроқ қолганда келувчи душанба ёки пайшанбага қўяди⁸⁶⁶.

Яҳудийлар нима учундир тишрий боши [ҳафтанинг] биринчи, тўртинчи ва олтинчи кунда бўлишини; киббур — биринчи, учинчи ва олтинчи кунда; Бури, яъни Ҳомон сур — иккинчи, тўртинчи ва еттинчи кунда; пасха — иккинчи, тўртинчи ва олтинчи кунда; ансара — учинчи, бешинчи ва еттинчи кунда бўлишини дуруст кўрмаганлар, чунки улар иш куни шанбага тўғри келмаслигини мўлжал қилганлар,

Агар шундай бўлса, уни [тузатишдан] ожиз қоладилар, уларга шанба куни ишлаш ҳалол эмас. Олий тангри [Тавротнинг] иккинчи сифрида: «Шанба куни ким ишласа, ўлдирилсин!» — деган.

Тўртинчи сифрида [шундай ҳикоя қилинади]: Бани Исроилдан шанба куни саҳрода ўтин териб юрган бир киши учратилган. Уни Мусо ва Ҳорун ҳузурига олиб келишган ва улар уни қамаб қўйганлар; лекин худойи таоло Мусога: «Уни ўлдилинг!» — деган. Шунда у киши ўлгунича тошбўрон қилинган. Шанба куни билан ҳеч қандай иш қилинмайдиган [бошқа] куннинг кетма-кет келиши ҳам яҳудийлар учун [ҳалол эмас].

Якшанба кунига келганда, бунинг йил боши бўлишини дуруст кўрмаганлар, чунки олий тангри [тавротнинг] учинчи сифрида: «Еттинчи ойнинг биринчи куни сиз учун роҳат ва сурнай чалинган [кунни] эслаш шу куни иш қилманг, қурбонликлар қилинг!»⁸⁶⁷ — деган; агар шу кун шанба билан ёндошиб келса, яҳудийлар учун иккита бекорчилик кун кетма-кет келиб, унинг ҳаётий ишларига ҳалал етади ва бу тадорики ва чораси қийин ҳолатга олиб боради. Бундай пайтда аробо куни шанбага тўғри келиб, бунда садақа [бериш] ва шу кунга расмийлаштирилган ишлар бекор бўлади. Шунинг учун киббурнинг — сешанбага, [жумадан] олдин келувчи пасханинг — жума кунига, [шанбадан] олдин келувчи ансаранинг — шанба кунига тўғри келиши дуруст эмас. Чунки булар якшанба куни тишрий боши бўлишини тақозо этади.

Йил боши чоршанба куни бўлишини ҳам дуруст ҳисобламайдилар, чунки олий тангри [Тавротнинг] учинчи сифрида: «Еттинчи ойнинг ўнинчисида гуноҳларни кечиш бўлади. Шу куни тўққизинчи [кун] кечидан то [ўнинчиси] кечигача энг кичик ишни ҳам қилманг!» — деган. Шундай қилиб, киббир куни ишлар қилинмасди ва ундан кейин шанба келиб, у [кунда] ҳам ишлар тўхтатилар эди. Шунинг учун [киббурнинг] — жума куни, олдин келувчи пасханинг — душанба куни ва олдин келувчи ансаранинг сешанба куни бўлиши дуруст эмас.

[Яҳудийлар] йил бошининг жума куни бўлишини дуруст демайдилар; чунки у шанба билан олдинма-кетин келади. [Бунда] киббур якшанба куни, шанбанинг кетидан келади. Табриклаш ҳайити эса жума куни бўлиб, шанба билан олдинма-кетин келади, ҳолбуки, бундай келмаслиги шарт қилинган. Шунинг учун киббурнинг якшанба куни, олдин келувчи пасханинг чоршанба куни, олдин келувчи ансаранинг пайшанба куни бўлиши дуруст эмас. Зеро бу || йил бошининг жума куни бўлишига эҳтиёж туғдирар ва бундан биз айтиб ўтган [кун тартиблари] лозим бўларди. Шунинг учун [яҳудийлар] икки кун кетма-кет бекорчилик бўлмаслиги ва аробо куни шанбага тўғри келмаслигига қараб ҳисоб тузишга уринганлар, чунки улар шу куни садақа қилишга, «урун» деб аталадиган — буни «қилвоз» деб ҳам атайдилар — минбарни тавоф этишга муҳтож бўладилар. [Ҳисоб тузишда] Бурийнинг шанба куни бўлмаслиги, [агар у шанба куни бўлса], яҳудийлар шу куни Ҳомон [суратини] куйдириб, шодлик қилолмайдилар ва ниҳоят ансаранинг шанба куни келмаслиги керак, агар шанба куни бўлса, [дуо ўқитиш учун] экин ва янги мевалардан олиб келишлари ва бошқа фарзларни адо этишлари мумкин эмас.

Абу Исо ал-Варроқ «Мақолалар китоби» да «мағрибликлар» деб аталадиган яҳудийлар ҳақида ҳикоя қилишича, улар шундай дейди-

лар: «Ҳайитларнинг дуруст бўлиши учун ойнинг чоршанба кечаси, яъни Қуёш ботиши олдида сешанба кундузидан кейин келувчи кечада тўлиб чиқиши ва бу ҳолатнинг Бани Исроил заминида бўлиши шарт. Ана шу йил боши [бўлиб], кунлар ва ойлар шундан ҳисобланади ҳамда ҳайитлар унинг теварагида айланади. Чунки олий тангри икки улуг нурни [Қуёш ва Ой] чоршанба кунни яратган», — дейдилар. Гўё бу [Яҳудийлар] пасханинг чоршанба кунидан бошқада бўлишини дуруст кўрмайдилар ва унинг шарт ва суннатларини Бани Исроил заминидан бошқа жойда турган кишиларга лозим деб билмайдилар. Бу кўпчилик яҳудийлар фикрига хилоф ва таврот сўзига зиддир.

[Яҳудийлардан] «анония» [гуруҳига] келсак, булар ойларнинг бошларини янги ойни кўз билан кўришдан олиб, иббурни биз баён этган «олдиндан билиш» усули билан ҳисоблаб чиқарадилар. Ҳайитлар ҳафтанинг шанбадан бошқа қайси кунда келишига қарамайдилар, шанба кунлари келган ҳайитларни ундан кейин келувчи яқшанбага қолдирадилар ва бу кейинга қолдиришни «дахий» деб атайдилар. Улар шанба кунни ҳеч қандай иш қилмайдилар, ҳатто, шанба кунни янги туғилган болаларни ҳам хатна қилмай, бу ҳолда раббониялар ишига хилоф равишда, хатнани кейинги кунга қолдирадилар.

Шанба кунни иш қилиш мумкин эмаслиги таажжубланарли ҳодисаларга боғлиқдир. Аввало, олий тангри Қуръонда ҳикоя қилган [мана бу нарса]: [«Яҳудийлар»] шанба кунни балиқлар сув юзига чиқиб, улар томон келаверар, шанбани байрам қилмаган кунларда эса келмас эди». Яна ал-Жайҳоний «Йўллар ва мамлакатлар китоби»да ҳикоя қилишича, Табария⁶⁶⁸ шаҳрининг шарқида Балинос шаҳри бор, Урдун [дарёси] унда бошланади, бу [дарё] тепасида тегирмонлар бўлиб, улар шанба кунни тўхтайдилар ва дарё суви пастга тушиб кетганидан то шанба тугалгунича ун чиқармайди. Мен табиий фанлардан бу [ҳодисага] бирон асос тополмайман, чунки бу кунларнинг ҳафталарига боғлиқдир. Аммо йилларга алоқадор бўлган [ҳодисаларга] — Қуёш ва унинг нури ойларга алоқадор бўлса — Ой жисми ва унинг нури сабаб қилинади. Чунончи, Юнон юртида йилнинг маълум бир кунда қурбонликларни куйдирувчи қушхона ва шу кабилар бунга мисол бўлади. Бу қушхонадаги [ҳодиса] Қуёш нурининг йиғилиб, унинг бирор жойидан акс этиши натижасидир.

285 Абу Исо ал-Варроқнинг «Мақолалар китоби»да ҳикоя қилишича, яҳудийларнинг «алфония» [гуруҳи] || барча ҳайитларни рад қилади. Улар даъвосича, бирон пайгамбар томонидан хабар берилган [ҳайитларгина] эътиборга олинади, уларча фақат шанба кунигина байрам қилинади.

Қуйидаги жадвал, яъни далил-исбот жадвали, мен юқорида айтган ҳайитларни очиқ кўрсатиб, айтиб ўтилган кунларда, яъни Қуёш кунда ва икки ёритқичнинг икки кунда нима сабабдан йил боши келишининг мумкин эмаслигини баён этади. Жадвалдаги қизил ранг — мумкин эмасликка, қора эса жоизликка далилдир. Агар жадваллар тепасида кўрсатилган ҳайитлар рўпарасидаги жадвал аввалидан охиригича қорага дуч келса, [ҳайитлар] жоиз бўлади, агар у ҳайитлар рўпарасидаги қизилга аралашса ёки буткул қизил бўлса — жоиз бўлмайди. Биз жадвалларда [ҳайитлар] рўпарасида вожиб, мумкин ва мумкин эмасликни кўрсатдик. Вожиб ва мумкин эмаслик изоҳга эҳтиёжсиз ҳодисалардандир. Аммо мумкинлик шуқи, йил боши ўзининг

бўлишига яроқли кунларга тўғри келиб, кейин шу кунларда ҳайитлар қизил рангда бўлса, ундай кунлар оддий йилларда яроқсиз, худди шу кайфият билан бошқа йилларда яроқли ёки бунинг акси бўлади. Юқорида айтганимиздек, бу жадвалдан нима учун турли кайфиятлардаги [йилларнинг] баъзисининг баъзиси билан кетма-кет кела олиши ва бошқаси билан кела олмаслиги очиқ кўринади. Бунинг [изоҳи] шундай: агар маълум кайфиятдаги [йил] кетидан келувчи йилнинг боши бўлган [кун] бошқа кайфиятдаги йилнинг боши бўлолмаса, шунда уларнинг кетма-кет келиши мумкин, бўлмаса — мумкин эмас. Лекин ноқис йиллардагина мумкин, чунки кетма-кетликнинг мумкин эмаслиги бошқа жиҳатдан бўлиб, бунинг баёни юқорида айтилди.

Далил-исбот жадвали мана бу.

I далил-исбот жадвали

Биринчи кайфиятлар	Иккинчи кайфиятлар	Қисмлар	1-тишрий, [Бошқа ҳам-ма ҳайитлар] шунга эътиборан	Қиббур, 10-тишрий	Аробо, 21-тишрий	Бурий, 14-озор	Пасха, 15-найсан	Ансара, 6-сиван	Келаси йил боши, 1-тишрий
Оддий йил	Ноқис	мумкин эмас	I	III	VII	VII	II	III	IV
		вожиб	2	4	1	1	3	4	5
		мумкин эмас	3	5	2	II	IV	V	VI
		мумкин эмас	IV	VI	3	3	5	6	7
		мумкин эмас	5	7	4	IV	VI	V	1
		мумкин эмас	VI	1	5	5	7	1	2
	Мўътадил	вожиб	7	2	6	6	1	2	3
		мумкин эмас	1	III	VII	1	3	4	5
		мумкин эмас	2	4	I	II	IV	V	VI
		вожиб	3	5	2	3	5	6	7
		мумкин эмас	IV	VI	3	IV	VI	VII	1
		мумкин эмас	5	7	4	5	7	1	2
	Тўлиқ	мумкин эмас	VI	1	5	6	1	2	3
		мумкин эмас	7	2	6	VII	VI	III	IV
		мумкин эмас	I	III	VII	II	IV	V	VI
		вожиб	2	4	1	3	5	6	7
		мумкин эмас	3	5	2	IV	VI	V	1
		мумкин эмас	IV	VI	3	5	7	1	2
		вожиб	5	7	4	6	1	2	3
		мумкин эмас	VI	1	5	VII	II	III	IV
		вожиб	7	2	6	1	3	4	5

II далил-исбот жадвали

287

Биринчи кайфиятлар	Иккинчи кайфиятлар	Қисмлар	1- тишрий. [Бошқа ҳам- ма ҳайит- лар] шунга эътиборан	Киббур, 10-тишрий	Арабо, 21-тишрий	Бурий, 14-тишрий	Пасха, 15-найсан	Ансара, 5-сиван	Келаси йил боши, 1-тишрий
Иббур йил	Ноқис	мумкин эмас	1	III	VII	II	IV	V	VI
		вожиб	2	4	1	3	5	6	7
		мумкин эмас	3	5	2	IV	VI	VII	1
		мумкин эмас	IV	VI	3	5	7	1	2
		мумкин	5	7	4	6	1	2	3
		мумкин эмас	VI	1	5	VII	II	III	IV
		вожиб	7	2	6	1	3	4	5
		мумкин эмас	1	III	VII	3	5	6	7
		мумкин эмас	2	4	1	IV	VI	VII	1
		вожиб	3	5	2	5	7	1	2
		мумкин эмас	IV	VI	3	6	1	2	3
		мумкин эмас	5	7	4	VII	II	III	IV
	мумкин эмас	VI	1	5	1	3	4	5	
	мумкин эмас	7	2	6	II	IV	V	VI	
	Тўлиқ	мумкин эмас	I	III	V	IV	VI	VII	1
		вожиб	2	4	1	5	7	1	2
		мумкин	3	5	2	6	1	2	3
		мумкин эмас	IV	VI	3	VII	II	III	IV
		вожиб	5	7	4	1	3	4	5
		мумкин эмас	VI	1	5	II	IV	V	VI
		вожиб	7	2	6	3	5	6	7

Христианлар бир неча гуруҳларга бўлинадилар. Улардан биринчиси Маликоия⁸⁶⁹, яъни румликлардир. Уларнинг бундай ном билан аталишларига [сабаб] шуки, Рум подшоҳи шулар мазҳабида бўлган ва Румда булардан бошқа [христиан] гуруҳи бўлмаган.

Иккинчиси — настурия [гуруҳи]. Булар Искандар [эрасининг] етти юз йигирма нечанчи йилида ўз эътиқодини юзага чиқарган Настурига мансубдирлар. Учинчиси Ёқубия гуруҳи.

Ана шулар [христиан] гуруҳларининг улуғларидирлар.

Бу гуруҳлар ораларида дин асоси — ақоним, лоҳутият, носутият ва иттиҳода⁸⁷⁰ [масалаларида] ихтилофлар бор. Шу ихтилофлар сабабли улар бир-бирларидан ажраладилар.

Уларнинг арависия номли гуруҳи бор. Буларнинг [Исо] Масих ҳақидаги фикрлари мусулмонларникига жуда яқин ва [бошқа] ҳамма христианлар айтадигандан жуда узоқдир. Яна бошқа кўпгина гуруҳлари ҳам бор, лекин бу ўринда уларни баён этиш жойи эмас. Мақолалар, эътиқодлар, динлар ва у гуруҳларга қарши раддиялар китоблари бу [масалани] тўла баён этган, унинг бурчак-бурчаклари ва яширин [жойларини] текширган.

Маликоиялар ва настуриялар христиан [гуруҳларининг] сон жиҳатдан энг кўпидир. Зеро Рум ва унинг атрофидагилар — ҳаммаси маликоия; Шом, Ироқ ва Хуросондагиларнинг аксари настуриядирлар. Ёқубияларга келганда, буларнинг аксари қибтийлар ва Миср атрофида яшовчилардир.

Христианларнинг сурияликлар ойларида эътибор қиладиган кунлари бор, буларнинг баъзисида ҳаммалари бир фикрда бўлиб, бошқасида келишолмайдилар. Бир фикрда бўлганлари — у кунларнинг улар мазҳабларида ажралиш пайдо бўлишидан олдин машхурлиги жиҳатидан; ихтилофлари эса ўша кунларнинг бошқада бўлмай, маълум бир мазҳаб ва бир жойга хослигидандир.

Уларнинг катта рўзаларига қўшиладиган яна бошқа кунлари ва машхур кунларига тегишли ҳафталари ҳам бор. Буларда ҳам аввалгилардаги сингари келишиш ва ихтилофлар [мавжуддир].

Мен, [аввало], маликоиялар Хоразмда сурёнийлар ойларида эътибор этадиган кунларни баён этаман. Христиан, яҳудий ва мажусий

халқларининг турли мамлакатларда машҳур катта ҳайитлардан ташқари бошқа байрамлар ва маълум кунлар ҳақида бир фикрга келишишлари кам учрайди, умумий аҳволга кўра [катта ҳайитлардан] бошқада улар келишолмайдилар.

Сўнгра, уларнинг рўзасини, рўзага тегишли ва ҳаммалари бир фикрга келган кунларни баён этиб, ундан кейин настуриялар эътибор этадиган ҳайитлар ва хотирлайдиган кунларини, худо хоҳласа, айтиб ўтаман.

Тишрин аввал. Бу ойнинг биринчиси — Булиснинг шогирди шаҳид этилган епископ Ханинни хотирлаш куни. Уларда бундай хотирлаш кунлари хусусида шундай одатлари ҳам бор: ўша кун эгасини эслаб, уни дуо қиладилар, мақтайдилар ва унинг номидан худога ялиниб-ёлборадилар. Шу куни ва ундан кейинги [кунларда] то бошқа хотирлаш кунигача туғилган болаларни [Ханин] номи билан атайдилар. Баъзан хотирлаш кунларини бир-бирларига тақсим этиб: «фалоний [ҳам] фалончи [авлиёнинг] хотирлаш куни эгасидир» дейдилар ва ўша хотирлаш куни келгач, у кишининг атрофига тўпланадилар. У йигилганларни меҳмон қилиб, овқатлантиради.

Иккинчи кун — бир неча кишилар билан бирга шаҳид бўлган Хурис ан-Нажронийни хотирлаш куни.

289

Учинчи куни — эрлар кийимини кийиб роҳиблик қилган ва ўзининг аёллигини роҳиблардан яширган роҳиба Морияни хотирлаш куни. Кейин бу аёл бир хотинга қонундан ташқари алоқада бўлганликда айбланган; шунда ҳам бу азиятга чидаган ва то ўлгунича ўзининг аёллигини билдирмаган. У ўлгач, ювмоқчи бўлганларида аёллик андоми кўриниб, унинг ҳоли ва ғайриқонуний алоқадан поклиги маълум бўлган.

Тўртинчи куни — Булиснинг шогирди мунажжим, епископ Дивнисюни хотирлаш куни.

Шу [юқоридаги] насаблар диний мартабалардир. Чунки христиан динида [руҳонийлари] учун тўққиз хил мартаба бор: биринчиси — «[черков] хонишчиси», иккинчиси — «қироатхон», учинчиси — «иподиакон», тўртинчиси — «диакон», бу [арабча] «шаммос» дир, бешинчиси — «кашиш», бу [арабча] «қасс» дир, олтинчиси — «епископ», бу [арабча] «ускуф» дир, у митрополит қўл остида бўлади. Еттинчиси «митрополит», бу жослиқ қўл остида бўлади. Хуросон маликоияларининг митрополити Марвда туради.

Саккизинчиси — қатолиқос, бу [арабча] «жослиқ» дир.⁸⁷¹ Ислол мамлакатларидаги маликоиялар «жослиқи» Тинчлик шаҳрида туради. Бу Антокия патриархи қўл остидадир. Настуриялар «жослиқи» эса улар кўлчилигининг розилиги билан амралмўмнинин халифа томонидан тайинланади.

Тўққизинчиси — патриарх. Бу [арабча] «батриқ» дир. Бу мартаба фақат маликоияларга хос.

Христиан динида «батриқлар» ҳамиша тўртта бўлади, қачон бири ўлса, унинг ўрнига қолган «батриқлар» нинг, «жослиқлар» ва бошқа [диний] мартабалар эгаларининг келишуви билан, бошқаси қўйилади. «Батриқлар» нинг биринчиси — Қустантинияда, иккинчиси — Румда, учинчиси — Искандарияда, тўртинчиси Антокияда туради. Бу шаҳарларни «тахтлар» деб атайдилар.

Батриқликдан юқори ва хонишчидан қуйи мартаба йўқ. Балки, кўпинча, мартабаларни шаммосгача санаб, хонишчилар ва қурбонлик сўйиладиган жойлар хизматчиларини мартаба эгалари қаторига қўшмайдилар. Мартаба эгаларидан ҳар бирининг махсус вазифалари, қондалари ва бу китобда изоҳ этиш ўрни бўлмаган ҳоллари бор.

Котиб Абу-л-Ҳусайн Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ал-Аҳвазий «Румликлар маорифи ҳақида китоб» [асарида] Қўстантинияда ва Рум мамлакатларида кўрган диний ва сиёсий мартабаларни ҳикоя қилиб, мана [бундай] дейди: «Диний [мартабаларнинг] биринчиси патриарх, бунинг фармони [бутун] мамлакатга ўтади. Кейин «Хроникос», бу энг катта ибодатхонанинг эгаси, кейин епископ, яъни усқуф. Кейин «митрополитес», бу ҳокимдир; кейин «гуменос», бу христианлар улуғлайдиган ибодатхонанинг эгаси; кейин «қалужарс», бу мартаба гуменосга яқиндир; кейин попос, яъни «қасс»; кейин дякон, бу «шаммосдир».

Мартабалар хусусида биз айтиб ўтганлар ишончли, чунки Абу-л-Ҳусайн [диний] мартаба аҳлларига, гарчи улуғ кишилар бўлсалар ҳам, ундай [мартабалар] эгаси бўлмаганларни аралаштириб юборган. Баъзан [бу кишилар] ўша диний мартабалар эгаларидан бўлиб қоладилар, лекин Абу-л-Ҳусайн баён этган тавсиф [мартабаларга] тўғри келмайди.

Дунёвий ва сиёсий мартабаларга келсак, буларнинг аввалгиси — «Басилевс», бу Рум подшоҳи Қайсардир. Кейин Лағасит, бу Қайсарнинг вазири ва турли тиллардан [таржима этувчи] таржимондир. 290 Ундан кейин «паракимоминус» — дарвозабонлар раиси. Кейин «домастик» — аскарбоши; кейин — «аксиотос», бу — подшоҳнинг қўшиндаги ишончли кишиси бўлиб, «домастик» сингаридир — бу иккисининг мартабаси бир-бириникдан қуйи эмас. Кейин «архонтархон», бу — «батриқлар» унинг қўл остида бўладиган киши. Кейин патриқос, бу [арабча] «батриқ» дир. Қўшиндаги «батриқлар» биз баён этган диний мартабалардаги [кишилар] сингари эмас, катта аскарбошилар кабидирлар. Икки исмнинг бир-бирига ўхшаб қолишидан қўрққан киши диний [батриқни] «батрақ» деб атайди. Кейин «роғотор». Бу қўшинни намоиш қилдирувчи ва уларга маош тақсим этувчидир. Кейин «исродигус» мартабаси, бу «батриқ» нинг ярим [мартабасига] эга. Кейин «протос-баторос, бу — подшоҳнинг «батриқ» қўл остидаги лашкарда ишончли кишиси бўлиб, «батриқ» ўз ишларида шунга мурожаат қилади.

Кейин «мағловитес» — подшоҳ қамчинини сақловчи, кейин «эксархос» — минг кишига бошлиқ, кейин «қатонтос» — юз кишига бошлиқ. Кейин «пентиқонтос» — эллик кишига бошлиқ, кейин «тассарақонтос» — қирқ кишига бошлиқ, кейин «трианторос» — ўттиз кишига бошлиқ, кейин «икситос» — йигирма кишига бошлиқ, сўнгра «диқархос» — ўн кишига бошлиқ.

[Мақсадга] қайтиб айтамиз:

Бу ойнинг бешинчи куни — Уфсус шаҳридаги «асҳоби қаҳф»ни хотирлаш куни. Булар азиз Қуръонда эсга олинган⁸⁷². Халифа ал-Муътасим «асҳоби қаҳф»лар жойини кўрган ва уларга қўлини тегизган кишини ўз элчиси билан бирга Рум подшоҳига юборган. Бу хабар машҳурдир, қўл тегизган киши Муҳаммад ибн Мусо ибн Шокир бўлса ҳам, у қўл тегизилганлари «асҳоб қаҳф»ми ёки бошқа ўликлар бўлиб, бўяма нарсами деб, шубҳа келтиради. Мунажжим Али ибн Яҳъё бир газотдан

қайтаётганида ўша жойга кирганини, у жой кичик бир тоғ бўлиб, тагининг диаметри минг газдан кам эканини, унинг ер юзасидан бошланувчи ер ости йўли борлигини, шу йўл уч юз қадам миқдори кириб бориб, сени тоғда ўймакор устунлар устига қурилган бир равоққа олиб чиқишини ва бу равоқда бир қанча хоналар борлигини ҳикоя қилади. Шу жойда у ўн уч кишини кўрганини, булар орасида соқол-мўйлаби сабза урмаган ёш бир йигит ҳам бўлиб, устларида жундан ишланган ташқи ва ички кийимлари, оёқларида махси-ковушлари борлигини, улардан бирининг пешонасига [тушиб турган] сочларини ушлаб тортганида битта ҳам юлиниб чиқмаганини айтади.

[Асҳоби қаҳф] мусулмонлар [сўзи]ча, еттига, христианларча, саккизта. Бундан ортиқ бўлса, кўпинча улар шу ерда ўлган роҳиблар бўлади. Зеро, хусусан, роҳибларнинг жасадлари узоқ вақтгача қолади, чунки уларнинг суyoқликлари тугаб, суяклари билан терилари орасида озгина восита [эт]дан бошқа нарса қолмайди. Кейин худди чироқ ёғи тугаганда сўнганидек, сўнадилар ва баъзан асоларига суяниб, [ўлик] ҳолда узоқ замон [йиқилмай] қоладилар. Бу ҳол уларнинг ибодатхоналарида кўрилган.

Бу айтиб ўтилган йигитлар⁸⁷³ христианларча, уч юз етмиш икки йил, бизнингча, Қуёш йилида уч юз йил турган, [худойи] таоло ҳам Қуръонда махсус сурада улар қиссасини баён этган. Қўшимча тўққиз йилга келганда, бу [Қуёш йили] ой йилига айлантирилгандаги қолдиқдир, ҳақиқатда бу тўққиз йил, етмиш беш кун, ўн олти соат ва соатнинг бешдан тўрти [бўлади]. Лекин ўша замонда [ҳисоб] қилишларига кўра уч юз 291 йил, || бу — ўн бешта кичик давр ва ўн олти йиллик даврининг⁸⁷⁴ ўн беш йилидир. Бу муддат ҳиссаси қўшимча ойларга айлантирилганда бир юз ўн ой бўлиб, қолган йилларда қайси тартибда ҳисобланса ҳам, у тўққиз йил ва икки ой бўлади. Бундай касрлар [одатда] ҳикоя [давомида] эътиборга олинмайди.

Еттинчи куни — икки шаҳид Сергей ва Баҳусани хотирлаш.

Унинчида — Закариё пайғамбарни хотирлаш куни. Азиз Қуръонда айтилиб⁸⁷⁵, Инжилда батафсил айтилишича, шу куни фаришталар унга ўғли Яхъёнинг дунёга келишидан башорат берганлар.

Ун биринчида — усқуф шаҳид Киприяни хотирлаш куни.

Ун тўрттинчида — Григория Навсий хотирланади.

Ун еттинчида — икки шаҳид [ва] табиб Кузмо ва Домионо эсга олинади.

Ун саккизинчида — учинчи Инжил автори Луқо хотирланади.

Йигирма учинчида — шаҳид [аёл] Анастася хотирланади.

Йигирма олтинчида — Закариё ўғли Яхъё бошининг қабрга қўйилиши хотирланади.

Тишрин охир. Бу ойнинг биринчи куни шаҳид Қарнута хотирланади.

Ун биринчисидан — шаҳид Мино хотирланади.

Ун бешинчисидан — Симино, Фуриё ва Абибо шаҳидлар хотирланади.

Ун олтинчида — Марям ўғли Исо Масиҳ туғилиши учун рўза боши.

Бу рўза [Исо туғилишидан] олдин кетма-кет қирқ кун тугилади.

Ун еттинчида — ажойиб мўъжизалар эгаси Григорий хотирланади.

Ун саккизинчида — шаҳид Ромон хотирланади.

Йигирманчида — икки шаҳид Исҳоқ ва унинг шогирди Иброҳим хотирланади.

Йигирма бешинчида — Искандария епископи Пётр хотирланади.

Йигирма еттинчида — парчалаб ташланган Ёқуб хотирланади.

Ўттинчида — шаҳид Андрей ва ҳаворий Андрей хотирланади.

Конун аввал. Бу ойнинг биринчи кунда Илёда биринчи усқуф бўлган Ёқуб хотирланади.

Учинчи кун — христианлик қонунларини тузган Юанна ота хотирланади. Христианларда «ота» деб хитоб қилиш энг ҳурматли таъзимдир, чунки динлари шунга асосланган. Диний қонунлари шариат томонидан кўрсатилган эмас, уларни улуғ раҳбарлари [Исо] Масиҳ ва ҳаворийлари сўзларига асосланиб ўйлаб чиқарганлар; айтиб ўтилган [Юанна] шулар [жумласи]дандир.

Тўртинчи кун — икки шаҳид [аёл] Варвара ва Юлиана хотирланади.

Бешинчида — Байтулмуқаддасда ибодатхона раиси бўлган Совво хотирланади.

Олтинчида — Антокияда батриқ бўлган Николай хотирланади.

Ун учинчида — [маълум] беш шаҳид хотирланади.

Ун еттинчида — Илёда батриқ бўлган Мудесто хотирланади.

Ун саккизинчида — хуросонлик жослиқ Сисин хотирланади. //

292

Йигирманчида — Антокияда учинчи батриқ бўлган Игнатий хотирланади.

Йигирма иккинчида — Юсуф ар-Рамсоний ал-Булутой хотирланади. Тўрттала инжилнинг охирида айтилишича, бу киши ўзи учун тайёрлатган қабрга Масиҳ жасадини дафн этган. Ал-Маъмун ибн Аҳмад ас-Саламий ал-Ҳаравийнинг айтишича, гўё у Байтулмуқаддасда Қиёмат ибодатхонасида бир қубба [ичида] ўша қабрни кўрган. Бу қабр тошга ўйилган ва тепаси тую ўркачи шаклида ишланиб, олтин суви берилган экан. Бу ҳақда қизиқ ҳикоя бўлиб, уни [христианлар] рўзаси бобида баён этамиз. Айтилишича, подшоҳ ҳеч бир кишини, то ўша қабрни зиёрат қилмагунича, Румга ўтказмас экан.

Йигирма учинчида — шаҳид Жилосий хотирланади. Шу ойнинг йигирма бешинчи кундан олдин келадиган кечада — бу румликлар усулича ўша йигирма бешинчи куннинг кечаси — «ялидо», яъни Исонинг туғилиш ҳайити бўлади. Шу кеча у вақтда пайшанба кечаси эди. Кўпчилик одамлар ўша пайшанбани [конун аввалнинг] йигирма бешинчида деб ўйлайдилар, бундай эмас, балки у йигирма олтинчисидир. Хоҳлаган киши шу [милод] йилини аниқлаш учун юқорида кўрсатилган йўллар орқали буни тажриба қилсин. Шунда ўша йил конун аввалнинг боши якшанба кунига тўғри келади.

Йигирма олтинчида — Довуд пайғамбар ва Илёда усқуф бўлган Ёқуб хотирланади.

Йигирма еттинчида — шаммослар раиси Стефан хотирланади.

Йигирма саккизинчида инжил бошида айтилганидек, Ҳирадус подшоҳ ал-Ҳалил шаҳри болаларини ва чақалоқларини ўлдиргани ва шулар қаторида Исони ҳам ўлдириш мақсадида қидиргани хотирланади.

Йигирма тўққизинчида — шаҳид Антоний хотирланади. Гумон этишларича, бу киши Ҳорун ар-Рашид амакисининг ўғли Абу Равҳдир. У ислом динидан кейин христиан динини қабул қилган, шунда Ҳорун уни дорга остирган. Христианларда у ҳақда узун ва ажойиб қисса бў-

либ, дoston ва тарих китобларида уни ёки ўшанга ўхшаш қиссани эшитмадик ва ўқимадик. Шу билан бирга, христианлар бундайларни, айниқса, диёнатларига алоқадор хабарларни тасҳиҳ этмай ва ривоятларни текширмай, эшитиб тасдиқ этаверадилар.

Конун охир. Бу ойнинг биринчи куни Василий хотирланади, бу калиндос ҳайити ҳамдир. Калиндоснинг маъносини «яхшилик бўлсин» демакдир. Шу куни христиан болалари йиғилиб, уйма-уй кезиб чиқади-лар ва бир уйдан иккинчи уйга ўтиб, баланд овоз ва оҳанг билан «калиндос, калиндос» деб қичқирадилар. Ҳар бир уйда уларга овқат берилиб, косаларда шароблар ичирилади. Баъзилар гумонича, шу куни Марям [Исони] туққанига бир ҳафта тўлиб, румликларда йил боши бўлганидан шундай қилинади. Бошқалар айтишича, Арий фикри юзга чиқиб, тобе кишилар унга эргашгач, у [Рум] ибодатхоналаридан бирини эгаллаган. Бу ибодатхона қатновчилари у билан тортишганлар, сўнгра [Ўзаро] келишиб, ибодатхона эшигини уч кун қулфлаб қўйишга, кейин биргаликда эшикка келиб навбати билан [дуо] ўқишга, шунда кимга эшик очилса, у ибодатхонага [киришга] ҳақли бўлишига сулҳ тузганлар. Улар шундай қилганлар. Эшик Арийга очилмай, ибодатхонага қатновчиларга очилган. Айтишларича, шу сабабдан христиан болалари // — уларга ўша вақтда берилган севинчли хабарга ўхшатиб — шундай қиладилар.

293

Иккинчи куни — Қустантания аҳолиси унинг қўл остида христиан динини қабул этган митрополит Силвестрни хотирлашдир.

Бешинчида — «данҳ» ҳайити олдидан рўза.

Олтинчисида — «данҳ», бу данҳ ҳайитининг ўзи ва инжилда баён этилишича, Яхъё ибн Закариё [Исо] Масиҳ ўттиз ёшга тўлгач, пок [илоҳий] руҳ осмондан каптар суратида тушиб, унга қўшилганида, уни чўқинтирган ва Урдун дарёсида салиб ювилган сувга чўмилтирган кундир. Христианлар болалари уч ёки тўрт ёшга етганида шундай қилади-лар. Усқуф ва кашишлари бир тосни сув билан тўлдириб, унга [дуо] ўқийдилар, кейин болани шу сувда чўмилтирадилар. Болага шундай қилгач, уни христиан қилган бўладилар. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг: «Ҳар бир янги туғилувчи бола [барча эътиқодлардан соф] табиатда туғилади, ниҳоят ота-онаси уни яҳудий, христиан ёки мажусий қилади» дегани шудир.

Абу-л-Ҳусайн ал-Аҳвозий «Румликлар маорифи ҳақида китоб» [асарида] христиан бўлишни мана бундай тавсифлаган: «Ибодатхонада болага эрталаб ва кечқурун дуо ўқилади, еттинчи кун яланғоч қилиб, бутун баданига зайтун ёғи суртилади. Кейин ибодатхона ўртасидаги баланд жойга қўйилган мрамар тосга иссиқ сув қўйилади, кашиш бу сув юзига зайтун ёғи билан бешта нуқта солади: салиб шаклида тўртта ва ўртага битта. Сўнгра [болани] кўтариб, оёқлари йиғилади ва ўртадаги нуқта устига тушириб, сувга ўтқазилади. Кашиш [тўрт] томоннинг бирдан кафтини тўлдириб сув олади ва боланинг бошига қуюди. Кейин бошқа томондан [олади], ниҳоят салиб шаклида тўрт томонга келиб [сув] олиб қуюди. Сўнгра кашиш четроқ туриб, болани сувдан олмоқчи бўлган киши — бу болани сувга ўтқазган киши — келади. Кашиш болани чўмилтиради, ибодатхонадаги кишилар [дуо] ўқишади. Кейин бола сувдан чиқарилади ва чойшабга ўраб, оёғи ерга тегмаслиги учун кўтариб турилади. Ибодатхонадагиларнинг ҳаммаси етти марта «кирие, элей-

сон!», яъни «ёраб, бизга марҳамат қил!» деб қичқирадилар. Болага кўтариб турилгани ҳолда кийимлари кийгизилади. Кейин у ерга қўйилади, Бола етти кун ибодатхонада қолади ёки келиб-кетиб туради. Еттинчи кун бўлганда кашиш уни зайтун ёғи суртмай ва аввалгидан бошқа тосда чўмилтиради.

Шу ойнинг ўн биринчи куни — ўзига-ўзи оғир темир юклаган ва азоб чеккан роҳиб Феодосийни хотирлаш.

Ўн учинчиси — «данҳ» ҳайити тамом бўладиган ва Сино тоғида пок солиҳ кишилар ўлдирилган [кун].

Ўн бешинчи куни — Дамашқ батриқи Пётрни хотирлаш куни.

Ўн еттинчида — роҳибларнинг биринчиси ва раиси Антонийни хотирлаш.

Йигирманчида — роҳиб [ва] муаллим Ефимийни хотирлаш.

Йигирма биринчида — [оиласиз], якка роҳиб Максимни хотирлаш.

Йигирма иккинчида — христианларнинг қонун-қоидаларини ишлаб чиққан Қузмани хотирлаш.

Йигирма бешинчида — шаҳид этилиб, оловда куйдирилган || Поликарпни хотирлаш. 294

Йигирма еттинчида — «олтин оғизлик» лақабини олган Евоннисни хотирлаш. «Евоннис» Юҳанно исмининг румийча талаффузидир.

Ўттиз биринчида — икки шаҳид — Евоннис ва Қўрсни хотирлаш.

Шубот. Бу ойнинг биринчи куни муаллим Ифримни хотирлаш.

Иккинчида — шам ҳайити. Бу Марямнинг Исони туққанидан кейин қирк кун ўтгач, у билан бирга Байтулмуқаддас ибодатхонасига келиши. Бу Ёқубиялар ҳайити бўлиб, уларча улуғ байрамдир. Айтилишича, шу куни яҳудийлар ўз болаларини ибодатхоналарига олиб келадилар ва уларга Тавротдан ўқитадилар. Агар бу шундай бўлса, албатта, у шуботда эмас, шафат [ойида] бўлади, чунки яҳудийлар сурёний ойларини ишлатмайдилар. Шу кундан бошлаб то озордан саккиз кун ўтгунича [Ёқубиялар] биринчи рўзаси бўлади. Худо хоҳласа, келгусида у рўзани баён этаман. Улар рўза тутганларида биз [қўйида] айтадиган хотирлаш [кунларидан] шанбага тўғри келганинигина ишлатадилар, улар фақат шанба кунини ишлатадилар.

Учинчи куни — Белос шаҳидни хотирлаш куни; уни мажусийлар ўлдиришган.

Бешинчида — Хуросонга дастлаб христианликни келтирган жослиқ Сисни хотирлаш.

Йигирма тўртинчида — чўқинтирувчи, яъни Яҳъё ибн Закариё калласининг топилганини хотирлаш.

Озор. Бу ойнинг тўққизинчи куни олов, совуқ ва ях билан жазоланган қирқ шаҳидни хотирлаш куни.

Ўн биринчи куни — Байтулмуқаддас батриқи Суфронияни хотирлаш куни.

Йигирма бешинчида — «хушxabар» ҳайити. Бу Жабраил алайҳиссаломнинг Марям ҳузурига кириб, [Исо] Масиҳнинг [дунёга келиши] ҳақида башорат қилган [кун]. Шундан то Исо туғилгунича тўққиз ой ва беш кундан ортироқ вақт ўтган. Бу она қорнида боланинг жойлашиб туриши учун табиий муддатдир. Исо, гарчи унинг отаси инсон бўлмай, муқаддас руҳ бўлган бўлса ҳам⁸⁷⁶, дунёда табиат тақозосича, йўналиш-

дан холи бўлмаган. Демак, унинг ҳам [она] қорнида табиий муддат турган бўлиши тўғривидир.

Искандар тарихининг уч юз учинчи йили озорнинг йигирма бешинчиси душанба куни Байтулмақаддасда ойнинг шу куни кун ярмида аниқланган ўрни Савр буржи биринчи даражасининг қарийб олти бўлагидан бештасида бўлган. Гороскоплардан мисрлик Ҳирмис йўлидан юрувчи кишиларча, Масих толеининг Ҳамал охири ва Савр аввалида бўлиши лозимдир. Лекин у буржлар Исо туғилган вақтда кундуз куни чиққан, зеро Байтулмақаддасда туғилиш кечасидан кейинги пайшанба куни кун ярмида — Қуёшнинг аниқланган ўрни Жадийнинг қарийб икки бутун ва учдан бир даражасида — бўлган. // Улар мазҳабига кўра мил-од кечаси туғилган ҳар бир боланинг [она қорнида] ўша айтилган муддатча туриши керак бўлиб, Ой ер остида толе даражасидан қарийб ўз даврасининг ўндан бирича узоқлашган бўлади. Биз буни ойнинг «хуш-хабар куни»даги ўрнидан билганимизда, толе Ҳут буржининг қарийб бешдан тўртда бўлди. Қонун аввалнинг йигирма беши Ой ўз даврасининг ўндан бири миқдорича ер тагига узоқлашган вақтда унинг ўрнини аниқлаганимизда эса толе Ҳамал буржининг қарийб учдан иккисиде бўлди. Бу иккала ҳисоб ҳам тўғри келмади, чунки милод [эрасини] қўлловчилар унинг кечаси юз берганини билдирадидлар. Ҳисобимиз натижаси эса кундуздир. Бу ҳол гороскопларнинг яроқсизлигини кўрсатувчи далиллардан биридир. Худо ажални кечиктириб, ўз раҳмати билан оғриқ ва касалликлар қолдиқларини биздан кўтарса, гороскоплар хиллари ва турлари ҳақида гапириш учун, худо хоҳласа, алоҳида китоб тузамиз. У гороскопларни тўла баён этади ва улардаги ҳақиқатни яширин қолдирмайди.

Найсон. Бу ойнинг биринчи куни [сира] ифтор қилмай, кетма-кет қирқ кун рўза тутган египтлик⁸⁷⁷ Марямни хотирлаш куни. Бу хотирлаш маросими рўзадан [чиққандан] кейинги жуманинг аввалида ижро этилади. Бу жума куни шарт қилингани учун биричи найсонга тўғри келмайди. Лекин даврлар [ҳозирги] ўтаётган йилни қўшиб Искандар эрасининг бошидан ҳисобланганда, Қуёш даврида фақат тўрт марта — тўртинчи, ўнинчи, ўн бешинчи ва йигирма биринчи йилда тўғри келади.

Ўн бешинчи куни — бир юз эллик шаҳидни хотирлаш куни.

Йигирма биринчиси — олти синодни хотирлаш куни. «Синод» — нинг маъноси қисис, усқуф ва булардан бошқа [юқорида] зикр қилинган мартабалар эгаларидан иборат христиан [руҳоний] олимларининг бирон янгиликка қарши дуойи бад қилиш ва лаънат ўқиш учун ёки дин ишларидан аҳамиятли бирон масалани ҳал этиш учун тўпланишларидир. Бу бир қанча замонлар ўтмасдан ўз вақтига тўғри келмайди ва қачон тўғри келса, унинг тарихи сақланади. Баъзан бу табаррук ва ибодат учун қўлланилади.

Олти синоднинг биринчиси уч юз ўн саккиз усқуфнинг Ниқия шаҳрида подшоҳ Қустантин ҳузурига йиғилишидир. Бунга Арий сабаб бўлган. У [уч] «уқнум»да⁸⁷⁸ ҳамма руҳонийларнинг ота-она икки «уқнум» ини абадий дейишларида ва рўзадан чиқиш [Исо] Масихнинг пайғамбар бўлганидан кейинги яқшанбада ижро этилиши ҳақида бир фикрга келишларида уларга қарши бўлган. Лекин уларнинг баъзилари: «Рўздан чиқишни яҳудий пасха ойининг ўн тўртинчисиде ижро этамиз», — деганлар.

Иккинчи синод бир юз эллик усқуфнинг Қустантияда Аркадийнинг ўғли подшоҳ катта Фиодос ҳузурида йиғилишларидир. Бунга «Руҳ душмани» лақабли бир киши сабаб бўлган. Чунки у руҳонийлар жамоасининг пок руҳни тавсиф этишларига ва бу учинчи уқнумни абдий дейишларига қаршилик қилган.

Учинчи синод икки юз усқуфнинг Ифсис шаҳрида подшоҳ кичик Фиодос ҳузурига йиғилишидир. Бунга || Қустантия батриқи ва на- 296
тур [мазҳабидаги] христианларнинг бошлиғи Настурнинг [Исо худонинг] ўғлилиги уқнумида руҳонийларга қарши чиққани сабаб бўлган.

Тўртинчи синод олти юз ўттиз усқуфнинг Халидуния шаҳрида Марқийен подшоҳ ҳузурига Ўтих сабабли йиғилишидир, Чунки у: «Раббимиз Исо жасади яккаликдан олдин — икки табиатдан, яккаликдан кейин бир табиатдан [иборат] бўлди», — деган.

Бешинчи синод усқуфларнинг Массиса Руҳо бошлиқлари ва христианлар усулига қарши бошқа кишиларга лаънат айтиш учун Юстиниан ҳузурига йиғилишларидир.

Олтинчи синод Қустантияда имонли Қустантин ҳузурида [чақирилган]. Бунда бир юз саксон тўққиз усқуф йиғилган. [Бу синодга] Кир ва сеҳргар Симон сабаб бўлган.

Бу ойнинг йигирма учинчисида — турли азоблар бериб ўлдирилган шахид Морживржни хотирлаш.

Йигирма тўртинчида — иккинчи инжил муаллифи Морқни хотирлаш.

Йигирма бешинчида — Хуросонда жослиқ бўлган Илени хотирлаш.

Йигирма еттинчида — Христофорани хотирлаш.

Ўттизинчиси — Хузистонда ёнидаги христианлар билан биргаликда ўлдирилган жослиқ Шамъун ибн Сабойни хотирлаш.

Айёр. Бу ойнинг биринчи куни — Арамё пайғамбарни хотирлаш.

Иккинчида — батриқ Афанасийни хотирлаш.

Тўртинчида — гул байрами. Бу эски одат бўлиб, Хоразмда ҳам ўтказилади. Шу [куни] ибодатхоналарга қизил гул келтирилади. Бу байрамнинг сабаби: Марям шу куни Яҳъёнинг онаси Елизаветага бу гулнинг дастлаб очилганини туҳфа қилган.

Олтинчида — Айюб пайғамбар хотирланади.

Еттинчида — осмонда салиб кўрингани ҳайити. [Христиан] тадқиқотчиларининг айтишларича, «зафар қозонган» Қустантин замонида осмонда олов ёки нурдан вужудга келган салиб шакли кўринган. Шунда подшоҳ Қустантинга: «Бу белгини байроғингга қўй, сени чўчи-тиб турган подшоҳлар [устидан] тезда ғолиб келасан», — дейилган. Қустантин шундай қилган эди, уларга ғалаба келди ва шунинг учун у христиан динини қабул этди.

Қустантин ўз онаси Еленани салиб таёғини олиб келиш учун Байтулмақаддасга юборди. Онаси у салибни ва [христианлар] гумонича, Масиҳ билан бирга осилган икки ўғрининг икки салиб [таёғини] топди. Натижада Еленага [Исо салиби] шубҳали бўлиб қолди, лекин салибларнинг ҳар бирини бир ўлик устига қўйганида, Исо салиби теккан ўлик тирилди. Шунда у ўша таёқ Исо салиби эканини билди.

Тадқиқотчилардан бўлмаган [христианларнинг] баъзаси, араблар «ал-Қауд» деб атайдиган Дулфин [юлдузлари] суратидаги салибга ишорат қилган. Бу «Насри воқе» [юлдузи] ёнида маълум [тўрт] бурчакли шаклга ўхшаб турган тўртта юлдуздир. Айтилишича, бу ўша

237

вақтда Масиҳ дорга михланган жойнинг тепасида кўринган. Қизиғи шуки, бу кишилар ўйлаб кўрмайдилар; ўйлаганларида кўп йил ва замонлардан бери дунёда юлдузларни кузатиб, улар ҳолатини текширувчи одамлар борлигини билардилар. Бу одамларнинг кейингилари Дулфин юлдузларининг турғун [ёритқичлардан] эканлигини билишда олдингиларига меросхўрлар, || турғун [ёритқичлар] аҳволини текшириб турган улардан олдинги [астрономлар] Дулфин юлдузларини ана шу юқорида айтилган шакл [ва жойда] кўрганлар. Балки христиафларнинг бу гуруҳи салибни улуғлаш ишида кўпинча турли бўямачилик ва сохталикларни қўллайдилар. Масалан, саҳрода Бани Исроил атрофида илон кўпайғач, уларнинг зарарини даф этиш учун худонинг уларга мисдан илон ясашга ва уни тикланган бир ёғочга осиб қўйишга буюрганини далил қилиб: «Бу салибга башорат ва уни эсга тушириш»,— дейдилар. Яна улар: «Мусонинг пайғамбарлик далили унинг ҳассаси эди, ҳасса — узунчоқ чизиқ. Масиҳ келгач, ўз ҳассасини [Мусо ҳассаси] устига ташлаган эди, бундан салиб вужудга келди. Мусо шариати Масиҳ [юзага] келиб комил бўлди. Комил [нарса] ортиқчаликни ҳам, камчиликни ҳам қабул этмайди. Бунга далил шуки, агар салиб устига қайси томондан бўлса ҳам учинчи бир асо ташланса, бундан [йўқ] деган ҳарф ҳосил бўлиб, «ортиқчалик ва камчилик йўқ», деган маъно англашилади»,— дейдилар.

Бу мусулмонлардан турли изоҳлар билан машғул бўлувчи бир гуруҳнинг мана шундай тутуруқсиз гапларидан бошқа нарсага ўхшамайди. Улар „Муҳаммад“ [محمد] исмини инсон суратига ўхшатиб, „мим“ [م] ҳарфи инсоннинг — боши каби, „ҳо“ [ح] — бадани каби, иккинчи „мим“ — қорни каби, „дол“ [د] — икки оёғи каби, дедилар. Гумонимча, бу гуруҳ бош ва қоринни баробар кўришларига, бадандан ўсиб чиққан ҳамма аъзолар сонини ва насл вужудига восита бўладиган аъзони унутишларига қараганда тасвирлашни билмайдилар. Эҳтимол улар эрларни эмас, аёлларни кўзда тутгандирлар. Уларнинг бир ҳарф камайтирилганда ёки бошқа бири ортирилганда суратлари „Муҳаммад“ суратига ўхшайдиган „Ҳамид“ [حميد], „Маҷид“ [مجيد] ва бошқа шу каби исмлар ҳақида нима дейишларини билсам эди. Агар бу исмлардан бири уларга ўхшатган нарсага ўхшатилса, албатта, кулги ва масҳара бўлиб чиқар эди.

Бундан ҳам қизиқроғи шуки, христианларнинг ўша гуруҳи салиб эътиқодини дуруст дейишда пиёнгул чўпини далил келтирадилар. Бу [чўп] кесилса, кесилган жойи сатҳида салиб шакли учратилади; ҳатто христианларнинг баъзиси, шу чўпдаги шакл ўша [Исо дорга михланган] замондан бошлаб кўринган ва тутқаноқ касалли киши бўйнига осиб фойдали ва у ўликларнинг тирилишига далолат беради, деб даъво қиладилар. Ахир у кишилар тиб китобларига қарамайдиларми, фозил Жолинус ўз китобларида ҳикоя қилган Масиҳ замонидан олдинги кишиларнинг шу чўп ҳақидаги сўзларини эшитмайдиларми?

Нафс ва табиатнинг табиий нарсаларга бўлган таъсирларини ўзининг турли эътиқодларига — гарчи эътиқодлари бир-бирига қарама-қарши бўлса ҳам — далил келтирувчи ўз даъвосига мувофиқ далиллар, мурод ва мақсадига мос мисоллар учратади. Лекин қиёс қилинув-

чи нарса билан қиёс учун олинувчи нарса орасини, исботланувчи нарса билан исбот орасини бирлаштирувчи бир сабаб бўлмаса, у далил ва мисоллар қабул этилмайди. Зеро зид нарсаларда иккиталик мавжуд, ўсимлик барглари-нинг кўпиди ва унинг донларида учталиқ топилади: юлдузлар ҳаракатларида, касалликлардаги бухронлар кунларида тўртталиқ, гиёҳлар пояларида, аксар гулларининг баргларида ва томирларида бешталиқ; олтиталиқ эса, [нарсаларнинг] айланаларида табиийдир ва асалари уялари, қор || бўлаклари [шаклида] мавжуддир. 298

Шунга ўхшаш, нафс ва табиат ҳодисаларидан иборат табиий нарсаларда, айниқса гиёҳларда ва уларнинг гулларида [юқорида айтилган] ҳамма сонлар топилади. Албатта, ҳар бир алоҳида жинсдаги гуллардан ҳар бир жинснинг барглари, барглари-нинг бандлари ва томирлари алоҳида адад билан хослангандир. Агар ҳар бир эътиқод эгаси гулларнинг бир жинсини ўз эътиқодига далил қилса, бу қабул этилсагина мумкин бўлади.

Шунингдек, конларда ажойиб табиий нарсалар учратилади. Ҳикоя қилинишича, Байтулмуқаддасда масжид мақсурасида бир тошда «Муҳаммад — худо раҳмат ва саломини унга юборсин — худонинг элчиси» деган сийқа ёзув бор эмиш. Яна шу масжиднинг қибла томони орқасида бир оқ тош бор экан, унда «Меҳрибон ва раҳмдил тангри номи билан, Муҳаммад — худонинг элчиси, Ҳамза унга ёрдам берган» деб битилган эски ёзув бор эмиш. Аммо мусулмонлар амири [Али] номи [битилган] узуклар кўзлари кўпдир, чунки Али исмининг шакли тоғ қазилмаларида кўп учратилади.

Сохта ва бўяма нарсалар шу жинсандир. Масалан, шиа мазҳаби-га чақирувчилардан бири [моддий] фойда кўриладиган бир нарса баён этишимни сўради. Мен унга ал-Қиндийнинг «Ишоратлар китоби»дан ўтқир нарсалардан тайёрланадиган бир дори таркибини ёзиб бердим. У дори сувга томизилиб, ақиқ тошга битилса ва кейин бу оловга яқин тутилса, тошдаги ёзув оқ бўлиб кўринади. У [киши] Муҳаммад, Али ва бошқа исмларни унча диққат билан чиройлик қилмасдан битиб, «Бу фалон жойдан топилган табиий ёзув» деб даъво қилар ва шиалардан кўп пул олар эди.

Дуруст, гуллардаги хусусиятларда ажабланиш ўрни бўлган шундай бир нарса бор: улар очилганда атрофи давралаи бўлган барглари-нинг адади кўпинча геометрия қоидаларига мосдир. Аксар аҳволда у конус шаклисимон бўлакларга бўлиш билан эмас, геометрия усули билан топиладиган ватарларга мувофиқ бўлади. Гуллар орасида барги еттита ёки тўққизта бўлган биронта гулни зўрга топасан, чунки ундай [ададли барг]ларни доирада геометрия усули билан тенг қобирғали [учбурчак] қилиб ишланиши мумкин эмас. Балки [барглари] учта, тўртта, бешта, олтита ва ўн саккизта бўлади. Бу кўпроқ учратиладиган ҳолат бўлиб, аҳён-аҳёнда еттиталиқ ва тўққизталиқ жинс топилиши ёки [юқорида] айтилган турлар орасида — гарчи табиат жинслар ва турларни ўз ҳолича сақласа ҳам — шундай сондаги барглилар топилиши мумкин. Агар сен бир анор дарахтидаги анорлардан биттасининг донларини санасанг, албатта бошқаларининг донлари ҳам ўша саналган доналар ададига баробар чиқади. Бошқа нарсалар ҳам шундай.

Гоҳо табиат ўзига берилган баъзи нарсаларда янглишади. Бу

тадбирли санъаткорнинг ўзига золимлар берадиган тавсифдан жуда юқори эканига далил бўлади.

[Мақсадга] қайтамиз. Бу ойнинг саккизинчи куни—тўртинчи Инжил муаллифи Юҳанно ва роҳиб Арсений хотирланади.

299 Тўққизинчи куни —Ишъе пайгамбар хотирланади. «Додишуъ Инжил таржимасида бу [пайгамбарни] «Шайё» деган. Худо энг яхши билимдондир.

Унинчида — усқуф Дионисий хотирланади.

Ун иккинчида — усқуфлар раиси Япифин хотирланади.

Ун учинчида — шаҳид Юлиан хотирланади.

Ун бешинчида — янги одатга кўра, гул байрами, чунки тўртинчи куни гул кам топилади. Хуросонда аввалгига — [тўртинчига] эмас шунга амал қилинади.

Ун олтинчида — Закариё пайгамбар хотирланади.

Йигирманчида — роҳиб Қирқ хотирланади.

Йигирма иккинчида — ғолиб Қустантин хотирланади. У дастлаб Византияга келиб, унинг атрофини девор билан ўраган киши. Қустантиния унинг номи билан аталган ва [бошқа] подшоҳлар бу ерга ундан кейин келганлар.

Йигирма тўртинчида — ажойиб кўп⁸⁷⁹ ишлар қилган роҳиб Шамъун ёдланади.

Ҳазирон. Бу ойнинг биринчи куни бошоқлар байрами. Бу шундай: буғдой экилган ерлардан бошоқлар олиб келиб, унга дуо ўқийдилар ва [ҳосилга] баракат тилайдилар.

Шу куни Закариё ўғли Яъхё хотирланади. Уни ёдлашни восита қилиб худойи таолодан буғдой [ҳосили] яхши бўлишини сўрайдилар. Бу кунни яҳудийларнинг «ансара» байрами ўрнига қўядилар.

Учинчида — Бухтанассарнинг болаларни куйдиргани хотирланади. Улар: Азариё, Ханино, Мишоил эдилар. Шу куни [Байтулмуқаддасдаги] ибодатхонанинг янгилангани ҳам хотирланади.

Бешинчи куни — батриқ Афанасий хотирланади.

Саккизинчида — настурий мазҳабининг бошлиғи Настурни жамоатдан ҳайдаган Кирилл хотирланади.

Ун иккинчида — Матто, Морқус, Луқо ва Юҳаннолар хотирланади. Булар тўрт Инжил муаллифидир.

Ун саккизинчида — шаҳид Леонтий хотирланади.

Йигирма биринчида — Масихдан икки юз йилча кейин Марвга христианликни олиб келган қиссис Барахий хотирланади.

Йигирма иккинчида — Жабраил, Микоил [каби] фаришталар бошлиқлари хотирланади. Бу билан худога яқин бўлиш ва халойиқдан иссиқ зарарини даф қилишини сўрайдилар.

Йигирма бешинчида — Закариё ўғли Яъхё туғилгани хотирланади. Бунинг [дунёга келиши тўғрисида берилган] башорат вақтидан туғилиш вақтигача икки юз эллик саккиз кун ўтган. Бу саккиз ярим ой ва ойнинг ўндан бири бўлади.

Йигирма олтинчида — азобланган шаҳид [аёл] Февроний хотирланади.

Йигирма тўққизинчида — христианликни ошкор этган муаллим Павла ўлими хотирланади.

Ўттизинчида — Пётр хотирланади. Бу «салиҳлар» раиси Шамъун ас-Сафодир. Салиҳлар — ҳаворийлардирлар.

Таммуз. Бу ойнинг биринчи куни — Масих шогирдлари бўлмиш ўн икки салиҳ хотирланади.

Учинчида — салиҳ Фома хотирланади. Бу киши Масих дорга михлангандан кейин, тирилиб қайтганидан то унинг ён қобиргаларида яҳудийлар зарбаси изини топмагунича унга инонмаган. Ҳиндистонликларга христианликни қабул эттирган киши шудир.

Бешинчида — шаҳид Домисий хотирланади. ||

Еттинчида — шаҳид Прокопий хотирланади.

Саккизинчида — ажойиб ишлар эгаси бўлган Шамъуннинг онаси 300 Марфа хотирланади.

Тўққизинчида — Бухтанассарнинг уч ўғил болани куйдиргани хотирланади. Айтишларича, агар христианлар уларни хотирламасалар, таммуз иссиғи уларга зарар келтирар эмиш.

Ўнинчида — қирқ беш шаҳид хотирланади

Ўн биринчида — шаҳид Фока хотирланади.

Ўн учинчида — шаҳид Тутайл хотирланади.

Ўн тўртинчида — бизнинг замонимизда ўлдирилган марвлик кичик Юҳанно хотирланади.

Ўн бешинчида — Қурёқ ва унинг онаси Юлито хотирланади. Айтишларича, Қурёқ уч ёшида подшоҳларнинг бирига қатъий ҳужжатлар билан қарши чиққан. Унинг қўлида ўн тўрт минг киши христиан динига кирган.

Иигирманчи куни — узум ҳайити. Бу байрам шуки, янги пишган узумдан олиб келадилар ва унга баракат, унумдорлик, сероблик, офатсизлик тилайдилар.

Иигирма биринчида — шаҳид Пафнутий хотирланади.

Иигирма олтинчида — табиб ва шаҳид Пантелеймон хотирланади.

Иигирма еттинчида — Соҳиб ал-Имод⁸⁸⁰ роҳиб Шамъун ёдланади.

Уттизинчида — Масих шогирдлари ёдланади, улар етмиш икки кишидир.

Об. Бу ойнинг биринчи кунда Масихнинг онаси Марямнинг касаллиги рўзаси [бошланади]. Бу [рўза] ўн беш кун бўлиб, охиргиси Марямнинг вафот этган кунидир. Шу биринчи куни Шамуний Мақбоё ҳам хотирланади. Бу [аёлнинг] еттита боласини мажусийлар ўлдириб, товаларда қовирганлар.

Бешинчида — Имрон ўғли Мусо алайҳиссалом хотирланади.

Олтинчида — Фавор тоғи байрами. Бу ҳақда Инжилда мана бундай ҳикоя бор: икки пайғамбар Имрон ўғли Мусо ва Илё, яъни Илёс, Фавор тоғида Масихга кўринганлар. Масихнинг уч саҳобаси Шамъун, Ёқуб ва Юҳанно у билан бирга ухлаб ётган эканлар. Улар уйғониб, пайғамбарларни кўргач, ялиниб: «Хожамиз — Масихни айтмоқчилар — учта соябон ясашга рухсат берасан, бири сен учун, бошқа икkitаси Мусо ва Илёс учун», — деганлар. Сўзларини тугатмасданоқ уларнинг тепасига учта булут келиб соя қилиб турган. Мусо ва Илёс булутга кириб ғойиб бўлганлар. Мусо бу воқеадан кўп йиллар бурун ўлган бўлиб, Илёс тирик экан. Айтишларича, ҳозиргача ҳам тирик, лекин одамлардан яшириниб, уларнинг кўзларига кўринмас эмиш.

Еттинчида — биз юқорида зикр қилган тирик Илёс хотирланади.

Саккизинчида — Илёс шогирди пайғамбар Ялисей хотирланади.

Тўққизинчида — усқуф Равуло хотирланади.

Унинчида — шаҳид Момо хотирланади.

Ун бешинчида — Марям вафоти ҳайити. «Хотирлаш» номи билан «ҳайит» [номи] орасида фарқ бор; ҳайит мартабаси улуғроқ, хотирлаш — қуйироқдир.

Ун олтинчида — Ишъиё, Ирмиё, Закариё ва Ҳазиқил пайғамбарлар хотирланадилар.

301 Ун еттинчида — икки шаҳид Селевка ва унга унашилган қиз — Стротониқ хотирланади.

Йигирманчида — Шамуил пайғамбар хотирланади.

Йигирма биринчида — шаҳид Лиюция хотирланади.

Йигирма олтинчида — кексайиб мункайган роҳиб Савва хотирланади.

Йигирма тўққизинчида — Яҳъё [пайғамбарнинг] ўлдирилиб, калласи кесилгани хотирланади.

Ал-Маъмун ибн Аҳмад ас-Саламий ал-Ҳаравий айтишича, у Байтулмуқаддасда «Устун дарвозаси» дейиладиган дарвоза олдида худди тепалик ва тоғлар сингари тош уюмини кўрган. [Одамлар]: «Бу Зақариё ўғли Яҳъё қони устига ташланган тошлардир, қон қайнаб бу [уюмдан] ошиб кетаверган. Ниҳоят, Бухтанассар ўлдирган одамларининг қонини. [Яҳъё қони] устига қуйган. Шу пайда [қон қайнаши] тўхтаган», — деганлар.

Инжилда сира бундай гап йўқ. Мен ҳам бу тўғрида нима дейишимни билмайман. Чунки Бухтанасар Яҳъё ўлдирилишидан қарийб тўрт юз қирқ беш йил бурун Байтулмуқаддасга келган. [Байтулмуқаддаснинг] иккинчи марта вайронлиги Румнинг икки подшоҳи — Веспасин ва Тит қўлларида бўлган. Гўё Байтулмуқаддасда яшовчилар уни вайрон қилган ҳар бир [кишини] Бухтанассар деб атаганлар. Шу билан бирга, тарихчилардан бирининг мазкур [вайрон этган] Ашконий подшоҳларидан бири Гўдарз ибн Шопур ибн Афғуршоҳ деяётганини [ҳам эшитдим].

Уттивинчи — барча пайғамбарларни — уларга салом — хотирлаш куни.

Айлул. Бунининг биринчи куни — «йил тожи». Шу куни [христианлар] намоз ўқиб, [эски] йилнинг кетиши ва янги [йилнинг] бошланишига дуо қиладилар, чунки йил шу ой билан тугалади.

Учинчида — Нишопурда ўлдирилган етти шаҳидни хотирлаш куни.

Саккизинчида — Марямнинг онаси Аннани ва отаси Ёқимни хотирлаш.

Ун учинчида — ибодатхона янгиланганига намоз ўқиб, ҳайит қилиш, бу ибодатхоналарни янгилаш [байрамидир].

Ун тўртинчида — подшоҳ Кустантин ва унинг онаси Еленанинг салиб [таёғини] топиб, уни яҳудийлар қўлларидан олгани учун байрам. Салиб Байтулмуқаддасда [ерга] кўмиб қўйилган эли, бу ҳақда [юқорида] гапириб ўтилди.

Ун бешинчида — олти синодни хотирлаш.

Ун олтинчида — шаҳид (аёл) Евфимияни хотирлаш.

Йигирманчида — Евистафий, унинг хотини ва онаси — [уч] шаҳидни хотирлаш.

Йигирма учинчида — шаҳид Виталлийни хотирлаш.

Йигирма тўртинчида — оловда куйдирилган [аёл] Фёқлани хотирлаш. Шу [куни] Элиёдаги Тирилиш ибодатхонасига⁸⁸¹ [аталган] ҳайит.

Йигирма бешинчида — икки шаҳид Собинён, Павел ва шаҳид [аёл] Тоттани хотирлаш.

Йигирма саккизинчи — Роҳиб Харитонни хотирлаш.

Йигирма тўққизинчида — Арманистон аҳолисига христиан [дини-ни қабул] қилган усқуф Григорийни хотирлаш.

Маликой [христианларга] тегишли хотирлаш кунлари ва байрамлардан бизнинг билганларимиз ана шулар. Булар орасида настурийлар муҳолиф бўлмайдиганлари ҳам бор. Бу икки мазҳаб ўртасида || рўзани баён этгандан кейин настурийларнинг танҳо ўзлариники бўлган хотирлаш ва байрам кунларини баён этамиз. Чунки рўза барча христианлар учун умумийдир. 302

ХРИСТИАНЛАР РЎЗАСИ, ҲАММАЛАРИ БИР ФИКРГА КЕЛГАН РЎЗАГА ТУТАШИБ КЕЛАДИГАН ҲАЙИТЛАРИ ВА РЎЗА БИЛАН БИРГА ҚЕЛИБ-КЕТАДИГАН МАЪЛУМ КУНЛАРИ УСТИДА СЎЗ

Яҳудийлар пасхасидаги зарур маросимларни, пасханинг шаронитини, уни ҳисоблаб чиқариш кайфияти ва бу [кайфият] сабабларини юқорида қониқарли даражада [ҳатто] орттириб ва энг ниҳоятига етқазиб баён этдик. Христианлар рўзаси яҳудий пасхасининг тобеларидан бўлиб, сабаблари унинг сабабларига туташдир. Биз тангрининг ёрдами, эҳсон ва фазли билан рўза аҳволидан унинг маросимида кўзда тутилган мақсадга мос келадиганларини баён этамиз.

Энди айтамызки, христианлар рўзаси қирқ саккиз кун бўлиб, боши ҳамиша душанба куни, рўзадан чиқиш эса рўза бошидан ҳисоблаганда қирқ тўққизинчи кун бўладиган якшанбага тўғри келади; бу кунни христианлар «саонин» деб атайдилар. Пасханинг «саонин» билан рўзадан чиқиш орасидаги рўза ҳафталарининг охиригида бўлиши, «саонин»дан олдин бўлмаслиги ва рўзанинг охириги кунидан кейин қолмаслиги христианлар лозим деб билган шартлардандир. Яҳудийлар пасхаси айланиб юрадиган чегараларни юқорида баён этдик. Лекин христианлар у чегараларда ҳам, «жайжал»ларда ҳам яҳудийлар билан келишолмайдилар. «Жайжал» сурёнчадан арабчаштирилган бўлиб, «давр» демакдир. Чунки «жайжал» — «ғайғал бўлиб, бу [лафз] ва «маҳзур» лафзи бир маънога эгадир. Лекин ҳар бир миллатда мавжуд шаклларни баён этишимиз керак.

Христианлар «катта маҳзур»ни «индикцио»⁸⁸² деб атайдилар, ammo сўз орасида бу талаффузни қайтара бериш оғирлик қилиши сабабли уни «катта жайжал» деб атайлик.

[Яҳудий ва христианлар орасидаги] бу ихтилофга сабаб шуки, Искандар тарихининг биринчи йили яҳудийлар фикрича, «маҳзур»нинг ўнинчи йили; христианлар фикрича, бу ундоқ эмас, балки ўн учинчи йилидир. Бунинг изоҳи шуки, [христианларнинг] баъзиси Одам ва Искандар [даври] орасини беш минг олтимиш тўққиз йил, бошқаси эса беш минг бир юз саксон йил деб оладилар. Кўпчилик шу охириги [амал]га амал қилади ва ҳисобдонларга машҳури ҳам шудир. Ислом файласуфларининг дастлабкиси бўлмиш ва ҳатто «Бунинг илми Домиёл яширин нарсалар ғоридан чиқариб олган илмдан; бу эса инсонлар отаси Одам амонот қилиб қўйган ўзининг барча илмидир», —

дейилган. Холид ибн Язид ибн Муавия ибн Абу Суфён бундай деган:

Тўла ўн йил, бу билан бирга тўла уч йил,
 Ҳамда саноқли юз йил, тартибланган олти мингга
 қўшилганида

[Муҳаммад] ўз раббиси динини изҳор этди, бу дин
 ҳижрат билан маҳкам барқарор бўлди.

Бу шундайки, ҳижрат Искандар эрасининг тўққиз юз ўттиз учинчи йилида бўлган. Буни олам тарихи бўлмиш олти минг бир юз ўн учдан олиб ташланса, беш минг бир юз саксон қолади. Кейин шу йилларни кичик «жайжал»ларга айлантирганларида ўн икки қолган. Булар эса «жайжал» бошидан то Искандар тарихи бошигача ўтган йиллардир. [Яҳудийлар] «иббур»ни [шу] йиллар ичида 2—5—7—10—13—16—18 ҳисобига кўра тартибга солганлар, чунки бу ўз-ўзидан тартибли бўлиб, эра йилларидан бирон нарса камайтиришга эҳтиёжсиздир.

Пасхани «жайжал»нинг биринчи йили озорнинг йигирма бешинчи кунига қўйганлар, чунки Масиҳ дорга михланган йилнинг пасхаси шуни тақозо этади. Бошқа йиллар пасхаларини [ҳам] бу пасхага мувофиқ тузганлар. Шунда, пасха жуда олдинга сурилса, озорнинг йигирма биринчи куни, жуда кейинга қолдирилса, найсоннинг ўн саккизинчи куни келиб, [икки орадаги муддат] йигирма саккиз кун бўлади. Натижада, пасха жуда олдин сурилганда ҳам, баҳорда кўз кўриб исботлайдиган кеча ва кундуз баробарлигидан икки кунча кейин бўлади. Бу ҳаворийлар қонунларидан еттинчи қонундаги ҳукми юзга чиқариш ва уни ўз жойида сақлаш учундир. У ҳукм мана шу: «Қайси усқуф, қиссис ёки шаммос пасха байрамини кеча-кундуз баробарлигидан олдин қилса, у даражасидан ажратилади».

Агар христианларнинг рўзадан чиқиш куни худди [яҳудийлар] пасхаси [куни] ёки ундан маълум ва ўзгармайдиган узоқликда бўлганда, албатта пасха билан бирга келар, ёки пасха кунлари сингари кунларда унга параллель бўлар эди. Лекин у пасхадан олдин бўлмагач, унинг энг олдинги [вақти] пасханинг энг олдинги вақтидан бир кун кейин бўлади, у кун — озорнинг йигирма иккинчиси. [Рўзадан чиқишнинг] энг кейинги вақти эса пасханинг энг кейинги вақтидан бир ҳафта кейиндир, чунки агар [улар] бир кунга тўғри келганда, рўзадан чиқиш кейинги якшанбада бўлиб, пасхадан бир ҳафта орқада қолади. Пасха энг кейинги вақтида бўлганда, рўзадан чиқиш ҳам найсоннинг йигирма бешинчи куни бўлади. Шунинг учун христианларда рўзадан чиқиш ўттиз беш кун орасида келади. Шу сабабдан рўза боши унга параллель бўлиб, ўша миқдордаги кунлар ичида келади. У кунларнинг биринчиси шуботнинг иккинчи куни бўлиб, охиргиси озорнинг саккизинчи кунидир. Натижада рўза боши билан пасха орасидаги икки хил узоқликнинг энг каттаси — қирқ тўққиз кун ва энг кичиги қирқ икки кун бўлади.

Оддий йилда пасхада [Куёш билан Ойнинг] рўпара келиши билан озорда ёки иббур йилда иккинчи озорда учрашув бўлиши орасида қирқ тўрт кун, етти соат ва соатнинг ўндан бири бор. Бу учрашув ҳамиша [юқорида айтилган] кичик узоқлик боши би-

301 лан катта узоқлик боши орасида ва рўза боши яқинида бўлади || ва [рўза бошини] ҳисоблаб чиқаришда асос тутилади. Ҳисоблаш [мана шундай]: шубот ойида бўладиган учрашувга қаралади ва бу учрашувга икки томондан — яъни олд ва орқа томондан энг яқин бўлган душанба қидирилади. Агар [душанба] рўза чегараси бўлмиш иккинчи шуботдан то саккизинчи озоргача чўзилган [муддатда] бўлса, рўза бошидир. Агар у [душанба] рўза чегарасига етмай, ундан ташқарида бўлса, у учрашув бекор қилиниб, ундан кейинги учрашув ҳам олдингиси сингари текширилади ва шундай қилиб рўза боши топилади.

Пасха, биз айтгандек, [баъзан] йигирма биринчи озоргача етади. бу унинг энг олдинги вақтидир. Агар рўпара келиш шу кунга тўғри келиб, у шанба куни бўлса, йил оддий йил бўлади ва шуботдан тўрт кун ўтгандан кейинги учрашув эътиборга олинади. Бу [учрашувдан] олдинги душанба бунга энг яқин [душанба] бўлиб, шу билан бирга, агар йил оддий йил бўлмаса, ўша [душанба] рўза чегарасининг боши ва рўзанинг биринчи куни бўлади. Агар йил оддий йил бўлса, у [душанба] рўза чегарасида шуботнинг иккинчиси, рўзанинг [эса] биринчи куни ҳам бўлади.

Пасха энг кейин қолганда ўн саккизинчи найсонда келади. Агар рўпара келиш шу кунга тўғри келиб, у якшанба куни бўлса, йил иб-бур бўлади ва эътиборга олинadиган учрашув, яъни иккинчи озордаги учрашув сурёнча озорнинг бешинчи кунинда воқе бўлади. Бу [ойнинг] саккизинчиси ўша учрашувдан кейин келувчи ва унга энг яқин душанба бўлади, чунки сурёнча озорнинг боши душанбадир. Шундай қилиб, рўза боши озорнинг саккизинчи куни бўлиб, бу [кун] рўза чегарасининг охири [ҳам] бўлиб қолади.

Агар биринчи озордаги учрашувга қайтсак, унинг кабисали йилда бешинчи шубот куни воқе бўлишини учратамиз. Шубот боши якшанбага тўғри келади ва олдин ўтган душанба учрашувга энг яқин душанба бўлиб, рўза чегарасининг аввали бўлади. Агар бошқа шартлар топилса эди, у рўза боши бўлишга ҳам ярарди. Бу [шартлар] шуки, агар бу душанбани рўза боши десак, рўзадан чиқиш пасхадан бир ойча олдин воқе бўлади; [яҳудийлар] тутган усулга кўра бу ҳам мумкин эмас.

Агар йил кабисали бўлмаса, учрашув шуботнинг тўртинчи кунинда воқе бўлади. Шунда учрашувдан олдинги душанбаларнинг унга энг яқини биринчи шубот бўлиб, бу [рўза] чегарасидан чиқиб қолади. Натижада у учрашув қолдирилиб, ундан кейинги учрашувга мурожаат қилишимиз керак бўлади.

Масих алайҳиссаломнинг суҳбатдошлари рўза бошини аниқлаш учун олдин яҳудийлар пасхасини билишни лозим топиб, пасха тўғрисида яҳудийлардан фатво олар ва [қай вақтда келишини] сўрадилар. Яҳудийлар эса христианлар билан ораларидаги душманлик сабабли уларни адаштириш учун ҳақиқатнинг тескарисини айтардилар. Шу билан бирга христианларнинг солномалари бир хилда эмас эди. || Ниҳоят, уларнинг кўп ҳисобдонлари рўза бошини ҳисоблаб чиқаришга мутасадди бўлиб, уни хилма-хил даврлар ва турли амалларга қараб ҳисобладилар. Улар «хрониқун» деб аталadиган жадвални ишлатишга келишдилар. Христианлар даъвосича, бу ҳисобни Қайсория усқуфи Евсевий уч юз ўн саккиз нафар усқуф билан бирга биринчи синодда ишлаган.

Христианларнинг "Хроникун" жадвали

Кабиса- лар ин лар	Ой даври	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
	Кўш даври	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Озор	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Озор	Шубот
	1	11	25	18	4	25	11	4	25	11	4	18	11	25	18	4	25	11	4	18
Каб.	2	10	3	17	3	24	17	3	24	10	3	17	10	24	17	3	24	10	3	24
	3	9	1	16	9	23	16	8	23	9	1	23	9	1	16	9	23	16	1	23
	4	7	28	14	7	28	14	7	21	14	28	21	7	28	14	7	21	14	7	21
	5	6	27	19	6	27	13	6	20	13	27	20	6	27	13	6	27	13	6	20
Каб.	6	12	26	20	5	26	12	5	19	12	5	19	11	26	12	5	26	12	5	19
	7	11	3	18	4	25	18	3	25	11	3	18	11	25	18	4	25	11	3	25
	8	9	2	16	9	23	16	2	23	9	2	16	9	2	16	2	23	16	2	23
	9	8	1	15	8	22	15	8	22	8	1	22	8	1	15	8	22	15	1	22
	10	7	28	14	7	28	14	7	21	14	28	21	7	28	14	7	21	14	7	21
Каб.	11	13	27	20	6	27	13	5	20	13	6	20	6	27	13	5	27	13	6	20
	12	11	25	18	4	25	11	4	25	11	4	18	11	25	18	4	25	11	4	18
	13	10	3	17	3	24	17	3	24	10	3	17	10	24	17	3	24	10	3	24
	14	9	2	16	9	23	16	2	23	9	2	16	9	2	16	2	23	16	2	23
Каб.	15	8	29	15	8	29	15	7	22	15	8	22	8	29	15	7	22	15	8	22
	16	6	27	20	6	27	13	6	20	13	27	20	6	27	13	6	27	13	6	20
	17	12	26	19	5	26	12	5	19	12	5	19	11	26	12	5	26	12	5	19
	18	11	25	18	4	25	11	4	25	11	4	18	11	25	18	4	25	11	4	18
Каб.	19	10	2	17	10	24	17	2	24	10	2	17	10	2	17	3	24	17	2	24
	20	8	1	15	8	22	15	8	22	8	1	22	8	1	15	8	22	15	1	22
	21	7	28	14	7	28	14	7	21	14	28	21	7	28	14	7	21	14	7	21
	22	6	27	20	6	27	13	6	20	13	27	20	6	27	13	6	27	13	6	20
Каб.	23	12	26	19	5	26	12	4	26	12	4	19	12	26	12	5	26	12	4	19
	24	10	3	17	3	24	17	3	24	10	3	17	10	24	17	3	24	10	3	24
	25	9	2	16	9	23	16	2	23	9	2	16	9	2	16	2	23	16	2	23
	26	3	1	15	8	22	15	8	22	8	1	22	8	1	15	8	22	15	1	22
Каб.	27	7	28	21	7	28	14	6	21	14	7	21	7	28	14	6	21	14	7	21
	28	12	26	19	5	26	12	5	19	12	5	19	11	26	12	5	26	12	5	19

Хрониқун⁸⁸³ жадвали мана шундай ишланган: Искандар тарихининг тўлиқсиз йиллари олиниб, иккига ажратилади ва унинг бир [бўлаги] йнгирма саккизга тақсим этилиб, чиққан ҳосил ташланади, қолгани Қуёш даври бўлади. Бошқа жойдаги [сонга] ўн иккини қўшиб, мажмуани ўн тўққизга тақсим этилади, қолгани ой даври бўлади. Бу икки даврга тегишли [сонлар] ўз жадвалига киргизилади. Шунда рўза боши иккала даврга муштарак бўлган катакчада — икки бармоқ учрашган жойда топилади. Агар [рақам] қора билан [ёзилган] бўлса, рўза боши шуботда, қизил билан ёзилган бўлса, озорда келади.

«Хрониқун» деб аталадиган бу жадвал катта даврга асосан ишланган. Чунки пасха, биз айтиб ўтганимиздек, шу даврда сурёний ой ҳафтасидаги ўз кунига ва ўз жойига қайтади. Маълум бўлишича, рўза ҳолати ҳам шу давр билан боғлиқдир. [Христианлардан] баъзиси кичик давр билан кифояланиб, Искандар тарихининг тўлиқсиз йилларини олади ва буларга ўн иккини қўшади, мажмуини ўн тўққизга тақсим этиб, қолганини ўртача рўза жадвалидаги ададлар қаторига киргизади. Сўнг жадвалда бунинг рўпарасида турган ададни олади, бу [адад] шубот бошидан то шу кунгача ўтган [кун] бўлади. Кейин шу йилдаги шубот бошини ҳисоблаб, унинг ҳафта ичидаги «аломати»ни аниқлайди. Шунда агар ўртача рўза боши душанба кунига тўғри келса, бу мўътадил рўза бўлади.¶

85

Ўртача рўза жадвали

Кичик давр йиллари	Христианлар таълимотича, пасха кун	Христианлар таълимотича, пасха ойлари	Ўртача рўза	Христианлар пасхаси тақозосича, пасхадан кейин келувчи тишрий боши
1	25	Озор	6	4
2 иббур	13	Найсон	25	23
3	2	Найсон	14	12
4	22	Озор	3	1
5 иббур	10	Найсон	22	20
6	30	Озор	11	9
7 иббур	18	Найсон	30	28
8	7	Найсон	19	17
9	27	Озор	8	6
10 иббур	15	Найсон	27	25
11	4	Найсон	16	14
12	24	Озор	5	3
13 иббур	12	Найсон	24	22
14	1	Найсон	13	11
15	21	Озор	2	31
16 иббур	9	Найсон	21	19
17	29	Озор	10	8
18 иббур	17	Найсон	29	27
19	6	Найсон	18	16

Бу [жадвал] пасха рўзанинг охирги кунда келишига асосан тузилган. Ўртача рўза боши мана шундай ҳисоблаб чиқарилади: Искандар эрасининг тўлиқсиз йиллари олиниб, буларга ўн икки қўшилади ва мажмуани ўн тўққизга тақсим этилиб, қолганини ўн тўққизга кўпайтирилади, чиққан сонга ўн еттини қўшилади, кейин мажмуани ўттизга тақсим этилади. Шунда ўттизга етмаган қолдиқ ўртача рўза [боши] бўлади.

Биз юқорида рўзадан чиқиш пасхадан олдин ва иккисининг бир кунда келмаслигини, балки ҳамиша ундан кейин келиши шарт эканини баён этдик. Бундан мўътадил рўзанинг, унинг душанба кунига тўғри келиш-келмаслигидан қатъий назар, ҳамиша ўртача рўзадан кейин келиши лозим бўлади. Бу кейин келиш, албатта бир ҳафтадан нарига ўтмайди, чунки ўртача рўза билан мўътадил рўза орасига иккитадан бошқа душанба кирмайди. Шу [шартга] асосан шу жадвал «Хрониқун»га мувофиқ бўлади. Агар бу шарт бекор қилиниб, улар айтганга амал қилинса, баъзан иккаласи бир-биридан бир ҳафта фарқ қилади. Масалан, Искандар эрасининг минг уч юз ўн биринчи йилида⁸⁸⁴ шундай фарқ воқе бўлган эди. Хрониқун ўша йил рўзасининг боши ўн иккинчи шубот кунда бўлишини айтади. Бу жадвалда эса ўртача рўза боши бешинчи шуботда бўлиб, душанба кунига тўғри келади. Агар икки жадвал орасидаги бир ҳафта фарқ эътиборга олинмай рўза боши бир ҳафта кейинга қўйилса, иккала жадвал мувофиқлашади. Яҳудийларнинг учрашув ва рўпара келиш ҳақидаги ҳисоблари Хрониқуннинг фойдасига гувоҳлик бермай, қаршисига гувоҳлик беради. Чунки тарихи [юқорида] мисол қилиб кўрсатилган ўша йили ўн тўртинчи найсон сурёнча озорнинг йигирма учинчиси шанба кечаси ўн бир соат ва икки юз ўн бир «ҳалақ»қа тўғри келади. Шунда пасха шанба кун, «саонин»дан бир кун олдин воқе бўлади. Бу дуруст эмас, чунки пасханинг бир қанча шартларидан бири унинг рўза ҳафталаридан охирги ҳафтада воқе бўлишидир. Бунга яна [далил] шуки, ўша йил оддий йилдир, яҳудийлар озорининг учрашуви саккизинчи шубот пайшанба кечасидан тўрт соат ва бир юз икки ҳалақ ўтганда [содир] бўлади. Олдин ўтган душанба бу учрашувга энг яқин душанбадир, чунки икки душанба оралигининг иккита нисфга бўлинадиган жойи пайшанба кунининг боши бўлади. Ўша [олдин ўтган] душанба шуботнинг бешинчиси бўлиб, рўза чегарасидан ташқари эмас, унинг бошидир. Хрониқунда кўрсатилган душанба эса, учрашувдан кейинги душанба бўлиб, шуботнинг ўн иккинчисидир.

[Еритқичларни] кузатиш орқали ижро этиладиган ҳисобларга келганда, булар баъзан хрониқунга, баъзан бошқа [жадвалларга] гувоҳлик беради. Тўғриси шуки, [бу жадвалларнинг] асос ва шартлари еритқичларнинг замонамизда аниқланган ҳаракатлари орқали тузатиб олинди, зеро уларнинг мавқелари ўз ўринларидан жилиб кетган. Айниқса [бу] яҳудийлар [жадвалларига] хосдир, чунки улар ҳисобни жуда майдалаб юборадилар. Майдалаш кўпинча ҳисобга халал етказди.

Христианларга келганда, уларнинг бундай майдалашга эҳтиёжлари йўқ, чунки булар пасха хусусида бир айтиб ўтган нарса билан кифояланиб, учрашув ва рўпара келишларни [аниқлашга] муҳтож эмаслар. Балки уларда [учрашув ва рўпара келишлар] учун махсус жадваллар мавжуд. У [жадваллар] қамарий ойнинг фақат йигирма тўққиз ярим кун бўлишига [асосан] тузилган бўлиб, у кунлар кичик даврда белги-

87 ланган учрашув аввалидан бошланади. Биз яҳудийларга синчиклаш ва фикрлашни даъво қилувчи ва ўзини [уларга] тақлид қилишдан қочувчи қилиб кўрсатувчи бир кишига ёритқичларнинг замонимизда учратилган ҳаракатлари орқали пасхаларни аниқлаш кераклигига ҳужжат кўрсатдик. Бу шундай: Қуёш ва Ойнинг Ҳамал буржида бир-бирига рўпара келиш куни асос қилиб, Қуёшнинг Ҳамал буржидаги кунлари унинг қайтадан айланиши учун чегара қилиб олинади, кейин булар чегаранинг иккала томонидан ҳам чиқмайдиган қилиб ўша рўпара келиш [куни] устига ҳисобланади, ниҳоят пасха баҳорги кеча-кундуз барабарлиги кунидан олдин келмайди || ва Ой фақат кеча-кундуз баробарлиги буржида тўлади — у киши орқасига қайтди ва ўз қўли билан қурган бинони йиқитди. [Ундай] киши, пасхани тақозо этадиган рўпара келишни аниқлашда Ойнинг Қуёш ботишидан олдин чиқиши ва Қуёш чиқишидан кейин ботиши бевосита эътиборга олинган, деб ўйлайди. Баҳшлашув [умидлари] узилиб, ҳужжатлар эшиклари юзларига ёпилгач, шундай воситаларга тутунадилар ва ёлғонлиги [яққол] кўриниб турган беҳуда нарсаларга ёпишадилар. Пухта [қуръон] улар ҳақида мана бундай деган: «Улар [ҳақиқатларга] кўнгиллари инонгани ҳолда, ўзларига зулм қилиб ва ўзларини юқори тутиб, буни инкор этдилар»⁸⁸⁵.

Бу умиди узилганларнинг айтгани пасха ҳисобида асос қилиб олинган шартларга алоқасиздир, чунки Қуёш ботишидан олдин Ой чиқиши ва Қуёш чиққанидан кейин Ой ботиши бошқа сабаблар натижасидир. Бу сабабларнинг бири — рўпара келишнинг кеча ярмида бўлиши, иккинчиси — кечанинг узунлиги, учинчиси — ойнинг ўз ҳаракатидаги тезлиги, тўртинчиси — мамлакатларнинг шимол томон узоқларида бўлиши, бешинчиси — ой кенглигидан кўп қисмининг мамлакат кенглиги юзасига тўғри келишидир. Шу беш сабаб натижасида [Қуёш ва Ойнинг] энг қисқа вақтларда [бир-бири билан] яқинлашишлари ва аввалидан охиригача тафовутли [муддатларда] учрашишлари воқе бўлади. Бундай ҳолларда улар айтган аҳволнинг вужудга келишида пасха келиб туриш муддатига [ҳеч қандай] эҳтиёж тушмайди. Лекин бу аҳвол ҳар вақт мавжуд, аммо у баҳордан кўра қишда кўпроқ учратилади. Бу [аҳволни] далил қилиб келтирувчига мана бу [шеър] мисол бўлади:

Хўл бўлмайин деб ёмғирдан қочдим,
Узимни тарнов тагида кўрдим.

Мусулмонларга қарши гапириб, улар аҳли китоб ҳисобларини ишлатадилар, деб айбловчи «жадвали мужаррад» соҳиблари қаердалар? Улар аҳли китоб асос қилиб олган нарсага ва аҳли китоб ўзларини [муҳим] бир асосга тутинган деб гумон этишларига жами мусулмонларнинг қарши эканини кўрсинлар ва мусулмонлар тутган йўлнинг йиллар ва асрлар ихтилофига қарамай, аниқ ҳақиқат эканини ёки ундан бошқа учинчи бир йўлнинг нотўғрилигини билсинлар! Лекин улар «тангри нурини пуфлаб ўчирмоқчи бўладилар. Тангри кофирлар ёқтирмасалар ҳам, ўз нурини тўла бўлишидан бошқа нарсага тўсқинлик қилади»⁸⁸⁶.

Христианларнинг рўза муддатини аниқлашда «Хроникун»га мувофиқ келадиган жадвали бор. Лекин бунинг вазияти чиройлик, тузилиши ажойиб ва ишланиши қизиқдир. Бу жадвал мана бундай ишланади: Искандар [эрасининг] йиллари камайиб бораётган йил билан [қў-

шилиб], Қуёш даврларига айлантирилади, қолдиқ ёдда сақланади. Кейин Искандар йилларига ўн иккени қўшиб, ой даврларига айлантирилади ва қолдиқ ёдда сақланади. Қуёш даврларига айлантирилгандан қолгани Қуёш даври қаторига ёзилади ва унинг рўпарасида турган йил асли олиб, ёдда сақланади. Кейин ой даврларидаги [сон] ой даври қаторига ёзилади. Сўнгра унинг рўпарасидаги етти қаторнинг биринчисидан бошлаб жадвал энига қараб, ёдда сақланган йил асли ададича бир неча хона саналади. Кейин жадвал қўйисига томон қизил билан битилган бир рақамга етгунича бармоқ юргизиб қаралади. Шунда агар йил кабисали бўлса, алиф рўпарасидаги кабисали йил рўзаси, агар йил кабисасиз бўлса, оддий йил рўзаси бўлади. Яна унинг рўпарасида шу йил ойларининг қайсисида бўладиган ҳайитлар ҳам учратилади. У жадвал мана бу [348—349 бетларда].

Бунинг мисоли: Искандар [эрасининг] минг уч юз ўнинчи йили. Қуёш даври қолдиғи йигирма икки, ой даври қолдиғи ўн бир, йил асли олти бўлади. Кейин еттита қатордан ой даври қаторидаги ўн бирнинг рўпарасига қараб ва аввалидан бошлаб олтини санаймиз. Бу йил асли ададига тенг бўлиб, бизни уч [ададига] олиб келади. Сўнгра, то қизил бирга етгунимизча жадвал қўйисига томон бармоқ юргизиб, унинг рўпарасидан оддий йил рўзасини оламиз, чунки йил кабисали эмас. Натижада бу рўза йигирманчи шуботдан бошланади. Юқорида ўтган хроникундан ҳам шундай чиқади.

Бу жадвалда етти қаторда йил асли ададича санаб, қизил бирга етилганда, агар шундай қилувчи киши биз айтгандек жадвал қўйисига тушса, [ҳисоб] хроникунга мувофиқ бўлади, агар қуйи тушмай, қизил бир қаршисидаги сонни олса, биз айтиб ўтган ўртача рўзага мувофиқ бўлади ва хроникун тақозосидан бир ҳафта олдин келади.

Абу Жаъфар Муҳаммад ал-Хусайн ал-Хозин яҳудий ва христианлардаги ўн тўққиз йиллик даврларнинг икки боши орасидаги тафовут тўғрисида янглишиб, христианлар тарихининг йилини яҳудийларникидан уч йил ортиқ деб гумон қилди. У Искандар эрасининг биринчи йили бошини Бани Исроил Мисрдан чиққан кундан олдин ҳисоблади. Чунки олимлар у кунни пайшанба деб келишганлар. Абу Жаъфар ҳисобида йил боши уч йил орттирилгандан кейингина душанба кунига тўғри келади. Иш бундоқ эмас, у икки миллатнинг Одам тарихи ҳақидаги ихтилофлари сабабли шундай бўлди. Агар Бани Исроилнинг Мисрдан чиққани сурёнча ойларнинг қайси бирида экани маълум бўлганда эди, Абу Жаъфар ҳисоби тўғри чиқарди. Агар у маълум бўлганда, Абу Жаъфар келтирган мисоллар рамзларини албатта кўпроқ очган бўларди.

Сўнгра [Абу Жаъфар] ўртача рўза [боши]ни аниқлашда ғалати йўлни ўйлаб чиқарди. Бу шундай: конун охир бешинчи кунининг — бу данҳ байрами рўзаси — арабча ойлардан қайси ойнинг қайси куни эканига қаралади. Кейин ўша кунгача қамарий ойдан ўтган ўттиз бир кун камайтирилиб, шубот аввалидан қолган кунлар саналади. [Санок] бориб етган жойда биринчи шуботдан кейин келувчи ва унга энг яқин душанба ўртача рўзанинг боши бўлади.

Бу йўл айтиб ўтилган йўлдек эмас. Зеро ўртача рўза ҳаминша мўътадиллаштирилган рўзадан олдин келади ва ундан кейин қолмайди ва мўътадиллаштирилган рўза боши бу йўл билан аниқланадиган ўртача

Христианлар рўзасини аниқлаш жадвали

Қуёш даври	Йил асли	Румликларнинг кабисали йиллари	Ой даври	Пасханинг сурёний ойларнинг қайсисида [келиши]	Ойнинг қайси куни	Христианлар рўзасини аниқлаш учун етти устун												Оддий йил рўзаси	Кабисали йил рўзаси	Қиёмат ҳайити. Бу рўзадан чиқишдир	Кўкка кўтарилиш байрами	Пятидесятница байрами
1	1		15	Озор	21	5	6	7	1	2	3	4	5	6	Шубот	Шубот	Озор	Найсон	Айёр			
2	2		4	Озор	22	6	7	1	2	3	4	5	6	7	3	3	22	30	10			
3	4	Кабиса				7	1	2	3	4	5	6	7	8	4	4	23	Айёр	11			
4	5		12	Озор	24	1	2	3	4	5	6	7	8	9	4	5	24	2	12			
5	6		1	Озор	25	2	3	4	5	6	7	8	9	10	5	6	25	3	13			
6	7					3	4	5	6	7	8	9	10	11	6	7	26	4	14			
7	2	Кабиса	9	Озор	27	4	5	6	7	8	9	10	11	12	7	8	27	5	15			
8	3					5	6	7	8	9	10	11	12	13	8	9	28	6	16			
9	4		17	Озор	29	6	7	1	2	3	4	5	6	7	9	10	29	7	17			
10	5		6	Озор	30	7	1	2	3	4	5	6	7	8	10	11	30	8	18			

15	5	Кабиса	11	Найсон	4	5	6	7	1	2	3	4	15	16	4	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1	23					
16	6					6	7	1	2	3	4	5	16	17	5	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1	24						
17	7		19	Найсон	6	7	1	2	3	4	5	6	17	18	6	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1	25							
18	1		3	Найсон	7	1	2	3	4	5	6	7	18	19	7	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1	26								
19	3	Кабиса				2	3	4	5	6	7	1	19	20	2	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1	27									
20	4		16	Найсон	9	3	4	5	6	7	1	2	20	21	3	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1	28										
21	5		5	Найсон	10	4	5	6	7	1	2	3	21	22	4	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1	29											
22	6					5	6	7	1	2	3	4	22	23	5	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1	30												
23	1	Кабиса	13	Найсон	12	6	7	1	2	3	4	5	23	24	6	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1	31													
24	2		2	Найсон	13	7	1	2	3	4	5	6	24	25	7	24	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1	2														
25	3					1	2	3	4	5	6	7	25	26	1	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1	3															
26	4		10	Найсон	15	2	3	4	5	6	7	1	26	27	2	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1	4																
27	6	Кабиса				3	4	5	6	7	1	2	27	28	3	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1	5																	
28	7		18	Найсон	17	4	5	6	7	1	2	3	28	29	4	28	29	30	31	Ҳазирон 1	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1				
			7	Найсон	18	5	6	7	1	2	3	4	1	Озор 1	5	1	Озор 1	2	3	4	5	6	7	8	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1
						6	7	1	2	3	4	5	2	2	6	2	2	3	4	5	6	7	8	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1		
						7	1	2	3	4	5	6	3	3	7	3	3	4	5	6	7	8	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1				
						1	2	3	4	5	6	7	4	4	1	4	4	5	6	7	8	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1						
						2	3	4	5	6	7	1	5	5	2	5	5	6	7	8	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1								
						3	4	5	6	7	1	2	6	6	3	6	6	7	8	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1										
						4	5	6	7	1	2	3	7	7	4	7	7	8	24	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1												
						5	6	7	1	2	3	4	8	8	5	8	8	25	26	27	28	29	30	31	Ҳазирон 1														

рўза бошидан баъзи ҳолларда олдин келади. Ўртача рўза гоҳ олдин ва гоҳ кейин келгач, ҳисобловчига рўза боши шубҳали бўлади ва шу сабабли у ҳақиқатдан узоқлашади. Агар [Абу Жаъфар]: «[Биринчи шуботнинг] қайси томонидан бўлмасин, унга энг яқин ва рўза чегараси ичида бўлган душанба рўза боши қилинади», — деганда, тўғрилиқка яқинроқ бўлар эди. Чунки шунда биринчи шуботдан эътиборга олинандиган учрашувдан кейинги душанба маълум бўлади.

[Абу Жаъфарнинг] асарларидан бирида бундай учратдим: данҳ [байрами] — бу конун охирнинг олтинчиси — воқе бўладиган арабча ойдан кейин келувчи арабча ойнинг йигирманчи кунига қарагин. Агар у душанба бўлса рўза боши, бўлмаса, ундан кейинги душанба рўза боши бўлади.

89 Бу шундай муҳим ишда тўғри чиқмайдиган ҳисоб бўлиб, || бир қанча [сабабларга] кўра ҳақиқатдан узоқдир. Уларнинг бири: агар данҳ арабча ойнинг биринчисидан то учинчисига тўғри келганда, ундан кейинги ойдаги учрашув шубот бошларида воқе бўлади ва буни эътиборга олиш зарурдир. Шунда рўза боши кўпинча ўша [учрашув] атрофида, яъни данҳ байрамидан кейинги ойнинг йигирманчи ёки ундан кейинги кунларида эмас, бошларида бўлади.

У [сабабларнинг] яна бири: агар учрашувнинг арабча ойнинг йигирма олтинчи кунига воқе бўлиши аниқланса, рўза ҳамиша учрашувдан олдин келса ва ундан кейин қолмаса, йигирманчи кунни эслашга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Балки рўза бошининг матлуб учрашувдан ғоят даражада олдин келиши пайшанба кунига тўғри келганда, у арабча ойнинг йигирма бешинчи кунига воқе бўлади.

Бу ҳисоб хулосаси: ҳисоб иши кўп қисмларга бўлиниши сабабли гарчи узундан узоққа чўзилса ҳам, ислоҳ этилса дуруст бўлади. Бу [ҳақда] шундай дейилади: данҳ арабча ойнинг қайси кунига воқе бўлишига қаралади. Агар ўша ойнинг биринчисидан учинчисигача бирор кунда воқе бўлса, унинг йигирма тўққизинчи кунига қаралади. Агар у душанба кун бўлиб, данҳ билан унинг ораси йигирма етти ёки ундан кўпроқ кун бўлса, ўша [душанба] рўза бошида келади, агар [арабча ойнинг йигирма тўққизинчиси] душанба кун бўлмаса, ундан кейинги душанба рўза боши ҳисобланади. Агар данҳ араб ойининг учинчи кунидан то йигирма учинчисигача воқе бўлса, бу ой ташланиб, кейинги ойнинг йигирма бешинчи кунигача қаралади. Агар бу душанба бўлса — рўза боши, [душанба] бўлмаса, [рўза боши] ундан кейинги душанба бўлади. Агар [данҳ араб ойининг] йигирма саккизинчисидан то охиригача бирор кунда воқе бўлса, у ой ташланиб, айби ўтганимизга биноан, ундан кейинги ойга қаралади. Лекин рўза бошини аниқлагунча [ойнинг] йигирма олтинчисини эътиборга олиш керак бўлади.

Муҳаммад ибн Абдулазиз ал-Ҳошимий «ал-Комил» деб атаган зижда христианлар рўзасини аниқлаш учун мана бу усулни баён этган: шуботга тўғри келадиган учрашувга қаралади. Агар аломати 2, 3, 4 — булар Қамар, Миррих ва Уторид учун [белги] — бўлган кунларнинг бирида воқе бўлса, учрашувдан олдинги душанба кун рўза [боши] ҳисобланади. Агар аломати 1, 5, 6, ва 7 — булар Қуёш, Муштарий, Зуҳра ва Зуҳал учун белги — бўлган кунларда воқе бўлса, учрашувдан кейинги душанба кун [рўза боши]дир. Бу усул дуруст ва биз

айтиб ўтган қоидага асослангандир. Лекин шу билан бирга [учрашув] аҳволини текшириб, баъзи кунларни мустасно этишга эҳтиёж туғилади. Бу шундай: айтиб ўтилган учрашув душанба кuni воқе бўлса, шу куннинг ўзи рўза боши; агар сешанба, чоршанба ёки пайшанба кuni воқе бўлса, учрашувдан олдинги душанба кuni рўза боши бўлади, чунки бу, юқорида айтганимиздек, [учрашувга] жуда яқиндир. Агар жума, шанба ёки якшанба кuni воқе бўлса, учрашувдан кейинги душанба кuni рўза боши бўлади, чунки бу олдинги [душанба] дан кўра учрашувга яқинроқдир. Булар ҳаммаси [тўғри чиқиши учун] кўрсатилган душанба рўза чегарасида бўлиши шарт; агар душанба рўза чегарасидан, яъни иккинчи шуботдан олдин келса, бу учрашув бекор қилиниб, мазкур текшириш шубот охирлари ёки озор аввалларида воқе бўладиган учрашувга кўчирилади.

Хайбарлик яҳудий Юсуф ибн ал-Фазл зижида христианлар рўзасини аниқлаш учун бир жадвал бор. Бу Евсевий хроникунини ва унинг хулосасидан парчадир. ||

90

[Ал-Фазл зижида] айтишича, Искандар эрасининг ноқис йилларига ўн икки қўшиб, мажмуа ўн тўққизга бўлиб ташланади ва қолдиқни ой даври устунининг бўйига; йил боши аломатини эса — бу тишрин аввал [боши] — энига битилади. [Шу эн ва бўй устида] иккита бармоқ юргизилади, бармоқлар қаерда учрашса, рўза боши ўша ерда қора билан битилган бўлса — шуботда, қизил билан битилган бўлса озорда бўлади. Агар йил кабисали бўлиб, рўза боши қизил билан битилса, уни тарк этиб, йил аломатига бирни орттирилади ва [Искандар тўлиқсиз йиллари устидаги] аввалги амал ишлатилади.

Юсуф ибн ал-Фазл — бу ҳисоби дуруст бўлса ҳам — қисмларнинг ҳар бирига бериладиган ҳиссани унутган. Бу шундай: йил кабисали, рўза боши қора билан битилган бўлса, бу рўза бошининг ўзи бўлади ва бирон ҳисобни ўзгартиришга эҳтиёж қолмайди. Агар қизил билан битилган ва йил аломатига бир [адади] ни орттирилган ва ҳалиги ҳисоб ишлатилган бўлса ва иккинчи мартада ҳам рўза боши қизил билан битилган ҳолда кўрилса, бу рўза бошининг ўзидир. Агар у қора билан [битилган ҳолда] кўрилса, рўза бошига бир адади қўшилсин. Шунда матлуб [рўза боши] хроникундан келиб чиқадиганга мувофиқ келади. У жадвал мана бу.

Ой даври	1	2	3	4	5	6	7
1	12	11	10	9	8	7	6
2	26	25	3*	2*	1*	28	27
3	19	18	17	16	15	14	20
4	5	4	3	9	8	7	6
5	26	25	24	23	22	28	27
6	12	11	17	16	15	14	13
7	5*	4*	3*	2*	8*	7*	6*

91

8	19	25	24	23	22	21	20
9	12	11	10	9	8	14	13
10	5*	4*	3*	2*	1*	28	27
11	19	18	17	16	15	21	20
12	5	11	10	9	8	7	6
13	26	25	24	2*	1*	28	27
14	19	18	17	16	15	14	13
15	5	4	3	2	8	7	6
16	26	25	24	23	22	21	27
17	12	11	10	16	15	14	13
18	5*	4*	3*	2*	1*	7*	6*
92	19	18	24	23	22	21	20

Яҳудий Юсуф ибн ал-Фазлнинг христианлар рўзасини ҳисоблаб чиқариш ҳақидаги жадвали⁸⁸⁷ (бу хроникуннинг бир қисмидир).

Хроникуннинг христианлар пасхасига асосланганини баён этдик. Агар ўрта рўза яҳудийлар пасхаси тақозосига асосланса эди, албатта у рўза чегараларининг боши конун охирнинг йигирма тўққизинчиси бўлиб, унинг рўза тутишдаги ҳамма сабаблари ва мўътадиллаштирилган рўза христианлардагидан бошқа бўлар эди.

Ўқувчи бу китобдаги биз ишорат қилган [ўринларни] кўзи билан [яхшилаб] кўрсин ва унга юзаки қарамасин деб, бу рўзани яҳудийлар тутган йўлга мувофиқ ҳисоблаб чиқардик. Рўза чегарасидан ташқарида қолган [рўза бошини] бир ҳафта кейинга қўйдик⁸⁸⁸. Бунга одатланмаган кишиларнинг кўнгиллари тинчсизланмасин! Шунинг учун кейинга қолдирилган рўза пасхаси охирги [ҳафтада] эмас, олтинчи ҳафтада воқе бўлади.

Бу [жадвал] билан мана шундай ишланади: Искандар эрасининг ноқис йиллари олиниб, икки жойга қўйилади-да, бири йигирма саккизга бўлинади ва қолгани Қуёш даври бўлади. Иккинчи жойдагисидан ҳар доим ўн икки камайтирилиб, ўн тўққизга бўлинади ва қолгани Ой даври бўлади. Қолдиқларнинг ҳар бири ўз жадвалига битилади. Натижада, яҳудийлар пасхаси тақозосича, рўза боши [иккала қолдиққа] муштарак катакчада кўрилади. Ой даври қолдиғининг рўпарасида, тепада олдинги йилда воқе бўлган яҳудий йили бошининг белгиси учрагилади. Агар белги қора [битилган] бўлса, рўза боши айлулда; қизил [билан] битилган бўлса, обда бўлади. У билан бирга озор ва найсон ойларида яҳудий пасхаси воқе бўладиган жой ва унинг тепасида эса ўрта рўза [боши] ҳам кўрилади. Агар [ўрта рўза боши] қора билан [би-

тилган] бўлса, у шуботда; қизил билан [битилган] бўлса, иккинчи конун охирида келади. Айтиб ўтилган хроникуннинг охири мана бу⁸⁸⁹.

Христианлар рўзаси ва [рўза] бошини ҳисоблаб чиқариш йўллари 93
ҳақида биз айтганлар етарлидир. Уларнинг шу бобда зикр қилиниши сабаби шуки, христианлар одамларнинг қайта тирилиши ва қиёмат Масиҳ қабрдан турган куни бўлади деб эътиқод қиладилар ва гўё уни рўзадор ҳолатда кутиб олмоқчи бўладилар. Гоҳо уларнинг баъзи бири⁸⁹⁰: «Тўфон шундай вақтда бўлган» деб тентакларча гапирган, христианлар бундан [тўфондан] кўрқиб ва ўзларига шундай [вақт] келмаслигини умид қилиб, рўза тутганлар.

Инжилда баён этилишича, Масиҳ Урдунн дарёсида ювингандан кейин Урдунн саҳросида қирқ кун рўза тутган. Рўза бошидан то унинг қирқинчи куни бўлмиш жумагача ўша [қирқ] кун каби кунлардир. Қирқ биринчиси бўлмиш шанба куни Байтулмуқаддас яқинидаги Зайтун тоғида қабрдаги [Исо] тирилган. Қирқ иккинчиси якшанба куни — бу катта «саонин» ҳайити — Масиҳ Инжилда айтилган [эшак] миниб юриш тавсифини бажариш учун Вифаниядан Байтулмуқаддасгача ҳўтикка миниб борган. Эрлар, аёллар ва болалар қўлларида зайтун барги тутган ҳолларида уни кутиб олиб, то у Байтулмуқаддасга киргунича унинг ҳузурида Таврот ва забур⁸⁹¹ китобларини ўқиганлар. Душанба, сешанба ва чоршанба кунлари Масиҳ яҳудийлардан бекинган ва пайшанба куни пасха қилган.

Шу куни мурун, яъни хушбўй мой ишлатадилар. Бунинг сабаби, шу куни ахлоқсиз бир хотин уч юз тилла [га баравар] турадиган атр олиб келиб, ҳурмат ва таъзим юзасидан Масиҳнинг бошидан қуйган.

Тўрт Инжилда айтилишича, Масиҳ шу куни, яъни пайшанба куни — ўз шогирдларидан бирини ва уни кутиб олувчини Байтулмуқаддасга юборган. У киши елкасига сопол қувача кўтариб олган. Масиҳ у кишига ўзи ва тобелари унинг ҳузурига бориб пасха байрамини ўтказишлари учун таом тайёрлаб қўйишни буюрган. Буюрилган киши яҳудийлар ўз пасхаларида ейдиган патир ва бошқа таомларни тайёрлаган. Масиҳ у киши ҳузурига кечаси келган ва шогирдлари билан бир ҳўжрада пасха овқатини еб, иззат ва икром юзасидан уларнинг оёқларини ювган. Бу кечаси қисислар ҳам ўз дўстларига шундай иззат кўрсатадилар. Кейин Масиҳ ўз шогирдларига: «Билиб олинг, шу кеча бирингиз менга хоинлик қиласиз ва мендан қайтади», деган. Кейин ўша ҳўжрадан кетиб, Зито тоғига чиққан. Масиҳ шогирдларидан бири бўлмиш Яҳудо Исхариот бу воқеани коҳинларга ва яҳудийларнинг улуғларига чақиб, улардан ўттиз дирҳам пора олган⁸⁹² ва уларга Масиҳ томон йўл кўрсатган. Улар Масиҳни тутиб олиб урганлар, унга тикондан тож кийгизганлар, уни ҳақорат қилганлар ва зўрлаганлар, ўша кеча тонг отгунча унга азоб берганлар.

Матто, Морк ва Луқо сўзига кўра, жума кунининг учинчи соатида уни салибга михлаганлар. Аммо Юҳаннонинг айтишича, Масиҳ кундуз куни олтинчи соатда михланган. Бу салибга михлаш жумласидир. У билан бирга, «Жумжума», ибронийча «Кулкула» дейиладиган Сиҳявн⁸⁹³ тоғида иккита ўғри ҳам салибга михланган. Айтишларича, Масиҳ тўққизинчи соатда ўлган. Юсуф ар-Ромсоний — у ал-Булувтоний деб ҳам аталади — Масиҳ [жасадни] яҳудийлар бошлиғи Филотдан ўзига беришни сўраган. Филот жасадни Юсуфга берган || ва Юсуф уни ўзича тайёрлатган қабрга дафн этган. 94

Яҳудийлар пасхаси тақозосича, хроникун

**	18	7	26	15	4	23	12	1	20	9	29**	17	6	25	14	3	21
Озор	Найсон	Озор	Найсон	Найсон	Озор	Найсон	Озор	Озор	Найсон	Озор	Озор	Найсон	Озор	Найсон	Найсон	Озор	Найсон
8	6	26	14	3	23	11	31	20	8	28	17	5	25	13	2	22	9
2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
Шубот	Шубот	Шубот	Шубот Озор	Шубот	Шубот	Шубот Озор	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот Озор	Шубот	Шубот	Шубот
4	25	11	4*	18	11	25	18	4	25	11	4	18	11	4*	18	4	25
3	24	10	3*	17	10	24	17	3	24	10	3	24	10	3*	17	10	24
2	23	9	1*	16	9	1*	16	2	23	16	2	23	9	1*	16	9	23
7	21	14	28	21	7	28	14	7	21	14	7	21	7	28	21	7	28
6	20	13	27	20	6	27	13	6	27	13	6	20	13	27	20	6	27
5	19	12	5*	19	5	26	19	5	26	12	5	19	12	26	19	5	26
4	25	11	3*	18	11	25	18	4	25	11	4	18	11	3*	18	4	25
2	23	9	2*	16	9	2*	16	2	23	16	2	23	9	2*	16	9	23
8	22	8	1*	22	8	1*	15	8	22	15	8	22	8	1*	15	8	22

Салибга михлашдан кейинги шанба кечаси [қабристондаги] ўликларга Масих келишидан башорат берилган, шу шанба куни кечқурун тирилиш байрамидир. Христианлар даъвосича, Масих қабрда бир кун ва икки кеча ётган. Сўнгра учинчи кун — бу рўзадан чиқиш куни бўлган яқшанба куни қабрдан турган.

[Масих] тирилган шанба ҳақида табиат улумидан хабардор киши ҳайратда қоладиган, балки унга иқрор бўлмайдиган бир ҳикоя келтирилади. Агар душманлар у хабар хусусида «биз уни кўрдик» деб қабул этмаганларида, фозил олимлар ва бошқалар ўз китобларида уни ёзиб қолдирмаганларида эди, албатта кўнгил тинчимас эди. Мен [бу ҳикояни] китоблардан билдим ва ал-Фараж ибн Солиҳ ал-Бағдодийдан мана шундай эшитиб олдим: «Байтулмуқаддасда тирилиш ибодатхонасининг ўртасида яхлит бир тошда Масих қабри қовланган. Бу қабр устида бир гумбаз бўлиб, унинг устида бошқа катта гумбаз туради. У тош айланасида болохоначалар бўлиб, мусулмонлар, христианлар ва бу ерга ҳозир бўлганлар шу куни ўша болохоначалардан қабргоҳга тикилиб қараб, кундуз ярмидан то кечгача худойи таолога зорланиб дуо қиладилар. [Масжид] жоменинг азон айтувчиси, имоми ва шаҳар амири келиб, қабр олдида ўтирадилар ва шамдонлар келтириб, қабр устига қўядилар. Қабр ёпиқдир. Бундан олдин христианлар ўз чироқларини ва шамдонларини ўчириб, бир шамдонда ярқираб турган тиниқ оппоқ олов кўргунларича кутиб турадилар. Кейин жоме ва ибодатхоналардаги шамдонлар шу оловдан ёқилади. Сўнгра ўша олов тушган вақтни билдириб халифалар ҳузурига мактуб юборилади. Олов тез ва кундуз ярмига яқин пайтда тушса, буни ўша йили серобгарчилик бўлишига; кечқурунга қолиб ва кечикиб тушса, қурғоқчилик йили бўлишига далил келтирадилар.

Шу хабарчининг ҳикоя қилишича, султонларнинг бири олов тушганда ёнмай иш бузилсин деб [шамдонга] пилик ўрнига мис қўйган, лекин олов тушиши билан мис [пилик] ёнган.

У оловнинг турли кунда ва ноаниқ вақтда тушуви ажабланиш ўрни бўлиб, кўзга кўринган моддаси бўлмай туриб пайдо бўлиши эса бундан ҳам ажиброқдир. Миср қишлоқларининг биридаги черков иши шак-шубҳасиз яна ҳам ажойибдир. Чунки унинг ҳақидаги хабарнинг тўғрилигига шартлар мавжуд. Сўзи ишончли, фикрлари мақбул, улар ҳақида ёлғон гапирилмайдиган ва ўз томонларидан ёлғон [-яшиқ] тарқатмайдиган кишилар у ибодатхонани кўрганлар. Уларнинг айтишича, ибодатхонада ер тўлалар бўлиб, унга йигирмадан ортиқ зинапоя билан тушилар экан. Бу уйда бир тахт бўлиб, унинг тагида теридан ясалган тўшакка ўралган бир эркак ва бир боланинг [ўлиги], [тахт] устида мрамар идиш, бунинг ичида шиша идиш, унинг ичкарасида мис пилик ва бунинг оралигида ёниб турган каноп пилик бор экан. Идишга зайтун ёғи қуйилса, шиша идиш дарров зайтун ёғи билан тўлар экан. Ёғ мрамар идишга тошиб чиқар ва бундан ўша черковга сарф қилинар экан.

Ал-Жайҳонийнинг айтишича, ишончли кишилардан бири ўша ер тўлага тушиб, шиша идишни мрамар идишдан кўтариб олган ва иккала идишдаги зайтун ёғини бўшатиб, оловни ўчирган ва зайтун ёғидан бошқа ҳамма нарсани ўз жойига қайтарган. Сўнг ўзида бор зайтун ёғини қуйган ва шишадаги пилик ўрнига бошқа пилик қўйиб ёндирган, дарҳол ёғ шиша идишга тошиб, кейин кўриниб турган [ёғ] моддаси — асли бўл-

май туриб — мармар идишга тошаверган. Унинг айтишича, || тахт таги- 95
даги ўлик чиқарилганда, олов ўчган ва зайтун ёғи тошмаган.

Яна ўша қишлоқ аҳолисида шундай ҳикоя мавжуд. «Ўзини ҳоми-
ладор деб гумон қилувчи аёл ўша ўлик болани кўтариб, бағрига босган-
да, агар у ҳақиқатан ҳомиладор бўлса, қорнидаги бола қимирлар экан;
агар қимирлаганини сезмаса, умидини узар экан».

Рўзадан чиққандан кейин бешинчи куни шаҳидлар хотирланади.
Булар христианларнинг бир қавми бўлиб, подшоҳлардан бири уларга
|| ўз динларидан чиқишни⁸⁹⁴ таклиф этган. Улар кечаси қочиб чиққан ва 308
барчаси ўлган. Бу жума ҳам «кичик саонин» деб аталади.

Рўзадан чиққандан кейинги якшанба «янги якшанба» деб аталади.
Шу куни Масих оқ [кийим] кийган. Христианлар [аҳамиятли] ишларини
шу куни бошлайдилар ва бу кунни шартнома ҳам ҳужжатлар учун тарих
тутадилар. Зеро, бу якшанбаларнинг биринчиси каби бўлиб, бундан
олдинги якшанба энг машҳур исм, яъни рўзадан чиқишга махсусдир.
Христианларда ҳамма якшанбалар улуғ тугилади, чунки «саонин» [бай-
рами] ва [Масихнинг] тирилиши шу кунга тўғри келган. Шунингдек,
яхудийларда шанбалар [ҳам] улуғ тугилади, чунки Тавротда айтилиши-
ча, худойи таоло шу куни [махлуқотни] яратишдан бўшаб, ором олган.
Ислом олимларидан баъзисининг ҳикоя қилишича, жумани улуғлашга
сабаб шуки, яратувчи оламни яратишдан ва одам жасадига жон кирги-
зишдан шу куни бўшаган. Мунажжимлар фикрича, турли динларда ҳар
хил кунларнинг улуғланиш сабаби, ўша кунларнинг соҳиби бўлмиш
ёритқичлар у миллатлар пайғамбарларининг туғилишларини кўрсатиши
ва [ёритқичларнинг] бир-бирлари билан учрашининг пайғамбарлар
юзага чиқишидан дарак бериши бўлган.

Рўзадан чиққандан қирқ кун кейин «кўкка кўтарилиш» ҳайити бў-
либ, бу ҳамиша пайшанба кунига тўғри келади. Шу куни Масих Зайто
тоғидан осмонга кўтарилган ва шогирдларига то ўзи уларга Форақлит,
яъни муқаддас руҳни юбормагунча, Байтулмақаддасда пасха байрами
ўтказилган ҳужрада қолишларини буюрган. Кўкка кўтарилиш ҳайити-
дан ўн кун кейин «пятидесятница» байрами бўлиб, бу доимо якшанба
куни бўлади. Бу Форақлит тушган ва Масих ўз шогирдларига кўринган
кундир, шогирдлари [унинг] ёрдамчиларидир. Сўнгра шогирдларининг
тиллари турлича бўлиб, тарқалганлар; ҳар бир гуруҳга илҳом қилинган
тил [ҳукмрон бўлган] ва шу тилда сўзлашиладиган жойга кетган.

Христианлар шу куни кечқурун ерга сажда қиладилар. Улар рўза-
дан чиққандан то шу кунгача сажда қилмай, тик туриб намоз ўқийдилар,
чунки бунга ва барча якшанба кунларига кўрсатма бор. Бу ҳақда бирин-
чи Синод қонунларининг охиргисиде сўзлайди.

Маликоия христианларда салиҳийлар, яъни ҳаворийлар рўзаси
«пятидесятница» байрамидан ўн кун кейин чоршанба куни бошланади
ва аввалидан қирқ олти кун ўтгач, доимо якшанба куни рўзадан чи-
қилади.

Бу рўзанинг учинчи куни бўлмиш жума куни «олтин жума» деб ата-
лади, чунки шу куни Исонинг ҳаворийлари Байтулмақаддасда ўрнидан
кўзгалолмай, тиланчилик қилиб ўтирган бир кишига йўлиққанлар. У
киши улардан худо ичун садақа қилишларини сўраган. Ҳаворийлар:
«Бизда на тилла ва на кумуш бор, лекин ўрнингдан тур ва курсингни
кўтариб ўз тирикчилигингга жўна! Бизнинг кучимиз етадиган нарса

шу», — деганлар. У киши соғайиб ўрндан турган ва курсисини кўтариб, ўз ишига кетган.

Бундай ҳайитларнинг аксари рўзани аниқлаш учун ишлатиладиган етти устунлик жадвалда кўрсатилган. Қачон у жадвалдан рўзани топилса, худо хоҳласа, бир йўла ҳайитлардан ҳам воқиф бўлинади.

НАСТУРИЙ ХРИСТИАНЛАРНИНГ ҲАЙИТЛАРИ,
ХОТИРЛАНАДИГАН [КУНЛАРИ] ВА РЎЗАЛАРИ ҲАҚИДА СЎЗ 309

Бу гуруҳ нисбат бериладиган Настурий маликоияларга қарши чиқди ва [дин] асослари тўғрисида сўз юритиб, улар билан ўз гуруҳининг ажралишига олиб келди. Бу душманларга қарши туриб [дин асослари ҳақида] баҳслашиш ва уларга тақлид этмасликка тайёрланиш учун масалага диққат билан қарашга, текшириш, шохобчалаштириш ва таққослашга қизиқтирадиган ишлардандир. Настурий шундай иш қилди ва ўз фикри ва текшириши жиҳатидан маликоияларга муҳолиф бўлган [ҳайит ва бошқаларни] ўз тобеларига қонунлаштирди.

Мен настурийларнинг ўзимгача етиб келган ҳайитлари ва бошқа [машҳур] кунларини эса олиб, айтаманки:

Настурийлар машҳур кунларининг баъзисида маликоияларга мувофиқ бўлиб, баъзисида муҳолифдирлар. Муҳолиф бўлган кунлари иккига бўлинади: айримларини батамом тарк қилганлар, баъзиларини эса тарк қилмаганлар, лекин уларни маликоияларга нисбатан бошқа вақтда ва бошқа тартибда ўтказадилар. Маликоияларга мувофиқ бўлган [кунларига] келганда, уларни маликоияларда ўтказилмайдиган кунларга тайин қилганлар. [Настурийларда] шундай кунларининг тўртинчи қисми ҳам бор — бу маликоияларда ишлатилмаган ва улар ишлатадиган кунларга тайин ҳам қилинмаган [кунлардир].

Настурийларнинг маликоиялар билан мувофиқлашадиган [кунлари] эса [Масих] туғилган кун, [уни] чўмилтириш куни, шам ҳайити, рўза боши катта «саонин». [Масих ўз] ҳаворийларининг оёқларини ювган [кун], Масих пасха [байрами] қилган [кун], салибга миҳланган жума, [Масих] тирилиши, рўзадан чиқиш, янги якшанба, кўкка кўтарилиш, пятидесятница [байрами], морт⁸⁹⁵ Марям рўзаси ва маликоиялар хотирлайдиганлар қаторидаги айрим [кунлардир].

Маликоиялар билан мувофиқлашиб, вақт ва ишлатилиш жиҳатдан уларга муҳолиф бўладиган кунлар эса, масалан, «моалсо», яъни [настурийлар] ибодатхоналар саҳнларидан уларнинг томларига кўчган кундир. Бу [маросим] Бани Исроилнинг Байтулмуқаддасга қайтишига кўра ижро этилади ва «ибодатхоналарни табаррук туттиш» деб аталади. Агар ой боши чоршанба кунига ёки якшанба кунигача бўлган ундан кейинги бирон кунга тўғри келса, бу [маросим] тишрин охир оининг биринчи

[Катта] рўзала боғлиқ хайитлар жадвали

312—313

	I	II	VI	V	VI	I	IV	II	VI	V	VI	II	VI	II	VI	II	II
Шубот	Оддий йилда рўза [боши]	Шубот	Шубот	Шубот	Шубот	Найсон	Найсон	Айёр	Айёр	Айёр	Таммуз	Таммуз	Об	Айлул	Тишри-ни аввал	Конуни охир	
2	3	13	14	26	27	10	19	20	11	22	9	10	17	4	12	12	12
3	4	14	15	27	28	11	20	21	12	23	10	11	18	5	13	13	13
4	5	15	16	28	29	12	21	22	13	24	11	12	19	6	14	14	14
5	6	16	17	1	Озор	13	22	23	14	25	12	13	20	7	15	15	15
6	7	17	18	2		14	23	24	15	26	13	14	21	8	16	16	16
7	8	18	19	3		15	24	25	16	27	14	15	22	9	17	17	17
8	9	19	20	4		16	25	26	17	28	15	16	23	10	18	18	18
9	10	20	21	5		17	26	27	18	29	16	17	24	11	19	19	19
10	11	21	22			18	27	28	19		17	18			20	20	20
11	12	22	23			19	28	29	20		18	19			21	21	21
12	13	23	24			20	29		21		19	20			22	22	22
13	14	24	25			21			22		20	21			23	23	23
14	15	25	26			22			23		21	22			24	24	24
15	16	26	27			23			24		22	23			25	25	25
16	17	27	28			24			25		23	24			26	26	26
17	18	28	29			25			26		24	25			27	27	27
18	19	29				26			27		25	26			28	28	28
19	20					27			28		26	27			29	29	29
20	21					28			29		27	28				30	30
21	22					29					28	29				31	31
22	23										29						
23	24																
24	25																
25	26																
26	27																
27	28																
28	29																
29	30																
30	31																

якшанбасида ўтказилади, агар ой боши душанба ёки сешанба кунига тўғри келса, тишрин аввалдаги охирги якшанбада ўтказилади. Юҳан ал-Маллафоннинг баён этганларини эшитишимча, буни ўттизинчи тишрин аввал бешинчи тишрин охир орасида воқе бўлган якшанба кuni ўтказиш яхшироқдир.

«Суббор» ҳам бунга мисолдир. Бу Марямга унинг Масихга ҳомиладор бўлганидан башорат берилиши. Бу ҳайит, агар ой боши жума билан якшанба орасида келса, тишрин охирнинг охирги якшанбасида ўтказилади. Ҳар ҳолда бу «моалсо» якшанбасидан кейинги бешинчи якшанбага тўғри келади.

Масих туғилган йилидаги конун аввал боши якшанба кuni келиб, у билан туғилиш ораси йигирма беш кун бўлган. Настурийлар: «Масихнинг таносул йўли билан туғилиши бошқа одамларникига муҳолиф бўлган» — дейдилар. Балки она қорнида туриш муддати ҳам одатдагига хилоф бўлган», — дейдилар. Балки она қорнидалигида башорат берилган бўлиши ёки башорат ундан олдин ёки кейин берилган бўлиши ҳам мумкин.

310

Ёқубий христианларда башорат ҳайитининг яҳудийлар найсонининг ўнинчисида [ўтказилиши] ҳикоя қилинади. Милод йилидан олдинги йилда ўша кун сурёнча озорнинг ўн олтинчисига тўғри келган. Шунингдек, пок Марям рўзаси ҳам [бунга] мисол бўлади. Бу башорат байрамидан кейинги душанба кuni бўлиб, рўзадан чиқиш милод кuni бўлади. Настурийларда Яҳъё Муъмидоннинг ўлдирилиши обнинг йигирма тўртинчи кuni [хотирланади]. Шамъун ибн Саббой, яъни «бўёқчи ўғли»нинг ўн еттинчи обда хотирланиши, [Масих] салиби [таёғи] нинг топилгани ҳайити ҳам [бунга мисол]. Бу настурийларча, айлулнинг ўн учинчи кuni бўлади, чунки Елена салибни шу кuni юзага чиқарган, сўнгра ўн тўртинчи кuni халққа кўрсатган ва халқ салиб тепасига йиғилган. Настурийлар салиб юзага чиқарилган кунни, маликоиялар эса [Елена] уни халққа кўрсатган кунни олганлар.

Энди [фақат] маликоиялар ижро этадиган ва улар ўтказадиган [кунларга] тайинланган [ҳайитларга] келсак, масалан, Юҳанн ал-Қашкаронийни хотирлаш. Бу тишрин аввалнинг биринчи кuni [ўтказилади]; авлиё Фотионни хотирлаш — шу ойнаинг йигирма бешинчисида; Юҳанн дайри⁸⁹⁶ ҳайити — конун аввалнинг олтинчи кuni; Байтулмақаддасдаги Марям черкови ҳайити — конун охирнинг еттинчи кuni; авлиё Фунёни хотирлаш — йигирма бешинчи ҳазиронда; тажаллий ҳайитининг биринчиси, бу Масихнинг халққа охирги кўриниши — обнинг олтинчисида; «Халқ дайри» ҳайити ҳам шу кuni; тажаллий байрамининг охиргиси — ўн олтинчи обда; авлиё Мори ҳайити — обнинг ўн иккинчи кuni; Кирсия ва Кирсони хотирлаш — учинчи айлул кuni [ўтказилади].

Аммо [настурийлар] ҳафта кунларига тайин этган ва маликоиялар билан ораларида умумий ёки боғланиш бўлмаган [ҳайит ва маросимлар], масалан, роҳиб Куто, яъни авлиё Сергейни хотирлаш. Бу маросим, агар тишрин аввалнинг боши якшанба кuni бўлса, еттинчи кuni [ўтказилади], бўлмаса, еттинчидан кейинги якшанбага қолдирилади.

Шунингдек, Ишмунини хотирлаш. Бу Бағдод христианлари таълимотича, ундан кейинги якшанбада [ўтказилади]. Шунга ўхшаш Абуҳолид дайрининг ҳайити, бу иккинчи тишриннинг биринчи жумасида; яна Қодисия дайри ҳайити — шу ойнаинг учинчи жумасида; ал-Қаҳҳол дайри ҳайити — шу ойнаинг тўртинчи жумасида; Барсафони хотирлаш — айлул-

нинг охириг якшанбасида; ас-Саолиб дайри ҳайити — айлулнинг охириг шанбасида [ўтказилади]. Лекин келгуси йил тишрин аввалининг боши якшанба кунига тўғри келса, бу ҳайит ўша кунга кечиктирилади ва айлулдан чиқиб кетади. Натижада жорий йил бу ҳайитдан холи бўлиб, келгуси [йилда] у икки марта қайтарилади — йил аввалида ва охирида. || 311

[Маликоя ва настурийлар] ораларида умумий бўлган кунларга тайинланган [маросимларга] келсак, булар уч қисмга бўлинади. Биринчиси катта рўзага ёки ундан чиқишга боғлиқ бўлган; иккинчиси милодга боғлиқ бўлган, учинчиси «данҳ» га боғлиқ бўлган [маросимлардир].

Катта рўзага боғлиқ бўлганлар ё унинг аввалига, ёки охирига [алоқадор] бўлади. Масалан, аходир жумаси, бу — рўза бошлангандан [кейин] ўн иккинчи [кун], шунингдек, «Форуқа», бунинг тафсири «нажот [сўраш]», бу — пайшанба куни, рўза бошидан йигирма тўртинчи кун [ўтганда] авлиё Тарисёни хотирлаш; ўлдирилгунича ҳам христианликдан қайтмаган ёш бола авлиё Қириёқни хотирлаш — бу рўзадан чиқишдан йигирма кун кейин, жума куни; Шопур подшоҳ қўлида ўлдирилган Сурин ва армани Давронни хотирлаш, бу рўзадан чиқишдан йигирма тўққиз кун кейин, якшанба куни.

Ҳаворийлар рўзаси, бу настурийларда ҳамиша катта рўзадан чиқишдан етти ҳафта кейин — душанба куни ва пятидесятница кунига ёндошиб келади. Рўза кунлари қирқ олти кун бўлиб ҳамиша жума куни рўзадан чиқилади.

Авлиё Морининг шогирди авлиё Абдони хотирлаш. Бу ҳаворийлар рўзасидан чиқилгандан ўн тўрт кун кейин пайшанба куни бўлади, ҳаворийларнинг бу рўзасидан чиқиши катта рўзадан чиқишга уланади.

Шунингдек, авлиё Морини хотирлаш ҳам [бунга] мисол бўлади. Бу ҳаворийлар рўзасидан чиқишдан ўн беш кун кейин — жума куни [бўлади]; Илё рўзаси ҳам [бунга] мисол — бу катта рўзадан чиқишдан йигирма бир ҳафта кейин — душанба куни бошланиб, қирқ саккиз кун давом этади ва якшанба куни рўзадан чиқилади.

Нинавий рўзаси ҳам мисол. Бу катта рўзадан йигирма икки кун олдин — душанба куни бошланиб, уч кун [давом этади]. Айтишларича, Юнус [пайғамбар] қавмини азоб ўраб олгандан сўнг худо азобни кўтарган, улар омон қолганлар ва шу уч кунда рўза тутганлар.

«Айғоқчилик кечаси» бу жума кечасидир. Бу кечани хотирловчилар даъволарича, улар шу кечада Масиҳни қидирадилар. [Аммо] бу кеча тўғрисида ихтилофлар мавжуд. Баъзилари бу Илё рўзасидан кейинги ўн тўққизинчи кеча — жума кечаси деса, айримлари Масиҳ салибга михланган жума, яъни «михланиш жумаси»дир, дейди. Баъзилари эса, бу михланишдан бир ҳафта кейинги шаҳидлар жумаси деган.

Бу уч хил сўзлардан биринчиси афзал кўрилади. Агар мўлжалланган йилда рўза боши маълум бўлса ва у йил оддий йил бўлиб, рўза боши оддий йил рўзаси жадвалига киргизилса ёки йил кабисали бўлиб, рўза боши кабисали йил рўзаси жадвалига киргизилса, бунинг рўпарасида рўзага уланган ҳайитлар жадвалида, биз айтиб ўтган ҳайитлар ораларида, неча кун ва қанча вақт борлиги ҳамда катта рўзадан олдин келувчи нинавий рўзасининг вақти маълум бўлади. Бу жадвал [367—368-бетларда] мана бу.

[Настурийлар] милод ҳайитига боғлайдиган [маросимларга] келсак, 314 масалан «ибодатхона байрами». Бу — милоддан кейинги якшанба куни;

Сонлар қатори		1	1	1	VI	VI	VI	I	II	I	VI	II
1	7	21	4	2	16	23	2	3	30	28	7	
2	13	27	3	1	15	22	1	2	29	3	13	
*3	12	26	2	7	21	28	30	1	28	2	12	
4	10	24	31	5	19	26	28	29	26	31	10	
5	9	23	30	4	18	25	27	5	1	30	9	
6	8	22	5	3	17	24	3	4	31	29	8	
*7	7	21	4	2	16	23	2	3	30	28	7	
8	12	26	2	7	21	28	30	1	28	2	12	
9	11	25	1	6	20	27	29	30	27	1	11	
10	10	24	31	5	19	26	28	29	26	31	10	
*11	9	23	30	4	18	25	27	5	1	30	9	
12	7	21	4	2	16	23	2	3	30	28	7	
13	13	27	3	1	15	22	1	2	29	3	13	
		26										
	Авлиё Сергей-ни хотирлаш	Ишмунийни хотирлаш	Моалсо	Абу Халид дайри ҳайити	Ал-Қодисия дайри ҳайити	Ал-Каҳҳол дайри ҳайити	Ас-Суббор ҳайити	Авлиё Марям рўзаси	Ибодатхона ҳайити	Авлиё Марям-ни хотирлаш	Ибодийлар рўзаси, бу-бокиралар рўзасиди	
	Тишрин I	Тишрин I	Тишрин I Тишрин II	Тишрин II	Тишрин II	Тишрин II	Тишрин II Конун I	Тишрин II Конун I	Конун I Конун II	Конун I Конун II	Конун II	

11	18	25	29	1	8	15	22	1	30	29
10	17	24	4	31	7	14	21	28	29	28
9	16	23	3	30	6	13	20	27	28	27
7	14	21	1	28	4	11	18	25	26	25
13	20	27	31	3	10	17	24	2	25	24
12	19	26	30	2	9	16	23	2	24	
11	18	25	29	1	8	15	22	29	30	29
9	16	23	3	30	6	13	20	27	28	27
8	15	22	2	29	5	12	19	26	27	26
7	14	21	1	28	4	11	18	25	26	25
13	20	27	31	3	10	17	24	2	25	24
11	18	25	29	1	8	15	22	1	30	29
10	17	24	4	31	7	14	21	28	29	28
9	16	23	3	30	6	13	20	27	28	27
8	15	22	2	29	5	12	19	26	27	26
13	20	27	31	3	10	17	24	3	25	24
12	19	26	30	2	9	16	23	2	24	

Юҳаннони хотирлаш
Павел ва Петрни хоти
Инжил мулифларини тирлаш
Дайламлик Юҳаннони хотирлаш
Стефанни хотирлаш
[Суриялик оталарни хотирлаш
Юнонликларни хотирлаш
Авлиё Авжосликни тирлаш
Одам болрини хотирлаш
Бар Сафони хотирлаш
Ас-Саолик дайри ҳай

Сонлар қатори		1	1	1	VI	VI	VI	1	II	1	VI	II
18	7	21	14	4	2	16	23	2	3	30	28	7
*19	13	27	20	3	1	15	22	1	2	29	3	13
20	11	25	18	1	6	20	27	29	30	27	1	11
21	10	24	17	31	5	19	26	28	29	26	31	10
22	9	23	16	30	4	18	25	27	5	1	30	9
*23	8	22	15	5	3	17	24	27	4	31	29	8
24	13	27	20	3	1	15	22	3	2	29	3	13
25	12	26	19	2	7	21	28	30	1	28	2	12
26	11	25	18	1	6	20	27	29	30	27	1	11
*27	10	24	17	31	5	19	26	28	29	26	31	10
28	8	22	15	5	3	17	24	3	4	31	29	8
	7	21	14	4	2	16	23	2	3	30	28	7
	13	27	20	3	1	15	22	1	2	29	3	13
	11	25	18	1	6	20	27	29	30	27	1	11
	10	24	17	31	5	19	26	28	29	26	31	10
	9	23	16	30	4	18	25	27	5	1	30	9
	8	22	15	5	3	17	24	27	4	31	29	8
	13	27	20	3	1	15	22	3	2	29	3	13
	12	26	19	2	7	21	28	30	1	28	2	12
	11	25	18	1	6	20	27	29	30	27	1	11
	10	24	17	31	5	19	26	28	29	26	31	10
	8	22	15	5	3	17	24	3	4	31	29	8

11	18	25	29	1	8	15	22	1	30	29
10	17	24	4	31	7	14	21	28	29	28
8	15	22	2	29	5	12	19	26	27	26
7	14	21	1	28	4	11	18	25	26	25
13	20	27	31	3	10	17	24	3	25	24
12	19	26	30	2	9	16	23	1	24	
10	17	24	4	31	7	14	21	28	29	28
9	16	23	3	30	6	13	20	27	28	27
8	15	22	2	29	5	12	19	26	27	26
7	14	21	1	28	4	11	18	25	26	25
12	19	26	30	2	9	16	23	2	24	

Юҳанно хотирла

Павел и Петрни лаш

Инжил лифларни тирлаш

Дайлам. лиё Юҳ хотирла

Стефан хотирла

[Сурия] оталарни тирлаш

Юнонли ларни х лаш

Авлиё А жослиқни тирлаш

Одам бо ларини лаш

Бар Саф хотирла

Ас-Саол дайри х

Мортни хотирлаш — Мортнинг маъноси «хурматли озод [аёл]». Бу — милоддан кейинги жума куни. Лекин иттифоқо милод пайшанба кунига тўғри келса, пайшанба кечаси пайшанба кундузи билан жума кундузи орасида восита бўлиши сабабли милод байрами ва хотирлаш кетма-кет келмасин деб, буни иккинчи жумага қолдирилади.

[Настурийлар] «данҳ» ҳайитига боғлайдиган [кунларга] келганда, [масалан]: «бокиралар рўзаси». Бу — «данҳ» ҳайитидан кейинги душанба куни [бўлиб], уч кун [давом этиб], пайшанба куни рўзадан чиқилади. Шу кунларда ибодийлар ва христиан араблар рўза тутадилар. Бу [рўза] сабабини шундай баён этганлар: Ҳиранинг исломдан олдинги подшоҳи ўзига [хотинликка] олиш учун ибодий⁸⁹⁷ қизларидан бир нечасини танлаган. Шунда қизлар уч кун кетма-кет рўза тутганлар ва подшоҳ у қизларга теголмай, [уч] куннинг охиригисида ўлган. [Баъзиларининг] айтишича, балки [сабаб бундай]: Зу Қор куни араблар ажамликлар устидан ғалаба қилиб, ажамликлар ан-Нуъмоннинг бокира қизи ал-Анқафини қўлга киритолмагач, христиан арабларнинг қизлари худога шукур қилиб шу рўзани тутганлар.

Баъзан бу рўза «нинавий рўзаси» билан қўшилиб кетади. Бу шундай: катта рўза боши [«нинавий рўзаси»] чегарасининг бошига тўғри келса, «данҳ» [ҳайитидан] кейинги душанба «бокиралар рўзаси» бўлади. Бундан то катта рўзагача йигирма икки кун бор. Натижада ўша кун «нинавий рўза»сининг ҳам боши бўлади. Бу икки рўзанинг ҳар бири уч кундан.

Кейин настурийлар авлиё Юҳаннони хотирлаш [маросимини] ўтказадилар. Бу «данҳ»дан кейинги жума куни бўлади; иккинчи жумада Павел ва Петрни хотирлайдилар, бу Юҳаннони хотирлашдан кейинги жума. Павел яҳудий эди. Айтишларича, Масиҳ унинг кўзини кўр қилган, кейин яна очиб, мўъжиза кўрсатган. Шунда у Масиҳга имон келтирган. Сўнгра Масиҳ уни халқларни динга даъват этишга юборган. Петр эса Шамъун ас-Сафодир.

[Настурийлар] тўрт Инжил соҳибларини хотирлашни учинчи жумада, шаҳид Стефанни хотирлашни тўртинчи жумада — баъзилари эса ўша [жумадан] бир кун олдин пайшанба куни; сурёний оталарни хотирлашни бешинчи жумада; оталарни хотирлашни олтинчи жумада. Бу Диадор, Тиадор настурийлардан иборат юнонлик усқуфларни хотирлашдир, авлиё Адди жослиқни хотирлаш еттинчи жумада; Одам болаларини хотирлашни — бу Одамнинг то шу вақтгача ўлган болаларини хотирлашдир — саккизинчи жумада ўтказадилар.

Шунда агар катта рўза келиб [бўш] жума қолмаса, [настурийлар] сурёнийлар оталарини хотирлашни бекор қиладилар ва унинг ўрнига авлиё Авви жослиқни хотирлаб, кейин хотирлаш [маросимини] аввалги тартибда давом эттирадилар. Катта рўзада улар жумаларни орадан кўтарадилар⁸⁹⁸, фақат бир жума куни кечқурун «қуддос», яъни тангрини улуғлаш [маросими] бўлади.

[Настурийлар] милод ва «данҳ» [ҳайитига] боғлиқ бўлган кунлар ҳамда ҳафталардаги хотирлаш кунлари учун жадвал тузганлар, у [жадвал] ўша кунларнинг сурёний ойлардаги ўринларини кўрсатади. Бу жадвал билан иш қилмоқчи бўлган киши Искандар [эраси] йилларини жорий [йил] билан қўшиб олиб, Қуёш даврларига айлантиради. || Қолганини настурий христианлар жадвалидаги ададлар қаторига киргизади.

Шунда унинг рўпарасида [ҳайитларнинг] ҳар бирини учратади, агар у [ҳайит] қизил билан кўрсатилган бўлса, жадвал тепасида қизил ёзилган ой ичида; қора билан кўрсатилган бўлса, жадвал тепасида қора битилган ой ичида [кўради]. Бунинг юқорисида доимо ўша [ҳайит] воқе бўладиган ҳафта куни [кўрсатилган].

Агар ёқубий христианлардаги [ҳайит ва маросимларни] билганимизда эди, бошқа [христианлар] раъйига мувофиқ [ҳисоб] ишлаганимиздек, албатта улар раъйига мувофиқ ҳам ишлаган бўлардик, лекин уларнинг мазҳабларича эътиқод қилувчи ёки улар аҳволини билувчи кишига етишолмадик.

[Настурийлар] жадвали мана бу [371—374-бетларда].

318 ҚАДИМИЙ МАЖУСИЙЛАР ҲАЙИТЛАРИ, СОБИЙЛАРНИНГ РЎЗА ВА ҲАЙИТЛАРИ УСТИДА СЎЗ

Қадимий мажусийлар Зардушт юзага чиқишидан олдин ҳам мавжуд эдилар. [Энди] улардан Зардушт динига инонмайдиган холис ва соф бирон киши топилмайди, балки улар ҳам Зардушт қавмидан ёки Қуёшга тобинувчилардан бўлиб кетганлар; лекин улар бирмунча қадимги [урф-одатларни] ҳикоя қилиб, шуларни ўз динларига нисбат берадилар. Бу нарсалар Қуёшга тобинувчиларнинг ва қадимги ҳарронийларнинг шарриятларидан олингандир.

Собийлар эса, бу номнинг ҳақиқатда Собий исмига эга бўлган халқларга воқе бўлаётганини юқорида айтдик, улар Бухтанассар Байтулмуқаддасдан Бобилга кўчирган Бобил асирларининг наслларидандир.

Булар шу ерга ўрганиб, Бобил мамлакатига кўниккач, Шомга қайтишни оғирсиндилар ва Бобилда туришни ихтиёр этдилар. Динлари жиҳатидан ишончли ўринда бўлмаганларидан мажусийлар сўзларини эшитиб, [у сўзларнинг] баъзисига инондилар. Натижада, Бобилдан Шомга кўчирилган, яъни сомирийлар деб танилганлар эътиқоди каби уларнинг мазҳаблари ҳам мажусийлик ва яҳудийликдан иборат [аралаш] бўлиб қолди.

Бу табақанинг аксари Саводи Ироқда учратилади. Булар ҳақиқий собийлар бўлиб, йиғноқ эмас, тарқоқ ҳолда; бошқаларга эмас, ўзларига [тегишли] махсус шаҳарларда яшайдилар. Шу билан бирга улар иттифоқ билан бир эътиқодда эмаслар, гўё улар ўз эътиқодларини маълум бир динда собит бўлган ваҳий ё илҳом ёки шу иккисига ўхшаш асосга боғламайдилар ва ўзларини Ануш ибн Шиш ибн Одамга нисбат берадилар.

Гоҳо бу исм қадимги мағриб дини аҳлининг қолдиғи бўлган ва юнонлик румлар христианликни қабул этгандан кейин у диндан ажраган ҳарронийларга ишлатилади. Ҳарронийлар ўзларини Ағодимун, Ҳурмус, Волис, Мобо ва Саворга нисбат берадилар, шулар ва уларга ўхшаш донишмандларни пайғамбар деб эътиқод қиладилар. Гарчи ҳарронийлар, аббосийлар давлати [замонида] икки юз йигирма саккизинчи йили⁸⁹⁹ зиммийлар қаторига олиниб, аҳду омон берилиши учун ўзларини шу Собий исми билан атаган бўлсалар ҳам, бу исмнинг бошқалардан кўра уларга [ишлатилиши] машҳурроқдир. Бундан олдин улар ҳанифлар, ва-соңийлар ва ҳарронийлар⁹⁰⁰ деб аталганлар.

[Собийлар] ойларини сурёнча номлар билан атайдилар ва бу тўғрида яхудийлар йўлига ўхшаш йўлдан бориб, ўзларини уларга ўхшатадилар, чунки яхудийлар [уларга нисбатан] қадимгироқдир. Демак, уларга қўшилиш энг дуруст [ишдир].

Собийлар ойларнинг номларига «ҳилол» лафзини қўшиб, «ҳилоли тишрин аввал», «ҳилоли тишрин охир» дейдилар. Уларда йил боши «ҳилоли конун охир»дир, лекин санашда «ҳилоли тишрин аввал»дан бошлайдилар. || Кун боши уларда янги ойлар билан ҳисобловчиларга хилоф равишда Қуёш чиқишидан ҳисобланади. Учрашувнинг иккинчи куни уларда янги ойнинг боши бўлади. Қачон учрашув — бир дақиқа бўлса ҳам — Қуёш чиқишидан олдин бўлса, албатта ундан кейинги кун ой боши бўлади. Агар учрашув Қуёш чиқиши билан биргаликда ёки Қуёш чиққандан кейин бўлса, учрашувнинг иккинчи куни ой бошидир. Уч йилда бир ой ва бир неча кун йиғилгач, улар ойларига ҳилоли шуботдан кейин бир ой орттирадилар ва буни «ҳилоли озор аввал» деб атайдилар.

Муҳаммад ибн Абдулазиз ал-Ҳошимий⁹⁰¹ ўзининг «ал-Комил» [номи] билан машҳур бўлган зижида собийлар ҳайитларидан бир нечасини хабар тариқасида баён этган, [лекин] уларнинг дастлабки аҳволини текширмаган ва сабабларини батафсил кўрсатмаган. Мен уларни шу бобга кўчирдим, бошқалардан эшитганимни ҳам шуларга қўшдим. У [ҳайит кунларини] ҳисоблар билан текшириб, юзаки томондан тузатдим, чунки менда бу [кунлар] тўғрисида бошқалар ҳақида бўлгани каби аниқлаш қуввати йўқ эди. Тангри тўғри [йўлга] муваффақ этувчидир.

Ҳилоли тишрин аввал. Бу ойнинг олтинчи куни — Заҳбона ҳайити. Еттинчисида — ҳайитни улуғлаш бошланади.

Ун учинчида — Фудий илоҳий ҳайити.

Ун тўртинчида — илоҳий Фудий ҳайити.

Ун бешинчида — қуръалар ҳайити.

Ҳилоли тишрин охир. Бу ойнинг биринчи куни — катта бахт [ҳайити].

Иккинчи куни — авлиё Шиломо [хотирланади].

Бешинчида — бош сочини қириш учун «туз сочиш».

Тўққизинчида — Зухра санами Тарсо [ҳайити].

Ун еттинчида — Тарсо ҳайити. Шу куни Батнон [шаҳрига] чиқилади.

Ун саккизинчида — Саруж ҳайити. Бу кийимлар янгиланадиган кун. Абу-л-Фараж аз-Занжонийнинг айтишича, бу ойнинг тўртинчиси Мазол ҳайитининг боши, ой бошидан ўн саккизинчи куни унинг охиридир.

Ҳилоли конун аввал. Бу ойнинг еттинчисида Зухра санамига девор айлантириш ҳайити.

Унинчида — Миррих учун санамлар ҳайити.

Йигирманчида — жинлар ҳайити.

Йигирма биринчида — биринчи рўза боши. Шундан кейинги учрашув куни рўзадан чиқилади. Бу рўзада гўшт ейиш ҳаром қилинади. Собийлар рўзалардан чиқишда садақа ва эҳсон қиладилар.

Йигирма саккизинчида — жинларни чақириш ҳайити.

Йигирма тўққизинчида — жинлар учун бахтлар ҳайити.

Ўттизинчида — маслаҳат ҳайити. || Абу-л-Фараж аз-Занжонийнинг айтишича, шу ойнинг йигирма тўртинчиси милод ҳайитидир.

Ҳилоли конун охир. Бу ойда бўладиган барча дуо, рўза ва ҳайитлар жинлар учундир.

Биринчи куни — румликлардаги Қаландос [ҳайити] сингари йил боши ҳайити.

Тўртинчида — ал-Жабал дайри ҳайити ва Балтий, яъни Зухра ҳайити.

Саккизинчи куни — етти кунлик рўза бошланиб, ўн бешинчида рўзадан чиқилади.

Ўн иккинчида — Вахсувони чақирिश.

Йигирманчи куни — Бел Ҳарронга қараб намоз ўқилади⁹⁰².

Йигирма олтинчида — йил тўйи ҳайити.

Ҳилоли шубот. Тўққизинчи куни — кичик рўза бошланади. Бу етти кун [давом этиб], ойнанинг ўн олтисида рўзадан чиқилади. Бу рўзада ёғлиқ нарса, турли узум ва узумлардан [тайёрланган]⁹⁰³ нарсалардан бутунлай тотмайдилар.

Ўнинчида — Қуёш учун «келин уйи» ҳайити.

Йигирма иккинчида — Қуёш учун мантас ҳайити.

Йигирма тўртинчида — ҳурматли шайх, яъни Зухал [юлдузи] ҳайити.

Йигирма бешинчида — Алмоно тўйи ҳайити.

Ҳилоли озор. Биринчи куни Ой рўзаси бошланиб, уч кун [давом этади] ва бу ойнанинг тўртинчисидида рўзадан чиқилади.

Еттинчи куни — Ҳирмис— Уторид ҳайити.

Бу ойнанинг саккизинчисидида — катта рўза бошланади. Бу рўзада фақат гўшт ҳаром қилинади. Бу рўзанинг бошқалардан фарқ қиладиган хусусияти шуки, [собийлар] бунда Қуёш Ҳут буржида эканида йиғлашга [бошлаб], то ўттиз бир кун ўтгунича [давом этадилар], шунда Қуёш Ҳамал буржида, Ой Саратон буржида Қуёшники каби даражаларда бўлади. [Ўша кунларнинг] аввали собийлар рўзасининг аввали бўлиб, охири рўзадан чиқиш [кунидир].

Баъзан ҳилоли озор ўттиз кундан кам бўлса, бу рўза йигирма тўққиз кун бўлади.

Ўнинчида — болалар кўкрак сутидан ажратилади.

Ҳилоли найсон. Иккинчи кунидида Дамис ҳайити.

Учинчида — сурма ҳайити.

Тўртинчида — ашулани улуглаш.

Бешинчида — Зухранинг санами Балён ҳайити.

Олтинчида — Симор ва ойдаги ҳаёт ҳайити. Козий дайри ҳайити ҳам шу куни. Кўп ҳолларда катта рўзадан чиқиш шу ойнанинг саккизинчи кунига тўғри келади. Яна шу куни — руҳларнинг яратилиш ҳайити.

Тўққизинчида — соатлар эгалари ҳайити.

Ўн бешинчида — Симок [юлдузи] сирлари ҳайити.

Йигирманчида || — Козий дайрида йиғилиш ҳайити.

Йигирма саккизинчида Синий дайри ҳайити.

Ҳилоли айёр. Иккинчи куни шайтонлар раиси Салуғо ҳайити.

Учинчида — Бағдод ибодатхонаси ҳайити.

Тўртинчида — назр-ниёзлар ҳайити.

Олтинчида — Амисулҳ ҳайити. Бу — чўқинтириш ҳайити ҳам.

Еттинчида — Ой санами Заҳзок ҳайити.

Ўн биринчида — Заҳзок ва Журушиё ҳайити.

Ўн иккинчида — Журушиё ҳайити.

Ўн учинчида — Бархушиё ҳайити.

Ўн бешинчида — Бархурушиё ҳайити.

Ўн еттинчида — похол дарвоза ҳайити.

Йигирманчида — Заҳзоқ учун охирги ҳайит, Заҳзоқ кўр санамдир. Шу куни Тарауз ҳайити ҳам.

Ҳилоли ҳазирон. Еттинчида — Таммузони хотирлаш. Бунда йиглаб, фарёд чекадилар.

Йигирма тўртинчида — ал-Қурмус ҳайити. Бу табриклаш ҳайити ҳам.

Йигирма еттинчида — қассоб ибодатхонаси ҳайити.

Ҳилоли таммуз. Ўн бешинчи куни — йигитлар ҳайити.

Ўн еттинчида — «урус дақойиқ»⁹⁰⁴ ҳайити.

Ўн саккизинчида — дақойиқ ҳайити.

Ўн тўққизинчида ҳам Дақойиқ ҳайити.

Ҳилоли об. Учинчи куни — Зухра санами Дайлафатон ҳайити.

Еттинчида ҳам Дайлафатон [ҳайити] бўлади.

Йигирма тўртинчида — иссиқ булоқ Саружда чўмилиш ҳайити.

Йигирма олтинчида ҳам ҳайит.

Йигирма саккизинчида — Кафармисо ҳайити.

Ўттизинчи куни — иссиқ булоқ Саружда чўмилишнинг охиргиси.

Ҳилоли айлул. Ўн учинчида — «амид дуруно»⁹⁰⁵ ҳайити, хотинлар учун — рўзадан чиқиш.

Ўн тўртинчида — Дафално рўзаси.

Йигирма тўртинчида — янги ойлар чиқиши ҳайити.

Йигирма бешинчида — Ҳаррон тепалигида шам ҳайити.

[Собийлар] ойларининг ҳар бирида уларнинг қоҳинларига фарз қилинган рўза кунлари бор. Гумонимча, бу [рўза] ҳар ойда ўн тўрт кун ёки ҳар ойнинг ўн тўртинчи куни [бўлади]. Буни аниқлай олмадим.

[Собийлар] мазҳабларини баён этувчиларнинг бири бундай ҳикоя қилди: «Ҳар ойнинг ўн еттинчи куни собийлар учун байрам. Бунинг сабаби тўфоннинг ноаниқ бир ҳилол ойнининг шу кунда бошланганидир. Икки кеча-кундуз баробарлиги ва Қуёшнинг икки туриш кунлари ҳам улар учун ҳайит. Қуёш икки туришининг қишгиси [янги] йил туғилишидир».

Ал-Ҳошимий ва бошқалар баён этган [ҳайит ва маросимлар] ана шулар. || Биз уларни қандай ёзилган бўлса, шундай ҳолатда жамлаб кўчирдик, холос. Уларни [шу мазҳаб] эгаларидан эшитиш ва собийлар, ҳарронийлар ҳамда энг қадимги мажусийларга тегишли нарсаларни бир-биридан ажратиш бизга муяссар бўлгач, худо хоҳласа, бу йўлда ҳам бошқа [динлардаги] юрган йўлдан борамиз.

Собийларнинг катта рўзалари [боши] Қуёш ва Ой «қўш жасадли»⁹⁰⁶ икки буржда эканида ҳилоли озорнинг биринчи чорагида; рўзадан чиқиш эса, бу иккала ёритқич биргаликда «ҳаракатчан» [ва] муайян икки буржда эканида ҳилоли найсоннинг биринчи чорагида воқе бўлади. Бу ҳол собийлар ойларининг қуёш йилида яҳудийлар ойлариники сингари давр этишини тақозо қилади, бу ўртача ҳаракатга кўрадир. Булардан ҳар бирининг сабаби иккинчисиникига боғлиқдир. Чунки пасханиннг шартин иккала ёритқичнинг икки кеча-кундуз баробарлигининг иккала буржида бир марта бир-бирига рўпара келишидир. Баъзан улар икки марта шундай рўпара келиши ҳам мумкин. Рўзадан чиқишларининг шартин эса, биз [юқорида] эслатиб ўтган сабабдир. Демак, шунда пасхадан олдинги ой чораги собийларнинг рўзадан чиқишлари, кузги кеча-

кундуз баробарлигига энг яқин учрашув эса улар йилининг боши бўлиб, бу айлул чегарасидан чиқмоқдир. Агар йил бошини ўн тўққиз йиллик даврлардан бирортасида синчикламай ҳисобласак, [кутилган натижа] ҳосил бўлади. Чунки собийлар йил бошини, биз [юқорида] эслатгандек, учрашув вақти билан тўғрилайдилар. Яҳудий ва христианларнинг пасхани аниқлашдаги амалиёт ва ҳисоблари ёритқичларнинг, айниқса Қуёшнинг, ҳақиқатдан кейинда қолганлиги бизга равшан бўлган ҳаракатларига асосланган. Агар [Қуёш ва Ойнинг] рўпара келиши ёритқичларнинг янги расадлар орқали бўлган ҳаракатлари билан аниқланса,— баъзи бир рўпара келишнинг бу икки [миллат олимлари] фикрига қараб — пасха учун тайинланган чегара бошларидан олдин келиши кўрилади. Бундай рўпара келиш тўғри бўла туриб, [яҳудий ва христианлар] буни тарк этиб, эътиборга олмайдилар. Баъзи [рўпара келишнинг] эса пасха учун белгиланган чегара охирларига яқин келиши кўрилади. Бу нотўғри бўла туриб [улар] буни асос қилиб оладилар ва унга суюнадилар, ҳақиқийси эса ундан бир ой олдин келади.

Юқоридаги [баёндан] мақсадимиз ҳақиқатларни юзага чиқариш ва иккала гуруҳ⁹⁰⁷ орасида восита бўлиб, улар ўртасидаги [келишмовчиликни] ислоҳ этиш бўлгач, иккала гуруҳдан ҳар бирининг амалиётлари сингари иш қилдик. Улардан ҳар бирига у [амалиётнинг] фойдали ва зарарли натижаси зоҳир бўлсин деб, ишни униси ва бошқасининг фикрига [мосладик]. Ниҳоят, ҳақиқат зоҳир бўлиб, қайси бирининг сўзини олиш ни ва унинг фикрига асосланишни ўз томонимиздан кўрсатдик. Ҳар икки гуруҳ бизни бир томонга мойил бўляпти ва тилёғламалик қиляпти деган ваҳимани кўнгилларидан чиқарсин, мазкур қонун-қоидаларни текширганимизда бир гуруҳга қарши чиқишимиздан кўнгли бетинч бўлмасин, чунки у қонунлар ўз ҳолича қолганда, биз аксарини айтиб ўтган чалкашлик ва тартибсизликлардан холи бўлмайди.

Шундай қилиб, пасха чегараларининг аввалини озорнинг ўн олтинчи кунига қўямиз ва [Қуёш билан Ойнинг] рўпара келиш куни ҳақиқатда икки кеча-кундуз баробарлигининг икки буржида воқе бўлади деб ҳисоблаймиз. Давр ичидаги пасхаларни шу [кунга] асосан шундай белгилаймизки, бирон пасха ҳам тайинланган ўша чегарадан олдин келмайди, юқорида шарт қилингандек, пасха фақат икки ёритқич [Қуёш ва Ой] шу куни бир-бирига рўпара келгандагина воқе бўлади. Пасха чегараларининг охири || найсоннинг ўн учинчи куни бўлади. Лекин Қуёш пасхалардан кейин ҳам Ҳамал буржида [кўринса], Ой унга рўпара келмайди. Аммо бундан олдин шу буржда бир марта рўпара келган бўлади. Кейин, [кунлари] тўғриланган пасхалардан собийларнинг рўзадан чиқишини [ва] бундан эса янги йиллари бошини аниқлаймиз. Бу эса ҳилоли тишрин аввалда [Қуёш билан Ой] учрашувидир.

Биз бу [амалиётни] ишлаб, жадвалларда кўрсатдик. Кимки Искандар эраси йилларини [собийлар янги] йили бошидаги учрашувдан кейинги тишрин аввалнинг бошида камайиб бораяпган йил билан қўшиб ҳисоблаб, бунга ўн олтини қўшса ёки ундан учни камайтирса ва ҳосилни ўн тўққизга бўлиб, бўлинмани ташласа ва қолганини тўғриланган давр жадвалининг ададлар қаторига киргизса, бунинг рўпарасида [собийлар] йил бошини, катта рўзаларидан чиқиладиган кунни, [куни] тўғриланган пасхани ва христианларнинг сурёний ойларнинг [қайси кунларига] тўғри келиши бу пасха орқали аниқланган ўрта рўзаларини кўради. Тўғриланган давр жадвали маъна бу.

1	Иббур	28	1	Найсон	8	Найсон	20	Шубот	18	Айгул
2	Иббур	17	21	Озор	28	Озор	9	Шубот	7	Айгул
3	Иббур	6	9	Найсон	16	Озор	28	КонунII	26	Об
4	Иббур	25	29	Озор	4	Найсон	16	Шубот	14	Айгул
5	Иббур	14	17	Озор	24	Озор	5	Шубот	3	Айгул
6	Иббур	2	5	Найсон	12	Найсон	24	Шубот	22	Айгул
7	Иббур	21	25	Озор	1	Найсон	13	Шубот	11	Айгул
8	Иббур	10	13	Найсон	21	Озор	2	Шубот	31	Об
9	Иббур	29	2	Найсон	9	Найсон	21	Шубот	19	Айгул
10	Иббур	18	22	Озор	29	Озор	10	Шубот	8	Айгул
11	Иббур	7	10	Найсон	18	Озор	30	КонунII	28	Об
12	Иббур	26	30	Озор	6	Найсон	18	Шубот	16	Айгул
13	Иббур	15	19	Озор	26	Озор	7	Шубот	5	Айгул
14	Иббур	4	7	Найсон	15	Озор	27	КонунII	25	Об
15	Иббур	23	27	Озор	3	Найсон	15	Шубот	13	Айгул
16	Иббур	12	16	Озор	23	Озор	4	Шубот	2	Айгул
17	Иббур	1	4	Найсон	11	Найсон	23	Шубот	21	Айгул
18	Иббур	20	24	Озор	31	Озор	12	Шубот	10	Айгул
19	Иббур	9	12	Найсон	20	Озор	1	Шубот	30	Об

Биз юқорида араблар ойлари­нинг ўн иккита эканини, улар ойлари­га қўшимча қўшишларини, натижада ойлари қуёш йили билан биргаликда бир йўлда айланишини ва шу сабабли ойлари­нинг номларида арабларни ўзаро келишувга чақирган маънолар борлигини айтдик⁹⁰⁸. [Ойлар] ном­ларининг баъзиси, улар йилнинг қайси вақтида [келишини], баъзиси эса арабларнинг ўша ойларида қила­диган [маросимларини] кўрсатади. Ой­ларнинг номлари ҳақида тилшунослардан ва араблар ахборотини ривоят қилувчилардан баъзиларининг фикрини баён қилдик. Энди бу ҳақда уларнинг бошқа бир фикрини эслаймиз.

Муҳаррам. Бу ойнинг бундай аталишига сабаб араб ойлари­дан тўрттаси ҳаром ойлари саналиб, [улардан] биттаси танҳодир, бу — ражаб [ойи], учтаси [эса] кетма-кет келади, булар: зулқаъда, зулҳижжа ва му­ҳаррам. Араблар шу тўрт ойда жанг [қилиш] ни ҳаром қиладилар.

Сафарнинг сафар деб аталишига сабаб, уларда шу ой вабо пайдо бўлиб, касал бўлганлар ва ранглари сарғайган. Кейин **раби ал-аввал** ва **раби ал-охир**. Бу икки ой куз фаслида келар эди. [Исломгача бўлган] араблар кузни раби деб атардилар⁹⁰⁹.

Кейин **жумодо аввал**, **жумодо охира**. Бу ойларида тонг совуқлари бошланиб, муз ва қиров тушади, сув яхлайди. Бу қиш фаслидир.

Кейин **ражаб**. Бунинг ражаб деб аталишига сабаб «иржабудир», яъни «уришиш ва талончиликдан тийилинг, чунки бу ҳаром ой» дейил­ган. [Баъзиларнинг] айтишича, балки араблар бу ой келиб қолишидан қўрқиб, олдинроқ [ўз ишларини тугатадиган] бўлганлар. [Бир нарсадан қўрқилса], «ражибту шайъан», яъни [«фалон»] нарсадан қўрқдим»;— дейилади.

Сўнгра шаъбон [келади]. [Бундай аталишига] сабаб [араб] қаби­лалари бу ойда сув бўйларига чиқар ва талончилик қилардилар. Бун­дан кейин рамазон. У ҳарорат бошланиб, ер қизиган вақтда [келар эди]. Араблар жоҳилият [даврида] бу ойни улуғлар эдилар.

Сўнгра **шавволдир**. [Унинг шундай аталишининг] сабаби бунда «шаввил», яъни «кўчинлар!» дейилган. [Баъзиларнинг] айтишича, бал­ки бу ном билан аталишининг сабаби: шу вақтда туялар жинсий алоқа­ни истаб, думларини кўтарадилар. Шунинг учун араблар бу ойда ўғил

уйлантирмайдилар ва қиз чиқармайдилар. Кейин зулқаъда. Бу ойда «ўтиринг ва жангдан тийилинг!» дейилгани учун шундай [аталган].

Зулҳижжа, бу ойда араблар ҳаж қилгани сабабли шундай [аталган].

Бу ойлар [йилнинг] тўрт фаслига тақсим қилинган эди. Араблар у [фаслларни] куздан бошлаб, кузни «раби» деб атардилар. Кейин қиш, сўнгра баҳор келиб, буни «сайф»⁹¹⁰ деб атардилар, баъзилари «иккинчи раби» деб атаган. Сўнгра ёз [келади], буни «қайз»⁹¹¹ деб атардилар. Лекин бундай аташ тарк қилинган, бекор қолдирилган ва эсда сақланмаган.

Арабларнинг йил вақтларини чегаралаб кўрсатишларидан фақат мана буларгина воқиф бўлинди. «Раби», яъни кузнинг боши — уларда айлулнинг учинчиси, қиш боши — конун аввалнинг учинчиси, «сайф», яъни баҳорнинг боши — озорнинг бешинчиси ва қайз, яъни ёзнинг боши ҳазироннинг тўртинчисидир. Арабларнинг шундай [чегара бўлгиланганлари] Ойнинг чиқиш ва ботиш манзилларининг ўша [фаслларга] тақсим этилганидагина билинди. Тўрт фаслнинг бошланиши ихтилоfli масалалардандир. Батлимус «Осмон куррасига тегишли фанга кириш» китобида: «Юнонликлар [тўрт фаслни] Қуёшнинг || икки кеча-кундуз бараварлиги ва Қуёшнинг икки туриш нуқталарига келишидан ҳисоблаганлар» [деб] кўрсатган. Калдонийлар ҳақида ҳикоя қилиб, улар [йил фасллари] бошларини икки кеча-кундуз баробарлиги ва Қуёшнинг икки туришидан саккиз даража кейиндан ҳисоб қилганлар. Гумонимча, бунга калдонийлар зижларидаги ҳисобларнинг юнонликлар тажрибаси ва уларнинг зижлари тақозо этган муддатдан орқада қолиши сабаб бўлган, у муддат саккиз даража миқдор фараз қилинган. Чунки [калдонийлар] бу тафовутни фалакнинг олд ва орқага томон ҳаракатидан деб билардилар, [бу ҳаракатнинг] бориб етган чегараси саккиз даражадир. Яна уларнинг мақсадларини худо яхшироқ билади.

Бу ҳаракат Абу Жаъфар ал-Хозиннинг «[Ой] гардишлари зижи» да Иброҳим ибн Синоннинг «Қуёш ҳаракати ҳақида китоб» номли асаридан яхшироқ ва дидга мосроқ [тартибда] баён этилган.

Аммо румийлар ва сурёнийлар [фасллар] бошини икки [кеча-кундуз] баробарлиги ва Қуёшнинг икки туриши тўрт нуқтасидан ярим бурж олдинга қўйганлар. Натижада фасллар бошлари Қуёшнинг олдинги буржлар яримига киришидан [ҳисобланган]. Шунинг учун [у буржлар] «икки жасадлилар» деб аталган.

Синон қибтийлар ва Иббархдан икки хил ҳикоя қилган, иккиси ҳам [фасллар бошини] ўша тўрт нуқтадан расо бир бурж олдин қўйишни тақозо этади.

Табиатшуносларнинг ўта кетганлари [фасллар бошини] бир ярим бурж олдинга қўйганлар. Уларнинг ҳақиқатдан ҳаддан ташқари узоқлашганлари эса буни Қуёшнинг экватордан ўзининг тўла оғишининг ярмига [мойил] бўлган пайтидан ҳисоб қилганлар. Бу билан улар халқ урфидан чиқиб, тўрт фаслга ном қўйилишига сабаб бўлган маънолардан узоқлашганлар.

У фикрлар турли ихтилофлари билан бирга жадвал ичига олинди. Жадвал шаклининг кўриниши мана бу. ||

327

Йил фаслларининг турли фикрларга кўра жадвали

Турли фикрлар	Румийлар, сурьяликлар ва кўпчилик мунажжимлар		Батлимус баёнига кўра юнонлар		Батлимус ҳикоясига кўра калдонийлар		Анво китобларида баён этилишига кўра араблар	
	Фасллар	Кунлар	Ойлар	Кунлар	Ойлар	Кунлар	Ойлар	Кунлар
Баҳор	1	Озор	15	Озор	23	Озор	5	Озор
Ёз	1	Ҳазирон	16	Ҳазирон	24	Ҳазирон	4	Ҳазирон
Куз	1	Айлул	17	Айлул	25	Айлул	3	Айлул
Қиш	1	Конун аввал	15	Конун аввал	23	Конун аввал	3	Конун аввал

Турли фикрлар	Синон ибн Собит ҳикоясига кўра қибтийлар		Синон ибн Собит ҳикоясига кўра Гиббарх		Ҳақиқатдан четлашган ўта кетган табиатшунослар		Табиатшуносларнинг ҳаддан ташқари ҳақиқатдан узоқлашганлари	
	Фасллар	Кунлар	Ойлар	Кунлар	Ойлар	Кунлар	Ойлар	Кунлар
Баҳор	7	Шубот	11	Шубот	1	Шубот	15	Конун
Ёз	10	Айёр	12	Айёр	1	Айёр	15	Охир
Куз	15	Об	16	Айлул	1	Об	15	Найсон
Қиш	11	Тишрин охир	11	Тишрин охир	1	Тишрин охир	17	Таммуз
							17	Тишрин аввал

328

Насий қилинган ойларининг маълум вақтларида [жоҳилият] арабларининг махсус жойларда бозорлари бўлар эди. Улардан бири Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Бағдодийнинг⁹¹² «Китоб ал-мужир» да эслатиб ўтганидир. У бундай деган:

Думат ал-жандал⁹¹³ бозори. Раби аввалнинг биринчи кунидан то ярмигача давом этиб, бунда арабларнинг олди-сотди ишлари тош ташлаш билан бўлар эди. Бу шундай: мол тепасига халқ йиғилар ва молга қизиққан киши [унинг устига] тош ташларди. Гоҳо бир молнинг харидори кўпайиб кетарди, шунда улардан ким тош ташласа, [молнинг ўша кишига] сотилиши лозим бўлар эди».

Сўнгра ал-Мушаққар бозори. Иккинчи жумодонинг биринчи кунидан бошланиб, бунда савдо-сотик, хилофгарчилик ва ёлғон гап хавфи сабабли, «муломаса», яъни имо-ишора билан бўлар эди.

Кейин **Сухор** бозори. Ражаб ойининг ўнинчисидан бошланиб, беш кун давом этарди.

Кейин **Дабо** бозори. Ражабнинг охирги куни бўлиб, бунда савдо-сотик келишиш йўли билан бўлар эди.

Сўнгра **аш-Шихр** бозори. Шаъбоннинг ярмида бўлиб, бунда олди-сотди [мол устига] тош ташлаш йўли билан бўларди.

Кейин **Адан** бозори. Рамазон ойининг биринчи кунидан то ўнинчи кунигача давом этарди.

Сўнгра **Санъо** бозори. Рамазон ойининг ярмида бошланиб, унинг охиригача давом этарди.

Кейин **ар-Робия** ва **Укоз** [бозорлари]. Ар-Робия Хазрамавтда⁹¹⁴, Укоз⁹¹⁵ эса Нажднинг юқори қисмида Арофот яқинидадир. Бу икки [бозор] бир кунда — зулқаъда ойининг ярмида очиларди. Укоз арабларнинг энг катта бозорларидан бири бўлиб, бунда Қурайш, Ҳавозин, Ғатфон, Аслам, Укайл, ал-Мусталиқ [қабилалари], ҳабашлар ва бирор қабилага мансуб бўлмаган одамлар қатнашардилар. Бу бозор зулқаъданинг ярмидан то ой охиригача давом этарди. Зулҳижжа ойи кўринганда Зулмажоз [бозорига] келардилар. Бу бозор Укоз яқинида бўлиб, «сувга қондириш куни»гача⁹¹⁶ давом этарди. Кейин Минога қайтардилар.

Сўнгра Ҳайбарда Натот бозори ва Ямомада Ҳажр бозори. Булар муҳаррам бошидан то ойининг ўнinchисигача давом этарди. Худо ислом [динини] юборгач, бу урф-одатларнинг аксари тарк қилинди.

МУСУЛМОНЛАРДА ҚЎЛЛАНАДИГАН [МАШҲУР КУНЛАР] УСТИДА СЎЗ

Мусулмонларга келганда, улар [исломгача бўлган] араб ойларини насий қилмай қўлладилар. Бунинг сабабини ва бу ҳақдаги гапларни юқорида айтдик. Тўртта «ҳурматли» ойни таъқиқланган ҳисоблайдилар, чунки худойи таоло: «Ойлардан тўрттаси [уруш] ҳаром қилинган ойлар... Буларда ўз нафсингизга зулм қилманг!» деган. Улар шаввол, зулқаъда ва зулҳижжанинг биринчи ўн кунини «ҳаж ойлари» деб атайдилар. Бу шундай ойларки, худо, улар ҳақида: «Ҳаж [вақти] маълум ойлардир. Қимки шу ойларда ҳаж қилишни фарз этса, ҳажда жинсий алоқа гуноҳ ва талаш-жанжал йўқ»⁹¹⁷, — деган.

Буларнинг «ҳаж ойлари» деб аталишларига сабаб шуки, ҳаж қилувчининг бу ойлардан олдин эҳром⁹¹⁸ боғлаши дуруст эмас. [Турли] мазҳаб эгалари бўлган фақиҳларнинг бу [ойлар] ҳақида ихтилофлари мавжуд. || Ихтилофлар фиқҳа бобига киради, [бу ерда] баён этилса, китоб [ҳажми] чўзилади.

Ҳаж мавсуми [икки ою ўн кун бўлса ҳам зулҳижжа] ойининг учдан бири бўлмиш каср [вақтни] тўла ҳисоб қилинган ва «ойлар» деб кўп-ликда ишлатилган.

Худо: «Ер юзида тўрт ойгача юра беринг!»⁹¹⁹, — деб [Макка мушрикларига] аҳд-омон берилган ойлар эса, қурбон ҳайити кунидан⁹²⁰ раби ал-охирнинг ўнинчисигача бўлган [муддатдир]. Чунки амиралмўъминин [Али] алайҳиссалом шу сурани қурбон ҳайити куни [ҳаж] мавсумида халққа ўқиб берган.

Мусулмонларнинг шу ойларда улуғлайдиган кунлари бор, улар мана булардир:

Мухаррам. Бу ойнинг биринчи куни улуғланади, чунки бу [кун] йил аввали ва сана бошланишидир.

Тўққизинчи куни, [ўнинчи] «ошуро» дейилганидек, «тосуо»⁹²¹ деб аталади. Шиа мазҳабининг зоҳидлари шу куни намоз⁹²² ўқийдилар.

Ўнинчи куни «ошуро» деб аталади. Бунинг [бошқа кунлардан] афзаллиги машҳурдир. Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилинишича, у: «Эй халойиқ, бу куни яхши [ишлар] қилишга шошилинг, чунки бу улуғ ва баракатли кун. Худо шу куни одамга баракат берди», — деган.

Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толибнинг—худо улардан рози бўлсин—

ўлдирилиши⁹²³ шу кунга тўғри келгунича, мусулмонлар буни улуғлар эдилар. Ҳусайн ва унинг ёрдамчиларига барча миллатларда ёмон кишиларга ҳам раво кўрилмаган ишлар: ташна қўйиб, қилич билан [чопиб] ўлдириш, куйдириш, каллаларини осиб қўйиш ва жасадлар устидан отлар юргизишдан иборат ёмон ишлар қилинди. Шундан кейин бу кунни бахтсизлик [кунни] санадилар.

Умавийлар эса, шу куни янги кийимлар кийиб ясанадилар ва кўзларига сурма қўйиб ҳайит қиладилар, тўйлар ва зиёфатлар ўтказадилар, ширинликлар ва лаззатли [овқатлар] ейдилар. Уларнинг ҳукмронлик замонларида бу расм кўпчилик орасида жорий бўлди, ҳокимият қўлларида кетгандан кейин ҳам [бу] авом [халқ] орасида давом этди.

Аммо шиалар «шаҳидлар сайиди»нинг ўлдирилганига ачиноиб, шу куни доду фарёд қиладилар. Тинчлик шаҳри ва шунга ўхшаш шаҳар ва мамлакатларда [йиғи-таъзия] изҳор этадилар, Қарбалодаги саодатли қабр [Ҳусайн гўрини] зиёрат қиладилар. Шунинг учун оддий халқ бу кун идишларни ва уй асбобларини янгилашни ёмон кўради.

Ҳусайннинг [ўлдирилиш] хабари Мадинага келгач, Ақил ибн Абу Толибнинг қизи чиқиб [бу шеърни] айтган:

«Агар пайғамбар сизга: «Сиз миллатларнинг охири⁹²⁴ эдингиз-ку, нималар қилдингиз?

Мен йўғимда авлод ва хонадонимнинг ярми асир этилди, ярми қонга беланди.

Мен сизга хайрихоҳ бўлганим учун менга мукофот бундай бўлмаслиги керак эди, сиз авлодимга

ёмонлик қилиш билан менга мухолиф бўлдингиз», — деса, нима дейсиз?»

Расулулло оиласининг ёрдамчиси Иброҳим ибн ал-Аштар шу куни ўлдирилди. Айтилишича, худо шу куни Одам тавбасини қабул этди ва Нух кемаси Жудий⁹²⁵ тоғида тўхтади. Исо шу куни туғилди; Мусо ва Иброҳим қутулди ва [Иброҳим] атрофидаги олов совиди. [Шу куни] Ёқуб пайғамбарнинг кўзи очилди, Юсуф қудуқдан чиқарилди, подшоҳлик [яна] Сулаймонга қайтарилди, Юнус қавмидан азоб кўтарилди ва Айюб [баданидаги] зарарли нарса — [қурт] лар йўқотилди, Закариё дуоси қабул этилди ва ўғли Яҳё туғилди. Айтишларича, фиръавн сеҳр-гарларининг учрашиш вақти бўлган «зийнат куни» || ошуро куни [нинг] завол вақтидир.

[Юқорида айтилган] ҳамма ҳодисаларнинг гарчи ошуро кунда воқе бўлиши мумкин бўлса ҳам, у [гаплар] текшириш олиб боролмайдиган авом халқ ривоятчиларига ёки китоб аҳли билан келишишга асосланган.

Айтилишича, «ошуро» яҳудийча сўз бўлиб, бунинг арабийлаштирилгани «ошур» ёки яҳудийларнинг рўзаси киббур рўзаси бўлган тишрий ойининг «ўнинчиси»дир. Бу кун яҳудий ойларида биринчи ойнинг ўнинчи кунда эътиборга олингандек, араб ойларида ҳам назарга олинган ва улар ойларида биринчи ойнинг ўнинчи кунига қўйилган.

[Ошуро] рўзаси ҳижрат йили бошида фарз қилинди. Сўнгра ундан кейин келган рамазон ойи рўзаси унга алмашди.

Ривоят қилишларича, расулулло — худо унга раҳмат ва саломини юборсин — Мадинага келгач, яҳудийларнинг ошурога рўза тутаетган-

ларини кўриб, улардан бунинг қандай кун эканини сўраган. Улар: «Ошуро худо фиръавн ва унинг тобеларини ғарқ этиб, Мусо ва унинг ҳамроҳларини қутқазган кун»,— деб хабар берганлар. [Пайғамбар] алайҳиссалом: «Мусога яҳудийлардан кўра биз садоқатлироқмиз»,— деб ўзи рўза тутган ва суҳбатдошларини ҳам рўза тутишга буюрган. Рамазон ойи рўзаси фарз қилингандан кейин суҳбатдошларини ошуро рўзасини тутишга буюрмаган ва [тутишдан] тиймаган ҳам.

Бу ривоят тўғри эмас, чунки тажриба бунга қарши гувоҳлик беради. У мана бундай: ҳижрат йилида муҳаррам боши жума куни таммузнинг ўн олтинчиси Искандар [йилининг] тўққиз юз ўттиз учинчиси эди. Агар яҳудий йили бошини шу йилдан ҳисобласак, у якшанба куни айлулнинг ўн иккинчиси бўлиб, бунга сафар ойининг йигирма тўққизинчиси тўғри келади ва ошуро рўзаси сешанба куни тўққизинчи раби ал-аввал бўлади. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳижрати эса раби ал-аввалнинг биринчи ярмида эди.

[Пайғамбардан] душанба кунининг рўзаси ҳақида сўралганда, у: «Бу мен туғилган кун, шу куни [пайғамбар] қилиб юборилдим, шу куни менга [Қуръон] туширилди ва шу куни ҳижрат қилдим»,— деган.

Сўнгра, ҳижратнинг қайси душанбада бўлгани хусусида ҳам ихтилоф бор. Баъзиларнинг гумонича, у раби ал-аввалнинг иккинчи куни; баъзиларнинг айтишича, саккизинчи куни ва бошқаларнинг гумонича эса, ўн иккинчи кунда бўлган. Ҳижрат [раби ал-аввалнинг] саккизинчида бўлганига келишилган. Иккинчи ёки ўн иккинчида бўлиши тўғри чиқмайди, чунки у иккиси душанба куни эмас эди. Зеро ўша йили раби ал-аввал боши душанба куни эди. Шу баён этганларимизга кўра пайғамбар алайҳиссалом Мадинага ошуродан бир кун олдин келган бўлиб, [ошуро] муҳаррам [ойига] фақат ўша йилдан бирмунча йил олдин ёки ундан йигирма неча йил кейингина тўғри келади. Энди қандай қилиб: «Ошуро ўша йили ўнинчи муҳаррамга тўғри келгани сабабли пайғамбар алайҳиссалом [ошуро] рўза тутди» дейиш дуруст бўлади? Бу фақат [ошуро] яҳудий ойлариининг биринчисидан араб ойлариининг биринчисига, у билан мос келсин деб кўчирилгандагина [воқе] бўлиши мумкин. Шунингдек, ҳижратнинг иккинчи йилида ошуро айлулнинг шанба куниси, тўққизинчи раби ал-аввалда бўлган. Демак, улар айтгандек, пайғамбарнинг Мадинага келиши билан ошуро кунининг у вақтда бир-бирига мос келиши ҳар ҳолда мумкин эмас.

Яҳудийларнинг «Худо шу куни фиръавни ғарқ этди», деган сўзларига келсак, Таврот бунга қарши гапиради. [Фиръавн] найсаннинг йигирма биринчи куни ғарқ этилган, бу «фатир» кунларидан еттинчи кундир. || Пайғамбар Мадинага келгандан кейин яҳудийларнинг биринчи пасхаси сешанба куни озорнинг йигирма иккинчиси, Искандар эрасининг тўққиз юз ўттиз учинчи йилида бўлиб, рамазон ойининг еттинчи кунига тўғри келган эди. Фиръавни худо ғарқ этган кун рамазоннинг йигирма учинчи кундир. Шундай бўлгач, [яҳудийлар] келтирган ривоятга ҳеч қандай далил йўқ.

[Муҳаррамнинг] ўн олтинчи куни қибла Байтулмуқаддас томонга айлантирилган.

Ўн еттинчида — «Асхоб фил»⁹²⁶ [Маккага] келган.

Сафар. Бу ойнинг биринчи кунда Ҳусайн алайҳиссаломнинг калласи Дамашқ шаҳрига келтирилди. Шунда Язид [ибн Муовия] уни ол-

дига қўйди ва қўлидаги таёқ билан озук тишларига туртиб, бу шеърни айтди:

«Агар Аҳмад⁹²⁷ авлодидан уларнинг қилмишлари сабабли ўч олмасам, ҳиндифлардан эмасман.

Қошки Бадрда [ҳалок бўлган] боболарим хазражийларнинг⁹²⁸ найза санчилишига чидолмаётганларини кўрсалар эди!

Шодликдан қичқиришар ва хурсанд бўлишарди-да.

Сўнгра: «Эй Язид бўшашма!» дейишар эди.

Уларнинг бошлиқларидан сайидини ўлдириб,

Бадр ҳалокатига баробар қилдик ва [иш] баробар бўлди».

[Шу куни] имом Зайд ибн Али ўлдирилиб, Фурот қирғоғида дорга осиб қўйилди, кейин танаси куйдирилди ва кули сувга сочиб юборилди.

Ун олтинчида — расулуллонинг — худо ўз раҳматини унга ва унинг авлодига юборсин — вафот этишига сабаб бўлган касаллиги бошланди.

Йигирманчида — Ҳусайннинг калласи ўз танасига қайтарилди ва танаси билан биргаликда дафн этилди⁹²⁹. Шу куни унинг авлодидан қирқ [киши] Шомдан қайтганларидан кейин қабрини зиёрат [қилдилар]⁹³⁰.

Йигирма учинчида — ал-Маъмун ибн [Ҳорун] ар-Рашид беш ярим ⁹⁵ ой кўк кийим кийгандан кейин⁹³¹ унга қарши аббосийлар қўзғолгач, кўк кийишни тарк этди ва аббосийлар шиори бўлган қора кийишга қайтди.

Йигирма тўртинчида⁹³² — пайғамбар алайҳиссалом Маккадан ҳижрат қилиб, Абу Бакр Сиддиқ — худо ундан рози бўлсин — билан биргаликда кофирлардан яшириниб ғорга кирди. Худо уларнинг икковини ўз сўзига киргизди: «Агар унга [пайғамбарга] ёрдам бермасангиз, олло унга ёрдам беражак. [Чунончи] кофирлар — икки [кишининг] бири бўлган уни [Маккадан] чиқарганларида ва иккови ғорга бекинганида, у ўз ҳамроҳига: «Ғам ема, албатта, худо биз билан бирга», — деганида худо ўз пайғамбарига [ёрдам бериб] осойишталик туширган»⁹³³.

Раби ал-аввал ойи. Биринчи куни, бу душанба куни эди, расулулло алайҳиссалом Асад буржи кўтарилганда, Муҳаммад ибн Жобир ал-Баттонийнинг «Китоб ал-кусуфот»да⁹³⁴ баён этишича, туғилган вақтининг саккизинчи [даражасида], ас-Салломийнинг «Эрлар китоби»да айтишича, кун оққан пайтда вафот этди.

Учинчи куни — чоршанба [кечаси] — пайғамбар алайҳиссалом Ойша уйига дафн этилди.

Саккизинчи куни — Муҳаммад ибн Жобир ал-Баттоний айтганидек — душанба куни тонг отарда Сунбула буржи кўтарилганда пайғамбар алайҳиссалом Мадинага келиб, унинг ташқарисига тушди ва кечаси [Мадина] қалъасида ётиб, сўнгра тўққизинчи раби ал-аввал сешанба куни эрта билан Мадинага кирди.

Унинчида — [пайғамбар] Хадичага уйланди.

Ун иккинчида — бу душанба куни эди, расулулло — худонинг раҳмати унга бўлсин — туғилди. Унинг фақат раби ал-аввалда душанба куни туғилгани машҳур. Аммо раби ал-аввалнинг нечанчисида туғилгани — унинг пайғамбар қилиб юборилгани каби — ихтилофлидир. Абу Маъшар «Сирлар китоби»да Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийдан

ҳикоя қилиб бундай дейди: «У, ёритқичларнинг ўша кечадаги ҳаракат ва ҳолатларини кузатганида, унда туғилган бола пайғамбарликка ҳақли бўладиган бирон толени кўрмаган, фақат саҳар вақтида Мизоннинг биринчи қисмини кўрган, холос. Бу вақт Қуёшнинг Ақраб [буржи] охирида бўлишини тақозо этади».

96 Мошо Оллоҳ бундай деган: «Пайғамбар душанба кунини дай моҳ [ойининг] рўзи хўрида || Анушервон подшоҳлигининг қирқ биринчи йили, еттинчи соат бошланиши ва Қуёш тик тепага келганида туғилди». Бу толенинг Саратон [буржи] бўлишини тақозо этади. Барча ривоятчилар пайғамбарнинг кечаси туғилганига ҳамфикр бўла туриб, Мошо Оллоҳ бу ҳикояни қандай келтирган, билолмайман.

Муҳаммад ибн Жобир ал-Баттоний «Қитоб ал-кусуфот»да: «Пайғамбар душанба кечаси йигирманчи найсон Искандар [эрасининг] саккиз юз саксон иккинчи йилида туғилди. Пайғамбар умрининг миқдоридан олинган далиллар толенинг Жадий [буржидан] йигирманчи даража бўлганини тақозо этади. Бундан бошқаси дуруст бўлмайди, чунки агар бу толе ўзгартирилса, бунинг «кўчирилиши» пайғамбар умрининг миқдорига тўғри келмайди»,— деган. Унинг нима учун бундай деганини «нумудор»лар⁹³⁵ ҳақидаги китобда тавсифлайман. У китобни кечикиброқ ишладим ва уни «Бошланишларни тасҳиҳ этишга йўллаш» деб атадим. Ас-Салломий «Эралар китоби»да: «У душанба кечаси ўн иккинчи рамазон фил йили тонг отарда туғилди»,— деган. Пайғамбарнинг туғилиш вақти ҳақида ихтилофлар бўлиши мумкин, чунки бундай нарсаларни ёзиб, эсда сақловчи кишилар йўқ эди.

Ҳамза ал-Исфажоний «Буюк миллатлар эраларига оид» китобда бундай дейди: «Айтишларича, у раби ал-аввалнинг иккинчи, [баъзиларнинг] айтишича, саккизинчи, [бошқаларнинг] айтишича, ўн учинчи кунини кечаси туғилган. Унинг душанба кунини, [раби ал-аввал] ойининг биринчи ярмида туғилгани ҳақида ихтилоф қилмаганлар ва туғилиш Анушервон подшоҳлигининг қирқинчи, [баъзиларнинг] айтишича, қирқ биринчи, [бошқаларнинг] сўзича, қирқ учинчи йилида бўлди, деганлар». Лекин [тарихчиларнинг] пайғамбар ҳижрати ҳақидаги ихтилофлари ажабланарлидир — бу ҳақда юқорида эслатилган [гаплар] айтилади. Уларнинг пайғамбар вафоти ҳақидаги ихтилофлари ундан ҳам қизиқроқдир. [Айрим кишилар]: «У, раби ал-аввалнинг иккинчиси душанба кунини вафот этди»,— деса; [баъзилари]: «ўн иккинчисидан олтмиш ёшида вафот этган»,— дейди, [қай бирлари]: «Олтмиш икки ёшида»,— деса, [кимдир]: «олтмиш уч ёшида»,— дейди, [бошқаси эса]: «Олтмиш беш ёшида»,— деган. Ривоятлар очиқ-ойдин куфрдан бошқа натижа бермайдиган гаплар билан тўлдирилганидек, бу ихтилофларнинг ҳам кишиларни таажжублантириб ва кўнгилларига шубҳалар келтириш учун атайлаб тузилганига шубҳа қилмайман. Худо, унинг пайғамбари ва пайғамбарнинг суҳбатдошлари бундай ривоятлардан юқоридирлар. Тангри унга қарши турувчи ва неъматларини инкор этувчи кишиларга кифоядир.

Шу ойнинг ўн учинчи кунини ал-Мухтор ибн Абу Убайд ас-Сақафий Ҳусайн қотилларидан ўч олиш учун Кўфа шаҳрига отланди.

Ун тўртинчида — Язид ибн Муовия ўлди, унга худонинг лаънати [бўлсин].

Раби ал-охир ойи. Бу ойнинг биринчи кунини Ҳажжож ибн Юсуф

Абдулло ибн аз-Зубайрни қамал қилган пайтда, Байтулло—Қаъбага олов отиб, [мана бу шеърни] ўқийди:

[Байтуллонинг] чанги тўзиётганини кўрмаяпсизми,
 Ҳолбуки [Ибн аз-Зубайр тарафдорлари] даввосича худо унинг
 ҳимоячисидир».

[Натижада] Қаъба куйиб, деворлари қулади.

Ун тўртинчида — турғун ва мусофирлар учун намоз фарзлиги муқаррар бўлди.

|| **Жумодо ал-увло.** Бу ойнинг саккизинчисида амир ал-мўъминин Али ибн Абу Толиб алайҳиссалом туғилди.

Ун бешинчида — «Туя жангги» [бўлиб], бунда мушук ўз болаларини еган⁹³⁶.

Жумодо ал-охира. Учинчи куни Фотимаи Заҳро⁹³⁷ вафот этди. Йигирманчисида — у туғилган эди. Айтилишича, унинг ўлимидан олдин Абу Бакрга ҳеч ким қасамёд қилмаган: на Али ибн Абу Толиб, на Ҳошим авлодидан бирор киши.

Саккизинчида — Абу Бакр Сиддиқ — худо ундан рози бўлсин — вафот этди.

Ун бешинчида — [Абдулло] ибн аз-Зубайр ўз қўли билан Қаъбани қулатди.

Ражаб. Айтилишича, шу ой бошида Нуҳ [пайғамбар] кемага тушган.

Биринчи куни — Ярмук фатҳ этилди.

Тўртинчида — амир ал-мўъминин [Али] ва Муовия Сиффинда учрашиши⁹³⁸.

Айтилишича, еттинчида — Довуд пайғамбар синалган⁹³⁹.

Йигирма олтинчида — душанба куни — пайғамбар алайҳиссаломга пайғамбарлик қилди. Ас-Салломий: «У душанба куни, ўнинчи раби ал-аввалда пайғамбар қилиб юборилди», — деган.

Йигирма еттинчи куни — кечаси расулулло масжид ҳаромдан масжид ақсога кўчирилди⁹⁴⁰.

Шаъбон. Учинчи куни Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб туғилди.

Бешинчида — ас-Салломийнинг айтишича, Ҳасан ибн Али туғилди⁹⁴¹.

Ун учинчи, ўн тўртинчи ва ўн бешинчи [кунлар] — «оқ кунлар» деб аталади.

Ун бешинчи кечаси улуг кеча бўлиб, «ҳукм кечаси» ёки «[гуноҳдан] қутулиш кечаси» деб аталади. Авом халқнинг айтишича, ҳамманинг жонини олишга вакил қилинган фариштага шу кечаси ўша йил ичида жони олинадиганларнинг номлари топширилмиш. ||

Ун бешинчи куни — аср намозидан олдин қибла Байтулмуқаддас томонидан Қаъба томонига айлантирилди, бундан олдин ўн саккиз ой Байтулмуқаддасга қараб намоз ўқилган эди. Ниҳоят, «Қаердан [сафарга] чиқсанг, [намозда] юзингни масжиди ҳаром томонига қарат!»⁹⁴² [деган оят] нозил бўлди ва [пайғамбар] мусулмонларга қаерда бўлишларидан [қатъий назар], Қаъба ва «Иброҳим мақоми»ни қибла қилишни буюрди. Миллатлардан «ҳар бири»нинг юз қаратадиган қибласи бор, «у юзини ўша томонга қаратади»⁹⁴³.

Яҳудийларга келганда, Мусо уларга «Бу ёққа қаранг, у ёққа қа-

97

98

раманг», деб буюрмаган. Улар худойи таоло: «[Юзингизни] қаёққа қаратсангиз, шу томонда худонинг юзи»⁹⁴⁴,— деганидек, то Довуд алайҳиссалом замонигача шу [аҳволда] қолдилар. Кейин Довуд уларни Байтулмуқаддасга қарашга буюрди. Уша вақтдан бери Байтулмуқаддас уларнинг қибласидир.

Христианларнинг қибласи эса кун чиқиш томон экваторидир, чунки булар жаннат томонга юз қаратишга буюрилганлар. Қуёшнинг жаннатдан чиқиши бунга далил келтирилган.

Сомирийлар қибласи Барик тоғидир. Мажусийлар қибласи эса Қуёшдир. Улар Қуёш чиқишида, ботишида ва кундуз ярмида Қуёшга қараб намоз ўқийдилар. Яна улар олов, сув ва барча маҳлуқларга қараб намоз ўқийдилар ҳамда уларга қараб худога тасбиҳ айтадилар⁹⁴⁵.

Ҳарронийларга келсак, улар жанубий қутбга, собийлар эса шимолӣ қутбга қарайдилар. Моний [мазҳабидагиларни] ҳам шу қутбга қарайдилар деб гумон қиламан, чунки бу [қутб], улар фикрича, осмон қуббасининг ўртаси ва энг баланд жойидир. Лекин мен «Китоб ал-боъ» эгасини — бу монийчилар жумласидан ва улар томонга даъват этувчилардандир — шу уч диндаги кишиларнинг [ибодатларда] бир томонга қараб, бошқа томонга қарамасликларини уларга [бирор] офат келтирадиган нарсалар қаторида айлаганини кўрдим. Гўё у худо учун намоз ўқувчининг бирон қиблага қараши керак эмаслигини билдирмоқчи бўлади.

332 **Рамазон оyi.** Бу фарз рўза ойидир. || Ас-Салломийдан бошқаларнинг айтишича, рамазоннинг олтинчи кунда Ҳусайн ибн Али алайҳиссалом туғилди.

Еттинчида — ал-Маъмун кўк кийди.

Унинчида — Хадича⁹⁴⁶ вафот этди.

Ун еттинчида — малъун Абдурахмон ибн Мулжим ал-Муродий⁹⁴⁷ — худо уни лаънатласин — Али ибн Абу Толиб алайҳиссаломни уриб, миясини ёрди. Ун еттинчи кун тонгида Бадр воқеаси юз берди. Баъзилар: «Йўқ, ўн тўққизинчи куни юз берди»,— дейди. Бу тўғри эмас, чунки у воқеанинг иккинчи ҳижрат йили⁹⁴⁸ душанба куни рўй бергани ҳақида хабарлар кетма-кет уланиб келган. Агар рамазон бошини ҳисоблаб кўрсак, унинг шанба куни эканини кўрамиз. Шунда қидирилаётган душанба ўн еттинчига тўғри келади.

Ун тўққизинчида — Макка фатҳ этилди. Расулулло — худо унга раҳмат ва саломини юборсин — ҳаж маросимини ўтамади, чунки арабларнинг ойлари насий сабабли [ўз ўрнидан] жилиб кетган эди. У ойлар ўз ўрнига қайтгунича кутиб турди. Кейин видолашиш ҳажини адо этиб, насий [қўшиш]ни ман қилди.

Йигирма биринчи куни — амир ал-мўъминин Али ибн Абу Толиб алайҳиссалом вафот этди. Али ар-Ризо ибн Мусо ал-Козим ибн Жаъфар ас-Содиқ ибн Муҳаммад ал-Боқир ибн Али ас-Сажжод Зайнулобидин ибн ал-Ҳусайн «шоҳидлар саййиди» ибн амир ал-мўъминин Али ибн Абу Толиб алайҳиссаломнинг вафоти ҳам шу кунга тўғри келади. Баъзиларнинг айтишича, [Али ар-Ризо] зулқаъда [ойининг] йигирма учиди вафот этган.

Ас-Салломий: «Амир ал-мўъминин Али ибн Абу Толиб алайҳиссалом йигирма иккинчида туғилди»,— деган.

Йигирма бешинчида — Абу Муслим Абдурраҳмон ибн Муслим ошкор равишда аббосийлар давлатига даъват этди.

Йигирма олтинчида — ал-Бурқуий⁹⁴⁹ Басра шаҳрига бостириб кирди. Айтишларича, бу киши Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исо ибн Зайд ибн Али ибн ал-Хусайн ибн Али ибн Абу Толибдир. [Баъзилар] уни Али ибн Муҳаммад ибн Абдурраҳим ибн Абдулқайс деган. Ҳикоя қилинишича, Табаристон ҳукмдори ал-Ҳасан ибн Зайд⁹⁵⁰ [ал-Бурқуий] Басрада турган пайтда унинг қандай ҳуқуққа эга эканини билиш учун мактуб юбориб, насабини сўраган. У: «Сенинг ишинга ғамхўрлик қилган кимса менинг ишимга ҳам ғамхўрлик қилсин, вассалом!» — деб жавоб берган. Бу жавоб шундай қисқа ва кескин бўлиб, Хуросон ҳукмдори Нуҳ ибн Мансур Сижистон ҳукмдори Валий ад-Давла Абу Аҳмад Халаф ибн Аҳмадга уни қўрқитиб ва турли таҳдидлар билан мактуб юборганида унинг ёзган жавобига жуда ўхшашидир. Валий ад-Давла [ўз иборати орасига қуръон оятини киргизиб] шундай жавоб берган: «Эй Нуҳ, биз билан тортишдинг ва тортишишни узайтирдинг, гапинг рост бўлса, бизга бераётган [қўрқинчли] ваъдаларингни келтир!»⁹⁵¹

Йигирма еттинчи кечаси «қадр кечаси»дир⁹⁵². Унинг ҳақида худойи таоло: «Қадр кечаси минг ойдан ҳам яхшироқдир»,— деган. Авом халқ шунга келишганлар, чунки «қадр кечаси» қайси кеча экани аниқ маълум эмас. [Баъзилар]: «Уни ўн еттинчи ёки ўн тўққизинчи кечалардан қидиринг», чунки бу иккиси орасида Бадр воқеаси ва Маккани фатҳ этиш юз бериб, ёрдам учун фаришталар [жаннатдан] тушириб юборилган»,— дейди. Бу тўғри бўлиши мўмкин, чунки худойи таоло: «Шу [кеча] раббиларнинг йзми билан фаришталар ва руҳ тушади, ҳамма ишларда тинчлик бўлади»,— деган. ||

333

Айтилишича, рамазон ойининг биринчи куни Иброҳим пайғамбарга бир неча саҳифа туширилган. Олтинчида — Мусога Таврот туширилган. Ўн иккинчида — Довудга забур туширилган. Ўн саккизинчида — Исога Инжил туширилган.

Йигирма тўрттинчида — Муҳаммадга — унга ва ҳамма пайғамбарларга салом — фурқон⁹⁵³ туширилган.

Қуръон эса, олло таоло: «Рамазон ойи шундайки, унда қуръон туширилди»,— деган. Демак, унинг рамазонда туширилгани аниқ маълумдир. Кейин бир гуруҳ худонинг: «Бандамизга фурқон куни — икки тўда учрашган куни нозил қилган нарсамиз»⁹⁵⁴, — деган сўзи билан Қуръоннинг ўн еттинчи куни туширилганини исбот этган, чунки икки тўда Бадрда ўша куни учрашишган. Яна худо билади.

Тавротга келганда, унинг Сиваннинг ўн олтинчи куни туширилганини юқорида айтдик. Бу «ансара» ҳайитидир.

Агар у вақтда рамазон шу ойга тўғри келганда, иш айтилгандек бўлар эди, [лекин] Таврот туширилган йилнинг яширинлиги сабабли, уни билишга йўл йўқ. У йил маълум бўлганда эди, албатта ҳисоблаб кўрар эдик.

Инжил [туширилган кун] тўғрисидаги гап унинг кайфиятини, тузилишини ва вазиятини билмаган кишининг сўзидир. Бошқа китобларнинг нозил бўлган вақти эса тубдан номаълум ва уни билиш мумкин эмас. Худо энг яхши билувчидир.

Шаввол. Бу ойнинг биринчи куни — рўзадан чиқиш ҳайити, бу

«рахмат куни» [ҳам] деб аталади. Шу куни худо ваҳий олиб бориш учун Жабраилни танлади ва асаларига ваҳий юбориб, унга асал ишлашни илҳом қилди. [Тангрини инсонга ўхшатувчилар]: «Худо шу куни жаннатни яратди»,— деб даъво қиладилар. Бунга қўшиладиган ва лозим келадиган ноқулайликлар [мавжуд] бўла туриб, сўзни тарк этмайдилар⁹⁵⁵, ҳатто унга: «[худо] шу куни ўз қўли билан тубо дарахтини ўтқазди»,— деган қўпол ўхшатишдан иборат сўзларини қўшадилар ва буни тафсир қилмай, жоҳиллик билан унга қандай бўлса шундайича эътиқод қиладилар.

Бу ойнинг иккинчи куни нафл рўзаси бошланиб, олти кун давом этади.

Тўртинчида — пайғамбар алайҳиссалом билан Нажрон христианлари бир-бирларини лаънатлашди ва худойи таолонинг «мубоҳала»⁹⁵⁶ оятидаги фармонига бўйсуниб, [пайғамбар] ўғиллари ўрнида Ҳасан ва Ҳусанни, хотинлари ўрнида Фотимани олиб чиқди ва Али ибн Абу Толибни ўзига яқин қилди.

Ун еттинчида — Уҳуд⁹⁵⁷ жанги, [баъзиларнинг] айтишича, бу ойнинг ярмида бўлган. Жангда Ҳамза ўлдирилиб, расулullo худонинг раҳмат ва саломи унга бўлсин — унга қайғурган.

Ун тўққизинчида — Абу Толиб вафот этган.

Йигирма иккинчида — даъво қилишларича, Юнус [пайғамбарни] балиқ ютган⁹⁵⁸.

Зулқаъда. Бешинчида Одамга осмондан Қаъба ва раҳмат туширилган. Шу куни Иброҳим ва [ўғли] Исмоил Хонаи [Қаъба] пойдеворини кўтаришган⁹⁵⁹.

Ун тўртинчида — айтишларича, Юнус балиқ қорнидан чиққан. Бу сўз Юнуснинг балиқ қорнида йигирма икки кун турганини тақозо этади. Христианларнинг айтишича, Инжилда баён этилганидек, уч кун турган.

Йигирма тўққизинчида — даъволарича, Юнус устида ош қовоқ палаги ўсган.

334 **Зулҳижжа.** Биринчи куни расулullo ўз қизи Фотимани амакисининг ўғли Али ибн Абу Толибга хотинликка берди. || Бу ойнинг биринчи ўн куни «маълум кунлар» ёки «таъқиқланган кунлар» деб ҳам аталади. Айтилишича, худо Мусога қилган ваъдасини шу кунлар [ичида] бажарган. Ваъдаси мана бу сўзидир: «Мусога ўттиз кечани ваъда қилдик», у — зулқаъданинг кечалари «ва уни ўн [кун] билан тугалладик»⁹⁶⁰, у таъқиқланган ром кунлардир.

Бу ойнинг саккизинчи куни «тарвия [куни]»⁹⁶¹ деб аталади, чунки «масжиди ҳаромда» ҳожилар учун тайёрланган «сув идиши»⁹⁶² жоҳилиятда ҳам, исломиятда ҳам тўлиб турар, ҳожилар бундан қонунларича ичарди. [Баъзиларнинг] айтишича, [тарвия дейишнинг сабаби] Маккадан ровия, яъни устига сув юкланадиган туяларда сув олиб келардилар. [Баъзилар]: «Шу куни худо Исмоил [пайғамбар] учун замзам булогини қайнатиб чиқарган, Исмоил бундан қониб ичган, [шу сабабдан «тарвия» исми берилган],— дейди. [Баъзилар] эса: [Қуръоннинг] Мусо қиссасида⁹⁶³ айтилганидек, шу куни Рабб Тур тоғида пайдо бўлган ва [шу сабабли «тарвия куни» деб аталган],— дейди.

Тўққизинчи куни «арафа» деб аталади. Бу Арофат [тоғида]⁹⁶⁴ катта ҳаж кунидир. Ҳаж маросимини ўташ учун [атрофдан] келган одамлар

[шу куни] тўпланган вақтларида бир-бирлари билан танишишлари сабабли бу кун «арафа»⁹⁶⁵ деб аталади. [Баъзилар]: «Ундоқ эмас, балки Одам ва Ҳаво иккиси жаннатдан тушгандан кейин, шу куни одамлар йиғиладиган жой, яъни Арофат [тоғида] бир-бири билан танишгани сабабли у «арафа» деб аталган»,— дейди.

Шу куни худо Иброҳимни ўзига дўстликка танлаган. Бу кун «афв этиш куни» деб ҳам аталади.

Унинчи кун қурбонлик куни, жонлик сўйиш кунидир, чунки шу куни қурбонлик бўғизланади ва улар [Маккага] юборилади. Бу кун ҳаж кунларининг охиригисидир.

Қурбон қилинмоқчи бўлган [Исмоил] бадалига шу куни бир қўчқор фидо қилиниб сўйилган⁹⁶⁶. Айтилишича, «сирот» [кўприги одамлардан] ҳисоб олиб, ҳукм чиқариш учун шу куни яратилган.

Ўн биринчи кун «қарор топиш» кунидир. Чунки одамлар шу куни Минода⁹⁶⁷ қарор топганлар.

Ўн иккинчи кун «тарқалиш куни»дир. Чунки бу кун одамлар шошилиб тарқалдилар.

«Қуритиш кунлари» ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўн учинчи кунлардир. Бу [кунларнинг] шундай ном билан аталишига сабаб шуки, [сўйилган] қурбонликларнинг гўштлари ўша кунларда қуритилади.

[Баъзилар]: «Эй Сабир [тоғи, тезроқ гўштимизни] қурит, юришдан тўхтаб қолмайлик»⁹⁶⁸,— деган сўздан олиб шундай ном берилган»,— дейди.

Ибн ал-Аъробий: «У кунлар шу ном билан аталди, чунки Маккага юборилган қурбонликлар то Қуёш чиққунича⁹⁶⁹ бўғизланмайди»,— дейди. У кунлар [шундай кунларки], худо улар ҳақида: «Тангрини саналган кунларда ёдлангиз!»⁹⁷⁰,— деган. У кунларнинг аввалида ва охирида ҳар бир намоздан кейин такбир айтилиб, худо улуғланади. Такбир қайси намоздан кейин бошланиб, қайси намоздан кейин тўхталиши ва қанча айтилиши хусусида Фиқҳа олимлари ўртасида ўз санъатларига боғлиқ ихтилофлар бор.

Ўн еттинчи [зулҳижжада] — Усмон ибн Аффон⁹⁷¹ — худо ундан рози бўлсин — ўлдирилди.

Ўн саккизинчи кун «ғадир ҳумм» деб аталади. Бу манзиллардан бирининг номи бўлиб, пайғамбар алайҳиссалом «видолашиш ҳажи»дан қайтаётганида шу ерга тушиб, [туяларнинг] эгар-жабдуқларини йиғдирган ва Али ибн Абу Толиб алайҳиссаломнинг билагидан тутган ҳолда, тўпланган нарсалар устига чиққан ва: «Эй халойиқ, мен ўз хонларингиздан кўра сизга яқинроқ эмасманми?» — деган. Одамлар: «Тўғри [яқинроқсан]»,— деганлар. Пайғамбар: «Қим мени ҳурмат қилса, Алини ҳурмат қилсин. Ё олло, Алининг дўстига — дўст, душманига — душман бўл, унга ёрдам берган кишига ёрдам бер, уни хўрлаган кишини хўрла, у қаерда бўлса, ҳақ ва ҳақиқатни у билан бирга қил!» — деган. Ривоят қилинишича, пайғамбар осмонга қараган ва уч марта: «Худойим, элчилик вазифасини бажара олдимми?» — деган⁹⁷².

|| Йигирма тўртинчида — амир ал-мўъминин [Али] рукуда туриб узу- 335 гини садақа қилди.

Йигирма бешинчида — Умар ибн ал-Хаттоб ўлдирилди. Шу куни «Ҳал ато...»⁹⁷³ сураси нозил бўлди.

Йигирма олтинчида — Довуд пайғамбарга истиғфор нозил бўлди⁹⁷⁴.

Йигирма тўққизинчида — «ал-Ҳарра» воқеаси юз берди. Бунда умавийлар Мадина аҳолисини ўлдириб, молларини таладилар, муҳожир ва ансорларнинг номус пардалари йиртилди ва хотинлари билан расвогарчилик қилинди⁹⁷⁵. Мадинада нотинчлик вужудга келтирган ва расуллулони — худо уни ва тобеларини раҳмат қилсин — лаънатлаган кишиларга худонинг лаънати бўлсин ва бизни тангри еридаги фитна-фасодларга рози қилмасин! У тавфиқ ва ёрдам берувчиларнинг энг яхши-сидир, унга чексиз мақтовлар бўлсин.

ОЙ МАНЗИЛЛАРИ, УЛАРНИНГ ЧИҚИШИ, БОТИШИ
ВА ШАҚЛЛАРИ ҲАҚИДА СЎЗ

336

Гапни тугатиш вақтимиз келди. Биздан сўралган ва биз билган нарсалар ҳақидә қудратимиз етганча маълумот бериб, ваъдани бажардик. «Ҳар бир билим эгасидан юқори турувчи билимдон бор»⁹⁷⁶.

Бу фанни тўла ўрганиш учун фақат Қуёш йили кунларида Ой манзилларининг чиқиш вақтини билишдан бошқа нарса қолмади. Бу манфаати умумий бўлгани учун [ўрганилиши] фойдалидир, чунки Ой манзилларининг ўзгариши сабабли ўзгарувчи ва қайтарилиши билан тақорланувчи табиий ҳолатлар ўша манзилларни ўрганиш натижасида олдиндан билинади.

Энди гапни бу масаланинг умумий ва бош қисмлари баёнига буриб, буларга шу хусусда таълиф этилган китоблардан, масалан, ал-Кулсумий китоби, Иброҳим ибн ас-Сарий аз-Зажжож китоби, Абу Яъҳё ибн Қуноса ва Абу Ҳанифа ад-Дийнаварийларнинг анво ҳақидаги китоблари, Абу Муҳаммад ал-Жабалийнинг ёритқичлар манзаралаларини билиш тўғрисидаги китоби, Абу-л-Ҳусайн ас-Суфийнинг турғун ёритқичлар ҳақидаги китоби ва бошқа китоблардан топилган бир қанча мисолларни қўшамиз⁹⁷⁷.

Айтамикки, ҳиндлар Ой манзилларини йигирма еттига тақсим этиб, фалакни ҳам шунчага бўлганлар. Натижада фалак манзиллар саногига бўлиниб, ҳар бир манзил, қарийб ўн уч бутун ва бир чорак даража бўлган. Юлдузларнинг ўз риботларида⁹⁷⁸ бўлишларига қараб турли ҳукмлар чиқарганлар. Бу риботлар ҳар бир ҳол ва эҳтиёж учун алоҳида белгиланган бўлиб, «жафрлар» номи билан машҳурдир. Булар [ҳаммаси] ҳикоя қилинса, мақсадга мос бўлмаган сўзлар сабабли гап узоққа чўзилади. Риботлар аҳком китобларида мавжуд ва маълумдир.

[Исломгача бўлган] араблар эса манзилларни йигирма саккиз қисмга бўлганлар, ҳар бир манзил қарийб ўн икки бутун олтидан беш даража бўлиб, ҳар бир буржда икки бутуну учдан бир манзил тўғри келган. Шоирлардан бири бундай деган:

Манзиллар сонини билмоқчи бўлган киши учун
Улар йигирма ва ундан кейин саккиз юлдуздир.
Уларнинг ҳар бири бир буржда Ой манзилларидан
Икки бутун, кейин расо учдан бир [манзил] бўлади.

Ҳисоблар шулар билан анволар ҳам шулар билан бўлиб,
Ез ва қиш шулар орқали айланади.

337 Арабларнинг Ой манзилларидан фойдаланишлари ҳиндларникидан бошқа бўлган, чунки уларнинг мақсадлари ҳавонинг турли вақтлардаги аҳволини ва йил фаслларида бўшлиқда юз берадиган ҳодисаларни билиш эди. [У вақтларда араблар] саводсиз кишилар бўлиб, [манзилларни] танишлари бирор нарсани кўз билан кўриш орқалигина мумкин бўларди. || Натижада, ўша манзилларга тўғри келган турғун ёритқичларни улар учун белги қилиб, уларнинг эрта тонг ёригандан кейин чиқишини Қуёшнинг бир манзилга дуч келиш аломати деб тайинладилар. Чунки у ёритқичлар асрлар ва узоқ замонлар ўтмай манзиллардан кетмайдилар. Араблар бундай нарсаларни фаҳмлайдиган кишилардан эмас эдилар.

Кейин [араб шоирлари] шеърлар тўқиб ва қофияли жумлалар тартиб бериб, вақт-вақти билан юз берадиган ва ўзлари топган тажриба ва имтиҳонга биноан ёритқичлардан ҳар бирининг чиқишига мос келадиган табиий таъсирларни ўша шеър ва жумлаларда тўпладилар. Бу саводсиз кишиларга шеърларни ёдда сақлаш осон бўлиши ва тирикчилик ишларида шуларга амал қилишлари учун эди. Масалан, улардан бири бундай деган:

Қачон Ой учинчи кечада Сурайё билан учрашса,
албатта қиш кетади.

Чунки Сурайё жойи Савр буржининг тақрибан ўнинчи даражасидан то ўн бешинчи даражасигача бўлган [масофадири]. Қачон Ой учинчи кечада Сурайё билан учрашса, Қуёш билан Ой ораси тахминан қирқ даража бўлиб, Қуёш Ҳамал аввалларида бўлади.

Бошқа бири бундай деган:

Тўлган Ой Сурайёга рўпара келганда совуқ келиб,
унинг боши қиш [боши] бўлади.

Чунки Ой Сурайёга рўпара келганда, Қуёш Ақрабнинг ярмида бўлиб, шу кунлар совуқ бошлари бўлади. Яна бири бундай деган:

Бир кун [келиб] ўн тўртинчи кечада
тўлган Ой ад-Дабарон⁹⁷⁹ билан учрашса;

Ҳамма ерда қиш бўлиб, отлиқлар

оловда исинишга чақирадилар

Ўн тўрт кечалик Ой осмонда ўтов қуради, ҳатто чодирлар
устунларининг сояларини қисқартиради.

Бу [ҳол] ярим кечада [бўлиб], бўшлиқ булут
хиралигидан пок бўлади.

Чунки Қуёш шу вақтда Ақрабнинг қалбида туради. Бу эса қиш совуғи ва эрталабки изғиринлар вақти бўлиб, Ой даражаси шимол томонга мойил бўлади. Баъзан Ой кулчаси буржлар фалакидан мойиллик томонига ўтиб, араблар қоқ тепасига тўғри келади ва у осмон ўртасига етганида кишилар соялари йўқ бўлади. Бу вақт ярим кечади. Арабларнинг [шоиридан бири] бундай деган:

Биринчи кечада янги Ой ан-Наоим [юлдузлари] орасида
одамлар кўзларига кўринса,
Ҳамма томондан сенга совуқ шамоллар келади ва ўралган
[оппоқ] саллалар тонг отиш олдида чиройлик кўринади.

Чунки Қуёш бу вақтда Қавс аввалида бўлади. Бошқа бири бундай
деган:

Бутун кеча аҳоли учун совуқ бўлди ва
ал-Авво Қуёш учун манзил бўлиб қолди. ||

338

Чунки ал-Авво юлдузлари — уларга махсус жадвал [китобнинг ке-
йинги қисмида] кўрсатганидек — кузги кеча-кундуз баробарлиги атро-
фидадир.

Агар бундай байтларни ва ҳар бир манзил чиқиши учун айтилган
қофияли жумлаларни келтираверсам, албатта, уларнинг маъноларини
шарҳлашга ва улардаги нотаниш сўзларни изоҳлашга муҳтож бўлар
эдим. Бу биз [юқорида] эслаган анво китоблари эгаларининг [баён-
лари] кифоя қиладиган ишдир.

Араблар [табий] таъсирларни юлдузларнинг чиқиш ва ботишига
нисбат бериб, табиёт илмидан беҳабарликлари сабабли таъсирларнинг
фалакдаги бирмунча жойларга ва Қуёшнинг у жойларда бўлишига эмас,
юлдузлар жисмларига ва уларнинг чиқишларига алоқадор деганлар.
Улар Буқрот ўз замонида Яман шероси чиққан кунларда иссиғлиқ дори-
лар истеъмол этиш ва томирдан қон олдиришни ман қилганига ўхшаш
[нарсаларга] — бу юлдузлар ҳақида биз айтиб ўтган эдик⁹⁸⁰ — эътиқод
қилганлар.

Бу баҳс Аҳмад ибн Фориснинг қуйидаги сўзига тўғри келган ҳолат-
лардан бирини менга эслатади:

Ўтган замонда бир донишманд:

Одамнинг одамлиги фақат икки энг кичик [аъзоси]⁹⁸¹
билан», — дебди.

Мен бир ақлли кишининг:

«Одамлик фақат унинг икки тангаси билан», — деган
сўзини айтдим.

Икки тангаси бўлмаган кишига, ҳатто хотини ҳам
қарамайди,

Хўрлигидан тақҳир этилади ва унинг
устига [бошқалар] мушуги сийиб юборади.

Бу шундай [бўлди]:

Мен олий даргоҳдан⁹⁸² узоқлашиб, шарафли хизмат саодатидан
маҳрум бўлган кунларимда Рай шаҳрида илми нужум олимлари қатори-
да саналувчи бировни кўрдим. У [Ой] манзилларига қарашли юлдузлар-
нинг [Ой] билан учрашувларини ҳисоб билан аниқлаб, манзилларнинг
риботлари ва жафрларидан турли ҳукмлар чиқарар ва бўшлиқдаги ҳо-
дисаларни олдиндан билишни истарди. Мен унга ҳақиқат унинг [ҳисоб-
ларига] хилоф эканини билдирдим ва Ойнинг биринчи манзилига тегиш-
ли табиат, у манзилдаги хусусиятлар ва ҳиндлар тавсиф этгандек,
унинг бошқа манзиллар билан боғланишини ҳамда у манзил юлдузи-
нинг Ҳамал буржидан кетиши сабабли, у бурж аввалларидан кетмас-

лигини тушунтирдим. Худди шундай, масалан, Ҳамал буржининг шакли ундан кўчса ҳам, унинг ҳукмлари кўчмайди. Мазкур киши мени менсимай бурнини юқори кўтарди, ҳамма билган нарсаларида унинг мартабаси мендан паст эди. У сўзимни ёлғонга чиқарди, мени ҳақорат қилди ва менга бўйсунмади. Ваҳолонки, орамизда фақат бойлик ортиқчалиги ва мақтовларни ёмонликларга, фахрларни айбларга айлантирувчи камбағаллик бор эди, холос. Чунки мен у вақтда ҳамма томондан қийинчиликка учраб, паришон ҳол эдим. Сўнгра у қийинчиликлар қисман енгиллашгач, [у киши] менинг [ҳақлигимга] иқрор бўлди.

Маълумки, агар табиий таъсирларни [олдиндан] билиш учун у [манзиллар] ёритқичлари жисмларининг кўз билан кўриладиган чиқишига асосланилганда, уларнинг [осмондаги] кўчиб юриши билан, албатта, вақтлар ўзгарар, бу ҳол турли иқлимларда тафовутли бўлар, || мутахаййир ёритқичларнинг⁹⁸³ зоҳир ёки яширинлигини билишда турли қийин амалларга эҳтиёж тушарди.

Лекин «манзилларнинг чиқиши» дейишнинг маъноси бундай: Қуёш [Ой] манзилларининг бирида бўлган вақтда, уни ва ундан олдинги манзилни бекитади. Учинчи манзил эса буржлар аксича тонг [ёриши] ва Қуёш чиқишлари орасида Ибн ар-Раққо [қуйидаги] шеърида тавсифлаган вақтда чиқади:

Шеърони кузатувчи киши уни эрталабки намоздан қайтишига яқин равшан кўради.

Мен тонг оқлигидан Шеърони қизиллигини биламан ва кеча Шеъродан юқорига кўтарилиб яширинади.

Шеъро кейинида келгач, кеча ундан ноумид бўлмайди ва Шеъронинг кечага тегишли эканини кундуз тан олмайди.

Манзил чиқишини унинг нави, яъни қўзғолиши деб атаганлар. Чиқишнинг [табиатга] таъсирини «борих», ботиш таъсирини «нав» деб атаганлар. Ҳар бир манзил чиқишидан то ундан кейинги манзил чиқишигача ўн уч кун ўтади, ал-Жабҳа манзили бундай эмас, унинг чиқиши билан ундан кейинги манзил чиқиши орасида ўн тўрт кун бор. [Шоирлардан бири] бундай деган:

Вақтнинг барчасини чораклар деб бил!

Ҳар бир чорак учун еттидан бирлар бор,

Ҳар бир еттидан бир ёритқичнинг чиқиши

ҳамда ғарбда ботувчи бир юлдузнинг нави учундир.

Ҳар бир чиқувчи юлдуз чиқишидан то ундан кейинги юлдуз чиқишигача тўрт кеча [ўтади],


Сўнгра унга [яна] тўққиз [кеча] эргашади.

Кейин [астрономлар] таъсирлар ҳақида ихтилоф қилиб, баъзилари: «Бир манзил чиқишидан кейин то ундан кейинги манзил чиқишигача пайдо бўладиган ҳар бир таъсир олдингисига мансубдир»,— деса; бошқалари: «Манзиллардан ҳар бирининг чиқиши ва ботиши учун ўлчовли вақт бор, шу вақт ичида бўладиган [таъсир] ўша вақт эгаси бўлган манзилга нисбат берилади. У муддат тугагач, ундан кейин бўладиган [таъсир] у манзилга нисбат бермайди»,— дейди. Кўпчилик кейинги сўзга иқрор бўлган.

Яна ўша вақтлар миқдори [масаласида] ҳам ихтилоф мавжуд; у ихтилофли [миқдорларни] келгусида тавсифлаймиз. Таъсирнинг қайси биридан экани аниқланганда ўша вақтлар ичида ундан ҳеч қандай таъсир кўрилмаса, «юлдуз бўшга кетди» ёки «манзил бўшга кетди», яъни нав муддати ўтиб кетди, бу вақт ичида на ёмғир, на иссиқ, на совуқ, на шамол бўлди дейдилар.

[Астрономларнинг] шамол эсадиган томонлар, жойлари ва уларнинг ададлари ҳақида ҳам ихтилофлари бор. Баъзилари: «Шамоллар [эсадиган] томонлар олтита»,— дейди, масалан, Ибн Куноса Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Саъд ибн Самура ибн Жундуб ал-Фазорийдан шундай ҳикоя қилган. Аксарлари — гарчи эсадиган жойлар булар фикрича турлича бўлса ҳам — Халид ибн Сафвондан ҳикоя қилинганидек, «Шамоллар эсадиган томонлар тўртта»,— дейди. Арабларнинг бу икки хил фикрлари мана шу икки доирада тўлланган. Биринчи фикр — [доира] ичида, иккинчи фикр || шамолларнинг номлари ва эсадиган томонлари билан бирга 340 доира тошидадир.

Доиранинг шакли мана бу.



Биринчи фикрда «маҳва» жануб шамоли дейилган. Ҳолбуки, «маҳва»нинг шимолий [шамол] экани маълумдир, чунки булутларни жануб тўлдириб жўнатгандан кейин «маҳва» бўшатиб йўқ қилади.

Яна ўша фикрда «накбо» шамоли эсадиган махсус бир жой кўрсатилган. Ҳолбуки, эсадиган жойи [юқорида] айтилган тўрт шамолдан икитасининг эсадиган жойи орасида бўладиган ҳар бир шамолнинг «накбо»лиги маълумдир. Зуррумма тўрт шамолни ва улар билан бирга «накбо»ни мана бундай тасвирлайди:

Анво селлари ва икки «ҳайф» уйлар устига қорамтир тоғлар қумларини олиб келади.


Учинчиси Шом томондан қўзғолувчи совуқ шамол, бу майда тошлар тепасидан гирдоблар билан ўтади. Тўртинчиси Қуёш чиқадиган томондан чанг кўтариб

ва момақалди роқ билан қўзғолади.

Тез учувчи накбо шамоллари [ҳам] чанг қўтариб, [ҳомиласи] ўн ойга яқинлашган туялар фарёдини кўпайтиради.

«Икки ҳайф» — жанубий ва ғарбий шамоллар, Шом томондан эсадигани — шимолий шамол, Қуёш чиқадиган [томондан] келадигани шарқий шамолдир.

Эронликларда ҳам шамолларнинг эсадиган жойлари юнонийлар ва барча табиатшунослардаги кабидир. Шамолларнинг марказлари тўрт томонга мансуб. Улар мана бу доирада кўрсатилган.



Сўнгра, шамолларнинг икки турли эсар [жой] марказлари оралигидан эсадигани икки марказнинг эсар [жойга] яқинроқ бўлганига нисбат берилади. Баъзилар бундай шамолни икки [ёзги ва қишки] Қуёш туришида Қуёш чиқадиган ва ботадиган томонларга нисбат бериб, юнонча ном билан атайди.

[Ой] манзилларининг чиқиш ва ботишидаги [табиатга] таъсир вақтини билиш учун [бундан] яхши йўл бор. Айлул бошидан то [таъсир] ҳолатини билиш мўлжалланган кунгача ҳисоблаб олиб, буни ўн учга бўлинади. Шунда ҳеч қандай [қолдиқ] қолмаса, қаралади: агар Ой Қуёш рўпарасида ёки ўзининг икки квадратининг бирида бўлиб, ёмғир вақти бўлса, албатта ёмғир ёғади, ёки ҳаво айниб, ё шамол, ё иссиқ, ё совуқ бўлади. Бунинг [изоҳи] шундай: агар ҳеч қандай [қолдиқ] қолмаса, ўша вақтда бир манзил чиқиб, унинг рақибни бўлган манзил ботади. Айлулнинг биринчи кунда ас-Сарфа [манзили] чиқиб, Саъд ал-Ахбия манзили ботгани учун ҳисоб шу кундан олинади.

Ҳисобнинг [айлул бошига] хосланишининг сабаби шуки, бу кун Ой боши бўлиб, куз фаслининг бошланишидир. Агар бунга Ойнинг ўз

асосий ўринларида бўлиши қўшилса, иш кучли бўлиб, таъсир [янада] очиқ кўринади.

Абу Маъшар айтади: «Биз буни икки юз етмиш тўққизинчи йили [Қуёш ва Ойнинг] шавволда⁹⁸⁴ рўпара келишида тажриба қилдик. || 341 Айлул бошидан то рўпара келиш кунигача ҳисобласак, бир юз ўттиз кун бўлди. Бунини ўн учга бўлсак, ҳеч қандай қолдиқ қолмади. Рўпара келиш толеи Далв [буржи] эди, ўша кунини ёмғир бўлди. Ой ўзининг ўнг томон квадратидан бўлганда ҳам шу кунини ёмғир ёғди, яна у айтади «Ўша айтган йилимиздан кейинги йилда ҳам тажриба қилдик. Биринчи айлулдан кунун аввалнинг ўн учинчиси бўлмиш пайшанба кунигача ҳисоблаб, ўн учга бўлдик, сира қолдиқ қолмади, икки ёритқич [Қуёш ва Ой] орасида ярим бурж масофа бўлиб, Ой Миррих нуқтасининг олтидан биридан ўтиб, Зуҳрага яқинлашмоқда эди. Худди шу вақтда ёмғир ёғди». Абу Маъшарнинг бу [икки ҳикояси] шу амалнинг тўғри келишига гувоҳдир. Агар бу амалда ҳиндларнинг «рибот» ва «жафр»ларидан ёрдам олинса, ҳисоб яна тўғрироқ чиқади.

Айтишларича, юлдузларга қараб ҳукм чиқаришда арабларнинг энг билимдони Мория ибн Қалб ва Мурра ибн Ҳаммом ибн Шайбон авлодларидир.

Араблар юлдузларни, яъни Ой манзилларини ҳисоблашда аш-Шаратон⁸⁹⁵ манзилидан бошлаганлар. Чунки аш-Шаратон уларнинг замонидан Ҳамал буржининг аввалларида бўлган. Араблардан бошқалар — ажамликлар эса Сурайё [манзилидан] бошлаганлар. Билмадим, Сурайё бошқа манзиллардан кўра зоҳирроқ тафаккур қилмай ва кўп синчикланмай, топилиши осонроқ бўлганидан шундай қилганларми ёки Ҳирмис китобларининг бирида учратганим: «Баҳорги кеча-кундуз баробарлиги Сурайё манзилида бўлади» — деган сўзга амал қилганларми? Бу Искандардан уч минг йилча ёки ундан кўпроқ [вақт] олдинги гап бўлса керак. Уларнинг мақсадларини худо яхшироқ билади.

Лекин биз араблар йўлига амал қилиб, улар бошлаган манзилдан бошлаймиз. Аш-Шаратон, булар «икки аломат» демакдир. Султонларнинг ҳамсуҳбатлари «шурут» деб аталганидек, бу [манзил] шу ном билан аталган, чунки уларнинг ҳамсуҳбатлари қора ёки бошқа рангли ўзларига аломат қилган эдилар.

Бу манзилда Ҳамал шаклида иккита юлдуз бор. Баъзан буларга [ўзларига] яқинроқларидан учинчи бир юлдузни қўшиб, «шаратлар» деб аташади. Икки шарат осмон ўртасида турганида оралиги икки зиро⁸⁸⁶ миқдорида кўринади. Уларнинг бири — шимолий, иккинчиси жанубийдир.

Юлдузлар ораларидаги кўз билан кўриладиган барча масофалар бошқа ерда эмас, осмон ўртасида туришларига қараб белгиланади, чунки ерни ўраб турган буғ ичида нурнинг қаттиқ букилиши сабабли у масофалар — [ёритқичларнинг] геометрия манзаралари китобларида айтилганидек — [осмон ўртасидан бошқа] уфқларда катталашади. Шунингдек, икки юлдуз шимолдан жанубга ўтганда, баъзан иккиси уфқда шарқдан ғарбга оққанда ёки баландлик доираларининг бирида бўлганда ораларидаги масофа тахминан олинади. Бу курраларнинг экватордаги мавжуд тиклигидан оғиши сабабли бўлади.

Ал-Ашрот [манзили] «Натҳ»⁹⁸⁷ деб ҳам аталади, чунки «шаратайн» деб кўзичоқ икки шохининг тағларига айтилади. Бу манзилнинг таъсир-

лари Ҳамал буржининг биринчи ҳолатига тегишли бўлиб, шу ном билан аталувчи юлдузларга алоқаси йўқдир. Улар бизнинг замонимизда 342 биринчи [ҳолатдан] || ўша буржининг иккинчи ҳолатига кўчганлар.

Сўнгра Бутайн⁹⁸⁸. Бу Ҳамал қорнининг охирида, қовурғалари бир-бирига тенг уч бурчак шаклида турувчи учта юлдуздир. Бутайн «батн» [сўзининг] кичрайтирилгани, чунки араблар Ҳут [манзили] батнига нисбатан буни кичрайтирганлар.

Сўнгра Сурайё. Бу тўпланиб турган олти юлдуз бўлиб, узум шингилига жуда ўхшайди. Араблар буни «ҳамал думбаси» деганлар, ундай эмас. Чунки бу юлдузлар Савр [буржининг] ўркачи устида туради. «Сурайё» [сўзи] «сарва»нинг кичрайтирилгани бўлиб, аслида «сарва»дан олинган. «Сарва» — «йиғилмоқ» ва «сон кўплиги» маъноларидадир. [Араблардан] баъзиларнинг гумонича, бу [юлдузларнинг] шундай ном билан аталишига [сабаб] уларнинг ботишида ёмғир ёғиб «сарва», яъни бойлик ҳосил бўлади. [Шу юлдузлар] «Нажм»⁹⁸⁹ деб ҳам аталади.

Батлимус эслатиб [ўтган Сурайё] юлдузлари тўртта юлдуздир, чунки Батлимус кўзга кўринишида оралари тор бўлгани учун тўрттадан бошқасини кузатолмаган. Арабларча бу манзилнинг Қуёш нури остида бекиниб туриш муддати қирқ кун бўлиб, энг ёмон кунлар ва йилнинг энг ваболи вақтларидир. Ал-Асадий: «Сурайёнинг чиқиши ва ботиши албатта бир оғирчиликсиз бўлмайди»,— деган. Араб табибларидан бири: «Сурайёнинг ботишидан то чиқишигача бўлган [муддатда] сиз менга кафил бўлинг, йилнинг қолган ҳамма вақтида мен сизга кафил бўламан»,— деган. Пайғамбар алайҳиссаломдан шундай ривоят қилинади: «Нажм чиққач, ер юзидан офат кўтарилади». Бошқа ривоятда: «Барча шаҳарлардан офат кўтарилади» [деб қайд этилган].

Сўнгра ад-Дабарон. Бу манзил нуроний, қизил юлдуздир. Унинг дабарон деб аталишига сабаб, Сурайёдан кейин чиқишидир⁹⁹⁰ ва Саврнинг жанубий кўзи устида туради. Дабарон «ал-Фаниқ» деб ҳам аталади. «Фаниқ» катта туядир. Чунки араблар [дабарон] атрофидаги юлдузларга «урғочи туялар» деб ном берганлар. Шунингдек, у «Нажмга эргашувчи» ва унинг «кейинидан келувчиси» деб ҳам аталади, чунки у чиқиш ва ботишда Сурайёга эргашади. Яна у «ал-Муҳдиж»⁹⁹¹ деб [ҳам] аталади.

Сўнгра Ҳақъа. Бу [бир-бирига] яқин учта кичик юлдуз бўлиб, худди бош бармоқ, кўрсаткич ва ўрта бармоқларнинг йиғилган ҳолда ерга тиралган изларига ўхшайди. Бу [манзилни] отнинг ён томонида оёқ бўғини олдидаги [соқ] доирасига ўхшатиб, шу ном билан атаганлар. [Бундай отни] «маҳқу от» дейилади. Баъзилар бу [манзилни] «ат-Таҳойй» деб атаган. Батлимус бу [юлдузларни] булутсимон битта юлдуз қилиб, Жаббор, яъни Жавзо [буржи] устидаги хира юлдуз деб атаган.

Сўнгра ал-Ҳанъа. Бу [манзил] Сомончи йўлидаги Жавзо билан Эгизаклар боши орасидаги иккита равшан юлдуз бўлиб, иккисининг ораси қамчин [бўйичадир]. Буларнинг бирига аз-Зирр, иккинчисига ал-Майсон дейилади. Булар иккинчи Эгизакнинг оёғи устида туради.

Зажжож «ал-Ҳанъа» [лафзи] «фалон нарсени эгдим ва бир томони ни иккинчи бир томонига букдим» деганингдаги «ҳанъа» [фёлидан] олинган. Гўё у икки юлдузнинг бири иккинчисига эгилиб туради,— дейди. Биров эса: «Балки у икковига тегишли ва улар ўртасидан орқа-

роқда туриб иккисини худди эгилган бўйиндек қилиб кўрсатувчи учивчи бир юлдузга қиёсан бу [сўз] қўлланган»,— дейди.

Араблар [эса] бундай гумон қилганлар: «Ҳанъа ва бошқа олтига юлдуз || Жавзонинг Асад [буржига]⁹⁹² отадиган камонидир».

343

Сўнгра аз-Зиро⁹⁹³. Бу оралиги бир зиро миқдориди келадиган иккита юлдузидир. Уларнинг бири Шеъро, яъни куйган шеъро бўлиб, у Шом шеъросидир. «Зиро» [сўзи] арабларча Асаднинг ёзилган билагидир; [бу манзил] икки юлдузининг бири, [яъни] «йиғилган зиро» дейиладигани эса Абур Шеъроси бўлиб, бу Яман Шеъросидир.

Ёзилган зирога келсак, у мунажжимларча, Эгизаклар боши, йиғилган зиро эса «Қалб ал-Мутақаддим»⁹⁹⁴ юлдузларидандир. Мунажжимлар орасида бу [манзил] ҳақида ихтилофлар ва буни шундай ном билан аташларида [турли] гап ва хурофий хабарлар бор.

«Куйган» [шеъро] — Искандар тарихининг минг уч юзинчи йили таммуздан ўн кеча ўтганда, Яманники дейиладиган Абур Шеъроси эса, таммузнинг йигирма учинчи кечаси чиққан.

Сўнгра ан-Насра. Бу манзил Асаднинг оғзи билан бурнининг икки тешиги орасидаги бир жойдир. Бу ал-Лаҳо⁹⁹⁵ ҳам дейилади. Бу манзил иккита юлдуз бўлиб, оралигида бўлутсимон доғ бор. Бу [манзилнинг] ҳаммаси Саратон шаклига тегишли.

Сўнгра ал-Тарф⁹⁹⁶. Бундан Асад кўзини назарда тутадилар. Булар бир-бирига яқин иккита юлдузидир. Бири — Асад суратига, иккинчиси эса Саратон суратидан чиққан юлдузларга [тегишли]. Бу [манзил] олдида ал-Ашфор, яъни «Асад киприклари» деган юлдузлар бор.

Сўнгра ал-Жабҳа⁹⁹⁷. Асаднинг пешонаси. Бу [манзил] тўртта юлдуздан иборат, ҳар икки юлдуз ораси бир қамчин бўйи. Улар шимолдан жанубга қараб гўғри вазиятда эмас, қийшиқ [ҳолда] ётадилар. Мунажжимларча, бу манзил Асаднинг ёли ўрнидадир. Уларнинг жануб томондагиларини «Шер подшоҳнинг юраги» деб атайдилар. Бу [манзил] Ҳижозда Суҳайл кўриниши билан чиқади. Суҳайл — кема юлдузлари лангаридегиларнинг қирқ тўртинчиси. Кенглиги жанубда етмиш беш даража [бўлганлиги] натижасида у уфқда кўнча баланд кўринмайди ва шунинг учун кўзга тўлқинланиб кўринади. Айтилишича, [кўзлик] кишининг кўзи Суҳайлга тушса, у киши ўлади. Яна айтишларича, Ромин оролида, Сарандиб чегараларида бир ҳайвон бор. Уни киши кўрганидан кейин қирқ кун ҳам яшамайди. Бу ҳолатлар руҳий нарса ва уларнинг таъсирига тегишли бўлиб, бу «раъода»⁹⁹⁸ деб танилган балиқ таъсиридан ажиброқ эмас. Бу балиқ тўрда тирик турган вақтда уни овлаган [кишининг] қўли увишади, ҳатто шундай дейдиларки, биров қамишни олиб, унинг бир учини ҳали тирик бўлган ўша балиқ устига қўйиб, бошқа учини ўзи ушлаб турса, қўли увишиб, қамиш унинг қўлидан тушиб кетади.

Шунга ўхшаш Шарқий Журжоннинг қишлоқларидан бири Раъда учратиладиган қуртлар ҳам [Суҳайлдаги таъсирга] мисол бўлади. У қишлоқнинг айрим жойларида майда қуртлар бор; сув кўтарган киши уларни босса, ўша сув бузилиб ҳидланади, босмаса, тоза, хушбўй ва ширин мазалигича қолади.

Қоплон тишлаб, тишланган жойга сичқон сийган кишининг ўлиши ҳам [мисолдир]; сичқонлар бунга ўч бўлиб, [ундай кишини] қидиришади ва қай ерда бўлса-да, унга эришишга ҳаракат қилади.

344 || Сўнгра аз-Зубра⁹⁹⁹. Асад зубраси, яъни елкаси ва бўйни ўтқизилган жой. Аз-Зажжож: «Бу Асад кифтидаги соч ўрни, чунки [шер] қазабланганида сочи тикланади»,— деди. Ан-Ноиб ал-Омулий: «Зубра бир парча темир бўлиб, Асад [буржининг] икки кифти шунга ўхшатилади»,— дейди.

Бу [манзил] иккита юлдуз [дан ташкил топган] бўлиб, оралари бир қамчин бўйи келади. Улар тешик [маъносидаги] «хурт» сўзидан олиниб, «хуртайн»¹⁰⁰⁰ ҳам дейилади. Гўё буларнинг ҳар бири Асад қорнига кириб боради. Ҳақиқатда бу иккови Асад шаклининг сони устида бўлиб, бири дум ўтқизилган жой тепасидадир. Бу иккиси чиқиши билан Ироқда Суҳайл кўринади.

Сўнгра ас-Сарфа¹⁰⁰¹. Бу жуда равшан юлдуз [бўлиб], унинг ён-верисида «Асад чангали» дейиладиган бир қанча юлдузлар бор. Бу [манзил] чиққанда иссиқ қайтиши ва ботганда совуқ [қайтиши] сабабли шундай ном билан аталган.

Сўнгра ал-Авво¹⁰⁰². Бу учи қуйига қараб эгилган чизиқ шаклидаги бешта юлдуздан иборат. Шунинг учун бу ном билан аталган. Киши бирор нарсани эгганда «авайту шайъан» дейди. Аз-Зажжож: «Мендан бошқа [яна] бировнинг бу [манзилни] шундай изоҳ этганини билмайман. Қимки, «бу — шернинг орқасидан қувиб ҳурувчи итлар» деса, янглишган»,— деди. Бу юлдузлар Азроъ кўкраги ва қаноти устида турадилар.

Сўнгра Симок ал-Аъзал¹⁰⁰³. Бу «Асад оёғи» деб аталади, унинг бошқа оёғи эса «Симок ар-Ромиҳ» деб аталади. Бу манзилнинг «аъзал» деб аталишига сабаб шуки, [Симок] ар-Ромиҳ билан бирга «унинг найзаси» дейиладиган юлдуз бор, Аъзалда эса бундай [юлдуз] йўқ, чунки у қуролсиздир. Сибавайҳ: «Бу [манзил] баландлиги сабабли «Симок» деб аталган»,— дейди. Баъзилар: «Балки Ой бунда тўхтамагани учун шундай номланган»,— дейди. Агар шундай бўлса, ал-Аъзал [Ой манзили] номини олишга сира ҳақли бўлмас эди. Албатта, Ой бу [манзилга] тушади ва гоҳо уни яшириб туради.

[Симок] Азроъ буржининг сўл кафти устидаги энг равшан юлдуз. Баъзи одамлар уни Сунбула¹⁰⁰⁴ деб атайди, ундай эмас, Сунбула Батлимус «Зафира»¹⁰⁰⁵ деб атаган Ҳулбадир. [Ҳулба] Катта Айиқ юлдузининг думи орқасида тўп бўлиб турган бир қанча кичик юлдузлар бўлиб, марваридгул баргига жуда ўхшайди; шу буржининг барча юлдузлари [Ҳулба] номи билан аталган.

Арабларча, Ҳулба Асад [буржи] думининг учи устида туради. Бу Асад думи учидан бўладиган майда қилчалардир.

Сўнгра ал-Ғафр¹⁰⁰⁶. Бу нурсиз учта юлдуздан иборат бўлиб, Азроънинг этагида ва сўл оёғи устида туради. Араблар буни «манзилларнинг яхшироғи» дейдилар, чунки бу Асад [буржининг] орқаси ва Ақрабнинг олдидадир. Асад узун тишлари ва тирноқлари билан, Ақраб заҳари ва найзаси билан зиён етказилади.

Арабларнинг ражас [вазни] билан шеър айтувчи шоирлардан бири бундай деган:

Кечаларнинг яхшиси ҳамиша
Зубоно ва Асад орасидагисидир.

«Пайғамбарларнинг туғилган вақтлари шу манзил чиқишига тўғри келган»,— дейилади. Азият етказишдан ўзини сақлаган [Исо] Масиҳдан

бошқа [пайгамбар] ҳақида бунини тўғри деб ўйламайман. Мусонинг туғилган вақти эса, [яхудийлар] сўзининг қиёси унинг Асад озуқ тиши чиқиб, Ой Асад чангалига тушган пайтга тўғри келганини талаб этади.

|| Бу [манзил] юлдузларининг нури камлиги сабабли «ғафр» деб аталган. Киши бир нарсани бекитганда «ғафарту шайъан» дейди. Яна сабаб шуки, бу [манзил] Ақраб буржининг шоҳи тепасида қалқонга ўхшаб туради. Аз-Зажжож: «Ғафр» «ғафрат»дан олинган, бу Асад думи учигаги мўйлардир»,— деган. 345

Сўнгра аз-Зубона¹⁰⁰⁷. Бу манзил бир-биридан ажралиб турувчи равшан иккита юлдуз бўлиб, оралари беш зиро келади. Турган жойига қараб булар Ақрабнинг икки шоҳи бўлиши мумкин, лекин Мезон [буржи] шаклига тегишлидир. Айтилишича, бу ном «забн» [сўзидан]¹⁰⁰⁸ олинган бўлиб, ҳар бири ўз суҳбатдошига яқинлашмай узоқ туради.

Сўнгра ал-Иклил. Бу Ақрабнинг боши — қатор турувчи учта юлдуздир. Ибн ас-Сўфий бундай дейди: «Бу мумкин эмас, [Иклил] Мезон шаклидан ҳисобланадиган [юлдузларнинг] саккизинчиси ва у шаклдан ташқаридаги — [юлдузларнинг] олтинчиси бўлиши керак». Яна Батлимус: «Алмижастий»да ёд этмаган бошқа бир [юлдуздир]»,— дейди. Ибн ас-Сўфий «Иклил қатор учта равшан юлдуз»,— деганлар [фикрини] хатога чиқариб, Иклил [Ақраб] бошидан бошқа жойда бўлмайди, деб даъво қилади. Шу билан бирга арабларда Иклил ибн ас-Сўфий айтгандек эмас, балки қатор учта юлдуз экани машҳурдир. Ас-Сўфий билан араблар ўртаси «Иккала даъвогар рози бўлишди-ю, қози рози бўлмади» деган мақолга мисоллар¹⁰⁰⁹.

Сўнгра аш-Шавла¹⁰¹⁰. Бу Ақрабнинг игнаси ва найзасидир. У доимо баланд, яъни юқори кўтарилгани сабабли шу ном билан аталган. Шавла Ақраб думи учига бир-бирига яқин иккита равшан юлдуздир.

Сўнгра ан-Наойим¹⁰¹¹. Бу [манзил] саккизта юлдуздан [иборат]. Тўрттаси Сомончининг йўлида чорбурчак шаклида. Булар: «[сувга] тушувчи туяқушлар»дир, чунки улар анҳорга, яъни Сомончининг йўлига тушганлар. Тўрттаси эса Сомончи йўлидан ташқарида бўлиб, булар ҳам квадрат шаклидадир. Анҳордан кетаётганликлари сабабли «кетувчи Туяқушлар»дир.

Аз-Зажжож бундай дейди: «Бу [манзил] «нун» ҳарфига «замма» ҳаракатини қўйиб, «нуойим» деб аталади. «Нуойим» деб қудуқ тепасида чарх ва челақ осиб қўйиладиган ёғочларга айтилади. У юлдузлар шу ёғочларга ўхшатиладиган, гўё тўрттаси тушаётгандек, тўрттаси кетаётгандекдир, тушувчилари ўқ отувчининг камони ва ўқи устида, кетувчилари унинг кифти ва кўкрагидадир».

Сўнгра ал-Балда¹⁰¹². Бу манзил осмоннинг бир парча чўли каби бўлиб, унда юлдузлар йўқ. Бу ўқ отувчи шаклнинг от сурати ёнидадир. Аз-Зажжож: «Бу манзил бир-бирига туташмаган икки қош орасидаги ораликка ўхшатиладиган. Икки қоши ораси узоқ кишига «аблад» дейилади»,— дейди.

Сўнгра Саъд аз-Зобиҳ¹⁰¹³. Бу [манзил] иккита юлдуз — бири шимолий, иккинчиси — жанубий; оралари бир зиро миқдоридадир. || Шимолийсининг олдида кичик бир юлдуз бор, [гўё] бу унинг сўядиган қўйи. У икки юлдуз Жадий [буржининг] шоҳи устида туради. 346

Сўнгра Саъд ал-Булаъ¹⁰¹⁴. Бу манзил иккита юлдуз бўлиб, ораларида махфий — гўё иккисидан бири ютиб юборган ва томоқдан кўкрақ-

ка тушгандек — бир юлдуз бор. Баъзилар: «Балки бу манзил, ўша учинчи юлдузни ютиб ва нурини олиб яширган кишига ўхшаганидан бу ном билан аталган»,— дейди. Абу Яҳъё ибн Қуноса эса: «Бу ном билан аталишига сабаб шуки, у «Эй ер, сувингни ют!»¹⁰¹⁵ дейилган вақтда чиққан»,— дейди. Бу жуда бўш гап. Бу юлдузлар «Сув қуювчи», яъни Далв [буржининг] сўл қўли устида туради.

Сўнгра Саъд ас-Сууд¹⁰¹⁶. Бу учта юлдуздан иборат бўлиб, бири қолган иккитасидан нурлироқдир. [Араблар] бу [манзил] чиқишини бахтли ҳисоблаганлари сабабли шундай ном билан аталган, чунки бу [манзил] совуқ қайтиб ва қиш ўтиб, кетма-кет ёмғирлар бошланган вақтда чиқади. Бу юлдузларнинг иккитаси — сув қуювчининг сўл елкасида, учинчиси, жадий думининг устида туради.

Сўнгра Саъд ал-Ахбият¹⁰¹⁷. Бу манзил тўртта юлдуз бўлиб, учтаси тор бурчакли учбурчак шаклида, биттаси эса у шаклнинг ўртасида, худди уни ўраб турган доира марказидек бўлади. Бу — «Саъд» атрофидагилар унинг «чодирлари»дир. Баъзилар [нинг] айтишича: «Балки бу ном билан аталишининг сабаби шуки, у манзил намоён бўлганда яшириниб ётган ўрмаловчи жониворлар чиқади. Бу [манзил] сув қуювчининг ўнг қўли устида туради. Худо энг билувчидир.

Сўнгра биринчи Фарғ¹⁰¹⁸. Бу [манзил] «юқориги тахтача» ва «Далвнинг иккита олдинги туширувчиси» деб аталади. Иккови бир-бирдан ажралган алоҳида иккита равшан юлдуздир. Булар от устида унинг елкасида туради.

Сўнгра иккинчи Фарғ¹⁰¹⁹. Бу [манзил] «қуйи тахтача» ва «Жалвнинг [қудуққа] иккита кейинги туширувчиси» деб аталади. Бу иккиси «юқориги тахтача» шаклидадир. Арабларча, Далв ўша тўрт юлдуздан иборат.

Сўнгра Батн ал-Хут¹⁰²⁰. Бу «Қалб ал-Хут» деб ҳам аталади. Бу [манзил] «Ришо»¹⁰²¹ деб аталувчи ва буржлар шаклларида бўлган маълум икки балиқдан бошқа бир балиқ қорнининг икки бўлагидан биридаги ёруғ юлдуздир. Бу юлдуз «Эр кўрмаган занжирбанд аёл»¹⁰²² [буржидан] бўлиб, «Мезон» тепасида туради.

Юқорида айтилган [манзиллар бобини] қисқа қилиб, бунга [Ой манзиллари] аҳволдан иборат бошқа нарсани қўшдик ва манзилларни мазҳаблар ҳам сўзлар ихтилофига қараб «Манзиллар ҳолатлари» жадвалига қўйдик. Манзил юлдузларининг Искандар тарихидан минг уч юзинчи йилдаги чиқишини [араблар] баён этган ўртача ҳисобга мувофиқ кўрсатдик ва буларни «Манзиллар юлдузларининг ҳолатлари жадвали»га киритдик. Бу икки жадвалга қаровчи кишининг ҳар бир жадвал устунлари тепасига битилган сўзлар сабабли, манзиллар ҳақида бировдан сўрашга эҳтиёжи қолмайди. У икки жадвал мана булардир. (410—413-бетларга қаранг).

Ой маълум бир юлдузга ёки манзиллар белгиси бўлган ва улар нисбат бериладиган юлдузларга учрашганда, [араблар] «Ой манзилга тушди» дейдилар ва буни ёмонликка йўядилар. Агар Ой сайрини тезлаштириб манзилдан ўтса ёки сустлаштириб манзилга етолмаса, уни икки манзил ўртасидаги ораликда кўрсалар, «Ой манзилдан ўтди» дейдилар ва буни яхшиликка йўядилар.

Шундай ораликларнинг баъзиси алоҳида ном билан аталган. Масалан, Сурайё ва Дабарон ўртасидаги оралик «Зайқа» деб аталади. Араблар буни наҳс ва ёмон фол ҳисоблайдилар. У тез ботиб кетиши сабабли Зайқа номи билан аталган, чунки Сурайёнинг ботиш даражаси билан Дабароннинг ботиш даражаси оралиги буржлар фалакида олти даража, экваторда эса қарийб етти даражадир.

Анво китоблари муаллифларининг баъзиси, Зайқа Савр юлдузларининг йигирма биринчи ва йигирма иккинчиси бўлиб, араблар бу иккисини Дабароннинг икки ити¹⁰²³ деган ном билан атайдилар, деб гумон қилган. Лекин бу ундай эмас.

Баъзан [Ой] Ҳанъа [манзилига] етмай, Таҳойга тушади, бу Эгизак юлдузларнинг ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчисидир. Бир гуруҳ «Таҳойи Ҳақъа [манзили]» деса, бошқалар «у Ҳақъа ҳам эмас ва ундан бошқаси ҳам эмас», дейди.

Баъзида [Ой] Симок манзилига етмайди, унинг баъзи араблар «Асад орқаси» деб атайдиган тахтига тушади. Бу Қарға юлдузларининг учинчи, тўртинчи, бешинчи ва еттинчисидир.

Баъзан [Ой] Шавла манзили рўпарасига етмасдан Ақраб думининг айрим бўғинларига рўпара бўлади. Бўғинлар унинг умуртқаларидир.

Гоҳо [Ой] Бадда манзилига етмай, унинг маржонига тушади; маржони «Удҳий» деб аталади. Бу Отувчи юлдузлардан тўққиз, ўн, ўн бир, ўн икки, ўн уч ва ўн тўртинчисидир. Баъзи одамлар уни Қавс деб гумон қилган. У эса Отувчининг боши ва икки кокилидир.

Баъзан [Ой] Саъд ас-Суудгача етмай, Саъд Ноширани манзил қилади. Бу Жаддий юлдузларидан йигирма учинчи ва йигирма тўртинчисидир.

Гоҳо [Ой] иккинчи Фарғ [манзилига] етмасдан Қарабда тўхтайтиди. Қараб деб Далв иккала томон бандининг қўшилиб, арқон боғланадиган жойини айтадилар. Бу Катта От юлдузларининг бешинчи ва еттинчисидир. Ёки [Ой] «Тулкилар шаҳари»га тушади. Бу эса иккинчи Фарғ билан Самака орасидаги юлдузсиз бўш жойдир.

Анво китоблари муаллифларининг баъзиси Анисайннинг¹⁰²⁴ — бу иккови Учбурчак юлдузларининг биринчи ва иккинчисидир — Шаратондан кейин ботаётганини кўриб, «бу иккиси Батн ал-Ҳут билан Шаратон орасида» деб гумон қилди-да, «Ой гоҳо Шаратонга етмай Анисайнга тушади», — деди. Бу тўғри эмас, чунки Ҳамал буржида Анисайн даражаси Шаратонниқидан кўпроқ. Лекин Анисайн кенглиги шимолдалиги сабабли кейинроқ ботади. Шимолга мойилроқ юлдузлар, шимолга мойиллиги камроқ юлдузлардан олдин чиқиб, ундан кейин ботади. Жанубда эса бунинг акси бўлади.

[Ой] манзиллари нисбат бериладиган ва [Ой манзиллари] улар билан аталувчи бу турғун юлдузлар || бир хилда секин ҳаракат қилишлари сабабли, ҳар бир олтмиш олти қуёш йилида бир даража сайр этганларида уларнинг ҳар бир чиқиш ва ботишларига бир кун қўшилиши керак бўлади. Биз Ой манзиллари юлдузларини Искандар тарихининг

11	Баҳор фасллари	Аз—Зу-бра	4	8	34	18	Бахтли	Ўртача		19	3			
12		Ас—Сар-фа	4	21	25	44	Наҳс	Намли		1	3			
13		Ал—Авво	5	4	17	10	Бахтли	Ўртача	Айлул	14	1	Озор		
14		Ас—Симок	5	17	8	35	Ўртача	Ўртача намли					27	1
15		Ал—Ғафр	6	0	0	0	Наҳс	Намли	Тишрин I	10	3	Найсон		
16		Аз—Зубоно	6	12	51	26	Наҳс	Мўътадил намли					23	1
17		Ал—Ик-лил	6	25	42	52	Наҳс	Намли	Тишрин II	5	4	Айёр		
18		Ал—Қалб	7	8	34	18	Бахтли	Қуруқ					18	1
19		Аш—Шавла	7	21	25	44	Наҳс	Намли	Конун I	14	1	Ҳазирон		
20		Ан—На-ойим	8	4	17	10	Наҳс	Намли					27	1
21		Ёз манзиллари	Ал—Бальда	8	17	8	35	Аралаш	Намли		27	1		
22			Саъд аз-Забих	9	0	0	0	Бахтли	Намли	Конун II	9	1	Таммуз	
23			Саъд Булаъ	9	12	51	26	Ўртача	Озгина намли					22
24			Саъд ас-Сууд	9	25	42	52	Наҳс	Ўртача	Шубот	4	1	Об	
25			Саъд ал-Ахбия	10	8	34	18	Аралаш	Мўътадил қуруқ					17
26			Куз манзиллари	Фарғ ал-Муқаддам	10	21	25	44	Бахтли	Қуруқ		2	1	
27				Фарғ ал-Муаххар	11	4	17	10	Аралаш	Намли	Озор	15	1	Айлул
28				Батн ал-Хут	11	17	8	35	Бахтли	Намли				

Манзиллардаги юлдузлар ҳолатларини [кўрсатувчи] жадвал

Манзиллардаги юлдузларнинг миқдори	Манзилларнинг Искандар [эраси] 1300 йили сурёний ойларидаги чиқишлари	У ойларнинг нечанчи кунда	Манзилларнинг Искандар Румий [эраси] 1300 йили сурёний ойларидаги ботиши	У ойларнинг нечанчи кунда	Манзиллардаги юлдузлар шаклларининг астрономлар қабул этган мартабалари	Манзиллардаги юлдузлар шаклларининг араблар қабул этган мартабалари
2	Найсон	22	Тишрин I	22	Ҳамалнинг икки шохи	Ҳамалнинг икки шохи
3	Айёр	5	Тишрин II	{ 4 17 30	Ҳамал думбаси	Ҳамал қорни
6		18			Санам ўркачи	Ҳамал думбаси
1		31			Савр кўзи	Савр кўзи
3	Ҳазирон	13	Конун I	{ 13 26	Жаббор боши	Жавзо боши
2		26			Кейинги эгизакнинг икки оёғи	Жавзо камони
2	Таммуз	9	Конун II	{ 9 21	Иккала эгизакнинг икки боши	Асаднинг ёзилди кули
3		22			Саратон	Асад бурни
2	Об	4	Шубот	{ 3 16	Асад бўйни	Асаднинг икки кўзи
4		17			Асад ёли ва юраги	Асаднинг пешонаси
2	Об	31		1	Асад думининг таги	Асад елкаси

12	Ас-Сарфа	1	Айлул	13	Озор	{ 14	Асад ёнбошининг охири
13	Ал-Авво	4		26		{ 27	Азро кўкраги
14	Ас-Симок	1		{ 9		{ 9	Азро кўли
15	Ал-Ғафр	3	Тишрин I	{ 22	Найсон	{ 22	Азро этаги
16	Аз-Зубоно	2		{ 4		{ 5	Торози паллас
17	Ал-Иклил	3	Тишрин II	{ 17	Айёр	{ 18	Ақраб пешонас
18	Ал-Қалб	1		{ 30		{ 31	Ақраб қалби
19	Аш-Шавла	2		{ 13		{ 13	Ақраб ниши
20	Ан-Наойим	3	Конун I	{ 26	Ҳазирон	{ 26	Отувчи камон
21	Ал-Балда	0		{ 8		{ 9	Отувчининг бадани
22	Саъд аз-Зобих	2	Конун II	{ 21	Таммуз	{ 22	Жадий қорни
23	Саъд ал-Була	2		{ 3		{ 4	Сув қуювчининг чап қўли
24	Саъд ал-Сууд	3	Шубот	{ 16	Об	{ 17	Сув қуювчининг чап елкаси
25	Саъд ал-Ахбия	4		{ 1		{ 31	Сув қуювчининг ўнг билаг
26	Фарғ ал-Муқаддам	2	Озор	{ 14	Айлул	{ 13	От елкаси ва унинг ўнг қўл
27	Фарғ ал-Муххар	2		{ 27		{ 26	От қаноти ва киндиги
28	Батн ал-Ҳут	1	Найсон	9	Тишрин I	9	Занжирбанд аёлнинг ёни

минг уч юзинчи йилидаги жойларини — астрономлар атаган номларга мувофиқ — узунлиги, кенглиги ва олти даражали миқдорлари билан исбот этдик. [Юқорида айтилгандек], бир кун қўшилишини аниқламоқчи бўлган киши, у манзиллар юлдузларининг ўз замонидаги жойларини биз баён этган кўчириш йўли билан, яъни ҳар олтмиш олти йил учун бир кун қўшиб тасҳиҳ этсин. Сўнгра у киши ўша юлдузларнинг Қуёш нурида яшириниши ва нур кетганда кўриниши хусусида зиждларда баён этилган ва «Алмижастий» китобида исботланган қоидага биноан амал қилсин. Чунки [у юлдузларнинг] чиқиш ва ботишлари мамлакатлар кенглиги ва ўз жисмларининг олти даражали миқдорлари ҳам буржлар фалакидан узоқликлари сабабли турлича бўлади. Бу ишни [бажаришда] буржлар фалакида кўп кенглик юз берса, Зуҳра Самака буржида Қуёшга учрагандаги сингари ажабланарли ҳолат юз беради. Зеро Зуҳранинг шу буржда Қуёш нури тагида яшириниши қарийб бир ёки икки кун муддатича бўлиб, агар Азро буржида Қуёшга учраса, тақрибан ўн олти кун миқдорида яширинади.

Ақраб буржида Уторид Қуёшга қарши турганида тонг пайтларида кўринади, иккисининг ораси бир буржнинг бешдан тўртча бўлади; Қуёшдан тесқари турганида ҳам кўринади, лекин кечалари кўринмайди. Савр буржида унинг аксича бўлади, яъни Қуёшга қараганида ҳам, ундан тесқари турганида ҳам кечалари кўринади-ю, тонг пайтларида кўринмайди. Бунинг барча далил ва исботи «Алмижастий» китобида ёзилиб, шарҳ қилинган.

Энди ой манзиллари юлдузларининг жойларини кўрсатувчи жадвални баён этамиз. (416—419-бетларга қаранг).

357 Мен бу китобни шу фанда йўл қидириб истифода этадиган [ўқувчига] малол келтирмайдиган тарзда туздим: ҳар бир боб ҳиссасини, имкон борича, тўла бердим ва у бобда тугал гапирмай туриб, сўзни бирон китобга ҳавола қилмадим. Ой манзилларини ва бошқа ёритқичлар шакллари текис сатҳлар устида қандай тасвирлаш ҳақида бу китобга бир фасл қўшишим керак. Чунки киши турли вақтларда ёритқичларнинг чиқиши ҳар хиллигини билганида буржлар фалаки вазиятларини тасаввур қилади. Юқоридаги ишорат ва гаплар у [кишига] манзиллар юлдузларини кўриб таниш ва уларни кўрсатиш имкониятига эга бўлиш учун кифоя қилади. Лекин [Ой манзилларига] эҳтиёжи тушган ҳар бир киши буржлар фалаки вазиятларини билавермайди. Ой манзилларини тасвирлашда ва қирқ саккиз шаклни ўз ичига олган бошқа юл-

дузларни тасвирлашда турли мартабадаги барча аҳли илмга умумий бўлган кўп манфаатлар бор. Шундайлар орқали мамлакатлар, шаҳарлар ва ер юзидаги бошқа нарсалар текис сатҳда тасвирланади. Бу ҳақда бирон [кишининг] сўзини эшитмадим. [Энди] уни ҳикоя қиламан, лекин бу тўғрида ўз хотиримга келганни баён қиламан, ўқувчи мени маъзур тутсин!

Шундай дейман: катта-кичик доиралар ва нуқталардан иборат курраларни сатҳга айлантириш мумкин бўлади, башарти уларнинг икки қутбидан бирининг текис қисмлари ўша доира ва нуқталар устидан ўтиб, аниқ бир сатҳ ажратадиган конуслар боши қилинса. Зеро, агар ўша сатҳ билан ҳалиги конуслар текисликлари орасидаги умумий чегаралар доиралар устидан ўтса ёки, агар сатҳ билан чизиқлар орасидаги умумий чегаралар нуқталар устидан ўтса, у доира ва нуқталарни ўша текис сатҳ юзасида сатҳга айлантиради. Бу устурлоб амалиётидир. Агар бу шимолда [татбиқ этилса], жанубий қутб конуслар боши қилинади; жанубда [татбиқ этилса], шимолий қутб конуслар боши қилинади. Мақсад қилиб олинган сатҳ экваторга параллел сатҳларнинг бири бўлади. Натижада [курралар] доиралар ва тўғри чизиқлар шаклига киради. Абу Ҳомид ас-Сағоний¹⁰²⁶ конуслар бошини иккала қутбдан кўчириб, уни ўқлар бўйига қараб курранинг ичига ё тошига қўйган. Шунда курра тўғри чизиқлар, доиралар ва [ас-Сағоний] истаган кайфиятда тўлиқсиз, етарли ва ортиқча парчалар ташкил этган. Бу ажойиб сатҳни ундан олдин ҳеч ким ишламаган.

Мен «устувоний»¹⁰²⁷ деб атаган сатҳ шу турдандир. Бу санъат арбобларидан бирон кишининг мендан олдин [устувоний сатҳини] баён этганини эшитмадим. У [мана шундай]: куррадаги доира ва нуқталар устидан чизиқлар ва ўққа параллел сатҳлар ўтади; [шунда] экватор сатҳида фақат тўғри чизиқлар, доиралар ва ноқис парчалар¹⁰²⁸ ташкил топади. Менинг «Устурлоб санъатида мумкин бўлган йўллارни қамраган» [номли] китобим уларнинг ҳаммасини ўз ичига олади. Лекин [доиралар, чизиқлар ва нуқталар] сатҳда куррадагидек шакллارга кирмайдилар. Зеро куррадаги бир-бирига тенг ора узоқликлар — айниқса уларнинг баъзиси қутбга ва баъзиси бошқа бир [қутбга] яқин бўлганда — сатҳда жуда фарқли бўлади. Устурлобдаги мақсад [доира ва нуқталарни курранинг] кўринишига мувофиқ шакллантириш эмас, лекин улардан баъзиси ҳаракатсиз бўла туриб, бошқасининг айланиши ва бу [амалиёт] натижаларининг, вақтлар турлича бўлса ҳам || фалакдаги аҳволга мос келишидир. Юлдузлар ва мамлакатларни тасвирлашдан мақсад уларнинг фалакдаги [нарсаларга] мувофиқ ва ҳамранг бўли-

Ой манзилларининг бирқ саккиз шаклидаги юлдузларнинг жойлари	Уша шаклидаги юлдузлардан қай- сиси	Узунли- ги		Кенглиги			Кенглик томони	Абу-л-Хасан ас- Суфий баёнича, миқдорлари
		Буржлар	Даражалар	Минутлар	Даражалар	Минутлар		
Икки шохи дейиладиган икки юлдузнинг	1	0	18	13	7	20	шимолий	3
Иккинчиси	2	0	19	13	8	20	шимолий	3
думбаси ўсиб чиққан жойдаги юлдуз	7	1	2	53	4	50	шимолий	5
думбасидаги уч юлдузнинг биринчиси	8	1	5	23	1	40	шимолий	4
нинг иккинчи сонидagi юлдуз	11	1	1	13	1	10	шимолий	5
а Сурайё олдинги қовурғасининг шимол								
он учи	29	1	13	43	4	30	шимолий	5
ё олдинги қовурғасининг жанубга мойил учи	30	1	14	3	3	40	шимолий	5
ёнинг иккинчи томони, бу энг тор жойи	31	1	15	13	3	20	шимолий	5
ё шимолий томонидаги кичик юлдуз	32	1	15	13	5	0	шимолий	4
мус ёки ундан олдинги ва кейинги [астро- лар] кўрсатмаган икки юлдуз								
			1	кузатувчилар			шимолий	4
			1	кузатмаган			шимолий	4
нинг жануб томон кўзи устидаги юлдуз	14	1	24	13	5	10	жанубий	1
о боши устидаги булутсимон юлдуз. Батли-								булут
учбурчак ўртасини бир юлдузга санайди	1	2	3	33	13	50	жанубий	симон
нчи эгизакнинг чап оёғи устидаги юлдуз	17	2	23	33	7	30	шимолий	3
нчи эгизакнинг ўнг оёғи устидаги юлдуз	18	2	26	13	10	30	шимолий	4
нчи эгизакнинг бошидаги юлдуз	1	3	4	53	9	40	шимолий	2
нчи эгизакнинг бошидаги юлдуз	2	3	8	13	6	15	шимолий	2
он кўкрагидаги булутсимон тўқима юлдуз								булут
аси	1	3	21	53	0	20	шимолий	симон
қовурғалидан иккита кейингисининг шимол								
ондагиси	4	3	20	53	2	40	шимолий	4
китанинг жануб энг мойили	5	3	22	53	0	10	шимолий	4

Ат-Тарф ↓	Саратондан чиққан тўрт юлдуз зубоннинг жанубий учи ёнидагиси	2	4	3	13	5
	Асад шаклининг рухсори ўрнидаги юлдуз	2	4	2	43	7
	Асад шакли бўйнидаги уч юлдузнинг шимолий томондагиси	5	4	11	43	11
Ал-Жабҳа	Кейинги юлдуз, бу учтанинг ўртадагиси	6	4	13	43	8
	Уларнинг энг жанубийси	7	4	12	13	4
	Асад қалбидаги юлдуз, буни шоҳона деб аташади	8	4	14	3	0
Аз-Зубра	Асад қорни устидаги икки юлдузнинг иккинчиси	20	4	25	43	13
	Асад икки сони бошидаги икки юлдузнинг шимолга энг мойили	22	4	27	53	9
Ас-Сарфа	Асад думининг учи устидаги юлдуз	27	4	6	3	11
	Азронинг чап қаноти учидagi юлдуз	5	5	10	33	0
Ал-Авво	Ундан кейингиси	6	5	19	48	1
	Ундан кейингиси	7	5	24	43	2
	Азро ўнг қанотидаги уч юлдузнинг шимолдагиси					
	Бу канизак аломати қилиб олдинга сурилган	13	5	23	43	15
Ас-Симок	Азронинг ўнг кафти устидаги юлдуз	14	5	8	13	2
	Азро этагидаги уч юлдузнинг ўртадагиси	22	5	18	13	7
Ал-Ғафр	Уларнинг жануб томондагиси	23	5	18	53	2
	Азронинг жанубий томон чап оёғидаги юлдуз	25	5	21	33	0
	Зубоно жанубининг охиридаги икки юлдузнинг энг равшани, яъни [Мизон] жанубий палласидагиси	1	6	29	33	0
Аз-Зубона	Зубоно шимолининг охиридаги икки юлдузнинг энг равшани, яъни [Мизоннинг] шимолий палласидагиси	3	6	3	43	8
	Ақраб пешонасидаги учта равшан юлдузнинг энг шимолийси	1	7	17	53	1
Ал-Иклид	Уларнинг ўртадагиси	2	7	17	13	1
	Уларнинг жанубга энг мойили	3	7	17	13	5
Ал-Қалб	Ақрабнинг қалби	8	7	24	13	4

Ой манзилларининг номлари	Ой манзилларининг кирк саккиз шаклидаги юлдузларнинг жойлари	Ўша шаклдаги юлдузлардан қай-сиси		Буржлар	Даражалар	Кенглиги		Кенглик томонлари	Абу-л-Ҳасан ас-Суфий бағнича, миқдорлари
		Узун-лиги	Кенглиги			минутлар	минутлар		
Аш-Шав-да Наом ал-Ворид Наом ас-Содир Ал-Балда	Ақраб шохидаги икки юлдузнинг иккинчиси Ақраб шохидаги икки юлдузнинг биринчиси Отувчи шаклининг ўқ дастасидаги юлдуз Чап кўл дастасидаги юлдуз Каманнинг жануб томонидаги юлдуз Олдинги ўнг оёқ тўпуги устидаги юлдуз Отувчининг чап елкасидаги юлдуз Бундан олдинги ўқ устидаги юлдуз Отувчи кифтидаги, яъни орқадаги учтанинг ўр-тадагиси Шу учтанинг кўлтиги тагидагиси Юлдузсиз жой, бу отувчи шаклидан 11 ва 12-юл-дузлар яқинида жануб томонда	20	7	9	3	13	20	жанубий	3
		21	7	8	33	13	30	жанубий	3
		1	8	16	3	6	20	жанубий	3
		2	8	19	13	6	30	жанубий	3
		3	8	19	33	10	50	жанубий	3
		25	8	18	13	13	0	жанубий	3
		6	8	23	53	3	10	жанубий	3
		7	8	24	33	3	50	жанубий	4
		21	8	29	13	4	30	жанубий	4
		22	8	27	53	6	45	жанубий	4

Саъд ас-Сууд	{ Сув қуювчининг чап елкасидаги юлдуз	4	10	8	3	8	50
	{ Унинг тагида орқадаги, гўё қўлтиқдан қуйироқдаги юлдуз	5	10	8	53	6	15
	{ Жадий думи учи устидаги юлдуз	28	10	10	13	4	20
Саъд ал-Ахбия	{ Сув қуювчининг ўнг билагадаги юлдуз	9	10	21	3	8	45
	{ Унинг ўнг кифтидаги уч юлдузнинг шимолийси	10	10	23	13	10	45
	{ Қолган икки юлдузнинг олдингиси	11	10	23	33	9	0
Фарғ ал-Муқаддам	{ Унинг кейинги жанубдагиси	12	10	24	53	8	30
	{ Отнинг ўнг елкаси ва оёғи ўсиб чиққан жойдаги юлдуз	3	11	13	43	31	0
	{ Отнинг устидаги—икки кифти орасидаги юлдуз	4	11	8	13	19	40
Фарғ ал-Муаххар Батн ал-Хут	{ От киндиги устидаги юлдуз, бу киндикка ва Андромедага тегишлидир	1	11	29	23	26	0
	{ От усти ва қаноти охиридаги юлдуз	2	11	23	43	12	30
	{ Андромеда шаклидан ёпқич тепасидаги уч юлдузнинг энг жанубийси	12	11	15	23	26	20

шидир. Лекин шуни билиш керакки, тўғри чизиқлар доира [шаклидагиларга] мос келмайди, курра сатҳлари текис тўғри сатҳларга ўхшамайди.

Шундай бўлгач, уларни бир-бирига яқинлаштириб тасвирлаш керак. Ясси устурлоб амалиёти бизга [тасвирлашни] ўргатувчи йўлларнинг биридир. Бу шундай бўлади: қандай бўлса ҳам бир доира чизамиз — доира ҳар қанча катта бўлса, яхшироқ чиқади — тўғри бурчакларда бир-бирини кесиб ўтувчи икки диаметр билан у доирани тўрт бўлак қиламиз. Ҳалиги икки диаметрининг [тўртта] нисфидан бирини тўқсон бўлакка баробар тақсим этамиз-да, доира марказини марказ қилиб, тўқсон бўлакдан ҳар бирининг [бошқасидан] ора узоқлигига қараб доира чизамиз; доиралар бир-бирига параллел бўлиб, бир-биридан бир текисда узоқликда бўлади. Уларни ўраб турган [катта] доира теварагини давра бўлакларига [уч юз олтмишга] тақсим этамиз ва ҳар бир бўлак билан марказ орасини тўғри чизиқлар билан туташтирамиз. Шундай қилгач, биринчи [катта] доира теварагини буржлар фалаки ва унинг марказини буржлар фалаки икки қутбининг бири деб фараз этамиз. Буржлар фалакига [бир] нуқта қўйиб, уни Ҳамал буржининг боши деймиз. Ёритқичлар жойларини «Алмижастий» китобидан ёки Муҳаммад ибн Жоби ал-Баттоний зижидан ёки Абу-л-Ҳусайн ас-Сўфийнинг «Турғун юлдузлар китоби»дан аниқлаймиз ва ёритқичларни [ўзимизга керакли бўлган] фаразий вақтигача ўз ҳаракатларида юргизамиз¹⁰²⁹.

Сўнгра [буржнинг кўрсатилган] доираси чизилган ярмидаги ёритқичлардан бирини олиб, ҳалиги белги қилинган нуқтадан ўнг томондан сўл томонга қараб ўша ёритқичнинг Ҳамал бошидан узоқлигича масофани ҳисобга оламиз. Бориб етган [жойи] шу ёритқичнинг узунлик даражаси бўлади.

Яна [ҳалиги нуқтадан] марказга тортилган чизиқ бўйига қараб ёритқичнинг тўқсон доирадан эгаллаган кенлиги ададини ҳисобга оламиз. Бориб етган ери ёритқич жасадининг жойи бўлади. Юлдузнинг олти даража миқдори ва катталигига қараб ўша ерга сариқ ёки оқ нуқта қўйилади. Шунингдек, кенлиги бир томонда бўлган юлдузларнинг ҳар бирида то ўша томондагилардан қутулгунча ҳалиги [юлдуздаги] амалиётни қўллаймиз. Худди шу амалиётни бошқа томондаги [юлдузларга] ҳам қўллаб, фалакдаги юлдузларнинг ҳаммасини икки доира ичига қўямиз; юлдузлар орада равшан кўриниши учун иккала доирани лажувард ранг билан бўяймиз; юлдузлар ўша суратдан ўзлари учун айтилган жойларга туширилгандан кейин ҳар бир шаклдаги ёритқичга тегишли юлдузларни тавсиф этилган шаклга мослаб тасвирлаймиз. Шундай қилиб, матлуб ҳосил бўлади.

Лекин биз бу усулни ёқтирмаймиз, чунки буржлар фалакидаги шаклларни [бурж нисбида] тўла тасвирлаш мумкин бўлмайди, балки уларнинг бир аъзоси бу нисфга, қолганлари у нисфга тушади.

59 Агар буржлар фалаки доираси сиртига || параллел ва бир-биридан ора узоқлиги ясси устурлобда ишланадиган ора узоқлиги сингари қилиб тўқсонга доира чизилса, [албатта] иш равшан, тартибли чиқади-ю, [лекин] юлдузларнинг шаклдаги ва осмондаги ўринлари бир-биридан жуда ҳам фарқли бўлади. Шундайки, бир-бирига тенг кўриниб турган юлдузларнинг ора узоқликлари қанчалик жанубга кириб, ҳаммасининг

маркази шимол қутби бўлса, шаклда каттароқ ва кенгроқ бўлади, ҳатто эҳтимолдан ташқари катталашиб кетади.

Юлдузларни буржлар фалаки икки қутби устидан ўтувчи сатҳи доирасида вертикал чизиқлар тушадиган жойларда устуруб сатҳидаги сингари тасвирлашни истаган кишининг йўли ҳам шунга ўхшайди. Чунки тасвирлар [доира] атрофида торайиб, марказ теваарагида кенгайиб кетади.

Энди тасвирлаш учун бошқа бир тадбир ишлаб, олдинги амалиётда бизга ёқмаган жойларнинг баъзи бирини бундан кеткизайлик. Бир доира чизиб, уни тўрт бўлак қиламиз, шу тўрт бўлақлар нуқталарига томонлар нисбатини ёзамиз. Доира томонларига қараб тўғри ва чексиз равишда доирани тўртга бўлиб турган икки чизиқ ўтказамиз ва диаметр нисфларининг ҳар бирини — баробар тўқсон бўлакка, доира айланасини уч юз олтимиш бўлакка бўламиз. Сўнгра шарқ ва ғарб томон чизиғида ҳар бири диаметр бўлақларининг бири устидан ҳамда жанубий ва шимолий икки нуқтанинг ҳар бири устидан ўтган доиралар марказларини қидирамиз. [Марказлар] топилгач, [катта] доира ичига кирган доираларни марказлар атрофига қўямиз. Шунда диаметрни баробар бўлақларга бўлган, шимолий ва жанубий икки нуқтасида [бир-бирини] кесиб ўтган бир юз саксонга қавс ҳосил бўлади. Бу узунлик доираларидир.

Кейин шимолий нуқтадан диаметр бўйлаб чиққан чизиққа қайтиб, бунда катта доира ичида машриқ ва мағриб икки нуқтасидан ҳар бирининг бир даражасидан ҳамда диаметр марказидан ўтувчи доира марказини, сўнгра икки ва уч даража устидан ўтувчи [доиралар марказларини], ниҳоят тўқсон доира тамом бўлгунича [барча доиралар марказларини] қидирамиз.

Жанубий нисфда унинг [жанубий] нуқтасидан диаметр бўйлаб чиққан чизиқда ҳам шундай иш қиламиз. Натижада бизга бир юз саксон доирадан иборат кенглик доиралари ҳосил бўлиб, улар узунлик доираларининг ҳар бирини бир юз саксон қисмга бўлади. Сўнгра мағриб нуқтасини — Ҳамал боши, машриқ ва мағриб [орасидаги] чизиқни буржлар минтақаси фараз қиламиз. [Ҳар бир] маълум юлдузнинг Ҳамал бошидан узоқлик [миқдорини] ҳисоблаймиз, охир унинг [узунлик] даражасига етилади. Кейин узунлик доираси томон юлдуз кенглигини ҳисоблаймиз ва юлдуз турадиган жойгача етиб борамиз.

Яна худди шундай бир шакл ясаб, бунда мағриб нуқтасини Мезон боши фараз қиламиз; [натижада] барча юлдузлар шу икки шакл ичида тамом бўлади. Бу шакл ичида турли [буржлар] шакллари тасвирлашда ҳам айтиб ўтган тадбиримизни қўллаймиз.

Агар мамлакатлар жойлашишларини [тасвирламоқчи] бўлсак, юқоридагига мувофиқ шакл тайёрлаб, бунда мағриб нуқтасидан маълум бир шаҳар узунлигини ҳисоблаймиз, кейин || у шаҳар томонининг кенглик миқдори етиб борадиган узунлик доирасини [чизамиз], натижада [мазкур] шаҳар ўрнашган жойгача етилади. Бундан бошқа шаҳарлар учун ҳам шундай қиламиз. [Куррани сатҳга айлантириш] санъатининг йўли ана шудир.

Баъзи кишилар ҳисоб ишларига мойил бўлиб, уларни жадвалларда кўрсатади ва ҳисоб ишларини бу санъатга оид амаллардан олдинга қўяди. Шунинг учун узунлик ва кенглик доираларининг диаметрларини,

уларнинг марказларининг [катта] доира марказидан узоқлик миқдорини аниқлашни ўргатишимиз керак, шунда кўзлаган мақсадимиз тугал бўлади. Энди *h* маркази айланасига *abcd* доирасини чизамиз ва у доирани *ahc* ва *bhd* икки диаметри билан тўртга бўламиз. *a* нуқтаси — ғарб, *e* нуқтаси — жануб, *c* нуқтаси — шарқ ва *d* нуқтаси шимол бўлсин.

Диаметрлар нисфалари¹⁰³⁰ тўқсон бўлакка, доира айланаси уч юз олтмиш бўлакка бўлинсин. Мисол учун узунлик доираларининг бири бўлмиш *ezd* доираси диаметрининг нисфи ва унинг марказининг доира марказидан узоқлигини аниқлаймиз. *hk* марказдан узоқлик бўлсин. *hz* нинг маълум эканлиги равшан, чунки у ўзининг нисфи диаметри *hc* ни тўқсонда қилиб турган бўлақлар билан белгиланган. *eh* ва *hd* нинг ҳар бири [ҳам] тўқсондан. Маълум [миқдор] *hz* ни мажҳул *hk* + *kz* нинг мажмуига, яъни матлуб диаметр минус *zh* га кўпайтирилиши *he* ни *hd* га кўпайтирилишига, яъни бу иккидан бирининг квадратига кўпайтирилишига тенгдир.

Энди *he* ни ўз-ўзига кўпайтириб, мажмуини, яъни саккиз минг бир юзтани маълум *hz* га тақсим этсак, ҳаммаси *hk* ва *kz* чиқади; бунга *hz* ни қўшиб, мажмуининг ярмини оламиз. У *zk* бўлади, бу эса *ezd* чиққан доира диаметрининг нисфидир.

Буни аниқлагач, шунга баробар қилиб циркуль [оёғини] очамиз. *z* нуқтаси маълум. Циркулнинг бир оёғини *z* га, бошқа оёғи *ha* чизигидан ниҳоятсиз чиқарилган [жойга] қўйилади ва доира марказига, яъни *k* [нуқтасига] олиб борилади. Шу билан икки марказ орасидаги узоқликни билишга эҳтиёж қолмайди. Агар орада узоқлик бўлмаса, диаметр нисфидан чиққан бизга маълум *zh* ва қолдиқ икки марказ орасидаги узоқлик бўлсин. Ҳисоб [орқали куррани сатҳга айлантириш] йўли ана будир.

Бирор кишига «ўтар жой оралигини», яъни нуқтанинг *e* ва *k* икки нуқтаси орасини тугаштирувчи чизиқ бориб етадиган доирадан узоқлигини — бу *at* қавсидир — билиш керак бўлса, биз бунга *t* устида айланини кесувчи *ek* ни чизамиз ва *vd* устида *ts* тик чизигини чиқариб, *td* [чизигини] чизамиз.

ehk учбурчагининг томонлари доира диаметри нисфини тўқсонга бўлиб турган жузлар орқали маълум бўлган, унинг ҳар бир томонини доира диаметри нисфини олтмишга қилиб турган миқдорга айлантириш 361 учун, уни олтмишга кўпайтириб, ҳосилни || тўқсонга бўламиз. Шунда [томонлар миқдори] «олтмишлик» миқдорга айланади.



ehk, *vd* ва *est* учбурчаклари бир-бирига ўхшашдир. *kh* ни *vd* га кўпайтириб, мажмуини *ek* га бўламиз, *dt* чиқади. Кейин *dt* ни *hk* га кўпайтириб, мажмуини *ek* га бўлсак, *ds* чиқади. Агар буни синуслар жадвалида қавсга айлантириб, қавсини тўқсондан олиб ташласак, *at* қолади.

Агар «ўтар жой оралигини» осонроқ йўл билан аниқлашни истасак, томонлари маълум *ehk* учбурчагини *abcd* доираси диаметрини олтмиш бўлак қилиб турган миқдорга айлантирамиз. Биринчи суратда *tdv* бурчаги, иккинчи суратда *tdv* бурчаги бутун «ўтар жой оралиги»да ватар бўлади.

Агар шу учбурчакнинг ҳар бир томонини *ek* ни олтмиш бўлак қилиб турган миқдорга айлантиришни истасак, [томонни] олтмишга кўпайтириб, ҳосилни доира диаметрини олтмиш бўлак қилиб турган миқдор орқали *ek* га бўламиз, шунда матлуб ҳосил бўлади. Кейин шу миқдор

орқали kh томони бизга маълум бўлса, уни синуслар жадвалида қавсга айлантирамиз, dt қавси чиқади. [Айтиб ўтилган] йўлларнинг қайси бири билан хоҳласак, ишлай берамиз, чунки у йўллардан кутилган мақсад битта, натижалар бир-бирига мос ва мувофиқдир.

Доира шакли мана бу.



Кенглик доиралари ҳақида айтиб ўтилганларни аниқлаш учун суратни яна қайтарамиз. Биз диаметр нисфини билишни истаган доира tql унинг бир қисми бўладиган доира бўлсин ва at , hk ҳам cl қисмларининг ҳар бири [даражалар] сонидан мувофиқдир. tx тик чизиги, яъни dm нинг маълум синусини ва hx [тик чизиги], яъни am нинг маълум синусини чиқарамиз. hx дан — уни тўқсон бўлакдан олтишига айлан-

тирганимиздан кейин — hd миқдори камайтиради. Натижада qx қолади. Бунга tx квадратини тақсим этиб, тақсимдан чиққанга qx ни қўшамиз ва мажмуининг ярмини оламиз, натижа ak бўлади. Бу эса $abcd$ доираси диаметрининг нисфини олтиши бўлак қилиб турувчи mql қисми чиққан доира диаметрининг нисфидир.


Агар «ора узоқлигини» билмоқчи бўлсак, доира муҳитини кесиб, ak ни t [нуқтасига] етказамиз, tc [чизигини] ҳам етказиб, tc тик чизигини ac га туширамиз, ac учбурчагининг томонлари маълум бўлиб, akh ва act икки учбурчаги унга ўхшаш бўлганидан hk ни ac га кўпайтириб¹⁰³¹, мажмуини ak га бўлсак, tc чиқади. Шу тақсимдан чиққанни kh га кўпайтириб, мажмуини ak га бўлсак, sc чиқади. as га кўпайтирилганининг илдизи ts . Бу эса ора қавсининг синусидир.

Шунингдек, ah ни ak нинг бир юз йигирма бўлишига сабаб бўлган миқдорга айлантриб, кейин уни тўлиқ ватарлар жадвалларида қавсга айлантурсак, at қавси чиқади. Бу «ора узоқлиги»дир.

С томонидаги ҳолат a томонидагига, в томонидаги d томонидагига жуда ўхшаш бўлиб, ҳеч бир йўл билан бир-бирига мухалиф бўлмайди.

Мен у ҳақда гапни кенгайтирган масаланинг охири шу.

[Қайта ишланган суратга тегишли] доира шакли мана бу.



- 362 Ваъдани адо этиб, мазмунига вафо қилиш ва сўровчилар саволини ўз ичига олган қисмларга ўзимга берилган қудратга яраша тўла жавоб бериш тугалди. «Ҳар ким ўз ҳолига яраша иш қилади»¹⁰³² ва «ҳар кимнинг қиймати севган нарсаси билан билинади». Мен тасҳиҳлаб баён этган асослар ақлларни бойитиш учун кифоя, башариятнинг дастлабки аҳволи ҳақида фикрни тозалашга йўлбошчи, [турли] пайғамбар ва подшоҳлар эралари хусусида шак-шубҳаларни кеткизувчи, ўз эътиқод ва маросимлари тўғрисида таажжубланган яҳудий ва христианларга тўғри йўл кўрсатувчи деб гумон қиламан. [Бу китобни] ўқиган ўқувчи [қуйидаги кайфиятдан] ҳоли бўлмайди: ё у маълумотда менга тенглашади, унда мени мақтаб, бу китобга қилган меҳнатим учун мендан миннатдор бўлади, ёки мартабада мендан ортиқлик қилади; унда янглишларни ислоҳ этиб,

юз берган тойилишларда [мени] маъзур тутади. Учинчи [ҳолатдаги ўқувчига] келганда, у менга бўйсунса, истифода этишига, агар адоват қилса, ожиз қолишига кифоя қиларли асар яратдим.

Адоватчининг адоватидан ёки душманнинг душманлигидан қандай хавф-хатарда бўлайинки, қаерда бўлсам, хўжамиз амир улуғ Сайид Мансур ва неъматлар эгаси Шамс ал-Маолий — худо унинг қудратини давомли қилсин — давлати ҳимоясидаман, у давлатнинг мустаҳкам рукига тутинаман ва суянаман, унинг овозасидан яширин ва ошкора қувват ва ёрдам оламан, равшан нури билан йўл топаман, гуллаб турган барокотидан қувват умид этаман. Худо менга ва барча мусулмонларга унинг неъматлари учун шукур этиш ҳақиқатини танитиб, [ҳаммамизни] фарз бўлган итоат вазифаларини адо этишга, унинг ҳақиға доимо дуо қилиб, миннатдорчилик билан мукофотлашга муяссар қилсин!

Китоб охирини ёрдам бериб йўл кўрсатган «ҳалок бўлувчи киши ҳужжатни кўриб ҳалок бўлсин, [яъни ноҳақ йўлда кетганига кейин узр кўрсатмасин], ҳаёт топувчи киши ҳужжатни кўриб топсин»¹⁰³³ деб қоронғу йўлдан тўғри йўлни ажратиб ёритган тангрининг ҳамди билан тасом қилайлик.

Яхши миллат пайғамбари қилиб юборилган зотга ва унинг пок оиласига доимо ва ҳамиша раҳмат ёғсин. Кўпдан кўп тинчлик бер!

И З О Ҳ Л А Р

¹ Қуръон, нисо сураси, 52 (62)-оят. Қуръоннинг сура ва оятлари рақамланган нашри Г. Флюгель томонидан 1858 йилда нашр этилган. 1928 йилда эса Қоҳирада бос-тирилган. Буларда оят рақамлари баъзан бир-бирига мос келмайди. Бундай ҳолларда Флюгель нашри рақамлари қавс ичида кўрсатилди.

² **Шамс ал-Маолий (Олий мартабалар қуёши)** — 976—981 ва 998—1012 йилларда Хоразмда ва умуман Каспий олди вилоятларида ҳукмронлик қилган Қобус ибн Вашм-гирнинг (403/1012—1013 йилда ўлдирилган) фахрий унвони.

³ Қалам сураси, 4-оят.

⁴ Ўрта аср файласуфларининг таълимотларига биноан, одам кичик олам (микро-космос) ҳисобланади, яъни у дунёдаги мавжуд нарсаларнинг барчасини ўзида мужас-самлаштиради.

⁵ **Тарих** — бу ерда тарих сўзи йил ҳисоби, эра маъносида ишлатиляпти. Бундан кейин ҳам кўп ўринларда шундай маънода келади.

⁶ Қуръонда «китоб аҳллари» деб насорий ва яҳудийлар аталган, чунки буларга «муқаддас» китоб—Таврот ва Инжил тушган. Кейинчалик «китоб аҳлларига» зардушт динидагиларни ҳам қўшишган.

⁷ Катта доира — маркази осмон жисмлари маркази билан тўғри келадиган доира.

⁸ **Румлар** деб Беруний ўрта асрнинг бошқа арабийнавис ёзувчилари каби Визан-тия империяси халқларини айтади (империянинг ўзи эса Рум дейилади).

⁹ Русчада „уларнинг суткалари“ деб таржима қилинган. Бу нотўғри. **Ҳо** (ه) замири суткага, яъни кеча-кундузга эмас, балки **ойлар** сўзига тегишлидир. Агар ке-ча-кундузга тегишли бўлса, **ҳумо** (هـ) ёзилган бўларди.

¹⁰ Яъни ўига жойнинг меридиани билан.

¹¹ **Зиж** — «Илмлар калити» номли араб тилидаги энциклопедиянинг (X аср) му-аллифи Муҳаммад ибн Юсуф ал-Хоразмийнинг ёзишчи, ёритқичларнинг йўли ҳи-собланадиган китобдир. «Тақвим», яъни ёритқичларнинг ҳар йилги ҳолатини ҳисоб-лаш ҳам ўша китобдан чиқарилади. Улугбекнинг машҳур юлдузлар жадвали ҳам «Зиж» деб юритилади.

¹² **Зиж Шайхриёншоҳ (Шоҳлар шоҳи жадвали)** паҳлавий тилидаги юлдузлар жадвали бўлиб, VI аср охири ёки VII аср бошларида тузилган ва VIII асрда араб ти-лига таржима қилинган.

¹³ Яъни Қуёшнинг пастки кульминацияси давридан.

¹⁴ Қуръон, бақара сураси, 187 (183)-оят.

¹⁵ Қуръон, бақара сураси, 187 (183)-оят.

¹⁶ Икковининг сабабчиси Қуёшдир.

¹⁷ Бу сўз муносабати билан Сайрафий ўзининг Имомийя мазҳабидан эканини ва бу мазҳабга кўра шафақ ботмай туриб ифтор қилиш дуруст эмаслигини айтиб ўтади.

¹⁸ Ислондаги ҳақиқий халифа деб фақат Алини (656—661) тан олган кишилардан иборат бўлган мазҳаб тарафдорлари шиалар деб аталади. Шиалар ўрта асрда бир не-ча майда мазҳабларга бўлиниб кетган. Ҳозир эронликлар ши мазҳабидадирлар.

¹⁹ Баҳорги кеча-кундуз баробарлашиши 21 мартда бўлиб, Қуёш маркази ўзининг эклиптика бўйича жанубий ярим шардан шимолий ярим шар томон... ҳаракатида осмон экваторини кесиб ўтади.

²⁰ Кузги кеча-кундуз баробарлашиши 23 сентябрда бўлиб, Қуёш маркази ўзининг эклиптика бўйича жанубий ярим шардан шимолий ярим шар томон кўринувчи ҳаракатида осмон экваторини кесиб ўтади.

²¹ Ёзги Қуёш туриши, 23 июнь.

²² Қишки Қуёш туриши, 22 декабрь.

²³ Қуръон ҳадид сураси, 6-оят ва зумар сураси, 5 (7)-оят.

²⁴ Муҳаммад пайғамбарнинг, агар мусулмонлар масжидга жума куни куннинг аввалги олти соати ичида келсалар, алоҳида мукофот оладилар, қанча кеч келсалар, мукофот ҳам шунча оз бўлади, деган ҳадиси устида гап борапти.

²⁵ **Муътадилла (ёки муставийя)** соат деб араб астрономлар кеча ва кундузни ўн икки соатга бўлгандан кейинги қолган орилиқ вақтни атаганлар: бу соатнинг узунлиги жойнинг кенглиги ва йил вақтига боғлиқдир. **Замония муъважжа** (эгилма соат) деб астрономик соатни атаганлар, бу осмон jismlарининг 15° га бурилишига тўғри келади.

²⁶ Қуёшнинг қишки туришидан сал олдин ёки ундан сал кейинги вақти.

²⁷ Кундузги намозларда суралар товуш чиқармай ўқилгани учун уларни «гунг» намоз деб аталади.

²⁸ **Батлимус (Клавдий Птоломей)** — машҳур юнон астрономи ва географи. 168 йиллар атрофида вафот этган. 127—151 йилларда Искандария шаҳрида астрономик кузатишлар олиб борган.

²⁹ **Синдҳинд (санскрит тилидаги «сиддханта», «астрономия ҳақида трактат»нинг бузиб айтилиши)** — хиндлардан олинган юлдузлар жадвалининг номи.

³⁰ **Катга доира бўлаклари** деб кузатиладиган jisмни, кичик доира бўлаклари деб кузатадиган асбобни айтмоқчи.

³¹ Берунийнинг **Китоб ал-истилҳод би ихтилоф ал-арсод** ва қўйида зикр қилинган **Фи тажрир ал-шурт ва-л-анвор** номли китоблари бизгача етиб келмаган.

³² Шамс ал-Маолийни айтмоқчи.

³³ **Совун (Теон)** — эрамининг IV асрида яшаган исқандариялик юнон астрономи ва математиги. Батлимус асарларига шарҳ ёзган.

³⁴ **Муътазид Биллоҳ—аббосийлар халифаси (892—902)**. Муътазид календарь ислоҳоти ўтказган. Бу ҳақда Беруний қўйида маълумот беради.

³⁵ Беруний **қибтийлар** деб қадимги ва ўзига замондош бўлган мисрликларни атаган.

³⁶ **Пешдодийялар** — Эрон подшоҳларининг афсонавий сулоласи.

³⁷ **Кабиса** — қўшимча демакдир.

³⁸ **Ал-Мижастий (Альмагест)** — Батлимуснинг астрономияга оид машҳур китоби бўлиб, арабийнавис ёзувчилар орқали Европага борган. Бу асар бир неча асрлар давомида ислом Шарқи ва кейинчалик Европа халқлари учун асосий манба бўлиб хизмат қилган. Батлимус ўз китобини «Мегале синтаксис» («Буюк тузилиш») деб атаган. Кейинчалик буюк астрономнинг ҳомийлари китоб номини «Синтаксис мегисте» («Энг буюк тузилиш») деб ўзгартирганлар. Арабийнавис олимлар эса «мегесте» сўзини «ал-Мижастий»га айлантирганлар, бундан латинча «Альмагест» келиб чиққан.

³⁹ **Исроил** — яҳудийча сўз бўлиб, «худо билан олишувчи» демакдир. Бу ном Ёқуб пайғамбарга унинг худо билан яширинча курашидан сўнг берилган (Таврот, Таквин китоби, XXXII боб, 28-бет). Шундан кейин у ҳам Ёқуб, ҳам Исроил номи билан атала бошлади. Лекин Исроил исми кўпроқ қўлланиб, бу ном билан баъзан бутун яҳудий халқи Бани Исроил, яъни «Исроил авлсдлари» деб аталди. Диний афсоналарга кўра Ёқуб пайғамбарнинг 12 та ўғли бўлган. Қуръоннинг аъроф сурасида (160-оят) ҳам Мусо қавмининг 12 сибт (қабил)га ажралгани ҳақида сўз бор.

⁴⁰ **Собийлар** — юлдузга топинувчилар мазҳаби бўлиб, узоқ вақт араб халифалигида ҳукм сурган. Уларнинг диний марказлари Ироқдаги қадимги Ҳаррон шаҳри бўлган. Шунинг учун собийлар «ҳарронийлар» номи билан ҳам юритилганлар.

⁴¹ **Жоҳилия (нодонлик)** — араблар ўз халқининг исломгача бўлган даврини шундай ном билан атайдилар.

⁴² Бу жумла Сайрафий таржимасида йўқ.

⁴³ Бу ерда қандайдир англашилмовчилик бор. Шеърларнинг мазмуни улар Абу Сумомага эмас, балки Фуқаймага бағишланганидан далоят беради. Шеърлар вази ҳам аниқ эмас.

⁴⁴ **Насий** — техник термин бўлиб, йилга ортиқча бир ой қўшишни ва шу ойнинг ўзини билдиради. И. Ю. Крачковский буни «вставка» (қўшимча) деб таржима қилган

[Қаранг: «Қоран», М., 1963, сура 9, стих. 37]. Қамарий йил шамсий йилдан 11 кун қисқа бўлиб, тахминан 354 кундан иборат. Исломдан 200 йилча илгари араблар қамарий ва шамсий йил орасидаги фарқни йўқотиш мақсадида, бу фарқ бир ойга тўлганда қамарий йилга қўшимча ўн учинчи ой қўшардилар. Ҳар бир 24 йиллик даврнинг 9 йили 13 ойлик йил бўларди. Бу ўн учинчи ой «насий» деб аталарди. Насий 631 йили Муҳаммад томонидан бекор қилинди ва араблар яна қамарий йилга кўчдилар.

⁴⁵ Тавба сураси, 37-оят.

⁴⁶ З.нинг шу ердаги маълум (معروفة) сўзи ўрнига И. да маълум эмас (غير معروفة) ёзилган. Сайрафий таржимаси ҳам кейингига асосланган. Агар мазмун эътиборга олинса, И. тўғри бўлиши керак. Аммо русчасига З. асос қилиб олинган.

⁴⁷ Эътидол — кеча-кундуз баробарлиги демакдир.

⁴⁸ Ўрта аср космографлари ой «манзили» деб буржнинг ой орбитаси ўтадиган 28 қисмини атаганлар. Бу манзилларнинг ҳар бири ой йўлининг бир кунига тенг, яъни ўртача 13 даража. «Жафр» сўзи астрономик термин сифатида унча тушунарли эмас. Беруний сўзидан хулоса чиқарилса у манзилларнинг энг кичик қисмларини «жафр» деб атаган. (Шу китоб, 397-бет). Астрологлар Ойнинг шу қисмларга киришини олдиндан айрим воқеалар билан боғлаганлар (уруш, галаён каби).

⁴⁹ Ан-Ноиб ал-Омулий — IX асрда яшаган арабийнавис астроном. Текстда кўрсатилган китобининг номи «Китоб ал-гурра». Еқуб ибн Ториқ — араб тилидан бошқа тиллардаги астрономик асарларни биринчи марта арабчага таржима қилган олимлардан бири бўлиб, у VIII асрда яшаган.

⁵⁰ Тавба сураси, 70 (71)-оят.

⁵¹ Иброҳим сураси, 10-оят.

⁵² Зардушт — мажусийлар (оташпарастлар) динининг ярим афсонавий асосчиси, нақл қилинишича, эрамиздан илгариги VII—VI асрларда яшаган. У ва унинг дини ҳақида Беруний ушбу асарида муфассал тўхтаб ўтган. (236—238-бетлар).

⁵³ Селивкийлар йили деб юритиладиган. «Искандар эрасининг» бошланиши эрамиздан илгари 312 йил 1 октябрь ҳисобланади.

⁵⁴ Сосонийлар сулоласининг охириги подшоҳи Яздижард III кўзда тутиляпти, бу 632 йилдан 654 йилгача ҳукмронлик қилган. Искандар вафотидан Яздижард подшоҳлигининг бошланишигача 960 йилга яқин давр ўтган.

⁵⁵ Мулк ат-Тавойиф (Қабилалар подшоҳликлари). Искандар ворислари ва ундан кейин унинг давлатини тақсимлаб олган диадеҳларни ўрта аср арабийнавис олимлари шундай деб атаганлар.

⁵⁶ Ашконийлар — эрамиздан аввалги 250 йилдан эрамизнинг 226 йилигача ҳукм сурган сулола. Бу сулола Европа тарихий китобларида Аршакидлар номи билан юритилади. Ашконийлар ўрта Осиё, Эрон ва Месопотамия территориясида ҳукм сурган.

⁵⁷ Ашконийлар ҳукмронлиги ҳақиқатда 476 йил давом этган.

⁵⁸ Яъни алфавитдаги ҳарфларнинг сон қимматига қараб.

⁵⁹ Яҳудийча сўзлар талаффуз этиш имкони бўлмагани сабабли Беруний келтирган араб ёзувидаги нусхаси айнан берилди.

⁶⁰ Дониёлнинг сўзи асл нусхасида «Қурбонликка руҳсат берилмагунча» ёзилган. Берунийда аксинча (Қаранг: Таврот, Даниёл китоби, XII, II).

⁶¹ Яҳудо (Иуда) — яҳудийча «худога мақтов ёки шон-шараф бўлсин» демакдир. Биринчи марта бу ном билан Еқубнинг тўртинчи ўғли аталган. У кейинчалик яҳудийлар қабиласининг асосчиси бўлган. Бу қабила бошқа қабилаларга нисбатан машҳурроқ бўлиб, алоҳида яҳудийлар давлатини ташкил этди ва шундан бошлаб яҳудийлар икки давлатга — Яҳудо авлодлари ва Бани Исроилларга — ажралди.

Яҳудо авлодлари Фаластиннинг жанубини ишғол этиб, ўз давлатларининг маркази қилиб Байтулмуқаддасни олганлар. Бу жойларнинг ўзи ҳам Яҳудо деб юритилган. Бани Исроил Фаластиннинг шимолини ишғол қилиб, маркази Самария шаҳри бўлган. Бу шаҳар Фаластин ишғол қилингандан кейин қурилган. Шунинг учун Бани Исроилга тобе кишилар самарийлар деб аталади. Яҳудийларнинг икки давлатга ажрალიши эрамизгача 900 йилларда содир бўлган эди.

Эрамизгача 722 йили асурияликлар таъқиби остида Исроил давлати инқирозга учради. Асурия шoҳи Саргон II (722—705) Самарияни босиб олди, Исроил шoҳи Осия ва унинг ўттиз минг тобелари асир қилиб олиб кетилди. Уларнинг ўрнига Бобил (Вавилон) ва Суриядан келган муҳожирлар жойлаштирилди. Шундай қилиб, Фаластиннинг шимолий қисми яҳудийлар қўлидан чиқиб кетди.

Эрамизгача 701 йилда эса Ассирия шоҳи Саргон II нинг ўгли Санаххариб (705—681) Байтулмуқаддасга юриш қилиб, уни қамал қилди. Яҳудо подшоҳи унга қумуш ва олтиндан иборат катта ҳада тақдим этгандан кейин шаҳар қамали тўхтатилди.

Эрамизгача 605 йили Набопаласар (626—604) томонидан Ассирия давлати хонавайрон қилиниб, Бобил давлатига асос солинди. Унинг ўгли Навуходонсор (604—567) эрамизгача 586 йили Байтулмуқаддасга юриш қилиб, тўққиз ой давом этган қамалдан кейин уни ишғол қилди. Шаҳарга ўт қўйилди, Соломоннинг машҳур ибодатхонаси ҳам куйиб кетди. Байтулмуқаддаснинг бутун аҳолиси асир қилиниб, Бобилга олиб кетилди. Фақат деҳқонларгина қолдирилди.

Эрамизгача 538 йили Эрон аҳамонийлар сулоласи подшоҳи Куруш (558—529) томонидан Бобил босиб олинди. Куруш яҳудийларга Фаластинга қайтиш учун рухсат берди. Бобир асир олингач, Яҳудо авлодларининг кўпчилиги Фаластинга қайтиб келди. Булар бошқа ҳамма халқлардан ажралиб туришлари учун «яҳудийлар» деб атала бошлади. Ғарб мамлакатлари халқлари орасида ҳам улар шундай ном билан машҳур бўлдилар.

Байтулмуқаддас Рум подшоҳи Веспасиян (69—79) томонидан эрамизнинг 70 йили иккинчи марта вайрон қилинган. Берунида Веспасиян Исфасин деб кўрсатилган. Ушбу китобдаги Рум подшоҳлари жадалига қаранг (123-бет).

⁶² Сурёнийча — Сурия тилида демакдир.

⁶³ Куруш (Кир) — 61-изоҳга қаранг.

⁶⁴ Юқорида Байтулмуқаддас «етмиш сабуда, яъни 490 йилда қурилди» дейилган эди. Бу ерда эса «етти сабуда, яъни 47 йилда қурилди» дейилапти. Асарнинг мавжуд барча нусхаларида шундай кўрсатилган.

⁶⁵ 3. даги **وكل ما ذكرنا** ибораси Л. да **فكنا ذكرنا** ёзилган. Таржимада Л.да ёзилганга асосланилди. Биринчиси таркиб жиҳатдан жумлага боғланмайди. Чунки Беруний бу нусханинг 15-бет 8-йўлида бу ҳақда зикр қилган.

⁶⁶ Бани Исроилнинг Мисрдан чиқиб кетиши тахминан эрамизгача 1340—1320 йиллар деб фараз қилинади. Лекин фанда Бани Исроилнинг Мисрда яшагани ҳанузгача аниқ исботланган эмас.

⁶⁷ Искандар тарихи эрамизгача 312 йилдан бошланишини айтган эдик. Агар шундай бўлса, Исо Искандар эрасининг 312 йилида, яъни эрамизнинг I йилида туғилган бўлиши керак. Беруний эса Исо Искандар тарихининг уч юз тўртинчи йилида туғилган деб ёзлпти.

⁶⁸ «Бир минг уч юз ўттиз бешинчи... гача яшашни умид қилувчи киши бахтлидир» деган гапи.

⁶⁹ Яъни 1335 йили.

⁷⁰ Байтулмуқаддаснинг биринчи ва иккинчи вайрон қилиниши ҳақида 61-изоҳга қаранг. Байтулмуқаддаснинг иккинчи вайрон қилиниши эрамизнинг 70 йилида эди. Беруний ҳисобича 73 йилда чиқяпти.

⁷¹ Байтулмуқаддасни биринчи вайрон қилган киши Бухтанассар эмас, балки Навуходонсор II дир (61-изоҳга қаранг). Берунида бу подшоҳ исми асарнинг ҳамма жойида Бухтанассар ёзилган. Таржимада ҳам шундай қолдирилди.

⁷² **Нажот** (نجاة) ва **бария** (برية) сўзларидаги мудаввара (ө) ҳарфини Беруний „х“ (о) ҳарфи билан кўрсатилган жумлалардан 1335 ни чиқарган.

⁷³ Қуръон, нисо сураси, 38 (42)-оят.

⁷⁴ И.да «айтиб ўтган ва айтаётган» дейилган.

⁷⁵ Қуръон, ҳижр сураси, 14—15-оятлар.

⁷⁶ Таврот тахминан эрамизгача 100 йилларда қадимги яҳудий тилидан юнон тилига таржима қилинган ва бу «етмишлар таржимаси» номи билан машҳур бўлган. Беруний келтираётган ривоятча, таврот Батлимус Филадельфус (эрамизгача 286—246) замонида таржима қилинган. Лекин бу черков ўйлаб чиқарган афсонадир.

(Қаранг: И. К р ы в е л е в, Книга о Библии, М., 1958, стр. 181).

⁷⁷ **Ло мисосия** — тегизмовчилар демакдир. Урта аср арабийнавис ёзувчилари сомирийлар аждоди деб қандайдир **Сомирий** ни ҳисоблайдилар. У қадимги яҳудийларни йўлдан оздириб, олтиндан бузоқ шаклида бут ясагча ва унга чўқинишга кўндирган. Қуръонда ёзилишича (тоҳо сураси, 97-оят), бунинг учун Сомирий умрининг охиригача **ло мисоса** — менга тегиб кетма деб қичқириши керак эмиш.

⁷⁸ Аснос (Афинея)нинг кимлиги маълум эмас.

⁷⁹ **Ибн ал-Бозёр** — IX аср ўрталарида яшаган астролог.

⁸⁰ **Марқиюн ва Ибн Дайсон [Бардесан]** — эрамизнинг II—III асрларида яшаган

гностиklar бўлиб, бир-бирига қарама-қарши бўлган диний-фалсафий қарашларни тарғиб этганлар.

⁸¹ **Моний** (276 йилда қатл этилган) — монийчилик номи билан машҳур бўлган диний-фалсафий оқим асосчиси. Беруний Моний ҳақида қуйида муфассал тўхтаб ўтган.

⁸² Баломиснинг ким эканлиги маълум эмас. Салмон ал-Форсий, яъни **Салмон** — эронлик — Муҳаммаднинг Мадинадаги ярим афсонавий саҳобаси. Унинг номига жуда кўп афсоналар тўқилган. Муҳаммаднинг Мадинадаги биринчи тобелари қаторига Абдуллоҳ ибн Салмонни ҳам қўшадилар. Нақл қилишларича, унинг ўғли Салмоннинг оғзидан «етмишлар ижили»ни ёзиб олган эмиш.

⁸⁷ Охирги жумла Сайрафий таржимасида тушиб қолган.

⁸⁴ **Таҳмурас** — Эроннинг афсонавий подшоҳларидан бирининг арабийлашган номи.

⁸⁵ Шимоли Фарбий Африканинг арабча номи. Мағрибга Триполи, Марокаш ва Жазоир киради.

⁸⁶ **Дунбованд ёки Дамаванд** — Техроннинг шимоли шарқидаги тоғ.

⁸⁷ **Куфа** — Месопотамия (қадимги Бобил) даги шаҳар.

⁸⁸ Яъни сув тошиб, тўфон бошланган. Қаранг: Қуръон, ҳуд сураси, 42 оят.

⁸⁹ **Жудий** — Месопотамиядаги тоғлардан бирининг номи. Таврот ва мусулмонлар афсоналарига кўра, Нуҳ пайғамбар кемаси шу тоғ ёнида тўхтаган.

⁹⁰ Берунийда Бухтанассар ёзилган, ҳақиқатда эса бу Бобил подшоҳларидан Набонассар (эрагача 747—734) дир. Юқорида Навуходонорни (эрамизгача 604—567) ҳам Бухтанассар деб кетилганини айтган эдик. Чалкашиқдан қутулиш учун Набонассарни ўз номи билан қолдиришни лозим топдик.

⁹¹ **Абу Маъшар ал-Балхий** — IX асрда яшаган машҳур астролог. Унинг зижги «Авсот ал-кавокиб» деб аталади.

⁹² **Аржабҳаз (ҳиндча арябхата)** кунлари — ҳинд астрономи Аржабҳаз томонидан 500 йилда тузилган юлдузлар жадвали. Бу биринчи арабийнавис астрономлар «зижлари» учун асос қилиб олинган. Арканд [ҳиндча ҳарканд] кунлари санскрит тилидаги бир астрономик асарнинг бузиб айтилган номи бўлиб, буни Берунийнинг ўзи ҳам қайтадан ишлаган.

⁹³ **Абу Исҳоқ ас-Сараҳси** — IX асрда яшаган арабийнавис файласуф, **Абу-л-Вафо ал-Бузжоний** (997 ёки 998 йилда ўлган) Хуросондан чиққан. Машҳур арабий математиклардан биридир.

⁹⁴ Охирги жумла Сайрафий таржимасида «Бу калом ёки фалсафа фанида текширилиши керак» дейилган.

⁹⁵ Набонассар подшоҳлик қилган тарихнинг бошланиши эрамизгача 747 йилдан ҳисобланади. (90-изоҳга қаранг).

⁹⁶ Эда «Юъхазнассар» ёзилган. Биз И. ва Л. га асосландик.

⁹⁷ Иккита Бухтанассар орасида эмас, Набонассар (эрагача 747—734) билан Байтулмуқаддасни вайрон қилган Навуходонсор — Берунийда Бухтанассар (604—567) — орасида 143 йил ўтгани ҳақиқатга яқинроқдир.

⁹⁸ Бу ерда сўз кетаётган йилларнинг «даври» ёки «цикли» қадимги вақтда қўлланган икки турли — шамсий ва қамарий — календарларни мослаштириш учун тузилган. Қамарий йиллар 29 ёки 30 кундан ташкил топиб, қамарий йил қуёш йилидан тахминан 11 кунга фарқ қилган. 29 кунлик ойллар «ноқис», 30 кунлик ойллар «тўла» ойллар деб юритилган. Қамарий йилни қуёш йилига мослаштириш учун қамарий йилга вақти-вақти билан 13-қўшимча ой қўшганлар. (44-изоҳга қаранг). Эрамизгача 432 йилда юнон астрономи Метон 6940 кунга 125 «ноқис» ва 110 «тўла» ойлardan иборат 19 йиллик даврани ҳисоблаб чиққан. 19 йилдан 7 таси 13 ойдан иборат бўлган.

Метон даврасида қуёш йили одатдагидан 1/76 қисмга узунроқ бўлган. Бу ноаниқлик эрамизгача III асрда яшаган бошқа юнон астрономи Қоллиб (Қалипп) томонидан қисман тuzатилган. У 940 қамарий йил учун 441 «ноқис» ва 499 «тўла» кунлардан иборат 76 йиллик даврани тақдим этган. Биринчи давра бошланиши эрамизгача 330 йил ҳисобланади. Қоллиб даврасидан Батлимус ҳам ўз ал-Мижастийси учун фойдаланган, ammo у кун ва ойлари Миср календари бўйича белгиланган.

⁹⁹ Иббарх (Гиппарх) эрамизгача II асрда яшаган буюк юнон астрономи. У ҳам йил цикллари ҳисоблаган ва уники Қоллибникидан аниқроқ бўлган.

¹⁰⁰ Саккиз йиллик цикл эрамизгача V асрда ҳисобланган бўлиб, ўзининг узунлиги билан энг қулайдир. Бу 96 қамарий ой ва учта қўшимча ойлари ўз ичига олади. Қўшимча ойлари II, V ва VII йилга қўшилади.

¹⁰¹ Бу ерда Захау нусхасидаги жумла сўзи ўрнига Л. ва И.даги **жулла (улуғ)** сўзи олинди.

¹⁰² Ой кулчасининг юришидан олинган Ой муддати миқдори.

¹⁰³ Солис (Фалес Милет) эрамизгача VI асрда яшаган юнон файласуфи ва

математиғи. Қуйида сўз борадиган Қуёш тутилиши ҳақидаги ривоятларга қараганда эраминзгача 585 йилда бўлган.

¹⁰⁴ **Ардашир I ибн Бобак** — Сосоний сулоласи ҳукмдорларидан, 226—241 йилларда подшоҳлик қилган. **Кайқубод** — афсонавий Эрон шоҳи, афсоналарга биноан у Зардушт даврида (эраминзгача VII—VI асрлар) яшаган.

¹⁰⁵ Охирги жумла Сайрафий таржимасида йўқ.

¹⁰⁶ Шу ерда **ياسفۇ** **насифу** сўзи биздаги нусхаларнинг ҳаммасида ва Сайрафий таржимасида **نصفو** **насифу** қилиб олинган. Русча таржимада ҳам шундай **приписывает** (39-бет) деб кўрсатилган. Биз уни **насифу** — **тавсифлайди** деб ҳозирги-кеलाжак замон феъли формасида олдик. Шунда „текст бузилибди“ дейишга эҳтиёж қолмайди.

¹⁰⁷ Македониялик Искандарнинг отаси эмас, акаси Филиф (Филипп Арридей) кўзда тутиляпти. У Искандар вафотидан кейин эраминзгача 323 йили тахтга ўтирган.

¹⁰⁸ Яъни **Зулқарнайн** лақабининг келиб чиқиши ҳақидаги ихтилофларни.

¹⁰⁹ Юлий Цезарь даврида қабул қилинган календарь устида гап кетяпти. Бу календарь мисрликлардан олинган бўлиб, у бўйича йил 365 1/4 кунни ташкил этади. Ҳар тўрт йилда бир ортиқча 366-кун қўшилади. Ой кунлари 28 билан 31 ўртасида бўлади. Ортиқча бир кун февраль ойига қўшилади.

¹¹⁰ Ҳабиб ибн Биҳриз — юнон китобларини араб тилига таржима қилган олим, IX асрда яшаган.

¹¹¹ Бу ерда **француз** (**ифринжийя**) тили латин тили маъносида ишлатилади. Беруний юнонча **найсарос** (лат. **Цезарь**) сўзининг этимологиясини келтиряпти. Бу сўз «император» маъносида ишлатилган.

Август — Римнинг биринчи императори эди (эраминзгача 30 йилдан эрамининг 14-йилигача).

¹¹² **Аҳмад ибн Саҳл ибн Хошим** — Сомонийлар сулоласи даврида (X аср) ҳозирги Ўрта Осиё ва Хуросон территориясида яшаган йирик феодал (307—919 йилларда қамоқхонада ўлган. Қаранг: В. В. Бартольд, Сочинения, т. II, часть 2, М., 1964, стр. 500).

¹¹³ Бу ерда З.даги «йиллар мўътадиллиги кўрсатилган жадваллар» жумласи ўрнига И. ва Л.даги «Келажақда бериладиган жадваллар» жумласи олинди. Русча таржимада эса З. га асосланилган. Исо пайғамбар туғилиши Август подшоҳлигининг 17-йилига эмас, 30-йилига тўғри келади.

¹¹⁴ **Август** замонида Мисрда тарқалган Юлиан календари устида гап кетяпти. Беруний нима учун буни «калдонийлар» йили деб атагани маълум эмас. Ҳозирги фан-да у «Искандар» календари деб юритилади.

¹¹⁵ **Румлар** — бу ерда Беруний римликларни атаяпти. Император Антонин 138—161 йилларда ҳукм сурган.

¹¹⁶ И. ва Л.да «ҳар юз йилда» дейилган. Бу тўғри.

¹¹⁷ **Дақлитенус** (Диоклетян) 284 йилдан 305 йилгача ҳукм сурган. 284 йил **Дақлитенус** эрасининг биринчи йили ҳисобланади. Халқ орасида тарқалган «фалон нарса **Дақенус** замонидан қолган» деган иборада ана шу **Дақлитенус** кўзда тутилади.

¹¹⁸ **Маймун ибн Миҳрон** — Халифа Умар II (717—720) даврида яшаган, Месопотамиядаги хирож бошқармасининг раиси.

¹¹⁹ **Умар ибн ал-Хаттоб** — Муҳаммад пайғамбарнинг иккинчи вориси (634—644 йилда халифалик қилган), чаҳорёрларнинг иккинчиси.

¹²⁰ **Ҳурмузон** — араблар томонидан Эронни забт этиш даврида асир қилиб олинган ҳарбий қўмондон, у исломни қабул қилиб, мусулмонлар томонига ўтган.

¹²¹ **Масдар** — араб грамматикасидаги „ҳаракат номи“дир. Ун хил феъл навларининг ҳар қайсисидан ҳар хил масдар олинади. **Тарих** (تاريخ) сўзи II нав феъл-

нинг, яъни **арраха** (ارخ) нинг масдаридир.

¹²² **Аш-Шаъбий** — мусулмон ривоятларини нақл қилувчи машҳур равий.

¹²³ **Абу Мусо ал-Ашъарий** — исломнинг биринчи йилларидаги давлат арбобларидан бири.

¹²⁴ **Девон** сўзи араб тилида жуда кўп маъноларда ишлатилади; бу ерда ўзининг аввалги ҳисобот **дафтра**, **хирожлар рўйхати** деган маъноларда келган.

¹²⁵ **Ҳижрат** — Муҳаммаднинг Маккадан Мадинага кўчган вақти. Ҳижрий ҳисоби бўйича йилнинг бошланиши милодий 622 йил 18 июль жума кунни ҳисобланади. Баъзи

бир йилнома ёзувчилар, шу жумладан Беруний ҳам, бу санани бир кун олдинга суриб, пайшанба кунидан ҳисоблайдилар.

¹²⁶ Яъни 639 йил.

¹²⁷ **Хусрав I Нўшервон** — сосонийлар сулоласи подшоҳларидан. У 531—579 йилларда ҳукм сурган. Нушервон одил подшоҳ номи билан машҳурдир.

¹²⁸ Эда «биров қирқ иккинчи, биров қирқ учинчи йилда» деган иборалар йўқ.

¹²⁹ **Ширк** — худога бошқани шерик қилиш, унинг яккаю ягона эканини инкор этиб, бир неча худога ишониш.

¹³⁰ Яъни Рум.

¹³¹ Охирги сосонийлар подшоҳи Яздижард III кўзда тутиляпти, 54-изоҳга қаралсин.

¹³² Бу йилларнинг арабча номлари: биринчи йил санат ул-изн, иккинчиси санат ул-амр бил қитол, учинчиси санат ул-тамҳис, тўрттинчиси санат ул-тарфия, бешинчиси санат уз-залзола, олтинчиси санат ул-истеънос, еттинчиси санат ул-истиғлол, саккинчиси санат ул-истиво, тўққизинчиси санат ул-бароа, ўнинчиси санат ул-вадоъ.

¹³³ 34-изоҳга қаранг.

¹³⁴ **Абу Бакр Муҳаммад ас-Сулий (946 йилда вафот этган)** — машҳур араб тарихчиси.

¹³⁵ **Ҳамза ал-Исфажоний** — тарихчи ва филолог (961 йил ёки 976 йилда ўлган).

Наврўз — эронларнинг янги йил байрами. Баҳорги кеча-кундуз баробарлиги (21 март) куну байрам қилинади. **Миҳрғон** (арабча шакли **миҳржон**) эса кузги кеча-кундуз бараварлиги (21 сентябрь) куну йиғим-теримни тугатгандан кейин байрам қилинади.

¹³⁶ **Ал-Мутаваккил** — аббосийлар халифаси (847—861 йиллар).

¹³⁷ **Убайдуллоҳ ибн Яхъё ибн Хоқон** — ал-Мутаваккилнинг вазири.

¹³⁸ **Мубад** — мажусий (оташпараст)лар ҳукмрони, қоҳини, файласуф ва донишманди.

¹³⁹ Ортиқча қўшиб, кабисали йил қилишларини.

¹⁴⁰ **Дехқонлар** — йирик Эрон феодаллари. **Холид ибн Абдуллоҳ ал-Қасрий** — умавийлар халифаси Ҳишом (724—743) даврида халифотнинг кўзга кўринган кишиларидан бири.

¹⁴¹ 44-изоҳга қаралсин.

¹⁴² **Ҳорун ар-Рашид** — аббосийлар халифаси (786—809).

¹⁴³ **Яхъё ибн Холид ибн Бармак** — аббосий вазирлари хонадонидан бири. Абу Жаъфар ал-Мансурнинг халифалик даври ва ўз отасининг ҳаётлигида Озарбайжон ҳокими бўлиб, халифа ал-Маҳдий замонида вазир бўлган. 187/802—803 йили қамоқхонада вафот этган.

¹⁴⁴ **Иброҳим ас-Сулий** — юқорида зикр қилинган тарихчи ас-Сулий бобосининг акаси, ал-Мутаваккилнинг котиби бўлган.

¹⁴⁵ **Ҳазирон** — Сурия йилининг тўққизинчи ойи, июлга тўғри келади.

¹⁴⁶ **Муҳаррам** — мусулмон йилининг биринчи ойи. 243 йил муҳаррами 857 йилнинг 30 апрели 30 майга тўғри келади.

¹⁴⁷ **Абу Убода Валид ибн Убайд ат-Тоний ал-Бухтурий (204/819—820—284/897)** — атоқли араб шоирларидан.

¹⁴⁸ Яъни календарь ислоҳоти ўтказган йил билан.

¹⁴⁹ Яъни 365 кунлик йилдан 243 йили.

¹⁵⁰ **Хурдод моҳ** — Эрон ой-қуёш йилининг учинчи ойи.

¹⁵¹ Яъни Яздижард I (399—420).

¹⁵² **Қўшимча кунлар (ал-лавоҳиқ)** ҳақида 80—82-бетларда муфассал маълумот бор.

¹⁵³ Сайрафий шу жойларни таржима қилмай яхши иш қилган, чунки бу гапларнинг бу ўринда ҳеч ҳожаги йўқ, кишини чалғитади холос.

¹⁵⁴ Яъни, қўшимча ойни ўша йили обон моҳдан кейин қўйдилар. **Обон моҳ** — Эрон йилининг саккинчи ойи. Бу ҳақда Беруний қуйида муфассал гапирди.

¹⁵⁵ **Зул Ақтоф** — сосоний Шоপুর II (310—379)нинг лақаби.

¹⁵⁶ **Қаъб ибн Луайя** — исломгача бўлган арабларнинг қабила бошлиқларидан бири. Арабларнинг жоҳилийя давридаги тарихига оид бундан кейинги баён этилаётган ҳодисалар афсонавий характерга эга.

¹⁵⁷ **Ҳимарийлар** — жанубий араб қабиласи.

¹⁵⁸ **Фил йили (570 йил атрофи)**. Қуръондаги фил сурасида нақл қилинишича, ҳабашларнинг шу йили Маккага қилган юришлари муваффақиятсизликка учради. Уларнинг қўшинлари ичда филлар ҳам бўлган. Шунинг учун бу йил «фил йили» деб аталади.

¹⁵⁹ **Кунлар (айём)** деб қадимги араблар жоҳилия давридаги турли жанглар ва қабидалар орасидаги тўқнашувларни атаганлар. Бу «кунлар» ўша жанг бўлиб ўтган

жой номи ёки уни келтириб чиқарган сабаб билан аталган ва «Айём ал-араб» китобида тўла тасвирланган.

¹⁶⁰ **Шаҳри ҳаром** — «муқаддас ой» демакдир. Қамарий йилдаги муҳаррам ойи шу ном билан юритилади.

¹⁶¹ **Зда ал-Ғазо куни**, **И.да ҳам ал-Ғазо куни**. Захов кўрсатган бошқа бир нусхада эса ал-Ғазо куни ёзилган, русча таржима ҳам шундай. Биз ал-Ғазо куни деб олдик.

¹⁶² Яъни Муҳаммадга қарши чиққан маккалик қариндошларига қарши жанг қилгани ҳақида гапиряпти.

¹⁶³ **Табба** — Ҳимйар подшоҳлари шундай аталган.

¹⁶⁴ **Ал-Ҳира** — Месопотамиядаги қадимги шаҳар, лахмийлар (V—VI аср) сулоласи подшоҳларининг пойтахти бўлган, ҳозир хароба ҳолга келган.

¹⁶⁵ **И.да** «етти юз саксон».

¹⁶⁶ **Сиёвуш** — птоҳийлаштирилган мифик қаҳрамон. Унинг шахсига сифиниш қадимги Хоразмда ҳам тарқалган эди.

¹⁶⁷ **Кайхусрав** — Сиёвушнинг ўғли.

¹⁶⁸ **Офриг** — IV асрда подшоҳлик қилган Хоразмшоҳ Офриг.

¹⁶⁹ **Ал-Фир** — Хоразм шаҳри, Қиёт яқинидаги қалъа, IV аср бошларида қурилган.

¹⁷⁰ **Санъа** — Жанубий Арабистондаги шаҳар. Ҳозир Яманнинг пойтахти.

¹⁷¹ **Заҳҳок** — қадимги Эрон афсоналарида зикр қилинадиган ярим одам, ярим дев шаклидаги ниҳоятда катта махлуқ.

¹⁷² **Жайҳун** — Амударёнинг арабча аталиши.

¹⁷³ Бу йил эрамининг 993 йилига, яъни Берунийнинг мазкур «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асари ёзилишидан атиги етти йил олдинги даврга тўғри келади.

¹⁷⁴ **Қутайба ибн Муслим** — 712 йилда Хоразм ва Мовароуннаҳрга бостириб келган араб қўмондони, Қутайба қайтиб кетиши биланоқ хоразмликлар унинг томонидан қўйилган шохга қарши кўзголон кўтарганлар ва уни ўлдирганлар.

¹⁷⁵ **Зулқарнайн (Икки шохли)** — македониялик Искандарнинг лақаби. Бу Қуръоннинг 18-сурасида зикр қилинади. Қуръон ривоятларининг манбаи VI асрдаги Сурия афсонаси бўлиб, бунда Искандар бошида шохга ўхшаш икки нарса ўсиб турган дейилади. Искандар эрамингача 356—323-йилларда яшаган.

¹⁷⁶ **Наснослар** — арабийнавис муаллифлар асарларида тасвир этилган ярим маймун-ярим одам шаклидаги махлуқ.

¹⁷⁷ **Ежуж ва Мажуж** — Қуръонда зикр қилинишича, Искандар жанг қилган афсонавий қабила номлари. Қўшни халқларни уларнинг ҳужумидан сақлаш учун Искандар томонидан улар мамлакати чегарасига мустаҳкам ғов қурилган.

¹⁷⁸ **Кўк денгиз** — Атлантик океани.

¹⁷⁹ **Боб ал-Абвоб (Дарвозалар дарвозаси)** — Доғистоннинг Дарбанд шаҳри яқинидаги дара.

¹⁸⁰ **Доро ибн Доро** — Доро III, Аҳаманийлар сулоласининг охириги подшоҳи (эраминдан аввалги 335—330 йиллар). Искандар билан урушда ўз яқинлари томонидан ўлдирилган. Беруний келтирган Доро қотилининг номи ниҳоят бузиб берилган.

¹⁸¹ **Шаҳризур** — Курдистоннинг бир шаҳри. Ҳақиқатан Искандар Месопотамияда ўлган.

¹⁸² Аҳаманийлар сулоласидан бўлган Ардашер подшоҳ (эрамингача 465—425) кўзда тутилади.

¹⁸³ Арабча нусхада насл сўзи ўрнида ҳам қарн ёзилган. Чунки бу сўз арабларда **шох, насл, авлод, аср** каби жуда кўп маъноларда ишлатилади. Беруний ҳамма ўринда қарн сўзини ишлатиб, жуда чиройли сўз ўйини қўллаган.

¹⁸⁴ **Муҳаммад ибн Абдураззоқ ат-Тусий** — Эрон ва Ироқда X асрда ҳукм сурган бувайҳийлар сулоласи асосчиларидан бири ва бувайҳийлар султони Рукнуддавла (967 йилда вафот этган) даврида Тус шаҳри ҳокими бўлган.

¹⁸⁵ **Иброҳим ас-Собий** — бувайҳийлар давридаги давлат арбобларидан бири. Унинг бувайҳийлар сулоласи тарихини ўз ичига олган ва Беруний тилга олаётган «Тож» номли асари бизгача етиб келмаган. Ас-Собий сўзига биноан, у ўз китобини турли афсона ва уйдирма гаплар билан тўлдирган экан. Беруний бу ерда мазах қилиб келтираётган бувайҳийлар насаби ҳам ана шундай афсоналардан биридир.

¹⁸⁶ Иккита Шерзилни бир-биридан ажратиш учун **Шерзил асгар** — кичик Шерзил ва **Шерзил акбар** — катта Шерзил деб юритиляпти.

¹⁸⁷ **З. да жабалда (فى الجبل)**, **И. да эса жибда (فى الجبل)** дейилган. Биз

кейингисини қабул қилдик ва жилда сўзини **замондошлари орасида** деб таржима қилдик. Русчада в **Гилане (Гилонда)** деб таржима қилинган.

¹⁸⁸ **Мардовиж** — Вардоншоҳнинг набираси, Ироқнинг бир қисми ва Эроннинг Каспийбди вилоятларида X—XI асрларда ҳукм сурган зиёрийлар сулоласининг асосчиси Зиёрнинг ўғлидир. Мардовиж Табаристон ҳокими Асфар ибн Шеруя қўшинида қўмондонлик қилган ва 931 йилда Асфарни ўлдирган, ўзи эса 935 йилда ўлдирилган.

¹⁸⁹ Асарнинг ҳамма нусхаларида «Вардоншоҳнинг ўғли» дейилган. Биз шу ҳолича қолдирдик. Аслида эса «Вардоншоҳ набираси» бўлса керак, тарихий фактлар шуни тақозо қилади.

¹⁹⁰ **Жибол (қадимги Мидия)** — ҳозирги Ироқ форсининг арабча номланиши.

¹⁹¹ Кисро (кўплиги асосира) — араблар сосонийлар сулоласидан бўлган шоҳлар—хусравларни шундай атаганлар.

¹⁹² Хусрав I Анушервои (531—579).

¹⁹³ Яъни сомонийлар сулоласи амирлари демоқчи. Сомонийлар IX аср охири ва X асрда (874—999) Хуросон, Мовароуннаҳр ва Эроннинг баъзи вилоятларида ҳукмронлик қилган. Сомонийлар давлати пойтахти Бухоро бўлиб, ўша вақтда Шарқнинг машҳур илм-фан ва маданий марказларидан бири эди. Бу ерда Веруний келтираётган насаб шажараси ишончли эмас.

¹⁹⁴ **Марзубон ёки марзбон** — эронларда чегара вилоят ҳокими шундай унвон билан юритилган.

¹⁹⁵ **Шервои** — Каспий денгизининг ғарбий қирғоғидаги вилоят.

¹⁹⁶ **Ал-Қадлоҳ** — Мисрда ҳукмронлик қилган фотимийлар сулоласининг биринчи халифаси (909—934). Фотимийлар ўз насабларини Муҳаммад пайгамбар қизи ва унинг амакиваччаси Алининг хотини Фотимадан оладилар. Шунинг учун улар ўзларини **алавийлар (Али авлодлари)** деб юритадилар.

¹⁹⁷ **Нақиб (кузагувчи, бошлиқ)** — Али авлодларидан деб саналиш ҳуқуқини олиш учун кишиларга алоҳида гувоҳнома берувчи Али хонадони вакилларини «нақиблар» деб атаганлар.

¹⁹⁸ **Ал-Муътасим** — аббосий халифаси (833—842).

¹⁹⁹ Урта аср бошларида Волга бўйида яшаган булғорлар ҳақида гап борапти. **Савор** — булғор шаҳарларидан бири.

²⁰⁰ Тавба сураси, 36 (38) — оят.

²⁰¹ **Сижистон ёки Сийистон** — Эрон ва Афғонистон чегарасида жойлашган ўлка.

²⁰² Текстда бу ойлarning номлари жуда бузиб берилган. Қўлимиздаги материаллар бўйича уларни тўғри талаффуз этишни аниқлаш мумкин бўлмади. Шунинг учун бу номлар шартли равишда ёзиб кўрсатилди. Шубҳали ўринларда фақат ундош ҳарфларинигина ёзиш билан кифояланилди.

²⁰³ Текстда Собит ал-Омулий ёзилган. Бу нотўғри, «Китоб ал-Ғурра» муаллифи **Ноиб ал-Омулий** (49-изоҳга қаранг).

²⁰⁴ **Замзама** — овоз чиқармай ўқиладиган намоз.

²⁰⁵ Шу жумла Л. ва И. бўйича таржима қилинди, чунки З да сўзлар тушиб қолган.

²⁰⁶ Яъни Саратон буржи олам яратилганда уфқ тепасига кўтарилиб чиққан.

²⁰⁷ Астрологлар таълимотига биноан ҳар бир сайёра буржда ўзининг **юқори даражаси (шарафи)** ва **қуйи даражасига** эгадир. Юпитернинг юқори даражаси Саратов буржида бўлади. Астрологлар, сайёра юқори даражасида турганда ердаги ишларга энг кўп таъсир кўрсатади деб даъво қиладилар.

²⁰⁸ Бу сўз З. да **айтадилар (يقولون)** ёзилган ва Л. да **суянадилар (يعولون)** дейилган. Таржимада иккинчисини олдик, рус тилидаги таржимасида ҳам шундай қилинган. Чунки Заҳов нусхасидаги бу сўз ўринга мувофиқ келмайди.

Русчасида фақат эронликларга тегишли деб олинган.

«[Жоҳилият] араблари саводсиз бўлганлар, ривоятларни абадий қолдиришда фақат ёдда [сақлаш] ва шеърларда [келтиришга] суянганлар» жумласида ҳам «суянганлар» (**يعولوا**) сўзи қўлланган.

²⁰⁹ Юқоридаги 271—273 бетлардаги жадвалга қаралсин.

²¹⁰ Бу ердаги «улар давлатларининг бошланиши» (**اول ملكوم**) калимасидаги замири бу уч миллатга хос деб қабул қилинди. Чунки кейинги бетдаги «Қибтийлардан... бошқа бирон миллатнинг ҳафтани ишлатишда эронлик, хоразмлик ва сўғдийларга эргашгани бизга маълум эмас» жумласи шуни тақозо этади. Русчасида фақат Эронликларга тегишли деб олинган.

²¹¹ Яъни «ҳар иккисига салом» (Иброҳимга ҳам, Исмонлга ҳам).

²¹² Қўлимиздаги нусхаларнинг ҳаммасида мавжуд бўлган „Бизга маълум эмас“ (و ما أنصل بنا) жумласидан бошлаб „Абу-л-Аббос ал-Омулий ҳикоя қилади“ (و ذكر ابوالعباس الأملى) иборасигача қарийб бир бет Сайрафий таржимасида тушиб қолган.

²¹³ Рум императори Август (эрамизгача 30-йилдан эрамизнинг 14-йилигача) устида гап борапти.

²¹⁴ 3. да „бунга назар солиш керак“ (فيها نظر) деб ёзилган. Бошқа нусхаларда نظر сўзига ҳаракат қўйилмаган. Таржимон „йилларга қаради“ деб қабул этди.

²¹⁵ Яъни қўшимча йил (кабиса) қўшиладиган 1460 йил тўлишига қадар.

²¹⁶ Шу жумла И. ва Л. бўйича таржима қилинди, яъни „аниқ бир“ (مفروض) сўзи ўрнига, „тугади“ (فانقرض) сўзи олинди. Шунда таржима дуруст чиқади. Русчаси Захов нусхаси бўйича қилинган.

²¹⁷ Беруний қўшимча кунларнинг юнонча номларини келтирар экан, худди қибтийлар талқин қилгани каби изоҳлайди. Қибтийлар буни «кичик ой» деб таржима қилганлар. «Абуғамно»нинг юнончаси «эногоменай»дир.

²¹⁸ Қўлимиздаги нусхаларнинг ҳаммасида **ан-нақт** (النقط) ёзилган. Русча таржимада **ал-бақт** кўрсатилган ва шундай изоҳ берилган: **ал-бақт** юнонча **эпақта** сўзининг қибтий тили орқали бузиб кўрсатилган шакли бўлиб, бу охириги ой янги бўлишидан то йилнинг маълум кунига қадар, масалан, 22 мартгача бўлган кунлар сонини ифода этади.

²¹⁹ Яъни Юлий Цезарь. Бу ерда унинг ҳаёти ҳақидаги келтириладиган рақамлар афсонавий характерга эга.

²²⁰ **Юлиусдан кейин** (بعده) сўзи ўрнига 3. да **мана бу** (هذه) ёзилган.

²²¹ Қим устида сўз бораётгани маълум эмас. Берунийнинг кейинги бетда берган маълумотига қараганда муаллиф ўз китобини Искандар тарихининг 1225 йилида ёзган. Бу эрамизнинг X аср бошларига тўғри келади. Китобнинг арабча номи «Маъхаз ал-мавоқит»дир.

²²² Яъни румликлар йиллари билан ҳинд йили ўртасидаги фарқ. Рус тилидаги изоҳда «рум ва қуёш ўртасидаги фарқ» дейилган.

²²³ И. ва Техрон нусхасида «бу олтмиш» ёзилган.

²²⁴ Агар келтирилган сон тўғри бўлса, Искандар тарихи бошидан ҳисобланганда бу эрамизнинг 913 йилига тўғри келади.

²²⁵ Сайрафий таржимасида «учдан икки» дейилган.

²²⁶ Қуръон, исро сураси, 84 (86)-оят.

²²⁷ Қуръон, муъминун сураси, 53 (55)-оят.

²²⁸ Яъни $365 \frac{81}{400}$ соат.

²²⁹ **Муҳаммад ибн Мусо ибн Шокир** (259/872—873 йилларда вафот этган) — IX асрда яшаган астроном, математик ва Бани Мусо исми билан машҳур бўлган уч биродарнинг бири.

²³⁰ **Собит ибн Қурра** (Абу-л-Ҳасан ал-Ҳарроний) — машҳур астроном, математик ва табиб. Собий мазҳабида эди. 221/835—836 йили Ҳарронда туғилиб, 288/900—901 йили 77 ёшида вафот этган.

²³¹ Яҳудий йили ойларининг қадимги тартибида йил баҳор ойи нисандан бошланган. Кейинчалик йилнинг бошланиши баҳордан кузга кўчирилган ва йилнинг биринчи ойи қилиб тишрий олинган. Беруний шу тартибни келтиряпти.

²³² Л. ва И. да шу ерда «ҳар бир икки эллик тўққиз кундан иборат бўлган» жумласи қўшилган.

²³³ Яъни $\frac{595}{1080}$.

²³⁴ **Солнса** (ثالثه) кўплиги **саволис** (ثوالت) сония (секунд)нинг олтмишдан бир бўлагидир.

рақамлари» деб атаб, уларнинг ҳиндлардан олинганига ишора қилади.

²³⁵ Яъни 179876755. Беруний араблар ишлатадиган ҳозирги рақамларни «ҳинд

- 236 Яъни 365 кун 5 соату $\frac{3791}{4104}$ соат.
- 237 Текстнинг шу еридаги *جنسناہ فازا سۇزидан то مع اتفاقهم* яҳудийлар. ...келишсалар ҳам“ деган жумласигача Сайрафий таржимасида тушиб қолган.
- 238 Ёки 8 йил 1 кун $13\frac{11}{30}$ соат. Араб системасида $\frac{1}{5}$ соат-216 ҳалоқ, $\frac{1}{6}$ соат-130 ҳалоқ. Шунинг учун $\frac{11}{31} = \frac{1}{5} + \frac{1}{6} = 216 + 180 = 387$ ҳалоқ.
- 239 Асосий нусхада келтирилган ҳамма сонлар абжад ҳисоби бўйича ҳарфлар билан ифода этилган, яъни *بهر بجوح* 2—5—7—10—13—16—18; *أبو طهون* 1—4—6—9—12—15—17; *جبطيج* 3—5—8—11—14—16—19. Бундан кейинги шундай ҳолларда фақат сонларни келтириш билан кифояланилади.
- 240 Яъни Уторид ва Зухра.
- 241 Яъни Уторид, Зухра ва Ой.
- 242 З. да шу ўринда *اقترون* (الافتراق) ёзилган, И. да эса *ифтироқ* (الافتراق) кўрсатилган бўлиб, бу ажралиш, фарқ қилиш демакдир. Таржимада кейингиси олинди. Сайрафий бу сўзни таржима қилмаган.
- 243 Кейинги изоҳга қаралсин.
- 244 Анон ибн Довуд — яҳудийларнинг анониалар номли диний мазҳабининг асосчиси. Кейинчалик бу мазҳаб карроалар ёки кароимлар номига олган. Анон VIII асрнинг иккинчи ярмида яшаган ва ўша вақтдаги яҳудийлар олий ва шарафли мансаби бўлмиш ҳайдалганлар бошлиғи (эксиларха) лавозимини эгаллаш учун даъвогар бўлиб юзага чиққан.
- 245 И. да авом мусулмонлар деб ёзилган.
- 246 Али ибн Абу Толиб — чаҳорёрларнинг охиргиси, Муҳаммад пайғамбарнинг куёви ва IV халифа (656—661 йиллар).
- 247 Савод — қадимги Бобилнинг арабча номларидан бири бўлиб, арабийнавис авторлар асарларида кўпинча Ироқ номи билан юритилади. *Набатликлар* — қадимги араб қабилалари.
- 248 Айр (اير) сўзи араб тилида эрлик таносил аъзоси маъносини англатади.
- 249 Муҳаррамнинг маъноси муқаддас, таъқиқланган, ҳаром қилинган демакдир. Зудқаъда, зулҳижжа, муҳаррам ва ражаб ойларида уруш ҳаром қилинган, шунинг учун бу ойлар муқаддас ойлар деб юритилади.
- 250 Сайрафий таржимасида сафар оғи тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган.
- 251 Беруний жумодо (جمادى) сўзини жамада (جمد) музламоқ феълига боғляпти.
- 252 З. ло (لا) сўзи ўрнига И. даги ли-л-амни (للامن) — тинчлик сўзи олинди. Сайрафий таржимасида ражаб оғи ҳақида гапирилмаган.
- 253 Азқ муражжаб (عزق مرجب) — тиргак қўйилган мевали хурмо дарахти демакдир.
- 254 Бу ойда араб қабилалари сув излаш, талончилик қилиш ва уришиш учун тарқалишган.
- 255 Боид (بائد) — ҳалоқ бўлувчи маъносини англатади.
- 256 Ранна (رنة) — нола демакдир.
- 257 Бурак (برك) сўзи барака феълидан олинган бўлиб, чўкка тушиш демакдир.
- 258 Абу-л-Қосим Исмоил ибн Аббод (936—995) — ас-Соҳиб таҳаллуси билан машҳур бўлиб, бувайҳийларнинг Райдаги вазирларидандир. Машҳур шоир ва адиб бўлиб, шоир ва олимларнинг ҳомийси бўлган ва уларни ўз саройига тўплаган. Кўпинча шоирлар ўз асарларида Абу-л-Қосим Исмоил ибн Аббодни мадҳ қилганлар.
- 259 Насий ҳақида 44-изоҳга қаранг.
- 260 Яъни хоҳлаган ойида урушни ҳалоқ ва ҳаром қила олади, демоқчи.
- 261 Бу ердаги иборалар Сайрафий таржимасида чалкаштириб юборилган.

- ²⁶² Охирги жумла таржимасида И. ва Л. бўйича берилди. З.да бу тушиб қолган.
- ²⁶³ **Хайрлашув ҳажи** (Хаж ал-видо) — ҳижратнинг 10 йили мелодий 632 йилда пайғамбар халқ билан бирга ҳаж қилиб, мусулмонлар билан видолашди. Бундан кейин бошқа ҳаж қилмади.
- ²⁶⁴ Яъни ойлarning тартиби «насий» қабул қилингунча бўлган даврдаги аҳволига тушди, қабул қилинган календарь ислоҳоти йўққа чиқарилди.
- ²⁶⁵ Яъни ойлар тартиби қайтадан тўғрилланган ҳаж.
- ²⁶⁶ **Самудийлар** — қадимги араб қабиласи.
- ²⁶⁷ **Абу Саҳл ал-Масиҳий** — машҳур врач ва табиатшунос, Берунийнинг замондоши.
- ²⁶⁸ **З.даги ашҳар** (энг машҳур) сўзи ўрнига Л. ва И.даги **ашҳур (ойлар)** сўзи олинди. Русча таржимада Заховга суяниланган ва «И. Мусбиль, пока он не кончается; он среди них известнейший» (80-бет) деб таржима қилинган. Бу маъно жиҳатдан боғланмайди.
- ²⁶⁹ **Гурра** (غرة) сўзининг бир маъноси „от пешонасидаги оқ қашқа“ демакдир.
- ²⁷⁰ **Шуҳб** (شحب) — оқ-қора демакдир.
- ²⁷¹ **Туса** (تسع) — тисъадан, яъни тўққиздан олинган маъносини билдиради.
- ²⁷² **Бухр** (بهر) — қоронги демакдир.
- ²⁷³ Яъни **ашар** (عشر) — ўн сўзидан олинган.
- ²⁷⁴ **Бийз** (بيض) — оқлар, яъни ойдин кечалар.
- ²⁷⁵ **Зулам** (ظلم) — қоронғилар демакдир.
- ²⁷⁶ **Ҳанодис** (حناديس) — ҳаддан ташқари қоронғиликлар деган маънони билдиради.
- ²⁷⁷ **Дуҳм** (دهم) — қоралар демакдир.
- ²⁷⁸ **Сир** сўзидан олинган.
- ²⁷⁹ **Кўмир** каби қора демакдир.
- ²⁸⁰ З.да қуёшнинг тутилиши ёзилиб, ал-қамар мин калимаси тушиб қолган. Таржимада И. ва Л.га асосланилди. Русча таржимада эса Захов нусхасига асосланилган.
- ²⁸¹ **Баро** (برء) — бариа феълидан олинган бўлиб, кутилган демакдир.
- ²⁸² **Наҳир** — бўғиз демакдир.
- ²⁸³ Қўлимиздаги мавжуд нусхаларнинг ҳаммасида **явми** (يومي) — куним ёзилган. Аммо „Мухит ал-муҳит“ китобининг „Дабр“ бобида кўрсатилган байтда **мавти** (موتى) — ўлимим ёзилган. Таржимада шу асос қилиб олинди.
- ²⁸⁴ Қуръон, бақара сураси, 185 (189)-оят.
- ²⁸⁵ **Жаъфар ас-Содиқ** (Муҳаммад Боқир ибн Зайнулобидин ибн Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб) — шиалар 12 имомнинг олтинчиси бўлиб, 148/765—766 йилда 65 ёшида Мадинада вафот этган.
- ²⁸⁶ Яъни ҳилол бир вақтнинг ўзида ўша иккала шаҳарда кўрилади.
- ²⁸⁷ З. да **ой** (الشهر) сўзи тушум келишигида берилиб, жумла таржимаси „ойни ёзишни ва ҳисоблашни билмаймиз“ бўлиб қолган. Ҳадис ва фикҳда китобларида бу сўз бош келишикда берилган. Бу ҳақда „Саҳиҳ Бухорий“, „Мишкот ал-масобиҳ“ ва „Ҳидоя“ хошияси „ал-Кифоя“ китобининг „Китоб ас-савм“ қисмларига қаралсин. Русча таржимада З. га асосланиб, нотўғри таржима қилинган.
- ²⁸⁸ **Зайдий шиалари** — халифа Алининг авлодларидан бири бўлган имом Зайдга эргашувчи шиалар.
- ²⁸⁹ Юқорида зикр қилиб ўтилган Жаъфар ас-Содиқ кўзда тутилади.
- ²⁹⁰ Қуръон, каҳф сураси, 51 (49)-оят. Бунга Али ўз сўзи орасига киритган.
- ²⁹¹ **Ал-Мансур** — аббосийлар халифаси (751—775).
- ²⁹² Юқорида айтиб ўтилган «нодоилар» гуруҳини айтаяпти.
- ²⁹³ Яъни «сен араб тилини ёмон биласан».
- ²⁹⁴ Қуёш ва Ой.
- ²⁹⁵ Қуръон, тур сураси, 44 (45)-оят.
- ²⁹⁶ Қуръон, анъом сураси, 7 (8)-оят.

- ²⁹⁷ **Зангилар** — Африка қирғоғидаги Занзибср оролида яшовчи қора тагли халқлар.
- ²⁹⁸ Яъни ўзимни ҳам, ўқувчини ҳам қийнайди.
- ²⁹⁹ Русчада 210 йил деб хато кўрсатилган.
- ³⁰⁰ Яхудо авлодлари ҳақида 61-изоҳга қаранг.
- ³⁰¹ **Ат-Тих** — ҳозир Синай саҳроси номи билан юритилади
- ³⁰² **Сидир-Улом** — тахминан VIII асрда номаълум киши томонидан ёзилган яху-дийлар солномаси.
- ³⁰³ Қуръон, ҳаж сураси, 2 (3)-оят.
- ³⁰⁴ **Ал-Жазира** — Юқори Месопотамиянинг арабча номларидан бири.
- ³⁰⁵ **Ҳашвийлар** — ортиқча ва фойдасиз гап маъносидаги **ҳашв** ва **ҳашо** (حشو, حشا) сўзларидан олинган бўлиб, бу гуруҳ кўзга кўринадиган нарсаларга асосланадилар ва худонн ҳам одам каби жисм деб эътиқод қилиб, унда инсонга хос бўлган ҳамма жисмоний ва маънавий сифатлар мавжуд дейдилар. *Даҳрийлар* — худосизлар демакдир.
- ³⁰⁶ «Еритқичлар ҳадяси» деб астрологияда у ёки бу ёритқич томонидан одамларга ҳадя қилинган умр миқдорини айтилади.
- ³⁰⁷ Астрологлар таълимотига кўра кишилар толеида «уй эгаси» ёки «тақдир ҳокими» бўлиб планеталар (ёки эклиптика нуқталари) ҳисобланади. Булар маълум кишининг туғилиш даврида осмон буржида бешта муайян ўринлардан бирини эгаллайди ва туғилаётган бола тақдири устидан ҳокимлик қилади. Ҳар бир планета буржлар белгилари қаторида ўз «уйига» эга бўлади ва бу «уйининг эгаси» ҳисобланади. Ой ва Қуёшга биттадан «уй тақдир» этилган. Уторид, Зухра, Миррих, Муштарий ва Зуҳалга эса иккитадан. Планетанинг «баландлиги» (шарафи) деб унинг буржлар сферасидаги маълум ўрнига айтилади, шу ўрнига етгач, планета ердаги ишларга максимал таъсир кўрсатади. **Ватад (қозик)** — уфқ ва меридианнинг эклиптика билан кесилиш нуқтасидир. Бу нуқталарда турганда планеталар киши тақдирига кучлироқ таъсир кўрсатади. **Музаккар (мужский)** деб астрологларда буржлар сферасининг маълум ўрнига айтилади. Бу муаннас (женский) деб аталган бошқа ўринларидан фарқ қилиш учун шундай аталган.
- ³⁰⁸ «Уторид (Меркурий) йигирма йил» жумласи И.дан олинди. Агар бу жумла бўлмаса, қуйидаги 215 рақами чиқмайди.
- ³⁰⁹ «Мувофиқ назар» деб астрологияда планеталарнинг буржлар сферасининг икки нуқтасида турган аҳволига айтилади.
- ³¹⁰ Икки наҳс юлдузи деб Миррих (Марс) ва Зуҳал (Сатурн) га айтилади.
- ³¹¹ Яъни «мувофиқ назар» ҳолида турмайди.
- ³¹² **Раъс (бош)**, занб (**дум**) деб арабийнавис астрономлар осмонда **фалаки жавзаҳр** ва **фалаки мойил** минтақаси кесилишида пайдо бўлган катта илон суратидаги шаклни атаганлар. Бу шаклнинг бир томони **раъс**, иккинчиси **занаб** деб юритилган.
- ³¹³ Яъни **ҳашвийлар** ва **даҳрийлар**.
- ³¹⁴ Қуръон, муъминун сураси, 73 (71)-оят.
- ³¹⁵ Астрологлар классификацияси бўйича ҳар бир бурж тўрт элементнинг — ер, сув, ҳаво ва оловнинг бири билан боғлиқдир.
- ³¹⁶ Яъни Муштарий, Миррих ва Зуҳал.
- ³¹⁷ **Мошоолло** — VIII аср иккинчи ярмида яшаган астролог.
- ³¹⁸ Астрологлар буржлар минтақасини **учбурчаклар (мусаллас)** деб аталадиган маълум қисмларга бўладилар.
- ³¹⁹ **Толе буржи** деб горизонт тузилаётган вақтда уфқ устига кўтарилган ёритқичга айтилади.
- ³²⁰ Планеталар **қирони (қўшилиши)** деб астрологияда уларнинг бир хил узунликка эга бўлган вақтига айтилади. Бу ерда Зуҳал (Сатурн) ва Муштарий (Юпитер)нинг қирони кўзда тутиляпти. Астрологларнинг фантастик ҳисобларига биноан бу ёритқичларнинг ўртача қирони (қирон авсат) 240 йилда бир марта, кичик қирони (қирон асгар) 20 йилдан кейин, катта қирони (қирон аъзам) 960 йилда бир марта такрорланади.
- ³²¹ Яъни қирон яна қайтарилгунча.
- ³²² Китобнинг арабча номи „Ат-Танбиҳ ало синоат ат-тамвиҳ“ (التهنئة على صناعة التمويه) дир.
- ³²³ „Китоб аш-шумус аш-шофия ли-н-нуфус“ (كتاب الشموس الشافية للنفس).
- ³²⁴ Юқорида тилга олинган математик Собит ибн Қурранинг набираси.

³²⁵ Сурра Ман Рао (Кўрган киши шод бўлади) — Бағдод яқинида халифа ал-Муътасим томонидан 836/837 йилда қурилган шаҳар бўлиб, ал-Муътасим халифот пойтахтини Бағдоддан шу ерга кўчиради. IX аср охирига келиб яна Бағдод пойтахт бўлиб қолади ва Сурра Ман Рао тезда харобаликка юз тутади. Бу шаҳар Самарра номи билан ҳам юритилади.

³²⁶ Тузун — халифа ал-Муттақий (940—944) даврида ҳарбий кўмондон, эътиборли ҳамда кучли кишилардан бўлган.

³²⁷ Изз ад-давла ва Муиз ад-давла — бувайдийлар сулоласи султонларидан (X аср).

³²⁸ З. да иккита қубба (قبتان) ёзилган, И. да эса иккита бўйин (رقبتان). Таржимага асос қилиб кейингиси олинди.

³²⁹ Юқорида зикр қилинган «ас-Соҳиб» тахаллуси билан машҳур бўлган Исмоил ибн Аббод ҳақида гап борапти. Журжон — Каспий денгизининг жануби-ғарбий қирғоғида жойлашган вилоят.

³³⁰ Ямома — Жанубий Арабистонда Нажд билан Баҳрайн орасидаги бир вилоят номи.

³³¹ Абу Саид Шозон — IX асрда яшаган астролог.

³³² Астрологлар буржлар сферасини 12 участка ёки „хоналарга“ бўладилар. Булардан баъзилари учаётган (соқит ساقط) деб аталади. „Учаётган“ хонада турганда, планета киши тақдирига қиладиган самарали таъсирининг бир қисмини йўқотади.

³³³ Планеталарнинг қайтиш ҳаракати (رجوع) деб, уларнинг осмон сферасининг кўзга кўринадиган айланиши томон қилган ҳаракатига айтилади.

³³⁴ Қавс ичига олинган сўзларнинг текстга ҳеч бир алоқаси йўқ. Бу эҳтимол котибнинг хатосидир.

³³⁵ З. да тасдиқ этдилар (فاقروا) ёзилган. Таржимада И. га асосланилди.

³³⁶ Ас-Саффор (мисгар) — IX аср иккинчи ярмида (873—903) Эронда ҳукмронлик қилган, саффорийлар сулоласига асос солган Еқуб ибн Лайсининг лақаби. Давлат тепасига келишдан олдин Еқуб мисгарлик билан шуғулланган.

³³⁷ Суфистоялар (софистлар) — юзаки қараганда тўғрига ўхшаса ҳам, аслида нотўғри, сохта хулоса чиқарувчилар. «Ғиёсул луғот»да ҳиссий, аниқ нарсаларни ва нарсаларнинг борлигини инкор этувчи, оламни ваҳму хаёл деювчи бир гуруҳ» дейилган.

³³⁸ Ҳалила (ихтиلاج), омила (амлаж) ва балила (балилаж) — дори тайёрланадиган гиёҳлар номи.

³³⁹ Қуръон, юнус сураси, 40 (39)-оят.

³⁴⁰ Қуръон, аҳқоф сураси, 10 (11)-оят.

³⁴¹ Абу Абдулло ан-Нотилий — X—XI асрларнинг арабийнавис ёзувчиси, Беруний замондоши.

³⁴² Жаббор — йўғон, бўйи узун, бақувват ва танаси ҳаддан ташқари катта бўлган баҳайбат киши.

³⁴³ Од қавми — Қуръонда зикр қилинган афсонавий кишилар (шуаро сураси, 123—139-оятлар); Қуръонда уларнинг улкан бўлганлиги ҳақида ҳеч нарса айтилмаган.

³⁴⁴ Қуръон, мудассир сураси, 51 (50)-оят.

³⁴⁵ Мадъян ёки Мидъян — Арабистон яриморлидаги жойлардан бирининг номи.

³⁴⁶ И. ва Л. да соя куни (يوم الظلّه) дейилган. Тўғриси ҳам шундай бўлиши керак. Чунки Беруний бу билан „шуаро“ сурасининг 189-оятдаги бир воқеага ишорат қилади. Аммо З. даги зулмат аҳли (اصحاب لظلمة) ва зулмат куни (يوم الظلمة) сўзлари ҳеч қандай воқеага боғланмайди. Русча таржимада З. га асосланилган. Сайрафийда ҳам шундай.

«Соя куни» («явм аз-зулла») ҳақида Қозий Байзавий тафсирида шундай дейилади: Шуайб пайғамбар қавми уни ёлғончига чиқарганда, худо уларга азоб бериб, етти кунгача иссиқ юборган, иссиқдан анҳорлари қуриган. Шунда худо бир булут — соя туширган, ҳаммалари булут тагига йиғилганлар ва устларига олов ёғиб куйиб кетганлар. Ана шу кун «соя куни» дейилади. Гарчи бу афсона бўлса ҳам, таржиманинг тўғридигини исботлаш учун келтиридик.

³⁴⁷ Қуръон, шуаро сураси, 14 (15)-оят.

³⁴⁸ **Умирус (Гомер)** — милодгача X—IX асрларда яшаган буюк юнон шоири, машҳур «Илиада» поэмасининг автори.

³⁴⁹ Берунийнинг ўзи юқорида эслатиб ўтганидек, бу ва бундан кейинги жадвалларда келтирилган номлар унгача бузилган ҳолда етиб келган. Уларнинг асл нусхасини тиклаб, тўғри талаффуз этиш имкони йўқ. Шунинг учун ҳам таржимада арабчада қандай ёзилган бўлса, шундай ҳолда қолдирилди. Лекин унлилар ҳаракатлари қўйилмагани учун бутунлай тўғри кўчирилди деб бўлмайди.

³⁵⁰ Араб ва арабийнавис олимлар асарларида араб бўлмаган, лекин араб халифотлиги таркибига кирган Эрон ва Урта Осиё халқлари «ажамлик» номи билан юритилади. Русча таржимада «бир эронлик» деб кетилган. Ажам фақат Эроннинг ўзигина эмас.

³⁵¹ **Қаёнийлар** — Эрон подшоҳларининг афсонавий сулоласи.

³⁵² Бу ерда Беруний Ироқ деб қадимги Бобилини (Вавилонияни) айтяпти.

³⁵³ Рус тилидаги таржимада «эллик тўртта» деб нотўғри кўрсатилган.

³⁵⁴ Берунийнинг подшоҳлар жадвалларида фақат уларнинг неча йил давлатни бошқарганликлари баён этилган, холос. Аммо қачон подшоҳлик қилганлари кўрсатилмаган. Беруний жуда ишончли манбалардан фойдаланган. У кўрсатган подшоҳлик муддатлари фақат айрим кишилардагина қисман фарқ қилади. Бу ҳақда аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун жадвалларда келтирилган подшоҳларнинг давлатни бошқарган йиллари бошқа манбалардан аниқланди ва милодий ҳисоб билан ўрта қавс ичида бериб кетиш лозим топилди. Филифнинг подшоҳлик йили нима учундир анча фарқ қилади.

³⁵⁵ **Арнаб** — қуён. **Ал-Мантиқий** — мантиқшунос. Эда «ан-Натқий» ёзилган. Таржимада И. ва Л.га асосланилди.

³⁵⁶ Охириг жумла И. ва Л.га асосан таржима қилинди. Эда «У Фаластинга юриш қилди, Байтулмақаддасда бош кўтариб, Бани Исроилни асир олди. Кейин уларни озод этди ва уларга муқаддас идишни ҳада қилди» дейилган.

³⁵⁷ Беруний бу ерда уч подшоҳ: Батлимус VIII (116—108 ва 88—80), Батлимус IX (108—88) ва Батлимус X (80)ларни подшоҳлик даврлари 36 йилни кейинги подшоҳ Батлимус Сутир ал-Ҳадидий даври қилиб кўрсатган. «Ал-Ҳадидий» темирчи демакдир.

³⁵⁸ **Қлубатро** — Клеопатра.

³⁵⁹ Рус тилидаги таржимада «Гоёюс, румийча Ивлиюс подшоҳ бўлгунича» дейилган. Беруний Гоёюснинг румий тилида Ивлиюс экани ҳақида қуйироқда алоҳида изоҳ беради ва кейинги жадвалда Гоёюснинг Рум подшоҳи бўлгани кўрсатилган. Шунинг учун ўзбекчасида шундай беришни маъқул топилди.

³⁶⁰ Аслида Беруний кўрсатгандек Қлубатро (Клеопатра) эмас, балки Птолемей XIV (44—30) дир.

³⁶¹ Берунийда Норундан кейин оз вақт подшоҳлик қилган Ғалба (68—69), Отан (69 йил) ва Виталий (69 йил) тушиб қолган.

³⁶² **Афеус** — Кичик Осиёдаги бир шаҳар.

³⁶³ Э. да „Байтулмақаддасни вайрон қилди“ жумласидан кейин „Подшоҳлигининг

ўн саккизинчи йилида таъқиқлади“ (حرم) ёзилган. И. ва Л. да эса **ҳаррама** сўзи ўрнига **жузима** (جزم) — „моҳов касалига дучор бўлди“ ёзилган. Таржимада кейингисига асосланилди, чунки Захов нусхасида жумладаги сўзлар маъно ва грамматик томондан бир-бирига боғланмайди.

³⁶⁴ **Жолинус (Гален)** — II асрда яшаган машҳур юнон врач.

³⁶⁵ Кумдус (Коммод)дан олдин 20 йил яшаган Марк Авремиий деган подшоҳ ўтган, Коммод 12 йил яшаган.

³⁶⁶ Берунийда Антунийн икки марта берилган. Иккинчиси ортиқчадир. Ҳақиқатда Антонийдан кейин Макрин (217—218 йил) ва Элагабал (218—222) подшоҳлик қилган.

³⁶⁷ Берунийда Доқёдан кейинги Волус (251—253 йил) тушиб қолган. Ғолнинг подшоҳлиги эса фақат 3 йил кўрсатилган.

³⁶⁸ И. ва Л.да Доринус.

³⁶⁹ Қавс ичига олинган сўзлар текстга боғланмайди. Л. ва И.да йўқ. Русча таржимада ҳам тушириб қолдирилган.

³⁷⁰ Валентинён ва Вул (Валент) бир даврда подшоҳ бўлган. Берунийда Валентинён подшоҳлиги 4 йил кўрсатилган.

³⁷¹ **Нистурс (Несторий)** — V асрдаги Қўстантания патриархи, христианларнинг «несториян» мазҳабига асос солган киши.

- ³⁷² **Ёкубийлар (ёковитлар)** — V асрда вужудга келган христианлар мазҳаби.
- ³⁷³ **Амурия (Амориум)** — Кичик Осиёдаги Византия шаҳри.
- ³⁷⁴ **Ар-Руҳо** — Месопотамиядаги қадимги шаҳар Эдессанинг арабча номи.
- ³⁷⁵ Беруний Юстин II (565—574)ни тушириб қолдирган.
- ³⁷⁶ **Баҳром Чубин** — VI аср охирида Сосонийлардан Ормазд IV га қарши қўзғолон кўтарган Эрон қўмондонни. Ормаздни ўғли ва вориси Кисра — кейинчалик Хусрав II номи билан ҳукмрон бўлган подшоҳ — Баҳромга қарши курашиб, мағлубиятга учрайди. У ёрдам сўраб Византия императори Мовриққа (Мавриқлий) мурожаат қилади. Берунийда Тибрнинг подшоҳлиги 6 йил ортик, Мавриқники 6 йил кам кўрсатилган.
- ³⁷⁷ **Шаҳрбарон (Шаҳрвароз)** — Хусрав II нинг лашкарбошиси Фаррухананинг фахрий лақаби. У византияликларга қарши муваффақиятли жанг қилган.
- ³⁷⁸ **Муслим ибн Абдулмалик** — араб лашкарбошиси. Унинг қўшинлари 716 йилда Қўстантинияни қамал қилганлар.
- ³⁷⁹ Қайси Қўстантинияни айтаяпгани номаълум.
- ³⁸⁰ **Басил ас-Сақлабий, яъни Васлий** — славян. Беруний Василийдан олдин ҳукмронлик қилган Феофил (829—842) ва Михаил III (842—867)ларни тушириб қолдирган.
- ³⁸¹ Бу ерда Беруний аввалги жадвалида берилганларни бошқа манбага асосланиб такрорлайпти. Исмлар талаффузи ва йилларда айрим фарқларгина бор, холос. Бунга нисбатан аввалги жадвал ҳақиқатга яқинроқдир.
- ³⁸² Асосий нусхада шундай. Ҳақиқатан 274 бўлиши керак.
- ³⁸³ Яъни Муҳаммад пайғамбар Маккадан Мадинага кўчган.
- ³⁸⁴ Рақам нотўғри.
- ³⁸⁵ Рақам нотўғри.
- ³⁸⁶ **Умавийлар (Бани умавийя)** — тўрт халифадан кейин давлатни қўлга олган халифалар сулоласи (681—750 йиллар).
- ³⁸⁷ Охирги жумла русчада «по общему мнению это был ничтожный человек хотя он и долго царствовал» деб таржима қилинган. И. ва Л. да бу жумла йўқ.
- ³⁸⁸ **Ҳорун ар-Рашид** — аббосийлар сулоласи халифаларидан (786—809 йиллар).
- ³⁸⁹ **Суфил** — Феофил. Аввалги жадвалда у ва ундан кейинги император Михаил берилмаган. Бу ерда эса Истирок (Ставракий) билан Михаил II ўртасида ҳукмронлик қилган Михаил I (811—813) ва Лев (813—820) тушиб қолган.
- ³⁹⁰ Кўрсатилган сон нотўғри, 515 бўлиши керак.
- ³⁹¹ **Ал-Муътаз** — аббосийлар сулоласи халифаларидан (866—869).
- ³⁹² **Ал-Муътаמיד** — аббосийлар сулоласи халифаларидан (870—892). 273 ҳижрий йили 886/887 милодийга тўғри келади.
- ³⁹³ 299 ҳижрий 911/912 милодийга тўғри келади.
- ³⁹⁴ 301 ҳижрий 913/914 милодийга тўғри келади.
- ³⁹⁵ Беруний биринчи одам яратилганда ерда балчиқдан бошқа ҳеч нарса бўлмаган деган фикрни келтиряпти. Форсча гил گل — балчиқ, лой демакдир.
- ³⁹⁶ Яъни кутубхоналарини.
- ³⁹⁷ **Ардашир ибн Бобак** — сосонийлар сулоласининг биринчи подшоҳи (226—241).
- ³⁹⁸ **Абу Муҳаммад ал-Балхий** — бувайҳийлар замонида (X) яшаган ёзувчи. Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффа — машҳур адиб, паҳлавий тилидан жуда кўп асарларни араб тилига таржима қилган, шу жумладан ҳайвонлар тили билан ёзилган машҳур «Қалила ва Димна» китобини ҳам арабчага таржима қилган. Ибн ал-Муқаффа 142/759—60 йиллар атрофида умавийлар халифаси Абу Жъффар ал-Мансур (754—775) томонидан ниҳоятда азоблаб ўлдирилади: аввал оёқ-қўлларини кесиб, кўз олдида оловда куйдиришади, кейин танасини ўтга ташлашади. Беруний бу ерда тилга олаётган бошқа кишилар ҳам таржимонлик билан шугулланганлар.
- ³⁹⁹ **Истахр** — Эроннинг жануби-ғарбий томонидаги шаҳар. Эрон подшоҳларининг қадимги пойтахти.
- ⁴⁰⁰ З. да **шабоб (شباب)** — ёшлик сўзи ўрнига **шароб (شراب)** ёзилган. Таржима Л. га асосан қилинди.
- ⁴⁰¹ З. да **қаббор (قباب)** ёзилган. И. да эса ҳарфларнинг диакритик белгилари қўйилмаган. Шунинг учун бу сўзни **қиноз** деб ўқиш маъқулроқдир.
- ⁴⁰² Пешдодийлардан бошлаб то ашконийларгача бўлган Эрон подшоҳлари афсонавий шоҳлардир. Уларнинг подшоҳлик йиллари ва яшаган умрлари афсоналарда турлича берилади. Масалан, Фирдавсий «Шоҳнома»да кўрсатишча, Қайюмарс — 3000 йил, Жамшид 700 йил, Заҳҳок 1000 йил, Кайкубуд 100 йил яшаган.

⁴⁰³ Шем — Сурия.

⁴⁰⁴ Яқин қариндошлар эгаллайди демоқчи.

⁴⁰⁵ Жаббор — 342-изоҳга қаранг.

⁴⁰⁶ Қаюмарс — Эроннинг биринчи подшоси ва кейинги ҳамма подшоҳларнинг отаси, биринчи одам — биринчи подшоҳдир. Авеста ва паҳлавий тилидаги манбаларнинг ёзилишича, Қаюмарс Мишо ва Мишонани тугдирган. «Шоҳнома»да Қаюмарс умри 3000 йил кўрсатилган.

⁴⁰⁷ Будосаф — сабия (юлдузга топинувчилар) динининг афсонавий асосчиси. Бу подшоҳ ҳақида Беруний қуйироқда муфассал гапирди.

⁴⁰⁸ Афридун (Фаридун) — «Шоҳнома»да кўрсатилишича, у Эронни Заҳҳок зулмидан озод этган кишидир. Фаридуннинг ёрқин образи озодлик ва чет эл босқинчилари зулмидан халос этувчи символик образ сифатида халқ оғида ва адабиётда энг севимли образлардан бирига айланган. Эронда ҳозир ҳам «замонамиз Фаридун», «Янги Фаридун» деган иборалар жуда кўп ишлатилади. «Шоҳнома»да ҳам Фаридун подшоҳлиги 500 йил кўрсатилган.

⁴⁰⁹ Минучеҳр — «Шоҳнома»да ёзилишича, Эроннинг олтинчи подшоси, Фаридун авлодидандир.

«Минучеҳр» номи Авестага бориб тақалади: «Мануш» — тоғ номи, «Читра» — исм бўлиб, «тоғда туғилган» демакдир. Минучеҳр туғилган жой деб қадимги Рай шаҳри атрофлари ҳисобланади. Халқ орасида Минучеҳр ҳам Фаридун каби адолат учун кураш символидир.

Афсонавий Эрон подшоҳларининг кўпчилиги ҳақида маълумот сақлаиб қолмаган. Уларнинг энг машҳурлари ҳақидаги ривоятлар «Шоҳнома»да мавжуд. Шулардан баъзи бирларини келтирдик. Қизиқувчи кишилар «Шоҳнома»нинг русча таржимасига ёзилган изоҳларни кўриши мумкин.

⁴¹⁰ Бир афсонавий воқеа устида гап борапти. Буни Беруний қуйида ҳикоя қилади.

⁴¹¹ Қай (Авестада «Кавий») — «жаноб», «ҳукмдор», «подшоҳ» демакдир. Бу сўз «Шоҳнома»да кўпинча лақаб маъносида қўлланилади, кейинчалик эса каёний подшоҳлари исмларининг таркибий қисмига қўшиб айтиладиған бўлди.

⁴¹² Паҳлавий тилидан таржима қилинган «Худайнома» китоби кўзда тутилади. Ҳам булса керак. Унинг арабча номи «Китоб ас-сиар» («Таржимаи ҳол китоби») деб юритилади.

⁴¹³ «Худайнома»нинг арабча таржимаси муҳаррирларидан бири зардушт қоҳини («мубад») Баҳром ибн Мардоншоҳни айтмоқчи

⁴¹⁴ З. ва Л. да «лекин» сўзи билан бошланган жумла текстга алоқасиздай бўлиб қолади. Шунинг учун И. даги «масалан, биров» (*كون*) сўзига асосланиб таржима қилинди. Русча таржимада З.га асосланилган.

⁴¹⁵ Саид ибн Муҳаммад аз-Зухлий — IX асрда яшаган фақиҳлардан.

⁴¹⁶ Фирдавс — жаннат ёки жаннат боғи демакдир. Бу ерда қандайдир афсонавий жой номи маъносида келяпти.

⁴¹⁷ Ашконийлар (Европада Аршакидлар деб юритилади) — эрамизгача 250 йилдан эроннинг 226 йилгача ҳукм сурган Эрон подшоҳлари сулоласи.

⁴¹⁸ Жибол — Эроннинг ғарбида, Ироқ билан чегарадош вилоят.

⁴¹⁹ З. да шу сўздаги ҳарфларга диакритик белгилари қўйилмай *اس انكار* (*اش الحبار*) ёзилган. Буни ўқиш жуда қийин. И. ва Л. да эса аш ал-Хаббор (*اش الحبار*) ёзилган. З. нинг 114-бетидаги „Иккинчи қисмининг иккинчи жадвали“да бу исм ҳаракат ва диакритик белгилари қўйилиб Аш ал-Жаббор деб ёзилган (шу китоб, 137-бет.) Таржимага асос қилиб шу олинди. Русчада бу исм қолдириб кетилган.

⁴²⁰ И. ва Л. да ал-аҳмар (*الاحمر*).

⁴²¹ Беруний келтирган ашконийлар ҳақидаги жадваллар ичида фақат шу жадвалдагина йиллар жами (496) ашконийлар ҳукмронлик қилган (эрагача 250—эроннинг 226 йили) ҳақиқий йиллар жамига деярли тўғри келади.

⁴²² Яъни эрамизгача I асрнинг ярмида.

⁴²³ Абу Мансур ибн Абдураззоқ — 184-изоҳга қаранг.

⁴²⁴ Яъни ривоятлар бузиб ва чалкаштириб юборилган.

⁴²⁵ Монийнинг Сосоний Шопур I (241—272) шарафига шундай ном билан аталган бу китобдан фақат кичик бир парчагина бизгача етиб келган, холос. Беруний, бу китобни қирқ йил ахтаргани ва пировардида Хоразмдан топганини айтиди (қаранг: Е. Э. Бертельс, Избранные труды, I, М., 1960, стр. 81).

⁴²⁶ «Пайгамбар келиши» бобида пайгамбар деб Монийнинг ўзи назарда тутилади.

⁴²⁷ «Толе» деб астрологияда бирор ҳодиса юз бераётган маълум вақтда уфқда кўтарилган бурж ёки унинг бир қисмига айтилади. Утиб кетган ёки келгусида юз берадиган воқеалар учун толе буржи қийин ва чалкаш йўллар асосида шартли равишда аниқланар эди.

⁴²⁸ Эронликларнинг шамсий йилларида 365 кун ва 6 касрли соат бўлган. Бу ерда 93 1/4^{нинг} нима учун келтирилгани маълум эмас.

⁴²⁹ 407 йил Ардашир подшоҳлигидан Яздижард подшоҳлигигача ўтган давр.

⁴³⁰ Келтирилаётган сон 152 3/4 аниқ эмас.

⁴³¹ Сосонийлар сулоласи, 226—651 йилларда Эронда ҳукмронлик қилиб, улар Форс вилоятининг кўзга кўринган хонадонидан келиб чиққан. Сулолага асос солган киши Ардашир I ибн Бобак (226—241) эди. Давлатни бирлаштириш мақсадида Сосонийлар III асрда Зардушт динини давлат дини қилиб қабул қиладилар. Сосонийлар даврида Эроннинг иқтисодида деҳқончилик асосий роль ўйнаган. Ҳунармандчилик ҳамда Хитой, Ҳиндистон ва Ўрта Ер денгизи мамлакатлари билан савдо-сотиқ ишлари ривожланган, маданият бирмунча гуллаган эди. Сосонийлар Рум, Византия империялари билан Арманистон, Грузия, Сурия ва Арабистон учун урушлар олиб борганлар. Ўрта Осиёдаги кўчманчи ва ўтроқ халқлар билан уруш қилиб, баъзан уларни узоқ вақтгача ўзларига бўйсундирганлар.

Беруний келтираётган шу жадвалда энг машҳур сосоний подшоҳларининг ҳукмронлик йилларини ўрта қавсда кўрсатиб ўтамиз. Лекин бу келгусидаги жадвалларда такрорланмайди.

⁴³² Ривоятларга қараганда, Шопур араблардан бир қанчасини асир қилиб олади ва уларнинг кифтларини (куракларини) тешиб, ип ўтказишга буюради. Шунинг учун ҳам «зулактоф» («кифтлар эгаси») деган лақаб олади.

⁴³³ 3. да шу сўз ҳарфларининг диакритик белгилари қўйилмаган. И. да эса **туркзод** (ترك زاد) ёзилган. Таржимада шу қабул қилинди, русча ҳам шундай.

⁴³⁴ Қўлимиздаги мавжуд нусхаларнинг ҳаммасида, шу жумладан кейинги иккита исм ҳарфларининг диакритик белги ва ҳаракатлари қўйилмай ёзилгани сабабли уларни ўқиш имкони бўлмади. Шунинг учун у сўзлар тушириб қолдирилди. Русча таржима ҳам шундай.

⁴³⁵ Юқорида Сосонийлар сулоласи 425 (226—651) йил ҳукм сурганини айтдик. Беруний келтирган мазкур жадвалда эса 431 йил бўлиб, фақат 6 йил фарқ қилади, холос. Куйида келтириладиган бошқа жадвалларда ҳам турлича фарқлар мавжуд.

⁴³⁶ Бу ердан бошлаб 3.да тушиб қолган жойларни И. орқали К. Гарберс ва И. Фюкклар томонидан тузатишдан фотонусхадан таржима қилиб тўлдирилди ва шу нусха бетлари кўрсатиб кетилди.

⁴³⁷ **Мунажжим** — юлдузларга қараб ҳукм чиқарувчи, яъни астролог.

⁴³⁸ **Қирони авсат** — Муштарий ва Зуҳалнинг ўртгача тўқнашуви.

⁴³⁹ Беруний мазкур жадвални ал-Қисравий тўғрилаган жадвал деб ишонч билдирса ҳам Сосоний подшоҳлари яшаган умумий муддат (696) ҳақиқий муддат (425) дан 271 йилга фарқ қилади.

⁴⁴⁰ Ашконийлар ҳукмронлиги 476 йил (эрагача 250 йилдан эранинг 226 йилигача) давом этгани ҳақида юқорида изоҳ берилган эди.

⁴⁴¹ Шу ердан бошлаб И.га асосланиб таржима қилинди ва унинг номерлари қўйилди. Чунки 3.га немис олимлари томонидан илова қилиб тўлдирилган нусхада ҳам тушиб қолган жойлар бор.

⁴⁴² Яъни юқорида ҳикоя қилинганидек, Искандарнинг Эронда қирғин ясаши.

⁴⁴³ Русча таржимада **истайдилар** (فارا احوا) кесимининг эгаси қилиб эронликлар кўрсатилган. Бу жумла ва текст мазмунига тўғри келмайди, келтирилган ҳадис ҳам бундай таржимага тўсқинлик қилади.

⁴⁴⁴ Қуръон, ҳужурот сураси, 13-оят.

⁴⁴⁵ Қуръон, мўминун сураси, 100 (101)-оят.

⁴⁴⁶ Арабларда **наима** (نعم) феълининг буйруқ шаклини олиб, **анъим сабоҳан** ва **масоан**, баъзан **анъим** (انعم) сўзидаги алиф ва „нун“ ҳарфларини тушириб „им сабоҳан ва масоан“, яъни „эртаю кеч фаровон яша“ дейилади. („Муҳит ал-муҳит“нинг „наима“ сўзига қаралсин). Яърубга айтилган сўз ҳам шу жумладандир.

^{447—448} Яъни «Яман аҳолиси унга тобе бўлган эди», «Таббо» ҳақида 163-изоҳга қаралсин.

- 449 Арабча сабо (سبى) — сирга олиш демакдир.
- 450 Арабча роиш (رائش) — таъминловчи демакдир.
- 451 Наснос — бир оёқлаб сакраб юрувчи қандайдир халқ («Муҳит ал-муҳит»).
- 452 Зоир (ذاعر) кўплиги азъор (اذعار) — қўрқитувчи демакдир.
- 453 Ҳадҳод (هدهاد) — қозн, ўзига мушкул бўлган масалаларда ёрдам сўраладиган киши („Муҳит ал-муҳит“).
- 454 Юнъиму — анъама (انعم) — феълининг ҳозирги-келаси замон шакли — инъом беряпман демакдир.
- 455 Бу исм Ёқутнинг «Муъжам ал-булдон» (босма нусхаси инв. № 8194) ва Шокир Сулаймонийнинг «Тарихи Ислом» (босма нусхаси 921, 14-бет) китобларида «Куликариб» шаклида ёзилган.
- 456 Қуръонда шу тубба ҳақида сўз йўқ, аммо асҳоби тубба ҳақида қоф сурасининг 14-оятда гап боради.
- 457 Подшоҳ ғазот қилмай ўтираверса мувсабон (موثبان) дейлади.
- 458 Қуръон ал-бурж сурасининг 14-оятдаги «чуқур эгалари» сўзини Байзовий қуйидагича изоҳлайди. Нажронликлар християнликни қабул этганларида ҳимярийлардан бўлган яҳудий Зу Нувос уларга қарши уруш қилиб, чуқурлар қаздирган ва шу чуқурларда уларни оловда куйдирган. Қуръоннинг русча таржимасига ёзилган И. Ю. Крачковский изоҳида ҳам «чуқур эгалари» деб 1) Яман подшоси, 2) Зу Нувос (524 йил) кўзда тутилаётган бўлса керак дейилган.
- 459 Кейинги икитасининг подшоҳлик йиллари асосий нусхада икки мартадан кўрсатилган, сонлар ҳам тўғри келмайди. Таржимада ҳам шундай қолдирилди.
- 460 Рус тилидаги таржимада бу подшоҳ юқоридагисига қўшиб кўрсатилган. «Ун йилдан кейин «ҳарбулфижор» бўлиб ўтди» жумласи тушириб қолдирилган.
- 461 Кейинги жумла Л. га асосан таржима қилинди.
- 462 Арим сели — Жанубий Арабистонда бўлиб ўтган жуда катта сел тошқини. Бу сел қуръон сабо сурасининг 15 (16)-оятда ҳам айтиб ўтилган. Беруний бунни исломдан 500 йилча илгари бўлиб ўтганини айтган. Аммо И. Ю. Крачковский 450 ва 542—545 йилларда шундай сел бўлиб ўтганини кўрсатади (Қаранг: Қуръоннинг русча таржимаси, 34-сура учун ёзилган 8-изоҳ).
- 463 Арабча мазақа (مزق) феъли йиртмоқ, ёрмоқ, парчаламоқ каби маъноларни билдиради. Музоқийя сўзи шу феълдан олинган.
- 464 Л.да «сибён» (болалар) сўзи ўрнига «фитён» (йигитлар) ёзилган Қуръонда (каҳф сураси, 8 (9)-оят) эслатиб ўтилган афсонавий «асҳобу каҳфлар» ҳақида гап борапти. Булар етти киши бўлиб, 241—251 йилларда ҳукм сурган Рим императори Дикив (Деций) замонида унинг зулмидан қочиб, ғорда яширинганлар ва уйқуга кетиб уч юз йилдан сўнг уйғонганлар. Кейин яна уйқуга кетишган, гўё қиёматда уйғонар эмишлар. Уларнинг итлари ҳамроҳ бўлган. Улар номи: Ямлихо, Максалмино, Қашфутаб, Табютас, Қашофатюнус, Азарфатюнус ва Юнусбус. Итлари номи Қитмир.
- 465 Текстда 529 кўрсатилган.
- 466 528 бўлиши керак эди.
- 466 Анбар ва Ҳира — Месопотамиядаги шаҳарлар.
- 467 Хаварнақ — ан-Нуъмон ибн Мунзир томонидан Месопотамияда Баҳром гўр хотирасига атаб қурилган қаср. «Ғиёс ал-луғот» ва «Мунтахаб ал-луғот» асарларида кўрсатилишича, бу қасрни Симном номли уста қурган. Бино битгандан кейин бошқа жойда ҳам шундай бино қўрмасин деб ан-Нуъмон ўша устани қаср тоmidан ташлатган.
- 468а Куния — отанинг бола номи билан аталадиган лақаби. Масалан, «Абу Толиб» — «Толибнинг отаси», «Абу-л-Қосим» — «Қосимнинг отаси» каби. Баъзан куния ўғли йўқ кишиларга қандайдир бирор бола номи билан ҳам бериб юборилган. Масалан, араб файласуф шоири Абу Аъло ал-Мааррий уйланмаган, лекин «Абу Аъло» куниясига бўлган.
- 469 «Омина» Л.дан бошқа нусхаларда йўқ.
- 470 Тоиф — Макка яқинидаги шаҳар. Бу шаҳарда боғдорчилик ва полизчилик бирмунча ривожланган.
- 471 Одатда сафарга чиққан кишиларга осон бўлиши учун намозда енгиллик берилади. Суннат намозлар бутунлай ўқилмай, фарз намозларнинг тўрт ракатлиги (пешин, намозгар ва хуфтан) икки ракатдан ўқилади. Бунини «қасир намоз» («калта на-

моз») деб аталади. Муҳаммад Мадинага кўчиб келгунча доимо сафарда бўлгани учун «қасир намоз» ўқиган.

⁴⁷² **Муҳожирлар** — пайғамбар билан биргалликда Мадинага кўчган кишилар, **ансорлар** — унга ёрдам берган мадиналиклар.

⁴⁷³ Илгари Байтулмуқаддас қибла ҳисобланиб, ўша томонга қараб намоз ўқилган. Кейин Муҳаммад Қабани қибла деб олишни ва унга қараб намоз ўқишни амр қилган.

⁴⁷⁴ Зу Амарр — Нажд вилоятидаги бир жой номи.

⁴⁷⁵ Пайғамбар саҳрода саҳобалар ва оила аъзолари билан кетаётганда унинг хотини Ойша ҳожат учун туядан тушади, карвонлар уни туяга минган бўлса керак деб силжиб кетадилар. Саҳрода ёлғиз қолган Ойшани бир саҳоба топиб олиб ўз туясига миндиради ва пайғамбар қўлига олиб бориб топширади. Шундан кейин пайғамбар душманлари Ойша ҳақида турли бўҳтонлар тарқатадилар. Қуръон, нур сура-сининг 11—23-оятларида шу воқеага ишорат қилинган.

⁴⁷⁶ **Муқавқус** — ўрта аср арабийнавис ёзувчилар асарларида учрайдиган ва исломдан олдин ўтган афсонавий Миср подшосининг лақаби.

⁴⁷⁷ Яъни у ҳаж қилиш маросимида эди, ислом назариясига кўра ҳаж вақтида уйланиш ва эрга чиқиш ман этилади.

⁴⁷⁸ **Ай-Нажжойий** — Ҳабашистон подшоҳлари — унвонларининг арабийлаштирилган шакли.

⁴⁷⁹ **Бароа** — қуръоннинг 8-сураси. «Анфол» ҳам дейилади.

⁴⁸⁰ «Насий» ҳақида 44-изоҳга қаралсин.

⁴⁸¹ **Марвон авлодлари** — умавийлар халифалари сулоласининг бир шохобчаси, уларнинг бошлиқлари Марвон ибн ал-Ҳаким бўлган.

⁴⁸² **Неқис** — «камайтирувчи».

⁴⁸³ **Ҳимер** — «эшак».

⁴⁸⁴ Қуръон бақара сурасининг 261 (259)-оятига ишора. Қози тафсирича, ўликларни тиргизилишини инкор этган бир кишини худо юз йил ўлдириб қўйиб, сўнг яна тирилтирган ва ундан: «Қанча вақт ётдинг?» — деб сўралганида, «Бир кун ё камроқ» деб жавоб берган. Шунда «Йўқ, юз йил ётдинг, овқатингга ва шаробингга қара, улар ўзгармаган, эшагингга ҳам қара...» дейилган.

⁴⁸⁵ «Имомлар» сўзи Л. бўйича қўшилди.

⁴⁸⁶ Бу ҳақда мазкур китобнинг 65—66-бетларида маълумот берилган.

⁴⁸⁷ Халифаларнинг халифалик йиллари милодий ҳисоб билан ўрта қавс ичида кўрсатиб кетилади.

⁴⁸⁸ **Девон** — бу ерда солиқлар ҳақидаги дафтар маъносиди.

⁴⁸⁹ Бу воқеа русча таржимада гушиб қолган.

⁴⁹⁰ Бу воқеа ҳам русча таржимада тушиб қолган.

⁴⁹¹ Бу ерда 3 ўрнига 1 бўлиши керак эди

⁴⁹² З. ва И. «Шопур» ўрнига «Нишопур», «Табаристон» — «Табасайн» ёзилган. Таржимада Л.га асосланилди. Русча ҳам шундай.

⁴⁹³ Берунийда нима учундир Абдулмалик халифалиги 13 йилдан ортиқроқ, ундан олдинги Абдуллоҳ ибн ал-Зубайрнинг халифалиги 8 йилдан ортиқроқ кўрсатилган. Аслида умавийлар халифалари орасида бундай киши ўтгани номаълум.

⁴⁹⁴ **Қора кийимликлар (ал-мусаввид)** — ўзларига қора кийимни белги қилиб олган бир гуруҳ аббосийлар.

⁴⁹⁵ Рус тилидаги таржимада шу жумла тушиб қолган.

⁴⁹⁶ З. ва И. да 9. Таржимада Л.га асосланилди.

⁴⁹⁷ **Абдулло ибн ал-Муътаз (861—908)** — фақат бир кун халифа бўлган машҳур шоир ва адиб.

⁴⁹⁸ Беруний жадвалига фақат ўзи яшаб турган давргача бўлган аббосий халифаларини киритган, холос.

⁴⁹⁹ Шу ердан бошлаб яна З. бўйича таржима қилинади.

⁵⁰⁰ «Раъс ал-жолут» ҳақида мазкур китоб 52-бетда маълумот берилган.

⁵⁰¹ Яъни халифа ал-Қодир (991—1031).

⁵⁰² **Ас-Сарахсий** — IX асрда яшаган астролог.

⁵⁰³ Келтирилган лақабларнинг ҳар қайсиси маълум бир маънога эга. Масалан, Вали ад-давла — «давлат валиси», Амид ад-давла «давлат таянчи», Сайф ад-давла — «давлат қиличи», Шамс ал-Маолий — «олий мартабалар қуёши» каби. Номлари келтирилган кишилар турли вилоятлар ҳокимлари, амирлар, лашкарбор ва бошқа мансаб эгалари бўлиб, тарихда маълум шахслардир.

⁵⁰⁴ «Зу» сўзи бирор нарсага эгалик маъносини англатади. Келтирилган лақаблар таржимаси: «икки қувват эгаси», «икки раислик эгаси», «икки етуклик эгаси», «икки қилч эгаси», «икки қалам эгаси».

- ⁵⁰⁵ Бу лақаблар мазмуни: «Етуқлар етуғи», «ягона етуқ», «етуқлар ягонаси».
- ⁵⁰⁶ **Сомонийлар** — 193-изоҳга қаранг.
- ⁵⁰⁷ **Бугроҳон** — қорахонийлар сулоласи бошлиқларидан бўлиб 382/999 йили сомонийлар территориясига бостириб киради ва бу давлат иқрозига сабабчи бўлади.
- ⁵⁰⁸ «Шаҳоб ад-давла» — «давлат (осмонининг) ёритқичи».
- ⁵⁰⁹ Яъни, «оламнинг амири» «амирлар сайиди».
- ⁵¹⁰ Берунийнинг мазкур китобига бағишланган Қобус ибн Вашмғир ҳақида гап борапти. Унинг лақаби «Шамс ал-Маолий» («Олий мартабалар қуёши») эди 2-изоҳга қаранг).
- ⁵¹¹ Қобус ибн Вашмғир лақабига ишора, яъни «олий мартабалар қуёши» ўз нури билан ёритди, демоқчи.
- ⁵¹² Тайласон — «толсон» сўзининг арабийлаштирилгани бўлиб, рўмолнинг бир туридир. Арабларнинг хатиб ва қозилари бу рўмолни бурчагини бурчагига диагональ шаклида буклаб, бошларига ташлаб елкаларига осилтириб юрганлар. Беруний диагональ чизиқлар билан ажратилган, узунроқ тўртбурчак шаклидаги жадвални «тайласонга» ўхшатади. Қулайлик туғдириш учун бу жадвални тўртбурчак шаклида берамиз.
- ⁵¹³ И. бўйича **қизил чизиқ** (القطر الاحمر) деб олинди. 3. да **қизил (аҳмар)** сўзи ўрнида **охирги** (الاخير) ёзилган.
- * 4. Яъни олтмиш хонали система билан.
- ** 5. Яъни ўн хонали система билан.
- *** 6. Яъни 16 нинг 16-даражаси.
- **** 7. Яъни ўн хонали система билан.
- ⁵¹⁴ **Матлуб** — талаб қилинаётган, билиниши керак бўлган.
- ⁵¹⁵ **Таъдил** — баробарлаш.
- ⁵¹⁶ Яъни шахмат тахтасидаги хоналар орқали ишланадиган масалаларни ечиш учун. Бунда биринчи хона бир деб олинади, қолган хоналар эса олдингисига нисбатан икки баробардан кўпайтириб борилаверади (2, 4, 8, 16, 32 каби).
- ⁵¹⁷ Яъни Берунийнинг ўзи. Унинг бизгача етиб келмаган «Рақамлар китоби» асаридан бу ерда келтириладиган цитата қандайдир котиб томонидан кейин қўшилган бўлиши керак. Бу ҳақда Сайрафий ҳам ўз таржимасида изоҳ бериб ўтади. Беруний «Қола Абу Райҳон» деб сўз бошламаган бўлур эди.
- ⁵¹⁸ «Жуфтлар жуфти» деб араблар то бирга қадар кетма-кет иккига бўлиш мумкин бўлган сонларга айтганлар (масалан, 16).
- ⁵¹⁹ **Бидр** — ўн минг дирҳам миқдоридagi пул, баъзан мингдан ўн минггача ёки умуман, катта пул миқдори маъносида ҳам ишлатилади.
- ⁵²⁰ **Вақр** — уловларга ортिलाдиган юк.
- ⁵²¹ Русча таржимада «жуда синчиклаб тақсим қилинса ҳам» дейилган. Бу лутатга ҳам, мазмунга ҳам тўғри келмайди.
- ⁵²² Яъни бир эрани иккинчисидан чиқариб олиш ҳақида.
- ⁵²³ «Кичик ой» ҳақида. 217-изоҳга қаранг.
- ⁵²⁴ Қўшимча кунлар миқдори масаласига.
- ⁵²⁵ Русча таржимада «насийнинг улар эрасидаги ўрни» дейилган. Бу тўғри эмас, чунки насий фақат ойларда бўлади.
- ⁵²⁶ Абу-л-аббос ат-Табризий—IX асрда яшаган астролог. Рус тилидаги таржимада бу олимнинг кунyasi ва нисбаси нотўғри ёзилган.
- ⁵²⁷ **Тишрий** — яҳудий ойларининг биринчиси.
- ⁵²⁸ **Тишрин аввал** — румий ойларининг биринчиси.
- ⁵²⁹ **Об** — рум ойларининг ўн биринчиси.
- ⁵³⁰ **Айлул** — рум ойларининг ўн иккинчиси.
- ⁵³¹ **Озор** — сурия ойларининг тўртинчиси.
- ⁵³² **Найсон** — рум ойларининг еттинчиси.
- ⁵³³ Шу жумла 3.да йўқ. И.га асосланиб таржима қилинди.
- ⁵³⁴ **Солиса** — секунд (сониянинг) нинг олтмишдан бири (терция), **робиа** — солисанинг олтмишдан бири (кварт), **хомиса** — робиянинг олтмишдан бири (квинт). Бу сўзлар таржимада ўз шаклида олинади.
- ⁵³⁵ 3. да „асосланган“ (عملها) феълнинг эгаси номаълум бўлиб қолган. И. да эса „улар [яҳудийлар] асосланганлар“ (عملوها) деб ёзилган. Таржимада шунга асос-

ланилди. Русча таржимада нусхалар солиштирилмаган ва „текст тартибсиз“ деб изоҳ берилган.

⁵³⁶ Русча таржимада «ўн икки» ёзилган, бу нотўғри.

⁵³⁷ Кейинги жумла шу ергача 3-да берилмаган, фақат изоҳда кўрсатиб ўтилган. И. да бор.

⁵³⁸ Бу ҳисоб ҳақида ушбу китобнинг 90-бетига қаралсин.

⁵³⁹ Китоб бошида арабларда кундуз ва кеча мажмуи Қуёш ботишидан ҳисобланиши ва кеча кундуздан олдин келиши айтилган эди. Бу ерда шу фикр орқали яҳудийларга нисбат берилляпти. Қўлимиздаги мавжуд нусхаларнинг ҳаммасида, Сайрафий таржимаси ва русча таржимада ҳам шундай дейилган.

⁵⁴⁰ **Холид ибн Абдулмалик ал-Марварузӣ** — IX асрда яшаган астроном.

⁵⁴¹ Бағдод халифалар даврида Мадинагуссалом («Тинчлик шаҳри») деб аталган.

⁵⁴² Ҳар бир «замон» тўрт минутга тенгдир.

⁵⁴³ Келгуси жадвалдаги 12, 2, 20, 24, 50, 14, 29 рақамлари шу асоснинг баёнидир.

⁵⁴⁴ Яъни Искандар эраси бўйича ҳисобланадиган йиллардан. Бунга жорий йил ҳам қўшилади.

⁵⁴⁵ Яъни уларни ҳажм жиҳатдан энг катта туркумларга айлантиради (кун, ой, йил, аср каби).

⁵⁴⁶⁻⁵⁴⁷ 3-да «кетма-кет келиши мумкин эмас» дейилган. И. ва С. бўйича таржима қилинди. Рус тилидаги таржима ҳам шундай.

⁵⁴⁸ **Хрониқун** — Берунийнинг кейинчалик изоҳ беришига кўра, яҳудийлар пасхаларини олдиндан ҳисоблаш учун тузилган жадвал.

⁵⁴⁹ Яъни мазкур икки ҳалақнинг умумий бўлувчиси беш сони бўлади.

⁵⁵⁰ Яъни 36288 сони кичик давр йили бўлмиш 19 га кўлайтирилса, йиллари юқорида (шу бет) кўрсатилганидек 689472 бўладиган даврлардир.

⁵⁵¹ **Белги** — ҳафтанинг ой бошланадиган кунидир.

⁵⁵² Яъни 30-куннинг бошланишидаги 12 соату 793 ҳалақ тамом бўлаётган ойнинг 29 кундан ортиб қолган қасри ҳисобланади, кейинги 11 соату 287 ҳалақ эса бошланаётган янги ойга тегишли бўлади.

⁵⁵³ Икки бошланишини биринчиси ўтиб кетаётган ой 30-куннинг охириги 11 соату 287 ҳалақ, иккинчиси бошланаётган ойнинг биринчи кунидир.

⁵⁵⁴ **Ой «тўлишлари»** — Ойнинг Қуёш билан рўбарў бўлган даври. Бунда Ой роса тўла бўлади.

⁵⁵⁵ „Рақамларни... қўшамиз“ (نزیدها) сўзи И. бўйича олинди. Кейинги „яҳудийлар фикрига қараб“ ибораси русча таржимада „астрономлар фикрича қараб“ дейилган, яъни арабчадаги „Ало раъйиҳим“ (على رایهم) сўзининг замири қилиб „астрономлар“ олинган. Бу тўғри эмас, чунки мазкур иборадан кейинги „[бунда] ҳам“

(ايضاً) сўзи бу амалиётнинг ҳам юқоридаги каби яҳудийларга нисбат берилишидан далолат беради.

⁵⁵⁶ «Қуйи» ёритқичлар деб Уторид, Зуҳро ва Ой ҳисобланади.

⁵⁵⁷ 3-да **шобуъ** (شابوع) ёзилган. И. да **собуъ** (سابوع) — **еттилик** ёзилган таржимада шунга асосланилди, русча ҳам шундай. Чунки яҳудий тилида „с“ ҳарфи „ш“ ёзилади. „Сабуъ“ ҳақида юқорида ҳам айтиб ўтилган.

⁵⁵⁸ Шу жумлалар 3-да ноаниқ ва тартибсиз бўлиб, И.га асосан таржима қилинди.

⁵⁵⁹ Яъни бу фақат «тақуфа»нинг астрономик кузатишлар ёрдамида аниқланган бошланиш вақтидагина юз бериши мумкин.

⁵⁶⁰ **Тажнис** — бутун сонни муайян қаср жинисидан бўлган қасрларга айлантириш (Омулий, «Хулосат ал-ҳисоб»).

⁵⁶¹ Қудайлик учун Берунийдаги араб ҳарфлари ўрнига лотин ҳарфлари бериляпти.

⁵⁶² **Сомина** — саккизлик демакдир.

⁵⁶³ «Турғун» буржлар деб Савр, Асад, Ақраб ва Далъ буржларига айтилади.

⁵⁶⁴ **Абу Наср Мансур ибн Ироқ** — Берунийнинг устози бўлиб, астрономия, геометрия ва математика фанларига онд бир қанча асар таълиф этган машҳур олимдир. Ибн Ироқ тахминан XI аср бошларида вафот этган.

⁵⁶⁵ Китобнинг арабча номи „Китоб истишҳод б-ихтилоф ал-арсод“ (کتاب الاستشهاد باختلاف الارصاد) дир.

- 566 Яъни Қуёш йилларининг 28 йиллик даври бўйича.
- 567 Яъни тақуфа бошланадиган соатда ҳукмронлик қилиб турадиган ёритқич.
- 568 **Иброний** — яҳудий демакдир.
- 569 Шу ерда узилш бор. И. бўйича тўлдириб, унинг бетлари қўйиб кетилди.
- 570 Бу рақамнинг Қуёш йилнинг тажнис этилган миқдори экани юқорнда кўрсатилган.
- 571 «Чунки» сўзидан бошланган кейинги жумла Сайрафий таржимаси ва русча таржимада берилмаган.
- 572 **Тинчлик Шаҳри (Мадинат уссалом)** — 541-изоҳга қаранг.
- 573 Бу жадвал йигирма саккизинчи давргача шундай шаклда давом этади. Кунлар ва соатлар И.да бўш қолдирилгани учун инглизча ва русча таржималарда бу жадвал кўрсатилмаган. Биз фақат бир даврни келтириш билан кифояландик.
- 574 З.даги тушиб қолган ва И. бўйича тўлдирилган бетлар шу ерда тугайди.
- 575 Яъни қолган минутларни бир кунга ҳисоб қиламиз.
- 576 Ал-Баттоний (929 йилда ўлган) ва унинг ёш замондоши марвлик Ҳабаш, машҳур арабийнавис астрономлардан ҳисобланади.
- 577 Шналар мазҳабларидан бири ботиниялар ҳақида гап борапти. Улар ҳар бир зоҳир нарсанинг яширин томони бор деб эътиқод қилиб, ана шу яширин сирларни билишда даъво қиладилар. «Ботиния» арабча «ботин» сўзидан олинган бўлиб, «яширин», «сехрли» демакдир.
- 578 Яъни улар мазҳабининг бошлиғига.
- 579 Фақат ҳисоб натижаларигина берилиб, ҳисоблашнинг ўзи келтирилмаган жадвал.
- 580 Яъни биринчи сон бошланган жойга қайтарди.
- 581 Бу жадвал рус тилидаги каби тўғри бурчак шаклида олинди.
- 582 Китобнинг арабча номи „ал-Мумтаҳан“ (الممتحن) дир.
- 583 Бу ерда З. ни И. билан тасҳиҳ этиб, мин ал-лавлаб (من اللولب) ўрнида **Ило ҳозал лавлаб** деб таржима қилинди ҳамда **фи мавозий** (فى مواضع) сўзидан **фи** сўзи тушириб ўқилди. Акс ҳолда анги (ان) калимаси кимники экани номаълум бўлиб қолади. Русчадаги ва Сайрафий таржимасидагидек „Бирмунча жойларда бешни орттириб“ эмас, балки „Холис жадвалда бирмунча жойлар бор“ деб тузатилди.
- 584 Бу ҳақда 227-бетга қаралсин.
- 585 Яъни Жаъфар ас-Содиқ ҳақида. „Саййид“ (سيد) халифа Али авлодларининг фахрий тахаллуси. Жаъфар ас-Содиқ ҳам шулардан бўлган. „Имом“ бу ерда масжид имоми маъносига эмас, бу ном билан кўпинча Алининг авлодлари юритилиб, мусулмон жамоасининг дин ва дунёвий ишларда бошлиғи маъносини билдиради.
- 586 Яъни Муҳаммад пайғамбар.
- 587 Жаъфар ас-Содиқ.
- 588 Абу Жаъфар ал-Хозин (X аср 2-ярмида вафот этган) — хуросонлик машҳур арабийнавис астрономлардан биридир.
- 589 Бу ерда кунлар ва уларнинг касрларини ҳисобга олувчи Беруний эмас, Абу Жаъфардир. З.да наъхузу (ناخز) деб нотўғри берилган. И. даги «яъхузу» дегани ҳақиқатга яқиндир. Русча таржимада З.га асосланиб «мы берем» деб таржима қилинган. Кейинги «ва язиду ала-л-мужтами хамсата» («мажмуга бешни орттиради») жумласи ҳам шунини тақозо қилади.
- 590 Яъни 30
- 591 Яъни еттидан ортиқ сонлар бўлса.
- 592 Яъни мазкур ойлар сони бутун бир йилни ташкил этса.
- 593 Собийликларнинг Иброҳим пайғамбардан олдин ҳам яшаганликлари маълум. Беруний бу мазҳаб ҳақида қуйида тўхтайди.
- 594 **Биштосф** — эронликларнинг афсонавий подшоси.
- 595 Икки ёритқич — Қуёш ва Ой.
- 596 Ким устида сўз борапганлиги маълум эмас.
- 597 З.да «у ҳақда (яъни Ҳарон ибн Тараҳ ҳақида) ҳикоя қилади» дейилган. Бу мазмунга тўғри келмайди. Русчада ҳам шундай ёзилган. Биз И.га асосландик.
- 598 **Абдулмасиҳ ал-Киндий** — номаълум арабийнавис олим ва ёзувчи. У христиан

бўлиб, X асрда Киндада яшаган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Узининг христиан дини ҳақида ёзган машҳур китобида бошқа динларни қаттиқ танқид қилади. Буни IX асрда яшаган машҳур араб файласуфи Абу Юсуф ал-Қиндий билан аралаштириш ярамайди. Заховнинг инглизча таржимасида шундай қилинган.

⁵⁹⁹ **Энг яхши исмлар** — худонинг 99 номи, мусулмонлар уни шу номлар билан сифатлайдилар.

⁶⁰⁰ **Мақсура** — меҳроб ёнидаги алоҳида ажратилган ўрин. Бу ерда давлат бошлиқлари ёки вилоят раислари намоз ўқиганлар.

⁶⁰¹ «Тайласон» ҳақида 512-изоҳга қаранг.

⁶⁰² **Фисоғур** — Пифагор.

⁶⁰³ **Сувор** — Солон.

⁶⁰⁴ **Нафл намоз** — худо буюрган фарз ва пайғамбар қўшимча қилган суннат намозлардан ташқари ўқиладиган қўшимча намоз. Буни ўқиш шарт эмас.

⁶⁰⁵ **Васания** — санам ва бутга сиғинувчилар.

⁶⁰⁶ **Восит** — Қуйи Месопотамияда жойлашган шаҳар.

⁶⁰⁷ **Шаманийлар** — бутпарастлар.

⁶⁰⁸ Шу ерда 3-да узлиш бўлиб, немис олимлари И.дан олиб тўлдирган қўшимча текст орқали таржима қилинди ва шу нусха бетлари қўйиб борилди.

⁶⁰⁹ 300 ҳижрий йили 912—913 милодийга тўғри келади.

⁶¹⁰ Икки ёни, олди, орқаси ва тепасида.

⁶¹¹ Яъни одам туғилмайди ҳам, ўлмайди ҳам, абадий яшайди.

⁶¹² 3-да «биринчи» сўзи тушиб қолган. И. ва Л.га асосланилди.

⁶¹³ Қўшимча нусхада ва И. да **йиллар** (السنين) деб кўрсатилган. Л. да „қонунлар“ (سنن) ёзилган. Таржимада шунга асосланилди. Русчада ҳам шундай.

⁶¹⁴ Қўшимча нусхада **бойлар** (اغنيا) ёзилган. Л. да **кўзга кўринган кишилар** (اعيان) кўрсатилган. Таржимада шунга асосланилди. Русчаси ҳам шундай.

⁶¹⁵ **Зуннор** — мажусийлар ва христианлар белига боғлайдиган таноб — тасма.

⁶¹⁶ **Фидом** (فدام) — эронийлар ва мажусийлар сув ичганда оғизларига тутадиган шол сузғич („Муҳит ал-муҳит“, „Ўқенус“). Русчада „закрыв лицо, завесой из войлока“ деб таржима қилинган. Бундай маъно беришга ҳеч қандай асос йўқ.

⁶¹⁷ **Сиблон** — Цейлон.

⁶¹⁸ Русча таржимада ҳеч қандай асоссиз „Дусар ибн Манучеҳр қабиласидан“ (من شعب دوسر بن منوچهر) калимаси „сына Саба, сыне Дусера, сына Менучихра“ деб таржима қилинган. Қўлимиздаги ҳамма нусхаларда бундай учратилмади.

⁶¹⁹ Қўшимча нусхада «мубадларга айлангирди». И.да эса «ўз мубадларига айлангирди» дейилган. Таржимада кейингиси олинди.

⁶²⁰ Яъни ўн саккиз «наски» йўқолиб кетган.

⁶²¹ **Зафор** — Жанубий Арабистондаги шаҳар, ҳимярийлар давлатининг пойтахти.

⁶²² Зоҳирда бир ишни қилаётганида ичида бошқа нарсани мўлжаллаётган кишига араблар «Кўпик ютаётганини яширяпти» деган мақолни ишлатадилар.

⁶²³ Рус тилидаги таржимада **фаодов** (فعاود) — душманлик қилиб сўзи **қайтдилар** (фаоду) деб олинган. Жумла маъноси буни тақозо қилмайди.

⁶²⁴ Икки бахтсизлик ёритқичи Зуҳал ва Миррих (Сатурн ва Марс) дир.

⁶²⁵ Яъни ҳар бир минутни бир йилга ҳисоб қилинганда.

⁶²⁶ Қуръон, фотир сураси, 43 (44)-оят.

⁶²⁷ Яъни 671 йилдан кейин.

⁶²⁸ Қуръон, аъроф сураси, 187-оят.

⁶²⁹ **Тадбирлар** — сайёралар ҳукмронлиги.

⁶³⁰ «Қисмат», яъни «бўлак» ва унинг тўртга бўлиниши ҳақида ушбу китобга қаралсин.

⁶³¹ **Абу Муслим** — араб халифалигининг VIII аср иккинчи ярмидаги машҳур сиёсий арбоби. Абу Муслим ўша вақтда ҳукм сурган умавийлар халифалигига (661—750) қарши кескин сиёсат олиб боради ва бу сулоланинг инқирозга учраши ва аббосийлар халифалигининг (750—1258) давлат тепасига чиқишида муҳим роль ўйнайди. Қора кийимликлар деб аббосийлар тарафдорларига айтилади. Қора ранг уларга хос белги бўлган.

⁶³² Шу ердан бошлаб яна 3. бўйича таржима қилинади.

⁶³³ З.да инкор билдирувчи лан (لَنْ) сўзи тушиб қолган. Шунга қараб русчада «будут аспаривать» деб таржима қилинган. И. ва Л.да «лан» кўрсатилган. Биз шунга асосландик, чунки кейинги «улар билан ҳамкорлик» сўзи албатта «лан»нинг бўлишини тақозо этади.

⁶³⁴ **Санавия** — «иккиланувчилар».

⁶³⁵ Яъни пайғамбарларнинг охиргиси.

⁶³⁶ Яъни милодий 215 йилда.

⁶³⁷ «Жабборлар» ҳақида 342-изоҳга қаранг.

⁶³⁸ **Жундишопур** — Эроннинг Хузистон вилоятида жойлашган шаҳар.

⁶³⁹ Қўлимиздаги нусхаларнинг ҳаммасида «Баҳром уни ўлдирган» дейилган. Рус тилида эса «Шопур убил его» дейилган. Шопур Мониини ҳайдаб чиқарган бўлиши керак, чунки унинг набираси Баҳром подшоҳлиги даврида қайтиб келган ва Баҳром томонидан ўлдирилган.

⁶⁴⁰ **Қабод (Ковад)** — сосонийлар сулоласи подшоҳларидан (489—531), Анушервоннинг (531—579) отаси.

⁶⁴¹ Шу ерда З.да узиллиш бўлиб, немис олимлари тузган қўшимча текстдан таржима қилинади ва унинг бетлари қўйиб борилади.

⁶⁴² **Тафсир** — текстнинг юзаки томонини, **таъвил** — текстнинг яширин ва юзаки бўлмаган маъноларини талқин қилиш.

⁶⁴³ **Худ бўлинг (كونوا هودا)** — **тавба қилинг** демакдир,

⁶⁴⁴ Араб алфавитида “дол” (د) ва “зол” (ذ) ҳарфлари фақат тепасига қўйилган нукта билангина фарқ қилади.

⁶⁴⁵ Қуръон, сиф сураси, 14-оят.

⁶⁴⁶ **Ғайм** — булут, **ғайн** — булут ва сувсизлик, **айм** — тул хотин, **айн** — вақт ва чарчатиш маъносидадир.

⁶⁴⁷ Шу ердан бошлаб яна З. бўйича таржима қилинади ва унинг бетлари қўйиб борилади.

⁶⁴⁸ Қуръон, аъроф сураси, 128-оят .

⁶⁴⁹ З.да «унга» (به) сўзи тушиб қолган, И. бўйича тикланди. Русчада З.га суянилган.

⁶⁵⁰ **Ҳайс (حيس)** — данаги олиниб панир ва ўсимлик мойи билан аралаштирилган хурмо.

⁶⁵¹ Новвус — Зардушт динидагилар ўликларни гўштидан тозалаб, кейин суякларини қўмадиган мақбара. Сайрафий «бир том тепасига чиқди» деб таржима қилган.

⁶⁵² З.да **ўзгартириб (تحريف)** сўзи тушиб қолган. И. ва Л.га асосланиб таржима қилинди. Русча таржимада бу эътиборсиз қолдирилган. Сайрафийда бутунлай бошқача.

⁶⁵³ **Муқанна** — «боши ва юзи беркитилган» демакдир. Беруний бу ерда ҳикоя қилаётган Муқанна қўзғолони VIII аср иккинчи ярмида бўлган.

⁶⁵⁴ **Каш** — ҳозирги Шаҳрисабзнинг қадимги номи. **Насаб** — ўрта асрда Қарши шаҳри шундай аталган.

⁶⁵⁵ Муқанна тарафдорларини «оқ кийимликлар» деб аталган.

⁶⁵⁶ **Ал-Маҳдий** — аббосийлар халифаси (775—786).

⁶⁵⁷ 169 ҳижрий йили 775/776 милодийга тўғри келади.

⁶⁵⁸ **Қарматийлар** — IX аср иккинчи ярми ва X аср биринчи ярмида кенг тарқалган мазҳаб бўлиб, булар таълимоти кўп томондан ислом таълимотига қарама-қарши қўйилган. Берунийнинг бу ерда эслатиб ўтган китоби бизгача келиб етмаган.

⁶⁵⁹ **Ал-Ҳаллож** — X аср бошларида қатл этилган машҳур мутаассиф.

⁶⁶⁰ **Маҳдий** — шиалар таълимотига, мусулмонлар имоми бўлиб, қиёмат-қоим бўлганда юзага чиқади ва ерда ҳақиқий адолат ва диёнат ўрнатади.

⁶⁶¹ **Толақон** — Хуросонда Марв билан Балх ўртасида жойлашган шаҳар. Беруний нимагадир бу шаҳар Каспий олди вилояти Дайламда деб кўрсатади.

⁶⁶² У (зотдан) — худодан демоқчи.

⁶⁶³ Бу асарларнинг арабча номлари: «Китоб нур-ил-асл», «Китоб жамм-ил-акбар», «Китоб жамм-ил-асғар».

⁶⁶⁴ 301 ҳижрий йили 913—914 милодийга тўғри келади.

⁶⁶⁵ **Муҳаммад ибн Абдуллоҳ** — Али авлодларидан бири, шиалар унга алоҳида эътибор берадилар.

⁶⁶⁶ **Мухтор ибн Абу Убайд ас-Сақафий** — VII аср охирида яшаган. Шиаларнинг машҳур тарғиботчиси. У ўз тарғиботларида Али ўғилларидан бири Муҳаммад тарафдори сифатида майдонга чиқди. Муҳаммад онаси Бану Ҳанифа қабиласидан эди, шунинг учун Мухтор ибн Абу Убайд «Ҳанафийя», яъни «Ҳанафия ўғли» лақабини олди.

⁶⁶⁷ **Разво** — Мадина ёнидаги бир тоғ.

⁶⁶⁸ **Суфъний** — Абу Суфён авлоди, биринчи умавия халифаси Муовиянинг отаси.

⁶⁶⁹ **Форун** — халифа Умарнинг лақаби. **Илия** — Байтулмақаддас.

⁶⁷⁰ **Сулаймон ал-Жаннобий** — қарматийлар ҳаракатининг энг буюк намояндаларидан бири, 943 йилда ўлган.

⁶⁷¹ Милодий 931 йил.

⁶⁷² Ал-Муктафий (902—908) ва ал-Муқтадир (908—932) аббосия халифаларидан.

⁶⁷³ **Киронот нория** («ўт қироноти») — буржларнинг «ўт» аломатларидаги қиронот (қўшилиш) дир.

⁶⁷⁴ «Мусалласан нория», «ўт учбурчаги».

⁶⁷⁵ 3. да „сизни эъзоз қилди“ (**اعزّك**), бунга асосланилса, кейинги „мендан“ сўзи маъносиз бўлиб қолади. Русчада шундай. Биз И. га асосландик.

^{676—677} **Аз-зумар** — қуръоннинг 39-сураси.

⁶⁷⁸ **Жаннат ал-фирдовс** — олий жаннат.

⁶⁷⁹ **Сақар** — дўзах номи.

⁶⁸⁰ Шу ердан бошлаб қўшимча нусхадан таржима қилинди ва унинг бетлари қўйиб борилди.

⁶⁸¹ Милодий 933—934 йиллар.

⁶⁸² Қўшимча нусхада «ихтилоф этганлар», таржима И. бўйича қилинди.

⁶⁸³ **Наврўз** — «янги кун» демакдир. Баъзан арабча китобларда «найруз» шаклида берилади.

⁶⁸⁴ **Ал-Маъмун** — аббосийлар халифаси (813—833). Али ибн Мусо ар-Ризо — халифа Алининг авлодларидан бири, ал-Маъмун халифалигининг бошларида унинг яқин кишиларидан бўлган.

⁶⁸⁵ **Аскара** — қийинчилик, қаттиқчилик ва қаҳатчиликка учраган кишилар.

⁶⁸⁶ Шу ердан бошлаб яна 3. бўйича таржима қилинди.

⁶⁸⁷ **Қалвозо** — Бағдод яқинидаги бир жой.

⁶⁸⁸ **Қалб ал-Жаббор (Қатга ит)** — ёритқич номи.

⁶⁸⁹ **Бўшанж** — Хуросондаги шаҳар.

⁶⁹⁰ **Афхтар** — шимолни билдиради.

⁶⁹¹ „Подшоҳлар саройлари“ (**دور الملوك**) сўзи 3. да тушиб қолган. И. ва Л. дан таржима қилинди. Русча нусхасида таржима тушунарсиз чиққан.

⁶⁹² **Исфидо навишт** — «оққа кўчирилган» демакдир.

⁶⁹³ Яъни шаҳар халқи учун.

⁶⁹⁴ **Икки наврўз** — Фарвардин моҳининг биринчи ва олтинчи кунлари. Юқорига қаранг.

⁶⁹⁵ Юқоридан жинларнинг қаҳрланиши айтилган эди, бу ерда нима учундир шодланиши айтиляпти.

⁶⁹⁶ **Гаҳанбор** — байрам.

⁶⁹⁷ Беруний «Гаҳанбор»нинг бу ва бундан кейинги шаклларини бир оз ўзгарган ҳолда келтиряпти.

⁶⁹⁸ **Афросиёб ва Минучеҳр** — эронликларнинг афсонавий подшоҳлари.

⁶⁹⁹ Яъни сумалак пишириш.

⁷⁰⁰ **Тир** — форсча «ўқ» демакдир, рўзи **тир** — ўқ отиш кун.

⁷⁰¹ **Гуш рўз** — форсча «овоз кун» демакдир. Ўқ тушиш хабари шу кун тарқалган учун шундай атаган бўлса керак.

⁷⁰² Бу ердан то «бу хос кишилар учун...» иборасигача И. ва Л. дан олинди. 3. да ва Сайрафий таржимасида бу жумлалар тушиб қолган. Лекин русча таржимасида нима учундир бу эътиборсиз қолдирилган, ваҳоланки, И. ва Л. фотонусхалари мавжуд эди.

⁷⁰³ **Ҳазони аввал** — кузнинг аввали.

⁷⁰⁴ **Аз-Заҳҳок ва Кови** — қадимги Эрон афсоналарининг қаҳрамонлари.

⁷⁰⁵ «Кови тарафдорларининг байроғи».

⁷⁰⁶ «Афридун» сўзи гоҳ «Фиридун» шаклида келади. Таржимада ҳам шу ҳолича қолдириляпти.

⁷⁰⁷ Яъни таналар тарбиясида чарчагани сабабли узун нафас олади («Муҳит ал-муҳит»).

⁷⁰⁸ Ҳамини восит — қадимги Эрон дини ақидаларига биноан осмон билан дўзах ўртасидаги жой.

⁷⁰⁹ Ушбу китобнинг 257-бетига қаранг.

⁷¹⁰ Охирги жумла Зда ва Сайрафий таржимасида йўқ. И. ва Л. бўйича тикланди. Русча таржимада бу эътиборсиз қолдирилган.

⁷¹¹ Носир ал-Уруш (917 йил ўлган) — зайдийлар имомларидан бири (шиаларнинг зайдийлар мазҳаби ҳақида. 288-изоҳга қаранг) ва Табаристон ҳокими бўлган.

⁷¹² Бу ердан бошлаб И.дан таржима қилинади ва унинг бетлари қўйиб борилади.

⁷¹³ Дайбадин — Эрон ойларининг йигирма учинчиси. Обон моҳ охиридан беш кун, озар моҳ аввалидан беш кун олиб, бунга дайбадин кундан бошлаб уч кун қўшилади. Бу албатта, ҳайит кунларига тайёргарлик кўриш учун бўлади.

⁷¹⁴ Милодий 989—990 йил.

⁷¹⁵ Нуҳ ибн Маисур — сомонийлар сулоласи амири (976—997).

⁷¹⁶ „Ҳайит қиладилар“ (يعيدته) сўзи рус тилида „поклонялись [в этот день]

солнцу“ (يعبدوه) деб таржима қилинган.

⁷¹⁷ Бу ердан бошлаб яна З. бўйича таржима қилинади.

⁷¹⁸ Навад рўз — форсча тўқсон кун демакдир.

⁷¹⁹ Зда «ейилади» дейилган, русча ҳам шундай. И. ва Л.да «тановул қилинади» деб ёзилган. Биз шуни қабул қилдик.

⁷²⁰ Шу ердан бошлаб Зда тушиб қолган жойлар И. бўйича таржима қилинади ва унинг бетлари қўйиб борилади.

⁷²¹ Русча таржимада шу жумла «И люди остерегались джиннов и поручали охрану ворот сторожам, которые понимали аллаха и славили хозяев (жилицев) и не спали всю эту ночь» деб таржима қилинган. Бизнингча, бундай таржимага асос йўқ.

⁷²² Ал-Бобилининг кейинги сўзлари И. ва Л.дан аралаш олинди. Жумлалар боғланиши шуни тақозо этади.

⁷²³ Бу сўзнинг луғавий маъноси «рангли кафт» демакдир.

⁷²⁴ Русча таржимада нима учундир кейинги икки жумла тушиб қолган.

⁷²⁵ Шу ердан бошлаб яна Здан таржима қилинади.

⁷²⁶ Масимуғон — «Маси муғон» (мажусийлар бошлиғи) сўзи шундай ёзилган бўлиши керак.

⁷²⁷ Бу ерда Австралияда яшайдиган кенгуру ҳайвони устида гап бораётган бўлса керак. Бу ҳайвон болалари она қорнида тўла етилмай туғилади. Кейин она қорнида осилиб юрадиган халтачага тушиб олади. 6—8 ойгача она боласини шу халтачада кўтариб юради. Бола аввал халтача ичида жойлашган она эмчагини эмиб катта бўлади, кейинчалик вақти-вақти билан пастга тушади, агар бирор хавф учрашини сезса, яна халтачага яшириниб олади.

Кенгуру фақат Австралида яшайди, лекин Беруний Ҳиндистонда деб ҳикоя қиляпти. Бундан ўша вақтларда ҳиндлар Австралияни билар эканлар ёки Ҳиндистонда ҳам бу ҳайвон яшар экан деган хулосага келиш мумкин.

⁷²⁸ Абу Усмон Амр ибн Баҳр ал-Жоҳиз (869 йилда ўлган) — машҳур араб энциклопедист ёзувчиси ва олими. Басрада туғилиб, Бағдодда тарбияланади. Фалсафа ва табиётга оид бир қанча асарлар ёзган.

⁷²⁹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Жайҳоний — сомонийлар сулоласининг машҳур вазири (914—922) ва ёзувчи бўлган.

⁷³⁰ Қум — Эрондаги шаҳарлардан бири.

⁷³¹ Русча таржимада бу ойнинг номи нима учундир «Исфендермад-Мах» ёзилган. Форсча луғатларда «Исфандармўз моҳ»дир.

⁷³² «Фаришта» сўзи Зда тушиб қолган, И. ва Л. бўйича тикланди.

⁷³³ Китобнинг арабча номи «Ал-Ажойб ат-табиий ва-л-ғароиб ас-синоийя» бўлиб, Берунийнинг бу асари хозиргача маълум эмас. У ҳақда Ҳожи Халифа (IV, 186-бет, № 8063; V, 114-бет, № 10294) ва Буало (229-бет, № 153) да қисқа маълумот берилган.

⁷³⁴ Миски тоза — «тоза мушк» демакдир.

⁷³⁵ Каффорат — гуноҳни ювиш учун бериладиган садақа.

⁷³⁶ Милодий 984 йил.

⁷³⁷ Бирор ишни бажариш учун танлаб олинган қулай кун назарда тутилмоқда.

⁷³⁸ Яъни ой туғилади демоқчи.

- 739 **Ромуш** — Бухоро яқинидаги бир қишлоқ.
- 740 **Пайканд** — Бухоро вилоятидаги қадимги шаҳар.
- 741 Кумушкент бўлса керак.
- 742 **Тавовис** — Бухоро ва Самарқанд орасидаги қадимги шаҳар.
- 743 Бу ой баёни русча таржимада тушиб қолган.
- 744 **Шарғ ёки Чарғ** — Бухоро яқинидаги катта бир қишлоқ номи.
- 745 Яъни руҳга таъсир этувчи воситалар.
- 746 **Яҳё ан-Наҳвий** — араб файласуф ва тилшунос олимларидан бири. Юнончадан Сурия тилига кўп таржималар қилган. VII асрнинг биринчи ярмида яшаган.
- 747 Форсча «ҳез» сўзи бузилиб, «хеж» дейилган бўлса керак.
- 748 **Жайхун** — Амударё.
- 749 Сугдийларда ҳам бундай одатнинг мавжудлиги юқорида айтиб ўтилди.
- 750 **Насра** — асаднинг (шернинг) бурни.
- 751 **Авво (вовулловчи)** — асро буржидаги бешта юлдуз.
- 752 **Симок ал-аъзам («қуролсиз симок») ва симок ар-ромиҳ («найза ушлаган симок»)** — асро буржидаги иккита юлдуз.
- 753 **Абу Муҳаммад ибн Қутайба** — машҳур арабийнавис олим ва адиб 213/828 — 829 йилда Бағдодда туғилиб, 276/889—890 йилда вафот этган.
- 754 **Уржуза** — арузнинг ражас баҳри вазни билан ёзилган шеърлар.
- 755 **Анво** (نَوَ) биринги нав (نَوَ) сўзи арабларда „Ой туриши“нинг космик бо-тишини, яъни шу „туриш“нинг осмон ғарбий томонида уфқ остида гойиб бўлишини айтадилар. Бу ҳодиса билан улар турли метеорологик воқеаларни боғлайдилар. Ма-салан, ёмғир ёгиши ҳам „нав“ деб аталади. Беруний „анво“ ҳақида қуйида муфассал-роқ тўхтаб ўтади.
- 756 Ибн Қутайба бир қанча вақт тоғлик Жибал вилоятининг Динавар шаҳрида қозилик лавозимини ўтаган, шунинг учун «ал-Жабалий — «тоғлик» деган тахаллусни ҳам олган.
- 757 «Тавба» сурасининг 99-оятда «сахройи араблар кофирлик ва мунофиқликда (бошқалардан) қаттиқроқдирлар...» дейилган.
- 758 **Абу Саид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ироқ** — қадимги хоразмшоҳлар сулола-сининг охиридан олдинги шоҳи. Бу ерда сўз кетаётган календар ислоҳоти Искандар эрасининг 1270 йилида, милодий 959 йилда ўтказилган.
- 759 З.да «буруж» дейилган, таржима И.дан қилинди.
- 760 З.да «уламолар» дейилган, русча ҳам шундай. Биз И.га асосландик.
- 761 Шу жумла З.да йўқ. И.дан олинди.
- 762 Банот наъш — «Кичик Айнқ» юлдузи.
- 763 Шу жумла З.да тушиб қолган, русчада ҳам йўқ. И. бўйича таржима қи-линди.
- 764 **Суҳайл** — Қанопус юлдузининг арабча номи.
- 765 Сайрафий таржимасида ва русчада З.га асосланиб «ўзгаради» дейилган. И.да «ўзгармайди» ёзилган. Бунинг тўғрилигига кейинги «бал» сўзи ҳам тақозо қилади.
- 766 «Собит ибн Қурра» сўзи З.да тушиб қолган. И.дан олинди.
- 767 Арабларнинг «анво»нинг юз бериши ҳақидаги кароматлари устида гап бор-япти. Бу ерда «анво» сўзи билан метеорологик ҳодисалар кўзда тутилмоқда («анво» ҳақида 755-изоҳга қаранг).
- 768 **Шамоллар** — арабча «риёҳ» (رِيح) сўзининг таржимаси бўлиб, «шарқ, ғарб, шимол ва жануб шамоллари» демакдир. Берунийнинг З.нинг 274-бет, 21-сатрида «Қайси [томон] шамоли эсишда давом этса...» (шу китоб, 318-бет) деган сўзи шуни тақозо этади. Бундан кейин қаерда «шамоллар» сўзи келса, шундай тушунилиши лозим.
- 769 Сайрафий «жануб томонга» деб таржима қилган. Бу ҳақиқатга яқинроқдир, чунки ўша паррандалар қиш фаслида жануб томонларга кетадилар.
- 770 **Абу-л-Қосим Хурдодбих** — машҳур географ ва тарихшунослардан бўлиб, 300/912—913 йилда вафот этган.
- 771—776 **Ал-Омулий** ҳақида 49-изоҳга қаралсин.
- 777 **Накбо** — шарқ, ғарб, жануб ёки шимолдан эсмай, шу тўрт томоннинг бурчаги-дан икки шамол орасидан эсувчи шамол.
- 778 Яъни «сарик сув касали» (водянка).
- 779 «Инфоқ» юнонча сўз бўлиб, янги пишган [мева] маъносини билдиради. «Зайт ул-инфоқ» — янги пишган зайтун [Дози].

⁷⁸⁰ Тўртинчи кун тамоман, беш, олти ва еттинчи кунлар қисман жойи И. ва Л.дан таржима қилинди. Русчада бунга эътибор берилмаган.

⁷⁸¹ И. ва Л.да «ёмон эмас» дейилган.

⁷⁸² «Ал-мустаҳдиф» сўзини «Муҳит ал-муҳит» изоҳига биноан шундай таржима қилинди, чунки гап эр кишининг хусусиятлари устида кетяпти. Русчада бу сўз хотинлар жинсий азъосига боланган.

⁷⁸³ **Каъб ал-Ахбор (Абу Исҳоқ Каъб ибн Мойғ)** — тобеларнинг машҳурларидан бири бўлиб, исломнинг биринчи йиллари ҳақида жуда кўп ривоятлари бор. 32/652—653 йилда вафот этган.

⁷⁸⁴ **Али ибн ал-Жаҳм** — IX асрда яшаган араб шоири.

⁷⁸⁵ Ҳингирма бешинчидан тушиб қолган сўзлар ва Ҳингирма олтинчи ҳақидаги маълумотлар И.дан тўлдирилди. Русчасида бу эътиборсиз қолдирилган.

⁷⁸⁶ **Наср ал-Воқе** — Вега буржининг арабча номи.

⁷⁸⁷ И.да «аралашмаган шамоллар» дейилган.

⁷⁸⁸ Беруний бу ҳақда кейинги бетда изоҳ беради. **Жамра** — «ёнувчи кўмир» демакдир.

⁷⁸⁹ Охирги жумла И. ва Л. бўйича таржима қилинди. Бундан кейин келадиган «ажамликлар» сўзи шунга тақозо қилади. Русчада бунга эътибор берилмаган.

⁷⁹⁰ **Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий** — машҳур врач ва табиатшунос (925 йилда ўлган). Абу Бакр Ҳусайн ат-Таммор ҳам табиблардан бўлиб, ар-Розийнинг замондошидир.

⁷⁹¹ З.да нима учундир шу ерда яна Қоллиб ва Филиф сўзлари такрорланади. И. ва Л.да бу нарса йўқ. Таржиманда шунга суянилди.

⁷⁹² **Баласус** — бир қуш номи («Муҳт ал-муҳит»).

⁷⁹³ **Вабр** — «вабара» феълидан келиб чиққан бўлиб, «бирор киши орқасидан юриш» демакдир.

⁷⁹⁴ **Омир** — амр қилувчи, буюрувчи.

⁷⁹⁵ **Муътамир** — ўйламсоқ, фикр юргизмоқ.

⁷⁹⁶ **Муаллил** — юпатувчи.

⁷⁹⁷ **Мутфи ал-жамр** — кўмирни ўчирувчи.

⁷⁹⁸ **Мукфи ал-қидр** — қозонни тўнтарувчи.

⁷⁹⁹ **Сарфа** — ой манзилларининг бири бўлиб, «Зубро» юлдузи рўпарасидаги ёруғ юлдуздир.

⁸⁰⁰ Яъни совуқнинг кучайиши сабаби.

⁸⁰¹ Ал-Ҳоққ сураси, 7-оят.

⁸⁰² Фуссила сураси, 16-оят.

⁸⁰³ Шу ерда И.даги **арбао** (اربعاء) — **чоршанба** сўзи олинди. З., Л. ва Сайрафий таржимасидаги **арбаа** (اربع) — «тўрт» сўзи олинганда ҳеч бир маъно англашилмайди. Русчада бунга эътибор берилмаган. Бу оятни изоҳлашда Қози Байзовий «Наҳс кунлар шаввол ойн охири чоршанбадан чоршанбагача эди. Бирор қавм чоршанбадан бошқа кунда азобланмаган» — дейди.

⁸⁰⁴ **Тўрт унсур** — тупроқ, шамол, сув ва олов.

⁸⁰⁵ Бу масала Ибн Синонинг Беруний саволларига жавоб тарзида ёзиб юборган рисоласида қисман баён этилган. Бу рисола ЎзССР ФА Шарқшунослик институти илмий ходимлари А. Абдураҳмонов ва ушбу китоб таржимони А. Расулевлар томонидан 1950 йили ўзбек тилига таржима қилиниб, «Беруний билан ибн Синонинг савол-жавоблари» номи билан нашр этилган.

⁸⁰⁶ Яъни қуёш нуридаги ҳарорат ва фалакдаги ишқаланиш сабабли ҳаво исигандаги ҳарорат.

⁸⁰⁷ Қибтийлар фикри И. ва Л.дан олинди, русчада бу йўқ.

⁸⁰⁸ «Боши» сўзи И. ва Л.дан олинди, русчада йўқ.

⁸⁰⁹ Яъни фақат бири экваторнинг шимолида, иккинчисида эса жанубида бўлган мамлакатлардагина бўлади.

⁸¹⁰ Беруний Хитой ва Ажам мамлакатлари шимолий ярим шарда бўлгани учун ажамликлардаги биринчи баҳор кuni хитойларнинг биринчи куз кuni билан мос келиши мумкин эмас, демоқчи. Бунинг учун юқорида айтилганидек, бири экватор шимолида, иккинчиси жанубида бўлиши шарт.

⁸¹¹ **Кунни баробарловчи (муаддил ан-наҳор)** — меридиан, «баробарлик чизиги» («Хатта ал-истиво») — экватор демакдир.

⁸¹² **Сиртқи марказли фалак (фалақ ал-хориж ал-марказ)** — бу ташқари марказ

деб аталган, чунки унинг маркази ер марказидан бошқа. Лекин фалаkning ўзи ерни ўраб туради. (Хоразмий, «Мафотиҳ ал-улум»).

⁸¹³ **Фалак ат-тадвир (эпицикл)** — ҳар бир ёритқичга хос кичик фалак бўлиб, у ер атрофини ўрамайди ва ёритқич шунинг ичида ҳаракат қилади (Хоразмий, «Мафотиҳ ал-улум»).

⁸¹⁴ **Ас-Суҳо** — Сурайё буржидаги юлдузлардан бири.

⁸¹⁵ **Муҳаммад ибн Митёр ал-Исфаҳоний** — VIII асрда яшаган олимлардан, паҳлавий тилидан арабчага таржима қилган.

⁸¹⁶ **Фустиг** — Нил дарёси қирғоғидаги шаҳар бўлиб, араблар VII асрда Мисрни ээбт этган пайтда қурган мустаҳкам лагерлари ўрнида вужудга келган.

⁸¹⁷ **И. ва Л.да «ёмғир» сўзи йўқ.**

⁸¹⁸ **Дайр Айюб** — Суриядаги шаҳарлардан бири.

⁸¹⁹ **Бусро** — Суриядаги бир шаҳар. Қиличлардан бир тури шу жойга нисбат берилиб «Бусро қиличлари» дейилган. Бусро илгари обод ва марказий шаҳарлардан бўлиб, зилзила ва урушлар натижасида вайрон бўлган. Ҳозирда Дамашқнинг Ҳаррон районидаги бир қишлоқдир («Муҳит ал-муҳит»).

⁸²⁰ «Ал-Арим сели» ҳақида 461-изоҳга қаранг.

⁸²¹ **Абаршаҳр ва Тус** — Хуросондаги шаҳарлар.

⁸²² **Кимок** — ўрта асрларда Қуйи Иртиш томонларида яшаган турк халқлари.

⁸²³ **Деҳи нав** — тожикча сўз бўлиб, «янги қишлоқ» демакдир.

⁸²⁴ Шу ерлар И. ва Л.дан фойдаланиб таржима қилинди, З.да бузиб берилган.

⁸²⁵ И. ва Л.да ғарбий шамол дейилган.

⁸²⁶ Қосир сўзи Л.дан олинди.

⁸²⁷ **Ҳайвониялар** — мусулмонларнинг диний-фалсафий мазҳабларидан.

⁸²⁸ **Киймус** — ярим ҳазм қилинган овқат.

⁸²⁹ **Бухрон** — касалларнинг оғирланиш ҳолати юз берадиган хатарли кунлар.

⁸³⁰ **Мадд** — сув тошқини, **жазр** — сувнинг қайтиши демакдир.

⁸³¹ Арабийнавис авторлар «Мағриб денгизи» деб баъзан Ўрта Ер денгизини атаганлар.

⁸³² Араблар Андалус ёки Андалусия деб Испанияни айтадилар.

⁸³³ И. ва Л.да «анжир» дейилган.

⁸³⁴ Бу ёруғ юлдуз бўлиб, Бутрус ал-Бўстоний «Муҳит ал-муҳит»да шундай афсона келтиради: Сухайл юлдузи Яман томондан, иккала «Шеъро» юлдузи Шом томондан чиқиб, «мажарра», яъни осмондаги анҳорга етиб келганлар ва унинг қирғоғида тўхтаганлар. Шунда Сухайл иккала Шеърони ўзига хотинликка чақирган. Иккиси ҳам чақирқини қабул этган. Шеъро ал-Ямания, мажаррадан ўтиб борган, шунинг учун «абур» («ўтувчи») деб аталган. Шеъро аш-Шомия эса ўтолмай йиғлаб қолган ва шу сабабдан у «ғумайсо» («кўринмас ва арзимас») деб аталган. Шундай қилиб, «абур» ва «ғумайсо» номлари у икки юлдузга лақаб бўлиб қолган.

⁸³⁵ Русчада бу жумла тушиб қолган ва ўрнига йигирманчи кундаги «тажрибали кишиларнинг айтишича, шу кун кўз оғриғи кўпаяди» жумласи берилган. Йигирманчи кун эса бутунлай тушириб қолдирилган.

⁸³⁶ Яъни йилда бир марта эсадиган шамоллар.

⁸³⁷ Бу сўзлар арабчада «таҳовил», «интиҳобот», «адвор» ва «тасйир» номлари билан юритилган («тасйир» ҳақида Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-улум» асарида изоҳ бор). Бу ерда астрологик «қароматлар» учун ишлатиладиган турли ҳисоблар кўзда тутилмоқда. «Йилларга айлантириш» («таҳовил») деб расмий йилларни бирор кишининг туғилиши ёки бирор муҳим воқеадан кейин ўтган тропик вақтларга айлантиришга айтилади. «Йиллар охирлари» («интиҳобот») — планеталар ёки эклиптика нуқтасининг буржлар томон, яъни ғарбдан шарққа томон бир меъёрдаги ҳаракатининг вақт бирлигида ифода этилишига айтилади; «юргизиш» ёки «кўчирш» («тасйирот») — планетанинг белгиланган пунктга томон юрган йўли муддатни олдиндан белгилаш. Бу муддат ҳажмини ҳам соат ва минутлар орқали ҳисоблайдилар.

⁸³⁸ **Навбахт** — халифа ал-Мансур саройидаги астролог.

⁸³⁹ **Роже** — Ой ва Қуёшдан бошқа сайёраларнинг ўз табиий сайрига хилоф равишда ғарбдан шарққа ҳаракат қилиши. Шундай ҳаракат қилувчи сайёрага «роже» дейилади. Бу ерда Зуҳалга шундай сифат берилган.

⁸⁴⁰ **Занаб (дум)** — юлдуз номи. Бу «занаб ал-фарас» («от думи») дейилади. Осмонда «фалак жавзаҳр» ва «фалак мойил» мнтакасининг кесилганида пайдо бўлган қатта илон суратидаги шакл ҳам шундай дейилади. Бу шаклнинг бир томонини «раъс» («бош») ва иккинчи томонини «занаб» («дум») деб атайдилар. Русчада «дракон боши» ва «дракон думи» деб таржима қилинган.

⁸⁴¹ **Хўтан** — Синцзян вилоятидаги қадимги шаҳар.

- ⁸⁴² **Жабха (Пешона)** — Асад буржидаги юлдузлардан бирининг номи.
- ⁸⁴³ **Абу Жаъфар ибн Абдулмалик аз-Зайёт** — аббосий халифаларидан ал-Муъта-симнинг вазири. Ал-Муътагим вафотидан кейин унинг ўғли ал-Восиқ замонида ҳам вазирликдан қолдирилиб 233/847—848 йили ўлдирилган.
- ⁸⁴⁴ **Манбиж** — Суриядаги шаҳарлардан бири.
- ⁸⁴⁵ Юқорига 302-бетга қаралсин.
- ⁸⁴⁶ Киши руҳига психик таъсир кўрсатади демоқчи бўлса керак.
- ⁸⁴⁷ Йигирманчи куннинг қолиб кетган жойлари ва йигирма биринчи кун И.дан таржима қилинди, чунки З.да тушиб қолган. Русчада бунга эътибор берилмаган.
- ⁸⁴⁸ **Саслиба** — Жазирда яшаган араб қабилаларининг номи. Булар Саълаб ибн Бакрга мансубдирлар.
- ⁸⁴⁹ И.да «Увдокс ва қибтийларча».
- ⁸⁵⁰ Йигирма олти, йигирма етти ва йигирма саккизинчи кунлар И.дан таржима қилинди. Русчада берилмаган.
- ⁸⁵¹ «Вассофот» («саф тортиб турувчилар») сураси, 107-оят.
- ⁸⁵² И. ва Л.даги «баҳона» («таълил») сўзи олинди. З.да эса «шошилиб» («таъжил») ёзилган. Русчада ҳам З. га асосланилган. Бу текст мазмунига мос келмайди. Ҳоруи шошилмоқчи эмас, аксинча баҳона қидриб, ишни кейинга сурмоқчи.
- ⁸⁵³ **Абу Исо ал-Варроқ** — IX асрда яшаган шоир ва адиб.
- ⁸⁵⁴ «Саккизгадан» сўзи И. ва Л.дан олинди.
- ⁸⁵⁵ **Антиох сўзи** арабчада жуда бузиб **Ихштинус** ёзилган.
- ⁸⁵⁶ И. ва Л.да «Байтулмуқаддасда уларга зулм қилган» дейилган.
- ⁸⁵⁷ Беруний Птолемей номини **Баглимус** деб ёзган эди, бу ерда эса **Талмо** (تلما) деб ёзяпти.
- ⁸⁵⁸ Сайрафий таржимасида «ўн учинчи» дейилган.
- ⁸⁵⁹ **Мани ва салво** — бу сўзлар қуръон бақара сурасининг 57-оятда ва бошқа сураларда учрайди. Қози Байзавий «манн» сўзини «янтоқ шакар» деб таржима қилган.
- ⁸⁶⁰ **Тустар** — Эроннинг Хузистон вилоятидаги бир шаҳар.
- ⁸⁶¹ **Мажалла ҳайити** — «хат ҳайити» бўлиб, подшоҳ Ҳомон одамларини ўлдириш учун атрофга ёзган хати муносабати билан ўтказилади.
- ⁸⁶² Рус тилида «ўн тўққизинчи» деб нотўғри таржима қилинган.
- ⁸⁶³ Байтулмуқаддасни биринчи марта Бухтанассар эмас, Навуходоносор вайрон қилган (61-изоҳга қаранг).
- ⁸⁶⁴ Рус тилида «йигирма бешинчи» ёзилган.
- ⁸⁶⁵ Рус тилида «йигирма саккизинчи» деб таржима қилинган. Кейинги уч изоҳда кўрсатилган ададлар И. ва Л.да ҳам З. билан бир хил берилган.
- ⁸⁶⁶ З.да текстнинг шу ерида узилиш борлигига ишорат қилинган. Лекин уни И. ва Л.га ҳамда Сайрафий таржимасига солиштириб бу ерда ҳеч қандай узилиш йўқлигини кўрсатди.
- ⁸⁶⁷ **Сур чалинган кунни эслаш** (ذكر القرنة) жумласи З.да **Қишлоқни эслаш** (ذكر القرية) Л.да **Яқинликни эслаш** (ذكر القرية) ёзилган. Булар текста боғланмайди. Шунинг учун тавротга солиштириб таржима қилинди (қаранг: Аврот, Левит китоби, XXIII, 24—25; XXV, 8—16).
- ⁸⁶⁸ **Табория** — Фаластиндаги бир шаҳар.
- ⁸⁶⁹ **Малик** — подшоҳ маъносида бўлиб, **маликоия** — подшоҳ билан бир мазҳабдагилар демакдир.
- ⁸⁷⁰ **Лохутият** — илоҳийлик, **носутият** — инсонгарчилик, **иттиҳода** — шу иккисининг (Исо пайғамбарда) мужассамлашишидир.
- ⁸⁷¹ **Қаголикос (арабча жослик)** — VI асрда арман-григорян ва грузин православ патриархлар унвони.
- ⁸⁷² Уйқудаги еттига **асҳоби қаҳф** лар ҳақидаги афсона қуръоннинг қаҳф сурасида баён этилган (464-изоҳга қаранг).
- ⁸⁷³ **Яъни асҳоби қаҳфлар.**
- ⁸⁷⁴ Бу даврлар ҳақида ушбу китобнинг 89—90-бетларига қаралсин.
- ⁸⁷⁵ Оли имрон сураси, 40 (39)-оят.
- ⁸⁷⁶ Диний эътиқодларга кўра, Исо пайғамбар отасиз туғилган. Уни христиан динидагилар худонинг ўғли дейдилар, исломда эса бу фикрга қарши чиқиб, уни худо отасиз яратган дейилади. Исо туғилиши ҳақида қуръон бақара сурасининг 88(87)- ва 253-оятларида ҳикоя қилинади.

⁸⁷⁷ Шу ерда Беруний Миср сўзининг лотинча шакли (Aegyptus) ни арабчада **Игуфтийя** (الاعفطية) деб берган. Таржимада ўзича қолдиришни лозим топдик.

⁸⁷⁸ **Уқнум** — ипостась.

⁸⁷⁹ Бу ерда И. ва Л. даги **кўп** (كثيرة) сўзи олинди. Қуйида таммузнинг саккизинчисидаги жумла шуну қувватлайди. 3. да эса **катта** (كبيره) ёзилган. Русчада ҳам шундай берилган.

⁸⁸⁰ **Соҳиб ул-Имод** — устунлар эгаси демакдир. Бу одам нима учун шундай аталганлиги бизга номаълум.

⁸⁸¹ Тирилиш ибодатхонаси [Қанисат ал-Қумома] Байтулмуқаддасдаги Элиё шаҳрида жойлашган эди.

⁸⁸² **Индикцио** ёки индинт — йилларнинг милодий 312 йиллар атрофида бошланган 15 йиллик даври.

⁸⁸³ Шу ердан бошлаб 3. да узилиш бор. Буни қўшимча нусха орқали тўлдирилади ва унинг бетлари қўйиб борилади.

⁸⁸⁴ Милодий 1000 йил.

⁸⁸⁵ Намл сураси, 14 (15)-оят.

⁸⁸⁶ Қуръон, сафф сураси, 9 (8)-оят.

⁸⁸⁷ Жадвалдаги юлдузчалар билан ифодаланган сонлар озор ойна кунларидир.

⁸⁸⁸ Шу жумла феъли 3. да **ва охара тааммала хаража** ёзилган. Бу маъно бермайди, Л. да эса **ва ахарно мо хаража** (و اخرنا ما خرج) ёзилган. Шунга биноан таржима қилинди.

⁸⁸⁹ Жадвалдаги якка юлдузчалар озор ойна кунларини, қўшалок юлдузчалар кунуни охир ойна кунларини кўрсатади.

⁸⁹⁰ «Гоҳо уларнинг баъзи бири» сўзлари 3. да тушиб қолган, Л.дан тикланди.

⁸⁹¹ Забур мусулмонлар орасида Довуд пайгамбарга тушган алоҳида муқаддас китоб деб эътиқод қилинса-да, аслида Тавротдаги китобларнинг бир нечаси бўлиб, «псалмы» номи билан юритилади.

⁸⁹² «Улардан ўттиз дирҳам пора олган» жумласи Л. бўйича тўғриланди. Қўшимча текстдаги жумладан ҳеч маъно чиқмайди.

⁸⁹³ **Жумжума**—калла суяги демакдир. **Сиҳявн** — Шом денгизи қирғоғида жойлашган мустақкам бир қўрғон номи (**Муъжам ал-булдон**). Беруний нима учундир буни тоғ деб берапти.

⁸⁹⁴ Шу ердан бошлаб 3.га ўтиб, унинг бетлари қўйиб борилади.

⁸⁹⁵ **Морт Марям** — сурёнча пок Марям демакдир.

⁸⁹⁶ **Дайр** — монастырь демакдир.

⁸⁹⁷ **Ибодийлар** — христианликка даъват этган араб қабиласи.

⁸⁹⁸ Яъни жумаларда байрам қилмайдилар.

⁸⁹⁹ Милодий 842—843 йил.

⁹⁰⁰ **Ҳаниф** — обид, **васоний** — бутпараст демакдир. **Ҳаррон** — ташна киши маъносини билдиради. Шомдаги бир шаҳар номи ҳам Ҳаррон бўлиб, Зардушт шу ерда туғилган.

⁹⁰¹ **Муҳаммад ал-Ҳошимий** — IX асрда яшаган астролог.

⁹⁰² И. ва Л.да «Ҳаррон тепасида намоз ўқилади» дейилган.

⁹⁰³ 3. да **узумлар** (اعناب) сўзи **ҳайитлар** (اعياد) деб ёзилган. Бу нотўғри ва ҳеч қандай маъно бермайди. Русча таржимада шунга суянилган. Биз И. ва Л. га асосландик.

⁹⁰⁴ **Урус дақойиқ** — элементларни никоҳлаш демакдир.

⁹⁰⁵ **Амид дуруно** — уйларимизнинг устунлари демакдир.

⁹⁰⁶ **Кўш жасадли буржлар** деб астрологияда Эгизак, Қавс, Ҳут, Узро буржларига; **ҳаракатчан буржлар** деб Ҳамал, Саратон, Мезон ва Жадий буржларига айтилади.

⁹⁰⁷ Христиан ва яҳудийлар.

⁹⁰⁸ Бу ойлар номларининг маъноси юқорида баён этилган. Масалан, «муҳаррам ҳаром қилинган» демакдир.

⁹⁰⁹ **Раби** деб ҳозирги вақтда баҳорга айтилади.

⁹¹⁰ **Сайф** — ёз.

⁹¹¹ **Қайз** — иссиқ.

⁹¹² **Абу Жаъфар Муҳаммад ал-Бағдодий** — VIII асрда яшаган арабийнавис олим.

⁹¹³ **Думат ал-жандал** — Арабистондаги жойлардан бирининг номи. Қуйида зикр қилинган бозорлар ўтказилган бошқа жойлар ҳам Арабистонда жойлашган.

⁹¹⁴ **Хазрамавт** — Жанубий Арабистондаги вилоят.

⁹¹⁵ **Укоз** — Арабистон яриморалининг шимолидаги воҳа.

⁹¹⁶ **Тавба сураси**, 38 (36)-оят.

⁹¹⁷ **Бақара сураси**, 197-оят.

⁹¹⁸ **Эҳром** — ҳаж қилувчилар (хотинлар ҳам) муқаддас жойларга қадам босишдан олдин маълум жойда тўхтаб ювинадилар. Кийимларини киймай, белгача махсус лунги ўрайдилар, елкаларига ҳам лунги ташлаб оладилар. Шунинг эҳром боғлаш деб аталади. То Каъбани тавоф қилиш ва Арафотга чиқиш маросимлари ўталгунча ҳожилар эҳромда юрадилар. Эҳром боғлаш учун маълум кун белгиланмаган, лекин ҳар бир мамлакатдан келган ҳожилар учун эҳром боғлашга ажратилган махсус жойлар бор. Фақат ҳожилар эмас, маккаликлар ҳам шаҳардан ташқари чиқса, қайтиб киришда эҳром боғлаб киради, кейин ўз кийимида юраверади.

⁹¹⁹ **Тавба сураси**, 2-оят.

⁹²⁰ **Қурбон ҳайити кунини** — зулҳижжа ойининг 10-кунидир.

⁹²¹ **Ошуро** — ашара (ўн), тосуо — тосиа (тўққиз) сўздан олинган.

⁹²² Сайрафий таржимасида «рўза тутадилар» дейилган. Бу тўғри бўлса керак, чунки Сайрафий эронликлар урф-одатини яхши билган.

⁹²³ Алининг ўғли Ҳусайн 10 муҳаррам 61 ҳижрий йили (680 йил 10 октябрь) ўлдирилган.

⁹²⁴ Шу ерда **охир** (آخر) сўзи ўрнига **ахйар** (اخير) энг яхши сўзи бўлиши керак эди. Шунда „сиз миллатларнинг энг яхшиси эдингиз“ деган маъно чиқади. Қуръонда „Инсонларга кўрсатилган миллатларнинг яхшироғи эдингиз“ (Оли имрон сураси, 110-оят) дейилган. Ақилнинг қизи шу оятни эслатмоқчи бўлган бўлиши керак.

⁹²⁵ **Жудий** — 89-изоҳга қаранг.

⁹²⁶ **Асҳоб фил** ҳақида 158-изоҳга қаранг.

⁹²⁷ **Аҳмад** — Муҳаммаднинг осмондаги оти. Бу ерда Муҳаммаднинг қизи Фотима томондан авлоди бўлган Али авлодларидан ўч олмасам демоқчи.

⁹²⁸ **Бадр** — Мадинанинг жануби ғарбида жойлашган қишлоқ. Бу ерда ҳижрий 11 йили Муҳаммад билан маккаликлар орасида жанг бўлади. Маккаликлар тепасида келгусида умавийлар халифалари бўлган умавий қабиласи бошлиқлари турган эди. Жанг Муҳаммад тарафдорларининг ғалабаи билан тугайди. Буларнинг кўпчилиги хазражийлар қабиласига тегишли бўлиб, кейинчалик умавийлар уларни таъқиб остига оладилар.

⁹²⁹ «Қомус ал-аълом»да Ҳусайннинг Қарбалода дафн этилгани ёзилган.

⁹³⁰ Зиёрат қилиш бевосита дафн қилинган кунининг ўзида бўлмай, кейинги йиллардан бирида ўша кунини бўлган бўлиши керак.

⁹³¹ Кўк ранг шиаларнинг белгиси эди. Халифа ал-Маъмун ўз подшоҳлигининг аввалги даврларида шиаларга мойил бўлган ва буни нэҳор этиш учун кўк кийим кийиб юрган эди.

⁹³² Шу ерда 3-да узилиш бор. Қўшимча нусхадан тўлдириб, бетлари қўйиб борилади.

⁹³³ **Тавба сураси**, 40 (41)-оят.

⁹³⁴ **Қусуф** кўплиги қусуфот — Қуёш ва Ой тугилиши.

⁹³⁵ **Нумудор** — маълум бир толе учун «кўтарилаётган бурж»ни аниқлаш усули.

⁹³⁶ 11-да бу сўздан кейин қуйидагилар ёзилган. Абу Райҳон бу мақолни бир шоирнинг Ойша ҳақидаги ушбу шеърдан олган: «у [Ойша] икки бадбахт [Зубайр ибн ал-Авм ва Талха ибн Убайдуллоҳни кўзда тутса керак] билан келди. Аскарларни Басрага жўнатарди. Гўё у, бу ишда «ўз болаларини емоқчи бўлган мушук эди».

⁹³⁷ **Фотима Заҳро** — гўзал Фотима демакдир. Бу пайғамбарнинг қизи бўлиб, одатда эгизак туғилган қизларга қўйилганидек, икки қизнинг исми эмас, бир кишининг исмидир.

⁹³⁸ **Сиффин** — Фурот дарёси бўйидаги жой бўлиб, бу ерда Али билан Муовия ўртасида 37 ҳижрий йили сафар ойи бошида (657 йил июлда) учрашув бўлган. Шунинг учун одамлар сафар ойида сафарга чиқмасликка ҳаракат қилганлар. Беруний эса бу воқеани ражаб ойида юз берган деб кўрсатяпти.

⁹³⁹ **Қуръон**, сод сураси, 25 (24)-оят.

⁹⁴⁰ Бу қуръон исро сурасининг 1-оятда кўрсатилган. **Масжид ҳаром (Муқаддас масжид)** — Маккада, **Масжид ақсо (Энг узоқ масжид)** Байтулмуқаддасдадир.

⁹⁴¹ Ҳозиргача Ҳасан билан Ҳусайн бир кунда туғилган деб келинади ва бир кунда туғилган эгизакларга шундай исм берилади. Ҳақиқатда бундай эмас «Нур ал-абсор» китобида (113-бет) Ҳасан 3-ҳижрий йили рамазон ўртасида туғилди (625 йил февраль), дейилган. Фотима Ҳасан туғилгандан 50 кун кейин Ҳусайнга ҳомиладор бўлган ва у 4-ҳижрий йили шаъбоннинг 5-куни (626 йил 11 январь) туғилган дейилган. («Нур ал-абсор», 120-бет). Бошқа манбаларда ҳам буларнинг турли вақтда туғилганлиги кўрсатилади. Демак, бир кунда туғилмагани аниқ. Беруний бу ерда Ҳасанин шаъбоннинг бешинчисида, Ҳусайни эса кейинги йил шу ойнинг учинчисида деб кўрсатапти.

⁹⁴² Бақара сураси, 149 ва 150-оятлар.

⁹⁴³ Қўштирноқ ичидаги сўзлар бақара сурасининг 149 (148)-оятда берилган. Беруний бу ерда оятни ўз иборасига киргизиб, «иқтибос» йўлини тутган.

⁹⁴⁴ Бақара сураси, 115-оят.

⁹⁴⁵ Шу ердан бошлаб яна 3. бўйича таржима қилинган.

⁹⁴⁶ **Ҳадича** — пайғамбарнинг биринчи хотини.

⁹⁴⁷ **Абдураҳмон ибн Мулжим** — IV халифа — Алининг қотили. У 41 йил 17 рамазон (милодий 661 йил 14 январда) Алининг миясига уриб ярадор қилган, натижада Али 21 рамазон кун, яъни 18 январда вафот этган.

⁹⁴⁸ Милодий 623—624-йиллар.

⁹⁴⁹ **Али ибн Муҳаммад ал-Бурқуий** — ўз мавқеини кўтариш мақсадида ўзини халифа, Али авлодларидан қилиб кўрсатиб, исломнинг биринчи йилларида ҳокимият учун курашганлардан бири.

⁹⁵⁰ **Ал-Ҳасан ибн Зайд** — IX аср иккинчи ярмида Табаристон ҳокими бўлган.

⁹⁵¹ Ҳуд сураси, 32—33-оят. Бу эпизод Низомий Арузийнинг «Чаҳор мақола», асарига ҳам киритилган. Лекин у ерда мазкур мактубни Валий ад-давла Абу Аҳмад Халаф ибн Аҳмад эмас, балки Олптагин шоир Искофий орқали ёздириб Нуҳга юборди (қаранг: *نظامی عروضی سمرقندی چهار مقاله* Техрон, 1956, 23—25 - бетлар, русча таржимаси, М., 1963, 40—42-бетлар).

⁹⁵² **Қадр кечаси (Лайлатулқадр)** ҳақида қуръоннинг қадр сурасида эслатилади. Қуйида келтирилган икки оят шу сура оятларидир.

⁹⁵³ **Фурқон** — Қуръон номларидан бири бўлиб, «Икки нарсанинг орасини ажратувчи», «фарқ қилувчи» маъноларини билдиради.

⁹⁵⁴ Анфол сураси, 40 (42)-оят.

⁹⁵⁵ Охирги жумла Идан таржима қилинди.

⁹⁵⁶ **Мубоҳала** — бир-бирини лаънатлаш. Бу қуръон ол-Нимрон сурасининг 61-оятда келтирилган.

⁹⁵⁷ **Уҳуд** — Макка яқинидаги бир тоғ. Уҳуд жанги ҳижрий 3-йил (624 йил)да бўлган. Беруний келтираётган маълумотга кўра шаввол ойининг ўн еттинчисида бўлган.

⁹⁵⁸ Қуръон, саффот сураси, 142 (143)-оят.

⁹⁵⁹ Қуръон, бақара сураси, 127 (128)-оят.

⁹⁶⁰ Аъроф сураси, 142 (143)-оят. Оят орасига Беруний «у зулқаъданинг кечалари» сўзини қўшиб юборган.

⁹⁶¹ **Тарвия** — сувга қондириш демақдир.

⁹⁶² Беруний қуръон тавба сурасининг 20 (21)-оятини ўзлаштириб берапти.

⁹⁶³ Аъроф сураси, 153-оят.

⁹⁶⁴ **Арофат** — Макка яқинидаги тоғ. Қурбсан ҳайитдан бир кун илгари, яъни арафа кунини ҳожилар шу тоққа чиқадилад.

⁹⁶⁵ **Арафа** сўзининг маъноси **билиш, танишиш** демақдир.

⁹⁶⁶ Бу қуръон саффот сурасининг 107 (108)-оятда қайд қилинган.

⁹⁶⁷ Мино — Макканинг шарқидаги бир жой.

⁹⁶⁸ Бу жумла арабчада **Ашриқ Собир, кай мо нуғир** бўлиб, русчада таржимасиз қолдирилган. Ваҳоланки, **Муҳит ал-муҳит да (Шарака боби)** бу жумланинг тафсири аниқ кўрсатилган. Собир Макка билан Мино орасидаги тоғ бўлиб, араблар гўштарни қуритиш учун шу тоққа ёйганлар ва унга қараб «Эй Собир, (тезроқ) гўштимизни қурит, юришдан тўхтаб қолмайлик» деганлар.

⁹⁶⁹ **Қуриштиш** ва **Қуёш** чиқиши сўзларининг ўзаги бир бўлиб, шарақа феълдан олинган.

- ⁹⁷⁰ Бақара сураси, 203-оят.
- ⁹⁷¹ **Усмон ибн Аффон** — араб халифаларининг учинчиси, 655 йилда ўлдирилган.
- ⁹⁷² 3-да шу ерда узилиш бор деб кўрсатилган, русчада ҳам шундай дейилган. Мавжуд бошқа нусхалар билан солиштирилганда бу ерда ҳеч қандай узилиш бўлмаганлиги маълум бўлди.
- ⁹⁷³ Бу инсон сураси, яъни 76-сура бўлиб, «ҳал ато?» («келдими?») сўзи билан бошланади.
- ⁹⁷⁴ Яъни кечирим сўраб қилган талабини адо этилгани ҳақида ваҳий келди. Бу қуръон сод сурасининг 24—25-сятларида ҳикоя қилинган.
- ⁹⁷⁵ **Ал-Ҳарра** — Мадина яқинидаги саҳро 683 йили умавийлар тарафдорлари билан уларга душман ва Али тарафдорлари бўлган мадиналиклар орасида жанг бўлган. Али тарафдорларининг кўпчилигини «муҳожирлар», яъни Муҳаммад билан бирга ҳижрат қилган маккаликлар ва «ансорлар», яъни Муҳаммад Мадинага кўчиб келганда унга ёрдам кўрсатган мадиналиклар ташкил қилар эди.
- ⁹⁷⁶ Қуръон, юсуф сураси, 76 (76)-оят.
- ⁹⁷⁷ Беруний эслатиб ўтган китобларнинг кўпчилиги бизгача етиб келмаган.
- ⁹⁷⁸ **Рибот** — юлдузнинг тўхташ, туриш жойи.
- ⁹⁷⁹ **Ал-Дабарон** — Савр буржидаги юлдуз.
- ⁹⁸⁰ Бу ҳақда ушбу китобнинг 314-бетига қаралсин.
- ⁹⁸¹ Икки энг кичик аъзо — тил билан дил.
- ⁹⁸² Сайрафий «Абу Райҳон шу ерда Шамс ал-Маолийни кўзда тутяпти» деб изоҳ берган.
- ⁹⁸³ «Мутаҳаййир ёритқичлар» («Ҳайратда қолган ёритқичлар») деб Зухал, Муштарий, Миррих, Зуҳра ва Уторид айтилади. Бундай дейилишига сабаб, улар биринчи ҳаракат билан келаётган томонлари кун ботарга қараб гоҳ вақтда қайтиб юрадилар. Шу орқага қайтишлари ҳайратда қолганга ўхшайди («Китоб ат-тафҳим», Техрон нашри, 78-бет). Русчада «движущиеся светила» («ҳаракатдаги ёритқичлар») деб нотўғри таржима қилинган.
- ⁹⁸⁴ 279 йил шаввол милодий 892 йил 25 декабрдан 893 йил 23 январгача тўғри келади.
- ⁹⁸⁵ **Аш-Шаратайн** — **Икки Шаратан** демакдир. Бу Ҳамал буржидаги икки ёритқичнинг номи. **Шаратон** сўзи аломат маъносини англатади.
- ⁹⁸⁶ **Зиро** — биллак, чўзим демакдир. Бу узунлик ўлчови бўлиб, 0,5 метрга тенг келади.
- ⁹⁸⁷ **Нагҳ** — шох демакдир.
- ⁹⁸⁸ **Бутайн** — қоринча.
- ⁹⁸⁹ **Нажм** — юлдуз ва ер бағирлаб ўсувчи (қовун, печак каби) ўсимликлар.
- ⁹⁹⁰ **Дабараон** сўзи дабара феълидан бўлиб, кейин келиш, эргашш маъносини билдиради.
- ⁹⁹¹ **Муҳдиж** — нуқсонли бола туғувчи.
- ⁹⁹² **Асад** — шер.
- ⁹⁹³ **Аз-Зиро** — эгизаклар буржидаги иккита юлдуз.
- ⁹⁹⁴ **Калб ал-Мутақаддим** — прокион юлдузи.
- ⁹⁹⁵ **Ал-Лаҳо** — тилча.
- ⁹⁹⁶ **Ат-Тарф** — Асад буржидаги иккита юлдуз.
- ⁹⁹⁷ **Ал-Жабҳа** — пешона. Асад буржидаги тўртта юлдуз.
- ⁹⁹⁸ **Раъода** — қалтировчи.
- ⁹⁹⁹ **Аз-Зубра** — Асад буржидаги иккита юлдуз.
- ¹⁰⁰⁰ **Хуртайн** — иккита тешик.
- ¹⁰⁰¹ **Ас-Сарфа** — Асад буржидаги битта юлдуз.
- ¹⁰⁰² **Ал-Авво (Ҳурувчи)** — Азро буржидаги бешта юлдуз.
- ¹⁰⁰³ **Симок ал-Аъзал (Қуролсиз Симок)** — Азро буржидаги юлдузлар туркумидан бири.
- ¹⁰⁰⁴ **Сунбула** — бошоқ демакдир.
- ¹⁰⁰⁵ **Зафира** — ўрилган соч.
- ¹⁰⁰⁶ **Ал-Ғафр** — Азро буржидаги учта юлдуз.
- ¹⁰⁰⁷ **Аз-Зубона** — Мезон буржидаги иккита юлдуздир.
- ¹⁰⁰⁸ **Забн** — улоқтирмақ, итармоқ.
- ¹⁰⁰⁹ Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-улум»да кўрсатишича, Иккидан кейин «Қалб» номли манзил бўлиши керак, лекин бу ҳеч қайси нусхада кўринмади.
- ¹⁰¹⁰ **Аш-Шавла (Юқорига кўтарилган)** — Ақраб буржидаги иккита юлдуз.

- 1011 **Ан-Наойим** (Туяқушлар) — Қавс буржидаги саккизта юлдуз.
- 1012 **Ал-Балда** — «икки қош оралигидаги бўш жой» маъносини билдиради.
- 1013 **Саъд аз-Зобиҳ** (Суувчининг бахти) — Жадий буржидаги иккита юлдуз.
- 1014 **Саъд ал-Булаъ** (Ютиб юборувчининг бахти) — Далъ буржидаги иккита юлдуз.
- 1015 **Қуръон**, худ сураси, 44 (45)-оят.
- 1016 **Саъд ас-Сууд** (Бахтлар бахти) — Далъ буржидаги учта юлдуз.
- 1017 **Саъд ал-Ахбият** (Чодирлар бахти) — Далъ буржидаги тўртта юлдуз.
- 1018 **Биринчи Фарғ** (Биринчи томоқча) — Катта от буржидаги иккита юлдуз. Қуйида эслатилаётган «Юқориги тахтача» сўзи сув сачраб кетмасин деб челақка бир-бирининг устига бутсимон қилиб солиб қўйиладиган иккита тахтачанинг юқоригиси.
- 1019 **Иккинчи Фарғ** (Иккинчи томоқча) — Катта от ва Андромеда (Эр кўрмаган занжирбанд аёл) буржидаги иккита юлдуз.
- 1020 **Батн ал-Хут** (Балиқ қорни) — Андромеда буржидаги бир юлдуз.
- 1021 **Ришо** — Лента.
- 1022 **Эр кўрмаган занжирбанд аёл** — Андромеда буржи.
- 1023 **З.да ити** дейилган, русча ҳам шундай. И.да **Икки ити** ёзилган. Биз шунга асосландик.
- 1024 **Анисайн** — Иккита Аниса демақдир.
- 1025 **Қутб** стереографик проекцияси кўзда тутилмоқда.
- 1026 **Абу Ҳомид ас-Сағоний** — астроном ва астрономик асбобларни ясаган киши.
- Х аср** иккинчи ярмида Бағдодда вафот этган.
- 1027 **Устувоний** — цилиндр шаклидаги.
- 1028 **Ноқис парчалар** — эллипслар.
- 1029 **Кўрсатилган жадвални тузиш вақтидан ҳозирги вақтгача ўтган жараён натижасида** юлдузлар оралигининг ўзгаришини ҳисобга оламиз.
- 1030 **Яъни** раднусларни.
- 1031 **Кейинги жумла И. ва Л.дан** тўлдирилди.
- 1032 **Қуръон**, исро сураси, 84 (85)-оят мазмуни.
- 1033 **Анфол** сураси, 42 (44)-оят.

КЎРСАТКИЧЛАР

ШАХСИЙ НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

- Абасилитис I 120
 Абасилитис II 120
 Ал-Аббос 163, 177
 Абдо (авлиё) 367, 369
 Абдун ибн Ҳилол 110
 Абибо 334
 Абдулкарим ибн Авжоний 102
 Абдулкарим ас-Самъоний 5
 Абдулкарим ибн ал-Фазл 175
 Абиё ибн Рабаом 111
 Абимилик ибн Жизъун 110
 Абдулкаъба 164
 Абдуллоҳ ибн Аббос 253
 Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдодбиҳ 78
 Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб (Муҳаммад-нинг отаси) 75, 319
 Абдуллоҳ ибн Абий Сарх 167
 Абдуллоҳ ибн Али (астроном) 32, 299
 Абдуллоҳ ибн Будайл 167
 Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр 170, 390, 391
 Абдуллоҳ ибн Исмоил ал-Ҳошимий 234
 Абдуллоҳ ибн Муътаз 175
 Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффа 128
 Абдуллоҳ ибн ал-Муқтафий, аббосий ҳалифаси 175
 Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббос 172
 Абдуллоҳ ибн Омир 168
 Абдуллоҳ ибн Саъд ибн Абу Сарх 168.
 Абдуллоҳ ибн Хозим 168
 Абдуллоҳ ибн Шуъба 246
 Абдуллоҳ ибн Ҳилол 76
 Абдуллоҳ ибн Ҳоруи ар-Рашид 173
 Абдулмалик ибн Марвон 170
 Абдулмасиҳ ибн Исҳоқ ал-Киндий 234
 Абдулмутталиб 158
 Абдураззоқ ат-Тусий 74
 Абдурахмон ибн Мулжим ал-Муродий 169
 Абдуссамад ибн Али 253.
 Абдушамс ибн Яшжуб ибн Яъруб ибн Қактон, қ. Ҳимяр ибн Сабо.
 Абибо 334
- Аби Милик ибн Жизъун 110
 Абраҳа ибн ал-Ҳорис 151
 Абраҳа ибн ас-Сабоҳ 152
 Абсун 110
 Абу-л-Аббос Маъмун II ибн Маъмун 8, 173
 Абу-л-Аббос ал-Омулий 85, 294
 Абу-л-Аббос Тош ал-Ҳожиб 178
 Абу-л-Аббос Фазл ибн Ҳотим ат-Табризий 186
 Абу Абдуллоҳ ал-Адий 249
 Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад 72
 Абу Абдуллоҳ ас-Содиқ 101, 102
 Абу Абдуллоҳ ал-Ҳусайн ибн Иброҳим ат-Табарий ан-Нотилий 116, 117, 173
 Абу Али Иброҳим 250
 Абу Али ибн Низор 76
 Абу Али Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Балҳий 128
 Абу Али Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим 178
 Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино 5, 8, 19, 301
 Абу-л-Амр 268
 Абу Аъвар ас-Суламий 168
 Абу Аҳмад ал-Муваффақ 174
 Абу Аҳмад Ҳорис ибн Аҳмад 178.
 Абу Бакр Муҳаммад ибн Дурайд ал-Азлий 97, 98
 Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий 298
 Абу Бакр Сиддиқ (халифа) 159, 162, 164, 245, 389, 391
 Абу Бакр ас-Сулий 67
 Абу Бакр Ҳусайн Таммор 298
 Абу-л-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бузжоний 61
 Абу Жаббор 102
 Абу Жаъфар ал-Мансур 314
 Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Сулаймон 102
 Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Бағдсий 384

- Абу Жаъфар Муҳаммад ал-Хусайн ал-Ҳозин 230, 355, 356
 Абу Жаъфар ал-Ҳозин 303, 383
 Абу Исмаил 115
 Абу Исо ал-Варроқ 321, 327, 328
 Абу Исо ал-Исфажоний 52
 Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳилол ас-Сабий 74
 Абу Исҳоқ ибн ал-Хусайн 178
 Абу Қариб ан-Нуъмон ибн ал-Ҳорис 77, 155
 Абу Қариб Шаммар Юрғиш ибн Ифриқис Ҳимарий 152
 Абу Коллинжар Марзубон ибн Фанно Хусра 178
 Абу Малик ибн Шаммар 152
 Абу Мансур ибн Абдураззоқ 139
 Абу Мансур Бахтиёр ибн Абу-л-Ҳасан 178
 Абу Мансур Бисутун ибн Вашмгир 178
 Абу Мансур Бувайҳ ибн ал-Ҳасан 178
 Абу Мансур Олп Арслон ал-Болавий 178
 Абу Маъшар ал-Балхий 27, 61, 62, 115, 116, 183, 184, 222, 234, 389, 403
 Абу Муслим 240, 246
 Абу Муслим Абдурахмон ибн Муслим 393
 Абу Мусо ал-Ашъарий 66, 167
 Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Қутайба ал-Жабалий 16, 25, 283
 Абу Муҳаммад ал-Жабалий 397
 Абу Муҳаммад Жаъфар ал-Фазорий 401
 Абу Муҳаммад ан-Нонб ал-Омилий 49
 Абу Муҳаммад ибн Ҳамдон 178
 Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Али ибн Нонно 74
 Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ 6—8, 17, 23, 215
 Абу Наср Хурра Фируз ибн Фанно Хусра 178
 Абу Нувос 314
 Абу Равҳ 335
 Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний 5—18, 20—26, 31—33, 76, 181
 Абу Саид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ироқ 287
 Абу Саид ибн Шозон 115
 Абу Саъд Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдужалил ас-Сижзий 79, 263
 Абу Саҳл Вижон ибн Рустам Қуҳий 222
 Абу Саҳл Исо ибн Яҳъё ал-Масихий 7, 8, 98
 Абу Сумома Жунода ибн Авф ибн Умайя ибн Қала ибн Аббод ибн Қалла ибн Ҳузайфа 48, 245
 Абу Суфён 160, 161
 Абу Толиб 158, 159
 Абу Толиб Рустам ибн Али 178
 Абу Тоҳир Сулаймон ибн Абу Саид ал-Ҳасан ибн Баҳром ал-Жаннобий 248, 249
 Абу Убайл ал-Жарроҳ 164, 166
 Абу Умайя 161
 Абу Усмон ал-Жоҳиз 18, 270
 Абу-л-Фаворис Бектузун ал-Ҳожиб 178
 Абу-л-Фаворис ибн Фанно Хусра 178
 Абу-л-Фазл Байҳақий 8
 Абу-л-Фараж аз-Занжоний 24, 80, 145, 146, 254, 275, 377
 Абу-л-Фараж Иброҳим ибн Аҳмад ибн Халаф аз-Занжоний 138—140
 Абу Шамир Жабала ибн ал-Ҳорис 155
 Абу Шожоз Фаннохусра ал-Ҳасан 178
 Абу Яъфур ибн ал-Қама аз-Зумайлий 156
 Абу Яҳъё ибн Куноса 305, 397, 408, 409
 Абу Қобус ан-Нуъмон ал-Мунзир ибн ал-Мунзир 156
 Абу-л-Қосим Али ибн Аҳмад ат-Тоҳирий 264
 Абу-л-Қосим Муҳаммад ибн Иброҳим 178
 Абу-л-Қосим Муҳаммад ибн Сабуктагин 178
 Абу-л-Қосим Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдодбих 290
 Абу-л-Қосим Убайдуллоҳ ибн Сулаймон ибн Ваҳб 68
 Абу Қуллол ибн Мусоввиб 152
 Абу Ҳанифа ал-Динаварий 397, 409
 Абу Ҳарб ал-Ҳабаший ибн Абу-л-Хусайн 178
 Абу-л-Ҳасан Али ибн Ҳамдон 178
 Абу-л-Ҳасан Аҳмад ибн Бувайҳ 178
 Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Иброҳим 178
 Абу-л-Ҳасан Озархурой Яздонхасис 80, 128
 Абу Ҳафс 164
 Абу-л-Ҳасан Фоиқ ал-Хосса 178
 Абу Ҳомид ас-Сагоний 222, 419
 Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн ал-Хусайн ал-Аҳвазий 333, 336
 Абу-л-Хусайн ас-Суфий 397, 417, 420
 Авви 370
 Авво 372
 Август 64, 65, 123, 183, 185, 224
 Август ибн Южис 31, 85
 Август (Ирина) 125, 222
 Аврилиян 124
 Авс ибн Қаллом ибн Бутайно 155
 Авфонивус 121
 Адди (авлий) 370
 Аддий ибн Зайд (шоир) 157
 Аднон 75
 Адриенус 123
 Азариё 342
 Азуд ал-давла 276
 Айрон 130
 Айхуд ибн Гиро 110
 Айноб 339, 387
 Ал-Айҳам ибн Жабала 155
 Ал-Айҳам ибн Жабала ибн ал-Ҳорис ибн Абу Шамир 155
 Ал-Айҳам ибн ал-Ҳорис 154
 Акбар Доно Сиринг Сайрафий 13, 20, 34
 Акрогонос 119
 Али ибн Абу Толиб 93, 101, 158—160, 162,

- 169, 225, 293, 340, 386, 391—
395
- Али ибн ал-Котиб 314
Али ибн Аҳмад ибн Талха 174
Али ибн Бувайҳ 177, 178, 249
Али ал-Жаҳм 293
Али ибн Муҳаммад ибн Абдуллаҳ ибн
Абдулқайс 393
Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исо 393
Али ар-Ризо ибн Мусо ал-Қозим 392
Али ибн Яхъё 68, 69, 333
Алтодус 118
Алюн 126
Амарос ал-Ҳабаший 121
Ал-Амин 173
Амиртаюс 122
Аммуний 237
Аммун ибн Маншо 110
Амонофутос 121
Амосис 122
Амр ибн Адий 155, 157
Амр ибн Жабала 155
Амр ибн Жафна 154
Амр ибн ал-Мунзир ибн Моас 156
Амр ибн ан-Нуъмон 154
Амр ибн ал-Ос 166, 167
Амр ибн Рабаи 69
Амр ибн Рақош Малик 157
Амр ибн Тубба Мувсабон 152
Амр ибн Яхъё (Амр ибн Рабаи) 69
Амр ибн Ҳинд ибн Имру ул-Қайс 155
Амр ибн ал-Ҳорис 154
Амунтус 118
Амусиё ибн Ёввош 111
Анастасия 334
Анастос 126
Анастос Атлимус 125
Андрей (шаҳид) 335
Андрей Ҳаворий 335
Анистос 125
Анна (Марямнинг онаси) 344
Анон — Дониёл ибн Шовул ибн Анон ибн
Довуд 93, 94
Антанин (Совистий X) 124
Антиох 322
Антлис 126
Антоний 124, 182
Антонин 124, 185, 225, 335, 337
Антонина 65
Антунин 124
Анушжон 153
Анушервон 158
Анушервон ибн Қубод 144, 146, 148, 156,
157, 243, 244, 390
Ануш ибн Шис 107, 235, 382
Ал-Анқафин 370
Арасту (Аристотель) 74, 212, 261
Арбот ибн Сахм 153
Арбоқ 119
Ардавон 139
Ардавон ибн Ашқонон (катта) 138
Ардавон ибн Балашон 137, 138
Ардавон ибн Нарсий 137
- Ардавон (кичик) 139
Ардавон (охирги) 138, 139
Ардашир 23, 24, 134, 140, 147, 149
Ардашир ибн Ахшверш 135
Ардашир Баҳман 74, 135
Ардашир ибн Бобак 63, 68, 127, 136, 141,
142, 144—147, 155, 240—242,
268
Ардашир (Доро иккинчининг ўғли) 135
Ардашир ибн Шируя 143—146, 148
Ардашир (Қаёвоний) 134
Ардашир III 135
Ардашир (Шопур биродари) 147, 270
Ардашир ибн Хурмуз 142, 144—146
Ариб ибн Қатан (Зу-Нувос) 152
Арий 336, 338
Аримос 118
Аристотель 8, 281
Арита 126
Аринос 118
Ариқинув 120
Ариғабал 120
Армомитрис 118
Арсамух ибн Бузгор ибн Хомгорий 71
Арсений 342
Арсис ибн Охус 135
Артахшаст 235
Артахшаст I 121
Артахшаст II 121
Арфахшад ибн Сом 107
Арфахшот 120
Арш 259
Арқодий ибн Сидус 126, 339
Арқодий (ибн Совдус) 124
Арғув ибн Фолиғ 108, 120
Ал-Асадий 404
Асахурис 121
Ал-Асвод ибн ал-Мунзир ибн ан-Нуъмон
156
Аскажмук ибн Азкожвор ибн Сабрий 71
Асниёл 109
Аснүс 58
Асор 124
Асоросун 121
Асоротун 121
Асридину 120
Астироқ ибн Ниқифур 125
Астофиносис 121
Ал-Асфар 123
Асфиён 265
Асфор ибн Шеруя 75
Асфоратус 118
Асфорус 118
Асъяд ибн Амр ибн Рабаи ибн Молик 77
Асъяд (Туббаъ) 133
Асқантидус 118
Аталиё 111
Атниёл ибн Қиноз 110
Атракис 76
Афанасий 339, 342
Афлотун (Платон) 234, 236
Афридун (пок) 130, 133—135, 150

- Афридун ибн Асфиёнгов 131
 Афридун ибн Яздижард 142, 261, 262, 265, 266, 269, 275
 Афровак ибн Сиёмак ибн Мишо 131
 Афросиёб 131, 133, 257, 259, 260
 Афротонуус 119
 Афротус 119
 Афгуршоҳ 136, 139
 Афгустас 122
 Ахнуҳ ибн Ярид 107
 Ахоз ибн Юсот 111
 Ахус 121
 Ахшверш ибн Доро 135
 Ахидашир ибн Ахшверш 135
 Ахшияруш 121
 Ахшиярш 118
 Ахшурш 323
 Ашк ибн Ашк 137, 139
 Ашк ибн Ашк ибн Ашк 137
 Ашк ибн Ашкон 136—138
 Ашк ибн Балаш 137
 Ашк ибн Доро 138, 139
 Ашмиърам 118
 Ақил ибн Абу Толлб 387
 Ал-Ақран ибн Абу Малик 152
 Ағлуи 110
 Ағлодимун 234, 382
 Аҳваз (пайғамбар) 326
 Аҳзиё ибн Яҳуролр 111
 Аҳмад ибн Жаъфар 174
 Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Жаъфар ал-Муқтадир 176
 Аҳмад ибн Мусо ибн Шоқир 87
 Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Муқарри 34
 Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Шихоб 229
 Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳоруи ар-Рашид 173
 Аҳмад (пайғамбар Муҳаммаднинг иккинчи оти)
 Аҳмад ибн Саҳл ибн Ҳошим ибн ал-Валид 64
 Аҳмад ибн Таййиб ас-Сарахсий 177, 239
 Аҳмад ибн Талха 67, 174
 Аҳмад ибн Талха ал-Муътазид биллоҳ 67
 Аҳмад ибн Форис 399
 Аҳиқом 319
 Ал-Аҳнаф ибн Қайс 168
 Аҳраман 127, 128

 Баловус 118
 Баломис 59
 Балоҳус 118
 Балош ибн Ашқонон 138, 139
 Балош ибн Фируз 137, 138, 142, 144—146, 148
 Балолаш ибн Шопур 138
 Балташоссар ибн Увлод 135
 Балхий 128
 Барахий (қиссас) 342
 Бараҳмаш 237
 Барсафа (хотирлаш) 366, 372, 374
 Бартольд В. В. 9
 Бархалолтағар 121
 Батлимус ибн Арнаб ал-Мантиқий 122
 Батлимус (метеролог) 288, 290, 295, 305, 311, 317, 318
 Батлимус (Клавдий Птолемей) астроном ва географ 46, 61, 63—65, 199, 193, 213, 383, 384, 404, 406, 407
 Батлимус II (филадилф) 122
 Батлимус III (урғит) 122
 Батлимус IV (филуматур) 122
 Батлимус V (афифан) 122
 Батлимус VI (филуфатур) 123
 Батлимус VII (урғии — Исқандар иккинчи) 123
 Батлимус VIII (Сутир ал-Ҳадидий) 123
 Батлимус XI (Дивнис) 123
 Баҳман 57
 Баҳман ибн Исфандиёр 141
 Баҳофарид ибн моҳ Фурудин 246, 251
 Баҳром ибн Баҳром ибн Баҳром 74, 142, 144, 146, 147
 Баҳром аз-Заҳан 75
 Баҳром ибн Мардоншоҳ 128
 Баҳром ибн Миҳрон ал-Исфохоний 128
 Баҳром ибн Согоншоҳ 145
 Баҳром Чубин 125, 148
 Баҳром ибн Шопур «Зулақтоф» 137—139, 142, 144—147, 242, 243
 Баҳром ибн Яздижард, «Тур» 142, 144—146, 148
 Баҳром ибн Ҳурмуз 137, 139, 142, 144—147
 Баҳром ал-Харавий 128
 Баҳуса 334
 Беленицкий А. М. 7, 9, 10
 Белос (шаҳид) 337
 Биваросф 131, 133, 134, 256, 261, 262, 265, 266, 268, 269
 Бизан ал-Ашқоний 139
 Билибис 120
 Билқис, Ҳаддод қизи 76, 77, 152
 Бинёмни 109, 248
 Биштосф 134, 148, 152, 223, 236—238, 259, 268
 Биҳофарид ибн Ашқонон 138
 Аб-Бобилий 266
 Бобо 234
 Богданов Л. 19
 Бозон ибн Сосон 153
 Болоторис 119
 Болташоссар 121
 Болус 118
 Бороқ 110
 Босил ас-Сақлабий 125, 127
 Бувайҳ — Фано Хусрав ибн Сомон 74, 75, 177, 240
 Буд 241
 Будосаф 233, 235, 241, 243, 251
 Булгаков П. Г. 9, 19
 Булис 123, 332, 345, 370, 372, 374
 Ал-Буркуй 174, 393
 Буруж ибн Нерюн 322
 Бустани Б. 34
 Буханассор 62

- Бухтанассар 54, 57, 63, 73, 120, 121, 132, 135, 149, 183, 184, 223, 235, 319, 321, 322, 326, 342—344, 382
- Бухтнарсий 62
- Ал-Бухтурий 68
- Буқрот 313, 314, 399
- Бухайро ар-Роҳиб 158
- Бўрон. Хусрав Парвиз қизи 143—146, 148
- Бўғрохон 179
- Валволожий 12
- Валентин 126
- Валентинён 124
- Ал-Валид ибн Язид ибн Абдулмалик 170
- Валий ал-Давла Абу Аҳмад Халаф ибн Аҳмад 393
- Валирий (Веюс X) 124
- Валии ибн Марсад 152
- Варвара (III) 335
- Вардоншоҳ 75
- Василий 336
- Вахсув 378
- Ваҳб ибн Абд-Манноб 158
- Ваҳриз бу Хурзод ибн Дорбаҳор ибн Нарсий 153
- Веспасин (подшоҳ) 149, 344
- Вижон (Жувдар ўғли) 260
- Вижон ибн Жамшид 262
- Визак 150
- Вийжан ибн Балаш 137
- Викард 259, 265
- Виталий (шаҳид). 344
- Воил 70
- Волис 234, 382
- Вофрис 122
- Вул 124
- Вортуш қ. Зардушт 237
- Воқий 126
- Гарберс К. 33, 34
- Гедалё (Аҳиқомнинг ўғли) 319
- Гиппарх 17, 24
- Гиршосб 132—134
- Гиршоҳ 60
- Гилшоҳ 128
- Григорий (мўъжизалар) 334
- Григория Навсий 334
- Григорий (ускуф) 345
- Гўларз ибн Шопур ибн Афғуршоҳ 344
- Гулямов Я. Г. 14
- Дабур (хотин пайғамбар) 110
- Даврон 369
- Ал-Дажжол 248, 251
- Дайлафатон 379
- Дамисин 343
- Даниёл 52, 53
- Даруклус 119
- Дақлтиёнус 20, 65, 122, 124, 182, 185, 225
- Дақойиқ 379
- Дақтитир 86
- Даҳ — Ок 119
- Диадор 370
- Дивнисюн (усқуб) 332
- Димоқрит 288—301, 304—305, 311—318
- Ал-Динаварий (Абу Ҳанифа) 397, 409
- Диоклетнан 20
- Дионисий 342
- Диусфулито 121
- Дмитёнус 123
- Довуд (пайғамбар) 58, 64, 93, 110, 119, 320, 355, 392, 393
- Додишув 342
- Домсий (шаҳид) 343
- Домноно 334
- Дониёл 53—55, 111, 346
- Дорийкуруш 135
- Дорнус ибн Арсик 121, 122
- Дорнус биринчи ал-Модий 121
- Доро 64, 127
- Доро ибн Ардашир Баҳман 132—134
- Доро ибн Доро 26, 73, 74, 132—134, 238
- Доро иккинчи 135
- Доро ал-Моҳий (биринчи), бу Дорийдир 135
- Доро (Эрон подшоҳларининг охиргиси) 135
- Доруқлус 119
- Досисос 289—317
- Доқё 124
- Дусар ибн Манучеҳр 236
- Дурон 367
- Евистафий (шаҳид) 344
- Евклид 6
- Евонис («Олтин оғизлик» лақаби) 337
- Евсевий 348, 357
- Евфифия (шаҳид) 344
- Елена (Қустантин онаси) 339, 344, 366
- Елизавета 339
- Ефимий (роҳиб ва муаллим) 337
- Еақим (Марямнинг отаси) 344
- Еввош ибн Аҳзиё 111
- Еирил Жиллодий 110
- Есир Юньим (Билқиснинг амакиси) 152
- Ефул 135
- Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Қиндий 267
- Ёқуб ибн Ториқ 49
- Ёқуб Яҳудо 52
- Ёқуб Ҳамавий 6—12
- Жабала ибн ал-Айҳам ибн Жабала ибн ал-Хорис ибн Мория 155
- Жабала ибн ан-Нуъмон 154
- Жабала ибн ал-Хорис ибн Абу Шамир 154, 155
- Ал-Жабалий қ. Ибн Қутайба. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муслим
- Жабраил 258, 337, 342, 394
- Жабраил ибн Нуҳ 242
- Жазима ал-Абраш ибн Малик 155
- Ал-Жайҳоний 27, 270, 308, 315, 328, 362
- Жам ибн Вижахон 130—134, 275
- Жамшид 254—257, 264—280
- Жарир ибн Абдуллоҳ 165, 168
- Ал-Жайҳоний 270, 308, 315, 328, 362

- Жафна 151—154
 Жаъфар ибн ал-Муътазид 175
 Жаъфар ибн Муҳаммад ас-Содиқ 99, 229, 230
 Жафна ибн ал-Мунзир ибн ал-Ҳорис 154
 Жафна ибн Амр 154
 Жаъфар ибн Ҳорун 173
 Жаҳжабо ибн Атиқ 155
 Жизъун ибн Афро 110
 Жилосий (шаҳид) 335
 Жолинус (Голен) 20, 24, 124, 267, 281, 285, 288, 340
 Жомосб ибн Фируз 143, 146, 238, 249, 268
 Жувдар ибн-Ашконнион 138, 139
 Жувдар 139
 Жувдар ибн Вийжан ибн Балаш 137, 260
 Жувдар ибн Вийжан ибн Шопур 137
 Журдиён (подшоҳ) 124

 Заббо бинт Малик 155
 Завъ ибн Таҳмосф 262
 Аз-Зажжок 262, 269, 406, 407
 Зайд ибн Али 389
 Зайд ибн Ҳорис 159
 Зайнаб Жаҳш қизи (Зайнаб) Ҳузайма қизи 161, 162
 Закариё (пайғамбар) 342, 344, 387
 Золеман К. Г. 19
 Заратушра қ. Зардушт 51
 Зарбобил 53
 Зардушт 63, 81, 82, 132, 141, 148, 149, 233, 241, 243, 265, 280, 382
 Зардушт ибн Сафид 236—238, 246, 249, 251, 256, 258
 Захидов В. Ю. 14.
 Заҳҳок 71, 119, 131
 Зенун ал-Арминоқий 125, 126
 Зикриё ибн Барҳас ибн Аддаво 53
 Зовс 236
 Зоб ибн Таҳмос 132, 139
 Зодвайҳ ибн Фируз 153
 Зодвайҳ ибн Шоҳавайҳ 80, 252, 256, 260
 Зомис ибн Никус 118
 Аз-Зубайр 391
 Аз-Зубайр ибн Жаъфар 174
 Зув ибн Тумосб 134, 135
 Зу-Жадан 153
 Зулаъзор 151
 Зулактоф 142
 Зулманор Абраха ибн ал-Ҳорис 151
 Аз-Зумайлий 156
 Зу-Нувос 153
 Зуррумма (шоир) 401
 Зу Хусбон ибн ал-Акрам 152
 Зушшанотир 153
 Зуязан 77

 Иббарх (Гиббарх) 20, 63, 289—318, 383
 Ибиҳво 324
 Ибн Абу Азоқир 250, 251
 Ибн Абу Закариё ат-Таммомий 248, 249, 251
 Ибн Абу ал-Ҳақиқ 239

 Ибн Абу Усайбиа 34
 Ибн ал-Аъробий 395
 Ибн ал-Бозер 58
 Ибн Дайсон 59, 241
 Ибн Дурайд 77
 Ибн Ёсир 239
 Ибн аз-Зубайр 391
 Ибн Куноса 397, 401
 Жундуб ал-Фазорий 401
 Ибн Мансур 393
 Ибн ал-Муқаффа 128
 Ибн ар-Раққо 400
 Ибн Салуба 164
 Ибн Сурё 239
 Ибн ас-Суфий 407
 Ибн Яқсум Абраҳа ал-Ашрам 153
 Ибн Қутайба, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муслим ал-Жабалий 283
 Иброҳим 150, 334
 Иброҳим (алайҳиссалом) 69, 106, 108, 112, 118, 159, 162, 163, 166, 233, 234, 319, 387, 393—395
 Иброҳим ибн ал-Аттар 387
 Иброҳим ибн ал-Валид ибн Абдулмалик 171
 Иброҳим ибн Жаъфар 175
 Иброҳим ибн ал-Маҳдий 173
 Иброҳим ибн ал-Муқтадир 175
 Иброҳим ибн Муҳаммад 163
 Иброҳим ибн ас-Сарий ас-Зажжож 397
 Иброҳим ибн Синон 383
 Ивли 123
 Игнатий 335
 Идрис 235
 Иез ибн Ғанм 166
 Иззуд-Давла Бахтиёр 113
 Измаил 269
 Ийёс ибн Кабиса ат-Тоний 156
 Ийраж 131
 Ийрак 131
 Ийс 56
 Ийсус ан-Насоро 244
 Илё (Илёс) 339, 343
 Илиё (қоҳин) 58, 110, 143, 376, 379
 Илёс (пайғамбар) 237
 Илун 100
 Илюлив 120
 Илюн ибн Басил 127
 Илюс 238
 Имод ад-Давла 177, 249
 Имрон ўғли Мусо, қ. Мусо алайҳиссалом
 Имруул қайс ибн Амр ибн Ҳинд ал-Мухарриқ 119, 156

 Иоганн Фюкк 19
 Ираж 150
 Ирмиё 322, 344
 Искандар ибн Басил 127
 Искандар Зулқарнайн 23, 26, 29, 51—55, 59, 61, 64, 65, 71, 73, 74—78, 92, 108, 117, 118, 120—122, 127, 132, 136, 140, 141, 146—150, 158, 183—193, 199—204, 221—223, 225, 238, 240—242, 249,

- 261, 267, 287, 314, 331, 338, 346,
347, 350—352, 355, 357, 358, 370,
380, 388, 390, 403, 405, 409, 411
- Искандар ибн Маммо 124
Искандар Румий 137—139
Искандар Бинокор 66
Исмоил ибн Иброҳим 56, 69, 75, 82, 84, 319,
394, 395,
Исмоил ибн Аҳмад 76
Исмоил ибн Кобуш ибн Фиквор 150
Исо Масих 51—55, 58, 59, 65, 111, 124, 150,
238, 241, 243, 244, 250, 297, 331,
335—343, 347, 348, 361—366,
369, 370, 384, 406.
- Исо ибн Нун 110, 293
Исоф (санам) 70
Испаҳбад Марзубон ибн Рустам 243
Исроил 220, 221, 325
Истин 126
Истинён 125
Истир 324
Истироқ ибн Ниқифур 127
Истифон 126
Исфасин 123
Исҳоқ 56, 108, 150, 319
Исҳоқ (шаҳид) 334
Ифрим (муаллим) 110, 337
Ифриқис ибн Абраҳа 151
Ифроим 110
Ифрои 110
Ишмуил 366, 371, 373
Ишмуни 366
Ишъё (пайғамбар) 55, 342, 344
Ихнух 225
- Қаён 133
Қайардашир ибн Баҳман 132, 133
Қайбиштосб ибн Муҳросб 132, 133
Қайковус ибн Қайния 133—135
Қайқубод ибн Зоғ 63, 132—135
Қайлуҳросб ибн Қайважий 132, 133, 256,
259
Қайхусрав ибн Сиёвуш 71, 132—135
Қанака (ҳиндистонлик) 177
Каримов У. И. 11
Карл Гарберс 19
Қаъб ибн ал-Ашраф 239
Қаъб ал-Ахбор 293
Қаъб ибн Луаййа 70
Кеплер 24
Киналдин 120
Ал-Киндий 277, 340
Кинона ибн ар-Рабиъ 239
Киприянан (Усқуб) 334
Кир 339
Кирилл 342
Кирсин 366
Кирсос 366
Ал-Кисравий 146, 147, 261
Кисро (Хусрав) 125
Кисро ибн Кубод 143
- Кисро ибн Фируз 137
Кичик Ловин (IV), катта Қустантиннинг
ўгли 125, 126
Кичик Тубба, Ҳассон ўгли 152
Кичик Қустантин VI, кичик Ловиннинг ўг-
ли 125
- Кови 261
Кокил 266
Қомир ибн Ёфс ибн Нуҳ 60
Константин 65
Коперник 24
Крачковский И. Ю. 6, 12—14
Кренков Ф. 11, 34
Круя (Парвизнинг онаси) 148
Кузмо 334
Ал-Кулсумий 397
Кумдус 124
Куруаш 121
Куруш (подшоҳ) 55, 135
Курш 53, 55, 235
Қуто (роҳиб) 366
Қушон 109
Қуҳий 74
- Лавосотинус 119
Ланфаридис 119
Ланфорус 119
Ламак ибн Матушолик 107, 235
Леонтий 342
Линт 125
Лиюция (шаҳид) 344
Лови 108
Ловий ибн Қустантин 126
Ловин ибн Суфил ибн Мнхонл 125
Ловин (Катта) 124—126
Ловин (Кичик) 125, 126
Ловий (V) 125
Лон 78
Лоҳу ибн ад-Дайлаш ибн Босил 75
Лудд 248
Лут (пайғамбар) 109, 323
Луқмон 151
Луқо 58, 59, 334, 342, 361
Луҳросб 134, 160
- Мажуж 73, 77
Маздак Қубод ибн Фируз 243, 251
Маздам ибн Ҳамдодон 243, 244, 247, 251
Маймун ибн Мнхрон 65
Маймуна Ҳорис қизи 162
Максим (роҳиб) 337
Максимён 124
Ал-Малик ал-Муайяд 179
Маликикарнб ибн Тубба (Малик Қалъ. Ка-
риб) 152
Малик ибн Фаҳм 153, 155, 157
Малҳиёна (Момо ҳаво) 27, 128
Малҳий (Одам) 27, 128
Ал-Мансур 102, 179
Маншо ибн Ҳизкиё 111
Манучеҳр 131—134, 236

- Манхолус 118
 Ал-Марварузий 193
 Марвон ибн Муҳаммад ибн Марвон ибн
 ал-Ҳакам (Халифа) 163, 170—
 172
 Мард (одам) 27, 128
 Мардона (Момо ҳаво) 27, 128
 Мардовиж 75
 Мардуқанфид 120
 Марзубон (Яман подшоши) 153
 Ал-Марзубон ибн Бахтиёр 178
 Марзубон ибн Рустам 237
 Маркин 126
 Марсад ибн Абд Кулол 152
 Марфа (Шамъуннинг онаси) 343
 Марям 53, 54, 58, 59, 65, 324, 334, 336, 337,
 339, 343, 344, 365, 366, 373
 Марям (мисрлик) 338, 371, 373
 Марям, Қайсар қизи 143
 Марқин 126
 Марнион 241
 Масара ибн Масруқ 166
 Масжимурдақус 120
 Масих, қ. Исо Масаҳ
 Масруқ ибн Абраҳа 153
 Массисо Руҳо 248
 Масъуд 10, 11
 Матвиевская Г. П. 14
 Матто 57, 58, 342, 361
 Матушолних ибн Ахнух 107, 235
 Маъмун I 7
 Ал-Маъмун Али ибн Исо 253
 Ал-Маъмун ибн Ҳарун ар-Рашид 173, 389,
 392
 Ал-Маъмун ибн Аҳмад ас-Саламий ал-
 Ҳаравий 290, 335, 344
 Маҳдий (Имом) 247, 249, 251
 Ал-Маҳдий (Халифа) 247, 248
 Маҳлоил ибн Қайнон 107
 Маҳмуд ибн Сабуктагин Ғазнавий 8—10,
 18, 178
 Никоил 343
 Минно 281, 334
 Минучеҳра 74, 259
 Митраюс 119
 Митродур 288—292, 295, 297, 302, 304, 305,
 309—318
 Мишо 27, 128, 130, 134, 136
 Мишона 27, 128, 130, 134, 136
 Мишоил 342
 Миҳоил ибн Ниқифур 127
 Миҳоил Қустантиний 125
 Миҳоил ибн Журж 125
 Миҳоил ибн Истироқ 127
 Михаил ибн Суфил 127
 Миҳрон 165
 Моалс 371, 373
 Мобо 382
 Мовриқ 125
 Момо 344
 Морқус 58
- Мотам 135
 Момулус 118
 Момутус 118
 Моним 59, 102, 140, 142, 241—243, 251, 281,
 292
 Морживрж (шаҳид) 339
 Мор Фёдор 248
 Морий 367
 Морин (авлиё) 366, 369
 Мория 154
 Мория роҳиба 332
 Мория (қибтиялик) 162, 165
 Мория ибн Қалб 403
 Морт 370
 Морқ 339
 Морқус 56, 342
 Морқийён 59, 339
 Мотин 290, 294, 304, 311, 315
 Мошо Оллоҳ 112, 390
 Моҳ 136
 Ал-Муаззам 179
 Мубад 133, 134, 138, 144, 145
 Ал-Муваффақ 179
 Ал-Муғйира 167
 Мудосто 335
 Муизз ад-Давла 114
 Мулайка Довуд қизи 162
 Ал-Мунзир ибн Жабала 155
 Муовия 167, 168, 391
 Ал-Мунзир ибн Моас — Само 76, 156
 Ал-Мунзир ибн ал-Мунзир ибн ан-Нуъмон
 156
 Мунзир ибн ал-Нуъмон 154
 Ал-Мунзир ибн ан-Нуъмон ибн Имруул
 Қаис 156
 Ал-Мунзир ибн ан-Нуъмон ибн ан-Мунзир
 156
 Ал-Мунзир ибн ал-Ҳорис 154
 Мунтасир 179
 Муовия Абу Аъвар ас-Суламий 168
 Муовия ибн Абу Суфён 166, 169, 170
 Муовия ибн Язид ибн Муовия 170
 Мурдаҳай 324
 Мурра ибн Ҳаммом ибн Шайбон 403
 Мусайлим ибн Ҳабиб 245, 251
 Муслим ибн Абдулмалик 125
 Мусо ибн Имрон (алайҳиссалом) 51, 54—
 58, 64, 86, 88, 108, 110, 238,
 320—327, 340, 343, 367, 387,
 388, 391, 393—395, 407
 Мусо ибн Исо ал-Кисравий 23, 141
 Мусо ибн Муҳаммад 172
 Мусо ибн Шокир 193
 Мусотус 122
 Ал-Мустанн 174
 Ал-Мустақфий 177
 Ал-Мутаваккил (Халифа) 67, 68, 261
 Ан-Мутаваккил Иброҳим ибн ан-Аббос ас-
 Сулий 68
 Ал-Муттақий (Халифа) 177
 Ал-Муте (Халифа) 177

- Мухтор ибн Абу Убайд ас-Сақафий 248, 390
 Муъғим ибн Адий 159
 Муъин ад-давла 178
 Ал-Муътазз (Шоир ва адиб) 127
 Муътазид Биллоҳ 47, 68, 69, 103, 127, 182, 186, 231, 285, 287
 Ал-Муътамид (Ҳалифа) 67, 127
 Ал-Муътасим (Ҳалифа) 78, 333
 Муқавқус 162
 Муқанна 246, 247, 251
 Ал-Муқтадир Биллоҳ (Ҳалифа) 247, 249
 Ал-Муқтафи Биллоҳ 249
 Муҳаммад (пайғамбар) 39, 55, 56, 65, 66, 75, 111, 126, 229, 238, 240, 245, 249, 340, 341, 347
 Муҳаммад ибн Абдулазиз ал-Ҳошимий «ал-Комил», 300, 356, 377, 382
 Муҳаммад ибн Абдулмалик аз-Зайёт 317
 Муҳаммад ибн Жобир ал-Баттоний 225
 Муҳаммад ибн Абдуллоҳ 248
 Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад 172
 Муҳаммад ибн Али 248
 Муҳаммад ибн Али аш-Шалмағоний 250
 Муҳаммад ибн Баҳром ибн Митёр 252
 Муҳаммад ибн ал-Восиқ 174
 Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий (географ ва тарихчи) 77
 Муҳаммад ибн Жаъфар 173, 175
 Муҳаммад ибн Жаҳли ал-Бармакий 128
 Муҳаммад ибн Жобир ал-Баттоний 225, 389, 390, 420
 Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Устоз Бундод ас-Сарахсий 61
 Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий 23, 24, 34, 158, 389
 Муҳаммад ибн Мусо ибн Шокир 24, 87, 333
 Муҳаммад ибн ал-Муътазид 175
 Муҳаммад ибн Ҳанафия 248
 Муҳаммад ибн Ҳорун 172—174
 Муҳаммад ибн Митёр 303, 310
 Муҳаммад ал-Ҳазарий 34
 Набонассар 61—63
 Набухадносир I 120
 Набухадносир — Надивус 120
 Навбахт 314
 Навжусанас ибн Озарбахт 73
 Нажанувко 122
 Ан-Нажжаший 162
 Назир 161
 Нарсий ибн Ашконон 138
 Нарсий ал-Ашконий 139
 Нарсий ибн Баҳром 137, 139, 142, 144, 147
 Нарсий ибн Вийжан 137
 Нарсий ибн Фируз 137, 139
 Наср 155
 Настос 126
 Настурис 331
 Настур (Қустантаня батриқи) 339
 Настурий 342, 365, 366, 370
 Настур ар-Роҳиб 158, 339, 342
 Натан 220
 Нафаҳрос 121
 Наҳражон 156
 Нахшун 110
 Николай 335
 Ан-Никриси 320
 Нинавий 118, 369
 Нивус 118
 Нистур 124
 Ниқифур 125, 127
 Ан-Нобиға аз-Зубённий 156
 Нобуфуласару 120
 Нодоб 324
 Ноиб ал-Омулий 80, 290, 406
 Ноила (Санам) 70
 Норун ал-Малъун 123
 Норус 123
 Носир ал-Давла 114
 Носир ал-Утрус 263
 Нотус ибн Хусрав (Суғд) 135
 Нофаритос 122
 Ноху 121
 Нохфосус 121
 Ноқотонабос (I) 122
 Ноқотонабос (II) 122
 Ноҳур ибн Сориг 108
 Нумруд Ён Куш ибн Ҳом ибн Нух 119, 120
 Ан-Нуъмон (Ҳоварнаққи бино қилган) 157
 Ан-Нуъмон ибн ал-Айҳам ибн ал-Ҳарис 154
 Ан-Нуъмон ибн Амр ибн ал-Мунзир 154
 Ан-Нуъмон ибн ан-Асвад ибн ал-Мунзир 156
 Ан-Нуъмон ибн Имруул Қаис 156
 Ан-Нуъмон ибн ал-Муҳарин 167
 Ан-Нуъмон ибн ал-Мунзир 154
 Ан-Нуъмон ибн ал-Ҳорис 154
 Ан-Нуъмон (Ҳира подшоҳларидан бири, VI аср) 370
 Нух (пайғамбар) 58, 60, 92, 150, 387, 391
 Нух ибн Ламак 107
 Нух ибн Мансур 264, 393
 Обир ибн Шолнх 107
 Одам (ато) 27, 51, 59, 90, 106—108, 128, 130, 136, 184, 188—191, 210, 215, 216, 221, 222, 236, 275, 346, 355, 363, 370, 374, 378, 387, 394, 395
 Озарбод (мубад) 255
 Озарбод ибн Мораспанд 238
 Озарбон (подшоҳ) 140, 242
 Озармилухт (Парвиз қизи) 143—146, 148
 Озарҳур (Абул Ҳасан) 258
 Озодбиҳ ибн Моҳбиён ибн Меҳрибундод 156
 Ойша бинт Абу Бакр Сиддиқ 159, 161, 389
 Ал-Омилий (Абу Муҳаммад ан-Ноиб) 49
 Омина бинт Ваҳб ибн Абд Маноф 163
 Осо ибн Абнӣ 111
 Осурий 119
 Офрич (Хоразмшоҳ) 71
 Оқил ал-Мурор 152

- Павел (Булис) 123, 332, 345, 370, 372, 374
 Павел (муаллим) 342
 Павла 342
 Пантелеймон (Табиб) 343
 Парвиз ибн Хурмуз 144—146, 148
 Пафнутий (шаҳид) 343
 Петр 342, 372, 374
 Петр (Днмашқ батриқи) 337
 Петр (епископ) 335, 370
 Пешлод 136
 Поликарп (ускуф) 337
 Прокопий (шаҳид) 343
 Пурушосф 237
- Рабаом ибн Сулаймон 111
 Ар-Рабна ибн Наср 157
 Равуло (ускуф) 343
 Расулов А. 19, 35
 Рафоа ибн Зайд ибн ат-Тобут 239
 Раҳобоа 109
 Ар-Робе ибн Зиёд ал-Ҳорисий 168
 Розен В. Р. 10
 Ар-Розий (Абу Бакр Муҳаммад ибн За-
 кариё) 24
 Ар-Рози Биллоҳ (Муҳаммад ибн Жаъфар)
 250
- Ар-Ройй 52
 Ромон (шаҳид) 334
 Рустам ибн Дастон 132, 152, 165
 Рустам ибн Шарвин 75
 Руқайя бинт Муҳаммад 160
- Ас-Сабоҳ ибн Абраҳа ибн ас-Сабоҳ 152
 Сабуктагин 178
 Савва (роҳиб) 344
 Савар 382
 Садиков Х. У. 14
 Саид ибн Муҳаммад аз-Зуҳлий 136
 Савиқ 160
 Саид ибн ал-Ос 168
 Саид ибн ал-Фазл 254, 261
 Сайф ибн Зу Язан 153
 Салим 131, 135
 Саллинуc 119
 Саллом ибн Абдуло ибн Саллом 59
 Ас-Салломий 389—392
 Салм 131
 Салманосар 135
 Салмон ал-Аъшар 325
 Салмон ал-Форисий 59, 261
 Салом 130
 Салубо 164
 Самон Кўҳий ибн Шерзл 74
 Самонодоус 121
 Самсон 110
 Санораф 135
 Санҳориб иккинчи 135
 Ас-Сарахсий 240
 Сасанохусн 121
 Сасдукин 120
 Сафид Тумон қ. Зардушт 237
- Саъб ибн Ҳаммола Ҳимерий 77
 Саъд ибн Абу-л-Ваққос 165, 166
 Саъд ал-Мадоин 165
 Саълаба ибн Амр 154
 Селевка 344
 Сергей (авлиё) 366
 Сергей (шаҳид) 334, 371
 Сибавайх 406
 Сидқиё 111
 Сиёвуш ибн Қайковус 71
 Сиёмак ибн Мишо 130
 Ас-Сиддиқ Абдуллоҳ ибн Абу Куҳофа 164
 Сидус ибн Арқод 126
 Сидқиё 111, 321
 Силвестр 336
 Симино 334
 Симон 339
 Синаҳориб ибн Салманосар 135
 Синон (метеоролог) 310, 311, 314, 316, 318
 Синон ибн Собит ибн Қурра 285, 288, 289,
 302, 304—306, 384
- Сис 337
 Сисин 335
 Сисни 337
 Собий 235
 Собийхас 121
 Собинён 345
 Собит ибн Синон ибн Собит ибн Қурра 24,
 87, 113, 114, 288, 306
- Собоқун ал-Ҳабаший 121
 Совво 335
 Совдус (улуғ) 124, 125
 Совдус (кичик) 124
 Совун (Теон) 47, 63, 64.
 Солис 63
 Сом ибн Нармон 132
 Сом ибн Нуҳ 71, 107
 Сомирас 120
 Сомирус 76
 Сордум (Зу ибн Тумосп) 135
 Сориф ибн Арху 108
 Ас-Соҳиб Исмоил ибн Аббод 114
 Соҳиб ал-Имод (Роҳиб) Тамзуи 96
 Стефан 335, 370, 372, 374
 Стротониқ 344
 Сувар 234
 Сувар ибн Нафар ибн Йис 123
 Сулаймон ибн Абдулмалик 170
 Сулаймон ибн Довуд 76, 109, 111, 147, 152,
 254, 290, 325, 387
- Сурин 367, 369
 Суруш 258
 Сусирас 119
 Сусонос 121
 Сусрамус 119
 Суфёний 248
 Суфил ибн Михаил 127
 Суфрония 337
 Суғд ногус ибн Ҳусрав 135
 Суҳбон ибн Муҳрис 152

- Тавтонас 119
 Тавтаюс 119
 Тавус 122
 Тайм ибн Мурра 164
 Талмо (Рум подшоҳи) 322
 Таммузо 379
 Тарисён (авлиё) 369
 Тарохус ал-Ҳабаший 121
 Тарсо 377
 Таҳмурас ибн Вижаҳон ибн Инкаҳад ибн Ушанг 60, 130, 133, 134, 233, 254
 Тиадор 370
 Тибрий Афсимор 125
 Тибор 126
 Тибр ибн Август 123, 125
 Тит (подшоҳ) 344
 Титус 123
 Тиглотфалосар 135
 Тожи (золим) 268
 Толут 110
 Торих ибн Ноҳур 108
 Тотта 345
 Тоқомусис 121
 Тоҳир ибн Тоҳир 264
 Троёнус 123
 Тубба 152
 Тубба Асъад ибн Маликикариб 152
 Тубба ибн ал-Акрам 152
 Тубба ибн Хассон 152, 157
 Туж (подшоҳ) 130, 131
 Тузун 113
 Тулайха ибн Хувайлид 164
 Тулаъ ибн Фуо 110
 Туну Қаланкарирос 119
 Тутайл 343
 Убайд ибн ал-Абрас 156
 Убайдуллоҳ ибн Яҳъё 67
 Убайдуллоҳ ибн ал-Ҳасан 76
 Увдокс 288—298, 302, 304, 305, 309—311, 315—318
 Увлод ибн Бухтанассар 135
 Увфилос 119
 Увқтимин 288—295, 297, 298, 301—305, 309—311, 314—318
 Узиё ибн Амусиё 111
 Умайя ибн Ҳалаф 160, 170
 Умар қ. Умар ибн Ҳаттоб
 Умар ибн Абдулазиз 170
 Умар ибн Саъд 166
 Умар ал-Форуқ 164
 Умар ибн ал-Ҳаттоб 65—67, 77, 160, 165—167, 248, 395
 Умм Айман 158
 Умм Кулсун (пайғамбар қизи) 160, 162
 Умм Салама бинт Абу Умайя 161
 Умм-ул-Қайс 155
 Усмон қ. Усмон ибн Аффон
 Усмон ибн Аффон 160, 162, 167—169, 395
 Утба ибн Ҳазвон 167
 Уфрондию 120
 Ушаж 133
 Ушанг 130, 134
 Ухарис 122
 Ал-Фазл ибн Жаъфар 175
 Файлакус 237
 Файзуллаев О. 32
 Файноуш ибн Кириш 150
 Фалишжон 153
 Фамнуврас 120
 Фаниёс 119
 Ал-Фарат ибн Солиҳ ал-Бағдодий 362
 Фаржвоггир 75
 Фаровак 128
 Фаррухзод Хусрав 143, 146, 148
 Фаруқ 248
 Фарқод 155
 Фарғоний 16
 Фасинохис 121
 Фасомус 122
 Фасоммус 121
 Фасоммотиқус 121
 Фасоммусос 122
 Фасорон ибн Амр 155
 Фасуссиис 121
 Февроний 342
 Фёқла (шаҳид) 344
 Феодосий (роҳиб) 337
 Фийшаҳарт 156
 Филбқ 125
 Филиф 64, 74, 76, 121, 122, 124, 183, 184, 223, 288—292, 295, 297, 298, 302, 304, 310, 311, 314—318
 Филот 361
 Фиодос катта (Арнаб ўғли) 339
 Фиодос (кичик) 339
 Фирритидос 119
 Фисоғур (фифогор) 234, 237
 Фируз (Ардашир ибн Бобак авлодидан) 148
 Фируз (Хушанашбанда) 145
 Фируз ибн Баҳром 137, 138
 Фируз ибн Минузод 143
 Фирузон ибн Ҳурмузон 137
 Фируз ибн Яздижард 144—146
 Фируз ибн Ҳурмуз 138, 139, 270, 275
 Фирун 121
 Фиръавн 325
 Фодарун 241
 Фока (шаҳид) 343
 Фоллиг ибн Обин 108
 Фома (солиҳ) 343
 Форақлит 363
 Форис ибн Яҳузо ибн Еқуб 244
 Форуҳ 248
 Фотима Захро 160, 164, 391, 394
 Фотима Заҳҳок қизи 162
 Фруб 124
 Фудий 377
 Фулхорнё 124
 Фунён (авлиё) 366

- Футофостис 121
 Фуқ 126
 Фуқайм 48
 Фуқо 125
 Фюкк К 33, 34
 Ҳадича Ҳувайлид қизи (пайғамбарнинг хотини) 158, 159, 389, 392
 Ҳалидов А. Б. 19, 33
 Ханин (усқуб) 332
 Ханино 342
 Ал-Харожий (мунажжим) 287
 Харитон (роҳиб) 345
 Хинзируфур 120
 Холид ибн Бармак 68
 Холид ибн Абдулмалик ан-Марварузий 193
 Холид ибн ал-Валид 164, 245
 Холид ибн Сафво 401
 Холид ибн Язид ибн Муавия ибн Абу Суфён 347
 Холид ал-Қасрий 67
 Христиан ибн Синкило 233
 Христофор 339
 Хурзод ибн Дорбахор 153
 Хурзодоншаҳр 153
 Хурис ан-Нажроний 332
 Хурра Хусрав ибн Марзубон 153
 Хурразодхусрав 144, 145
 Хуршид ибн Зиёр 252
 Хуршид Мубад 260
 Хусрав 139, 156
 Хусрав (I) Анушервон 66, 143
 Хусрав Парвиз 311
 Хусрав II 135, 143, 162
 Хусрав ибн Ашконон 138
 Хусрав ибн Малозон 138
 Хусрав ибн Фирузон 137
 Хусрав ибн Кубод ибн Хурмуз 146, 148
 Хушанашбанда (сосоний подшоҳи) 144, 146, 148
 Хўхон 146
 Хўжа Ҳасан 9
 Чехразод 133, 134
 Аш-Шаъбий 66
 Шамкор ибн Анаб 110
 Шаммар 132
 Шамсулмаолий қ. Кобус ибн Вашмгир
 Шамуил 110, 326, 344
 Шамуний Мақбоё 343
 Шамъун (роҳиб) 326, 342
 Шамъун ибн Соббой 339, 366, 543
 Шамъун ас-Сафо 123, 342, 343, 370
 Шарм қ. Салм
 Шарохил ибн Жабала 155
 Шаҳрбарон 125
 Шаҳрбароз 143, 148
 Шерзил акбар — Шероншоҳ ибн Шерафна 74
 Шиломо (авлиё) 377
 Шируя ибн Хусрав Парвиз 144, 146, 161
 Шируя ибн Хурмуз 148
 Шис ибн Одам 107
 Шовул (Толут) 110
 Шолиҳ ибн Арфахшад 107
 Шопур (I) ибн Ардашир 142, 144—146, 155, 241—243
 Шопур (подшоҳ) 369
 Шопур ибн Ашк 137—139
 Шопур ибн Ашкон 139
 Шопур ал-Жунуд 147
 Шопур «Зуллактоф» қ. Шопур ибн Хурмуз
 Шопур ибн Шопур 142, 144—146
 Шопур ибн Хурмуз «Зуллактоф» 70, 142, 144—147, 152, 238, 257, 262
 Шчеглов В. П. 14
 Эдуард Захау 13, 14, 19, 33, 34
 Элеозар ибн Фарруҳ 93
 Элиё (сарраф) 344
 Ал-Эроншаҳрий 261, 264
 Юанна 335
 Юлиан 342
 Юлиана 335
 Юлиён (кофий) 124, 126
 Юлито (Қурёқ онаси) 343
 Юлийос 31, 86
 Юнон ибн Бурс 64
 Юнус (пайғамбар) 119, 369, 387, 394
 Юрбаам 109, 325, 326
 Юсом ибн Узиё 111
 Юстин 125
 Юстиниён 125, 339
 Юстинин (Бурни кесилган) 125
 Юсуф ар-Рамсоний ал-Бултоний 335, 361
 Юсуф ибн ал-Фазл 357, 358
 Юсуф ибн Еқуб 58, 60, 320, 387
 Юсуф ибн Холи 58, 59
 Юшаъ ибн Нун 109, 322, 325, 326
 Юшиё ибн Аммул 111
 Юҳанн ал-Кашкароний 366
 Юҳанно кичик (марвлик) 343, 361, 370, 372, 374
 Юҳанно (Инжил эгаси) 58, 123, 342, 343
 Юҳанн ал-Маллафон 366
 Яздижард ибн Баҳром «Гўр» 144—148
 Яздижард «Раҳимдил» 147
 Яздижард «Раҳимсиз» 148
 Яздижард (I) ибн Шопур 69, 82, 141, 142
 Яздижард (III) ибн Шаҳриёр ибн Хусрав Парвиз 51, 60, 66—69, 71, 127, 143, 145, 146, 148—150, 164, 167, 182, 184, 186, 187, 231, 238, 248, 276
 Яздижард ал-Ҳизорий 82
 Яздонбахт 242
 Язид ибн Абдулмалик 170
 Язид ибн ал-Валид ибн Язид 163, 171
 Язид (лаънати) Язид ибн Муовия 167, 390
 Язид ибн Муовия 170, 388, 389

- Яксум ибн Яксум 153
 Ялисей 343
 Япифан 342
 Ярид ибн Маҳлоил 107
 Яфтаҳ Жилодий 110
 Яъжуж 73, 77
 Яъруб 151
 Яъқуб (алайҳиссалом) 335
 Яъқуб (биринчи усқуф) 335
 Яъқуб (Исонинг биродари) 150
 Яъқуб (пайғамбар) 343, 387
 Яъқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий 299
 Яъқуб ибн мусо Никрисий 320, 321
 Яъвоҳоз ибн Юшиё 111
 Яҳудо 52, 53, 109
 Яҳудо Исхариот 361
 Яҳуёқим ибн Яъвоҳоз 111
 Яҳузо 244
 Яҳуёқин ибн Яҳуёқим 111, 321, 322
 Яҳуром ибн Яҳушофот 111
 Яҳушофот ибн Осо 111
 Яҳъё ибн Нуъмон (насроний) 242
 Яҳъё ибн Али ал-Анбарий 293, 294
 Яҳъё ибн Закариё 334, 336, 337, 342, 344, 387
 Яҳъё Муъмидон 339, 344, 366
 Яҳъё ан-Наҳвий 281
 Яҳъё ибн Холид ибн Бармок 30, 68
- Утих 339
- Ал-Қаддох 75
 Қаллиб 63
 Қаструндас 126
 Қай 150
 Қайнон ибн Ануш 107
 Қайсар Диқив 154
 Қайсар Настар 154
 Қалоюс 237
 Қамбуз 135
 Қарза ибн Қазъб 167
 Қарнута 334
 Қаюмарс 51, 60, 127, 128, 130, 132, 134, 268
 Қиналдин 120
 Қирнёқ (авлиё) 367, 369
 Қириқ (роҳиб) 342
 Қлавдий 123, 124
 Қлубатр 123
 Кобил 263
 Қобус ибн ал-Мунзир 156
 Қоллиб (Калипп) 288, 289, 291—295, 297, 298, 302, 304, 305, 309—311, 314—318
 Қобус ибн Вашигир 7, 8, 18, 39, 40, 75, 178, 425
 Қоринс 124
 Қорс 124, 337
 Ал-Қосим ибн Убайдуллоҳ 178
 Қосир 289, 291—295, 297, 298, 301, 304, 305, 309—311, 314—317
 Қоҳит 108
 Кубод 75
 Кубод ибн Фируз 142, 143, 145, 146, 148, 243
 Кубод Шурия 145
- Қубод ибн Хусрав 143
 Қудак 150
 Қузма 337
 Қунун 290—292, 294, 298, 304, 317, 318
 Қурбиқус ибн Фатак қ. Моний
 Қурёқ 343
 Қурз ибн Жобир 160
 Қурс (Луқросб) 135
 Қурш (Баҳман амалдори) 57
 Қустантин ибн Илюн 125, 127
 Қустантин ибн Ловий 125, 126
 Қустантин (подшоҳ) 124, 125, 338, 342, 344
 Қустантин ибн Ҳилоно 126, 339
 Қустантин ибн Ҳирақл 125, 126
 Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий 16, 26, 71, 72, 84
- Фазанфор ат-Табризий 12
 Гардин (подшоҳ) 126
 Гол 124
 Гор 131
 Гоъй-Ивлиюс 123
 Гумбисус 121
 Гурдиён қ. Журдиён
 Гуриё (шаҳид) 334
- Ҳабаш (Ҳисобдон) 225—227, 229
 Ҳабиб ибн Биҳриз 64
 Ҳабиб ибн Маслават ал-Фихрий 168
 Ҳавво (Момо Ҳаво) 27, 128, 130, 136, 136, 275, 395
 Ҳаддод ибн Шароҳил ал-Ҳадҳод 152
 Ҳажжож ибн Юсуф Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр 390
 Ҳазиқил (пайғамбар) 344
 Ҳазура (Акраман ўғли) 128
 Ҳалима 158
 Ал-Ҳаллож 251
 Ал-Ҳамдакий (Муножоним) 287
 Ҳамза 349, 394
 Ҳамза ибн ал-Ҳасан ал-Исфаҳоний 24, 67, 126, 127, 244
 Ҳамза ибн ал-Ҳусайн ал-Исфаҳоний 132, 133, 137, 138, 141, 144, 145, 147
- Ҳанино ибн Тардиюн 326
 Ҳанна (хиндистонлик) 311
 Ҳарузо (Фаришта) 257
 Ҳасан ибн Али 161, 169, 394
 Ал-Ҳасан ибн Бувайҳ 178
 Ҳасан ибн Зайд ал-Алавий 267
 Ҳасан ибн Зайд ал-Бурқуий 393
 Ҳассон ибн Амр ибн Тубба 152
 Ҳассон ибн Тубба 152
 Ҳафса бинт Умар ибн ал-Ҳаттоб 160
 Ҳизқиё ибн Аҳоз 111, 325
 Ҳилоно (Қустантин онаси) 124
 Химяр ибн Сабо 151
 Хирадус (подшоҳ) 335
 Хирақл (Геракл) 125, 126, 165, 166, 245
 Хирмис (мисрлик) 234, 235, 338, 403
 Ҳишом ибн Абдулмалик 67, 170
 Ҳишом ибн ал-Муъир ал-Маҳзумий 70

- Хишом ибн ал-Қосим 128
 Ҳобил (одам ўғли) 263
 Ҳомон 323, 324, 326, 327
 Ал-Ҳорис ибн ал-Айҳам 154
 Ал-Ҳорис ибн Амр ал-Қиндий 157
 Ал-Ҳорис ибн Жабола 154, 155
 Ал-Ҳорис ар-Ройнш 151
 Ал-Ҳорис ибн Саълаба 154
 Ал-Ҳорис ибн Хужр 154
 Ҳорон ибн Тараҳ 233
 Хорун ибн Имрон 88, 320, 324, 326, 327
 Хорун ибн Муҳаммад 172, 173
 Хорун ар-Рашид 68, 127, 177, 335
 Хошим ибн Ҳаким 246
 Ал-Ҳошимий 379
 Хубал 69
 Хужр ибн ан-Нуъмон 154
 Ҳузайма 160
 Ҳузайфа ибн Абд ибн Фуқайм 48
 Хумоний 132
 Хурмуз 136, 146, 382
 Хурмуз ибн Анушервон 144—146, 148
 Хурмуз ибн Балаш 65, 137, 138
 Хурмуз ибн Нарсий 137, 139, 142, 144—147
 Хурмуз ибн Шопур ал-Жунуд 142, 144—147, 242, 262
 Хурмуз (V) ибн Хусрав 143
 Хурмузон ибн Балаш 137
 Хусайн ибн Али ибн Абу Толиб 161, 170, 173, 371, 372, 386, 388, 389, 394
 Ал-Хусайн ибн Али Исо ибн Моҳон 173
 Хусайн ибн Мансур ал-Ҳаллож 247
 Хусайн ибн Қосим 250
 Хутанг Пешдод 268
 Хуяйи ибн ал-Ахтаб 239

ЖУҒРОФИЙ ВА ЭТНИК НОМЛАР ҚўРСАТҚИЧИ

- Абаршаҳр — шаҳар 307
 Аббосийлар (араб халифалари сулоласи) 16, 163, 177, 246, 249, 382, 389, 393
 Абво 158, 160
 Абнвард (шаҳар) 129
 Абу Холид (дайр) 371, 373
 Авс (қабила) 70
 Адан (шаҳар) 136
 Адий 158
 Ажамликлар 32, 256, 264, 266, 288, 297, 302, 370
 Ажнодайн (шаҳар) 164
 Азд (қабила) 154, 155
 Азриот (шаҳар) 315
 Айлон 130
 Айн ал-Вардани (шаҳар) 166
 Айн аш-Шамс (шаҳар) 172.
 Амолақа 110, 131
 Амударё 9, 27, 32, 247, 305, 311, 315
 Анбор (шаҳар) 157
 Андалус 312
 Анс 153
 Ансор 167
 Антокия 165, 245, 332, 333
 Анқара 9, 168.
 Араблар 13, 14, 16, 25, 26, 29, 30, 31, 42, 48, 69, 70, 75, 95—99, 102, 103, 143, 150, 154, 157, 164, 185, 226, 239, 240, 249, 282, 283, 288, 297—300, 310, 316, 339, 370, 375, 383, 392, 397—399, 401, 403, 404, 406, 408, 413
 Арабийлар 114
 Арзирум 168
 Арманистон 73, 168, 264, 345
 Армения қ. Арманистон
 Арофат 385, 394, 395
 Асвон 305
 Аслам 385
 Асқолон 167
 Афригийлар 5
 Афсус 123
 Афғонистон 8, 11, 32
 Ашконийлар 23, 51, 136—138, 141, 146—148, 344
 Аҳвон 167
 Баалбак 165
 Бадр 160, 389, 392, 393
 Байтуллаҳм 110
 Байтулмақаддас 52, 54, 57, 58, 64, 73, 92, 93, 108, 110, 111, 121, 123, 124, 132, 149, 150, 158, 160, 166, 190, 193—195, 235, 319, 321—323, 326, 335, 337—339, 341, 342, 344, 361—363, 365, 366, 382, 388, 391, 392
 Бакр (қабила) 70
 Балинос (шаҳар) 70, 328
 Балх 119, 233, 236, 280
 Балқоъ (шаҳар) 70
 Бани Аммунон 110
 Бани Исроиил 23, 48, 53, 54, 56, 57, 58, 59, 88, 93, 108, 109, 111, 117, 119, 122, 149, 150, 319—328, 340, 355, 365
 Бани Ифройм 110
 Бани Кинон 97
 Бани Лихён 161
 Бани Мустанлиқ 161
 Бани Томим 245
 Бани Умайя 163, 248
 Бани Фазора 161
 Бани Ярбуъ 70
 Бани Қаҳтон 71
 Бани Кузоа 153
 Бани Курайб 161
 Бани Ҳанифа 245
 Бараҳманлар 237
 Барбарлар 74

- Барик (тоғ) 392
 Барқа (шаҳар) 167
 Басра (шаҳар) 169, 285, 393
 Батнон 377
 Батолиса (Батлимуснинг кўплиги, яъни баг-
 лимус подшоҳлар) 66
 Бағдод 113, 173, 193, 226, 247, 254, 255, 285,
 310, 314, 366, 378
 Бизантия (мамлакат) 342
 Бинемин 323
 Бирлашган Араб республикаси 31
 Бобил (Вавилон) 24, 53, 55, 57, 60, 61, 64,
 73, 76, 119, 120, 134, 140, 149,
 235, 237, 241, 249, 255, 266, 280,
 382
 Бобил — Абвоб 73, 78
 Бобилликлар (вавилонликлар) 90, 120
 Бодғис (шаҳар) 246
 Бомийн 129, 308
 Ботиния 249
 Бувайҳийлар 114
 Булғор 78
 Бусро 158, 305, 311, 315
 Бухоро 32, 129, 279, 287, 299, 308
 Бухортак 103
 Бушанж (тоғ) 256
- Ваддон 160
 Ал-Вардо 166
 Васонийлар 382
 Вифания 361
 Восит 235, 285
- Гузгон 129
 Гумдон 71, 314
- Дажла 32, 305
 Дайлам 240, 247, 249
 Дайр Айюб 305
 Дамат ал — Жандал 23, 161
 Данбаваид 60, 129, 262, 269
 Дон 110
 Деҳи-нав (қишлоқ) 308
 Димашқ 165, 193, 234, 248, 292, 337, 388
 Динори розий 275
 Диҳистон 129
 Домдод 128
 Доро шаҳри 275
- Европа 11
- Ал-Жабал (дайр) 378
 Жайин 60
 Жайхун (Амударё) 7, 71, 282
 Ал-Жазира 109
 Жаловло 166
 Жамолобадҳара 116
 Жафна 153
 Жаъфар (вилоят) 235
 Ал Жобия (шаҳар) 166
 Жибол (вилоят) 75, 136, 138
 Жомила 235
 Жудий (тоғ) 60, 387
 Жундишопур (шаҳар) 242
 31—124
- Журдиён (Ғурдиён) 124
 Журжон 7, 13, 114, 129, 270, 275, 290, 292,
 320, 405
- Завзон (шаҳар) 246
 Зайтун 361
 Замзам (Маккадаги муладдас булоқ) 248
 Занжлар 103
 Занжон (шаҳар) 275
 Зарнаж 168
 Зафар (шаҳар) 239
 Зибованд 130
 Зито (тоғ) 361
 Зот ар — Риҳоъа 161
 Золиқ (шаҳар) 168
 Зоҳид 156
 Зумайл 156
 Зу Қарад 161
 Зу Қор 370
- Ибронийлар 48, 245
 Илиюс 119
 Илэ (шаҳар) 248, 335
 Индонезия 31
 Ироқ 31, 74, 93, 94, 119, 130, 131, 136, 138,
 141, 157, 164, 235, 240, 244, 288,
 290, 315, 331, 382, 406
- Искандарий 123, 128, 166, 167, 291, 302,
 335
- Исбаҳбадон — дара 210
 Исбижоб 264
 Истамбул 13, 19, 33, 34, 124, 143
 Истахр 82, 128, 147, 167
 Исфаҳон 7, 60, 167, 177, 248, 252, 270, 275
 Ифриқия (Африка) 151, 167, 168
 Ифсис (шаҳар) 339
- Қавказ 5
 Қаёнийлар 119, 134, 233, 264
 Қалвозо 254
 Қалда 60, 61
 Қалдонийлар 47, 60, 119, 120, 383
 Қанъон 108
 Қараж 269
 Қарбало (шаҳар) 170, 387
 Каспий (денгиз) 7
 Қаш (шаҳар) 129, 247
 Қазба 69—71, 158, 160, 234, 391, 394
 Ал-Қаҳҳол (дайр) 366
 Кимок (мамлакат) 308
 Кинона (қабилла) 48, 97, 158
 Қобул 129, 168
 Қова қимардон (қишлоқ) 246
 Қозий (дайр) 378
 Қот (шаҳар) 5, 7
 Қоми фируз 275
 Қумужкат (қишлоқ) 279
 Қуфа 60, 102, 157, 166, 169, 248, 390
 Қуъсо арғи 242
 Қуҳистон 168
 Қўк денгиз 79
- Лахмийлар 155, 157

- Лейпциг 13, 19, 33
 Ленинград 13, 14, 19, 33, 34
 Маадл (қабилла) 152, 155
 Мавоб 110
 Мавсул 117—119
 Мадъян 110, 117
 Мадина 65, 66, 158, 162, 164, 387—389, 396
 Мадинатуссалом (Бағдод) 93, 222, 314, 331, 387
 Ал-Мадоин 165
 Мажусийлар 236—238, 241, 242, 246, 249, 254, 276, 279, 280, 282, 331, 343, 392
 Ал-Мазор (вилоят) 165
 Майсон (вилоят) 167
 Македония 122
 Македонияликлар 16
 Макка 65, 66, 70, 158, 159, 162, 164, 170, 248, 386, 388, 389, 392—395,
 Малтия 63
 Манбиж 317
 Манкур (тоғ) 308
 Мансур (шаҳар) 314
 Марв 129, 167, 168, 173, 246, 342
 Марварруд 168
 Марв аш-Шоҳжон 67, 331
 Мардину (қишлоқ) 242
 Ал-Масийса 248
 Мағриб (Алжир, Тунис ва Марокаси) 60, 73, 75, 77, 119, 135, 241, 312.
 Мағрибликлар 31, 104, 134
 Меҳржон 307
 Мино 385, 395
 Миср 23, 29, 53, 54, 57, 60, 63, 65, 88, 117, 121, 129, 166, 286, 288, 290, 291, 303, 320, 321, 331, 355, 362
 Мисрликлар 31, 104, 241,
 Михрон 165
 Мовароуннаҳр 8, 31, 82, 280
 Моҳ 136
 Мувсул 231
 Мулук ат-тавойиф 51
 Ал-Мусталик 385
 Нажд (Арабистондаги вилоят) 385
 Нажрон (Арабистондаги вилоят) 166, 394
 Найсобур (Нишопур) 129
 Нандиа (қалъа) 10
 Насаф 247
 Насибин (шаҳар) 166
 Насо 129, 243
 Настурия 342, 345, 365
 Наҳравон 169
 Никия 124, 338
 Нил 286, 295, 303, 305, 306, 310, 311, 320
 Нинуй (шаҳар) 119
 Нишопур 246, 344
 Нобулус 58
 Нуба 129
 Нуҳайла 165
 Од қавми 117, 299
 Озарбайжон 76, 77, 167, 236—238, 255
 Озархуро 275
 Омул 260
 Оснё 11, 19
 Осурий (суриялик) 117, 120
 Оташпарастрлар 50, 53, 58, 60, 66, 135
 Пешдодий 130, 133
 Пешдодиялар 233, 130
 Петербург 19
 Петроград 14
 Раббонийлар 92, 93
 Раббтур (тоғ) 394
 Разво (тоғ) 248
 Рай (шаҳар) 167, 275, 399
 Ратоил (орол) 248
 Раъд 405
 Ар-Раққо 166
 Ромин 405
 Ромуш 279
 Румликлар 25, 30, 31, 42, 47, 48, 71, 74, 85—87, 94, 104, 122, 125, 138, 147, 149, 223, 225, 234, 237, 285, 286, 296, 298, 313, 318, 333, 335, 336, 359, 378
 Ар-Руҳо (шаҳар номи) 125, 166
 Савод 94, 235
 Саламия 315
 Саламсин 234
 Самарқанд 78, 129, 243
 Самудийлар 31, 98
 Саолиба 318, 372
 Саруж 379
 Сарандиб (Цейлон) 115, 136, 405
 Сарахс (шаҳар) 129, 168
 Сарир 129
 Сиблон 237
 Сижистон 29, 291, 393
 Сижистонликлар 104
 Сила (анҳор) 235
 Синий (дайри) 378
 Сино (тоғ) 56, 325, 337
 Сириванд (қишлоқ) 246
 Сиффин 391
 Сиҳьян (тоғ) 361
 Собийлар 48, 53, 233, 234, 235, 249, 254, 377, 379,—382
 Ас-Собот 156
 Сова (жой номи) 260
 Соир 56
 Солис 63, 64
 Сомудийлар 97, 103
 Сомарра 118
 Сомирийлар 57, 58, 382, 392
 Сомонийлар 179
 Сосонийлар 16, 51, 127, 128, 249
 Ас-Субар (дайри) 373
 Сулайм (қабилла) 157

- Сурён (Сурия) 94, 129, 158, 164, 170, 184, 223, 235, 245, 285, 286, 312, 331
 Сурияликлар 47, 48, 55, 86, 90, 94, 104, 244, 318, 331, 337
 Сурра Ман Рао 113, 118, 173
 Суғд 30, 47, 82, 278, 279
 Суғдийлар 14, 29, 30, 82, 83, 84, 104, 231, 278, 279, 280, 283
- Табария 328
 Табаристон 29, 75, 129, 168, 259, 268, 290, 291, 393
- Табук 162
 Талл — Музан 166
 Тахористонликлар 260
 Таъруз 234
 Тағлиб (қабил) 70
 Термез 129
 Техрон 7, 13, 19, 20
 Тибат (Тибет) 103, 243
 Тибатликлар 315
 Тиннис 295
 Ат-Тих 326
 Тихома 69
 Тонф 159, 162
 Толакон 247
 Турабдин 166
 Туркия 23, 31
 Турклар 103, 104, 130, 243, 265, 290, 308
 Тус 172, 307
 Тустар 323
- Укайл (қабил) 385
 Укоз 385
 Умавийлар (сулола) 16, 312, 387, 396
 Урганч 7, 8
 Урдун 315, 328, 336, 361
 Усрушо 129
 Уфсус 333
- Фавор (тоғ) 343
 Файлавин 308
 Фаластин 58, 118, 122, 123, 164, 315
 Фарғона 28, 29, 115, 129, 259, 290
 Фаҳла 275
 Ал-Фир (қалъа) 71
 Форон (чўл) 56
 Ал-Фурот (Явфрат) 32, 167, 305, 389
 Фустат 303
- Хаварнак 156, 157
 Хавоф 246
 Хазар 103
 Хазраж (қабил) 70
 Хазрамавт 385
 Халидуния 339
 Хитой 5, 73, 129, 235, 243, 246, 291, 302
 Хитойликлар 27, 103, 317
 Хоразм 5—9, 12, 14, 15, 16, 26, 29—32, 47, 71, 76, 82, 128, 129, 226, 278, 281, 283, 290, 293, 302, 331, 339
- Хоразмликлар 14, 25, 29, 83, 84, 104, 123, 278, 282, 289
 Христианлар 13, 14, 16, 27, 48, 50—61, 94, 99, 107, 108, 118, 124, 135, 209, 226, 234, 241, 242, 248, 293, 331, 334—365, 375, 380, 392, 394
 Худойбия 162
 Хузистон 245, 339
 Хузоа 161, 167
 Хуросон 8, 30, 73, 76, 235, 249, 255, 259, 260, 262, 264, 275, 331, 332, 335—337, 339, 393
 Хуросонликлар 235
 Хусравлар 71, 130, 257
 Хўтан 315
- Шаманийлар 27, 235, 236
 Шаммо (қабил) 323
 Шарвин 147
 Шарқ 11, 20, 33, 323
 Шарқий денгиз 129
 Шарқий Европа 5
 Шаҳризурд 74
 Шерван 76, 129
 Шероз 263, 276
 Шом 31, 57, 60, 73, 84, 93, 94, 130, 153, 154, 157, 158, 244, 245, 248, 290, 297, 305, 331, 382, 389, 401, 402
- Шопур (шаҳар) 128, 167, 168
 Шоҳжон 168
 Шоҳин 261
- Элиё 344
 Эрон 15, 16, 23, 24, 30—32, 34, 64, 66—69, 73, 76, 79, 81—83, 122, 127, 129—132, 134, 136, 140—142, 149, 150, 151, 168, 187, 241, 244, 254, 261, 263, 266, 270, 280
- Эронликлар 14, 17, 25, 27, 30, 31, 42, 47, 51, 53, 60, 65, 67, 69, 71, 74, 79—83, 98, 103, 104, 122, 127—130, 135, 136, 138, 141, 147, 150, 153, 231, 234, 238—241, 243, 249, 252—256, 258
- Эроншаҳр 131, 257, 259, 260—262, 268—270, 275—280, 318
- Эроншаҳрликлар 265
 Эҳром 162
- Юнонликлар 14, 31, 64, 104, 119, 122, 149, 234, 236, 237, 267, 322, 402
 Юнон 6, 13, 64, 248, 255, 312, 328
 Юҳани дайри 366
- Яман 71, 77, 128, 151—153, 157, 290, 307, 399, 405
 Ямома (шаҳар) 115, 164, 245, 385
 Ярмук 165, 391
 Яъқубийлар 331, 337
 Яқин Шарқ 5, 11
 Яҳудийлар 13, 14, 27, 31, 48—59, 64, 88—91, 93, 94, 97, 99, 103, 106—108, 110, 118, 123, 135, 149, 153, 188—

- 191, 193, 195, 199, 205, 206, 209, 212, 213, 215, 216, 219, 221, 222, 226, 235, 239, 244, 248, 251, 318—328, 337, 338, 342—344, 346—348, 351, 352, 355, 358, 359, 361, 366, 377, 379, 387, 388, 391
- Ўзбекистон 33
 Урта Осиё 5, 7, 8, 11, 14, 15, 25, 26, 33, 34
 Ўғиз турклар 281, 308
- Қайнуқо 160
 Қайравон 307
- Қайсария 166, 348
 Қаламис қ. Кинона
 Қаннуж 129
 Қард (шаҳар) 166
 Қаҳтон 151
 Ал-Қаҳҳор 371, 383
 Қибрис (Кипр) 168
 Қибтийлар 14, 31, 64, 84, 85, 129, 286, 288—298, 301, 302, 304, 305, 309—318, 383, 384
- Қизил денгиз 109
 Қиннасрин 167
 Қодисия (дайр) 165, 371, 373
 Қозий (дайр) 378
 Қоракхонийлар 7, 8, 9
 Қоҳира 9
 Қубо аҳолиси 103
 Қудр 160
 Қум (шаҳар) 270
 Қурайш (қабилла) 158, 159, 239, 245, 385
- Қўстантаня 125, 126, 165, 168, 245, 332, 333, 336, 339
 Ғазна 9, 10
 Ғаржистон 129
 Ғассония 153
 Ғатфон (қабилла) 385
 Ғумдон 71
- Ҳабаш 103, 129, 305
 Ҳабашлар 70, 239, 385
 Ҳавозин (қабилла) 267, 335, 342, 347, 363, 369, 385
- Ҳазар 129, 249, 260
 Ҳазраж 70
 Ҳайбар 385
 Ҳайвониялар 310
 Ҳамадон 167
 Ҳарнонликлар 63
 Ҳаррон 234, 237—379
 Ҳарронийлар 14, 48, 233, 235, 382, 392
 Ҳижоз 109, 166, 288, 290, 405
 Ҳизор 82
 Ҳилол (қабилла) 160, 323
 Ҳимар 71, 153, 239
 Ҳимс 165
 Ҳиндистон 5, 6, 10, 11, 73, 103, 233, 235, 241, 243, 269, 270, 311
 Ҳиндлар 27, 31, 49, 87, 104, 116, 129, 236, 237, 243, 303, 318, 397
- Ҳира 71, 155, 157, 370
 Ҳирот 29, 168, 291
 Ҳузайл 161
 Ҳулвон 60
 Ҳунайн (қабилла) 162

АСАРЛАР НОМЛАРИ ҚўРСАТКИЧИ

- Абисто (Авеста) 26, 128, 132, 133, 144, 146, 237, 238, 244, 258, 259
 «Анво китоби» 24, 288, 318, 409
 «Асосий китоби» 247
 «Астрономик кузатишлардаги ихтилофларни исботлаш китоби» 61
 «Ахбор ал-Ҳукамо» 34
- «Башоратлар китоби» 247, 248
- «Беруний билан Ибн Синнинг савол-жавоблари» 8
 «Беруний — великий ученый Средневековья» 9, 14
 «Буржлар қўшилиши китоби» 58
 «Буюк миллатлар эраларига оид китоб» 390
 «Бўяма гапларга қарши оғоҳлантириш» 112
- «Варақлар китоби» 67
 «Вақтларни аниқлаш» 86
- «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб» 11.
 «Етмишлар инжили» 59
 «Етмишлар Таврот» 57
- «Ерқин чироқ» 34
 «Жабборлар ҳақида китоб» 242
 «Жуғрофия» 77
 «Забур» 361
 «Зижи Шахриёроншоҳ» 43
 «Зиж Синдҳинд» 87
- «Избранные произведения» 111, Геодезия 9
 «Илми нужумга кириш» 230
 Индия 10
 «Инжил» 13, 18, 58, 59, 76, 123, 241, 242, 248, 334, 335, 339, 342—344, 361, 370, 393, 394
 «Иршод ал-ариб ило маърифат ал-аадиб» 7, 8, 10—12
 «Ишончли нур» 34
 «Ишоратлар китоби» 341
- «Ўйнома китоби» 238
 «Ўўллар ва давлатлар ҳақида китоб» 77
 «Ўўллар ва мамлакатлар китоби» 290, 307, 328
 «Қатта таржиман ҳол» 144
 «Қатта ўлчов китоби» 247

- «Китоб ал-анво» 314
 «Китоб ал-ансоб» 5
 «Китоб аҳллари» 106
 «Китоб ал-боъ» 392
 «Китоб ал-Вишоҳ» 77, 97
 «Китоб ал-жамоҳир фи-л-маърифат ал-жавоҳир» 34
 «Китоб ал-кусуфот» 389, 390
 «Китоб ал-масолик ва-л-мамолик» 77
 «Китоб ал-Мужир» 384
 «Китоб ас-Сайдона фи-т-тибб» 11
 «Китоб ат-тарих» 23, 158
 «Китобхонаи хайём» 34
 «Кичик ўлчов китоби» 247
 «(Кишилар) руҳларига шифо берувчи қуёш-лар китоби» 112
 «Кузатишлардаги ихтилофлар ҳақида далиллар китоби» 46, 215
- «Ломисосийя» 57
- «Масъуд қонуний» 11, 34
 «Мафотиҳ ал-улум» 34
 «Мақолалар китоби» 321, 327, 328
 Ал-Мижастий 47, 63, 65, 87, 120, 186, 414, 420
 «Минералогия» 7, 11
 Ал-Мисбах ал-Мунир 34
 «Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар» 6.
 «Ал-Мусанно» 5, 6
 «Муҳит ал-Муҳит» 34
 «Нур ал-Яқин» 34
- «(Ой) гардишлар жижи» 383
 «Олам йиллари» 109, 149
 «Олтинчи сезувчи» 250
 «Осмон куррасига тегишли фанга кириш» 383
 Ал-Осор ал-Боқия ан ал-Қурун ал-Ҳолия 7, 13, 14, 16, 18—21, 24, 32—35
 «Оқ кийимликлар ва қароматийлар хабарлари ҳақида» 247
- «Палестинский сборник», вып. 4 (67), М.—Л., 1959, 19
 «Памятники мннувших поколений» 14
 «Рақамлар китоби» 181
 «Рецензия на издание арабского текста Индии», ЗВО, РАО, III, СПб., 1881, стр. 147.
 «Румликлар фани ҳақида китоб» 333, 336
- Сайдона 11, 12
 «Сивон ал-ҳикма» 34
 «Сидир-Улом» 109, 111, 149
 «Сирлар китоби» 242, 389
 «Сирлар ҳақида музокаралар китоби» 115
 «Сняр ал-Мулук» 128
- «Табиёт ажойиботлари ва сунъий ға-ройиботлар» 276
- «Таврот» 13, 23, 52, 53, 56—61, 75, 84, 88, 106, 108, 117, 122, 150, 209, 210, 235, 320—322, 325—328, 337, 364, 388, 393
 «Таржимаи ҳол китоби» 132
 «Тарих»-Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий 77
 «Ат-Тафҳим л-авоил синоат ат-танжим» 6
 «Таҳдид ниҳоят ал-амокин ли тасҳиҳ мисо-фат ал-масокин» 9
 «Таҳқиқ мо Ли-л-Ҳинд мин маъқула мақ-була фи-л-ақл ав марзула» 10
 «Тириклар хазинаси» 242
 «Тож» 74
 «Тонг» 49, 80, 290
 Турар жойлар орасидаги масофани текши-риш учун жойларнинг охириги чегараларини аниқлаш 9
 «Туғилиш китоби» 237
 «Турғун юлдузлар китоби» 420
- «Устурлоб санъатида мумкин бўлган йўл-ларни қамраган китоб» 357
 «Уюн ал-анбо» 34
- «Фаслар китоби» 313
 Фихрист 11
 «Фурқон» 393
 Хабарлар манбалари 34
 «Халқларнинг ўтиб ва йўқ бўлиб кетган улуғларининг тарихлари кито-би» 132
 «Хронология» 13
- «Шобурқон» 140, 141, 241, 242, 250
 «Шоҳнома» 74, 128, 140, 147
- «Чегаралар жадвали» 319
- «Эралар китоби» 389, 390
 «Эронликлар байрамларининг сабаблари ҳақида» 80
- «Юлдузларни кўриш илми» 283
- «Яширин шуъла ва нурларни ошкор этиш» 47
- «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» 12, 18, 20, 32
 «Кибла далиллари китоби» 85, 294
 «Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйи-ча маълумотлар тўплами» 34.
 «Ал-Қонун ал-Масъудий» 11
 «Қонунлар китоби» (Афлотун) 236
 «Қуёш ҳаракати ҳақида китоб» 383
 Қуръон 13, 44, 45, 73, 77, 116, 152, 300, 319, 328, 333, 334, 388, 393, 394
- «Ҳиндистон» 10, 12, 35

МУНДАРИЖА

И. Абдуллаев. Беруний ва унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асари	5
I. Бишлиш масалалари	21
Таржимондан	33

Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар

Кундуз билан кеча, улар мажмуининг моҳияти ва иккисининг бошланиш [вақти] устида сўз	42
Кеча-кундузлардан таркиб топувчи ойлар ва йиллар моҳияти	46
Тарихлар моҳияти ва миллатларнинг бу ҳақдаги ихтилофлари устида сўз	50
Зулқарнайн лақабини олган подшоҳнинг [кимлигини] аниқлашда турли миллатларнинг ихтилофлари устида сўз	73
Айтиб ўтилган йил ҳисобларида ишлатиладиган ойларнинг фазилатлари устида сўз	79
Баъзи тарихларни бошқасидан ҳисоблаб чиқариш, подшоҳлар тарихларининг [бошланиши] ва подшоҳлик муддатларига оид турли ривоятлар ҳақида сўз.	106
Яҳудийлар йиллари ва бошқа йиллардаги даврлар ва «тақувфалар», йиллар ва ойларнинг бошлари, кайфиятлари ва кабисалари ҳақида	188
Пайғамбарлик даъво қилган кишилар ва уларнинг алданган умматлари—уларга оламлар эгасининг лаънати бўлсин—тарихлари устида сўз	233
Эронликлар ойларидаги ҳайитлар ва машҳур кунлар устида сўз	252
Хоразмликлар ойларидаги шундай [кунлар] ҳақида сўз	278
Сугдийлар ойларидаги ҳайитлар устида сўз	280
Румликлар ойларидаги уларга ҳам, бошқаларга ҳам маълум бўлган [ҳайит] кунлари устида сўз	285
Хоразмликларнинг ҳайитлари ҳусусида хоразмшоҳнинг тутган йўли ҳақида сўз.	287
Яҳудийлар ўз ойларида қўллайдиган [кунлар] ҳақида сўз	319
Сурия ойларида маликоия христианлари эътибор этадиган [машҳур кунлар] ҳақида сўз	331
Христианлар рўзаси, ҳаммалари бир фикрга келган, рўзага туташиб келадиган ҳайитлари ва рўза билан бирга келиб-кетадиган маълум кунлари устида сўз.	346
Настурий христианларнинг ҳайитлари, хотирланадиган [кунлари] ва рўзалари ҳақида сўз	365
Жоҳилият [даврида] араблар қўллаган [ҳайитлар] тўғрисида сўз	375
Қадимий мажусийлар ҳайитлари, собийларнинг рўза ва ҳайитлари устида сўз.	382
Мусулмонлар қўлланадиган [машҳур кунлар] устида сўз	386
Ой манзиллари, уларнинг чиқиши, ботиши ва шакллари ҳақида сўз	397
Изоҳлар	417
Кўрсаткичлар	465

На узбекском языке

Бируни

Избранные произведения

Том I

**ПАМЯТНИКИ МИНУВШИХ
ПОКОЛЕНИЙ**

Издательство „Фан“ УзССР

Ташкент—1968

Муҳаррирлар Р. Қўчқортоева, Д. Мўминова

Техмуҳаррир З. П. Горьковая

Корректорлар Н. Раҳимова, Т. Абдужабборова

P15658. Теришга берилди 27/III-68 й. Босишга рухсат этилди 12/VII-68 й. Формати 84×108¹/₁₆-15,25 қоғоз. л. 15,24 босма л. Уч. -нашриёти л. 37,5. Нашриёт №1963. Тиражи 3000. Баҳоси 3 с. 04 т.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмахонаси, Черданцев кўчаси, 21. Заказ №124.

Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.